

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ



СТЕНДАЛЬ

ҚИЗИЛ ВА ҚОРА



СТЕНДАЛЬ

ЎЗИЛ ВА ҚОРА



1830 йил хроникаси

Русчадан

Ҳасан Тўрабеков
таржимаси

ТОШКЕНТ

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1986

«ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ»
СЕРИЯСИНИНГ ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Зулфия
Эркин Воҳидов
Азиз Қаюмов
Матёқубов Қўшжонов
Жамол Камол
Омон Матжон
Қодир Мирмухамедов
Мирмуҳсин
Асқад Мухтор
Ғайбулла Саломов
Рубен Сафаров
Александр Удалов
Ўлмас Умарбеков
Ўткир Ҳошимов
Озод Шарафиддинов
Шоислом Шомухамедов

«МЕН ҲАҚИҚАТНИ СЕВАРДИМ...»

Одатдаги ташвишли кунларининг бирида Стендаль газеталарни ва-рақлаб ўтириб, ғалати бир хабарни ўқиб қолади: Гренобль шаҳар суди Антуан Берте исмли навниҳол йигитни ўлим жазосига лойиқ топибди. Айбдор суднинг шафқатсиз ҳукмини зўр қувонч, ифтихор билан қарши олган. Газетанинг ёзишича, Антуан Берте оддий қишлоқ темирчисининг ўғли бўлган. Қишлоқ руҳонийси романтик табиатли бу йигитга ҳомийлик қилган. Ун тўққиз ёшга тўлар-тўлмас ақли, заковати ва ўткир зеҳни билан танилган Антуан бутун вилоятга донги кетган Мишу де Латур хонадонига тарбиячи бўлиб ишга жойланади. Орадан кўп вақт ўтмай серҳаяжон, хушқомат, тоғлом, ҳар бир хатти-ҳаракатида қизгин йигитлик нафаси уфуриб турган тарбиячи билан ўттиз олти ёшга қадам қўйган сулув де Латур хоним орасида ишқий роман бошланади. Қизгин эҳтирослар билан тўлиб-тошган бу роман шиддат билан давом этаётган бир пайтда тўсатдан узилиб қолади. Сир кўпчиликка ошқор бўлиб, тарбиячи ўзи севиб қолган хонадонни тарк қилишга мажбур бўлади. Бир пайтлар ҳомийлик қилган руҳоний Антуаннинг айбини тезроқ ёпиб юбориш мақсадида уни шоша-пиша диний семинарияга жойлаб қўяди. Ноаниқ сабабларга кўра семинария эшиклари ҳам йигит учун тақа-тақ ёпилиб қолади. У ўзига муносиб иш излаб, Кордон исмли бадавлат кишининг хонадонига тарбиячи бўлиб хизматга киради. Яна ўша эски роман қайта бошдан такрорланади: бу сафар Кордон хонимнинг шўх, шаддод, ҳазилкаш, ишқий романлар таъсирида тарбия топган қизи билан ишқий роман бошланади. Йигит яна ишдан ҳайдалади. Шу-шу, кучини қаерга қўйишни билмай юрган ишқипараст йигитнинг омади юришмай қолади, ишсизлик жонига тегади, ҳаётдан бе-зади. Бахтсиз бўлиб қолишининг сабабларини де Латур хонимдан деб билиб, якшанба кuni черковда ибодат қилаётганида унга пистолетдан ўқ узади ва сўнгра ўзини ҳам ўлдирмоқчи бўлади. Лекин йигитнинг нияти амалга ошмай қолади. Антуанни судга беришади. У судда ўзини мағрур тутиб, айбини яширмайди, аксинча, ўзига қаттиқ жазо берилишини талаб қилади. Ўлими олдидан: «Мен ҳақиқатни севардим... Лекин қанч у?.. Ҳаммаёқда фақат риёкорлик ёки энг камида, фирибгарлик, ҳатто энг диёнатли, энг улуг одамлар ҳам буидан мустасно эмас»,— дея жои беради.

Шапалоқдек келадиган газета хабари, айниқса, Антуан Бертенинг ўлим олдидан энтикиб: «Мен ҳақиқатни севардим...» деган оташин сўз-лари қирқ олти ёшга қадам қўйган Стендальни қаттиқ ҳаяжонга солган.

Езувчи газетани қўлдан қўймай, бир зумгина ҳадсиз-ҳисобсиз хаёллар оғушига кўмилади. Эҳтимол, шу пайт унинг хаёлида Наполеон армияси сафида Россияга кириб боргани, сўнгра аччиқ мағлубият, Италияга қилган саёҳатлари, шаҳар мэри бўлиш ҳақидаги орау-умидлари, севи изтироблари, романтик туйғуларининг чил-чил бўлиши, ҳаётнинг шафқатсиз зарбалари гавдаланган бўлса ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам газета хабари жаҳон адабиётининг подир асарларидан бири бўлмиш «Қизил ва қора» романининг ёзилишига туртки бўлгани аниқ.

Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Стендаль «Қизил ва қора» романини ёзгунига қадар ҳам қатор романлари, драмалари, «Италияда тасвирий санъат тарихи», «Гайда, Моцарт ва Метастазия», «Россиянинг ҳаёти», «Расин ва Шекспир», «Худбининг хотиралари», «Апри Брюларнинг ҳаёти» сингари рисолалари билан кенг ўқувчилар оmmasига таниш эди. Лекин бари бир тан олиб айтиш керакки, забардаст романист сифатида адабнинг шухратини оламга ёйган нафаси ўткир асарлардан бири «Қизил ва қора» романидир. Дидли китобхон газета хабарида келтирилган фактлар билан роман воқеаларини бир-бирига солиштирса, улар орасидаги ўхшашликнинг нақадар яқин эканини сезиб олиши қийин эмас. Бу шунчаки юзаки ўхшашлик. Аслида романининг ёзилишига туртки бўлган жиноят хроникаси баркамол ижтимоий-психологик роман даражасига кўтарилган. Шунинг учун ҳам М. Горький «Қизил ва қора» романини ўзининг сеvimли асарларидан бири сифатида ҳурмат билан тилга олиб ўтади.

«Қизил ва қора» романи вақт шамолларини писанд қилмай, ўша-ўша нафосати ва ўша-ўша таровати билан ҳам одамлар қалбига эзгулик, ҳақиқат уругини экиб келмоқда. Хўш, бу ҳодисанинг сирини нимада?

Ушбу саволга жавоб беришдан аввал «XX аср илмий-техника асри, шундай экан, жажжи романлар ёзиш пайти келди, келажак жажжи романларники» деган фикрга жиндай тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу фикрларда маълум даражада жон ҳам бор, албатта. Аммо бошқа бир тан олинган ҳақиқатни ҳам айтмасдан иложимиз йўқ. Хўш, нима учун ўн-ўн бешта жажжи романларга барабар келадиган Л. Толстойнинг «Тирилиш», «Анна Каренина», Стендалнинг «Қизил ва қора», «Парма ибодатхонаси» сингари қалин жилдли романларида кўтарилган масалалар, қаҳрамонларнинг тақдири ёшу қарини баб-барабар ҳаяжонга солади? Сабаби, бу романларда А. Фадеевнинг образли ибораси билан айтганда, «давр драмаси» ҳаққоний акс эттирилган. Сабаби, қаҳрамонларнинг эзгулик, адолат йўлида олиб борган курашлари чуқур ички дард билан ифода қилинган.

Бу фикрлар «Қизил ва қора» романи қаҳрамонларига ҳам тааллуқли. Урта бўйли, кўринишидан анча нимжон, гоёнда нозик, қирғийбурун Жюльен Сорелнинг метиндек иродаси борлигини дарров сезиб олиш қийин. Агар Жюльеннинг орау-хаёллари билан яқинроқ танишсангиз, уни ҳавойи хаёлпараст, деб ўйлаш ҳам мумкин. Нима учун десагиз, у мустақил ҳаёт йўлига чиқиб олганига қадар гоҳ офицер, гоҳ шаҳар мэри, гоҳ

роҳиб, гоҳ дипломат бўлишни орзу қилади,— қўйинчи, унинг барча орзу-хавасларини санаб битказиш қийин.

Мен Жюльеннинг ҳаёти билан илк бор танишганимда (бу воқеа эллигинчи йилларнинг охирлари ва олтинчи йилларнинг бошларида рўй берди) дарров Сервантеснинг Дон Кихоти билан Ярослав Гашекнинг шоввоз Швейкнинг хатти-ҳаракатларини кўз олдимга келтирган эдим. Уларнинг ҳаётида бир қарашда кўзга ташланмайдиган ички ўхшашликни излаган ва тошгандай ҳам бўлгандим. Негаки, Сервантес «телба қиёфа»даги Дон Кихот образи орқали мавжуд шарт-шароитни тан олишни истамайдиган кишилар образини ҳаққоний яратиб берган. Бу ғамгин қиёфа рицар ҳақоратланган ва эзилганларга ҳомий бўлишни истайди, дунёдаги зўравонлик ва зулми таг-томири билан юлиб ташлашга интилади, у жаҳонда адолат ва эркинлик ўрнатишни орзу қилади. Ярослав Гашекнинг ўз сеvimли қаҳрамонини ардоқлаб айтган «улуг даврга улуг кишилар керак. Лекин Наполеон шуҳратига эришмаган, ҳеч ким томонидан тан олинмаган, камтарин қаҳрамонлар ҳам бор оламда... Бироқ диққат билан қаралса, уларнинг шуҳрати олдида ҳатто македониялик Искандарнинг шуҳрати ҳам иш эшолмай қолади», деган доно сўзларида ва Швейкнинг хатти-ҳаракатида шу сўзларни тасдиқловчи ҳикмат бор. Уларнинг адолат тантанаси учун курашишларида маълум бир ўхшашлик бор. Лекин буларнинг ҳар бири ўз ҳавосидан нафас олиб, яққа ҳолда мавжуд тузумга қарши кураш олиб боради. Жюльеннинг кураши — кўпроқ унинг норозилигида, жамият устунлари ҳисобланмиш амалдорларни ёмон кўришида, энг муҳими, ҳақиқатни сеvimлида...

Жюльеннинг илк бор тарбиячи сифатида Веррьер шахрининг мэри жаноб де Реналь хонадонига ташриф қилганини кўз олдингизга келтиринг:

«Хайратдан де Реналь хонимнинг тили калимага келмай қолди: улар бир-бирларига тикилишганича бир зум туриб қолишди. Жюльен умри бино бўлиб бундай чиройли кийинган аёлни кўрмаган эди. Уни янада ажаблантирган нарса юзи суддек ошпоқ бу хонимнинг у билан мулоим гаплашгани бўлди. Де Реналь хоним деҳқон йигитчанинг аввалига докадек оқариб кўринган, энди эса доладек қизариб кетган юзидан думалаётган йиринк-йиринк ёш томчиларига тикилиб турарди. Кейин хоним кўққисдан худди ёш қизалоқларга ўхшаб қаҳқаҳа отиб кула бошлади. У ўз устидан хаҳолаб кулар ва хурсандлигидан ўзини сира тўхтата олмас эди. Тарбиячи деганлари шуми ҳали? У бўлса ўғилларига бақариб, уларни хивич билан савалайдиган исқирт поини тасаввур қилиб юрибди».

Йигитни де Реналь хоним кутиб олади. «Баланд бўйли, қадди-қомати келишган де Реналь хоним бир вақтлар бутун вилоятда энг соҳибжамол аёл ҳисобланган. Хушхулқ аёл сифатида шуҳрат топган бу хонимнинг кўплар шайдоси бўлган. У табиятан гоят тортинчоқ бўлиб, бундай сулув жувонларга ўхшаб ўзига зеб беришни ҳаёлига келтирмайди. Фақат осуда боғларда сеvimли ўғлонлари билан сайр қилиб юрса бас. Уни биров кўр-

ган одам қувлик ва шумликни билмайдиган де Реналь хонимнинг чеҳрасидан нур ёгилиб туришини сезмаслиги мумкин эмас.

Жюльен билан де Реналь хоним орасида туғилган муҳаббат шу қадар ҳарорат, эҳтирос билан ва шу қадар табиий ҳамда тиниқ тасвирланадики, китобхон беихтиёр равишда уларнинг мусаффо туйғуларига мафтун бўлиб қолади. Китобхонлар севишганлар билан бирга боғу роғларни сайр қилишади, тоғ-тошларга чиқишади. Парижнинг турмуш тарзи, черковлари, роҳиблар, шаҳар мэрлари ва бошқа нуфузли кишилар билан танишади.

Шу тариқа қаҳрамонлар яшаган жамиятнинг ҳаққоний картинаси чизилади.

Тадқиқотчилар «Қизил ва қора» романи атрофида фикр юритганларида Жюльеннинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан Стендалини излайдилар. Бу бир жиҳатдан қараганда тўғри. Адибнинг ҳаётида рўй берган воқеалар, аёлларга муносабатлари Жюльеннигина анча ўхшаб кетади. Стендаль кундалик дафтарыда Жюльеннинг идеалларини тасдиқловчи «Ҳаёт жуда қисқа. Шундай экан, сен ифлослар олдида ҳеч қачон титраб-қақшам», деган сўзларни тез-тез учратамиз. Адиб бир қаҳрамоннинг муҳаббат масаласида тутган йўллари ва қарашларида ҳам ўхшашлик изларини сезиш мумкин. Айтайлик, Стендаль одамлардаги шиддатлилиқ ва жўшқинликни алоҳида меҳр-муҳаббат билан ардоқлаб келган. Муҳаббат мавзусида махсус рисола ёзишининг боиси ҳам шу туфайли бўлса ажаб эмас.

«Қизил ва қора» романи, эҳтимол, ўша рисоланинг мантиқий давоми эканини ким ҳам инкор қила олади?

Адибнинг эътиқоди ва тушунчасига кўра севгини тўрт хил турга ажратиш мумкин. Биринчиси, бу юрак амри ва фақат юрак билан содир бўладиган севги; иккинчиси, юрак амридан кўра ҳавас билан ва фақат ҳавас орқали уланадиган муносабатлар; учинчиси ва тўртинчиси маълум мақсадлар, ҳисоб-китоблар асосига қурилган «Муҳаббат» дир.

Жюльен билан де Реналь хонимнинг муҳаббати омонат муносабатлар ёнгики бир лаҳзалиқ ишқий туйғулар асосига қурилган эмас. Уларнинг туйғулари камалақ ранги сингари жимирлаб, товланиб турсалар ҳам шаффофлиги, тиниқлиги, гўзаллигини йўқотмайди.

Таниқли француз ёзувчиси ва танқидчиси Андре Моруа «Қизил ва қора» романида тасвирланган хотин-қизлар образлари хусусида фикр юрита туриб, улар тасвирида схематизмнинг излари борлигини қайд қилиб ўтади. Билмадим, бу фикрлар қанчалиқ ҳақиқатга яқин келади. Аммо шуниси аниқки, де Реналь хоним ҳам, Матильда ҳам жонли қилиб тасвирланган. Аммо бу аёллар, ҳатто Жюльен ҳам ўзлари яшаб турган жамият билан идеаллари орасида узилишни ҳис қилмайдилар. «Қизил ва қора» романи қаҳрамонларининг ҳам заиф томонлари ана шу ҳақиқат билан тайинланади.

Стендальнинг шоҳона «Қизил ва қора» асари биринчи бор ўзбек тилига ағдарилган. Гапнинг рости, таржимани бир оз ҳадиксираб, иккиланиб қўлга олдим. Стендаль сингари буюк санъаткорнинг маънавий интилиш-

ларини, бадий буюқларини ўзига хос тарзда ўзбек тилида гадалантириш фақат истеъдодли, адиб сўзларининг қадрини тушунадиган таржимоннинггина қўлидан келади. Роман таржимасини ўқиб, яна бир марта Жюльеннинг оташин севгиси, де Реналь хонимнинг изтироблари, қаҳрамонлар нафас олаётган муҳит, француз қишлоқлари, шаҳарлари тасвири тиниқ берилганини, энг муҳими, асарнинг руҳи тўғри анланганини ҳис қилдим. Назаримда, роман анча мукамал таржима қилинган.

Таржимон Ҳасан Тўрабековнинг ажойиб фазилати бор. У бирон асарни ўзбек тилига ўгирмоқчи бўлса, узоқ йиллар тайёргарлик кўради. Адибнинг ҳаётини ва ижодий йўли билан танишади. Адиб мансуб бўлган халқнинг тарихини ўрганади, ойлаб архивларда ўтиради. Ниҳоят таржима қилинаётган асарнинг руҳига кириб олгач, иш бошлайди. Ҳасан «Қизил ва қора» романи таржимаси устида беш йилга яқин иш олиб борди. Айрим саҳналарни неча марта қайта таржима қилгани ва қоникмаганининг гувоҳи бўлганман.

Жюльен тўппончадан икки марта ўқ узиб, де Реналь хоним ҳаётига қасд қилишда айбланиб, қамалади. Шунга қарамай, де Реналь хоним сал-пал ўзига келиб олгач, севгилисини излаб, қамоқхонага келади. Жюльенни кўргач, «ҳатто менга тўппончадан икки марта ўқ узганидан кейин ҳам сени севаман», деб юборганини билмай қолади.

«Стоит мне только тебя увидеть, всякое чувство долга, все у меня пропадает, все я — одна сплошная любовь к тебе; и даже, пожалуй, слово... «любовь» — это еще слишком слабо. У меня к тебе такое чувство, какое только разве к богу можно питать: тут все — и благоговение, и любовь, и послушание... По правде сказать, я даже не знаю, что ты мне такое внушаешь... вот скажешь мне, чтобы я пырнула пожом тюремщика, и я совершу это преступление и даже подумать не успею. Объясни мне это, пожалуйста пояснее, пока я еще не ушла отсюда, мне хочется по настоящему понять, что такое происходит в моем сердце, потому что ведь через два месяца мы расстанемся... А впрочем, как знать, расстанемся ли мы? — сказала она улыбувшись».

Таржимаси: «...Сени кўрган захотим, бутун бурчларимни унутман-қўйман, ҳамма нарса гойиб бўлиб, бутун вужудим сенга нисбатан муҳаббатга айланади. Ҳатто, чамаси, «муҳаббат» сўзи дилимдаги туйғуни тўла англата олмас ҳам керак. Сени шу қадар севаманки, менимча, фақат худога нисбатан шундай туйғу ҳис этиш мумкин: бунда ҳаммаси бор — сажда қилиш ҳам, итоат ҳам. Очигини айтсам, сенинг севгинг менг не кўйларга солишини ҳатто ўзим ҳам тушунайман...мана, агар қамоқхона назоратчисига пичоқ санчгин, десанг, мен дарҳол шу жиноятни қиламан, ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмайман. Илтимос, бу ердан чиқиб кетмасимдан аввал шуни менга аниқроқ қилиб тушунтириб бер, дилимда нелар кечаётганини чинакамига тушуниб олмоқчиман, зеро, икки ойдан сўнг биз видолашамиз... Дарвоқе, яна ким билсин, видолашармикимиз ҳали? — деди хоним жилмайиб».

Мен бу ерда сўзма-сўз таржима хусусида гапирётганим йўқ. Мен бу ерда Жюльен билан де Реналь хоним муомалаларидаги позик нуқталар аниқ ҳис қилинганлиги ва аниқ берилганини айтиб ўтмоқчиман. Ҳайлай-мизки, таржиманинг қиммати, ўзига яраша фазилатлари махсус ўрганилар.

«Қизил ва қора» романи Жюльеннинг ўлими билан тугайди. Жюльен умр бўйи ҳақиқат излади, мавжуд қонун-қоидаларидан қониқмади, у ҳаётдаги адолатсизликларга, мунофиқликка, эркинликнинг бўғилишига қарши исён қилди. Стендалнинг буюклиги шундаки, у ўз даврининг ҳаққоний манзарасини маҳорат билан тасвишлаб берди.

Пирмат Шермухамедов

Китобхонга

Буюк июль воқеалари содир бўлиб, инсон фантазиясини бўғиб қўювчи йўналиш пайдо бўлганида мазкур асар чоп этилишига тайёр эди. Қуйидаги саҳифалар 1827 йили ёзилган, дея тахмин қилишга бизда тўла асос бор.

БИРИНЧИ ҚИСМ

Ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат.

Дантон

I

Шаҳарча

Put thousands together — less bad.

But the cage less gay.

Hobbes.¹

Веррьер, чамаси, бутун Франш-Контэ вилоятида энг хушманзара шаҳарчалардан бири бўлса керак. Томлари қизил черепицадан чўққили қилиб қурилган опноқ уйлар тепалиқ ёнбағрида қатор бўлиб туришарди. Бирон паст жой йўққи, олампаноҳ каштан дарахти қад кўтармаган бўлсин. Ду дарёси шаҳар истехкомларидан бир неча юз қаддам пастроқда шарқираб оқарди, бу истехкомларни бир вақтлар испанлар қуришган экан, лекин ҳозир бўлар харобага айланганди.

Шимол томондан Веррьерни Юра тизма тоғининг баланд тармоғи муҳофаза қилиб турарди. Верра тоғининг кунгурадор чўққилари октябрь ойининг илк изгириниданоқ қор билан қопларди. Тоғдан каттагина сой оқиб тушади; сой Ду дарёсига бориб қўшилғунига қадар Веррьерни кесиб ўтади-да, йўл-йўлакай беҳисоб тахта тилиш машиналарини ҳаракатга келтиради. Бу жўнгина саноат шаҳарликлардан кўра кўпроқ дехқонларга ўхшаб кетадиган аҳолининг каттагина қисмини маълум даражада тўйдирарди. Бироқ шаҳарчани бойитган нарса тахта тилиш корхоналари эмасди; Мулюз газламаси деб аталган гулдор мато ишлаб чиқариш умумий фаровонликнинг манбаи эди. Наполеон тахтдан қулаганидан сўнг Веррьердаги деярли барча уйларнинг пештоқлари газламадан келган даромаддан янгиланганди.

Шаҳарга киришингиз биланоқ аллақандай баҳайбат машинанинг гумбурлаган товуши қулогингизни қоматга

¹ Минглаб кишиларни бир жойга йиғинг,— гўё яхшига ўхшайди бу ҳол. Лекин каталакда улар асло бўлишмас хушнуд.

Гоббс

келтиради. Ҳайқириб оқаётган сой устидаги чархпалакнинг айланишидан ҳаракатга келувчи йиғирмата ҳайбатли гурзи йўлни титратганича шарақлаб сандон устига урилади. Бу гурзиларнинг ҳар бири кунига минг-минглаб миҳ ишлаб чиқаради. Ўн гулидан бир гули очилмаган кўҳликкина қизлар гурзилар тагига темир парчаларини узлуксиз қўйиб туришади. Гурзиларнинг зарбидан сўнг ўша темир парчаси дарҳол миҳга айланади-қўяди. Францияни Гельвециядан ажратиб турувчи тоғ ёнбагридаги шаҳарчага илк бор келган сайёҳ айниқса ана шу дағал косибчиликни кўрганида лол қолади. Агар Веррьерга қадам қўйган сайёҳ катта кўчадан ўтиб бораётган йўловчиларнинг қулоқларини қоматга келтираётган бу ажойиб миҳ фабрикасининг кимга қарашли эканлигини суриштириб қолгудек бўлса, унга чўзибгина: «Ҳа-а, фабрикаи сўраяписизми — жаноб мэрга¹ қарашли у», деб жавоб қилишади.

Мабодо сайёҳ Ду соҳилидан тепаликнинг қоқ чўққисига қадар чўзилиб кетган Катта кўчада бир неча минут туриб қолса, виқор билан қадам ташлаб бораётган новча, басавлат кишига кўзи тушиши турган гап.

Ўша одам пайдо бўлган заҳоти барча ўткинчилар шошилиб шляпаларини бошларидан олишади. Унинг сочларига оқ оралаган. Эғнидаги кийимлари кулранг. У бир неча орденлар кавалери. Пешонаси кенг, қирғийбурун бу одамнинг истараси иссиқ кўринади. Умуман, унинг чехрасида чекка шаҳарнинг мэрига хос сиполик билан баъзан қирқ саккиз, элликларни уриб қўйган кишиларда ҳам учрайдиган ёқимтойлик уйғунлашгандек туюлади. Бироқ тез орада парижлик сайёҳ бу одамнинг башарасида қандайдир калтабинлик ва тасавури қашшоқлигидан далолат берувчи гердайиш ва ўзига бино қўйиш ифодасини сезиб, ҳафсаласи пир бўлади. Ҳар қалай унинг бутун истеъдоди ўзидан қарздор бўлган одамлардан қарзини айнаи вақтида ундириб олиш-у, ўз қарзларини тўлашни эса иложи борича чўзиш қобилиятидангина иборат эканлиги сезилиб қолади.

Веррьер шахрининг мэри жаноб де Реналь ана шунақа одам. У виқор билан қадам ташлаганича кўчани кесиб ўтади-да, мэрияга кириб, сайёҳнинг кўзидан ғойиб бўлади. Агар сайёҳ сайр қилишда давом этса, юз қадамча юргач, бежиримгина уйга кўзи тушади. Уйни ўраб турган темир панжара ортида эса ажойиб боғ кўзга ташланади. Боғнинг

¹ М э р — Францияда муниципалитет бошқармаси бошлиғи, шаҳар бошлиғи (тарж.).

нариги ёғида эса нақ уфққа қадар Бургундия тепаликлари чўзилиб кетган — буларнинг бари гўё кўзга ором бахш этиш учунгина яратилгандек туюлади. Бу манзара сайёҳни боядан бери нафасни сиқа бошлаган майда тамагирилик руҳи билан заҳарланган муҳитни унутишга мажбур этади.

Унга бу уй жаноб де Реналга қарашли эканлигини айтишади. Йўнилган тошдан терилган бу ажойиб уйни Веррьер мэри катта миҳсозлик фабрикасидан олган даромади ҳисобига қурган экан. Ҳозир эса у уйга пардоз бераётганмиш. Айтишларича, жаноб де Реналь қадимги испан авлодига мансуб бўлиб, унинг аждодлари Веррьерга Людовик XIV бу ерларни забт этишидан анча илгари келиб, ўрнашиб қолишган экан.

1815 йилдан бошлаб жаноб де Реналь ўзининг фабрикант эканлигидан ор қила бошлади. Ахир 1815 йили жаноб де Реналь тақдирнинг тақозоси билан Веррьер шахрига мэр бўлиб қолган эди-да. Нақ Ду дарёсининг соҳилига қадар поғона-поғона бўлиб тушган ажойиб парк ҳам жаноб де Реналнинг темир-терсак буюмлар ишлаб чиқариш соҳасидаги чуқур билимлари учун муносиб мукофот бўлган. Паркнинг ҳар бир поғонаси зил тош девор билан мустаҳкамланган.

Францияда Германиянинг Лейпциг, Франкфурт, Нюрнберг ва саноат тараққий топган бошқа шахарлар атрофидаги каби хушманзара боғларни кўришга умид қилмасангиз ҳам бўлади. Франш-Контэда ер-мулкингиз поғона-поғона қилиб қурилган тош деворларга қанча сероб бўлса, кўшниларингиз сизни шунча кўп ҳурмат қилишади. Жаноб де Реналнинг деворлари кетма-кет қалалиб қурилган боғи ҳамшаҳарларини қойил қолдирганига яна бир сабаб шуки, унинг айрим қисмларини жаноб мэр нақ олтин баҳосида сотиб олганидир. Масалан, Веррьерга кираверишда сизни ҳайратга солган тахта тилгични олинг. Ўшанда сиз яна томнинг у бошидан бу бошигача етадиган кенг тахтага улкан ҳарфлар билан ёзилган Сорель исмига ҳам эътибор берган эдингиз. Ана шу тахта тилгич бундан олти йил муқаддам ҳозир жаноб де Реналь боғининг тўртинчи поғонаси деворини қураётган ерга жойлашган эди.

Жаноб мэр қанчалик димоғдор бўлмасин, ўлгудай ўжар ва баджаҳл кекса Сорелни кўндиргунча анча хушомад қилиб, кўнглини овлашга мажбур бўлди. Ниҳоят, чол ўз тахта тилгич машинасини бошқа жойга кўчиришга рози бўлиши учун бир талай олтин луидорни санаб беришга тўғ-

ри келди. Тахта тилувчи аррани ишга соладиган жамоат анҳори масаласига келсак, жаноб де Реналь ўзининг Париждаги алоқаларини ишга солиб, сувни бошқа ўзандан оқизишга муваффақ бўлди. Бундай мурувватга эса у 1821 йил сайловларидан сўнг эришган эди.

У Сорелга беш юз қадамча қуйироқдан, Ду дарёсининг соҳилидан бир арпан ўрнига беш арпан ер берди. Гарчи янги жой қарагайдан тахта тилиш учун аввалгисига қараганда анча қулайроқ бўлса-да, Сорель ота, — уни бойиб кетганидан сўнг шундай атай бошлашган, — қўшнисининг сабрсизлиги ва молпарастлигидан фойдаланиб, ундан мўмайгина олти минг франкни ундириб олди.

Тўғри, маҳаллий билармонлар бу битимни маъқуллашмаган эди. Бундан тўрт йил муқаддам якшанба кунларининг бирида мэрлик-кийимини кийиб олган жаноб де Реналь черковдан қайта туриб, узокдан қария Сорелни кўриб қолди. Чол ёнида учта ўғли билан унга илжайиб қараб турарди. Бу илжайиш жаноб мэрининг дилига гўлгула солиб қўйди, ўшандан буён, ерни қимматга олмадиммикан, деган фикр унинг қалбини ўртаб келади.

Веррьер жамоатида обрў қозонмоқ учун иложи борича кўпроқ девор қуриш, лекин баҳор кезлари Юра дарасидан Париж томон ўтиб борадиган анови итальян гишт терувчиларининг бирор жимжимасига асло учмаслик лозим. Бундай янгилик киритмоқчи бўлган эҳтиётсиз қурувчи ўла-ўлгунча тентак деган ном олади-ю, Франш-Контэда жамоат фикрини белгилаб берувчи эҳтиёткор ва мўътадил кишиларнинг ҳурматидан мосуво бўлади.

Виждонан айтганда, бу билагонлар зўравонликни шунчалик ҳаддидан ошириб юборардиларки, оқибатда Париж деб аталмиш буюк республикада яшаган ҳар қандай одам ҳам кичкина шаҳарчада мутлақо яшай олмайди. Франциянинг кичкина шаҳарчаларида жамоат фикрининг, — яна қанақа фикр денг! — ҳукмронлиги худди Америка Қўшма Штатларидаги каби жуда бемаъни нарса бўлади.

Жаноб мэр

Обрў! Ҳали сиз буни бўлма-гур нарса деб ўйлайсизми, афандим? Аҳмоқларнинг ҳурмати, гўдакларнинг ҳайрати, боёнларнинг ҳасади-ю, доноларнинг нафрати.

Барнава

Жаноб де Реналнинг бахтига Ду дарёсидан ўттиз-ўттиз беш метрча чамаси юқорироқда, тепалик ёнбағрида жойлашган шаҳар хиёбони бўйлаб улкан тирговуч девор қуриш зарурати туғилиб қолди. Бу иш унинг шаҳар ҳокими сифатидаги обрўсини янада ошириб юборарди, албатта. Хиёбон шундай қулай ерга жойлашгани туфайли бу ердан Франциянинг энг хушманзара кўринишларидан бири намоён бўларди. Бироқ ҳар йили баҳорда ёмғир сувлари хиёбоннинг у ер-бу ерини ўпириб кетар ва йўлкалар ўнқир-чўнқир бўлиб, сайр қилишга мутлақо ярамай қоларди. Барчанинг жонига теккан бу ноқулайлик жаноб де Реналнинг истиқболида ўзининг шаҳарга ҳокимлик қилиб турган даврини баландлиги етти қулоч ва кенглиги бир ярим қулоч келадиган девор қуриш билан абадийлаштириш заруратини тақозо қилди.

Бу деворни деб жаноб де Реналь уч марта Парижга сафар қилиб келди, чунки ҳозиргисидан олдинги ички ишлар министри Веррьер хиёбонида девор қурилишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ қилган эди. Ҳозир бۇ деворнинг панжараси ердан бир қулочча чамаси кўтарилиб турибди. Шу кунларда, гўё Франциянинг барча министрлари — собиқ ва ҳозиргиларининг жигига тегаётгандек, уни мармар тахталар билан безашяпти.

Яқингинада тарк этилган Париждаги балларни эслаб, кўкимтир бўлиб товланиб турган бу катта мармар тахталарга кўксимни берганимча Ду водийсини жуда кўп томоша қилганман. Йироқда, дарёнинг чап соҳилида беш-олтита жарлик кўзга ташланади. Жарликларнинг тубида офтобда ярқираб оқаётган жилғалар яққол кўриниб турибди. Улар у ер-бу ерда шалола ҳосил қилиб, паётга қараб интилишади-да, ниҳоят, шовуллаб Ду дарёсига оқиб тушиша-

ди. Бизнинг тоғларда офтоб жазиллатади, қоқ пешинда, қуёш найзага келганда эса хиёбонда орзулар оғушига чўмган сайёҳни ажойиб чинорлар ўз соясига олади. Ўтринди тупроқ эвазига бу чинорлар жуда тез ўсиб, унинг сербар япроқлари офтобда ялтираб туради, — чунки жаноб мэр ўзининг бутун улкан тирговуч девори бўйлаб тупроқ тўкишни буюрган; муниципал советнинг қаршилиқ қилишига қарамай, у хиёбонни тахминан икки қулочга кенгайтди (гарчи у ультрароялист, мен эса либерал бўлсам-да, унинг бу ишидан хурсандман). Шу боисдан ҳам хиёбоннинг мазкур поғонаси мэрнинг ҳамда Веррьердаги бева-бечоралар уйининг ҳозир ҳам ҳузур-ҳаловатда яшаётган директори жаноб Валенонинг фикрича, Лэдаги Сен-Жермен поғонасидан сираям қолишмас эмиш.

Менга қолса, камина Садоқат Хиёбонининг фақат битта камчилигидан норозиман. Хиёбоннинг бу расмий номи ўн беш ёки йигирма жойда мрамор тахталарга ёзилган бўлиб, бунинг учун жаноб де Реналь яна битта крест билан мукофотланган. Менимча, Садоқат Хиёбонининг камчилиги улкан чинорларнинг расвоси чиқарилганидадир: уларни бошлиқларнинг буйруғига биноан беаёв бутаб туришар экан. Уларни каллаклаб, юмалоқ шох-шаббасиз қилмасдан ўз ҳолига қўйиб беришганида эди, улар энг кўримсиз сабзавотга ўхшаб қолмай, Англия чинорлари каби кўркам бўлишлари мумкин эди. Бироқ жаноб мэрнинг ҳукми қатъий бўлиб, жамоатга қарашли барча дарахтлар йилига икки марта аёвсиз бутаб турилади. Маҳаллий либералларнинг айтишича, — бу муболага, албатта, — гўё жаноб викарый Маслон дарахтлар каллакланганда қирқиб ташланган шох-шаббаларни ўмариб кетиш одатини чиқарганидан буён шаҳар боғбонининг қўли узунроқ бўлиб қолганмиш.

Ушбу навқирон руҳоний бундан бир неча йил муқаддам аббат Шелан ва чор атрофдаги бир неча кюреларнинг ишини назорат қилиб турмоқ учун Безансондан юборилган эди. Истеъфога чиққач, Веррьерга келиб қолган, итальян кампанияси иштирокчиси, мэрнинг айтишича, бир вақтнинг ўзида ҳам яқобинчи, ҳам бонапартчи бўлмиш кекса полк табиби бир куни жаноб мэрга бу ажойиб дарахтлар каллаккланиш натижасида фақат расвоси чиқаётганини таъна қилишга журъат этди.

— Мен сояни яхши кўраман, — деб жавоб қилди жаноб де Реналь Фахрий Легион ордени кавалери полк табибига нисбатан йўл қўйилиши мумкин бўлган бир такаб-бурлик билан, — мен ~~сояни яхши кўраман~~ кўраман, шунинг учун

хам соя солиб турсин, деб дарахтларни каллакляшни буюрдим. Бу дарахтлар соя беришдан бўлак ҳеч нимага арзимади. Масалан, ёнғоқнинг йўриғи бошқа: ундан *даромад олса бўлади*.

Веррьерда ҳамма нарсани ана шу улуг сўз ҳал қилади: даромад — бутун аҳолининг тўртдан уч қисми эртаю кеч фақат шу тўғрида ўйлайди.

Даромад олиш — сизга жуда гўзал кўринган бу шаҳарчада барча ишни бошқарадиган омил ана шу сўзлардан иборат. Веррьерга келиб қолган ажнабий одам шаҳарчани ўраб турган соя-салқин водийлар чиройига мафтун бўлиб, аввалига, бу ернинг одамлари гўзаллик шайдоси экан, деган хаёлга боради: чиндан ҳам бу ернинг одамлари ўз ўлкаларининг чиройи ҳақида тинимсиз гапиришади. Улар ўз она юртларини гоят қадрлашади, чунончи, бу ернинг табиати чет элликларни ўзига жалб этади. Сайёҳларнинг пуллари эса маҳаллий меҳмонхона эгаларининг ҳамёнини қаппайтиради. Бу ҳол, ўз навбатида, солиқ ҳақидаги қонунга биноан шаҳар газнасига мўмайгина даромад келтиради.

Очиқ куз кунларининг бирида жаноб де Реналь рафиқаси билан Садоқат Хиёбони бўйлаб сайр қилиб юрарди. Де Реналь хоним ёнида гердайганча қадам ташлаб бораётган эрининг гап сотишига қулоқ солар экан, хиёбонда шаталоқ отиб юрган уч ўғлининг хатти-ҳаракатини безовталаниб кузатарди. Ёши ўн бирларга кириб қолган катта ўғли ўқтин-ўқтин панжара ёнига югуриб бориб, унинг устига чиқмоқчи бўларди. Шунда, Адольф, деб чақирган мулойим овоз эшитиларди-ю, бола ўзининг шўх ниятидан воз кечишга мажбур бўларди. Кўринишидан ўттизларга кириб қолган бўлса-да, де Реналь хоним ҳали анча хушрўй эди.

— Парижлик бу димоғдор кейин бу қилмишидан афсусланиб юради, — деди жаноб де Реналь ранжиган оҳангда, унинг одатда рангпар юзи янада бўзариб кетгандек эди. — Саройда унинг танобини тортиб қўядиган баъзи дўстларим бор...

Гарчи икки юз бет давомида сизларга вилоят ҳақида ҳикоя қилиш ниятида бўлсам-да, ҳар қалай, узундан-узоқ гап сотиш ва вилоятликларнинг *аломат суҳбатларини* такрорлаб жонингизга тегиш даражасида зolim эмасман.

Мэрнинг нафратини қўзғатган парижлик бу димоғдор жаноб Аппер бўлиб, бундан икки кун бурун у қамоқхона билан Веррьер етимхонаси у ёқда турсин, ҳатто жаноб мэр

хамда шаҳарнинг энг кўзга кўринган уй эгалари қарамоғидаги касалхонага ҳам кириб чиққан эди.

— Хўш, нима қилибди, — деб журъатсизлик билан жавоб қилди де Реналь хоним, — йўқсиллар мулкининг сариқ чақасига ҳам хиёнат қилмай сарф-харажат қиласизлар ахир. Шундай бўлгач, Париждан келган ўша жаноб сизларга нимаям қила оларди?

— У жаноб бу ерга фақат бизни қоралаш учун келган, кейин бориб, либерал газеталарда бошимизга тухмат ёғдира бошлайди.

— Лекин сен уларни ҳеч қачон ўқимайсан-ку ахир, азизим.

— Аммо ўша яқобинча мақолаларни нуқул юзимизга солишгани солишган, бу ишларнинг бари бизнинг асабимизни кўзгайди ва эзгу ишларимизга халал беради. Йўқ, шахсан мен бу иши учун жаноб кюрени ҳеч қачон кечирмайман.

III

Йўқсиллар мулки

Ҳар қандай фитналардан холи юрадиган шафқатли кюре кишлоқ аҳолиси учун худонинг марҳамати.

Флери

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу ердаги тоғларнинг ҳаётбахш мусаффо ҳавоси туфайли сиҳат-саломатлиги гоят яхши бўлган саксон ёшли қария, Веррьер кюреси қамоқхона, касалхона ва ҳатто етимхонага истаган пайтда кириш ҳуқуқига эга эди. Парижда кюренинг номига тавсиянома ёздириб олган жаноб Аппер ушбу синчков шаҳарчага эрталаб ропна-роса олтида етиб келиб жуда ақлли иш қилди. У дарҳол руҳонийнинг уйига борди.

Франция пэри ва шу музофотдаги помешчиклар орасида энг бадавлати маркиз де ля Молнинг мактубини ўқир экан, кюре Шелан чуқур ўйга толди.

«Мен кекса бир одамман, боз устига бу ерда мени яхши кўришади, — деди у ниҳоят ўзига ўзи оҳиста, — улар журъат этишмайди». Сўнг у парижлик меҳмон томон ўгирилди

ва кўзларида кексалигига қарамай, таваккал билан бўлса-да, олижаноб иш қилаётганидан қувонаётганини кўрсатувчи ажиб бир ёлқин йилт этиб деди:

— Майли, юринг, афандим. Лекин бир илтимосим бор: кўражак нарсаларимиз ҳақида қамоқхона қоровули ва айниқса етимхона назоратчилари олдида миқ этиб оғиз очмаслигингиз лозим.

Жаноб Аппер кекса кюренинг нақадар мард одам эканини тушунди, у муҳтарам руҳоний билан биргаликда қамоқхона, касалхона ва етимхонани айланиб чиқди, кўплаб саволлар берди, бироқ жавобларнинг ғалати эшитилишига қарамай, бир оғиз ҳам таънали сўз айтмади.

Бу кўрик бир неча соат давом этди. Руҳоний жаноб Апперни тушлик қилиш учун уйига таклиф этган эди, бироқ меҳмон, ҳали бир талай хат ёзишим керак, деган баҳонада уникага боришдан бош тортди, — у олижаноб ҳамроҳининг обрўсига ортиқ путур етказишни истамасди. Соат учларда кўрикни тугатиш учун улар етимхонага боришди-да, сўнг яна қамоқхонага қайтишди. Эшик олдида уларни қамоқхона қоровули — барзанги маймоқ қарши олди: унинг разил башараси кўрқув зўридан баттар жирканчли бўлиб кетганди:

— Тақсир, — деди у кюрени кўрган заҳоти, — сиё билан бирга келган ушбу зот жаноб Аппер эмасмилар мабодо?

— Шундай бўлса нима қилибди? — деди кюре.

— Ахир бу хусусда кеча қатъий буйруқ олганман, — жаноб префектнинг ушбу буйруғини олиб келган жандарм туни билан от чоптириб келибди. — Ўша буйруқда, жаноб Аппер қамоқхонага мутлақо киритилмасин, дейилган.

— Сизга шуни айтишим мумкинки, жаноб Нуару, — деди кюре, — мен билан келган ушбу меҳмон чиндан ҳам жаноб Аппер бўладилар. Қамоқхонага истаган пайтимда кириш ва истаган одамни бошлаб келишга ҳақим борлигидан хабарингиз бўлса керак, ҳар қалай.

— Шундайликка шундайку-я, жаноб кюре, — деб жавоб қилди қоровул товушини пасайтириб ва худди таёқ ўқталиб буйруқни бажаришга мажбур этишгаётган итдек бошини қуйи солди. — Аммо, жаноб кюре, менинг хотиним, бола-чақам бор. Мабодо устимдан шикоят тушса, мени ишдан қувишади, унда ҳолимиз нима кечади, ахир бола-чақамни шу ердан оладиган маош билан боқаман.

— Мен ҳам қавмдан маҳрум бўлишни асло истамасдим, — деб жавоб қилди софдил кюре, ҳаяжондан товуши титраб.

— Сизнинг йўлингиз бошқа! — деди жонланиб қоро-

вул. — Сизнинг саккиз юз ливр рентагиз ва бир парча бўлса ҳам ўз ерингиз бор, жаноб кюре. Буни ҳамма билади.

Бу воқеа ҳақида бичиб-тўқиб оғиздан-оғизга ўтган ва муболағали тафсилотлар билан бойитилган турли-туман мишмишлар сўнги икки кун давомида Веррьер шаҳарчасини алғов-далғов қилиб юборганди. Худди ана шу воқеа ҳозир жаноб де Реналнинг рафиқаси билан хиёл аразлашиб қолишига ҳам сабаб бўлди. Эрталаб жаноб де Реналь етимхона директори жаноб Валено билан биргаликда ўзининг қаттиқ норози эканини изҳор этмоқ учун кюренинг ҳузурига борди. Жаноб Шеланнинг биронта ҳам хомийси йўқ эди; кекса руҳоний бу суҳбатнинг оқибати ёмон бўлиши мумкинлигини ҳис этди.

— Нимаям дердим, жаноблар, чамаси, саксон ёшга кирганда бу ўлкада хизматдан четлаштирилган учинчи руҳоний бўладиганга ўхшайман. Бу ерга келганимга эллик олти йил бўлибди. Мен илк бор қадам қўйганимда ҳали қишлоқ бўлган бу шаҳарчанинг деярли барча аҳолисини ўзим чўқинтирганман. Ҳар куни ёш келин-куёвларни никоҳлаб қўяман. Бир вақтлар эса уларнинг боболари билан бувиларини никоҳлаган эдим. Веррьер менинг оилам бўлиб қолган, бироқ уни тарк этишдан қўрқиш мени виждонимга хилоф иш қилишга мажбур эта олмайди. Ўша меҳмонни кўрган заҳотим мен ўзимга ўзим: «Эҳтимол бу паришлик жаноб чиндан ҳам либералдир, — ҳозир улар жуда кўпайиб кетишган, — аммо у бизнинг маҳбусларимиз ва етимларимизга нима ҳам ёмонлик қилиши мумкин?» — деган саволини бердим.

Бироқ жаноб де Реналь ва айниқса етимхона директори жаноб Валено айтаётган таъналар борган сайин ҳақоратли тус ола бошлади.

— Майли, жаноблар, қавмни мендан тортиб олинг, — деди мўйсафид кюре товуши қалтираб. — Мен бари бир бу ерларни тарк этмайман. Бундан қирқ саккиз йил муқаддам менга бир парча ер мерос қолганини ҳамма билади. Ўша ердан йилига саккиз юз ливр даромад оламан. Худди ана шу пулга яшайвераман. Сизга очигини айтсам, жаноблар, хизмат ҳақимдан сира ҳам пул жамғарган эмасман. Эҳтимол, шу боисдан бўлса керак, ишдан бўшатишларидан сира ҳам қўрқмайман.

Жаноб де Реналь рафиқаси билан жуда аҳил яшарди, бироқ хоним журъатсизлик билан: «Ўша паришлик жаноб бизнинг маҳбусларга нима ҳам ёмонлик қиларди?» — деб саволини такрорлаганида у нима деб жавоб қилишини бил-

май зардаси қайнаган эди, шу пайт де Реналь хоним бирдан қичқириб юборди. Унинг иккинчи ўғли панжара устига сакраб чиқиб, гарчи девор нариги ёқдаги узумзордан уч-тўрт одам бўйи баланд бўлса-да, унинг устидан югура бошлаган эди. Бола чўчиб кетса йиқилиб тушишидан қўрққан де Реналь хоним уни чақирришга журъат этмади. Ниҳоят, болакай ўзининг жасурлигидан гул-гул очилиб, онаси томон ўгирилди-ю, унинг оппоқ оқариб кетганини кўриб, панжарадан сакраб тушди-да, унинг олдига югуриб келди. Болани яхшилаб койишди.

Бу воқеа эр-хотинни мавзуни ўзгартиришга мажбур этди.

— Мен анови арракашнинг ўғли Сорелни уйимизга олишга жазм этдим, — деди жаноб де Реналь, — у болаларимизга қараб юради, бўлмаса зумрашалар жуда ҳаддиларидан ошиб кетишяпти. Бу талаба йигит деярли руҳоний эмиш; у лотин тилини жуда яхши билади ва болаларимизни ўқишга мажбур этади, кюренинг айтишича, йигитча жуда талабчан эмиш. Мен унга уч юз франк маош белгилайман-да, овқатини кўтараман. Унинг хулқ-атворидан бир оз шубҳаланган эдим. Ахир у Фахрий Легион орденининг кавалери анови табиб чолнинг эркатойи эди-да. Ўша чол қандайдир қариндошлигини баҳона қилиб, Сорелларникага келганди-ю, ўша-ўша уларникада боқим бўлиб қолган эди. Эҳтимол, бу одам аслида либералларнинг махфий агенти бўлгандир, чол бу ернинг мусаффо ҳавоси зикнафас касалига даво эканини баҳона қиларди, аммо ким билсин? У *Буонапарт* билан Италия кампанияларининг барида қатнашган, аммо айтишларича, ҳатто империя учун сайлов бўлганида ҳам «йўқ» деб жавоб ёзган экан. Ўша либерал Сорелнинг ўғлини ўқитибди ва унга ўзи билан келган бир талай китобларни мерос қолдирибди. Мен дурадгор Сорелнинг ўғлини болаларимга тарбиячи қилиб олишни хаёлимга ҳам келтирмагандим, албатта. Бироқ кюре билан бутунлай юзкўрмас бўлишимга сабаб бўлган ўша воқеадан бир кун аввал у менга Сорелнинг ўғли уч йилдан буён илоҳиётдан сабоқ олаётгани ва семинарияга кирмоқчи эканини айтган эди. Демак, бу йигитча либерал эмас, бунинг устига лотин тилини билади.

— Аммо бу ўринда яна баъзи бир мулоҳазалар бор, — деб давом этади жаноб де Реналь рафиқасига маънодор назар ташлар экан. — Жаноб Валено каретасига қўшиш учун бир жуфт ажойиб норманд отларини харид қилганидан жуда гердайиб юрибди. Лекин болаларининг гувернери йўқ.

— У ҳали ўша Сорелни ўзига оғдириб олиши ҳам мумкин.

— Демак, режамни маъқуллайсан, — деди дарҳол жаноб де Реналь ҳозир айтган ажойиб фикри учун хотинига қараб миннатдорлик билан жилмаяр экан. — Бўпти, келишдик.

— Эҳ, азизим, ҳамма ишни дарров ҳал қилиб қўя қоласан-а.

— Чунки мен шунақа иродали одамман. Энди анови кюремиз ҳам бунга ишонч ҳосил қилади. Ўзимизни алдашдан фойда йўқ — теварак-атрофимизда либераллар тўлиб ётибди. Манави барча мануфактурачилар мени кўриша олмайди, бунга ишончим комил, улардан икки-учтасининг ҳамёни анча қаплайиб қолган. Шунинг учун ҳам улар жаноб де Реналнинг болалари гувернер назоратида сайр қилиб юришини бир кўриб қўйганлари маъқул. Шундан кейин бир оз попуклари пасайиб қолади. Менинг бобом болаликларида доим гувернерлари бўлганини бизга тез-тез ҳикоя қилиб берардилар. Тарбиячи менга тахминан юз эюга тушади, лекин начора, бизнинг мавқеимизни назарда тутганда бу харажат обрўни сақлаш учун керак.

Қўққисдан қабул қилинган бу қарор де Реналь хонимни ўйлатиб қўйди. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган де Реналь хоним бир вақтлар бутун вилоятда энг соҳибжамол аёл ҳисобланарди. Унинг бутун қиёфасида, ўзини тутишида қандайдир ёш қизларга хос соддадиллик сезилиб турарди. Бу содда назокат, эҳтимол, бирор парижликни пинҳоний эҳтироси билан ўзига мафтун этиши мумкин эди. Бироқ де Реналь хоним ўзининг шундай таассурот қолдириши мумкинлигини билганида уялганидан ер ёрилиб, ерга кириб кетгудек бўларди. Унинг қалби ҳар қандай таннозлик ва мунофиқликдан бутунлай холи эди. Айтишларига қараганда, етимхона директори, катта мулк эгаси жаноб Валено унинг кўпчилиги олишга анча уринибди-ю, бироқ ҳеч ниманинг уддасидан чиқа олмабди. Шундан сўнг де Реналь хонимнинг хушхулқ аёл сифатидаги шухрати янада ошиб кетди, чунки жаноб Валено айни кучга тўлган, норғул, икки юзи қип-қизил ва бакенбардлари қоп-қора киши бўлиб, вилоятда «келишган эркак» деб аталган дағал, беҳаё ва шапғи одамлар тоифасидан эди. Табиатан гоят тортинчоқ де Реналь хонимнинг кайфияти сал нарсага ўзгариб тургани боисидан жаноб Валенонинг доимо ҳовлиқиб юриши ва шапғиллаб гапириши унинг зардасини қайнатарди. Хоним Веррьерда кўнгил очиб деб аталган нарсалардан ўзини олиб қочиб юриши туфайли шаҳардаги

ғийбатчилар, у ўз насл-насаби билан кеккаяди, деб гап тарқатишди. Бу нарса унинг хаёлига ҳам келмаган эди, бироқ шаҳарликлар унинг уйига камроқ келадиган бўлишганида хоним жуда хурсанд бўлди. Бу ерлик хонимчалар уни тентакроқ деб ҳисоблашларини ҳам яширмай қўй қолайлик, чунки де Реналь хоним эрига сиёсат қила олмас ва унга Париж ёки Безансондан башанг шляпа харид қилдиришнинг ўрни келиб қолганда ҳам имкониятни қўлдан бой берарди. Унга фақат ажойиб боғларида сайр қилишига халал беришмаса бўлгани эди, бундан ортигини у илтимос қилмасди ҳам.

Де Реналь хоним қувлик-шумликни билмасди: эри ҳақида ҳукм юритиш у ёқда турсин, у билан кечаётган ҳаётининг зерикарли бўлиши мумкинлигини у хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг фикрича, — дарвоқе, бу ҳақда у унча бош қотириб ҳам ўтирмасди, — эр-хотин ўртасида бундан бошқача назокатлироқ муносабатнинг ўзи бўлиши мумкин эмасди. Хоним жаноб де Ренални у ўз ўғилларининг келажаги ҳақидаги режаларини ҳикоя қилганида кўпроқ яхши кўрарди. Жаноб де Реналь эса ўғилларидан бирини ҳарбий, иккинчисини амалдор, учинчисини эса руҳоний қилиб етиштириш ниятида эди. Умуман, хоним жаноб де Ренални уйларига қадам ранжида қиладиган барча эркакларга қараганда хушчақчақроқ деб ҳисобларди.

Бу хотин кишининг ўз эри ҳақидаги оқилона фикри эди. Веррьер шахрининг мэри амакисидан мерос қолган беш-ўнта латифа туфайли тили ўткир ва айниқса одобли одам сифатида обрў қозонган эди. Кекса капитан де Реналь революцияга қадаф герцог Орлеанский олмай ҳазратларининг пиёдалар полкида хизмат қилган бўлиб, Парижга борган кезлари валиаҳд шахзоданинг уйига кириб туриш имтиёзига эга эди. Уша ерда у де Монтессон хоним, машҳур де Жанлис хоним ва Пале-Роялнинг ихтирочиси жаноб Дюкреларни кўриш шарафига муяссар бўлганди. Ушбу зотларнинг бари жаноб де Реналь айтадиган латифаларда доим тилга олинарди. Аммо бора-бора хийла нозик ва ҳозирги кунда кўпчиликнинг хотирасидан кўтарилган тафсилотларни пардали қилиб айтиш унинг учун анча мушкул иш бўлиб қолди ва шу боисдан жаноб мэр герцог Орлеанский ҳаётига тааллуқли латифаларни алоҳида тантанали йиғинлардагина тилга оладиган бўлди. Боз устига ўртага пул аралашмаган пайтларда ғоят назокатли киши бўлгани туфайли жаноб де Реналь адолатли равишда Веррьернинг энг катта асилзодаси ҳисобланарди.

Ота ва ўғил

E sarà mia colpa, se così è?

Machiavelli.¹

«Йўқ, рафиқам чиндан ҳам ақлли, — дерди ўзига ўзи Веррьер мэри эртасига эрталаб соат олтида кекса Сорелнинг устахонаси томон тушиб борар экан. — Гарчи ўз устунлигимни кўрсатиб қўйиш учун бу ҳақда ўзим гап очган бўлсам-да, айтишларига кўра, лотин тилини сув қилиб ичиб юборган бу муллабачча Сорелни етимхона директори, анови тиниб-тинчимас Валено илиб кетиши мумкинлигини ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ўз болаларининг гувернери ҳақида-ку, у роса оғиз кўпиртирарди-я, албатта. Хўш, ўша гувернерни ёлладим ҳам дейлик, нима, уйимда ридо кийиб юрадим?»

Жаноб де Реналь бу хусусда бир қарорга келолмай иккиланиб борар экан, шу пайт узоқда Ду дарёсининг соҳилида, бозор томон борадиган йўлнинг шундоқ устида териб қўйилган йўгон ходаларни ўлчаётган норгул деҳқонга кўзи тушди. Яқинлашиб келаётган мэрни кўриб деҳқон, чамаси, унча хурсанд бўлмади, чунки йўгон ходалар йўлни тўсиб қўйган бўлиб, уларнинг бу ерда ётиши қонунга хилоф эди.

Кекса Сорель, — ҳалиги деҳқон ўшанинг худди ўзгинаси эди, — ўғли Жюльен ҳақидаги жаноб де Реналнинг таклифини эшитиб ҳам ғоятда ажабланди, ҳам қувониб кетди. Бироқ у жаноб мэرنинг гапларини қовогини солиб, ғоят норози ва лоқайд бир қиёфада тингладики, бу ернинг тоғларида туғилиб-ўсган одамлар ўз қувликларини шу йўсинда яширар эдилар. Испанлар асорати даврида қул бўлган бу одамлар ҳанузгача Миср фаллоҳининг ушбу хусусиятини ўзларида сақлаб келардилар.

Кекса Сорель аввалига жаноб мэرنинг ҳурматини жойига қўйиб, ўзи ёддан биладиган узундан-узоқ олқиш

¹ Аслида ўзи шундай бўлгач, менда нима айб?..

сўзлари билан жавоб берди. У башарасидаги макрли ва ҳатто қув ифодани янада кўпроқ тасдиқловчи бир илжайиш билан ҳеч қандай маъно англамайдиган ушбу сўзларни мингиллаб айтар экан, пухта, ақлли кекса деҳқон нима сабабдан шундай мухтарам зот унинг текинхўр ўғлини ўз уйига олмоқчи бўлаётганини тушунишга ҳаракат қиларди. У Жюльендан ғоятда норози эди, жаноб де Реналь эса худди ана шу Жюльен учун сира қутилмаганда йилига уч юз франк таклиф қилмоқда, емиши ва ҳатто кийим-кечагини ҳам ўз зиммасига олмоқда эди. Кекса Сорель қандайдир беҳосдан қўйган ана шу шартни ҳам жаноб де Реналь дарров қабул қила қолди.

Мэр чолнинг бу талабидан эсанкираб қолди. «Сорель менинг мурувват кўрсатганимни сезмаяпти ва чамаси, таклифимдан унча хурсанд ҳам эмас, ҳолбуки боши осмонга етиши керак эди, — дерди у ўзига ўзи, — демак, бир нарса аниқ: кимдир унга мендан аввал шундай таклифни айтган, хўш, Валеодан бўлак кимнинг ҳам қўлидан келарди бу иш?» Жаноб де Реналь, узил-кесил бир битимга келиш учун Сорелнинг қатъий ваъдасини оламан, деб беҳуда овор бўлди; кекса мужикнинг муғамбирлиги уни ғоятда ўжар қилиб қўйганди, — у нуқул, ўғлим билан гаплашиб олишим керак, дерди; бадавлат отанинг ёнида сариқ чақаси бўлмаган ўғли билан маслаҳатлашганини вилоятда ким кўриб, ким эшитибди дейсиз? Бу хўжакўрсинга қилинадиган иш, холос.

Сувнинг кучи билан ишловчи тахта тилиш устахонаси одатда анҳорнинг бўйида қуриладиган омборхонадан иборат бўлади. Унинг томи тўртта йўгон устунга ўрнатилган стропил устига қурилади. Омборхонанинг ўртасида тахминан икки-уч қулоч баландликда каттагина арра пастдан баландга чиқиб-тушиб турар, оддийгина механизм эса ходани аста у томон силжитарди. Анҳорнинг суви чархпалакни айлантирар, у эса ўз навбатида аррани ҳам, ходани силжитадиган механизмни ҳам ҳаракатга келтирар ва шу йўсида ходалар тахта қилиб тилинар эди.

Кекса Сорель устахонасига яқинлашар экан, йўгон товуш билан Жюльенни чақирди: ҳеч ким жавоб бермади. У фақат зилдай болталар билан қарагай ходаларни йўниб, уларни тилишга тайёрлаётган паҳлавон катта ўғилларини кўрди. Хомага чизилган қора чизик бўйлаб йўнишга ҳаракат қилишар экан, улар ҳар болта уришда палахса-палахса пайраҳаларни ажратишарди. Улар оталари Жюльенни чақирганини эшитишмади. Чол омборхона томон юрди, бироқ у ерга киргач, Жюльенни у кузатиб туриши лозим бўлган

арра ёнидан топа олмади. У уёқ-буёққа алаанглаб, ўглини икки-уч қулоч юқорироқда ўтирганини кўриб қолди. Жюльен стропил устига ўтириб олиб, арранинг ишлашини диққат билан кузатиш ўрнига китоб ўқимоқда эди. Кекса Сорелнинг энг ёмон кўрган нарсаси кенжа ўглининг ана шу китоб ўқиши эди: у Жюльеннинг катта ўғилларига ўхшамай нимжон эканлиги ва жисмоний меҳнатга ярамаслигини эҳтимол кечирган ҳам бўларди-ю, бироқ унинг китоб ўқишга ўчлигини сира ҳам ҳазм қила олмасди: чолнинг ўзи саводсиз эди.

У Жюльенни яна икки-уч марта чақириб кўрди, бироқ ўғли ҳеч нимани эшитмади. Йигитчанинг бутун диққат-эътибори китобда эди ва бу ҳол, чамаси, отасининг ҳайқириғини эшитишга арранинг шовқинидан ҳам кўпроқ халал бераётганди. Шундан сўнг қария, ёши ўтиб қолганига қарамай, чаққонлик билан арра тагида ётган хода устига, ундан эса томни тутиб турувчи кўндаланг тўсинга сакраб чиқди. Кучли зарб Жюльеннинг кўлидан китобни анҳор томон учириб юборди, иккинчи зарб эса Жюльеннинг бошига тушди, йигитча мувозанатни йўқотиб, пастга қулади. Агар отаси уни чап кўли билан илиб олмаганида у беш-олти қулоч баландликдан тўғри машинанинг ричаглари остига қулар ва ричаглар уни парча-парча қилиб ташлаган бўлар эди.

— Вой текинхўр-ей, ҳали сен аррага қараш ўрнига лаънати китобларингни ўқийдиган бўлдингми! Хўп, ўқийдиган бўлсанг, уларни кечқурун, бекорчилик қилгани анови кюренинг олдига борганингда ўқи.

Зарбадан эсанкираб, қоп-қора қонга беланган Жюльен ҳар қалай арра ёнидаги кўрсатилган жойга йўл олди. Унинг кўзлари жиққа ёш эди, шу тобда унга калтак оғриғидан ҳам ўзи жонидан азиз кўрадиган китобидан айрилиб қолгани алам қилмоқда эди.

— Бу ёққа туш, итвачча, сен билан гаплашиб олишим керак.

Машинанинг гумбурлашидан Жюльен яна отасининг буйруғини эшитолмай қолди. Пастга тушиб улгурган чол эса яна тепага чиқиб ўтиришни ўзига эп кўрмай, ёнғоқ қоқиладиган узун таёқни олиб, ўглининг елкасига туширди. Жюльен пастга сакраб тушган заҳоти кекса Сорель уни қўполлик билан турта-турта уй томон ҳайдаб кетди. «Худо билсин, у мени энди қандай калтакларкин», деб ўйларди йигитча. Шуни хаёлидан ўтказар экан, у ҳозиргина китоби учиб тушган анҳор томон ўкинч билан қараб қўйди,

бу унинг энг севимли китоби — «Илоҳий Елена мемориали» эди.

У икки юзи ловиллаб, ердан кўзини узмай борарди. Жюльен ўрта бўйли, кўринишидан анча нимжон, юз тузилиши нотўғри бўлса-да, гоятда нозик, қирғийбурун, ўн саккиз ёки ўн тўққиз ёшлардаги бир йигитча эди. Унинг хотиржамлик пайтида ақл чақнаб турадиган катта-катта қора кўзларида ҳозир кучли нафрат акс этарди. Йигитчанинг қўнғир сочлари қошининг тепасигача ўсиб тушганидан пешонасини деярли ёпиб қўйган бўлиб, жаҳли чиққан кезлари унинг юзи гоятда қаҳрли кўринарди. Бир-бирига ўхшамайдиган беҳисоб башаралар орасидан кишини ҳайратга солувчи, ўзига ҳослиги билан ажралиб турадиган бундай башарани топиш амримаҳол эди. Самбитдай нозик қомати унинг кучли бўлмаса-да, аммо чаққон эканлигидан далолат бериб туради. Жюльен болалигиданок гоят ҳаёлпараст ва рангпар бўлганидан отаси, бу ўғлим узоқ яшамаса керак, яшаган тақдирда ҳам оила учун фақат ортиқча ташвиш бўлади, деб ўйлаб юрарди. Уйдагиларнинг бари уни ёмон кўришар, у ҳам ўз навбатида акалари билан отасидан нафратланар эди; якшанба куни шаҳар майдонида бўладиган ўйинларда у доим калтак ерди.

Бироқ сўнги пайтларда унинг чиройли юзи баъзи ёш қизларнинг эътиборини ўзига тарта бошлади. Аммо кўпчилик нимжонлиги учун ундан нафратланар эди, шу боисдан ҳам Жюльен полк табиби, кекса қариндошлари — бир куни жаноб мэрга чинорлар ҳақида ўз фикрини айтишга журъат этган ўша чолга чин кўнгилдан меҳр қўйиб қолди.

Истеъфога чиққан бу табиб баъзан кекса Сорелга ҳақ тўлаб, Жюльенни кун бўйи ундан қутқариб оларди-да, йигитчага лотин тили ва тарихдан сабоқ берарди. Тарихдан эса у фақат 1796 йилги итальян юришларинигина биларди. Бандаликни бажо келтирар экан, чол болага ўзининг Фахрий Легион крести, пенсиясидан қолган озгина пул ва ўттиз-қирқ жилддан иборат китобларини васият қилиб қолдирди. Ана шу китоблардан энг қимматбахоси эса ҳозиргина жаноб мэрнинг алоқалари туфайли ўз ўзанини ўзгартирган шаҳар анҳорида гарқ бўлди.

Уй остонасини ҳатлаб ўтган заҳоти Жюльен елкасида отасининг гурзидек қўлларини ҳис этди: у, отам энди роса калтакласа керак, деб ўйлаб қалтирай бошлади.

— Қани, жавоб бер, аммо ёлғон гапира кўрма! — деб ўшқирди чол ва забардаст қўллари билан уни, худди ёш бола қалайи солдатчасини бурганидек, ўзи томон ўгириб олди. Жюльеннинг жиққа ёшга тўлган катта-катта қора

кўзлари кекса дурадгорнинг гўё унинг дилидаги барча сир-асрорини билиб олишга уринаётгандек қаттиқ тикилиб турган кул ранг кўзларига дуч келди.

V

Б и т и м

Cunctando restituit rem.

*Ennuis.*¹

— Жавоб бер, лаънати китоб жинниси, гарчи ёлгон гапирмасдан туролмасанг ҳам менга ростини айт, де Реналь хонимни қаёқдан танийсан? У билан гаплашишга қачон улгура қолдинг?

— Мен у билан сираям гаплашган эмасман,— деб жавоб қилди Жюльен.— Бу хонимни фақат черковда кўрганман холос.

— Демак, унга кўзингни лўқ қилиб тикилибсан-да, бетамиз махлуқ?..

— Ҳечам тикилганим йўқ. Черковда менинг кўзим парвардигордан бўлак ҳеч кимни кўрмаслигини ўзингиз биласиз-ку,— деб қўшимча қилди Жюльен калтақдан қутулиш умидида ўзини художўй кўрсатишга уриниб.

— Йўқ, бунда бир гап борга ўхшайди,— тўнғиллади қув чол ва бир зум жимиб қолди.— Лекин сен лаънати мунофиқдан бир нарсани билиб бўлармиди. Нима бўлгандаям сендан қутуладиган бўлдим. Сен кетсанг, арра-хонага фойдаси тегса тегадикки, зиёни тегмайди. Жаноб кюренингми ёки бошқа бировнингми этагидан кириб енгидан чиққанга ўхшайсан, улар сенга дурустгина жой топишибди. Бор, лаш-лушларингни йиғиштир, сени жаноб де Реналникига олиб бораман, у ерда мэрнинг болаларига тарбиячилик қиласан.

— Бунинг учун менга қандай ҳақ тўлашади?

— Овқат, кийим-бош ва яна уч юз франк маош.

— Мен малай бўлишни истамайман.

— Итвачча. Малай бўласан, деб сенга ким айтди? Мен ўз ўғлимни малайликка раво кўрармидим?

¹ Сусткашлиги жонига ора кирди.

— У ҳолда мен ким билан овқатланаман?

Бу савол кекса Сорелни тараддудга солиб қўйди: у гапни кўпайтирса, бирор фалокат содир бўлишини англаб қолди; чол Жюльенни очопатдан олиб очопатга солганича роса сўкди-да, ниҳоят, уни ўз ҳолига қўйиб, маслаҳатлашиш учун катта ўғиллари олдига равона бўлди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Жюльен уларнинг бари узун дастали болталарига таянишганича оилавий кенгаш қуришаётганини кўриб қолди. У отаси билан акаларига узоқ тикилиб турди-ю, лекин бари бир уларнинг нима тўғрисида гаплашишаётганини тушунолмаслигини англаб, арраҳонани айланиб ўтди-да, гафлатда қолмаслик учун арранинг нариги ёғига ўтириб олди. Жюльен ўз тақдирида кескин ўзгариш ясаши лозим бўлган бу янгилик ҳақида бафуржа ўйлаб кўришни истарди-ю, бироқ шу тобда ўзининг мулоҳаза юрита олмаслигини ҳис этарди: хаёли уни ўқтин-ўқтин жаноб де Реналнинг ажойиб уйи томон олиб қочарди.

«Йўқ, хизматкорлар билан бир дастурхондан овқат егандан кўра,— дерди у ўзига ўзи,— яхшиси, бу ишдан воз кечмоқ керак. Отам мени мажбур этишга ҳаракат қилади, албатта. Йўқ, ўлсам ўламанки, рози бўлмайман. Ун беш франку саккиз су пул тўплаб қўйганман, шу бугун тундаёқ қочаман, биронта ҳам жандам учрамайдиган тоғ сўқмоғидан тўғри кетсам, икки кундан сўнг Безансонга етиб оламан, у ерда солдатликка ёзиламан, жуда бўлмаганда Швейцарияга қочиб ўтаман. Лекин у ҳолда мен учун истиқбол дарвозаси ёпилади, мўлжаллаб қўйган барча ишларимга йўл очиб берадиган руҳонийлик унвонидан мутлақо умид узишга тўғри келади».

Хизматкорлар билан бир дастурхондан овқат ейишга нисбатан бўлган нафрат Жюльеннинг табиатига мутлақо хос эмасди. Ўзига йўл очиш учун у бундан мушкулроқ синовларга ҳам бардош беришга ҳозир эди: Йигитда бу нафрат Руссонинг «Иқроор» китобини ўқигач пайдо бўлганди. Киборлар жамиятини эса Жюльен шу ягона китоб орқалигина тасаввур этарди. Буюк армия маълумотномаси ҳамда «Илоҳий Елена мемориали» — унинг қуръони ана шу уч китобдан иборат эди. Жюльен шу китоблар учун ўлимдан ҳам қайтмасди. У шулардан бўлак биронта ҳам китобга ишонмасди. Кекса полк табибининг гапига биноан у дунёдаги барча бошқа китобларни гирт ёлгон деб ҳисоблар ва уларни шуҳратпарастлик васвасасига мубтало бўлган муттаҳамлар ёзган, деб ўйлар эди.

Оташин қалб соҳиби Жюльен ажойиб хотирага ҳам эга

эди. Бутун келажаги боглиқ бўлган кекса аббат Шеланнинг меҳрини қозонмоқ учун у тавротни лотин тилида тўлиқ ёд олди: шу йўсинда у де Мэстрнинг «Папа ҳақида» китобини ҳам сўзма-сўз хотирасига жо қилди. Бироқ у бу китобларга мутлақо ишонмасди.

Худди келишиб олгандек, ота-бола Сореллар ўша куни бир-бирларига чурқ этиб оғиз очишмади. Кечқурун Жюльен илоҳиётдан сабоқ олмоқ учун кюре ҳузурига жўнади; бироқ у шошқалоқлик қилмасликка аҳд қилди ва отасига қилинган гаройиб таклиф ҳақида ҳеч нима демади. «Бу гапларнинг бари шунчаки тузоқ бўлиб чиқса-чи, — деб ўзича гумон қиларди у. — Яхшиси, ўзимни бу таклифни унутиб қўйгандек кўрсатганим маъқул».

Эртасига азонда жаноб де Реналь кекса Сорелга одам юборди. Чол мэрни бир-икки соат куттириб турди-да, ниҳоят, уникига етиб келиб, остона ҳатлаб ўтмасданоқ таъзим қила-қила кечирим сўрай бошлади. Кейин ўсмоқчилай-ўсмоқчилай ўғлининг хўжайин ва уй бекаси билан овқатланажagini, меҳмон келган кунлар эса — алоҳида хонада болалар билан тамадди қилажagini билиб олди. Жаноб мэр унинг ўғлини тезроқ ўз уйига чақириб олишга шошилаётганини кўриб ҳайратланган ва гумонсираб қолган Сорель борган сайин инжиқлик қила бошлади ва ниҳоят, ўғлининг ётоқхонасини кўрсатишни талаб қилди. Хона анча катта бўлиб, дурустгина жиҳозланган эди. Улар хонани кўришаётганида у ерга жаноб мэрнинг уч ўғилчаси ётадиган учта каравотни ташиб киришмоқда эди.

Бу вазият кекса деҳқон учун баъзи нарсаларни ойдинлаштиргандай бўлди, у дарҳол ўғлига бериладиган кийимларни кўрсатишни талаб қилди. Жаноб де Реналь стол тортмасини очди-да, у ердан юз франк пул олди.

— Марҳамат, мана пул, ўғлингиз газламафуруш жаноб Дюраннинг олдига борсин-да, ўзига қора костюм буюртирсин.

— Агар кейинчалик ўғлимни олиб кетсам-чи, — деди кекса деҳқон лаганбардорликни бир четга йиғиштириб, — кейим-боши ўзига қоладими?

— Албатта.

— Хўп, яхши, — деди чўзиб Сорель. — Демак, энди унга қандай маош белгиланингиз ҳақида келишиб олсак бўлди.

— Бу нима деганингиз? — деди жаноб де Реналь. — Бу ҳақда кеча келишиб қўйган эдик-ку: мен унга уч юз франк маош белгиландим, менимча, шу пул етарли бўлса керак, эҳтимол, ҳатто кўплик ҳам қилар.

— Тўғри, сиз шундай таклиф қилган эдингиз, буни инкор этмайман,— деди янада чўзиброқ кекса Сорель ва бехосдан фақат бизнинг Франш-Контэ деҳқонларини яхши билмайдиган кишинигина ҳайратга солиши мумкин бўлган ўта зийраклик билан жаноб де Реналнинг кўзига тикилганича қўшимча қилди: — *Аммо бошқа жойда бундан дурустроқ тўлашлари ҳам мумкин.*

Бу гапни эшитиб мэрнинг башараси бужмайиб кетди. Лекин у дарҳол ўзини босиб олди. Ниҳоят, биронта ҳам сўз бекор айтилмаган икки соатлик пухта суҳбатдан сўнг деҳқоннинг қувлиги бадавлат мэрнинг айёрлигидан устун чиқди. Давлатманд одамнинг ризқи унинг айёрлигига боғлиқ эмас-да ахир. Жюльеннинг янги ҳаётини белгиловчи бир талай пунктлар бўйича қатъиян битимга келинди, унинг маоши тўрт юз франкка қадар кўтарилибгина қолмай, жаноб мэр бу пулни ҳар ойнинг биринчи кунда тўлайдиган бўлди.

— Яхши. Мен унга ўттиз беш франк бераман,— деди жаноб де Реналь.

— Муҳтарам мэримиздай бадавлат ва саховатли бир одам,— деб ялтоқлик билан гапини илиб кетди чол,— жуфт бўлсин, деб ўттиз олти франк тўласалар ҳам ҳеч нима қилмас.

— Яхши,— деди жаноб де Реналь,— лекин шу билан гапни тугатамиз.

Ғазабининг зўридан бу гал унинг товуши жуда қатъий эшитилди. Сорель дарҳол ортиқ хархаша қилиб бўлмаслигини тушуниб қолди. Энди ҳужум қилиш навбати жаноб де Реналга келди. Кекса Сорель биринчи ой учун тўланиши лозим бўлган ўттиз олти франкни ўглининг ўрнига ўзи ундириб олмоқчи бўлган эди, мэр бу пулни унга тўлашдан қатъиян бош тортди. Жаноб де Реналь бу орада мазкур битимни тузишда ўзини қандай тутгани ҳақида хотинига ҳикоя қилиб беришини ўйлаб қолган эди.

— Менга бояги юз франкни қайтаринг,— деди у жаҳл билан.— Жаноб Дюраннинг мендан бир оз қарзи бор. Ўғлингиз билан бирга бориб, костюм учун мовутни ўзим олиб бераман.

Бу кескин ҳужумдан сўнг Сорель мэрга ўз ҳурматини изҳор қилишни лозим топди; у жаноб де Ренални осмонга кўтариб мақтаб ўн беш минутча вайсади. Ниҳоят, чол ортиқ ҳеч нима ундира олмаслигига кўзи етгач, таъзим қила-қила эшик томон йўл олди. У сўнгги марта таъзим қилар экан:

— Ўғлимни қасрга юбораман,— деди.

Жаноб де Реналнинг кўл остидаги шахарликлар мэрнинг кўнглини олгилари келганида унинг уйини шундай аташгувчи эди.

Устахонасига қайтгач, Сорель қанча қидирмасин, ўглини топа олмади. Бу ишнинг охири нима билан тугашдан чўчиб, шубҳаланган Жюльен тунда уйдан қочиб кетган эди. У ишончли жой топиб, китоблари ва Фахрий Легион крестини яширишга қарор қилди. Йигит буларнинг барини Веррьер узра қад кўтариб турган баланд тоғда истиқомат қилувчи ёш тахтафуруш дўсти Фукенинг уйига олиб борди.

Жюльен у ердан қайтган заҳоти отаси унга бақира кетди:

— Хў, даънати ялқов! Шунча йил сени боқдим, қанчадан-қанча сарф-харажат қилдим. Еган нон-тузингни оқлашни ўйлайсанми ҳеч? Латта-путтангни йиғиштиргин-да, жаноб мэрникига жўна!

Калтаклашмаганидан ажабланган Жюльен дарҳол жўнаб кўя қолди. Лекин отасининг кўзидан нари кетгач, қадамини секинлатди. У мунофиқлик пардасини юзига қалинроқ тортишга қарор қилди. Бунинг учун черковга кириб чиқса ёмон бўлмасди, албатта.

Сизни «мунофиқ» сўзи хайратга солаётган бўлса керак? Лекин ана шу разил қарорга келгунига қадар ёш деҳқон озмунча изтироб чекдимми?!

Жюльен ёш болалигида бир куни эгнига узун оқ плаш ва бошига қоп-қора жиғали каска кийиб олган олтинчи полк драгунларини кўриб қолганди. Драгунлар Италиядан қайтишаётган бўлиб, отларини кекса Сорелнинг панжарадор деразаси олдидаги қозиқларга боғлаб қўйишганди. Ўша-ўша Жюльен ҳарбий бўлишни орзу қила бошлаганди. Кейинчалик, ўсмирлик чоғида у кекса полк табибининг Лоди кўприги ва Риволи яқинидаги Арколь деган жойда содир бўлган қонли жанглар ҳақидаги ҳикоясини завқ билан тинглади. Бу жанглар ҳақида ҳикоя қилар экан, чол ўз крестига фахр билан қараб-қараб қўярди.

Бироқ Жюльен ўн тўрт ёшга тўлган йили Веррьерда бундай кичик шахарча учун ғоят ҳашамдор бўлган катта черков қурила бошлади. Черковнинг пештоқига тўртта мрамор устун ўрнатилган бўлиб, бу устунлар Жюльеннинг қалбини ларзага солганди; кейинроқ уларнинг довуғи бутун вилоятга таралди, чунки худди шу устунлар шахар судьяси билан Безансондан юборилган ва иезуитлар жамиятининг жосуси ҳисобланган ёш руҳоний ўртасида адоват туғдирган эди. Судья шуни деб мансабидан жудо

бўлишига сал қолганди, ҳар қалай, одамлар орасида шундай миш-миш тарқалган эди. Икки ҳафтада бир марта Безансонга бориб, айтишларига кўра, нақ епископ ҳазрати олийларининг ўзига учрашиб келадиган бу руҳоний билан ўчакишишнинг нима ҳожати бор эди унга.

Бу орада жўжабирдек жон шаҳар судьяси одамларга адолатсиздек кўринган бир неча ҳукм чиқариб қўйди: бу ҳукмларнинг бари «Конституционалист»ни ўқиб юрадиган шаҳарликларга қарши қаратилган эди. Охир-оқибатда содиқ фуқаролар ғолиб чиқишди. Аслида гап уч-тўрт франк устида кетганди. Бироқ бу арзимас жаримани тўлаганлар орасида миҳсоз уста — Жюльеннинг чўқинтирган отаси ҳам бор эди. Газабининг зўридан эс-хушини йўқота-ёзган бу одам уйига келган заҳоти бақириб-чақира бошлади: «Дунёнинг тескари бўлиб кетганини қара! Йигирма йилдан буён барча шу муттаҳам судьяни ҳалол одам деб юрганига ўласанми!» Жюльеннинг дўсти, полк табиби эса бу пайтга келиб бандаликни бажо келтириб бўлган эди.

Кутилмаганда Жюльен Наполеон ҳақида гапирмай қўйди, у энди руҳоний бўлишни жазм қилган эди. Арраҳонада уни доим кўлида кекса кюре ҳадя қилган лотин тилидаги тавротни кўтариб юрганини кўришарди. Жюльен уни ёд олмоқчи эди. Йигитчанинг муваффақиятларидан ажабланган меҳрибон чол кечқурунлари вақтини аямай унга илоҳиётдан сабоқ бера бошлади. Жюльен чолнинг олдида художўйликдан бўлак биронта ҳам туйғусини намойиш этмасликка аҳд қилган эди. Чехраси худди қиз боланикига ўхшаш маъсум бу йигитчанинг қалбида ўзига йўл очиш учун ҳар қандай азоб-уқубатга ҳам чидашга ҳозирлик, метиндек қатъият яширинганини ким ўйлабди дейсиз.

Ўзига йўл очиш деганда, Жюльен аввало Веррьерни тарк этишни ўйларди. У туғилиб-ўсган шаҳридан ғоят нафратланарди. Бу ерда кўрган нарсаларининг бари уни даҳшатга соларди.

Унинг ёш болалигиданоқ беҳосдан руҳланиб кетиш одати бор эди. Йигитча ўзини Париж гўзаларига қандай таништиражакларини, ўзи бирор фавқулодда қаҳрамонлик кўрсатиб, уларнинг эътиборини қозонажаги ҳақида ширин хаёлларга бериларди. Нега улардан бирортаси Жюльенга кўнгил қўймасин экан, ахир Бонапартни ҳали у қашшоқлик пайтидаёқ офатижон де Богарнэ хоним севиб қолган-ку? Кўп йиллар давомида Жюльен ҳар дақиқа номаълум ва қашшоқ поручик Бонапартнинг ўз қиличи кучи билан дунёга ҳоким бўлганлигини ўзига ўзи уқтириб кел-

ди. Бу фикр бошига оғир кунлар тушганида унга таскин берар, бирор нарсадан қувонганида эса қувончига қувонч кўшарди.

Черков қурилиши ва шаҳар судьяси чиқарган ҳукмлар бирдан Жюльеннинг кўзини очди: унинг миясига бир фикр келди, бир неча ҳафта давомида у фақат шу ҳақда ўйлади ва ниҳоят, бу фикр унинг бутун борлигини қамраб олди. Одатда оташин қалб соҳиблари ўзларига ихтиро бўлиб туюлган биринчи фикрга шундай бутун юракларини бахш этишади.

«Бонапарт шухрат қозонганида Франция хорижийлар истилосидан қўрқарди, ҳарбий шон-шавкат зарур эди у пайтда. Шунинг учун ҳам у расм тусига кирганди. Энди бўлса қирқ ёшга кирган руҳоний юз минг франк маош олади. Наполеоннинг энг машҳур генералларига ҳам бундан уч марта кам пул тўлашарди. Уларга ишларида нафи тегадиган одамлар керак. Масалан, шахримиз судьясини олайлик. Шу пайтга қадар доно ва ҳалол киши сифатида ном чиқарган бир мўйсафид одам ўттиз ёшлик викарийнинг газабидан чўчиб, ўзини иснодга қолдириб ўтирибди. Руҳоний бўлиш керак».

Икки йил давомида илоҳиятдан сабоқ олиб, худо-жўйлиги жуда авжига чиққан кунларнинг бирида Жюльен беҳосдан қалбини ўртаб келаётган оловни сездириб қўйди. Бу воқеа жаноб Шеланнинг уйда содир бўлди, — бир куни руҳонийлар йиғилган нонушта маҳали меҳрибон кюре Жюльенни меҳмонларга донолик мўъжизаси сифатида таништирган эди, — йигит бирдан Наполеонни кўкларга кўтариб мақтай бошлади. Шундан сўнг ўзини жазоламоқ учун ўнг қўлини кўкрагига танғиб боғлади-да, роппароса икки ой ўзига азоб бериб юрди. Бошқаларга у, хода кўтараётганимда қўлим лат еди, деб баҳона қилди. Ўзини-ўзи шу йўсинда жазолагандан сўнг Жюльеннинг кўнгли таскин топди. Кичкинагина тугунчасини қўлтигига қистирганича Веррьернинг ҳашамдор черковига кириб келаётган, кўринишидан ўн етилардан ошмагандек туюладиган, аслида эса ўн саккиз ёшлик бу нозиккина йигитча ана шунақа одам эди.

Черков гира-шира, бўм-бўш бўлиб, байрам муносабати билан барча деразаларга тўқ қизил парда тортилганди. Шу боисдан қуёш нурлари қандайдир живирлаб, черков ичини улуғвор, кўркам қилиб кўрсатарди. Жюльеннинг аъзойи бадаи титраб кетди. У черковда ёлғиз эди. Йигит кўзига энг чиройли кўринган курсига бориб ўтирди, курсига жаноб де Реналнинг герби нақш қилиб ўйилган эди.

Ибодат маҳали тиз чўкиш учун қўйилган кичкина курсичада Жюльен китоб варагидан йиртиб олинган бир парча қоғозни кўриб қолди. Қоғоз худди бу ерга ўтирган одам ўқисин учун атайлаб қўйилгандек эди. Жюльен уни кўлига олиб, шундай сўзларни ўқиди:

«...йили Безансонда қатл этилган Людовик Женрел ҳаётининг сўнгги дақиқалари...»

Қоғознинг орқа томонида бир сатрнинг «биринчи қадам» деган икки сўзи сақланиб қолган экан.

— Бу қоғозни курсичага ким қўйибдйкин? — деди Жюльен. — Эҳ, бечора, — деб кўшимча қилди у хўрсиниб. — Фамилияси ҳам меникига оҳангдош экан... — йигит қоғозни гижимлаб, бир четга ташлади.

Жюльен черковдан чиқаётганида меҳроб олдидаги жом тагига қон сачрагандек бўлиб туюлди, аслида бу муқаддас сув томчилари бўлиб, қизил дарпардадан тушган ёруғликда қонга ўхшаб кўринаётганди.

Ниҳоят, Жюльен кўнглига тушган гулгуладан ўзи ҳам уялиб кетди.

«Наҳотки шунчалик қўрқоқ бўлсам? — деди у ўзига-ўзига. — Қани, олға!»

Кекса табиб ҳикояларида жуда кўп такрорланадиган бу хитоб Жюльенга қаҳрамонликка ундашдек туюларди. У шартта орқасига ўгирилди-да, тез-тез одим отиб, жаноб де Реналнинг уйи томон юриб кетди.

Бироқ йигит ўзига ўзи қанча далда бермасин, мэрнинг уйига йигирма қадамча қолганида унинг дадиллигидан ном-нишон ҳам қолмади. Панжарали чўян эшик очиқ бўлиб, Жюльенга у ғоят ҳашамдор кўринди. Ана шу эшикдан ичкари кирмоқ лозим эди.

Лекин йигитнинг бу уйга қадам ранжида қилишидан яна бир одамнинг юраги увишмоқда эди. Қандайдир бегона одамнинг ўз вазифасига кўра доим у билан болалари ўртасида ғов бўлиб туриши ҳақидаги фикр табиатан ғоят тортинчоқ бўлмиш де Реналь хонимнинг руҳини тушириб юборганди. Аёл ўғилларининг ёнида, ўз хонасида ухлашга одатланиб қолганди. Эрталаб болаларининг каравотчасини тарбиячи учун мўлжалланган хонага ташиб ўтишар экан, у анча-мунча кўз ёши қилиб олди. У эридан ҳеч бўлмаса кенжа ўғли Станислав-Ксавьени ўз олдида қолдиришни илтимос ҳам қилиб кўрди. Бироқ жаноб де Реналь ўз аҳдада қатъий эди.

Умуман аёлларга хос куйинчаклик де Реналь хонимнинг қалбида ниҳоясига етган эди. У ҳозирнинг ўзидаёқ фақат лотин тилини билгани ва шу тилни деб унинг ўғил-

ларига бақирадиган ва уларни савалайдиган пахмоқ бош, тўпори бир нуххани кўз олдига келтириб қўйганди.

VI

Кўнгилсизлик

Non so più cosa son
Cosa faccio.

Mozart (Figaro).¹

Одатда биров қараб турса чўчийдиган де Реналь хоним ҳозир ўзига хос назокат билан енгил одимлаганича ойнабанд эшик орқали меҳмонхонадан боққа чиқа туриб, дарвозахона олдида ранги оқарган, йиғлайвериб кўзлари қизарган ёшгина деҳқон йигитчани кўриб қолди. Йигитча эгнига топ-тоза оқ кўйлак кийиб, бинафша ранг сатиндан тижилган камзулчасини қўлтиғига қисиб олганди.

Йигитчанинг чехраси шу қадар ошпоқ, кўзлари шу қадар мулойим эдики, бир оз хаёлпарастликка мойил бўлган де Реналь хоним аввалига бу эраққача кийиниб олган қиз эмасмикин, деган хаёлга ҳам борди. Ахир у бирор илтимос билан жаноб мэрнинг ҳузурига келган бўлиши мумкин-ку. Чамаси, қўнғироқни босишга юраги дов бермай эшик олдида турган бу боёқиш қизга хонимнинг раҳми келиб кетди. Де Реналь хоним тарбиячи ҳақидаги ташвишли фикрларни бир зум унутиб, дарвоза томон йўл олди. Кичик эшиққа қараб турган Жюльен хонимнинг яқинлашиб келганини сезмади. У нақ ёнгинасида аёл кишининг мулойим товушини эшитиб чўчиб тушди.

— Сизга нима керак эди, бўтам?

Жюльен шартта у томон ўгирилди-ю, хайрихоҳлик билан қараб турган кўзларга кўзи тушиб, хижолатини ҳам унутиб қўйди: аёлнинг хуснини кўриб ҳайратга тушган йигитча дунёдаги барча нарсаларни, ҳатто бу ерга нима мақсадда келганини ҳам унутди-қўйди. Де Реналь хоним саволини такрорлади.

— Бу уйга келишимдан мақсад, бу ерда тарбиячи бўлиб ишлашим керак экан, хоним, — деди у ниҳоят кўз-

¹ Шехрларни шоир Муҳаммад Алқ таржима қилган.

² Не кечмоқда; билмайман, ҳолим. Не юмушга урмоқданан қўл...
Моцарт. «Фигаро».

ларида ёш милтираётгани учун анордек қизариб, уларни сездирмай артиб олишга уринар экан.

Ҳайратдан де Реналь хонимнинг тили калимага келмай қолди: улар бир-бирларига тикилишганича бир зум туриб қолишди. Жюльен умри бино бўлиб бундай чиройли кийинган аёлни кўрмаган эди. Уни янада ажаблантирган нарса юзи сутдек оппоқ бу хонимнинг у билан мулоим гаплашгани бўлди. Де Реналь хоним деҳқон йигитчанинг аввалига докадек оқариб кўринган, энди эса лоладек қизариб кетган юзидан думалаётган йирик-йирик ёш томчиларига тикилиб турарди. Кейин хоним қўққисдан худди қизалоқларга ўхшаб қаққақа отиб кула бошлади. У ўз устидан хахолаб кулар ва хурсандлигидан ўзини сира тўхтата олмас эди. Тарбиячи деганлари шуми ҳали? У бўлса ўғилларига бақириб, уларни хивич билан савалайдиган исқирт попни тасаввур қилиб юрибди.

— Сиз, тақсир, лотин тилини биласизми ҳали? — деб сўради у ниҳоят.

Ўзига «тақсир» деб мурожаат қилинганидан Жюльен шу қадар ҳайратга тушдики, ҳатто бир зум каловланиб ҳам қолди.

— Шундай, хоним, — тортинибгина жавоб қилди у. Де Реналь хоним шу қадар хурсанд эдики, ҳатто:

— Ишқилиб, боёқиш болаларимни қаттиқ койимайсизми? — деб сўрашга ҳам журъат этди.

— Мен-а? — қайта сўради ажабланган Жюльен. — Нега койирканман энди?

— Йўқ, ростини айтинг, тақсир, — деб қўшимча қилди борган сайин қаттиқроқ ҳаяжонлана бошлаган де Реналь хоним, — уларга яхши муомала қилишни менга ваъда қила оласизми?

Жюльен шундай ясанган хонимнинг ўзига мутлақо жиддий равишда «тақсир» дея мурожаат қилишини сира ҳам кутмаган эди, болалигида у қанчалик орзу-хаёлларга берилмасин, доим, то эгнимга офицерлар киядиган башанг мундир киймагунимча, биронта ҳам олий зот хоним мен билан гаплашишни ўзига раво кўрмаса керак, деб ўйларди. Де Реналь хоним эса Жюльеннинг майин чехраси, катта-катта оху кўзлари, чиройли жингалак сочларини кўриб мутлақо эсапқираб қолганди. Йигитча боя йўлда кела туриб, тетикланиш учун бошини шаҳар фонтани ҳовузчасида ювиб олгани туфайли сочлари янада чиройлироқ бўлиб кетганди. Мана энди де Реналь хоним болаларининг қандай аҳволга солиши мумкинлигидан чўчиб, қўпол махлуқ сифатида тасаввур қилиб юрган даҳшатли тарбиячининг

қиз боладек маъсум йигитча эканини кўрди-ю, хурсандлигидан боши осмонга етди. Табиатан осойишта, мулоим де Реналь хоним учун кўрқиб юрган нарчасининг бирдан аксини кўриши катта бир воқеа эди. Ниҳоят, у ўзига келди-ю, боядан бери ўз уйининг эшиги олдида оддийгина кўйлак кийган бу йигитча билан ёнма-ён турганини кўриб хайратга тушди.

— Қани юринг, тақсир, — деди у бир оз хижолат тортиб.

Де Реналь хоним умри бино бўлиб шу қадар хурсанд бўлмаган ва бундай қаттиқ ҳаяжонланмаган эди. Ахир у озмунча ташвиш чекдими. Маана энди бўлса эвазига кўз олдида ажойиб ҳодиса юз бериб турибди. Демак, унинг ардоқлаб ўстирган ширинтойларни вайсақи ва исқирт поп кўлига тушмас экан-да. Улар даҳлизга киришгач, аёл ортидан тортинибгина келаётган Жюльенга ўгирилди. Бундай ҳашамдор уйни кўриб, хайратга тушгани йигитнинг юзидан шундоқ сезилиб турарди. Шу боисдан ҳам у де Реналь хонимга янада ёқимлироқ кўришиб кетди. Аёл тарбиячини доим қора костюм кийган ҳолда тасаввур қилиб юргани учун ҳам кўзига сира ишонгиси келмасди.

— Наҳотки шу гап рост бўлса, тақсир? — деб такрор сўради де Реналь хоним бирдан, бу шунчаки англашилмовчилик мен бекорга қувонаётган бўлсам-а, деган фикрдан ваҳимага тушиб. — Сиз чипдан ҳам лотин тилини биласизми?

Бу савол йигитнинг иззат-нафсига тегди-ю, чорак соатдан буён ширин хаёллар оғушида турган Жюльен бирдан хушёр тортди.

— Шундай, хоним, — деб жавоб қилди у иложи борича совуқроқ оҳангда гапиришга ҳаракат қилиб. — Лотин тилини жаноб кюредан кам билмайман, баъзан меҳрибонлиги тутиб кетганда эса у ҳатто, бу тилни мендан ҳам яхшироқ биласан, дейди.

Шу тобда икки қадам нарида турган Жюльен де Реналь хонимга жуда баджаҳл кўришиб кетди. У йигитнинг ёнига келди-да, оҳиста деди:

— Ҳатто дарсларини яхши тайёрлашмаган тақдирда ҳам бола бечораларни биринчи кунлари саваламанг, хўпми?

Бу гўзал хонимнинг сўзларидаги ўтинч оҳанги Жюльенга шундай таъсир қилдиким, лотиншунос сифатида обрўсини сақлаш ҳақидаги фикри бир зумда ғойиб бўлди. Де Реналь хоним жуда яқин турганидан йигитнинг димоғига аёл эғнидаги ёзлик кўйлакнинг хушбўй ҳиди

урилди, бу ҳол боёқиш деҳқон учун шу қадар фавқулудда бир нарса эдики, Жюльен шолғомдек қизариб кетди ва эшитилар-эшитилмас гўлдираб деди:

— Қўрқманг, хоним, сиз нима десангиз, ҳаммасини бажо келтираман.

Худди шу пайт, болалар ҳақидаги ташвишдан бутунлай фориг бўлгандан кейингина, де Реналь хоним ҳайрат ила Жюльеннинг гоят чиройли йигит эканлигини сезиб қолди. Унинг қиз боланикидек латиф чехраси, хижолат чекиб туриши табиятан тортинчоқ бўлган бу аёлга кулгили туюлмади, аксинча, эркаклар учун хусн мезони ҳисобланган салобат уни чўчитган бўларди холос.

— Неча ёшга кирдингиз, тақсир? — деб сўради у Жюльендан.

— Яқинда ўн тўққизга тўламан.

— Катта ўғлим ўн бир ёшда, — давом этди де Реналь хоним энди бутунлай кўнгли жойига тушиб. — У сизга деярли ўртоқ бўлади, яхши гапирсангиз бас, доим айтганингизни қилади. Яқинда отаси уни бир тарсаки урган эди, бола боёқиш бир ҳафта касал бўлиб ётди, отаси қаттиқ урмаган эди ҳам ўзи.

«Мен-чи? — деб хаёлидан ўтказди Жюльен. — Қандай катта фарқимиз бор-а. Қуни кеча отам мени дўппослаган эди. Бойваччалар хўп бахтли одам-да».

Ёш тарбиячининг дилидан нелар кечаётганини пайқашга урина бошлаган де Реналь хоним унинг юзидаги маъюслик аломатини ўзича журъатсизликка йўйди-ю, йигитга далда бермоқчи бўлди.

— Исмингиз нима, тақсир? — деб сўради у ўзига ром қилувчи хушмуомалалик билан. Жюльен ўзи ҳам англамаган ҳолда аёлнинг жозибасига мафтун бўлиб қолди.

— Исмин Жюльен Сорель, хоним, умримда биринчи бор бегона уйга қадам босаётганим учун ҳам ўзимни йўқотиб қўйдим; сизнинг ҳомийлигингизга муҳтожман. Яна бир илтимос — биринчи паллада кўпгина ишларда уқувсизлик қилишим мумкин, шуни кечирсангиз. Ночорлик боисидан мактабда ўқиган эмасман, Фахрий Легион орденининг кавалери ва полк табиби бўлмиш қариндошимиз ҳамда муҳтарам кюре, жаноб Шеландан бўлак биронта одам билан дурустроқ гаплашган эмасман. Жаноб Шелан сизга мен ҳақимда бор гапни айтиб бериши мумкин. Акаларим нуқул мени дўппослашарди, агар улар мен тўғримда бирор ножўя гап айтишса, сира ишонманг, баъзи ишларда янглишсам, мени кечиринг, дилимда гараз деган нарса бўлиши мумкин эмас.

Жюльен бунчалик узундан-узоқ гаширар экан, аста-секин хижолатдан қутулиб, ўзини босиб олди; у де Реналь хонимнинг юзидан кўз узмай тикилиб турарди. Табиатнинг ўзи инъом этган чинакам жозибанинг кучи, айниқса бу фазилат сохибининг ўзи буни сезмаса, ана шундай таъсирли бўлади. Аёллар ҳусни бобида ўзини жуда билимдон ҳисоблаб юрадиган Жюльен шу дамда, бу аёлнинг ёши йигирмадан ошмаган, деб онт ичишга тайёр эди. Бирдан унинг миясига, хонимнинг қўлини ўпишим керак, деган фикр келди. Шу заҳотиёқ бу фикрдан Жюльеннинг ўзи ҳам қўрқиб кетди-ю, бироқ кейинги лаҳзада: «Менга фойдаси тегадиган бу ишни қилмасам, фирт қўрқоқлик қилган бўлман. Боз устига, шундан сўнг бу гўзал хоним ҳозиргина арраҳонани тарк этган бир бечора ишчи йигитга нисбатан такаббурлик қилмайдиган бўлиб, бир оз попуги пасаяди», деб ўзига ўзи далда берди. Эҳтимол, Жюльен ярим йилдан буён якшанба кунлари қизлардан: «Чиройли йигитча экан», деган гапни кўп эшитганини эслагани учун ҳам шундай ботир бўлиб кетгандир. Йигит шу йўсинда иккиланиб турар экан, де Реналь хоним биринчи паллада болаларга қандай муносабатда бўлиш лозимлигини қисқача тушунтира бошлади. Ўзини тийишга зўр бериб уринганидан ранги баттар оқариб кетган Жюльен қандайдир ғайри табиий оҳангда деди:

— Хоним, мен болаларингизни сираям урмайман, парвардигорни шафе келтириб қасамёд қилишим мумкин,— у шундай деб де Реналь хонимнинг қўлидан туттишга журъат этди-да, уни лабига босди. Аёл йигитнинг бу қилмишидан аввалига хайратга тушди, кейин бир оз ўйлаб кўргач, жаҳли чиқди. Кун жуда иссиқ эди, шу боисдан унинг ҳарир шол рўмол билангина ёпилган қўлини Жюльен лабига босганида елкасига қадар очилиб кетди. Орадан лаҳза ўтмай де Реналь хоним дарҳол газабланмагандан ичида ўзини ўзи койий бошлади.

Жаноб де Реналь даҳлиздаги говур-гувур гапларни эшитиб, кабинетидан чиқиб келди-да, одатда мэрияда никоҳ маросимини ўтказаетган пайтдагидек, улуғвор ҳамда оталарча бир оҳангда Жюльенга қарата деди:

— Болалар билан учрашмасингиздан аввал сиз билан гаплашиб олишим зарур.

У Жюльенни хонага бошлаб кирди-да, чиқиб кетмоқчи бўлган хотинини тўхтатиб, эшикни ёпди ва савлат билан креслога ўтирди.

— Жаноби кўре менга сизнинг боадаб йигит эканлигини айтган эди. Бу ерда ҳурматингиз жойида бўлади,

агар ишингиздан мамнун бўлсам, келажакда дурустроқ мансабга эришингизга ёрдам бераман. Бундан буён қариндош-уруғларингиз билан ҳам, ёру биродарларингиз билан ҳам учрашмаганингиз маъқул, негаки уларнинг қилиқлари-ю, хатти-ҳаракатлари менинг болаларимга тўғри келмайди. Мана сизга биринчи ой учун ўттиз олти франк, лекин бу пулдан отангизга сариқ чақа ҳам бермасликка сўз берасиз.

Жаноб де Реналь бу ишда панд бериб кетгани учун чолни сира кечира олмасди.

— Энди эса, тақсир, ҳа, айтгандай, мен ҳаммага сизни «тақсир» деб аташни буюрдим, баобрў кишилар уйда истиқомат қилишнинг афзал томонларини ҳали ўзингиз кўрасиз, — энди эса, тақсир, болалар сизни бу калта камзулда кўрмаганлари маъқул. Хизматкорлардан биронтаси бу кишини кўрдими? — сўради у хотинига мурожаат қилиб.

— Йўқ, кўришмади, азизим, — деб жавоб қилди чуқур хаёлга чўмиб ўтиргандай де Реналь хоним.

— Ундай бўлса жудаям яхши. Манавини кийиб олинг, — деди жаноб мэр ажабланиб қараб турган йигитга ўз сюртугини узатар экан. — Ҳозир сиз билан мовутфуруш жаноб Дюраннинг олдига борамиз.

Орадан бир ярим соатча вақт ўтгач, бошдан-оёқ қора кийим кийган янги тарбиячи билан уйга қайтар экан, жаноб де Реналь хотинининг ҳамон ўша жойда ўтирганини кўрди. Хоним Жюльенни кўргач, кўнгли бир оз жойига тушди, тарбиячи кўз ўнгида бўлганидан аёл ундан ортиқ чўчимади. Жюльен эса энди уй бекасини ўйламай қўйганди; ҳаётга ва кишиларга нисбатан бўлган ишончсизлигига қарамай, шу тобда унинг қалби худди ёш боланикидек эди: назарида уч соат бурун черковда кўрқувдан қалтираб ўтирганидан буён орадан йиллар ўтиб кетгандек туюлди. Бирдан у де Реналь хонимнинг қовоқ уйиб ўтирганини кўрди-ю, қўлини ўпишга журъат этгани учун аёлни жажлади чиққанини пайқади. Бироқ мутлақо кийиб ўрганмаган янги костюм туфайли эндигина қалбида кўтарилиб келаётган фахрланиш туйғусидан ўзини йўқотаётган ва шу билан бирга дилидаги қувончни яширишга уринаётган Жюльеннинг барча хатти-ҳаракатлари қандайдир жўшқин тус олган эди. Де Реналь хоним уни ҳайрат билан кузатиб турарди.

— Сипороқ бўлинг, тақсир, — деди йигитга қараб жаноб де Реналь, — агар ўғилларим ва хизматкорлар олдида обрў қозонмоқчи бўлсангиз, ўзингизни вазминроқ тутинг.

— Афандим, — деди жавобан Жюльен, — бу янги кийимимда ўзимни ноқулай ҳис этипман. Камбағал деҳқон бўлганим туфайли умрим бино бўлиб калта камзулчадан бўлак кийим киймаган эдим. Ижозат этсангиз, бир оз ёлғиз қолмоқ учун ўз хонамга борсам.

— Хўш, қалай, топган тарбиячимиз ҳақида нима дейсан? — деб сўради хотинидан жаноб де Реналь.

Дилида ўзи ҳам англаб етмаган қандайдир истак туғилган де Реналь хоним эридан ҳақиқатни яширди.

— Бу қишлоқи йигитча менга унча ёқмади. Сизнинг илтифотларингиздан сурбетлашиб кетмаса, деб қўрқаман — у ҳолда бир ой ўтар-ўтмас унинг жавобини бериб юборишингизга тўғри келади.

— Нимаям дердим, жавобини берсак бераверамиз-да. Тўғри, юз франкка яқин чиқим бўлади, лекин бу орада веррьерликларнинг кўзи жаноб де Реналь болаларининг тарбиячиси борлигига кўникиб қолади. Агар у ишчилар киядиган камзулчасида юрса, бунга эришиб бўлмайди. Уни ҳайдаган тақдиримизда эса, турган гап, мовутфурушдан ҳозир олиб келган анови икки кийимлик мато ўзимда қолади. Унга фақат устахонадан эгнига кийдириб келган анови кийимларни бериб юбораман.

Жюльен ўз хонасида бир соатга яқин ёлғиз ўтирди, бироқ де Реналь хоним бу вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди, болаларга энди уларнинг тарбиячилари бор эканлигини айтишган эди, улар оналарини саволга кўмиб ташлашди. Ниҳоят, хонасидан Жюльен чиқиб келди. Энди у мутлақо бошқа одам бўлиб, ўзини сипо тутяпти, дейиш кифоя қилмасди, йўқ, бу сиполикнинг тимсоли эди. Уни болаларга таништиришган эди, Жюльен уларга қарата вазминлик билан шундай бир оҳангда сўзладики, ҳатто жаноб де Реналнинг ўзи ҳам ёқасини ушлаб қолди.

— Менинг бу ерга келишимдан мақсад, жаноблар, — деди у болаларга ўз нутқининг охирида, — сизларга лотин тилини ўргатишдир. Дарсда жавоб бериш қандай бўлиши ўзингизга маълум. Мана бу муқаддас китобга бир назар ташланг, — шундай деб у болаларга қора муқовали кичкинагина китобчани кўрсатди. — Инжил деб аталмиш ушбу китобда Исо Алайҳиссаломнинг ҳаёти баён этилган. Мен дарсингизни муттасил ана шу китоб бўйича сўрайман. Энди эса мендан дарс сўрашингиз мумкин. Марҳамат, китобни олинг.

Болаларнинг каттаси Адольф китобни қўлига олди.

— Бирор саҳифани очинг-да, — деб давом этди Жюльен, — истаган оятингизнинг биринчи сўзини айтинг.

Мен эса ҳаётда барчамизга ибрат бўлиши лозим бўлган бу муқаддас китобни, то ўзингиз тўхтатмагунингизча, ёддан ўқий бераман.

Адольф китобни очиб, бир сўзни ўқиган эди, Жюльен худди она тилида сўзлаётгандек, сира тутилмай бутун саҳифани ёддан айтиб бера бошлади. Жаноб де Реналь хотинига гердайиб қараб қўйди. Отаси билан онасининг ажабланишаётганини кўрган болалар Жюльенга бақрайиб қараб туришарди. Меҳмонхона эшигида хизматкор пайдо бўлди; Жюльен лотин тилида гапираверди. Хизматкор аввалига таққа тўхтаб қолди-да, сўнг хиёл ўтмай гоийиб бўлди. Кейин эшик ёнига оқсоч аёл билан ошпаз қиз келди, Адольф шунгача китобнинг саккиз жойини очиб улгурган, Жюльен эса, ўша-ўша сира тутилмай инжилни ёддан ўқиётган эди.

— Ё парвардигор! Шунақаям барно йигит бўладими, ўзи ёшгина-ю, дарров руҳоний бўлиб олибди-я, — деди беихтиёр табиатан юмшоқ кўнгил ва ўта художўй ошпаз қиз.

Жюльеннинг лотин тилини бундай яхши билиши жаноб де Реналнинг иззат-нафсига тегди: у янги тарбиячини имтиҳон қилишни ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса-да, бирор лотинча иборани эслашга урина бошлади; ниҳоят, у Горацийнинг битта шеърини эслади. Бироқ Жюльен лотин тилида инжилдан бўлак ҳеч нимани билмасди. Шу боисдан у қовоғини уйиб деди:

— Мен ўзимни руҳонийликка тайёрлаяпман. Руҳонийлик унвони эса бундай шаккок шоир асарларини ўқишни ман этади.

Жаноб де Реналь гўё Горацийники бўлмиш яна бир қатор шеърларни ўқиди-да, ўғилларига Горацийнинг ким эканлигини тушунтира бошлади. Бироқ болалар Жюльенга қойил қолганларидан анграйишиб, оталарининг гапига мутлақо эътибор бермадилар. Улар Жюльендан кўз узишмасди.

Хизматкорлар ҳамон эшик олдида анграйиб туришарди. Жюльен синовни давом эттиришга қарор қилди.

— Хўш, энди Станислав-Ксавье ҳам менга инжилнинг бирор оятини таклиф қилсин.

Болаларнинг энг кичиги Станислав гурурланганидан чехраси ёришиб, оятнинг биринчи сўзини ҳижжаляб ўқиган эди, Жюльен бутун саҳифани ёддан айтиб бера бошладди. Гўё жаноб де Реналь ўз тантанасидан ҳузур қилсин учун атайлаб қилгандек, Жюльен сурани ёддан ўқиб турган пайтда меҳмонхонага ажойиб норманд йўргаларининг эгаси жаноб Валено билан вилоят префектининг ёрдам-

чиси жаноб Шарко де Можирон кириб келишди. Шу воқеадан сўнг Жюльенга ҳамма «тақсир» деб мурожаат қиладиган бўлди, ҳатто хизматкорлар ҳам унинг бу унводини тан олишди.

Кечкурун бутун Веррьер бу мўъжизани кўрмоқ учун мэрнинг уйига ёпирилиб келди. Жюльен барча саволларга қовоғини солиб, сиполик билан жавоб қилар, натижада суҳбатдошлари унга бачкана саволлар беришга ботинишмас эди. Шаҳарда унинг шуҳрати шу қадар тез таралдики, орадан бир неча кун ўтар-ўтмас, биронтаси ўзига оғдириб кетмасайди, деб чўчиб қолган жаноб де Реналь йигитга икки йил ишлаш хусусидаги шартномага имзо чекишни таклиф қилди.

— Йўқ; афандим, — деб совуққина жавоб қилди Жюльен, — агар мени ҳайдасангиз, мен кетишга мажбур бўлман, сизнинг зиммангизга ҳеч қандай мажбурият юкламай фақат менинг қўл-оёғимни боғлаб берадиган бундай шартнома адолат юзасидан бўлмайди. Мен унга имзо чекмайман.

Жюльен обрў сақлаб, ўзини шу қадар сипо тутдики, унинг бу уйга келганидан буён бир ой ўтмасданоқ ҳатто жаноб де Реналнинг ўзи ҳам уни ҳурмат қила бошлади. Кекса кюре энди жаноб де Реналь ҳамда Валено жаноблари билан алоқани бутунлай узиб юборгани туфайли Жюльеннинг Наполеонга бўлган ихлоси ҳақида ҳеч ким уларга етказа олмасди: унинг ўзи эса Бонапарт тўғрисида фақат даҳшат билан гапирарди.

VII

Сайланма ўхшашлик

Дилингга озор бермай, кўнглингни ололмайдилар.

Ҳозирги замон муаллифидан

Болалар уни жонларидан яхши кўришар, Жюльен эса уларга мутлақо бефарқ қарар эди; унинг хаёли узоқ-узоқларда кезиб юарди. Болалар қанчалик тўполон қилишмасин, у ҳаммасига бардош берарди. Совуққон, одил ва холис бу йигит яхши тарбиячи эди. Болалар уни яхши кўриб қолишганининг боиси у пайдо бўлганидан буён улар ортиқ зерикмай қўйишганди. Жюльеннинг ўзи эса унга дастурхоннинг бир четидан жой берган мазкур киборлар

жамиятидан қаттиқ нафратланар эди. Эҳтимол, унинг нафратини худди ана шу дастурхоннинг чети қўзгатгандир. Баъзан бирор зиёфат пайти стол ёнида ўтирар экан, у атрофидаги кишиларга нисбатан нафратини сездириб қўйишига сал қоларди. Авлиё Людовик байрами куни у стол ёнида жаноб Валенонинг сафсата сотишини эшитиб ўтириб, оз бўлмаса дилидагини сездириб қўяй деди. Шундан сўнг у болалардан хабар олиши лозимлигини баҳона қилиб боққа қочиб чиқди.

«Ҳалоллик ҳақида гап сотишларига ўласанми, — деди хаёлан Жюльен. — Гўё дунёда ҳалолликдан бўлак бирорта фазилат йўқдай, шу билан бирга йўқсиллар мулкига хўжайин бўлиб олганидан буён давлатини икки-уч чандон кўпайтириб олган одамнинг товонини ўпай дейишади. Имоним кәмилки, жаноб Валено ҳатто давлат анови шўрпешона ташландиқ болаларга ажратган пулнинг ҳам каттагина қисмини туя қилади. Сағирнинг ҳақиға хиёнат-ку ахир бу. Вой махлуқлар-ей! Вой тўнғизлар! Ўзим-чи, ўзимнинг ташландиқ боладан нима фарқим бор; ҳамма — отам, акаларим, бутун оиламиз мени кўргани кўзи йўқ».

Ана шу авлиё Людовик байрамидан бир неча кун аввал Жюльен оятларни ёдида такрорлаб, Садоқат Хиёбонидан юқорироқда жойлашган Бельведер деб атаъмиш дарахтзорда сайр қилиб юрган пайтда қўққисдан пастқам сўқмоқларнинг бирида акаларига дуч келиб қолди. Унинг ажойиб қора костюми, ўзини вазмин тутиши ва акаларига нисбатан очиқдан-очиқ нафрати бу кўпол ишчи йигитларнинг шу қадар ғазабини қайнатиб юбордики, улар Жюльенга ташланиб, уни ҳушидан кетгунча дўппослашди. Боёқиш қоп-қора қонга беланганича ерга чўзилиб қолди. Жаноб Валено ва префект ёрдамчиси ҳамроҳлигида сайр қилиб юрган де Реналь хоним тасодифан шу дарахтзорга кириб, беҳуш ётган Жюльенни кўриб қолди-ю, уни ўлдиришибди, деб гумон қилиб, капалаги учиб кетди. Аёл қаттиқ изтиробга тушганини кўриб, жаноб Валенонинг рашки кўзиди.

Бироқ у бекор ташвиш қилган эди. Жюльен де Реналь хонимнинг гўзаллигини тан оларди-ю, лекин ана шу гўзаллиги учун ҳам ёмон кўрарди, ахир унинг ҳаётда муваффақият қозонини йўлида биринчи тўсиқ аёлнинг шу гўзаллиги бўлиб, йигит унга қоқилишига сал қолганди. У биринчи кун де Реналь хонимнинг хуснига маҳлиё бўлиб, унинг қўлини ўпгани аёлнинг эсидан тезроқ чиқсин учун ундан иложи борича ўзини олиб қочиб юарди.

Де Реналь хонимнинг оқсочи Элиза бир кўришдаёқ навқирон тарбиячини севиб қолди: у ўз бекасига тинимсиз шу ҳақда гапирарди. Элизанинг муҳаббати хизматкорлардан бирининг қалбида Жюльенга нисбатан адоват туғилишига сабаб бўлди. Кунлардан бирида Жюльен ўша одамнинг Элизага қараб: «Уйимизда ўша исқирт тарбиячи пайдо бўлганидан бери мен билан гаплашгингиз ҳам келмай қолди», деганини ўз қулоғи билан эшитди. Жюльен бундай сифатлашга мутлақо муносиб эмасди, албатта. Лекин шунга қарамай, келишган йигит бўлгани учун ҳам ўзига кўпроқ оро бера бошлади. Шундан сўнг жаноб Валено ҳам уни баттар ёмон кўриб қолди. У барчага эшиттириб, ёш аббатга бундай олифталик мутлақо ярашмайди, деб юрарди. Этаклари узун қора камзул кийган Жюльен шу туришда кўпроқ жуббасини ечиб қўйган роҳибга ўхшаб кетарди.

Де Реналь хоним Жюльеннинг ўқтин-ўқтин Элиза билан гаплашиб турганини кўрарди. Аёл суриштириб, бунинг боиси ёш тарбиячининг кийим-боши тахчиллигида эканини билиб олди. Ич кийимлари жуда кам экан, шу сабабдан ҳам йигит тез-тез шуларни ювиб беришни Элизадан илтимос қилиб турар экан. Ўзи хаёлига ҳам келтирмаган бундай қашшоқликни кўриб, де Реналь хонимнинг кўнгли бузилиб кетди; аёл унга бир неча жуфт кўйлак совға қилмоқчи бўлди-ю, лекин юраги дов бермади. Ана шу ички ихтилоф Жюльен туфайли унинг дилига озор етказган биринчи оғир туйғу бўлди. Шу пайтга қадар эса Жюльеннинг исми аёл учун соф маънавий қувончнинг тимсоли бўлиб кетган эди. Жюльеннинг қашшоқлиги ҳақидаги фикрдан тинчлигини йўқотган де Реналь хоним бир куни эрига, совға тариқасида Жюльенга ич кийим олиб берсакмикин, деб оғиз очди.

— Бемаъни гап, — деди жавобан жаноб де Реналь. — Ишидан рози бўлсак, ўзи бизга яхши хизмат қилаётган бўлса, нега энди унга совға қилишимиз керак экан? Агар кўнгилдагидек ишламаётганини сезганимизда эди, унда бошқа гап. У ҳолда тарбиячимизни яхшироқ ишлаши учун рағбатлантиришимиз лозим бўларди.

Де Реналь хонимга эрининг бундай нуқтаи назари кишини хўрлаш бўлиб кўринди: бироқ уйларида Жюльеннинг пайдо бўлганига қадар аёл бундай гапларга эътибор ҳам бермаган бўларди. Энди эса, ҳар гал навқирон аббатнинг гарчи анча оҳори тўкилган бўлса-да, ораста костюмига кўзи тушар экан, аёлнинг дилидан беихтиёр:

«Бечора йигит, бундай саришта юришнинг қандай уддасидан чиқаркин-а...» деган хаёл кечарди.

Аста-секин Жюльенга етишмайдиган барча нарсалар аёлнинг асло жигига тегмай, аксинча, унинг қалбида раҳм-шафқат ҳиссини уйғотадиган бўлиб қолди.

Де Реналь хоним бир қарашда овсардек туюладиган аёллар сирасига кирарди. Унинг ҳеч қандай ҳаётий тажрибаси бўлмай, суҳбат чоғи у ўзини кўрсатишга уринмасди. Нозик ва мағрур қалб соҳибаси бўлган бу аёл ҳар қандай инсон сингари бахт сари интилар экан, тақдир тақозоси билан теварак-атрофини ўраб турган бу кўпол кишиларнинг нима қилишаётганига кўпинча шунчаки эътибор бермасди.

Агар бирор маълумоти бўлганида эди, де Реналь хоним ўзининг соддадиллиги ва ақли тийраклиги билан кишилар эътиборини ўзига тортган бўларди; бироқ бадавлат меросхўр сифатида у «Исо Алайҳиссаломнинг муқаддас юраги» орденининг ашаддий мухлислари бўлган ҳамда иезуитларнинг душмани ҳисобланган барча французлардан қаттиқ нафратланадиган роҳибалар қўлида тарбия топган эди. Хоним монастирда ўқитишган барча бўлмағур нарсаларни тез кунда унутиб юборишга ақли етди-ю, бироқ бунинг ўрнини бирор бошқа маълумот билан тўлдиролмади ва бутунлай жаҳолатда яшайверди. Бадавлат меросхўр бўлганидан одамларнинг унга хушомад қилишлари ва ўзининг ғоятда художўй бўлгани хонимнинг одамови бўлишига сабаб бўлди. Кўринишидан у жуда итоатгўй, ўз продасидан бутунлай воз кечгандек туюларди. Шунинг учун ҳам веррьерлик жаноблар доим уни ўз хотинларига ибрат қилиб кўрсатишар ва бундан жаноб де Реналь ғоят фахрланиб юрар эди; аслида эса хонимнинг одатдаги руҳий ҳолати ўтакетган такаббурлик оқибати эди. Мағрурлик тимсоли сифатида эслаб юриладиган бирор малика ҳам ўз сарой аҳлининг қилаётган ишига мана шу ғоятда мулойим ва камсуқум кўринган аёл ўз эрининг барча ишлари ёки айтган гапларига эътибор берганидан кўра кўпроқ эътибор берган бўлса ажаб эмас. Жюльен келгунига қадар хоним эътибор берадиган ягона нарса унинг ўз болалари эди. Уларнинг тоби қочиши, уларнинг ташвиши-ю, қувончи қалбини бутунлай банд этиб қўйганди, Де Реналь хоним умри бино бўлиб Безансондаги «Исо Алайҳиссаломнинг муқаддас юраги» монастирида тарбия кўраётган кезлари меҳр қўйган парвардигордан бўлак ҳеч кимни севмаган эди.

Гарчи хоним бу ҳақда бировга айтишни лозим топма-

ган бўлса-да, бироқ ўғилчаларидан биронтасининг хиёл эти увишса ёхуд иссиғи кўтарилса, у дарҳол гўё фарзанди нобуд бўлгандек ўртана бошларди. Оилавий ҳаётининг биринчи йиллари у очилиб-сочибли кетган кезлари эрига ўз кечинмаларини ҳикоя қилмоқчи бўлганида жаноб де Реналь елкасини қисиб илжайр ва хотинларнинг тентак-лиги ҳақида бирор сийқаси чиққан гапни айтиб қўя қо-ларди. Бундай ҳазиллардан, айниқса, болаларнинг бетоб-лиги хусусидаги ҳазиллардан де Реналь хоним зил ке-тарди. Ёшлик йилларини ўтказган иезуитлар монастири-даги ялтоқи хушомад ўрнига у ана шу нарсага эга бўлган эди. Қайғу уни тарбиялади. Бу дилсиёҳлик ҳақида у ҳатто энг яқин дугонаси Дервиль хонимга ҳам бир оғиз гап айт-мади. Бунга унинг гурури йўл қўймасди. Шунинг учун ҳам у барча эркаклар ўз эри, жаноб Валено ва префект-нинг ёрдамчиси Шарко де Можиронга ўхшаган бўлса ке-рак, деган ишонч билан юраверди. Қўполлик ва даромад, мансаб ҳамда мукофотга алоқаси бўлмаган барча нарсага ўта бепарволик, ўзларига ёқмайдиган ҳар қандай фикрга нисбатан кўр-кўрона нафрат — эркак зоти учун булар-нинг бари хонимнинг наздида уларнинг этик ҳамда фетр шляпа кийиб юриши каби табиий бир нарсадек туюларди.

Бироқ орадан шунча йил ўтишига қарамай де Реналь хоним бари бир ўзи ораларида яшашга мажбур бўлган бу пулдорларга кўника олмади.

Навқирон деҳқон йигитча Жюльеннинг бундай муваф-фақият қозониши ҳам ана шундан эди. Шу олижаноб ва мағрур қалб соҳибига бўлган хайрихоҳлик хоним юрагига ўзининг янгилик жозибаси билан қандайдир ширин ҳало-ват бахш этди.

Де Реналь хоним тез орада Жюльеннинг энг оддий нарсаларни билмаслигини (бу ҳол ҳатто унинг кўнглини ийитарди) ва бир оз кўполлигини кечириб юборди. У аста-секин бу кўполликни бартараф этишга муваффақ бўлди. Хоним йигитча энг оддий нарсалар ҳақида ҳам жуда таъсирли қилиб гапиришини ҳис этди. Масалан, унинг кўчани кесиб ўтаётганида елиб бораётган деҳқон араваси босиб кетган ит ҳақидаги ҳикоясини олайлик. Бундай бахтсиз ҳодиса жаноб де Реналнинг кўпол кулги-сига сабаб бўларди, бу ўринда эса хоним Жюльеннинг қоп-қора ва чиройли қошлари изтироб билан чимирилганини кўрди. Бора-бора унга мардлик, руҳан олижаноблик, инсо-нийлик каби фазилатлар фақат ана шу навқирон аббатга-гина хосдек туюла бошлади. Бу фазилатлар таъсирида ўз қалбида уйғонган хайрихоҳлик ва ҳатто қойил қолиш

туйгуларини хоним энди ёлгиз Жюльенгагина багишлаган эди.

Парижда Жюльен билан де Реналь хоним ўртасидаги муносабат осонгина ҳал бўла қоларди, аммо Парижда муҳаббат романлар маҳсули ҳисобланади. Навқирон тарбиячи ва унинг тортинчоқ бекаси уч-тўртта роман ўқиғач ёки Жимназ театрида ижро этиладиган қўшиқларни тинглагач, дарҳол ўз муносабатларини аниқлаб олган бўлар эдилар. Романлар уларга ўзларини қандай тутишни ўргатган, тақлид қилиш учун намуналар кўрсатган бўларди: қарабсизки, ҳатто, эҳтимол, ўзи истамаган ҳолда ҳам Жюльен шуҳратпарастлик юзасидан беихтиёр ўша романларда тасвирланган муҳаббатга тақлид қилиб қўя қоларди.

Авейрондаги бирон кичик шаҳарча ёки Пиреней тоғи этакларида ҳар қандай тасодиф масалани бир зумда ҳал қилган бўларди — одатда иссиқ иқлимнинг таъсири шунақа бўлади. Бизнинг сербулут осмонимиз тагида эса камбағал йигитча шоиртабиат бўлгани учун пул сарф қилиш лозим бўлган қувончларга интилганидан ҳам шуҳратпараст бўлиб қолади. У ҳар куни фақат болаларининг ташвиши билан яшайдиган ва ўзининг юриш-туриши учун романлардан намуна изламайдиган ўттиз ёшлик гоёт покиза аёлни кўради. Ҳамма нарса аста-секин давом этади, чунки вилоятда воқеалар жуда оҳиста ривожланади ва бу табиий ҳол, албатта.

Ўқтин-ўқтин навқирон тарбиячининг муҳтожлигини ўйлар экан, де Реналь хоним таъсирланиб кетиб, кўзига ёш ҳам оларди. Бир куни Жюльен унинг ана шундай йиғлаб ўтиргани устидан чиқиб қолди.

— Ҳа, хоним, бирор фалокат рўй бердими?

— Йўқ, дўстгинам,— деб жавоб қилди хоним унга.— Болаларни чақиринг, сайр қилгани чиқамиз.

Аёл тарбиячининг қўлтиғидан тутиб, унга таянган эди, бу ҳол Жюльенга жуда ғалати туюлди. Бунинг устига хоним уни биринчи бор «дўстгинам», деб атаганиди.

Сайр қилиб, уйга қайтишар экан, Жюльен унинг ўқтин-ўқтин қизариб кетаётганини пайқади. Бир пайт хоним қадамини секинлатди.

— Мен холамнинг ёлгиз меросхўри эканимни сизга айтишган бўлса керак,— деб гап бошлади у Жюльенга қарамасдан,— холам жуда бадавлат, ўзи Безансонда яшайди. У доим менга турли совғалар юбориб туради. Ўғилларим эса шундай яхши ўқишяптики... ажабланасан киши. Шу

боисдан миннатдорчилигим рамзи сифатида мендан кичкинагина бир совға қабул этишингизни илтимос қилмоқчиман. Бу шунчаки арзимас пул, ички кийим олишингиз учун бир неча луидор холос. Фақат, биласизми... — деб кўшимча қилди у баттар қизариб ва жимиб қолди.

— Нимани билишим керак экан, хоним? — деб сўради Жюльен.

— Бу ҳақда, — деди шивирлаб аёл бошини қуйи солиб, — бу ҳақда эримга айтмаганингиз маъқул.

— Мен кичик бир одамман, хоним, лекин ювиндихўр эмасман, — деб жавоб қилди Жюльен кўзлари газабдан чақнаб ва тўхтаб қаддини ростлади. — Сиз бу ҳақда ўйлаб кўришни лозим топмагансиз, албатта. Агар оладиган пулим ҳақида жаноб де Реналдан бирор нарсани яширгудек бўлсам, ўзимни энг тубан малайдан ҳам пастроқ ҳисоблардим.

Де Реналь хоним ўзини ер ёрилса ерга кириб кетгудек ҳис этди.

— Жаноб мэр, — деб давом этди Жюльен, — бу ерда истиқомат қила бошлаганимдан буён менга беш марта ўттиз олти франкдан пул берди. Мен ҳаражат дафтарчасини жаноб де Реналга, умуман истаган одамга, ҳатто мени кўрарга кўзи йўқ, жаноб Валенога ҳам ҳозирнинг ўзидаёқ кўрсатишим мумкин.

Шу гапдан сўнг ҳаяжонга тушиб, ранги оқарган де Реналь хоним унинг ёнида индамай бораверди. Улар уйга етгунларига қадар на униса, на буниси суҳбатни қайта бошлаш учун бирор баҳона топа олди.

Энди де Реналь хонимни севиб қолиш мағрур қалб соҳиби Жюльен учун мутлақо имкондан хориж нарсага айланди. Хонимнинг эса Жюльенга нисбатан ҳурмати ошди, у Жюльенга қойил қолди: йигит бошлаб таъзирини берди! Унинг дилига беихтиёр озор берган хоним айбини ювмоқ ниятида энди Жюльен атрофида парвона бўла бошлади. Бу янги ташвишлардан хоним бир ҳафтагача қувониб юриб, охири Жюльенни бирмунча жаҳлидан туширишга эришди, бироқ йигит ўзига нисбатан хонимнинг майли борлигини хаёлига ҳам келтирмади.

— Боёиларнинг бари шунақа, — дерди у ўзига ўзи, — аввалига сени тупроққа қоришади, кейин эса гамзаю усул қилиб, айбларини ювмоқчи бўлишади.

Де Реналь хонимнинг қалби шу қадар ҳаяжон билан тўлиб-тошган, ўзи эса шу қадар ифбатли эдики, кўнглидаги бор гапни гапиравермасликка жазм этганига қарамай, Жюльенга қилган таклифи ва тарбиячининг бу таклифни

қандай рад этганини эрига гапириб беришдан ўзини тиёлмади.

— Қанақасига энди? — деб хитоб қилди ғазаби қайнаб кетган жаноб де Реналь. — Ўз хизматкорингиз таклифингизни рад этишига қандай йўл қўйдингиз ахир?

Эрининг бу гапидан жаҳли чиққан де Реналь хоним унга эътироз билдиришга уринди.

— Мен, хоним, — деб жавоб қилди шунда жаноб де Реналь, — марҳум шахзода Кондэ ўз камергерларини ёш хотинига таништира туриб айтган иборасини такрорляпман холос. «Бу одамларнинг бари бизнинг хизматкорларимиз», деган эди у. Мен де Безанвалнинг мемуарларидан обрў сақлаш хусусида гоят ибратли бу жойини сизга ўқиб берган эдим. Дворянин бўлмаган ҳар қандай кимса уйингизда маош олиб истиқомат қилар экан, у сизнинг хизматкорингиз бўлади. Мен ўша жаноб Жюльен билан гаплашиб қўяман ва унга юз франк ҳадя этаман.

— Эҳ, дўстгинам, — деди қалт-қалт титраб экан, нафаси ичига тушиб де Реналь хоним. — Фақат, илтимос, пул бераётганингизни хизматкорлар кўрмасин.

— Ҳа, албатта. Улар ҳасад қиладилар, бунга асослари ҳам бор, — деди жаноб де Реналь хонадан чиқар экан, юз франк бераман, деб жуда катта кетмадиммикин, деб ўйлади.

Де Реналь хонимнинг дард-дунёси шу қадар қоронғи бўлиб кетган эдики, у деярли ҳушидан кетиб креслога йиқилди. «Ана энди у Жюльенни хўрлайдиган бўлди. Бунга эса мен айбдорман». У дилида эрига нисбатан нафрат ҳис этиб, юзини кафтлари билан ёпиб олди. Энди хоним, ҳеч қачон эримга дилимдаги гапни очиқ айтмайман, деб сўз берди.

Шундан сўнг у Жюльенни кўргач, аъзойи бадани титраб, юраги шундай сиқилдики, тили калимага келмай қолди. У саросимага тушиб, йигитнинг иккала қўлидан ушлади-да, маҳкам қисди.

— Хўш, қалай, дўстгинам, — деди у ниҳоят энтикиб, — эримдан хурсандмисиз?

— Нега хурсанд бўлмай энди, — деб жавоб қилди Жюльен алам билан илжайиб. — Хурсандчилик ҳам гапми. У киши менга юз франк инъом этдилар ахир.

Де Реналь хоним унга иккилангандай тикилиб қолди.

— Қани, қўлингизни беринг-чи менга, кринг энди, — деди у тўсатдан Жюльен илгарилари унда сира сезмаган бир қатъийлик билан.

Веррьерлик китобфуруш ўтакетган либерал сифатида

ном чиқарганига қарамай, хоним Жюльен билан бирга китоб дўконига боришга аҳд қилган эди. Дўконда у болаларига совға қилиш учун ўн луидорга бир нечта китоб танлаб олди. Бироқ бу китобларнинг бари, хонимнинг билишича, Жюльен ўқишни истаган китоблар эди. У пештахта ёнидаёқ ўғилларига ҳар бири ўзига теккан китобни олиб, исмини ёзиб қўйишни буюрди. Де Реналь хоним Жюльенни тақдирлаш йўлини топганидан қувониб турар экан, ёш тарбиячи жавонларга териб қўйилган турли-туман китобларни ҳайрат билан кўздан кечирмоқда эди. Шу пайтга қадар у бундай ёзиқли жойга кирмоққа журъат этмаганди, унинг юраги гупиллаб ураётганди. Жюльен де Реналь хонимнинг дилида нималар кечаётганини пайқаш у ёқда турсин, ҳатто бу гапларни хаёлига ҳам келтирмасди, шу тобда у қандай қилса ўзининг руҳонийлик шаънига доғ туширмай туриб, бу ердан бир нечта китоб олиш ҳақида бош қотирмоқда эди. Ниҳоят, у, агар ҳийла ишлатсам, эҳтимол, жаноб де Реналга ўғилларининг ёзув машқлари учун шу ернинг машҳур дворянлари тўғрисида ёзилган китоблар ғоят мос мавзу бўлади, деган фикрни уқтиришим мумкин бўлар, деб ўйлаб қолди. Жюльен бир ойча уринганидан сўнг охири ўз режасини рўёбга чиқаришга муваффақ бўлди. Йигит бу ишни шу қадар усталик билан амалга оширдик, натижада орадан бир оз вақт ўтгач, у яна бошқа бир нарсани таклиф этишга журъат этди ва бир куни жаноб де Реналь билан суҳбатлаша туриб, олинасаб мэр учун бирмунча мушкул томони бўлган имконият ҳақида шама қилди: гап либерал деб ном чиқарган китобфурушнинг бойишига ёрдам бериб, унинг китоб дўконига обуна бўлиш хусусида борарди. Жаноб де Реналь катта ўғлим келажакда ҳарбий мактабда ўқиса, гап очилиши мумкин бўлган баъзи асарлар ҳақида юзаки бўлса-да тасаввур ҳосил қилиб қўйса ёмон бўлмасди, деб эътироф этди, албатта. Бироқ Жюльен унинг эътироф этишдан нарига ўтмаслигини фаҳмлаб қолди. Шундан сўнг у, чамаси бу ерда қандайдир гап бор-у, лекин мен уни тушуна олмаяпман, деган фикрга келди.

— Менимча, тақсир,— деди у бир куни жаноб де Реналга,— Реналь деган улуг зотнинг фамилияси китобфурушнинг ифлос рўйхатига тиркалиб қолса, бу ҳол сизнинг шаънингизга мутлақо тўғри келмаса керак, албатта.

Жаноб де Реналнинг юзи ёришиб кетди.

— Аммо келажакда бирорта одам,— деб давом этди Жюльен ошқора хушомадгўйлик билан,— уйга китоб берувчи китобфурушнинг обуначилари рўйхатида илоҳиётни

ўрганувчи бечора студентнинг исми шарифини кўриб қолса, унинг номига ҳам доғ тушган бўлур эди. Либераллар мени ўтакетган куфр китобларни ўқиганликда айбашлари мумкин. Яна, ким билсин, улар менинг исмим ёнига ўша ифлос китобларнинг номини ёзиб қўйишдан ҳам қайтмаслар. — Шу пайт Жюльен гапидан адашганлигини пайқаб қолди. У мэрнинг яна саросимага тушиб қовоғи солинаётганини кўрди. Шундан сўнг у жимиб қолди. «Ҳа-ҳа, қўлга тушдингми, энди ич-ташингни жуда билиб олдим», деб ҳаёлидан ўтказди у.

Орадан бир неча кун ўтди. Бир куни болаларнинг каттаси жаноб де Реналнинг олдида Жюльендан «Ҳафталик» да эълони чиққан бир китобнинг қандайлигини сўраб қолди.

— Анови яқобинчиларга калака бўлмаслик ва шу билан бирга жаноб Адольфнинг саволларига жавоб бермоғим учун менга имконият яратиш мақсадида китоб дўконига хизматкорларингиздан биронтасини, айтайлик, малайингизни обуна қилсангиз бўлармиди?

— Мана бу гапни яхши ўйлаб топибсиз, — деди қувониб кетган жаноб де Реналь.

— Лекин, ҳар қалай, эҳтиёт бўлиш керак, — деб давом этди Жюльен жиддий, ҳатто бирмунча ғамгин қиёфада. Одатда баъзи кишилар анчадан буён интилиб келаётган мақсадларига эришаётганларини кўрсалар, ўзларини шундай тутадилар. — Ҳа, эҳтиёт бўлиш керак, токи хизматкорингиз бирорта роман олишга зинҳор журъат этмасин. Агар бу хавфли китоблар уйда пайдо бўлса, оқсочларингизни, жумладан, ўша хизматкорингизнинг ўзини ҳам зино йўлига бошлаши мумкин.

— Сиёсий памфлетлар-чи, уларни унутдингизми? — деб виқор билан қўшимча қилди жаноб де Реналь. У болаларининг тарбиячиси ўйлаб топган бу ҳийлага қойил қолганини билдиргиси келмасди.

Жюльеннинг ҳаёти ана шундай кичик ҳайла-найранглар билан ўтаётган бўлиб, бу найранглар муваффақияти уни де Реналь хоним қалбидан осонгина уқини мумкин бўлган мойилликдан кўра кўпроқ қизиқтирар эди.

У шу пайтгача қандай руҳий ҳолатда бўлса, энди жаноб мэрнинг уйида яна ўша ҳолатга тушди. Отасининг арраҳонасидаги каби, бу ерда ҳам Жюльен атрофидаги одамлардан қаттиқ нафратланар ва улар ҳам ўз навбатида уни ёмон кўришларини ҳис этар эди. Кун сайин префект ёрдамчиси, жавоб Валено ва хонадоннинг ўзга дўстлари ўзлари шоҳид бўлган у ёки бу воқеа ҳақида мулоҳаза юри-

тишларини тинглар экаң, Жюльен уларнинг тасаввури воқеликдан қанчалик йироқ эканлигини яққол кўрарди. Баъзан у дилида бирор ишга қойил қолса, атрофидагилар бу ишдан бениҳоя ғазабланишарди. Шу боисдан у нукул ичида: «Қандай махлуқлар-а. Вой аҳмоқлар-ей!» — деб хитоб қиларди. Энг қизиги шунда эдики, Жюльен ўзини шундай такаббур кўрсатгани билан кўп ўринларда улар гаплашаётган ишлар ҳақида ҳеч бало тушунмасди.

Кекса табибни ҳисобга олмаганда, у умри бино бўлиб ҳеч ким билан очикчасига гаплашмаган эди. Чол эса Бонапартнинг итальян юришларию жарроҳликни биларди, холос. Энг азобли операциялар ҳақидаги батафсил ҳикоялар унинг ёшлик ғурурига таъсир қилар ва ўзига мафтун этар эди.

— Мен миқ этмай чидаган бўлардим, — деди у ўзига ўзи.

Де Реналь хоним биринчи марта у билан болаларнинг тарбиясига алоқаси бўлмаган мавзуда суҳбатлашмоқчи бўлганида Жюльен унга жарроҳлик операциялари тўғрисида ҳикоя қила бошлади. Хоним шунда ранги оқариб, ундан жим бўлишни илтимос қилди.

Жюльен эса шундан бўлак ҳеч нимани билмасди. Гарчи бу хонадонга келганидан буён унинг ҳаёти де Реналь хоним билан доимий мулоқотда ўтаётган бўлса-да, улар ёлғиз қолишди дегунча иккови ҳам дарҳол жимиб қолишарди. Одамлар орасида, меҳмонхонада у ўзини қанчалик камтарин тутмасин, хоним унинг кўзларида хонадонларига қадам ранжида қиладиган барча кишиларга нисбатан ақлий устунлик ифодасини сезарди. Бироқ, икковлари ёлғиз қолди дегунча Жюльен эсанкираб қоларди. Бу ҳолдан де Реналь хонимнинг юраги сиқиларди, чунки у аёллик зеҳни билан йигитнинг бундай эсанкирашига сабаб асло нозик туйғулар эмаслигини яхши фаҳмларди.

Билмадим, кекса табиб ҳикоя қилиб берган киборлар жамияти тўғрисидаги қайси тасаввурдан экан, Жюльен аёллар бор жойда умумий суҳбат пайти орага жимлик чўкса, гўё бу ноқулай жимликка ўзи айбдордай, ғоят ноқулай аҳволга тушарди. Аммо аёл киши билан ёлғиз ўзи қолганида орага шундай жимлик тушса, у минг карра кўпроқ азоб чекарди. Унинг испанларникидек жўшқин тасаввури эркак киши аёл билан ёлғиз қолганда нималарни гапириши кераклигига шама қилар, бундан эсанкираб қолган пайтларида кўз ўнгига мутлақо ақл бовар қилмайдиган нарсаларни намойиш этар эди. Жюльен ўзича қандай гапларни айтишга журъат этмасди дейсиз! Аммо шу билан

бирга орадаги ноқулай жимликни бузишга унинг сира ҳам юраги дов бермасди. Шу боисдан ҳам де Реналь хоним ва болалар билан сайр қилиб юрган кезлари бадфеъл кўринадиган Жюльен бундай руҳий изтиробдан баттар қовогини солиб оларди. Бундай пайтларда у ўзидан жуда ҳам нафратланиб кетарди. Агар у озиб-ёзиб ўзини гапиришга мажбур қила олганида ҳам бирор бемаъни гап айтарди. Энг ёмони шу эдики, Жюльен ўз хатти-ҳаракатининг бемаънилигини сезибгина қолмай, ҳатто уни бир оз ошириб ҳам юборарди, бироқ шу билан бирга йигитнинг ўзи кўра олмайдиган бир нарсаи бор эди, бу унинг кўзлари эди. Бу кўзлар шу қадар чиройли эдики, баъзан улар яхши актёрлар каби энг оддий нарсага ҳам ажойиб бир маъно бахш этиб, оташин қалбини акс эттириб турарди. Де Реналь хоним Жюльен иккови ёлғиз қолганида фақат бирор кутилмаган ҳодиса таъсирида хушомад гаплар ўйлаб топиш заруратини унутган пайтидагина самимий гапира олишини сезиб қолди. Хонадоннинг дўстларидан ҳеч қачон ўз янгилиги билан кишини ром этувчи бирор ажойиб фикр эшитиб ўрганмаган де Реналь хоним аҳён-аҳёнда бўлиб турадиган ва Жюльеннинг ақли ярқ этиб кўринадиган бундай суҳбатлардан ҳузур қиларди.

Наполеон қулаганидан сўнг вилоятда назокатга ўрин қолмаган эди. Ҳар бир одам ўзидан кўрқадиган бўлиб қолганди. Фирибгарлар конгрегациядан таянч изларди, мунофиқлик эса ҳатто либераллар орасида ҳам авжига чиққанди. Қажоққа қарасанг хунобгарчилик. Одамлар фақат мутолаа қилиш-у қишлоқ хўжалиги билан овунардилар.

Художўй холасининг бадавлат меросхўри, эндигина ўн олти баҳорни кўрган пайтида ёши ўтиб қолган дворянга узатилган де Реналь хоним умри бино бўлиб севги деган нарсанинг кўчасига кирмаган ва унинг қандайлигини ҳис этмаган эди. Фақат хонимнинг руҳоний пири, меҳрибон кюре Шелангина, жаноб Валено унинг кўнглини овлашга уринганида унга севги ҳақида гапирган ва шундай бир жирканч манзарани чизиб берган эдики, бу сўз де Реналь хонимнинг тасаввурида ўтакетган қабиллик билан баробар бўлиб қолганди. Қўлига тасодифан тушиб қолган бир неча романлардан ўқиб билганлари эса унга мутлақо уйдирма ва гайритабиий бир гапдек туюларди. Ана шу беҳабарлик боисдан Жюльеннинг меҳри юрагидан уриб қолган де Реналь хоним лаззатли туйғулар оғушида яшар ва бирор ишда ўзига таъна қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

Кичик ҳодисалар

Then there were sighs, the deeper for suppression.
And stolen glances, sweeter for the theft.
And burning blushes, though for no transgression.

Don Juan, c. I. st. 74.¹

Табиатан фариштадек мулойим, шунингдек, ҳозир ҳузур қилиб юрган де Реналь хоним оқсоч қиз Элизани эслаган заҳоти хиёл феъли айнирди. Бу қиз дурустгина меросга эга бўлгач, гуноҳларига тавба қилиш учун кюре Шеланнинг ҳузурига келганида чолга Жюльен билан турмуш қуриш истаги борлигини айтган эди. Ўз сеvimли шогирдининг бахти очилаётгани учун чин кўнгилдан хурсанд бўлган кюре, Жюльендан оқсоч қизнинг таклифи унга мутлақо тўғри келмаслигини эшитиб ғоятда ажабланди.

— Эҳтиёт бўлинг, бўтам,— деди кюре қошларини чимириб,— қалбингиздаги туғёндан сақланмоғингиз даркор; агар ўз истеъдодингизга бўйсунсангиз ва фақат уни деб шундай дурустгина бойликдан воз кечсангиз мен сиздан ғоят хурсанд бўлур эдим. Веррьерда руҳоний бўлиб хизмат қилаётганимга, мана, эллик олти йил тўлди, аммо шунга қарамай, мени ишдан олиб ташласалар керак. Мен бунга жуда афсусланяпман, лекин ҳар қалай менинг саккиз юз ливр рентам бор. Сизга бундай тафсилотларни айтишдан мақсадим, сиз руҳонийлик унвони билан бойлик орттираман, деб умид қилманг, демоқчимаң холос. Агар ҳукмдорларга мулозамат қилгудек бўлсангиз, сиз муқаррар охиратингизни куйдиргайсиз. Эҳтимол, фаровонликка эришарсиз, аммо бунинг учун йўқсилларни ранжитмоғингиз, префект ёрдамчиси, мэр, умуман ҳар бир нуфузли одамга хушомад қилмоғингиз ва уларнинг инжиқликларига чидамоғингиз даркор: бундай хулқ-атвор, яъни авом тили билан айтганда, «яшашни билмоқ», покиза юрай деган од-

¹ Хўрсинидан қўрқару чуқур-чуқур хўрсинар,
Нигоҳингга дуч келиб ҳузур ифра қотар тин,
Қир-қизариб, юзига бир ажиб ол ранг инар.

Байрон. «Дон Жуан», 1 боб, 74-банд.

дий одам учун ҳам доимо тўғри келавермайди, бизнинг касбимизда эса икки йўлдан бирини танлашга тўғри келади: ё бу дунёда фароғатда яшамоқ, ё охиратда бахтга эришмоқ,— ўртача йўл йўқ. Боринг, азиз дўстим, буни яхшилаб ўйлаб кўринг, уч кундан кейин келиб менга узил-кесил жавоб бергайсиз. Баъзан табиатингизда қандайдир машъум бир жўшқинлик борлигини пайқаб ўкинаман. Бу эса сизнинг бу дунё фароғатларидан сўзсиз воз кечолмаслигингиздан, қаноатингиз йўқлигидан далолат беради, ҳолбуки бу фазилатлар черков аҳли учун ғоят зарурдир. Биламан, сиз ақл-иқтидорингизга кўра узоққа боргайсиз, ammo очиқ айтишга ижозат этинг,— дея қўшимча қилди меҳрибон кюре кўзларига ёш олиб,— агар сиз руҳонийлик унвонини қабул этсангиз, имонингизни сақлаб қололмай-сизми, деб қўрқаман.

Жюльен хижолат чекиб қаттиқ таъсирланганига тан берди; у умрида биринчи бор кимдир уни яхши кўришини ҳис этди-ю, кўнгли бузилиб йиғлаб юборди ва кўз ёшларимни ҳеч ким кўрмасин, деб Веррьер узра қад кўтарган тоғдаги ўрмонга қочиб кетди.

«Менга нима бўлди? — дея сўрарди у ўзидан-ўзи.— Шу меҳрибон чол учун ҳаётимни қурбон қилишга ҳам тайёрман, ахир худди ана шу одам менинг аҳмоқлигимни исботлаб берди-да. Мен учун энг муҳими худди ана шу одамни чалгитиш эди, у бўлса менинг бутун ич-ташимни кўриб турибди. У айтган махфий жўшқинлик юқори мартабага эришиш истагимдир. У мени руҳоний бўлишга нолайиқ деб ҳисоблайпти, мен бўлсам ўша беш юз луидор рентадан ихтиёрий воз кечсам, чол менинг тақводорлигим, истеъдодимни ғоят юқори баҳоласа керак, деган хаёлга бориб юрибман».

«Бундан буён,— дея уқтирарди ўзига ўзи Жюльен,— мен фақат табиатимнинг синаб кўрилган хусусиятларигагина таяниб иш кўраман. Мени шундай ҳузур қилиб кўз ёши тўкади, аҳмоқлигимни исботлаб берган одамни шундай яхши кўради, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз?»

Орадан уч кун ўтгач, Жюльен биринчи кунданоқ рўқач қилиши лозим бўлган баҳонани топди, бу баҳона аслида тухмат эди, лекин бари бир эмасми? Бир оз иккиланиб тургач, у тортиниб кюрега битта сабаб борлигини, унинг қанақа сабаб эканлигини айтолмаслиги, чунки бу учинчи бир одамнинг шаънига доғ туширажagini айтди. Гўё ана шу сабаб туфайли бошиданоқ унинг бу никоҳга кўнгли чопмаган эмиш, шубҳасиз, бу гап Элизанинг шаънига доғ туширарди. Кекса кюрега бу гапларнинг бари ёш руҳоний

қалбида ёниши лозим бўлган илоҳий оловга мутлақо ўхшамайдиган беҳуда жўшқинликдан далолат бераётгандек туюлди.

— Азиз дўстим,— деди у Жюльенга,— сиз ўзингизни зўрлаб руҳоний бўлгандан кўра, қишлоқда кўнгли очик, бадавлат, оилапарвар, обрўли, ўқимишли киши бўлиб яшаганингиз минг қарра афзал эди.

Жюльен бу панд-насихатга ҳам жуда яхши жавоб бера олди, у зарур сўзларни топти, яъни жонкуяр семинаристга мос келадиган ибораларни топиб айтди, бироқ гапларнинг оҳанги ва кўзларининг ёниб туриши кекса Шеланни чўчитиб қўйди.

Лекин бу гаплардан Жюльен ҳақида бирор ножўя хулоса чиқариш ярамайди: йигит бу важ-қорсонларни гоёт аҳтиёткорлик билан, пишиқ-пухта ўйлаб айтган эди. У ўз ёшига нисбатан ҳар қалай анча устомонлик қилди. Гапирishi оҳанги ва хатти-ҳаракати масаласига келганда эса, ахир у қишлоқда, оми одамлар орасида ўсган бўлиб, ибрат олишга муносиб одамларни кўрмаган эди-да. Кейинчалик у шундай уста одамлар билан муомала қила бошлагач, хатти-ҳаракати, имо-ишоралари ҳам гапга чечанлиги каби камолотга эришди.

Де Реналь хоним оқсоч қизнинг меросга эга бўлганидан буён негадир маъюс тортиб қолганини кўриб, ажабланиб юрарди: қиз ҳар куни кюренинг ҳузурига борар ва чолнинг олдидан йиғламосираб қайтарди; ниҳоят, Элизанинг ўзи хонимга дардини айтди.

Бу гапни эшитиб де Реналь хонимнинг тоби қочиб қолди, унинг гоҳ иситмаси кўтарилар, гоҳ эти увишиб титрай бошларди, тунларни эса мижджа қоқмай ўтказарди; у фақат оқсоч қиз ёки Жюльен ёнида бўлган пайтдагина ўзини хотиржам ҳис этарди. Хоним бу икки ёш турмуш қурганларидан сўнг қандай бахтиёр ҳаёт кечиришларидан бошқа нарсани ўйламасди. Уларнинг беш юз луидордан иборат ренталари ҳисобига турмуш кечирадиган кичкинагина га-риб кулбалари хонимга жуда ажойиб туюларди. Жюльен Веррьердан ўн чақиримча наридаги Брэ шаҳарчаси магистратурасига ишга киради, албатта. У ҳолда хоним вақт-вақти билан йигитни кўриб туриш имконига эга бўлади.

Де Реналь хонимга ўзи ақлдан озаётгандек туюлди: у тоби қочгани ҳақида эрига айтди ва охири чиндан ҳам кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Кечқурун оқсоч қиз унга овқат олиб келганида де Реналь хоним унинг йиғлаётганини кўрди. Хоним зардаси қайнаб Элизани койиб берди-ю,

аммо шу заҳоти яна кечирим сўради. Элиза хўнграб юборди, сўнгра ҳиқиллаб, агар ижозат этсангиз бошимга тушган кулфатларни айтиб берсам, деди.

— Майли, гапиринг, — деб жавоб қилди де Реналь хоним.

— Биласизми, хоним, у менга уйланишдан бош тортди; чамаси, галамислар мени унга ёмонлаганга ўхшайди, у бўлса ишониб юрибди.

— Ким бош тортди сизга уйланишдан? — дея сўради де Реналь хоним нафаси оғзига тиқилиб.

— Жаноб Жюльендан бошқа ким бўларди? — деди хўнграб оқсоч қиз. — Жаноб кюре уни кўндиришга анча уриндилар, чунки жаноб кюре, фақат оқсоч бўлиб хизмат қилгани учунгина ор-номусли бир қизга уйланишдан бош тортиш яхши эмас, деяптилар. Жаноб Жюльеннинг ўзи ҳам оддий бир дурадгорнинг ўгли-ку ахир, сизникига хизматга келгунига қадар унинг ўзи ҳам ниманинг ҳисобига кун кўрган эди?

Де Реналь хоним ортиқ қулоқ солмай қўйган эди: у шу қадар бахтиёр эдики, ақлидан озишига сал қолди. Хоним Элизани, чиндан ҳам Жюльен унга уйланишдан бош тортгани ва йигитнинг қарори қатъий экани, унинг ҳали аҳдидан қайтиб, бирор оқилона қарорга келишига ҳеч қандай умид йўқлиги ҳақидаги гапларни бир неча бор такрорлашга мажбур этди.

— Уни кўндиришга уриниб кўраман, — деди де Реналь хоним оқсоч қизга. — Жюльен билан ўзим гаплашман.

Эртаси куни нонуштадан сўнг де Реналь хоним Жюльеннинг бугун бир соат давомида Элизага уйланишдан ва унинг бойлигидан бош тортганини такрор тинглаб ҳузур қилиш ниятида ҳам ўз рақибасининг манфаатларини ҳимоя қилган бўлди.

Жюльен аста-секин эҳтиёткорликни йиғиштириб қўйди-да, де Реналь хонимнинг оқилона насиҳатларига анча бамаъни жавоб қайтара олди. Шунча кундан бери чеккан изтиробларидан сўнг қалбида тўлиб-тошган жўшқин қувонч хонимнинг мадорини қуритди. У ҳушидан кетиб йиқилди. Хоним ҳушига келиб, хонасига олиб кириб ётқизишгач, у ўзини ёлғиз қолдиришларини илтимос қилди. У беҳад ҳайрон эди.

«Наҳотки мен Жюльенни севиб қолган бўлсам?» — дея сўради у ниҳоят ўзидан-ўзи.

Ҳар қандай бошқа пайтда қалбини ларзага келтириб, виждон азобига солиши мумкин бўлган бу кашфиёт энди хонимга ўзи бир четдан лоқайдлик билан кузатиб турган

қандайдир ғаройиб нарседек туюлди. Унинг изтироблардан адо бўлган қалби энди ҳеч нимани ҳис этмасди, ҳеч нимадан ҳаяжонланмасди.

Де Реналь хоним бир кўнгли тикиб-чатиб овунмоқчи бўлди-ю, бироқ шу заҳоти қаттиқ ухлаб қолди. Уйғонганидан кейин эса бу гапларнинг бари унга унчалик кўрқинчли бўлиб туюлмади. У ўзини ғоятда бахтиёр ҳис этганидан ҳамма нарса кўзига яхши кўринарди. Бу самимий ва соддадил қишлоқи хоним илгари ўзи туйиб кўрмаган бирор кайфият ёки нохушликни ўткирроқ ҳис этмоқ учун ҳеч қачон қалбини ўртаб ўтирмас эди. Хонадонларида Жюльен пайдо бўлгунига қадар Париждан бўлак барча ерларда ҳар қандай уй бекаси зиммасига тушадиган уй-рўзгор ишлари билан бутунлай банд бўлган де Реналь хонимнинг севги эҳтиросларига бўлган муносабати тахминан бизнинг лотереяга бўлган муносабатимизга ўхшаб кетарди: биз эса лотереяни ғирт муттаҳамлик деймиз ва тентак одамгина омади келишига ишониши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Тушки овқатга занг уришди, де Реналь хоним болалар билан қайтиб келаётган Жюльеннинг товушини эшитиб, лоладек қизариб кетди. Севиб қолганидан буён бир оз қувлик қилишни ўрганиб олган хоним нега бирдан қизариб кетганига боши қаттиқ оғриётганини баҳона қила бошлади.

— Бу хотинларнинг ҳаммаси ўзи шунақа, — деди хахлаб кулганича жаноб де Реналь. — Доим бирор жойлари оғриб юради.

Де Реналь хоним бундай ҳазилларга қанчалик кўникиб кетган бўлмасин, бироқ бу гал жуда қаттиқ ботди. Шунинг учун ҳам бу кўнгилсиз туйғудан қутулмоқ учун у Жюльенга ўгирилиб қаради: шу тобда йигит ҳаддан ташқари бадбашара бўлганда ҳам бари бир хонимга жуда ёққан бўларди.

Жаноб де Реналь сарой зодагонларига қаттиқ тақлид қилар ва илк баҳорнинг илиқ кунлари бошланиши билан Вержига кўчиб ўтарди: бу фожиали «Габриэла афсонаси» билан шуҳрат қозонган кичкина қишлоқча эди. Кўҳна готик черковнинг хушманзара харобаларидан бир неча қаддам нарида жаноб де Реналнинг тўрт минорали қадимги қасри қад кўтарганди. Қаср атрофида эса Тюильри боғига ўхшатиб йилига икки маротаба каллаклаб туриладиган шамшод ва қорақайин хиёбонларидан иборат боғ барпо этилганди. Боққа севимли сайргоҳ — олмазор туташиб кетган эди. Бу мевазор боғ этагидаги саккиз ё ўн туп ёнғоқ эса ҳайқириб, тарвақайлаб кетганди.

— Бу лаънати ёнгоқларнинг ҳар бири, — дея тўнғилларди жаноб де Реналь хотини дарахтларни завқ билан томоша қилган кезлари, — ҳосилни ярим арпанга камайтиради: бугдой уларнинг соясида пишиб етилмайди.

Де Реналь хоним табиат гўзаллигини гўё биринчи бор хис этгандек эди, у қувончдан ўзини йўқотиб, ҳамма нарсдан завқланарди. Уни руҳлантириб турган туйғу хонимни шаддод ва тадбиркор қилиб қўйганди. Улар Вержигга кўчиб ўтишганидан сўнг орадан икки кун ўтгач, жаноб де Реналь мэрлик вазифасини бажармоқ учун шаҳарга қайтиб кетган заҳоти де Реналь хоним ўз ҳисобидан ишчи ёллади. Жюльен унга мезазор боғ атрофини айлантириб, баҳайбат ёнгоқларга қадар торгина йўлка қилишни ва унга қум сеппиб қўйишни маслаҳат берган эди. Шунда болалар эрта азондан оёқлари шудрингда ҳўл бўлишидан қўрқмай сайр қилишлари мумкин бўларди. Бир куннинг ичидаёқ бу маслаҳат амалга ошди. Де Реналь хоним ишчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб юраркан, бутун кунни Жюльен иккови жуда хушчақчақлик билан ўтказди.

Веррьер мэри шаҳардан қайтгач, тайёр йўлкани кўриб, гоятда ажабланди. Де Реналь хоним ҳам, ўз навбагида, унинг келганини кўриб жуда ҳайрон бўлди: у дунёда шундай одам борлигини бутунлай унутиб қўйган эди. Жаноб де Реналь деярли икки ой давомида хотинининг ўзбошимчалигидан газабланиб юрди: хотин деган ҳам у билан маслаҳатлашмай шундай катта иш қиладими ахир? У де Реналь хоним бу харажатларни ўз зиммасига олгани учун ҳам бир оз ҳовридан тушиб қолди.

Хоним бутун вақтини болалари билан боғда ўтказар ва улар билан биргаллашиб капалак қувлар эди. Улар шаффоф ипак матодан халта тикиб олиб, шулар билан бечора танга қанотлиларни тутишарди. Бу тушуниб бўлмайдиган номни де Реналь хонимга Жюльен ўргатган эди, чунки хоним Безансондан жаноб Годарнинг ажойиб китобини олдириб келган бўлиб, Жюльен унга бу ҳашаротларнинг фаройиб одатлари ҳақида ҳикоя қилиб берарди.

Капалакларни катта картон ромга тўгнағичлар билан аёвсиз санчиб қўйишарди. Бу ромни ҳам уларга Жюльен мослаб берганди.

Ниҳоят, де Реналь хоним билан Жюльен ўртасида суҳбат учун мавзу топилди, шунинг учун йигит энди орага жимлик чўкканда чекадиган оғир азобдан қутулди.

Улар гарчи энг оддий нарсалар хусусида бўлса-да, берилиб суҳбатлашишар эди. Доим бирор кўнғил хуши билан банд бўлган бу жўшқин ҳаёт тинимсиз меҳнат қилишга

мажбур бўлиб қолган оқсоч Элизадан бўлак барчанинг кўнглига жуда ёқарди. «Ҳеч қачон, ҳатто Веррьердаги уйимизда бал бериладиган карнавал кунлари ҳам, — дерди у, — хоним ўз кийимларига бунчалик кўп эътибор бермасдилар, энди у киши кунига икки-уч марта кўйлак алмаштирадиган бўлиб қолдилар».

Бирор кимсага хушомад қилиш ниятимиз йўқлигидан биз бадани ажойиб ва гўзал бўлган де Реналь хоним энди кўйлаklarининг энгини калта ва ёқасини анча очиқ қилиб тиктира бошлаганини инкор этиб ўтирмаймиз. Хоним гоят хушбичим бўлиб, бундай кўйлаklar унга жуда ярашар эди.

— Сиз кундан-кунга ёшариб кетяпсиз, хоним, илгари ҳеч қачон бундай ёш кўринмас эдингиз, — дейишарди унга баъзан Веррьердан Вержигга тушлик қилгани келиб турадиган дўстлари (биз томонларда ана шундай хушомад қилишади).

Қизиқ, — бизда бу гапга кўпгина одамлар ишонмаслиги ҳам мумкин, — аммо де Реналь хоним ўзига оро берар экан, чиндан ҳам ҳеч қандай мақсади йўқ эди. Шунчаки у бу ишидан лаззатланарди, шу боисдан Жюльен ва болалари билан капалак тутишдан бўшади дегунча у қўлига игна олар ва Элиза билан биргаликда ўзига янги кўйлак тикар эди. У Веррьерга фақат бир марта, ўшанда ҳам ёзги кўйлак учун Мюлуздан эндигина келтирилган янги мато харид қилиш ниятида борди.

У ердан эса Вержигга ёшгина қариндоши — бир жувонни бошлаб келди. Эрга текканидан сўнг де Реналь хоним ўзи ҳам сезмаган ҳолда бир вақтлар Исо қалби монастирида бирга ўқиган Дервиль хоним билан дўстлашиб қолганди.

Дервиль хоним нуқул ўз холаваччаси де Реналь хонимнинг ҳар хил «ғалати гаплари»дан кулиб юрарди. «Вой, бунақа гаплар менинг ҳатто хаёлимга келмасди», дерди у. Парижда ўткир сўз деб аталадиган ва қўққисдан миясига келадиган бу хаёлларни де Реналь хоним бўлмагур гап деб ҳисобларди ва эрининг олдида айтишга уяларди, бироқ Дервиль хонимнинг олдида у илҳомланиб кетарди. У миясига келган гапни аввалига ийманибгина айтар, аммо дугоналар узоқ вақт ёлғиз қолишган кезлари де Реналь хоним анча жонланар ва улар биргаликда бўладиган эрталабки соатлар хурсандчилик билан бир зумда ўтиб кетар эди. Бу гап келишда сермулоҳаза Дервиль хонимга холаваччаси илгаригидек қувноқ бўлмаса-да, аммо анча бахтлироқ кўринди.

Жюльен ҳам, ўз навбатида, қишлоққа кўчиб келишганидан буён худди ёш болага ўхшаб қолгани ва ўз шоғирдлари қатори жон-дили билан капалак қувиб юрарди. У ўзини оғир-вазмин тутишга ва турли хийла-найранг ишлатишга мажбур бўлган шароитдан қутулиб, бу ғала-говурдан йироқ, осуда жойга келиб қолди, энди бировнинг кўз-қулоқ бўлиб юришидан, де Реналь хонимдан ҳайиқишдан қутулган Жюльен ўйин-кулгига берилиб кетди. Умуман, унинг ёшида, боз устига, ер куррасидаги энг ажойиб тоғлар орасида ҳаётий қувончлар ана шундай ўткир ҳис этилади.

Дервиль хоним биринчи кунданок Жюльенга бошқача кўринди, йигит шу заҳоти унга янги йўлканинг ёнғоқлар остидаги бурилиш жойидан қандай гўзал манзара намён бўлишини кўрсатишга ошиқди. Чиндан ҳам бу ерлар энг хушманзара Швейцария ва Италия кўлларида сираям қолишмасди, ҳатто, эҳтимол, ўтиб ҳам тушарди. Агар ўша ердан икки қадам нарида бошланган тоғ ёнбағридан юқори кўтарилсангиз, кўз ўнгингизда қиялаб кетган чуқур жарлик пайдо бўлади. Жарлик ёнбағри то дарёгача эманзор эди. Қувноқ, эркин ва ҳатто маълум даражада уй ҳокими — Жюльен икки дугонани ана шу ерга, тик қоялар чўққисига бошлаб келди ва уларнинг бу улуғвор манзарадан завқланишларини кўриб ҳузур қилди.

— Менга бу манзара худди Моцарт музикасидек таъсир этади, — деди Дервиль хоним.

Веррьер атрофидаги тоғларнинг гўзаллиги Жюльен учун акаларининг ҳасадгўйлиги ва доим бирор нарсдан норози бўлиб юрадиган золим отасининг тўнғиллаши билан заҳарланган эди. Вержида эса ҳеч нима унга бу аламли хотираларни эслатмасди. У умрида биринчи марта душманларсиз яшамоқда эди. Жаноб де Реналь шаҳарга жўнаган кезлари, — шаҳарга эса у тез-тез бориб турарди, — Жюльен китоб ўқирди. Тезда у тунлари чироқни гултувак остига яшириб муталаа қилиш ўрнига мириқиб ухлайдиган, кундузи эса болалар билан машғулот ўтказмаган пайтлари китобини қўлига олиб, ўша қоялар устига чиқиб кетадиган бўлди. Чунки китоб унинг ҳаётдаги ягона устози ва доимий завқ манбаи эди. Тушқунликка тушган кезлари шу ерга келса яйрарди, илҳоми қайнарди, дили таскин топарди.

Наполеоннинг аёллар ҳақидаги баъзи гаплари, у ҳокимият тепасида турган пайтларида шухрат қозонган у ёки бу романлар тўғрисидаги айрим мулоҳазалар энди Жюльеннинг хаёлида шундай фикрлар туғдирардики, бу фикрлар одатда у тенги йигитларда анча илгари пайдо бўларди.

Кунлар исиб кетди. Улар кечки пайтлари уйдан бир неча қадам наридаги улкан арғувон тагида ўтиришга одатланиб қолишди. У ер қоп-қоронғи эди. Бир куни Жюльен ўзининг жуда яхши сўзлаётгани ва икки ёш жувон унинг гапларини жон қўлоқлари билан тинглаётганларидан хузур қилиб, алланима ҳақида жўшиб гапирарди. У тўлқинланиб қўлини силкитар экан, қўли бехосдан одатда боғларда қўйиладиган ёғоч стул суянчигига таяниб ўтирган де Реналь хонимнинг қўлига тегиб кетди.

Хоним дарҳол қўлини тортиб олди: шу пайт Жюльеннинг миясига, бундан буён қўлим тегиб кетган кезлари хоним қўлини тортиб олмаслигига эришмоғим лозим, деган хаёл келди. Ана шу ўзи бажариши лозим бўлган бурч туйғуси ҳамда кулгили бўлиб кўриниш ёки тўғрироғи, ўзини хўрланган деб ҳис этишдан кўрқиб бир зумда унинг бутун қувончини заҳарлаб қўйди.

IX

Чорбоғдаги оқшом

Жаноб Гереннинг «Дидона» си — ажойиб хомаки сурат.

Стромбек

Эртасига эрталаб Жюльен де Реналь хоним билан учрашганида унга бир неча бор жуда ғалати назар ташлади: у хонимни яқинда тўқнашиши лозим бўлган душмандай кузатарди. Жюльен нигоҳларининг кечадан буён бундай кескин ўзгариши де Реналь хонимни саросимага солиб қўйди: Жюльен билан жуда мулойим гаплашяпти-ку ахир, унинг бўлса негадир жаҳли чиқяпти. Аёл ундан кўзини узолмай қолди.

Дервиль хоним шу ерда эканлигидан фойдаланиб Жюльен жуда кам гапирар ва фақат кўнгилга тугиб қўйган ўша пияти ҳақида ўйлар эди. Куни бўйи у ўзига илҳом бахш этган ўша китобни ўқиб, руҳига далда беришга уринди.

У болалар билан машғулотини одатдагидан анча илгари тугатди. Шундан сўнг де Реналь хонимни кўриб, яна бутунлай бурч ва шон-шухрат ҳақида хаёлга толди ва шу бугуноқ нима бўлса ҳам хоним қўлини қўлимдан тортиб олмайдиган бўлиши керак, деган қарорга келди.

Қуёш оғиб бораётган бўлиб, ҳал қилувчи дақиқа яқинлашмоқда эди, Жюльеннинг юраги гупиллаб урарди. Қош қорая бошлади. Бугун тун жуда қоронги бўлишини сезиб, йигитнинг елкасидан тоғ қулагандай бўлди. Иссиқ шамол қувиб бораётган, пастлаб сузаётган паға-паға булутлар бутун осмонни қоплаб олиб, момақалдироқ бўлишидан дарак бераётганди. Дугоналар алламаҳалгача сайр қилиб юришди. Бу оқшом улар нима иш қилишмасин, Жюльенга бошқача туюлаверди. Улар ҳиссиётга мойил баъзи одамлар учун гўё муҳаббат лаззатини кучайтирадиган бу дим ҳаводан ҳузур қилишарди.

Ниҳоят, ҳаммалари ўтиришди — де Реналь хоним Жюльеннинг ёнига, Дервиль хоним эса дугонасининг нариги ёнига жойлашди. Фикри-ёди ҳозир бажариладиган иш билан банд бўлган Жюльен бирон нима тўғрисида гапиролмас эди. Гап гапга қовушмасди.

«Наҳотки биринчи бор яккама-якка олишувга чиққананда ҳам мана шундай қалтираб, шалвиллаб ўтирсам-а?» — деб дилидан ўтказди Жюльен, чунки ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам ўлгудай гумонсираган Жюльен ҳозир ўзининг қандай аҳволда эканини яхши тушунарди.

У бундай илҳақ бўлиб азоб чекишдан кўра ҳар қандай хавф-хатарни афзал кўрган бўларди. У ҳатто бир неча бор, қани энди де Реналь хонимни бирор иш билан уйга чақиринса-ю, у боғдан кетса, деб фалақдан илтижо ҳам қилди. Ўзини бундай зўрлаб тутиб туриш Жюльен учун шу қадар оғир эдики, ҳатто унинг овози ҳам ўзгариб кетди. Буни сезиб де Реналь хонимнинг ҳам овози қалтирай бошлади; бироқ Жюльен буни ҳатто сезмади ҳам. Қалбида бурч билан журъатсизлик ўртасида кетаётган аёвсиз курашдан унинг асаблари шу қадар таранглашган эдики, у ҳозир ўзидан ташқарида юз бераётган бирон нарсани кўришга қодир эмасди. Минорадаги соат чорак кам ўн бўлганидан хабар бериб бонг урди, у эса ҳамон бирор қарорга келолмай ўтирарди. Ўзининг кўрқоқлигидаги газаби қайнаган Жюльен ичида: «Соат ўнга бонг урган заҳоти куни бўйи дилимга тугиб юрган ишни қиламан, акс ҳолда хонамга бораман-да, пешанамдан отаман», деб қўйди.

Мана, ҳаяжондан ўзини бутунлай йўқотиб ўтирган Жюльен юраги така-пука бўлиб зориқиб кутган сўнги дақиқа ҳам етиб келди, баланд минорадаги соат унинг тепасида ўн марта даңгиллади. Бу машъум жомнинг ҳар бир даңгиллаши унинг юрагини ўйнатиб, гўё титрашга мажбур этаётган эди.

Ниҳоят, сўнги ўинчи марта дагиллаб, ҳали ҳавода янграб турган пайтда Жюльен қўлини де Реналь хоним томонга узатди-да, унинг қўлини ушлади, хоним дарҳол қўлини тортиб олди. Жюльен нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, яна хонимнинг қўлидан тутди. У қанчалик ҳаяжонланган бўлмасин, аёлниги қўли муздек эканини ҳис этиб, беихтиёр ажабланди. У қўлини жон-жаҳди билан қисди, қўл чиқиб кетишга яна бир бор уриниб кўрди-ю, ниҳоят, унинг кафтида жимиб қолди.

Жюльен яйраб ҳузур қилди — бу де Реналь хонимни севиб қолганидан эмас, балки ниҳоят, бу даҳшатли қийноқ тугаганидан эди. Дервиль хоним ҳеч нимани сезмасин учун у гап бошлашни лозим топди, — унинг товуши жарангдор ва дадил эшитилди. Де Реналь хоним эса, аксинча, ҳаяжондан энтикиб-энтикиб сўзлаганидан Дервиль хоним, дугонанинг тоби қочди шекилли, деган хаёлга борди-да, уйга қайтишни таклиф қилди. Жюльен хатарни сезиб қолди: «Агар де Реналь хоним ҳозир меҳмонхонага кириб кетгудек бўлса, яна кун бўйи менга азоб берган ўша аҳмоқона аҳволга тушаман. Мен унинг қўлини ҳали бу ҳуқуққа бутунлай эришдим, дейиш даражасида кўп ушлаганим йўқ».

Дервиль хоним яна бир бор уйга киришни таклиф қилган эди, шу заҳоти Жюльен итоаткорлик билан жимиб қолган қўлни маҳкам қисди.

Ўрнидан тура бошлаган де Реналь хоним қайтиб жойига ўтирди-да, аранг эшиттириб деди:

— Чинданам бир оз тобим қочиб турибди, лекин тоза ҳавода ўтириш яхшироққа ўхшайди.

Бу сўзлар Жюльенни шунчалик қувонтириб юбордики, у ўзини осмоннинг еттинчи қаватида ҳис этди: йигит ҳар қандай муғамбирликни унутиб шу қадар сухандонлик билан сўзлай бошладики, унинг гапларини тинглаб ўтирган икки дугонага шу тобда Жюльендан ёқимлироқ одам дунёда йўқдай туюлди. Аммо унинг тўсатдан қўзиган бу сўзамоллигида маълум даражада юраксизлик аломати ҳам бор эди. У, ишқилиб момақалдироқдан дарак берувчи манови кучли шамол асабига тегаётган Дервиль хоним бир ўзи уйга кириб кетмасайди, деб қаттиқ чўчиётганди. У ҳолда Жюльеннинг де Реналь хоним билан ёлғиз қолишига тўғри келарди. Йигит беихтиёр юрак бетлаб беканинг қўлидан ушлаган бўлса-да, бироқ энди у де Реналь хонимга лоақал бир оғиз сўз айтишга ожизлик қиларди. Агар хоним жуда мулойимлик билан бўлса ҳам бирор нима деб таъна қилгудай бўлса, у ўзини мағлуб ҳис этарди-ю, ҳозиргина эришган галабаси саробга айланарди-кўярди.

Жюльеннинг бахтига, бу кеча унинг хаяжонли кўтаришқи нутқлари ҳатто у ҳақида ўқтин-ўқтин болаларга ўхшаш тортинчоқ, дейдиган ва ҳеч қизиқ жойи йўқ деб ҳисоблайдиган Дервиль хонимни ҳам ўзига ром этди. Қўли Жюльеннинг кафтида тинчгина турган де Реналь хонимга келсак, у ҳозир гўё беҳуш одамдек, ҳеч нимани ўйламасди. Ривоятга кўра, нақ Карл Шерюракнинг ўзи ўтказган улкан аргувон остида кечган бу соатлар унинг учун умрининг охиригача энг бахтиёр дамлар бўлиб қолди. У шамолнинг қалин аргувон япроқлари орасида хўрсиниши, ёга бошлаган ёмғирнинг сийрак томчилари япроқларга чирсиллаб урилишини ҳузур қилиб тингларди. Жюльен ўзини ғоятда хурсанд қилиш мумкин бўлган бир нарсага эътибор бермади: де Реналь хоним шамол оёқлари остига қулатиб юборган гултувакни кўтараётган холаваччасига ёрдам бериш учун бир зум ўрнидан турди ва ноилож унинг кафтидан қўлини тортиб олди, бироқ жойига қайтиб ўтирган заҳоти, гўё бу анчадан буён одат тусига кириб қолгандай, деярли ўз ихтиёри билан қўлини унга топширди.

Аллақачон ўн иккига занг урган бўлиб, уйга кириш пайти келган эди, улар хона-хоналарига тарқаб кетишди. Ўз севгисидан мутлақо маст бўлган де Реналь хоним шундай бир масъуд кайфиятда эдики, қилган иши учун ўзидан ўпкालаш унинг ҳатто хаёлига ҳам келмади. У тун бўйи мижджа қоқмай чиқди, бахтиёрликдан сира ҳам уйқуси келмасди. Куни бўйи қалбидаги тортинчоқлик ва гурур ўртасидаги курашдан бутунлай силласи қуриган Жюльен эса дарҳол донг қотиб ухлаб қолди.

Уни эрталаб соат бешда уйғотишди, агар де Реналь хоним билганида, — унинг учун қандай оғир зарба бўлиши мумкин бўлган шу нарсани қайд қилиш керакки, — Жюльен ҳатто уни эсламади ҳам. У *ўз бурчини, қахрамонона бурчини* бажарди холос. Йигит шу фикрдан маст бўлиб, хонасини ичидан қуфлаб олди-да, яна бошқатдан ҳузур қилиб ўз қахрамонининг жасорати ҳақидаги хикояни ўқишга киришди.

Нонуштага чақиришганида у Буюк Армиянинг операциялари тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўқийвериш, ўзининг кеча қозонган ғалабасини унутиб ҳам қўйган эди. У емакхонага тушар экан, ҳазил аралаш: «Бу аёлга, сизни севиб қолдим, деб айтиш керак бўлади», дея хаёлидан ўтказди.

Вироқ у ўзи ўйлаган хумор кўзлар ўрнига жаноб де Реналнинг баджаҳл башарасини кўрди. Жаноб мэр икки соат

бурун Веррьердан келган бўлиб, ҳозир Жюльеннинг эрта-
лаб болалар билан шугулланмаганидан ғоятда норози
эканини мутлақо яширмасди. Бирор нарсадан норози бўл-
ган ва бу норозилигини ошкора изҳор этишга ўзини ҳақли
деб ҳисоблаган ғайтда бу димоғдор одамда жирканчроқ
кимсани тасаввур қилиб бўлмасди.

Эрининг ҳар бир заҳаролуд сўзи де Реналь хонимнинг
юрагига найзадек санчилмоқда эди. Бироқ Жюльеннинг
ҳамон димоғи шундай чоғ, бутун хаёли бир неча соат даво-
мида тасаввуридан ўтган буюк ишларда эдики, дарҳол ма-
нови дағал воқеликка қайтиш йигит учун анча мушкул
бўлди: жаноб де Реналнинг қўпол танбехлари унинг оиғига
деярли етиб бормаётган эди. Ниҳоят у:

— Тобим қочиб турган эди,— дея жавоб қилди.

Йигит. бу сўзларни шундай бир дағаллик билан айт-
дики, табиатан жиззаки бўлган Веррьер мæридан мулойим-
роқ одамнинг ҳам жаҳли чиққан бўларди: жаноб де Реналь
бир кўнгли Жюльенни дарҳол қувиб юбормоқчи ҳам бўлди.
Бироқ иш хусусида сира ҳам шошилмасликни одат қилиб
олгани туфайли ўзини тўхтатиб қолди.

«Бу ярамас бола хонадонимда бир оз обрў орттирди,—
дея хаёлидан ўтказди у.— Валено уни дарҳол болаларига
тарбиячи қилиб олса керак, ё бўлмаса Элизага индамай уй-
ланиб кетавериши ҳам мумкин, у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам
ичида мендан кулиб юради».

Лекин ана шу жўяли мулоҳазаларига қарамай жаноб де
Реналь ўз норозилигини шундай қўпол сўзлар билан изҳор
қила бошладики, аста-секин Жюльеннинг ҳам жаҳли чи-
қиб кетди. Де Реналь хоним кўз ёшларини арағ тийиб ту-
рарди. Улар стол ёнидан туришган заҳоти хоним Жюль-
еннинг ёнига келиб, унинг қўлтиғидан тутди-да, боққа
чиқиб сайр қилишни таклиф этди, у йигитнинг қўлига
дўстона таяниб олди. Бироқ де Реналь хоним нима деб
тасалли бермасин, Жюльен нуқул:

— Боёнлар ана шунақа бўлар экан,— дея охишта жавоб
қиларди.

Жаноб де Реналь уларнинг ёнида борарди, уни кўриб
Жюльеннинг газаби янада жўш урарди. У бирдан де Ре-
наль хонимнинг ўзига очиқдан-очиқ таяниб олганини се-
зиб қолди-ю, ижирганиб кетди: у хонимни қўполлик билан
итариб юборди-да, қўлини тортиб олди.

Унинг бахтига жаноб де Реналь бу янги беадабликни
сезмай қолди, буни фақат дугонасининг йиғлаб юбор-
ганини кўрган Дервиль хоним пайқади. Худди шу пайт

жаноб де Реналь боғнинг нариги четини кесиб ўтган ва ўзгаларга юриш ман қилинган йўлқадан юришга журъат этган деҳқон қизчага тош ота бошлаган эди.

— Жаноб Жюльен, ўтинаман, ўзингизни босинг, ҳар қандай одамнинг ҳам кайфияти бузилади-ку ахир, — деди унга қараб Дервиль хоним.

Жюльен унга чексиз нафрат билан совуқ назар ташлади.

Бу нигоҳ Дервиль хонимни ҳайратга солди, аммо у йигитнинг бу қараши билан нима демоқчи эканлигини пайқаганида янада кўпроқ ажабланарди: у ҳолда хоним Жюльеннинг кўзларидан интиқом олишини уққан бўларди. Робеспьерлар, турган гап, худди ана шундай хўрлик тортилган дақиқаларда юзага келади.

— Бу Жюльеннингиз жуда қаҳри қаттиқ экан-ку, мен ундан чўчиб қолдим, — деди аста Дервиль хоним дугонасига қараб.

— Негаям жаҳли чиқмасин ахир? — дея жавоб қилди де Реналь хоним. — Болалар жуда яхши ўқишяпти. Бунинг учун у озмунча меҳнат қилдим ахир. Шундай экан, бир кунгина эрталаб улар билан машғулот ўтказмаса нима бўлибди? Йўқ, ростини айтиш керак, эркаклар ўлгудай кўпол халқ бўлади.

Де Реналь хоним умрида биринчи марта дилида эридан ўч олгиси келди. Боёнларга нисбатан Жюльеннинг қалбида жўш ураётган кучли нафрат сиртига тепай деб турарди. Унинг бахтига шу пайт жаноб де Реналь боғбонни чақирди-да, биргалашиб боғни кесиб ўтадиган ўша сўқмоқни тиканли шох-шаббалар билан тўса бошлашди. Жюльен сайр пайти ўзига нисбатан айтилаётган ширин гапларнинг биронтасига ҳам эътибор бермай борарди. Жаноб де Реналь улардан нари кетиши билан иккала дугона жуда чарчашганини баҳона қилиб, Жюльеннинг икки қўлтиғидан олишди.

Ҳаяжон ва саросимадан қизариб кетган бу икки аёл ўртасида борар экан, Жюльен такаббурликдан оқарган юзи, баджаҳл қиёфаси билан улардан кескин фарқ қилиб турарди. Шу тобда йигит бу аёллардан ва дунёдаги барча нозик ҳис-туйғулардан нафратланарди.

«Ҳеч бўлмаса йилига беш юз франк даромадим бўлганида борми, — дерди у ўзига ўзи, — ўқишимга етса бўлгани эди! Эҳ ўшанда бу жанобга тупурган бўлардим».

Ана шундай мулоҳазаларга берилиб кетган Жюльен иккала дугонанинг илтифотларига деярли эътибор бермас, қулоғига кирган беш-олти оғиз сўз эса зардасини қайнатар, унга бемаъни, аҳмоқона, ожиз гап — хуллас, хотинларнинг сафсатаси бўлиб туюлар эди.

Сухбат узилиб қолмасин учун бирор нарса дейиш ниятида де Реналь хоним йўл-йўлакай эрининг бир фермердан маккажўхори пояси сотиб олгани ва бутун Веррьердан ана шу фермер билан учрашиш учунгина келганини айтиб қолди. Бу ерларда ўша пояни тўшакка тиқишар эди.

— Эрим энди бу ерга қайтиб келмайди, — дея қўшимча қилди де Реналь хоним. — У малай билан боғбонни чақириб кетди, энди учовлашиб уйдаги барча тўшакларга қайтадан похол тиқиб чиқишади. Бугун эрталаб улар биринчи қаватдаги ҳамма тўшакларга похол тиқишди. Энди иккинчи қаватга кўтарилишади.

Жюльеннинг башараси ўзгариб кетди, у де Реналь хонимга ғалати қараш қилди-да, қадамни тезлатиб, бека билан илгарилаб кетди. Дервиль хоним ортда қолди.

— Мени қутқаринг, — деди Жюльен де Реналь хонимга. — Бу ишни ёлғиз сиз бажара оласиз, биласиз-ку ахир, анови малай мени ўлгудай ёмон кўради. Сизга ростини айтишим мумкин: менда бир портрет бор, уни тўшакка яшириб қўйган эдим.

Бу гапни эшитиб, де Реналь хонимнинг бирдан ранги оқариб кетди.

— Менинг хонамга ҳозир фақат сиз кира оласиз. Тўшакнинг дераза томонидаги бурчагини сездирмай титкилаб кўринг, кичкина қутича топасиз: картондан ясалган силлиққина қора қутича.

— Портрет ўша қутичадами? — дея аранг сўради де Реналь хоним оёқлари майишиб кетаётганини ҳис этиб.

Аёлнинг руҳи тушиб кетганини пайқаган Жюльен дарҳол бундан фойдаланди.

— Сиздан яна битта илтимосим бор: ўтинаман, хоним, марҳамат қилиб ўша портретни очиб кўрмасангиз — бу менинг сирим.

— Сир дейсизми? — дея шивирлаб такрорлади де Реналь хоним.

Хоним гарчи ўз давлати билан кекқаядиган ва бойлик орттиришдан бўлак ҳеч нимани ўйламайдиган такаббур одамлар орасида ўсиб вояга етган бўлса-да, қалбида уйғонган севги туфайли анча олиҳиммат бўлиб қолганди. Дили қанчалик ранжиган бўлмасин, у Жюльендан топшириқ-

ни бажариш учун билиши лозим бўлган баъзи тафсилотларни фидокорлик билан сўраб олди.

— Яхши,— деди у уй томон кета туриб,— демак, кичкина юмалоқ қутича, сип-силлиқ қора қутича, дедигиз-а?

— Ҳа, шундай, хоним,— дея жавоб қилди Жюльен хавф-хатар сезган кишиларда пайдо бўладиган қатъийлик билан.

Хоним худди қатлга ҳукм қилинган одамлардек оппоқ оқариб иккинчи қаватга кўтарилди. Шунча изтироб чеккани етмагандек, у бирдан кўнгли беҳузур бўлаётганини сезди, бироқ Жюльенга ёрдам беришим лозим, деган фикр унга далда берди.

«Мен қандай бўлмасин ўша қутичани олишим керак», деди ўзига ўзи хоним.

Шу пайт у худди Жюльеннинг хонаси олдида хизматкор билан гаплашаётган эрининг товушини эшитиб қолди. Лекин хонимнинг бахтига улар болалар бўлмасига ўтиб кетишди. У тўшакнинг бир четини кўтариб, қўлини шу қадар шитоб билан похол ичига тикқанидан бармоқлари тирналиб кетди. Гарчи оғриққа чидамсиз бўлса-да, бироқ, ҳозир у буни ҳатто сезмади ҳам, чунки шу пайт қўли силлиқ қутичага теккан эди. Хоним қутичани шартта олди-да, югуриб хонадан чиқиб кетди.

У эри кўриб қолиши мумкинлигидан кўрқмай кўйган заҳоти бу қутича ҳақидаги фикр унинг қалбини шу қадар изтиробга солдики, хоним чиндан ҳам хушини йўқотаёзди.

«Демак, Жюльен қандайдир аёлни севади, кўлимдаги манови қутичада эса ўша аёлнинг расми бор».

Рашк ўтида ёнар экан, де Реналь хоним дармонсизланиб, даҳлизда турган стулга ўтириб қолди. Хонимнинг ўта соддалиги бу гал ҳам жонига ора кирди. Унинг борлигини қамраб олган ҳайрат чекаётган изтиробларини бир оз бўлса-да, енгиллаштириб турарди. Даҳлизга Жюльен кириб келди, у хонимнинг қўлидан қутичани юлқиб олди-да, бир оғиз ҳам сўз айтмай ўз хонаси томон отилди ва дархол каминга ўт ёқиб, қутичани оловга итқитди.

«Наполеоннинг портрети-я,— дерди у бош чайқаб ўзига ўзи.— Унинг келиб-келиб узурнаторга бўлган чексиз нафратни намойиш қилиб юрган одамнинг сақлаб қўйганини айтмайсизми. Ашаддий роялист, бунинг устига мендан жаҳли чиқиб юрган жаноб де Реналь бу портретни топиб олганида борми?! Одам шунақаям эҳтиётсиз бўладими: портрет орқасидаги оқ картонда кўлим билан битилган бир неча сатр ёзув бор. Уни ўқиган одамнинг Наполеон-

га сажда қилишимга гумони қолмайди. Қачон муҳаббат изҳор қилган бўлсам тағига кунини ёзиб қўйганман. Сўнгги сатрни кун кеча ёзган эдим».

«Бутун обрў-эътиборим бир зумда барбод бўларди-қўярди,— дерди ўзига ўзи Жюльен қутичанинг ловиллаб ёнишини кузатар экан,— ахир менинг бутун бойлигим ана шу обрў-эътиборим-ку, шу орқали кун кўряпман... Хе, кўрган куним қурсин».

Орадан бир соат ўтгач, ғоят чарчаган ва ўзига ўзи раҳми келиб кетган Жюльеннинг юраги жуда тошиб кетди. Де Реналь хоним билан тўқнашиб қолганида йиғит хонимнинг кўлини илгари сира ҳам ҳис этмаган бир самимият билан лабига босди. Хонимнинг чехраси бахтиёрликдан гул-гул очилиб кетди-ю, лекин шу заҳоти рашқининг зўридан уни итариб юборди. Боягина эшитган ҳақоратлардан аламзада бўлиб турган Жюльен эс-хушини йўқотаёзди. У де Реналь хонимнинг тимсолида фақат бадавлат бекани кўрди холос, йиғит нафрат билан хонимнинг кўлини қўйиб юборди-да, нари кетди. У қаттиқ хаёлга чўмиб боғни кезиб юрар экан, бирдан аламзадалик билан илжайди.

«Худди ўзимга-ўзим хўжайиндай бемалол сайр қилиб юрибман. Болаларга мутлақо эътибор ҳам бермайман. Агар шундай юраверсам, яна жаноб де Реналнинг ҳақоратли таъна-тазарруларини эшитишга тўғри келади. Унинг эса шундай қилишга ҳақи бор».

Шуни хаёлидан ўтказар экан, Жюльен болалар бўлмаси томон югуриб кетди.

Болаларнинг кичиги,— Жюльен бу кенжатоғни жуда яхши кўрарди,— унинг ёнига келиб эркалана бошлаган эди, йиғитнинг дилидаги дард-алам бир оз юмшагандек бўлди.

«Бу ҳали мендан нафратланмайди,— дея ўйлади у. Лекин шу заҳоти, бу ҳам ожизликнинг худди ўзгинаси, деган хаёлга бориб, дилида ўзини қойиб берди.— Бу болалар мени худди кеча уларга олиб беришган ов итини эркалатгандек эркалатишади».

Нотавон кўнгилга қўтир жомашов

But passion most dissembles, yet betrays,
Even by its darkness; as the blackest sky
Foretells the heaviest tempest.

Don Juan, c. 1, st. 73¹.

Жаноб де Реналь қасрдаги барча хоналарни айланиб чиқар экан, янгитдан сомон тиқилган тўшакларни кўтариб хизматкорлар билан бирга яна болалар хонасига кириб келди. Бу одамнинг кутилмаганда пайдо бўлиши сабр косаси тўлиб турган Жюльен учун сўнгги томчи бўлди.

У ранги оқариб, жаноб де Реналнинг ёнига шундай бир шижоат билан бордики, жаноб мэр уни илгари сира ҳам бундай вазоҳатда кўрмаган эди. Жаноб де Реналь тўхтади-да, хизматкорларига ўгирилиб қаради.

— Афандим, — деди Жюльен, — нахотки сиз болаларим ҳар қандай бошқа тарбиячи билан ҳам шундай муваффақиятга эришиши мумкин, деб ўйлаган бўлсангиз? Агар «йўқ» десангиз, — давом этди у жавобни кутиб ўтирмай, — у ҳолда болаларни ўз ҳолига ташлаб қўйибсан, дейишга қандай тилингиз борди?

Аввалига қўрқиб кетган жаноб де Реналь энди бир оз ўзига келиб, бу ярамас бола бекорга бундай дўқ урмаяпти, чамаси, бирорта одам унга кўп тўлашни таклиф қилган-у, энди у бизникидан кетмоқчи бўлса керак, деган ҳаёлга борди. Ҳазабини босолмай қолган Жюльен эса:

— Мен сизсиз ҳам бемалол яшайвераман, афандим, — дея қўшимча қилди.

— Сизнинг шу қадар ҳаяжонланиб кетганингиздан гоят афсусланияпман, — деди жавобан хиёл дудуқланиб жаноб де Реналь. Хизматкорлар шу ерда, улардан ўн қадамча нарида тўшакларни жой-жойига ёзишмоқда эди.

— Мен сиздан бошқа гапни кутяпман, афандим, — дея қичқирди баттар ғазабланган Жюльен. — Боя хонимлар олдида мени қандай ҳақоратлаганингизни бир эслаб кўринг-а.

¹ Пинхон эрур эхтирос, аммо уйиб қовоғин
Ул нори ниҳонини ўзи этмакда ошкор.
Худди шундоқ осмон қора тун босган чоғи
Бўрондан берур хабар, бир бўронки, қаҳрвор.

Байрон. «Дон Жуан», I боб, 73-банд.

Жаноб де Реналь Жюльеннинг муддаосини жуда яхши тушунарди. Унинг дилида қаттиқ кураш кетмоқда эди.

Шу пайт ортиқ чидаёлмай қолган Жюльен унга қараб:

— Бу ердан чиқиб, тўғри қаёққа боришни жуда яхши биламан, афандим, — дея қичқирди.

Бу гапни эшитиб, жаноб де Реналь Жюльенни дарҳол жаноб Валенонинг уйда тасаввур қилиб кўрди.

— Хўп, яхши, тақсир, — дея тўнғиллади у ниҳоят гўё оғир операцияга рози бўлиб жарроҳга мурожаат қилаётган одамдай. — Илтимосингизни бажаришга розиман. Индиндан бошлаб — ўша куни худди биринчи число бўлади — ойига эллик франкдан маош оласиз.

Жюльеннинг хахолаб кулиб юборишига сал қолди: у шу қадар ҳайратга тушган эдики, дилидаги ғазабдан асар ҳам қолмади.

«Демак, бу махлуқдан ҳали кам нафратланган эканман, — дея хаёлидан ўтказди у, — бу разилнинг шундан бўлакча кечирим сўраш қўлидан ҳам келмаса керак».

Боядан бери бу машмашани оғзиларини очиб томоша қилиб турган болалар жаноб Жюльеннинг жуда жаҳли чиққани, лекин энди у ойига эллик франкдан маош олажигини гапириб бериш учун боғда юрган оналари томон югуришди.

Жюльен ғоят зардаси қайнаб турган жаноб де Реналга қиё ҳам боқмай, одати бўйича, болаларнинг ортидан чиқиб кетди.

«Бу лаънати Валено мени ҳозирнинг ўзидаёқ бир юз олтмиш саккиз франкка тушириб турибди, — дерди ўзига ўзи мэр. — Анови ташландиқ болаларнинг таъминоти масаласида унга қаттиқроқ шама қилиб қўйиш керакка ўхшайди».

Орадан бир минут ўтар-ўтмас Жюльен яна унинг олдида пайдо бўлди:

— Қилган гуноҳларимга тавба қилмоқ учун пирим — жаноб Шеланнинг ҳузурига бормоғим даркор, бир неча соатга кетаётганимдан сизни хабардор қилиб қўймоқчиман.

— Бемалол, азизим Жюльен, — деди жаноб де Реналь қандайдир сохта бир кулги билап. — Кечгача бемалол юраверинг. Истасангиз, эртага куни бўйи келмасангиз ҳам майли, азизим. Боғбонга айтинг, отни эгарлаб берсин, Веррьерга пиёда бормаисиз-ку ахир.

«Ҳаммаси равшан. У Валенога жавоб бергани кетди, — дея хаёлидан ўтказди жаноб де Реналь. — У менга ҳеч

қандай ваъда бермади-ку ахир, хай майли, бу тирмизакни ўз ҳолига қўйиб бериш керак, бир оз жаҳлдан тушсин».

Жюльен жадал юриб, тоғ томон йўл олди. У ердаги катта ўрмонни кесиб ўтилса, Вержидан тўғри Веррьерга тушиш мумкин эди. Бироқ унинг ҳозир тўғри жаноб Шеланнинг олдига бориш нияти йўқ эди. Шу тобда у яна мугамбирлик билан мулофиқлик қилишни мутлақо истамасди. У қўнглига келган гапларнинг поён-соёнига етмоғи ва жўш ураётган ҳис-туйғуларига эрк бермоғи керак эди.

«Мен жангда галаба қилдим,— деди Жюльен ўзини ҳеч ким кўрмайдиган ўрмонга кирган заҳоти,— ҳа, мен галабага эришдим».

У ҳозиргина бошидан кечирган воқеаларни ўйларкан, хузур қилиб, қўнгли жойига тушди.

«Демак, энди мен ойна эллик франк маош олар эканман-да. Бу дейман, жаноб де Реналь жуда кўрқиб кетганга ўхшайди-ку. Лекин нимадан кўрқдийкин?»

Бир соат бурун унинг жуда газабини қайнатган бу бадавлат ва нуфузли одамнинг нимадан бундай кўрқиб кетгани ҳақида хаёл суриб борар экан, Жюльен аста-секин қандайдир ширин, роҳатбахш ҳис-туйғуга берилди. У бир зум ўзи оралаб кетаётган манови ўрмоннинг ажойиб гўзаллигига маҳлиё бўлиб қолди. Бир вақтлар тоғдан узилиб тушган улкан харсанглар жарлик тубида айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Забардаст шамшод дарахтлари нақ қояларнинг чўққисига қадар ўсган бўлиб, уларнинг ости муздек салқин эди, ҳолбуки бир печа қадам наридаги офтобрўяни қуёш шунчалик ёндирардики, у ерда туриб бўлмасди.

Жюльен улкан қоялар соясида бир оз дам олди-да, сўнг борган сари юқорилаб, тоққа кўтарилди бошлади. Тезда у кўзга арағ чалинадиган сўқмоққа бурилди. Бу ердан фақат эчки боқувчи чўпонларгина юришгучи эди. У сўқмоқдан бир оз юргач, баланд қояга тирмашиб чиқди-ю, ниҳоят, ўзини бутун дунёдан мутлақо ажралган ҳолда ҳис этди. У баландликка кўтарилганидан лабларига табассум югурди: бу унинг орзуси ушалганини яққол кўрсатиб турарди. Мусаффо тоғ ҳавоси унинг дилини равшанлаштириб, ҳатто қандайдир қувонтириб ҳам юборганди. Веррьер шаҳри мэри ҳамон унинг кўз ўнгида, дунёдаги барча боёнлар ва барча сурбет одамларнинг тимсоли сифатида гавдалашарди, бироқ унинг қалбида жўш ураётган нафрат қанчалик кучли бўлмасин, йигит дилида шахсан жаноб де Реналга нисбатан ҳеч қандай гараз йўқ эди. Агар жаноб де Реналь билан учрашмай қўйса, бир ҳаф-

та ўтар-ўтмас унинг ўзини ҳам, қасрини ҳам, итларини ҳам, болаларнию бутун оиласини ҳам унутиб юборган бўларди. «Билмадим, қай йўсинда уни шунча пулни қурбон қилишга мажбур этдим экан. Йилига эллик экюдан ортиқ-а, ахир. Ундан бир минут олдин эса даҳшатли хавфдан аранг қутулган эдим. Мапа сенга бир кунда икки ғалаба; тўғри, иккинчисида менинг ҳеч қандай хизматим йўқ, ҳар қалай, бунга қандай эришганимнинг сабабини аниқлаб олсам бўларди. Ҳай майли, кўнгилсиз мулоҳазаларимни эртагача кўя турайлик».

Жюльен август ойининг жазирама қуёшида мисдай қизиб кетган осмонга тикилганича баланд қоя устида турарди. Қоя остидаги майсазорда сўзанақлар тинимсиз чирилларди, улар тинганида эса ҳаммаёқ жимжит бўлиб қоларди. Шу тобда унга пастликдаги водийнинг узоқ-узоқ жойларигача яққол кўриниб турарди. Жюльеннинг тепасидаги қоядан парвоз қилган қарчиғай гоҳо-гоҳо бир кўриниб, улкан доира ясаб учмоқда эди. Жюльен беихтиёр бу йиртқич паррандани кузата бошлади. Қушнинг вазми ва қудратли парвози уни ҳайратга соларди, йигит унинг қудрати, унинг ёлғизлигига ҳавас қиларди.

Наполеоннинг тақдири ана шундай бўлган, эҳтимол унинг қисмати ҳам шундай бўлар.

XI

Кечки пайт

Yet Julia's very coldness still was kind,
And tremulously gentle her small hand
Withdrew itself from his, but left behind
A slight, so very slight that to the mind
Twas but a doubt.

Don Juan, c. I. st. 71¹

Бироқ Веррьерда ҳам бирров кўриниш бермоги лозим эди. Унинг омади келди. Жюльен кюренинг олдидан чиққан заҳоти жаноб Валенгога дуч келиб қолди-ю, дарҳол унга маони ошганлигини айтди.

¹ Унга ярашиб турар ҳаттоки кибру ҳаво,
Погоҳ титраб кетдию ошноққина қўлчаси
Йигитнинг қўлларидан сирғалиб чиқиб кетди,
Кетаркан, йигит қўлини оҳиета қисиб қўйди,
Сезиб бўлмаё ҳолатда эдики, бу замзама:
«Наҳотки шундоқ бўлса?» — деди хўрсиниб йигит.

Байрон. «Дон Жуан», I боб, 71-банд.

Вержига қайтгач, Жюльен қоронғи тушгунича кутиб турди-да, шундан кейингина боғ томон равона бўлди. У бугун бошидан кечирган барча машмашалардан сўнг руҳан чарчаган эди. «Уларга нима дейман?» — дея безовта бўлиб ўйларди у, хонимлари ҳақида эслар экан, унинг худди ҳозирги руҳий ҳолати одатда аёлларни қизиқтирадиган барча майда тасодифларга жуда монанд эканлиги эса Жюльеннинг хаёлига ҳам келмасди.

Дервиль хоним ва ҳатто унинг дугонаси ҳам кўпинча Жюльенни тушунолмай қолишарди, лекин у ҳам ўз навбатида хонимларнинг гапини чалакам-чатти тушунарди. Шухратпараст йигит қалбида жўш урувчи эҳтирослар шиддати — таъбир жоиз бўлса — улуғворлиги уларга ана шундай таъсир қиларди. Бу ғаройиб йигитнинг қалбида эса ҳар қуни тўфонлар кўтарилиб турарди.

Бироқ бу оқшом боғ томон йўл олар экан, Жюльен кўҳликкина холавачаларнинг орзу-истакларини бажонидил тинглашга мойил эди. Хонимлар уни кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришган экан. Жюльен де Реналь хонимнинг ёнига, ўзининг одатдаги жойига бориб ўтирди. Тезда қоронғи тушди. Йигит боядан бери олдидаги стул суянчигида кўриб турган оппоқ қўлни кафтига олишга уриниб кўрди. Қўл аввалига иккиланиб турди-да, кейин шартта кафтидан силтаниб чиқди, Жюльен ўзида хафа эканликларини яққол ҳис этди. Йигит ортиқча тиргилмай қувноқлик билан уёқ-буёқдан гап сотиб ўтирган эди, бирдан жаноб де Реналнинг қадам товуши эшитилиб қолди.

Жаноб мэрнинг эрталаб айтган қўпол гаплари ҳамон Жюльеннинг қулоғида жаранглаб турарди. «Пулининг кучи туфайли кўнглига келганини қайтармайдиган манови тўнгизнинг устидан бир кулмайманми, — дея хаёлидан ўтказди у. — Ҳозир, худди ўзининг олдида хотинининг қўлини ушлайман. Ҳа, ҳа, худди шундай қиламан, эрталаб у мени нафрат билан таҳқирлаган эди. Мен эса хотинининг қўлини ушлайман».

Шу дақиқадан бошлаб Жюльеннинг табиатига мутлақо бегона бўлган хотиржамлик уни тарк этди. Бу истак унинг бутун қалбини қамраб олди, шу тобда у бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмасди. Шундай қилиш керакки, қўлини ушлаганда де Реналь хоним индамасин.

Жаноб де Реналь даргазаб бўлиб сиёсатдан гапирмоқда эди: Веррьердаги икки-уч фабрикантнинг ҳамёни анча қаппайиб қолибди, чамаси, яқин орада улар бундан ҳам бадавлат бўлиб кетса керак, турган гап, сайлов пайтида

улар жаноб мэрнинг йўлига тўғаноқ бўладилар. Дервиль хоним диққат билан қулоқ солиб ўтирарди. Бу сафсата со-тишдан зардаси қайнаган Жюльен стулини де Реналь хо-нимга яқинроқ сурди. Атроф шу қадар қоронғи эдики, ҳеч нима кўринмасди. У юрак бетлаб қўлини хонимнинг тир-сагидан юқорисигача яланғоч бежирим қўли ёнига қўйди. У ҳаяжонланиб, бутун фикри, хаёли пароканда бўлиб кетди, у ўша ажойиб қўлга юзини теккизди-да, бирдан дадилланиб, уни лабларига босди.

Де Реналь хоним қалтираб кетди. Ахир эри бор-йўғи тўрт қадамча нарида ўтирган эди-да, хоним дарҳол қўли-ни Жюльенга узатди ва шу билан бирга уни ўзидан хиёл нарига итариб қўйди. Жаноб де Реналь ҳамёинини қап-пайтириб ётган анови муттаҳам ва якобинчиларни яниб, уларни лаънатлар экан, Жюльен узатилган қўлни эҳтирос билан кетма-кет ўпарди, лекин, эҳтимол бу бўсалар фақат де Реналь хонимгагина шундай эҳтиросли бўлиб туолаёт-гандир. Бўямасам боёқш хоним ўзи учун машъум бўлган шу куни жони дилидан севишини ўзи ҳам тап олмай юр-ган одамининг ўзга бир маҳбубага кўнгил берганлиги ҳа-қидаги далилни қўлида тутиб турган эди. Жюльен уйда йўқлигида хоним куни бўйи ўзини жуда бахтсиз ҳис этди ва бу ҳол уни бирмунча мулоҳаза юритишга мажбур қилди.

«Бу қанақаси, наҳот севиб қолган бўлсам? — дерди у ўзига ўзи. — Мен севиб қолдимми? Нима бало, эрим, бола-чакам бўлса ҳам бирдан севиб қолсам-а? Лекин мен қал-бимда эримга нисбатан Жюльенни бир зумга бўлса-да, уну-тишимга йўл қўймайдиган манови мудҳиш васвасага ўхшаш туйғуни сираям ҳис этмаган эдим-ку. Ахир Жюль-ен аслини олганда ҳали ёш бола-ку, у шунчаки мени жу-да ҳурмат қилади. Бу васваса ўтиб кетади, албатта. Бу йиғитчага нисбатан дилимда қандай ҳис-туйғу борлиги эрим учун бари бир эмасми? Жюльен билан қиладиган суҳбатларимизни, унинг барча фантазияларини эшитса, жаноб де Реналь зерикиб ўларди; унга бу гапларининг нима кераги бор? У ўз ишлари билан банд, боз устига мен Жюльенни деб уни бирор жиҳатдан камситаётганим йўқ-ку».

Илгари сира ҳис этмаган муҳаббат туйғусидан алданган бу соддадил аёл қалбида мунофиқликдан асар ҳам йўқ эди. У алданганини ўзи ҳам сезмаган бўлса-да, виждони беихтиёр безовта бўла бошлади. Жюльен боғда пайдо бўл-ганида хоним дилидаги ана шу курашдан изтироб чекмоқда эди. Де Реналь хоним Жюльеннинг товушини эшитди-ю,

шу заҳоти унинг ёнига келиб ўтирганини кўрди. Хонимнинг юраги гўё бахт унга қанот бағишлагандек бир орзиқиб тушди. Бу бахтиёрлик туйғуси шу икки ҳафта давомида ҳар куни хонимнинг кўнглини банд этишдан ҳам кўра кўпроқ уни ҳар гал бениҳоя ҳайратга соларди. Бироқ орадан бир дақиқа ўтди. «Бу қанақаси бўлди? — деди хоним ўзига ўзи. — Демак, уни кўришим билан ҳамма гуноҳларини кечириб юраверар эканман-да». Унинг юраги орқасига тортиб кетди, худди ана шу пайт хоним қўлини тортиб олди.

Йигитнинг эҳтиросли бўсалари, — шу пайтга қадар хонимнинг қўлини ҳеч ким бундай ўпмаган эди, — Жюльен, эҳтимол, бошқа бирон аёлни севар, деган фикрни унинг миясидан дарҳол чиқариб юборди. Жюльен энди унинг олдида мутлақо бегуноҳ эди. Шубҳа натижасида туғилган аччиқ алам бир зумда ғойиб бўлди, илгари ҳатто тушига ҳам кирмаган ҳузур-ҳаловат туйғусидан эса унинг қалби севги нашидаси ва чексиз қувонч билан тўлиб-тошди. Бойиб кетган фабрикантларини сира унутолмай ўтирган Веррьер мэридан бўлак барчага бу кеча жуда ажойиб туюларди. Жюльен ўзининг қора нияти, ширин орзуларини бутунлай унутиб қўйганди, ҳолбуки бу орзуларни рўёбга чиқармоқ учун қанчадан-қанча тўсиқларни енгиб ўтиши лозим эди. У умрида биринчи бор гўзалликнинг қудратли кучини ҳис этмоқда эди. Йигит ўзи учун сираям хос бўлмаган қандайдир мавҳум ва ширин ҳаёллар оғушида ўтирар экан, таърифига тил ожиз бўлган, жозибаси билан мафтун этган манови ажойиб кўлни оҳиста қисиб эркалар ва кўзларини юмиб, аргувон япроқларининг тунги майини шабададан шилдирашига, Ду соҳилида жойлашган тегирмондаги итларнинг йироқдан ҳуришига қулоқ соларди.

Бироқ у ҳозир эҳтиросга берилмай, шунчаки кўнглили ҳордиқ чиқараётган эди. Ўз хонасига қайтар экан, у фақат севимли китобини яна қўлига олгач, қандай ҳузур қилиб ўқишини ўйларди, чунки йигирма ёшли йигит учун кенг дунё ҳақидаги, бу дунёни қай йўсинда ҳайратга солиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ҳамма нарсадан ҳам устун турарди.

Аммо у бир оздан сўнг китобни бир четга суриб қўйди. Наполеоннинг зафарли юришлари тўғрисида ҳаёл сурар экан, у ўзининг бугунги ғалабасига ҳам қандайдир бошқача қарарди. «Ҳа, мен жангда ғолиб чиқдим, — деди у ўзига ўзи. — Шундай экан, бу ғалабадан фойдаланмоқ керак, ҳозирча чекинар экан, бу кеккайган асилзоданинг

попугини пасайтириб қўймоқ даркор. Наполеон темирни ана шундай қизигида босган. Ундан уч кунга жавоб беришини талаб қиламан, шунда дўстим Фукени кўриб келишим мумкин. Агар жаноб де Реналь йўқ деса, унда бутунлай кетаман, деб пўписа қиламан, қаёққа борарди, жавоб беради албатта».

Де Реналь хоним кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Хонимга шу пайтга қадар ўзи умуман яшамагандек туюларди. У Жюльен қўлини эҳтирос билан ўпган ўша ширин дамларни қайта-қайта эслар экан, қалбида ўша мастона туйғуни ҳис этарди.

Шу пайт бирдан унинг хаёлидан бевафолик деган даҳшатли сўз ялт этиб ўтди. Ҳиссий муҳаббат тушунчасига кирадиган барча жирканч ишлар, тубанлик, фосиқлик туйқусдан унинг кўз ўнгида намён бўлди. Хаёлида кўринган бу манзаралар эса нозик ва ажойиб образ — унинг Жюльен ҳақидаги ва уни севишдек бахт тўғрисидаги орусини булғаетгандек эди. Келажак унинг кўз ўнгида даҳшатли бир тарзда гавдаланарди. Хоним барча ундан қандай нафратланишини тасаввур қила бошлади.

Унинг учун бу даҳшатли дақиқалар эди — хоним қалбида аллақандай туйғулар уйғонди. Хоним илгари сира кўрмаган ҳузур-ҳаловат мазасини энди татиб кўрмоқчи бўлган ҳам эди, даҳшатли азоб исканжасига гирифтор бўлди-қолди. У шундай изтироб чекиш мумкинлигини илгари сира ҳам тасаввур қилмаган эди, унинг мияси гангиб қолди. У бир дақиқа эримга Жюльенни севиб қолишдан чўчиётганимни айтсаммикин, деган хаёлга ҳам борди. У ҳолда эрига Жюльен ҳақида барча гапларни айтиб беришга тўғри келади-ку. Бахтига, шу пайт у бир вақтлар тўйи арафасида холаси қилган панд-насиҳатларни эслаб қолди. Холаси, хотин киши эрига ҳамма гапниям айтавермаслиги кераклигини, чунки эр ҳар қалай хотинига нисбатан ҳукмдор эканлигини унинг қулоғига қуйган эди. Де Реналь хоним нима қиларини билмай гарангсиз қолди.

У изтироб чекар экан, миясида бир-бирига зид бўлган фикрлар гужгон ўйнади. Гоҳо у, Жюльен мени севмасая, деб чўчирди, гоҳо эса даҳшатга тушиб, ўзини жипоятчи ҳис этарди ва гўё эртагаёқ бўйинига бевафо хотин деб ёзилган тахтачани осиб Веррьердаги шаҳар майдонида бутун халқ олдида сазойи қилиб, қатл этишаётгандек сесканиб тушарди.

Де Реналь хонимнинг мутлақо ҳаёт тажрибаси йўқ

эди, шу боисдан эс-хуши жойида пайтида ҳам, таггри олдида гуноҳ қилиш — ҳали халойиқ нафратига дучор бўлиш ва халқ олдида сазойи этилиш билан баробар эмаслиги ҳаёлига ҳам келмасди.

Бевафолик ва унинг фикрича, бу бевафоликдан келиб чиқадиган шармандаликни бир лаҳзагина унутган пайтларида хоним Жюльен билан маъсум ҳаёт кечирса, қандай ажойиб бўлишини ўйларди ва хотираларга берилиб кетиб, Жюльен бошқа аёлни севади, деган мудҳиш шубҳадан қалби ўртана бошларди. Портретни тортиб олишларидан кўрққани учунми ёки уни биров кўриб қолса ўша аёлни бадном қилишдан чўчиганиданми, йигитнинг оппоқ оқариб кетганини де Реналь хоним худди ҳозиргина кўриб тургандек эди. Аёл бу хотиржам ва олижаноб чехрада биринчи бор кўрқув аломатларини кўриши эди. Йигит хоним ёки болаларини деб бирон марта ҳам шунчалик ташвишга тушмаганди. Изтироб чекиш учун бу янги баҳона аёлнинг бусиз ҳам қайғу билан тўлиб-тошган қалбини қаттиқ ўртаб юборди. Де Реналь хоним беихтиёр инграб юборганди, оқсоч қиз уйғониб кетди. Хоним бирдан шам шуъласини ва тепасида эгилиб турган Элизани кўриб қолди.

— Демак, у сизни севар экан-да? — дея қичқириб юборди у ҳушини йўқотиб.

Хонимнинг бахтига, бекасига бир бало бўлганини кўриб ажабланган оқсоч қиз унинг бу гаройиб сўзларига мутлақо эътибор бермади. Де Реналь хоним қандайдир эҳтиётсизликка йўл қўйганини тушуниб қолди.

— Иситмам кўтарилибди, — деди у қизга қараб, — алаҳсираганга ўхшайман, бирпас ёнимда ўтиринг.

Ўзини тийишга мажбур бўлганидан у аста-секин кўнгли тинчиб, енгил тортди ва эс-хушини йиғиб олди. Хоним оқсоч қизнинг тикилиб қарашидан қутулмоқ учун газета ўқиб беришни буюрди ва «Ҳафталик»даги узундан-узоқ бир мақолани ўқийётган қизнинг бир маромдаги товуши таъсирида аста-секин кўнгли бутунлай таскин топди. Шундан сўнг де Реналь хоним Жюльен билан учрашиб қолганида унга иложи борича совуқроқ муомала қилишга аҳд қилди.

Саёҳат

Парижда яхши кийинган одамларга дуч келиш мумкин, вилоятда эса иродаси мустаҳкам одамлар кўпроқ учрайди.

Сийёс

Эртаси куни эрталаб соат бешларда, — де Реналь хоним ҳали ўз ётоқхонасидан чиқмаган эди, — Жюльен унинг эридан уч кунга жавоб олди. Шундан сўнг Жюльен бирдан хонимни кўргиси келиб қолди, йигит унинг ажойиб кўлини эслаганди. У боққа чиқди, де Реналь хонимдан ҳадеганда дарак бўлавермади. Албатта, агар Жюльен севганида эди, хонимнинг биринчи қаватдаги қия очиқ дераза ортида турганини сезган бўларди. Хоним пешанасини ойнага тираганича йигитга тикилиб турарди. Ниҳоят, у тундаги аҳдини унутиб боққа чиқишга жазм қилди. Унинг одатда оппоқ оқариб юрадиган юзи ҳозир ловуллаб турарди. Бу соддадил аёл қаттиқ ҳаяжонда эди: қандайдир посамимийлик ва ҳатто, чамаси, норозилик одатда унинг тиниқ кўзларида аке этадиган хотиржамлик ифодасига шарпа ташлаб турарди. Бу хотиржамлик гўё дунёдаги барча бемаза ташвишлардан ҳазар қилаётгандек аёл чеҳрасига ўзгача бир жозиба бахш этарди.

Жюльен тез-тез юриб аёлга яқинлашди, у хонимнинг елкасига наридан-бери ташланган шол рўмоли остидан кўришиб турган ажойиб кўлларига завқ билан тикиларди. Аёлнинг тунги изтироблардан ловуллаб турган ёноқлари эрталабки мусаффо ҳаводан янада қизариб кетгандек туюлди. Унинг содда, назокатли, шу билан бирга илҳомбахш хусни, — оддий аёлларда бундай гўзаллик камдан-кам учрайди, — Жюльеннинг ўзи ҳам хаёлига келтирмаган кўнгил торларидан қайси бирини чертиб юборгандай бўлди. Жюльен аёлнинг бу гўзаллигидан завқланиб, унга тикилиб борар экан, ўзини дўстона кутиб олишларига сираям шубҳа қилмасди, у ҳатто бу ҳақда ўйламасди ҳам. Хоним очиқдан-очиқ совуқ кутиб олганини кўрган йигит ҳанг-манг бўлиб қолди. Шу заҳоти у, бека ким эканлигимни менга писанда қиляпти, деган шубҳага борди.

Унинг лабларидаги қувончли табассум бирдан сўндиқўйди, у ўзининг бу хонадонда, айниқса, манови бадавлат

асилзода хоним қаршисида қандай ўрин эгаллашини эслади. Йигитнинг юзи бир зумда ўзгариб кетди, энди унинг юзида такаббурлик, ўзидан ғазабланишидан бўлак ҳеч қандай ифодани уқиб бўлмасди. Хонимни бир соатдан буён кутгани-ю, оқибатда уни шундай хўрлаганликлари унга қаттиқ алам қилди.

«Ҳақат аҳмоқ одамгина бировларга жаҳд қилиши мумкин, — дея мулоҳаза қиларди у ўзича. — Тош оғирлиги учун ерга тушади. Наҳот мен умрбод ёш бола бўлиб қолаверсам? Наҳот мен бу одамларга нисбатан тўлаётган пулларига яраша муомала қилишни ўргана олмасам? Агар улар мени ҳурмат қилишларини, ўзимни ўзим ҳурмат қилишни истасам, у ҳолда бу одамларга уларнинг бойлиги билан менинг муҳтожлигимгина шартнома тузганлигини, қалбим эса уларнинг кибру ҳавосидан минг чақирим наридалигини, уларнинг пасткаш писанда-ю, илтифотлари мутлақо таъсир қилмайдиган юксакликда эканлигини уқтириб қўймоғим лозим».

Ҳазаб, аламини кўнглига сиғдира олмаган ёш тарбиячининг титраётган юзида мутакаббирлик, қаттиқ қаҳр ифодаси пайдо бўлди. Де Реналь хоним бутунлай саросимага тушиб қолди. Аёл боя Жюльенни совуқ қарши олишга аҳд қилган эди. Энди кўз ўнгида йигитнинг юзи бирдан шундай ўзгариб кетганини кўриб, унга раҳми келди, ташвишга тушган ва ажабланган хонимнинг чехрасидаги илтифотсизлик ўрнини ҳамдардлик ифодаси эгаллади. Одатда эрталаб саломатлик ёки об-ҳаво тўғрисида айтиладиган шунчаки оддий сўзлар икковининг ҳам оғзида қолди. Муҳаббат изтиробларини чекмаганидан тўғри фикр юрита оладиган Жюльен де Реналь хонимга ораларидаги муносабатни дўстона деб ҳисоблаш ҳатто ҳаёлига ҳам келмаганини намоён этишнинг йўлини топди: у ўзининг жўнаб кетаётгани тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтмай, таъзим қилди-да, ғойиб бўлди.

Аёл кечагина дўстона тикилган кўзларнинг ҳозир нақадар ғазаб ва нафрат билан қараганидан ҳайратга тушиб, йигит ортидан кузатиб турар экан, унинг олдига катта ўғли югуриб келди ва онасининг бўйнига осилиб, қичқирди:

— Бизларда эса таътил бошланди: жаноб Жюльен жўнаб кетяптилар.

Бу гапни эшитиб де Реналь хонимнинг юраги орқасига тортиб кетди, у боадаблиги учун ўзини ғоятда бахтсиз ҳис этарди, бироқ заифлиги туфайли юз карра кўпроқ азоб чекарди.

Бу янги воқеа унинг тасаввуридаги барча бошқа гапларни босиб кетди. Унинг андишали мулоҳазалари бир зумда тумтарақай бўлди. Энди хоним мафтун этувчи ошиқнинг севгиси олдида дош беришини эмас, балки ундан бир умр маҳрум бўлаётганини ўйлаб қолган эди.

У эрталаб понушта тугагунича тишини тишига қўйиб чидаб ўтирди. Аёлнинг ичида қиринди ўтаётгани камлик қилгандек, жаноб де Реналь билан Дервиль хоним нуқул Жюльеннинг жўнаб кетиши ҳақида гапирар эдилар. Жюльен уч кунга жавоб сўраётиб тик гапиргани Веррьер мэрига бир оз галати туюлган эди.

Турган гап, кимдир йигитчага кўпроқ тўлашга ваъда берганга ўхшайди, бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бу таклиф жаноб Валенодан чиққанми ёки бошқасиданми, гувернер учун йилига олти юз франк сарфлаш — ҳар қандай одамини ҳам ўйлантириб қўйиши мумкин. Кеча Веррьерда унга, чамаси, ўйлаб кўришлари учун уч кун кутиб туриш лозимлигини айтишган бўлишса керак, шу боисдан ҳам бугун эрталаб менга аниқ жавоб айтмаслик учун бу ярамас бола тоққа жўнаб қолди. Буни қараг-а, келиб-келиб қандайдир зоти паст ҳунарманднинг раъйига қараб ўтирсам энди, бунинг устига сурбетлик қилишини айтмайсизми, кунимиз шунга қолгандан кейин нимаям қилардик.

«Хатто Жюльенни қандай ҳақорат қилганини ўзи ҳам тасаввур қила олмайдиган эримки, у бизниқидан кетиб қолмаса эди, дея хавотирланаётган экан, мен нима деб ўйлашим керак? — дерди ўзига ўзи де Реналь хоним. — Эҳ, бунинг ўйлайдиган нимаси бор экан — ҳаммаси тамом бўлди».

Йиглаб-йиглаб кўнглини бўшатиш ва Дервиль хонимнинг саволларига жавоб беришдан қутулиш учун у боши қаттиқ огриётганини баҳона қилди-да, ўз хонасига кириб ётиб олди.

— Хотинларнинг ўзи шунақа бўлади, — дея тақрорларди жаноб де Реналь. — Доим бирор жойлари огриб туради. Жуда галати қилиб яратилган-да бу хотинлар. Шундай дея кула-кула нари кетди.

Қутилмаганда қалбига оташ солган бахтсиз муҳаббатнинг қурбони бўлган де Реналь хоним тўлғаниб ётар экан, Жюльен хурсанд бўлиб, фақат тоғлардагина учрайдиган ажойиб манзараларни томоша қилиб борарди. У Вержининг шимол томонидаги довоини ошиб ўтмоғи лозим эди. У юриб бораётган сўқмоқ улкан шамшод дарахтлари оралаб ўтиб, Ду водийсини шимол томондан тўсиб

турган баланд тоғ ёнбағридан илон изи бўлиб аста юқори-лаб кетарди. Ду дарёси жанубга қараб бурилиб кетган жойдаги тепаликларни ошиб ўтган йўловчининг кўз ўнгида энди Бургундия ва Божоленинг серҳосил дала-лари намоён бўлди. Гарчи бу шуҳратпараст йи-гит бундай гўзалликларни кўрганда юраги жиз этмаса-да, у ҳар қалай гоҳо-гоҳо беихтиёр тўхтаб, бу кенг ва улуғ-вор манзарага кўз югуртирарди.

Ниҳоят, у дўсти, ёш тахтафуруш Фуке истиқомат қила-диган хилват водийга етиш учун ошиб ўтиши лозим бўл-ган баланд тоғ чўққисига кўтарилди. Жюльен шу тобда на дўсти Фукени, на биронта бошқа одамни кўришга оши-қарди. У чўққидаги қоялар орасида қарчигай сингари яшириниб ўтирар экан, ўзи томон келаётган ҳар қандай одамни йироқдан кўрган бўларди. Қоялардан бирининг тик биқинида у кичкинагина ғорни кўриб қолди. Йигит ғорга кирди-да, пана жойга ўрнашиб ўтириб олди. «Бу ерда мени, — дея дилидан ўтказди у хурсандликдан кўз-лари чақнаб, — бу ерда мени ҳеч ким топа олмайди». Унинг хаёлига шу ерда ўтириб, ўзининг баъзи мулоҳаза-ларини ёзиб қўйиш фикри келиб қолди. Бу мулоҳазаларни ҳар қандай бошқа жойда қоғозга тушириш жуда хавфли эди. Тўртбурчак харсанг унга стол хизматини ўтади. Жюльен шундай берилиб кетдики, миясида ғужғон ўйна-ётган фикрларни ёзишга улгуролмай қолди; шу тобда у атрофидаги ҳеч нимани кўрмасди. Ниҳоят, у қоғоздан кўзини узди-ю, қуёшнинг йироқдаги Божоле тоғ тизмалари ортига қараб ботаётганини сезиб қолди.

«Шу ерда тунаб қўя қолсам-чи? — дея ўйлади у. — Но-ним бўлса бор, эркинман». Бу улуғ сўзни тилга олар экан, Жюльен завқдан юраги лоп этганини сизди. Доим муғам-бирлик қилиб яшашга мажбур бўлганидан у ҳатто дўсти Фуке билан ҳам ўзини эркин ҳис эта олмасди. Бу кич-кинагина ғорда иягини кафтига тираганича ўз орзулари ва эркинлик туйғусидан маст бўлиб ўтирган Жюльен ўзини ҳеч қачон шундай бахтиёр сезмаганди. У тоғлар ортига ботган қуёшнинг сўнги шуъласи ҳам сўниб бораёт-ганини пайқамай қолди. Жюльен қоп-қоронғи ғорда ўти-риб, келгусида Парижда кечирадиган ҳаётини юраги ор-зиқиб тасаввур қиларди. Аввало унинг кўз ўнгида гўзал бир аёл намоён бўлди, аёл шу қадар гўзал ва олижанобки, Жюльен бунақасини провинцияда сира учратмаган. Йигит ўша аёлни юрак-юрагидан севади, аёл ҳам усиз яшай ол-майди... У доим ўз маҳбубаси билан бирга бўлади, мабодо уни тарк этса ҳам жуда қисқа муддатга, улуғ ишлар қилиб

шуҳрат қозониш ва унинг севгисига муносиброқ бўлиш учунгина тарк этади.

Париждаги киборлар жамиятининг аянчли муҳтида ўсиб улгайган бирор йигит, агар у Жюльен каби хаёлпараст бўлган тақдирда ҳам, бундай орзу-хаёлларга берилганини сезиб қолса, беихтиёр илжайиб қўярди, ахир: «Маҳбубасин тарк этса гар қайси бир ўғлон, бевафолик қилар унга ҳар куни жонон!» — деган ҳақиқат барчага маълум-ку, бу ҳақиқат буюк ишлар қилиб шуҳрат қозониш ҳақидаги орзуларни бир зумда унинг миясидан сиқиб чиқарган бўларди. Бироқ манави деҳқон йигитчанинг буюк жасорат кўрсатишига эса шунчаки бир тасодиф етишмаётгандек эди.

Бу орада қоронғи тун борлиққа аллақачон қора пардасини ёйган бўлиб, Фуке яшайдиган қишлоққача эса яна ўн чақирим йўл юрмоқ лозим эди. Горни тарк этишдан аввал Жюльен гулхан ёқди-да, боя ёзган барча қоғозларини ўтга ташлади.

Жюльен кечаси соат бирда эшикни тақиллатганида дўсти уни кўриб ханг-манг бўлиб қолди. Фуке ҳисоб-китоб дафтари устида бош қотириб ўтирганидан ҳали ухламаган экан. У норгулдан келган, юз тузилиши хунукроқ, бурни муштдай, бесўнақай бир йигит бўлса-да, аслида жуда ҳам кўнгли очиқ, хушфеъл эди.

— Бунча бемаҳал келмасанг? Бу дейман, ўша жаноб де Реналь билан уришиб қолмадингми, ишқилиб?

Жюльен кечаги воқеаларни дўстига айтиб берди. У Фукедан ҳеч нарсани яширмаслик лозим, деб ҳисобларди.

— Меникида қола қол, — деди унга Фуке. — Кўриб турибман: жаноб де Ренални ҳам, Валенони ҳам, префект ёрдамчиси Можиронни ҳам, кюре Шеланни ҳам, уларнинг барча хийла-найранглари ҳам энди яхши тушуниб олибсан. Ҳозир аини пудрат савдоси билан шуғулланадиган пайтинг. Арифметика илмида мендан анча кучлисан, ҳисоб-китобни олиб борардинг, ахир бу савдо-сотикдан мўмайгина пул топяпман. Аммо ҳисоб-китоб ишларига вақт етишмайди, биронта одамни ширкатга олишга эса, муттаҳам чиқиб қоладими, деб қўрқасан. Фақат шуни деб худонинг берган куни бирор мўмай ишдан қуруқ қоласан киши. Мапа бундан бир ой илгари манови Мишога олти минг франк ишлаб олишига имкон бериб қўйдим, Сент-Аманда яшайдиган Мишони айтяпман, уни танийсан. Уни олти йил кўрмаган эдим, тасодифан Нонтарльедаги ким ошди бозорида учратиб қолдим. Хўш, ўша олти мингни ёки ҳеч бўлмаса, уч мингни сен ишлаб олсанг нима қиларди? Агар

ўшанда ёнимда бўлганимда эди, ўша бир тўда тахтанинг баҳосини ошириб, барчасининг ҳафсаласини пир қилардимۇ мол ўзимизга қоларди. Менга шерик бўла қолсанг-чи.

Фукенинг бу таклифи Жюльеннинг дилини бир оз ранжитди: бу гаплар унинг хом хаёлларига мутлақо тўғри келмасди. Фуке ёлғиз ўзи яшарди, шунинг учун ҳам дўстлар Гомер қаҳрамонларидай ўзлари овқат пишириб тамадди қилишар экан, дўсти Жюльенга тахтафурушлик қандай фойдали иш эканлигини исботламоқчи бўлиб унга ўзининг ҳисоб-китоб ва дафтариини кўрсатди. Фуке дўстини жуда билимдон ва ҳолат одам деб ҳисобларди.

Мана, ниҳоят, Жюльен қора қарағай ҳодаларидан қурилган кичкинагина хужрада ёлғиз ўзи қолди. «Рости билан ҳам мен бу ерда бир неча минг франк ишлаб олишим мумкин, — деди у ўзига ўзи, — кейин, ўша пайтда Францияда нима расм бўлишига қараб, ҳарбий мундирними ёки руҳонийлик ридосиними бамайлихотир танлайверман. У пайтга бориб орттирган жамгармаларим барча тўсиқларни бартараф этади. Тоғдаги бу хилватгоҳда эса мен анови жаноби киборлар қизиқадиған барча муҳим материаллар бобидаги жаҳолатдан аста-секин қутулиб оламан. Бироқ Фуке ҳали-бери уйланмоқчи эмас, ўзи эса, бу ерда ёлғизликдан қийналяпман, дея нолияпти. Агар у ўз ишига ҳеч қандай дастмоя қўшолмайдиган бир одамни шерик қилиб олаётган экан, демак, у бу одамнинг ҳеч қачон уни ташлаб кетмаслигига умид қилади».

— Наҳот мен дўстимни алдасам? — дея газаб билан хитоб қилди Жюльен. Ишларини юриштириш учун туллаклик қилиб юрган, бировга нисбатан меҳр нималигини билмайдиган бу галати йигит шу тобда меҳрибон дўстига хиёл бўлса-да, номардлик қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтира олмасди.

Шу пайт бирдан Жюльеннинг чеҳраси ёришиб кетди — у дўстининг таклифини рад этишга баҳона топган эди. «Қанақасига энди? Етти-саккиз йил умрни беому нишон ўтказиш-а? Ахир у пайтга бориб йигирма саккизни уриб қўяман. Бонапарт бу ёшда ўзининг энг буюк ишларини бажариб бўлганди. Ҳеч ким танимайдиган мендай камтарин бир одам ким ошди бозорларида ўралашиб юриб қандайдир муттаҳам мансабдорларнинг илтифотини қозониб, ниҳоят, бир оз пул ҳам жамгардим, дейлик. Лекин, ким билсин, ўша пайтга бориб қалбимда шухрат қозониш учун лозим бўлган илоҳий оловдан ҳеч бўлмаса учқуни қолармикин».

Эртасига эрталаб Жюльен масала ҳал бўлди, деб юрган меҳрибон Фукега ўта совуққонлик билан руҳонийлик мартабасига бўлган эътиқоди туфайли унинг таклифини қабул қила олмаслигини айтди. Фуке ажабланганидан каловланиб қолди.

— Бундай ўйлаб кўрсанг-чи, — дерди у дўстига, — ахир мен сени шерик қилиб оляпман, агар шерикчиликни истамасанг, у ҳолда йилига тўрт минг маош белгилай. Сен бўлсанг бунинг ўрнига, яна ўша жаноб де Реналнинг уйига қайтсам, дейсан. Ахир у сени, қора ер қилсам дейди-ку. Икки-юз-уч юз олтин йиққанингдан кейин ўша семинариянгга бориб ўқийверасан, ким тўсқинлик қиларди? Сенга яна бир нарсани айтиб қўяй: шу атрофдаги энг яхши қавми сенга ўзим тўғрилаб бераман. Биласанми, — дея кўшимча қилди Фуке товушини пасайтириб ўша жаноб ***, жаноб *** ва жаноб***ларнинг барига мен ўтин етказиб бераман. Уларга мен аъло нав ўтин, эман гўлаларини олиб бораман, жаноблар эса синган шох-шабба сифатида ҳақ тўлашади, турган гап, менга ҳам нафи тегади, албатта, пулдан фойда чиқаришнинг бундан яхшироқ усули бўлмаса керак.

Бироқ Жюльен ўз ганида қаттиқ туриб олди. Ниҳоят Фуке, дўстим бир оз ақлдан озибди, деган қарорга келди. Учинчи кун азонда, тонг ёриша бошлаши билан Жюльен дўсти билан хайрлашиб чиқиб кетди; бугунги кунни у тоғдаги қоялар орасида ўтказмоқчи эди. Йигит ўша кичкина горни қидириб топди, бироқ энди унинг кўнгли нотинч эди: Фукенинг таклифи уни алағда қилиб қўйганди. У Геракл каби икки йўлдан бирини: ё эзгуликни, ё қусурни таплаши, таплаганда ҳам ё келажақда дурустгина бойлик орттиришга имкон берадиган, ё ёшликдаги қаҳрамонона орзу-умидлар йўлини тапламоғи лозим бўларди. «Демак, менда чинакам қатъият йўқ экан, — дерди у ўзига ўзи. Ҳаммасидан ҳам унга ана шу гумон кўпроқ азоб бермоқда эди. — Ризқи рўзимни топиш учун сарфламоқчи бўлган ана шу саккиз йил ичида қаҳрамонона ишлар қилишга ундайдиган илоҳий кучдан ажралиб қоламан, деб кўқяпманми, демак, менинг тупроғим бошқа жойдан олинган. Улуғ кишиларнинг зуваласи бошқачароқ бўлади».

Нафис пайпоқ

Роман — бу катта йўлда қўлингда тутиб бораётган кўзгунинг ўзи.

Сен-Реаль

Вержидаги кўҳна черковнинг хушманзара харобаларига яна кўзи тушар экан, Жюльен ўтган кунидан бери де Реналь хонимни бирон марта ҳам эсламаганини ўйлаб қолди. «Бу ердан жўнаб кетаётган куним бу аёл менга орамизда қандай масофа борлигини эслатиб қўйди, у мен билан гўё оддий қишлоқи болакай билан гаплашгандек гаплашди. Ҳа, албатта, у бир кун аввал қўлидан ушлашимга ижозат этганидан афсусланаётганини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Лекин қўлиям жуда гўзал-да ўзи. Ажойиб! Кейин бу аёлнинг нигоҳларини айтмайсизми, нақадар олижаноб кўзлар-а».

Фуке билан биргаликда олиб бориладиган пудрат ишлари туфайли пича маблағ жамғариш имконияти Жюльен хаёлини бир оз олиб қочди. Йигит ўзининг атрофдагилар кўз ўнгида нақадар қашшоқ ва арзимас одам бўлиб кўришини энди илгарига қараганда камроқ ўйлаб, камроқ қайғурадиган бўлиб қолганди. У гўё баланд тепаликка чиқиб олган-у, у ердан туриб пастдаги қашшоқликни ҳам, ўзи учун катта давлат бўлиб туюладиган тўкин ҳаётни ҳам бамайлихотир қузатаётгандек эди. Жюльен ўз аҳволига файласуф кўзи билан қараяпти, деб бўлмасди, албатта. Бироқ у тоққа қилган мана шу кичкина саёҳатидан бутунлай бошқа одам бўлиб қайтганини сезиш учун фаросати етарди.

Де Реналь хонимнинг илтимосига кўра ўз саёҳати ҳақида ҳикоя қила бошлаган Жюльен беканинг нақадар ҳаяжон билан тинглаётганини кўриб ҳайратга тушди.

Бир вақтлар уйланишга жазм қилиб юрган Фуке бир неча бор севги бобида ҳафсаласи пир бўлган эди; ўз дўсти билан суҳбат пайтида у Жюльенга ана шу барча кўнгилсизликларни очикдан-очик гапириб берганди. Бир неча марта фурсатидан олдин севгилисининг висолига эришган Фуке ҳар гал маҳбубаси илгари ҳам ўз муҳаббатини кимгадир инъом этганига ишонч ҳосил қилганди. Бу ҳикоялар Жюльенни ғоятда ҳайратга солди, у энди кўшгина

янги нарсаларни билиб олганди. Доим ўз хаёли билан бўлиб, ҳеч кимга ишонмай юрганидан у ишқ-муҳаббат соҳа-сида бир оз бўлса-да саводини чиқариши мумкин бўлган ишлардан бениҳоя йироқ эди.

Жюльен дўстлигида ўтказган шу уч кун ичида де Реналь хонимнинг ҳаёти азоб билан ўтди, хоним турли хаёлга борар ва баттар қайғураар эди. У чиндан ҳам касал бўлиб қолди.

— Кечқурун боққа чиқа кўрма,— деди дугонасига Дервиль хоним Жюльенга кўзи тушгач.— Тобинг қочиб турибди, кечқурунлари эса салқин, баттар бўласан.

Жаноб де Реналдан доим, оддийгина кийинасан, деб таъна эшитиб юрадиган дугонасининг кутилмаганда нафис тўр пайпоқ ва Париждан келтирилган ажойиб туфлисини кийиб олганини кўриб Дервиль хоним ажабланди. Сўнгги уч кун мобайнида де Реналь хонимнинг ягона эрмаги бичиш-тикиш бўлганди. У яқиндагина расм бўлган чиройли матодан ўзига ёзги кўйлак бичган ва тезроқ тикиб бер, деб Элизани ҳол-жонига қўймаганди. Кўйлак Жюльен қайтиб келганидан бир неча минут кейин битган эди, де Реналь хоним уни дарҳол кийиб олди. Унинг дугонасида энди ҳеч қандай шубҳа қолмади. «Севиб қолибди, бечора», деди ўзига-ўзи Дервиль хоним. Холаваччасининг нима сабабдан бундай ғалати бетоб бўлаётгани энди унга бутунлай аён бўлди-қўйди.

У де Реналь хонимнинг Жюльен билан қандай суҳбатлашганини кўрди — беканинг юзи гоҳ оқарар, гоҳ лоладек қизариб кетар эди. Унинг ташвиш тўла нигоҳи ёш тарбиячининг кўзларига қадалган эди. Де Реналь хоним мана ҳозир у ҳамма гапни тушунтиради-да, сўнг уларникида қолиш-қолмаслигини айтади, дея зориқиб кутмоқда эди. Жюльен эса бу тўғрида умуман ўйламаётгани боисидан ҳеч нима демасди. Ниҳоят, узоқ иккиланиб тургач, де Реналь хоним журъат этиб, дилидаги туйғуларни ошкор этувчи титроқ товуш билан сўради:

— Сиз шогирдларингизни ташлаб, бошқа жойга ишга ўтмоқчисиз шекилли?

Де Реналь хонимнинг маъюс нигоҳи ва товушидаги журъатсизлик Жюльенни ҳайратга солди. «Бу аёл мени севади,— деди у ўзига,— бироқ бир лаҳза заифлик қилганидан сўнг мағрурлиги туфайли дарҳол бу ишидан пушаймон бўлади ва менинг кетиб қолишимдан чўчимай қўйган заҳоти менга нисбатан яна димоғи кўтарилади». У бир зумда ўзи учун зарарли бўлган бу аҳволни тасаввур қилиб кўрди-да, бир оз иккиланиб тургач, жавоб берди.

— Шундай ажойиб болалардан ажралиш мен учун оғир бўлади, албатта. Боз устига оилангиз ҳам бамаъни, лекин кетишимга тўғри келса керак. Ахир ҳар ким ҳам ўзиниям ўйлаши керак-ку.

Жюльен «бамаъни» сўзини айтар экан, — киборларга хос бу сўзни у яқингинада лугатига киритган эди, — дилини кучли нафрат туйғуси қамраб олди.

«Демак, бу аёлнинг назарида мен бемаъни эканман-да», дея хаёлидан ўтказди у.

Де Реналь хоним йигитнинг ақли ва чиройига қойил қолиб, унинг гапларига қулоқ солар экан, юраги қисилиб ўтирарди, эҳтимол, хонадонингизни ташлаб кетарман, деб унинг ўзи айтди-ку ахир. Хонимнинг Жюльен йўқлигида Вержига келган барча веррьерлик дўстлари эри қидириб топган бу ажойиб йигитни бирлари олиб, бирлари кўйиб мақташганди. Албатта улар болаларнинг ўқишидаги муваффақиятларида ҳеч балони тушунишмасди. Бироқ Жюльеннинг инжилни ёддан билиши, бунинг устига уни лотин тилида ёдлагани веррьерликларни шу қадар қойил қолдирган эдики, хойнаҳой, улар буни юз йилдан кейин ҳам унутмасалар керак.

Аммо, Жюльен ҳеч ким билан сўзлашмагани боисидан, табиий, бу гаплардан беҳабар эди. Агар де Реналь хоним хиёл совуққонроқ бўлганида эди, у йигитни шундай катта обрў орттиргани билан табриклаган бўларди. Шунда Жюльеннинг гурури дарҳол таскин топиб, у хоним билан мулоим ва дилкаш бир оҳангда гаплашган бўларди, боз устига беканинг янги кўйлаги унга жуда ёққан эди. Кўйлакнинг чиройли чиққанидан ва бу ҳақда Жюльеннинг айтган гапидан жуда хурсанд бўлган де Реналь хоним йигитга боғни сайр қилишни таклиф қилди-ю, бироқ хиёл ўтмай юришга мадори йўқлиги маълум бўлиб қолди. Шундай сўнг у ўз қочоғининг қўлига таяниб олди. Аммо бундан кучига куч қўшилиши ўрнига, аксинча, йигитнинг қўлини ҳис этган заҳоти бутунлай силласи қурди-қўйди.

Қоронғи тушди, улар стулларга ўтиришлари билан Жюльен илгари эришган имтиёзга кўра журъат этиб, ёнида ўтирган гўзал бекасининг қўлини лабига босди-да, сўнг уни дарҳол кафтига олди. Шу тобда у мутлақо де Реналь хоним ҳақида эмас, балки дўсти Фукенинг ўз маҳбубаларига қандай дадил муомала қилганини ўйларди, «бамаъни» сўзи ҳамон унинг қалбида тошдай ботиб турарди. Кутилмаганда хоним унинг қўлини маҳкам қисиб қўйди, бироқ Жюльен бундан сира ҳам хурсанд бўлмади.

Хоним бу кеча унга нисбатан намоиш этаётган ҳистуйғулардан фахрланиш уёқда турсин, ҳатто дилида миннатдорчилик ҳам сезмади, аёлнинг гўзаллиги, нафосату назокати бугун унга деярли таъсир этмасди. Рухий покизалик, ниятнинг холислиги, сўзсиз, ёшлик умрини узайтиради. Одатда гўзал аёллардан кўпчилигининг аввало юзи қарийди.

Бу кеча Жюльеннинг кайфияти бузук эди; у ҳанузгача инсонни ижтимоий зинапояннинг у ёки бу поғонасига жойлаб кўядиган тақдирдан газабланарди. Фуке унга бойлик орттиришнинг тубан усулини таклиф қилганидан буён унинг ўзидан ўзи жаҳли чиқмоқда эди. Бутунлай ана шу хаёл билан банд бўлиб, аҳён-аҳёнда ўз хонимлари билан бир-икки оғиз гаплашиб кўяр экан, у ўзи ҳам сезмаган ҳолда де Реналь хонимнинг кўлини кўйиб юборди. Боёқиш беканинг юраги орқасига тортиб кетди: бундан у ўзига чиқарилган ҳукми уққан эди.

Агар Жюльеннинг севгисига ишончи комил бўлганида эди, эҳтимол у ўз фазилатлари ёрдамида муҳаббат васвасасига дош берган бўларди. Бироқ Жюльендан умрбод айрилишдан кўрқиб турган ҳозирги пайтда у ўз туйғусига қаршилик қилмади, хоним шу қадар ҳушини йўқотиб кўйдик, Жюльеннинг паришонлик билан стул суянчигига кўйиб ўтирган кўлини ўзи ушлаб олди. Хонимнинг бу ҳаракати навқирон шуҳратпарастни ҳушига келтирди: шу тобда у ўша барча кеккайган асилзода жанобларнинг бир кўриб кўйишларини истарди. Бу жаноблар зиёфат пайти, у болалар билан столнинг пойгак томонида ўтирганида Жюльенга ҳомийларча тиржайиб қарашган эди. «Йўқ, бу аёл мендан нафратлана олмайди,— деди у ўзига ўзи,— шундай экан, унинг гўзаллигидан юз ўгиришим яхши эмас. Мен ўзимни ҳурмат қилишни истар эканман, у билан ошиқ-маъшуқлик қилишим керак». Агар Жюльен дўстининг маҳбубалар ҳақидаги оддийгина ҳикояларини эшитмаганида, эҳтимол, бундай фикр унинг миясига бутунлай келмаган бўларди.

Кўққисдан хаёлига келган бу фикрдан унинг бир оз димоғи чоғ бўлди. «Бу икки аёлдан бири албатта меники бўлмоғи лозим», деди у ўзига ўзи ва шу заҳоти, Дервиль хонимнинг кўнглини овлаш мен учун ёқимлироқ бўларди, деб хаёлидан ўтказди. Йўқ, бу аёл унга кўпроқ ёқади, деб бўлмасди. Жюльен бу хоним уни фақат тарбиячи сифатида билгани учун ҳам уни афзал кўрган бўларди. Де Реналь хонимнинг кўз ўнгиде эса у биринчи бор мовут камзулини кўлтирига қистирган косиббачча сифатида пайдо бўлганди.

Бирок де Реналь хоним эшик олдида кўнгироқ чалишга журъат этолмай турган ва салга лоладек қизариб кетадиган худди ўша ишчи йигитчани айниқса меҳр билан эсларди.

Ўз позицияларини кўздан кечиран экан, Жюльен, хойнахой, Дервиль хоним беканинг менга кўнгли борлигини пайқаган бўлса керак, шу боисдан унинг кўнглини овлаш бефойда, деган қарорга келди. Шундай қилиб, у ноилож де Реналь хонимни танлашга мажбур бўлди. «Хўш, бу аёл ҳақида менга нималар маълум? — дея сўрарди ўзидан Жюльен.— Мен фақат бир нарсани биламан: саёҳатга бормасимдан олдин мен унинг қўлидан ушласам, қўлини тортиб оларди, энди эса мен қўлимни тортиб оляпман, у эса аксинча, қўлимни ушлаб қисиб қўйяпти. Мендан нафратланиб юргани учун ундан қасос олишнинг жуда ўрни келди. Худо билсин, унинг қанча ўйнашлари бўлганикин! Эҳтимол, бу ерда учрашиш қулай бўлгани учунгина у мени танлагандир?»

Афсуски, ўта маданиятли бўлишнинг ёмон томони ҳам худди ана шунда. Хиёл маълумотга эга бўлган йигирма ёшли йигитнинг қалбида самимиятдан асар ҳам қолмайди. Самимият бўлмаса муҳаббат одамни бездирадиган мажбуриятга айланади.

«Мен яна шунинг учун ҳам бу аёлнинг висолига етгим лозимки, — дея шивирлади Жюльеннинг қулоғига унинг заиф ғурури, агар келажакда биронта одам менга, шунчаки бир тарбиячи бўлгансан, деб юзимга соладиган бўлса, бу ишга мени муҳаббат мажбур қилган, дейишим мумкин».

Жюльен яна қўлини аста тортиб олди-да, сўнгра ўзи де Реналь хонимнинг қўлидан тутиб, уни қисди. Улар ярим кечага яқин меҳмонхонага чиқишгач, де Реналь хоним секингина сўради:

— Демак, бизни тарк этар экансиз-да? Бизни ташлаб кетасизми?

Жюльен хўрсиниб жавоб берди.

— Ҳа, кетишим керак, чунки мен сизни қаттиқ севиб қолдим, бу эса гуноҳ, ёш руҳоний учун бу жуда катта гуноҳ.

Де Реналь хоним бирдан унинг қўлига таяниб қолди, таянганда ҳам шундай кескин бир ҳаракат билан таяндик, ёноғи Жюльеннинг ёниб турган юзига тегиб кетди.

Тунда бу икки одамнинг қалбини қамраб олган туйғулар бир-бирига мутлақо ўхшамасди. Де Реналь хонимнинг юрагида руҳий эҳтирос ҳукмрон бўлиб, бутун вужуди

муҳаббат нашидасига тўлиб-тошганди. Муҳаббат савдоси эртaroқ бошига тушган ёш ишвагар қизча севги ҳаяжонларига ўрганиб қолади-да, эҳтиросли туйғу ёшига етганида бу соҳада янгилик жозибасини ҳис этмай қўяди. Бироқ ҳатто романлар ҳам ўқимаган де Реналь хоним учун бахтнинг барча қирралари янгилик эди. Ҳеч қандай машъум ҳақиқат ёки ҳеч бўлмаса келажак шарпаси унинг қалбини совита олмади. Хоним, орадан ўн йил ўтгандан кейин ҳам ҳозиргидай бахтли бўламан, дея ўйларди. Ҳатто бир неча кун илгари унга қаттиқ азоб берган аёллик фазилати ва жаноб де Реналга содиқ бўлишга оид ичгани ҳақидаги фикр ҳам бугун ҳеч қандай таъсир кўрсата олмади; хоним уни чақирилмаган меҳмондек хаёлидан қувиб солди. «Ҳеч қачон унинг ҳаддидан ошишига йўл қўймаман, — дерди ўзига-ўзи де Реналь хоним. — Биз Жюльен билан шу ой давомида қандай яшаган бўлсак, шундай яшайверамиз. У менинг дўстим бўлади».

XIV

Инглиз қайчиси

Ёпоқлари анордек ўн олти ёшли қизалоғу юзига қизил суртганига доғман.

Полидори

Жюльенга келсак, у Фукенинг ўша таклифидан сўнг ўзини бутунлай бахтсиз ҳис этмоқда эди, у ҳеч бир қарорга келолмай қийналарди.

«Эҳ, чамаси иродан заифга ўхшайди. Наполеон пайти бўлганида, унга ёмон солдат бўлар эканман. Ҳай майли, ҳеч бўлмаганда, — дея қарор қилди у, хонадон бекаси билан манови саргузаштим бир оз вақтга бўлса-да, кўнглимни хуш этади-ку».

Унинг бахтига бундай беадаблик ҳатто мана шу арзимас воқеада ҳам унинг асл руҳий ҳолатига мутлақо мос тушмас эди. Де Реналь хонимнинг янги башанг кўйлаги унинг дилига гулгула солиб қўйганди. Ингит учун бу кўйлак Парижнинг тимсоли эди. Унинг гурури тасодифга ёки зарур пайтда жонига ора кирадиган топқирлигига таяниб иш кўришига йўл қўймасди. Фукенинг ҳикоялари

ва севги ҳақида инжилдан ўқиб олган озгина маълумотлари асосида у ўзи учун бўлажак кампаниянинг пухта ва батафсил планини ишлаб чиқди. Жюльен, гарчи ўзи тап олмаса-да, жуда эсанкираб қолган эди. Шу боисдан ҳам у ўша планини ўзи учун ёзиб қўйишга аҳд қилди.

Эрталаб де Реналь хоним меҳмонхонада бир дақиқа у билан ёлғиз қолди.

— Сизнинг исмингиз Жюльен, лекин яна бошқа исмингиз борми? — дея сўради хоним.

Ардоқлаб берилган бу саволга қаҳрамонимиз бирон нима деб жавоб бера олмади. Бундай имконият унинг планида назарда тутилмаганди. Агар калласи ана шу аҳмоқона план билан банд бўлмаганда эди, унинг топқир ақли шу заҳоти жонига ора қирган, саволнинг кутилмаганда берилгани эса ҳозиржавобликка ундаган бўларди.

Ўзининг эпсизлигидан Жюльен баттар хижолат чекди. Де Реналь хоним унинг бундай довдираб қолганини дарҳол кечирди. Йигитнинг бундай эсанкираб қолиши хонимга юракни ийтадиган соддадиллик бўлиб туюлди. Унинг фикрича, барча жуда ақлли деб ҳисоблайдиган бу йигитга худди ана шундай соддадиллик етишмасди.

— Бу тарбиячинг тушмагур менда қаттиқ шубҳа тугдирыпти, — деган эди унга бир неча бор Дервиль хоним. — У худди ҳамма ишни олдиндан ўйлаб қиладигандек кўринади. Жуда писмиққа ўхшайди у.

Аҳмоқона довдираб қолгани ва де Реналь хонимнинг саволига жавоб бера олмагани Жюльенга қаттиқ алам қилди.

«Мендек одам ўз олдимда гуноҳимни ювишим шарт», — дея аҳд қилди у ва ўз бурчига биноан пайт пойлаб туриб, бир хонадан иккинчи хопага ўтаётганларида де Реналь хонимни ўпиб олди.

Бундан ҳам ножўя, ўзи учун ҳам, хоним учун ҳам ёқимсиз, боз устига телбаларча қилиқни ўйлаб топишнинг ўзи амримаҳол эди. Уларни кўриб қолишлари ҳеч гап эмасди. Де Реналь хоним, у ақлдан озмадими, дея ўйлаб қолди. Хоним кўрқиб кетди ва шу билан бирга қаттиқ жаҳли чиқди. Бу бемаъни қилиқ унга жаноб Валенони эслатди.

«Бу ерда у билан ёлғиз ўзим бўлганимда ҳолим нима кечарди?» — дея ўйлади у. Унинг қалбида севги орқага чекиниб, боадаб аёлга хос фазилатлар тугён кўтарди.

Шундан сўнг хоним шундай иш тутдики, болаларидан биронтаси доим ёнида бўлди.

Кун Жюльен учун ғоят зерикарли ўтмоқда эди; у

ўтакетган энсизлик билан ўзининг шайдо қилиш планини амалга оширишга уринарди. У де Реналь хонимга бирон марта ҳам тўғри кўз билан қарамай, пуқул маънодор нигоҳ ташларди. Бироқ у шайдо қилиш у ёқда турсин, ҳатто назокатли бўлишни ҳам эплай олмаётганини тушунайидиган даражада тентак эмасди.

Де Реналь хоним унинг бундай уқувсизлиги ва ўтакетган густоҳлигидан ҳайратга тушиб, бутуцпай эсанкираб қолганди. «Эҳтимол, биринчи муҳаббати бўлгани учун ҳам шундай ақлли йигит гоҳ журъатсизлик қилаётган, гоҳ эсини йўқотиб кўяётгандир, — дея ниҳоят ўйлаб қолди хоним ва бу фикрдан қалбини чексиз қувонч қоплади. — Лекин шундай бўлиши мумкинмикин? Демак, менинг рақибам уни севмаган экан-да?»

Нонуштадан сўнг де Реналь хоним меҳмонхонага чиқди, уни кўргани Брэдаги префект ёрдамчиси жаноб Шарко де Можирон келган эди. Хоним баланд чамбарак олдиға ўтирди-да, кашта тика бошлади. Унинг ёнида Дервиль хоним ўтирган эди. Худди ана шу пайт, куппа-қундузи қаҳрамонимизнинг кўнгли де Реналь хонимнинг чиройлигина оёғини аста босиб қўйишни тусаб қолди, холбуки шу дақиқада беканинг нафис тўр пайпоғи ва Париждан келтирилган бежирим туфлиси префектнинг серназокат ёрдамчиси эътиборини ўзига тортган эди.

Де Реналь хоним жуда кўрқиб кетди, у қайчиси, бир ўрам жун ип ва барча ниналарини ерга тушириб юборди — бу билан у Жюльеннинг бемаъни қилигини столдан тушиб кетган қайчини илиб олишга бўлган беўхшов ҳаракат тарзида кўрсатмоқчи эди. Уларнинг бахтига инглиз пўлатидан ясалган қайчи синиб қолди. Шундан сўнг де Реналь хоним уни вақтида илиб олмагани учун Жюльендан ўпкалай бошлади:

— Ахир қўлимдан чиқиб кетганини кўрувдингиз-ку, бемалол илиб олишингиз мумкин эди, бунинг ўрнига эса қош қўяман деб кўз чиқардингиз ва оёғимни қаттиқ туртиб юбордингиз.

Бундай қувлик префект ёрдамчисини чалғитди-ю, бироқ Дервиль хонимни алдаб бўлмади: «Бу чиройли йигитчанинг жуда қилғи совуқ экан-ку!» — дея хаёлидан ўтказди аёл; провинциядаги киборлар жамиятида бундай хатолар сира кечирилмайди. Де Реналь хоним пайт пойлаб туриб Жюльеннинг қулоғига:

— Эҳтиёт бўлинг, мен сизга буюраман, — дея шивирлади.

Жюльен қўполлигини ўзи ҳам тушунарди ва бундан

қаттиқ пушаймон эди. У хонимнинг «мен сизга буюраман», сўзлари учун аччиқлансаммикин ёки йўқми, дея анчагина боши қотиб ўтирди. Ниҳоят, у ўйлаб-ўйлаб, шундай мулоҳаза юрита бошлади: «У менга болалар ва уларнинг тарбиясига оид алоқадор бирор гап хусусида «буюраман», дейиши мумкин эди, аммо севгимга севги билан жавоб берар экан, икковимизни бутунлай тенг дея ҳисобламоғи керак. Орада тенглик бўлмаса, бу қандай муҳаббат ҳам бўлди...» Шундан сўнг унинг бутун фикр-хаёли тенглик ҳақидаги турли чайналган гапларни эслаш билан банд бўлиб қолди. У нуқул дилида жаҳл билан Корпелнинг бир печа кун илгари Дервиль хоним ўқиб берган бир шеърини такрорлади.

...муҳаббат тенглик демак

Тенглик қайда, деб юрмас ҳеч замонда муҳаббат.

Жюльен ўлиб-тирилиб дон Жуанга ўхшаб кўрипишга ҳаракат қиларди, бироқ шу пайтга қадар биронта маъшуқаси бўлмагани туфайли кун бўйи ўзини гирт аҳмоқ одамдек тутди. У фақат бир ўринда тўғри мулоҳаза юритди. Ўзидан ҳам, де Реналь хонимдан ҳам аччиқланиб оқшом яқинлашаётгани ва яна бека билан қоронғида ёнма-ён ўтириши лозимлигини даҳшатга тушиб ўйлар экан, у жаноб де Реналга кюренинг олдига, Веррьерга бориши кераклигини айтди-да, пешиндан кейин дарҳол уйдан чиқиб кетиб, кечаси алламаҳалда қайтиб келди.

Жюльен жаноб Шеланинг уйига борганида, у ўз қавмидан кўчиб кетаётган экан, охири боёқини чолни ишдан бўшатишибди, унинг ўрнини эса викарий Маслон эгаллабди, Жюльен кекса кюрега кўмаклаша бошлади. Шу пайт миясида дўсти Фукега, черковга хизмат қилиш истеъдодига чип кўпгилдан ишонгани учун ҳам унинг дўстона таклифини рад этгани, бироқ ҳозир шундай ўтакетган адолатсизликнинг шоҳиди бўлганидан сўнг охиратини куйдирмаслик учун руҳонийлик унвонидан воз кечсаммикин, дея ўйлаб қолгани ҳақида хат ёзиш фикри туғилиб қолди.

Жюльен, агар қалбида маъюс тadbиркорлик қахрамонлик истагидан устун келгудек бўлса, тижорат билан шуғулланмоқ учун кюренинг ишдан олинишини баҳона қилиши ҳақидаги бу ажойиб фикрдан боши осмонга етди.

Хўроз қичқирди

Лотинча ишқдир «амор»,
Ишқдандир бори мараз,
Исподу оху озор,
Гарқи ёш, гурбат, гараз.

«Ишқ герби» қўшиқлар китоби

Ўзини асоссиз равишда, жуда айёрман, деб ҳисоблайдиган Жюльеннинг дилида хиёл бўлса-да, қувлик бўлганида эди, эртасига у ўзини Веррьерга қилган саёҳати натижасида эришган ажойиб муваффақияти билан табриклаган бўларди. Жюльен ғойиб бўлди-ю, унинг барча хатолари унутилди-қўйди. Бироқ куни билан унинг қовоғидан қор ёғиб юрди, фақат кечқурун қош қорая бошлаганидан кейингина унинг миясига шу қадар ғаройиб бир фикр келдики, бу фикрни у мислсиз жасорат билан дарҳол де Реналь хонимга хабар қилишни лозим тонди. Улар богдаги жойларига бориб ўтиришлари биланоқ Жюльен ҳатто бутунлай қоронғи тушишини ҳам қутмасдан, де Реналь хонимнинг номига доғ тушириши мумкинлигини сира ўйламай, унинг қулогига шивирлади:

— Хоним, бугун тунда соат роппа-роса иккида хонангизга кираман, сиз билан гаплашиб оладиган зарур гапим бор.

Жюльен, бека бирдан рози бўлса-я, деган фикрдан қўрқиб, даг-даг титрарди. Мафтункор дон Жуан роли уни шу қадар эзиб юборган эдики, агар ўзига эрк берса, ўша хонимларини кўрмаслик учун бир неча кун хонасига қамалиб олган бўларди. У кечаги ажойиб хулқ-атвори билан бир кун олдин осонгина эришган барча ютуқларини қора ер қилганини яхши тушунарди ва шу боисдан ҳам энди ўзини қандай тутишни билмай қолганди.

Де Реналь хоним Жюльеннинг юрак ютиб айтган бу тустоҳ таклифига чин кўнгилдан чиққан қаҳр-ғазаб билан жавоб қилди. Йигит унинг бу қисқа жавобида нафрат сезгандек бўлди. Шубҳасиз, деярли шивирлаб айтилган бу

жумлада «Э сени!» деган сўз ҳам бор эди. Жюльен, болаларга ниманидир айтишим керак, деган баҳонада уларнинг олдига кириб кетди-да, қайтиб келгач, де Реналь хонимдан иложи борича узоқроққа, Дервиль хонимнинг ёнига ўтирди. Шу йўсинда у беканинг қўлини ушлаш имкониятидан ўзини бутунлай маҳрум этди. Сухбат жиддий тус олди ва Жюльен бир неча марта бирдан боши қотиб, жимиб қолганини ҳисобга олмаганда, жуда ақлли гаплар айтиб ўтирди. «Уч кун бурун, — дерди у ўзига-ўзи, — де Реналь хоним менга очикдан-очик мойиллигини сездирганди. Ўшанда, у энди меники, деб ўйлаб қолган эдим! Яна унинг илтифотини қозониш учун бирор ҳийла ўйлаб топишим керак».

Жюльен шундай мушкул аҳволга тушиб қолишига ўзи айбдор бўлиб, руҳан жуда эзилган эди. Бинобарин, муваффақиятга эришгудек бўлса, у баттар эсанкираб қолиши турган гап эди.

Соат ўн иккиларга яқин ҳаммаси хопа-хонасига тарқалишгач, у дили хуфтон бўлиб Дервиль хоним меидан қаттиқ нафратланади, де Реналь хонимнинг ҳам менга муносабати ундан яхши бўлмаса керак, деган қарорга келди.

Таъби ғоятда тирриқ бўлган, бениҳоя хўрлиги келган Жюльеннинг сира уйқуси келмади. Бироқ йигит мунофиқликни йиғиштириб қўйиб, ўз режаларидан воз кечишни ва де Реналь хоним ҳузурда ёш бола каби кундалик қувончларга қаноат қилиб яшашни хаёлига ҳам келтирмасди.

У бош қотириб, турли ҳийла-найранглар ўйлаб топар, бироқ орадан бир дақиқа ўтгач, буларнинг бари мутлақо бемаъни гап бўлиб туюларди; хуллас, у ўзини бениҳоя бахтсиз ҳис этиб ётар экан, бирдан қасрдаги катта соат *икки* марта бонг урди.

Хаворий Пётр хўрознинг қичқиригини эшитиб қандай ўзига келган бўлса, бу садо Жюльенни ҳам шундай хушига келтирди. У қандай мудҳиш воқеа содир бўлганини англади. Йигит хонимга сурбетларча ўша гапни айтганидан сўнг бу ҳақда бирон марта ҳам эсламаган эди — ахир бу гапни эшитиб беканинг қаттиқ жаҳли чиққан эди-да!

«Мен унга соат иккида олдингизга кираман, дедим, — дея ўзича мулоҳаза юритарди у ўрнидан турар экан, — оддий дехқоннинг боласи бўлганим учун ҳам мен жоҳил ва тўвори бўлишим мумкин, Дервиль хоним буни менга очикдан-очик шама қилди, лекин мен

жиллақурса ҳеч нарсага арзимайдиган одам эмаслигини исботлайман».

Чиндан ҳам Жюльен ўз матонати билан фахрланса арзигудек эди: шу пайтгача у ўзини шу қадар даҳшатли равишда зўрламаганди. Ўз хонасининг эшигини очиб йўлакка чиқар экан, дағ-дағ қалтираб, тиззалари букилиб кетаверганидан у деворга суяниб қолди.

Жюльен атайлаб шиппагини киймаган эди. Йўлакка чиққач, у жаноб де Реналнинг эшиги олдига бориб қулоқ солди: у ердан кучли хуррак овози эшитилмоқда эди. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Демак, хонимнинг олдига кирмаслик учун ҳеч қандай баҳона қолмади. Лекин, — ё парвардигор! — беканинг хонасида у нима қилади ахир? Шу тобда унинг миясида ҳеч қандай режа йўқ эди, ҳатто режа тузиб қўйган тақдирда ҳам у ҳозир шундай бир саросимага тушиб қолган эдики, бари бир бу режани бажара олмасди.

Ниҳоят, у бундан кўра ўлимга бориш минг марта осонроқ эди, дея ўйлаганича, ўзини-ўзи зўрлаб, де Реналь хонимнинг ётоқхонаси ёнидаги кичкина даҳлизга кирди. У қўллари қалтираб тутқични тортган эди, эшик қаттиқ гичирлаб очилди.

Хона ёруғ эди, камин устида соябонли тулги чироқ ёқиб қўйилганди, — ана холос, — бир камини шу эди ўзи! Жюльенни кўриб де Реналь хоним сапчиб ўрнидан турди. «Бадбахт!» — дея қичқирди у. Бир зум иккови ҳам саросимага тушиб қолишди. Ана шунда Жюльен барча хом хаёлларини унутди-ю, асл ҳолига тушди-қўйди. Шундай дилбар аёл томонидан муҳаббатининг рад этилиши унга дунёдаги энг катта бахтсизлик бўлиб туюлди. Хонимнинг таъналарига жавобан Жюльен унинг оёғига йиқилди-да, тиззасидан қучоқлаб олди. Бироқ аёл ғазаб билан уни койишда давом этаверган эди, Жюльен бирдан ҳўнграб йиглаб юборди.

Орадан бир неча соат ўтгач, Жюльен де Реналь хонимнинг ётоқхонасидан чиқиб келганида, у ҳақда, одатда романларда айтиладигандек, энди унинг армони қолмади, дейиш мумкин эди. Чиндан ҳам хоним қалбида севги уйғота олган ва аёлнинг латофати кутилмаганда уни ўзига мафтун қилган Жюльенга шундай ғалаба инъом этгандики, у ўша бесўнақай ҳийла-найранглари билан бу ғалабага ўлсаям эришолмаган бўларди.

Лекин ҳатто энг лаззатли онларда ҳам аҳмоқона кибр-ҳавосининг қули бўлган бу одам ўзини хотинларни шайдо қилувчи учар қилиб кўрсатишга уринар ва ўзидаги

барча жозибали хислатларни бир пул қилишга ўлиб-тирилиб ҳаракат қилар эди. Ўзи уйғотган эҳтиросдан, чўчиш натижасида янада жўш урган муҳаббатдан лаззатланиш ўрнига у нуқул ўз бурчини ўйларди. У ўзи ўйлаб чиқарган идеалдан хиёл четлашса, кейинчалик қаттиқ пушаймон бўлишидан, ўзини-ўзи ҳурмат қилмай қўйишидан кўрқарди. Хулласи калом, Жюльенни олий тартибдаги инсон эканлигини таъкидловчи худди ана шу туйғулари бошига кўнаётган бахтдан лаззатланишига ҳалал бермоқда эди. Еноқлари анордек ўп олти ёшли қизгина балга бориш олдидан юзига қизил суртишни шарт деб ҳисоблайди. Жюльенни кўриб ўлгудек кўрқиб кетган де Реналь хоним аввалига бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, кейин эса ҳаяжоннинг зўридан ўзини босолмай қолди. Жюльеннинг кўз ёшлари, унинг умидсизликка тушгани хонимнинг эс-хушини олиб қўйди.

Ҳатто мурод ҳосил бўлиб, энди йўқ дейишга ҳожат қолмаганидан кейин ҳам хоним бирдан астойдил газабланиб йигитни итариб юборар ва шу ондаёқ яна ўзи унинг қучоғига отилар эди. Буларнинг барини у сира ҳам атайлаб қилаётгани йўқ эди. У энди ўзини, бутунлай бадном бўлдим, дея ҳисоблар экан, жаҳаннам шарпасидан қочиб, Жюльеннинг қучоғига яширинарди ва эҳтирос билан уни эркалай бошларди. Хуллас, қаҳрамонимизнинг роҳат-фароғати учун унинг ўзи бу аёл қалбида уйғотган табиий жўшқинликка қадар барча нарса мавжуд бўлиб, фақат йигит бундан лаззатлана олса бўлгани эди, Жюльен хонадан чиқиб кетганидан кейин ҳам аёл анчагача эҳтиросли ҳаяжондан қалтираб, қилган гуноҳидан даҳшатга тушиб ётди.

«Е тангрим! Севги бахти деганлари шуми ҳали? Борган шуми?!» — ўз хонасига кириб олганидан сўнг Жюльеннинг миясига келган биринчи хаёл ана шу бўлди. Ҳозир у чин кўнгилдан ҳайратга тушиб, қандайдир довдираб қолганди. Одатда, анчадан буён интилиб келган нарсасига эришса, инсон қалбини ана шундай ҳис-туйғулар қоплайди. Чунки у доим бир нарсани истар эди, аммо энди армони қолмади, хотиралар эса ҳали йўқ. Жюльен параддан қайтган солдат каби, барча тафсилотларни хотирасидан бирма-бир ўтказа бошлади. «Бурч амри билан бажаришим лозим бўлган бирор нарсани унутмадиммикин? Ролимни яхши бажардиммикин ишқилиб?»

Қандай ролни дейсизми? Аёлларни ўзига мафтун этишга ўрганиб қолган одам ролини-да, албатта.

Эртаси кун

He turns his lip to hers, and with his hand
Call' d back the tangles of her wandering hair.
Don Juan, c. 1, st. 170¹

Яхшиямки, Жюльеннинг бахтига, де Реналь хоним ҳайратга тушиб, эсанкираб қолган эди, бир зумда ўзи учун дунёда энг азиз инсонга айланган бу йигитнинг хатти-ҳаракати қанчалик бемаъни эканлигини сезмади.

Кун ёриша бошлагач, аёл Жюльендан тезроқ чиқиб кетишни илтимос қилишга тутинди.

— Ё парвардигор, — дерди у, — агар эрим ивир-шивиримизни эшитиб қолса борми, меъи ўлди, деяверинг.

Шу пайтгача хаёлида турли-туман гапларни ўйлаб қўйган Жюльен улардан бирини эслади:

— Ҳаёт билан видолашсангиз афсусланармидингиз?

— Ҳа, ҳозир жудаям афсусланардим! Лекин бари бир сизни севганимдан пушаймон бўлмасдим.

Жюльен ўз қадрини ерга урмаслик учун хонимнинг олдидан кун бутунлай ёришиб бўлганидан кейин ҳеч қандай эҳтиёткорлик қилмай чиқишни лозим топди.

Ўзини тажрибали эркак қилиб кўрсатиш ҳақидаги аҳмоқона фикр миясини чулғаб олганидан унинг ҳар бир қадамини тинимсиз назорат қилиб бориши, ҳар қалай, йигитга бир жиҳатдан фойда келтирди: улар де Реналь хоним билан нонушта маҳали учрашиб қолишганида у ўзини ғоятда эҳтиёткор тутди.

Хоним эса йигитга ҳар қараганда лоладек қизариб кетар ва шу билан бирга бир зум ҳам Жюльенга қарамай туrolмасди, у хижолат чекаётганини ҳис этар ва жон-жаҳди билан буни яширишга ҳаракат қилгандан баттар уяларди. Жюльен фақат бир марта бошини кўтариб, унга қаради. Де Реналь хоним аввалига унинг бардошига қойил қолиб ўтирди. Бироқ йигит унга бошқа қарамаганидан сўнг кўрқиб кетди: «Наҳот у энди мени севмай қўйган бўлса! Эвоҳ! Унинг учун қариб қолганман, ахир ундан ўн ёш каттаман-а!»

Улар емакхонадан бошқа чиқишаётганида хоним бирдан

¹ Лабларига лаб босди ул, беозоргина
Тола сочни олиб қўйиб қиз манглайидан.

Байрон. «Дон Жуан», 1 боб, 170-банд.

Жюльеннинг қўлини ушлаб, уни маҳкам қисди. Муҳаббатнинг бундай намоён бўлишини сира кутмаган ва қаттиқ ҳайратга тушган йигит хонимга кўзлари ёниб қараб қўйди. Нонушта пайғи аёл унга жуда гўзал кўринган эди. Тўғри, у ерга қараб ўтирганди, бироқ унинг бутун хаёли хонимнинг беқиёс латофатини тасаввур қилиш билан банд эди. Жюльеннинг оташин нигоҳи де Реналь хонимнинг юрагига таскин берди, у аёлни қалбидаги ҳадиксирашни бутунлай тарқатиб юборгани йўқ, албатта, бироқ худди ана шу ҳадиксираш унинг эри олдидаги виждон азобини деярли бўғиб қўйганди.

Нонушта маҳали ушбу жаноб ҳеч нимани сезмади, бироқ Дервиль хоним тўғрисида бундай деб бўлмасди: бу аёл, де Реналь хоним жар ёқасида турибди, дея хулоса чиқарганди. Бутун кун бўйи у, мардона дўстлик туйғусига бўйсуниб, дугонаси ўзини қандай даҳшатли хавф-хатарга қўяётганини машъум бўёқларда тасвирлаб бермоқ учун уни турли учирлиқлар билан безор қилди.

Де Реналь хоним Жюльен билан ёлғиз қолишни сабрсизлик билан кутмоқда эди: йигит ҳали ҳам уни севади-ми ёки йўқми — у тезроқ шуни сўрашни истарди. Табиатан бениҳоя беозор бўлишига қарамай, у дугонасига бир неча марта, мени ўз ҳолимга қўй, деб айтмоқчи ҳам бўлди.

Кечкурун Дервиль хоним хийла ишлатиб, де Реналь хоним билан Жюльеннинг ўртасига ўтириб олди. Ҳозир Жюльеннинг қўлини маҳкам қисиб, уни лабимга босаман, деб орзу қилиб юрган де Реналь хоним йигит билан бир оғиз ҳам гаплаша олмади.

Бу тўсиқ унинг қалбидаги изтиробни кучайтирди, холос. Шу тобда у афсус-надомат билан ўзини-ўзи ёзгирмоқда эди. Ўтган кеча хонасига кириб келганида у Жюльенни телбалиги учун шу қадар қаттиқ койинган эдики, энди бирдан бугун келмаса-я, деб хавотирланмоқда эди. У боғни вақтли тарқ этиб, хонасига кирди-да, ичкаридан қулфлаб олди. Бироқ бетоқат бўлиб бир жойда ўтира олмади. У йўлакка чиқди-да, Жюльеннинг эшиги олди-га бориб қулоқ солди. Аммо ҳадиксираш ва эҳтиросдан қанчалик азоб чекмасин, ичкарига киришга журъат этмади. Шундай қилса унга жуда ҳам паст кетадигандек туюлди, чунки провинцияда бундай қилиқлар майнабозлик қилиш учун битмас-туганмас мавзу ҳисобланарди.

Баъзи хизматкорлар ҳали уйғоқ эди. Охири эҳтиёткорлик юзасидан де Реналь хоним ўз хонасига қайтишга мажбур бўлди. Икки соат кутиш унга тишимсиз азобда ўтган икки асрдек туюлди.

Бироқ ўзи «бурч» дея атайдиган нарсага гоёт содиқ бўлган Жюльен тузиб қўйган планидан хиёл бўлса-да, четга чиқмаслик шарт деб ҳисобларди.

Соат кечаси бирга занг чалгани заҳоти у хонасидан аста чиқди-да, жаноб де Реналнинг қаттиқ ухлаб ётганига ишонч ҳосил қилгач, беканинг олдига кирди. Бу гал у ўз ролини ижро этиш ҳақида камроқ ўйлагани учун маъшуқаси оғушида ўзини бахтлироқ ҳис этди. Энди унинг кўзи очилиб, қулоғи эшита бошлаган эди. Де Реналь хонимнинг ўз ёши тўғрисида айтган гапи эса унинг ўзига бўлган ишончини бирмунча оширди.

— Ё худойим! Мен сиздан ўн ёш каттаман ахир! Наҳот мени севишингиз мумкин бўлса? — дея такрорлади хоним. Чунки бу фикр унинг қалбини ўртамоқда эди.

Жюльен унинг нима сабабдан бундай хафа бўлаётганини тушунмасди. Бироқ у аёлнинг сидқидилдан хафа бўлаётганини кўриб, ўзининг кулгили кўринишидан чўчиганини деярли унутиб қўйди.

Насл-насаби паст бўлгани туфайли унга хизматкор-ўйнаш каби муносабатда бўлишлари ҳақидаги аҳмоқона хавфсираш гоёиб бўлди. Жюльеннинг жўшқинлиги унинг тортинчоқ маъшуқаси қалбига ором бағишлагани сайин хоним аста-секин кўнгли жойига тушиб, севиқлисига разм сола бошлади. Уларнинг бахтига бугун Жюльеннинг қиёфасида кечаги ташвиш аломатлари деярли сезилмасди. Кечаги учрашув эса шу ташвиш туфайли унинг учун лаззатланиш эмас, балки шунчаки бир галаба бўлиб қолганди. Агар де Реналь хоним Жюльеннинг роль ижро этаётганини сезиб қолганида борми, бу қайғули кашфиёт унинг бутун бахтини абадулабад заҳарлаган бўларди. Буни у ёшларидаги катта фарқнинг аянчли оқибати, деб ҳисобларди, албатта.

Гарчи де Реналь хоним муҳаббат масалалари ҳусусида ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган бўлса-да, провинцияда севги бобида сўз кетганида, ёшлардаги фарқ давлатмандликдаги тафовутдан сўнг мазах қилиш учун энг сеvimли мавзу эканлигидан хабардор эди.

Орадан бир неча кун ўтди, Жюльен бекасини ёшликка хос жўшқинлик билан бениҳоя севиб қолди.

«Йўқ, чиндан ҳам у жуда меҳрибон аёл, нақ фариштанинг ўзгинаси, — дея мулоҳаза юритарди йингит ўзича, — гўзаллигини айтмайемизми, унга тенг келадигани бўлмаса керак ўзи».

У роль бажариш ҳақидаги фикрini деярли миясидан чиқариб ташлади. Бир кунни самимийлиги тутиб кетган

пайтда хонимга у ҳатто ўзининг барча ҳадиклари ҳақида гапириб ҳам берди. Унинг бу иқрори қандай жўшқин муҳаббат билан қарши олинганини билсангиз эди! «Демак, у мендан бошқа ҳеч кимни севмаган экан-да!» — дея шавқ ила такрорларди ичида де Реналь хоним. Хоним ҳатто сиз эъзозлаб юрган анави портрет кимники эди, деб сўрашга ҳам журъат этди. Жюльен бу эркак кишининг портрети эди, деб қасам ичди.

Аҳён-аҳёнда, нисбатан совуққон бўлган ва мулоҳаза юрита олган пайтлари хонимнинг бутун вужудини чексиз ҳайрат туйғуси қоплаб оларди, дунёда шундай бахт мавжуд экан-у, у эса буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмабди.

«Эҳ! Жюльен билан ўн йил илгари учраша қолсам нима бўларди-я, — дея хаёлан хитоб қиларди у, — ўшанда ҳар қалай анча кўҳликкина эдим».

Турган гап, Жюльеннинг миясига бундай фикрлар келмасди. Унинг севгиси ҳали маълум даражада шухрат-парастликдан озуқа оларди: у ҳеч ким писанд қилмайдиган қашшоқ, йўқсил бир йигит бўла туриб, шундай гўзал маъшуқага эга бўлганидан боши осмонда эди. Унинг завқ-шавқи, ўз маҳбубасининг гўзаллиги олдида сажда қилиши охири хонимнинг ёшларидаги фарқдан ҳадиксирашини бирмунча тарқатиб юборди. Агар хонимнинг хиёл ҳаётий тажрибаси бўлганида эди (маърифатлироқ жамиятда ўттиз ёшли аёл бундай тажрибани аллақачон орттирган бўларди), у бундай муҳаббат узоққа борармикин, дея кўрқиб, тинимсиз азоб чекарди, чунки бу севги ҳамма нарса янгилик бўлгани, барча туйгулар кишини ҳайратга солиб, нафсониятни қитиқлаётгани учунгина яшаётгандек туюларди.

Жюльен ўзининг иззатталаб орзуларини унутган кезларида де Реналь хонимнинг ҳатто шляпаларидан тортиб кўйлақларигача маҳлиё бўлиб томоша қилиши мумкин эди. Йигит уларнинг муаттар исини туйиб, маст бўлгувчи эди. У беканинг ойнали жавонини очиб, у ерда ҳукм сурган гўзаллик ва тартибдан баҳра оларди. Бундай пайтларда маъшуқаси Жюльеннинг пинжига кириб, унга тикилиб турарди, унинг ўзи эса келинлар одатда никоҳ арафасида тўй саватига териб кўядиган барча сарпо билан қимматбахо тақинчоқларни завқ билан томоша қиларди.

«Шундай одамга эрга тегишим мумкин эди-ку ахир! — дея ўйларди де Реналь хоним. — Бундай оташқаб илсон камдан-кам топилади. У билан яшаш қандай лаззатли бўлар эди-я!»

Жюльен масаласига келсак, у умри бино бўлиб ҳеч қачон аёллар артиллериясининг бу қудратли замбаракларига бундай яқин келган эмасди. «Бундан гўзалроқ либослар Парижда ҳам топилмаса керак!» — дея хитоб қиларди у ўзича. Бундай дақиқаларда у энди ўз бахтига раҳна солиши мумкин бўлган ҳар қандай тўсиқни ҳам писанд қилмай қоларди. Маъшуқасининг чин кўнгилдан завқ-шавққа берилиши, унинг сурури алоқаларининг биринчи кунлари Жюльенни тадбиркор ва бемаъни қилиб кўрсатган ўша аялчли мулоҳазаларни бутунлай унутишга мажбур этарди. Шундай дамлар бўлардики, ўзининг доимий риёкорлик қилиш одатига қарамай, уни севадиган бу асилзода хоним олдида ҳаёт қодаларидан мутлақо беҳабар эканлигига иқрор бўлиш Жюльенга қандайдир изҳор қилиб бўлмайдиган бир қувонч бағишларди. Маъшуқасининг олий насаби беихтиёр Жюльеннинг ҳам нуфузини ошироқда элди. Де Реналь хоним ҳам, ўз навбатида, барча келажаги порлоқ, дея башорат қилаётган бу истеъдодли йигитга ҳар хил майда-чуйда ишларга раҳнамолик қилишдан руҳан лаззатланарди. Ҳатто префект ёрдамчиси ва жаноб Валенонинг ўзи ҳам Жюльенга қойил қолишганди, шу боисдан хоним энди, бу одамларнинг бари мен ўйлаганчалик аҳмоқ эмас экан шекилли, дея ўйлаб қолганди. Ёлғиз Дервиль хонимгина Жюльенга нисбатан бундай ҳис-туйғуларни намойиш этишдан ўзини олиб қочарди. Ўз гумонидан қаттиқ изтиробга тушган ва эзгу насиҳатлари бутунлай эс-ҳушини йўқотиб қўйган дугонасининг зардасини қайнатаётганини кўрган Дервиль хоним ҳеч қандай изоҳ бермай Вержидан жўнаб кетди: дарвоқе, ундан изоҳ сўрашга журъат ҳам этишмади. Де Реналь хоним аввалига бир оз йиғлаб олди-ю, бироқ тезда ўзини илгаригига қараганда анча бахтлироқ ҳис эта бошлади. Дугонаси жўнаб кетганидан сўнг у деярли ҳамма вақтини ўйнаши билан ўтказадиган бўлиб қолди.

Жюльен ҳамма вақтни маъшуқаси билан ўтказган пайтларда жуда ҳузур қиларди, боз устига, узоқроқ ёлғиз қолган кезлари Фукенинг таклифи ҳамон унинг кўнглини безовта қилмоқда эди. Бу янги ҳаётнинг биринчи кунларида шундай дақиқалар ҳам бўлган эдики, шу пайтга қадар қалбида севги ҳис этмаган ва ҳеч ким томонидан севилмаган Жюльен муғамбирлик қилмай, ўзини самимий тутишдан ғоят лаззатланиб, де Реналь хонимга бир неча бор шу кунгача ўзининг ҳаёти мазмунини ташкил этган шухратпарастлиги ҳақида гапириб беришга жазм этди. У Фукенинг негадир ҳанузгача ҳаёлидан нари

кетмаётган таклифи тўғрисида хоним билан маслаҳатлашмоқчи бўлди-ю, аммо арзимас бир воқеа унинг бутун самимиятига чек қўйди.

XVII

Биринчи муовин

O, how this spring of love ressembleth
The uncertain glory of an April day,
Which now shows all the beauty of the sun,
And by and by a cloud takes all away!

*Two gentlemen of Verona.*¹

Бир куни кечга яқин куиботар пайти боғнинг овлоқ ерида, шилқим одамларнинг назаридан узоқда маъшуқасининг ёнида ўтирар экан, Жюльен қаттиқ хаёлга чўмди. «Қандай бахтиёр дамлар! — дея ўйларди у. — Яна қанча вақт шундай хузур-ҳаловатда яшаркинман?» Унинг фикр-хаёли қандайдир қарорга келишдек оғир вазифа билан банд эди. Йўқсил одамнинг болалик даврини муқаррар равишда яқинлаб, ёшлик палласининг биринчи йилларини заҳарловчи бахтсизлигини англаш туйғуси уни эзаётган эди.

— Эҳ, — деб юборди у беихтиёр, — очигини айтганда, Наполеонни ёш французларга худонинг ўзи етказган эди! Ким босади энди унинг ўрнини, барча бу бахтсиз ёшлар усиз нима қилишади энди! Уларнинг ҳатто мендан бадавлатроқ бўлганларининг ҳам маблағи фақат ўқиш учун аранг етади. Йигирма ёшда бирор вазифани эгаллаб, ҳаётда ўзига йўл очмоқ учун керакли одамларга пора беришга эса пуллари йўқ! Нимаики қилмайлик, — дея қўшимча қилди у чуқур хўрсиниб, — бу машъум хотира бизни умрбод таъқиб этади ва биз ўзимизни ҳеч қачон бахтиёр ҳис этмаймиз.

Бирдан у де Реналь хонимнинг қовоғи солиниб, юзида совуқ ва кибрли бир ифода пайдо бўлганини сезиб қол-

¹ Ишқ баҳори бамисоли апрель айёми
Ҳар лаҳзаси ўзгарувчан, қараб турсангиз.
Гоҳи офтоб нури ичра балқийди чунон,
Гоҳ самони қоплаб олар қон-қора булут.

Шекспир. «Икки вероналик».

ди, — хонимнинг назарида бундай фикр юришиш фақат хизматкорларгагина ярашарди. Унга болалигиданоқ, сен жуда бойсан, дея уқтиришган эди, шунинг учун у Жюльени ҳам худди ўзидек бадавлат эканлиги ўз-ўзидан маълум-ку, деб ўйларди. Аёл Жюльени жонидан ҳам кўнроқ севарди, ҳатто йигит кўрнамак ва ёлгончи бўлиб чиққан тақдирда ҳам уни яхши кўраверарди, пул эсанинг назарида ниста пўчоғидек бир нарса эди.

Бироқ Жюльен, турган ган, бунинг фаҳмига бормасди. У бирдан хонимнинг қошлари чимирилганини кўриб, осмону фалакдан ерга қулагандек бўлди. Аммо у ҳар қалай довдираб қолмади ва шу заҳоти қандайдир баҳона ўйлаб топди-да, шундоқ ёнгинасида, чим сунада ўтирган асилзода хонимга ҳозир ўзи атайлаб такрорлаган бу гапларнинг барини тоғдаги ўша тахтафуруш дўстининг олди-га борганида эшитганини шама қилди.

— Бунақа одамлар билан ошначилик қилманг бўлмасам, — деди де Реналь хоним ҳозиргина меҳр барқ уриб турган чехрасида ҳамон совуқ ижирганиш ифодасини сақлаб.

Де Реналь хонимнинг бундай чимирилиши ёки тўрроғи, ўзининг эҳтиётсизлигидан пушаймон бўлиши Жюльенининг пуч ҳаёлларига биринчи зарба бўлди. «У жуда меҳрибон ва дилбар аёл, — дерди у ўзига-ўзи, — ва у чиндан ҳам мени севади, бироқ у душман лагерида ўсиб вояга етган. Албатта, улар яхши маълумот олган, бироқ маблағи бўлмагани туфайли дурустроқ ишга ўрнаша олмаган шундай жасур ва ҳалол кишилардан кўрқмоқлари керак. Агар бизга улар билан тенгма-тенг олишувга имкон берганларида, барча бу дворянчаларнинг ҳолига маймуи йиғлаган бўларди! Мана, мени Веррьер шахрининг мэри деб фараз қилайлик, нияти холис, ҳалол одамман, ахир жаноб де Реналь ҳам аслида шундай-ку. Лекин эҳ, уларнинг роса танобини тортган бўлардим-да, ўзим, ўша викаррийним, ўша жаноб Валенониям барча хийла-найрангларини фош этган бўлардим! Веррьерда адолат қарор топишни кўрардингиз ўшанда! Уларнинг истефодди ҳалал бермасди-ку менга. Ақл бобида уларнинг бари кўзи очилмаган мушук боласига ўхшайди ахир».

Жюльенининг бахти ўша кун чиндан ҳам мустаҳкам бир нарсага айланиши мумкин эди. Бироқ охиригача самимий бўлинига қаҳрамонимизнинг юрави дов бермади. У бутун жасоратини тўнлаб жангга отилмоғи, отилганда ҳам дарҳол отилмоғи лозим эди. Де Реналь хоним Жюльенининг сўзларини эшитиб ҳайратга тушган эди, чунки унинг атрофида одамлар тинмай, янги Робеспьер-

нинг пайдо бўлишидан кўрқмоқ керак, бунақа одам паст табақадан бўлган маълумотли ёшлар орасидан чиқиши мумкин, дея таъкидлашарди. Де Реналь хоним яна анчага довр қовогини солиб ўтирди. Жюльеннинг назарида у жўрттага шундай қилаётгандек эди. Хоним эса қизиқ устида бундай ўринсиз гаплардан газабланганини айтиб кўйиб, энди фақат беихтиёр уни ранжитадиган бирор гап айтмадиммикин, дея ўйламоқда эди. Унинг ҳар хил шилқим одамлардан йироқда бўлиб, ўзини бахтиёр ҳис этадиган пайтлари гоётда покиза ва софдил кўринадиган юзида ҳозир ана шу дилсиёҳлик акс этмоқда эди.

Жюльен энди ўз орзу-истакларини овоз чиқариб айтмайдиган бўлди. У бирмунча вазмин тортди ва илгаригидек эс-хушини йўқотар даражада ошиқи беқарор бўлмагани туфайли, энди де Реналь хоним билан учрашмоқ учун унинг хонасига бориш чиндан ҳам эҳтиётсизлик бўлади, дея ўйлаб қолди. Яхшиси, хонимнинг ўзи уникига келсин, агар хизматкорлардан биронтаси уни йўлакда кўриб қолса, у доим бирор баҳонани рўқач қилиши мумкин, ахир беканинг ўз уйида юриши учун баҳонадан кўни борми.

Бироқ бунинг ҳам ўз ноқулай томонлари бор эди. Жюльен дўсти Фуке орқали китоб дўконида ўзи ёш руҳоний сифатида ҳатто оғизга олишга юраги дов бермайдиган баъзи китобларни топтирган эди. Бу китобларни у фақат кечаси ўқишга журъат этарди. Шу билан ҳам у баъзан тунда келиб халал беришларини истамай қолганди. Холбуки яқингача, боғдаги ўша суҳбатга қадар у хоним билан учрашув ҳақида ўйласа, китоб ўқиш кўнглига сигмай қоларди.

Де Реналь хонимнинг шарофати билан энди у китоблардан кўнгина нарсаларни кашф эта бошлади. Қиборлар жамиятига мансуб бўлмаган ёш йигит табиятан қанчалар истеъдодли бўлмасин, ҳар турли майда-чуйда нарсаларни билмаса, ақли боши берк кўчага кириб қолади. Жюльен ана шундай майда-чуйда нарсаларни тортинмай хонимдан суриштириб билиб оларди.

Ўзи ҳам кўнгина соҳалардан беҳабар бўлган аёлнинг севги воситасида олиб бораётган бу тарбияси унинг учун чинакам бахт эди. Жюльен жамиятни ўша пайтда қандай бўлса шу ҳолича тасаввур қилиш имконига эга бўлди. Унинг ақли бу жамиятнинг қадим замонларда, бундан икки минг йил муқаддам ёки ҳатто олтинчи йил илгари, Людовик XV ва Вольтерлар замонида қандай бўлгани ҳақидаги ҳикоялар билан булганмади. Йигитнинг кўзидаги

парда очилгандек бўлди. Шундан сўнг унинг нақадар хурсанд бўлганини бир кўрсангиз эди! Ниҳоят, Веррьерда содир бўлаётган барча воқеалар унга тушунарли бўлди-қўйди.

Биринчи навбатда унга бундан икки йил муқаддам Безансон префекти атрофида бошланган гоётада чалкаш фитналар намоён бўлди. Бу фитналарни Париждан, жуда нуфузли кишилардан келаётган мактублар қўллаб-қувватлаб турмоқда эди. Бу ҳаракатларнинг бари шу атрофдаги энг художўй одам жаноб де Муарони Веррьер шаҳрида мэрининг иккинчи эмас, балки биринчи муовини қилиб тайинлашга қаратилган эди.

Жаноб де Муаронинг рақиби аллақандай жуда бадавлат фабрикант бўлиб, уни ҳар нима қилиб бўлса-да, иккинчи муовин даражасига суриб қўймоқ лозим бўларди.

Ниҳоят, Жюльенга илгари жаноб де Реналникида барча маҳаллий оқсуяклар йиғиладиган зиёфатлар пайти уни ҳайратга солиб юрган ҳамма ивир-шивир гаплар аён бўлди. Бу мумтоз жамият биринчи муовинлик лавозимига худди ана шу одамнинг тайинланишидан гоёт манфаатдор эди. Бу номзодни шаҳарда уларнинг ўзларидан бўлак ҳеч ким билмасди. Хусусан, либераллар мутлақо беҳабар эдилар. Бунга катта аҳамият берилишининг боиси Веррьернинг энг катта кўчасини уч қулочга кенгайтириш лозимлигида эди, чунки бу кўча бундан буён қирол ўтадиган йўл бўлиб қолганди.

Шундай қилиб, бузилиши лозим бўлган шу кўчада учта уйи бўлган жаноб де Муаро аввалига биринчи муовин, кейинчалик эса мэр лавозимини эгаллашга муваффақ бўлса (жаноб де Ренални тез орада депутатликка ўтказишади, деган гап бор эди), у зарур бўлган пайтда кўз юмиб қўя қолар, натижада жамоат йўлига тушган уйлар хиёл қайта қурилиб, яна юз йил туравериши мумкин бўларди. Жаноб де Муаронинг гоёт художўй ва шубҳасиз, ҳалол одам эканлигига қарамай барча унинг гапга унашига ишонарди. Чунки жаноб де Муаро жўжабирдек жон эди. Бузилиши лозим бўлган анави уйлардан тўққизтаси эса Веррьернинг энг казо-казо одамларига қарашли эди.

Жюльеннинг назарида, бу фитна Фонтенуа бўсағасидаги жангдан ҳам каттароқ аҳамиятга молик эди. Бу жанг ҳақида эса у биринчи марта Фуке юборган китоблардан бирида ўқиганди. Жюльен кечқурунлари кюренинг олдига бориб шуғуллана бошлаганидан буён ўтган шу беш йил ичида уни кўпгина нарсалар ҳайратга солганди. Аммо ҳаётини илоҳиётни ўрганишга бағишлаган, би-

ринчи фазилати камтарлик ва итоат бўлган йигит кекса кюрега бирор савол билан мурожаат қилишни ноқулай деб ҳисобларди.

Қушлардан бирида де Реналь хоним эрининг малайига қандайдир иш буюрди. Бу Жюльенни ёмон кўрадиган ўша хизматкор эди.

— Лекин бугун жума-ку, хоним, шу ойдаги охириги жума, — дея маънодор оҳангда жавоб қилди бекага хизматкор.

— Хўп яхши, бораверинг, — деди де Реналь хоним.

— Демак, бугун у анави пичанхонага борар экан-да, бир вақтлар у ер черков бўлган экан, яқинда уни қайтадан очишибди, — деди Жюльен. — У ерда улар нима қилишади ўзи? Шу сирнинг тагига сира столмадим-да.

— Қандайдир савобли ташкилот дейишади, лекин у жуда бошқача эмиш, — дея жавоб қилди де Реналь хоним. — Аёлларни у ерга киритишмайди. Мен фақат у ерда уларнинг бир-бирларини «сенсираб» гапиришларини билман холос. Мана, масалан, анави малайимиз у ерда жаноб Валенони учратиб қолиб, у билан «сенсираб» гаплашса, бу кеккайган аҳмоқнинг Сен-Жан ули сенсиранидан сира жаҳли чиқмайди, аксинча, жавобан ўзи ҳам уни сенсирайди. Агар уларнинг у ерда нима иш қилишларини батафсилроқ билишни истасангиз, мен ўрни келганда, Можирон билан Валенодан бу ҳақда сўраб олишим мумкин. Биз ҳар бир хизматкоримиз учун у ерга йигирма франкдан аъзолик бадали тўлаймиз, — чамаси, бир кун келиб тўқсон учинчи йилдаги каби террор бошланса, улар бизни бўғизлаб кетмасликлари учун шундай қилинса керак.

Вақт аста-секин ўтиб бормоқда эди. Жюльен хом хаёлларга берилиб юраги сиқилган пайтлари ўз маъшуқасининг гўзаллигини эсларди-да, кўнгли жойинга тушарди. Улар душман лагерларга мансуб бўлганлари сабабли маънодор ва зерикарли суҳбатлардан ўзини тийишга мажбур бўлган Жюльен, ўзи ҳам сезмаган ҳолда, хоним уни қанчалар бахтиёр этаётганини кучлироқ ҳис этарди ва борган сайин унинг таъсирига бериларди.

Баъзан улар энди кўнгина парсаларни тушунадиган бўлиб қолган болалар олдида хотиржам ва андишали суҳбат чегарасидан чиқмай ўтиришга мажбур бўлган кезлари, Жюльен севгида чакнаб турган кўзларини хонимга тикиб, ажойиб бир итоаткорлик билан унинг дунёни қандай тузилганлиги ҳақидаги ҳикояларини тинглаб ўтирарди. Гоҳида шундай ҳам бўлардики, йўл қурилиши

ёки йирик пудрат ишлари билан боғлиқ бўлган бирор моҳирона қаллоблик тўғрисида ҳикоя қилар экан, де Реналь хоним таажжубланиб ўтирган Жюльеннинг юзига қараб туриб, бирдан ёлғиз эмасликларини унутиб кўярди, шунда Жюльен уни тергаб кўйишга мажбур бўларди. Чунки хоним паришонлик билан унга худди ўз болаларидек тортинмай, оддийгина муомала қила бошларди. Дарвоқе, аёлга баъзан Жюльенни худди ўз боласи каби севадигандек туюларди. Чиндан ҳам у йигитнинг болаларча соддалик билан берган юзлаб саволларига тинимсиз жавоб бермасмиди ахир? Ҳолбуки, яхши оиладан чиққан бола бундай нарсаларни ўн беш ёшидаёқ жуда яхши билиб олган бўларди. Бироқ орадан бир зум ўтмасданоқ у яна йигитга ўз ҳукмдори янглиғ завқ-шавқ билан тикиларди. Хоним унинг ақл-заковатига шу қадар қойил қолардики, баъзан ҳатто ваҳимага тушиб қоларди, бу ёш аббатчанинг бир кун келиб улуғ одам бўлажагига у кундан-кун қаттиқроқ ишонч ҳосил қилмоқда эди. Аёл баъзан уни салкам папа деб, баъзан эса Ришелье каби бош министр сифатида тасаввур қиларди.

— Сен машҳур бўлиб кетадиган пайтнинггача ўлмайд юрармикинман? — дерди у Жюльенга. — Катта одамга ҳозир йўл очиқ: қирол ҳам, черков ҳам буюк одамларга муҳтож, бизнинг салонларда ҳар кун шу ҳақда гапирашади ахир. Агар Ришельега ўхшаган бирор одам пайдо бўлиб, барча бу нифоқ ва фитналар бўронига чек кўймаса, ҳалокатга учрашимиз муқаррар.

XVIII

Қирол Веррьерда

Ёки сиз томирида қони қотиб қолган, юрак деган нарсадан маҳрум бўлган халқ сифатида, ўлак-са сингари ахлатхона сари супуриб ташлашга арзигайсиз, холос.

Епископнинг авлиё Климент ибодатхонасида ўқиган хутбаси

3 сентябрь куни, кечқурун соат ўнда Веррьернинг бош кўчасидан от чонтириб ўтган жандарм бутун шаҳарни алғов-далғов қилиб юборди. У қирол*** аёло ҳазратлари «якшанба куни ташриф буюришни лозим топганлари» тўғрисида хабар олиб келганди — воқеа эса сешан-

ба куни содир бўлмақда эди. Жаноб префект фахрий қоровуллик учун ёш йигитлардан тапашга ижозат этди, ёки бошқачароқ қилиб айтганда, шундай қилишни буюрди; ахир қиролни иложи борича тантана ва дабдаба билан кутиб олмоқнинг тадоригини кўрмоқ лозим эди-да. Шу заҳоти Вержига чопар юборишди. Жаноб де Реналь тунда шаҳарга от чоптириб келганида бутун шаҳар ғала-говур эди. Ҳар бир кимса бирор нарсага таклиф қилар, унча-мунча ташвиши бўлмаган одамлар эса қиролнинг шаҳарга кириб келишини томоша қилмоқ учун тезроқ биронта балконни ижарага олишга ошиқишарди.

Лекин фахрий қоровулга кимни қўмондон қилиб тайинлашса экан? Жаноб де Реналь, бузилиши лозим бўлган уй эгаларининг манфаати кўзланса, қўмондонлиқни жаноб де Муаронинг худди ўзига топшириш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлаб қолди. Бу нарса унинг учун биринчи муовин лавозимини эгаллашга ҳуқуқ берадиган ёрликдек бўлиб қолиши мумкин эди. Унинг художўй одам эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди; тақводорлик бобида ҳеч ким жаноб де Муаронинг олдига туша олмасди, бироқ ҳамма бало шунда эдики, — у умри бино бўлиб эгарда ўтирмаганди. Ўттиз олти ёшга кирган бу жаноб ниҳоятда юраксиз бўлиб, одан йиқилишдан ҳам, кулгили аҳволга тушиб қолишдан ҳам ўлгудай кўрқарди.

Мэр уни эрталаб соат бешда ўз ҳузурига чақиртирди.

— Кўриб турибсизки, афандим, сизни маслаҳатлашиб олмоқ ниятида чақиртирдим. Одатда бундай маслаҳатга биринчи муовин чақиртирилари, зеро, барча ҳалол одамлар сизни шу лавозимда кўришни истажяпти. Бизнинг бадбахт шахримизда фабрикалар ғоят тараққий топган, либераллар партияси миллионлаб маблағга эга, у ҳокимиятни ўз қўлига олишни истайди ва бу йўлда ҳеч нимадан қайтмайди. Қирол манфаати, монархия манфаати ва энг аввало муқаддас черков манфаати тўғрисида ўйламоғимиз даркор. Фикрингизни айтсангиз, афандим, сизнингча, фахрий қоровулга қўмондонлик қилишни кимга топширсак экан?

Отлардан ўлгудай кўрқинишга қарамай, жаноб де Муаро охири бу фахрли унвонни машаққатли бурч сифатида ўзи қабул қилишга жазм этди.

— Ўзимни муносиб тутиш қўлимдан келади, — деди у мэрга қараб.

Жуда оз вақт қолган эди, ҳали бундан етти йил муқаддам, аллақайси-шаҳзодани кутиб олиш пайти кийил-

ган формали мундирларни тартибга солмоқ лозим эди.

Де Реналь хоним болалари ҳамда Жюльен билан Вержидан эрталаб соат еттида етиб келди. Унинг меҳмонхонасида либералларнинг хотинлари тўлиб кетганди, улар ҳозир партияларнинг иттифоқини намоёйиш қилмоқ лозимлигини баҳона қилиб, хонимдан жаноб мэрни ана шу фахрли қоровулликдан ҳеч бўлмаса бир ўринни эрлари учун ажратишга кўндиришни илтимос қилишди. Улардан бири, агар эримни сайлашмаса, у аламидан ўзини албатта синган деб эълон қилади, дея ишонтирмоқчи бўларди. Де Реналь хоним тезда уларнинг ҳаммасини чиқариб юборди. У алланимадан қаттиқ ташвишга тушгандек кўринарди.

Жюльен хоним нега ҳаяжонланаётганини ундан яшираётганига аввал жуда ҳайрон бўлди, кейин эса жаҳли чиқди. «Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим, — дея хаёлидан ўтказди у алам билан. — Қиролни ўз уйида қабул қилишдек улуг бахт унинг бор муҳаббатидан устун келди. Бу тўс-тўполондан у эс-ҳушини йўқотиб қўйди. Бу табақа васвасаси барҳам топиб, хоним ҳушига келгач, у мени яна сева бошлайди».

Қизиғи шундаки, бу хаёлдан кейин у ўз маъшуқасини янада қаттиқроқ севиб қолгандек туюлди.

Бутун уйда обойчи усталар ишламоқда эди. Жюльен бека билан бир-икки оғиз гаплашиб олмоқчи бўлиб узоқ пайт пойлади-ю, аммо бунинг уддасидан чиқа олмади. Ниҳоят, йиғит хоним Жюльеннинг хонасидан унинг қандайдир кийимини олиб чиқаётган пайтда унга дуч келди. Атрофда ҳеч ким йўқ эди. У хоним билан гаплашмоқчи бўлган эди, аёл унинг гапига қулоқ солмай қочиб кетди. «Ўзим ҳам ғирт аҳмоқ бўлмасам, келиб-келиб шу аёлни севаманми: у шу қадар ўзини кўрсатгиси келяптики, худди эрига ўхшаб эсидан оғиб қоляпти».

Ростини айтганда де Реналь хоним бу соҳада ҳатто эрини ҳам ора йўлда қолдириб кетди. Жюльенни ранжитиб қўйишдан чўчиётгани сабабли унга айтишга журъат этолмаётган кучли бир орзу унинг дилини эгаллаб олганди: хоним Жюльенни манови мотамсаро кийимларини ҳеч бўлмаса бир кунгина ечиб қўйишга астойдил мажбур қилмоқчи эди. У ўзи каби соддадил аёлга мутлақо хос бўлмаган ажойиб бир эпчиллик билан аввалига жаноб де Муарони, сўнгра префект ёрдамчиси жаноб де Можиронни, Жюльенни ҳам фахрий қоровуллардан бири қилиб тайинлашга кўндирди. Ҳолбуки шу ўринга маҳаллий бадавлат фабрикантларнинг ўғилларидан беш-олти йиғит даъвогар эди, шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, улардан иккитаси

Ўзининг намунали тақвоси билан ажралиб турарди. Ўзининг фойтонига шаҳардаги энг кўхли аёлларни ўтказмоқчи ва шу йўсинда ажойиб норманд йўрғалари билан барчани қойил қолдирмоқчи бўлиб юрган жаноб Валено ўзи жинидан баттар ёмон кўрадиган Жюльенга отларидан бирини беришга рози бўлди. Бироқ фахрий қоровулликка тайинланган кўнгина йиғитларнинг полковниклар тақадиган кумуш эполетли башанг кўк мундирлари бор эди. Йўқлари эса омонатга олишганди. Булар етти йил муқаддам фахрий қоровуллар ясан-тусан қилиб кийиб юрган ўша мундирлар эди. Де Реналь хоним ҳар нима қилиб бўлса-да, Жюльенга янги мундир кийдиришни истарди, аммо уни Безансонда буюртиришга ва у ердан бутун формани, қурол, учбурчак шляпа — хуллас, фахрий қоровулга керак бўлган барча нарсаларни олиб келтиришга улгурмоқ учун бор-йўғи тўрт кун вақти қолганди. Энг қизиги, хоним негадир Жюльенга мундирни шу ерда, Веррьернинг ўзида буюртма қилишга кўрқди. Бу нарсани у Жюльенга ҳам, бутун шаҳарга ҳам кутилмаган туҳфа сифатида тақдим қилмоқчи эди.

Ниҳоят фахрий қоровул масаласи ва жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш ташвиши бир ёқлик бўлгач, мэрнинг тантанали диний маросимга тайёргарчилик кўриш ишларига ҳам аралашмоғига тўғри келди. Қирол Веррьерга ташриф буюрганида пайтдан фойдаланиб, шаҳардан икки чақиримча наридаги Брей-ле-Ога қўйилган машҳур авлиё Климент хонини ҳам зиёрат қилиб ўтмоқчи экан. Шу боисдан иложи борича кўпроқ руҳонийларни тўплаш матлуб эди, бу эса анча мушкул вазифа бўлиб чиқди: янги кюре жаноб Маслон бу маросимда жаноб Шеланнинг ҳам иштирок этишига бутунлай қарши эди. Жаноб де Реналь унга бундай қилиш ўтакетган эҳтиётсизлик бўлажагини исботлайман, деб роса овора бўлди. Қиролнинг мулозимлари орасида бутун аждоглари қадим замонлардан буён, авлоддан-авлодга шу провинциянинг губернатори бўлиб келадиган маркиз де ля Моль ҳам бор эди. У эса аббат Шелани ўттиз йилдан бери танирди! Турган гап, Веррьерда бўлганида у албатта чолни йўқлаб қолади. Агар маркиз бу ерда жаноб Шелани ёмон кўриб қолишганидан хабар топса борми, кўрасиз шунда машманани. У шундай одамки, ёнига барча мулозимларини олиб, тўғри чолнинг кулбасига боравериши ҳам мумкин. Бундан кўра тарсаки ургани яхши эмасми!

— Мен учун эса, — дея жавоб қилди аббат Маслон, — агар у қавминизга қадам кўйгудек бўлса, шу ернинг

ўзида ҳам, Безапсонда ҳам бундан ортиқ шармандалик бўлмайди. Худо сақласин, ахир у япсенист-ку.

— Нима десангиз деяверинг-ку, қадрли аббат, — дея эътироз билдирди унга жаноб де Реналь, — лекин мен Веррьердаги ҳукумат вакиллариининг жаноб де ля Молдан шундай дакки ейишларига йўл қўя олмайман. Сиз маркизни билмайсиз: у саройда одоб сақлайди, бу ерда, провинцияда эса у шундай қизиқчи ва майнабозки, ўрни келиб қолса одамни калака қилишдан хурсанд бўлади. Ахир у шунчаки кўнгил очиш учун ҳам бизни апави барча либераллар олдида гирт аҳмоққа чиқариб қўйиши мумкин.

Ниҳоят, уч куплик музокарадан сўнг, шанбадан якшанбага ўтар кечаси аббат Маслоининг кибр-ҳавоси кўркунининг зўридан жасур бўлиб кетган жаноб мэрининг юраксизлиги олдида таслим бўлди. Шундан сўнг аббат Шеланга тилёғламалик билан мактуб йўллаб, қолдан, агар кекса ёши ва сиҳат-саломатлиги имкон берса, Брей-ле Одаги авлиё хокини таптанали зиёрат қилиш маросимида қатнашишни илтимос қилишди. Жаноб Шелан ишоднакон сифатида ўзига ҳамроҳ бўлиб борадиган Жюльен учун ҳам таклифнома талаб қилиб олди.

Якшанба куни азонлаб теварак-атрофдаги тоғларда жойлашган қишлоқлардан оқиб кела бошлаган деҳқонлар Веррьернинг бутун кўчаларини тутиб кетди. Қуёш чарақлаб турарди. Ниҳоят, пешиндан кейин, соат учларга яқин бутун оломон ҳаяжонга келди: Веррьердан етти-саккиз чақирим наридаги баланд қоя устида катта гулхан ёқилган эди. Бу сигнал қиролнинг департамент чегарасига қадам ранжида қилганидан дарак берарди. Шу заҳоти барча кўнгироқлар бонг урди-ю, шаҳарга тегишли эскигина испан замбараги бундай улуғ воқеадан ҳамманинг шоду хуррамлигини ифодалаб кетма-кет ўқ уза бошлади. Шаҳар аҳолисининг ярми томларга чиқиб кетганди. Барча аёллар балконларда жойлашиб олишганди. Фахрий қоровул олға юрди. Барча ялтироқ мундирларни завқ билан томоша қилар, биров ошнасини кўрсатса, бошқа биров қарииндошини таниб қоларди. Одамлар ўқтин-ўқтин ваҳимага тушиб эгар қошини чангаллаб олаётган жаноб де Муаронинг кўрқоқлигидан кулишарди. Аммо шу пайт кимнингдир лўқмаси ҳамманинг эътиборини ўзига тортди-ю, халойиқ барча бошқа нарсаларни унутиб қўйди: тўққизинчи қатордаги биринчи сувори жуда хушбичим ва чиройли йигит бўлиб, аввалига ҳеч ким уни таниёлмади. Кейин бирдан чор атрофда дарғазаб хитоблар эши-

тила бошлади, барчанинг юзида газаб ва ҳайрат акс этди, — хуллас, гала-говур кўтарилди. Одамлар жаноб Валенонинг норманд йўргаларидан бирида от ўйнатиб кетаётган бу йигит дурадгор Сорелнинг ўгли эканлигини билиб қолишди. Ҳамма бир овоздан мэрни яниб кетди. Айниқса либералларнинг фиғони ошди. Бу қанақаси энди! Аббатчасига кийиниб олган бу косиббачча болаларининг тарбиячиси бўлгани учунгина уни фахрий қоровуллар сафига қўшиш сурбетлик эмасми ахир! Бадавлат ва муҳтарам фабрикантлар — жаноб фалончи ва жаноб писмадончиларнинг ўрнига-я!

— Нега энди анави жаноблар бу сурбет болани, бу таги пасти яхшилаб адабини беришмайди! — чийилларди банкирнинг хотини.

— Йигитчаям ҳақини қўймайди, кўряписизми, ёнида қиличи бор, — дея эътироз билдирди унинг олдида турган одам. — Башаранга қилич солвориши мумкин, шундай қилиш қўлидан келади ушинг.

Киборлар жамиятига мансуб кишиларнинг мулоҳазалари бир оз хавфлироқ эди. Хонимлар бир-бирларидан, наҳот бу ярамас қилиқ учун фақат мэрдан ўпкалаш керак бўлса, — дея сўрашарди. Ахир, умуман олганда, у шу пайтга қадар зоти паст одамларни унчалиқ жини суймасди-ку.

Шунча гап-сўзга сабаб бўлган Жюльен эса бу пайтда ўзини дунёда энг бахтиёр одам деб ҳис этарди. Табиатан довюррак бўлгани учун у отни тоғдаги бу шаҳарчанинг кўпгина йигитларига қараганда яхшироқ миниб борарди. Аёлларнинг кўзидан у уларнинг бари ўзи ҳақида гапиришаётганини яққол сезмоқда эди.

Унинг яп-янги эполетлари бошқаларига нисбатан кучлироқ ялтирар, тагидаги от эса ўқтин-ўқтин санчиб қўярди; хуллас, у бениҳоя лаззатланмоқда эди.

Улар эски қалъа деворлари ёнига етиб боришганида замбаракнинг кутилмаганда гумбурлашидан чўчиб кетган от уни сафдан олиб чиқди-ю, Жюльеннинг қувончи ичига сиғмай кетди. У қандайдир мўъжиза билан эгардан қулаб тушмади ва шу дақиқадан эътиборан ўзини қахрамон деб ҳис эта бошлади. Хаёлан у Наполеоннинг адъютанти эди-ю, шу аснода душман батареяси устига от суриб борарди.

Аммо яна бир кимса ўзини ундан ҳам бахтлироқ ҳис этмоқда эди. У аввалига Жюльенни шаҳар ратушаси ойнасида кузатиб турди, сўнгра фойтолга ўтириб, айланасига елиб кетди ва худди йигитнинг оти сафдан суриб

Эн
ниққан пайтда уларга етиб олди-ю, кўрқувдан қотиб қолди. Шундан сўнг фэйтон яна елдек учиб, шаҳарни бошқа дарвозасидан, қирол ўтиши лозим бўлган йўлнинг шундоқ четидан чикди-да, фахрий қоровулни олдинга ўтказиб, ундан йигирма қадамча орқада, рицарлар пайтидагидек чангга бурканган ҳолда кета бошлади. Жаноб мэр аъло ҳазратларини қутлаб табрик нутқи айтиш шарафига муяссар бўлганида ўн минг деҳқон бараварига: «Яшасин қиролимиз!» — дея қичқириб юборди. Орадан бир соат ўтгач, регламентда назарда тутилган барча нутқларни эшитиб бўлган қирол шаҳарга кириб келар экан, кичкина замбарак унинг шарафига тинимсиз ўқ узиб турди. Шу пайт кичкина бир бахтсизлик содир бўлди. Йўқ, Лейпциг ва Монмираль остонасида ўз илмини оширган тўпчи канонирлар эмас, балки бўлажак биринчи муовин жаноб де Муаро фалокатга учради. Унинг байтали жаноб де Муарони йўлда учраган ягона кўлмакка аста йиқитиб юборди; тўс-тўполон кўтарилди, чунки қиролнинг каретасига йўл очмоқ учун боёқиш де Муарони кўлмакдан зудлик билан тортиб олишга тўғри келди.

Аъло ҳазратлари ажойиб янги черковимиз олдида дутф айлаб, каретадан тушишни лозим топдилар. Шу муносабат билан черковнинг қирмизи дарпардалари тугилиб, безатиб қўйилганди. Шундан кейин тушки зиёфат бўлиши, сўнгра қирол яна каретага ўтириб, авлиё Климент хокини зиёрат қилишга жўнамоғи лозим эди. Қирол черковга кириб кетгани заҳоти Жюльен жаноб де Реналнинг уйи томон елиб кетди. У ерда йигит хўрсина-хўрсина зангори мундири, эполетлари ва қиличини ечиб қўйди-да, яна оҳори тўкилган қора костюмни кийиб олди. Шундан сўнг у яна отига минди ва бир неча минутдан сўнг ғоятда хушманзара тепаликнинг қоқ чўққисига жойлашган Брей-ле-Ога етиб борди. «Халқнинг руҳланиб кетганини қаранг-а, одамлар ҳамон ёпирилиб келишяпти, — дея ўйлади Жюльен. — Веррьерга деҳқонлар тикилиб кетгани сабабли кўчадан юриш амри-маҳол бўлиб қолди, манови эски монастырь атрофида ҳам ўн мингга яқин киши тўпланибди. Эҳтимол ундан ҳам кўпроқдир». Бир вақтлар «исёнчилар»нинг ваҳшийлиги туфайли ярим харобага айланган бу монастырь Реставрация даврида ўзининг бутун ҳашамати билан қайта тикланган эди. Теварак-атрофда қандайдир мўъжизалар ҳақида гапира бошладилар. Жюльен аббат Шелани қидириб топган эди, чол аввалига шогирдини яхшилаб қойиди-да, сўнг унга ридо билан жубба узатди. Жюльен

тезда кийиниб олди ва аббат Шелан билан бирга Агда¹нинг ёш епископини қидириб топиш учун жўнади. Бу прелат жаноб де ля Молнинг жияни бўлиб, яқиндагина епископлик мартабасига эришганди, муқаддас қадамжойни қиролга кўрсатиш каби шарафли вазифа унинг зиммасига юкланган эди. Бироқ епископнинг ҳозир қаердалигини ҳеч ким билмасди.

Барча руҳонийлар бетоқат бўлиб туришарди. Улар ўз хукмдорларини кўхна монастырнинг нимқоронги гумбазлари остидаги йўлакда кутишмоқда эди. Брей-ле-О монастырининг 1789 йилга қадар йигирма тўрт каноникдан иборат бўлган кўхна капитули ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилмоқ учун йигирма тўрт руҳонийни чақиртиришган эди. Улар чорак кам бир соат кутишгач, епископимиз ҳали жуда ҳам ёш-да, дея надомат чека-чека, охири капитулнинг ректори ҳазратнинг олдига кириб, қиролнинг ҳадемай келиб қолиши, шу боисдан ҳам тезроқ черковга бориш кераклигини айтиши лозим, деган қарорга келишди. Ёши улуғлиги боисидан жаноб Шелан ректор эканлиги маълум бўлди. Чол гарчи Жюльендан хафа бўлса-да, унга қараб ортимдан юр, дегандек ишора қилди. Жюльеннинг эғнидаги жубба ўзига жуда ярашиб турган эди. У қандайдир ҳийла-найранглар ишлатиб, ажойиб жингалак сочларини сип-силлиқ қилиб олганди; аммо бепарволиги туфайли Жюльеннинг узун жуббаси этаги остидан фахрий қоровул шпорлари кўришиб турарди.

Улар епископнинг апартаментига етиб боришганида олифта кийинган димоғдор хизматкорлар кекса кюренинг саволига истар-истамас жавоб қилиб, ҳозир ҳазратнинг олдига кириш мумкин эмаслигини айтишди. Чол уларга олижаноб Брей-ле-О капитулининг ректори сифатида ўз черковининг епископи ҳузурига истаган пайтда кириш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирмоқчи бўлган эди, хизматкорлар уни мазах қила бошлашди.

Жюльеннинг мағрур қалби малайларнинг бундай сурбетлигидан газабга келди. У ҳужралар қатор кетган йўлакка огилиб кирди-да, йўлида учраган ҳар бир эшикни итариб кўра бошлади. Бир кичкина эшик очик экан, Жюльен ҳазратнинг эғнига қора ливрея кийиб, бўйнига занжир осган шахсий хизматкорлари турган ҳужрага кириб қолди. Йиғит у ерга шу қадар шитоб билан кириб бордики, мазкур димоғдор жаноблар, бу одамни ҳойнаҳой епископнинг ўзи чақирган бўлса керак, дея ўйлаб уни тўхтатишга журъат этишмади. Жюльен яна бир неча қадам юргач, ўзини готик услубида қурилган деярли

қоп-қоронғи залда кўрди. Залнинг ҳамма деворларига тезоб суртилган эман тахталар қопланган эди. Учи кунгурали баланд деразаларнинг биттасидан ташқари ҳаммаси гишт билан бекитиб ташланганди. Қўпол қилиб терилган бу гиштлар ҳеч нима билан ёпилмаган бўлиб, ўймакор тахталарнинг кўҳна ҳашами ёнида гоят аянчли кўринарди. 1470 йилларда қандайдир гуноҳини ювиш учун Карл Шерюрак томонидан қурилган ва бургундиялик антикварларга яхши маълум бўлган бу залнинг деворлари бўйлаб баланд нақшинкор креслолар қўйилганди. Креслоларда ранг-баранг бўёқларга бўялган барельефлар тарзида Апокалипсиснинг¹ барча мўъжизалари тасвирланган эди.

Сувалмаган гиштлар ва оҳак бир оз хунук қилиб турган бу залнинг ғамгин ҳашамати Жюльеннинг қалбини ларзага солди. У турган жойида қотиб қолди. Залнинг нариги четидаги ёруғ тушиб турган ягона дераза олдида у роми қимматбаҳо ёғочдан ясалган тавақали катта ойнага кўзи тушди. Эгнига нофармон жубба ва тўр ридо кийган, аммо бош яланг бир йигит ойнадан уч қадам нарида турарди. Мазкур ойна бу ерда ниҳоятда ноўриндек туюларди; уни ҳозиргина шаҳардан олиб келишгани аниқ эди. Жюльен йигитнинг ниҳоятда жаҳли чиқиб турганини сезиб қолди: у ўнг қўлини ойна томонга чўзганича вазминлик билан аллакимни чўқинтириб, фатво бермоқда эди.

«Бу қанақаси бўлди? — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Чамаси, маросим олдида бажарилиши лозим бўлган бирор урф-одат бўлиб, уни ана шу ёш руҳоний зиммасига юклашган бўлса керак. Эҳтимол, у епископнинг ёрдамчисидир. У ҳам анави малайларга ўхшаб қўпол жавоб берса керак. Ҳе, жин урсин, — нима бўлса бўлди, — уриниб кўрамиз».

У тўғрига, ўша ягона деразага ва улугвор бир ҳаракат билан аллакимни тинимсиз чўқинтираётган ўша йигитга тикилганича бу улкан зални кесиб ўта бошлади.

Жюльен яқинлашиб боргани сари бу одамнинг кўриниши нақадар даргазаб эканлигини яққолроқ ҳис этарди. Унинг эгнидаги тўр ридонинг ниҳоятда кўркамлиги йигитни ўша серҳашам ойнадан бир неча қадам нарида тўхташга мажбур қилди.

«Лекин, ҳар қалай, ундан епископнинг қаердалигини сўрашим керак», дея аҳд қилди у ниҳоят. Бу залнинг машъум гўзаллиги Жюльенни тўлқинлантириб юборган эди ва у

¹ А п о к а л и п с и с — христиан диний китобларидан бири. Бу китобда «охир замон» тўғрисида башоратлар келтирилган.

ойдинданоқ ҳозир бошига ёгилажак қўпол сўзлардан бадани жимирлай бошлаганди.

Йигит Жюльенни ойнада кўриб қолди-да, у томон ўгирилди ва бир зумда жаҳлидан тушиб, ғоятда мулоим овоз билан сўради:

— Хўш, тақсир, ниҳоят у тайёр бўлгандир ахир?

Қаҳрамонимиз ҳайратдан данг қотиб қолди. Йигит ўгирилиб қараганида Жюльен унинг бўйнидаги нишонли санамни кўриб қолди. Бу Агда епископининг худди ўзи эди. «Ёшлигини қаранг-а, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Мендан нари борса етти-саккиз ёш катта холос...»

Шу тобда у ўзининг шпорларидан уялиб кетди.

— Ҳазратим, — дея жавоб қилди у ийманибгина, — мени хузурингизга капитул ректори жаноб Шелан юбордилар.

— Ҳа-а, мен у киши ҳақида жуда кўп яхши гапларни эшитганман, — деди жавобан епископ ниҳоятда хушмуомалалик билан. Бундай илтифотдан Жюльеннинг унга бўлган ихлоси янада ортиб кетди. — Мени лутфан кечиргайсиз, тақсир, сизни бошқа одам деб ўйлабман. Ҳозир митрамни олиб келишлари керак эди. Парижда уни шу қадар ёмон ўрашибдики, тепазидаги бутун кимхоби гижимланиб кетибди. Шунақаям расвои-радди маърака қилишадими ахир, — дея қўшимча қилди ёш епископ. — Буни қаранг, энди мени яна кутишга мажбур қилишяпти.

— Агар ҳазратим ижозат этсалар, бориб митрангизни олиб келишим мумкин.

Жюльеннинг чиройли кўзлари епископга ўз таъсирини ўтказди.

— Илтимос, олиб келинг, тақсир, — жавоб қилди епископ ўзига мафтун этувчи бир хушмуомалалик билан. — У менга ҳозироқ керак. Бутун капитулни куттириб қўйганимдан, тўғриси, жуда хижолатдаман.

Жюльен зал ўртасига етганида ўгирилиб қараган эди, епископнинг яна фатво бера бошлаганини кўрди. — «Бу қанақаси бўлди ўзи? — дея хаёлидан ўтказди у яна. — Бугунги маросим олдидан риоя қилиниши лозим бўлган бирор урф-одат бўлса керак-да, албатта». Шахсий хизматкорлар турган хужрага кириши биланоқ Жюльеннинг кўзи уларнинг қўлидаги митрага тушди. Йигитнинг амирона нигоҳига беихтиёр бўйсуниб, бу жаноблар епископ ҳазратларининг митрасини унинг қўлига топширишди.

Жюльен уни ифтихор билан ичкарига олиб кирди. Залга киргач, у қадамини секинлатди. Жюльен митрани

қўлида бениҳоя иззат-икром билан тутиб борарди. Епископ ойна олдидаги креслода ўтирарди, бироқ унинг ўнг қўли ора-сира ҳорғин бир ҳаракат билан яна фатво берарди. Жюльен унга митрасини кийишда ёрдамлашиб юборди. Епископ бошини силкитиб қўйди.

— Аҳ-а, қимирламаяпти, — деди у Жюльенга мамнун оҳангда. — Энди, марҳамат қилиб сал четроқ туринг.

Шундан сўнг епископ тез-тез юриб, зал ўртасига борди-да, сўнгра таптанавор бир ҳаракат билан чор атрофга фатво берганича аста ойнага яқинлаша бошлади. Унинг чехрасида яна қаҳр ифодаси пайдо бўлди.

Жюльен ҳайратдан данг қотиб турарди; у гап нимадалигини тушунгандек эди-ю, бироқ бунга ишонишдан ҳайиқарди. Епископ тўхтади-да, юзидаги қаҳрли ифода бирдан гойиб бўлди. Жюльен томон ўгирилиб қаради.

— Хўш, митра ҳақида нима дейсиз, тақсир, бошимда яхши турибдими?

— Бағоят яхши, ҳазратим.

— Жуда орқага сурилиб қолган эмасми ишқилиб?

Шу денг, бош кийим энасага сурилиб қолса, одам овсарроқ кўринади, пешонангизга бостириб кийганингизда эса, офицерларнинг киверига ўхшаб қолади.

— Менимча, у бошингизда жуда яхши турибди.

— Қирол ўз атрофида ёши улуг руҳонийларни кўришга одатланган, уларнинг бари бағоят салобатли ва сипо одамлар. Шу боисдан ҳам мен, айниқса ёшимни назарда тутганда, бирмунча енгилтак бўлиб кўринишни истамасдим.

Шундай дея епископ яна у ёқдан-бу ёққа юриб фатво бера бошлади.

«Ҳаммаси равшан, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен ниҳоят бояги гумонига эрк беришга журъат этиб. — У машқ қияпти, у фатво беришга ўрганияпти».

— Мана энди тайёрман, — деди епископ орадан бир неча минут ўтгач. — Боринг, тақсир, жаноби ректор билан капитулдаги жанобларни огоҳлантириб қўйинг.

Орадан бир оз вақт ўтгач, жаноб Шелан ва у билан бирга икки нафар ёши улуг руҳоний ажойиб нақш билан безатилган катта эшикдан кириб келишди. Жюльен бу эшикни биричи марта кирганида ҳатто сезмаган ҳам эди. Бу гал у, рутбага биноан, ҳаммадан орқада туришга мажбур бўлди. Епископни у энди фақат эшик олдида тўдалашиб турган руҳонийларнинг елкаси опа кўра оларди.

Епископ аста юриб зални кесиб ўтди, у эшикка яқинлашганида руҳонийлар процессия ташкил этиб, сафга

тизилишди. Бир минут тайсаллаиб тургач, процессия забурнинг бир оятини куйлаганича олға қараб юрди. Епископ санам юришининг энг охирида, жаноб Шелан билан яна бир кекса руҳоний ўртасида борарди. Жюльен энди аббат Шеланнинг шогирди сифатида епископга жуда яқин ўтиб олди. Улар Брей-ле-О монастирининг узун йўлақларидан юриб кетишмоқда эди; қуёш авжига чиқиб қиздираётганига қарамай, у ер зах ва нам эди. Ниҳоят, улар черков эшигининг олдига чиқишди. Бу тантанали юришдан Жюльеннинг қалби чексиз қувончга тўлган эди. Епископнинг ёшлиги унинг иззатини қитиқлар, мазкур прелатнинг¹ хушмуомалалиги, унинг жозибатор назокати эса Жюльеннинг эс-хушини олиб қўйган эди. Бу хушмуомалалик жаноб де Реналнинг ҳатто кайфияти жуда яхши бўлиб турган пайтидаги муомаласидан ҳам кескин фарқ қиларди. «Жамиятнинг юқори поғонасига яқинлашган саринг, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен, — кишини ўзига ром қиладиган шундай илтифотли одамларни кўпроқ учратасан».

Санам юришида иштирок этаётган руҳонийлар черковнинг ён эшигидан ичкари киришди; шу пайт кўҳна гумбазлар бирдан каттиқ гумбур-гумбурдан силкиниб кетди, Жюльеннинг назарида улар ҳозир қулаб тушадигандек эди. Аммо бу яна ўша кичкина замбаракчанинг ваҳимаси экан, уни бу ерга ҳозиргина тўрт жуфт от физиллатганича сургаб келган эди. Отларни бир четга олишган заҳоти замбаракча лейпциглик тўпчилар қўлида гўё олдида пруссияликлар тургандек минутига беш мартадан кетма-кет ўқ уза бошлади. Аммо замбаракнинг бу ажойиб гумбурлаши Жюльенни ортиқ ҳаяжонлантирмасди, у энди Наполеон ҳақида ҳам, ҳарбий шоп-шуҳрат тўғрисида ҳам ўйламай қўйганди. «Ўзи ёшгина-ю, — дея ўйларди у, — Агданинг епископи бўлиб олибди. Бу Агданинг ўзи қаердайкин? Айтгандай, у қанча маош оларкин? Чамаси, икки юз, уч юз минг франк олса керак ўзиям».

Ҳазратнинг хизматкорлари серҳашам тахтиравон олиб киришди; жаноб Шелан унинг дастларидан бирини ушлади, лекин аслида уни Жюльен кўтариб борарди, албатта. Епископ тахтиравоннинг соясига ўтди. Буни қандай уддалаганини билмаймиз, лекин у чипдан ҳам кекса бўлиб кўринарди; қаҳрамонимиз унга бениҳой қойил қолганди. «Маҳорат ва айёрлик билан истаган нарсага эришса бўлади», — дея ўйлади у.

¹ П р е л а т — католик черковида юқори мансабли руҳоний (*тарж.*).

Черковга қирол кириб келди. Жюльен уни ўзидан бир неча қадам нарида кўриш шарафига муясар бўлди. Епископ овозини аъло ҳазратларининг кўнглига гоятда хуш ёқадиган даражада титратиб таптанавор нутқ айтди-да, қиролни табриклади. Брей-ле-Одаги барча маросимлар тасвирини такрорлаб ўтирмаймиз, — департаментимиздаги барча газеталар икки ҳафта давомида фақат шу тўғрисида ёзишди. Епископнинг нутқидан Жюльен қиролнинг Карл Шерюрак авлоди экаплигини билиб олди. Орадан кўп вақт ўтгач, Жюльенга, хизмат юзасидан, ана шу маросимга сарфланган маблағни текшириб кўришга тўғри келди. Ўз жиянига епископлик нишони олиб берган жаноб де ля Моль унга меҳрибонлик кўрсатиб, барча сарф-харажатни ўз зиммасига олган экан. Фақат Брей-ле-Одаги маросимнинг ўзи унга уч минг саккиз юз франкка тушибди.

Епископнинг нутқи ва қиролнинг жавобидан сўнг аъло ҳазрат тахтиравоннинг ичига қирди; сўнгра у бениҳоя художўйлик билан меҳробнинг шундоқ ёнгинасидаги ёстиқчага тиз чўкди. Клироснинг ¹ атрофида полдан икки поғона юқорида қатор-қатор креслолар қўйилганди. Жюльен гўё Римдаги сикстин капелласида, ўз кардинали олдида ўтирган мулозим сингари пастки поғонада, жаноб Шеланнинг оёғи ёнида жойлашиб олганди. Шундан сўнг қисқагина ибодат маросими бўлди — ҳаммаёқни бухўрнинг тутуни, замбарак ва мушкетларнинг олатасири тутиб кетганди. Теварак-атрофдаги барча мўмин одамлар шод-хуррамликдан маст эдилар. Шундай бир куннинг ўзи яқобинчи газеталарнинг юзлаб сонисидаги тарғиботни чиппакка чиқариши турган гап эди.

Қиролдан олти қадамча нарида жойлашган Жюльен унинг чиндан ҳам астойдил ибодат қилаётганини кўриб турарди. Шу пайт у биринчи марта бўйи унча баланд бўлмаган ўткир нигоҳли одамни кўриб қолди; унинг кийимида деярли зардўзи йўқ эди. Бироқ ана шу жуда сипо кийим устидан кўксига елкаси оша боғланган зангори лента яққол кўзга ташланарди. Бу одам қиролга Жюльеннинг таъбири билан айтганда, ҳамма ёғи зардўзи бўлганидан ҳатто мовути ҳам кўринмайдиган мундир кийган кўпгина аркони давлатларга қараганда яқинроқ турарди. Бир неча минутдан сўнг йиғит бу одамнинг

¹ К л и р о с — черков меҳробининг икки тарафида куйловчилар турадиган махсус жой (*тарж.*).

жаноб де ля Моль эканлигини билиб олди. Жюльенга у димоғдор ва ҳатто такабурдай туюлди.

«Анави хушрўйгина епископга ўхшаб хушмуомала бўлиш бу маркизининг қўлидан келмаса керак, — дея дилидан ўтказди у. — Эҳ! Рухонийлик унвони зўр куч-да: у инсонни мулойим ва доно қилиб қўяди. Лекин қирол бу ерга хокни зиёрат қилгани келган-ку, мен эса ҳеч қандай хокни кўрмайман. Бу авлиё Климент деганлари қаердайкин?»

Енида турган ёшгина хизматкор Жюльенга муқаддас хок шу бионинг энг тепасига, Алангали Мезанага қўйилганини айтди.

«Алангали Мезана дегани нимаси бўлди?» — дея ўйлади Жюльен. Бироқ у ҳозир ҳеч нима сўрашни истамасди. У зўр диққат-эътибор билан кўз ўнгида ўтаётган маросимни кузата бошлади.

Монастирга аъло ҳазратлардан биронтаси ташриф буюрганида этикет каноникларга епископни мўътабар меҳмон билан ёлғиз қолдирмоқни тақозо этади. Бироқ Агда епископи, тепага кўтарилар экан, аббат Шеланга ўзи билан бирга чиқишни таклиф қилди. Жюльен эса устози ортидан чиқишга журъат этди.

Улар жуда баланд зинапоядан юқори кўтарилиб, кичкинагина эшикча олдида тўхташди. Эшикчанинг чорчўпига бошдан-оёқ зарҳал қопланган эди. Чамаси, бу иш кечагина қилинган кўринарди.

Эшикчанинг шундоқ олдида Веррьернинг энг асилзода оилаларидан бўлган йигирма тўрт қиз тиз чўкиб турарди. Эшикчи очишдан аввал епископнинг ўзи ҳам барчаси кўҳликкина бўлган бу қизларнинг ўртасида тиз чўкди. У баланд овоз билан ибодат қилар экан, қизларнинг бари унинг ажойиб тўр ридоси, савлатли қадди-қомати, навқирон ва мулойим чехрасига қараб тўймагандек, ундан кўзларини узмай туришди. Бу манзара қаҳрамонимизнинг ақлидан заррача ном-нишон қолдирмади. Шу тобда у инквизиция учун сидқидилдан жангга киришга тайёр эди. Эшикча бирдан очилиб кетди. Шунда ҳозир бўлган одамларнинг кўз ўнгида мўъжазгина бутхона намоён бўлди. Унинг ичини аланга қоплагандек туюларди. Бутхона меҳробида мингга яқин шам ёқиб қўйилганди. Шамлар саккиз қатор терилган бўлиб, қаторларни бир-биридан ажойиб гулдасталар ажратиб турарди. Соф бухўрнинг муаттар ҳиди ибодатхонанинг эшигидан нага-нага бўлиб чиқмоқда эди. Бутхона жуда кичкина эди-ю, бироқ бошдан-оёқ янгида зарҳал

югуртилган деворларнинг тепаси кўринмайдигандек туюларди. Жюльеннинг чамасида меҳробдаги баъзи шамларнинг бўйи уч-тўрт қулоч келарди. Қизлар бундай ажойиботни кўриб, беихтиёр қичқириб юборишди. Бутхонанинг кичкина даҳлизига фақат ана шу йигирма тўрт қиз, икки руҳоний ва Жюльенларгина киритилган эди.

Тезда қирол ҳам юқори кўтарилди. Унинг ёнида фақат жаноб де ля Моль билан биринчи камергери бор эди. Ҳатто унинг шахсий соқчилари ҳам ташқарида, қиличларини яланғочлаб тиз чўккан ҳолда қолишган эди.

Аъло ҳазрат олдида турган бахмал ёстиққа шитоб билан тиз чўкди. Зарҳал қопланган эшикка қисиб кўйилган Жюльен фақат ана шундан кейингина қизчалардан бирининг яланғоч елкаси оша авлиё Климентнинг ажойиб ҳайкалини кўра олди. Авлиё меҳробнинг тўрида, рим аскарари либосида ётарди. Унинг бўйнида катта жароҳат қорайиб кўринар ва ундан қон сизиб чиқаётгандек туюлар эди. Ҳайкалтарош уни зўр маҳорат билан ишлабди: авлиёнинг сўниб бораётган хиёл юмуқ кўзлари қандайдир илоҳий маънога тўла бўлиб, эндигина сабза ураётган мўйлови гўё шивирлаб дуо ўқиётгандек бир оз очик лабларига соя ташлаб турарди. Бу манзарани кўриб, қаҳрамонимизнинг ёнида турган ёшгина қизча йиғлаб юборган эди, бир томчи кўз ёши тўғри Жюльеннинг қўлига томди.

Қирқ чақиримча атрофидаги барча қишлоқларда бонг ураётган кўнгироқларнинг узоқ акс-садосигина бузиб турган илоҳий бир сукунатда ибодат қилиб бўлгач, Агда епископи қиролдан нутқ ирод этиш учун ижозат сўради. У қисқа, аммо жуда таъсирли хутбасини тингловчиларнинг қалбини ларзага солган оддийгина сўзлар билан тугатди.

— Ёш христиан қизлари, сиз ҳозир соҳибқироннинг қодир худога хизмат этгучи руҳоний олдида тиз чўккан ҳолда кўрганингизни абадулабад унутмағайсиз. Тангринг қуллари бу заминда ожиздурлар ва таъқиб этилурулар. Улар кунлари битганда азоб чекиб ўладурлар, бунини сиз авлиё Климентнинг шу кунга қадар қон оқиб турган жароҳатидан ҳам кўриб турибсиз, аммо улар дорилқазода тантана қилгайлар. Шундай экан, о, ёш христиан қизлари, бу кун хотирасини сиз умрбод қалбингизда сақлағайсиз ва мункирдан нафратлангайсиз! Сиз қудратли, қаҳрли ва шу билан бирга сершафқат парвардигорга абадий содиқ қолгайсиз!

Шу сўзларни айтгач, епископ улўғвор бир ҳаракат билан ўрнидан турди.

— Шу ҳақда қасамёд қилгаймисиз?! — дея хитоб қилди у қўлларини юқори чўзиб.

— Қасамёд қилгаймиз! — дейишди қизлар хўнг-хўнг йиғлашар экан.

— Қасамингизни қодир худо номи ила қабул этгаймен, — деди епископ хулоса қиларкан овозини гулдуратиб. Шу билан маросим тугади.

Қиролнинг ўзи ҳам йиғламоқда эди. Орадан анча вақт ўтиб, Жюльен ўзини бирмунча босиб олгандан кейингина у Римдан Бургундия герцоги Филипп Раҳмдилга юборилган авлиёнинг суяклари қаерга қўйилганини сўради. Унга суяклар ана шу ажойиб мум ҳайкал ичига жойлаб қўйилганлигини тушуштиришди.

Қирол ҳазратлари бутхонага боришда унга ҳамроҳ бўлган барча асилзода қизларга «Мункирдан нафратланман. Умрбод таъзим этгайман» деган сўзлар ёзилган қизил лента тақиб юришга ижозат этишни лозим топди.

Жаноб де ля Моль деҳқонларга ўн минг шиша вино тарқатиш тўғрисида фармойиш берди. Кечқурун Веррьерда эса либераллар ўз уйларида роялистларга қараганда юз чандон яхшироқ иллюминация қилдилар. Жўнаб кетиш олдидан қирол жаноб де Муаронинг уйига ташриф буюриб, уни бахтиёр этди.

XIX

Ўйламоқ — демак, азоб чекмоқ

Оддий бўлмаган туйғулар кундалик воқеаларнинг мутаассиблигида эътиросларнинг чинакам бахтсизлигини тўғиб қўяди.

Барнае

Жаноб де ля Молга ажратилган хонадаги жиҳозларни жой-жойига қўя туриб Жюльен тўрт букланган бир варақ қалин қоғозни тониб олди. Қоғознинг биринчи саҳифасида у «Қирол орденлари ва ҳоказо, ва ҳоказо мукофотларнинг кавалери, Франция пэри, шавкатли маркиз жаноб де ля Молга» деган ёзувни ўқиди.

Бу идиш-товоқ ювувчи хотининки каби қинғир-қий-шиқ хат билан ёзилган илтимоснома эди:

«Жаноб маркиз!

Мен, умрим бино бўлибдики, тавфиқ билан яшаб келаётган мўмин бир одамман. Касофатли 93-йилдаги Лион қамалида бомба тагида қолганман. Илоҳий сирлардан воқиф бўлиб тураман ва ҳар якшанба пешин пайти қав-мимиз черковига бориб ибодат қиламан. Ҳеч қачон муқад-дас насхани бузган эмасман, ҳатто лаънати 93-йилда ҳам. Уйимдаги ошпаз хотин, — революцияга қадар менинг хизматкорларим кўп эди, — уйимдаги ошпаз хотин ҳар жума кун гўштсиз овқат тайёрлайди. Веррьерда ҳам барча мени ҳурмат қилади ва журъат этиб айтаманки, ҳақли равишда. Санам юриши пайтида эса шундоқ тахтиравоннинг олдида, жаноб кюре билан жаноб мэри-нинг ёнида бораман. Алоҳида бирор воқеа бўлганида эса черковимизга шам олиб бораман. Одатда ўз ҳисобимдан энг йўғонини сотиб оламан. Шу гапларнинг бари ҳақида ёзма гувоҳномаларим бор, улар Парижда молия министрлигида сақланади. Сиздан шуни илтимос қил-гайманким, Веррьердаги лотерея маҳкамаси нозирли-гини менга топширсангиз, чунки яқинда у бари бир нозирсиз қолади, ҳозиргисининг аҳволи чатоқ, ўлим тўшагида ётипти, ишнайкейин, сўнгги сайловларда но-тўғри овоз берган ва ҳоказо.

де Шолен».

Ушбу илтимосноманинг ҳошиясига де Муаронинг имзо-си қўйилган тавсия хати ёзилган бўлиб, у шундай сўзлар билан бошланарди:

«Кеча мана шу илтимосгўйининг ишончли одам эканли-гини хабар қилиш шароитига муяссар бўлгон эдим...» ва ҳоказо.

«Гап бу ёқда дег, — хаёлидан ўтказди Жюль-ен, — ҳатто ана шу зеҳни пўстак Шолен ҳам менга қан-дай йўлдан боришни кўрсатишти».

Қиролнинг Веррьерга таъриф буюрганидан буён ора-дан бир ҳафта ўтди. Навбатма-навбат — қиролнинг ўзи, Агда епископи, маркиз де ля Моль, ўн минг шиша вино ва ўшанда отдан йиқилгач, фақат бир ойдан кейинги-на орден олиш умидида уйдан сурғалиб чиққан бечора Муаро мавзу бўлган ҳисобсиз ёлгон гаплар, бемаъни олди-қочдилар ва аҳмоқона гийбатлар бирин-сирин уну-тилди-ю, бироқ дурадгорнинг ўгли, анави Жюльен Сорелни

қандай сурбетлик билан фахрий қоровул сафига тикши-тириб киритилгани тўғрисидаги мишмишлар тўхтамади. Кафеда ўтириб олиб, эрталабдан кечгача тенглик ҳақида оғиз кўпиртирадиган бадавлат мануфактурачиларнинг бу хусусдаги гапларини бир эшитсангиз эди. Бу беъмани иш анави димоғдор де Реналь хонимдан чиққан! Бунга уни нима мажбур қилди, дейсизми? Нима бўларди — ўша муллавачча Сорелининг чиройли кўзлари-ю, хушрўй чехраси-да.

Жаноб де Реналнинг хонадони яна Вержигга қайт-ганидан сўнг орадан кўн ўтмай болаларнинг кенжаси Станислав-Ксавье касал бўлиб қолди. Шундан сўнг бир-дан де Реналь хонимнинг виждони қаттиқ азоблана бошлади. У дилидаги эҳтиром учун биринчи марта ўзини изчил ва бешафқат равишда ёзғиришга тутинди; гўё мўъжиза содир бўлиб, хоним муҳаббат уни қандай дах-шатли гуноҳга ботирганини яққол кўргандек эди. Ўзи-нинг гоятда художўй бўлишига қарамай, таңгри олдида қилган гуноҳининг қанчалик катта эканлиги ҳақида у шу пайтга қадар ўйлаб кўрмаган эди.

Бир вақтлар Исо Қалби монастирида унинг қалби худога бўлган чексиз севги билан ёнарди. Энди эса у таңгридан худди ана шундай чексиз кўрқа бошлаганди. Унинг қалбини пора-пора қилаётган бир-бирига зид туйғулар шуниси билан дахшатли эдики, хонимнинг дилидаги кўрқув ақл-идрокига тамомила бўйсунмай кўй-ган эди. Жюльен ҳар қандай ақлли панд-насихат хонимни тинчйтиш ўрнига, аксинча, унинг зардасини қайнатаёт-ганини англаб қолди, чунки бу гаплар унга иблиснинг васвасаси бўлиб туюларди. Бироқ Жюльеннинг ўзи ҳам кичкина Станиславни жуда яхши кўрар, хоним эса бола-сининг дарди ҳақида фақат у билан гаплаша олар эди: Станиславнинг аҳволи кундан-кун оғирлашиб борарди. Де Реналь хоним тинимсиз тавба-газаррудан қий-налиб, тунлари мижага қоқмай чиқарди; у кун бўйи қово-гини солганича чурқ этиб оғиз очмай ўтирар, мабодо оғиз очгудек бўлса, шу заҳоти таңгри олдида ҳам, одам-лар олдида ҳам ўз гуноҳига иқроп бўлиши турган гап эди.

— Ўтинаман сиздан, — дерди унга Жюльен улар ёлғиз қолган кезлари, — ҳеч ким билан гаплашманг. Сиз чека-ётган азобларни ёлғиз мен билай. Агар мени ҳалиям сал севсангиз, чурқ этиб оғиз очманг, сизнинг иқрорингиз билан ўғлингиз Станислав тузалиб қолмайди.

Бирок унинг панд-насихатлари хонимга таъсир қилмасди, у де Реналь хоним, худонинг газабини қўзгатдим, энди унинг раҳм-шафқатига сазовор бўлмоқ учун ё Жюльендан нафратланмоғим, ёхуд ўғлимдан жудо бўлмоғим лозим, деган фикрни миясига қуйиб олганидан беҳабар эди. Худди ана шу ўйнашидан нафратланишга ожиз бўлгани учун ҳам аёл ўзини шу қадар бахтсиз хис этарди.

— Мени ўз ҳолимга қўйинг, — деди у бир кун и Жюльенга. — Худо ҳаққи, ўтинаман сиздан, бизнинг уйдан кетинг: сиз шу ерда мен билан бирга бўлганингиз учун ҳам ўғлим ҳалок бўляпти.

— Тангри мени жазоляпти, — дея қўшимча қилди у овозини пасайтириб. — Унинг қаҳрига учрадим, худонинг иродаси вожиб бўлғай. Мен даҳшатли гуноҳ қилдим, тавба қилиш ҳатто хаёлимга ҳам келмади. Ахир бу — худо мендан юз ўгирганининг биринчи нишони-ку, энди мен икки қатла жазоланмоғим лозим.

Жюльеннинг қалби ларзага келди. Йигит буларнинг бари мунофиқлик, шунчаки баландпарвоз гаплар эмаслигини яхши тушунарди. «У менга бўлган муҳаббати туйфайли ўғлини ҳалок этаётганига чиндан ҳам ишонади ва шу билан бирга, бечора, мени ўғлига қараганда кўпроқ севади. Шу боисдан ҳам, — энди бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ, — виждон азобидан юраги тилка-пора бўляпти, ҳақиқий юксак туйғу деб шуни айтсалар керак-да. Фақат бир нарсага ҳайронман, у мендек камбағал, яхши тарбия кўрмаган, илмсиз ва кўп ўринларда тўпори бир одамнинг нимасини шу қадар севиб қолдйкин?»

Бир куни кечаси боланинг аҳволи жуда огирлашиб қолди. Соат иккиларга яқин жаноб де Реналь уни кўргани кирди. Иситманинг зўридан алангада алаҳсираб ётган бола отасини танимади. Де Реналь хоним бирдан эрининг оёғига йиқилди. Жюльен ҳозир у бор гапни эрига айтиб, ўзини жувоцмарг қилажagini тушунди.

Уларнинг бахтига хонимнинг бундай бемаъни ҳаракатидан жаноб де Реналнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Бўйти, саломат бўл! — деди у эшик томон йўналар экан.

— Йўқ! Сен менинг гапимни эшит! — дея қичқирди хоним тиз чўкканича, уни тўхтатиб қолишга уриниб. — Сен ҳақиқатни билмоғинг керак. Билиб қўй, ўғлимни ўзим ўлдирияпман. Унга ҳаёт бахш этгандим, энди ўзим уни қайтариб оляпман. Фалак мени жазоляпти! Тангри олдида гуноҳ қилдим, мен қотилман!

Мен ўзимни ўзим бадном этмоғим, сазойи қилмоғим лозим, — эҳтимол шундай қилсам яратганнинг раҳми келар.

Агар жаноб де Ренальнинг хиёл фаҳм-фаросати бўлганида эди, у ҳамма гапни тушунган бўларди.

— Кўкнорихаёл гапларингни қўй! — дея хитоб қилди у тиззасидан ушламоқчи бўлган хотинини четлатар экан. — Кўкнорихаёл буларнинг бари! Сиз, Жюльен, эртага эрталаб доктор чақиринг, — шундай дея у ухлагани жўнади. Де Реналь хоним деярли ҳушидан кетиб полга қулади-ю, бироқ уни тутиб қолмоқчи бўлган Жюльеннинг қўлини талваса ичида итариб ташлади.

«Мана эрига хиёнат қилган хотиннинг гуноҳи, — дея ўйлади Жюльен. — Аnavи муттаҳам поплар ҳақ деган гап ақлга тўғри келадими ахир? Наҳотки бошдан-оёқ гуноҳга ботган бу кишилар гуноҳнинг аслида нима эканлигини билишса?.. Йўқ, ақл бовар қилмайди бу гапга!»

Жаноб де Реналь хонадан чиқиб кетганидан буён орадан йигирма минутча вақт ўтди. Ана шу пайт ичида Жюльен ўзи севадиган аёлнинг тиз чўкиб, бошини ўғлининг тўшагига юзтубан қўйганича худди ҳушидан кетган одамдек қимир этмай турганини кўрди. «Мана буни ҳақиқий аёл деса арзийди, — дея ўйларди у. — Ҳозир у бутунлай умидсизликка тушган. У фақат мени севгани учун шу аҳволга тушди.

Вақт аста-секин ўтиб борапти. Унга қандай фойдам тегиши мумкин? Бир қарорга келиш керак. Энди гап менда ҳам эмас. Одамлар билан, уларнинг фиқ-фасоди билан нима ишим бор? Лекин унга қандай ёрдам берсам экан?.. Уни ташлаб кетайми?.. У ҳолда боёқиш бошига тушган кулфати билан ёлғиз ўзи қолади-ку. Аnavи тўнка эрининг зиёни тегса тегадик, фойдаси тегмайди. У ўзининг разил табиатига кўра хотинига бирор дағал гап айтишдан ҳам тоймайди. Боёқиш ақлдан озиши, ўзини деразадан ташлаши мумкин ахир!

Агар уни ёлғиз қолдирсам, қўриқламай қўйсам, эрига бор гапни айтиб, иқрор бўлади. Ким билади, у тўнка ўзини қандай тутаркин? Бирдан, бўлажак меросга ҳам қарамай, жанжал кўтариши мумкин. Хоним яна қилган гуноҳи ҳақида, — ё парвардигор, — аnavи разил аббат Маслонга ҳам иқрор бўлиши мумкин; у шундоқ ҳам олти яшар боланинг касаллигини баҳона қилиб, бу ерга танда қўйиб қолди. Турган гап, бежиз қатнаётгани йўқ. Хоним шу қадар умидсизликка тушган, худонинг қаҳридан шу қадар кўрқиб қолганки, аббатнинг қанақа одам эканли-

гини унутиб ҳам қўйган, — ҳозир бу одам унинг учун руҳоний холос».

— Чиқиб кет бу ердан, — деди кутилмаганда де Реналь хоним кўзларини очиб.

— Эҳ, сенга қандай ёрдам бермоқни билиш учун минг марта жонимни фидо қилган бўлардим! — дея жавоб берди Жюльен. — Сени ҳеч қачон шундай севмаган эдим, фариштам, ёки тўғрироғи, сени ҳозиргина чинакамига сева бошладим. Сендан йироқда аҳволим не кечади ахир, боз устига мени деб бахтсиз бўлганингни ўйлай-вериб ақлдан озмайманми! Менинг пэтиробларимни гапирмай ҳам қўя қолайлик. Хўп, мен кетаман, кетаман, кетаман, севгилим! Лекин эринг билан сенинг ўртагнда туриб, сени кўриқламай қўйсам, мен чиқиб кетишим биланоқ ҳамма гапни унга айтиб берасан — у ҳолда ҳалок бўлдим, деявер. Ўзинг ўйлаб кўр, ахир у сени уйдан шарманда қилиб қувади, бу машмаша бутун Веррьер, бутун Безансоннинг оғзидан тушмай қолади. Бор мағзавани бошингга тўкишади, бундай шармандалиқдан сўнг ҳеч қачон қаддингни тиклай олмайсан.

— Ўзим ҳам худди шуни истаяпман! — дея хитоб қилди аёл шартта ўрнидан турар экан. — Майли, азоб чекаман, менга бу ҳам кам!

— Лекин бундай шармандалиқ ўғлингни ҳам бахтсиз қилади ахир.

— Йўқ, ёлғиз ўзим шармисор бўламан, ҳаммасини бўйнимга оламан, майли, мени ҳақорат қилишсин, қаро ерга қоришсин, эҳтимол шундан сўнг ўғлим омон қолар. Шарманда бўлсам, одамларнинг кўз ўнгида ўзимни жувонмарг қилсам, сазойи бўлганим шу эмасми?! Ноқис ақлим билан тушунимча, тангри йўлига қилишим мумкин бўлган энг катта қурбонлик шу эмасми ахир?.. Шундан кейин у раҳм қилиб, менинг бу хўрлигимни қурбонлик ўрнида қабул этар ва ўғлимга шифо берар. Агар бундан ҳам каттароқ қурбонлик бўлса, айт — уни ҳам бажо келтираман.

— Ундан кўра мен ўзимни жазолаб қўя қолай. Ахир мен ҳам айбдорман-ку, мен ҳам! Истайсанми, тарки дунё қиламан. Бу зоҳидларча ҳаёт, эҳтимол, худонинг раҳмини келтирар. Ё нарвардигор! Станиславнинг дардини менга берсанг бўлмасмиди...

— Ах! Сен уни яхши кўрасанми ҳали! — дея қичқириб юборди де Реналь хоним унинг қучоғига отилар экан.

Бироқ у шу заҳоти даҳшатга тушиб, йигитни ўздан нарига итарди.

— Ишонаман, сенга ишонаман! — деди у инграб яна тиззасинга йиқилар экан. — Сен менинг ягона дўстимсан! Нега энди Стапиславнинг отаси сен эмассан-а! Шунда сени ўглимдан ҳам кўпроқ севганим бу қадар даҳшатли гуноҳ бўлмасди.

— Ёнингда бўлишга иккунат бер ва мен шу дақиқадан бошлаб сени фақат укамг сифатида севадиган бўлай. Шу тариқа бир оз бўлса-да, гуноҳимизни юваниз, — эҳтимол, шундан сўнг худонинг раҳми келар.

— Мен-чи? — дея қичқириб юборди хоним ўрнидан сакраб туриб, икки қўли билан Жюльеннинг бошини ушлаганича уни ўзидан хиёл четлатиб, кўзларига тикилар экан. — Мен нима қилай? Мен сени биродарим сифатида сева оламанми? Сени укам сифатида севиш қўлимдан келармикин?

Жюльеннинг кўзларидан дув-дув ёш оқмоқда эди.

— Майли, сен нима десанг — шу! — деди у аёлниг оёғига йиқилар экан. — фақат нима қилишим кераклигини айт! Ҳаммасини бажо келтираман, бошқа чорам йўқ энди. Эс-хушимни йўқотганимдан не қиларимни билмай қолдим. Агар кетсам — сен бор гапни эрингга айтиб берасану ўзингни абгор қиласан, сен билан бирга эринг ҳам тамом бўлади. Бундай шармандалиқдан кейин у ҳеч қачон депутат бўла олмайди. Агар ёнингда қолсам — шу одам туфайли ўғлим ҳалок бўлди, деб ўйлайсан ва фарзанд доғига чидаёлмай ўзинг ҳам нобуд бўласан. Майли, ҳўп десанг, бир уриниб кўрайлик. — мен кетаман. Гуноҳимиз учун мен ўзимни жазолашимни ва сени бир ҳафтага тарк этишимни истайсанми? Сен қаерга десанг, ўша ерга бораман. Хоҳласанг, Брей-ле-О монастирига кетишим мумкин. Лекин мен йўғимда эрингга ҳеч қандай гап айтмасликка оинг ич. Ўзинг ўйлаб кўр: агар унга бор гапни айтсанг, менинг бу ерга қайтиб келишим мумкин бўлмай қолади.

Аёл ваъда берди. Шундан сўнг Жюльен уйини тарк этди, бироқ орадан икки кун ҳам ўтмай хоним уни чақиртириб олди.

— Сен бўлмасанг ичган қасамим устидан чиқолмайманми, деб кўрқаман. Агар сен ёнимда бўлмасанг, агар нигоҳинг билан, сукут сақла, дея мудом буюриб турмасанг, бор гапни эримга айтиб қўяман. Бу гурбатнинг ҳар бир соати менга бир кундек туюляпти.

Ниҳоят, боёқиш онага фалакнинг раҳми келди. Стапислав аста-секин соғая бошлади. Бироқ энди хонимнинг ороми йўқолганди, у қилган гуноҳининг нақадар

дахшатли эканини ва илгариги руҳий осойишталик уни бутунлай тарк этганини яхши тушунарди. Виждон азоби унинг дилига ўрнашиб олди ва у фақат энди юраги тоза одам учун муқаррар бўлган моҳиятини касб этди. Ҳаёт де Реналь хоним учун энди гоҳ жаннат, гоҳ дўзах бўлиб туюларди. У Жюльенни кўрмаган пайтлари жаҳаннамга тушиб қолгандек бўлар, йигитнинг оёғига бош урганида эса, ўзини жаннатда кўрар эди. «Мен энди ҳеч борада ўзимни алдаётганим йўқ, — дерди у Жюльенга ҳатто бутун юраги билан ишқ-муҳаббатга берилган пайтларда ҳам. — Биламан, мен ҳалок бўлган одамман, менга шафқат йўқ энди. Сен ёш боласан, сен васвасага учдинг холос, сени йўлдан урдим. Сени худо кечирishi мумкин, мен эса энди бир умр лаънатга қолдим. Буни аниқ биламан: чунки мен кўрқяпман — ўз олдида дўзахни кўрса ким ҳам кўрқмайди дейсан? Лекин аслида ҳатто афсусланаётганим ҳам йўқ. Агар ҳаммаси қайтадан такрорланганида ҳам мен яна шу гуноҳни қилган бўлардим. Ишқилиб, яратган парвардигор бу дунёда мени болаларим орқали жазоламаса бўлди — шунгаям шукур қиламан. Лекин ҳеч бўлмаса сен, менинг Жюльеним, — дея хитоб қиларди у бошқа бир дақиқада, — айт-чи менга, бахтлимисан ишқилиб? Сени қандай севишимни сезяпсанми?»

Худди шундай фидоий севгига муҳтож бўлган Жюльеннинг кибр-ҳавоси ва ҳадиксирашга мойил бўлган табиати деярли ҳар дақиқа очиқ-ойдин намён бўлаётган бундай буюк хокисорлик олдида дош бера олмади. У энди де Реналь хоним олдида сажда қилишга ҳам тайёр эди. «У асилзода хоним, мен эса оддий бир қосибнинг ўғлиман, лекин у мени севади... Йўқ, у мени шунчаки кўнгилхуши учун ўйнаш қилиб олганига малай деб ҳисобламайди». Дилидаги ана шу ҳадикдан қутулиб олгач, Жюльен муҳаббатнинг бутун тейбаликлари, унинг барча шубҳаю гумонларини яхши ҳис этадиган бўлиб қолди.

— Азизим! — дерди унга хоним йигитнинг баъзан унинг севгисига шубҳалана бошлаганини фаҳмлагач. — Айрилишимизга жуда оз қолди. Мен ҳеч бўлмаса бирга ўтказишимиз мумкин бўлган ана шу озгина вақт ичида сени бахтиёр қилишни истайман. Шонидайлик, жонгинам, эҳтимол эртага бирга бўлиш насиб қилмас. Агар фалак мени болаларим орқали жазолайдиган бўлса, у ҳолда менинг гуноҳим учун улар побуд бўлаётганини ўйламай, фақат сени севиш учун яшанга қанча уримайини, бари бир бу иш қўлимдан келмайди — мен ақддан озаман. Ах, қани энди, ўшанда сен боёқини Станиславнинг дардини

Ўзингга олишни истаганингдек, мен ҳам сенинг гуноҳингни ўз зиммамга ола билсам!

Рухий ҳолатидаги бу кескин бурилиш Жюльеннинг ўз маъшуқасига бўлган туйғусининг ўзини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Энди унинг муҳаббати гўзалликдан завқланиш-у шундай ажойиб маъшуқага эга бўлишдан фахрланиш туйғусидангина иборат эмасди.

Шу кундан эътиборан толе уларга янада кулиб боқди, дилларидаги аламга эса янада кучлироқ ёна бошлади. Гўё уларни қандайдир бир телбалик чулғаб олгандай эди. Четдан қараганда эҳтимол улар жуда бахтлидек туюларди, бироқ энди улар севгиларининг биринчи палласидаги ором, қувонч ва хузур-ҳаловатларини йўқотиб қўйишганди. Ушайда де Реналь хонимни фақат бир нарса — Жюльен мени чинакамига севармикин, деган фикр ташвишга соларди. Энди бўлса уларнинг бахти кўнинча жиноятга ўхшаб кетарди.

Баъзан энг бахтли, энг ҳаловатли дақиқаларда де Реналь хоним бирдан:

— Ё парвардигор! Мана у жаҳаннам, мен уни кўряман! — дея қичқириб юборар ва талваса ичида Жюльеннинг қўлларини маҳкам қисарди. — Ё тапгрим, ахир бу дўзах азоби-ку! Лекин мен шунга муносибман! — Шундай дея аёл Жюльенни қаттиқ бағрига босар ва деворга чирмашиб ўсган печакгулдек унга ёпишганича жимиб қоларди.

Жюльен, бу безовта қалбни юпатаман, деб беҳуда овора бўларди. Хоним унинг қўлларини ушлаб, кетма-кет ўнardi-ю, бироқ орадан бир дақиқа ўтмай яна сумрайганича қотиб қоларди.

— Жаҳаннам, — дерди у, — жаҳаннам мен учун худонинг марҳамати деган гап: демак, яна бир неча кунни ёруғ дунёда у билан бирга ўтказган бўламан... Аммо тирикликимдаги жаҳаннам, бу — болаларимнинг ўлими... Лекин, эҳтимол, шундай қурбон эвазига гуноҳларимдан фориғ бўларман. Эй худо, бундай даҳшатдан ўзинг сақлагайсан! Бечора норасидаларда не гуноҳ, парвардигор! Ёлғиз мен айбдорман олдинда! Ҳамма айб ўзимда — мен эрим бўлмаган одамни севиб қолдим.

Баъзан, Жюльеннинг назарида, де Реналь хоним бир оз тинчиб қолгандек туюларди. Аёл ўзи бениҳоя севадиган одамнинг ҳаётини заҳарламаслик учун ўзини босишга ҳаракат қиларди.

Вақт ана шундай бир-бирига зид бўлган севги туйғулари, қувонч ва изтироблар билан яшш тезлигида

ўтиб бормоқда эди. Жюльен эди узоқ ҳаёл суриш одатини мутлақо тарк этганди.

Кушлардан бирида суддаги тортишувчи иши бўйича Веррьерга борган оқсоч қиз Элиза у ерда жаноб Валенога дуч келиб қолди. У билан суҳбатлаша туриб, қиз унинг Жюльендан жуда даргазаб эканлигини фаҳмлади. Унинг ўзи ҳам энди тарбиячинини жуда ёмон кўрар ва тез-тез жаноб Валено билан унинг гийбатини қилиб турарди.

— Агар сизга бор гапни айтсам, афандим, ўзимга ёмон бўлади... — деди у жаноб Валенога. — Бой бойга боқар, деганларидек, иш жиддий тус олганида хўжайинлар доим бир-бирларининг ёнини олишади... Бечора хизматкор бирор гапни оғзидан гуллаб қўйса борми, уни сира кечиршмайди...

Ана шу оддийгина муқаддимадан сўнг, синч-ковликдан бегоҳат бўлган жаноб Валено, тезроқ гапнинг пўскалласини айт, дея қисталанг қилавергач, оқсоч қиз унинг иззат-нафсига оғир ботадиган баъзи парсаларни айтиб берди.

Жаноб Валено олти йил давомида, минг афсуски, барчанинг кўз ўнгиде парвона бўлиб келган бу хоним шаҳардаги энг гўзал аёл, ўзининг истехзоли муомаласи билан уни шолғомдек қизаришга мажбур этадиган бу калондимок фаришта, буни қараинки, келиб-келиб тарбиячиликка кўтарилган анави косиббаччани ўзига ўйнаш қилиб олибди! Етимхона директори жанобларига бу ҳақорат ҳам етишмагандек, де Реналь хоним маълум бўлишича, ўз ўйнашини қаттиқ севар экан.

— Ростини айтсам, — деди оғир хўрсиниб оқсоч қиз, — жаноб Жюльен бунга эришмоқ учун мутлақо ҳаракат қилгани ҳам йўқ; у бекамизга ҳам эл қатори совуққина муомала қиларди.

Элиза бунга фақат Вержида тамоман ишонч ҳосил қилибди, лекин унинг фикрича, бу севги можароси анчадан буён давом этиб келаётганми.

— Ўшанда жаноб Жюльеннинг менга уйланишдан бош тортишига худди ана шу сабаб бўлган, албатта, — дея қўшимча қилди у алам билан. — Мен аҳмоқ бўлсам, де Реналь хонимдан маслаҳат сўраб, у кишидан тарбиячи билан гаплашиб кўришни илтимос қилиб юрибман.

Ўша кунгек кеқурун жаноб де Реналь шаҳардан ўзи ёзилган газетаси билан бирга уйда содир бўлаётган воқеалар батафсил баён этилган имзосиз мактуб ҳам олди. Жюльен жаноб де Реналнинг кўкимтир қогозга ёзилган бу мактубни ўқиб туриб, бирдан оқариб кетганини ва ўзига

бир неча бор қаҳр билан қараб қўйганини сезиб қолди... Бутун кеча давомида жапоб мэрнинг нимадандир таъби тирриқ бўлиб юрди; Жюльеннинг унга Бургундиядаги энг асилзода оилаларнинг шажараси ҳақида сўраб қилган хушомадлари ҳам фойда бермади.

XX

Илзосиз мактублар

Do not give dailiance
Too much the rein; the
strongest oaths are straw
To the fire i'the blood.

Tempest ¹

Улар ярим кечага яқин хона-хоналарига тарқалишар экан, Жюльен пайт пойлаб туриб, маъшуқасининг қулогига шивирлади:

— Бугун учрашишимиз мумкин эмас, эрингизда шубҳа туғилган; имоним комилки, у боя ўқиб туриб роса «ух» тортган ўша узундан-узоқ мактуб биз ҳақимизда ёзилган юмалоқ хат бўлса керак.

Уларнинг бахтига, Жюльен хонасининг эшигини ичкаридан қулфлаб ояди. Де Реналь хонимнинг миясига, Жюльеннинг хавфсераши бугун кўришмаслик учун шунчаки бир баҳона бўлса керак, деган бўлмагур фикр келиб қолди. У бутунлай ақл-хушини йўқотиб, одатдаги вақтда Жюльеннинг хонаси томон равона бўлди. Жюльен йўлакда қадам товушини эшитган заҳоти чироқни ўчириб қўйди. Кимдир унинг эшигини очмоқчи бўлди, — лекин ким бўлди бу одам? Де Реналь хонимнинг ўзими ёки унинг рангчи эрми?

Эрталаб азонда Жюльени яхши кўрадиган ошпаз аёли унга бир китоб келтириб берди; китобнинг муқовасига итальян тилида бир неча сўз ёзилган эди: *guardate alla pagina*^{130 2}.

¹ Узингни тийиб ол — йўқса, бу олтлар
Оловли қонингда борутдек ёнмай.

Шекспир. «Бўрон». IV парда. I кўриниш.

² 130-саҳифага қаранг (*итальян.*).

Бундай эҳтиётсизликдан Жюльенинг нақ юраги орқасига тортиб кетди, у шоша-пиша кўрсатилган саҳифани очган эди, тўғнагич билан китобга қадалган хатга кўзи тушди. Хат имло қондаларига мутлақо риоя қилинмай, палапарттиш ёзилган бўлиб, унинг ҳамма ёғига кўз ёшлари томган эди. Одатда де Реналь хоним имло хусусида жуда ботартиб бўлганидан унинг ҳаяжонидан далолат берувчи бу тафсилот йигитни шу қадар тўлқинлантириб юбордики, у маъшуқасининг бундай эҳтиётсизлигини унутиб ҳам қўйди.

«Сен бугун тунда мени ўз олдинга киритишни истамадинг, шундайми? Баъзан мен аслида сенинг дилингдаги гапларни охиригача ҳеч қачон англаб етган эмасман, дея ўйлаб қоламан. Сен менга тикиласану нигоҳинг юрагимга ваҳима солади. Мен сендан қўрқаман. Ё нарвардигор! Наҳот мени ҳеч қачон севмаган бўлсанг? Агар шундай бўлса, майли, эрим севгимиз тўғрисида бор гапни била қолсин, майли, у мени болаларимдан жудо этиб, бирор чекка қишлоққа умрбод бадарға ҳам қилсин. Балким, таңгрининг ихтиёри шудир. Нимаям дердим, у ҳолда бу дунёдан тезда кўз юмаман. Сен бўлсанг! — сен бераҳм махлуқ бўлиб қоласан.

Демак, мени севмайсан-а? Менинг телбалиқларим, виждон азоби ҳақида тинимсиз зорланишим жонингга тегдими? Инсофсиз! Мени ҳалок қилмоқчимисан? Мана жуда осон йўли. Тўғри Веррьерга боргинг-да, мана шу хатни бутун шаҳарга, ундан ҳам яхшиси, — жаноб Валенгога кўрсат. Унга сени севишимни, — йўқ, бундай шаккокликдан худонинг ўзи сақласин! — сенга сажда қилишимни, мен учун ҳаёт фақат сени кўрганимдан кейингина бошланганини, ҳатто киши турли-туман орзулар уммонига гарқ бўладиган ёшлик пайтимда ҳам дунёда сен менга инъом этганчалик бахт бўлиши хаёлимга ҳам келмаганини, сенга ҳаётимни бағишлаганим, имонимни қурбон этганимни — ҳамма-ҳаммасини айтиб бер. Буям гапми, керак бўлса, сен учун бундан ҳам кўпрогини қурбон қилишга тайёрман. Буни ўзинг яхши биласан.

Бироқ ўша одам қурбон деган нарсанинг нималигини тушунармикин? Йўқ, сен жигга тегиш учун унга айтиб қўй, мен ҳеч қандай гийбатдан қўрқмайман ва мени дунёда ёлғиз бир нарса — мен учун ҳаёт ринтаси бўлмиш танҳо одамнинг совиши чўчитади холос. О, қани энди ҳозир ҳаёт билан видолашсам, жонимни қурбон қилсам ва болаларим учун ортиқ қайғурмай қўйсам, нақадар бахтиёр бўлардим!

Жонгинам, сира шубха қилмаслигингиз мумкин: агар ўша мактуб чиндан ҳам юмалоқ хат бўлса, уни, турган гап, худди ўша махлуқ ёзган. У аблаҳ, мана, олти йилдирки, ўзининг дўриллаган овози, от минниш санъати ҳақидаги ҳикоялари, ўзига бино қўйиши ва беқиёс фазилатлари тўғрисидаги гапларни такрорлаши билан мени тинимсиз таъқиб этиб келади.

Ўша юмалоқ хат бор гапми ўзи аслида? Нонинсоф! Сен билан шу ҳақда бир гаплашиб олишни истардим. Йўқ — бир ҳисобда яхши қилгансан. Ахир сени, эҳтимол, сўнгги марта қучиб туриб, ҳозиргидек, совуққонлик билан мулоҳаза қила олармидим. Энди биз бахтга илгаригидек осонгина эриша олмаймиз. Бундан сиз хафа бўлармикинсиз? Ҳар қалай дўстингиз Фуке бирор қизикроқ китоб юбормаган кунларда хиёл дилингиз сиёҳ бўлса керак. Лекин бари бир қурбонлик қилинди, ўша юмалоқ хат бўлганми ёки йўқми, — бари бир эртага мен эримга имзосиз мактуб олганимни айтаман ва сени нима қилиб бўлса-да, бирор нарсани баҳона қилиб, қурумсоқлик қилмай, дурустроқ ҳақ тўлаб отангникига жўнатиб юборишини талаб қиламан.

Афсуски, дўстгинам, бирор икки ҳафтага, эҳтимол бир ойга ажралишимизга тўғри келади! Ах, мен биламан, ишонаман, сен ҳам мен каби азоб чекасан. Лекин ўша юмалоқ хат келтириши мумкин бўлган фалокатнинг олдини олмоқ учун шундан ўзга чора йўқ. Бу мен тўғримда эримга ёзилган биринчи хат эмас. Илгари бундай хатлар устидан қандай кулганимни билсанг эди!

Энди менинг битта мақсадим бор: у ҳам бўлса эримни бу хатни жаноб Валено юборганига ишонтириш, имоним комил, аслида ҳам ўзи шундай бўлса керак. Агар бизникдан кетишингга тўғри келса, албатта Веррьерда жойлашиб олишга ҳаракат қил, мен эса шундай йўл тутаманки, эримнинг ўзи бу аҳмоқларга биз мутлақо аразлашмаганигимизни кўрсатиб қўймоқ учун бирор икки ҳафтага шаҳарга кўчиб тушишни истаб қолади. Сен эса Веррьерда бўлганингда ўша одамларнинг барчаси билан, ҳатто либераллар билан ҳам дўстлашиб олишга ҳаракат қил. Ўша хонимларимизнинг бари сени бошларига кўтариб юришга тайёр эканликларини жуда яхши биламан.

Жаноб Валено билан жанжаллаша кўрма, бир вақтлар пўписа қилганингдек, унинг қулогини кесиб олма тегин, — аксинча, у билан иложи борича хушмуомала бўл. Ҳозир биз учун энг муҳими сенинг жаноб Валенонингми

ёки бирор бошқа одамнинг болаларига тарбиячи бўлиб ишга кираётганинг тўғрисида гап тарқатиш.

Худди ана шу ишга менинг эргинам ҳеч қачон йўл қўймайди. Мабодо йўл қўйгудек бўлса — нимаям қилардик! Ҳар қалай, сен Веррьерда яшайсан, шунда баъзи-баъзида учрашиб туришимиз мумкин бўлади, — болалар сени шу қадар яхши кўришадик, турган гап, сенинг олдинга олиб боришларини илтимос қилишади. Ё парвардигор, болаларим сени яхши кўришгани учун ҳам уларга меҳрим янада кўпроқ ортаётганини сезиб турибман. Қандай гуноҳ ахир бу! Ё тангрим, нима билан тугаркин бу ишларнинг бари?.. Эс-ҳушимни бутунлай йўқотиб қўйдим... Хўш, хуллас, ўзингни қандай тутишни тушунсанг керак: беозор ва мулойим бўл, илтимос, ўша қўрс тўнкаларга дилингдаги нафратингни сездириб қўйма, — тиз чўкиб илтижо қиламан сендан, ахир сен билан бизнинг тақдиримиз ўша одамларга боғлиқ. Эримнинг эса сен билан жамоат фикри қандай тақозо этса, худди шундай муомала қилишига мутлақо шубҳаланмасанг ҳам бўлади.

Сенинг ўзинг менга юмалоқ хат тайёрлаб берасан: бир оз сабр-тоқатли бўлгин-да, қўлингга қайчи олиб, китобдан мен қўйида ёзган сўзларни қирқ ва уларни манови кўкимтир қоғозга текисроқ қилиб ёпиштириб чиқ, — бу қоғозни менга жаноб Валено совға қилган. Хонангда тинтув бўлиши мумкин, шу боисдан ҳам сўзларни қирқиб олган китобни ёқиб юбор. Агар китобдан керакли сўзларни бутунлигича топа олмасанг, у ҳолда эринмай уларни ўзини ҳарфма-ҳарф тузиб чиқ. Сени қийнаб қўймаслик учун мен юмалоқ хатни жуда қисқа қилиб ёздим. Эвоҳ, агар сен мени ортиқ севмасанг, у ҳолда менинг ўзим йўллаётган мактуб сенга бениҳоя узун бўлиб туюлса керак.

Имзосиз мактуб

«Хоним,

Сизнинг барча саргузаштларингиз менга аён, бу ишларга чек қўйишдан манфаатдор шахслар эса, — огоҳлантириб қўйилган. Сизга нисбатан ҳали дилимдан бутунлай ўчиб кетмаган ҳис-туйғуларга амал қилиб, Сизга ўша йигитча билан бўлган алоқангизни буткул узиб юборишни таклиф этаман. Агар сиз оқилалик қилиб, маслаҳатимга кирсангиз, у ҳолда эрингиз яқинда олган хабарни ёлғон деб ўйлайди. Мен ҳам унга янглишаётганини исботлаб ўтирмайман: билиб қўйинг, Сизнинг сирингиз менинг

қўлимда, қаршимда тиз чўкмогингиз даркор! Менинг иродамга бўйсунингиз лозим бўлган фурсат келди».

Ушбу хатнинг сўзларини ёпиштириб бўлишинг биланоқ (жаноб директорнинг гапириш услубини танидингми?) дарҳол боққа чиқ, — мен сени кутиб оламан.

Мен қишлоққа бораман ва у ердан ҳамгин бир қиёфада қайтаман, мен чинданад адои тамом бўлганга ўхшайман. Ё танграм! Қандай ишга журъат этаётганимни бир ўйлаб кўргин-а, — яна бу машмашанинг ҳаммаси фақат сенга у юмалоқ хат олгандек кўрингани учун бўляпти. Шундай қилиб қутим ўчган ҳолда гўё менга аллақандай нотаниш одам келтириб берган мана шу мактубни эримга узатаман. Сен эса болалар билан катта ўрмоннинг йўли бўйлаб сайр қилгани жўна ва пешинга қадар қайтиб келма.

Юқори қоядан сенга каптархонамиз яққол кўриниб туради. Агар ҳаммаси кўнгилдагидек тугаса, мен ўша ерга оқ дастрўмол осиб қўяман, акс ҳолда эса у ерда ҳеч нима бўлмайди.

Хўш, сенинг ўзинг-чи, ноинсоф, наҳот юрагинг сенга сайрга жўнашдан олдин менга бир амаллаб севишинг ҳақида икки оғизгина айтиб қўйиш лозимлигини уқтирмаётган бўлса? Майли, нима гап бўлганда ҳам бир нарсадан кўнглинг тўқ бўлсин — агар бир-биримиздан бутунлай жудо бўлсак, мен сенсиз бир кун ҳам яшай олмайман. Аҳ, мен ярамас она эканман! Жонгинам Жюльен, бу бемаъни сўзларни сенга нима учун ёзаётганимни ўзим ҳам билмайман, мен буни мутлақо ҳис этаётганим ҳам йўқ, мен сендан бўлак ҳеч ким тўғрисида ўйлай олмайман, ўша сўзларни ҳам мени койимаслигинг учунгина ёздим. Ҳозир, сендан жудо бўлишим мумкинлиги ҳақида ўйлар эканман, мунофиқлик қилишдан не ҳожат? Ўзим сажда қиладиган одамга ёлгон гапиришдан кўра сенга ёвуз бўлиб кўринсам кўрина қолай. Мен бусиз ҳам умримда жуда кўп ёлгон гапирдим. Ҳай майли, начора, агар мендан совиган бўлсанг, сени кечираман. Бу хатни устидан ўқиб чиқишга ҳам вақтим йўқ. Ростини айтганда эса — сенинг кучоғингда ўтказган ўша масъуд кунлар учун ҳатто ҳаётимни қурбон қилишга тўғри келган тақдирда ҳам бу ҳол менга арзимас бир нарса бўлиб кўринади. Ўша лаззатли кунлар менга анча қимматроққа тушишини ўзинг яхши тушунасан».

Жаноб билан суҳбат

Alas, our frailty is the cause, not we.
For such as we are made of, such we be.

*Twelfth Night.*¹

Бутун бир соат давомида Жюльен болалардек севиниб, керакки сўзларини қирқиб ва ёпиштириб ўтирди. У хонадан чиққан захоти оналари билан келаётган ўз шогирдларига дуч келди; хоним хатни унинг кўлидан шундай бир қатъият билан олдики, бундай хотиржамлик йигитнинг кўнглига бирмунча гулгула ҳам солди.

— Елими қуридими ишқилиб? — дея сўради хоним.

«Яқингинада виждон азобида эс-хушини йўқотаёзган аёл шуми ҳали? — ҳаёлидан ўтказди у. — У нима қилмоқчи ўзи?» Бу ҳақда унинг ўзидан сўраш эса гурурли Жюльенга хўрликдай туюлди, лекин чамаси йигит унга ҳеч қачон бугундагидек қойил қолмаганди.

— Агар бу ишнинг охири бахайр бўлмаса, — дея қўшимча қилди хоним ўша-ўша совуққонлик билан, — мени бутун бойлигимдан мосуво қилишади. Манови қутичани тоғда бирон жойга кўмиб қўйинг. Балки бир кун келиб менинг бор мол-мулким фақат шу бўлиб қолар.

Шундай дея у қизил сахтиён жилдга солинган биллур қутичани узатди. Қутича жавоҳиротга — олтин ва гавҳар тақинчоқларга тўла эди.

— Хўп, энди бораверинг, — деди у Жюльенга.

Хоним болаларини ўпди, кичик ўғли Станиславни эса у ҳатто икки марта бағрига босди. Жюльен тошдай қотиб турарди. Аёл у томон ҳатто кўз қирини ҳам ташламай, тез-тез одимлаб нари кетди.

Жаноб де Реналь юмалоқ хатни очиб ўқиганидан буён ўзини кўярга жой топа олмай қолганди. Дуэлга чиқишига сал қолган 1816 йилни ҳисобга олмаганда, умри бино бўлиб унинг қалби бу қадар ларзага тушмаганди, адолат юзасидан шуни ҳам тан олиш керакки, ҳатто пешанасидан ўқ ейиш хавфи ҳам унинг дарди дунёсини бунчалик қоронғи қилмаган эди. «Аёл кишининг ёзувига ўхшайди, —

¹ Ожиза аёл деймиз! Бизда не гунох,
Ахир аёлни шундай яратса эгам!

дея ўйларди у. — Агар шундай бўлса, қайси аёл ёзганикин бу хатни?» У Веррьердаги барча таниш хонимларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди-ю, бироқ уларнинг биронтасидан шубҳаланмади. «Эҳтимол бу хатни эркак киши тўқигандиру уни бир аёлга айтиб туриб ёздиргандир? У ҳолда бу эркак ким бўлди?» Унинг яна боши қотиб қолди, ҳа, албатта, уни кўролмайдиган одамлар кўп, танишларнинг кўпчилиги уни ёмон кўришади. «Бориб хотиним билан маслаҳатлашиш керак!» — дея ўйлади у одати бўйича ва боядан бери букчайиб ўтирган креслосидан турмоқчи бўлди.

Лекин энди ўрнидан турган ҳам эдики, шу заҳоти пешанасига шап этиб урди: «Эҳ, жин урсин! — деб юборди у. — Ахир ҳозир мен худди ана шу хотинимга ишонмаслигим керак-ку. У душман энди менга!» Шуларни хаёлидан ўтказар экан, алам ва газабдан унинг кўзларига тирқираб ёш келди.

Ўзининг тошбағирлиги учун адолатли равишда жазосини тортар экан, — худди ана шу совуққонлик провинциал доноликнинг асосини ташкил этади, — жаноб де Реналь шу тобда дунёдаги барча кишилар орасида энг яқин икки дўстидан хавфсирамоқда эди.

«Менинг, шулардан бўлак, ҳеч бўлмаса ўнтагина дўстим борми ўзи? — дея ўйларди у хаёлан ҳар бири қанчалик ҳамдард бўлиши мумкинлигини тасаввур қилишга уриниб, уларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказа бошлади. — Ҳаммаси, ҳаммаси, — деб газаб билан қичқириб юборди у, — бошимга тушган бу шармандаликдан бениҳоя хурсанд бўлади!» Яхшиямки у асосли равишда, ҳамма менга ҳасад қилади, деб ҳисобларди. У қирол қадам ранжида қилиб, лутфан хонадониди тунаб қолиш бахтига сазовор этган ҳашаматли уйини яқинда ажойиб қилиб пардозлагани етмагандай, Вержидидаги қасрини ҳам тузатиб, янгидай қилиб қўйганди. Қасрнинг бутун пештоқи янгидан оқланган, деразаларга эса ажойиб яшил қопқалар ўрнатилганди. Жаноб де Реналь ана шу дабдабани эслар экан, кўнгли бир лаҳза таскин тонди. Чиндан ҳам энди унинг қасри ўн-ўн беш чақирим наридан яққол кўзга ташланар, номини «қаср» деб аталадиган ҳамда вақт ўтиши билан ранги ўнгиб кетган бошқа уйлар эса унинг олдида ғоятда ночор кўринарди.

Жаноб де Реналь фақат бир одам — қавм черкови оқсоқолининггина ҳамдардлиг изҳор қилиб, кўз ёши тўкишига умид қилиши мумкин эди, аммо у калтафаҳм дунёдаги ҳар қандай нарсага ҳам кўз ёши қилаверарди. Буни

қарангки, келиб-келиб у суяниши мумкин бўлган ёлғиз кимса ана шу одам бўлиб чиқди.

«Менинг бошимга тушган бу кулфатга нима тенг кела олади?!— дея хитоб қилди у фиғони фалакка чиқиб.— Одам деган ҳам шу қадар ёлғиз бўладими!»

«Наҳот шундай бўлса?— сўради ўзидан-ўзи чиндан ҳам ожиз бу одам.— Наҳотки бошимга кулфат тушганида ҳатто маслаҳатлашадиган биронта одамим бўлмаса? Чунки бу бахтсизликка қарши бирор чора топишга ўзимнинг идроким ожизлик қиляпти, мен буни яққол ҳис этяшман. Аҳ, Фалькоз, аҳ, Дюкро!»— дея қичқириб юборди у алам билан. Бу икки одам унинг ёшликдаги дўстлари бўлиб, жаноб де Реналь 1814 йили ўзининг такаббурлиги билан уларнинг ҳафсаласини пир қилган эди. Улар болалиқданок ўзларини у билан тенг кўришга одатланишган эди, у эса бирдан ўзини баланд ола бошлади, чунки дўстлари оддий оиладан чиққан йиғитлар эди.

Улардан бири, веррьерлик қоғозфуруш доно ва самимий Фалькоз департаментнинг бош шахрида босмахона сотиб олиб, у ерда газета чиқара бошлаган эди. Конгрегация¹ уни хонавайрон қилишга қарор қилди: унинг газетасини тақиқлашди, босмахонага эгалик қилиш ҳақидаги рухсатномасини эса тортиб олишди. Ана шундан кейин аҳволи танг бўлиб қолдию у ўн йил ичида биринчи бор жаноб де Реналга хат ёзди. Веррьер мэри қадимги римлик каби жавоб беришни лозим топди: «Агар қиролнинг министри лутфан менинг фикримни сўрагудек бўлса, мен унга, провинциядаги барча матбаачиларга шафқатсиз қирон келтиринг, босмахона ишига эса тамаки каби монополия жорий этинг,— дея жавоб қилган бўлардим». Яқин дўстига ёзилган ва бир вақтлар бутун Веррьерни қойил қолдирган бу мактубни жаноб де Реналь энди даҳшат билан эсламоқда эди. «Шундай обрў-эътиборга, давлатга, орденларга эга бўлган мендек бир одам бир куп келиб шу ишимдан пушаймон бўламан, деб ким ҳам ўйлабди дейсиз». Бу даҳшатли тупни жаноб де Реналь ана шу зайлда, гоҳ ўзидан, гоҳ атрофидаги барча одамлардан газабланиб ўтказди, бироқ яхшиямки, хотинининг изига тушиш унинг хаёлига келмади.

«Мен Луизага ўрганиб қолганман,— дерди у ўзига-ўзи.— У менинг ҳамма ишларимдан хабардор. Агар эртага қайтадан уйланиш имкониятига эга бўлганимда, унинг

¹ Конгрегация — католик черковида монах жамоаларининг бирлашмаси (тарж.).

ўришни босадиган аёлини сира ҳам тополмасдим». У, эҳтимол, хотинимда гуноҳ йўқдир, деган фикр билан ўзига тасалли бермоқчи бўлди: бу машавагага бундай муносабат ундан қатъий чоралар кўришни талаб этмас ва жаноб мэр учун жуда қулай эди; ахир бу дунёда бўхтонга учраган аёллар кам дейсизми.

«Лекин бу қанақаси бўлди, — дея қичқириб юборди у бирдан ва талвасага тушиб, хонада уёқдан-буёққа юра бошлади. — Нима, мен гирт латта ёки аллақандай кўчада қолган ялангоёқманми? Унинг ўйнаши билан устимдан кулишига қандай йўл қўйишим мумкин ахир? Бу аҳволда бутун Веррьер менинг бўни-баёвлигимдан қуладиган бўлиб қолади-ку. Шармье тўғрисида нималарни гапиршмайди дейсиз, бу одам хотини ҳамманинг кўз ўнгига эрига хиёнат қилиши билан бутун шаҳарга машхур эди. Унинг номини айтишлари биланоқ барча илжай бошлайди. У яхши адвокат, лекин унинг суҳабдошлигини ким ҳам эсларди? Ҳа-я, Шармье дега. Ўша Шармье де Барнарни айттириб-сиз-да, дейишади одамлар, — боёқишга уни иснодга қолдирган одамнинг исмини тиркаб шундай лақаб қўйишган».

«Худога шукур, — дерди у ўзига-ўзи орадан бир неча дақиқа ўтгач, — худога минг қатла шукурким, менинг қизим йўқ, демак оналарини қанчалик жазоламай, бу нарса болаларнинг тақдирига таъсир қилмайди, мен бу лаънати йиғитчани хотиним билан жиноят устида тутиб олишим ва икковини ўлдиришим мумкин. У ҳолда бу машавага фожиага айланади ва ҳеч ким устимдан кулолмайдиган бўлади». Бу фикр кўнглига хуш ёққан жаноб де Реналь унинг барча тафсилотларини ўйлай бошлади.

«Жазолар мажмуаси у ҳолда менинг томошимда бўлади, боз устига, иш қандай тус олмасин, бизнинг конгрегация ва суддаги дўстларим мени қутқариб қолишнинг уддасидан чиқадилар». У ов пичоғини олиб, уни кўздан кечира бошлади, — пичоқ жуда ўтқир эди. Лекин шу пайт жаноб де Реналь бирдан халқоб-халқоб қонни тасаввур қилдию уни ваҳима босди.

«Мен ўша сурбет тарбиячини ўласи қилиб калтаклашим ва уйимдан қувиб юборишим мумкин. Аммо бутун Веррьерда, ҳатто бутун департаментда роса жанжал кўтарилади! Суд Фалькозининг газетасини ёпиш ҳақида ҳукм чиқариб, бош муҳаррирни қамоқдап озод қилишгач, уни олти юз франк маош оладиган хизмат жойидан қувиб юборишда менинг ҳам қўлим бўлган. Айтишларига қараганда, ўша ёзувчи Безансоннинг қаеридадир яна бош кўтарганмиш. Ўша одам пайтдан фойдаланиб мени роса

шарманда қилиши мумкин. Бу ишни у шу қадар эпчиллик билан амалга оширадики, ҳатто уни судга ҳам беролмай қоласан. Судга бало борми... У аблаҳ гапи ростлигини исботламоқ учун судда жирканч мишмишларни қалаштириб ташламайдими ахир. Жамиятда ўз обрўсини сақлай биладиган мен каби асилзода одам, турган гап, ана шу барча плебейларнинг нафратини қўзғатади. Номимни Париждаги ўша ифлос газеталарда тилга олишади — ё парвардигор, қандай даҳшат бу! Реналларнинг қадимдан машҳур номини майнабозлар ерга топташса-я... Агар бирор жойга сафарга отлансам, номимни ўзгартиришим керак бўлади. Шарманда! Менинг бутун гурурим, бутун қудратимни ташкил этган шундай шонли номдан маҳрум бўлсам-а. Бундан ҳам баттари бўладими ахир.

Агар хотинимни ўлдирмай, уни шунчаки шарманда қилиб уйдан қувиб юборсам-чи? Унда Безансондаги холаси бор мол-мулкини қўш қўллаб унга тутқазмайдими ахир?! У ҳолда хотиним Парижга жўнайди-да, у ерда ўша Жюльен билан айшини суриб яшайверади, турган гап, бутун Веррьер бундан хабар топадию мен яна аҳмоқ бўлиб қолавераман». Шу пайт бечора эр чироқнинг шуъласи хира тортаётганини сезиб қолди: тонг ёриша бошлаганди. У тоза ҳавода нафас олиш учун боққа чиқди. Бу пайтга келиб у асосан веррьерлик дўстлари бу машмашани эшитиб, нақадар ҳузур қилишларини ўйлаганидан жанжал кўтармасликка деярли қарор қилиб қўйганди.

Бог бўйлаб қилган сайри уни бир оз тинчитди. «Йўқ! — дея хитоб қилди у. — Хўш, нима учун хотинимдан воз кечишим керак экан? Ахир у мен учун фойдали одам-ку». У хотинисиз уйининг қанчалар беҳаловат бўлишини даҳшатга тушиб тасаввур қилиб кўрди. Унинг барча қариндош-уруғларидан фақат маркиза де Р... ўтакетган тентак ва баджаҳл камширгина қолган эди.

Албатта бу жуда оқилона мулоҳаза эди-ю, бироқ унга амал қилмоқ учун боёқишга табиат инъом этганидан кўра кўпроқ ирода талаб этиларди. «Агар хотинимни ҳайдаб юбормасам-чи, — дея муҳокама қиларди у, — мен ўзимни биламан: бирор кун у менинг жаҳлимни чиқаради, ана шунда бор гапни юзига тўкиб соламан. У мағрур аёл, биз жанжаллашиб қоламиз, бу машмаша эса — холасининг меросини олгунига қадар ҳам содир бўлиши мумкин. Ана ўшанда менинг устимдан кулишларини томоша қиласиз. Хотиним болаларини яхши кўради: охир-оқибатда бу бойликнинг бари болаларга қолади, албатта. Лекин мен-чи! Мен Веррьерда ғирт тасқара бўлиб қоламан-ку. Кў-

риб кўйинглар уни, ҳатто хотинини ҳам эплаб ололмади, дейишмайди ахир. Ундан кўра шубҳа-гумонларимни ичимда сақлаб, ҳеч нимани суриштирмай юраверсам-чи? У ҳолда истаيمانми-йўқми, мазаммат гаплардан ўзимни тийишим керак бўлади».

Бироқ орадан бир дақиқа ўтгач, жаноб де Реналь қадрининг ерга урилганидан алам қилиб, хиёнатни фош қилишнинг турли усулларини эслай бошлади. Одатда казино ёки Олижаноб жамоатдаги бильярд ўйини пайти биронта майнабоз алданган эр ҳақидаги ёлғон-яшиқ гаплар билан ошналариини кулдириш учун ўйинни тўхтатиб, шундай усуллар ҳақида ҳикоя қилар эди. Ҳозир ўша ҳазилларнинг жаноб де Реналга нақадар шафқатсиз бўлиб туюлаётганини билсангиз эди!

«Эй, тангрим! Нега менинг хотиним ўлиб кетмаган-а? Шунда ҳеч ким менинг устимдан кулмаган бўларди. Бева бўлиб юраверардим. Ярим йил умримни Парижда ўтказардим, казо-казолар орасида ўралашиб юрардим». Бироқ кўнгли бевалик ҳақидаги орзулар билан бир лаҳза таскин топиб тургач, у яна, ҳақиқатни билиш усуллари тўғрисида бош қотиришга тутинди. Хўш, айтайлик, тунда, ҳамма уйқуга кетгач, Жюльеннинг эшиги олдига бир ҳовуч кепак сешиб кўйса-чи? Шунда эрталаб азонда оёқ изини кўриш мумкин бўларди.

«Йўқ, бундай қилиш ярамайди!— дея газаб билан қичкириб юборди у.— Бу худонинг газаби Элиза кепакни албатта кўради-ю, бутун хонадонга бир зумда менинг рашк қилаётганим маълум бўлади-қўяди».

У казинода эшитган яна аллақайси ҳикояда қандайдир бир одам хотини билан унинг ўйнаши эшигига суднинг муҳри каби мўм билан қил ёпиштириб қўйган ва шу йўсинда ўзининг бахтсиз эканлигига ишонч ҳосил қилган экан.

Шунча гумонсираш ва иккиланишлардан сўнг у, ниҳоят шубҳасига ишонч ҳосил қилишнинг энг яхши йўли шу бўлса керак, деган қарорга келиб, буни қандай амалга ошириш ҳақида ўйлай бошлаган ҳам эдики, бирдан хиёбоннинг муюлишида боядан бери, бундан кўра ўлгани яхши эди, деб ўйлаб юрган худди ўша аёлга дуч келиб қолди.

Хоним кишлоқдан қайтиб келмоқда эди. У Вержи черковига эрталабки ибодатга борганди. Совуққон файласуфнинг ишониши қийин бўлган, аммо хоним шунга қарамай сидқидилдан ишонадиган ривоятга кўра, ҳозирги кунда бутун қавм қатнайдиган бу черков бир вақтлар сеньор Вержи қасрининг ибодатхонаси бўлган экан. Де

Реналь хоним ибодат пайти негадир ҳадеб шу тўғрида ўйлади. Унинг кўз ўнгида нукул фақат бир манзара намоён бўларди: эри овда гўё тасодифан Жюльенни ўлди-радио кечкурун эса хонимни унинг юрагини ейишга мажбур қилади.

«Ҳозир менинг тақдирим ҳикоямни эшита туриб, унинг нималарни ўйлашига боғлиқ, — дерди ўзига-ўзи аёл. — Бу машъум чорак соат ҳаммасини ҳал қилади, кейин эса, эҳтимол, у билан умрбод гаплашмасман ҳам. Ахир у беақл одам, мулоҳаза билан иш юритмайди. Бўлмасам мен ақлни ишлатиб, унинг нима қилиши ёки нима дейиши мумкинлигини олдиндан фаҳмлашга ҳаракат қилган бўлардим. Бизнинг тақдиримиз эса унинг қарорига боғлиқ, ҳаммаси унинг ихтиёрида. Шу билан бирга қисматимиз яна менинг усталигимга, бу калтафаҳм зўравоннинг фикр йўналишини у ёки бу томонга бура олишимга ҳам боғлиқ, — ахир жаҳли чиққанда у мулоҳаза қилиб ўтирмайди, мияси айниб қолади. Ё парвардигор! Бу ишни амалга оширмақ учун қанчалик маҳорат, қанчалар совуққонлик керак, қаердан оламан уларни мен?»

Бироқ хоним боққа кириб, узокдан эрини кўрган заҳоти худди мўъжиза содир бўлгандек дарҳол ўзини босиб олди. Жаноб де Реналнинг сочлари хурпайганидан, кийим-бошининг тижим-тижим бўлиб кетганидан унинг туни билан мижжа қоқмай чиққани яққол сезилиб турарди.

Аёл очилган ва сўнгра яна конвертга солинган хатни эрига узатди. У хатни беихтиёр қўлига олди-да, хотинига телбаларча тикилди.

— Манови жирканч мактубни, — деди хоним, — менга аллақандай шубҳали бир нусха бериб кетди. У сизни танир эмиш, сиз унга ҳатто қандайдир яхшилик ҳам қилган экансиз. Бу воқеа ҳозиргина, нотариуснинг боғи орқасидан ўтаётганимда содир бўлди. Мен сиздан фақат бир нарсани талаб қиламан: анави жаноб Жюльенни дарҳол, ҳозирнинг ўзидаёқ отасиникига қайтариб юборсангиз.

Де Реналь хоним бу даҳшатли ганини айтиш заруратидан тезроқ қутулиш ниятида бу жумлаши шоша-пиша, ҳатто керагидан бирмунча олдинроқ айтиб юборди.

Сўнгра, бу ганини эшитгач, эрининг хурсанд бўлиб кетганини кўрдию қувончидан қалтираб кетди. Эри унга тикилиб қолганидан аёл Жюльеннинг юмалоқ хат ҳақидаги гани тўғри чиққанини тушунди. Шуни тушунди-ю бу очик-ойдин кўнгилсизликдан хафа бўлиш ўрнига дилида Жюльенга таҳсин ўқий бошлади. «Қандай заковат! Қандай ажойиб сезгирлик! Бўлмасам, ҳеч қандай

хаёт тажрибаси бўлмаган ёшгина йигит-а ўзи! Келажакда нақадар юксак чўққиларга кўтарилиши мумкин бу йигит! Афеус! Муваффақиятларга эришгач, у мени унутиб юборади».

Ўзи сажда қиладиган одамга беихтиёр қойил қолганидан унинг дилидаги барча қўрқувлар бир зумда тарқалиб кетди.

Хоним топқирлиги учун ўзини мақтаб қўйди. «Мен Жюльенга муносиб эканман», дея хаёлидан ўтказди у завқланиб.

Ўзини тутиб туролмасликдан чўчиган жаноб де Реналь бир оғиз ҳам сўз айтмай қўлидаги имзосиз мактубни ўқий бошлади. Бу хат китобдан қирқиб олинган ва кўкимтир қоғозга ёпиштирилган сўзлардан иборат эканлигини эса китобхон яхши эсласа керак. «Яна янги хўрлик, бунинг чеки борми ёки йўқми ўзи, — дея хаёлидан ўтказди жаноб де Реналь дармонсизликдан оёқда аранг турар экан. — Яна янги ҳақорат, бу гапларнинг ҳаммаси устида бош қотириш керак. Яна денг, бутун машмаша хотинининг касофати билан бўляпти!» Жаноб де Реналнинг оғзига қўпол сўқинишлар келди-ю, бироқ Безансондан олинниши лозим бўлган меросни эслаб, тилини аранг тийиб қолди. Аламини нимадан олишни билмай, қўлидаги манови иккинчи имзосиз мактубни гижимлади-да, йўлакдан тез-тез юриб нари кетди. У бир дақиқага бўлса-да, хотинидан узоқлашмоғи лозим эди. Орадан бир оз вақт ўтгач, у бирмунча жаҳлидан тушиб қайтиб келди.

— Гапни чўзиб ўтирмай, дарҳол Жюльеннинг жавобини бериб юбормоғингиз керак, — деди хоним эрига у ёнига қайтиб келган заҳоти, — ким бўлибди ўзи у — оддий бир дурадгорнинг ўғли-да. Сиз унга бир неча экю ортиқ ҳақ тўласангиз бўлди, у ўқимишли одам, ўша жаноб Валеноникидами ёки префект ёрдамчиси Можиронникидами — осонгина иш тониб олади — уларнинг ҳам болалари бор-ку ахир. Шу боисдан у ҳатто хафа ҳам бўлмайди.

— Аҳмоқ хотинларга ўхшаб бўлмағур гапларни валдираяшсиз, хоним, — дея бўкириб берди жаноб де Реналь, — худо хотинларга ҳусидан бергану ақлдан қисган-да, фаҳм-фаросат деган нарса нима қилсин уларда! Жиддийроқ ганга эътибор бериш ҳатто хаёлингизга ҳам келмайди, — ҳеч бирор масаланинг тагига етишни истайсизми ўзи? Бу енгилтаклигингиз, бу дангасалигингиз билан капалак тутишга ярайсиз холос. Ожиз одамсизлар барингиз, биз оила бошлиқлари учун пешананинг шўрисизлар ҳаммангиз...

Де Реналь хоним эрининг ганини бўлмади, у узок гашириб, шу ерликларнинг таъбири билан айтганда, *роса захрини сочди*.

— Афандим, — дея жавоб қилди хоним ниҳоят, — мен ўзининг энг қимматбаҳо нарсаси — номуси ҳақоратланган аёл сифатида гашириман.

Де Реналь хоним бу оғир суҳбат давомида ўзини жуда вазмин тутди, зеро унинг Жюльен билан бир уйда яшаш ёки яшамаслиги ана шу суҳбатнинг натижасига боғлиқ эди. У ҳар бир сўзни пухта ўйлаб, эрининг газибини жиловлаб оладиган, уни керакли йўналишга бурадиган гаплариникина айтарди. Эрининг ҳақоратли қичқириқлари унга мутлақо таъсир қилмасди, аёй уларга қулоқ солмай, бу пайтда: «У мендан хурсанд бўлармиклини ишқилиб?» — дея фақат Жюльен ҳақида ўйларди.

— Сиз шунча совга-саломлар бериб, аллада азиз қилиб юрган бу қишлоқни йигитчанинг эҳтимол ҳеч қандай айби ҳам йўқдир, — деди у ниҳоят. — Лекин, ҳар қалай, ўшаши деб мен умримда биринчи марта шундай ҳақорат эшитдим... Мана шу жирканч қоғозни ўқиб чиққач, афандим, мен ўзимга ўзим сўз бердим: уйингизда ё у турсин, ё мен турай, биттамыз чиқиб кетмоғимиз лозим.

— Нима, мени ҳам, ўзингизни ҳам иснодга қўйиб, жанжал кўтармоқчимисиз? Веррьерда анчагина одамнинг боши осмонга етади бу ганини эшитса!

— Ҳа, рост айтдингиз, сиз доно раҳбарлигингиз билан ўзингиз, оилангиз ва бутун шаҳар учун эришган фаровонликни кўнчилиқ кўролмайдилар... У ҳолда мен Жюльенга сиздан бир ойга жавоб сўраб, ҳурматли дўсти, тоғда яшайдиган анави тахтафурушникига жўнавини таклиф қиламан.

— Мен эса сизга ройкорчилик қилишни маи этаман, — деди чўрт кесиб жаноб де Реналь, лекин анча хотиржамлик билан, — аввало сиздан у билан гаплашмасликни талаб қиламан. Жаҳдлингиз чиқса, мени у билан уриштириб қўясиз, у жанобнинг қандай жинзаки эканини биласизку ахир.

— Бу йигитчада тамиз деган нарса йўқ, — дея эрининг ганини илаб кетди де Реналь хоним. — Эҳтимол, у ўқимшли ҳамдир, — буни сиз яхшироқ биласиз, — лекин аслида у оддий бир кесиб. Элизага ўйланишдан бош тортгач, удан бутунлай ҳафсалам пир бўлди, ахир бу қизнинг яхшигина мўл-дунёси бўлса, нима керак унга яна? Элизанинг баъзан жаноб Валено билан хуфия учрашиб туришини айтмасангиз, бошқа нима айби бор?

— Ҳа-а,— деди чўзиб жаноб де Реналь қошларини чимирганича. — Шунақа денг-а? Буни сизга Жюльенинг ўзи айтдим?

— Йўқ, буни рўйроқ айтмади. Ахир у доим умрини руҳонийликка бағиниламоқчи эканлиги ҳақида гап сотиб юради, лекин ганимга ишонаверинг, бу майда одамларнинг ҳаётдаги асосий мақсади — ризқ-рўзини таъминлаш. Аммо у бир неча марта менга Элизанинг бу сирли сайрларидан хабардор эканлигини нама қилди.

— Мен эса бу гаплардан мутлақо беҳабарман, — яна ғазаби қайнаб хитоб қилди жаноб де Реналь, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб айтар экан. — Тумпуғимнинг тагида шундай гаплар бўлаётган экан-у, мен эса гафлатда юрибман... Бу қанақаси бўлди? Демак, уларнинг орасида, Элиза билан Валенининг ўртасида қандайдир алоқа бор экан-да?

— Буларнинг бари эски гаплар, азизим, — дея кулиб жавоб қилди де Реналь хоним, — эҳтимол, уларнинг орасида анавинақа ҳеч гап бўлмагандир ҳам. Ахир бу гапларнинг бари ҳали ўша мухтарам дўстингиз Валено, бутун Веррьерда мен билан ўзининг орасида аллақандай беғараз муҳаббат бор, дея миш-миш тарқаллишини истаб юрган кезлари бошланган.

— Бир вақтлар ўзим ҳам шубҳаланган эдим-а,— дея хитоб қилди жаноб де Реналь жаҳл билан пешапасига шанадилар экан, чиндан ҳам бугун унинг бошига, томдан тараша тушгандек, кутилмаган кашфиётлар ёғилмоқда эди. — Нега менга бир оғиз айтмадингиз ўшанда!

— Мухтарам директоримизнинг кичкина бир эркалиги деб дўстларинг орасига нифоқ солишнинг нима кераги бор эди! Агар билишни истасангиз, бизнинг доирамизда ундан вақти-вақти билан ҳис-ҳаяжонга тўла ва ҳатто бир оз ишқий мактублар олиб турмайдиган биронта ҳам аёл йўқ.

— У сизга ҳам ёзганми?

— У хат ёзини яқинда яхши кўради.

— Ҳозирнинг ўзидаёқ менга ўша хатларни кўрсатинг, мен сизга буюраман, — деди жаноб де Реналь худди бўйи бирдан бир қулоч ўсган одамдек.

— Э, йўқ, ҳар қалай ҳозир эмас, — дея жавоб қилди аёл гоятда хотиржамлик билан, ҳатто деярли беғам оҳангда. — Мен уларни сизга жаҳлингиздан тушганингизда, бошқа бирор кун кўрсатаман.

— Ҳозироқ кўрсатасиз, жин урсин! — дея ўшқирди жаноб де Реналь ўзини бутунлай йўқотиб ва шу билан

бирга ана шу ўн икки соат ичида биринчи марта енгил тортиб.

— Ана шу хатларни деб директор билан жанжаллашмасликка ваъда беринг менга, — деди де Реналь хоним бениҳоя ёқимли овоз билан.

— Жанжаллашаманми, йўқми, лекин ундан анави ташландиқ болаларни тортиб олишим мумкин, — дея давом этди эри ўша-ўша қаҳр-газаб билан. — Аммо ўша хатларни дарҳол менга беришингизни талаб қиламан, ҳозирнинг ўзидаёқ. Қасрда улар?

— Ёзув столининг тортмасида, лекин бари бир сизга калитни бермайман.

— Мен калитсиз ҳам очиб оламан уларни, — дея қичқирди у хотинининг хонаси томон деярли югуриб кетар экан.

У чиндан ҳам Париждан келтирилган ва нақшинкор қизил ёғочдан ясалган қимматбаҳо ёзув столининг тортмасини сим чивик билан бузиб очди. Илгарилари жаноб де Реналь бу столда бирор доғ-дугни кўриб қолса, уни камзулининг этаги билан артар эди.

Де Реналь хоним каптархона томон отилди-да, зина-поянинг бутун бир юз йигирма погонасидан югурганича юқори кўтарилди, у ошноқ дастрўмолнинг бир учини кичкинагина деразанинг темир панжарасига боғлаб қўйди. Шу тобда у ўзини дунёда энг бахтли аёл деб ҳис этарди. У кўзлари жиққа ёшга тўлиб, тоғдаги қалин ўрмонга тикиларди. «Эҳтимол, Жюльен ҳозир ўша сершоҳ шамшодлардан бирининг остида ана шу бахтли ишорани кутиб тургандир», дерди у ўзига-ўзи. Хоним дилида сўзанақларнинг тинимсиз чириллаши-ю, қушларнинг чуғур-чуғуридан норози бўлиб, анчага довур қулоқ солиб турди. Агар ана шу кишини безор қиладиган чириллашу чуғур-чуғур бўлмаганида, эҳтимол, унинг қулоғига ўша томондаги баланд қоялардан Жюльеннинг индиёна қичқирғи эшитилган бўлармиди. У юраги орзиқиб, дарахтларнинг учлари ноёисиз майсазорга ўхшатиб турган тен-текис яшил деворга тикиларди. «Наҳот шунинг фаҳмига бормаса, — дея шивирларди у ҳаяжонланиб, — ўзининг ҳам мендек бахтиёр эканлигини бирор йўл билан маълум қилса бўлмайdim». Хоним эрининг уни қидириб бу ерга келиб қолгани мумкинлигини чўчиб эслаганидан кейингина каптархонадан настга тушди.

У хонага кирганида эри ҳамон газабидан тушмай жаноб Валевонинг чучмак жумлаларига шоша-пиша кўз югуртирмоқда эди. Чамаси, бу мактубларни илгари ҳеч

ким бу қадар ҳаяжон билан ўқимаган бўлса керак ўзи.

Де Реналь хоним эрининг хитоблари унга бир неча оғиз сўз айтишга имкон берадиган дақиқани пойлаб турди-да, сўнгра гап қотди:

— Ҳар қалай, бояги таклифимни такрорлаймиз, Жюльен вақтинча бирор ёққа жўнаши керак. У лотин тилини қанчалик яхши билмасин, бари бир кўнол ва беодоб косиблигича қолади. Ҳар куни у, чамаси, назокат юзасидан деб ўйласа керак, менга беўхшов хушомад гаплар айтади. Бу гапларни у аллақандай романлардан ўқиб олса керак...

— Ҳеч қанақа роман-номаи ўқимайди у,— дея хитоб қилди жаноб де Реналь.— Буни аниқ биламан. Нима, мени кўзи кўр, уйда нималар бўлаётганини спра кўрмайдими, деб ўйлайсизми?

— Агар бу аҳмоқона хушомадларни бирор китобдан ўқиб олмаган бўлса, демак, уларни ўзи тўқиб чиқарар экан. Буниен баттарроқ эмасми! Эҳтимол, у Веррьерда ҳам мен тўғримда шундай гапларни айтиб юрар... Хўп, майли, узоққа бориб ўтирмайлик,— дея қўшимча қилди де Реналь хоним, гўё бу гап ҳозиргина миясига келиб қолган одамдек.— Шундай гапларни у Элизанинг олдида гапирганининг ўзи старли эмасми, ахир бу деярли жаноб Валенининг олдида гапириш билан баробар-ку.

— Айтмоқчи,— бўкириб юборди жаноб де Реналь хонадаги барча нарсаларни зирпллатиб столга мушт туширар экан.— Ахир манови имзосиз мактуб билан Валенининг хати бир хил қозоғга ёзилган-ку!

«Хайрият-е...» — дея хаёлидан ўтказди де Реналь хоним. У ўзини бу кашфиётдан бутунлай довдираб қолгандек кўрсатди ва ортиқ бир оғиз ҳам сўз айтолмаслигини ҳис этиб, хонанинг тўрига ўтди-да, диванга ўтирди.

Шу дақиқадан эътиборан у ўзини жангда галаба қозонди, деб ҳисоблаши мумкин эди, хоним дарҳол имзосиз мактубнинг тахминий муаллифи олдида бориб, у билан гаплашиб қўймоқчи бўлган жаноб де Реналини арабг тўхта-тиб қолди.

— Ҳозир, старли даражада далил-исботга эга бўлмай туриб, жаноб Валено билан жанжалланиш гирт тентаклик бўлишини наҳот тушунмасангиз! Сизга ҳасад қилишадими, афандим. Хўш, ким айбдор бунга? Сизнинг истеъдодингиз, сизнинг доно раҳбарлигингиз, нозик дидингиз. Қурган иморатларингиз шундан далолат бермайдими ахир. Мен олиб келган сен-чи? Айниқса, севимли холажонимдан қоладиган қатта меросни айтмайсизми, ўзингиз биласиз, одамларнинг назарида у мил-мил бойлик бўлиб кўринади.

Ана шуларнинг бари сизни Веррьерда шубҳасиз биринчи одам қилиб қўйяпти.

— Сиз менинг насл-насабимни унутасиз, — деди жаноб де Реналь хиёл илжайиб.

— Ҳа, сиз шу атрофдаги асилзода дворянлар орасида энг олдисиз, — дея бажонидил илиб кетди эришинг гапини де Реналь хоним. — Агар қиролнинг ихтиёри ўзида бўлганида ва у одамларни насл-насабига қараб тақдирлай олганида, сиз ҳеч шубҳасиз аллақачон пэрлар¹ палатасида бўлардингиз. Хўш, шундай ажойиб мавқега эга бўла туриб, сиз ҳасадчи одамларга гийбат учун баҳона топиб бермоқчимисиз?

Жаноб Валено билан унинг ўша касофат имзосиз мактуби ҳақида гапланиш — бу демак бутун Веррьерга, Веррьер ҳам гапни, бутун Безансонга ва ҳатто бутун департаментга, Реналлардан бири эҳтиётсизлик билан ўзига яқишлатирган ярамас бир буржуа уни ҳақорат қилибди, деган гапни тарқатиш билан баробар эмасми? Агар қўлингизга тушган ушбу хатларга ишониб, жаноб Валено билан менинг ўртада бирор гап бор, деб ўйлагудек бўлсангиз, у ҳолда мени ўлдиришингиз мумкин эди, — мен бундай жазога муносиб бўлардим, — лекин унга газабингизни зинҳор сездирмаслигингиз керак. Қўшнилари устунлигингиз учун сиздан ўч олишнинг пайтини пойлаб юришганини унутманг: ёдингиздами, минг саккиз юз ўн олтинчи йили баъзи бир одамларнинг қамоққа олинишида сизнинг ҳам қўлингиз бор эди. Томда қўлга туширишган ўша қочоқни айтяпман...

— Бу дейман, дилингизда менга нисбатан на ҳурмат, на меҳр-муҳаббат борга ўхшайди, — дея хитоб қилди жаноб де Реналь бу хотиралардан қайгуриб. — Ўша машъум воқеа деб ҳанузгача пэр бўлмай юрибман!

— Менимча, азизим, — деди жавобан жилмайиб де Реналь хоним, — бир кун келиб мен сиздан ҳам бадавлатроқ бўлиб кетаман; мана, ўн икки йилдирки, сизнинг хотинингизман ва шу бонедан уйда мен билан ҳам ҳисоблашмоғингиз, айниқса бугунги воқеа хусусида раъйимга қарашингиз керак. Агар мендан қандайдир жаноб Жюльенни афзал кўргудек бўлсангиз, — дея қўшимча қилди у ранжиган оҳангда, — уйдан кетиб, қишни холаминикида ўтказишим мумкин.

Бу жумла жуда ўз вақтида айтилган эди. Унда назокат билан хиёл ниқобланган қатъият сезилиб турарди; у жаноб де Ренални бир қарорга келишга мажбур этди. Би-

¹ Пэр — феодализм даврида Франциядаги олий дворянлик унвони (тарж.).

роқ у провинцияда яшовчи кишиларга хос одатига биноан ўз далил-исботларини қайта-қайта такрорлаб, яна узоқ гапирди. Хотини унинг кўнглини бўшатиб олишига халал бермади — жаноб мэрнинг товушида ҳамон зарда сезилиб турарди. Ниҳоят, икки соат давом этган бу беҳуда валақлашдан кечаси билан газабидан қутуриб, ухламай чиққан жаноб де Реналнинг бутунлай силласи қуриди. У жаноб Валено, Жюльен ва ҳатто Элизага нисбатан қандай муомала қилиш хусусида узил-кесил бир қарорга келиб қўйди.

Бу оғир можаро пайтида ўн икки йилдан бери дўсти бўлиб келган одамнинг сидқидилдан қайғураётганига де Реналь хоним ичида бир-икки бор ачингандек бўлди. Аммо ҳақиқий севги худбин бўлар экан. Боз устига, у минут сайин эрининг кеча олган имзосиз мактуб ҳақида гапириб беришини кутмоқда эди, бироқ жаноб мэр бу тўғрида огиз очмади. Де Реналь хоним эса тақдирини ҳал қиладиган бу одамнинг миясида ўша мактубдан сўнг қандай ҳаёллар пайдо бўлганини билмагунга қадар ўзини хатардан бутунлай холи деб ҳисоблай олмасди. Зеро, провинцияда эркакларнинг айтгани айтган, дегани деган. Хотинидан шикоят қилган эр кулги бўлади, бироқ Францияда бу ҳолат кун сайин хавфсизроқ бўлиб бормоқда, хотин эса, агар эри пул бермай қўйса, кунга ўн беш су учун ўлиб-тирилиб ишлайдиган чўрининг аҳволига тушиб қолади, бунинг устига баъзи саховатли кимсалар, унинг хизматидан фойдалансак исноди тегмасмикин, деб иккиланиб ҳам қўйишади.

Ҳарамхонадаги канизак ўз султонининг бошидан сув ўгириб ичса арзийди: султон бениҳоя қудратли, канизак қанча ҳийла-найранг ишлатмасин, унинг ихтиёридан қочиб қутула олмайди. Интиқом бобида ҳукмдор қонхўр ва зolim бўлади, аммо бир жиҳатдан олижаноб ҳамдир — ханжарнинг битта зарби-ю, ҳаммаси тамом. Бироқ XIX асрда эр хотини олдида барча меҳмонхоналар эшигини ёптириб, уни жамоа нафратига дучор қилиб ўлдиради.

Хонасига қайтгач, де Реналь хоним дарҳол ўзининг нақадар хавф остида қолганини яққол ҳис этди: хонасидаги нарсаларнинг айқаш-уйқаш бўлиб ётганини кўриб, у мутлақо эсанкираб қолди. Унинг нафис ишланган барча қутичаларининг қулфи бузилган, паркетнинг бир неча тахтачаси эса бутунлай кўпориб ташланган эди: «Йўқ, у менга шафқат қилмасди, — дея ҳаёлидан ўтказди хоним. — Рангли ёғочдан ишланган паркетни аямаганини қаранг-а,

бўлмасам нақадар ардоқлаб келарди уш. Болалардан биронтаси кўчадан оёғини артмай кирса борми, нақ жони ҳиқилдоғига келарди. Энди бўлса расво қилиб ташлабди!» Бу ваҳшиёна қутуриш манзараси жуда осон эришилган галабадан сўнг дилида уйғонган виждон азобини бир зумда пароканда қилиб юборди.

Тушки овқатга бир неча минут қолганда болалар билан Жюльен қайтиб келди. Десерт пайти, хизматкорлар хонадан чиқиб кетингач, де Реналь хоним унга қараб совуққина оҳангда деди:

— Сиз менга бир неча марта, бирор икки ҳафтага Веррьерга бориб келсам, деб истак билдирган эдингиз. Жаноб де Реналь рози бўлдилар. Истаган пайтингизда кетаверишингиз мумкин. Лекин болаларнинг вақти бекор ўтмаслиги учун ҳар куни сизга уларнинг ёзма ишларини етказиб берадилар. Сиз уларни текшириб турасиз.

— Мен сизга фақат бир ҳафтага жавоб бераман, — дея кескин оҳангда қўшимча қилди жаноб де Реналь.

Жюльен унинг юзидаги безовталиқ аломатларини пайқади: жаноб де Реналнинг қаттиқ ташвишга тушгани яққол сезилиб турарди.

— У, чамаси, ҳали қатъий бир қарорга келмаган кўринади, — дея шивирлади у маъшуқасининг қулоғига, улар меҳмонхонада бир зум ёлғиз қолишган пайтда.

Де Реналь хоним унга тушки овқатга қадар содир бўлган воқеаларни шоша-пиша ҳикоя қилиб берди.

— Тафсилотларини эса бугун кечаси эшитасиз, — кулги аралаш қўшимча қилди у.

«Аёлнинг макри деб шуни айтадилар-да, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Бизни алдашни бунчалар яхши кўришмаса булар!»

— Менимча, — анчайин киноя билан деди у, — гарчи муҳаббат кўзингизни кўр, қулогингизни қар қилиб қўйган бўлса-да, у ақлингизни хийла пешлабди ҳам: сизнинг бугунги хатти-ҳаракатларингизга қойил қолмай иложим йўқ. Лекин бугун кечаси учрашиш ақлга тўғри келмаса керак. Бизни бу ерда душманлар қуршаб олган. Элизанинг мендан нақадар нафратланишини бир ўйлаб кўринг-а.

— Сизнинг менга нисбатан эътиборсизлигингиз эса, чамаси унинг нафратидан сираям қолишмайдиганга ўхшайди.

— Ҳатто эътиборсиз бўлган тақдирда ҳам, ҳар қалай, мени деб балога қолманг, олдини олишим керак. Жаноб де Реналнинг хаёлига Элиза билан гаплашиб кўриш фйқри келиб қолиши ҳеч гап эмас, — шунда у оқсоч

қиздан дарҳол ҳамма гапни билиб олади. Сўнг у қўлига қурол олиб, эшигим олдида яшириниши мумкин ва...

— Шунақа денг! Демак, юракдан ҳам бор экан-да, — деди де Реналь хоним асилзода аёлларга хос такаб-бурлик билан.

— Мен ҳеч қачон ўзимнинг довюраклигимни гапириб паст кетмайман, — деди жавобан хотиржамлик билан Жюльен. — Менимча, бу пасткашлик. Бу ҳақда одамнинг ишига қараб ҳукм юритмоқ керак. Сиз эсангиз, — дея қўшимча қилди у хонимнинг қўлидан тутиб, — сизни нақадар севишимни, бу айрилиқдан олдин сиз билан хайрлашиш имкониятини қанчалар зориқиб кутаётганим-ни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз.

XXII

1830 йилда шундай йўл тутар эдилар

Сўз инсонга дилидаги фикрни яширмоқ учун ато этилган.

Ҳазрат М а л а г р и д а

Жюльен Веррьерга бориши биланоқ де Реналь хонимга нисбатан адолатсизлик қилганидан ўзини-ўзи ёзгира бошлади. «Агар хонимнинг бардоши чидамай, жаноб де Реналь билан ўша можарони охиригача етказа олмаганида, мен уни бемаза бир аёл деб ўйлаган ва ундан нафратланган бўлардим. У ана шу мушкул аҳволдан ҳақиқий дипломат каби қутулиб чиқди, каминанинг бўлса, буни қарангки, мағлуб бўлган душманимга раҳми келиб ўтирибди. Бунда қандайдир мешчанларга хос разолат бор; менинг иззат-нафсим азият чекди, чунки жаноб де Реналь ҳам эркак зотидан. Камина ҳам мансуб бўлиш шарафига эришган буюк ҳамкорлик дейдилар бунинг отини; хўп аҳмоқман-да ўзим ҳам».

Жаноб Шелан ишдан бўшатилгач, қавмга тегишли уйини тарк этишга мажбур бўлганида маҳаллий либераллардан кўпгина ҳурматли ва бадавлат одамлар унга ўз уйларида бошпана беришни таклиф қилдилар. Бироқ чол барча таклифларни рад этди. У ижарага олган икки хонада ҳозир китоблари айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Жюльен бутун Веррьерга руҳоний одамнинг қандай бў-

лиши лозимлигини бир кўрсатиб қўймоқ учун отасиникига бориб, ўнгадан кўпроқ қарагай тахта олди-да, уларни катта кўчанинг у бошидан бу бошигача елкасида кўтариб келди. Сўнгра илгариги ошналарининг биридан асбобларни олиб, жавон ясади ва жаноб Шеланинг барча китобларини унга териб қўйди.

— Мен бўлсам бу дунёнинг иилари сени бутунлай ўз домига тортиб кетдимикни, деб кўрқувдим, — деди қувониб кетганидан кўзига ёш олиб кека кюре. — Ана энди ўша айбниги ювдинг — мен фахрий қоровул муидирини кийиб парадга чиққанинги айтияман. Сен, бўтам, ўшанда ўзингга анчагина душман орттириб олувдинг.

Жаноб де Реналь Жюльенга ўзининг шаҳардаги уйида яшашни буюрди. Бўлиб ўтган гаплардан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Шаҳарга келганининг учинчи куни ўз хонасида ўтирган Жюльен кимсан — префект ёрдамчиси жаноб де Можироннинг худди ўзларини қабул қилиш шарафига муяссар бўлди. Жюльен ниҳоят бу жанобнинг таширф буюришидан асосий мақсадни англаб олгунига қадар бутун икки соат давомида одамлар орасидаги қабохат, давлат маблағи тасарруфида бўлган кишиларнинг нопоклиги ва шу туфайли бечора Франциянинг нақадар хавф-хатар остида қолаётгани ва ҳоказо, ва ҳоказолар тўғрисидаги тумтароқли ниҳоятлар, бўлар-бўлмас гапларни эшитиб ўтиришга мажбур бўлди. Улар зинаюяга чиқишиб, дейрли қувнингга учраган боёқиш тарбиячи бирор бахти чолган департаментнинг бўлажак префектини обрўсига яраша иззат-икром билан кузатаётганида бу мухтарам зот дафъатан Жюльеннинг ишларига қизиқиб, унинг пул хусусидаги беқиёс камсуқумлиги ва ҳоказо, ва ҳоказо фазилатларини кўкларга кўтариб мақтай бошлади. Ниҳоят, жаноб де Можирон оталарча бир меҳрибонлик билан йиғитнинг елкасидан қучди-да, унга жаноб де Реналнинг уйини тарк этиб, ўзга бир амалдорнинг болаларига тарбиячи бўлиб ишга ўтишни таклиф этди. Уша амалдор, қирол Филипп каби, фалакдан унга фарзанд ато этгани билан бир қаторда, бу фарзандларнинг жаноб Жюльен билан қўшни бўлиб дунёга келганидан бениҳоят мишиятдор эмиш. «Тарбиячига у ерда нақдгина саккиз юз франкдан ҳақ тўлашади, боз устига ой сари эмас, — бу гирт шармандалик-ку ахир, — дерди жаноб де Можирон, — балки йилнинг ҳар чорагида, ўшанда ҳам олдиндан санаб беришади».

Шундан сўнг гашириш навбати, ниҳоят, бир ярим соатдан буён лоақал бир огиз сўз айтолмай сиқилиб ўтирган Жюльенга келди. Унинг жавоби чиндан ҳам ғоятда

дабдабали, энг муҳими эса епископнинг мактубидай узундан-узоқ бўлди. Бу жавобда истаган нарсани тахмин қилишга имконият берилди-ю, ижобий маънодаги биронта ҳам сўз айтилмади. Ундан жаноб де Реналга нисбатан беқиёс хурматли ҳам, Веррьер жамиятини жуда қадрлашни ҳам, мухтарам префект ёрдамчиси жанобларининг ўзларидан бениҳоя миниатюрликни ҳам уқини мумкин эди. Ўзидан ҳам мунофиқроқ одамга дуч келиб қолганидан чинакамига ҳайратга тушган префект ёрдамчисининг ундан аниқроқ жавоб олишга бўлган барча уринишлари беҳуда кетди. Машқ қилиш имконияти туғилиб қолганидан боши осмонга етган Жюльен энди бир оз бошқачароқ сўзлар билан, лекин ўша-ўша маънода жавоб қайтаришда давом этарди. Ўтмишда палатадаги эндиғина бошланай деб турган тўс-тўноловнинг олдини олиб, мажлисни тинчгина тугатмоқчи бўлган биронта ҳам суҳандон министр бир вақтнинг ўзida шунчалик кўи гапирмаган ва шунчалик оз нарсани айтмаган эди. Жаноб Можироннинг ортидан эшик ёпилиши биланоқ Жюльен худди телба одамдек қаҳқаҳа уриб кула бошлади. Сўнгра мунофиқлик илҳоми бекор кетмаслиги учун у ҳозирги таклифни батафсил баён қилиб ва ожизона маслаҳат сўраб жаноб де Реналга тўққиз саҳифадан иборат хат ёзди... «Лекин бу муттаҳам менга иш таклиф қилган одамнинг номини айтмай кетди. Чамаси, бу менинг Веррьерга сургун қилинишимни ўзининг имзосиз мактубининг натижаси деб ўйлаётган жаноб Валено бўлса керак».

Хатни жўнатгач, у кузнинг очиқ кунларидан бирида, азовлаб илвасини тўла майсазорга чиқиб қолган овчи каби мамнун бўлиб, жаноб Шеландан маслаҳат сўраш ниятида уйдап чиқди. Бироқ у меҳрибон кюренинги уйига етмасданок, барча ҳимматларини шу бугунга атаб кўйган тақдир унга жаноб Валенининг ўзини дучор қилди. Жюльен шу заҳоти унга жуда боши қотиб қолганини айтди: мана у — ночор бир йиғит диллида илоҳиётга майл ҳис этиб, ўз ҳаётини тапгри белгилаб берган шу вазифага бағишламоқчи эди, аммо бу фойий дунёда инсоннинг майли ҳамма нарсани ҳам ҳал қилавермас экан. Бу дунё ҳалол меҳнат қилмоқ ва ўз уламо ҳамкасабаларига муносиб бўлмоқ учун ўқимоқ даркор экан: Безансон семинариясида икки йил таҳсил кўриш лозим бўлиб, бунга анчагина маблағ талаб қилинаркан. Бундан эса пул йиғиш зарур ва ҳатто бемалол айтиш мумкинки, зарургина эмас, балким муқаддас-бурч бу, деган хулоса чиқаркан. Бу ишни эса ой сари сарфлалиб кетадиган олти юз франкдан кўра, айтайлик, йилнинг

қар чорагида нақдина олинадиган саккиз юз франк билан амалга ошириш осонроқ бўларкан. Бошқа жиҳатдан олганда эса, яратган парвардигор уни навқирон Реналларга дуч қилиб, болаларга нисбатан қалбида шунчалар меҳр-муҳаббат уйғотган экан, бу билан шу норасидаларни тарк этмаслик, бошқа жойга ишга ўтмаслик лозимлигини башорат қилмаётганмикин?..

Жюльен ҳозирги кунда Империя давридаги кескин ҳаракатлар ўрнини эгаллаган бундай суҳандонлик бобида шу қадар камолотга эришган эдики, охири бу сафсата сотишдан ўзининг ҳам кўнгли айниб кетди.

Йигит уйга қайтди. У ерда уни жаноб Валенонинг башанг ливрея кийган малайи кутиб турган экан. У бугунги тушки зиёфатга таклифнома топшириш учун Жюльенни бутун шаҳар бўйлаб қидирибди.

Жюльен бу жанобнинг уйида илгари ҳеч қачон бўлмаган эди: бундан атиги бир неча кун илгари йигит, уни қандай қилиб яхшилаб калтакласам, аммо шу билан бирга ахлоқ тузатиш полициясининг кўдига тушмасам, дея орзу қилиб юрганди. Гарчи зиёфат соат бирга белгиланган бўлса-да, Жюльен ҳурмат юзасидан етимхона директори жанобларининг кабинетига соат ўн икки яримда кириб боришни лозим топди. У хонага қадам босганида жаноб директорни бир талай иш папкаларини олдига ёзиб, стол ёнида савлат тўкиб ўтирган ҳолда кўрди. Унинг узун қилиб ўстирган қоп-қора чакка соқоллари, патила-патила сочлари, энсасига кўндириб олган фаси, оғзидаги улкан трубка, йўрмадўзи туфли, кўкрагини уёқдан-буёққа кесиб ўтган йўғон олтин занжирлар, — хуллас, аёлларни жигаридан уриш бобида ўзини офатижон эркак деб ҳисоблайдиган провинциал корчалоннинг бутун бу дабдабаси Жюльеннинг ҳурматини қозониш ўрнига, аксинча, унинг бу жанобни бошлаб калтаклаш ҳақидаги орзусини кучайтириб юборди.

У ўзини Валено хонимга лутфан таништиришларини илтимос қилди, аммо бека бу лайтда пардоз-андоз билан банд бўлиб, уни қабул қила олмас экан. Бунинг эвазига у жаноб директорнинг ўзлари қандай кийинишларини томоша қилиш шарафига муяссар бўлди. Шундан сўнг улар Валено хонимнинг бўлмасига ўтишди, уй бекаси кўзларида ёш билан Жюльенга ўз болаларини таништирди. Веррьернинг энг мўътабар аёлларидан бўлмиш бу хоним бугунги тантана муносабати билан эркакларникидек қўпол юзига уца-эликни роса чаплаб ташлаганди. У болаларини таништирар экан, бутун оналик шавқ-завқини намоён этишни лозим топди.

Жюльен де Реналь хонимни эслади. Унча-мунча нарсага ишонавермаслик одади бўйича, Жюльен уларни беихтиёр таққослаш натижасида пайдо бўлган пайтларни истисно қилганда, хотираларга берилишни ёқтирмасди. Бироқ ҳозир маъшуқасига унинг меҳри жуда товланиб кетди. Директорнинг уйдаги нарсаларни кўргач, унинг авзойи баттар ўзгариб кетди, уни бутун уйни айланиб чиқишга мажбур этишганди. Бу ердаги аижомларнинг бари ажойиб, ҳозиргина магазиндан келтирилгандек ян-янгиди. Унга дарҳол ҳар бир жиҳознинг баҳосини айтиб туришди. Аммо Жюльенга бу нарсаларнинг бари қандайдир жирканч туолар, ҳамма аижомлардан ўгирлик пуlining хиди келиб турар ва уйдаги барча одамлар, ҳатто хизматкорлар ҳам, олдиданоқ ўзларини нафратдан олиб қочаётгандек кўришарди.

Солиқ йиғувчи, ўлпон инспектори, жандарма офицери ва яна икки-уч амалдор хотинлари билан таширф буюришди. Уларнинг ортидан бир неча боён либераллар кириб келишди. Шундан сўнг ҳаммади дастурхонга таклиф қилишди. Жюльеннинг кайфияти наҳоятда бузилган эди, бу ҳам етмагандек, шу пайт у ана шу емакхонанинг шундоқ ёнгинасида, девор ортида бахтсиз етимлар ўтиргани, Жюльенга кўз-кўз қилиб, уни ҳайратга солишмоқчи бўлишган манови дидсиз асъаса-дабдабанинг барини сотиб олиш учун пулни эҳтимол ўша боёқчиларнинг ризқ-рўзидан уриб қолинганлигини ўйлаб кетди.

«Улар ҳозир оч ўтирган бўлишса керак», дея ҳаёлидан ўтказди у ва томоғига бир нарса тикилиб қолгандек бўлди: шу тобда у бирор тишлам овқатни ютиш у ёқда турсин, гапиришга ҳам деярли мажболи қолмаганди. Бироқ орадан чорақ соатча вақт ўтгач, у ўзини бундан ҳам баттар ҳис этди. Узоқдан вақти-вақти билан кўчада айтиладиган беҳаё кўшиқ элас-элас эшитила бошлади: уни етимхона бандиларидан бири айтмоқда эди. Жаноб Валено ўзининг олифта кийинган малайларидан бирига тикилиб қараган эди, у дарҳол ғойиб бўлди, бир лаҳзадан сўнг кўшиқ эшитилмай қолди. Худди шу пайт бошқа бир малай Жюльеннинг олдидаги яшил қадахга рейнвейн қуйган эди, Валено хоним дарҳол унга бу винонинг ҳар шишаси, йўл харажатиини ҳисобга олмаганда, уларга тўққиз франкдан тушаётганини хабар қилди. Жюльен яшил қадахни кўлига олди-да, жаноб Валенога қараб деди:

- Мана, ўша ифлос кўшиқни ҳам айтмай қўйишди.
- Айтиб ҳам кўришсин-чи, жин урсин, — деди жаво-

бан голибона оҳангда директор. — Мен бу ялангоёқларга овозини ўчиришни буюрдим.

Буниси энди Жюльен учун жуда ортиқча эди: у бу доира одамларининг муомала услубини ўзлаштириб олганди, бироқ ҳис-туйғу бобида ҳали улардан жуда йироқ эди. У тез-тез риекорлик ниқобини юзига тортиб туриш одатига қарамай, кўзидан бир томчи ёш юмалаганини ҳис этди.

У яшил қадах билан юзини пана қилди, аммо Рейн вивосидан бир хўплам ичишга мажболи етмади. «Қўшиқ айтишни тақиқласа-я, — дея такрорларди у ўзича. — Ё парвардигор! Сен ҳали чидаб ўтирибсанми шунга?»

Бахтига, унинг кўнгли бемаврид бузилганини ҳеч ким сезмади. Солиқ йиғувчи қиролни мадҳ этувчи қўшиқ бошлаб юборди. Ҳамма нақоратга жўр бўла бошлагач, Жюльеннинг виждони тилга кирди. «Мана у — сен эришмоғинг мумкин бўлган сассиқ фаровойлик. Лекин сен бундай турмушдан фақат мана шундай шароитда ва худди ана шу одамлар билангина лаззатланишинг мумкин. Эҳтимол, йигирма минг франк тўланадиган ишга ўрнашиб ҳам оларсан, лекин сен еганинг олдинда, емаганинг орқангда бўлиб, кайф-сафода яшашинг учун бир бечора бандига кўшиқ айтишни тақиқламоғинг лозим бўлади: сен у бечоранинг ризқ-рўзидан уриб қоласан-да, зиёфатлар берасан, сен кайф қилиб ўтирганингда эса, у янада бахтсизроқ бўлади. О, Наполеон! Одамлар обрў-этиборни жангу жадалларда қозонадиган сенинг вақтинг қандай ажойиб эди-я! Аммо йўқсилни азоб-уқубатга солиб, разолат билан юқори кўтарилиш...»

Сирасини айтсам, Жюльеннинг моцологида намоён бўлган заифлик менинг унга бўлган ҳурматимга путур етказди. Шу туришда у катта бир мамлакатнинг ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирмоқчи бўлган, аммо шу билан бирга, виждонимга сира ҳам захм етмаса, дейдиган ўша сариқ қўлқопли фитначиларга муносиб сафдош бўларди.

Дафъатан Жюльен яна ўз ролига қайтишга мажбур бўлди. Уни бу серназокат меҳмонхонага бир оғиз ҳам сўз айтмай, орзу-хаёлларга берилиб ўтириш учун чақирмаган эди-ку ахир.

Шу кунда Безансон ва Узес академияларининг мухбир аъзоси, собиқ гул-газлама фабриканти столнинг нариги ёғидан туриб, сизнинг Инжилни ўрганиш бобида эришган ажойиб муваффақиятларингиз ҳақидаги гаплар ростми, дея сўраб қолди.

Бир зумда ҳамма жим бўлди-қўйди. Икки академия-

нинг аллома аъзосининг қўлида қаёқдандир лотин тилида чоп этилган Инжил пайдо бўлди. Жюльен унинг саволига жавоб бериб улгурмасданоқ у одам тусмоллаб, китобнинг бир саҳифасини очди-да, кўзи тушган биринчи лотин жумласини ўқиди. Жюльен жумланинг давомини ёддан айта бошлади. Хотираси унга панд бермади ва барча меҳмонлар бу мўъжизани одатда зиёфат охирида намоён бўладиган бир жўшқинлик билан олқишлай кетдилар. Жюльен хонимларнинг пардоз-андоз қилинган чехраларига кўз югуртирди, улардан баъзилари кўҳликкина эдилар. У хушвоз, сарнақш солиқ йигувчининг хотинига қаради.

— Мен, тўғриси, лотин тилида шу қадар узоқ гапириб хонимларни толиқтириб қўяётганимдан хижолат чекяпман,— деди у ўша аёлнинг кўзларига тикилиб.— Агар жаноб Рюбиньо (икки академиянинг аъзоси) лотин тилидаги истаган бир жумлани лутфан ўқиб берсалар, мен уни ёддан давом этириб ўтирмай, дарҳол француз тилига таржима қилиб беришга уриниб кўрардим.

Бу иккинчи синозда ҳам у катта муваффақият қозонди.

Меҳмонлар орасида бир неча бадавлат либераллар ҳам бор эди,— бироқ бу бахтиёр оила бошлиқлари ўз болалари учун стипендия олишни умид қилиб юришар ва шу сабабли худодан келган ваҳийга бўйсуниб, бирдан ҳукумат тарафдори бўлиб қолишганди. Аммо бу нозик сиёсий найрангга қарамай жаноб де Реналь уларни ўз уйида қабул қилишни истамасди. Жюльенни орқаворатдангина биладиган ва уни фақат қиролни кутиб олиш куни от ўйнатиб кетаётганида бир мартагина кўрган бу меҳрибон одамлар энди унинг оташин мухлиси бўлиб чиқишди. «Ўзлари ҳеч балони тушунмайдиган Инжил тилини эпштиш бу аҳмоқларнинг қачон жонига тегаркин?» — дея ўйларди Жюльен. Бироқ бунинг акси бўлиб чиқди — бу тил ўзининг гаройблиги билан уларни завқлантирарди: меҳмонлар хахолаб кулишмоқда эди. Бироқ бу майнабозчилик Жюльеннинг жонига тегди.

Соат олтига занг уриши биланоқ у вазминлик билан ўрнидан турди-да, эртага жаноб Шеланга дарсни айтиб бермоқ учун Лигорионинг илоҳиётга доир янги китобидан бутун бир бобни ёд олмоғи лозимлигини айтди.

— Зеро менинг касби корим,— дея ёқимли жилмайиб қўшимча қилди у,— бировлардан дарс сўраш билан бирга ўзимнинг ҳам дарсларни айтиб бермоғимдан иборатдир.

Барча меҳмонлар қойил қолишиб, хандон ташлаб кулишди: бу тоифа ўткир сўз Веррьерда жуда қадрланарди. Жюльен тик тургани учун киборлар жамиятининг барча

қойдаларига хилоф равишда, ҳамма ўрнidan турди. — ҳақиқий талантнинг қудрати шунақа бўлади. Валено хоним уни яна чорак соат тутиб қолди: Жюльен албатта болалар катехизисни¹ ёддан қандай ўқишларини эшитиб кўроми лозим эди; болалар жуда ҳам қўпол хатоларга йўл қўйишарди, бироқ буни ундан бўлак ҳеч ким сезмасди. У эса болаларга улар йўл қўяётган хатоларни кўрсатиб беришни лозим топмади. «Қандай жаҳолат — диний ақиднинг энг асосий жойларини билишмаса-я», дея ўйлади у. Ниҳоят, Жюльен таъзим қилиб чиқиб кетмоқчи бўлди-ю, бироқ тишни-тишга қўйиб Лафонтеннинг яна бир масалини тинглашига тўғри келди.

— Бу жуда ахлоқсиз муаллиф, — деди Жюльен Валено хонимга қараб. — Мессир Жан Шуаре ҳақидаги машҳур масалида у дунёдаги барча мустаҳиқ нарсалар устидан кўлади. Ҳамма жиддий шарҳловчилар уни кескин қоралашмоқда.

Чиқиб кетишдан олдин Жюльенни яна тўрт-беш жойга зиёфатга таклиф қилишди. «Бу йигит департаментимизнинг ифтихори-ку, ахир!» — дейишарди бараварига кайфлари анча ошиб қолган меҳмонлар. Улар ҳатто, Жюльен Парижга бориб, ўз маълумотини тугатмоғи учун унга жамоат маблагидан алоҳида қарор билан маълум миқдорда пул ажратиб бериш керак, дейишгача бориб етишди.

Ўйламай айтилган бу таклиф емакхонада ҳар мақомга солиб муҳокама қилинар экан, Жюльен дарвозадан ўтиб, кўчага чиқишга улгурди. «Вой аблаҳлар, оббо аблаҳлар-ей», — мусаффо ҳаводан хузур қилиб нафас оларкан, уч-тўрт марта такрорлади у.

Шу дақиқада у — жаноб де Реналнинг уйда унга айтиладиган барча назокатли ширин гаплар замирида ётган нафратомуз табассумлар ва кибр-ҳавога анчага довури кўника олмай юрган Жюльен ўзини ҳақиқий зодагондек ҳис этарди. Энди йигит бу икки хонадон ўртасидаги улкан фарқни яққол тасаввур қила бошлади. «Хўп, ҳатто кўшиқ айтишлари ман этиладиган ўша бадбахт бандиларнинг ризқи-рўзидан уриб қолинадиган пулларни унутдик ҳам дейлик, — дея муҳокама юритарди у йўл-йўлакай. — Меҳмонларни зиёфат қила туриб, уларга ҳар бир шиша винонинг нархини айтиш жаноб де Реналнинг хаёлига ҳам келмаган бўларди. Манови Валено бўлса, нуқул ўзининг бойлигини пеш қилгани пеш қилган, агар у ўз

¹ Катехизис — христианларда диний ақидалар савол-жавоб тарзида қисқача баён қилинган китоб (*тарж.*).

уйи, ўз чорбоғи ва ҳоказолари тўғрисида гапирётган пайтда ёнида хотини бўлса, бу жаноб албатта: «Сенинг уйинг, сенинг чорбоғинг», дейишни лозим кўрадилар.

Бу хоним чамаси шахсий мулк туйғусидан шу қадар лаззатланардики, ҳатто зиёфат устида ҳам гавго кўтаришга уялмади, битта қадахни синдириб қўйиб, дўжнанининг сонини бузган малайни роса қаргади. Уша малай ҳам ҳақини қўймай, хонимга ўтакетган сурбетлик билан жавоб қилди.

«Роса топишган экалар ўзиям! Ўғирлайдиган пулланининг ярмини беришган тақдирда ҳам улар билан бир уйда яшашга рози бўлмасдим. Бир кун эмас-бир кун уларга бўлган нафратимни яшира олмай, албатта ўзимни сездириб қўйган бўлардим».

Лекин шунга қарамай, де Реналь хонимнинг насиҳатига амал қилиб у ҳар қалай яна бир неча марта шундай зиёфатларга боришга мажбур бўлди. Жюльен машҳур бўлиб кетди: фахрий қоровул муидирини кийгани учун уни афв этишди ёки унинг ҳудди ана шу эҳтиётсизлиги, балким, ҳозир муваффақият қозонишига сабаб бўлгандир. Тез орада бутун Веррьер фақат кимнинг устун келиши ва бу аллома йиғитни ким ўз тарафига оғдириб олиши ҳақида гапира бошлади — хўш, жаноб де Ренальми ёки етимхона директорими? Бу жаноблар жаноб Маслон билан биргаликда триумвират ташкил этиб, кўп йиллардан буён шаҳарда ўз ҳукмларини ўтказиб келишарди. Мэрга ҳасад қилишарди, либераллар ундан ҳасрат қилишса арзирди, лекин у ҳар қалай дворянин эди ва ҳукмдор бўлиш пешонасига ёзилганди, аммо Валенонинг отаси эса ўғилчасига ҳатто олти юз ливр рента ҳам қолдирмаганди. Шу боисдан ҳам бир вақтлар унинг хом олма рангидаги кийимбошини кўриб раҳми келиб юрган одамлар энди жаноб Валенонинг норманд отлари, олтин занжирлари, Парижда тикилган костюмлари, хуллас, унинг ҳозирги шон-шавкатига ўлгудек ҳасад қилмай иложлари йўқ эди.

Ўзи учун янги бўлган бу одамлар гирдобиде Жюльен битта ҳалол одамни учратгандек бўлди: бу теварак-атрофдагилари яқобинчи деб ҳисоблайдиган Гро исмли бир математик эди. Фақат ўзининг нафратини қўзғатадиган гапларининга овоз чиқариб айтишга онт ичган Жюльен жаноб Гро олдида бу қондага амал қилишдан чўчирди. Вержидан унга болаларнинг ёзма ишлари солинган қалин-қалин пакетлар юбориб туришарди. Жюльенга ўз отаси билан тез-тез кўришиб туришни маслаҳат кўришганидан у бу мушкул заруратга ҳам бўйсунишга мажбур бўлди. Хуллас,

у-шу зайлда дурустгина обрў қозона бошлади, лекин бир кун эрталаб у кимнингдир позик қўллари кўзига текканидан уйғониб кетди.

Бу — де Реналь хоним эди, у шаҳарга келган ва зина-поядан югурганча наstda ўзларининг севимли эрмакларини — қўлга ўрганган қуён билан овора бўлиб қолган болаларидан бир дақиқа олдин юқори кўтарилганди. Бу ажойиб дақиқа, афсуски, жуда оз давом этди: болалар қуёнини ўз дўстларига кўрсатини учун ошиқиб, хонага югуриб киришлари биланоқ, де Реналь хоним гойиб бўлди. Жюльен уларнинг барини, ҳатто қуёнини ҳам қувонч билан қарши олди. У яна ўз оиласига тушиб қолгандек бўлди, йиғит бу болаларни қанчалик яхши кўришини, улар билан нақадар меҳри товланиб гаплашаётганини яққол ҳис этиб турарди. Уларнинг қўнғироқдек товуши ҳам, болаларча хатти-ҳаракатларида сезилиб турган самимийлик ва олижаноблик ҳам уни ҳайратга солмоқда эди; Жюльен Веррьерда ўтказган шу кунлар ичида ўзи шоҳид бўлган дағал муомала, жирканч ишлар ва фикр-мулоҳазалардан хотирасини тозалашга эҳтиёж сезарди. У ердаги одамлар ҳар бир ишда ва ҳар доим қоқилиб кетиндан кўрқинар, бойлик билан қаншоқлик ўртасида тинимсиз кураш кетарди. У нешинги зийфатга борган хонадонларда қовурдоқни шу қадар муҳоқама қилиб кетишардики, Жюльеннинг мезбонлар учун номуси келар ва нафратдан оғзидаги овқат томоғига тикилиб қоларди.

— Йўқ, сиз асилзодалар чиндан ҳам фахрлансангиз арзир экан, — дерди у де Реналь хонимга. Сўнгра у тишини-тишига қўйиб иштирок этишга мажбур бўлган барча зийфатларни тасвирлаб берди.

— Бу дейман, азизим, жуда манихур бўлиб кетибсизку! — Шундай дея аёл ҳар гал Жюльенни кутаётганида юзига уна-элик чаплаб оладиган Валено хонимни тасаввур қилди-да, хахолаб кула бошлади. — Менимча, у сизнинг юрагингиздан урмоқчи бўлса керак.

Понушта ниҳоятда жонли ўтди. Болалар уларни поқулай аҳволга солиб қўйишлари лозимдек туюларди, бироқ улар қайтаган шодликка шодлик қўшиб юборишди. Бечоралар Жюльенни яна кўринаётганидан хурсандликларини қандай изҳор қилишларини билломай қолинганди. Хизматкорлар, турган гап, уларга аллақачон жаноб Валенонинг болаларини ўқитишга рози бўлиши учун Жюльенга ортиқча икки юз франк таклиф қилишаётганини айтиб бўлинганди.

Нонунта устида ўша огир касалликдан сўнг хали ҳам юзига қон югурмаган кичкина Станислав-Ксавье дафъатан опасидан ўзининг кумуш идишлари билан манови кумуш кружкаси печа пул туришини сўраб қолди.

— Нега керак бўлиб қолди бу сенга?

— Мен уларни сотамаи-да, бизникида яшайверса лақиллаб қолмаслиги учун пулни жаноб Жюльенга бераман.

Жюльен кўзларига ёш олиб уни ўна кетди. Де Реналь хоним йиглаб юборди, Жюльен эса болани тиззасига ўтказиб, «лақиллаб қолди», дейиш яхши эмаслигини, фақат малайларгина шундай ганиришларини тушунтира бошлади. Унинг бу изоҳларини де Реналь хоним ҳузур қилиб эшитаётганини кўргач, Жюльен «лақиллаб қолди» деган маънога тўғри келадиган ҳар хил кулгили мисоллар тўқиб чиқара бошлади.

— Тушундим, — деди Станислав. — Масалдаги қарғаям лақиллаб қолган: у оғзидаги пишлоқни тушириб юборган, тулки уни илиб кетган, чулки тулки хушомадгўй бўлган-да.

Шодликдан ўзини йўқотиб қўйган де Реналь хоним ўқтин-ўқтин ўридан туриб болаларини ўна бошлар, бунинг учун эса у ҳар гал Жюльенга таяниши лозим эди.

Шу пайт бирдан эшик ланг очилиб, хонага жаноб де Реналь кириб келди. Унинг бадқовоқ ва порози башараси ўзи кириб келган заҳоти сўнган шод-хуррамликнинг бутунлай тескариси эди. Де Реналь хонимнинг ранги оқариб кетди: у ҳозир, шу туришда ҳеч нарсани илкор қила олмаслигини сезарди. Жюльен дарҳол эътиборини ўзига жалб этиб, жаноб мэрға балаи овоз билан Станислав сотмоқчи бўлган кружка ҳақида ҳикоя қила бошлади. «Пул» деган сўзни эшитгач, жаноб де Реналь аввалига шунчаки одати бўйича қовоғини солиб олди. «Менинг олдимда пул ҳақида гап очинса, — дерди у, — бу доим ҳамёнимдан бирор нарсани сугуриб олишга муқаддима бўлади».

Бироқ бу гал гап фақат пул эмасди, унинг шубҳа-гумонлари кучайиб кетди. Хотини ва болаларининг у йўғида гул-гул очилиб ўтиришлари у каби манманликка берилган одамга сира ҳам ёқмасди, албатта. Хотини ўқувчиларига нотаниш ибораларни тушунтираётган Жюльеннинг қандай ажойиб мисоллар тўқиб чиқараётгани ҳақида унга фахр билан ҳикоя қила бошлади.

— Ха-ҳа, — деди жаноб де Реналь жавобан, — у шундай қилиб болаларни мендан бездиради-да, — улар учун менга

нисбатан юз карра ёқимлироқ бўлиш унга ҳеч гап эмас, чунки мен болаларнинг кўзида фақат бошлиқман холос. Ҳа, бизда ҳамма нарса, гўё атайлаб қилгандай, қонуний ҳукуматни хушук кўрсатишга қаратиланти. Бечора Франция!

Бироқ эрининг бундай порозилигининг тафсилотларини суриштириб ўтиришга де Реналь хонимнинг ҳуши йўқ эди. Унинг дилида бутун ўн икки соат вақтни Жюльен билан бирга ўтказиш умиди учқушлади. У шаҳарда анчагина нарса харид қилмоғи лозим эди. Шу биландан у, тушликни қовоқхонада қиламиз, деб туриб олди. Эри қанчалик эътироз билдирмасин, қанча жаҳл қилмасин, хоним ўз гашида қаттиқ тураверди. Болалар ҳозирги аёллар бениҳоя завқ билан талаффуз этадиган «қовоқхона» сўзини эшитибоқ бошлари осмонга етди.

Жаноб де Реналь хотини кирган биринчи атторлик дўконидаёқ уни тарк этди: у баъзи бир одамлар билан учрашмоғи лозим эди. Уйга жаноб мэр эрталабқидан ҳам баттарроқ қовоғини солиб қайтди: у бутун шаҳар унинг ўзи билан Жюльен ҳақида гапирётганига ишонч ҳосил қилган эди. Аслида биронта ҳам кимса унинг иззат нафисга тегадиган мишмишлар ҳақида оғиз ҳам очмаганди. Жаноб мэрнинг қулогига етган барча гаплар ҳаммани қизиқтириб қолган савол: Жюльен олти юз франк маош билан уикида қоладими ёки саккиз юз франк тўламоқчи бўлаётган етимхона директори жаноблариникига кетадими, деган масалага тааллуқли эди.

Бу директор де Ренални кўчада кўриб қолганида уни жуда совуқ қарши олди. Бу анчайин усталик билан ишлатилган найранг эди: провинцияда ўйламай қилинган ишлар, кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлар шу қадар кам учрайдики, кейинчалик уларни роса астар-аврасини ағдариб, ҳар мақомга солиб муҳокама қилишади.

Жаноб Валено Париждан тўрт-беш юз чақирим берроқда муттаҳам деб атанадиган одамлар сирасидан эди, ўзи шунақа бир тонфа — табиатан сурбет ва доғули одамлар бўлади. 1815 йилдан бошлаб у эринган муваффақиятлари ажойиб фазилатларининг камол топишига имкон берди. У, айтиш мўмкинлики, жаноб де Реналнинг соясида бутун Веррьерга ўз ҳукмини ўтказиб келарди, бироқ раҳбарига қараганда анча гайратлироқ бўлган ва ҳеч қандай қингир ишдан ҳазар қилмайдиган бу одам ҳар ишга тумшугини тикарди, доим югуриб-еларди, кимгадир хат ёзарди, ким биландир танлашарди, ҳеч қандай ҳақоратни исеанд қилмасди. У шу йўсинда, ҳеч нарсага даъво қилмай юриб,

алоҳа черков боилиқлари кўзида ўз мэрининг обрўсини анча тушириб қўйди. Жаноб Валено шундай йўл тутарди: у маҳаллий дўкондорларга мурожаат қилиб: «Орангиздан икки нафар гирт аҳмоқни ташлаб беринг», — дерди, суд аҳлидан: «Менга иккита энг подон одамни кўрсатинг», дея ўтинарди, табиблардан эса: «Менга ҳеч нарсадан қайтмайдиған иккита қаллобни тавсия этинг», — дея илтимос қиларди. Шу йўсинда ҳар бир касбдан энг қабих одамларни тўплаб олгач, жаноб Валено уларга: «Ўелинг, бирга ҳукмронлик қиламиз», — деб таклиф қилди.

Бу тўданинг қилиқлари жаноб де Реналнинг эпасини котиради. Валенонинг разилона табиати ҳар қандай ҳақоратга, ҳатто анави аббатча Маслоунинг жамоат олдидан берган даъноларига ҳам дош бераверарди.

Бироқ ана шу фароғат ичра жаноб Валено истаган одам унинг юзига солишга ҳақли бўлган, — буни у жуда яхши тушунарди, — аччиқ ҳақиқатлардан ўзини баъзи-баъзида ҳар қалай ҳимоя қилиб қўйишга мажбур эди. У жаноб Ансер ташриф бўюрганидан сўнг ҳадиксираб, оёғи куйган товукдай югуриб қолди. У уч марта Безансонга бориб келди, ҳар бир почта билан у даста-даста хатлар юборарди, баъзи нарсаларни эса уйига қош қорайганда келадиган аллақандай номаълум нуسخалар олиб кети-нарди. У ўшанда кекса кюре Шеланин вазифасидан бўшаттириниға эришиб, каттагина хатога йўл қўйди шекилли. Зеро, унинг шу қасосидан сўнг киборлар жамиятидан бўлган кўнгиға художўй хонимлар Валенони гирт аблаҳга чиқариб қўйдилар. Бундан ташқари, унга кўрсатилган бу ёрдам уни катта викарый де Фрилер жанобларига бутунлай қарам қилиб қўйди; Валено энди ундан галати тоншириқлар ола бошлади. Васвасага учиб, имзосиз мактуб ёзганида унинг иилари ана шу аҳволда эди. Бунинг устига хотини Жюльенни албатта болаларига тарбиячи қилиб олмоқчи эканини айтиб қолди: жаноб Валенонинг шухрат-параст табиатига бу фикр мойдек ёқиб тушди.

Жаноб Валено инининг бу кетишида ўзининг собиқ сафдоши жаноб де Реналь билан очиқчасига гаплашиб олишдан қочиб қутулмаслигини тушунарди. Турган гап, жаноб де Реналь унга ҳақоратли гаплар айтади. Бу нарса жаноб Валенони унча безовта қилмасди, бироқ жаноб де Реналь Безансонга ва ҳатто Парижга хат ёзиши мумкин. Қарабсанки, Веррьерга қутулмаганда бирор министрнинг жианчаси келади-да, ундан етим хонани тортиб олади. Шундан сўнг жаноб Валено либераллар билан яқинлашсам ёмон бўлмасди, деб ўйлаб қолди, шу боисдан ҳам

уларнинг баъзилари Жюльен ҳаммани қойил қолдирган ўша зиёфатга таклиф этилгандилар. Улар сўзсиз мэрға қарши курашда жаноб Валенога кучли таянч бўлишлари мумкин эди. Хўш, сайлов бўлиб қолса-чи, етимхонани кўлида сақлаб қолиш ва помақбул одам учун овоз бериш — бир-бирига мутлақо зид нарсалар эканлиги ўз-ўзидан маълум-ку ахир. Бу мураккаб сиёсатни жуда яхши тушунадиган де Реналь хоним Жюльеннинг қўлтиғидан тутганича бир дўкондан иккинчи дўконга ўтиб борар экан, буларнинг барини унга батафсил тушунтириб берди, улар гапга берилиб кетиб, ўзлари ҳам сезмаган ҳолда Садоқат хиёбонига бориб қолишди ва у ерда бир неча соат вақтни худди Вержидаги каби деярли хузур-ҳаловатда ўтказишди.

Бу орада собиқ бошлиғи билан узил-кесил гаплашиб олишдан қочиб юрган жаноб Валено уни учратиб қолганида жуда гёрдайди. Бу пайраг унга жуда асқатди-ю, бироқ жаноб мэрининг бусиз ҳам расво кайфияти баттар бузилди.

Мамманлик ва разилона хасислик орасидаги бу кураш натижасида жаноб де Реналь тушиб қолган аҳволдан ҳам аянчлироқ ҳолатни тасаввур қилиш амримаҳол эди. Бунинг устига илгари ҳеч қачон ўз болаларини ҳозир қовоқхонага кириб борган пайтдагидек қувноқ ва мамнун ҳолда кўрмаган эди. Ўз руҳий ҳолатига бутунлай тескари бу кайфият унинг зардасини қайнатиб юборди.

— Мен, афтидан, оилада ортиқчага ўхшайман, — деди у товушини маҳобатлироқ қилишга уриниб.

Бунга жавобан хотини товушини пасайтириб, яна Жюльенни жўнатиб юбориш зарурлиги ҳақида гап очди. Йигит билан ўтказган шу бахтли соатлар хонимнинг бундан икки ҳафта муқаддам ўйлаб қўйган режасини амалга оширмоқ учун зарур бўлган қатъият ва ишончини мустаҳкамлаган эди. Бечора мэр, бошқа ташвишларининг устига-устак, яна бир нарсадан гаранг бўлиб қолганди: шаҳарда унинг қурумсоқлиги устидан очиқ-ойдин кулиб юришгани унга яхши маълум эди. Ҳамма ўғриллар қатори қўли жуда очиқ бўлган жаноб Валено авлиё Иосиф жамоаси, Биби Марям конгрегацияси, Муқаддас Маросим уюшмаси ва ҳоказо, ва ҳоказо жамоалар фойдасига сўнгги марта хайр-эхсон йиғиш пайтида ўзини жуда олиҳиммат қилиб кўрсатганди.

Жаноб де Реналнинг неми шарифи эса бир неча бор роҳиблар томонидан берган напасининг ҳажмига қараб усталик билан тузилган Веррьер ва унинг атрофида яшов-

чи дворянлар рўйхатининг энг охирида тилга олинганди. У, даромадим бўлмаса нима қилай, деб ўзини оқлашга уринди-ю, бироқ беҳуда овора бўлди. Ҳазрат руҳонийлар бунақа нарсалар хусусида ҳазилни ёмон кўрадилар.

XXIII

Амалдорнинг қайғуси

Il piacere di alzar la testa
tutto l'anno e ben pagato da
certi quarti d'ora che bisog-
na passar.

*Casti.*¹

Маили, бу одам ҳадиксираб юрар экан, уни ўз ҳолига қўййлик, малайтабиат одам талаб қилинадиган жойга мард ва олижаноб бир йигитни ишга олсин, деб ким айтибди унга? Унинг хизматкор танлай билмаслигига ким айбдор? XIX асрнинг одати ўзи шу — агар биронта қудратли асилзода мард одам билан тўқнаш келиб қолса, бу одамни у ё ўлдиради, ё қувгин қилиб, қамоққа тикади, ёки шу қадар хўрлайдики, боёқишнинг қайғу-алам туфайли ўлиб кетишдан бошқа чораси қолмайди. Бу ўринда эса ҳозирча тасодифан азоб-уқубат мард одамнинг зиммасига тушмаётган эди. Франциянинг кичик шаҳарчалари ва масалан, айтайлик, Нью-Йоркдаги сайлаб қўйилган ҳукумат органларининг бошига битган бутун бало шундаки, дунёда жаноб де Реналь каби кимсалар ҳам мавжудлигини унутишга мутлақо имконият бўлмайди. Атиги йигирма минг аҳолиси бўлган шаҳарчада худди ана шундай одамларнинг айтгани айтган, хартия берилган мамлакатдаги бундай кишиларнинг фикри эса чиндан ҳам даҳшатли нарса бўлади. Олижаноб ва довюрак бир одам сизнинг дўстингиз бўлиши мумкин эди, бироқ у сиздан тўрт юз-беш юз чақирим нарида яшайди ва сиз тўғрингизда шаҳрингизнинг одамлари фикрига қараб ҳукм юритади, жамоат фикри эса асилзода, бадавлат ва мўътадил бўлиб туғилиш бахтига муяссар бўлган аҳмоқлар томонидан яратилади.

¹ Бутун йил давомида гердайиб юрмоқ учун бирон чорак соат азоб чекилса, бало ҳам урмайди.

Кастри.

Улардан фарқ қиладиган одамнинг ҳолига вой деяверинг!

Тушки овқатдан сўнг бутун оила Вержигга жўнаб кетди, бироқ орадан бир кун ўтгач, Жюльен уларнинг барини яна Веррьерда кўрди.

Улар келишганидан сўнг бир соат ўтар-ўтмас Жюльен де Реналь хонимнинг ундан ниманидир яшираётганини кўриб, қаттиқ ҳайратга тушди. У хонага кирган заҳоти эри билан гаплашиб ўтирган хоним дарҳол жимиб қолар ва ҳатто унинг чиқиб кетишини кутаётгандек бўларди. Жюльен бир зумда бу ҳолнинг бошқа такрорланмаслиги чорасини кўрди. У дарров сипо тортиб, хонимнинг гапларига совуққина жавоб қила бошлади, де Реналь хоним буни пайқади, лекин сабабини суриштириб ўтирмади. «Менинг ўрнимга бошқа одам топиб олмадимикин ишқилиб? — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Ахир ўтган куни мен билан жуда нозланиб гаплашган эди-ку! Лекин, айтишларича, бу асилзода хонимлар доим шундай қилишар экан. Қироллар ҳам ҳамиша шундай йўл тутишади: биронта министр уйига боргач, истеъфога чиққани ҳақидаги фармонни ўқийдиган куши улар ўша боёқишга ғоятда серилтифот бўладилар».

Жюльен пайдо бўлиши билан дарҳол узилиб қолаётган ўша суҳбатларда гап нуқул Веррьер шахрига тегишли бир катта уй ҳақида кетаётганини пайқаб қолди; бу черковнинг шундоқ қаршисида, гавжум ерда жойлашган эски, лекин кенг ва қулай уй эди. «Аммо ўша уйнинг янги ўйнашга қандай алоқаси бўлиши мумкин?» — дея бош қотирарди Жюльен. Шундан кейин у дили ранжиб, ўзича Франциск I нинг ажойиб бир қўшиғини такрорлай бошлади. Бу қўшиқ унинг учун янги эди, зеро уни де Реналь хонимдан эшитганига ҳали бир ой ҳам бўлмаганди. Бўлмасам бу қўшиқнинг:

Барқарорлик недир — билмас аёл ҳеч қачон,
Кимки унга ишонибди тентақдир аён,—

каби ҳар бир мисраси қандай аҳд-паймонлар, қандай оташин бўсалар билан инкор этилган эди-я.

Жаноб де Реналь почта каретасида Безансонга жўнади. Бу сафар ҳақидаги қарор жуда зудлик билан, қандайдир икки соат ичида қабул қилинган шекилли, мэрнинг қиёфаси жуда ташвишли кўринарди. Безансондан қайтгач, у стол устига кулранг қоғозга ўралган катта бир тугунни ташлади.

— Мана ўша аҳмоқона иш, — дея тўнғиллади у хотинига қараб.

Бир соатдан сўнг Жюльен эълонлар ёпиштириб юрадиган одам келиб, ҳалиги катта тугунни олиб кетганини кўриб қолди, у дарҳол ўша одамнинг изидан югурди. «Ҳозир, эълон ёпиштириладиган биринчи бурчақдаёқ ўша сирни билиб оламан».

Ҳалиги одам эълоннинг орқа томонига елим суртар экан, у сабрсизлик билан кутиб турди. Қоғоз деворга ёпиштирилган заҳоти синчковликдан бетоқат бўлиб турган Жюльен жаноб де Реналнинг хотини билан суҳбатига тез-тез тилга олинадиган ўша уйнинг ким ошди савдосига қўйилиб, ижарага берилажаги тўғрисидаги батафсил эълонни ўқиди.

Савдо эртага соат иккида, шаҳар ратушасининг залида ўтказилар экан. Ҳукм учинчи шам ўчганидан сўнг кучга кираркан, Жюльеннинг жуда ҳафсаласи пир бўлди, лекин ҳар қалай эълон савдо қуни арафасидагина осилаётгани унга ғалати туюлди. Савдода иштирок этишни истовчи одамларнинг кўпчилиги бундан беҳабар қолмайдими ахир? Дарвоқе, икки ҳафта олдинги число билан белгиланган эълонда гарчи Жюльен уни турли жойда бошдан-оёқ уч марта ўқиб чиққан бўлса-да, бу тўғрида ҳеч гап айтилмаганди.

Йигит уни бир кўрмоқчи бўлиб ўша уй томон йўл олди. Дарбон, Жюльеннинг келганини сезмай, сирли оҳангда қўшнисига гап тушунтирмоқда эди:

— Э, нимасини айтасан. Бекор овора бўлишадди... Жаноб Маслон унга уйни ропша-роса уч юз франкка ижарага беришни ваъда қилган. Мэр қайсарлик қилмоқчи бўлиб кўрганди, уни дарҳол епископатга, катта викарий де Фрилернинг ҳузурига чақиртиришди.

Шу пайт улар Жюльенни кўриб қолишдию қаттиқ хижолатга тушишди ва ортиқ бир оғиз ҳам сўз айтишмади.

Эртасига Жюльен белгиланган вақтда ўша ким ошди савдосига борди. Хирагина ёритилган залда бир талай халойиқ йиғилган эди, бироқ одамлар бир-бирларига ғалати қараб қўйишарди. Сўнгра барча столга қаради, Жюльен у ердаги қалайи идишда уч дона шам қолдигининг ёниб турганини кўрди. Суд нозири: «Уч юз франк, жаноблар», дея қичқирди.

— Уч юз франк, дейди-я! Жинни-пинни бўлишганми... — деди қандайдир бир одам ёнидаги шеригига. Жюльен тасодифан уларнинг ўрталарига туриб қолганди.

— Ахир, унинг баҳоси саккиз юздан ҳам ортиқ-ку. Қани, бир баҳосини ошириб кўрай-чи.

— Бошингни қотириб нима қиласан, огайни. Жаноб Маслоп, жаноб Валено, епископ, яна анави катта викарний де Фрилер ва бутун тўданинг жигига тегишдан бирон фойда чиқадими сенга?..

— Уч юз йиғирма, — дея қичқирди бошқаси.

— Эшакдай ўжар экансан-да ўзингам, — сўқинди унинг шериги. — Ана, қара, мэрнинг жосуси турибди, — дея қўшимча қилди у Жюльен томонга бош иргаб.

Жюльен ўзи ҳақида бундай ҳақоратли гапни айтган ўша одамнинг жазосини бериб қўймоқ учун шартта улар томон ўғирилди, бироқ франш-контэллик икки огайни унга мутлақо эътибор бермай турпшарди. Уларнинг совуққонлиги унга ҳам ўтди. Шу пайт сўнгги шам қолдиғи ҳам лип этиб ўчди, суд нозири чўзиқ овоз билан халойиққа уйнинг уч юз ўттиз франк звазига тўққиз йил муддат билан префектура идорасининг бошлиғи де Сен-Жиро жанобларига берилажагини эълон қилди.

Мэр залдан чиқиб кетган заҳоти ғала-говур гаплар бошланди.

— Мана шаҳар газнасига ортиқча ўттиз франк, Грожоннинг тентаклигидан тушган даромад, — дерди бир одам.

— Лекин жаноб де Сен-Жиро Грожоннинг роса адабини беради ҳали, — дейишарди жавобан унга бошқалар. — Кўрасан, ўша ўттиз франкни бурнидан булоқ қилиб чиқариб олади.

— Шунақаям аблахлик бўладими, — дерди Жюльеннинг чап томонида турган бир бақалоқ. — Шундоқ уйни-я, мен унга саккиз юз франк берардим. Кейин унга фабрикамини кўчириб келардим-да, фойдаям кўрган бўлардим.

— Хўш, нияям қила олардингиз, — дея жавоб қилди унга либераллардан бўлган ёш бир фабрикант. — Ахир де Сен-Жиро конгрегациянинг аъзоси-да. Тўрттала боласининг ҳаммаси стипендия олади. Боёқиш камбағал! Тирикчилигини ўтказсин, деб унга беш юз франк совға қилишди холос.

— Буни қаранг-а, мэрнинг ўзиям ҳеч нима қилолмади, — дея гап қотди учинчи бир одам. — Бўлмасам ўтакетган роялист ўзи — фақат ўғрилик қилмайди.

— Ўғрилик қилмайди, дейсизми? — гапни илиб кетди яна бошқа биттаси. — Юлдузни бенарвои уради у. Уларнинг ҳаммаси бир гўр, топганларини бир жойга тўплашади-да, йилнинг охирида бўлашиб олишади. Уни қаранг, ана

Сорелнинг ўгли турибди, қани, юринглар, яхшиси бу ердан кетайлик.

Жюльен ким ошди савдодан кайфияти ниҳоятда бузилиб қайтди, де Реналь хоним жуда маъюс эди.

— Ким ошди савдосига борувмидингиз? — дея сўради у.

— Ҳа, хоним, у ерда мени жаноб мэрнинг жосуси деб аташди.

— Аҳ, қани энди у гапимга кириб, шу кунларда бирон ёққа жўнаб кетганида эди!

Шу пайт ниҳоятда хафа бўлган жаноб де Реналь кириб келди. Тушки овқат маҳали ҳеч ким «чурқ» этиб оғиз очмади. Жаноб де Реналь Жюльенга болаларни Вержиге кузатиб боришни буюрди; улар маъюс бир кайфиятда йўлга тушишди. Де Реналь хоним эрига:

— Энди бу ишларга кўникиб кетсангиз бўларди, дўстим, — дея тасадли берарди.

Кечкурун ҳаммалари индамай камин ёнига ўтиришди, сукунатни фақат қорақайин палёнларининг чирсиллаб ёнишигина бузиб турарди. Батъан энг аҳил оилаларда ҳам шундай ғамгин дақиқалар бўлади ўзи. Шу пайт ногаҳон болалардан бири хурсанд бўлиб қичқириб юборди:

— Кўнғироқ! Кўнғироқ жириглапти!

— Э, жин урсин! Агар бу миннатдорчилик билдириб, жонимга тегиш учун келган жаноб де Сен-Жиро бўлса, дилимдаги бор гапни башарасига тўкиб соламан. Ҳаддидан ошиб кетди улар! У жаноб Валенодан миннатдор бўлиши керак, мен эса фақат иснодга қолдим. Агар анави лаънати яқобинчи газеталар мени калака қилгудек бўлса, ким деган одам бўламан?!

Хизматкор эшикни очган эди, унинг ортидан хонага чакка соқоли тимқора, жуда келишган бир жаноб кириб келди.

— Жаноб мэр, мен синьор Жеронимо бўламан. Мана, Неаполитания элчихонасининг атташеси кавалер де Бовезининг мактуби; у бу хатни сиз учун бундан тўққиз кун муқаддам, жўнаётган пайтимда ёзиб берди, — дея қувноқлик билан кўшимча қилди синьор Жеронимо де Реналь хонимга қараб қўяр экан. — Хоним, сизнинг амакиваччангиз ва менинг яқин дўстим синьор де Бовези сизни италян тилини билади, деб айтгандилар.

Қувноқ неаполитаниялик бу диққинафас кечани дафъатан жонлантириб юборди. Де Реналь хоним меҳмонни албатта зиёфат қилишга жазм этди. У бутун уйни оёққа тургизди; хоним нима қилиб бўлса-да, бугун Жюльенни

икки марта юзига жосус деб аташганини унинг хаёлидан чиқариб ташламоқчи эди. Машҳур хонанда синьор Жеронимо деярли оқсуяк бўлса ҳам жуда қувноқ одам эди, ҳозирги кунда бу икки хислат Францияда бир-бирига мутлақо зид бўлиб қолган. Зиёфатдан сўнг у де Реналь хоним билан бирга битта кичкина дуэт ижро этди-да, сўнгра турли қизиқ воқеалардан ҳикоя қилиб уйдагиларнинг вақтини чоғ қила бошлади. Кечаси соат бирда Жюльен болаларга бориб ухлаш кераклигини айтганида, улар яна бир оз ўтиришга рухсат сўраб, илтимос қилишди.

— Яна биттагина ҳикоя эшитайлик,— деди болаларнинг каттаси.

— Бу ҳикоя ўзим ҳақимда, синьорина,— деди синьор Жеронимо.— Бундан саккиз йил муқаддам, ҳозир сизга ўхшаб ўқувчи бўлиб юрган кезларим, мен Неаполитания консерваториясининг талабаси эдим... Айтмоқчиманки, ўшанда менинг ҳам ёшим худди сизникидек эди, бироқ менга ажойиб шаҳар Веррьернинг машҳур мэрига ўғил бўлиш насиб қилмаганди.

Бу сўзларни эшитиб жаноб де Реналь оғир хўрсинди-да, хотинига қараб қўйди.

— Синьор Цингарелли,— дея давом этди ёш хонанда талаффузини жўрттага бузиб, буни эшитиб болалар хандон ташлаб кулишарди,— менинг ўқитувчим синьор Цингарелли жуда қаттиққўл одам эди. Консерваторияда уни ёмон кўришарди, синьор Цингарелли эса, барча ўзини гўё уни жуда яхши кўрадигандек тутишни хоҳларди. Мен дам-бадам дарслардан қочиб кетардим. Ўшанда кичкина Сан-Карлино театрига борардим-да, дунёдаги энг ажойиб музикани тинглардим,— лекин, ё раббим!— театрга кириш учун тўлаш лозим бўлган саккиз су пулни қаердан топсам экан? Шундай катта пул-а!— деди у болаларга кўз югуртириб, улар эса қиқирлаб кула бошлашарди.— Кунлардан бирида Сан-Карлино театрининг директори синьор Жюванноне менинг қандай қўшиқ айтишимни эшитиб қолди-да,— ўшанда ёшим ўн олтида эди,— «бу бола нақ хазинанинг ўзи-ку»; деди.

— Сени театримга ишга олишимни истайсанми, болакай?— дея сўради у мендан.

— Қанча ҳақ тўлайсиз?

— Ойига қирқ дукат.

Ахир, жаноблар, бу оз эмас, қўл эмас, бир юз олтмиш франк дегани бўлади-я! Менга худди олдимда жаннат дарвозаси очилгандек туюлди.

— Бу ёғи нима бўлади, — дедим мен Жюваннионегга, — каттиққўл синьор Цингарелли менга жавоб берармикин?

— *Lascia fare a me.*

— Бу ишни менга қўйиб беринг, — дея қичқириб юборди болаларнинг каттаси.

— Мутлақо тўғри, навқирон синьор. Шундай қилиб, синьор Жюваннионе менга қараб: «Саго*, авваламбор манови шартномага қўл қўй», деди. Мен қўл қўйдим. Шу заҳоти у менга уч дукат узатди. Умримда биринчи марта шундай катта пулни қўлга олишим эди. Сўнгра у менга қандай ҳаракат қилиш лозимлигини тушунтирди.

Эртаси куни даҳшатли синьор Цингареллининг олдига мени қабул этишни илтимос қилиб бордим. Ҳекса хизматкор мени унинг хонасига олиб кирди.

— Ҳа, шумтака, менда нима ишинг бор? — дея сўради Цингарелли.

— Маэстро! — дедим мен унга. — Барча гуноҳларимга тавба қилиш учун ҳузурингизга келдим, энди сира ҳам девордан ошиб, консерваториядан қочиб кетмайман. Энди илгарига қараганда икки карра кўпроқ ҳафсала билан ўқийман.

— Агар сенинг беқиёс бас овозингни бузиб қўйишдан қўрқмаганимда, сен ярамасми, қуруқ нон билан сув бериб, авахтага тиқиб кўярдим. Бирор икки ҳафта жазонгни тортардинг ўшанда.

— Маэстро, — дея гап бошладим мен яна, — энди мен бутун консерваторияда сизнинг энг намунали ўқувчингиз бўламан, *credete a me***. Лекин битта илтимосим бор, уни рад этмасангиз: агар биронта одам келиб, сиздан менинг бирор театрда қўшиқ айтишимга рухсат сўраса, илтимос, ижозат берманг. Ўтинаман, унга жавоб бера олмайман, деб айтинг.

— Сендай такасалтангни сўраш кимнинг ҳам хаёлига келарди? Сенинг консерваториядан кетишингга йўл қўяр эканманми мен? Менинг устимдан куляпсан шекилли? Қани, йўқол бу ердан! Жўна дарров! — дея қичқирди у орқамга тегишга ҳаракат қилиб. — Эҳтиёт бўл, бола, худди авахтага тиқиб, нон билан сувга ўтқазиб қўяман-а.

Орадан бир соат ўтгач, синьор Жюваннионенинг ўзи директорнинг олдига кириб келди.

— Ҳузурингизга катта бир илтимос билан келдим, — деди у, — мурувватингизни аямасангиз, бахтим сизга бог-

* *Лазизим (италь).*

** *Гапимга ишонинг (италь).*

лиқ бўлиб қолди, — Жеронимони менга берсангиз, шу қиш театримда ашула айтса, шунда қизимни эрга бериб юборган бўлардим.

— Ўша шумтакани бошингга урасанми? — дея қичқирди унга Цингарелли. — Бу гапни ҳатто эшитишни ҳам хохламайман. Нега берар эканман уни?! Бундан ташқари ҳатто мен жавоб берган тақдирда ҳам унинг ўзи консерваторияни ташлаб кетишга сира рози бўлмайди: у ҳозиргина бу ҳақда онт ичди.

— Хўп, агар иш фақат шунга қараб қолган бўлса, — деди жавобан виқор билан Жиованноне, чўнтагидан менинг шартномамни олар экан, — *carta canta* — мана унинг имзоси.

Шунда Цингареллининг шу қадар фиғони фалакка чиқдики, қўнғироқнинг ипини узиб юборишга сал қолди.

— Ҳайдалсин, — дея қичқирарди у, — ҳозирнинг ўзидаёқ Жеронимонинг консерваториядан қораси ўчирилсин! — ўзи эса газабдан қалт-қалт титрайди.

Шундай қилиб мени ҳайдашди, роса кулдик-да кейин ўзиям! Ўша куниёқ кечқурун мен *Multiplico* ариясини ижро этдим: Полишинељ уйланмоқчи бўлади ва хўжаликка нималар сотиб олиши кераклигини бармоғида санаб ўтириб, нуқул янглишиб кетаверади.

— Илтимос, афандим, марҳамат қилиб бизга шу арияни айтиб берсангиз, — деди де Реналь хоним.

Жеронимо арияни ижро эта бошлаган эди, ҳаммалари роса хахолаб кулишди. Синьор Жеронимо ўзига ажратилган хонага ухлагани жўнаганида кечаси иккига занг урган эди; у ўзининг ёқимтойлиги, назокати ва қувноқ табиати билан бутун оилани ўзига мафтун этганди.

Эртаси куни жаноб де Реналь билан де Реналь хоним унга Франция қиролининг саройи учун тавсиянома ёзиб беришди.

«Ҳаммаёқда ана шундай қаллоблик, — дея ўзича мулоҳаза юритарди Жюльен. — Мана ҳозир синьор Жеронимо олтмиш минг маош оладиган ишга Лондонга жўнайди. Ўша Сан-Карлино театрининг директори эпчиллик қилмаганида унинг ажойиб овози халққа, аҳтимол, ўн йил кейинроқ маълум бўлармиди... Йўқ, чин сўзим, менга қолса Реналдан кўра Жеронимо бўлган маъқул. Тўғри, бунақа одамни жамиятда унчалик ҳурмат қилишмайди, лекин унинг манови ким ошди савдосига ўхшаш кўнгилсизликлар ҳам бўлмайди, боз устига ҳаёти ҳам бирмунча нашъали кечади».

Жюльен ўзига-ўзи ҳайрон эди: жаноб де Реналнинг

бўм-бўш уйида ёлғиз ўтказган шу бир неча ҳафта давомида у ўзини жуда бахтиёр ҳис этганди. Нафрат туйғуси ва қайғули фикрлар унинг қалбини фақат зиёфатлардагина чулғаб олар, бошқа пайтларда эса бутун уйда ёлғиз ўзи бўлиб, мутолаа қилиши, ёзиши, хаёл суриши мумкин эди, зеро унга ҳеч ким ҳалал бермасди. Минут сайин пасткаш бир одамнинг раъйига қараш, буниси ҳам етмагандек — турли найранглар ёки мунофиқона сўзлар билан унга хушомад қилиш зарурати йўқлигидан йигит бемалол ўзининг ҳавойи орзуларига берилавериши мумкин эди.

Эҳтимол, бахт худди шу ерда, шундоқ ёнгинасидадир? Ахир шу тахлит ҳаёт кечирмоқ учун кўп пул талаб қилинмайди-ку: Элизага уйланса ёки Фукега шерик бўлса бас... Аммо сайёҳ баланд тоғ тепасига чиққач, унинг чўққисида ҳузур қилиб дам олади. Агар бу сайёҳни ўша ерда умрбод дам олишга мажбур этишса, у бахтли бўлармикин?

Де Реналь хонимнинг қалбини даҳшатли хаёллар чулғаб олганди. Бу ҳақда ҳеч кимга айтмайман, деб аҳд қилган бўлишига қарамай, у ким ошди савдоси билан боғлиқ бўлган ҳамма гапни Жюльенга айтиб берди. «Мен уни деб барча қасамларимни бузадиганга ўхшайман», дея ўйларди у.

Агар эрининг ҳаёти хавф остида қолса, аёл уни қутқариш учун сира ўйлаб ўтирмай жонини фидо қилган бўларди. Хоним ҳиммат кўрсатиш мумкин бўлган жойда кўра-била туриб нажот қўлини чўзмаса, гўё ўзини жиноятчидек ҳис этиб, қаттиқ виждон азобида қоладиган худди ўша олижаноб ва романтик одамлар тоифасидан эди. Бироқ баъзан шундай даҳшатли кунлар ҳам бўлардики, аёл, қани энди тул қолсаму, Жюльенга эрга тегсам, қандай бахтли бўлардим-а, дея ўйлаб қоларди.

Йигит унинг ўғилларини уларнинг отасидан ҳам кўпроқ яхши кўрар, болалар ҳам унинг қаттиққўллигига қарамай, Жюльенни жуда севиб қолишганди. Хоним, агар Жюльенга турмушга чиқса, ўзи учун ҳар бир дарахти қадрли бўлган Вержини тарк этишга тўғри келишини жуда яхши тушунарди. У Парижда қандай яшаши мумкинлигини, ўғиллари у ерда ўқишни қандай давом эттиришлари ва барча уларга қандай қойил қолишини тасаввур қиларди. Ўғиллари, унинг ўзи, Жюльен — хуллас, ҳаммалари жуда бахтиёр бўлишарди шунда.

ХІХ асрда никоҳнинг аҳволини қараңг! Эр-хотин гарчи никоҳга қадар бир-бирларини севган бўлсалар-да, тез ора-

да оилавий ҳаётнинг диққинафаслиги натижасида муҳаббатдан асар ҳам қолмайди. Боз устига, аллақайси бир файласуфнинг айтишига қараганда, ишлашлари шарт бўлмаган бадавлат эр-хотин орадан кўп вақт ўтмай зериканларидан нима қилишларини билмай қоладилар, зеро тинчгина оилавий қувончлар тезда уларнинг кўнглига уради. Шундан сўнг фақат табиати жуда совуқ аёлларгина муҳаббат ҳақида орзу қилмайдилар.

Бу фалсафий мулоҳаза туфайли мен де Реналь хонимни кечиришга мажбур бўлдим, аммо Веррьерда уни афв этишмаганди. Аксинча, бутун шаҳар, гарчи хоним буни ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса-да, унинг ишқий моjarоси ҳақида гапирмоқда эди. Ана шу моjarо туфайли куз фасли шаҳарда ҳаёт одатдагидек зерикарли бўлмади.

Куз ва қишнинг бир қисми кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Вержи ўрмонларини тарк этиш пайти келди. Веррьердаги киборлар жамияти ўзи отаётган барча лаънат тошлари жаноб де Реналга унча таъсир этмаётганини кўриб, аста-секин галаёнга кела бошлади. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, баъзи муҳтарам зотлар, ўзларининг одатдаги ҳалолликларини тақдирлаш ниятида фикс-фужурга бажонидил берилиб, жаноб мэрнинг кўнглига шубҳа солишнинг кетидан тушдилар. Бироқ улар бу ишни иложи борича эҳтиёткорлик билан амалга оширмоқда эдилар.

Зимдан иш олиб бораётган жаноб Валено Элизани беш нафар аёли бўлган бир мўътабар оилага ишга жойлаб қўйди. Ўзининг айтишича, қиш фасли бекор қолишдан чўчиган Элиза бу оилада ишламоқ учун жаноб мэрникида оладиган маошининг учдан икки қисмига ҳам рози бўлди. Сўнгра бу қизнинг ҳаёлига ажойиб бир фикр келиб қолди: у Жюльеннинг ишқий саргузаштларини барча тафсилотлари билан унисига ҳам, бунисига ҳам ҳикоя қилиб бермоқ учун аввалги кюре, жаноб Шелан ва янгиси — жаноб Маслоннинг олдига бориб, тавба қилишга жазм этди.

Мэрнинг оиласи шаҳарга кўчиб келганининг эртаси кунни азонлаб соат олтида аббат Шелан Жюльенга одам юборди.

— Мен сиздан ҳеч нарсани сўрамоқчи эмасман, — деди у йигитга, — ва сиздан ўтинаман, агар бу камлик қилса: буюраман: — менга ҳеч гап айтманг, лекин талаб қиламан: сиз уч кун ичида ё Безансон семинариясига, ёки ҳамон сизни ишга олишга тайёр турган дўстингиз Фукенинг олдига жўнайсиз. Мен ҳаммасини ўйлаб, ҳаммасини тўғри-

лаб кўйдим, лекин сиз дарҳол жўнашингиз ва Веррьерда ҳеч бўлмаса бир йил давомида кўринмаслигингиз даркор.

Жюльен ҳеч нима деб жавоб бермади. У иззат-нафс юзасидан, жаноб Шеланинг бу жонкуярлиги учун хафа бўлсаммикин ёки йўқми — ахир у менинг отам эмас-ку, дея ўйлаб қолганди.

— Эртага худди ана шу пайт яна ҳузурингизга келаман, — дея жавоб қилди у кекса кюрега.

Жаноб Шелан, йиғитча мени хурмат қилади, шу бондан ҳам у сўзсиз гапимга кўнишни керак, деган хаёлда яна узоқ гапирди. Жюльен гўё кўй оғзидан чўп олмаган кишидай «чурқ» этиб оғиз очмай бош эгиб турарди.

Ниҳоят, чол унга жавоб берди, йиғит ҳамма гапни айтиб бермоқ учун де Реналь хонимнинг олдига югурди. Бироқ хоним қаттиқ ташвишланиб ўтирган экан. Эри ҳозиргина у билан анча очиқчасига гаплашган эди. Жаноб де Реналанинг журъатсизлиги ва бу журъатсизликни янада кучайтирувчи Безансондан келадиган мерос умиди унга, хотиним мутлақо беғуноҳ, деган фикрда қаттиқ туришни тақозо этганди. У хотинининг олдига кутилмаган бир кашфиётни айтиш учун кирган эди: маълум бўлишича, Веррьер жамоатчилиги жуда галати кайфиятда экан. Турган гап, одамлар ноҳақ гапиршияпти, буларнинг бари ҳасадўйларнинг кирдикори — лекин нима қилиш керак ахир?

Бир дақиқа де Реналь хоним, Жюльен жаноб Валепонинг таклифини қабул қилиши ва Веррьерда қолиши мумкин, деган фикр билан ўзига тасалли бермоқчи бўлди. Бироқ энди у бултургидек журъатсиз ва соддадил аёл эмасди: машъум севгиси ва виждон азоби унинг ақлини пешлаб кўйган эди. Эрининг гапни тинглар экан, у вақтинча бўлса-да, айрилиқнинг муқаррар эканлигига алам билан ишонч ҳосил қилмоқда эди. «Мендан йироқда Жюльен яна ўзининг ҳавоий орзуларига берилади, ҳамёнида сариқ чақаси бўлмаган одам учун бу гоёт табиий бир ҳол-ку. Мен-чи! Ё таңғрим! Мен жуда бадавлатман — аммо бу бойлигим бахтли бўлишим учун сира ҳам ёрдам бера олмайди. У мени унутиб юборади. Жуда дилбар йиғит у! Албатта уни севишади, унинг ўзи ҳам севиб қолади. Эҳ, мен бахти қора... Ундай десам, нимадан шикоят қилишим керак экан? Таңгри адолатли, ахир мен гуноҳ қилишдан ўзимни тийишга уришиб ҳам кўрмадим-ку, — шундан сўнг худо мени жазолаб, эс-ҳушимдан жудо қилди. Бўлмасам, Элизанинг кўнглини топиб, уни ўзимга оғдириб олсам бўлмасмиди — бунинг нима қийин жойи бор экан! Мен

эса бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадим. Севгимдан маст бўлиб юравердим. Мана энди ҳаммаси барбод бўлди».

Бир нарса Жюльени қаттиқ ҳайратга солди: у де Реналь хонимга жўнаб кетишига тўғри келиши ҳақидаги мудҳиш янгиликни айтганида, аёл сира худбинлик қилмай, эътироз билдириб ўтирмади. Унинг фақат кўз ёшларини арағ-тийиб тургани сезиларди ҳоло.

— Дўстгинам, ҳозир сиз билан биз қатъий бўлмоғимиз керак. — Шундай дея у йигитга эдалик учун бир тутам сочинни қирқиб берди. — Нима бўлишимни билмайман, — деди у. — фақат мен ўлиб кетгудек бўлсам, болаларни ҳеч қачон тарк этмасликка ваъда бер. Болаларнинг ёнида бўласанми ёки узокдами, уларни ҳалол одам қилиб тарбиялашга ҳаракат қил. Агар яна революция содир бўлса, барча оқсуякларни қириб ташлашлари турган гап, уларнинг отаси эса хорижга қочса керак — зеро ўшанда томда ўлдирилган деҳқон воқеасида унинг ҳам айби бор. Ўғилларимни унутма... Қани, қўлингни бер. Алвидо, жонгинам! Бирга бўлишимизнинг сўнгги дақиқалари кечмоқда. Ана шу даҳшатли қурбонликни келтирганимиздан сўнг одамлар олдида номуеимни—сақлашга қурбим етар, деб умид қиламан.

Жюльен хонимнинг оҳ-воҳ қилишини кутган эди. Бу оддийгина видолашув сўзлари унинг қалбини ўртаб юборди.

— Йўқ, йўқ, мен бундай хайрлашинини истамайман! Хўш, кетганим бўлсин, уларнинг бари шунини истаётган, жумладан ўзингиз ҳам. Лекин уч кундан сўнг кечаси олдингизга келаман.

Де Реналь хонимнинг кўз ўнгисида ҳамма нарса бир зумда ўзгариб кетди! Жюльеннинг ўзи у билан яна бир бор учрашини истагани, демак, чиндан ҳам уни севар экан! Барча изтироблар дарҳол ғойиб бўлиб, хонимнинг қалбини беқийс қувонч қонлади. У ўзини қушдек енгил сезди. Севгимсени яна бир бор кўришига бўлган ишонч сўнгги минутларда уни ўртаётган барча ранж-аламларини босиб кетди. Шу дақиқадан бошлаб де Реналь хонимнинг ўзини тутини ҳам ўзгарди, юзида ҳам қандайдир ўзгача олижаноблик, дадиллик ва ғайритабиий бир фазилат аке эди.

Кўн ўтмай уйга жаноб де Реналь кириб келди, у ҳаддан ташқари даргазаб эди. Ана шуида у хотинига, ниҳоят, бундан икки ой муқаддам олган имзосиз мактуб ҳақидаги бор ганни тўкиб солди.

— Мен ўша лаънати мактубни Казинога олиб бориб,

хаммага кўрсатаман. Уша Валенининг қандай наизд эканлигини одамлар билиб қўйишсин! Мен у чувридинни сонга киритдим, Веррьернинг энг бадавлат кишиларидан бири қилиб қўйдим. Мен унинг шармандасини чиқараман, у билан олишаман. Йўқ! Ҳаддидан ошиб кетди у!

«Шундан сўнг мен тул қолишим мумкин, ё раббим! — дея бир зум хаёлидан ўтказди де Реналь хоним. Лекин шу заҳоти у ўзига-ўзи деди: — Агар бу дуэлга халал бермасам, халал бериш эса, турган гап, қўлимдан келади, мен ўз эримнинг қотили бўлиб қоламан».

У эрининг манманлигидан ҳеч қачон шундай усталик билан фойдаланмаган эди. Қандайдир икки соат ичида хоним, жаноб де Реналнинг ўзи келтирган далил-исботлар ёрдамида, уни жаноб Валено билан иложи борича дўстона муносабатда бўлиши ва ҳатто Элизани яна қайта ишга олиш лозимлигига ишонтира олди. Барча кулфатларининг сабабчиси бўлган бу қизни яна кўришга жазм этиш учун де Реналь хонимдан озмунча матонат талаб этилмади. Бироқ шундай қилишни унга Жюльен маслаҳат берганди.

Ниҳоят, уни уч-тўрт марта тўғри йўлга солиб юборишгач, бутун Веррьерда фикс-фужур ниҳоятда авжга чиққан ҳозирги пайтда Жюльеннинг шаҳарда қолиши ва жаноб Валенининг болаларига тарбиячи бўлиб ишга киришидан ёмон йўқлигига жаноб де Реналнинг ақли етди, бу эса унинг ҳамёнига қаттиқ зарба бўлиб тушарди. Жюльеннинг эса етимхона директорининг шундай серфойда таклифини қабул қилишга ҳеч қандай шубҳа йўқ эди; бироқ жаноб де Реналнинг таитана қилиши учун, акинча, Жюльеннинг шаҳардан жўнаши ва Безансондаги ёки, айтайлик, Дижондаги семинарияга ўқишга кириши мақбул эди. Лекин уни жўнаб кетишга қандай кўндирса экан, сўнгра — йиғит у ерда ниманинг ҳисобига кун кўради?

Ҳамёнига путур етиши муқаррар эканлигини кўрган жаноб де Реналь хотинидан ҳам баттар изтироб чека бошлади. Хоним эса эри билан бўлган ўша оғир суҳбатдан сўнг ўзини, ҳаёт билан видолашишга аҳд қилиб ўлдирадиган миқдорда страмоний ичиб юборган, лекин ҳали ўлмаган жасур кишидек ҳис этмоқда эди, — ўша одам энди инерция билан яшарди, лекин энди дунёда ҳеч нарса билан қизиқмасди. Людовик XIV ҳам ўла туриб: «Мен қирол бўлган найтимда...» — деб юборган экан. Ажойиб ибора!

Эртасига эрталаб жаноб де Реналь яна битта имзосиз мактуб олди. Бу гал хат анча ҳақоратли сўзлар билан ёзилганди. Унинг ҳар бир сатрида очикдан-очик қўноллик

билан унинг аҳволига ишора қилийганди. Шубҳасиз, бу биронта майда ҳасадгўйнинг иши эди. Бу хат унда яна жаноб Валено билан дуэлга чиқиш нотагини уйғотди. Унинг ботирлиги тутиб, дарҳоя ҳаракат қилишга жазм этди. Шундан сўнг у уйдан чиқиб, қуролсоз устанинг дўконига кирди-да, икки дона пистолет ташлаб, уларни ўқлашни буюрди.

«Йўқ, ростдан ҳам, — дея мулоҳаза юритарди у, — император Наполеоннинг қаттиққўл ҳокимияти қайта тикланди, дейлик, мен бировнинг сариқ чақасига ҳам хиёнат қилган эмасман, виждоним олдида покман. Менинг ягона айбим — ўзгаларнинг жиноятига кўз юмиб келганим, лекин етолим тортмасида мени бутунлай оқлайдиган ишончли ҳужжатлар ётибди».

Де Реналь хоним эрининг совуқ қаҳр-газабидан ҳазилакам кўрқмади, тул қолиш ҳақидаги даҳшатли фикр яна унинг дилига гулгула сола бошлади, аёл бу фикрни бир азобда хаёлидан чиқариб ташлади. У эри билан унинг хонасида қамалиб олди. Аёл бир неча соат давомида эрини бу шаштидан қайтаришга уриниб беҳуда овора бўлди; сўнгги юмалоқ хат жаноб де Реналнинг жазавабини кўзгаб қўйганди. Алоҳа, у ҳар қалай эрини жаноб Валенионинг қўлоқ-чаққасига шаналок уриш ниятидан қайтариб, бундан ҳам мушкулроқ бошқа бир қарорга келишга, яъни Жюльеннинг семинарияда бир йиллик ўқиши учун олти юз франк тўлашга кўндира олди. Жаноб де Реналь болаларига тарбиячи ёллашни жазм этган ўша кунга юзинчи марта лаънат ўқир экан, юмалоқ хатни унутиб қўйди.

Унга фақат бир фикр сал тасалли бермоқда эди: жаноб де Реналь бу йиғитчанинг хом хаёлларида ўз манфаати йўлида усталик билан фойдаланиб, жаноб Валенионинг таклифини рад этинга кўндира олсам, унга олти юз франкдан камроқ тўлашим ҳам мумкин деб умид қилмоқда эди. Лекин бу ҳақда у хотинига айтмади.

Де Реналь хоним Жюльенга етимхона директори ҳаммага эшиттириб таклиф қилган саккиз юз франклик ишдан уни деб воз кечар экан, демак, Жюльен жаноб мэрнинг раёйига қараётгани ва шу боисдан ҳам сира уялиб ўтирмай, ўша пулни олавериши лозимлигини уқтиргунинга қадар анча овора бўлди.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг ахир, — дея қайсарлик билан такрорлади Жюльен, — унинг таклифини қабул қилиш ҳатто хаёлимга ҳам келган эмас. Сиз мени бамаъни ҳаёт кечирингга шу қадар ўргатиб қўйдингизки,

бу одамларнинг разиллигига мутдақо чидаб тура олмасдим.

Бироқ шафқатсиз зарурат метин қўли билан Жюльеннинг продасини букиб қўйди. У Веррьер мэридан бу пулни қарзга олаётгани ва уни беш йил мобайнида процентлари билан қайтаражаги ҳақида тилхат беришини ўйлаб, ўз нафсониятига таскин бермоқда эди.

Де Реналь хонимнинг бир неча минг франк пули ҳамон тогдаги кичкина горда яшириб қўйилганди. Аёл Жюльеннинг рад этиши ва қайтага жаҳли чиқиб кетишидан чўчиб, кўрқа-писа шу пулни унга таклиф қилди.

— Наҳот сиз, — дея жавоб қилди Жюльен, — севгимиз хотираси мен учун жирканчли бўлиб қолишини истасангиз?

Ниҳоят, Жюльен жўнаб кетди. Жаноб де Реналь бениҳоя бахтиёр эди, зеро у йигитга пул таклиф қилган ўша машъум дақиқада бу синовга дош бериш Жюльеннинг қўлидан келмади. У пулни олишдан қатъийан бош тортди. Жаноб де Реналь кўзларида ёш билан Жюльенни қучоқлаб олди. Жюльен ундан ўз хулқ-атвори ҳақида аттестат сўраган эди, таъсирланиб кетган мэр унинг фазилатларини кўкларга кўтариб мақташ учун сўз тонолмай қолди. Қаҳрамонимизнинг беш лундор жамғармаси бор эди ва яна шунча пулни у Фукедан қарз олинган мўлжаллаб қўйганди.

У қаттиқ ҳаяжонланган эди. Бироқ шунча севгисини қолдириб кетаётган Веррьердан уч-тўрт қақирим узоқлашган заҳоти у Безансон каби катта шаҳар, чинакамига катта қалъани кўришга муяссар бўлиш қандай бахт эканлигидан бўлак ҳеч нимани ўйламай қўйди.

Ана шу қисқа уч кунлик айрилиқ давомида де Реналь хоним муҳаббатнинг энг шафқатсиз алдовларидан бирига берилиб, кўр-кўрона яшади. Унинг шу кундаги ҳаётига чидаса бўларди, зеро ҳозирги аҳвол ва келажакдаги мудҳис кулфат ўртасида Жюльен билан сўнгги учрашув бор эди. У ана шу учрашувга қадар қолган вақтнинг соат ва минутларини санаб ўтирди. Ниҳоят, учинчи кун кечаси йнроқдан Жюльеннинг шартли ишорасини эшитди. Йигит қанчадан-қанча хавф-хатарини енгиб унинг олдига келган эди.

Шу дақиқадан бошлаб хоним: «Уни сўнгги марта кўр-яшма», деган ҳаёдан бўлак ҳеч нарсаини ўйлай олмади. У севиклисининг жўниқини суюшларига жавоб бермаслигини эмас, балки шу туринда у ҳатто жонини узилай деб турган иксадга ўхшарди. У Жюльенни севажагини айтишга ўзини ўзи мажбур қилганида бу сўзлар шу қадар

ҳиссиз эшитилардики, қайтанга бунинг аксини ўйлаш мумкин эди. Улар бир-бирларидан жудо бўлаётганлари ҳақидаги даҳшатли фикр ҳозир унинг бутун борлигини эгаллаб олганди. Жюльен одатдагидек гумонсираб мени унутиб юборишибди, деб ўйлашига сал қолди. Бироқ унинг шу борада айтган аччиқ киноясига жавобан аёл ҳеч нарса демади, фақат кўзларидан йирик-йирик ёш томчилари думалади-ю, қўллари талваса билан унинг қўлини қисди.

— Эй худойим! Гапингизга қандай қилиб ишонай ахир,— дерди Жюльен маъшуқасининг уни севиши ҳақидаги онда-сонда айтган ишонарсиз сўзларига жавобан.— Сиз одатда Дервиль хонимга ёки бирон-бир бошқа дугонангизга юз карра кўпроқ дўстона муомала қиласиз.

Карахт бўлиб қолган де Реналь хоним унга нима деб жавоб беришни билмасди.

— Бундан ҳам ортиқ азоб бўладими инсонга! Фақат ўлишим қолди... Юрагим музлаётганини сезяпман.

Унинг берган жавоби ана шу бўлди, Жюльен ундан бошқа ҳеч сўз эшитмади.

Ёриша бошлаган тонг уларга видолашув пайти келганини эслатганида де Реналь хонимнинг кўзларидаги ёш дарҳол қуриб қолди. У Жюльеннинг деразага қандай қилиб арқон боғлашига индамай қараб турди ва унинг бўсаларига мутлақо жавоб қилмади.

— Мана, ниҳоят, ниятингизга ҳам етдингиз,— деди Жюльен.— Энди виждонингиз азоб чекмайдиган бўлди. Мабодо болаларингиздан биронтасининг хиёл тоби қочиб қолгудек бўлса, уларни ўзим гўрга тиқяпман, деб ўйламайсиз ҳам.

Бироқ унинг бу гапи ҳам беҳуда кетди.

— Афсус, Станиславни ўполмай кетяпсиз,— деди хоним совуққина.

Жюльен бу тирик мурданинг жонсиз кучоқлашларидан қаттиқ ҳаяжонланиб тушиб кетди ва бутун йўл давомида шундан бошқа нарсани ўйлай олмади. Унинг юраги поралора бўлиб, тоғдан ўшиб ўтар экан, то Веррьер минораси кўздан гойиб бўлгунича бот-бот орқасига ўгирилиб қараб қўярди.

Катта шаҳар

Қандай ғала-говур! Одамларнинг кўлигини айтмайсизми, яна хар бирининг ўз ташвиши бор! Йигирма яшар йигитнинг миясида келажак ҳақида қандай режалар тузилмайди дейсиз! Буларнинг бари уни севгидан қанчалар четга буриб юборди-я.

Барнаев.

Ниҳоят, йироқда, тепаликнинг устида улкан қора девор кўринди — бу Безансон қалъаси эди. «Қани энди, — деди у ўзича хўрсиниб, — қани энди мен бу мўътабар истехкомга семинарист сифатида эмас, балки бу ернинг ҳимояси учун қолдирилган гарнизон полкларидан бирининг подпоручиги бўлиб келсам».

Безансон Франциянинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлибгина қолмай, унда кўплаб зукко ва олижаноб одамларни учратиш мумкин эди. Бироқ Жюльен бор-йўғи оддийгина қишлоқи йигит эди ва у машҳур одамлар билан танишиш имкониятига эга эмасди.

У дўсти Фукедан оддий костюм олган бўлиб, барча шаҳарликлар кийиб юрадиган ана шу кийимда кўтарма кўприк устидан ўтди. Йигит 1674 йилдаги қамал ҳақида жуда кўп нарса ўқиган эди ва шу боисдан семинарияда қамалиб ётишдан аввал у қалъа деворларини томоша қилмоқчи бўлди. Икки ёки уч марта уни соқчилар ушлаб олишларига сал қолди: чунки у ҳарбийлар пичанни ўғринча сотиб, йилига ўн-ўн беш франк ишлаб олиш имкониятидан маҳрум бўлмаслик учун авомни киритмайдиган жойларга ҳам тумшугини суққан эди.

Юксак деворлар, чуқур хандақлар, тўпларнинг ваҳимали оғзи бир неча соат давомида унинг бутун диққат-эътиборини ўзига жалб этиб турди, бироқ хиёбондан ўта туриб, у катта бир кафени кўриб қолди. У қойил қолиб тўхтади: йигит ҳаддан ташқари катта эшиклар тепасида улкан ҳарфлар билан ёзилган «Кафе» сўзини қайта-қайта ўқиди-ю, аммо кўзларига ишонмай тураверди. Ниҳоят, у юрак бетлаб ичкари кирдию ўзини узунлиги ўттиз-қирқ қадам, баландлиги эса камида уч-тўрт одам бўйи келадиган узун залда кўрди. Бугун барча

наrsa Жюльенни ўзининг янгиллиги билан мафтун этмоқда эди.

Икки бильярдда ўйин кетаётган экан. Маркёрлар бақириб ҳисобни эълон қилишарди, ўйинчилар томошабинлар ўраб турган бильярд атрофида уёқдан-буёққа югуришарди. Одамларнинг оғзидан чиқаётган тамаки тутуни уларнинг боши узра кўкимтир булутга ўхшаб сузарди. Жюльен этаги узун ва кенг-мўл камзул кийиб, елкалари хиёл букчайган, чакка соқоллари гаройиб бу норғул одамларнинг оғир-оғир қадам босишларини қизиқиб томоша қилмоқда эди. Кўҳна Бизонтийнинг мазкур олижаноб ўғлонлари фақат бақириб гаплаша олардилар, улар ўзларини ҳайбатли жангчилар қилиб кўрсатишга уринардилар. Жюльен завқланиб турган жойида қотиб қолди. Йигит бу улугвор пойтахт шаҳар — Безансоннинг поёнсизлиги ва дабдабасига мафтун бўлиб қолганди. Бильярд олдида ҳисобни бақириб эълон қилаётган манови димоғдор жанобларнинг биронтасидан бир чашка қаҳва сўрашга унинг юраги дов бермади.

Бироқ пештахта ортида ўтирган қиз печкадан уч қадам нарида тугунини қўлтигига қистирганича, қиролнинг ажойиб ганчдан ясалган оппоқ бюстини диққат билан томоша қилаётган қишлоқи йигитнинг кўҳликкина юзига дарров эътибор берди. Қадди-қомати келишган, баланд бўйли, ишлайдиган жойига яраша сатанг кийинган бу франш-контэлик қиз бошқа ҳеч ким эшитмаслиги учун Жюльенни оҳистагина: «Афандим! Афандим!» — дея икки марта чақирган эди. Жюльен қизнинг анчайин ишва билан қараб турган шахло кўк кўзларига кўзи тушгач, унинг ўзига мурожаат қилаётганини тушунди.

У душман устига бостириб бораётган жангчи каби ёшгина нозанин ўтирган пештахта томон шитоб билан юрди. Бу кескин ҳаракатдан унинг тугуни қўлтигидан чиқиб ерга тушди.

Шу тобда бизнинг қаҳрамонимиз ўн беш ёшидаёқ кафега виқор билан кириб кела оладиган паришлик навқирон лицеистларга гоёта аянчли кўринган бўларди! Бироқ ўн беш ёшида шундай ажойиб таълим кўрган бу ўспиринлар ўн саккиз ёшга бориб, ўртамиёна йигит бўлиб қоладилар. Баъзан провинцияда учрайдиган бундай жўшқин тортинчоқлик гоҳо ўзини енгиб, иродани мустаҳкамлайди. Жюльен биринчи бўлиб ўзи гап бошлашни лозим топган бу қизга, боз устига шундай нозанинга яқинлашар экан, журъатсизлигини енгганидан сўнг дадиллашиб гапнинг ростини айтишга аҳд қилди.

— Хоним, мен Безансонга умримда биринчи кели-

шим. Ҳақини тўлаб, бир чашка кофе билан нон олсам, дегандим.

Қиз жилмайди-да, қизариб кетди; у анови бильярдчилар бу гўзал йигитчага эътибор бериб, уни калака қилиш-маса эди, дея хавотирланганди. Шунда йигитча кўрқиб кетади-да, бу ерга ортиқ келмай қўяди.

— Мана бу ерга, менинг олдимга ўтиринг,— деди у шундоқ ёнгинасида турган мармар столча томон бош ирғаб. Қимматбаҳо ёғочдан ишланган ва зал томон туртиб чиққан улкан пештахта столчани бильярдчилардан деярли пана қилиб турарди.

Қиз кишининг ҳавасини кўзгайдиган хипча белини намойиш қилиб, пештахта узра эгилди. Жюльен бунга эътибор берди-ю, фикр-хаёли дарҳол бошқа томонга бурилиб кетди. Нозанин унинг олдига чашкача, қанд ва бир бурда нон қўйди. У Жюльенга қаҳва қуйиб берсин учун официантни чақиргиси келмади, у келган заҳоти қиз Жюльен билан бошқа ёлғиз қололмаслигини тушунарди.

Жюльен ўзича бу сочлари оқиш қувноқ нозанинни гоҳ-гоҳида кўз ўнгида гавдаланаётган баъзи хотиралари билан таққослаб, хаёлга чўмди. У ўзига нисбатан қандай оташин севги уйғотганини эслагач, тортинчоқлигидан асар ҳам қолмади. Нозанин учун эса унга бир қарашнинг ўзи кифоя эди: у ўзига керакли бўлган барча гапларни Жюльеннинг кўзларидан уқиб олганди.

— Бу ерни шу қадар тутунга тўлдириб юборишдики, нафас ололмайсан киши. Эртага эрталаб соат саккиздан олдин, вақтлироқ нонушта қилгани келинг. Ўша пайтда мен бу ерда деярли ёлғиз бўламан.

— Исмингиз нима?— дея сўради Жюльен қойил қолган тортинчоқ одамдек мулойим жилмайиб.

— Аманда Бинэ.

— Сизга бир соатлардан сўнг мановинга ўхшаш кичкина бир тугунча юборсам майлими?

Нозанин Аманда бир лаҳза ўйга толиб қолди.

— Мени ҳам тергаб туришади,— деди у.— Сиз илтимос қилаётган нарсанинг менга зиёни тегмаса, деб қўрқаман, лекин манови картага адресимни ёзиб бераман, сиз уни тугунчангизга ёништириб, қўрқмасдан бемалол юбораберишингиз мумкин.

— Менинг исмим Жюльен Сорель,— деди йигит.— Безансода на қариндош-уругим, на таниш-билишим бор.

— А! Тушунаман,— деди қиз хурсанд бўлиб.— Сиз, демак, ҳуқуқшунослик мактабига кирмоқчи экансиз-да?

— Афсуски, йўқ, — деди жавобан Жюльен. — Мени семинарияга ўқишга юборишди.

Аманданинг чехрасидан ҳафсаласи қаттиқ пир бўлгани сезилди. Қиз официантни чақирди, — энди у ҳеч нимадан қўрқмай қўйган эди. Официант ҳатто Жюльеннинг башарасига ҳам қарамай, унга қаҳва қуйиб берди.

Аманда пештахта ортида ўтирганича хўрандалардан пул олмоқда эди, Жюльен қиз билан гаплашишга журъат этганидан ўзича жуда фахрланиб ўтирарди. Бильярдлардан бирининг олдида қаттиқ баҳс кетмоқда эди. Уйинчиларнинг бақириб-чақиринишлари улкан залда акс садо бериб, қандайдир тишимсиз ҳайқирикқа айланардики, Жюльен буни эшитиб, ниҳоятда ажабланди. Аманда кўзларини ерга тикканча хаёлга чўмиб ўтирарди.

— Агар истасангиз, мадемуазель, — деди у дафъатан хотиржам бир дадиллик билан, — мен ўзимни сизнинг қариндошингиз қилиб кўрсатишим мумкин.

Йигитнинг ўзига бўлган бу аломат ишончи Амандага жуда ёқиб тушди.

«Йўқ, у қандайдир фирибгар эмас», дея хаёлидан ўтказди қиз. Сўнгра у, пештахта томон биронта одам келмаётганимикин, деб залини кузатаркан, Жюльенга қарамай, тез-тез деди:

— Мен Жаңлисдан бўламан, бу Дижоннинг ёнида. Сиз ҳам ўзингизни жаңлисликман деб айтмиг, яъни опамнинг қариндоши бўласиз.

— Албатта шундай деб айтаман.

— Ёзда, ҳар пайшанба куни соат бешларга яқин жаноб семинаристлар шу ердан, кафенинг шундоқ ёнгинасидан ўтишади.

— Агар ўшанда мени эсласангиз, мен ҳам шу ердан ўтаётганимда, қўлингизга бинафша олиб эшик олдига чиқинг.

Аманда унга ажабланиб қаради, бу нигоҳ Жюльенни шер қилиб юборди. Лекин у ҳар қалай бирдан:

— Сизни беҳад севиб қолганга ўхшайман, — деганида қулогигача қизариб кетди.

— Секинроқ гапиринг! — деди жавобан қўрқиб кетган қиз.

Жюльен Вержида тасодифан қўлига тушиб қолган «Янги Элоиза»нинг титилиб кетган тоmidан бир неча жумлани эслашга ҳаракат қиларди. Йигитнинг хотираси бу гал ҳам унга панд бермади: у нозанин Амандани қойиб қолдириб, ўн минутча «Янги Элоиза»ни ёддан ўқиди. У ўзининг жасурлигидан боши осмонга етиб турган эди,

бирдан франш-контэлик гўзал қизнинг чехраси совуқ бир тус олди. Кафе эшигида унинг ўйнашларидан бири кўринган эди.

Йигит елкасини ўйнатиб, ҳуштак чалганича пештахта олдига келди-да, Жюльенга тикилиб қаради. Ҳамма нарса-ни доим бўрттириб тасаввур қиладиган Жюльеннинг кўз ўнгида дарҳол муқаррар дуэль манзараси намоён бўлди. У ранги оппоқ оқариб, олдидаги чашкани нарироқ сурди-да, гердайиб диққат билан рақибига тикилди. Ўша рақиб бошини эганича, такаллуфсизлик билан қадаҳга ароқ қуяр экан, Аманда имлаб Жюльенга пастга қарашни буюрди. Жюльен унинг амрига бўйсунди ва ҳозир рўй беражак воқеадан бўлак ҳеч нимани ўйламай, оппоқ оқарганича, жангга шай бўлиб икки минутча қимир этмай ўтирди; чиндан ҳам шу дақиқада у жуда сўлим эди. Жюльеннинг нигоҳи рақибини ҳайратга солди; у ароқни бир симиришда ичиб, Аманда билан икки оғиз гаплашиб олди-да, сўнгра қўлларини кенг камзулининг чўнтагига тикиб, Жюльенга қараб-қараб қўйганича, ҳуштак чалиб, бильярдлардан бири томон равона бўлди. Газабдан эс-ҳушини йўқотиб қўйган Жюльен ўрнидан сапчиб турди; бироқ у дуэлга чақириниш учун нима қилиш кераклигини билмасди. Йигит тугунини стол устига қўйди ва бездай безрайиб бильярд томон йўл олди.

Бир хаёли унга беҳуда: «Агар Безансонда биринчи куниеқ дуэлга чиқсанг — сен учун руҳонийлик мартабаси тамом бўлади», дея уқтирарди.

Бир хаёли: «Бари бир, лекин шундан кейин ҳеч ким, сурбетнинг олдида қўрқоқлик қилди, демайдиган бўлади!» — дерди.

Аманда йигитнинг ўктамлигини дарҳол сезди: унинг тортинчоқлиги, уқувсизлиги олдида бу хислати айниқса кўзга яққол ташланарди. Қиз шу заҳоти анови камзул кийган барзангидан Жюльенни афзал кўрди. У ўрнидан турди-да, ўзини кўчадан ўтиб кетаётган аллақандай одамни кузатаётгандек кўрсатиб, шоша-пиша йигит билан бильярд ўртасига туриб олди.

— Ўша жанобга олайиб қарашдан сизни худо сақласин, у менинг поччам бўлади.

— Буниси билан нима ишим бор? Нега у менга ўқрайди?

— Нима, мени бахтсиз қилмоқчимисиз? Тўғри, у сизга қаради, ҳали у эҳтимол сиз билан гаплашар ҳам. Ахир мен унга сизни ҳозиргина Жанлисдан келган холаваччам деб айтдим. Унинг ўзи Франш-контэдан, Бургундияда

эса Долдан нарига ўтган эмас. Сиз унга миянгизга келган гапни айтаверишингиз мумкин.

Жюльеннинг ҳамон иккиланиб турганини кўриб, ёлгон-яшиқни бичиб-тўқишга жуда чечан бўлган бу пештахта маликаси шоша-пиша кўшимча қилди:

— Рост, у сизга кўз ташлади, лекин у мендан кимлигингизни сўрагандагина сизга қаради. Ўзи шунақа содда одам, ҳамма билан шундай муомала қилади, сизни хафа қилиш унинг ҳатто хаёлига ҳам келгани йўқ.

Жюльен сохта поччадан кўзини узмай турарди, ўша одам нариги четдаги бильярднинг олдига бориб, ўйинда иштирок этиш учун патта сотиб олди. Жюльен унинг бор овози билан: «Қани, сизларга ҳозир бир кўрсатиб қўяман!» — дея бақирганини эшитди. У нозанин Аманданинг ёнидан лип этиб ўтди-да, бильярд томон бор қадам босди.

Аманда унинг қўлидан тутиб қолди.

— Марҳамат қилиб аввал пулни тўланг, — деди қиз.

«Ҳа, рост-а, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен, — у пулни тўламасдан қочиб кетишимдан кўрқяпти». Аманда ундан баттар ҳаяжонланаётган эди, унинг икки юзи лов-лов ёниб турарди, қиз қайтимни жўрттага чўзиб санар экан, оҳистагина:

— Дарҳол кафедан чиқиб кетинг, бўлмасам мен сизни севмай қўяман! Ростини айтсам, сиз менга жуда ёқиб қолдингиз, — дея такрорларди.

Ниҳоят, Жюльен имиллаб кафедан чиқиб кетди. «Балки, ҳар қалай, ўша тўнғизнинг олдига боришим ва худди ўзига ўхшатиб кўзига тикилиб қўйишим керакдир?» — деб сўрарди у ўзидан ўзи. Ана шу тараддуд туфайли у кафе олдидаги хиёбонда яна деярли бир соатча қақ-қайиш турди: у ҳамон, ўша дилозор чиқиб қолармикин, деган умидда эди. Бироқ барзанги чиқавермагач, Жюльен кафе олдидан нари кетди.

Унинг Безансонга келганига бор-йўғи бир неча соат бўлди-ю, баъзи ишлар учун ўзидан ўнкалашга тўғри келяпти. Кекса табиб ўзининг подагра касалига қарамай, бир вақтлар унга бир неча марта қиличбозликдан сабоқ берган бўлиб, ҳозир қаҳр-газаби жўшиб турган Жюльен ишлата олиши мумкин бўлган бутун қурол ана шу эди. Бироқ рақибига ўз газабини, шапалоқдан бўлак, қай йўсинда намоён этишни билганида эди, йиғитни бу мушкулот ҳам тўхтатиб қололмаган бўларди, иш муштлашувга бориб тақалганида эса, унинг рақибни, ҳалиги барзанги Жюльенни яхшилаб дўппосларди-ю, шу билан ҳаммаси тамом бўларди-қўярди.

«На ҳомийси, на пули бўлган мен каби бир камбағалга,— дея мулоҳаза юритарди Жюльен,— семинария нимаю қамоқхона нима — фарқи кам. Шаҳар кийимимни биронта меҳмонхонада қолдириш керак, қора костюмимни ҳам ўша ерда кийиб ола қолардим. Агар бирор кун семинариядан бир неча соатга чиқа олсам, мен шу кийимда Аманданинг олдига боришим мумкин бўларди». Жюльен буни яхши ўйлаб топди-ю, бироқ йўлида учраган меҳмонхоналарнинг биронтасига ҳам киришга журъат этмади.

Ниҳоят, у «Элчилар меҳмонхонаси»нинг ёнидан иккинчи марта ўтаётганида, унинг ташвишли нигоҳи ўзи ҳали анча ёш, икки юзи қип-қизил, тийраккина семиз бир жувоннинг қувноқ кўзларига тушди. Йигит унинг ёнига бориб, аҳволини гапириб берди.

— Майли, бемалол, яхши йигит,— дея жавоб қилди унга «Элчилар меҳмонхонаси»нинг бекаси,— мен шаҳар кийимингизни жон деб сақлаб қўяман, ийнайкейин, уни тез-тез шамоллатиб туришга ҳам ваъда бераман, бунақа об-ҳавода мовут кийимни узоқ тахлаб қўйиш ярамайди.

У калитни олиб, ўзи Жюльенни хонага қузатиб борди ва унга қолдириб кетаётган нарсаларнинг барини қоғозга ёзиб қўйишни маслаҳат берди.

— Вой худойим-ей, бу кийимингиз ўзингизга бирам ярашибдики, азизим аббат Сорель!— деди унга семиз жувон Жюльен кийимини алмаштириб ошхонага, унинг олди-га киргач.— Биласизми, мен ҳозир сизни яхшилаб меҳмон қиламан. Безовта бўлманг,— дея қўшимча қилди у товушини пасайтириб,— бунинг учун сиз бор-йўғи йигирма су тўлайсиз, бошқа одамлардан эса мен эллик су оламан: сизнинг ҳамёнчангизга раҳм қилиш керак-да, ахир.

— Менинг ўн луидор пулим бор,— деди бирмунча фахрланиб жавобан Жюльен.

— Ё худойим!— чўчиб хитоб қилди бека.— Буни шунақа баланд овоз билан гапириб бўларканми ахир? Бизнинг Безансонда ким кўп — фирибгар кўп. Кўз очиб-юмгунингизча киссангизни уриб кетишади. Энг муҳими, ҳеч қачон қаҳвахоналарга борманг, улар ўша ерда тўлиб ётибди.

— Шунақа денг!— деди Жюльен. Беканинг бу гапи уни ўйлатиб қўйганди.

— Сиз меникидан бўлак ҳеч қаерга борманг, сизга қаҳвани ҳам ўзим дамлаб бераман. Ёдингизда бўлсин,

сизни бу ерда доим дўстона кутиб олишади, овқатни ҳам йигирма суга оласиз, гапимга ишонаверинг, сизга яхши маслаҳат беряпман. Қани, энди дастурхон ёнига ўтиринг, овқатни сизга ўзим келтираман.

— Йўқ, ҳозир томоғимдан овқат ўтмайди, — деди унга Жюльен, — жуда ҳаяжонланяпман, ахир бу ердан чиқиб, тўғри семинарияга боришим керак.

Бироқ раҳмдил аёл йигитга унинг чўнтақларини турли егулик билан тўлдирганидан кейингина жавоб берди. Ниҳоят, Жюльен ўзининг даҳшатли бандихонасига равона бўлди. Бека остонага чиқиб унга йўл кўрсатиб қолди.

XXV

Семинария

Уч юз ўттиз олти тушки овқат — 83 сантиметдан, уч юз ўттиз олти кечки овқат — 38 сантиметдан, унвонига яраша лозим бўлган одамларга шоколад, хўш, шу ишда қанча пул ишласа бўлади?

Безансонлик Валено

Дарвозадаги тилла суви югуртирилган бут узокдан кўришиб турарди; у ўша дарвозага аста яқинлашиб борди, унинг оёқлари майишиб-майишиб кетмоқда эди. «Мана у, ер юзидаги жаҳаннам, мен у ердан қайтиб чиқмасам керак энди!» Ниҳоят, у қўнғироқ чалишга журъат этди. Қўнғироқ овози худди одам яшамайдиган бинодаги каби узок акс садо бериб жаранглади. Орадан ўн минутча ўтгач, дарвоза олдига бошдан-оёқ қора кийим кийган рангпар бир одам келди. Жюльен унинг юзига бир кўз ташлади-ю, дарҳол ерга қаради. Бу дарбоннинг башараси жуда галати эди. Унинг кўкимтир укки кўзларининг қорачиғи худди мушукникига ўхшаб кенгайиб турарди; киприк қоқмай туриши эса, унинг раҳм-шафқат нималигини билмаслигидан далолат берарди; ингичка лаблари сўйлоқ тишлари устида ярим доира бўлиб очилган эди. Лекин шу билан бирга унинг башарасида ҳеч қандай ияллат сезилмасди, тўғрироғи, унда бутунилай ҳиссизлик акс этгандики, худди ана шу нарса одатда ёш йигитлар-

ни жуда қўрқитиб юборди. Жюльен бу художўй одамга назар ташлаганида унинг хўмрайган башарасидан пайқаган ягона туйғу — бу дорилбақода нафи тегиши мумкин бўлган нарсалардан бўлак барча нарсаларга нисбатан чексиз нафрат эди.

Йигит ўзини ўзи мажбур қилиб, ҳалиги одамга қаради; юраги ҳаддан ташқари гупиллаб ураётганидан унинг тили араиғ калимага келди; у товуши титраб, семинария директори жаноб Пирарни кўрмоқчи эканлигини айтди. Ҳалиги одам «чурқ» этиб оғиз очмай, ортимдан юриниғ, дегандек ишора қилди. Улар ёғоч панжарали кенг зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилишди. Поғоналари мутлақо қийшайиб, деворнинг қарши томонига оғиб қолган зинапоя худди ҳозир қулаб тушадигандек эди. Улар тепасида оддий ёғочдан ясалган ва қора бўёққа бўялган улкан қабристон хочи осиглиқ кичкина эшик олдида тўхташди; эшик қийинчилик билан очилди, дарбон Жюльенни деворлари оҳак билан оқланган пастак бир хонага олиб кирди. Деворларда вақт ўтиши билан қорайиб кетган иккита катта картина осиглиқ эди. Шу ерда Жюльенни ёлғиз қолдиришди; у қўрққанидан тахта бўлиб қолганди, юраги гупиллаб урар, йиғлагиси келарди, бироқ йиғлашга юраги дов бермасди. Бутун бинода оғир бир сукунат чўкканди.

Унга бир кеча-ю, бир кундуз бўлиб туялган чорак соатдан сўнғ дарбоннинг мудҳиш башараси хонанинғ нариги томондаги эшикда пайдо бўлди; у индамай Жюльенга ортидан юришни ишора қилди. Жюльен бошқа хонага ўтди; бу хона биринчисидан каттароқ бўлиб, у ҳам деярли қоп-қоронғи эди. Деворлар ҳам худди ўшандай оқланган эди-ю, бироқ уларга ҳеч нима осилмаганди. Жюльен ичкари кира туриб, фақат бурчакка, эшик ёнига қўйилган ёғоч каравот, бир жуфт тўқима стул ва қора қарағай тахтасидан ясалиб, устига ҳеч нима қопланмаган битта кичкина креслони кўрди холос. Хонанинғ нариги четида, ойнаси саргайиб кетган, тоқчасига ифлос гўлтуваклар қўйилган кичкина дераза олдидаги стол ёнида у эгнига эски жубба кийган бир одамнинг ўтирганини кўрди, у одам нимадандир жуда дарғазабдек кўринарди: у олдида турган дастадан кичик-кичик қоғоз парчаларини олиб, икки-уч сўз ёзарди-да, сўнғ уларни стол устига териб қўярди. У Жюльенга эътибор бермади. Йигит эса хона ўртасида, эшикни ёниб чиқиб кетган дарбон қаерда қолдирган бўлса, ўша ерда қимир этмай турарди.

Шу зайлда ўн минутча вақт ўтди; эски жуббали одам эса ҳамон ёзарди. Жюльен шу қадар ҳаяжонланган ва

қўрқиб кетган эдики, оёғида аранг турарди; назарида ҳозир қулаб тушадигандек эди. Биронта файласуф, эҳтимол: «Гўзаллик шайдоси бўлган юракка хунук нарса шундай таъсир қилар», дейиши мумкин эди. Балки у янглишарди ҳам.

Стол ёнида ўтирган одам бошини кўтарди. Жюльен буни дарров сезмади, аммо у ҳатто буни сезганидан кейин ҳам, гўё ўзига тикилган даҳшатли нигоҳдан карахт бўлиб қолгандек, қимир этмай тураверди. Жюльеннинг хира тортган кўзлари бу одамнинг қизил доғ босган узун-чоқ юзини аранг илгаб олди; бу доғлар унинг мурдани-кидек қонсиз пешонасидагина йўқ эди. Қизил доғли ёпоқлар билан оппоқ пешона орасида чақнаб турган кичкина-кичкина қора кўзлар ҳар қандай ботир одамнинг ҳам юрагига гулгула солиши мумкин эди. Қалин ва силлиқ тим қора сочлар бу улкан пешонанинг икки четига ёпишиб турарди.

— Буёққа келинг, гапимни эшитяпсизми ёки йўқми? — деди ниҳоят ҳалиги одам бетоқат бўлиб.

Оёғида аранг турган Жюльен хиёл олдинга юрди-да, йиқилай-йиқилай деганича, докадек оқариб, ёғочдан ясалган, бўялмаган ва устига парча-парча қоғозлар терилган кичкина столчадан уч қадам берида тўхтади.

— Яқинроқ келинг! — деди жубба кийган одам.

Жюльен, худди таяниш учун бирон нарса излаётгандек, қўлларини олдинга чўзиб яна бир қадам олга юрди.

— Исмингиз?

— Жюльен Сорель.

— Сиз анча кечикиб келдингиз, — деди ўша одам яна даҳшатли нигоҳини унга қадар экан.

Жюльен бу нигоҳга ортиқ дош бера олмади: у гўё бирон нарсани ушлаб қолмоқчи бўлгандек қўлларини олдинга чўзди-да, гурс этиб полга қулади.

Ўша одам қўнғироқ чалди, Жюльен бутунлай хушидан кетмаган эди, лекин на бирон нарсани кўрарди, на оёқ-қўлини қимирлата оларди. Бироқ у яқинлашиб келаётган қадам товушини эшитди.

Уни кўтариб ёғочдан ясалган, бўялмаган бояғи кичкина креслога ўтқазиб қўйишди. У даҳшатли одамнинг дарбонга айтган гапини эшитди:

— Унинг тутқаноғи бор шекилли. Шуниси етмай турувди!

Жюльен ниҳоят кўзларини очганида қизил юзли одам жойида ҳамон ёзиб ўтирган эди, дарбон ғойиб бўлганди.

«Бардош бермогим керак, — деди ўзига-ўзи навқирон қаҳрамонимиз, — энг муҳими эса ҳозирги аҳволимни сездирмаслигим лозим (унинг кўнгли қаттиқ айнимоқда эди). Агар менга бирон нарса бўлса, худо боилсин, улар мен тўғримда нима деб ўйлайдилар». Ниҳоят, ҳалиги одам ёзишдан тўхтади-да, Жюльенга кўз қирини ташлади.

— Саволларимга жавоб бера оласизми?

— Ҳа, тақсир, — деди арапг Жюльен.

— А! Хурсандман.

Қора одам ўрнидан хиёл туриб, қарагай тахтадан ясалган столининг тортмасини ғийқиллатиб очди-да, нима-нидир қидириб, уни сабрсизлик билан титкилай бошлади. Алоҳа у аллақандай хатни топиб, секин жойига ўтирди ва яна, гўё Жюльеннинг бор жонини олмоқчи бўлаётгандек, унга тикилди.

— Сизни менга жаноб Шелан тавсия қилган, у бутун епархияда * энг яхши қавм руҳонийси эди. Чин саховат-пеша бу одам менинг ўттиз йиллик дўстим бўлади.

— Демак, мен жаноб Пирар билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлибман-а? — деди Жюльен эшитилар-эшитилмас.

— Шунақага ўхшайди, — деди чўрт кесиб семинария директори, унга норози бўлиб қарар экан.

Унинг митти кўзлари янада кучлироқ чақнади ва лабларининг чети ўз-ўзидан липиллаб уча бошлади. Шу туришда ўлжасини ейишга ҳозирланган йўлбарснинг оғзига жуда ўхшаб кетарди.

— Шелан қисқагина ёзибди, — деди у худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек. — *Intelligenti paisa* **. Бизнинг замонамизда ҳар қандай хат ҳам ниҳоятда узун бўлади.

У овозини чиқариб ўқий бошлади: «Сизнинг хузуригизга қавмимиздан бўлган Жюльен Сорелни юборяпман, мен уни деярли йигирма йил муқаддам чўқинтирган эдим: у бадавлат дурадгорнинг ўғли, бироқ отаси унга сариқ чақа ҳам бермаяпти. Жюльен тангри йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқчи. Зеҳн ва хотирадан унга худо берган, ақли ҳам жойида. Лекин унинг бу интилиши узоққа борармикин? Юракданмикин у?»

— Юракданмикин? — такрорлади аббат Пирар ҳайрон бўлиб ва Жюльенга қараб қўйди: аммо энди аббатнинг нигоҳи боягидан хиёл юмшаган эди. — Юракданмикин? —

* Е п а р х и я — маъмурий черков округи (тарж.).

** Тушунадиган одамга оз гап ҳам стади (лот.).

дея товущини пасайтириб такрорлади у яна ва хатшиг давомини ўқий бошлади:

«Сиздан Жюльен Сорель учун стипендия белгилашни илтимос қиламан, у шунга муносиб, зеро керак бўлган барча имтиҳонларни топшириш қўлидан келади. Унга улуҳиятдан, Боссюз, Арно ва Флерининг ажойиб кўҳна улуҳиятидан бир оз сабоқ бердим. Магарам бундай стипендиат Сизга тўғри келмаса, уни менга қайтариб юборинг. Сизга яхши маълум бўлган етим хона директори уни саккиз юз франк маош билан болаларига тарбиячи қилиб олмоқчи. Худога минг қатла шукурким, аҳволи руҳиям жойида. Бошимга тушган оғир кулфатга аста-секин кўникиб боряпман».

Аббат Пирар имзога етгач, бир оз тўхтаб турди-да, сўнгра: «Шелан», дея хўрсиниб қўйди.

— Аҳволи руҳияси жойида экан,— деди у.— Унинг саховати бу мукофотга муносибдур. Яратган парвардигор вақт-соати келганида менга ҳам шундай осойишталик ато этармикин?!— У нигоҳини кўкка тикди ва чўқиниб қўйди. Жюльен бу муқаддас ишорани кўргач, мазкур махфилга кирган дақиқадан бошлаб босган даҳшатли ваҳиманинг аста-секин тарқала бошлаганини ҳис этди.

— Бу ерда руҳонийлик уивонига эришмоқни оруз қилиб юрган уч юз йигирма бир нафар талабам бор,— деди ниҳоят аббат Пирар жиддий оҳангда, аммо майинпроқ овоз билан.— Улардан фақат етти ёки саккизтасигина аббат Шеланга ўхшаган одамлар томонидан тавсия қилинган, шундай қилиб сиз уч юз йигирма бир талабанинг ичида тўққизинчи бўласиз. Бироқ менинг хайрихоҳлигим раҳмдилликдан ҳам, талабни сусайтиришдан ҳам иборат эмасдур, аксинча, бағоят қунт билан ўқимоғингиз ва иллатларингизни тузатмоғингиз лозим бўлади. Бориб эшикни кулфлаб келинг.

Жюльен бир амаллаб бутун хонани кесиб ўтди. Эшик олдида у шаҳар чеккасидаги ям-яшил боғларга қараган кичкинагина деразага кўзи тушди. У дарахтларга назар ташлаган эди, худди эски дўстларини кўриб қолгандек, анча сизил тортди.

— *Loguerisne linguam latinam* (Лотин тилида гаплаша оласизми)?— дея сўради аббат Пирар, у стол ёнига қайтгач.

— *Ita, pater optime* (Ҳа, падари бузрукворим),— деди жавобан Жюльен аста-секин ўзинга келар экан. Аслида эса аббат Пирар ана шу ярим соат ичида унга дунёдаги барча кишилар ичида «бузруквор» дейишга сира арзимайдигандай туюлган эди.

Суҳбат лотин тилида давом этди. Аббатнинг кўз қараши аста-секин юмшай бошлади; Жюльен борган сайин дадиллашиб борарди. «Агар ёлғондакам тақво мени шу қадар довдиратиб қўйса, — дея ўйлади у, — ўзим ҳам ғирт латта эканман-да! Аслида бу одам ҳам жаноб Маслонга ўхшаш муттаҳам бўлса керак», — Жюльен деярли ҳамма пулини этигининг қўнжигга яшириб қўйганидан ўзича хурсанд бўлиб қўйди.

Аббат Пирар Жюльенни улуҳиятдан имтиҳон қилди ва унинг билими нақадар кенглигини кўриб, ҳайрон қолди. Муқаддас диний китоблар хусусида йигитдан батафсил сўрай бошлаганида унинг ҳайрати янада ошди. Бироқ навбат қисса-ул анбиёга келганида у Жюльеннинг авлиё Василий ва ҳоказолар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш уёқда турсин, ҳатто бу исмларни умуман эшитмаганлигига ишонч ҳосил қилди.

«Мана, протестантликка бўлган мойиллик ўзини кўрсатди-қўйди, — дея хаёлидан ўтказди Пирар, — бу ҳалокатли мойиллик учун мен Шеланни доим қойиб келардим. Муқаддас диний китоблар хусусида чуқур, жуда чуқур билим берибди у!» (Жюльен ҳозиргина унга, гарчи ундан бу ҳақда сўрамаган бўлса-да, «Борлиқ китоби», «Беш-китоб» ва ҳоказолар ёзилишининг тахминий даври ҳақида баъзи бир мулоҳазаларни баён қилиб берган эди.)

«Хўш, муқаддас китоблар ҳақида тинимсиз муҳокама юритишнинг оқибати нима бўлиши мумкин? — дея ўйларди аббат Пирар. — Нима бўларди, ўзича изоҳлашга, яъни ашаддий протестантизмга олиб боради бу. Ва бу анчайин хавfli билимлар билан бир қаторда қисса-ул анбиёдан ҳеч нима билмаслик! Ҳолбуки бу нарса ушбу фикр-мулоҳазаларни маълум даражада мувозанатга солган бўлур эди».

Бироқ Жюльенга папанинг диний ҳокимияти хусусида савол бериб, ундан кўҳна Галль черковиининг низомлари ҳақида эшитишни кутган семинария директори йигитнинг жаноб де Местр китобини деярли бошдан-оёқ ёддан айтиб берганини кўриб, ёқасини ушлади.

«Бу Шелан тушмагур жуда галати одам-да ўзи, — дея хаёлидан ўтказди аббат Пирар, — чол бу китобни йигитчага, уни жиддий қабул қилма, деб бермагандир ахир?»

Йигитнинг жаноб де Местр таълимотига чиндан ҳам ишониш ёки ишонмаслигини билиб олиш ниятида аббат унга беҳуда саволлар берарди.

Жюльен унга китоб бўйича жавоб қайтарарди. Шу

дақиқадан эътиборан у анча дадиллашиб, ўзини бутунлай босиб олди. Узоқ имтиҳондан сўнг, унинг назарида, аббат Пирар хўжакўрсингагина қовоғини солиб тургандек туюлди. Чиндан ҳам, мана, ўн беш йилдан буён қоидага мувофиқ семинарист-талабаларига нисбатан қаттиққўл бўлмаганида, семинария директори мантиқ учун ҳам Жюльеннинг юз-кўзидан ўпиб олган бўларди — йиғит унинг барча саволларига гоятда аниқ, пухта ва равшан жавоб берган эди.

«Нақадар жасур ва соглом ақл! — дея ўйлади у. — Бироқ согрус debile (жиёми заифроқ экан)».

— Тез-тез шунақа йиқилиб турасизми? — дея французча-лаб сўради у полга ишора қилиб.

— Умримда биринчи марта шундай бўлишим, — деди жавобан Жюльен ва ёш боладек қизариб қўшимча қилди: — Дарбоннинг башараен мени жуда кўрқитиб юборди.

Аббат Пирар хиёл илжайиб қўйди.

— Фоний дунёнинг беҳуда дабдабаси ана шунга олиб келади. Сиз, сохта табассум жилваланиб турган башараларга ўрганиб қолгансиз чоғи. Ҳақиқат шафқатсиз бўлади, тақсирим. Бироқ бизнинг дорилфанодаги қисматимиз ҳам шундай шафқатсиз эмасми аслида? Сиз ушбу ожизлик — ташқи кўринишнинг бекорчи чиройига ўта таъсирчанлик онгингизни заҳарлаб қўймасин учун ўзингизни жуда эҳтиёт қилмоғингиз даркор.

— Агар сизни, — дея давом этди аббат Пирар яна мамнуният билан лотин тилига ўтар экан, — агар сизни менга аббат Шеландек бир одам тавсия қилмаганида, мен сиз билан, чамаси, ўзингиз ўрганиб қолган ўша бесар дунёвий тилда сўзлашган бўлардим. Сиз илтимос қилган тўла стипендия бу, айтишим мумкинким, деярли иложи йўқ нарса. Бироқ аббат Шелан эллик олти йил давомида хаворийлардек қилган меҳнати эвазига семинарияда биттаю битта стипендияга эга бўла олмаса, ўта адолатсизлик бўлур эди.

Шундан сўнг аббат Пирар ўзининг ризолигисиз ҳеч қандай махфий жамият ёки уюшмага аъзо бўлиб кирмасликни маслаҳат берди.

— Шундай қилмасликка сўз бераман! — дея хитоб қилди Жюльен ҳалол одамга хос сидқидиллик билан.

Ана шунда семинария директори биринчи бор жилмайиб қўйди.

— Мазкур ибора бу ерда мутлақо ўринсиз, — деди у. — Зеро у фоний дунё кишиларини кўп ўринларда янглишмоққа, баъзан эса жинойтга бошлайдиган лафзини эслатади.

Авлиё Ний Бешинчининг Unam ecclesiam ақоиди ўн еттинчи параграфига биноан сиз менга сўзсиз итбат этмогингиз даркор. Мен сизнинг диний бошлигингиз бўламан. Мазкур маҳфилда, бўтам, эшитмоқ — итбат этмоқ демакдир. Қанча пулингиз бор?

«Мана, ишдаллосига ҳам етиб келдик,— дея дилидан ўтказди Жюльен.— Худди шунинг учун ҳам мен бирпасда «бўтам»га айланиб қолдим».

— Ўттиз беш франк, тақсирим.

— Барча сарф-харажатларингизни қунт билан ёзиб бординг; кейинчалик бу ҳақда менга ҳисобот бермогингиз лозим бўлади.

Бу оғир суҳбат уч соат давом этди. Сўнгра Жюльен бориб дарбонни чақириб келди.

— Жюльен Сорелни бир юз учинчи хужрага жойлаштиринг,— деди унга аббат Пирар.

У Жюльенга алоҳида хона бермоқда эди,— бу эса катта плтифот ҳисобланарди.

— Унинг нарсаларини ҳам ола кетинг,— дея қўшимча қилди семинария директори.

Жюльен пастга қараб, яхдони оёғи остида ётганини кўрди, у уч соат давомида уни кўриб турган, бироқ танимаган эди.

Улар бир юз учинчи рақамли хужрага боришди. Бу бионинг юқори қаватига жойлашган каталакдеккина хужра эди. Жюльен унинг деразаси қалъа деворига қараганини кўрди. Деворнинг ортида эса Ду дарёсининг париги соҳилида жойлашган гўзал водий кўзга ташланарди.

«Қандай ажойиб манзара», дея хитоб қилди Жюльен, бироқ гарчи ўзига-ўзи мурожаат қилаётган бўлса-да, йигит сўзларнинг маънисига унча тушунмади. Жюльен Безансонга қадам қўйган шу қисқа вақт ичида олган шунча кучли таассуротлар унинг бутунлай силласини қуритган эди. У дераза ёнида турган ёлғиз ёғоч курсига ўтирди ва дарҳол қаттиқ ухлаб қолди. У кечки овқатга занг уришганларини, уйқу олдидан ибодат қилишга қўнғироқ чалинганини эшитмади; уни унутиб қўйишгади.

Қуёшнинг илк нурлари уни эргалаб барвақт уйғотиб юборди, у кўзини очиб, полда ётганини кўрди.

Одамзод ёки бадавлат кишига етишмайдиган нарса ҳақида

Бу ёруғ дунёда яккаю ёлғизман. мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Кўз ўнгимда муваффақиятга эришадиган барча кишилар ҳаёсизлик ва бағритошликлари билан ажралиб турадилар, мен эса бундай хислатлардан мутлақо маҳрумдирмен. Кўнгилчаплигим ва муруватличилигим учун улар мендан нафратланадилар. Эвоҳ, мен тезда ё очликдан, ёхуд одамларнинг шу қадар бешафқат эканликларидан ранжиб ўлиб кетсам керак.

Юнг

Йигит кийимларини паридан-бери тозаллади-да, шошапиша пастга тушди. У кечикиб қолибди. Назоратчи уни қаттиқ койиб берди, аммо Жюльен ўзини оқлаш ўрнига қўлларини қовуштирди.

— *Pessavi, pater optime* (Гуноҳкорман ва айбимни бўйнимга оламан, тақсирим), — дея жавоб қилди у қайғули бир оҳангда.

Ишнинг бундай бошланиши Жюльенга катта муваффақият келтирди. Айёрроқ семинаристлар дарҳол унинг бу соҳада гўр эмаслигини пайқашди. Дарслар ўртасидаги танаффус пайти Жюльен барчанинг ўзига қизиқиб қараётганини сизди. Бироқ семинаристлар фақат унинг сир сақлаётгани ва одамови эканлигини кўришди холос. Йигит ўзи учун белгилаб қўйган қондага риоя қилиб, уч юз йигирма бир ҳамкасабасининг барига душман деб қарар, аббат Пирар эса унинг назарида душманларнинг энг хавфлиси бўлиб туюларди.

Орадан бир неча кун ўтди. Жюльен ўзига пир танламоғи лозим эди. Унга рўйхат беришди.

«Э, худойим! Мени ким деб ҳисоблашяпти улар ўзи? — дея ҳаёлидан ўтказди у. — Нима улар, бунинг шунчаки расмий эканлигини билмайди, деб ўйлашяптими?» Ва у аббат Пирарни танлади.

Бу иши ўзи учун ҳал қилувчи қадам эҳаулиги унинг ҳаёлига ҳам келмади. Биринчи кундапоқ ўзини унинг дўсти деб эълоп қилган асли веррьерлик бир семинаристча, она сути огзидап кетмаган бир болакай Жюльенга, агар сиз семинария директорининг ёрдамчиси жаноб Кастанэдни таплаганингизда мақсадга мувофиқроқ бўлур эди, дея тушунтирди.

— Аббат Кастанэд жаноб Пирарнинг ғирт душмани, Пирарни эса янсенист деб шубҳа қилишади, — дея қўшимча қилди у Жюльеннинг қулоғига шивирлаб.

Ўзининг ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилаётганига ишончи комил бўлган қаҳрамонимиз босган илк қадамларнинг ҳаммаси худди пир таплаши каби ўта енгилтаклик бўлиб чиқди. Ҳаёлпарастликка мойил бўлган барча одамларга хос ўзбилармонлик туфайли алданган Жюльен дилидаги ниётларини амалга ошган далил деб ўйлар ва ўзини беқийёс мунофиқ деб ҳисоблар эди. Бу янглишиш шу даражага бориб стардики, Жюльен ҳатто занф одамлар қўллайдиган бу санъатда эришаётган муваффақиятлари учун ўзига-ўзи таъна ҳам қилиб кўярди.

«Афеус! Лекин бу меннинг ягона қуролим-ку ахир! — дея мулоҳаза юритарди у. — Агар бошқа вақт бўлганида эди, мен ризқи рўзимни душманининг кўз ўнгидида ўзи учун ўзи далолат берадиган ишлар билан топган бўлардим».

Ўзининг хулқ-атворидан мамнун бўлган Жюльен атрофга разм сола бошлади: бу ердаги барча нарсалардан тақводорликнинг иси келаётгандек туюларди.

Семинаристлардан ўнга яқин киши авлиёхон деб ном чиқаришганди: бокира Тереза ёки ўз тамғасига эга бўлмоқ учун Апенниндаги Верни тоғига чиққан авлиё Франциск каби уларнинг муаққиллари бор эди. Бироқ бу катта сир бўлиб, уларнинг дўстлари бу ҳақда ҳеч кимга огиз очишмасди. Бечора авлиёхонларнинг ўзлари эса деярли лазаретдан чиқмай ётишарди. Яна юзтача талабанинг кучли эҳтиқоди беқийёс қунт билан уйғунлашганди. Улар гоят тиришиб ўқишганидан аранг сурғалиб юришарди, бироқ бу ҳаракатнинг фойдаси кам эди. Икки ёки уч киши ҳақиқий истеъдоди билан кўзга ташланарди. Уларнинг орасида Шазель деган бир йигит ҳам бор эди, бироқ Жюльен улардан ўзини олиб қочар, ўз навбатида улар ҳам уни унча хуш кўришмас эди.

Уч юз йиғирма бир семинаристдан қолгани шунчаки жоҳил ва саводсиз йигитлар эди, улар ўзлари эрталабдан кечгача ёд оладиган лотин сўзларининг маъносини дуруст-

роқ тушунтириб ҳам бериша олмасди. Бу талабаларнинг деярли ҳаммаси, эртаю кеч ер чошиб кун кечиргандан кўра лотин тилидаги бир неча сўзни ёдлаб олиб, ризқи рўзни топиш осонроқ, деб ҳисоблайдиган оддий қишлоқи йигитлар эди. Ана шу барча кузатишлар асосида Жюльен биринчи кунлардапоқ, куда тез муваффақиятга эришаман, деб кўнглига тугиб қўйганди. «Ҳар қандай ишда ҳам мияси ишлайдиган одамлар керак, чунки кимдир ишлаши ҳам зарур-ку, — мулоҳаза юритарди у ўзича. — Наполеоннинг армиясида мен сержант бўлардим, манови бўлажак поплар орасида эса мен катта викарый бўламан».

«Бу бечора йигитларнинг ҳаммаси, — дея ўйларди у, — оғир меҳнатда суяги қотган ва бу ерга келгунларига қадар қатиғу қора пон билан кун кечирганлар. Боёқишлар у ерда, ўз кулбаларида мол гўштини йилига бор-йўғи беш-олти мартагина кўрадилар, Рим солдатлари урушни дам олиш пайти деб ҳисоблаганлари каби, бу оми мужиклар ширин семинария ҳаётига бутунлай мафтуи бўлиб қолишган...»

Жюльен уларнинг хўмрайган кўзларида қоринлари тўйгандан кейин мамнун бўлишнию овқатланишдан олдин лаззатланишни ўйлашдан бўлак ҳеч қандай маъно уқа олмасди. Қаҳрамонимизнинг атрофидаги одамлар ана шундай бўлиб, Жюльен улар орасида ном чиқармоғи лозим эди. Бироқ турли фаилардан, масалан, догматика, черков тарихи ва ҳоказолардан, хуллас, семинарида ўтиладиган барча фаилардан биринчи бўлиш талабалар назарида ҳаддан ташқари ўзинга бино қўйиш ҳисобларди, Жюльен бундан беҳабар эди ва ҳеч ким унга бу ҳақда гапирмоқчи ҳам эмасди. Вольтер замонидан бери, *иншонмаслик ва шахсий фикрнинг* худди ўзгинаси бўлган ҳамда халқни иншонмаслик каби ярамас одатга ўргатган икки палатали бошқарини системасидан буён француз черкови ўзининг ҳақиқий душмани китоблар эканини тушуниб қолган эди. Итоаткорлик — унинг назарида энг катта фазилат ана шу эди. Илм соҳасида, ҳатто илоҳиёт фанида катта ютуқларга эришмоқ асосли равишда унга шубҳали туюларди. Зеро маърифатли одамнинг Сьейес ёки Грегарга ўхшаб душман томонига ўтиб кетинишига ким ҳам халал бера оларди? Қаттиқ хавфсираб қолган черков ягона нажот манбаи сифатида папага ёнишиб олганди. Фақат папагина шахсий фикрга чек қўйиши ҳамда ўзининг дабдабали ва тақвога тўла сарой маросимлари ёрдамида фоний дунё кишиларининг маънавий бузуқ ақлига хиёл бўлса-да, таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Семинарияда айтиладиган барча гапларда астойдил рад этилувчи бу турли-туман ҳақиқатларни элас-элас илғаб олар экан, Жюльен аста-секин руҳий тушқуликка туша бошлади. У кўп шугулланар ва руҳоний учун жуда фойдали, бироқ унинг назарида, ўта сохта ва ўзи учун мутлақо қизиқарсиз бўлган турли-туман билимларни тезда ўзлаштириб олмоқда эди. Йигит, бу ерда менинг шундан бошқа ишим йўқ, деб ҳисобларди.

«Наҳот мени ҳамма унутиб юборган бўлса?» дея ўйларди у.

Жюльен жаноб Пирарнинг Дижон штемпели қўйилган талайгина хатларни олиб, уларни ёқиб юборганидан беҳабар эди. Гарчи бу мактублар одоб чегарасидан чиқмай ёзилган бўлса-да, уларда жўшқин аҳтирос сезилар ва бу севгини даҳшатли виждон азоби таъқиб этаётгани аён бўларди. «Янаям яхши, — дея ўйларди аббат Пирар, — бу йигит ҳар қалай имонли аёлни севган экан-ку».

Бир куни аббат Пирар яна бир мактубни очиб кўрди. Кўз ёшлари томавериб, ёйилиб кетганидан бу хатнинг фақат ярмисинигина ўқиса бўларди: бу Жюльен билан абдий видолашув эди.

«Ниҳоят, — деб ёзилган эди хатда, — яратган парвардигор мендан марҳаматини аямай дилимга нафрат солди. Йўқ, йўқ, гуноҳимнинг сабабчисидан эмас, зеро, у ўла-ўлгунимча мен учун дунёдаги энг азиз одам бўлиб қолаверди, гуноҳнинг ўзидан нафратлана бошладим мен, қурбонлик келтирилди, дўстгинам. Кўриб турибсизки, кўплаб кўз ёшлари эвазига эришдим бунга. Сиз ниҳоятда яхши кўрган болаларимнинг гамини ейиш устун келди. Тангри-таолонинг қаҳри қаттиқ, лекин унинг марҳамати ҳам кенгдир — энди у оналарининг гуноҳи учун болаларни жазоламайди. Алвидо, Жюльен, одамларга нисбатан адолатли бўлинг». Хатнинг охиридаги ана шу видолашув сўзлариши деярли ўқиб бўлмасди. Мактубга, гарчи Жюльеннинг жавоб қайтармаслигига умид билдирилган, мабодо жавоб қайтарганда ҳам эс-хушини йиға бошлаган бир аёл қизармай ўқий оладиган даражада одоб билан ёзиш илтимос қилинган бўлса-да, Дижон адреси илова этилганди.

Жюльеннинг руҳий тушқулиги аллақайси бир тужжор семинарияга ҳар порциясини 83 сантиметдан сотадиган тахчил овқат билан биргаликда унинг соғлигига таъсир эта бошлаган пайтларда бир куни эрталаб унинг ҳужрасида дафъатан Фуке пайдо бўлиб қолди.

— Ниҳоят сени топдим-а. Миннат эмас-ку, лекин атай

сени кўриш учун Безансонга бешинчи бор келишим. Шу дегин, ҳар гал дарвоза олдида бир тўнка нусхага дуч келаман. Ҳатто семинариянинг эшиги олдида қоровул ҳам қўйиб кўрдим. Ҳини ургур, нега ҳеч кўчага чиқмайсан?

— Ҳзимни-ўзим синаб юрибман.

— Бу дейман, жуда ўзгариб кетибсан-ку. Алоҳа сени кўрадиган кун ҳам бор экан-ку! Иккита беш франклик муллажиринг ҳозир ақлимни киритди: мен, аҳмоқ, шу пулни биринчи келганимдаёқ берсам бўлмас эканми.

Икки дўстнинг суҳбати сира тамом бўлай демасди. Бирдан Жюльеннинг ранги оқариб кетди, Фуке унга:

— Айтмоқчи, биласанми, ўқувчиларингнинг онаси жуда тақвога берилиб кетди,— деб қолди.

Шундай дея у одатда оташии қалб соҳибни учун энг азиз нарсалар ҳақида гапирилганда, ногаҳон уни қаттиқ изтиробга соладиган бир тақаллуфсизлик билан ҳикоя қила бошлади:

— Ҳа, огайни, шу дегин, жуда художўй бўлиб қолган. Айтишларича, зиёратгоҳларга борармиш. Бироқ де Реналь хоним боёқиш Шеланнинг ортидан узоқ жосуслик қилиб юрган анови аббат Маслонни роса шарманда қилди. У ўша поп билан гаплашишни нетамай, гуноҳига тавба қилиш учун Дижон ёки Безансонга борар экан.

— У Безансонга ҳам келиб турадимиз?— лов этиб қизарганича сўради Жюльен.

— Ҳа, тез-тез келиб туради,— деди жавобан ажабланиб Фуке.

— Ёнингда «Конституционалист»нинг бирон нусхаси

— Нима дединг?— дея қайта сўради Фуке.

— Ёнингда «Конституционалист»нинг бирон нусхаси борми, деб сўраяпман,— дея такрорлади Жюльен жуда хотиржам оҳангда.— Бу ерда, Безансонда унинг ҳар нусхасини ўттиз судан сотишади.

— Буни қара-я! Ҳатто семинарияда ҳам либераллар бор экан!— дея хитоб қилди Фуке аббат Маслоннинг чучмал овозига тақлид қилиб, мунофиқона оҳангда.

Агар бир воқеа содир бўлмаганида дўсти билан бу учрашув қаҳрамонимизда жуда кучли таассурот қолдирган бўлиши мумкин эди. Эртаси кунни у тентак бола деб ҳисоблайдиган веррьерлик ёш талаба гаи орасида айтган бир сўз Жюльеннинг миёсида муҳим бир кашфиётнинг туғилишига сабабчи бўлди: у семинарияга кирган кундан буёй барча хатти-ҳаракати тинимсиз хатодан иборат бўлибди. У энди алам билан ўз устидан кулмоқда эди.

Аслида у ҳаётидаги ҳар бир муҳим қадамни пухта ўйлаб босарди-ю, бироқ икир-чикирларга диққат қилмасди, семинариядаги донишмандлар эса фақат икир-чикирларгагина эътибор беришарди. Шундай қилиб, у даҳрий деб ном чиқарганди. Кўйлаб майда-чуйда хатолар унинг айбини ошкор қилмоқда эди.

Уларнинг фикрича, у шу залда даҳшатли гуноҳга ботган эди: у нуфузли зотларнинг фикрига кўркўрона бўйсуниб, уларга таассуб қилиш ўрнига ўзи ўйлар, ўзи ҳукм юритарди. Аббат Пирар унга ҳеч қандай ёрдам бермади, кафоратхонадан бўлак бошқа бирор жойда у билан бир огиз гаплашмади, ўша ерда ҳам у гапиришдан кўра кўпроқ қулоқ соларди. Агар у аббат Кастанэдни пир қилиб танлаганида эди, ҳаммаси мутлақо бошқача бўларди.

Бироқ Жюльен ўзининг ўта эҳтиётсизлик қилганини сезган заҳоти зерикмай қўйди. У қусурнинг қанчалик чуқур илдииз отганини аниқламоғи лозим эди. Шу мақсадда у ўртоқларини ўзидан ҳуркитиб юрган такаббурлигини йиғиштириб, маълум даражада очилиб юришга жазм қилди. Худди ана шунда талабалар ундан ўч ола бошладилар. Улар Жюльеннинг гапиришга уринишларини шундай бир нафрат билан қарши олдиларки, бу кўпроқ таҳқирлашга ўхшаб кетарди. У энди семинарияга кирганидан буён унга ёмонлик қилмаган, душманлар сонини кўпайтирмаган ёки биронта муносиб семинаристнинг, ҳеч бўлмаса, бошқалар қатори жоҳил бўлмаган бирор талабанинг унга нисбатан ихлосини оширган бирор соат, — айниқса дарслар орасидаги танаффус пайти, — бўлмаганини билиб олди. У тузатиши лозим бўлган қусур жуда катта бўлиб, бу вазифа ғоятда мушкул эди. Шу дақиқадан эътиборан Жюльен доим сергакланиб юрди: у ўзини бутунлай бошқа одам қилиб кўрсатмоғи лозим эди.

Масалан, у кўзидаги ифода туфайли анча ташвиш чекди. Бундай жойларда одамлар бекорга доим ерга қараб юришмайди-ку ахир. «Веррьерда юрганымда ўзим тўғримда қандай ҳаёлларга бормасдим, — дея ўзича мулоҳаза юритарди Жюльен. — Мен яшайман, деб ўйлардим, аслида эса фақат яшашга ҳозирлик кўраётган эканман, мана энди ҳаётнинг ичига тушиб қолдим ва у мен учун чекимга тушган ролни охирига қадар ижро этгунимча шундай давом этаверади. Атрофимни фақат ашаддий душманлар ўраб олган. Минут сайин мунофиқлик қилиш — нақадар огир заҳмат, — дерди у ўзига-ўзи. — Ахир бунинг олдида Гераклнинг қаҳрамонликлари ҳам бир нави бўлиб қолади!

Замонамиз Геракли — бу ёшлик вақтидан бери такаббур ва жиззаки сифатида танилган, ўн уч йил давомида ўзининг бениҳоя мулойимлиги билан қирқ кардинални алдаб келган Сикст Бешинчи бўлади».

«Демак, бу ерда билимнинг сариқ чақалик ҳам қадри йўқ экан! — дерди у ўзига-ўзи алам билан. — Догматика, қисса-ул анбиё ва ҳоказо фанларда эришилган ютуқлар хўжакўрсингагина рағбатлантирилар экан. Шу хусусда бу ерда айтиладиган гапларнинг бари мента ўхшаган лақмалар илинадиган тузоқнинг ўзгинаси. Афсус! Менинг ягона устунлигим — бу, тезда муваффақиятга эришувимда, ана шу бўлмагур сафсаталарни осонгина ўзлаштириб олиш қобилиятида эди. Демак, уларнинг ўзлари ҳам бунинг баҳосини билишаркан-да, бу гапларга ўзим каби муносабатда бўлишар экан-да! Мен аҳмоқ бўлсам фахрланиб юрибман! Худди ана шу доим биринчиликни олишим туфайли мен шунча ашаддий душман ортгирдим-ку ахир. Мендан анча кўпроқ нарсани биладиган Шазель ҳам ўз иншоларида атайлаб гоҳ у, гоҳ бу бемаъни гапни ёзади ва шу туфайли эллигинчи ўринда сургалиб келади, мабодо баъзан биринчи ўринга чиқиб қолган тақдирда ҳам бу фақат диққатсизликнинг натижаси бўлади. Эвоҳ, аббат Пирар бир оғизгина сўзи билан мени қутқариб қолиши мумкин эди-ку».

Жюльен ўз хатоларини англаганидан бери қўлига тасбеҳ олиб ҳафтасига беш вақт ибодат қилиш, Исо қалби ибодатхонасида қироат билан забур ўқиш ва шунга ўхшаш зоҳидона тақводорлик машқлари унинг учун энг қизиқарли машғулот бўлиб қолди. Ҳолбуки бу ишларнинг бари унинг учун илгари ўлгудек зерикарли бўлиб туюларди. Ўз хатти-ҳаракатларини диққат билан назорат қилиб борар экан, Жюльен асосан ўз қобилиятига шайдо бўлмасликка ва дарров, минут сайин христианлик бобида камолотнинг янги поғонасига кўтарилганидан далолат берувчи бирор хайрли иш қиладиган намунали семинаристларга ўхшаб олишга ҳаракат қилмади. Ахир семинарияда ҳатто қайнатиб пиширилган тухумни ҳам художўйлик йўлида янги муваффақиятларга эришилганидан далолат берадиган қилиб ейиш мумкин эди-да.

Бу сатрларни ўқиб, кинояли жилмаядиган китобхон, яхшиси, аббат Делилнинг Людовик XVI саройидаги бир асилзода хонимнинг уйида нонушта пайти, тухум тановул қила туриб, қанча хатога йўл қўйганини бир эслаб кўрсин.

Жюльен аввало поп-сўра*, яъни семинаристнинг бутун ташқи қиёфаси, унинг юриши, қўлларини қимирлатиши, кўз қараши ва ҳоказолар бутунлай тарки дунё қилганидан, аммо шу билан бирга, ҳали дорулфанонинг омонатлигини тушуниб, дорулбақога юз ўғирмаганлигидан далолат берувчи бир руҳий ҳолатга эришишга интилди.

Коридорнинг барча деворларида Жюльен доим пистакўмир билан ёзилган: «Абадий фароғат ёки жаҳаннамда мум қайнаб турган қозондаги абадий қийноққа нисбатан олтимиш йиллик синов нима деган гап?» — жумласига дуч келарди. Энди бу гапларни ўқиганида қаҳрамонимиз нафратланмайдиган бўлиб қолганди. Йигит бу шиорни доим кўз ўнгига сақламоқ кераклигини тушунган эди. «Хўш, умр бўйи мен нима билан шуғулланаман? — дея сўрарди у ўзидан-ўзи. — Мўминларга жаннат ваъда қиламан. Уларга бунинг нима эҳанлигини амалда қандай кўрсатиш мумкин? Ўзим билан қавмнинг ташқи кўрилишидаги фарқ орқали, холос».

Бироқ кўп ойлар давомида қунт билан машқ қилишдан кейин ҳам Жюльеннинг қиёфасидан унинг нималарни ўйлаётганини билиб олиш мумкин эди. Йигитнинг кўз қараши, лабларини қимирлатиши ҳамма нарсаин қабул қиладиган ва азоб чекишга қадар ҳар қандай синовларга дош бера оладиган кўр-кўрона эътиқоддан сира ҳам далолат бермасди. Жюльен ҳатто энг кўпол қишлоқи йигитлар ҳам бу жабҳада ундан устун эҳанликларини кўриб ўксинарди. Ахир улар учун мияларида ҳеч гап йўқлигини сездирмасликдан осони йўқ эди-да.

У кўр-кўрона эътиқод билан ҳар нарсага тайёр, ҳар нарсаин қабул қилиб, ҳар қандай синовга дош бера оладиган кимса қиёфасига кирмоқ учун озмунча уриндими. Бундай қиёфани итальян монастирларида кўплаб учратиш мумкин бўлиб, биз фоний дунё кишилари учун унинг ажойиб намуналарини Гверчино ўзининг диний картиналарида қолдирган **.

Катта байрам кунлари семинаристларга тушки овқат пайти сосиска билан тузланган карам беришарди. Дастурхон устида Жюльеннинг ёнида ўтирадиган талаббалар унинг шундай лаззатли таомга мутлақо бефарқ қарашини сезиб қолдилар, — уларнинг назарида бу катта жинойт эди. Ўртоқлари буни аҳмоқона мунофиқликнинг жирканч кў-

* Бегуноҳлик (лог.).

** Лувр музейида «Аквитания герцоги Франциск ўз совутларини ечиб, роҳиблар кийимини киймоқда» картинасини томоша қилинг. №1150.

риниши деб ҳисоблардилар. У энг кўп душманни худди ана шу қилиғи билан орттирди. «Манови бойваччага бир қаранг, нимасига кеккаяди у,— дейишарди улар,— ҳей, дунёдаги энг ширин овқатга тупурмоқчи қилиб кўрсатади ўзини, сосиска билан тузланган карамга-я! Хў, газанда! Такаббурлигингдан ўргилдик сени!»

Аслида у овқатини охиригача емай тарелкасида қолдираётиб, ўзини-ўзи жазоламоқ ниятида қандай фидойиликка бораётганини кўрсатиб қўйиш учун ўртоқларидан биронтасига қолаётган карамга ишора қилиб: «Инсон худого бўлган муҳаббатини изҳор қилмоқ учун ўз ихтиёри билан азоб чекишдан ортиқ жазога маҳкум эта оладими ўзини?» — деб қўймоғи лозим эди.

Бироқ бундай нарсаларни осонгина тушуниб олмоқ учун Жюльеннинг тажрибаси камлик қиларди.

«Ҳолимга вой! Ўртоқларим, манови қишлоқи йигитларнинг жаҳолати улар учун катта афзаллик келтиряпти! — дея хитоб қиларди Жюльен умидсизликка тушган кезлари. — Улар семинария остонасига қадам қўйишганида, устозларига бу тўпори йигитларнинг миясидан мен бу ерга келтирган ва уларни яширишга қанча уринмайин, ҳамкасабаларим башарамдан уқиб олаётган турли-туман дунёвий фикрларни қувиб чиқаришга тўғри келмайди».

Жюльен ҳасадга ўхшаб кетадиган бир қизиқиш билан қишлоқи йигитлар орасидаги энг тўпориларининг хулқ-атворини ўрганарди. Уларнинг устиларидаги мовут камзулчасини ечиб олиб, эгниларига қора кийим кийдиришаётганида, бу йигитларнинг бутун маълумоти танга пулга, франш-контэликлар таъбири билан айтганда; нақдина муллажириингга бўлган чексиз ҳурматдан ташкил топарди.

Одатда бу сирли, балаидпарвоз сўз билан улар нақд пулни қанчалар эъзозлашларини изҳор этардилар.

Семинаристлар учун бутун бахт, Вольтер қаҳрамонлари каби, асосан яхшилаб қорин тўйдиришдан иборат эди. Жюльен уларнинг деярли ҳаммаси яна нафис мовутдан кийим кийган ҳар қандай одам олдида сажда қилишга тайёр эканликларини сезиб қолди. Бу туйғу моддий бойликларни тақсимлаш бобида қонунларимиз белгилаб берган ўша адолатнинг қандай баҳоланиши ёки, тўғрироғи, қанчалик қадрланмаслигидан далолат берарди. «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!» дея тақрорлашарди улар ўзаро суҳбатларида.

(Юра водийларида бадавлат одамни арбоб дейишарди.) Шундан сўнг уларнинг ҳаммадан бадавлатроқ бўлган

кимсалар, яъни ҳукуматни нақадар ҳурмат қилишларини тасаввур қилса бўларди!

Жаноб префектнинг номи тилга олинганининг ўзидаёқ тавозе билан табассум қилмаслик, — бу франш-контэлик деҳқонларнинг назарида ўта эҳтиётсизлик саналарди. Эҳтиётсизлик қилган қашшоқ одам эса дарров очлыкка гирифтор бўлади.

Дастлабки пайтларда Жюльен қалбини чулғаб олган нафрат туйғусидан жуда дилтанг бўлиб юрди. Аммо кейинчалик дилида раҳм-шафқат уйғонгандек бўлди: ўртоқларидан кўпчилигининг оталари қиш кезлари кечқурун кулбаларига қайтганларида уйларида на бир бурда нон, на бир дона каштан, на биронта картошка бўлган пайтлар кўп бўлганди-да ахир. «Агар улар, — дерди ўзига-ўзи Жюльен, — бахтли одам деганда, биринчидан, яхшилаб қорин тўйдирган, кейин яхши кийинган кимсани тушунсалар, бунинг нимаси ажабланарли экан! Барча ўртоқларимнинг вазифаси битта: бошқача қилиб айтганда, бу йигитлар руҳонийлик унвони уларга ана шу буюк бахтдан мунтазам лаззатланишга, яъни доим тўқ юриш ва қишда иссиқ кийиниш имкониятини беришига қаттиқ ишонадилар».

Бир куни Жюльен бир ёш хаёлпараст семинаристнинг ўртоғига шундай деганини эшитиб қолди:

— Нега энди мен бир вақтлар чўчқабоқар бўлган Сикет Бешинчига ўхшаб папа бўлишим мумкин эмас экан?

— Фақат италяяпларгина папа бўлишади, — дея жавоб қилди унга ўртоғи. — Бизнинг орамизда албатта биронта одам катта викарий ёки позирликка кўтарилиш шарафига муяссар бўлар. Кейин, қарабсанки, епископ ҳам бўлиб кетиши мумкин. Мана, Шалонда епископлик қилаётган жаноб П... ни ол, ахир у бочкасознинг ўғли бўлади. Буёғини сўрасанг, менинг отам ҳам бочкасоз.

Бир куни догматика дарси пайтида аббат Пирар Жюльенни чақиртириб қолди. Бечора йигит ўзи руҳан ва жисман сиқилиб юрган бу муҳитни бир озга бўлса-да, тарк этиш имконияти туғилганидан боши осмонга етди.

Жаноб директор Жюльенни семинарияга кираётган куни уни жуда қўрқитиб юборган бир аснозда қабул қилди.

— Қани айтинг-чи, манови ўйин қартасида нималар деб ёзилган? — дея сўради у Жюльенга тикилиб қарар экан, бу нигоҳдан йигит ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади.

Жюльен қартада:

«Аманда Бишэ, «Жираф» қахвахонаси, соат саккизгача. Ұзингизни жаилисликман, дейсиз ва менинг онамга қариндош қилиб кўрсатасиз», деган ёзувни ўқиди.

У нақадар даҳшатли хавф остида қолганини дарҳол тушунди: аббат Кастанэднинг айғоқчилари унинг хужрасидан бу адресни ўгирлаб чиқишибди.

— Мен мазкур остонани ҳатлаб ўтган куним, — дея жавоб қилди аббат Пирарнинг пешонасига тикилиб, зеро унинг даҳшатли нигоҳига дош бера олмай қолганди, — бениҳоя қўрққан эдим: жаноб Шелан бу ерда чақимчилик ҳам, турли-туман ёвузликлар ҳам бўлиши, тухматчи ва чақимчи талабалар рағбатлантирилиши хусусида мени огоҳлантирган эдилар. Яратган таңрининг ихтиёри шу бўлиб, ёш руҳонийлар ҳаёт қандай бўлса уни шу ҳолда кўрмоқлари ҳамда дилларида фоний дунё ишларига нисбатан нафрат туймоқлари лозим экан.

— Менга шу бўлмағур гапларни айтишга қандай журъат этиасиз! — деб хитоб қилди газаби тошиб аббат Пирар. — *Вой, ярамас-ей!*

— Веррьерда, — хотиржамлик билан давом этди Жюльен, — акаларим агар бирор нарсада ҳасад қилгудек бўлсалар, мени дўппослашарди.

— Мақсадга кўчинг! Мақсадга! — дея қичқириб юборди жаноб Пирар тоқати тоқ бўлиб.

Жюльен сира қўрқмасдан вазминлик билан давом этди:

— Безансонга келган куним, соат ўн иккиларда қорним очиб, қахвахонага кирдим. Дилим бу фосиқлик маконига нисбатан нафратга тўла эди, бироқ мен бу ерда меҳмонхонага нисбатан арзонроққа нонушта қилиш мумкин бўлса керак, деб ўйладим. Қандайдир аёл, чамаси ўша қахвахонанинг бекаси бўлса керак, бу шаҳарда янги одам эканлигимни кўриб, менга раҳми келди... «Безансонда фирибгарлар кўни, — деди у менга, — шунинг учун ҳам сиздан хавотирдаман. Агар бирор кор-ҳол бўлса, менга мурожаат қилинг, бу ерга биронта одамни юборинг, лекин у фақат соат саккиздан олдин келсин. Мабодо семинариядаги дарбон буёққа келишдан бош тортса, сиз унга менинг холаваччам бўлиб, ўзингиз Жаилисдан экаплигингизни айтинг...»

— Бу сафсаталарнинг барини текшириб кўрамиз! — дея хитоб қилди аббат Пирар. У бир жойда ўтира олмай, хонада уёқдан-буёққа юрмоқда эди. — Ҳозироқ хужраиңизга жўнацг!

Аббат унинг ортидан бориб, устидан қулфлаб қўйди.

Жюльен шу заҳоти тагига ўша машъум қарта яшириб қўйилган яхдони томон отилди. Ҳамма нарса жойида эди, бироқ у калитини доим ўзи билан олиб юрган бўлса-да, кўпгина нарсаларнинг тахи бузилганди. «Ҳар қалай бахтим бор экан, — деди ўзига-ўзи Жюльен, — бу ерда ҳеч балони тушунмай юрган кезларим шаҳарга чиқиш ижозатидан фойдаланмай жуда яхши қилибман. Бўлмасам, аббат Кастанэд буни менга неча бор жуда меҳрибонлик билан таклиф қилган эди-я. Бунинг маънисини энди тушундим. Ахир мен аҳмоқлик қилиб кийимимни ўзгартиришим ва нозанин Аманданинг олдига равона бўлишим мумкин эди — ана ўшанда тамом бўлардим-қўярдим. Улар мени шу йўсинда ҳалок этишдан умидларини узишгач, шундай далил-исботнинг бекор кетишини истамай, бориб чақиб қўя қолишибди».

Икки соатдан сўнг уни яна директор ҳузурига чақирди.

— Сиз менга ростини айтибсиз, — деди у Жюльенга анча жаҳлидан тушиб, — лекин бундай адресни сақлаб қўймоқлик — шу қадар катта эҳтиётсизликки, сиз бунинг оқибатини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Бадбахт йигит, ҳатто ўн йилдан кейин ҳам у сизга жуда панд бериши мумкин.

XXVII

Ҳаёт тажрибасининг бошланиши

Бизнинг замонамиз, дейсизми, ё раббим! Ахир бу қиёмат-қойинининг ўзи-ку: унга қўл тегизгани худо уради.

Дидро

Жюльен ҳаётининг шу палласидан аниқ ва ишонарли фактларни жуда кам тасвирлаётганимиз учун китобхон бизни кечирса керак. Биз қўлимизда шундай фактлар кам бўлгани учун бундай қилмадик, аксинча, аммо қаҳрамонимиз семинарияда дуч келган воқеа-ҳодисалар биз бу саҳифаларда риоя қилмоқчи бўлган мўътадил колорит учун ҳаддан ташқари қайғули бўлса керак. Баъзи бир нарсалардан азият чеккан менинг замондошларим бундай воқеа-ҳодисалар ҳақида эсласалар даҳшатга тушадилар

ва бу ҳол ҳар қандай лаззатни, ҳатто эртақ ўқиш лаззатини ҳам заҳарлайди.

Жюльен юзидаги ифода ва имо-ишоралар билан мунофиқлик қилишнинг унчалик уддасидан чиқа олмаётган эди; шундай дақиқалар бўлардики, унинг қалбини чуқур нафрат туйғуси қамраб олиб, у ҳатто қаттиқ умидсизликка тушарди. Йигит, бундай жирканч жабҳада сира ҳам муваффақиятга эриша олмасам керак, деб ўйларди. Агар биронта одам, уни хиёл бўлса-да қўллаб юборганида эди, унинг бардоши анча мустаҳкамланган бўларди, ахир у енгиб ўтмоғи лозим бўлган тўсиқлар унчалик катта ҳам эмасдида. Бироқ у уммон ичра ташлаб кетилган кичкинагина қайиқдек яккаю ёлғиз эди. «Агар бирор нарсага эришган тақдиримда ҳам, — дерди у ўзига-ўзи, — бутун умр ана шу ифлос одамлар орасида яшамоғим керак бўлади! Фақат пешинда ейиладиган ёғлиқ қуймоқ орзусида яшовчи суллоҳлар ёки ҳеч қандай жинойтдан қайтмайдиган мановинақа аббат Кастанэдлар орасида-я. Албатта, улар ҳокимиятга эришадилар, лекин ниманинг эвазига! Ё раббим!

Исмон продаси ҳар қандай тўсиқни енгизиши мумкин. Бу ҳақда жуда кўп ўқиганман, лекин дилимдаги бу нафратни енгиб ўтишга бардошим стармикин? Буюк одамларга жасорат кўрсатиш осон эди, қандай хатар қутқу солмасин, уларга бу хавф гўзал бўлиб кўринарди, лекин менинг атрофимни ўраб турган нарсаларнинг нақадар жирканчилигини ўзимдан бўлак ким ҳам тушуна оларди дейсиз?»

Бу унинг ҳаётидаги энг қийин палла эди. Ахир у Безансонда гарнизон бўлиб турган анави ажойиб полклардан бирига осонгина хизматга кириши мумкин эди! Ёшики лотин тилидан муаллимлик қилса ҳам бўларди — ҳар қалай бемалол кунини кўриб юравериши мумкин эди! Бироқ унда юксак мартабалар, порлоқ келажак ҳақидаги орзулардан воз кечиш лозим бўларди, ҳолбуки, у фақат ана шу орзулар билан тирик бўлиб, улардан воз кечиш унинг учун ўлим билан баробар эди. Мана унинг қайгули кунларидан бирининг тафсилотлари.

«Мен ўзимга бино қўйиб, манови қишлоқни йигитларга ўхшамаслигимдан нақадар хурсанд бўлиб юрардим-а! Мана, энди ҳаётда старли даражада тажриба орттирдим ва тафовут нафрат тугдиражагини тушуниб олдим», — бир кун эрталаб у ўзига ана шундай деди. Бу улғу ҳақиқатни у энг алам қиладиган муваффақиятсизликларининг биридан сўнг пайқади. У бутун бир ҳафта давомида авлиёхон деб ном чиқарган талабалардан бирига яхши кўринишга ҳаракат қилиб юарди.

Улар ҳовлида сайр қилишар экан, Жюльен итоатгўйлик билан ўша талабанинг ўлгудек зерикарли сафсатасига қулоқ солмоқда эди. Дабдурустан ҳавони қора булут қоплади-ю, момақалдироқ гулдураб, чақмоқ чақди. Шунда авлиёхон талаба Жюльенни бор кучи билан ўзидан нари итариб, қичқирди:

— Менга қаранг, ўзинг учун ўл етим, деганлар! Мени чақмоқ уришини истамайман, худо эса сизни ёндириб кул қилиши мумкин, чунки сиз Вольтер каби даҳрийсиз.

Жюльен газабдан тишларини ғижирлатганича чақмоқ чақаётган осмонга тикилиб, хитоб қилди: «Баттар бўлай, бўрон пайтида ухлаб қолганим учун мени чақмоқ ура қолсин! Ҳай майли, бошқа бир художўйнинг кўнглини овлашга уришиб кўрамиз».

Кўнгироқ чалиниб, аббат Кастанэд олиб борадиган қисса-ул анбиё дарси бошланди.

Аббат бугун оталарининг огир меҳнати ва йўқсиллигидан ўлгудек қўрқиб кетган бу қишлоқни йиғитларга уларнинг назарида қандайдир даҳшатли нарса бўлган ҳукумат фақат худонинг ердаги сояси томонидан топширилгани учунгина амалий ва қонуний кучга эга эканлигини тушунтирмоқда эди.

— Худо йўлига ҳаётингизни бағишлаб, риёзат чексангиз, папанинг табаррук илтифотига мушарраф бўлғайсиз, сиз унинг қўлига асо бўлинг, — дея қўшимча қилди у, — ана шунда сиз бировнинг буйруғига бўйсунамайдиган ва ўзингизга ўзингиз бошлиқ бўладиган ажойиб ва сердаромад жойга эга бўласиз, бу жой сизга умрбод бериладурким, у ерда маонинг учдан бирини ҳукуматдан олсангиз, қолган учдан иккисини сизнинг папд-насиҳатларингизга итоат этгувчи қавмингиз келтириб беради.

Даредан сўнг аббат Кастанэд синфдан чиқиб ҳовлида тўхтади, бугун дарсини зўр диққат-эътибор билан тинглаган шогирдлари уни ўраб олди.

— Чиндан ҳам руҳонийлар тўғрисида, — дерди у атрофини ўраб олган семинаристларга, — пони қандай бўлса; қавми ҳам шундай бўлади, деб жуда тўғри айтишган. Мен тоғда руҳонийси катта шаҳардаги дин пешволаридан ҳам кўнроқ даромад туширадиган баъзи қавмларни ўз кўзим билан кўрганман. У бўлади, бу бўлади, муллажиринг жонивор сувдай оқиб келаверади. Семиз хўроз, тухум, ёғ-гўшт ва ҳоказо ноз-неъматлар ҳақида гапирмай ҳам кўя қолайлик. У ерда руҳонийнинг олдига тушадиган одам бўлмайди, биронта тўй-ҳашам усиз ўтмайди, аллада

азиз, тўрвада майиз бўлиб юради у, хуллас, хурматли жойига қўйишади.

Жаъоб Кастанэд хонасига кириб кетиши билан тўда тарқалиб, кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетди. Жюльен бу гуруҳлардан биронтасига ҳам қўшилмади: талабалар, гўё у қўтир итдек, ундан ўзларини олиб қочишарди. У гуруҳлардаги талабаларнинг «дов ёки чув», деб галма-гал танга отишаётганини кўрди. Агар танга дов келса, ўртоқлари унга назр-ниёзи мўл бўлган қавмга эга бўлар экансиз, дейишарди.

Сўнгра турли ҳикоялар бошланди. Мана, аллақайси ёш бир руҳоний қўлини илжилга қўйиб қасам ичганидан сўнг, бир йил ўтар-ўтмас кекса кюренинг оқсочига битта семиз қуённи тухфа қилибди, шундан сўнг чол уни ўзига викарый қилибди. Орадан бир печа ой ўтгач, кекса кюре бандаликни бажо келтирибди-ю, ҳалиги йигит ажойиб қавмга эга бўлибди-қўйибди. Бошқа биттаси эса жуда бой қавмдаги мункиллаб қолган кюрега усталик билан ўринбосар бўлиб олибди: у фалаж бўлиб қолган кекса кюре тановул қилгани ўтирган заҳоти югуриб келар экан-да, жўжани қойилмақом қилиб кесиб бераркан.

Барча соҳалардаги ёш йигитлар каби семинаристлар ҳам бундай ҳийла-найрангларнинг кучини анча бўрттириб тасаввур қилишардики, зеро бунинг ёш йигитлар хаёлини ўзига ром этадиган қандайдир ғаройиб томони бор эди.

«Мен ҳам ўзимни шундай гапларга одатлантиришим керак»,— дея ўйларди Жюльен. Агар улар сосиска ёки бой қавмлар ҳақида сўзлашишмаса, гап черков таълимининг кундалик ишлари, епископлар билан префектлар, кюрелар билан мэрлар орасидаги ихтилоф тўғрисида кетарди. Ана шунда Жюльен уларнинг дилида яна бошқа бир худо борлигини сезиб қолардики, у биринчисидан ҳам даҳшатлироқ ва қудратлироқ бўлиб, бу бошқа худо папа эди. Улар ўзаро секингина,— ўшанда ҳам фақат жаноб Пирар эшитиб қолмаслигига ишончлари комил бўлганида,— папа ҳар бир префект, ҳар бир мэрини шахсан ўзи шу бондангина тайинламайдикки, бу ишни у черковнинг катта ўғли деб эълои қилган Франция қиролига топшириб қўйган, дея иш-шивир гаплашиб юришарди.

Ана шунда Жюльеннинг хаёлига де Местрнинг ўзига яхши маълум бўлган папа ҳақидаги китоби ёрдамида обрў орттириш фикри келиб қолди. У чиндан ҳам ўртоқларини ҳайратга солди, бироқ бу унинг бошига яна фалокат келтирди. Талабаларга Жюльен уларнинг дунёқарашларини ўзларидан ҳам яхшироқ баён қилиб бергани ёқмади.

Жаноб Шелан Жюльенга нисбатан ҳам, ўзига нисбатан ҳам катта эҳтиётсизликка йўл қўйган эди. Чол уни сафсата сотмай, тўғри фикр юритишга ўргатган эди-ю, аммо кичкина одам учун бундай одат жиноят ҳисобланишини айтмоқни унутганди, зеро тўғри гап туққанингга ёқмайди.

Шундай қилиб, Жюльеннинг суҳандонлиги унинг учун янги жиноят бўлиб чиқди. Семинаристлар уни гийбат қила-қила, алоха, унга нисбатан дилларидаги бутун даҳшатни изҳор қиладиган ном топишди: улар Жюльенга *Мартин Лютер* деб лақаб қўйишди, — ўзи фахрланиб юрадиган ўша иблисона мантиқи учун ҳам бу лақаб унга жуда мос келади, дейишарди улар.

Еш семинаристлардан кўпчилигининг ранги Жюльен-никидан тиниқроқ эди, кейин ундан чиройлироқ йигитлар ҳам бор эди-ю, бироқ унинг қўллари оппоқ бўлиб, у ўта озодаликка рноя қилиш одатини яшира олмасди.

Мазкур фазилат қаҳрамонимиз тақдир тақозоси билан тушиб қолган бу ҳасрат маҳфилида сираям мақтовга арзийдиган нарса ҳисобланмасди. Унинг атрофидаги исқирт қишлоқи йигитлар дарҳол Жюльенни ахлоқи бузуққа чиқариб қўйишди. Биз қаҳрамонимизнинг бошига тушган беҳисоб қийинчиликларни тасвирлайвериб, китобхоннинг жонига тегмоқчи эмасмиз. Масалан, бақувватроқ семинаристлардан баъзилари Жюльенни калтакламоқчи ҳам бўлдилар, шунда у темир циркуль билан қуролланиб, уни ишга солажагини ишора қилди. Ахир ишора чақимчи учун айтилган сўздек асосли далил бўла олмайди-да.

XXVIII

Санам юриши

Барчаининг қалби ларзага келган эди. Жонкуяр мўминларнинг ҳаракати билан чиройли қилиб безатилган ва қум сенилган торгина готик кўчаларга тангри-нинг ўзи тушиб келгандек туюларди.

Ю н г

Жюльен ўзини тентак ва арзимас бир одам қилиб кўрсатишга қанчалик уринмасин, бари бир ўқитувчиларга

ёқмасди. «Ахир, ҳар қалай, — дея ўйларди у, — устозларимизнинг бари анча нозиктабиат одамлар, уларни минглаб кишилар орасидан бекорга танлаб олишмаган-ку. Нега энди менинг мўминлигим уларга таъсир қилмаяпти?» Жюльеннинг назарида, фақат биргина одам унинг ҳар нарсага ишонишга ҳозирлиги ва ўзини гўл қилиб кўрсатишга уриниши туфайли алдангандек туюларди. Бу одам соборда ўтказиладиган барча байрам маросимларининг бошқарувчиси аббат Ша Бернар эди. Мана, ўн беш йилдирки, нуқул унга соборнинг бош руҳонийси қилиб тайинлашни ваъда қилишарди, ҳозирча эса у семинарияда ваъз айтиш санъати курсини олиб борарди. Бу предметдан Жюльен бошида ноқ, ҳали кўзи очилмаган пайтдан буён деярли доим биринчи бўлиб келарди. Аббат Шанинг унга очикдан-очик мурувват кўрсатиши ҳам ана шундан бошланган эди: у дамбадам дарсдан сўнг Жюльеннинг қўлтигидан дўстона тугиб, у билан боғда сайр қиларди.

«У мендан нима истайди?» — дея ўйларди Жюльен. У аббатнинг собордаги диний ашқол-дашқоллар, ридожуббалар ҳақида соатлаб қилган ҳикояларини ҳайратга тушиб тингларди. Ёлғиз қимхоб жуббанинг ўзи, мотам пайтлари кийиладиганини ҳисобга олмаганда, ўн етти дона экан. Қариб қолган маслаҳатчи хоним де Рюампрэдан умид катта экан; тўқсон ёшли бу хоним ажойиб Лион шойисидан тикилган зарбоф тўй либосларини камида етмиш йилдан буён сақлаб келаркан.

— Бир тасаввур қилиб кўринг-а, дўстим, — дерди аббат Ша бирдан тўхтаб, завқ-шавқ билан кўзларини юмар экан, — ўша кўйлақлар таёқдай қотиб тураверади, зари шу қадар кўп! Безансондаги барча ҳурматга лойиқ одамларнинг айтишларича, маслаҳатчи хонимнинг васиятига бипонан соборимизнинг хазинасига тантана пайтлари кийиладиган тўрт-беш байрам ридосидан ташқари яна ўн дона жубба қўшилар экан. Мен эса бундан ҳам кўпроғига умид қиламан, — дея қўшимча қиларди аббат Ша товушини пасайтириб, — маслаҳатчи хоним бизга яна саккиз дона тилла суви югуртирилган кумушдан ясалган қандил қолдирадилар, дея умид қилишга баъзи асослар бор. Айтишларича, қандилларни Бургундия герцоги Карл Шерюрак Италияда харид қилган эмиш, зеро хонимнинг аждодларидан бири унинг сеvimли министри бўлган экан.

«Нега у бу увадалар ҳақида менга ҳикоя қиляпти? — ажабланирди Жюльен. — Қанча вақтдан бери усталик билан нимагадир тайёргарлик кўряпти-ку, лекин гапнинг

индаллосини айтмаяпти. У менга ишномаса керак. Чамамда, ўқитувчиларимизнинг ичида энг айёрига ўхшайди. уларнинг бирор икки ҳафтадан сўнг мақсадларини илғаб олса бўлади. Айтгандай, буни тушуниш мумкин; ахир ўн беш йилдан буён боёқшининг иззат-нафси азият чекиб келади-да!»

Бир куни кечқурун қиличбозлик дари пайтида Жюльенни аббат Пирарнинг ҳузурига чақиришди, аббат унга шундай деди:

— Эртага Лоши Масихо байрами. Жаноб аббат Ша Бернар соборни ясашида сизнинг ёрдамигизга муҳтож, марҳамат қилиб унинг олдига бординг ва айтганларини бажаринг.

Лекин шу заҳоти аббат Пирар уни тўхтатиб, ҳамдардлик билан қўшимча қилди:

— Бу имкониятдан фойдаланиб, шаҳарни сайр қилиш ёки қилмаслик ҳақида ўзингиз ўйлаб кўринг.

— *Incedo per ignes* (Махфий душманларим бор), — дея жавоб қилди Жюльен.

Эртаси куни азонлаб Жюльен кўзини ерга тиккаича, собор томон равона бўлди. У атрофида уйғонаётган шаҳарнинг гала-говури ва югур-югурини ҳис этгач, анча енгил тортди. Санам юришини кутиб, ҳамма ёқда уйларнинг пештоқларини безашмоқда эди. У семинарияда ўтказган бутун вақт унинг назарида бир дақиқа бўлиб кўринди. Йигит Вержи ҳақида ва ҳозир учратиб қолиши мумкин бўлган иозани Аманда Бинэ тўғрисида ўйлай бошлади, чунки унинг қаҳвахонаси шундоқ йўлнинг устида эди. У севимли соборининг эшиги олдида турган аббат Ша Бернарни узоқдан кўрди; аббат чехраси қувноқ, кўзлари қулиб турадиган семиз бир киши эди. Бугун у гул-гул очилиб турарди.

— Сизни кутаётган эдим, бўтагинам! — дея қичқирди у Жюльенни узоқдан кўрган заҳоти. — Хуш келибсиз! Бугун қаттиқ меҳнат қилмоғимизга тўғри келади, иш анча оғир бўлади, келинг, понушта қилиб, куч йиғиб олайлик. Кейин соат ўнларда, сўнгги ибодат маҳали тановул қиламиз.

— Илтимос, тақсир. — деди вазминлик билан Жюльен, — мен бир сония ҳам ёлғиз қолмасам, дедим. Марҳаматингизни аямай, эътибор берсангиз. — дея қўшимча қилди у бошлари узра қад кўтарган минорадаги соатни кўрсатиб, — мен ҳузурингизга бир минути кам бешда етиб келдим.

— Ҳа-а! Сиз ярамас семинаристларимиздан кўрқяп-

сизми? Улар ҳақида ўйлаб нима қиласиз? — деди аббат Ша. — Четида тикан ўстани билан йўл ёмон бўлиб қолармиди? Йўловчи ўз йўли билан кетаверади, ёвуз тиканлар эса жойида шумшайиб тураверсин. Уларга эътибор қилманг, қани, қадрли дўстим, бўлмасам ишга киришайлик энди, ишга!

Аббат Ша, иш оғир бўлади, деб бекорга айтмаган экан. Кеча соборда тантанали дафи маросими бўлиб, шу боисдан байрамга тайёргарлик кўриш мумкин бўлмаган экан. Энди эса қандайдир икки-уч соат ичида уч қатор бўлиб саф тортган ва баландлиги ўн метрдан кўпроқ келадиган готик устунларнинг ҳаммасига бошдан-оёқ қирмизи Дамашк матосидан ўраб чиқмоқ керак эди. Жаноб епископ шу ишни деб Париждан, почта каретасида келиши учун йўлқирасини тўлаб, тўрт нафар қопламачи чақиртирган эди. Бироқ бу жаноблар, ўзлари ҳамма ишни бажаришга улгурмаётган бўлсалар-да, безансонлик уқувсиз ҳамкасбларига ёрдам бериш ўрнига, кесатик гаплар билан уларни баттар гангитиб кўймоқда эдилар.

Жюльен нарвонга ўзи чиқмаса бўлмаслигини тушунди, унинг чаққонлиги ана шу ерда асқатди. У маҳаллий қопламачиларга раҳбарлик қила бошлади. Аббат Ша унинг қандай чапдастлик билан бир нарвондан тушиб, иккинчи нарвонга чиқишини завқ билан томоша қиларди. Ҳамма устунларга Дамашк матоси ўраб бўлингач, асосий меҳроб тепасидаги катта тахтиравонга беш боғлам юмшоқ парни қандай қилиб ўрнатишни муҳокама қила бошлашди. Тахтиравоннинг заррин ёғоч чамбари италиян мрамаридан ясалган саккизта баланд устунга ўрнатилган эди. Аммо тахт тепасига — тахтиравон ўртасига етиб олиш учун эски ёғоч бўғотдан юриб ўтмоқ лозим бўларди. Бўғотнинг тўсинлари эса, аҳтимол, қурт еган бўлиб, у ердан ўн беш метрча баландликда осилиб турарди.

Парижлик димоғдор қопламачилар бу муаллақ йўлкани кўргач, анча попуқлари пасайиб қолди; улар тахтиравонга қараб-қараб кўйинганича баҳслашишар, муҳокама қилишар, бироқ биронтасининг ҳам тепага чиқишга юраги дов бермас эди. Жюльен нар боғламларни шартта кўлига олиб, нарвондан физиллаганича тепага чиқиб кетди. Ийигит уларни жуда усталик билан чамбарнинг ўзига, тахтиравоннинг қоқ ўртасига ўрнатириб кўйди. Жюльен нарвондан пастга тушгач, аббат Ша Бернар уни қучоқлаб олди.

— Optime¹, — дея қичқирди меҳрибон бақалоқ. — Мен

¹ Бағоят аъло (лот.).

буни албатта ҳазрати бузрукнинг ўзларига гапириб бераман.

Соат ўнда улар хурсандчилик билан нонушта қилишди. аббат Ша илгари ҳеч қачон ўз черковини шу қадар безатилган ҳолда кўрмаган эди.

— Шу денг, бўтагинам, — дерди у Жюльенга, — волидаи мухтарамам мазкур мўътабар ибодатхонада стул ижарага бериш билан шуғулланганлар, шу боисдан ҳам мени маълум даражада, мазкур ажойиб бино боқиб катта қилган, десам ҳам бўлади. Робеспьернинг террори бизни хонавайрон этди, бироқ мен, ўшанда ёшим саккизда эди, хонадонларга бориб ўқиладиган ибодатларда хизмат қила бошлагандим, ибодат кунлари эса менга овқат беришарди. Жуббани ҳеч ким мендан яхшироқ ўрай олмасди: баъзан денг, биронта ҳам заррин попуги қайрилиб қолмасди. Наполеон тоат-ибодат қилишга қайта ижозат берганидан сўнг, мен бу мўътабар митрополияда назоратчилик қилиш бахтига муяссар бўлдим. Йилига беш марта у менинг кўз ўнгимда ана шундай зеб-зийнатлар билан ясатилади. Лекин ҳеч қачон у бугунгидек кўркам бўлмаганди, Дамашқ матолари ҳеч қачон устунларга бу қадар чиройли қилиб ўралмаганди.

«Мана ҳозир у, ниҳоят, менга сирини айтади, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Ўзи ҳақида гапира бошладими, демак, ҳозир кўнглидагини тўкиб солади!» Бироқ ҳаяжонланиб турганига қарамай, аббат биронта ҳам бемуроҳаза сўз айтмади. «Бўлмасам анчагина меҳнат қилди. Хурсанд бўлишини айтмайсизми! — дея ўйлади Жюльен. — Винониям талайгина ичди. Мана буни одам деса бўлади! Ибрат олсам арзийди! Дарҳол мукофотлансин!» (Бу иборани Жюльен кекса табибдан ўрганиб олган эди.)

Жюльен епископ бошчилик қиладиган тантанали маросимда иштирок этмоқ учун ридосини киймоқчи бўлди.

— Ўғриллар-чи, азизим, ўғриллар-чи! — дея қичқирди шунда аббат Ша. — Сиз уларни ўйламайсиз ҳам! Ҳамма санам юришига жўнаса, черков бўм-бўш бўлиб қолади, шунда сиз билан мен қўриқчилик қилмоғимиз лозим бўлади. Кейин устунларнинг пасонига ўралган манови заррин кимхобларнинг фақат бир-икки нарчасигина етишмаса бир нави. Ахир бу кимсан де Рюбампрэ хонимнинг туҳфаси-я. Бу кимхоб унга қиролнинг машҳур аждоидан мерос қолган, зарин соф олтин-а, азизим! — дея завқ билан шивирлаб қўшимча қилди аббат Жюльеннинг қулогига. — Ҳеч қандай аралашмаси йўқ! Мен сизга сўл қанотни кузатиб туришни топшираман, у ердан ҳеч қаёққа жилманг. Мен эса ўнг

қанот билан бош нефга¹ күз-қулоқ бұлиб тураман. Яна тавбахоналарга ҳам яхшилаб диққат қилинг: ўғриларнинг айгоқчилари, анави бузук хотинлар худди ўша ерга яширинишади ва сизнинг алаҳсиб қолишингизни кутишади.

У гапни тугатиши биланоқ соат чоракам ўн иккига занг чалди. Ва шу заҳоти катта қўнгироқ боиг урди: у қаттиқ даранглаб акс-садо берар, бошқа қўнгироқлар унга жўр бўлишар эди. Бу дабдабали садолар Жюльенни ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Унинг хаёли гўё қафасдан қутулиб чиққан қушдек юксак-юксакларга парвоз этиб кетди.

Иоани Чўкинтирувчи кийимидаги норасида болалар муқаддас тухфалар олдига сочиб юборган атиргул япроқлари ва бухўрининг хушбўй ҳидидан йигит баттар завқланди.

Қўнгироқнинг улугвор садоларини эшитиб, Жюльен бу ҳар бирига эллик сантимдан ҳақ тўланадиган йиғирма кишининг меҳнати эканлигини, уларга эса, эҳтимол қавмдан ўн беш-йиғирма чоғлиқ одам ёрдам бераётганидан бўлак ҳеч нарса ни ўйламаслиги лозим эди. У яна арқонлар анча чириб қолганини, ҳавозаларнинг путури кетганини, қўнгироқнинг ўзи ҳам хатарли эканини, зеро у ҳар икки юз йилда бир марта қулаб туришини ҳам ўйлаб кўрмоғи лозим эди, йигит тагин жом урувчиларнинг маошини бирон йўл билан қисқартириш, ёхуд уларнинг меҳнати эвазига ёрлиқ биланми, ёки дарёдан сув бағишлагандек, черковнинг хайр-эҳсонидан бошқа бирор нарса биланми ҳақ тўлашни ҳам ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Шунда черков хазинасига зиён тегмаган бўларди.

Бироқ шундай доно фикрларга берилиш ўрнига Жюльеннинг кўнгли манови улугвор садолардан кўтарилиб, осмону фалакда кезиб юарди. Ундан ҳеч қачон яхши поп ҳам, уддабурон бошлиқ ҳам чиқмаса керак! Сал нарсагаям оғзи қулоғига етадиган кишидан дурустроқ одам чиқади дейсизми? Нар и борса рассом бўлади-да. Ана шу ерда Жюльеннинг ўзига бино қўйиши кўзга яққол ташланади, Жюльеннинг ўрнида семинариядаги ўртоқлари бўлганида турган гап, эллик одамдан кўпроғи соборнинг катта қўнгироғи садосини эшитгач, жом урувчига қапдай маош тўлашишидан бўлак ҳеч нимани ўйламаган бўларди. Ахир улар халқ нафрати ва яқобинчиликдан ўлгудек қўрқишади, чунки яқобинчилар ҳар бир хонадонда топилади,

¹ Неф — бинонинг устуллар қатори билан ажратилган қисми (тарж.).

деявериб уларнинг жонини олиб қўйишган ва шу боисдан улар воқеликка тўғри баҳо беришни ўрганиб олишган эди. Улар Барем каби гепаал пухталик билан ибодат қилувчиларнинг кўнгли қай даражада пийиши жом урувчиларга тўланаётган маошга арзиш ёки арзимаслигини чамалаб кўра бошлашарди. Бироқ агар Жюльен соборнинг моддий манфаати тўғрисида ўйлаган тақдирда ҳам унинг хаёли бари бир бошқа томонга олиб қочган бўларди: у, чамаси, черков совети учун қирқ франкни тежаб қолишнинг эвини қиларди-ю, лекин йигирма беш сантиметрик сарф-харажатдан қочиш имкониятини қўлдан бой берарди.

Қуёш чарақлаб турган ажойиб кунда оломон шаҳар маъмурлари бир-бирларидан ўтишга ҳаракат қилиб қурдирган чиройли муваққат меҳроблар олдида тўхтаётган-тўхтаётган Безансон бўйлаб силжиб борар экан, черков сув қуйгандек жимжит эди. Унинг ичи ғира-шира ва салқин эди. Ҳаммаёқни гуллар ва бухўрнинг ёқимли ҳиди тутиб кетганди.

Бу сукунат, ёлғизлик ва черковнинг кенг залларидаги салқиндан Жюльенни ширин мудроқ босди. У бинонинг бошқа қанотини назорат қилиб юрган аббат Шанинг безовта қилишидан чўчимасди. Ўзига кузатиб туриш топширилган сўл қанотда аста сайр қилиб юрар экан, унинг руҳи омонат жисминини деярли тарк этган эди. Жюльен мутлақо хотиржам эди, у кафоратхоналарда бир неча тақводор аёллардан бўлак ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилганди; шу тобда унинг кўзлари очиқ эди-ю, аммо ҳеч нимани кўрмасди.

Аммо у яхши кийинган икки аёлнинг тиз чўкиб турганини кўргач, бир оз ҳушига келди: улардан бири кафоратхонада, иккинчиси эса шундоқ ёнгинасида, пастаккина курсичада ибодат қилмоқда эди. У шу тобда кўзлари ҳеч нимани кўрмаса ҳам дафъатан у, ё ўзига тонширилган вазифа масъулиятданми, ёки аёлларнинг хушбичимлигига қойил қолганиданми, кафоратхонада ҳозир руҳоний йўқлигини эслаб қолди. «Қизиқ, — дея хаёлидан ўтказди у, — шу қадар художўй эканлар, нега бу башанг хонимлар ҳозир кўчадаги меҳроблардан бири олдида ибодат қилишмаяпти? Агар бу хонимлар асилзода бўлишса, у ҳолда нега биронта балқонда, ҳамманинг кўз ўнгиде савлат тўкиб ўтиришмади? Қўйлагининг баданига чиройли ёпишиб туришини қаранг! Нақадар гўзал экан-а!» Шуларни дилидан ўтказар экан, йигит аёлларнинг юзини кўриш умидида қадамини секкилатди.

Тавбахонада тиз чўкиб турган аёл бу сув сепгандай жимжитликда Жюльеннинг қадам товушини эшитиб, аста

бошини ўгириб қаради. Шундан сўнг у бирдан қичқириб юборди-ю, ҳушидан кетди.

Ҳушидан кетгач, у чалқанчасига йиқила бошлаган эди, шундоқ орқасида ўтирган дугонаси унга ёрдамга отилди. Шу заҳоти Жюльен йиқилиб тушаётган хонимнинг елкаси ва бўйини кўриб қолди. Унинг кўзи ўзига яхши таниш бўлган ажойиб дурлар шодасига тушди. У де Реналь хонимнинг сочларини таниганидан сўнг ҳоли не кечганини билсангиз эди! Бу ўша эди. Дугонаси йиқилиб тушмаслиги учун унинг бошини суяб турган аёл эса Дервиль хоним эди. Жюльен эс-ҳушини йўқотиб, улар томон отилди. Агар Жюльен вақтида уларни суяб қолмаганида, де Реналь хоним ўз оғирлиги билан дугонасини ҳам йиқитиб юборган бўларди. У ўз елкасида де Реналь хонимнинг орқага ташланган бошини, унинг мурданикидек оппоқ оқариб кетган чехрасини кўрди. Йигит Дервиль хонимга уни тўқима стулга суянтириб ўтказишда ёрдамлашиб юборди.

Дервиль хоним ўгирилиб қаради-ю, шундан кейингина уни таниб қолди.

— Кетинг, тақсир, дарҳол кетинг! — деди у ғазабнок оҳангда. — У сизни кўрмаса бўлгани. Сизни кўриб даҳшатга тушмайдим ахир, — сизни танимасдан илгари қандай бахтли эди-я. Ахлоқи бузуқ одам экансиз. Кетинг! Заррача номусингиз бўлса, дарҳол кетинг бу ердан.

Бу гап шундай бир амирона оҳангда айтилган, Жюльен эса шу қадар эсанкираб қолган ва эс-ҳушини йўқотган эдики, у дарҳол нари кетди. «У доим менам нафратланарди», дея ўйлади у Дервиль хоним ҳақида.

Худди шу пайт черковда оломон олдида келаётган попларнинг пингиллаб оят ўқиши эшитилди: санам юриши иштирокчилари қайтиб келмоқда эди. Аббат Ша Бернар бир неча бор Жюльенни чақирди; аммо йигит унинг овозини эшитмади; ниҳоят, аббат Жюльеннинг олдида келиб, рамақда жони қолган йигитни қўлидан ушлади-да, уни бекиниб турган устун ортидан олиб чиқди. У Жюльенни епископга таништирмоқчи эди.

— Мазангиз қочибди, бўтагинам, — деди у Жюльеннинг ранги докадек оқариб, деярли қимирлашга мажоли етмай турганини кўргач. — Бугун жуда кўп ишлаб юбордингиз. — Шундай дея аббат унинг қўлтиғидан тутди. — Қани юринг, сув сепувчи ўтирадиган манови курсида, менинг орқамда ўтирасиз, мен эса сизни пана қилиб тураман. (Улар энди черковга кираверишда, катта эшик ёнида туришарди.) Тинчланинг, ҳазрати бузрук етиб келгунларига қадар ҳали йигирма минут вақтингиз бор. Ўзингиз-

га келишга ҳаракат қилинг, ҳазрати бузрук ўтаётганларида, мен сизни суяб турғизаман, ёшим бир жойга бориб қолган бўлса-да, ўзим жуда бақувватман.

Бироқ епископ кўриганида, Жюльен шу қадар титраб турардики, аббат Ша уни епископга таништириш ниятидан воз кечишга мажбур бўлди.

— Хафа бўлманг, бўтам, — деди у йигитга, — мен яна бир мавридишни топарман.

Кечқурун аббат семинария ибодатхонасига ўн қадоқ шам элтиб беришни буюрди. Унинг айтишича, бу шамларни ўз вақтида жуда эпчиллик билан ўчирган Жюльен тежаб қолган эмиш. Бу гапга ишониш қийин эди. Бечора йигитнинг ўзи шу тобда ўчиб қолган шамни эслатарди, у де Реналь хонимни кўрганидан сўнг бутунлай эс-хушини йўқотиб қўйганди.

XXIX

Биринчи ғалаба

У ўз замонасини, ўз ўлкасини яхши ўрганиб олди, энди унинг егани олдида, емагани ортида бўлади.

«Даракчи»

Бир куни эрталаб қаттиққўл аббат Пирар уни ҳузурига чақириб қолганида Жюльен соборда содир бўлган ўша воқеадан сўнг ҳамон ўзига келолмай, чуқур хаёлга чўмиб юрган эди.

— Ҳозиргина жаноб аббат Ша Бернардан хат олдим, мактубида у сизни жуда мақтабди. Айтишим мумкинки, сизнинг хулқ-атворингиздан бирмунча хурсандман. Гарчи бу хислатларингиз дарҳол кўзга ташланмаса-да, сиз жуда эҳтиётсизлик билан бемулоҳаза иш қиласиз. Лекин шу билан бирга юрагингиз тоза ва ҳатто олижанобдирсиз, ақл-идроқингиз ҳам тийрак. Хуллас, сизда аллақандай истеъдод учқунларини кўраётirmanким, уни қодрламоқ даркор бўлади.

Мен шу ерда ўн беш йил заҳмат чекдим, энди мазкур маҳфилни тарк этмоққа мажбурмен: менинг жипоятим шундан иборатки, семинаристларни ўз ҳолига қўйиб бердим ва сиз менга кафоратхонада махфий жамиятларни

на рағбатлантирдим, на таъқиб этдим. Бироқ бу ердан жүнаб кетмокдан аввал сизга бирор яхшилик қилсам дейман. Агар яхдонингиздан топилган ўша қарта — Аманда Бинэнинг адреси бўлмаганида мен икки ой бурун сизнинг гамингизни еган бўлардим. Мен сизни Таврот ва Ишжил бўйича репетитор этиб тайинлайман.

Қалби миннатдорчилик туйғусига тўлиб-тошган Жюльен худога шукрона келтирмоқ учун аввал тиз чўкмоқчи бўлди-ю, бироқ юраги самимийроқ бўлишга даъват этди. У аббат Пирарнинг ёнига келди-да, унинг қўлини ўпди.

— Бу нимаси бўлди? — дея қичқирди жаҳл билан директор, аммо Жюльеннинг кўзларидаги ифода ҳозирги қилган ишидан анча кўпроқ нарса ҳақида ҳикоя қилмоқда эди.

Аллақачонлардан бери нозик руҳий кечинмаларни учратмай қўйган аббат Пирар унга ғоят ажабланиб қараб турарди. Унинг бундай узоқ тикилиши директорнинг дилидагини сездириб қўйди: унинг товуши қалтираб кетди.

— Ҳа, ҳа, бўтам, мен сенга меҳр қўйиб қолдим. Худо шохид, беихтиёр шундай бўлди. Менинг бурчим адолатли бўлмоқлик, мен ҳеч кимдан нафратланмаслигим ҳам, ҳеч кимни суймаслигим ҳам даркор. Келажақда ҳаётинг оғир бўлади. Сенда пасткаш кишиларга ҳақорат бўлиб туюладиган хислатларни сезадурман. Ҳасад ва бўҳтон сени умрбод таъқиб этади. Тақдир сени қаёққа йўллагасин, тенгдошларинг сендан доим нафратланадилар, агар ҳатто сенга ўзларини дўст қилиб кўрсатган тақдирларида ҳам фақат сени ҳалок этмоқ ниятида шундай қиладилар. Сенга фақат бир нарса ёрдам қилиши мумкин: ўзингга бино қўйганинг учун жазо тариқасида сенга исбатан муқаррар равишда нафрат кўзгатадиган хислатлар инъом этган худодан бўлак ҳеч кимга суянма. Сенинг ахлоқинг ҳар қандай таъналардан юқори бўлмоғи лозим — сен учун ягона нажот йўли ана шунда. Агар ҳақиқатга оғишмай риоя қилсанг, душманларинг бир кун эмас-бир кун албатта забун бўлгай.

Жюльен илиқ сўз эшитмаганига шу қадар кўп вақт бўлган эдики, — майли, бу ожизлигини кечирамиз, — кўзларида тирқираб ёш чиқиб кетди. Аббат Пирар унинг елкасидан кучиб, бағрига босди, шу тобда иккови ҳам ҳузур қиладиган эди.

Жюльен қувончидан ўзини қўярга жой топа олмай қолди, бу қахрамонимиз эришган биринчи галаба бўлиб, ундан келиб чиқадиган имтиёзлар эса бениҳоя улкан эди. Фақат кўп ойлар давомида бир дақиқа ҳам ёлғиз қола олмай, юмшоқроқ қилиб айтганда ярамас, кўп ўришларда эса тоқат.

қилиб бўлмайдиган даражада жирканч синфдошлари орасида яшашга маҳкум этилган одамгина бунинг қадрига етарди. Уларнинг бақириб-чақиришларининг ўзи сезгир одамни жинни қилиб қўйиши мумкин эди. Упкадан худо берган, қорин тўқ, тоза кийинган бу мужиклар ўз севинчларини қичқириб изҳор қилганларидагина кўнгиллари жойига тушарди.

Энди Жюльен ёлғиз ёки деярли ёлғиз ўзи, бошқалардан тахминан бир соат кейин овқатланарди. Унда боғнинг калити бўлиб, йиғит у ерда ҳеч ким бўлмаган пайтлари сайр қилиши мумкин эди.

Жюльен энди ўздан камроқ нафратлана бошлаганларини кўриб, жуда ҳайрон бўлди, у бўлса, аксинча баттарроқ ёмон кўриб қолишса керак, деб ўйлаган эди. Энди талабалар унинг гапга аралашмай юришини аҳмоқона манманлик деб ҳисобламай қўйгандилар, бўлмасам у ана шу ҳаммага аён бўлган хислати туфайли ўзига озмунча душман орттирдим! Унинг атрофида яшайдиган бу тўпори йиғитларга Жюльеннинг одам ёқтирмаслиги энди ўз кадр-қимматини билиш бўлиб туюларди. Бора-бора ундан деярли нафратланмай қўйдилар, айниқса энди унинг шогирдлари бўлиб қолган ва Жюльен жуда назокат билан муомала қиладиган пастки курс семинаристлари унга ихлос қўя бошлаган эдилар. Аста-секин унинг тарафдорлари ҳам пайдо бўла бошлади, уни *Мартин Лютер* деб аташ эса энди ноўрин ҳазил ҳисобланарди.

Лекин унинг дўстлари, унинг душманларини санаб ўтиришдан не ҳожат? Буларнинг бари қабоҳатдан нарига ўтмайди, бизнинг тасвиримиз эса ҳаққоний бўлгани сайин қабиҳроқ бўлиб бораверади. Аммо халқнинг ахлоқини тарбиялаш билан фақат шулар шугулланади-ку, уларсиз халқнинг аҳволи не кечади? Бирон кун келиб газета попининг ўрнини боса олармикин?

Жюльен репетитор қилиб тайинланганидан буён семинария директори у билан гувоҳларсиз гаплашишдан ўзини олиб қочиб юрди. Бу унинг эҳтиёткорлиги эди. Бу эҳтиёткорлик ўзи учун ҳам, шогирд учун ҳам фойдали бўлса-да, аввало, синов эди. Қаттиққўл янсенсет аббат Пирар, агар биронта одам сенинг назарингда баъзи фазилатларга эга бўлса унинг орзу-мақсадлари йўлига тўсиқ қўйиш керак, деган қоидага қаттиқ амал қиларди. Унингча, агар ўша одамнинг фазилатлари ҳақиқий бўлса, у барча тўсиқларни енгиб ўта оларди.

Ов мавсуми бошланди. Фуке Жюльеннинг оиласи номида семинарияга кийик билан тўнғиз юборишни лозим

топди. Ов қилинган бу ҳайвонларни қоридорга, ошхона билан емакхона ўртасига қўйишди. Семинаристлар тано-вул қилгани қета туриб, уларни уша ерда кўришди. Талабалар уларни қандай қизиқиш билан томоша қилганларини бир кўрсангиз эди! Тўнғиз, ҳатто ўлик ҳолда ҳам пастки синф семинаристларининг юрагини ёрарди, улар қўрқал-писа унинг қозиқ тишини ушлаб кўришарди. Бутун ҳафта давомида барча семинаристлар ана шу нимталарни гапи-риб юришди.

Жюльеннинг оиласини жамиятнинг ҳурмат қилиниши лозим бўлган табақасига қўшиб қўйган бу тухфа унга нис-батан бўлган ҳасад ва нафратга қақшатқич зарба берди. Жюльен бойлик билан эъозланадиган устунлик ҳуқуқига эришди. Яхши ўқийдиган семинаристлардан Шазель ва бошқалар унга хушомад қила бошладилар ва ҳатто, боши-дан ота-онасининг бадавлат эканлигини маълум қилмай, уларни пулга нисбатан беихтиёр ҳурматсизлик қилишга мажбур этгани учун Жюльендан ўпкалаб ҳам юрдилар.

Бу пайтда рекрут сафарбарлиги ўтаётган бўлиб, Жюль-ен семинарист сифатида ҳарбий хизматдан озод қилинган эди. Йигит бунни эшитгач, қаттиқ изтиробга тушди. «Мана, йигирма йил муқаддам мени қаҳрамонлик майдонига бош-лаши мумкин бўлган шу дақиқа ҳам мен учун бутунлай ўтди-кетди!»

Бир куни у ёлғиз ўзи семинария боғида сайр қилиб юриб, деворни тузатаётган гишт терувчиларнинг суҳбатини эшитиб қолди.

— Мана, бизнинг навбатимиз ҳам келди. Янги чақириқ эълон қилишибди.

— Ҳа, *анависи* бўлганида жон деб бораверардик-а! Бугун гишт терувчи бўлсанг, эртасига офицер бўлиб кетардинг, ҳатто генерал ҳам бўлиш мумкин эди, шуна-қасиям бўлган, дейишади.

— Энди, огаини, бунақаси бўлмайди! Аскарликка фа-қат яланг оёқлар боришади. Муллажиришги бўлганлар уйда қолишади.

— Фақир бўлиб тугилган умрбод фақирлигича қолаве-ради, бор гап шу, ошна.

— Уни ўлди дейишади, шу гап ростмикин? — дея гапга аралашди учинчи гишт терувчи.

— Бу гапини, ошна, ҳамени катталар тўқиб чиқариш-ган! Бўлмасам-чи, роса юрагини олиб қўйган эди-да улар-нинг.

— Унинг даврини олгини ҳозирги даврни қара, осмон билан ер дейсан! Таажжуб, маршалларининг ўзи унга

хиёнат қилишди-я! Дунёда шунақа сотқинлар ҳам бўлар экан-да!

Бу суҳбат Жюльенга бирмунча тасалли берди. У йўлида давом этар экан, хўрсиниб, ўзича:

«Мана у, ягона подшоҳ, эл эъзозлар унинг арвоҳин»

дея такрорларди.

Имтиҳонлар пайти келди. Жюльен жуда яхши жавоб берарди: у ҳатто Шазель ҳам ўзининг барча билимларини намойиш қилишга ҳаракат қилаётганини яққол кўриб турарди.

Биринчи куни ўша машҳур катта викарый де Фрилер томонидан тайинланган жаноб имтиҳон олувчилар ўзларига аббат Пирарнинг севимли шогирди деб айтишган анави Жюльен Сорелни рўйхатнинг биринчи, ҳеч бўлмаса иккинчи сатрига ёзишга мажбур эканликларидан роса таъблари тирриқ бўлди. Семинарияда, Жюльен бош имтиҳон варақасида ҳам барча фанлардан биринчи ўринга чиқади, демак, епископ ҳазратларининг уйдаги зиёфатга ташриф буюриш шарафига ҳам у муяссар бўлади, дея баҳс бойлашмоқда эди.

Бироқ сўнгги имтиҳон пайти у азиз-авлиёларга доир саволга жавоб бераётганида, бир маккор руҳоний унга авлиё Иероним ва унинг Цицеронга бўлган иштиёқи тўғрисида бир неча савол берди-да, сўнгра Гораций, Виргилий ва бошқа мажусий шоирлар ижоди ҳақида гап очди. Жюльен ўртоқларига билдирмай бу муаллифларнинг кўплаб шеърларини ёд олган эди. У ўз муваффақиятидан руҳланиб, қаерда турганини унутиб қўйди ва имтиҳон олувчининг такрорий саволига жавобан илҳом билан Горацийнинг қасидаларини ёддан ўқиб, уларни изоҳлаб бера бошлади. Имтиҳон олувчи илҳомланиб шеър ўқиётган Жюльенни йигирма минутга ўз ҳолига қўйиб берди-да, сўнг бирдан ғазабли тус олиб, шундай нопок ишга вақтини бекор сарфлагани ҳамда миясини наҳс ва бефойда ғоялар билан булғатгани учун унга қаттиқ танбеҳ бера бошлади.

— Мен аҳмоқман, тақсир, сиз мутлақо ҳақсиз,— дея жавоб қилди Жюльен итоаткорлик билан, ниҳоят, ўзига қандай фириб берганларини тушуниб.

Имтиҳон олувчининг бундай ҳийласи ҳатто семинаристларга ҳам пасткашлик бўлиб туюлди-ю, бироқ Безансонда махфий жамиятларнинг бутун бир шохобчасини йўлга қўйган ва Парижга юбориб турадиган маълумотлари билан судьялар, префектлар ва ҳатто гарнизон штабининг

қолий бонлиқларини ҳам зир титратадиган маккор одам, аббат де Фрилер жаноблари учун қудратли қўллари билан Жюльеннинг исми қаршисига «198» рақамини ёзиб қўйишга халал бермади. Аббат шу йўл билан ўз душмани, янсенист Пирарнинг таъбини тирриқ қилиш имконияти туғилиб қолганидан хурсанд эди.

Мана, ўн йилдирки, жаноб де Фрилер қўлидан келган ҳамма ишлари қилиб, уни семинария директори лавозимидан туширишга ҳаракат қилиб юрарди. Аббат Пирар Жюльенга ўргатган ахлоқ қондаларига ўзи ҳам амал қиларди, у софдил ва диёнатли бўлиб, иттиҳорлик билан шуғулланмас ва ўз вазифасини сидқидилдан бажарар эди. Аммо бахтга қарши, таъгри уни баджаҳл қилиб яратган эдики, бундай одамлар ранж-алам ва нафратдан қаттиқ изтироб чекадилар. Унга нисбатан айтилган ҳақоратли гаплардан биронтаси ҳам бу отаиқалб одамда из қолдирмай ўтмасди. У шу пайтга қадар ҳам юз марта истеъфога чиққан бўларди-ю, бироқ таъгри белгилаб берган бу лавозимда ҳақиқатан ҳам фойда келтираётганига сидқидилдан ишонарди. «Мен мунофиқлик ва бутнарастлик йўлига гов солганиман», дерди у ўзига-ўзи.

Имтиҳонлар бошланган пайтга келиб у Жюльен билан икки ойча гаплашмай юрган эди, бироқ имтиҳон натижалари ҳақида расмий билдириш хати олиб, назарида семинариянинг фахри ҳисобланган ўз шоғирдининг исми қаршисига «198» рақамини кўргач, тоби қочиб, бир ҳафтача кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Бу қаттиққўл одам энди зийраклик билан Жюльенга кўз-қулоқ бўлиб туришидангина таскин топмоқда эди. У Жюльенда на кек сақлаш, на ўч олиш истаги, на руҳан тушқунлик аломатлари борлигига ишонч ҳосил қилгач, терисига сиғмай кетди.

Орадан бир печа ҳафта ўтгач, Жюльеннинг номига хат келди. Ингит уни кўрди-ю, аъзойи баданида титроқ турди: конвертга Париж штемпели босилган эди. «Ниҳоят, де Реналь хоним менга бир вақтлар берган ваъдасини эслабди», дея хаёлидан ўтказди у. Поль Сорель деб имзо чеккан ва ўзини унинг қариндоши деб атаган қапдайдир жаноб Жюльенга беш юз франклик чек юборибди. Хатда, агар Жюльен машҳур лотин муаллифларини бундан буён ҳам шундай иштиёқ билан ўрганаверса, ҳар йили шунчадан пул олиб туражаги айтилган эди.

«Ҳа, бу де Реналь хоним, бу ўшанинг меҳрибонлиги! — дея кўнгли ийиб ўйларди Жюльен. — У менга тасалли бермоқчи бўлибди; лекин нега биронта ҳам дўстона сўз ёзмабди?»

Йигит бу хат хусусида қаттиқ янглишган эди; ўз дугонаси Дервиль хонимнинг таъсирига тушиб қолган де Реналь хоним шу кунларда ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб юрган эди. У бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган бу ажойиб йигитни баъзан беихтиёр эслаб қоларди-ю, бироқ унга мактуб йўллашга журъат этмасди.

Агар семинария тили билан гапиришга жазм этадиган бўлсак, биз аҳтимол бу беш юз франкнинг пайдо бўлишини мўъжиза деб тан олардик ва бу тўхфани Жюльенга инъом этмоқ учун тақдир қурол қилиб танлаган жаноб де Фрилернинг ўзлари юборган бўлса керак, деб айтган бўлардик.

Бундан ўн икки йил муқаддам жаноб аббат де Фрилер Безансон шаҳрига қўлида кичкина бир чамадон билан кираб келган эди. Айтишларича, ўшанда унинг буд-шуди ана шу чамадонга жо бўлган экан. Энди эса у шу атрофдаги энг бадавлат помешчиклардан бири бўлиб қолган эди. Аста-секин бойиш жараёнида у аллақайси ер-мулкнинг ярмини сотиб олган экан, ўша мулкнинг қолган ярми эса мерос тариқасида жаноб де ля Молга ўтибди. Ана шу ер-мулк бу мухтарам зотлар орасида катта тортишувнинг келиб чиқишига сабаб бўлибди.

Ўзининг Париждаги нуфуз ва саройдаги лавозимларига қарамай, жаноб маркиз де ля Моль Безансонда, айтишларича, префектларни ишга қўйиб, ишдан оладиган катта викаррийга қарши кураш олиб бориш анча хавфли эканини сезиб қолди. Бироқ бюджетда пазарда тугилган бирор қулайроқ баҳона билан ўзига эллик минг мукофот пули ундириб олиб, қандайдир эллик минг франк учун аббат де Фрилер билан тортишувга чек қўйиш ўрнига маркиз ўз сўзида қаттиқ туриб олди. У ўзини ҳақ деб ҳисобларди: нақадар мустаҳкам далил бу — *ҳақлик!*

Лекин марҳамат қилиб бизга бир нарсани айтинг-чи, дунёда одам қилиши, ҳаётда ўз йўлини топиб олишига кўмаклашиб юбориши лозим бўлган ўгли ёки бирор қариндоши топилмайдиган судья зоти бормикин ўзи?

Зеро, бу ҳақиқатни кўзи кўр одам ҳам уқиб олмоғи учун жаноб аббат де Фрилер суднинг биринчи ҳукмини ўз фойдасига чиқаришга эришганидан сўнг орадан бир ҳафта ўтгач, епископ ҳазратларининг қаретасида ўз адвокати олдига бориб, унга ўз қўли билан Фахрий Легион крестини топширди. Рақиб томоннинг бундай қатъий ҳаракатидан бирмунча эсапкираб қолган ва адвокатларининг ҳали-замон таслим бўлишидан чўчиган маркиз де ля Моль маслаҳат сўраб аббат Шеланга мурожаат қилди, у эса ўз навбатида, маркизга жаноб Пирарни тавсия этди.

Биз баён этаётган воқеалар содир бўлганда уларнинг орасидаги муносабат бир неча йилдан бери давом этиб келаётган эди. Жааноб Пирар бу ишга жон-жаҳди билан киришиб кетди. Маркизнинг адвокатлари билан муттасил учрашиб турар экан, аббат унинг даъвосини яхшилаб ўрганиб чиқди ва маркизнинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилгач, қудратли катта викарийга қарши курашда очикдан-очик жаноб де ля Моль тарафини олди. Бу беадаблик жаноб де Фрилернинг иззат-нафсига қаттиқ тегди. Келиб-келиб қандайдир арзимас янсенист унга қарши чиқиб ўтирса-я!

— Ўзини қудратли деб ҳисоблайдиган манови сарой асиязодаларининг ҳолини бир кўринг, — дерди аббат де Фрилер ўзининг яқин дўстларига. — Жаноб де ля Моль ўзларининг безансонлик айгоқчиларига арзимас бир крестча олиб беришни ҳам лозим топмадилар, агар уни ишдан олиб ташлашса, парво ҳам қилмайдилар. Бўлмасам, бу мухтарам нэр, менга ёзишларича, ҳар ҳафтада канда қилмай зангори ленталарини тақиб олиб, адлия министрининг ким бўлишидан қатъи назар, унинг меҳмонхонасига ташриф буюрар эканлар.

Аббат Пирарнинг барча ҳаракатларига қарамай, жаноб де ля Моль, гарчи адлия министри билан, хусусан, унинг идораси билан доим яхши муносабатда бўлса-да, олти йиллик уринишлардан сўнг фақат даъволашишда бутунлай енгилмади холос.

Иккови ҳам сидқидилдан шуғулланаётган шу иш юзасидан аббат Пирар билан мунтазам хат ёзишиб турар экан, маркиз охир-оқибатда аббатнинг зукко ақлига қойил қолди. Аста-секин, жамиятда тутган ўринларидаги улкан тафовутга қарамай, уларнинг ёзишмалари дўстона руҳ касб этди. Аббат Пирар турли йўллар билан зуғум ўтказиб, уни истеъфога чиқишга мажбур этмоқчи эканликларини маркизга хабар қилди. Унинг фикрича, Жюльен учун атайлаб ўйланган жирканч фирибгарликдан газабни қайнаган аббат бу воқеани бошдан-оёқ маркизга ёзиб юборди.

Ўзининг ниҳоятда бадавлат эканлигига қарамай бу мансабдор сира ҳам хасис эмасди. Шу пайтга қадар у даъволашув туфайли қилинган почта харажатларининг ўрнини қоплаш учун аббат Пирарни бир оз пул олишга кўндиролмай желарди. Ана шунда унинг миясига аббатнинг севимли шогирдига беш юз франк юбориш фикри келиб қолди.

Жаноб де ля Моль ҳатто ўз қўли билан илова хати ҳам ёзиб юборди. Шундан сўнг у аббатнинг ўзи ҳақида ҳам эслади.

Кунлардан бир кун аббат Пирар бир энлик хат олди, хатда ундан бир муҳим иш юзасидан Безансон қасабаларидан биридаги аллақайси меҳмонхонага дарҳол етиб келишни илтимос қилишганди. Меҳмонхонада уни жаноб де ля Молнинг иш бошқарувчиси қарши олди.

— Жаноб маркиз менга ўз карталарини сизнинг ихтиёрингизга бериб қўйишни топширдилар,— деди унга бошқарувчи.— У киши, сиз манови хат билан танишиб чиққанингиздан сўнг, тўрт-беш кунлардан кейин Парижга жўнашдан бош тортмасангиз қерак, деб умид қиладилар. Сиз белгилашни лозим топган муҳлат ичида эса, мен жаноб маркизнинг шу ердаги, Франш-Контедаги ер-мулкларини айланиб чиқаман. Шундан сўнг, сиз истаган пайтда Парижга жўнаймиз.

Хат қисқагина эди:

«Менинг қадрли аббатим, ўша провинциал галваларнинг баридан қутулинг-да, Парижнинг мусаффо ҳавосидан нафас олиш учун бу ерга келинг. Сизга ўз экипажимни юборяпман — Сизнинг қарорингизни тўрт кун кутишни буюрдим. Ўзим эса Сизни Парижда сешанба кунигача кутамап. Парижнинг шундоқ ёнгинасида жойлашган ажойиб қавмлардан бирини Сизнинг тасарруфингизда қолдирмоқ учун Сиздан тақсир, биргина «ҳа» деган сўзни кутишяпти. Бўлажак қавмингиз орасидаги энг бадавлат одам Сизни ҳеч қачон кўрган эмас, бироқ унинг Сизга нақадар содиқ эканини тасаввур ҳам қила олмайсиз, бу одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсангиз, у
маркиз де ля Моль».

Қаттиққўл аббат Пирар, ўзи ҳам билмаган ҳолда, душманларга тўлиб-тошган ўз семинариясини жуда яхши кўрарди, мана ўн беш йилдирки, унинг бутун фикр-хаёли ана шу семинарияга бағишланган эди. Жаноб де ля Молнинг мактуби аббатга худди уни огир, лекин муқаррар операция қилиш учун келган жарроҳдек таъсир этди. Уни ишдан олишлари аниқ эди. Аббат бошқарувчи билан уч кундан сўнг учрашишга келишиб олди.

Қирқ саккиз соат давомида у жуда иккиланиб юрди. Ниҳоят, аббат жаноб де ля Молга хат ёзди ва епископ ҳазратларига мактуб битди. Мактуб экклезиастик услубнинг ҳақиқий дурдонаси бўлди-ю, бироқ хиёл узунроқ чиқди. Чуқур ҳурмат-эҳтиром билан сугорилган бундай бежирим

иборалардан яхширогини ўйлаб топиш амримаҳол эди. Бироқ жаноб де Фрилерни ўз бошлиғи олдида бирор соат мушкул аҳволга солиш учун мўлжалланган бу мактубда жиддий шикоят учун барча асослар бутун тафсилотлари билан баён этилганди. Бу зуғумларга, тирноқ орасидан кир излашларгача аббат олти йилдан буён бардош бериб келар экан. Лекин охири епархияни тарк этмоққа жазм қилибди.

Унинг омборидан ўтин ўғирлашар экан, итини заҳарлашибди ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Мактубни ёзиб тугатгач, аббат барча семинаристлар қатори соат саккизда ухлайдиган Жюльенни уйғотиб келишни буюрди.

— Епископнинг саройи қаерда жойлашганини биласизми? — дея мурожаат қилди у Жюльенга соф лотин тилида. — Бу мактубни ҳазрати бузрукка элтиб берасиз. Сизни бўрилар галасига юбораётганимни яширмайман. Сиз фақат кўз ва қулоқ бўлмоғиңиз даркор. Жавобларингизда ҳеч қандай ёлғонга йўл қўймаңг, лекин савол берувчи одам сизга зиён келтирса, эҳтимол, чин кўнгилдан хурсанд бўлишини ҳам унутманг. Бу маконни тарк этмоқдан аввал сизга шундай синовдан ўтмоққа имконият бераётганимдан бағоят хурсандман, бўтам, зеро сиз элтиб берадиган ушбу мактуб менинг истеъфога чиқмоқ ҳақидаги аризам эканлигини сиздан сир тутмоқчи эмасман.

Жюльен турган жойида қотиб қолди. У аббат Пирарга қаттиқ меҳр қўйган эди. Шу тобда Жюльеннинг эҳтиёткорлиги унга: «Бу ҳалол одам семинариядан кетгач, Исо қалби партиясини мени қувғин қилади ва эҳтимол, бутунлай ҳайдаб юборади», дея беҳуда таъкидламоқда эди.

У ўзи ҳақида ўйлай олмасди. Жюльен тараддудга тушиб қолганди, чунки у устозига бир гап айтмоқчи эди-ю, бироқ уни оғир ботмайдиган қилиб айтишнинг йўлини тополмай гаранг бўлиб турарди.

— Хўш, нима гап, дўстгинам? Нега кетмай турибсиз?

— Гап шундаки, — деди ийманибгина Жюльен, — эшитшимча, сиз семинарияда шунча йил раҳбарлик қилиб сира пул жамгармаган экансиз. Менинг эса олти юз франк пулим бор...

Кўз ёшлари гапиришга ҳалал бермоқда эди.

— Бу ҳам эътиборга олинади, — дея совуққина жавоб қилди семинариянинг собиқ директори. — Саройга тезроқ жўнаңг, вақт ҳам кеч бўлиб қолди.

Тасодифан бу кеча епископ қабулхонасида жаноб аббат де Фрилер навбатчи экан. Ҳазрати бузруккининг ўзлари эса

префектурадаги зиёфатга кетган эканлар. Шундай қилиб, Жюльен мактубни жаноб де Фридернинг ўзига топширди, бироқ йигит унинг кимлигидан беҳабар эди, албатта.

Жюльен аббатнинг епископ номига ёзилган хатни тақаллуфеизлик билан очганини кўриб, ҳайратга тушди. Катта викарийнинг чиройли юзида аввалига хурсандлик, таажжуб аке этди, кейин эса ташвишли бир ифода пайдо бўлди. Аббат мактубни ўқир экан, унинг хуснига қойил қолган Жюльен унга яхшилаб разм солишга улгурди. Агар юз тузилишининг аллақайси жиҳатларида ўтакетган қувлик аке этиб турмаганида, бу аббат жуда салобатли кўриниши мумкин эди. Мабодо у ўзининг чиройли юзидаги ифодани бир лаҳзагина унутса, ёлгончилиги ҳам сезилиб қоладигандек туюларди. Унинг олдинга туртиб чиққан бурни ажойиб тўғри чизиқ ҳосил қиларди-ю, бироқ бахтга қарши бу басавлат чехрани тулкининг тумшугига ўхшатиб қўярди. Хонаси келганда шуни ҳам қайд қилмоғимиз керакки, жаноб Пирарнинг истеъфосига гоят қизиқиб қолган аббат жуда башанг кийинган эди. Илгари биронта ҳам руҳонийнинг бундай кийинганини кўрмаган Жюльенга бу ҳол жуда ёқиб тушди.

Орадан анча вақт ўтганидан сўнг Жюльен аббат де Фридернинг алоҳида истеъдоди нимадан иборат эканлигини билиб олди. У ўз епископи, Парижда яшашга ўрганиб қолган ва Безансонда ўзини худди сургун қилингандек ҳис этадиган ширинсўз қариянинг кўнглини овлашга уста экан. Епископнинг кўзи ожиз бўлиб, балиқдан пиширилган таомларни жонидан ҳам яхши кўраркан. Аббат де Фрилер эса епископ ҳазратлари тановул қилаётганида, балиқ қилтанокларини олиб ташлаб бераркан.

Жюльен истеъфо ҳақидаги аризани қайта ўқиб чиқаётган аббатга индамай тикилиб турар экан, дафъатан эшик шарақлаб очилди. Хонага шоша-пиша башанг кийинган малай кириб келди. Йигит эшик томон ўгирилиб қарашга аранг улгурди: у кўксига хоч осган жиккаккина чолни кўрди. Жюльен дарҳол тиз чўкди-ю, икки букилиб таъзим қилди; епископ унга қараб мулойим жилмайганича ўтиб кетди. Хушрўй аббат епископнинг ортидан ичкари кириб кетди-ю, қабулхонада ёлғиз ўзи қолган Жюльен атрофидаги ҳашаматни бемалол томоша қила бошлади.

Узоқ муҳожирлик машаққатларидан зукко ақли чиниққан Безансон епископи етмиш беш ёшга борган қария бўлиб, у ўн йилдан сўнг нима бўлиши ҳақида мутлақо таъвиш қилмасди.

— Кўзлари тийрак анави семинарист ким бўлди? —

дея сўради епископ. — Ахир улар менинг уставимга биноан аллақачон ётган бўлишлари керак эмасмиди?

— Кафолат бериб айтишим мумкинки, бунисининг кўзида уйқудан асар ҳам йўқ, ҳазрати бузрук. У бизга бағоят муҳим хабар келтирди: епархиянгизда қолган ягона янсенист истеъфога чиқиш ҳақида ариза берибди. Ниҳоят, анави ярамас аббат Пирар ундан нима исташларини тушунибди.

— Шунақами! — деди қувлик билан жилмайиб епископ. — Баҳс бойлашим мумкин, сиз унинг ўрнига танлаган одамингиз аббатга сира ҳам тенг келолмайди. Шу боисдан ҳам, сиз бундай одамларнинг қадрига етмоғингиз учун мен уни эртага тушлик зиёфатга таклиф қиламан.

Катта викарий янги директор ҳақида гап очмоқчи бўлди. Бироқ бугун иш билан шуғулланишга хуши бўлмаган прелат унга қараб деди:

— Бошқасининг келишига ижозат этмоқдан аввал мана бунисининг қандай кетишини бир кўрайлик-чи. Анави семинаристни бу ёққа чақиринг, норасиданинг тили ҳақиқатни сўйлағай.

Жюльенни чақиринди. «Ҳозир икки инквизиторга дучор бўламан», дея ўйлади у. Ингит қалбида илгари сира ҳам бундай жасорат ҳис этмаганди.

У хонага кириб келганида жаноб Валенодан ҳам башангроқ кийинган икки поргул хизматкор епископ ҳазратларини ечинтиришмоқда эди. Прелат аббат Пирар ҳақида гап очишдан аввал Жюльеннинг ўқишдаги муваффақиятлари тўғрисида сўрашни лозим топди. У догматикадан бир неча савол бердию ингитнинг жавобларини эшитгач, дол бўлиб қолди. Сўнгра у классиклар — Виргилий, Горацій ва Цицеронлар ижоди ҳақида савол берди. «Ана шу муаллифлар менга панд беришганди, ўшаларни деб бир юз тўқсон саккизинчи ўринни олгандим, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Энди кўрқадиган жойим йўқ, ўзимизни кўрсатишга уриниб кўрамиз». У чиндан ҳам ўзини кўрсата олди, классикларни ўзи ҳам жуда яхши биладиган прелат қойил қолди.

Префектурадаги зиёфат чоғида машҳур бир қиз Магдалина ҳақидаги поэмани ўқиган эди. Кўнгли адабиёт тўғрисида суҳбат қуришни истаб турган епископ Гораційнинг бой ёки камбағал ўтганини семинарист билан берилиб муҳокама қилар экан, тезда аббат Пирарни ҳам, ўзининг барча ишларини ҳам унутиб қўйди. Прелат у ёки бу қасидани ёддан ўқир экан, баъзан хотираси панд бериб тутилиб қоларди, ана шунда Жюльен камсуқумлик билан шеърни

келган жойидан давом эттириб, охиригача ўқиб берарди. Епископни айниқса бу ўринда Жюльеннинг суҳбат руҳидан чиқиб кетмай, лотин тилидаги йиғирма ёки ўттиз шеърни, худди семинариядаги кундалик ишлар ҳақида ҳикоя қилаётгандек, ўзини эркин тутиб ўқиб бергани ҳайратга солди. Улар Виргилий ҳақида узоқ гаплашиб ўтирибди. Суҳбат охирида прелат ёш семинаристини мақтаб кўйишдан ўзини тутиб тура олмади.

— Сиз илму фанда катта муваффақиятларга эришиб-сиз.

— Ҳазрати бузрук, — дея жавоб қилди унга Жюльен, — семинариянгиз сизга яна бир юз тўқсон еттита мақтовингизга муносиб ўқувчини тақдим этиши мумкин.

— Бу нима деганингиз? — сўради прелат бундай рақамдан ҳайратга тушиб.

— Сиз ҳазрати бузрукларига маълум қилиш шарафига муяссар бўлган бу гапни расмий гувоҳнома билан тасдиқлашим мумкин. Бу йилги семинария имтиҳонларида мени ҳозир ҳазрати бузрукларининг мақтовига мушарраф этган худди шу фаилардан жавоб бериб, бир юз тўқсон саккизинчи ўринни олдим.

— А-а! Демак, бу аббат Пирарнинг севимли шогирди экан-да! — дея хитоб қилди епископ кула-кула, жаноб де Фрилерга қараб қўяр экан. — Ўзиям шунақа бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Лекин бу ҳалол уруш. Шундай эмасми, дўстгинам, — дея кўшимча қилди у Жюльенга қараб, — сизни бу ёққа юбориш учун ҳойнаҳой ётган жойингиздан тургазишган бўлишса керак-а?

— Ҳа, ҳазрати бузруклари. Мен, Лоши Масихо байрами куни соборни безашда жаноб аббат Ша Бернарга ёрдам бериш учун борганимни мустасно қилганда, умрим бино бўлиб семинариядан ёлғиз ўзим чиққан эмасман.

— Ортиме, — деди епископ. — Демак, ўша пар боғламларини тахтиравон чамбарига ўрнатиб, жасорат кўрсатган одам сиз экансиз-да? Мен ҳар йили уларни кўрганимда сесканиб тушаман ва бу пар боғламлари биронта одамнинг бошига етмаса эди, деб қўрқаман. Дўстгинам, шу кетишда сиз ҳали жуда ўсасиз. Бироқ мен сизнинг, шубҳасиз, ажойиб мартабага эришишингизда гов бўлмоқчи ва сизни очдан ўлдирмоқчи эмасман.

Шундай дея епископ бисквит билан май келтиришни буюрди. Жюльен хузур қилиб бу таомлардан татиб кўра бошлади. Аббат де Фрилер эса ундан ҳам ўтиб тушди, зеро у одамларнинг севиниб, иштаҳа билан тановул қилишлари епископга ёқишини яхши биларди.

Кечанинг шундай кўнгилли ўтаётганидан борган сайин мамнуи бўлиб бораётган прелат Жюльен билан черков тарихи ҳақида гаплашмоқчи бўлди-ю, дарҳол Жюльен уни тушунмаётганини сездди. Шундан сўнг у Константин давридаги Рим империясида ҳукм сурган урф-одатлар ҳақида сўз очди. Мажусийликнинг сўнгги даврига ҳам XIX асрда ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлиб, зерикаётган кўпгина кишиларни эзиб турувчи руҳий безовталлик ва гумонсираш хос эди. Епископ Жюльен ҳатто Тацитнинг номини ҳам эшитмаганини кўрди.

У шу муносабат билан ўз ҳайратини изҳор қилган эди. Жюльен соддагина қилиб семинария кутубхонасида бу муаллифнинг асарлари йўқлигини айтди.

— Ах, шунақа денг, яхши, буни эшитишдан жуда хурсандман, — деди қувноқлик билан епископ. — Сиз мушкулимни осон қилдингиз: ўн минутдан бери, сиз туфайли бугунги кечанинг кўнгилли ўтгани учун сизни қандай хурсанд қилсам экан, деб бошим қотаётган эди. Ўз семинарияда ўқийдиган талабанинг олим бўлиб чиқишини сира кутмаган эдим. Гарчанд бу руҳонийларга хос тухфа бўлма-са-да, сизга Тацитни совға қилмоқчиман.

Прелат ажойиб муқовали саккиз томни келтиришни буюрди-да, биринчи томнинг биринчи бетига латин тилида Жюльен Сорелга мукофот тариқасида илтифотли ҳадянома ёзиб берди. Епископ латин тилини нозик томонларигача билиши билан фахрланиб юрарди. Хайрлаша туриб, у Жюльенга бутун суҳбатдан фарқли ўлароқ жуда жиддий оҳангда деди:

— Йигитча, агар ўзингизни оқилона тутсангиз, вақт-соати келиб менинг епархиямдаги янги яхши қавмни тасарруфингизга оласиз; бу қавм менинг саройимдан узоқ бўлмайди, албатта. Лекин оқил бўлмоқ лозим.

Тацитнинг томларини кўтариб олган Жюльен епископ саройидан таажжубланиб чиқиб кетганида вақт ярим кеча бўлган эди.

Ҳазрати бузрук унга аббат Пирар ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтмади. Лекин Жюльенни ҳаммасидан ҳам кўпроқ епископнинг беқийёс назокати ҳайрон қолдирди. У илгари хуштабиатлик ўзини шундай эркин тутиш билан уйғунлашиб келишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Йигит уни тоқатсизланиб кутаётган қовоғи солиқ аббат Пирарни кўрганида епископ билан ўнинг ўртасидаги тафовутдан беихтиёр ҳайратга тушди.

— *Quid tibi dixerunt* (Сенга нима дейишди)? — дея кичқириб сўради аббат уни узоқдан кўрган заҳоти.

Жюльен епископ билан суҳбатини лотин тилида хиёл тутилиб ҳикоя қила бошлади.

— Французчалаб гапиринг ва ҳазрати бузрук айтган гапларнинг барини оқизмай-томизмай айтиб беринг, — деди семинариянинг собиқ директори одатдаги кўрселиги билан.

— Епископдан ёш семинаристга хўп ғалати совға бўлибди-ку! — дея тўнғиллади у Тацитнинг ажойиб томларини варақлар экан. Шу тобда четига зарҳал югуртирилган бу китоблар уни даҳшатга солаётгандек туюларди.

Барча тафсилотлари билан тўла ҳисоботни эшитиб бўлгач, севимли шогирдига ҳужрасига бориш учун ижозат этганида кечаси соат икки бўлган эди.

— Тацитингизнинг ҳазрати бузрук ҳадянома ёзган биринчи томини менга қолдиринг, — деди у Жюльенга. — Бу лотинча жумла мен кетганимдан сўнг мазкур маҳфилда сиз учун балогардон бўлади. *Erit, fili mi, successor meus tanquam leo quaerens quet devoret* (Зеро сен учун, бўтам, менинг ўрнимга келган одам кимни ютиб юборишни билмай ҳайқирадиган шернинг ўзгинаси бўлмай).

Эртаси куни эрталаб Жюльен ўртоқларининг унга жуда ғалати муомала қилишаётганини сезиб қолди. Бунга жавобан у баттар тумтайиб олди. «Мана, — дея хаёлидан ўтказди у, — жаноб Пирарнинг истеъфога чиқишининг оқибати ҳам сезилиб қолди. Буни энди ҳамма билади, мен эсанинг севимли шогирди ҳисобланаман. Уларнинг муомаласида қандайдир ичиқоралик бор». Бироқ Жюльен бу ичиқораликнинг нимадан иборат эканини сира англай олмасди. Аксинча, семинария ётоқхонаси бўйлаб ўтиб борар экан, ўзига қадалган нигоҳларда у нафратдан асар ҳам сезмасди. «Бу қанақаси бўлди? Биронта тузоқ бўлса керак. Ҳай майли, эҳтиёт бўламиз». Ниҳоят веррьерлик ёш семинарист қиқирлаб кулганича унга: «*Cognelii Taciti oreга omnia*» (Тацит асарларининг тўлиқ тўплами), — деди.

Баланд овоз билан айтилган бу сўзларни эшитгач, барча Жюльенни епископнинг ажойиб совғаси билангина эмас, балки у билан икки соат суҳбатлашиб, ўтириш шарафига муяссар бўлгани билан ҳам табриклай кетди. Ҳамма гап уларга майда-чуйдасигача маълум экан. Шу дақиқадан эътиборан ҳеч ким унга ҳасад қилишга журъат этмай қўйди: унга очиқдан-очиқ хушомад қила бошлашди; кечагина у билан ниҳоятда кеккайиб гаплашган аббат Кастанэдинг ўзи Жюльеннинг қўлтиғидан олиб, уни уйига нонуштага таклиф қилди.

Бироқ фалак Жюльенга жуда ёмон бир феъл ато этганди: бу тўпори йигитларнинг сурбетлиги унга қанча азоб берган бўлса, энди уларнинг тилёгламалик қилиши шунча нафратини кўзгар ва кўнглига мутлақо ёқмас эди.

Пешинга яқин аббат Пирар ўз шогирдлари билан хайрлашар экан, уларга жиддий панд-насихат билан мурожаат қилишни лозим топди.

— Сизлар бу дунёдаги иззат-эҳтиромга, ижтимоий устунликка интиласизларми, ҳукамолик қилиш қонунлари устидан кулиш ва одамларни адолатга хилоф равишда ҳақорат этиш лаззати сизларни йўлдан оздирадими? Ёки охиратингизни ўйлайсизми? Орангиздаги энг ялқов талаба ҳам кўзини очса бас, у бу икки йўлни яққол кўра олади.

У семинариядан остона ҳатлаб чиқиши билан Исонинг Муқаддас қалби партиясидан бўлган тақводорлар ибодатхона томон югурдилар ва: *Минг қатла шукурким, ўзингга, худо*, дея куйлай бошладилар. Бутун семинарияда биронта ҳам тирик жон собиқ директорнинг панд-насихатларини жиддий қабул қилмади. «Истеъфога чиқиш осонми ахир», дейишарди улар бир-бирларига қараб. Биронта ҳам семинарист ўзини турли йирик таъминотчилар билан иш юритишга имкон берадиган лавозимдан ўз хоҳиши ила воз кечитишга ишонадиган даражада гўл ҳисобламас эди. Аббат Пирар Безансоннинг энг яхши меҳмонхонасига кўчиб ўтди ва йўқ ишларини баҳона қилиб, у ерда икки кун туришга қарор қилди.

Епископ уни тушки овқатга таклиф этди ва катта викарый де Фрилернинг жиғига тегмоқ ниятида аббат Пирарга ўзини кўрсатиш учун имкон беришга ҳаракат қилди. Улар овқатдан сўнг шарбат ичиб ўтиришган эди, туюқсидан аббат Пирарнинг пойтахтдан ўн беш чақирим наридаги ажойиб Н... қавмига ишга тайинлангани ҳақида Париждан хабар келиб қолди. Меҳрибон прелат уни чин кўнгилдан табриклади. Бу воқеалардан у нозик бир сиёсат борлигини уқди, бундан унинг кўнгли очилиб, дилида аббатнинг истеъдодига таҳсин ўқиди. У жаноб Пирарга лотин тилида ажойиб аттестация ёзиб берди, тўнғиллаб норозилигини баён этишга журъат этган аббат де Фрилерга эса жим ўтиришни буюрди.

Кечқурун епископ ўз қувончини ҳикоя қилиб бермоқ учун маркиза де Рюампрэнинг уйига жўнади. Безансондаги бутун киборлар жамияти бу ажойиб янгиликдан лол қолган эди. Бу гайритабиий мурувватдан барчанинг боши қотиб қолган эди. Аббат Пирарни, эҳтимол, епископ бў-

либ кетар, деб башорат ҳам қила бошладилар. Фаросатлироқ кишилар, жаноб де ля Моль министр қилиб кўтарилган бўлса керак, деб ўйладилар ва ҳатто бу кеча жамиятда виқор билан пайдо бўлишни лозим топган аббат де Фрилернинг маҳобати устидан кулишга ҳам журъат этдилар.

Эртаси куни эрталаб аббат Пирарнинг ортидан одамлар эргашиб юришди: у маркизнинг ишлари бўйича суд томон юриб борар экан, дўкондорлар эшикдан бошларини чиқариб қарашарди, судда уни биринчи марта хушмуомалалик билан қабул қилишди. Ўзи кўрган нарсалардан жуда газаби қайнаган қаттиққўл янсенист маркиз де ля Моль учун танланган адвокатлар билан алламаҳалгача маслаҳатлашиб ўтирди-да, сўнгра Парижга жўнади. Аббат каретага қадар кузатиб борган ва ундаги гербларни завқ билан томоша қилган икки-уч мактабдош дўстига семинариyani ўн беш йил давомида бошқарганидан сўнг Безансондан атиги беш юз йнгирма франк билан жўнаётгани, — у жамғара олган маблағнинг бори шу эканлигини айтишдан ўзини тийиб тура олмади. Дўстлари кўзларига ёш олганларича у билан кучоқлашиб хайрлашдилар-да, сўнгра бир-бирларига қараб: «Меҳрибон аббат шу ёлгонни айтмаса ҳам бўларди. Ахир бу кулгили-ку», дейишди.

Пул деганда ўзларини томдан ташлайдиган бу пасткаш одамлар аббат Пирар олти йил давомида ёлғиз ўзи, ҳеч кимнинг ёрдамисиз Мария Алакок, Исонинг Муқаддас қалби партияси, незуитлар ва ўз епископига қарши кураш олиб борар экан; фақат ўзининг юксак софдиллигидангина мадад олганини тушунишга қодир эмасдилар.

XXX

Шуҳратпараст

Ягона олижаноб унвон — бу герцоглик унвони, маркиз — бунинг қандайдир кулгили томони бор, лекин оғзингиздан герцог сўзи чиққан заҳоти ҳамма беихтиёр ўгирилиб қарайди.

«Эдинбург шарҳловчиси»

Аббат маркизнинг соф оқсеуякларга хос қиёфаси ва шу билан бирга қандайдир ҳазил-мутуйибага мойил гапларидан қаттиқ хайратга тушди. Дарвоқе, бўлажак министр

уни акобирларга хос бўлган, юзаки қараганда жуда боадабу, лекин тушунадиган одам учун ҳақорат бўлиб туюладиган сертакаллүф мулозаматларсиз қабул қилди. Бу мулозаматлар вақтни бекорга сарфлаш бўларди, марқиз эса жиддий ишларда анчайин муҳим роль ўйнарди ва шу боисдан ҳам вақтни бекорга сарфлай олмасди.

Мана, ярим йилдирки, у йирик бир сиёсий ўйин олиб борарди. Бу ўйин кабинетни муайян бир составда тузилиши учун қирол билан мамлакатни ризолик беришга мажбур этиши, кабинет эса бунинг учун миннатдорчилик тариқасида унга герцог унвони бериши лозим эди.

Кўп йиллар давомида марқиз ўзининг безансонлик адвокатида Франш-Контедаги суд сансалорлиги ҳақида аниқ бир ҳисобот талаб қилиб беҳуда овора бўлиб келарди. Бироқ машҳур адвокат ўзи ҳам тушунмайдиган нарсани марқизга қандай қилиб ҳам тушунтира оларди дейсиз?

Аббат унга топширган бир парча қоғоз масалага бутунлай ойдинлик киритди-қўйди.

— Азизим аббат, — деди унга марқиз беш минутга етаретмас вақт ичида одоб юзасидан ҳол-аҳвол сўраб ва шахсий характердаги савол-жавобларга чек қўйиб, — азизим аббат, мен ўзимнинг барчага маълум хотиржамлигимга қарамай, оддийгина, лекин шу билан бирга анча муҳим бўлган икки нарсани — ўзимнинг оилам ва ўзимнинг ишларим билан шуғулланишга сира ҳам вақт топа олмайман. Оиламнинг аҳволи тўғрисида гамхўрлик қиламан ва бу маънода имкониятларим жуда катта. Шу билан бирга, ўз ҳузур-ҳаловатим тўғрисида ҳам ўйлайман, бу эса бўлак барча ишлардан юқорироқ турмоғи лозим, албатта. Ҳар қалай, менинг назаримда шундай бўлиши керак, — дея қўшимча қилди у аббат Пирарнинг ҳайратга тушганини сезгач. Гарчи аббат андишали одам бўлса-да, у марқиздек бир чол одамнинг ўз ҳузур-ҳаловати тўғрисида шундай очикдан-очик гапиришидан ҳайрон бўлиб қолганди.

— Тўғри, Парижда ҳам заҳматкашлар бор, — дея сўзида давом этди эътиборли мансабдор, — лекин улар бешинчи қаватнинг аллақасерида истиқомат қилишади. Агар мен биронта одамни ўзимга яқин қилиб олсам, у шу заҳоти иккинчи қаватдан тураржой олади, унинг хотини эса ўзига қабул қилинган белгилайди: бошқача қилиб айтганда, унинг барча меҳнати, барча ғайрат-шижоати оқсуяк бўлиб олишга ёки шундай бўлиб кўринишига қаратилади. Ризқ-рўз ҳақида ўйламай қўйган дақиқадан эътиборан бу уларнинг ягона ташвишига айланади.

Менинг суд процессларим ва ҳатто, аниқроқ қилиб айтганда, ҳар бир процессим учун алоҳида адвокатларим борки, улар ўлиб-тирилиб ишлайдилар: мана, биттаси икки кун илгари сил касалидан вафот этди. Лекин менинг умумий ишларим учун, буни бир тасаввур қилиб кўринг-а, тақсир, мана уч йилдирки, ёзишмаларимни олиб боришга жазм этгач, қилаётган иши ҳақида хиёл бўлса-да жиддийроқ ўйлаб кўрадиган одам тополмай гаранг бўлиб юрибман. Лекин бу гапларнинг бари шунчаки муқаддима холос.

Мен сизни ҳурмат қиламан ва ишонч билан айтишим мумкинки, гарчи биринчи марта кўриб турган бўлсам-да, яхши кўраман. Менинг секретарим бўлишни ва бунинг учун саккиз минг франк ёки ундан икки баробар кўпроқ маош олишни истайсизми? Мен бундан яна фойда ҳам кўраман, ганимга ишонаверинг. Шу билан бир қаторда мен ўша ажойиб қавмингиз биз бир-биримиздан ажралиб кетишни истаб қолганимизга қадар ўз номингизда қолишининг ҳам гамини сб кўяман.

Аббат бу таклифни рад этди-ю, бироқ суҳбатнинг охирида, маркизнинг қандай мушкул аҳволга тушиб қолаётганини аниқ тасаввур этгач, миясига бир фикр келиб қолди.

— Менинг семинариямда, — деди у маркизга, — бир бечора йигит қолди. Агар янглишмасам, энди уни қаттиқ қувғинга солишса керак. Яхшиям у оддий талаба эмас, бўлмасам уни аллақачон ип расега (монастирь зиндонига) ташлашган бўларди.

Шу найтга қадар ўша йигит фақат лотин тили билан муқаддас диний китобларни ўрганиб келди, лекин бир кун келиб у ё ажойиб воиз, ёки аллома руҳоний бўлиб етишиши мумкин. Унинг ким бўлишини биямайман, лекин юрагида муқаддас ўт бор, у жуда ўсиб кетса ажаб эмас. Агар бирор кун келиб, бизда иш ва одамларга муносабати хиёл бўлса-да, сизникига ўхшайдиган киши епископ қилиб тайинланса, унинг эътиборини шу йигитга қаратмоқчи бўлиб юрган эдим.

— Ўша йигитчангиз қайси табақадан ўзи?

— Уни бир тоғлик дурадгорнинг ўғли, дейишади. Лекин, менимча, у биронта бадавлат одамнинг никоҳсиз хотиндан туғилган фарзанди бўлса керак. Бир куни унинг, — имзосизмиди ёки бировнинг имзоси кўйилганмиди, аниқ эсимда йўқ, — беш юз франклик чек илова қилинган хат олганини кўрганим бор.

— А! Бу Жюльен Сорел-ку, — деди маркиз!

— Унинг исмини қаёқдан биласиз? — дея сўради

таажжубланган аббат ва шу заҳоти ўз саволидан хижолат чекиб, жимиб қолди.

— Буни мен сизга айтмайман. — деди жавобан маркиз унинг хижолатда қолганини сезиб.

— Хўш, гап бундай! — деб давом этди аббат. — Уни тарбиялаб секретарь қилиб олсангиз бўлармиди, ўзи жуда ғайратли ва боақл йигит, хуллас — уришиб кўришингизга арзийди.

— Нега уришиб кўрмас эканман? — деди жавобан маркиз. — Лекин у полиция бошлиғи ёки бошқа биронтаининг порасига учиб, бу ерда менинг ортимдан жосуслик қиладиган одам бўлиб чиқмайдими ишқилиб? Менинг ягона хавфсирайдиган жойим ана шу.

Аббат Пирар Жюльеннинг ғоят ҳалол йигит эканлигини айтиб, бу хусусда унинг кўнглини тинчитгач, маркиз ҳам ёнидан минг франклик пул чиқарди.

— Мана буни йўл харажати учун Жюльен Сорелга юборинг, у менинг олдимга келсин.

— Фақат Парижда яшаш одатингиз туфайлигина, жаноб маркиз, бизнинг аҳволимизни шундай деб ўйламолингиз мумкин. Сизнинг мавқеингиз шу қадар юксакки, биз бечора провинциаллар, айниқса пезуитлар билан дўстлашмаган руҳонийларнинг қандай зулм остида яшашини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Улар Жюльен Сорелга жавоб беришмайди ва менга, у касал ётибди, хатингиз почтада йўқолди ва ҳоказо шунга ўхшаш баҳоналарни рўқач қилиб қутулиб кетишади.

— Бўлмасам, бир-икки кундан кейин министрдан епископга хат ёздириб оламан, — деди маркиз.

— Сизни огоҳлантиришим лозим бўлган бир нарсани унутибман, — деди аббат. — Гарчи ўзи паст табақадан чиққан бўлса-да, у жуда мағрур йигит, агар унинг иззат-нафсига теккудек бўлсангиз, ишингизга мутлақо нафи тегмаслиги мумкин, бу билан сиз уни фақат бефаҳм қилиб қўясиз.

— Бу гап менга ёқади, — деди маркиз, — мен уни ўғлимга ўртоқ қилиб қўяман. Қалай, етарлими шу?

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Жюльен нотаниш қўл билан ёзилган бир мактуб олди, конвертга Шалон шаҳрининг штемпели босилган ва хатга безансонлик бир савдогарнинг номига ёзилган чек илова қилинган эди. Хатга нотаниш одамнинг имзоси чекилган эди-ю, лекин Жюльен уни очиб кўргач, юраги орзиқиб кетди: саҳифанинг ўртасидаги ўн учинчи сўз устига сиёҳ томизилиб, катта доғ туширилганди — бу улар аббат Пирар иккови келишиб олган шартли белги эди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас, Жюльенни епископ саройига чақиртиришди. У ерда уни оталарча меҳрибонлик билан қабул қилишди. Тинмай Горацийни ёд ўқир экан, ҳазрати бузрук жуда назокатли сўзлар айтиб, Жюльенни Парижда кутаётган ажойиб истиқбол билан табриклади. Епископ, чамаси, бунинг учун миннатдорчилик тариқасида баъзи бир изохотларни эшитмоқчи эди. Бироқ Жюльен аввало ўзи ҳам ҳеч нарсадан хабари бўлмагани учун унга ҳеч нима айта олмадики, бундан ҳазратнинг унга бўлган ҳурмати гоёт ошиб кетди. Епископ саройининг амалдор руҳонийларидан бири мэрнинг номига хат ёзиб юборган эди, жаноб мэрнинг шахсан ўзи кўп вақт ўтмай имзо чекилган сафар гувоҳномасини келтириб берди. Гувоҳномада сайёҳнинг исми шарифи учун очик жой қолдирилган эди.

Кечаси соат ўн иккига яқин Жюльен дўсти Фукенинг уйига кириб борди. Фуке, соғлом фикр юритиши туфайли, дўсти олдида пайдо бўлаётган истиқболдан хурсанд бўлиш ўрнига кўпроқ таажжубга тушди.

— Бу ишларнинг бари сенинг давлат идорасида бирор мансабни эгаллашинг билан тугайди,— деди либералларнинг бу тарафдори,— оқибатда бир кун эмас-бир кун биронта шундай иш қиласанки, бу ишнинг учун газеталар сени бадном қилишади. Мени айтди дерсан, у ерда шарманда бўласан. Сўзларим ёдингда бўлсин, ҳатто соф молиявий нуқтан назардан ҳам, тахта билан ҳалол савдо қилиб юз луидор топиш ва ўзинг хўжайини бўлиб юриш, ҳукуматдан, гарчи унга Сулаймон пайгамбар бошчилик қилган тақдирда ҳам, тўрт минг франк маош олгандан кўра минг чандон афзалроқ.

Бироқ Жюльен бу мулоҳазаларни қишлоқи бойнинг бемаъни калтабинлиги деб тушунди. Ниҳоят, унинг учун буюк воқеалар саҳнасига чиқиш фурсати келди ахир. У маънови чексиз ишончнинг камроғу, кенг имкониятларнинг кўпроқ бўлишини истарди. Унинг дилида ҳозир очлик ваҳимасидан асар ҳам йўқ эди. Назарида жуда зукко, ўлгудай айёр ва мунофиқ, лекин Безансон ёки Агда епископлари каби ниҳоятда назокатли одамлар бўлиб-тошиб ётган Париждек шаҳри азимга бориб қолиш бахти Жюльен учун ҳозир барча бўлак нарсалардан устун эди. У дўстига бу ўринда ўз ихтиёрим билан иш тутмай, балки аббат Цирарнинг амрига итоат этилман, дея жавоб қилди.

Эртаси куни пешинга яқин йигит ўзини дунёда энг бахтиёр одам деб ҳис этганича Веррьерга кириб келди: у де Реналь хоним билан учрашиш умидида эди. Лекин аввало у биринчи ҳомийси, кекса аббат Шеланни зиёрат

қилишга борди. Қария унинг қовоғини солиб қарши олди. — Узингизни мендан хил бўлса-да, миннатдор деб ҳисоблайсизми? — деди Жюльенга аббат Шелан, ҳатто унинг саломига ҳам алик олмай. — Ҳозир мен билан ўтириб нопушта қиласиз, бу вақт ичда сизга бошқа от топиб келишди, сўнгра сиз *ҳеч ким билан учрашмай* Веррьердан жўнаб кетасиз.

— Эшитмоқ — демак, итоат этмоқ, — дея жавоб қилди Жюльен семинаристларга хос ғамгин бир қиёфада. Шундан сўнг улар фақат улуҳият ва лотин тили ҳақидагина гаплашиб ўтиришди.

Жюльен отни миниб, тўрт-беш чақирим юргач, ўрмон четига етиб борди, уёқ-буёққа алаңлаб теварак-атрофда биронта тирик жон йўқлигига ишонч ҳосил қилди-да, ўрмон ичига кириб кетди. Кунботарда у биринчи дуч келган ҳовлидаги аллақайси дехқондан отни Веррьерга бериб юборди ва бир оздан сўнг қандайдир узумзорга кириб, хўжайинидан нарвонини унга сотишни илтимос қилди. Узумзор эгаси нарвонини сотибгина қолмай, уни Веррьердаги Садоқат хиёбони тепасидаги дарахтзорга қадар элтиб беришга ҳам рози бўлди.

— Биз бир бечорамиз, сиз қочоқ рекрут... ёки контрабандист бўлсангиз керак-да, — деди ўша дехқон Жюльен билан хайрлашар экан. — Ҳай, майли, менинг нима ишим бор! Нарвон учун яхшигина ҳақ тўладингиз, хасислик қилмадингиз. Ўзимнинг ҳаётимда ҳам соатларга татийдиган дақиқалар кўп бўлган, ахир.

Тун қоп-қоронғи эди. Соат бирларга яқин Жюльен елкасида нарвон билан Веррьерга кириб келди. У тўғри жапон де Ренальнинг ажойиб боғини кесиб ўтадиган анҳор бўйига тушиб борди. Анҳор баландлиги бир ярим одам бўйи келадиган икки девор орасидан оқарди. Жюльен нарвонини тираб деворга осонгина чиқиб олди. «Соқчи итлар менни қандай қарши олишаркин? — дея ўйлади у. — Ҳаммаси ана шунга боғлиқ». Итлар вовиллашганича унга ташлашилган эди. Жюльен аста ҳуштак чалиб қўйди. Шундан сўнг улар йигитнинг оёғига суйкалиб, унга эркалана бошланди.

Ҳарчи баланд темир панжаранинг барча эшиклари қулфлаб қўйилган бўлса-да, у бирин-кетин поғонадан поғонага чиқиб, ниҳоят, сира қийналмай де Реналь хоним ётадиган хонанинг ердан уч метрча баландликда боққа қараган деразаси одига етиб борди.

Дераза қоиқасида Жюльенга яқин таниш бўлган юрак шаклидаги кичкина туйнук бор эди. Бахтга қарши бу

кичкина туйшукда бугун-тунги чироқ инуъласи кўришмасди.

«Ё парвардигор! — дея ўйлади у. — Бугун де Реналь хоним бошқа хонада ухлаётган экан-да! У қасрда ётиши мумкин? Бутун оила Веррьерда, акс ҳолда манови итлар бу ерда бўлмасди. Лекин мен бу қоронғи хонада жаноб де Ренальнинг ўзи ёки бошқа биронта бегона одамга дуч келиб қолсам борми, роса тавго кўтарилади-да ўзиям!»

Шу тобда энг ақлли чора — қайтиб кетиш эди, бироқ Жюльен буни хаёлига келтиришни ҳам истамасди. «Агар биронта бошқа одам бўлса нарвонинг ташлаб, қочиб кетавераман. Агар ўзи бўлса-чи, у мени қандай кутиб оларкин? У энди бор вужуди билан художўйликка берилиб, қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб юрибди, бунга сираям шубҳа қилмаса бўлади, лекин хат ёздими, демак, ҳар қалай мени ҳали унутмаган экан». Ана шу сўнгги мулоҳаза унга бир оз далда берди.

У юраги орқасига тортиб-турса ҳам, лекин ҳар қалай ё ҳалок бўлишга, ёки хоним билан учрашишга жазм этиб, дераза қопқасига тош ота бошлади, лекин жавоб бўлмади. У нарвонни деразанинг ёнига тиради-да, қўли билан қопқаси аввалига секингина, кейин эса қаттиқроқ тақиллатди. «Қанчалик қоронғи бўлмасин, — дея ўйлади Жюльен, — мени миллик билан отиб ташлашлари ҳеч гап эмас». Бу фикр унинг телбаларча ишени дарҳол мардлик синовига айлаштириб юборди.

«Ё бу хонада ҳеч ким ётган эмас, — дея ўйларди у, — ёки у ерда ётган одам энди уйғониб бўлди, демак, ишни чўзиб ўтирмаса ҳам бўлади, фақат товушимни эшиттирмасликка ва бошқа хонада ётган одамларни уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиш керак».

У пастга тушиб, нарвонни дераза қопқасининг шундоқ тагига қўйди-да, яна юқори кўтарилди ва қўлини юрак шаклидаги туйшукка тикиб пайпаслай бошлади. Бахти чошиб, у қопқанинг илғаги осиладиган симни топа қолди. Йигит уни силтаб тортди, шунда у қопқани бўлак ҳеч нарса ушлаб турмагани ва унинг очила бошлаганини кўриб беҳад қувониб кетди. «Уни секин очишим ва хонимга ўзимни тезроқ танитишга ҳаракат қилишим керак». У қопқани боши сиғадиган даражада очди-да, бир печа марта эшитилар-эшитилмас қилиб: «Бу мен, дўстингизман», дея такрорлади.

Бир оз қулоқ солиб тургач, у жимжит хонада тиқ этган товуш эшитилмаётганига ишонч ҳосил қилди. Чиндан ҳам камин устида лоақал липиллаб ёнаётган чироқ кўришмасди. Бу ҳол яхшиликдан дарак бермасди.

«Ишқилиб ўқ узиб қолишмаса бўлгани!» У бир оз ўйланиб турди-да, сўнгра деразани аста чертди; ҳеч ким жавоб қилмади, у деразани қаттиқроқ тақиллатди: «Ойнани сиңдирсам сиңдираманки, лекин ишни охирига етказаман». Жюльен энди деразани анча қаттиқ тақиллата бошлаган ҳам эдики, унинг кўзи дафъатан хонадаги зулмат ичидан қандайдир оқ шарпани иллагандек туюлди. Ниҳоят, ортиқ шубҳа қолмади: у ўша шарпани аниқ кўрди, шарпа ниҳоятда секин юриб, у томон яқинлашиб келаётгандек эди. Бирдан у нақ ўзининг олдида деразага ёпишиб турган ёноқларни кўрди.

У аъзойи бадани қалтираб, ўзини хиёл орқага ташлади. Бироқ теварак-атроф шу қадар зимистон эдики, у ҳатто шундай яқин масофадан туриб ҳам бу шарпанинг де Реналь хонимни ёки бошқа одам эканлигини аниқлай олмади. Йигит, хоним кўрқувдан қичқириб юбормаса эди, дея чўчиди, бир неча дақиқадан буён итлар ириллашганича унинг нарвони атрофида айланишмоқда эди.

— Бу мен,— дея такрорлади у анча баланд овоз билан,— дўстингизман.

Ҳеч қандай жавоб эшитилмади, оқиш шарпа ғойиб бўлганди.

— Ўтинаман, деразани очинг, сизга айтадиган гапим бор, мен жуда бахтсизман! — шундай дея у, худди ойнани уриб сиңдирмоқчи бўлаётгандек, деразани борган сайин қаттиқроқ тақиллата бошлади.

Қисқагина шиқирлаган товуш эшитилди, илгак кўтариб қўйилди, у ромни очди-да, аста сакраб хонага тушди.

Оқиш шарпа ундан узоқлашмоқда эди. Жюльен унинг елкасидан тутди; бу аёл киши эди. Жюльеннинг бутун жасорати бир зумда ғойиб бўлди қўйди. Агар бу аёл ўша бўлса — у нима деркин? Аёлнинг охишта қичқириб юборганини эшитиб, унинг де Реналь хоним эканлигини тушунгач, Жюльеннинг ҳоли не кечганини билсангиз эди!

У хонимни бағрига босди; аёл дағ-дағ титрамоқда эди, у Жюльенни кўксидан итариб юборишга аранг мажоли етди.

— Бадбахт! Бу нима қилганингиз ахир?

Хоним энтикиб турганидан бу сўзларни аранг айтди. Жюльен аёлнинг товушидан жуда самимий бир ғазаб ҳис этди.

— Ахир ўн тўрт ойлик ҳижрондан сўнг келдим олдингизга.

— Кетинг бу ердан. Дарҳол кетинг, деяпман. Ах, жапоб Шелан! Нега унга хат ёзишим учун ижозат этмадингиз? Мен бу даҳшатга йўл қўймаган бўлардим. — Аёл уни ғай-

ритабий бир куч билан итариб юборди. — Мен ўз жиноятимдан қаттиқ ўқиняман: нарвардигор менга раҳм қилиб, кўзимни очди, — дея такрорлади у эптикиб. — Кетинг бу ердан! Хозироқ кетинг!

— Ун тўрт ой давомида тинимсиз азоб-уқубат чекканимдан сўнг, мен сиз билан гаплашмай туриб бу ердан кетмайман, албатта. Шу пайт ичида сизнинг нима ишлар қилганингизни билишни истайман. Оҳ! Сизни нақадар севардим-а! Наҳот мутлақо ишончингизга лойиқ бўлмасам... мен бор гапни билишни истайман.

Де Реналь хоним қанчалар қаршилик кўрсатмасин, унинг қалби бу ҳукмрон товушга фармонбардор эди.

Шу дақиқага қадар уни қучоғидан чиқармай, эҳтирос билан бағрига босиб турган Жюльен энди хонимни кўйиб юборди. Бундан де Реналь хонимнинг бир оз кўпгли тинчигандек бўлди.

— Нарвоини бу ёққа олиб кўяман, — деди Жюльен, — бўлмаса бизни сезиб қолишлари мумкин. Худо кўрсатмасин, хизматкорлардан биронтаси уйғониб қолиб, уй атрофини айланиб чиқини ҳам ҳеч гап эмас.

— Аҳ, йўқ! Сизга кетинг, деяман ахир! — дея такрорлади аёл чин кўнгилдан газабланиб. — Одамлар билан нима ишим бор? Лекин сиз мени чидашга мажбур этаётган бу жирканч манзарани тангри кўриб турибди, бунинг учун у мени жазолагай. Бир вақтлар қалбимда сизга нисбатан туйган ҳис-туйғулардан разиллик билан фойдаланяпсиз, аммо ўша туйғулар йўқ энди. Эшитяпсизми, жаноб Жюльен?

Йигит шовқин солмаслик учун нарвоини эҳтиёткорлик билан секингина тортиб олмоқда эди.

— Эринг шаҳардами? — дея сўради у хонимга тегажаклик қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмай, шунчаки эски одати бўйича.

— Худо хайрингизни берсин, мен билан бундай гаплашманг, бўлмасам ҳозир эримни чақираман. Юз-хотир қилиб ўтирмай, сизни дарҳол ҳайдаб чиқармаганим учун ҳам гуноҳга ботяпман. Сизга шунчаки раҳмим келди, — дея кўшимча қилди у йигитнинг шаънига тегишга ҳаракат қилиб. Хоним Жюльеннинг сиркаси сув кўтармаслигини яхши биларди.

Хоним у билан «сенсраб» гаплашишдан бош тортаётгани, Жюльен шу найтга қадар қаттиқ инониб келган севги ришталарини узинга қатъиян аҳд қилгани йигитнинг қалбига жўн ураётган эҳтиросни жунбишга келтирди.

— Ниҳотки! Наҳот шундай бўлса, сиз чиндан ҳам мени ортиқ севмайсизми? — деди у гўё қалбининг қаъри-

дан чиқаётгандек таъсирчан бир товуш билан — унинг бу сўзларини лоқайд эшитиш жуда қийин эди.

Аёл жавоб қилмади, шунда у бирдан йнглаб юборди. Чиндан ҳам унинг ортиқ гапиришга мажоли қолмаган эди.

— Шундай қилиб, демак, бу ёруғ дунёда мени севган танҳо бир одам ҳам мени бутунлай унутибди! У ҳолда яшаб нима қилдим! — Бу ерда энди эркак киши билан учрашиб қолиш хавфи йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, унинг қалбидаги жасоратдан асар ҳам қолмади; дилида муҳаббатдан бўлак барча туйғулар гойиб бўлганди.

У сукунат ичра узоқ йнглади; хоним индамай унинг ноласига қулоқ солиб турарди. Жюльен аёлининг кўлидан тутди, хоним кўлини тортиб олмоқчи бўлди-ю, лекин ҳар қалай, бир печа силтаншдан сўнг кўли йигитнинг кафтида жимиб қолди. Хона қоп-қоронғи эди, улар де Реналь хонимнинг тўшагида ёнма-ён ўтиришарди.

«Бу учрашув илгариги висол дамларига сираям ўхшамайди-я! — дея ўйлади Жюльен, кўзларидан тирқираб ёш чиқар экан. — Демак, ҳижрон инсоннинг барча туйғуларини ўлдиради, деган гап рост экан-да! Йўқ, яхшиси кетганим маъқул!»

— Утинаман, айтинг, сизга нима бўлди ўзи? — деди ниҳоят хонимнинг миқ этмай ўтиришидан юраги эзилиб кетган Жюльен йнгидап энтикиб.

— Сиз жўнаб кетган пайтингизда, турган гап, менинг қилмишим бутун шаҳарга маълум бўлган экан, — дея жавоб қилди де Реналь хоним қуруққина бир оҳангда, Жюльен унинг товушида қандайдир кескин бир таъна эшитгандек бўлди. — Сиз ҳар қадамда эҳтиётсизликка йўл қўйган эдингиз, кейин эса, орадан бир қанча вақт ўтгач, олдимга муҳтарам жаноб Шелан келди. У мени гуноҳимга иқроқ қилмоқчи бўлиб узоқ овора бўлди. Ниҳоят бир куни у мени Дижонга, ўзим биринчи маротаба ибодат қилган черковга олиб борди. Уша ерда у ўзи биринчи бўлиб гап очди... — кўз ёшлари де Реналь хонимнинг сўзлашига халал бермоқда эди. — Ё раббим, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим ўшанда! Мен унга барча гуноҳларимни сўзлаб бердим. Меҳрибон аббатнинг менга раҳми келди, у менга қаҳрини сочмади, аксинча, мен билан бирга ҳасрат чекди. Уша кезлари мен сизга ҳар куни хат ёзардим, лекин уларни жўнатишга журъат этмасдим; мен уларни яшириб қўярдим ва тоқатим тоқ бўлган пайтларда хонамни ичидан қулфлаб олиб, бу хатларни қайта-қайта ўқирдим.

Нихоят, жаноб Шелан мейдан ўша хатларни талаб қилиб олди. Улардан андишадирок қилиб ёзилганлари сизга жўнатилди. Сиз эсангиз менга бирон марта ҳам жавоб қилмадингиз.

— Онт ичмаи, семинарияда сендан битта ҳам хат олганим йўқ.

— Ё парвардигор! Ким ушлаб қолиши мумкин уларни!

— Ўзинг ўйлаб кўр энди, менинг нақадар бахтсиз бўлганимни: соборда кўргунимга қадар, ҳатто сенинг ҳаёт ёки ҳаёт эмаслигини ҳам билмасдим.

— Тангри менга раҳм қилди, — дея давом этди де Реналь хоним. — У ўзининг олдиди, болаларим, эрим олдиди нақадар гуноҳга ботганимни ўқилимга солди. Эрим мени ҳеч қачон севган эмас, ҳали сиз мени севган пайтларингизда менинг қандай ҳаёлларга борганимни билсангиз эди!..

Жюльен туйғулари жўш уриб кетганидан ўзини йўқотиб, унинг кўксига талпинди. Бироқ де Реналь хоним уни итариб ташлади ва анча кескин овоз билан сўзида давом этди:

— Муҳтарам дўстим, жаноб Шелан менга, жаноб де Реналга турмушга чиқибманми, демак, барча ҳис-туйғуларимни унга бағишламоғим лозимлигини тушунтирди. Ҳатто мавжудлигидан мутлақо беҳабар бўлган ва ўша машъум алоқага қадар сира ҳис этмаган туйғуларим ҳам унга қаратилмоғи керак экан. Ўзим учун жуда азиз бўлган ўша хатларимдан жудо бўлиб, буюк қурбонлик келтирганимдан сўнг, ҳаётим жуда бахтиёр бўлмаса-да, бирмунча осойишта кеча бошлади. Шунинг учун ҳам менинг тинчимни бузманг, менга дўст... энг азиз дўстим бўлиб қолинг. — Жюльен унинг кўлини ўпа бошлади, хоним унинг ҳамон йиғлаётганини ҳис этмоқда эди. — Йиғламанг, юрагимни ўртаинсиз ахир... Йиғламанг, энди ўзингиз нима ишлар қилганингизни гапириб беринг. — Жюльенинг гапиришга мажоли етмасди. — Сизнинг семинарияда қандай яшаганингизни билмоқчиман, — такрорлади хоним, — кейин бу ердан чиқиб кетасиз.

Пималарни гапирётганини ўйлаб ўтирмай Жюльен бошида дуч келган фитналар, турли хийла-найранглар тўғрисида ҳикоя қилди, сўнгра, уни репетитор қилиб тайинлашгач, ҳаёти бирмунча осойиштарок кеча бошлаганини гапириб берди.

— Худди ана шу пайт, — дея қўшимча қилди у, — ҳозир яққол кўриб турганим: сиз мени севмай кўйганингиз, менинг сизга мутлақо бефарқ бўлиб қолганим ҳақида да-

лолат берувчи узоқ сукутингиздан сўнг... (де Реналь хоним унинг кўлини қисди)... менга ўша беш юз франк пулни юбордингиз.

— Сизга ҳеч қачон пул юборган эмасман! — деди де Реналь хоним.

— Ўша хатга Париж штемпели урилган эди ва шубҳадан холи бўлмоқ учун «Поль Сорель» деб имзо чекилганди.

Улар бу пулни ким юбориши мумкинлиги тўғрисида турли тахминлар қила бошлашди. Вазият бирмунча ўзгарди. Де Реналь хоним билан Жюльен ўзлари ҳам сезмаган ҳолда кўтаринки руҳдаги гаплардан самимий ва дўстона суҳбатга ўтишди. Хона ичи қоп-қоронги бўлганидан улар бир-бирларини кўрмасалар-да, бироқ товушларининг оҳангидан дилларидаги бор гапни сезиб туришарди. Жюльен аста хонимнинг белидан қучди; бу қалтис ҳаракат эди, албатта. Аёл унинг кўлини четлатмоқчи бўлди-ю, бироқ Жюльен ўз ҳикоясининг қандайдир қизиқ бир тафсилоти билан унинг диққатини чалғитди. Қўл ҳақида гўё унутгандек бўлишди ва у хонимнинг белидан қучганича қолаверди.

Ўша беш юз франк илова қилинган хат тўғрисидаги турли-туман тахминлардан сўнг Жюльен яна бошидан кечирганларини ҳикоя қила бошлади; Жюльен ҳозир бошидан кечираётган воқеа олдида ўзи учун мутлақо аҳамиятсиз бўлиб қолган семинаридаги ҳаётини ҳикоя қилар экан, аста-секин ўзини босиб олмоқда эди. Энди унинг бутун фикр-ёди бу учрашувнинг нима билан тугашида эди. «Сиз кетишингиз керак», дея минут сайин энтикиб такрорларди унга хоним.

«Агар мени қувиб юборишса, қандай шармандалик бўлади, — дея ўйларди Жюльен. — Ўла-ўлгунча виждон азобидан қийналиб юраман, у энди ҳеч қачон менга хат ёзмайди, кейин худо билсин, бу ўлкага яна қайтиб келиш насиб қиладими, йўқми». Шу дақиқадан бошлаб Жюльен қалбида бу яқинлик нашъасидан ном-нишон қолмади. У бир вақтлар ниҳоятда бахтли бўлган бу хонада жонидан ортиқ севадиган аёлни деярли қучоқлаб ўтирарди. Жюльен бу зимистон қоронғиликда унинг йиғлаётганини ҳис этиб, сийнасининг кўтарилиб тушишидан унинг фарёд қилишдан ўзини арабг тутиб турганига ишонч ҳосил қилар экан, бахтга қарши, совуққон сиёсатчига айлалиб қолди. У бир вақтлар семинария ҳовлисида, кучлироқ ўртоқларидан биронтаси унга қарши бирор ифлослик қилмоқчи бўлганини пайқаган кезлари ана шундай совуққон ва тадбиркор

бўлиб қоларди. Жюльен Веррьерни тарк этганидан буён кечирган уқубатли ҳаётини тасвирлар экап, ҳикоясини атайлаб чўзмоқда эди. «Демак, у, — дерди ўзига-ўзи де Реналь хоним, — бутун бир йиллик айрилиқдан сўнг, ҳатто уни эслаш ёки эсламасликларини билмай туриб ҳам тақдир унга Вержида туҳфа этган ўша бахтли кунлар хотираси билангина яшабди. Мен эса бу ерда уни бутунлай унутиб юборишга ҳаракат қилдим». Хоним ҳўнграб йиғлай бошлади. Жюльен ҳикояси таъсир қилаётганини сезди. Йигит сўнгги марта уриниб кўришга аҳд қилди: у дарҳол Париждан олган хати тўғрисида сўз очди.

— Шундай қилиб, ҳазрати бузрук билан умрбод хайр-лашдим.

— Бу нима деганингиз? Нима, сиз энди Безансонга бошқа қайтиб бормайсизми? Бизни умрбод тарк этияписизми?

— Ҳа, — дея жавоб қилди Жюльен қатъий оҳангда, — ҳа, ҳатто умрим бино бўлиб ҳаммадан кўпроқ севган одамим ҳам мени унутган бу ўлкани тарк этияпман, бу ерга энди ҳеч қачон қайтиб келмасам керак. Мен Парижга жўнаяпман...

— Сен Парижга жўнаяписанми?! — дея баланд овоз билан хитоб қилди де Реналь хоним.

Йиғидан бутунлай энтикиб қолган аёл энди дилидаги изтиробни яширмай қўйган эди. Жюльен ҳам худди ана шуни кутиб турган эди: йигит энди шу пайтгача, ҳамма ишни бузиб қўймаса эди, деб қўрқиб турган сўнгги чорани қўллашга жазм этди. Хонимнинг шу хитобига қадар қоронғида ҳеч нимани кўрмай ўтирган Жюльен бунинг оқибати нима бўлишини мутлақо тасаввур қила олмасди. Энди у ортиқ иккиланмай қўйди: кейин унинг бутун ҳаётини заҳарлаши мумкин бўлган виждон азоби олдидаги қўрқувдан бутунлай ўзини тутиб олди; у ўрнидан туриб, совуқ оҳангда деди:

— Шундай, хоним, сизни умрбод тарк этияпман, бахтли бўлинг, хайр.

У дераза томон бир неча қадам юрди ва ромнинг тутқичидан ушлаб, уни қия очди. Шунда де Реналь хоним юғуриб унинг олдига борди-ю, бошини Жюльеннинг елкасига қўйди, йигит хоним уни бағрига босаётганини, юзини юзига суйкаётганини сезди.

Ана шу йўсинда, уч соатлик суҳбатдан сўнг, Жюльен аввалги икки соат давомида муштоқлик билан орзу қилган ниятига эришди. Агар бу воқеа ҳиёл олдинроқ содир бўлганда, аввалги муҳаббатининг уйғониши ва де Реналь хоним пушаймонининг сўниши унга фавқулодда бир роҳат ба-

гишлаган бўларди, бироқ шунча урнишларидан сўнг мурод ҳосил бўлиши энди унга фақат лаззат бағишлади холос. Жюльен маъшуқасининг барча эътирозларига қарамай, чироқ ёқмоқчи бўлди.

— Наҳотки, — дерди у хонимга, — сени кўрганимни ҳатто эслаб юришимни ҳам истамасанг? Манови шахло кўзларда порлаб турган муҳаббат-чи, ахир уни кўришдан маҳрум бўляпман! Мана бу оппоқ қўлларни ҳам кўрмай кетавераманми? Ўйлаб кўр, сени тарк этипман, энди узоқ вақт кўришмаймиз!

«Қандай шармандалик!» — дерди ўзига-ўзи де Реналь хоним, бироқ у энди Жюльеннинг биронта ҳам гапини қайтаролмасди: йигит унга умрбод жудалик ҳақида эслатиши билан унинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошларди. Фира-шира тонг отиб, шарқий Веррьер тоғларидаги арчалар қорайиб кўрина бошлади. Бироқ севгисидан мутлақо маст бўлган Жюльен дарҳол қочиб қолиш ўрнига, де Реналь хонимдан куни унинг хонасида яшириниб ўтказиш ва бу ердан фақат эртага тунда чиқиб кетишга ижозат этишни илтимос қилишга тушди.

— Нега энди ижозат этмас эканман? — дея жавоб қилди хоним. — Иккинчи марта тамомила гуноҳга ботганимдан сўнг ўзимни мутлақо ҳурмат қилмай қўйдим, чамаси, энди умрим ҳасратда ўтса керак, — шундай дея у оташин эҳтирос билан Жюльенни бағрига босди. — Эрим энди илгаридек эмас: жуда ҳадиксираб қолган, пазарида мен уни алдаганман, шунинг учун мендан жаҳли чиқиб юрибди. Агар сал шивирини эшитса, мени тамом бўлди деявер, мени ярамас махлуқдай уйдан қувиб чиқаради, аслида ҳам ўзи шундайман.

— Аҳ! Мана, жаноб Шеланнинг панд-насиҳатлари, — деди Жюльен. — Уша лаънати семинарияга кетишимдан аввал сен мен билан бундай гаплашмаган бўлардинг. Ушанда ҳали мени севардинг!

Жюльен бу сўзларни жуда совуққонлик билан айтгани учун дарҳол мукофотга сазовор бўлди: у маъшуқасининг шу заҳоти эридан кўрқинини унутиб, бошқа анча даҳшатлироқ хатардан — ошиги унинг севгисига шубҳалана бошлашидан чўчиб қолганини кўрди. Ҳаш-паш дегунча тонг отди-ю, хона ичи ёришиб кетди: ниятига етган Жюльен керилиб, ўз ҳаётида севган бу тапхо аёлни, бу гўзал хонимнинг кучоғида, дейрли оёғида ётганидан хузур қилмоқда эди. Ҳолбуки бундан атиги бир неча соат аввал бу хоним фақат яратган худонинг қаҳридан кўрқар ва бутун вужуди билан ўз бурчига содиқ эди. Бутун бир йил да-

вомида тишини-тишига қўйиб, чидаб келган аёлниң иродаси унинг дадил ҳамласига дош бера олмади.

Бир оздан сўнг уйда гивир-гивир ҳаракат бошланди: шундан сўнг де Реналь хоним ўзи мутлақо унутган бир нарсани эслаб, жуда кўрқиб кетди.

— Апави заҳар Элиза хонани йиғиштиргани келиб қолиши мумкин... Майови баҳайбат нарвонни шима қиламиз? — деди у севгилсига қараб. — Уни қаерга яширсак экан? — Ах, топдим, мен уни чордоққа олиб чиқиб қўяман, — дея хитоб қилди у қувониб.

— Мен сени худди шу ҳолда эслардим, энди ўзингга ўхшаяпсан, — деди завқ билан Жюльен. — Бироқ сен малай ухлайдиган хонадан ўтишинг керак-ку?

— Нарвонни коридорга қўяман-да, малайни чақириб, бирон ёққа жўнатиб юбораман.

— Коридордап ўтиб кетаётганида нарвонни кўриб қолгудек бўлса, уни айтиш учун бирор баҳона топиб қўйсанг бўларди.

— Бўлмасам-чи, жонгинам! — дея жавоб қилди де Реналь хоним уни ўпар экан. — Агар мен йўғимда, худо кўрсатмасин, Элиза келиб қолгудек бўлса, дарров каравот тагига яширин.

Кутилмаган бу қувноқликни кўриб Жюльен қаттиқ ҳайратга тушди: «Демак, чинакам хавф-хатарга дучор бўлганида, — дея ўйлади йигит, — кўрқиш у ёқда турсин ҳатто аксинча, қувониб ҳам кетаркан, чунки шунда у барча виждон азобларини унутади. Чинакамига тенги йўқ аёлда ўзиям! Унинг севгисига сазовор бўлганим учун ҳар қанча фахрлансам арзийди!» Жюльеннинг қалби завққа тўла эди. Де Реналь хоним нарвонни аста кўтариб кўрди: нарвон унинг учун анчагина оғирлик қилиши яққол сезилиб турарди. Жюльен ёрдам бермоқ учун маъшуқаси ёнига келди-да, унинг нимжонгида кўринган хипча қома тига завқ билан тикилиб қолди. Шу пайт де Реналь хоним нарвонни ҳеч кимнинг ёрдамисиз шартга кўтарди ва гўё енгил стулдек, уни осонгина йўлакка олиб чиқди. Аёл зинапоядан тез-тез юриб, учинчи қаватнинг коридорига кўтарилди-да, нарвонни ётқизиб, деворга тираб қўйди. Сўнгра у малайни чақирди ва кийиниб олиши учун унга фурсат бермоқ ниятида юқорига, каптархонага чиқиб кетди. Хоним беш минутлардан сўнг коридорга қайтиб тушганида, нарвон у ердан ғойиб бўлганди. Уни ким олиб кетдийкин? Агар уйда Жюльен бўлмаганида аёл бундан сира ҳам ташвиш қилмаган бўларди. Аммо ҳозир ўша нарвонни эри кўриб қолса борми? Бунинг оқибатини ўй-

лашининг ўзи даҳшат! Де Реналь хоним жон ҳолатда уни бутун уй бўйлаб қидира бошлади. Ниҳоят, у нарвонни шундоққина томининг тагидан топди. Нарвонни у ерга ҳалиги малай олиб чиққан ва ҳатто, чамаси, яшириб қўйган бўлса керак. Бу жуда галати воқеа бўлдики, бошқа пайтда хоним, шубҳасиз, кўрқиб кетган бўларди.

«Йигирма тўрт соатдан сўнг, — дея ўйлади аёл, — Жюльен бу ердан чиқиб кетгач, нима бўлиши менга бари бир эмасми? Ўшанда мен учун бутун борлиқ даҳшатли гурбат ва ўқинчга айланмайдими ахир!»

Хонимнинг миясидан бу мен учун ўлим билан баробар, деган фикр лии этиб ўтди — ах, ҳаммаси бари бир эмасми! Шундай хижрондан сўнг, — ўзи ахир, севиклимдан умрбод ажралдим, деб ўйлаган эди-ку, маана, тақдир экан; Жюльен билан яна дийдор кўришди, улар яна бирга бўлдилар, унинг висолига етмоқ учун қандай тўсиқларни енгиб келмади дейсиз, бу эса унинг ўз маъшуқасини қаттиқ севишидан далолат бериб турибди!

У Жюльенга нарвон воқеасини ҳикоя қилиб берди.

— Агар ўша малай нарвон топиб олганини айтиб берса, эримга нима деб жавоб қиламан? — Шундай дея у бир дақиқа ўйланиб турди. — Сенга нарвон сотган ўша деҳқонни қидириб топмоқлари учун уларга камида йигирма тўрт соат вақт керак бўлади... — шундан сўнг у Жюльеннинг қучоғига отилиб, уни талваса ичра бағрига босганича: — Аҳ! Қани энди, қани энди шундай қучоғингда ўлсам! — дея хитоб қилди ва бутун жисми билан унга ёпишиб, лабларидан, юз-кўзидан ўпа бошлади. — Лекин ҳар қалай, сенинг очликдан ўлишингни истамайман, — деди у сўнгра қулиб.

— Юр, мен сени Дервиль хонимнинг хонасига яшириб қўяман, бу хона доим қулфлоқ туради. — Хоним коридорнинг бошига бориб соқчилик қилиб турди, Жюльен эса югурганча қўшни хонага ўтиб олди. — Эҳтиёт бўл, агар тақиллатиб қолишса, эшикни очиб юрма тагин, — деди аёл унинг устидан қулфлар экан, — ҳа, айтмоқчи, эшикни болалардан бошқа ҳеч ким тақиллатмайди; улар бу ерга кириб, бирор ўйин ўйнамоқчи бўлиб қолишлари мумкин.

— Сен болаларни боққа, дераза тагига олиб чиқ, уларни кўргим келяпти. Кейин ўзаро гаплашишин ҳам.

— Ҳа! Ҳа! Албатта, — дея қичқирди аёл эшик олди-дан нари кетар экан.

У тезда апельсин, бисквит ва бир шиша май кўтариб қайтди, пон ўмаришни эса удалай олмабди.

— Эринг нима иш қилипти? — дея сўради Жюльен.

— Езув-чизув билан банд, деҳқонлар билан қандайдир олди-сотдиси бор экан.

Аммо соат саккиз бўлгани ҳақида занг чалинди-ю, уйда одатдаги югур-югур бошланди: агар де Реналь хоним чиқиб, уйдагиларга кўриниш бермаса, уни ҳамма ёқда излай бошлашлари турган гап эди, у Жюльенни тарк этишга мажбур бўлди. Бироқ тез орада у ҳар қандай эҳтиёт-корликни йиғиштириб қўйиб, йигитга бир чашка қахва олиб келди: у фақат бир нарсадан, Жюльеннинг оч қолиб ўлишидан кўрқарди. Понуштадан сўнг у болаларни Дервиль хонимнинг деразаси тагига олиб келишга муваффақ бўлди. Жюльен болалар жуда улғайиб қолишганини кўрди, лекин, улар, йигитнинг назарида, анча дағаллашиб кетишганди, ёки эҳтимол, унинг ўзи ўзгариб кетгандир. Де Реналь хоним болаларга Жюльен ҳақида сўз очди. Болаларнинг каттаси ўз устозини анча меҳри товланиб эслади ва унинг қетиб қолганидан афсусланди, бироқ икки кичик ўғил, маълум бўлишича, уни деярли унутиб қўйишган экан.

Жаноб де Реналь бу эрта уйдан ҳеч қаёққа чиқмади: у деҳқонларга картошка сотиш битими билан банд бўлиб, тинмай зинапоядан юқори чиқиб, пастга тушар ва бутун уй бўйлаб изғиб юрарди. Пешинга қадар де Реналь хоним ўз асирини кўриб чиқиш учун бир дақиқа ҳам вақт топа олмади. Тушки овқатга занг чалиниб, ҳаммалари дастурхон атрофига ўтиришгач, хонимнинг хаёлига Жюльен учун бир тарелка иссиқ шўрва ўғирлаш фикри келиб қолди. Ана шунда, шўрва қуйилган тарелкани кўтариб йигит яширинган хона эшигига астагина яқинлашар экан, хоним дафъатан эрталаб нарвонни яшириб қўйган ўша малай билан юзма-юз келиб қолди. Малай ҳам худди бир нарсага қулоқ солаётгандек, коридордан аста писиб келмокда эди. Чамаси, Жюльен ўз хонасида эҳтиётсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юрган бўлса керак. Малай ўсал бўлиб нари кетди. Де Реналь хоним бамайлихотир Жюльеннинг олдига кирди. Унинг малай билан бундай дуч келиб қолганидан Жюльен жуда кўрқиб кетди.

— Сен кўрқяпсан, — деди хоним Жюльенга, — мен эса ҳозир ҳеч қандай хавф-хатардан гам емайман, кипригимниям қоқмайман. Мен фақат бир нарсадан — сен жўнаб кетгандан кейин ўзимнинг ёлғиз қолишимдан кўрқяпман, — шундай дея хоним хонадан югуриб чиқиб кетди.

— Эҳ! — дея хитоб қилди қойил қолган Жюльен. —

Бу ажойиб аёл фақат пушаймон ейиш азобидангина кўрқади!

Ниҳоят, кеч ҳам кирди. Жаноб де Реналь казинога жўнади.

Хотици боши қаттиқ огриётганини баҳона қилиб, хонасига кириб кетди; у шошилиб Элизага жавоб бериб юборди-да, оқсоч қиз чиқиб кетган заҳоти югуриб бориб, Жюльен қамалган хонанинг эшигини очди.

Жюльен чиндан ҳам очликдан ўлаётган экан. Де Реналь хоним унга нон олиб келиш учун идиш-товоқ сақланадиган хонага жўнади. Шу пайт Жюльен кимнингдир қаттиқ қичқирганини эшитиб қолди. Де Реналь хоним қайтиб келди ва қоронгида буфет олдига бориб, нон олмоқчи бўлганида кўли аёл кишининг елкасига тегиб кетганини айтиб берди. Маълум бўлишича, яширинган аёл Элиза экан, Жюльен ўшанинг қичқиригини эшитибди.

— Элиза у ерда нима қилаётган экан?

— Чамаси, конфет ўғирлаётган ёки бизни кузатаётган бўлса керак-да, — деди жавобан де Реналь хоним гоёт бепарволик билан. — Лекин, хайрият, паштет билан бутун бир буханка нон топиб келдим.

— Манави нима? — деди Жюльен хонимнинг пешбанди чўнтақларини кўрсатиб.

Де Реналь хоним тушки овқат пайтидаёқ чўнтақларини нонга тўлдириб олганини унутиб қўйган экан.

Жюльен уни қучоқлаб, бағрига босди: у йигитга илгари ҳеч қачон шу қадар гўзал бўлиб кўринмаганди. «Хатто Парижда ҳам, — дея хаёлидан ўтказди у, — бундай олижаноб аёлни сира учратмасам керак!» Хонимнинг хийла-найрангларга ўрганмаганлигидан далолат берувчи бу эпизлиги ҳақиқий матонат билан уйғунлашиб кетганди. Одатда бундай одамларнинг қалби фақат ўзга маънодагина даҳшатлироқ бўлган бошқа бир хавфдан ларзага келади.

Жюльен зўр иштаҳа билан овқатланмоқда эди, унинг маъшуқаси эса таомларнинг оддийлигидан кулиб ўтирарди, — у жиддий мавзуга кўчишдан чўчирди, — шу пайт дафъатан кимдир эшикни силтаб торта бошлади. Бу жаноб де Реналь эди.

— Нега эшикни қулфлаб олдинг? — дея қичқирарди у хотинига.

Жюльен аранг диван тагига кириб яширинишга улгурди.

— Бу қанақаси бўлди? Бутунлай ечинмабсиз, — деди жаноб де Реналь ичкари кирар экан. — Яна эшикни ичидан қулфлаб олиб, овқатланиб ўтирибсиз!

Бошқа пайтда эрларга хос кўрселик билан берилган бу савол де Реналь хонимни саросимага солган бўларди, бироқ ҳозир у эри хиёл эгилса, дарҳол Жюльенни кўриб қолишни мумкинлигини биларди, зеро жаноб де Реналь диваннынг қаршисига, ҳозиргина Жюльен ўтирган ўша стулга келиб жойлашган эди.

Бош оғриги ҳаммасига баҳона бўлди. Шундаг сўнг жаноб де Реналь хотинига казинодаги бильярдда бир партия ўйинни қандай қилиб ютиб олгани ҳақида барча тафсилотлари билан ҳикоя қила бошлади. «Ҳа, бир тасаввур қилгин-а, ўн тўққиз франклик партияни ютдим!» — дерди у. Шу пайт аёл дафъатан эридан уч қадам нарида турган стулда Жюльеннинг шляпасини кўриб қолди. У ўзини янада вазминроқ тутиб, бамайлихотир ечина бошлади-да, пайтини топиб туриб, эрининг орқасига ўтди ва кўйлагини шляпа турган стул устига ташлади.

Ниҳоят, жаноб де Реналь ўз хонасига чиқиб кетди. Хоним Жюльендан семинарияда қандай яшагани тўғрисида яна бир бор ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди.

— Кеча сўзларингга қулоқ солмаган эдим, сен гапирар эдинг, мен эса фақат қандай қилиб сени ҳайдаб юборишга юрак бетласам экан, дея ўйлардим.

Бугун у эҳтиёт бўлишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Улар барала суҳбатлашиб ўтиришарди. Кечаси соат иккиларда бўлса керак, кимнингдир эшикни бор кучи билан муштлаши бирдан уларнинг суҳбатини бўлиб қўйди. Бу яна жаноб де Реналь эди.

— Дарҳол очинг эшикни! Уйимизга ўғрилар киришибди! — дея қичқирарди у. — Сен-Жан бугун эрталаб уларнинг парвонини топиб олибди.

— Мана, ҳаммаси тамом бўлди, — дея хитоб қилди де Реналь хоним Жюльеннинг кучоғига отилар экан. — У икковимизни ҳам ўлдиради, у ўғрилар келганига ишонмайди. Мен эса сенинг кучоғингда ўламан, ўлганда ҳам жуда бахтиёр бўлиб ўламан, илгари ўзимни сира ҳам шу қадар бахтли ҳис этган эмасман.

У қутуриб эшикни муштлаётган эрига бир оғиз ҳам жавоб бермай, эҳтирос билан Жюльенни ўпмоқда эди.

— Сен онасан, Станиславни ўйла, — деди Жюльен аёлга нигоҳи билан буйруқ қилиб. — Мен пардозхонанинг деразасидан ҳовлига сакрайман ва боғ оралаб қочиб кетаман, итлар мени танишади. Имкони бўлган заҳоти кийимларимни тугиб, боққа ташла. Ҳозирча эшикни сиңдираверсин. Муҳими — ҳеч нарсаги бўйинингга олма, мен сенга

буни ман этаман. Шубҳаланса, шубҳаланаверсин, фақат аниқ билмаса бўлгани.

— Ахир йиқилиб ўласан-ку! — аёл айтган бутун гап ана шу бўлди. У ҳозир бошқа ҳеч ниманинг ташвишини қилмасди.

У Жюльен билан бирга пардозхона деразаси ёнига борди, сўнгра шошилмай унинг кийимларини яшириб қўйди. Ниҳоят, шундан кейингина бориб, ғазабдан қутураётган эрига эшикни очди. Жаноб де Реналь югуриб кириб хонани, сўнгра пардоз бўлмасини кўздан кечирди ва бир оғиз ҳам сўз айтмай, гойиб бўлди. Хоним Жюльеннинг кийимини пастга қараб отди, йигит тугунни илиб олди-да, Ду дарёси томон, боғнинг пастки поғонасига қараб югурди.

Бирдан унинг қулоғи остида ўқ визиллади ва шу заҳоти орқа томондан милтиқнинг варанглагани эшитилди.

«Бу жаноб де Реналнинг ўқ узиши эмас, — дея хаёлидан ўтказди йигит, — у милтиқни яхши отолмайди, бу бошқа одамнинг мўлжали». Итлар индамай унинг ёнида югуриб боришарди. Иккинчи ўқ итлардан бирининг оёғига тегди шекилли, бечора аянчли вапгиллаб қолди. Жюльен панжара устидан сакраб ўтди-да, девор бўйлаб эллик қадмча югургач, орқа томонга қараб чошиб кетди. У бир-бирига товуш бериб қичқираётган овозларни эшитди ва ўз душмани — милтиқдан ўқ узаётган ўша малайни яққол кўрди; боғнинг нариги томонида турган аллақайси бир деҳқон ҳам ўқ уза бошлади, лекин бу пайтда Жюльен Ду соҳилига етиб олган бўлиб, кийимларини киймоқда эди.

Бир соатдан сўнг Жюльен Веррьердан тўрт-беш чақирим нарида, Женева йўлида кетмоқда эди. «Агар чиндан ҳам уларнинг шубҳаси бўлса, — дея ўйларди Жюльен, — мени қўлга тушириш учун Париж йўлига қараб югуришади».

ИККИНЧИ ҚИСМ

Ўзи чиройли эмас, чунки юзига қизил суртмаган.

Сент-Бев

I

Қишлоқдаги эрмаклар

O rûs, quando ego te adspiciam!

Г о р а ц и й¹

— Сиз, афандим, Парижга борадиган почта каретасини кутяпсиз шекилли? — деди унга меҳмонхона хўжайини йигит у ерга тамадди қилгани кирганида.

— Бугун бўлмаса — эртага ҳам кетавераман, шошиладиган жойим йўқ, — дея жавоб қилди унга Жюльен.

У ўзини иложи борича бепарво кўрсатишга ҳаракат қиларди. Шу пайт бекатга почта каретаси етиб келди. Унда иккита бўш ўрин бор экан.

— Ие! Ўзингмисан, бечора Фалькоз! — дея хитоб қилди Женевадан келаётган сайёҳ Жюльеннинг ортидан каретага чиқиб келаётган йўловчига қараб.

— Мен бўлсам сени, Лионга яқин бирор жойда, Рона соҳилидаги бирор ажойиб водийда ўрнашиб олгандирсан, деб ўйловдим.

— Ўрнашиб олганмишман! Қочиб келяпман у ердан.

— Нималар деяпсан! Сен, яъни Сен-Жиро бўла туриб қочиб келяпсанми? Фариштадек бир одам бўлсанг, сен ҳам жинойтчилар қаторига қўшилиб қолибсан-да! — деди Фалькоз кулиб.

— Шундай бўлса эҳтимол, яхшироқ ҳам бўларди, худо ҳаққи. Мен провинциядаги даҳшатли ҳаётдан қочиб келяпман. Ўзинг биласан, ўрмоннинг соя-салқини-ю, қишлоқнинг сукунатиши яхши кўраман. Хаёлпарастлигим учун неча бор таъна қилган эдинг. Умрим бино бўлиб ўша лаънати сиёсатга аралашган эмасман, мени эса у ердан худди шу сиёсат қувиб юборди.

¹ О, қишлоғим, сени кўрар кун ҳам бормикин!

— Қанақа партияга аъзосан ўзи?

— Ҳеч қандай партияга, лекин худди шу нарса менинг бошимга етди. Мен музикани, тасвирий санъатни севаман. Яхши китоб — мен учун катта бир воқеа. Менинг бутун сиёсатим ана шу. Яқинда қирқ тўрт ёшга тўламан. Хўш, яна қанча яшашим мумкин? Ўн беш йил яшарман, йигирма йил, хўп — нари борса ўттиз йилоқ дегин. Энди бу ёғини эшит. Ўйлайманки, ўттиз йиллардан сўнг министрлар анча қувроқ бўлиб қолишади, лекин, албатта, улар ҳам ҳозиргиларидек жуда ҳалол одамлар бўлишади. Англия тарихи, худди кўзгудек, менга бутун келажагимизни кўрсатиб турибди. Доим ўзининг алоҳида ҳуқуқини кенгайтиришни истайдиган бирорта қирол топилади, доим депутатлик курсиси, Мирабонинг шуҳрати ва у юз минглаб ўмарган пул ҳақидаги орзулар провинция боёнларининг уйқусини бузиб келади: уларнинг тилида бу либерал бўлиш ва халқни севиш деб аталади. Пэрлар ёки камер-юнкерлар сафига кўшилиш истаги ультрароялистарни доимо гижгижлаб келади. Ҳар қандай одам ҳам давлат кемасининг дарғаси бўлиб олишга интилади, зеро бунга дуруст ҳақ тўлашади. Наҳотки у ерда оддий бир сайёх учун ҳам кичкинагина жой топилмаса?

— Нима бўлди ўзи, қани гапир, бошингга қандай гавго тушди? Сенинг тепса-тебранмас одам эканлигингни назарда тутганда жуда қизиқ иш бўлганга ўхшайди: сени провинциядан сўнгги сайловлар қувиб юбормадимми ишқилиб?

— Менинг бахтсизликларим анча илгарироқ бошланди. Тўрт йил муқаддам, қирқ ёшда эканлигимда менинг беш юз минг франк пулим бор эди, энди ёшим тўрт йилга кўпайди, пулим эса эллик минглар чамаси камайдиганга ўхшайди. Бу пулни мен Ронадаги Монфлери қасримни сотиш пайти йўқотяпман. Ўзи жуда ажойиб жой.

Парижда ўн тўққизинчи аср цивилизацияси деб аталган дўттибозлигингиз жонимга тегди. Мен кунимни вақтичоглик билан ўтказиб, тинчгина яшасам, дегандим. Шунинг учун Рона соҳилидаги тоғ ёнбағридан бир мулкни сотиб олдим. Хушманзараликда беқийё, дунёда бундан чиройлироқ жой топилмаса керак.

Қавм руҳонийси ва майда-чуйда дворянчалар, менинг қўшниларим, ярим йилгача кўнглимни олишга уриниб юришди, мен эса уларни зиёфат қилиб, дердим: «Мен сиёсат ҳақида умримнинг охиригача бир оғиз ҳам сўз эшитмаслик учун Париждан бу ерга кўчиб келдим. Кўриб турибсизлар, биронта ҳам газетага ёзилган эмасман. Кейин

почтальон менга қанча кам хат олиб келса, шунча кўп хурсанд бўламан».

Бироқ, маълум бўлишича, қавм руҳонийсининг ўз режалари бор экан: тез орада минг хил талаблар, айб-ситишлар билан тинкамни қурита бошлади. Мен йўқсиллар учун йилга икки юз-уч юз франк бериб турмоқчи эдим. Йўқ! Улар бу пулни қандайдир Авлиё Иосиф, Биби Марям ва ҳоказо диний жамиятлар фойдасига тўлайсиз, деб талаб қилишди. Мен йўқ дедим, шундан сўнг бечора бошимга лаънат тошлари ёғила бошлади. Мен, аҳмоқ, хафа бўлиб юрибман. Ўша-ўша эрталаб уйдан чиқиб, тоғларимизнинг чиройидан баҳра ололмайдиган ва бемалол сайр қилолмайдиган бўлиб қолдим, албатта бирор бемазагарчилик содир бўларди-ю, ширин хаёл суриб юрганамда таъбимни тирриқ қилар ва менга энг жирканч бир усул билан дунёда жоҳил одамлар мавжудлигини эслатар эди. Мана, масалан, оят ўқиб, санам юриши ўтяти, дейлик — мен оят куйини яхши кўраман (чамаси бу куй қадимги греклар давридан қолган бўлса керак), — шундай қилиб, улар менинг далаларимни дуо қилмай ўтишарди, зеро, поимизнинг айтишича, бу далалар аслида ноинсоф одамнинг ерлари эмиш. Мунофиқ қишлоқи кампирнинг сигири ҳаром ўлди, дейлик. Шундан сўнг у дарҳол, сигирим анави паришлик нопок файласуфнинг ҳовузи ёнида ўтлагани учун ҳаром ўлди, дея гап тарқатади. Қараб-сизки, бир ҳафтадан сўнг ҳовуздаги барча балиқларим қорниларини осмонга қилиб, сув бетида қалқиб юрган бўлади: уларни оҳактош билан заҳарлашибди. Хуллас, менга ёмонлик қилишнинг минг хил йўли бор эди. Судьямиз ҳалол одам эди, лекин у лавозимидан ажралиб қолишдан қўрқарди, шу боисдан ҳам мени доим ноҳақ дерди. Қишлоқдаги тинчгина ҳаёт мен учун жаҳаннамга айланди. Одамлар иезуитларнинг маҳаллий жамияти бошлиги — қавм руҳонийси мендан юз ўтирганини, ўша ердаги либераллар раҳбари — истеъфодаги каштан эса мени қўллаб-қувватламаётганини кўришгач, ҳамма менга қарши тиш қайрай бошлади, бир йил давомида нон-тузимни еб, меникида яшаган гишт терувчидан тортиб плугимни тузатаётиб мени чув туширишдан ҳайиқмаган аравасоз устагача — ҳамма менга қарши чиқди.

Ниҳоят, бирор суянчиққа эга бўлиб, суддаги даъволашувлардан ҳеч бўлмаса биттасини ютиб чиқмоқ ниятида мен либерал бўлиб олдим. Шу пайт ҳозир ўзинг айтган сайловлар бошланиб қолди ва мендан овоз беришни талаб қилишди.

— Ўзингга номаълум бўлган номзодгами?

— Йўқ, аксинча, у менга отнинг қашқасидек маълум эди. Мен бош тортидим — билсам, ўтакетган даражада эҳтиётсизлик қилибман! Энди либераллардан балога қолдим, аҳволим чидаб бўлмайдиган даражада чатоқлашди. Агар қавм руҳонийсининг миясига мени идиш юувчи хотинни сўйиб ўлдирганликда айблаш фикри келиб қолганида, иккала тўдадан ҳам менинг жинойтимни ўз кўзи билан кўрган йигирматадан гувоҳ топилиши турган гап эди.

— Нима, сен қишлоқда пасткаш кўшнилариинг кўнглини тошмай, ҳатто уларнинг сафсатасига кулоқ солмай яшаш мумкин, деб ўйловмидинг? Гирт кўрлик-ку ахир бу!

— Энди кўзим очилди. Монфлерини сотяшман, майли, лозим бўлса, шу иш туфайли эллик минг франк йўқотсам йўқота қолай, лекин, ниҳоят, ўша мунофиқлик ва разолат ботқоғидан қутулиб чиққанам учун хурсанд бўлганимдан ҳали ҳам ўзимга келолганим йўқ.

Энди мен ёлғизлик ва қишлоқ осойишталигини Францияда топилиши мумкин бўлган ягона жойдан — биронта уйнинг тўртинчи қаватидаги деразаси Елисей майдонига қараган мансардасидан излашга қарор қилдим. Биласанми, мен ҳатто қавмимизга просфоралар¹ инъом этиш йўли билан Руль кварталида сиёсий обрўйимни таъминласаммикин, деб ўйлаб ҳам юрибман.

— Ҳа, Бонапарт даврида бошингга бундай гавюлар тушмаган бўларди! — деди Фалькоз кўзлари газаб ва ўкинчдан чақнаб.

— Саломат бўлсинлар-е! Ўша Бонапартиинг нега керак бўлмаган жойга тумшугини тикди? Ҳозир менинг бошимга тушган кулфатларнинг бари ўшанинги иши.

Боядан бери диққат билан кулоқ солиб келаётган Жюльен бу гапни эшитиб янада сергакланди. У дастлабки сўзларданоқ манови бонапартист Фалькоз жаноб де Реналь 1816 йилда юз ўгирган ёшликдаги дўсти эканлигини пайқанган эди. Файласуф Сен-Жиро эса, чамаси, префектура идораси бошлиғининг укаси бўлса керак. Акаси жамоат бинолариини арзон-гаровга сотиб олган эди.

— Буларнинг барига ўша Бонапартиинг айбдор, — дея давом этди Сен-Жиро. — Ҳамёнида беш юз минг франк пули бўлган қирқ ёшли одам, ҳеч кимга ёмонлик қилмаган тақдирда ҳам, провинцияда яшаб, у ерда руҳий осойишта-

¹ Просфора — черковда ибодат вақтида истеъмол қилинадиган кулчалар (тарж.).

ликка эришолмас экан, поплар ва маҳаллий асилзодалар уни у ердан қувиб юборишар экан.

— Қўй, у ҳақда бундай ёмон гапирма! — дея хитоб қилди Фалькоз, — ҳеч қачон Франция халқлар орасида у ҳукмронлик қилган ўша ўн уч йилдагидек обрў қозонган эмасди. Ўша пайтда қилинган барча ишларда улугворлик бор эди.

— Сенинг ўша жин ургур императоринг, — дея эътироз билдирди қирқ тўрт ёшли жаноб, — фақат жанг майдонида улуг эди. Яна у минг саккиз юз иккинчи йили молия ишларини тартибга солганида ҳам олиҳимматлилиқ қилганди. Аммо шундан кейин айнишининг боиси нима? Унинг барча камергерлари, барча дабдабаси-ю, Тюильридаги тантанали қабул маросимлари — буларнинг бари ўша мустабидона беъаъниликларни такрорлаш, уни қайта нашр қилишнинг худди ўзгинаси. Бу нашрнинг уёқ-буёғини тузатиб, янгилашди, у яна бир, ҳатто икки аср туриб бериши мумкин эди. Зодагонлар ва поплар эски идора услубига қайтишни истаб қолишди, бироқ уларда бу услубни халққа тақдим эта биладиган метин ирода йўқ!

— Бу дейман, чиндан ҳам кекса газетачининг нутқи бўлди-ку!

— Хўш, мени ер-мулкимдан ким қувиб юборди? — дея давом этди ғазаби қайнаган газетачи. — Наполеон ўз конкордати¹ билан қаддини қайтадан тиклаб қўйган ўша поплар қувиб юборди мени. Император уларни давлатимизда яшайдиган врачлар, адвокатлар, астрономлар қатори кўриб, оддий граждон ҳисоблаш ва ризқ-рўзини таъминлаётган қасби билан мутлақо қизиқмаслик ўрнига уларнинг мавқеини қайта тиклаб берди. Агар ўша Бонапартинг барон ва шаҳзода унвоиларини бўлашиб бермаганида, манови сурбет дворянчалар ҳозир кеккайиб юрармиди ахир? Йўқ, уларнинг куни битиб бораётган эди ўшанда. Энди бўлса, поплардан кейин, худди ўша қишлоқи зодагонлар ҳаммадан кўпроқ қонимни қайнатишди, мени либерал бўлишга ҳам ўшалар мажбур этишди.

Сўхбатнинг охири кўринмасди. Франция бу мавзуда яна ярим асргача гап сотса керак. Сен-Жиро, провинцияда яшаб бўлмайдди, дея таъкидлашда давом этарди, шунда Жюльен унга ийманибгина жаноб де Ренални мисол қилиб кўрсатди.

¹ Конкордат — бирор ҳукумат билан Рим папаси ўртасидаги тузилган шартнома (*тарж.*).

— Топган мисолингизни қараиҥ-а! Ёшсиз-да, йигитча, — дея хитоб қилди Фалькоз. — Реналь сандон бўлиб қолмаслик учун ҳам гурзи бўлишга ошиқди. Гурзи бўлгандаям, бераҳм гурзи бўлди у! Лекин сезиб турибман, тез орада уни Валено қулатса керак! Танийсизми ўша муттаҳамни? Жуда пихини ёрган-да! Бир кун келиб, кўз очиб-юмгунича тахтдан қулатишса-ю, ўрнига Валено ўтириб олса, ўша жаноб де Реналингиз нима деб сайраркин?

— Ана ўшанда у ўз жиноятлари билан ўралашиб қолаверади, — деди Сен-Жиро. — Демак, Веррьерни билар экансиз-да, йигитча? Хўш, гап бундай, ўша мустабидона макр-хийлалари учун гўрингга тўнғиз қўпгур Бонапарт манови барча Реналлар ва Шеланларни ҳокимият тепасига чиқариб қўйди, улар эса, ўз навбатида, валено ва маслонлар салтанатига йўл очиб беришди.

Сиёсат сирлари ҳақидаги дилни сиёҳ қилувчи бу суҳбат Жюльенни эътиборини ўзига тортиб, уни ширин хотиралардан чалғитмоқда эди.

Парижни биринчи марта олисдан кўрганида, у деярли ҳаяжонланмади ҳам. Келажак ҳақидаги ҳавойи орзулар кечагина у Веррьерда ўтказган йигирма тўрт соатнинг ҳали сўниб улгурмаган ёрқин хотиралари олдида орқага чекинмоқда эди. У, агар попларнинг сурбетларча қуюшқондан чиқиши натижасида яна республика барпо этилиб, асилзодалар таъқиб остига олинса, маъшуқасининг болаларини ҳеч қачон ташлаб кетмасликка ҳамда уларни қутқариб қолиш ва ҳимоя қилиш учун бошқа барча ишларидан воз кечишга ўзича онт ичиб борарди.

У Веррьерга кириб борган ўша кечада, нарвонини де Реналь хонимнинг деразасига тираган ўша дақиқада биронта бегона одам ёки жаноб де Реналнинг ўзига дуч келиб қолганда-чи, унда ҳоли не кечарди?

Маъшуқаси уни қувиб юборишга уринган, Жюльен эса қоронғида унинг ёнида ўтириб, уни бундай қилмасликка кўндирмоқчи бўлган ўша икки соатни эслашнинг ўзидан қанчалар ҳузур қилиш мумкин! Жюльенга ўхшаш одамларнинг қалбида бундай хотиралар бир умр сақланиб қолади. Учрашувнинг охири эса унга бир йил муқаддам кечган воқеаларни, севгиларининг дастлабки кунларини эслатарди.

Бироқ шу пайт карета тўхтади-ю, Жюльеннинг ширин хаёллари тўзиб кетди. Улар Жан-Жак Руссо кўчасидаги почта станциясининг ҳовлисига кириб боришган эди.

— Мен Мальмезонга бормоқчи эдим, — деди у ёнига келиб тўхтаган кабриолетни кўриб.

— Бемаҳалда у ерга бориб нима қиласиз, афандим?

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин! Марҳамат, ҳайданг.

Чинакамига эхтиросга берилган одам фақат ўзини ўйлайди. Худди шу боисдан ҳам, назаримда ҳар бир одам, барча менга қизиқиб қараяпти, деб ўйлайдиган Парижда эхтирослар жуда бемаъни бўлади. Мен Жюльеннинг Мальмезонга боргач, қандай завқланганини тасвирлаб ўтирмайман. У йигларди. Йигларди, дейсизми? Шу йили қурилган анави жирканч оқ деворлар бутун паркни бўлак-бўлак қилиб турганига қарамасдан-а? Буни қарангки, афандим, ҳа, у йигларди; Жюльен учун ҳам, кейинги авлод учун ҳам Арколь кўриги, Муқаддас Елена ва Мальмезон орасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди.

Кечқурун Жюльен театрга боришга жазм этишдан аввал анча иккиланиб турди: у бу худобезор жой ҳақида жуда ғалати фикрда эди.

Қаттиқ ишонсизлик унинг гавжум Парижни завқ билан томоша қилишига ҳалал берарди; унинг юрагига фақат ўз қаҳрамони қолдирган ёдгорликларгина таъсир этарди.

«Шундай қилиб, демак, мен ҳар хил фитналар ва мунофиқликлар марказига етиб келдим! Аббат де Фрилернинг ҳомийлари худди шу ерда ҳукмронлик қилишади».

Учинчи куни кечқурун синчковлик унинг ҳамма ёқни томоша қилиб олиш ва шундан кейингина аббат Пирарнинг олдига бориш ниятидан устун келди. Аббат совуқ ва қуруқ бир оҳангда уни жаноб де ля Молнинг уйида қандай ҳаёт кутаётганини тушунтириб берди.

— Агар бир неча ойдан сўнг фойдали одам бўлиб чиқмасангиз, семинарияга қайтиб кетаверасиз, аммо энди сизнинг ҳимоячингиз бўлади. Сиз маркизнинг уйида яшасиз, у Франциядаги энг катта давлат арбобларидан бири ҳисобланади. Сиз қора костюм кийиб юрасиз, лекин у руҳонийлар кийими бўлмай, мотам тутган одамларнинг кийимига ўхшаган бўлади. Мен ҳафтасига уч марта сизни ўзим тавсия қилган семинарияда улуҳият бўйича машғулотларни давом эттирмоғингизни талаб қиламан. Ҳар куни чошгоҳ пайти сиз маркизнинг кутубхонасида ҳозир бўласиз, у сизга суддаги даъволашувлари ва бўлак ишлари бўйича ёзишмалар олиб бормоқни тошширмоқчи. Маркиз ўз номига келган ҳар бир хатнинг ҳошиясига қандай жавоб бермоқ ҳақида қисқагина қилиб икки оғиз сўз ёзиб қўяди. Менинг назаримда, — унинг ўзига ҳам шу гапни айтдим, — уч ойдан сўнг сиз бу жавобларни ёзиш бобида шундай бир малака ҳосил қиласизки, маркизга қўл қўйиш учун ўн

иккита хат олиб борсангиз, у саккиз ёки гўққизтасига имзо чекиб бера олади. Кечқурун соат саккизда сиз ҳамма нарсаларни йиғиштириб, унинг ёзув столини тартибга соласиз ва соат ўнда ишни тугатиб кетаверасиз. Эҳтимол шундай ҳам бўларки, — дея давом этди аббат Пирар, — биронта кекса хоним ёки бирор жаноб тилёғламалик билан сизга маркизнинг номига келаётган хатларни кўрсатмоғингиз учун олам-олам бойлик ёки тўғридан-тўғри олтин тақлиф қилишлари мумкин.

— Ах, тақсир! — дея хитоб қилди Жюльен қизишиб.

— Бағоят қизиқ, — деди аббат заҳархандалик билан илжайиб, — шу камбағаллигингиз билан, бунинг устига семинарияда бир йил таҳсил кўрганингиздан кейин ҳам қалбингизда олижаноб ғазабнинг сақланиб қолганига ҳайронман. Чамаси, ҳеч нимани ўрганмаганга ўхшайсиз!

— Зотига тортиш эмасмикан бу? — деди аббат овозини пасайтириб, худди ўзича мулоҳаза юритаётгандек. — Энг қизиғи шундаки, — дея қўшимча қилди у Жюльенга разм солиб, — маркиз сизни танир экан... Лекин қасқдан танишини сира билолмадим. Бошланишига у сизга юз луидор маош белгилади. Бу одам фақат ўзининг ринд табиатига бўйсунди — унинг камчилиги ана шу. Тентаклик бобида, у чамаси, сиздан ҳам қолишмаса керак. Агар у ишингиздан хурсанд бўлса, вақти келиб маошингиз саккиз минг франкка қадар кўтарилиши мумкин.

— Лекин у бу пулни сизга, — дея ачитиб давом этди аббат, — чиройли кўзларингиз учун тўламаслигини тушунсангиз керак, албатта. Унинг учун фойдали одам бўла олинг. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен камроқ гапиршига, ўзим билмайдиган нарсалар ҳақида умуман оғиз очмасликка ҳаракат қилган бўлардим.

— Ҳа, айтгандай, — дея гап қотди аббат, — сиз учун баъзи бир маълумотлар ҳам тўплаб қўйганман: жаноб де ля Молнинг оиласи ҳақида айтишни унутай дебман. Унинг икки фарзанди бор: бир ўғли ва бир қизи. Ўғли ўн тўққизларда, келишган, олифта, чошгоҳ пайти соат иккида хаёлига нима келиб қолишини билмайдиган енгилтак йигит. Лекин анча ақлли, довюррак, Испанияда жанг қилган. Сабабини билмайману, лекин маркиз сизнинг ёш граф Норбер билан дўстлашиб кетинингизга умид қилмоқда. Мен унга сизнинг лотин тилини анча яхши билишингизни айтган эдим. Эҳтимол, у сизнинг ўғлига Цицерон ва Вергилий тўғрисидаги баъзи машҳур гапларни ўргатиб қўйишингизга умид қилаётгандир.

Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, мен бу барно йигитча-

нинг мени мазах қилишига ҳеч қачон йўл қўймаган ва унинг бағоят одоб билан, лекин киноя аралаш айтадиган ширин гапларига учмоқдан аввал, уларни дилимда бир неча бор такрорлаб, яхшилаб ўйлаб кўрган бўлардим.

Яшириб ўтирмайман, турган гап, ёш граф де ля Мольт сизга менсимай қарайди. Зеро, шунинг учун ҳамки, сиз оддий авомнинг фарзандисиз, унинг аждоди эса сарой амалдори ўтган ва минг беш юз етмиш тўртинчи йилнинг йигирма олтинчи апрелида Грев майдонида бошини кундага қўйиш шарафига муяссар бўлган.

Сиз эса бор-йўғи веррьерлик дурадгорнинг ўғлисиз ва унинг отасидан маош олиб яшайсиз. Ана шу тафовут ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг ва Морери шажараномасидан ушбу оиланинг тарихини ўқиб олинг. Уларнинг зиёфатларига келиб турадиган барча хушомадгўйлар, ўрни келиб қолганда, бу тарихий асарни бирор йўл билан тилга олмадан ўтмайдилар.

Кейинчалик менинг олдимга шикоят қилиб келмаслик учун гусарлар эскадронининг командири, Франциянинг бўлажак пэри жаноб граф Норбер де ля Молнинг ҳазил-мутуйибаларига жавоб бермоқдан олдин яхшилаб ўйлаб олинг.

— Назаримда, — дея жавоб қилди қип-қизариб Жюльен, — мenden нафратланадиган одамнинг гапларига жавоб бермай қўя қолишим керак.

— Сиз бундай нафратни тасаввур ҳам эта олмайсиз, у фақат ўта назокатли гаплар билангина изҳор этилади. Агар тентак бўлганингизда, сиз албатта осонгина алданиб қўя қолардингиз, бордию ҳар нима қилиб бўлса-да, дурустроқ мартабага эришмоқни истасангиз, у ҳолда сиз ўзингизни лақма қилиб кўрсатмоғингиз лозим бўлур эди.

— Агар қуилардан бирида, бу ишлар менга тўғри келмас экан, десаму ўша юз уч рақамли хужрамга қайтиб кетсам, — деди Жюльен, — нима, у ҳолда кўрнамак ҳисобланаманми?

— Ҳа, албатта, — дея жавоб қилди аббат, — бу хонадоннинг барча ҳамтовоқлари сизга туҳмат ёғдиришга ҳаракат қилишади, аммо шунда мен пайдо бўламан. *Absum gui feci*¹. Уларга мен, шундай қарорга келдим, деб айтаман.

Жаноб Пирарнинг зарда билан, деярли дарғазаб бўлиб гапириши Жюльенни қаттиқ ташвишга солиб қўйган эди: шу туфайли у аббатнинг сўйгги сўзларининг ҳам қадрига ета олмади.

¹ Бу ишни қилган одам — мен (лот.).

Гап шунда эдики, аббат Жюльенга меҳр қўйиб қолгани учун ўзини ёзғирарди ва ўзга одамнинг тақдирига шу йўсинда аралашиб, гўё шаккоклик қилаётгандек, қалбини қандайдир қарийб хурофий бир ваҳима қопламоқда эди.

— Сиз у ерда яна, — дея давом этди у гўё қандайдир қўнгилсиз вазифани бажараётгандек порози бир оҳангда, — сиз у ерда яна маркиза де ля Моль хонимга ҳам дуч келасиз. Бу сочлари оқиштоб, баланд бўйли хоним жуда художўй, димоғдор, гоят одобли, лекин ҳеч нарсага арзитайдиган ҳовлиқма аёл. У ўзининг аристократик урф-одатлари билан машҳур бўлган кекса герцог Шонскийнинг қизи. Бу басавлат хонимни ўз табақасига мансуб аёллар табиатиинг туб моҳиятини жуда яхши акс эттирувчи ажойиб намуна деса бўлади. У ўзининг назарида ҳурматга лойиқ ягона фазилат — бу салб юришларида иштирок этган аждодларга эга бўлмоқ эканлигини яшириб ҳам ўтирмайди. Пул, унингча, иккинчи даражали нарса бўлиб, унчалик аҳамиятга молик ҳам эмас. Бу гапдан ажабланиясизми? Сиз билан биз энди провинцияда эмасмиз, дўстгинам.

Унинг меҳмонхонасида сиз подшоҳларимиз ҳақида илтифотсизлик билан гапиришга журъат этадиган талайгина катта амалдорларга дуч келасиз. Де ля Моль хонимнинг ўзига келсак, у ҳар гал қирол оиласидан бўлган биронта шахзода ёки хусусан малика номини тилга олганида албатта эҳтиром ила товушини пасайтиради. Унинг олдида Филипп Иккинчи ёки Генрих Саккизинчиларнинг ёвуз махлуқ ўтганликлари ҳақида гапирмасликни маслаҳат бераман. Улар қирол бўлишган, бу эса уларга барча одамлар, айниқса сиз билан бизга ўхшаш чакана одамлар олдида беқиёс иззат-ҳурматда бўлиш ҳуқуқини беради. Аммо, — дея давом этди жаноб Пирар, — биз руҳонийлармиз, — ҳар қалай у сизни шундай ҳисоблайди ва руҳоний сифатида унинг охиратини қутқариб олиш учун хизмат қиладиган малайга ўхшаш бир одаммиз.

— Тақсир, — деди Жюльен, — чамамда, мен Париждан тез орада жўнаб кетадиганга ўхшайман.

— У ҳолда сизга оқ йўл тилайман, холос. Лекин ёдингизда бўлсин, бизнинг касб-коримизда катта мансабдорларнинг соясига сизинмай туриб бирон нарсага эришиб бўлмайди. Аммо менинг билишимча, сизнинг табиатингизга ҳос тушуниб бўлмайдиган хислатлар, агар ҳаётингизни мустаҳкам йўлга қўя олмасангиз, сизни қувғинга маҳкум этгай — сиз учун ўртача йўл бўлмайди. Хомхаёлга берил-

май кўя қолинг. Одамлар сизга мурожаат қилишганида бу парсаинг сизга ёқмаганлигини дарҳол сезишади, кишилар бир-бирига тезда эл бўлиб кетадиган бизнинг мамлакатимизда эса сиз, агар ўзингизни ҳурмат қилишга мажбур этмасангиз, шўрпешана бўлиб яшашга маҳкум бўлгайсиз.

Агар маркиз де ля Молнинг миясига бу фикр келиб қолмаганида Безансонда ҳолингиз не кечарди? Бир кун келадикки, у сиз учун қаандай ажойиб иш қилганини ўзингиз ҳам тушуниб қоласиз ва агар нонкўр махлуқ бўлиб чиқмасангиз, ундан ҳам, унинг оиласидан ҳам умрбод миннатдор бўлиб юрасиз. Сиздан анча ўқимишлироқ бўлган қанчадан-қанча фақир аббатлар Парижда йиллар давомида диний маросимларни икром этганлари учун ўн беш су ва Сорбоннадаги илмий музокаралари учун ўн су олиб яшаганлар!.. Едингиздами, бултур қишда сизга анави муттахам кардинал Дюбуанинг дастлабки йиллар қандай яшаганини ҳикоя қилиб берган эдим. Ёки сиз ўз мағрурлигингиз билан эҳтимол, ундан ҳам истеъдодлироқман, деб ўйларсиз?

Мана, масалан, мени олайлик: ўзим оғир-вазмин, ўртамиёна бир одамман, шу боисдан ҳам бутун умримни ўша семинарияда ўтказаман, деб ўйлаб, болаларча тентаклик билан унга меҳр кўйиб қолдим. Оқибати нима бўлди? Истеъфога чиқиш ҳақида ариза берганимда, мени бусиз ҳам ишдан олиб ташламоқчи бўлиб юришган эди. Ўша пайтда тирикчилик учун қанча маблағим бўлганини биласизми? Бор-йўқ капиталим беш юз йигирма франкдан иборат бўлиб, икки-уч танишлардан бўлак дўстларим ҳам йўқ эди. Жаноб де ля Моль билан илгари сира ҳам учрашмаган эдик, лекин бошимга оғир кун тушганида у менга нажот кўлини чўзди: унинг бир оғиз гаши билан мени қавм руҳонийси этиб тайинлашди. Қавмим анчайин бадавлат одамлардан иборат, турли иллатларга муккасидан кетган кишилар йўқ унда. Мен олаётган даромаднинг қилаётган меҳнатимга нисбатан қанчалар кўплигини эса, ҳатто айтишга ҳам уяламач. Енгилтакликни йиғиштириб, ақл билан иш тутмоғингиз учун ҳам кўп гапиряпман.

Ҳа, яна бир гаим бор: бахтга қарши мен анча жиззаки одамман, эҳтимол, бир кун келиб сиз билан биз гаплашмай кўйишимиз ҳам мумкин.

Агар маркизанинг такаббурлиги ёки ўғилчасининг ҳазил-мазахлари жонингизга тегиб, бу хонадонда ортиқ туролмай қолсангиз, сизга маслаҳатим, Париждан юз-юз эллик чақирим наридаги бирор семинарияда таҳсилни ниҳоясига етказинг. Яна шуни айтмоғим керакки, жанубдан кўра шимол афзалроқ. Шимолда аҳоли бирмунча

маданиятлироқ, адолатсизлик ҳам камроқ учрайди ва шуни ҳам тан олмоқ лозимки, — дея қўшимча қилди у товушини пасайтириб, — Париж газеталарининг яқинлиги, ҳар қалай, бу кичкина мустабид ҳокимларни маълум қадар жиловлаб туради.

Агар муносабатимиз бир-биримизга нисбатан айни муддао бўлиб бораверса-ю, маркизнинг уйи сизга тўғри келмай қолса, менга викарий бўлмоқни таклиф этаман, шунда қавмдан тушадиган даромаднинг ярми сизники бўлади. Менга Безансонда қилган ажойиб таклифингиз учун, — дея қўшимча қилди у миннатдорчилик билдирмоқчи бўлган Жюльенни тўхтатиб, — сизга бундан ҳам кўпроқ қарздорман. Агар ўшанда беш юз йигирма франк маблағим бўлмаганида, сиз мени қутқариб қолган бўлур эдингиз.

Аббатнинг товушида бояги заҳарлик гойиб бўлганди. Ўзи учун уят бўлса ҳам Жюльен кўзлари жиққа ёшга тўлганини ҳис этди, шу тобда у кекса дўстини қучоқлаб олгиси келарди; у ўзини тутиб туролмади ва иложи борича дадил овозда деди:

— Мен ёруғ дунёга келибманки, отам мени ёмон кўрарди, бу менинг учун жуда катта бахтсизлик эди, лекин мен энди тасодифдан умрбод миннатдор бўлгайман, сиз мен учун ота ўрнига ота бўлдингиз, тақсир.

— Яхши, яхши, — дея хижолат чекиб мингиллади аббат ва семинария директорига муносиб бир панд-насихат айтиш имкониятидан хурсанд бўлиб қўшимча қилди, — ҳеч қачон «тасодиф» демаслик керак, бўтам, доим «худонинг карами» деб айтинг.

Киракаш файтон тўхтади-ю, кўчир улкан дарвозада осиглиқ турган биринж болғачани қўлига олиб, уни тақиллатди. Бу *де ля Моль саройи* эди, ўткинчилар бунга шубҳа қилмасликлари учун эса шу сўзлар дарвоза тепасига ўрнатилган қора мрамар тахтага ўйиб ёзилганди.

Бу дабдаба Жюльенга ёқмади. Ахир улар яқобинчилардан ўлгудек қўрқишади-ку! Уларга ҳар бир девор ортида Робеспьер ва унинг жоду ортилган араваси яширигандек туюларди. Бу қўрқув шу даражага бориб етардики, баъзан одам кулавериб, ичаги узилгудек бўларди. Бу ерда эса, мабодо исён кўтарилиб, оломон хужум қилиб қолгудек бўлса гўё у адашиб қолмаслиги учун атайлаб ўз уйини кўз-кўз қилишаётгандек эди. Жюльен бу фикрини аббат Пирарга айтди.

— Эҳ, бечора бўтагинам! Бунақада кўп ўтмай менга викарий бўладиганга ўхшайсиз. Намунча миянгизга бунақа даҳшатли фикрлар келмаса-я!

— Ахир ўз-ўзидан шундай хулоса келиб чиқяпти-да,— дея жавоб қилди Жюльен.

Дарбоннинг басавлат кўриниши ва айниқса ҳовлининг чинидай тозалигини кўриб, Жюльен жуда завқланиб кетди. Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш чарақлаб турарди.

— Қандай ажойиб архитектура! — деди у ўз ҳамроҳига.

Бу иморат эса Вольтер ўлиmidан хиёл олдин, Сен-Жермен қасабасида дидсизлик билан қурилган уйлардан бири эди. Мода билан гўзаллик ҳеч қачон шу қадар бир-биридан узоқ бўлмаганди.

II

Киборлар жамиятига биринчи қадам

Таъсирли ва аломат бир хотира: ўн саккиз ёшли йигитча бировнинг ҳомийлигисиз, ёлғиз ўзи кириб борган биринчи меҳмонхона! Биронта аёл сал қиё боқиб қўйса бас, дарҳол ўзимни йўқотиб қўярдим. Одамларга ёқиш учун ҳаракат қилган сайин ўзимнинг шунча қовуша олмаётганимни ҳис этардим. Менинг барча тасаввурларим ҳақиқатдан жуда йироқ экан; гоҳ ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ биронта одамга чин кўнгилдан меҳр қўярдим, гоҳида эса хиёл ёмон кўз билан қараган одамни ўзимга душман деб билардим. Тортинчоқлигим туфайли чеккан барча азобларим ичра қуёш чарақлаб турган гоят ажойиб кун эсимда қолган!

К а и т

Жюльен атрофига алаңглаб қараганича, ҳовли ўртасида тўхтади.

— Ўзингизни вазмироқ тутинг,— деди унга аббат Пирар,— миянгизга даҳшатли фикрлар келяпти, кейин —

гирт ёш бола ҳам экансиз! Горацийнинг nil miragi (ҳеч нарсадан ажабланмаслик) қондасига амал қилиш қани? Уйлаб кўрсангиз-чи, ахир, манови беҳисоб малайлар бу ерда анграйиб турганингизни кўргач, дарҳол устингиздан кула бошлашади. Улар сизни ўзлари билан бир қатордаги киши-ю, лекин адолатсиз равишда юқорироқ қўйилган одам, деб ҳисоблай бошлайдилар. Шундан сўнг ўзларини хушфёъл кўрсатиб, эзгу маслаҳат бериш, ёрдам кўрсатиш баҳонасида сизни калака қилишга ҳаракат қиладилар.

— Шундай қилиб кўришсин-чи, — деди жавобан Жюльен лабини тишлаб, дарҳол одатдаги бадгумонлиги кўзир экан.

Улар маркиз кабинети томон ўтиб боришар экан, уйнинг иккинчи қаватидаги меҳмонхоналар сизга, муҳтарам ўқувчим, қапчалик серҳашам туюлса, шунчалик бефайз ҳам кўринарди. Уни барча жиҳозлари билан сизга таклиф қилишганида, сиз у ерда яшашни истамаган бўлардингиз. Бу ер кишини эснатадиган ва ўлгудек зериктирадиган насихатгўйлик маскани эди. Бироқ бу меҳмонхоналарни кўргач, Жюльен баттар заақланиб кетди. «Шундай ҳашамат ичра яшаган одам ҳам ўзини бахтсиз ҳис этармикин!» — дея ўйларди у.

Ниҳоят, улар бу муҳташам уйдаги энг беўхшов хонага кириб боришди: ёруғлик унга аранг тушиб турарди. Хонада бошига оқиштоб парик кийган, кўзлари ўткир, кичкинагина, озгин юзли бир одам ўтирган экан. Аббат Жюльен томон ўгирилиб, уни ўша одамга таништирди. Бу маркиз эди. Жюльен уни зўрга таниди, зеро ҳозир маркиз жуда мулоийм кўринарди. У энди Жюльен Брей-ле-Ода кўрган такаббур аркони давлатга сира ҳам ўхшамасди. Жюльенга маркизнинг паригида соч жуда кўпдек туюлди. У шу қадар берилиб кузатаётган эдики, ҳайиқини ҳатто хаёлига ҳам келмади. Генрих III дўстининг авлоди биринчи қарашда унга анча кўримсиз бўлиб туюлди. У жуда озгин ва питрак эди. Аммо тез орада Жюльен маркизнинг назокати суҳбатдошининг кўнглига ҳатто Безансон епископининг назокатидан ҳам кўпроқ хуш ёқишини сезди. Бу учрашув борйўги уч минутча давом этди. Улар маркизнинг олдидан чиқишгач, аббат Жюльенга қараб деди:

— Сиз маркизга худди суратни томоша қилгандек қарадингиз, бу одамлар назокат деб атайдиган нарса хусусида ўзимни жуда билимдон деб ҳисобламайман, тез орада сиз буларнинг барини мендан яхшироқ билиб олгайсиз, лекин ҳар қалай шуни айтмоғим керакки, сизнинг унга

такаллуфсизлик билан тикилишингиз менга назокатдан анча йироқроқ туюлди.

Улар яна файтонга ўтиришди; кўчир қандайдир хиёбон олдида тўхтади. Жюльен аббатга эргашиб, катта бино ичига кирди-ю, уларнинг кўз ўнгида бир-бирига туташиб кетган кенг заллар намоён бўлди. Жюльен бу ерда ҳеч қандай мебель жиҳозлари йўқлигини пайқайди. У деворда осиглиқ турган ва назарида, қандайдир адабсиз бир манзара тасвирланган ажойиб зарҳал соатни томоша қила бошлади, бироқ шу пайт унинг ёнига жуда башанг кийинган ва жуда хушчеҳра бир жаноб келди. Жюльен у билан бош ирғаб саломлашди.

Жаноб жилмайди-да, қўлини унинг елкасига қўйди. Жюльен бир сесканиб тушди ва сапчиб ўзини четга олди. У ғазабдан қизариб кетди. Аббат Пирар ўзининг бадфеллигига қарамай, қотиб-қотиб кула бошлади. Ўша жаноб тикувчи экан.

— Сизни икки кунга бутушлай озод этаман, — деди аббат Жюльенга улар кўчага чиқишгач, — шундан кейингина сизни де ля Моль хонимга таништирмоғим мумкин. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида, сизни биринчи кунлари бу янги Вавилонда, худди бўйи етган қиздек эҳтиёт қилган бўларди. Бироқ пешонангизда ҳалок бўлиш ёзилган бўлса, майли, дарҳол ҳалок бўлақолинг, шунда мен ҳеч бўлмаса, доим сизнинг ташвишингизни тортишдек аҳмоқона заифлигимдан қутуламан-қўяман. Индинга эрта-лаб манови тикувчи сизга иккита костюм юборади, уларни сизга кийдириб кўрадиган халфага беш франк берасиз. Ҳа, айтмоқчи, анави парижликлар олдида иложи борича камроқ гапиришга ҳаракат қилинг. Бир оғиз сўз айтсангиз бас, улар устингиздан кулмоқ учун дарров баҳона топишади. Бу жиҳатдан уларнинг туғма истеъдоди бор. Индинга пешин пайти менинг олдимга етиб бормоғингиз шарт... Хўп, боринг, ҳалок бўлаверинг... Ҳа, унутай дебман: бориб, ўзингизга пойабзал, кўйлак, шляпа буюртма қилинг, мана бу адреслар бўйича.

Жюльен адреслар ёзилган хатни кўздан кечира бошлади.

— Бу маркизнинг хати, — деди аббат. — Маркиз жуда фаол одам, у бировга буюриб ўтиришдан кўра, ҳамма ишни олдиндан мўлжаллаб, ўзи бажаришни афзал кўради. У ўзини шу ташвишлардан халос этмоқ учун ҳам сизни ишга оляпти. Бу бетеқат одам бир имо билан билдириб кетган барча ишларни муносиб тарзда бажармоқ учун ақлингиз етармикин? Буни келажак кўрсатади: оғоҳ бўлинг!

Жюльен бир оғиз ҳам сўз айтмай, адреси кўрсатилган

барча усталарнинг олдига кириб чиқди; бу усталарнинг бари унинг ҳурматини жойига қўйиб муомала қилишди, этикдўз эса, унинг исми шарифини буюртмалар дафтариди қайд қилар экан, «жаноб Жюльен де Сорель», деб ёзиб қўйди.

Пер-Лашез қабристониди қандайдир ниҳоятди либералларча кайфиятди бўлган ва бурчига содиқ бир жаноб унга маршал Нейнинг қабрини кўрсатмоқчи бўлди, зеро доно сиёсат бу қабрни эпитафия¹га эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этганди. Бироқ Жюльен кўзларида ёш билан қучоқлаб олган ўша либерал билан хайрлашгач, соатидан ажралганини сизди. Шундай тажриба билан бойиган Жюльен икки кундан сўнг аббат Пирарнинг ҳузурига етиб борди; устози унга узоқ разм солиб турди.

— Бу дейман, ҳали олифта бўлиб кетмасангиз гўрга эди, — деди қовоғини солиб аббат. Жюльен жуда ёш кўринар ва шу туришди мотам тутиб, қора кийинган йигитга ўхшаб кетарди; у чиндан ҳам жуда ёқимтой эди-ю, бироқ меҳрибон аббатнинг ўзи гирт провинциялик бўлгани учун ҳам Жюльеннинг юрганида елкаларини қимирлатиш одати ҳали ҳам қолмаганини пайқамади; провинцияда эса бундай юриш кишини ораста ва жуда басавлат кўрсатади деб ҳисобланарди.

Жюльеннинг башанглиги маркизда меҳрибон аббатга қараганда мутлақо бошқача таассурот қолдирди.

— Агар жаноб Сорель рақсдан дарс олиб турса, сиз қаршилик қилмайсизми? — дея сўради у аббатдан.

Аббат довдираб қолди.

— Йўқ, — деди у ниҳоят. — Жюльен руҳоний эмас.

Маркиз торгина яширин зинапоянинг бирваракайига иккитадан погонасини ҳатлаганича қаҳрамонимизни деразаси улкан боғ томон қараган шинамгина мансардага шахсан ўзи бошлаб борди. У Жюльендан тикувчи аёлдан нечта кўйлақ олганини сўради.

— Иккита, — дея иймаңибгина жавоб қилди Жюльен, шундай аркони давлатнинг иқир-чиқирларга шу қадар эътибор бераётганидан хижолат тортиб.

— Офарин, — маркиз бу сўзини шундай жиддий ва амирона бир оҳангда айтдики, қаҳрамонимиз ўйланқираб қолди. — Офарин. Бўлмаса яна йигирма иккитасини олинг. Мана, йилнинг биринчи чораги учун маошингиз.

Мансардадан настга тушар экан, маркиз қандайдир кекса бир одамни ёнига чиқарди.

¹ Э п и т а ф и я — қабр тошига хат (тарж.).

— Арсен, — деди у ўша одамга, — сиз жаноб Сорелнинг хизматида бўласиз.

Бир неча минутдан сўнг Жюльен кўркем кутубхонада ёлғиз ўзи қолди. Қандай ажойиб! Ўзининг шундай хаяжонланиб турганида биров кўриб қолмасин учун у кутубхонанинг энг пааа бурчагига ўтди-да, ўша ердан туриб китобларнинг ялтироқ жилдларини томоша қила бошлади. «Буларнинг ҳаммасини ўқиб чиқишим мумкин! — деди у ўзига-ўзи. — Қандай қилиб ёқмасин менга бу ер? Жаноб де Реналь мен учун маркиз де ля Моль қилган ишнинг юздан бирини қилган тақдирда ҳам, чамаси, ўзини бир умрга иснодга қолган деб ҳисоблаган бўларди. Қани, бир кўрайлик-чи, нималарни ёзишим керак экан». Ишни тугатгач, Жюльен китоблар олдига боришга журъат этди; у Вольтер асарлари тўпламини кўрганида қувончидан жинни бўлаёзди. У гафлатда қолмаслик учун югуриб бориб кутубхона эшигини ланг очиб қўйди. Шундан сўнг у ҳузур қилиб, саксон томнинг барини кетма-кет варақлаб чиқа бошлади. Томларнинг бари жуда ажойиб муқоваланган эди, бу энг яхши лондонлик уста меҳнатининг нодир маҳсули эди. Боз устига, Жюльеннинг хурсандлигидан боши осмонга етмоғи учун бу ҳашаматнинг кераги ҳам йўқ эди.

Орадан бир соат ўтгач, маркиз кириб келди-да, Жюльен ёзиб қўйган қоғозларни кўздан кечирди ва йигит «бунинг» сўзини иккита «н» билан ёзганини кўриб, ҳайрон бўлди. «Наҳот бу йигитнинг ўқимишлилиги ҳақида аббат айтган гапларнинг бари шунчаки уйдирма бўлса?» Ҳафсаласи пир бўлган маркиз мулойимлик билан сўради:

— Имло бобида билимларингиз сал бўшроқ шекилли?

— Ҳа, шундай, — дея жавоб қилди Жюльен бу иқроп билан ўзига қандай зиён етказаётганини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмай. У маркизнинг меҳрибонлигидан жуда таъсирланиб кетганди: шу тобда у беихтиёр жаноб де Реналнинг бетамиз такабурлигини эслаб кетди.

«Бу франш-контэлик аббатча билан овора бўлиб, вақтни бекор кетказадиганга ўхшайман, — дея ўйлади маркиз. — Лекин менга вафодор бир одам жуда керак эди!»

— «Бунинг» сўзи битта «н» билан ёзилади, — деди унга маркиз. — Ҳар гал хат ёзишни тугатгач, қандай ёзилишини яхши билмаган сўзларингизни имло лугатидан текшириб кўринг.

Соат олтида маркиз Жюльенни ўз хонасига чақиртирди; у йигитнинг оёгидаги этикни кўриб, очикдан-очик таъби тирриқ бўлди.

— Бу менинг эътиборсизлигим: сизга ҳар куни соат

беш яримда кийиниб олмогингиз лозим деб айтишни унутибман.

Жюльен унга тушунмай қараб турарди.

— Мен пайшоқ киймогингиз лозимлигини назарда тутяпман. Арсен сизга буни эслатиб туради. Бугун эса сиз учун кечирим сўрайман.

Шундай дея маркиз зарҳал югуртилганидан лов-лов ёниб турган меҳмонхона эшигини ланг очди-да, Жюльенни олдинга ўтказмоқчи бўлди. Бундай пайтларда жаноб де Реналь албатта биринчи бўлиб кирмоқ учун эшик олдида қадамимни тезлатарди. Аввалги хўжайиннинг шундай майдакашлигига ўрганиб қолгани туфайли Жюльен подгра касалидан азоб чекиб юрадиган маркизнинг оёгини қаттиқ босиб олди. «Оббо, ҳаммаси етмагандай у яна бесўнақай ҳам экан-ку», дея хаёлидан ўтказди маркиз. У Жюльенни балад бўйли, гоят улуғвор бир аёлга таништирди. Бу маркиза эди. Жюльен, ўзининг такаббурлиги билан у Веррьер округи префекти ёрдамчисининг хотини — де Можирон хонимга ўхшаб кетар экан, дея дилидан ўтказди. Ўша хоним Сен-Шарлдаги таитанали зиёфатларда кеккайиб, савлат тўкиб ўтирар эди. Меҳмонхонанинг дабдабали ҳашаматидан бир оз ҳайиққан Жюльен маркизнинг айтган гапини эшита олмади. Маркиза унга хиёл кўз қириши ташлаб қўя қолди. Меҳмонхонада яна бир печа эркак киши бор эди. Жюльен улар орасида бултур Брей-ле-Одаги таитанали маросим пайтида ўзи билан жуда мулоийм гаплашган ёшгина Агда епископини кўриб беҳад қувониб кетди. Ёш прелат, чамаси, Жюльеннинг ўзига ийманибгина, танирмикин, деган бир умид билан тикилишидан қўрқиб кетди шекилли, бу провинцияликни танишини хаёлига ҳам келтирмади...

Жюльенга бу меҳмонхонада йиғилган одамлар ўзларини алланечук маънос ва сохта тутаётгандек туюлди. Парижда одамлар одатда секин гапиришади ва арзимаган парсага ҳаяжонланиб ўтиришмайди.

Меҳмонхонага мурти сабза урғай, ранги ошноқ ва бўй-бастаи жуда келишган бир йигит кириб келганида соат олти ярим бўлиб қолганди. Йигитнинг боши ниҳоятда кичкина эди.

— Доим шунақа кечикиб келасиз, — деди маркиза, йигит унинг қўлини ўпар экан.

Жюльен бу граф де ля Мольт эканини англади. Жюльенга у биринчи қарашдаёқ жуда дилбар йигит бўлиб кўринди.

«Наҳотки, — дея ўйлади Жюльен, — шу йигит ўзининг ҳақоратли ҳазил-мазахлари билан мени бу хонадондан қочиб кетишга мажбур этса?»

Граф Норберга разм солар экан, Жюльен унинг шпорли этик кийганини пайқаб қолди. «Мен эса, чамаси, паст табақа кишиси бўлганим учун ҳам туфли кийиб юришим керак экан-да?» Барча стол атрофига ўтирди; Жюльен маркизанинг товушини кўтариб, кимгадир танбеҳ берганини эшитиб қолди. Шу заҳоти унинг кўзи оқ-сарик сочли, гоят хушбичим бир қизга тушди. У стол ёнига келиб, Жюльеннинг қаршисига ўтирди. Қиз унга сираям ёқмади; бироқ дурустроқ разм солиб қарагач, Жюльен бундай чиройли кўзларни биринчи марта кўраётганини тушунди, лекин бу кўзлар қизнинг ниҳоятда шавқсиз эканлигидан далолат бериб турарди. Сўнгра Жюльен бу кўзларда зерик-киш ифодасини ўқди, бу нигоҳлар унинг атрофга синчиклаб разм солишини, лекин шу билан бирга доимо ўзини улуғвор тутиши лозимлигини эслатиб турарди. «Де Реналь хонимнинг кўзлари ҳам жуда чиройли эди, — дея ўйларди у, — барча унга шу ҳақда гапирарди. Лекин унинг кўзлари манови қизникига сира ҳам ўхшамади». Мадемуазель Матильданинг, — барча уни шундай атамоқда эди, — кўзларида баъзан йилт этадиган учқун зийраклик аломати эканини тушунишга эса Жюльен ҳали тажрибасизлик қиларди. Де Реналь хонимнинг кўзлари ёнганда эса — бу эҳтирос алангаси ёки унинг олдида бирон қабих ишни гапиришганда, ундан газабланиш ёлқини бўларди. Зиёфат охирида Жюльен мадемуазель де ля Моль кўзларидаги бу ўзгача чиройни яхши тавсифлайдиган сўз топди. «Унинг кўзлари порлаб турар экан», деди у ўзича. Умуман олганда эса қиз Жюльеннинг кўзига борган сайин хунуқроқ кўринаётган онасига жуда ҳам ўхшаб кетарди. Шундан сўнг Жюльен унга ортиқ қарамай қўйди. Лекин граф Норбер унга ҳар томондан дилбар йигит бўлиб кўринарди. Жюльен унга шу қадар маҳлиё бўлиб қолган эдики, ёш графга ҳасад қилиш ёки ўзидан бойроқ ва насл-насаб жиҳатидан устунроқ бўлгани учун ундан нафратланиш қаҳрамонимизнинг ҳатто хаёлига ҳам келмади. Маркиз эса Жюльеннинг назарида, очикдан-очик зерикиб ўтирарди. Иккинчи таомни тортишаётган пайти у ўғлига қараб деди:

— Норбер, марҳамат қилиб жаноб Жюльен Сорель билан танишиб қўй. Мен уни ҳозиргина ўз штабимга ишга олдим ва уни одам қилмоқчиман, агар *буннинг* имкони бўлса, албатта.

— Бу йигит менинг секретарим, — деди маркиз ёнида ўтирган одамга, — у «буннинг» сўзини иккита «н» билан ёзади.

Барча Жюльенга қаради. У асосан Норбер томонга қараб хиёл таъзим қилиб қўйди, лекин умуман олганда унинг кўз қарашини ҳаммага ёқди.

Маркиз меҳмонларга Жюльеннинг қандай маълумот олганини айтган экан шекилли, улардан бири йигитни Гораций ҳақида саволга тута бошлади. «Худди ана шу Гораций ҳақидаги гапларим билан Безансон епископига ёқиб қолган эдим,— дея хаёлидан ўтказди Жюльен.— Чамамда, улар шундан бошқа муаллифни билишмай-диганга ўхшайди». Шу дақиқадан эътиборай у дарҳол ўзини босиб олди. Жюльен ўзини босиб олишга сира уринмади, чунки у ҳозиргина ўзича манови ойимтилла де ля Моль аёл сифатида мени ҳеч қачон ўзига ром этолмайди, дея кўнглига тугиб қўйганди. Эркакларга нисбатан эса у семинариядан сўнг бутунлай хурматини йўқотган ва улардан ҳайиқмай қўйган эди. Агар манови емакхона шу қадар ҳашамдор бўлмаганида у ўзини бутунлай дадил тутган бўларди. Аслида эса ҳамма гап ҳар бири икки одам бўйи келадиган манови ойналарда эди — у ўқтин-ўқтин шу ойналарга кўз ташлаб, уларда ўзи билан Гораций ҳақида баҳслашаётган суҳбатдошининг аксини кўрар ва бирмунча хижолат тортар эди. Провинциядан келган одам учун Жюльеннинг жумлалари унчалик узун эмасди. Унинг кўзлари чиройли эди, тортинчоқлигидан гоҳ журъатсизлик, гоҳида эса — яхши жавоб берганидан қувонч порлаб турган нигоҳи янада равшанроқ чақнаб кетарди. Бу имтиҳон зерикарли зиёфатни бирмунча жонлантириб юборди. Маркиз ҳеч кимга сездирмай Жюльеннинг суҳбатдошига, қаттиқроқ сўрайверинг, дегандай ишора қилди. «Наҳотки у чиндан ҳам бироқ нарсаин билса?» — дея ўйлади маркиз.

Жюльен саволларга жавоб берар экан, мулоҳазаларини айта туриб, ўзини шу қадар босиб олдики, атрофидаги одамларга ўзининг ҳам қандайдир фикр-туйғулари борлигини намойиш этди. Тўғри, йигит бу фикрларни бирмунча қўполроқ, баъзан эса ноўрин баён қиларди. Албатта, барча уни ақли зукко йигит экан деган қарорга келди, деб бўлмасди, зеро Парижда қандай тилда сўзлашишларини билмайдиган одам учун бу жуда амримаҳол эди. Бироқ унинг лотин тили ва лотин муаллифларини жуда яхши билиши яққол сезилиб турарди.

Жюльеннинг оппоненти Езувлар Академиясининг аъзоси бўлиб, у иттифоқо лотин тилини биларди. У Жюльеннинг классикларни яхши билишига ишонч ҳосил қилиб, уни хижолатга солиб қўйишдан хавфсизрамай қўйгач, атай-

лаб турли чигал саволлар билан уни чалғитмоқчи бўлди. Бу тортишувдан қизишиб кетган Жюльен, ниҳоят, емакхонанинг дабдабали ҳашаматини унутиб, лотин шоирлари ҳақида суҳбатдоши ҳеч қаерда ўқимаган мулоҳазаларни баён эта бошлади. Суҳбатдоши виждони ҳалол одам сифатида ёш секретарга қойил қолди. Унинг бахтига, суҳбат мавзуи ўзгариб, гап Горацийнинг бой ёки камбағал ўтгани, ёки унинг Мольер ва Лафонтеннинг дўсти бўлмиш шоир Шапель каби серназокат, ишқибоз ва беғам бўлиб, шунчаки кўнгилхуши учун шеър ёзгани, ёки лорд Байроннинг айбловчиси Соути каби қиролнинг туғилган қунига атаб мадҳиялар ёзадиган ва аркони давлатларнинг хайр-аҳсони ҳисобига кун кўрадиган сарой шоири бўлгани тўғрисида кетди. Шундан сўнг дарҳол Август ва Георг IV даврларидаги жамиятнинг аҳволи тилга олинди; у даврда ҳам, бу даврда ҳам аристократия бағоят қудратли эди, бироқ Римда ҳокимиятни уларнинг қўлидан аслида оддий жангчи бўлган Меценат тортиб олди, Англияда эса аристократлар ҳукмронлиги аста-секин Георг IV ни Венеция дожи даражасига тушириб қўйди. Бу суҳбат зиёфатнинг бошида зерикканидан тонг қотиб ўтирган маркизни бир оз жонлантиргандек бўлди.

Жюльен Соути, лорд Байрон, Георг IV каби замондошларининг номини эшитар экан, ҳеч нимани тушунмасди, зеро йигит бу номларни биринчи марта эшитмоқда эди. Бироқ ҳар гал Гораций, Марциал, Тацит ва бошқаларнинг асарларидан ўқиб билиш мумкин бўлган Рим воқеалари ҳақида сўз кетганида у ҳаммадан билимдон бўлиб чиқарди. Жюльен узоқ ўйлаб ўтирмай ўша унутилмас оқшомдаги суҳбат чоғи Безансон епископидан эшитган баъзи мулоҳазаларни ҳам ўзлаштириб юборди, шуни тан олиш керакки, бу мулоҳазалар зўр қизиқишга сабаб бўлди.

Шоирлар ҳақидаги суҳбат ҳамманинг жонига теккач, эрини қизиқтирган барча нарсадан завқланишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайдиган маркиза ниҳоят Жюльенга қарашни лозим кўрди.

— Бу навқирон аббатнинг келишмаган қилиқларини айтмасангиз, ўзи жуда ўқимишли йигитга ўхшайди, — деди маркизага унинг ёнида ўтирган академик. Бу гапнинг бир неча сўзлари Жюльеннинг қулоғига чалинди.

Бундай тайёр ҳикматлар уй бекасининг руҳига жуда мос тушарди; у Жюльенга берилган бу нисбатни дарҳол ўзиники қилиб олди-да, академикни зиёфатга таклиф этгани учун ўзидан хурсанд бўлиб қўйди. «У жаноб де ля Молнинг вақтини чоғ қилди», дея хаёлидан ўтказди маркиза.

Илк қадамлар

Ярқираб турган чироқларнинг шуъласига ғарқ бўлган бепоён водий ва сон-саноқсиз оломон кўзимни қамаштиряпти. Мени биронта ҳам одам танимайди, ҳамма менга юқоридан қарайди. Эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим.

Рейна

Эртаси куни эрта тонгда Жюльен кутубхонада ўтириб, хатларни қайта кўчирмоқда эди, бирдан ён томондаги деворда китоблар билан ниқобланган яширин эшик очилиб *м-ль** Матильда пайдо бўлди. Жюльен бу моҳирона кашфиётга қойил қолиб тикилар экан, *м-ль* Матильда йигитга ҳайратланиб қараб турар ва чамаси, уни бу ерда учратиб қолганидан жуда норози кўринар эди. Сочларига папильоткалар** қадаб олган қиз Жюльенга дағал, димоғдор ва ҳатто эркак кишига ўхшаб кўринди. *М-ль* де ля Мольтасининг кутубхонасидан яширинча китоб олиб юрар ва уйдагилардан биронтаси ҳам бундан беҳабар эди. Энди бўлса маълум бўлишича қиз бу ерга бекор келибди. Унга энг алам қиладиган жойи шу бўлдики, бугун у Вольтернинг «Вавилон маликаси» китобининг иккинчи томига келган эди. Бу китоб эса мустабидона ва юксак диний тарбияси билан фахрланувчи Исо қалби монастирида таҳсил кўрган қиз учун мuposиб қўлланма эди. Эндигина ўн саккиз баҳорни кўрган бу қиз энди оддий романлар билан қаноатланмай, бирор ўткирроқ асарни ўқишни истарди.

Соат учларга яқин кутубхонада граф Норбер пайдо бўлди: у, мабодо кечқурун сиёсатдан гап очилса, ноқулай

* *Мадемуазель* — шу сўз бундан буён қисқартирилиб берилади.

** *Папильотка* — сочи жингалак қилиш учун ишлатиладиган қогоз (*тарж.*).

аҳволда қолмаслик учун газета варақлаш ниятида кирган бўлиб, Жюльенни кўрганидан мамнун эканлигини айтди. Аслида эса у дунёда шундай одам борлигини аллақачон унутиб бўлган эди. У жуда хушмуомалалик билан Жюльенга от миниб сайр қилишни таклиф этди.

— Отам бизга пешинга қадар жавоб берди.

Жюльен «бизга» деган сўзнинг маъносини уқиб, завқланди.

— Ё худойим, жаноб граф, — деди Жюльен, — агар гап улкан бир дарахтни қулатиб, унинг пўстлогини шилиш ва тахта тилиб арралаш ҳақида кетганида эди, мен ўзимнинг нақадар шоввоз эканимни кўрсатиб кўярдим. Бироқ умрим бино бўлиб, нари борса, олти марта от минган бўлсам керак.

— Жуда яхши, бу энди еттинчиси бўлади, — дея жавоб қилди Норбер.

Веррьерда қиролни кутиб олинган кунни эслар экан, Жюльен ўзича, отни жуда яхши минаман, деб ўйларди. Бироқ Булон ўрмонидан қайтишар экан, Жюльен Бак кўчасининг энг гавжум жойида елиб келаётган кабриолетга чап бераман, деб отдан йиқилиб тушди ва бутун энгилбошини лойга булғаб олди. Яхшиямки унга иккита костюм тиктиришган экан. Тушки овқат пайти у билан гаплашмоқчи бўлган маркиз улардан қандай сайр қилишганини сўради. Норбер умумий бир гап айтиб, жавоб бериб кўя қолди.

— Жаноб граф менга чексиз мурувват кўрсатяптилар, — дея эътироз билдирди Жюльен. — Мен у кишидан бениҳоя миннатдорман ва марҳаматларини сира унутмайман. У киши менга энг ювош ва энг чиройли отни беришни буюрдилар, лекин бари бир мени отга боғлаб кўя олмасдилар-ку, шу боисдан ҳам мана шу узун кўчанинг қоқ ўртасида, шундоқ кўприкнинг олдида мен отдан қулаб тушдим.

М-ль Матильда, ўзини тутиб туришга қанчалик ҳаракат қилмасин, ниқиллаб кулиб юборди, кейин эса сира тортиниб ўтирмай бу воқеанинг тафсилотларини суриштира бошлади. Жюльен соддагиға қилиб бор гапни айтиб берди, шу боисдан ҳам гарчи ўзи сезмаган бўлса-да, ҳикояси жуда ёқимли чиқди.

— Бу аббатча тушмагурдан иш чиқадиғанга ўхшайди, — деди маркиз академикка қараб. — Бундай вазиятда ўзини шу қадар эркин тутадиган провинцияликни биринчи кўришим! Буниси ҳам етмагандай, бу воқеани хонимлар олдида ҳикоя қилаётганини айтмайсизми?

Жюльен бу кўнгилсиз воқеани ҳикоя қилиб тингловчиларини ўзига шу қадар ром қилиб кўйдик, тушликнинг

охирида умумий суҳбат бошқа мавзуга кўчганидан кейин ҳам м-ль Матильда ҳамон акасида бу воқеа тафсилотларини сўраб-суриштиришда давом этарди. Унинг саволларини эшитиб ўтирар экан, Жюльен бир печа марта қизнинг ўзига қараб қўйганини кўриб, гарчи у саволни акасига бераётган бўлса-да, унга ўзи жавоб қилишга журъат этди ва улар учовлашиб худди чекка бир қишлоқдаги оддий деҳқон болалари каби хахолаб кула бошланди.

Эртаси куни Жюльен улуҳият бўйича иккита лекция тинглади-да, сўнгра йиғирматача хатни қайта кўчирмоги лозим бўлган кутубхонага қайтди. Бу ерда у ўз столи ёнида жуда бананг кийинган, лекин ҳасадгўйлиги башарасидан шундоққина биллиниб турган жуда кўримсиз бир йиғитга дуч келди.

Шу пайт кутубхонага маркиз кириб қолди.

— Сиз бу ерда нима қиляпсиз, жаноб Тамбо? — дея сўради у жиддий оҳангда келгинди йиғитдан.

— Мен ўйловдимки... — дея гап бошлади йиғит ялтоқлик билан илжайиб.

— Йўқ, афандим, сиз ҳеч нимани ўйлаган эмассиз. Уринишингизни муваффақиятсиз чиқди, деб ҳисоблашингиз мумкин.

Еш Тамбо санчиб ўрнидан турди-да, аччиқланганича кутубхонадан ғойиб бўлди. Бу де ля Моль хонимнинг дўсти, анави академикнинг адабиёт соҳасига кирмоқчи бўлиб юрган жияни эди. Академик маркиздан уни секретарликка олишни илтимос қилганди. Тамбо алоҳида хонада ишларди, лекин у Жюльеннинг қандай имтиёзга эга эканлигини билгач, ўзининг ҳам кўнгли шундай имтиёздан фойдаланишни тусаб қолган ва бугун эрталаб барча ёзув анжомларини кўтарганича кутубхонага кириб келган эди.

Соат тўртда Жюльен, бир оз иккиланиб тургач, граф Норбернинг олдига киришга журъат этди. Граф от миниб сайрга чиқмоқчи бўлиб турган эди ва гоят хушмуомала одам бўлгани учун ҳам бирмунча ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Ўйлайманки, — деди у Жюльенга. — Сиз тез орада манежда сабоқ ола бошлайсиз, шунда бир неча ҳафтадан сўнг мен сиз билан бажонидил сайр қилгани чиқаверамаи.

— Менга кўрсатаётган илтифотингиз учун сизга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчи эдим. Сўзларимга ишонинг, тақсир, — дея қўшимча қилди Жюльен ниҳоятда самимият билан, — сиздан нақадар миннатдор бўлмогим лозимлигини жуда чуқур ҳис этяман. Агар кечаги укувсизлигим туфайли стингизга зиён етмаган бўлса, бугун ҳам уни миниб сайр қилсам, девдим.

— Майли, азизим Сорель, лекин йиқилиб майиб бўлсангиз, ўзингиздан кўринг. Эҳтиёткорлик юзасидан сизни огоҳлантириб қўйдим. Гап шундаки, соат тўрт бўлди, вақтни бой бермайлик бўлмасам.

— Йиқилмаслик учун нима қилиш керак ўзи? — дея сўради Жюльен ёш графдан улар отларга минишгач.

— Жуда кўп шарти бор бунинг, — деди жавобан Норбер хахолаб кулар экан. — Хўш, масалан, эгарда гавдангизни орқага ташлаб ўтирмоғингиз керак.

Жюльен отни йўрттириб кетди. Улар Людовик XVI майдониغا чиқишди.

— Оббо ботир-ей! — деди Норбер. — Экипажларнинг кўплигини кўряпсизми, уларни ўлгудай бепарво одамлар бошқариб боряпти. Йиқилиб тушсангиз борми, манови тильбюриларнинг бари сизни дарҳол босиб кетади: елиб бораётган отни бирдан тўхтатаман, деб сувлиқ билан унинг жағини йиртишни ким ҳам истарди дейсиз.

Норбер йигирма мартача Жюльеннинг отдан йиқилай-йиқилай деяётганини кўрди, лекин охир-оқибатда, сайр тинчлик билан тугади. Улар уйга қайтиб келишгач, ёш граф синглисига қараб деди:

— Марҳамат қилиб, ҳеч нарсадан қайтмайдиган дов-юрак одам билан танишиб қўйинг!

Овқатланиб ўтиришиб, столнинг нариги томонидаги отаси билан суҳбатлашаётган Норбер Жюльеннинг беқиёс жасоратини мақтай бошлади. Бироқ бу йигитнинг от минш санъатида мақтовга арзигулик ягона нарса эди. Ёш граф эрталаб ҳовлида отларни тозалаётган отбоқарлар Жюльеннинг йиқилиб тушганини ғийбат қилишгани ва адабсизлик билан унинг устидан кулишганини эшитган эди.

Ана шу барча илтифот ва хайрихоҳликка қарамай, Жюльен тезда ўзини бу оилада бутунлай ёлғиз ҳис эта бошлади. Бу ерда ҳукм сураётган қоида ва одатлар унга жуда ғалати бўлиб туюлар ва йигит дам-бадам уларни бузиб турарди. Хизматкорлар эса, у йўл қўйган хатоларни кўриб, оғизлари қулоқларига етарди.

Аббат Пиарар ўз қавмига жўнаб кетди. «Агар Жюльен тебраниб турган қўга бўлса, майли, ҳалок бўлаверсин, лекин матонатли одам бўлса, у ҳолда ўзига-ўзи йўл очсин», дея муҳокама юритарди у.

Де ля Моль хонадони

Бу ерда у нима қиляпти? Бу ер ёқадими ўзи унга? Ёки у ёқиб қолишга умидвор бўлиб кўнглига таскин бераптими?

Ронсар

Агар де ля Моль хонадонининг аристократик меҳмон-хонасидаги ҳамма нарса Жюльенни ҳайратга солаётган бўлса, қора костюм кийган бу рангпар йигитнинг ўзи ҳам унга эътибор берган барча одамларга жуда ғалати кўринмоқда эди. Де ля Моль хоним уйга баъзи меҳмонларни таклиф этганда Жюльенни иш билан бирор ёққа жўнатишни эрига таклиф қилди.

— Мен тажрибани охиригача етказмоқчиман,— дея жавоб қилди маркиз.— Аббат Пирарнинг айтишича, биз ўзимизга яқинлаштирган одамларнинг нафсониятини бўғиб, нотўғри иш қилар эканмиз. *Фақат қаршилик кўрсатган нарсагагина таяниш мумкин* ва ҳоказо гаплар. Манови йигит бўлса, бу ерда уни ҳеч ким танимагани учунгина ғалати кўриняпти, умуман олганда эса у гунгалак-ку ахир.

«Бу ердаги ишларни тушуниб олмоғим учун,— дерди ўзига-ўзи Жюльен,— бу хонадонга келиб турадиган одамлар исмини ёзиб қўймоғим ва ҳар бирининг феъл-атворини икки оғиз сўз билан қайд этмоғим лозим бўлади».

Биринчи навбатда у хонадоннинг дўсти бўлмиш бешолти одамнинг номини ёзиб қўйди. Бу одамлар, маркиз инжиқлик юзасидангина унга ҳомийлик қиляпти, деб ҳисоблашар ва ҳар эҳтимолга қарши йигитнинг кўнглини олишга ҳаракат қилишар эди. Улар ночор ва арзимас одамлар бўлиб, озми-кўпми хушомад қилишгани қилишган эди, бироқ шуни ҳам тан олиш керакки, замонамизнинг аристократик салонларида учраб турадиган бу тоифа одамлар ҳаммага ҳам баробар ялтоқилик қилишавермасди. Масалан, улардан кўпчилиги маркизнинг ҳар қандай муомаласига ҳам бардош бераверишарди-ю, аммо де ля Моль хонимнинг қўрсроқ қилиб айтган бир оғиз сўзига қарши исён кўтаришарди.

Уй эгалари ўз табиатларига кўра жуда мағрур ва зикна одамлар бўлиб, кўнгилхуши учун ҳам атрофдагиларни камситишга ўрганиб қолишганди. Шу боисдан ҳам уларнинг ҳақиқий дўстлари йўқ эди. Лекин ёмғир ёққан ва аҳён-аҳёнда ўлгудай зериккан пайтларини ҳисобга олмаганда, улар ўз меҳмонларига гоёт хушфасъллик билан муомала қилишарди.

Агар Жюльенга оталарча меҳрибонлик қиладиган анави беш-олти лаганбардор де ля Моль хонадонидан қадамини тортгудек бўлса, маркиза хоним узоқ вақт ёлғиз қолишга маҳкум бўлур эди, бу тоифа аёлларнинг назарида эса ёлғизлик — даҳшатли нарса: бу ҳеч кимга *ёқмай қолиш* тимеолидир.

Маркиз хотинига жуда ғамхўр эди: у маркиза хонимнинг салони доим муносиб равишда меҳмонларга тўла бўлишининг тадоригини кўриб қўярди. Тўғри, у нэрларни тақлиф қилмасди, зеро маркиз бу янги ҳамкасбларини бемалол келиб-кетиши учун етарли даражада асилзода эмас, шу билан бирга паст табақа кишиси сифатида илтифот кўрсатмоқ учун унчалик майнабоз ҳам эмас, деб ҳисобларди.

Дарвоқе, бу сирларни Жюльен анча кейин тушуниб қолди. Буржуа хонадонларида сўхбат учун одатдаги мавзу бўлган олий сиёсат маркиз мансуб бўлган сифда фақат мусибатли дамлардагина муҳокама қилишарди.

Вақтичоғлик қилмоқ истаги ҳатто бизнинг диққинафас асримизда ҳам шу қадар кучлики, ҳатто маҳсуе зиёфат кунларида ҳам, маркиз меҳмонхонани тарк этган заҳоти, ҳамма бир зумда тарқаб кетарди.

Сўхбат чоғи яратган парвардигор, руҳонийлар, нуфузли кишилар ва сарой ўз ҳомийлигига олган артистлар, — хуллас, узил-кесил ҳал этиб қўйилган барча нарсалар устидан кулиб бўлмасди; Беранже, оппозицион газеталар, Вольтер, Руссо, умуман хиёл бўлса-да, эркин фикрнинг иси келиб турган бирон нарсани мақташ мумкин эмасди, энг муҳими эса — сиёсат ҳақида гапиришга сира ҳам йўл қўйилмасди, бўлак барча нарсалар тўғрисида бемалол гапиравериш мумкин эди.

Салонларда ўрнашиб қолган бу қондани бузишга на юз минглик даромад, на зангори лента ҳуқуқ берарди. Сал бўлса-да, эркин фикр айтиш қўполликдек туюларди. Бо-адаблик, хушмуомалалик атрофидаги одамларга ёқиш истагига қарамай, барчанинг юзида зериккиш аломатини сезиш мумкин эди. Бу меҳмонхонага мажбуран келиб турадиган йигитлар бирон фикрга эга эканликда ёки биронта

тақиқланган китобни ўқиганликда айблашларидан чўчиб, Россияни ҳақида, бугунги об-ҳаво тўғрисида бир-икки оғиз чиройли гап айтишарди-да, сўнг жимиб қолишарди.

Жюльен суҳбатни одатда жаноб де ля Моль муҳожирликда дўстланиб қолган иккита виконт билан бешта барон қизитаётганига бир неча бор ишонч ҳосил қилган эди. Бу жаноблар олти мингдан саккиз минг ливргача рентага эга эдилар, улардан тўрттаси «Кундалик» қа, қолган учтаси эса «Француз газетаси»га ёзилишганди. Улардан бири доим «ажойиб» сўзи тўлиб-тошган биронта янги сарой латифасини айтиб юрарди. Жюльен ўша жанобнинг бешта ордени борлигини кўрди, бошқалариники эса тахминан учтадан эди.

Дахлизда эса уқали камзул кийган ўнта малай тайёр турарди ва бутун кеча давомида ҳар чорак соатда чой ёки мержоний тортиларди, ярим кечада эса шампань виноси билан энгилгина кечки овқат тамадди қилинарди.

Шу боисдан ҳам Жюльен баъзан кечанинг охиригача ўтирарди, умуман олганда эса у зарҳал югуртилган бу серхашам меҳмонхонада олиб бориладиган суҳбатларни қандай қилиб жиддий равишда тинглаш мумкинлигини сира тушуна олмасди. У гоҳо, бу гапларнинг барини калака қилиб айтишмаяптимики, дея шубҳага бориб, суҳбатдошларнинг юзига тикилиб қарарди. «Ўзим ёддан биладиган жаноб де Местр,— дея хаёл сурарди у,— булардан юз чандон яхшироқ гапирарди, лекин у ҳам баъзан одамни ўлгудай зериктириб юборарди».

Бироқ бу маънавий бўғилишдан ёлғиз Жюльенгина азоб чекмасди. Баъзилар тинимсиз мержоний еб таскин топишар, бошқалар эса кейинроқ, кечқурун: «Тўғри де ля Молниқидан келяпман. Биласизми, айтишларича, Россия...»ва шунга ўхшаш гапларни айтишни ўйлаб хурсанд бўлишарди.

Лаганбардорларнинг биридан Жюльен бундан атиги ярим йил муқаддам, ўз хонадонига йпигрма йилдан кўпроқ вақт давомида содиқ бўлиб келгани учун мукофот тариқасида, де ля Моль хоним бечора барон ле Бургиньонни префект лавозимига кўтариб қўйганини билиб олди. Бўлмасам, ўша барон боёқиш Реставрация бошидан бери префектга ёрдамчилик қилишдан нарига ўтмаган экан.

Бу улуг воқеа мазкур жанобларнинг ғайратига ғайрат қўшиб юборди: улар илгари ҳам унча-мунча нарсага хафа бўлишмасди, энди эса ҳеч нимага хафа бўлмай қўйишди. Дарвоқе, ахён-ахёндагина уларга нисбатан очикдан-очик илтифотсизлик қилинарди, бироқ Жюльен икки-уч марта

маркиз билан хотини ўртасидаги шундай гапларни эшитиб қолдики, бу гаплар уларнинг ёнида ўтирган одамларга анча оғир ботарди. Бу асилзода жаноблар аجدодлари *қиролнинг каретасида юргани* билан мақтана олмайдиган ҳар қандай одамни ҳам назарга илмасликларини яширмас эдилар. Жюльен яна фақат *салб юришлари* тилга олинганидагина уларнинг жиддийлашишлари ва юзларида чуқур хурматиззат туйғуси ақс этишини пайқаб қолди. Уларнинг одатдаги хурмати эса қандайдир илтифотнамо руҳда бўларди.

Ана шу ҳашамат ва хунобгарчилик ичра Жюльен фақат жаноб де ля Молнинг ўзигагина қизиқиб қарарди. Бир куни у маркизнинг кимгадир, анави боёқиш де Бургиньоннинг кўтарилишига ҳеч қандай алоқам йўқ, деганини эшитиб, ичида анча хурсанд бўлди. Бу маркизага кўрсатилган меҳрибонлик эди; Жюльен аббат Пирардан ҳақиқатни билиб олган эди.

Бир куни эрталаб аббат маркизнинг Фрилер билан охири кўринмайдиган даъволашувига тааллуқли ҳужжатларни тартибга солиб, Жюльен билан бирга кутубхонада ишламоқда эди.

— Тақсир, — деди дафъатан Жюльен, — ҳар куни маркизнинг дастурхонидан овқатланиш менинг вазифамга кирадими ёки бу менга кўрсатилган мурувватми?

— Катта хурмат бу! — дея зардаси қайнаб қичқирди аббат. — Ўн беш йилдан буён бу хонадоннинг садоқатли дўсти жаноб Н... академик, шунча вафодорлиги билан қанча ҳаракат қилмасин, ўз жияни, жаноб Тамбони бу шарафга муяссар эта олмади.

— Менинг учун эса, тақсир, бу вазифаларим ичида энг азиятлиси бўлиб қолди. Ҳатто семинарияда ҳам бу қадар зерикмас эдим. Баъзан ҳатто мадемуазель де ля Молнинг ҳам эснаётганини пайқаб қоляпман. Бўлмасам у хонадон дўстларининг назокатларига кўниқиб кетиши керак эди. Доим ухлаб қоламанми, деб кўрқаман. Барака топинг, қирқ суга овқатланиш мумкин бўлган энг наст ошхонага бориб тамадди қилишимга рухсат олиб берсангиз.

Насл-насаби бўйича оддий мешчаи аббат аржони давлат билан бир дастурхондан овқатланишни катта шараф деб ҳисобларди. У Жюльенга ҳам шу туйғуни сингдиришга ҳаракат қилар экан, ниманингдир шитирлаб кетгани икковини ҳам ўгирилиб қарашга мажбур этди. Жюльен уларнинг суҳбатини индамай тинглаб турган м-ль де ля Молни кўриб қолди-ю, қип-қизариб кетди. Қиз бу ерга китоб олгани келган ва ҳамма гапни эшитиб олган эди; у дилида Жюльенга нисбатан бирмунча хурмат ҳис этди. «У тиз чўкиб яшаш»

учун дунёга келмаган экан, дея ўйлади у. — Манови аббат чол эса бутунлай бошқа гап. Ё худоим! Бунча хунук бўлмаса!»

Тушки овқат пайти Жюльен м-ль де ля Молнинг юзига қарашга юраги дов бермай ўтирди, бироқ қиз илтифот кўрсатиб, унга ўзи мурожаат қилди. Уша куни бир талай меҳмонлар келиши керак эди, шу боисдан ҳам у Жюльенга меҳмонхонада қолишни таклиф қилди. Парижлик ёш қизлар кекса одамларни унча хуш кўришмасди, улар айниқса ташқи қиёфасига эътибор бермай қўйган қарияларни ёқтиришмайди. Жаноб ле Бургиньоннинг бу меҳмонхонага танда қўядиган ҳамкасблари м-ль де ля Молнинг битмас туганмас ҳазил-мутойибалари учун нишон эканликларини аллақачон тушуниб олмоқ учун Жюльендан алоҳида зийраклик талаб этилмасди. Бугун қиз ўзини кўрсатмоқчи бўлди, йўқми, лекин у манови ноқуш жанобларга нисбатан жуда шафқатсиз эди.

М-ль де ля Моля деярли ҳар кеча маркиза савлат тўкиб ўтирадиган кресло орқасида тўпланувчи кичкина тўгаракнинг маркази эди. Одатда бу ерга маркиз де Круазнуа, граф де Кайлюс, виконт де Люз ва Норбер билан синглисининг дўстларидан икки-уч ёш офицер тўпланишарди. Бу ёшларнинг бари катта зангори диванда жойлашиб олишарди. Жюльен одатда диваннинг олдида, гўзал Матильданинг шундоқ рўпарасидаги пастаккина тўқима креслода индамай ўтирарди. Бу оддийгина жойга Матильданинг барча мухлислари ҳавас қилишарди; бироқ Норбер отасининг секретари билан бир-икки оғиз гаплашар ёки бутун кеча давомида уни бир-икки марта эслар экан, Жюльенни доим шу креслога ўтқазиб қўярди. Бу кеча м-ль де ля Моля Жюльендан, Безансон қалъаси жойлашган тепаликнинг баландлиги қанча келади, дея сўраб қолди. Аммо Жюльен унга бу тепанинг Монмартрдан паст ёки баландлигини айтиб бера олмади. У бу кичик тўгаракда айтиладиган қизиқ гапларга дам-бадам чин кўнгилдан кулиб ўтирарди. Аммо шунга ўхшаш бирор гап ўйлаб топишга ўзини мутлақо ожиз ҳис этарди. Унинг учун бундай гаплар ўзи тушунадигану, аммо гапира олмайдиган аллақандай хорижий тилга ўхшаб кетарди.

Бугун Матильданинг дўстлари бу катта меҳмонхонада пайдо бўлаётган ҳар қандай одамни ҳам кесатиқ гаплар билан қарши олишмоқда эди. Биринчи навбатда хонадоннинг дўстлари балого қолишди: тўгарак аъзолари уларни яхшироқ билишарди. Жюльен бу гапларни қандай диққат билан эшитишини бемалол тасаввур қилиши мумкин эди.

ҳамма нарса — бу ҳазилларнинг яширин маъноси ҳам, киноя қилиш услубининг ўзи ҳам унга жуда қизиқ туюларди.

— А-а! Мана, Декули жаноблари ҳам етиб келдилар, — деди Матильда. — Буни қарангки, парик киймай келибди, у ўзининг ноёб ақли ёрдамида префект бўлиб олмоқчи шекилли, шу боисдан ҳам ўзининг таъбири билан айтганда, «юксак гоёлар» гужгон ўйнаётган кал бошини кўз-кўз қиланти.

— Бу одамнинг танимаган кишиси йўқ, — дея гап қотди маркиз де Круазнуа. — У менинг кардинал амакимши-кига ҳам бориб туради. У ҳар қандай дўсти ҳақида ҳам истаган ёлгон-яшиқни тўқиши ва бу уйдирмага йиллар давомида одамларни ишонтириб юриши мумкин, дўстларининг сони эса икки юз ёки уч юзга бориб қолади. У дўст тутинишга жуда уста, бу унинг истеъдоди. Худди ҳозир кўриб турганингиздек, у қиш кезлари эрталаб соат еттидан бошлаб дўстларидан биронтасининг эшигига ёпишиб олади.

Баъзан у биронта дўсти билан аразлашиб қолади ва алоқани бутунлай узиш учун етти-сақкизта хат ёзади. Кейин у ўша дўсти билан ярашади ва шундан сўнг чексиз дўстлик туйғуларини изҳор қилиб, яна етти-сақкизта мактуб битади. Лекин у камолотга эришган ва катта маҳорат кўрсатадиган нарса — бу кўнгли очиқ, ҳалол одамнинг оташин дил изҳоридир. У бирон нарса ҳақида илтимос қилмоқчи бўлганида шу усулни қўллайди. Амакимнинг катта викарийларидан бири жаноб Декулининг Реставрациядан сўнгги ҳаёти ҳақида жуда аломат ҳикоя қилади. Бирор кун мен уни сизларникига бошлаб келаман.

— Мен негадир бундай ҳикояларга унча ишонмайман, менимча, бу пасткаш одамларнинг бир-бирини кўролмаслиги холос, — деди граф де Кайлюс.

— Жаноб Декулининг номи тарихда қолади, — дея эътироз билдирди маркиз, — у аббат Прадт ҳамда Талейран ва Поццо ди Борго жаюоблари билан бирга Реставрацияни амалга оширган.

— Бу одам бир вақтлар миллион-миллион маблаг билан иш кўрган, — деди Норбер, — унинг нима сабабдан отамнинг баъзан жуда ҳаддидан ошиб кетадиган аскияларига дош бериб, бу ерга танда қўйишини сира тушуна олмайман. Бир куни отам менинг олдимда, столнинг нариги томонидан туриб: азизим Декули, дўстларингизга неча марта хоинлик қилгансиз, дея қичқирсалар бўладими!

— Унинг хоинлик қилгани ростми? — дея сўради м-ль де ля Моль. — Лекин бу замонда ким хоинлик қилмайди?

— Бу қанақаси? — деди граф де Кайлюс Норберга. — Анови машҳур либерал жаноб Сенклер сизларникига келиб турадимиз? Бу ерда нима қилади у? Бориб уни гапга солиш керак, уни жуда ақлли одам дейишади.

— Лекин онанг уни нима учун қабул қиладилар? — дея сўради жаноб де Круазнуа. — Ахир бу одам аломат го-яларни илгари суриб, дадил ва мустақил фикр юритади-ку.

— Уша мустақил одамигизнинг жаноб Декулига икки букилиб таъзим қилишини, қўлидан ушлашни бир кўриб кўйинг, — деди м-ль де ля Моль. — Ҳозир қўлидан ўпиб оладими, деб ўйловдим.

— Назаримда, Декули аркони давлатлар билан биз ўйлагандан яқинроқ муносабатда бўлса керак, — дея эътироз билдирди жаноб де Круазнуа.

— Сенклер бу ерга академияга аъзо бўлиб олиш учун келади, — деди Норбер. — Унинг барон Л. га қандай таъзим қилишини бир кўринг-а, Круазнуа.

— Ундан кўра тиз чўка қолса бўлмайдими, — деб гапни илиб кетди жаноб де Люз.

— Азизим Сорель, — деди Норбер, — сиз ақлли одам-сиз, лекин сиз қадрдон тоғларингизни яқиндагина тарк этгансиз, лекин ҳеч қачон манови буюк шоирга ўхшаб таъзим қилмасликка ҳаракат қилинг. Хатто худоси бўлса ҳам.

— А-а! Мана ақл бобида беқиёс жаноб барон Батон, — дея эълон қилди м-ль де ля Моль ҳозиргина бароннинг келганидан хабар берган малайнинг товушига хиёл тақлид этиб.

— Назаримда хатто хизматкорларингиз ҳам унинг устидан кулишаётганга ўхшайди. Хўп исми бор-да — барон Батон! — деди жаноб де Кайлюс.

— «Исм нима дегани ўзи?» — деди у яқинда бизга, — дея гапни илиб кетди Матильда. — «Герцог Бульонскийнинг исмини биринчи марта эшитганингизни бир тасаввур қилиб кўринг-а, одамлар шунчаки менинг исмимга ҳали етарли даражада кўникишмаган холос»...

Жюлен диван олдидаги жойини тарк этди. У ҳали енгил истеҳзонинг позик томонларини яхши тушунмас ва қочирик гап асосли бўлгандагина кулиш мумкин, деб ҳисобларди. Манови ёшларнинг ҳазил-мутойибаларини у дунёдаги ҳамма нарсани қўпол равишда ҳақорат қилиш деб ҳисоблар ва бундан қаттиқ ғазабланар эди. У ўзининг провинциаллиги, салкам инглизлардек қоиданараствлиги туфайли хатто, бу ёшлар ҳасад қилишмаяптимикин, деб шубҳа қилишга ҳам тайёр эди. Лекин у янглишарди,

албатта. «Мен граф Норбернинг ўз полковнигига хат ёза туриб, учта хонакани йиртиб ташлаганини ўз кўзим билан кўрганман, — дерди у ўзига-ўзи. — Агар у ҳаётида бирон марта жаноб Сенклердек қилиб бир саҳифагина ёза олганида боши осмонга етган бўларди».

Мавқеи пастлиги туфайли Жюльен ҳеч кимнинг эътиборини ўзига тортмай, бир гуруҳ олдидан иккинчи гуруҳ олдига ўтиб юрарди. У барон Батонни узоқдан кузатар экан, унинг нима ҳақда гапирётганини эшитгиси келиб қолди. Ўзининг зукко ақли билан машҳур бўлган бу одам анчайин ташвишли кўринарди. Жюльеннинг пайқашича, у уч-тўртта кулгили гап ўйлаб топганидан кейингина кўнгли жойига тушди. Жюльенга шу тахлит ақл бир оз эркинликка муҳтождек туюлди.

Баронни аскияга уста одам деб бўлмасди, у ўзини кўрсатмоғи учун ҳеч бўлмаганда ҳар бири олти мисрадан иборат тўртта жумла айтмоғи лозим эди.

— Бу одам сўзлашмайди, у гап сотади, — деди Жюльеннинг ортида аллаким. У орқасига ўгирилиб қаради-ю, граф Шальвенинг номини тилга олишганини эшитиб, хурсанд бўлиб кетди. Граф Шальве ўз замонасининг энг ақли ўтқир одамларидан эди. Жюльен унинг номини «Муқаддас Елена мемориали» ва Наполеоннинг тарихий эсдаликларида бир неча бор учратган эди. Граф Шальве қисқа гапирарди, унинг аскиялари чақмоқдек ўтқир, чуқур ва шиддатли бўларди. Агар у бирор иш юзасидан музокара бошласа, сиз шу заҳоти ишнинг олға силжиётганини кўрардингиз. У дарҳол далил-исботларни келтирар ва унинг сўзини тинглаган одам маза қиларди. Сибсат бобида эса у шарм-ҳаё деган нарсани бир четга йиғиштириб қўярди.

— Биласизми, мен мустақил одамман, — дерди у ўзи очиқ-ойдин маза қилаётган уч юлдузли жанобга. — Нега эди мендан бундан бир ярим ой илгары қандай ўйлаган бўлсам, бугун ҳам шундай ўйлашимни талаб қилинади? Агар шундай бўлса, мен ўша фикримнинг қули бўлиб қоламан-ку ахир.

Унинг атрофида турган тўртта жиддий йиғит башараларини бужмайтиришди: бу жаноблар ҳазил-хузул гапларни унча ёқтиришмасди. Граф ҳаддидан ошириб юборганини тушуниб қолди. Аммо шу пайт бахтига у соф виждонли жаноб Балланни кўриб қолди. Бу одамнинг ҳалоллиги Тартюфдек тилларда дoston бўлганди. Граф у билан гаплаша бошлаган эди, одамлар дарҳол уларни ўраб олишди, боёқини Балланни ҳозир расвой радди маърака

қилишларин ҳаммага аён эди. Ҳозирнинг юксак ахлоқи ва на-
сихатгўйлиги туфайли ўлғудай бадбуруш бўлишига қара-
май, жаноб Баллан киборлар жамиятидаги тасвирлаш қи-
йиш бўлган биринчи қадамларидан кейиниқ жуда бадавлат
бир бева хотинга уйланган эди. Ҳша хотин тез орада банд-
ликни бажо келтирди, сўнгра жаноб Баллан яна худди
шундай бадавлат хотинга уйланди. Аммо бу хотинни жами-
ятда ҳеч ким кўрмаган эди. Энди у ўзига хос мўминлик би-
лан олтмиш минглик рентага ҳузур-ҳаловатда яшар экан,
ўзи ҳам ҳушомадгўйлар орттириб олган эди. Граф Шальве
рахм-шафқат қилиб ўтирмай, у билан ана шу ҳақда гап-
лаша бошлади. Тез орада уларнинг атрофига ўттиз чоғлиқ
одам йиғилди. Барча жилмаярди, ҳатто асримизнинг умиди
бўлмиш анави жиддий йиғитлар ҳам кулгиларини яширол-
май туришарди.

«Нега у бу ерга, жаноб де ля Молникига келиб юрар-
кин? Ахир бу ерда уни ҳамма масхара қиляпти-ку», дея
ўйлади Жюльен. Сўнгра у буни сўрамоқчи бўлиб аббат Пи-
рарнинг олдига борди.

Жаноб Баллан бир зумда гойиб бўлди.

— Зўр иш бўлди-ю! — деди Норбер. — Шундай қилиб
отамнинг жосусларидан бири гойиб бўлди, энди фақат
анави чўлоқ Папельгина қолди.

«Жумбоқнинг учи шу ерда эмасмикин? — дея хаёлидан
ўтказди Жюльен. — Лекин у ҳолда нега маркиз жаноб Бал-
ланни қабул қилади?»

Бадфелл аббат Пирар қовоғини солганича малайнинг
кириб келаётган меҳмонларнинг исми шарифини эълон
қилишига қулоқ солиб бир четда турарди:

— Бу ер гирт фаҳшхонанинг ўзи-ку! — дея хитоб
қиларди у Базилиога ўхшаб. — Бу ерга фақат бадном одам-
лар келишар экан.

Гап шунда эдики, боёқини аббат ҳақиқий киборлар
жамиятининг қандай бўлишини билмасди. Бироқ, у янсе-
нист дўстлари орқали бирваракайинга барча партияларнинг
кўнглини топишга ниҳоятда усталлиги ёки шубҳали йўллар
билан орттирган бойлиги туфайли барча меҳмонхоналарга
кира оладиган бу одамлар ҳақида жуда аниқ маълумотга
эга эди. Бугун кечқурун у Жюльеннинг кетма-кет берган
саболларига тўлқинланиб жавоб бериб турди-да, сўнгра бир-
дан барча одамлар ҳақида фақат ёмон гап айтишдек гувоҳ-
га ботаётганини сезиб қолиб, жпм бўлди. Христианларча
рахм-шафқат таълимотига эътиқод қўйган бу баджаҳл
янсенист дунёвий ҳаёт ичида яшар экан, муттасил равишда
ўзи билан ўзи курашини мажбур бўлмоқда эди.

— Анови аббат Пирарнинг башараси бунча хунук бўл-
маса,— деди м-ль де ля Моль Жюльен яна диван ёнига
қайтиб келгач.

Гарчи қиз, албатта, ҳақ бўлса-да, Жюльеннинг жаҳли
чикди. Аббат Пирарнинг бу меҳмонхонада энг ҳалол одам
эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди, бироқ унинг ҳозир
виждон азоби акс этиб турган қизил доғли юзи чиндан ҳам
жуда хунук кўринарди. «Шундан сўнг физиогномикага
қандай ишониш мумкин ахир,— дея ўйлади Жюльен.—
Мана ҳозир қандайдир арзимас бир нарса учун аббат Пи-
рарнинг виждони азоб чекапти ва шунинг учун ҳам у жуда
хунук кўринаяпти. Анави барчага маълум жосус Напъеннинг
юзига эса маъсум бир табассум жилвалаяпти». Аббат ҳар
қалай ўз сафдошларининг маифаатлари учун кўпгина
нарсаларда уларга ён берганди — у хизматкор ёллаган ва
жуда яхши кийинга бошлаган эди.

Жюльенга бирдан меҳмонхонада нимадир содир бўлаёт-
гандек туюлди: ҳамма гапирришдан тўхтаб, эшик томон
қаради. Малай сайловлар пайти барчанинг эътиборини
ўзига қаратган машҳур барон де Толлиннинг номини эълон
қилди. Жюльен яқинроқ борди-да, баронни яхшилаб кўриб
олди. Барон сайлов коллегияларидан бирининг раиси бўл-
ган пайтида миясига ажойиб бир фикр келиб қолган
экан — у сайловчилар партиялардан бирига овоз бериб,
қутига ташлаган қогозларни яшириб қўйибди. Камомад-
нинг ўрнини тўлдирмоқ учун эса у аста-секин уларнинг
ўрнига ўзига ёқимлироқ бўлган ием ёзилган бошқа қогоз-
ларни қутига ташлай бошлабди. Бироқ баъзи сайловчилар
бу мардона ҳийлани сезиб қолишибди. Улар, турган гап,
барон де Толлига ўз таҳсинларини барала айтишибди.
Боёқниш барон бу ажойиб найрангидан сўнг ҳали ўзига
келмаганди.— у анча сўлгин кўринарди. Баъзи гийбатчи
одамлар, унинг қамоқда ётиб чиққани ҳақида гапирмоқда
эдилар. Жаноб де ля Моль уни жуда совуқ қабул қилди.
Шундан сўнг бечора барон бир зумда гойиб бўлди кўйди.

— У жаноб Конт¹ хузурига шошилаётган бўлса керак,
шунинг учун бир зумда гойиб бўлди.— деди граф Шальве.
Бу гапдан ҳамма хахолаб кула бошлади.

Барча, яқинда министр бўлади, деб башорат қилаётган
жаноб де ля Молнинг меҳмонхонасига тўпланган индамас
мансабдорлар ва ёмон ном чиқарган, аммо ўткир ақли
билан шуҳрат қозонган одамлардан иборат бу сержило
жамиятда бугун биринчи марта ён Тамбо ҳам иш кўрсат-

¹ Машҳур фокусчи (автор изоҳи).

моқда эди. Тўғри, унга фикр теранлиги етишмасди, бироқ бунинг ўрнини Тамбо шиддатли мулоҳазалари билан қоплашга ҳаракат қилардики, буни биз қўйида яққол кўрамиз.

— Бу одамни ўн йилга қамоққа тикилса нима қилади? — дея гап сотарди у Жюльен ўша тўда ёнига борган пайтда. — Газандаларни зиндоннинг энг тубида сақлаш керак, токи ўша ерда улар тўнгиз кўпсинлар, акс ҳолда ҳамма ёққа заҳар сочиб, жуда хавфли бўлиб қоладилар. Унга минг эю жарима солгандан нима фойда? У камбағалми? Шундай ҳам бўлсин, жуда яхши, лекин жаримани унинг учун тўдаси тўлаб юборади. Йўқ, унга беш юз франк жарима солиб, кейин ўзини ўн йил муддат билан зиндонга тикиш керак.

«Ё раббим! Қандай махлуқ ҳақида гаплашяпти улар?» — дея ўйлади Жюльен касбдошининг қўлларини силкитганича жазавага тушиб сўзлашидан ҳайрон бўлар экан. Академик жиянининг сўлгин башараси шу тобда чиндан ҳам жуда жирканч кўринар эди. Тез орада Жюльен Тамбо замонанинг буюк шоири ҳақида гапираётганини тушуниб қолди.

«Вой газанда-ей! — дея хитоб қилди у газабдан кўзларига ёш келиб. — Вой ифлос махлуқ-ей! Қараб тур ҳали, сенга шу сўзларингни бир эслатайки».

«Мана улар, бошқалар қатори маркиз ҳам раҳбарлик қиладиган партиянинг адашган фарзандлари, — дея ўйларди у. — Бу ерда роса ёмонлашаётган анави улуг одам эса, — агар у жаноб Нервалнинг министрлигидаги ланашанглар у ёқда турсин, унинг озми-кўпми ҳалолроқ ўтмишдошига сотилганида борми, — ҳамма ёғи орденга тўлиб, бирор ёғли ишнинг тепасида турган бўларди».

Аббат Пирар узоқдан Жюльенни имлаб чақирди, ҳозиргина жаноб де ля Моль у билан нима ҳақдадир гаплашган эди. Бироқ Жюльен бу пайтда одоб билан пастга қараганича аллақайси епископнинг нола-ҳасратлари тингламоқда эди. Ниҳоят, ўша епископ унга жавоб бериб, Жюльен ўз устозининг ёнига яқинлашганида аббатнинг олдида анави манфур суллоҳ Тамбо пайдо бўлган эди. Бу разил Жюльеннинг алоҳида мавқеига эга бўлишида аббатни айбдор деб ҳисоблагани учун ҳам уни ёмон кўрар ва худди шу бонсдан ҳам жаноб Пирарнинг олдида шундай ялтоқлик қиларди.

— Қачон анави алмисоқдан қолган ўлаксининг кунни битиб, биз ундан халос бўламиз ахир! — бу қаламқаш муҳтарам лорд Голланд ҳақида худди ана шундай пайгамбарона бир жўшқинлик билан гапиришни лозим

кўради. Лекин таъ олин керакки, у замонавий арбобларнинг таржимаи ҳолини жуда яхши биларди ва ҳозиргина Англиянинг янги қироли кўл остида бир оз нуфузга эга бўлиши мумкин бўлган барча одамларни бирма-бир санаб чиққан эди.

Аббат Пирар кўшни меҳмонхонага ўтди. Жюльен унга эргашди.

— Сизни огоҳлантириб қўяй: маркиз истасьдодсиз қаламкашларни ёқтирмайди. У ёмон кўрадиган ягона нарса ана шу. Майли, агар кўлингиздан келса, лотин, грек тиллари, Миср ва Эрон тарихи ва шунга ўхшаш бўлак фанларни билаверишингиз мумкин, у сизни олим сифатида ҳурмат қилиб, сиздан марҳаматини аямайди. Аммо француз тилида бир саҳифа ҳам ёзишдан сизни худо сақласин, айниқса сизнинг жамиятда тутган ўрнигизга муносиб бўлмаган жиддий материялар тўғрисида ёза кўрманг, у дарҳол сизни нуноқ қаламкаш деб атайди-ю, ёмон кўради қўяди. Наҳот арқоши давлатнинг хонадониде яшаб туриб, шу пайтгача герцог де Кастрининг д'Аламбер ва Руссо ҳақида: «Ҳамма нарса ҳақида мулоҳаза юритишни истайдилар, аммо ўзларининг мнинг экио ҳам ренталари йўқ», дея айтган машҳур гапини билмасангиз?!

«Демак, бу ерда ҳам, — дея ҳаётидан ўтказди Жюльен, — худди семинариядаги каби ҳамма нарса маълум бўлар экан!» Бир куни у юксак услубда беш-ўн қоғозни қоралаб қўйган эди. Бу, Жюльеннинг ўзи эътироф қилишича, уни одам қилган кекса табиб номига мадҳиядек бир нарса эди. «Лекин ўша дафтарчам доим тортмада қулфдоқ турар эди-ку ахир!» — дея ўзича хитоб қилди Жюльен. Аммо у шу заҳоти ўз хонасига кириб, кўлёмани еқиб юборди-да, меҳмонхонага қайтди. Басавлат муттаҳамлар гойиб бўлиб, фақат орден таққан нуфузли зотларгина қолишганди.

Хизматкорлар меҳмонхонага ясатиб олиб кирган стол атрофида ўттиз ёшдан ўттиз бешгача бўлган етти-саккизта энг асилзода, жуда тақводор ва такаббур хонимлар ўтиришган эди. Меҳмонхонага шу қадар кечикиб келгани учун узр сўраганича маршал де Фервакнинг гўзал рафиқаси кириб келди. Вақт ярим кечадан охиб қолган эди. У маркизаниннг ёшига бориб ўтирди. Жюльеннинг қалбини чуқур ҳаяжон қамраб олди: бу аёлнинг кўзлари ва нигоҳ ташлаши де Реналь хошимийкига жуда ҳам ўхшаб кетарди.

М-ль де ля Молнинг тўғараги ҳали анча гавжум эди. Қиз ва унинг дўстлари бечора граф де Талерни завқ билан

калака қилишмоқда эди. Бу беҳисоб бойлиги билан машхур бўлган яҳудийнинг ёлғиз ўғли эди. У бу бойликни халқларга қарши кураш олиб бориш учун қиролларга пул қарз бериб юриб орттирганди. Яҳудий яқинда қазо қилган бўлиб, ўғилчасига ойнига юз минг экю рента ҳамда афсуски ёмон ном чиқарган исми шарифини мерос қолдирган эди.

Бундай галати аҳволга тушиб қолган одам ё жуда соддадил ёки иродаси мустаҳкам бўлмоғи лозим. Граф соддадил эди-ю, лекин бахтга қарши лаганбардорларнинг таъсирида ўзига анча бино қўйганди.

Жаноб де Кайлюснинг таъкидлашича, граф де Талер лаганбардорларнинг маслаҳати билан бўлажак герцог ва юз минг ливр рентанинг эгаси маркиз де Круазнуа кўнглини овламоқчи бўлиб юрган м-ль де ля Молга совчи қўймоқчи экан.

— Эҳ, унда шундай истак тугилиб қолгани учун у кишини айбситманглар, — деди гўё раҳми келган киши бўлиб Норбер.

Бечора граф де Талерга, чамаси, чиндан ҳам худди ана шу ишташ қобилияти етишмасди. Ўз характерининг ана шу хусусиятига кўра у қироллик тахтига муносиб одам эди. У дунёдаги барча одамлар билан маслаҳатлашар, бироқ олган маслаҳатини ниҳоясига етказмоқ учун ҳеч қачон матонати етишмасди.

— Унинг башарасини кўришим биланоқ қотиб-қотиб кулгим келади, — деди м-ль де ля Моль. Безовталиқ ва кўнгил қолишнинг таройиб ифодаси акс этган бу башарада баъзи-баъзида бирдан Франциядаги энг бадавлат кишига ва айниқса ёши ўттиз олтидан ошмаган хушрўйгина йигитга муносиб равишда виқорли ва шижоатли бўлиб кўришнингга уриниш аломатлари сезилиб қоларди. «Тортинчоқ сурбет», дерди уни жаноб де Круазнуа. Граф де Кайлюс, Норбер ва яна икки-уч мўйловдор йигит граф де Талерни роса калака қилишгач (буни у тушунмади, албатта), соат бирга заиғ чалганидан сўнг уни мехмонхонадан чиқариб юборишди.

— Наҳот ўша машхур арабий тулпорларингиз шундай об-ҳавода сизни кўчада кутаётган бўлса? — деди унга Норбер.

— Йўқ, бу бошқа отлар, уларни анча арзонга олганман, — дея жавоб қилди жаноб де Талер. — Сўл томондаги от менга беш минг франкка тушган, ўнг томондагиси учун эса бор-йўғи юз луидор тўлаганман, лекин уни қаретага фақат тунда қўшишадди. Гап шундаки, иккови ҳам бир хил йўрғалайди.

Норбернинг гапидан сўнг граф ўзи каби бир одам учун отларга ишқибозлик жуда ярашажаги ва шу боисдан ҳам уларни ёмгир тагида куттириб қўйиши яхши эмаслигини ўйлаб қолди. У чиқиб кетди, ҳалиги йигитлар эса бир минутлардан сўнг унинг устидан кула-кула меҳмонхонани тарк этишди.

«Мана,— дея ўйларди Жюльен йигитларнинг зина-пояда хахолаб кулишларига қулоқ солар экан,— бугун ўзининг жамиятдаги мавқеига кўра менинг бутунлай аксим бўлган одамни кўрдим. Менинг бир йиллик даромадим йигирма луидорга ҳам бормайди, шундоқ ёнгинамда эса бир соатлик даромади йигирма луидорни ташкил этадиган одам турибди. Лекин ҳамма уни калака қилади. Бундай томоша ҳасад қилиш дардидан бутунлай даволаши мумкин».

V

Таъсирчанлик ва акобир мунофиқ

Хиёл бўлса-да, жонли фикр айтиш густоҳликдек кўринади, бу ерда сийқа ва маънисиз гапларга шу қадар ўрганиб қолишган. Суҳбат чоғи ўзига хос гапларни айтган одамни худо урди деяверинг.

Ф о б л а з

Бир неча ой синов муддати тугаб, уй бошқарувчиси йилнинг учинчи чорағи учун маошини келтириб берганида Жюльеннинг аҳволи қўйидагича эди. Жаноб де ля Моль унга Бретань ва Нормандиядаги ерларни бошқариш устидан назорат қилиб туришни топширди. Аббат де Фрилер билан бўлган ўша машҳур даъволашув бўйича барча ёзишмалар ҳам унинг зиммасига юкланди. Аббат Пирар уни бу иш билан батафеил таништириб чиқди.

Маркиз ўзининг номига келган турли-туман хатларнинг ҳошиясига ёзиб қўйган қайдларни дастуриламал қилган ҳолда Жюльен жавоблар ёзар ва бу жавобларнинг деярли ҳаммаси маркизнинг имзосига ноил бўлар эди.

Семинарияда ўқитувчилар Жюльеннинг дареларга

қунт қилмаслигидан афсусланишарди, лекин шунга қарамай, уни ўзларининг энг ажойиб шогирдларидан бири деб ҳисоблашарди. Нафсонияти азият чеккан бу одам турли-туман ишларга шу қадар жон-жаҳди билан берилиб кетдики, провинциядан келганида икки юзи қишқизил бўлса, энди бир ҳолатга тушиб қолган эди. Аммо унинг бундай сўлғинчилигини семинарист ўртоқлари фазилат деб ҳисоблашарди, Жюльеннинг назарида, булар безансонлик ҳамкасабалари каби ёвуз ҳам, пулга ўч ҳам эмасдилар, талабалар эса, ўз навбатида, уни сил касали бўлса керак, деб ўйлашарди. Маркиз унга от совға қилди.

Отда сайр қилиб юрган чоғида тасодифан семинаристлардан биронтаси кўриб қолишидан чўчиган Жюльен уларга, от миниб сайр қилишни менга докторлар буюрган, деб айтди. Аббат Пирар уни турли янсенист доираларга олиб кирди. Жюльен қаттиқ ҳайратга тушди, шу пайтга қадар унинг дин ҳақидаги тасавури мунофиқлик ва пулга ҳирс қўйиш билан боғлиқ эди. Ингит даромад ҳақида мутлақо ўйламайдиган бу қаттиққўл, худотарс одамларга ихлос қўйиб қолди. Улардан кўнчилиги йигитга дўстона муносабатда бўлиб, унга турли маслаҳатлар беришарди. Жюльеннинг олдида янги бир дунё очилмоқда эди. Янсенистлар орасида у жуда баланд бўйли, либерал, ўз ватанида ўлимга ҳам ҳукм қилинган ва шу билан бирга гоят художўй бир одам бўлган граф Альтамира билан танишиб қолди. Бу ғалати зиддият — художўйлик ва озодликка бўлган муҳаббатнинг бир кишида мужассамлиги уни жуда ҳайратга солмоқда эди.

Жюльеннинг ёш граф Норбер билан ўзаро муносабати бирмунча совуқроқ бўлиб қолганди. Норбер баъзи дўстларининг ҳазил-хузул гапларига жавоб беришда Жюльен бир оз ҳаддидан ошянти, деб ҳисобларди. Бир-икки марта суҳбат чоғи одоб қоидаларини бузиб қўйганидан сўнг Жюльен ўзига-ўзи м-ль Матильда билан ҳеч қачон биринчи бўлиб гаплашмасликка сўз берди. Де ля Моль хонадонида барча у билан доим гоят мулоҳим гаплашарди, бироқ йигит уларнинг кўзида маълум қадар обрўсини тушириб қўйганини ҳис этди. Унинг провинциал бамаънилиги буни ҳамма нарса янглиғида яхши бўлади, деган халқ мақоли билан изоҳларди. Эҳтимол, у биринчи кўнлардагига қараганда фаросатлироқ бўлиб қолгандир ёки балким париждликларнинг бошида Жюльенни ўзига ром қилиб қўйган хушмуомалалиги энди уни шунчаки камроқ мафтун қилаётгандир.

У ишини тугатган заҳоти ҳаддан гашқари зерика бош-

дарди: инсоннинг қиборлар жамиятидаги тутган ўрнига қараб жуда аниқ тақсимланган, бир маромдаги хушмуомалаликнинг тинкани қуритувчи таъсири шунақа булади. Сал бўлса-да, таъсирчан одам муомаладаги бу сунъийликни жуда яхши ҳис этади.

Албатта, провинцияда одамлар бирмунча кўрсроқ бўлишади, лекин у ерда сиз билан гаплашаётган суҳбатдошингиз бир оз руҳланиб кетади. Де ля Моль хонадонида Жюльеннинг иззат-нафси ҳеч қачон азият чекмасди, аммо куннинг охирига бориб у кўпинча йиглагиси келарди. Провинцияда мабодо кафега кираётиб бирон ножўя иш қилиб қўйсангиз, официант дарров сизга эътибор берарди. Агар ўша воқеанинг нафсониятингизга тегадиган бирор томони бўлса, у сизга ҳамдардлик билдирад ва диллингизни огритадиган ўша сўзни камида ўн марта такрорларди. Парижда эса назокат юзасидан сездирмай қулишади, лекин сиз у ерда доим ва ҳамма учун бегона бўлиб қолаверасиз.

Биз, агар Жюльенни жамиятда тутган ўрни туфайли калака қилишга арзимади деб ҳисобламаганларида, қаҳрамонимизни кулгили аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлган турли-туман майда саргузаштларни гапириб ўтирмаймиз. У ўзининг ўта таъсирчанлиги сабабли беҳисоб хатоларга йўл қўймоқда эди. Унинг барча кўнгил очишлари эҳтиёткорликка ўхшаб кетарди: у ҳар куни тўппонча отиб машқ қиларди ва машҳур қиличбоз ўқитувчилардан бирининг тиришқоқ шогирди ҳисобланарди. Бўш вақти бўлди дегунча, бир пайтдагига ўхшаб, китоб ўқиш ўрнига, у манежга югурарди ва энг асов отларни беришни талаб қиларди. Берейтор билан сайр қилар экан, у деярли ҳар гал отдан йиқиларди.

Маркиз Жюльенни ўзи учун жуда маъқул ходим ҳисобларди, зеро Жюльен зўр бериб ишлар, камгап ва зийрак эди; аста-секин маркиз унга тушуниб тагига етмоқ учун анчайин ақл-идроқ талаб қилинадиган ишларни ҳам топшира бошлади. Дабдабали режаларидан қўли бўшаган кезлари маркиз ўз ишларини жуда оқилона юритарди; барча янгиликлардан бохабар бўлгани туфайли у биржада муваффақият билан ўйнади. У уй ва амлоқлар сотиб оларди, бироқ жаҳли тез бўлгани сабабли арзимаган нарса учун ҳам газабланаверарди. У юзлаб луидорни совириб юборарди-ю, қандайдир юз франкни деб судлашарди. Қўли очиқ бадавлат одам ишларда ҳам даромад эмас, эрмакни ивлайди. Маркизга чиндан ҳам молиявий ишларни қулай ва изчил бир тартибга сола биладиган ўзига хос штаб бошлиги керак эди.

Де ля Моль хоним ўзининг босиқ табиатига қарамай, баъзан Жюльенни масхара қила бошларди. Таъсирчанлик натижасида беихтиёр қилинган барча хатти-ҳаракатлар асилзода хонимларни даҳшатга солади — буни улар одоб қоидаларига зид деб ҳисоблайдилар. Маркиз икки-уч бор Жюльеннинг ёнини олди: «Агар у сизнинг меҳмонхона-гизда кулгили кўринса, ёзув столи ёнида зўр иш қиляпти...» Жюльен ўз навбатида маркизанинг сирини билиб олдим, дея ҳисобларди. Хоним барон де ля Жуматнинг исмини эшитган заҳоти жуда сермулозамат бўлиб, ҳар нарсага қизиқа бошларди. Барон башараси гезариб юрадиган беҳад совуқ бир одам эди. У ўрта бўйли, озгин, бад-башара кимса бўлиб, доим жуда яхши кийинарди, сарой-даги қабул маросимларига канда қилмай бориб турарди ва одатда бирон нимани гапирмасди. Унинг фикр юритиш тарзи ана шундай эди. Де ля Моль хоним агар уни куёв қилиб олишга эришганида, умри бино бўлиб биринчи марта ўзини чинакамига бахтиёр ҳис этган бўларди.

VI

Талаффуз оҳанглари

Уларнинг олий вазифалари — халқларнинг кундалик ҳаётидаги майда воқеларни вазминлик билан муҳокама қилмоқдан иборатдир. Улар ўз доноликлари билан арзимас сабабларга кўра ёки ҳаддан ташқари бузиб талқин этилган бирор воқеа туфайли кўтарилиши мумкин бўлган буюк галаёиларнинг олдини олмоқлари лозим.

Грациус

Эндигина соҳилга тушган, боз устига мағрурлиги туфайли ҳеч қачон бировга савол билан мурожаат қилмайдиган мусофир учун Жюльен ҳеч қандай тентаклик қилгани йўқ. Бир куни Жюльен кутилмаганда қуйиб қолган жаладан қочиб, Сент-Оноре кўчасидаги кафега кирди. У ерда эгнига қалин мовут камзул кийган аллақандай норгул бир одам Жюльеннинг хўмрайиб қарашидан ажабланиб, ўз навбатида, унга бир вақтлар Безансонда нозанин Аманданинг ўйнаши каби тикилиб қаради.

Жюльен ўша биринчи ҳақоратни жазосиз қолдиргани учун ўзидан ўпкалаб юрарди. Шу боисдан ҳам у манови одамнинг тикилишига чидаб тура олмади. У изоҳ талаб қилди. Камзул кийган киши бунга жавобан қўпол қилиб сўкина бошлади: кафедраги одамлар уларни ўраб олишди, ўткинчилар эшик олдида тўхтаб бошлашди. Провинциал сифатида, эҳтиёткорлик юзасидан ўзи билан доим кичкина тўппонча олиб юрадиган Жюльен ҳозир чўнтагида уни маҳкам қисиб турарди. Бироқ у мулоҳаза билан ўзини босди-да, минут сайини рақибига:

— *Адресингизни айтинг, муҳтарам жаноб. Мен сиздан нафратланаман*, — дея такрорлаш билан чекланди.

Унинг қаттиқ туриб шу етти сўзни такрорлаши, ниҳоят, атрофидаги оломонга таъсир қилди.

— Тўғри-да. Бақираётган анови одам унга адресини берсин-да, ахир.

Камзулли киши бир неча марта такрорланган бу хитобни эшитгач, беш-олтита ташрифномани Жюльеннинг башарасига қараб итқитди. Хайрият, ташрифномаларнинг биронтаси ҳам йигитнинг юзига тегмади, Жюльен ўзига тегмагунларига қадар тўппончасини чўнтагидан чиқармасликка аҳд қилган эди. Ҳалиги одам кафедран чикиб кетди, лекин у йўл-йўлакай бир неча марта орқасига ўгирилиб, Жюльенга мушт ўқталганича сўкиниб борарди.

Жюльен қора терга ботди. «Демак, сариқ чақага арзимайдиган ҳар қандай одам, ҳар қандай ярамас тўнғиз мени шу қадар ларзага солиши мумкин экан-да! — дея газаб билан хитоб қиларди у ўзича. — *Ўзимдаги бу хўрлик келтирадиган таъсирчанликни қандай йўқотсам экан?*»

Агар қўлидан келганида Жюльен ўша одамни дарҳол дуэлга чақирган бўларди. Уни фақат бир нарса тўхтатиб турарди: бу поёнсиз Парижда у секундантни қаёқдан топади ахир? Унинг ҳеч қандай дўсти йўқ эди. Йигит баъзи одамлар билан танишиб олган эди-ю, бироқ барча танишлари орадан бир неча ҳафта ўтгач, негадир бирин-кетин ундан узоқлашиб кетишганди. «Мен одамшаванда эмасман, — дея ўйларди у, — шунинг учун ҳам жазоимни тортяпман». Ниҳоят, у баъзан биргалашиб қиличбозликни машқ қиладиган 96-полкнинг истеъфодаги поручиги, бечораҳол Льевенни эслади-ю, ўшани излаб топди. Жюльен унга бор гапни айтиб берди.

— Майли, сизга секундантлик қиламан, — деди Льевен, — фақат битта шартим бор: агар ўзингизни ҳақорат этган ўша одамни ярадор қилмасангиз, ўша жойнинг ўзидаёқ мен билан ҳам дуэлга чиқасиз.

— Розиман! — дея хитоб қилди завқ билан Жюльен.

Шундан сўнг улар ташрифномада кўрсатилган адрес бўйича Сен-Жермен қасабасининг аллақарида яшайдиган жаноб Ш. де Бовуазини излаб кетишди.

Эрталаб соат етти эди. Улар адресда кўрсатилган уйга кириб, хизматкорга келганларини хабар қилишни буюришганида, Жюльен бирдан, бу де Реналь хонимнинг бир вақтлар Римдагими ёки Неаполитаниядагими элчихонада атташе бўлган ва сеньор Жеронимога тавсиянома ёзиб берган ўша қариндоши эмасмикин, дея ўйлаб қолди.

Жюльен кечаги одам итқитган ташрифноманинг ёнига ўзиникини қўшиб басавлат малайга узатди.

Уларни — Жюльен билан унинг секундантини чорак кам бир соат кутиб ўтиришга мажбур этишди, шундан сўнг уларни алоҳа гоят дид билан жиҳозланган катта хонага бошлаб киришди. У ерда уларни қўғирчоқдек кийинган баланд бўйли бир йигит кутиб олди. Бу йигитнинг чеҳрасида қадимги грекларга хос баркамол ва эҳтироссиз бир ҳусн барқ уриб турарди. Унинг ниҳоятда ингичка бошидаги ажойиб сочлари шу қадар ҳафсала билан жингала қилиб таралган эдики, биронта ҳам тола бошқасидан ажралиб кўринмасди. «Ана шу сочларини тараш учун, — дея хаёлидан ўтказди 96-полкнинг поручиги, — бу лаънати олифта бизни шунча куттириб қўйди». Чипор халат, эрталаб кийиладиган панталон, — хуллас, унинг зардўзи туфлисига қадар ҳамма кийимлари бу одамнинг ўзига жуда бино қўйганидан далолат бериб турарди. Унинг лоқайд ва маъносиз юзида аҳён-аҳёндагина пайдо бўладиган жўяли фикрлар акс этарди: шу туришда у Меттернихдан андаза олган дипломатнинг ўзгинаси эди.

96-полк поручиги, ташрифномасини одам юзига итқитиб яна шунча куттириб қўйиши янги ҳақорат эканлигини Жюльеннинг қулоғига қўйган эди, шу сабабдан қаҳрамонимиз жаноб де Бовуазининг олдига шитоб билан кириб борди. У рақибининг жиғига тегишга аҳд қилган эди, лекин шу билан бирга у одоб қондаларидан четга чиқишни ҳам истамасди.

Бироқ жаноб де Бовуазининг ўзини мулоийм тутиши, унинг вазмин ва шу билан бирга мағрур кўриниши, атрофидаги жиҳозларнинг нафислиги уни шу қадар ҳайратга солдики, у дарҳол ниятидан қайтди. Бу кеча у тўқнашган одам эмасди, Жюльен бу ерда учратишни умид қилган кечаги қўпол барзанги ўрнига шундай келишган одамни кўриб турганидан шу қадар ажабландики, тили қалимага келмай қолди. У жаноб де Бовуазига кеча.

юзига иткитилган ташрифномалардан бирини узатди.

— Ҳа, чиндан ҳам бу менинг исмим, — деди ёш дипломат Жюльеннинг эрталаб соат еттидан кийиб олган қора костюмига бирмунча шубҳаланиб қарар экан. — Лекин тушунолмаяман, виждоним ҳаққи...

Унинг ана шу сўнги сўзларини қандайдир алоҳида оҳангда айтганлиги Жюльеннинг зардасини қайнатиб юборди.

— Мен сизни дуэлга чақиргани келдим, афандим! — шундай дея у кечаги воқеани батафсил баён қилиб берди.

Жаноб Шарль де Бовуази обдан ўйлаганидан сўнг Жюльеннинг эғнидаги костюм бичимидан умуман кўнгли тўлди. «Костюмни у Штоубга тиктирган, бунга шубҳаланмас ҳам бўлади, — дерди у ўзига-ўзи Жюльеннинг ҳикоясини тинглар экан. — Жилети ҳам дид билан танланган, ботинкаси ҳам ёмон эмас, лекин бошқа томондан олганда, азондан қора костюм кийиб олгани ғалатироқ туюляпти! Э, ҳа, ўққа нишон бўлмаслик учун шундай қилган у!» — ниҳоят бунинг сабабини ўйлаб топди кавалер де Бовуази.

У ана шу фикрга келган заҳоти жуда хушмуомала бўлиб қолди ва Жюльенни деярли ўзи билан тенг кўриб гаплаша бошлади. Сухбат жуда чўзилиб кетди, масала анча қалтис эди, лекин охир-оқибатда Жюльен аниқ далил-исботларга қарши баҳслаша олмасди. Бу сертақаллуф йигитнинг кеча уни ҳақорат қилган кўпол нусхага ҳеч қандай алоқаси йўқ эди-да ахир.

Бу ердан қуруқдан-қуруқ чиқиб кетгиси келмаётган Жюльен гапни чўза бошлади. У кавалер де Бовуазининг магрур юзига тикилиб ўтирарди. Жюльеннинг нуқул оддийгина «афандим» деб аташи иззат-нафсига теккан кавалер де Бовуази сухбат чоғи ўзининг ана шу унвоини таъкидлаб қўйишни лозим топди.

Жюльен унинг қандайдир хиёл такаббуруна жиддийлигига маҳлиё бўлиб ўтирарди. Сўзларни талаффуз қила туриб кавалер тилини ғалати қимирлатиши ҳам Жюльенни ҳайратга солмоқда эди... Бироқ булар жанжалга сира асб бўлолмасди.

Ёш дипломат бениҳоя ҳурмат билан дуэлга чиқиш учун тайёр эканлигини айтди, бироқ бутун бир соат давомида тирсагини кериб, кўлларини белига тираганича индамай оёғини чўзиб ўтирган 96-полкнинг истеъфодаги поручиги дўсти жаноб Сорель пруссияликлар каби бир одам билан фақат унинг ташрифномасини ўғирлаб кетганлари учунгина низолаша олмаслигини баён қилди.

Жюльен кавалер де Бовуазининг уиндан ниҳоятда таъби тирриқ бўлиб чиқди. Кавалернинг қаретаси эшик олдида уни кутиб турарди. Тасодифан қараган Жюльен кўчирнинг кеча уни ҳақорат қилган ўша барзанги эканлигини кўриб қолди.

Йигит шу заҳоти кўчирнинг узун кафтани этагига чанг солиб, уни пастга қулатди-да, қамчи билан савалай кетди. Икки малай ўртоғига ёрдамга ташланиб, Жюльенни мушталай бошлаган эдилар, йигит дарҳол ўша кичкина тўппончасини чиқариб уларга қарата ўқ уза бошлади: малайлар дарров қочиб қолишди. Бу ишларнинг бари қандайдир бир минутнинг ичида содир бўлди.

Кавалер де Бовуази зинапоядан гердайиб пастга тушиб кедар экан, бениҳоя сипогарчилик билан ҳар бир сўзини чертиб: «Нима гап ўзи? Нима гап ўзи?» — дея такрорларди. Шубҳасиз, бу воқеага у жуда қизиқиб қолган эди, бироқ унинг дипломатларга хос сипогарчилиги ўз қизиқшини сездирмасликни тақозо этарди. У гап нимадалигини билгач, юзидаги сиполик ўрнини аста-секин ҳазил аралаш совуққонлик ифодаси эгалладик, зеро бу ифода дипломатнинг юзидан сира ҳам аримаслиги лозим эди.

96-полкнинг поручиги жаноб де Бовуазининг ўзи ҳам дуэльга чиқишга ошиқаётганини тушуниб қолди, у ҳам дўстининг ташаббусини сақлаб қолмоқ учун дипломатларга хос устомонлик ишлатишга аҳд қилди.

— Ана энди дуэль учун тўла асос бор! — дея қичқирди у.

— Ҳа, менимча ҳам тўла асос бор бунга, — деди дипломат. — Ацови муттаҳамни ҳайдаб юборинглар, — деди у малайларга қараб, — унинг ўрнига бошқа одам ўтирсин.

Қаретанинг эшигини очишди, кавалер илтифот кўрсатиб, ўз рақиби ва унинг секундантини олдинга ўтказди. Улар жаноб де Бовуазининг дўсти олдига боришди, у одам эса дуэль учун қулай жойни кўрсатди. Йўлда улар ширингина суҳбат қуриб боришди. Фақат эгнидаги халати билан дипломат бир оз ғалатиноқ кўринарди.

«Ғарчи булар ҳам жуда асилзода жаноблар бўлишса-да, — дея ўйларди Жюльен, — лекин улар жаноб де ля Моднинг зиёфатларига келиб турадиган анави нухсаларга ўхшаб ҳеч ҳам дилгир эмас эканлар. Булар одоб сақлаб ўтиришмас экан». Суҳбат кечаги балетда томошабинларга ёқиб қолган раққосалар ҳақида кетмоқда эди. Бу жаноблар нуқул Жюльен ҳам, унинг секунданти, 96-полк поручиги ҳам билмайдиган аллақандай қизиқ воқеаларга шама қилишарди. Жюльен ўзини билагон қилиб кўрсатадиган

аҳмоқлардан эмасди: у сира ҳам тортинмай ўзининг ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтди. Бундай софдиллик кавалернинг дўстига жуда ёқиб тушди: у Жюльенга ўша воқеани барча тафсилотлари билан қулғили қилиб сўзлаб берди.

Жюльенни яна бир нарса жуда ҳайратга солди. Аллақайси кўчада Лоши Масихо байрами шарафига ўтказиладиган диний маросим учун муваққат меҳроб қурилаётгани сабабли карета бир минутча тўхтаб қолди. Дипломат ва унинг ошнаси шу муносабат билан бир-икки оғиз ҳазил қилишди: бу ернинг кюresi, уларнинг айтишларича, архиепископнинг ўз ўгли эмиш. Герцоглик унвонига даъвогар бўлган маркиз де ля Молнинг уйида ҳеч қачон ва ҳеч ким бу ҳақда гап очишга журъат этмаган бўларди.

Дуэль бир зумда тугади: Жюльен қўлидан ўқ еди, унинг қўлини ароқ билан хўлланган дастрўмоллар билан боғлаб қўйишгач, кавалер де Бовуази мулозамат билан улар шу ерга келишган каретада уни уйига олиб бориб қўйиш учун ижозат сўради. Жюльен де ля Моль хонадонини айтган эди, ёш дипломат ва унинг дўсти бир-бирларига маънодор қараб қўйишди. Жюльеннинг фиакри ҳам шу ерда турган эди, бироқ йигитга 96-полкнинг меҳрибон поручигига қараганда манови кавалерларнинг суҳбати қизиқарлироқ туюлди.

«Ё раббим! Дуэль деганлари шуми ҳали? Шу холосми? — дея ўйларди Жюльен. — Ўша кўчирни тутиб олганим қандай яхши бўлди-я! Бўлмасам, кафедаги ана шу ҳақоратни ҳам ичимга ютиб кетаверганимда, кейин роса қийналиб юардим!» Улар бутун йўл давомида ширингина суҳбат қуриб боришди. Ана шунда Жюльен баъзан дипломатларга хос муғамбирлик ҳам фойдали бўлишини тушуниб қолди.

«Демак, дилгирлик асилзодалар суҳбатининг қандайдир ажралмас қисми бўлиши шарт эмас экан-да, — дея мулоҳаза юритарди у ўзича. — Ахир улар санам юришини аския қилишяпти, анчайин ҳаёсиз латифалар айтишяпти, бу латифаларнинг тафсилотларидан ҳам уялишаётгани йўқ. Фақат олий сиёсат ҳақида мулоҳаза юритишмаяпти холос, бироқ бу камчиликни нутқнинг нафислиги, ибораларнинг гоят аниқлиги ювиб кетяпти». Жюльен бу йигитларни жуда ёқтириб қолган эди. «Улар билан тез-тез учрашиб турсам, қандай бахтли бўлардим-а!»

Улар хайрлашишган заҳоти кавалер де Бовуази Жюльеннинг насл-насабини суриштира бошлади; аммо натижаси яхши эмасди.

У қим билан дуэлга чиққанини аниқлашни ва кейинчалик уни бориб кўрса ўринли бўлиш ёки бўлмаслигини билишни истарди. У тўплай олган озгина маълумотни мутлақо қувончли деб бўлмасди.

— Бу гапларнинг ҳаммаси даҳшат-ку! — деди у ўз секундантига. — Жаноб де ля Молнинг оддий котиби билан, яна келиб-келиб кўчирим ташрифномамни ўғирлаб олгани учун дуэлга чиққанимни одамларга қайси юз билан айтаман?

— Ҳа, одамларга кулгили кўриниши турган гап.

Ўша куни кечқурун кавалер де Бовуази ва унинг дўсти барчага, анави жаноб Сорель — дарвоқе, жуда дилкаш йигит, маркиз де ля Молга дўст бўлган бир одамнинг никоҳсиз хотиндан тугилган ўгли экани ҳақида гап тарқатишди. Бу гапга ҳамма осонгина ишонди қўйди. Бу гап тасдиқлаб олинганидан сўнг ёш дипломат ва унинг дўсти Жюльен ўз хонасида ўтказган икки ҳафта давомида уни бир неча бор келиб кўришни лозим топишди. Жюльен уларга умри бино бўлиб Операга атиги бир марта борганини айтди.

— Лекин бу яхши эмас, — дейишди кавалерлар унга. — Боришга арзийдиган ягона жой ўша-да ахир. Сиз биринчи галда албатта «Граф Ори»ни бориб кўринг.

Операда кавалер де Бовуази Жюльенни ўша кезлари катта шуҳрат қозонган машхур хонада Жеронимо билан таништириб қўйди.

Жюльен жаноб де Бовуазига деярли ошиқ бўлиб қолган эди: кавалернинг қиёфасидаги ўзини ўзи ҳурмат қилиш ҳам, аралаш-қуралаш бўлиб кетган қандайдир сирли тақабурлик, олифтагарчилик ҳам уни ўзига маҳлиё қилиб қўйганди. Масалан, кавалер шундай нуқсонни бўлган бир аркони давлат билан тез-тез учрашиб тургани учунгина хиёл дудуқланиб гапиришни ўзига одат қилиб олганди. Жюльен шу пайтга қадар ҳеч қачон бир одам сиймосида шундай галати қилиқлар билан маҳоратнинг уйғунлашиб кетганини сира кўрмаган эди, провинциялик бечора йигит бунга фақат тақлид қилиши мумкин эди.

Уни Операда кавалер де Бовуази билан бирга юрганини кўришгач, бу ошначилик анчагина шов-шувга сабаб бўлди.

— Демак, — деди унга бир куни жаноб де ля Моль, — маълум бўлишича, сиз франш-контэлик бадавлат дворянин, менинг яқин дўстимнинг никоҳсиз хотиндан тугилган ўгли экансиз-да?

Жюльен бундай миш-мишнинг тарқалишида мутлақо айби йўқ эканлигига ишонтирмоқчи бўлган эди, маркиз унинг гапини бўлди.

— Жаноб де Бовуази, дурадгорнинг ўгли билан дуэлга чиқибди, дея гийбат қилишларини истамади.

— Биламай, биламай, — деди жаноб де ля Моль. — Бу ёғини энди менга қўйиб беришг. Мен бу афсонани мустаҳкамламоғим лозим — менга шуниси қулай. Сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиман, бу сизнинг қандайдир ярим соатгина вақтингизни олади. Спектакль қўйиладиган кунлари, кечқурун соат ўн бир яримда, киборлар жамияти уй-уйига тарқалаётган пайтда театр вестибюлига бориб турасиз. Баъзан сизда провинцияликларга хос одатлар сезиб қоляпманки, сиз бу одатларнингизни тарк этмоғингиз лозим. Боз устига йирик аркони давлатларни таниб олсангиз ёмон бўлмайди, эҳтимол, бирон топшириқ билан сизни уларнинг олдига юбориб турарман. Театр кассасига бориб учрашинг, токи улар сизни таниб олсинлар. Сизга истаган пайтингизда кириш ҳуқуқи билан доимий рухсатнома буюриб қўйилган.

VII

Бод касалининг хуружи

Мен муносиб бўлганим учун эмас, балки хўжайиннинг бод касали хуруж қилиб қолгани учунгина юқорироқ мартабага кўтарилдим.

Берголотти

Эҳтимол китобхон маркизнинг қаҳрамонимиз билан бундай эркин ва дўстона оҳангда гаплашаётганини кўриб ажабланаётгандир: биз жаноб де ля Молнинг бир ярим ойдан буён кўчага чиқмай, уйда ўтирганини айтмоқни унутибмиз, зеро унинг бод касали хуруж қилиб қолган эди.

Де ля Моль хоним қизи билан Гиерига, маркизнинг онасиникига жўнаб кетган эди. Граф Норбер отасининг олдига баъзи-баъзида бир минутга кириб чиқарди. Уларнинг ўзаро муносабатлари жуда яхши бўлса ҳам, бироқ ўртада гаплашадиган гаплари йўқ эди. Ёлғиз Жюльеннинг улфатчилиги билан қаноатланишга мажбур бўлган маркиз де ля Моль йигитнинг қандайдир ўз фикрлари борлигини

кўриб, жуда ажабланди. У Жюльенни газета ўқиб беришга мажбур қиларди. Тез орада ёш секретарь газетадан қизиқ жойларини ўзи топиб ўқийдиган бўлди. Яқинда чиқа бошлаган янги бир газетани маркиз жипидан баттар ёмон кўрарди: у, бу газетани ҳеч қачон ўқимайман, деб ойтган эди-ю, лекин ҳар куни у ҳақда ўзи гап очарди. Жюльен бундан кулиб юрарди. Ҳозирги замонадан порози бўлган маркиз Жюльендан Тит Ливийни ўқиб беришни илтимос қиларди; йигитнинг латин тилидаги текстни тўғридан-тўғри таржима қилиб беришини эшитар экан, унинг анча кўнгли очиларди.

Бир куни маркиз Жюльенга алоҳида бир илтифот билан мурожаат қилдики; баъзан бундай илтифотдан йигитнинг гаши келарди.

— Азизим Сорель, сизга ҳаворайг фрак совга қилишимга ижозат этсангиз, — деди у. — Сиз ана шу фракни кийиб олдимга кирганингизда, мен сизни граф де Реднинг укаси, яъни дўстимнинг, кекса герцогнинг ўғли деб ҳисоблайман.

Жюльен бу гапнинг тагида қандай маъно борлигини яхши тушунмади-ю, лекин ўша куни кечқуруноқ маркизнинг олдига, ҳаворайг фракни кийиб кирди. Маркиз уни ўзига тенг кўриб суҳбатлашди. Жюльен ҳақиқий назокатнинг қадрига ета оларди, бироқ у хушмуомалаликнинг назик томонларини мутлақо тасаввур қила олмасди. Маркизнинг шу галати ишига қадар у ўзига нисбатан жаноб де ля Моль кўрсатганидан ортиқ илтифотнинг бўлмаслигига ойт ичиши ҳам мумкин эди. Жюльен кетмоқчи бўлиб ўрнидан турганида маркиз бод касали туфайли уни кузатиб қўя олмаслиги учун кечирим сўради, шунда Жюльен: «Қандай ажойиб талант!» — дея беихтиёр хаёлидан ўтказди.

Маркизнинг бу галати иши Жюльенни анча ўйлатиб қўйди. «Мени қалақа қилмаяптимики ишқилиб?» — дея сўрарди у ўзидан ўзи. У маслаҳатлашмоқ учун аббат Пирарнинг олдига борди, бироқ мулозамат бобида маркиздан анча орқада бўлган устози ҳеч нима демади. У фақат хуштак чалиб қўйди-да, аллақандай бошқа мавзудан гап очди. Эртаси куни эрталаб Жюльен қора кўстюминини кийди-да, папка ва имзо чектириши дозим бўлган хатларини олиб, маркизнинг хузурига кирди. Жаноб де ля Моль уни эскичасига қабул қилди. Кечқурун, йигит ҳаворайг фракни кийиб келганида эса, маркиз у билан бутунлай бошқачасига, худди кечагидек назокат билан гаплашди.

— Меҳрибонлигингиз туфайли бечора хаста қарияни

кўргани киравериб жуда ҳам зерикмаган бўлсангиз, — деди унга маркиз, — ҳаётингизда рўй берган турли воқеалардан ҳикоя қилиб беринг, шунда сиз уни гоёт мамнун этган бўлур эдингиз. Фақат ҳеч нимани яширманг ва ҳикоянгиз равшан, қизиқарли бўлишидан ўзга нарсани ўйламанг. Зеро инсон кўнгил очишни билмоғи керак, — дея давом этди маркиз. — Зотан ҳаётда шундан бўлак нима ҳам бор дейсиз! Одам ҳар қуни урушда менинг ҳаётимни қутқариб қолаолмайди ёки ҳар қуни менга бир миллиондан совга қилолмайди, бироқ агар шу ерда, мен ўтирган кресло ёнида Ривароль бўлганида эди, у ҳар қуни менга бир соатга азоб чекиш ва хунобгарчиликдан қутқарган бўлур эди. Мен муҳожирликда юрганымда у билан Гамбургда тез-тез учраниб турардим.

Шундан сўнг маркиз Жюльенга Ривароль ва унинг биронта қочирик гаининг тагига етмоқ учун тўрт киши-лашиб бош қотирадиган гамбургликлар ҳақида бир неча кулгили воқеаларни айтиб берди.

Бу навқирон аббатчанинг улфатчилиги билан қаноатланишга мажбур бўлган жаноб де ля Моль уни бирор йўл билан руҳлантириб юборишни истарди. У Жюльеннинг иззат-нафсига тегишга муваффақ бўлди. Жюльен, ундан ҳақиқатни эшитишни исташар экан, ҳамма гаини тўкиб солишга ва фақат икки нарса ҳақида оғиз очмасликка қарор қилди. Аввало, у маркиз номини эшитганида қутуриб кетадиган бир одамнинг хотирасига сажда қилишини айтмади, сўнгра худога мутлақо ишонмаслигини ҳам сир тутди, зеро бу ҳол бўлажак кюренинг шаънига унчалик тўғри келмас эди. Бу ўринда унга кавалер де Бовуази билан бўлган кичкина тўқнашув жуда қўл келди. Маркиз Сент-Оноре кўчасидаги кафедра Жюльенни астар-аврасини ағдариб сўккан кўчир воқасини эшитгач, қотиб-қотиб қолди.

Жаноб де ля Моль бу ўзига хос характерга жуда қизиқиб қолди. Аввалига у Жюльеннинг тентакликларини рағбатлантириб юрди, зеро қахрамонимизнинг бу қилиқлари унинг кўнглини хуш этмоқда эди, бироқ тез орада унга аста-секин баъзи нарсалар ҳақида сохта тасаввурга эга бўлган йигитнинг хатоларини тузатиб қўйиши қизиқарлироқ туюла бошлади. «Бошқа провинцияликлар Парижга келишгач, ҳамма нарсага мафтун бўлиб юрадилар, — дея мулоҳаза юритарди маркиз. — У эса ҳамма нарсадан нафратланади. Бошқаларнинг кўнгли завқ-шавққа тўлиб юради, бунга эса худди шу нарса етишмайди, шу билан ҳам тентаклар уни тентак деб ўйланади».

Қаттиқ совуқ тушгани сабабли бод хуружи анча чўзилиб, бир неча ой давом этди.

«Ахир одамлар чиройли бароқ итга ҳам кўнгил қўйишадик-ку,— дея ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўларди маркиз.— Агар манови аббатчага меҳрим тушиб қолган бўлса, бунинг нимасидан уялишим керак экан? У аломат йигит. Мен уни ўғлимдек кўриб, муомала қилипман. Хўш, нима қилибди! Бунинг нимаси ёмон? Бу менинг ҳавойи ҳавасим, агар у узоқ давом этса, васиятномамда беш юз луидорлик бриллиантга тушади холос».

Энди маркиз ўзи ҳомийлик қилаётган йигитнинг иродаси анча кучли эканлигини яхши билиб олгач, ҳар куни унга биронта янги иш топшира бошлади.

Жюльен баъзан бу аркони давлат биронта масала юзасидан бир-бирига мутлақо зид бўлган фармойишлар беришини кўриб даҳшатга тушарди.

Бу нарса Жюльенни ниҳоятда ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин эди. Шундан сўнг у иш юзасидан маркизнинг ҳузурига кирганида ўзи билан дафтар олиб киришни одат қилди. Йигит бу дафтарга олган фармойишларини ёзиб қўяр, маркиз эса унинг остига имзо чекар эди. Сўнгра Жюльен котиб ёллади. Бу одам алоҳида дафтарга ҳар бир иш юзасидан қабул қилинган қарорни ёзиб қўяр ва ўша дафтарнинг ўзига барча хатлардан нусха кўчирарди.

Аввалига бу иш маркизга жуда бемаъни ва зерикарли бўлиб кўринди. Бироқ орадан икки ой ўтмасданок у бу ишнинг нақадар афзаллигига ишонч ҳосил қилди. Жюльен унга яна ўзи назорат қилиб юрадиган барча ер-мулклар бўйича кирим ва чиқимнинг икки тарафлама ҳисоботини олиб бормоқ учун банкдан ҳисобчи олишни ҳам таклиф қилди.

Барча бу тадбирлар маркиз учун ўз ишларининг қай аҳволда эканлигини шу қадар ойдинлаштириб бердики, энди у инсофсизларча ўғирлик қиладиган сохта шахелар ёрдамига мурожаат қилмай, ўз маблағини ўзи муомалага киритиш имкониятига эга бўлди.

— Ўзингизга уч минг франк олинг,— деди у бир куни ўзининг навқирон министрига.

— Тақсир, бу аҳволда мен тўхматга учрашим мумкин.

— Хўш, нима қилишим керак ўзи? — сўради норози бўлиб маркиз.

— Марҳамат айлаб, аниқ бир қарор қабул қилсангиз-да, сўнгра уни ўз кўлингиз билан дафтарга ёзиб қўйсангиз. Ана шунда мен уч минг франк олиш ҳуқуқига

эга буламан. Дарвоқе, шундай ҳисоб-китоб жорини этишни менга аббат Пирар маслаҳат берди.

Маркиз ўз интендантини жаноб Пуассоннинг ҳисоботини эшитаётган маркиз де Монкад каби нешонасини тириштириб, ушбу қарорни дафтарга ёзиб қўйди.

Кечқурун, Жюльен ҳаворанг фрак кийиб келган пайтлари ҳеч қачон иш ҳақида сўз очилмасди. Маркизнинг илтифотлари қаҳрамонимизнинг доим азият чекиб юрадиган иззат-нафсига шу қадар хуш ёқардики, тезда у қалбида бу меҳрибон чолга нисбатан меҳрга ўхшаш аллақандай туйғу ҳис этди. Бу Жюльен Парижда тушуниладиган маънода таъсирчан экан, дегани эмасди, албатта. Лекин у ҳиссиз тўнка ҳам эмасди, кекса полк табибининг ўлимидан кейин эса ҳали ҳеч ким унга шундай меҳр-оқибат кўрсатмаган эди. Ингит маркиз унинг нафсониятини ниҳоятда авайлаб муомала қилаётганини кўриб ҳайратга тушарди, зеро кекса жарроҳ ҳеч қачон у билан бундай муомала қилмаган эди. Ниҳоят, у маркиз ҳаворанг лентаси билан гурурланганидан кўра жарроҳ ўз ордени билан кўпроқ фахрланарди, деган қарорга келди. Маркизнинг отаси катта давлат арбоби бўлган экан.

Бир кун эрталаб, Жюльен қора костюмини кийиб, кундалик ишлар юзасидан маркизнинг олдига кирганида, у қандайдир гап билан жаноб де ля Моннинг кўнглини чоғ қила билди: шундан сўнг маркиз уни икки соатча ушлаб қолди ва ҳозиргина агенти биржадан олиб келган банк билетларидан бир нечтасини ўзингизга олинг, дея қисталанг қила бошлади.

— Жаноб маркиз, агар икки оғиз сўз айтишга ижозат сўрасам, сизга бўлган чексиз ҳурматим чегарасидан чиқиб кетмасман, деб умид қиламан.

— Гапираверинг, дўстгинам.

— Илтимос, ушбу совғангизни рад этмоққа ижозат берсангиз. Бу совға сира ҳам қора костюмли киши учун мўлжалланган эмас, шу билан бирга у ҳаворанг фрак кийган кишига лутфан руҳсат этилган самимиятга раҳна солади. — Шундай дея Жюльен бағоят эҳтиром билан таъзим қилди-да, маркизнинг юзига қарамай хонадан чиқиб кетди.

Унинг бу иши маркизга жуда галати туюлди. Кечқурун у бу ҳақда аббат Пирарга ҳикоя қилиб берди.

— Мен сизга, ниҳоят, баъзи нарсаларни айтиб қўймоғим керак, азизим аббат. Жюльеннинг насл-насаби менга маълум, шунинг учун ҳам сизга ҳозир мен айтган гапларни сир сақламасликка ижозат этаман.

«Бугун эрталаб у ўзини чиндан ҳам жуда олижаноб тутди, — дея ўйларди маркиз. — Шундай экан, унга олижаноб насаб ҳадя этсам нима бўлибди».

Орадан яна бир оз вақт ўтгач, маркиз ниҳоят уйдан ташқарига чиқа бошлади.

— Сиз Лондонга бориб, у ерда бир-икки ой яшанг, — деди у Жюльенга, — чопарлар ва бўлак курьерлар мен ҳошиясига қайднома ёзган хатларни сизга етказиб туришади. Сиз бу хатларга жавоб ёзасиз-да, уларни ўша жавобингизга қўшиб менга қайтарасиз. Мен чамалаб кўрдим, жавоблар нари борса беш кунга кечикар экан.

Кале томон кетаётган почта каретасида ўтирар экан, Жюльен гўё бу хизмат сафари учун баҳона бўлган топшириқларнинг нақадар арзимас эканлигини ўйлаб, чин кўнгилдан ажабланарди.

Унинг инглиз тупроғига қандай нафрат ва деярли даҳшат туйғуси билан қадам қўйгани ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Унинг Наполеонга телбаларча сажда қилиши китобхонга яхши маълум. Жюльен ҳар бир офицер сиймосида сэр Хедсон Лоуни кўрар, ҳар бир аркони давлат эса унга Муқаддас Елена оролида роса мурдорлик қилган ва бунинг эвазига ўн йил муддат билан министрлик портфелига эга бўлган ўша лорд Бетхерстни эслатарди.

Лондонда у, ниҳоят, ҳақиқий олифталик қандай бўлишини билиб олди. У ёш рус амалдорлари билан танишган эди, бу йигитлар уни барча сир-асрордан хабардор қилиб қўйишди.

— Сизга, қадрли Сорель, тақдирнинг ўзи кулиб бокқан, — дейишарди улар Жюльенга. — Табиатнинг ўзи сизга шавқсиз чехра ато этибди — бизда бу *диллидаги ҳис-туйғудан минг чақирим нарида бўлиш*, деб аталадики, барчамиз, юзимизда худди ана шу ифодани акс эттиришга уринамиз.

— Сиз ўз асрингиз руҳини тушунмас экансиз, — дерди унга князь Коразов. — *Доим одамлар сиздан кутаётган нарсанинг тескарисини қилинг*. Бу, сирасини айтганда, замонамизнинг ягона қонуни. Тентак ҳам, муғамбир ҳам бўлманг, зеро у ҳолда сиздан ё тентаклик, ёки муғамбирликни кутишадими, натижада қоида бузилади.

Жюльен князь Коразов билан бирга тушки зиёфатга таклиф этган герцог де Фитц-Фольке меҳмонхонасида чинакамига шуҳрат қозонди. Зиёфатни бир соатча кутишга тўғри келди. Таклиф қилинган йигирма киши ўртасида Жюльен ўзини шундай тутдики, Лондон элчихоналарининг ёш секретарлари бу ҳақда ханузгача эслаб юришади.

Унинг юзидаги ифодани чиндан ҳам тасвирлаб бериш қийин эди.

У энди огайнилариининг ҳазил-ҳузил гапларига қарамай, нима қилиб бўлса-да, Англия Локкдан сўнг эга бўлган ягона файласуф Филипп Вэнни бориб кўрмоқчи бўлди. У етти йилдан буён қамоқ муддатини ўтаётган файласуфни турмада кўрди. «Бу мамлакатнинг киборлари ҳазил қилишни ёмон кўрар экан, — дея ўйлади Жюльен. — Вэнни қамоққа тиқишгани камлик қилгандек, яна уни сазойи қилиб, номини булғашибди».

Жюльеннинг назарида Вэн анча жўшқин кўрипти: киборларнинг қутуриши унинг кулгисини қўзғатарди. «Мен Англияда кўрган ягона қувноқ одам ана шу экан», — деди ўзига-ўзи Жюльен қамоқхонани тарк этар экан.

«Золимлар учун худо ғоясидан фойдалироқ ғоя йўқ дунёда!» — деди унга Вэн.

Биз унинг фалсафий системасини баён қилиб ўтирмаймиз, зеро бу ҳаёсиз одамнинг фалсафасидир.

Жюльен Парижга қайтгач:

— Хўш, мени нима билан хурсанд қиласиз, Англиядан қандай ёқимли таассуротлар билан қайтдингиз? — дея сўради ундан жаноб де ля Моль.

Жюльен индамай тураверди.

— Хўш, ёқимлими, ёқимсизми, ишқилиб бирор таассурот билан қайтгандирсиз ахир у ердан? — дея тоқатсизланиб такрорлади маркиз.

— *Примо*, — деди Жюльен, — энг бамаъни инглиз ҳам бир соатга ақлдан озади: у ўзини ўзи ўлдириш васвасасига тушадики, бу васваса ушбу мамлакатнинг худосидир.

Секундо: Англия тупроғига қадам кўяр экан, ақл ва даҳо ўзининг йигирма беш фоиз қийматини йўқотади.

Терцо: дунёда Англиядаги табиат манзарасидан гўзалроқ, ажиб ва таъсирлироқ нарса йўқ.

— Энди эса менинг навбатим, — деди маркиз. — *Примо*: нега рус элчисиникидаги балда сиз, Францияда уруш бўлишини жон-дилидан истайдиган уч юз миңг йигит бор, деб айтдингиз? Бу гап подшоҳларга ёқади, деб ўйлайсизми?

— Буюк дипломатларимиз билан суҳбатлашганда, одам нимани гапиришни билмай гаранг бўлиб қолади, — дея жавоб қилди Жюльен. — Улар жиддий мавзуда суҳбат қуришни жону дилдан яхши кўришади. Шундай қилиб, агар ҳаммага маълум бўлган расмий гапларни айтсанг, аҳмоқ деб ном чиқаришинг мумкин. Мабодо ҳақиқатга яқинроқ бирор янги гап айтиб қўйсангиз, улар ажабланиб,

нима деб жавоб қилишини билмай қолишади ва эртасига эрталаб соат еттида, сизга элчихонанинг биричи секретари орқали ахлоқсизликка йўл қўйдингиз, дея хабар қилишади.

— Дуруст,— деди кулиб маркиз.— Хўй, гап бундай, жаноб мутафаккир, имоним комилки, сиз Англияга нима мақсадда бориб келганингизни ҳали ҳам билмасангиз керак.

— Кечирасиз,— дея жавоб қилди Жюльен.— Мен у ерга дунёдаги энг хушмуомала одам — ҳазрати олийларининг элчилариникида ҳафтаеига бир марта бўладиган зиёфатга қатнашмоқ учун борганман.

— Сиз у ерга манови орденни олиш учун боргансиз,— деди унга маркиз.— Мен сизни қора костюмингиздан воз кечишга мажбур қилмоқчи эмасман, лекин ҳаворанг фрак кийган одам билан бўладиган қизиқроқ суҳбатларга ўрганиб қолибман. Энди, янги фармойиш бергунимга қадар, бир нарсани яхшилаб уқиб олмогингизни илтимос қиламан: ана шу орденни тақиб юрган пайтингизда сиз мен учун дўстим, герцог де Рецнинг кичик ўгли бўласиз. Сиз, гарчи бундан ўзингизнинг хабарингиз бўлмаса-да, ярим йилдан буён дипломатик хизматда ҳисобланасиз. Яна шу нарса ҳам ёдингизда бўлсинким, — дея гоят жиддий оҳангда қўшимча қилди маркиз миннатдорчилик билдира бошлаган Жюльеннинг ганини шартта бўлиб, — мен сизнинг ўз тоифангиздан юз ўгиришингизни мутлақо истамайман. Бу ҳол ҳомий учун ҳам, ҳомийликдаги одам учун ҳам азалдан янглишмоқлик ва бахтсизликка сабаб бўлиб келган. Менинг даъволашувларим жонингизга тегса ёки менинг ўзим сизни номақбул деб ҳисоблай бошласам, у ҳолда сизга айтайлик, дўстимиз аббат Пирарники каби яхши бир қавм олиб бераман. *Бундан ортиғига умид қилманг*, — дея қўшимча қилди маркиз жуда совуқ оҳангда.

Бу орден, ниҳоят, Жюльеннинг гуруруни тинчитди, у энди анча сўзамол бўлиб қолди ва аслини олганда-ю, унча одобли бўлмаган, лекин жонли суҳбат чоғи оғиздан осонгина чиқиб кетиши мумкин бўлган унча-мунча сўзларга парво қилмайдиган ва сал нарсани ўзи учун ҳақорат деб тушунмайдиган бўлди.

Ана шу орденни туфайли у гаройиб бир одам билан учрашиш шарафига муяссар бўлди: янги унвони учун министрға миннатдорчилик билдирмоқ ва у билан баъзи нарсалар ҳусусида келишиб олмоқ ниятида Парижга қадам рақжида қилган барон де Валено жаноблари Жюльенни атайин йўқлаб келди. Уни жаноб де Реналининг ўрнига Веррьер шахрининг мэри қилиб тайинлашмоқчи экан.

Жаноб Валено Жюльенга сир қилиб, жаноб де Реналь яқобиичи экан, бу нарса яқиндагина маълум бўлиб қолди, дея айтганида, қахрамонимиз хаҳолаб кулиб юборишга сад қолди. Ган шунда эдики, депутатлар палатасига бўладиган сайловларда янги пайдо бўлган бароннинг номзодини министрлик кўрсатган эди, департаментнинг аслида ультра-роялистик кайфиятда бўлган йирик сайлов коллегиясида эса жаноб де Реналнинг номзодини либераллар таклиф қилишганди.

Жюльен де Реналь хоним ҳақида бирор нарса билишга уриниб бекор овора бўлди: барон ўтмишдаги рақобатни эслади шекилли, хоним тўғрисида бир огиз ҳам сўз айтмади. Кетиш олдидан, у бўлажак сайловда отангиз менга овоз берса, дея илтимос қилди. Жюльен бу ҳақда ёзиб юборишга ваъда берди.

— Мени жаноб маркиз де ля Молга таништириб қўйсангиз ёмон бўлмасди, жаноб кавалер.

«Чиндан ҳам ёмон бўлмасди, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Лекин шундай муттаҳамни-я!..»

— Сизга ростини айтсам, — деди у жавобан, — биронта одамни таништирмақ учун мен де ля Моль хонадонида жуда кичкина одамман.

Жюльен маркизга ҳамма гапни айтиб берди. Кечқурун у жаноб де ля Молга Валено билдирган истак ҳақида, яна 1814 йилдан бошлаб унинг барча ҳийла-найранглари тўғрисида сўзлаб берди.

— Сиз эртага бу янги баронни менга таништирибгина қолмай, — деди унга маҳобат билан жаноб де ля Моль, — балким уни индинга пешинги зиёфатга ҳам таклиф қиласиз. У бизнинг янги префектларимиздаъ бири бўлади.

— У ҳолда, — дея совуққина эътироз билдирди Жюльен, — сиздан менинг отамни етимхона директори қилиб тайинлашингизни илтимос қиламан.

— Жуда яхши, — деди маркиз бирдан вақти чоғ бўлиб, — розиман. Мен, ростини айтсам, пайд-насихат эшитаманми, деб кўрқувдим. Бу дейман, анча ақлингиз кириб қолибди-ку.

Жаноб Валено Жюльенга Веррьердаги лотерея идорасининг бошқарувчиси яқинда вафот этганини хабар қилди. Жюльенга бу жойни бир вақтлар жаноб де ля Молнинг хонасида илтимосномасини тониб олган жаноб де Шолен, ўша қари аҳмоққа берилса жуда кулгили бўладигандек туюлди. Жюльен шу жой хусусида молия министрининг номига ёзилган хатга имзо қўйдиргани кирганида ўша

идтимосномани ёддан айтиб берган эди, маркиз роса хахолаб кулди.

Жаноб де Шолен ўша жойга тайинланиши биланоқ Жюльенга департамент депутацияси бу жойни машхур математик жаноб Гро учун сўрагани маълум бўлиб қолди. Бу олижаноб одамнинг бор-йўғи бир минг тўрт юз франк рентаси бўлиб, у ана шу даромадидан йилига олти юз франкини, оиласини боқсин, деб мархум идора бошқарувчисига бериб юаркан.

Жюльен қилиб қўйган ишидан ўзи хайратга тушди. Энди анави мархумнинг онласи нима бўлади? Нима ҳисобига кун кўради у боёқишлар? Бу фикрдан унинг юраги орқасига тортиб кетди. «Ҳечқисят йўқ, — деди сўнгра у ўзига, — агар ҳаётда муваффақиятга эришувни истасам, ҳали кўп адолатсизлик қилишим керак бўлади. Боз устига бу адолатсизликларни маънодор сўзлар билан ниқоблашга ҳам ўрганмоқ лозим. Бечора жаноб Гро! Ордени ана ўша олиши керак эди. Уни эса мен олдим. Шу боисдан ҳам бу мукофотни менга беришни лозим топган ҳукумат руҳига мос иш тутмоғим лозим».

VIII

Ажратиб кўрсатувчи тафозут

— Берган сувинг чапқоғимни босмаяпти, — деди ташналикдан силласи қуриган жин.

— Ахир бу бутун Диёрбакирдаги энг совуқ қудуқ-ку.

Пеллико.

Бир куни Жюльен Сена соҳилида жойлашган ажойиб Виллекье амлокига қилган сафаридан қайтиб келди. Жаноб де ля Моль бу амлокка алоҳида эътибор берарди, зеро бу унинг ер-мулклар орасида бир вақтлар машхур Бонифаций де ля Молга қарашли бўлган ягона жой эди. Йигит уйда ҳозиргина Гиер оролларида қайтиб келган маркиза билан унинг қизини кўрди.

Жюльен энди ҳақиқий дэндига айланганди ва Парижда яшаш санъатини яхшигина эгаллаб олганди. У м-ль де ля Молга нисбатан совуқ бир назокат билан муомала

қиларди. Қиз унинг отдан қандай йиқилганини сўраб мазах қилган узоқ ўтмишни у бутунлай хотирасидан ўчириб ташлагандек туюларди.

М-ль де ля Молга Жюльен анча улгайиб, рағи оқаргандек кўринди. Унинг қоматида, ўзини тутишида провинциалликдан асар ҳам қолмаган эди; лекин гапириш одатида ҳали ҳам нимадир етишмасди: унинг нутқида ҳамон меъёридан ортиқ жиддийлик ва ижобийлик кўзга ташланарди. Шуниси ҳам борки, ана шу оқилона хислатлари ва мағрурлигига қарамай, йигитнинг нутқидан тобелик таассуроти тугилмасди, фақат унинг ҳали ҳам кўп нарсаларга эътибор бериши сезилиб турарди. Бироқ унинг сўзидан қайтмайдиган одамлар тоифасидан эканлиги яққол кўзга ташланарди.

— Унга ақл эмас, эркинлик етишмайди, — деди бир куни м-ль де ля Моль отасига, у Жюльенга олиб берган орден хусусида ҳазил қилар экан. — Лекин акам сиздан бу орденни бир ярим йилдан буён сўраб келарди. Ахир у де ля Моль-ку!..

— Ҳа, лекин Жюльен кутилмаганда ўзини кўрсатиб қолиши мумкин. Сиз айтган де ля Моль эса ҳеч қачон бундай қила олмаган.

Герцог де Рецнинг келгани ҳақида хабар қилишди.

Матильдани бирдан қаттиқ эсоқ тутди, қиз уни кўрган заҳоти кўз олдида зарҳал югуртирилган ўша кўҳна мебеллар, отасининг меҳмонхонасига қанда қилмай келиб турувчи ўша меҳмонлар гавдаланарди. Шундан сўнг у ўзи учун Парижда яна бошланажак ўлгудай зерикарли ҳаётни тасаввур қилди. Бўлмасам Гиер оролларида у Парижни соғинган эди-я!

«Ахир эндигина ўн тўққиз ёшга кирдим! — дея ўйларди у. — Зарҳал жилдли манови эски-туски фикрлар мажмуасида айтилганидек, энг бахтли палла бу». Қиз Провансга саёҳатга кетган пайти меҳмонхонанинг мармар тоқчасида йиғилиб қолган яп-янги саксон том шеърлар тўпламига нигоҳ ташлади. Бахтга қарши, қиз барча бу де Круазнуа, де Кайлюс, де Люз каби жаноблар ва бошқа дўстларидан анча ақллироқ эди. У дўстлари унга Прованснинг ложувард осмони, поэзия, жаннатмакон жануб ва ҳоказо, ва ҳоказолар ҳақда айтадиган барча гапларни жуда яхши тасаввур қиларди.

Унинг беҳад зерикish ва бундан ҳам баттарроғи, қувончлироқ бирор нарса топишдан бутунлай умидсизлик акс этган шахло кўзлари Жюльенга қадалди. Бу йигит ҳар қалай бошқалардан хиёл фарқ қилиб турарди.

— Жаноб Сорель, — деди у бўғикроқ товуш билан бетоқат оҳангда (одатда киборлар жамиятига мансуб ёш аёллар шундай оҳангда гапиришади ва бунда аёллик латофатидан асар ҳам бўлмайди). — Жаноб Сорель, сиз бугун кечқурун жаноб де Рецникда бўладиган балга борасизми?

— Мадемуазель, мен жаноб герцог билан танишиш шарафига муяссар бўлмаганман (бу сўзлар ва бу унвон провинциялик бу такаббур йигитнинг огзини йиртаётгандек туюларди).

— У акамга сизни балга олиб боришни тонширган. Гап шундаки, агар сиз балга борсангиз, Виллекьедаги ўша амлокимиз ҳақида менга батафсил гапириб берган бўлардингиз: биз, баҳорда у ерга борсакмикин, деб ўйлаб юрибмиз. Мен ўша қаср яшаш учун яроқли ёки яроқли эмаслигини билмоқчиман. Кейин унинг атрофларини жуда хушманзара дейишади, шу гап ростми? Ахир кўпинча ўринсиз ҳам мақташади-ку.

Жюльен жавоб бермади.

— Акам билан балга бординг, — дея кўшимча қилди қиз совуққина оҳангда.

Жюльен эҳтиром билан таъзим қилди. «Демак, ҳатто балда ҳам мен бу оиланинг барча аъзоларига ҳисобот бериб турмоғим лозим экан. Бироқ менга уларнинг ишларини бошқаришим учун ҳам ҳақ тўлашади». Жаҳл устида у яна шуларни ўйлади: «Худо билсин, эҳтимол қизига отаси, акаси ва онасининг режаларига тўғри келмайдиган бирор гап айтиб, қовун тушириб қўярман. Ахир мустабид ҳокимнинг саройи-ку бу ер. Бу ерда мутлақо ҳеч нарсага арзимайдиган одам бўлишлик, шу билан бирга бировнинг шиқоят қилишига ўрин қолдирмаслик керак».

«Баланд бўйли бу ойимча менга сира ёқмади-ёқмади-да, — дея хаёлидан ўтказди у онаси қандайдир дугоналарига таништироқчи бўлиб чақириб қолган м-ль де ля Молнинг ортидан қараб қолар экан. — Ҳар қандай модани орқада қолдириб кетишга уринишини айтмайсизми: кўйлаги елкасидан сирғалиб тушай дейди... Ранги бўлса саёхатдан сўнг янада оқариб кетибди... Сочини айтмайсизми, оқлигидан шу қадар рангсизки... шаффоф дейиш мумкин... Саломлашаётганида пингоҳларидаги димоғ-фиросига ўлайми, шоҳона хатти-ҳаракатларидан ўргилдим бу ойимтиланинг!» М-ль де ля Моль меҳмонхонадан чиқиб кетаётган акасини ёнига чақирди.

Шундан сўнг граф Норбер Жюльеннинг ёнига келди.

— Азизим Сорель, — деди у йигитга, — жаноб де Рецникдаги балга бирга бормоқ учун сизни ярим кечада қасрдан

топсам бўлади? У сизни албатта олиб келишни менга топширди.

— Бундай буюк илтифот учун кимдан миннатдор бўлмоқ лозимлигини жуда яхши биламан,— дея жавоб қилди Жюльен боши ерга теккудек букилиб таъзим қилар экан.

Норбернинг мулойим ва ҳатто меҳрибонлик билан айтган бу гапи кайфияти бузилиб турган Жюльенга айбситиш учун ўрин қолдирмади, шу боисдан у самимият билан айтилган бу таклифга ўзининг берган жавобидан зардаси қайнади. Унга ўз жавобида қандайдир пасткашлик бордек туюлди.

Кечқурун балга боргач, йигит де Рец саройининг фавқулодда серҳашамлигига қойил қолди. Экипажлар кириб келаётган ҳовли ўтовга ўхшарди; унинг тепасига зарҳал гулли улкан қирмизи чодир тортилганди; бу жуда ажойиб эди. Чодир остидаги бутун ҳовли эса апельсин дарахтлари ва гуллаб турган толгулдан иборат ҳақиқий ўрмонга айлантирилган эди. Бу дарахтлар ўсган катта туваклар жуда чуқур кўмилганидан дарахтлар худди ердан ўсиб чиққандек кўринарди. Экипажлар кириб келаётган йўлга эса қум сепаб қўйилган эди.

Буларнинг бари бизнинг қаҳрамонимизга чиндан ҳам жуда ажойиб кўринди. Йигит бундай ҳашаматни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Ҳанг-манг бўлганидан бутунлай очилиб кетди. Улар балга келишар экан, каретада Норбер очилиб-сочилиб ўтирарди, Жюльеннинг эса ичига чироқ ёқса ёришмасди, бироқ ҳовлига кириб келишлари биланок, улар ўрин алмашгандек бўлишди.

Норбернинг эътиборини асосан бу ҳашамат ичра йўл қўйилган қандайдир нуқсонлар ўзига тортмоқда эди. У ҳар бир ишнинг баҳосини ўзича чамалаб кўрар ва умумий якун ошиб борган сайин, дилини ҳасадга ўхшаш бир туйғу кемириб, зардасини қайнатаётганини Жюльен кўриб турар эди.

Мафтун бўлган, қойил қолган ва бу кучли таассуротлардан хиёл довдираган Жюльен бу орада меҳмонлар танца бошлаб юборган биринчи залга кирди. Барча иккинчи зал эшиги томон интилаётган бўлиб, у ерда шу қадар кўп одам тўпланиб қолганидан ичкари кириб бўлмасди. Бу иккинчи зал Альгамбра Гренадская услубида яратилган эди.

— Балнинг маликаси! Бунга сира ҳам шубҳа қилмаса бўлади,— деди елкаси Жюльеннинг кўкрагига анча қаттиқ тиралиб турган қандайдир мўйловдор йигит.

— Бутун қиш давомида энг соҳибжамол қиз ҳисоб-

ланиб келган мадемуазель Фурмон, — дея жавоб қилди унга қўшниси, — иккинчи ўринга ўтиб қолаётганини сезяпти шекилли. Қарагин-а, кўриниши жуда ғалати.

— Ҳаммага ёқиш учун ҳаракат қилипти. Кадрилга туншаётганидаги манови табассумнинг гўзаллигини қара. Азбаройи худо, бунақаси бўлмаган.

— Мадемуазель де ля Моль эса ўзи жуда яхши пайқаб турган бу ғалабадан хурсандлигини сездирмайди ҳам. Худди суҳбатдошига ёқиб қолишидан чўчиаяпти, дейсиз.

— Ажойиб! Чинакам мафтун қилиш бу.

Жюльен ўша соҳибжамолни кўраман, деб беҳуда овора бўлди. Ундан бўйи анча баландроқ бўлган етти-саккизта эркак йигитдан қизни тўсиб туришарди.

— Бу олижаноб сиполикда ҳам ўзига хос нозу қарашма бор, — дея гап қотди мўйловдор йигит.

— Манови шахло кўзларни айтмайсизми, мана ҳозир дилидагини билдириб қўяди, деб турган пайтда секингина пастга қараб оляпти, — деб гапни илиб кетди унинг ёнидаги йигит. — Йўқ, азбаройи худо, бунақа ишвани тасаввур ҳам қилолмайсиз.

— Офатижон Матильдага ким муносиб бўларкин? — деди биринчи йигит. — Агар келишган, хушрўй, ақлли, урушда қаҳрамонлик кўрсатган ва шу билан бирга ёши йигирмадан ошмаган биронта шахзода муносиб бўлмаса, бошқа одамнинг тенг келиши қийин.

— Рус императорининг никоҳсиз хотиндан туғилган ўгли чиқиб қолар. Уни бундай никоҳга муносиб қилмоқ учун эса шавкатли князь даражасига кўтаришса ҳам ажаб эмас. Ёки, эҳтимол... анави граф Талер муносиб бўлар, тўғри, у яхши кийиниб олган мужикка ўхшаб кетади...

Эшик олди бир оз бўшаб, Жюльен ичкари киришга муваффақ бўлди.

«Агар у манови олифталарга шу қадар гўзал кўринган экан, у ҳолда эринмай, унга яхшилаб разм солмоқ керак, — дея хаёлидан ўтказди у. — Ҳеч бўлмаганда, бу одамлар учун бекаму кўст гўзаллик нимадан иборатлигини билиб оламан-ку».

У қизни излаб атрофга кўз югурта бошлаган эди, шу тобда Матильданинг ўзига қараб турганини сезиб қолди. «Вазибаларим мени чорлаяпти», — деди ўзига Жюльен; у гарчи шундай деган бўлса-да, лекин дилида сира ҳам ўкинч ҳис этмади. Синчковлик уни мамнуният билан олдинга интилишга ундарди, Матильданинг очиқ елкалари эса бир зумда уни баттар қувонтириб юбордики, очигини айтганда, бу ҳол унинг нафсониятига бирмушча қаттиқ тегарди.

«Унинг хусни, — дея хаёлидан ўтказди йигит, — бу ёшликнинг гўзаллиги». Беш-олти йигит у билан қизнинг ўртасида гов бўлиб туришарди. Жюльен бу йигитлар орасида ҳозиргина эшик олдида суҳбатлашиб турган анави олифталарни ҳам кўрди.

— Сиз, тақсир, бутун қишни шу ерда ўтказгансиз, — деди қиз унга, — бутун мавсум давомидаги энг ажойиб бал бугун бўлянти, шундай эмасми?

Жюльен жавоб қилмай тураверди.

— Қулоннинг манови кадрили, менимча, гоят ажойиб чиқибди, хонимларимиз ҳам бу музикага жуда чиройли танца тушишяпти.

Анави йигитлар Матильда зўр бериб гапга солаётган бахтиёр одамнинг кимлигини билмоқчи бўлиб у томон ўгирилиб қарашди. Бироқ Жюльеннинг берган жавоби бирмунча бетакаллуф эди.

— Бу соҳада ҳакамлик қилишим қийин бўлса керак, мадемуазель. Мен умримни ёзув столи ёнида ўтказаман. Бундай ажойиб балда биринчи марта бўлишим.

Мўйловли йигитлар очикдан-очик ажабланиб қолишганди.

— Сиз донишмандсиз, жаноб Сорель, — дея жавоб қилди қиз бирмунча жоиланган товуш билан. — Сиз барча бу баллар, барча бу байрамларга файласуф назари билан, Жан-Жак Руссо кўзи билан қарайсиз. Бу тентакликлар сизни ҳайратга солади, лекин асло ўзига мафтун этмайди.

Бу жумладаги битта сўз бирдан Жюльеннинг руҳини сўндириб, унинг дилидаги барча ширин хаёлларни қувиб юборди. Унинг лабларида нафратомуз табассум жилваландики, эҳтимол, у атайлаб шундай қилгандир.

— Жан-Жак Руссо, — дея жавоб қилди у, — менимча, киборлар жамияти ҳақида фикр юритганда, шунчаки бир тентак эди. У киборлар жамиятини тушунмасди ва амал тегиб қолган малай каби шу жамият сари иштиларди.

— У «Жамоат мушоҳадаси»ни ёзган ахир, — деди Матильда алоҳида бир ихлос билан.

— Республикани тарғиб қилиб, мустабидларни тахтдан қулатишни ёқлар экан, бу одам биронта герцог тушликдан сўнг сайр қилишдан воз кечиб, унинг дўстларидан биронтасини кузатиб қўйса, хурсанд бўлганидан боши осмонга етарди.

— Ҳа, тушундим: сиз Монморансида Куэнде исмли бир жанобни Париж йўлига қадар кузатиб қўйган герцог Люксембургскийни назарда тутаясиз... — дея гапни илиб кетди м-ль де ля Моль ўзини шундай аллома кўрсатиш имко-

няти тугилганидан юраги завққа тўлиб. У, қирол Феретрийнинг мавжуд бўлганини ихтиро қилган академик янглиг, ўз билимларидан беҳад ҳузур қилмоқда эди. Жюльен ҳамон қизга совуқ бир назар билан қараб турарди. Матильда чинакамига илҳомланиб кетди: суҳбатдошининг бундай илтифотсизлигидан у мутлақо эсанкираб қолган эди. Уни энг ҳайратга солган нарса шу бўлдики, одатда шу пайтга қадар одамларда унинг ўзи шундай таассурот қолдирарди.

Бу орада маркиз де Круазнуа тирбанд бўлиб турган одамлар орасидан шоша-пиша м-ль де ля Моль томон ўтиб келмоқда эди. У қизга уч қадам қолганида одамлар орасидан ўта олмай тўхтаб қолди. Маркиз шундай тиқилинчга тушиб қолганидан кулганича қизга қараб турарди. Унинг ёнида Матильданинг холаваччаси — ёшгина маркиза де Рувре пайдо бўлди. У бундан бор-йўғи икки ҳафта бурун турмушга чиққан бўлиб, ҳозир эрининг қўлига таяниб турарди. Ҳали ёшгина йигит бўлмиш маркиз де Рувре ўз хотинига ошиқи беқарор эдики, одатда нотариуслар билан келишилган ва режа билан, пишиқ-пухта ўйланиб тузилган никоҳдан сўнг, кутилмаганда хотини сиймосида ажойиб бир маҳбубани кўрган одам шундай аҳволга тушади. Жаноб де Рувре жуда мункиллаб қолган амакисининг ўлиmidан сўнг герцоглик унвонига эга бўлмоғи лозим эди.

Маркиз де Круазнуа тиқилинчдан унинг ёнига ўтолмай, Матильдага жилмайиб қараб турар экан, қиз ўзининг осмон сингари мовий шаҳло кўзларини маркиз билан унинг ёнидаги одамларга тикди. «Дунёда шу йигитдан ҳам бемаънироқ нарса бормикан ўзи! Мана менга уйланмоқчи бўлиб юрган Круазнуани олайлик: у мулойим, боадаб йигит, ўзини анави жаноб де Руврега ўхшаб жуда яхши тутарди. Агар уларнинг бутун афти ангоридан уфуриб турган манови зиқликни айтмасангиз, жуда дилкаш одамлар бўларди, барча бу жаноблар. Кейин ҳам мен билан шундай балларга боради ва ўшанда ҳам ўзига шундай бино қўйган бўлади. Тўйдан сўнг бир йил ўтгач, менинг отларим, менинг сарполарим, Париждан саксон-тўқсон чақирим наридаги менинг қасрим — буларнинг ҳаммаси шу қадар бекам-кўст бўладики, армонинг қолмайди, графиня де Руавилга ўхшаш биронта амал тегиб қолган таги наст эса буларни кўриб, ҳасаддан ёрилиб ўлай дейди! Хўш, кейин-чи...»

Матильда шуларни ўйлаб ҳозирнинг ўзиданоқ сиқила бошларди. Маркиз де Круазнуа, ниҳоят, бир амаллаб одамлар орасидан ўтди-да, унинг олдига келиб, алланима ҳақи-

да гапира бошлади, бироқ қиз ўз хаёли билан бўлиб, унинг гапига қулоқ солмасди. Маркизнинг сўзлари балнинг ғалаговурига қўшилиб, унинг қулогига кирмасди. Қиз хурмат билан таъзим қилганича, лекин магрур ва норози бир қиёфада ундан узоқлашиб бораётган Жюльенни беихтиёр кузатиб турарди. Залнинг нариги бурчагида, уёқдан-буёққа юраётган одамлардан бир четда у граф Альтамирани кўриб қолдики, бу одам ўз ватанида ўлимга ҳукм қилинган эди, — китобхон уни танийди. Людовик XIV ҳукмронлик қилган пайтда унинг қариндошларидан бири шахзода Контининг хотини бўлган экан, бу ҳол маълум даражада уни иезуитларнинг махфий полициясидан муҳофаза қилиб турарди.

«Чамаси, фақат ўлим жазосигина инсонни ажратиб кўрсатаркан, — дея хаёлидан ўтказди Матильда. — Сотиб олмақ мумкин бўлмаган ягона нарса шу бўлса керак».

«Бу гапни яхши ўйлаб топдим! Афсус, бу фикр суҳбат чоғи, одамларни қойил қолдиришим мумкин бўлган пайтда хаёлимга келмади-да». Матильданинг диди юксак эди: илгаридан ўйлаб қўйилган ўтқир сўзни айтмоқ унинг ҳатто хаёлига ҳам келмасди. Лекин у анчагина шуҳратпараст эди, шу боисдан ҳам ҳозир ўзига-ўзи қойил қолди. Унинг юзи қувончдан ёришиб, чехрасидаги зерикаш ифодаси ғойиб бўлди. Боядан бери тинмай гапираётган маркиз де Круазнуа муваффақиятдан боши осмонга етиб, сухандонликка яна ҳам зўр берди.

«Тирноқ орасидан кир қидирувчи биронта одам бу фикримга қарши нимаям айта оларди? — дея мулоҳаза юритарди Матильда. — Мен ўша танқидчига шундай деган бўлардим: баронлик унвонини ҳам, виконтлик унвонини ҳам сотиб олиш мумкин, орденлар эса шундай ҳам берилмаверади, акам кечагина орден олди, лекин нима каромат кўрсатди у? Мансабга эришиш ҳам қийин эмас — гарнизонда ўн йил хизмат қилинса ёки ҳарбий министрга қариндош бўлинса бас, қарабсизки. Норберга ўхшаб эскадрон командири бўлиб турибсиз. Катта давлат дейсизми? Буни-си энди қийинроқ, демак фахрлироқ бўлса керак. Жуда қизиқ бўлди-ку, китобларда айтилганининг нақ тескарисини бўлиб чиқяпти. Лекин, охир-оқибатда, одам бойликка эришмоқ учун Ротшильднинг қизига уйланиши мумкин».

«Йўк, чиндан ҳам бу фикримда жон бор. Ўлим ҳукми — бу ҳозирча одамлар интилмайдиган ягона нарса».

— Сиз граф Альтамирани танийсизми? — дея сўради у жаноб де Круазнуадан.

Қизнинг юзидан унинг ҳозиргина ҳушига келгани сези-

либ турар ва берган саволи боёқиш маркиз беш минутдан бери жон куйдириб ҳикоя қилаётган нарсаларга шу қадар мос тушмас эдики, жаноб де Круазнуа бирмунча эсанкираб қолди. Шу тобда унинг назокати ҳам ёрдам бермади. Бўлмасам у ўткир ақли билан шуҳрат қозонган жуда топқир одам эди.

«Матильда ғалати қиз, — дея хаёлидан ўтказди у, — бу анча ноқулай, албатта, лекин унга уйланган одам жамиятда жуда катта обрў қозонади! Маркиз де ля Моль бунга қандай эришаётганини билмайману, аммо у ҳар бир партиядagi энг муносиб ва нуфузли кишилар билан боғлиқ, бу одам доим ҳамманинг диққат марказида бўлади. Лекин, эҳтимол, бу ғалатилик туфайли Матильда табиати ўзгача қиз сифатида шуҳрат қозонар. Одам насл-насаби юксак ва бадавлат бўлганида эса оригиналлик кулгили бўлмай қолади, ана шунда у ажойиб аёл бўлади! Агар ўзи истаса бас, ақл, характер ва ўта топқирликнинг бу бирикмаси унга беқиёс дилбарлик бахш этиши мумкин...» Бир вақтнинг ўзида икки ишни яхши бажариш анча мушкул нарса бўлгани туфайли, маркиз Матильдага паришон тикилар экан, худди ёдлаб олган дарсни жавоб бергандек қилиб деди:

— Бечора Альтамирани ким ҳам танимайди дейсиз? — Сўнгра у муваффақиятсизликка учраган ўша кулгили ва бемаъни фитнанинг тарихини ҳикоя қила бошлади.

— Чинданам жуда бемаъни бўлган экан! — дея худди ўзи билан ўзи сўзлашгандек жавоб қилди Матильда. — Лекин у нимадир қилган экан-ку. Мен ҳақиқий инсонни кўрмоқчиман, уни бу ёққа чақириб келинг, — деди у қаттиқ ранжиган маркизга қараб.

Граф Альтамира такаббур ва бирмунча шиддатли м-ль де ля Молнинг очиқдан-очиқ мухлисларидан бири эди: қизни у Париж гўзалларининг оиди деб ҳисобларди.

— У тожу тахтга жуда ярашган бўларди-да! — деди у маркиз де Круазнуага, унинг ортидан бажонидил юрар экан.

Ҳиборлар жамиятига мансуб кўнгина одамлар XIX асрда фитна — бу ўта ахлоқсизлик деб ҳисоблайдилар, бундан яқобиичиликнинг иси келар экан. Муваффақиятсизликка учраган яқобиичидан ҳам жирканчлироқ кимса бормикин ўзи?

Матильда жаноб де Круазнуага қараб-қараб қўйганпача Альтамиранинг либераллигидан кулаётган бўлса-да, бироқ унинг гапларига бажонидил кулоқ солмоқда эди.

«Балдаги фитначи — қандай ажойиб контраст», дея

ўйларди қиз, қоп-қора мўйловлари диккайиб турган Альтамира унга дам олаётган шерни эслатарди; бироқ тез орада қиз унинг фикр-хаёли фақат бир нарсада: *фойда ҳамда фойдали нарсаларни кўкка кўтаришда* эканини пайқаб қолди.

Ёш граф дунёда унинг мамлакатига икки палатали ҳукумат системаси ўрнатишга нафи тегадиган ишлардан бўлак ҳеч нимани тан олмасди. У залга кириб келаётган перулик генерални кўрган заҳоти балдаги энг гўзал қиз бўлмиш Матильдани бажонидил тарк этди. Меттерних ўз тартибини ўрнатган Европадан умидини узгач, бечора Альтамира, Жанубий Америка мамлакатлари кучга кириб, қудратга эга бўлишгач, Мирабо уларга берган озодликни Европага қайтарадиган келажакка умид боғлаб, ўзига ўзи тасалли беришга мажбур бўлган эди.

Матильдани мўйлов қўйган йигитлар ўраб олишди. Қиз Альтамирани ўзига ром қила олмаганини жуда яхши тушунарди ва унинг кетиб қолганидан афсусланарди. Матильда у перулик генерал билан суҳбатлаша бошлагач, қоп-қора кўзлари қандай ёниб кетганини яққол кўрди. М-ль де ля Моль ёш французларни шу қадар бир жиддийлик билан кўздан кечирардики, бундай қараш унинг рақибаларидан биронтасининг ҳам қўлидан келмасди. «Хўш, бу йигитлардан қайси бири,— дея ўйларди у,— ҳатто энг қулай вазият юзага келган тақдирда ҳам ўлим жазосига эриша оларкин?»

Унинг галати нигоҳи тентакларга ёқимли бўлиб туюлар, лекин кўпчилик қизнинг бу қарашидан алланечук бўлиб кетарди. Улар Матильданинг ҳозир бирор қочирик гап айтиб қолишидан ва бунга ўзларининг нима деб жавоб беришни билмай қолишларидан чўчишарди.

«Олий насаб инсонга минг хил фазилатлар ато этадиким, агар шулар бўлмаганида нафсониятим тинимсиз азият чекиб юрган бўларди — мен буни Жюльеннинг тимсолида кўряпман,— дея ўйларди Матильда,— бироқ у инсонда ўлим жазосига маҳкум қилувчи хислатларни йўқ қилиб юборар экан». Шу пайт унинг ортида аллаким қизиқ бир гап айтди: «Ахир бу граф Альтамира шахзода Сан-Назаро Пименталнинг иккинчи ўгли бўлади. Унинг аждоди Пименталь 1268 йилда боши танидан жудо қилинган. Конрадинни қутқармоқчи бўлган. Бу Неапөлдаги энг қадимий асилзода оилалардан бири бўлади».

«Мана,— дея хаёлидан ўтказди Матильда,— назариянинг ажойиб исботи: олий насаб кишининг иродасини заифлаштириб қўяди, бусиз эса инсон ўлим жазосига муно-

сиб иш қила олмайди!.. Йўқ, чамаси, бугун мен фақат бе-
маъни гаплар айтишга қодирман шекилли. Шундай
қилиб, ҳамма қатори оддий бир аёл эканман, нияям қи-
лардим, танца тушишга тўғри келади». Шундан сўнг у бир
соатдан бери уни галопга таклиф қилаётган маркиз де
Крузнуанинг илтимосини қондирди. Файласуфлик қи-
лишга уриниши муваффақиятсиз чиққанини унутмоқ учун
Матильда жозибадор бўлишга қарор қилди. Жаноб де
Крузнуанинг боши осмонда эди.

Бироқ танцалар ҳам, саройдаги энг чиройли йигит-
лардан бирини ўзига мафтун этиш истаги ҳам — хуллас,
ҳеч нима Матильданинг кўнглини хуш эта олмади. У бар-
чани ўзига қаратиб қўйганди. У бал маликаси эди, буни
ўзи ҳам яхши тушунарди, бироқ бунга бутунлай бефарқ
қарарди.

«Манови Крузнуа каби одам билан ҳаётим нақадар
бемаъни кечади, — дерди қиз ўзига бир соатдан сўнг, мар-
киз уни кресло томон бошлаб борар экан. — Агар олти ой
қишлоқда яшагандан кейин ҳам, — дея маъюслик билан
ўйлади қиз. — Париждаги барча аёллар ҳасад билан орзу
қиладиган шу балдаки қувона олмасам, у ҳолда мен учун
қувончнинг ўзи нимадан иборат? Ахир бу сараланган жа-
мият орасида жуда катта муваффақиятга эришдим, била-
ман, бундан яхшироқ жамиятни тасаввур қилишнинг ўзи
қийин. Буржуалардан бу ерда, эҳтимол, бир неча пэр ва
Жюльенга ўхшаган битта-иккита одам бор, холос. Буни
қарангки, — дея энди бутунлай маъюс ҳолда қўшимча
қилди қиз, — тақдир менга ҳамма нарсани — шухрат, дав-
лат ёшлиқни инъом қилгану, лекин бахт бермаган.

Менинг барча фазилатларим ичида, чамаси, энг шубҳа-
лилари бугун кунги билан менга таъкидлашаётганлари
бўлса керак. Масалан, ақлим бобида шубҳаланмасам
ҳам бўлади, зеро бу хислатим барчани ваҳимага соляпти.
Биронта жиддийроқ мавзуга тил тегизсам борми, беш
минут ўтмасданоқ уларнинг тинкалари қурийди ва худди
буюк бир кашфиёт қилган одамдек, мен бир йилдан бери
гапираётган гапни такрорлай бошлашади. Мен чиройли-
ман — шундай ҳуснга эга бўлмоқ учун де Сталь хоним ҳеч
нимани аямаган бўларди, лекин зерикканимдан юрагим
тарс ёрилай деяпти. Хўш, маркиза де Крузнуа бўлиб
олганимдан кейин хиёл бўлса-да камроқ зерикаман,
дейишга менда бирор асос борми?»

«Лекин, ё парвардигор! — дея қўшимча қилди у йиғ-
лагудек бўлиб. — Ахир у ажойиб йигит-қу. Бизнинг асри-
мизда уни боадаблик тимсоли деса бўлади! Сизга кўзи

тушиши биланоқ албатта биронта ширин гап айтади. Ўзи ҳам анча фаросатли. Жасурлигини айтмайсизми... Лекин анави Сорель бунча галати бўлмаса,— дея хаёлидан ўтказди қиз ва юзидаги зерикиш ифодаси газаб билан алмашинди. — Сиз билан гаплашмоқчиман, деб айтган эдим-ку унга, у бўлса қорасини ҳам кўрсатмайди!»

IX

Б а л

Ажойиб кийимлар, шамларнинг ёғдуси, атир-упанинг нозик ҳиди! Яланғоч бежирим қўллар, момиқ елкаларни айтмайсизми! Гулдасталар, гулдасталар! Россиянинг роҳатбахш ариялари, Сисери чизган табиат манзаралари-чи! Ох, нақадар ҳаяжон, ҳатто энтикиб кетасан киши!

«Узерининг саёҳати»

— Сиз нимадандир норози кўринасиз, — деди унга маркиза де ля Моль. — Сизга шуни айтиб қўяйки, балда норози қиёфада юриш назокатга кирмайди.

— Шунчаки бошим оғрияпти холос, — деди жавобан илтифотсизлик билан Матильда, — бу ер жуда иссиқ экан.

Худди шу пайт, гўё Матильданинг сўзларини тасдиқлагандек, мунқиллаб қолган барон де Толлининг мазаси қочиб, йиқилди. Уни залдан кўтариб чиқишга тўғри келди. Атрофдаги одамлар, бу сакта бўлса керак, дея гала-говур кўтаришди. Бу жуда кўнгилсиз ҳодиса эди.

Матильда бу воқеага мутлақо эътибор бермади. У анчадан бери чолларга қарамасликни ва умуман қайғули гаплар айтадиган одамларга эътибор бермасликни ўзига қоида қилиб олганди.

У сакта ҳақидаги бу сўзларни эшитмаслик учун яна танца туша бошлади. Одамларнинг сакта тўғрисидаги гапи нотўғри чиқди, зеро эртасига барон яна жамиятда пайдо бўлди.

«Бу дейман, жаноб Сорель қорасини ҳам кўрсатмаяпти-ку», — деди у кресло томон борар экан яна ўзига-ўзи.

У атрофга кўз югуртириб, деярли уни излай бошлаган эди, дафъатан йигитни қўшни залда кўриб қолди. Во ажаб, унинг ўзи учун жуда табиийдек туюладиган оғир-вазмин ва совуққон кўринишидан асар ҳам қолмагандек кўрипарди, шу тобда у инглизларга мутлақо ўхшамасди.

«У ўлимга ҳукм қилинган граф Альтамира билан гаплашяпти! — дея хитоб қилди ўзича Матильда. — Кўзлари қандайдир ғамгин йилтираяпти, шу туришда у кийимини ўзгартириб олган шахзодага ўхшайди, нигоҳини айтмай-сизми, қақадар мағрур қарайди у!»

Жюльен граф Альтамира билан суҳбатлашганича қиз турган жойга яқинлашиб келмоқда эди, Матильда унинг чехрасида инсонни ўлимга ҳукм этилиш шарафига муяссар қилувчи юксак хислатлар ифодасини излаб, унга қаттиқ тикилиб турарди.

Улар қизнинг ёнидан ўтиб кетишди.

— Ҳа, — дерди Жюльен граф Альтамирага, — Дантон инсон эди!

«Ё раббим! Унинг ўзи Дантон эмасмикин ишқилиб? — дея хаёлидан ўтказди Матильда. — Лекин унинг юзи жуда олижаноб кўринади, Дантон эса ўлгудай бадбуруш, ғирт қассоб эди шекилли». Жюльен ҳали унча узоқлашиб кетмаган эди: Матильда сира ўйлаб ўтирмай уни чақирдида, ўзига хос бўлган такаббурлик ва димоғдорлик билан тўғридан-тўғри йигитга ёш қиз учун ғалати туюладиган бир савол берди.

— Уша Дантон ҳақиқий қассоб эди, шундай эмасми? — деди у.

— Ҳа, баъзи одамларнинг назарида шундай эди! — дея жавоб қилди Жюльен, Альтамира билан қилаётган суҳбати таъсирида ҳамон кўзлари ёниб турар экан. Унинг юзида пинҳона бир нафрат акс этди. — Асилзода одамлар учун, бахтга қарши, у Сенадаги Мэри шахрида адвокат эди! Бошқача қилиб айтганда, мадемуазель; — дея киноя билан қўшимча қилди у, — у ўз мартаба йўлини мен бу ерда кўриб турган кўнгина пэрлар каби бошлаган. Шубҳасиз, гўзаллик бобида Дантоннинг катта бир нуқсонни бор эди: у жуда бадбашара бўлган.

Ана шу сўнги сўзларни у тез, қандайдир ғалати ва маълум қадар илтифотсиз бир оҳангда айтди.

Жюльен кибр-ҳаволи бир итоатгўйлик билан хиёл таъзим қилганича бир дақиқа кутиб турди. Шу туришда у: «Сизга жавоб бермоғим учун менга ҳақ тўлашади, мен шунинг ҳисобига кун кўраман», дейётгандек эди. У бошини кўтариб, Матильдага қарашни лозим кўрмади. Қиз

эса катта очилган шахло кўзларини ундан узмай йигит олдида худди унинг чўрисидек жимгина турарди. Ўртадаги сукут давом этавергач, йигит ниҳоят, бошини кўтариб қизга хўжайинидан фармойиш кутаётган хизматкор каби назар ташлади. Шунда, гарчи кўзи унга галати бир ифода билан қараб турган Матильданинг кўзлари билан тўқнашган бўлса-да, у дарҳол шоша-ниша пари кетди.

«У қандай гўзал йигит-а, — деди ўзига-ўзи Матильда ниҳоят эс-ҳушини йиғиштириб олгач. — Лекин хунуликни кўкларга кўтариб мақташини қаранг! Ўзи ҳақида ҳеч қачон эсламайди ҳам. Йўқ, у Кайлюс ва Круазнуаларга сираям ўхшамайди. Отам балга келган Наполеонни жуда қойиллатиб тасвирлайдилар. Манови Сорель нимаси биландир ўша Наполеонга ўхшаб кетади». Қиз Дантон ҳақида бутунлай унутиб қўйди. «Йўқ, бугун жуда зерикяшман». У акасининг қўлтиғидан тутди-да, Норбертининг норозилигига қарамай, ўзи билан бирга залнинг нариги томонига ўтишга мажбур қилди. Қиз анави ўлимга маҳкум Альтамира билан Жюльеннинг нималар ҳақида сўзлашаётганини эшитмоқчи эди.

Залда тумонат одам тўпланиб қолган экан. Ниҳоят, қиз уларга Альтамира ундан икки қадам наридаги патнисдан морожний солинган ликопчани олмоқчи бўлиб турган пайтда етиб олди. Граф унга ёнини ўгириб турганича Жюльен билан суҳбатлашаётган эди. Шу пайт у бирдан ўз қўли ёнида ликопча томон узатилган зарбоф енг ичидаги қўлни кўриб қолди. Зарбоф енг унинг диққатини ўзига тортди шекилли, Альтамира қўлнинг эгаси томон ўгирилиб қаради. Қаради-ю, унинг олижаноб ва содда кўзлари сезилар-сезилмас нафратдан чақнади.

— Сиз анави одамни кўряпсизми? — деди у секингина Жюльенга. — Бу князь Арачели, элчи*** жаноблари бўлади. Бугун эрталаб у сизларнинг ташқи ишлар министригиз жаноб де Нервалдан мени тутиб беришни талаб қилди. Ҳу ана у, кўряпсизми, вист ўйнаяпти. Жаноб де Нервалга қолса, мени жон деб тутиб берарди, зеро 1816 йилда биз сизларга икки-уч фитначини ушлаб берганмиз. Агар мени қиролимизга топширишса, у мени йигирма тўрт соат ичида дорга осадди. Мени қамоққа олиш учун эса манови мўйлов қўйган олифта йигитлардан бири келади.

— Аблаҳлар! — дея хитоб қилди Жюльен деярли баланд овоз билан.

Матильда бу суҳбатнинг биронта ҳам сўзини қолдир-

май эшитиб турарди. Унинг зерикишидан асар ҳам қолмаганди.

— Йўқ, уларни жудаям аблах деб бўлмайти, — дея эътироз билдирди граф Альтамира. — Сиз аниқ тасаввур ҳосил қилмоғингиз учунгина ўзим тўғримда сўз бошладим. Князь Арачелига бир разм солинг-а: у хар беш минутда ўзининг Олтин Руно орденига қараб қўяди. У кўкрагига ана шу тақинчоқли осиб олганидан боши осмонда. Бу аянчли нусха қандайдир сарқитнинг ўзгинаси. Бундан юз йиллар муқаддам Олтин Руно ордени буюк бир эҳтиром тимсоли эди, лекин у пайтларда бу нусхага бунақа эҳтиромни ҳатто орзу қилишига ҳам йўл қўйишмаган бўларди. Бугун эса мана шу асилзодалар орасида шу орденга сажда қилмоқ учун фақат Арачели бўлмоқ керак. У шу орденни деб бутун бир шаҳарни дорга осиндан ҳам қайтмайди.

— Орденни у шунинг эвазига олмаганми, ишқилиб? — дея сўради алам билан Жюльен.

— Йўқ, унчалик эмас, — совуққина жавоб берди Альтамира. — Эҳтимол, у ўз ватанида либерал деб ном чиқарган йигирма-ўттиз бой помешчикни дарёга ташлашни буюрган бўлса бордир.

— Оббо ифлос-ей! — дея яна хитоб қилди Жюльен.

М-ль де ля Моль бошини эгганича бу гапларни жуда қизиқиб тинглар экан, йигитга шу қадар яқин турардики, ажойиб сочлари унинг елкасига тегишига оз қолганди.

— Сиз ҳали жуда ёшсиз! — деди жавобан Альтамира. — Мен Прованеда эрга теккан бир опам борлигини сизга айтган эдим. У ҳозир ҳам кўхликкина, меҳрибон ва дилбар аёл. У оналик бурчига содиқ, диёнатли жувон, кейин мунофиқ ҳам эмас.

«Бу гаини билан нима демоқчи у?» — дея хаёлидан ўтказди м-ль де ля Моль.

— У жуда бахтли ҳаёт кечиради, — деб сўзида давом этди граф Альтамира, — 1815 йилда ҳам шундай яхши яшарди. Ўша кезлари мен унинг Антибдаги амлокида яшириниб ётгандим. Ана ўша маршал Пей қатл этилганини эшитгач, хурсанд бўлганидан ўйинга тушиб кетди.

— Нималар деярсиз! — деди қаттиқ ҳаяжонланиб Жюльен.

— Ўз партиясига содиқлик руҳи ана шунақа бўлади, — дея эътироз билдирди Альтамира. — Ун тўққизинчи асрда барча чинакам эҳтирослар сўнган. Шу боисдан ҳам Францияда одамлар шу қадар зерикишяпти. Улар бағритош бўлмаса ҳам ўтакетган даражада зolimлик қилишади.

— Баттар бўлишсин! — деди Жюльен. — Агар жиноят қиладиган бўлсанг, ундан лаззатлана билиш керак: жиноятнинг шундан бўлак яхши томони йўқ, мабодо уни сал бўлса-да оқлаш мумкин бўлса, фақат шу билан оқлаш мумкин.

М-ль де ля Моль қилаётган ишининг ўзига муносиб ёки муносиб эмаслигини мутлақо ўйлаб ўтирмай, олдинга суқилиб кирди-да, Жюльен билан Альтамиранинг деярли ўртасига туриб олди. Қўлтиғидан тутиб турган синглисига итоат қилишга ўрганиб қолган Норбер бир четга қараб турар ва одоб сақлаш учун ўзини худди тиқилинчга тушиб қолган одамдек кўрсатишга ҳаракат қилар эди.

— Тўғри айтасиз, — деди Альтамира. — Ҳамма иш лоқайдлик билан қилинади, сўнгра ҳеч ким ҳеч нимани эсламайди, ҳатто жиноятларни ҳам. Мана шу ерда, ана шу балда мен сизга нариги дунёда қотил дея лаънат ўқиладиган камида ўнта одамни аниқ кўрсатишим мумкин. Улар бу ҳақда унутиб юборишган, жамият ҳам унутган буни¹.

Улардан кўпчилиги, агар кучукчаси оёғини синдириб қўйса, кўз ёши тўкишга тайёр. Пер-Лашез қабристонига, Парижда сизларнинг нозик иборангиз билан айтилганда, уларнинг гўрига *гулчамбарлар қўйилгач*, бизга уларнинг кўксига олижаноб рицарларнинг барча фазилатлари мужассамланганини эълон қилишади ва Генрих IV замонасида яшаган аждодларининг буюк ишлари тўғрисида ҳикоя айтишади. Бироқ князь Арачелининг барча ҳаракатига қарамай, мени дорга осишмаса ва бирон кун келиб, мен Парижда ўз бойлигимга эгалик қилиш имкониятига эга бўлсам, мен сизни анча обрўли ва ҳеч қандай виждон азоби-ни билмайдиган саккиз ёки ўнта қотил билан зиёфатга таклиф қиламан.

Ўша зиёфатда сизу мен, фақат икковимизнинггина қўлимиз қонга бўялмаган бўлади. Лекин мендан қонхўр яacobинчи ва баттол деб, сиздан эса бамаъни одамлар орасига суқилиб кирган авом деб нафратланишади.

— Жуда тўғри! — деди м-ль де ля Моль.

Альтамира унга ажабланиб қаради, Жюльен эса унга қарашни лозим кўрмади.

— Шу нарсага эътибор берингки, мен йўлбошчи бўлиб қолган революция, — дея сўзида давом этди граф Альтамира, — мен уч одамнинг бошини танасидан жудо қилишни ва калити ўзимда бўлган саккиз миллион давлат

¹ Порози одамнинг гаши (*Мольернинг «Тартюф» асарига берган изоҳи*).

пулини ўз тарафдорларимизга улашиб беришни истамаганим учунгина муваффақиятсизликка учради. Ҳозир мени дорга тортишга ошиқаётган ва ўша кўзголонга қадар мен билан «сенсираб» гаилашадиган менинг қиролим, агар мен ўша уч одамнинг бошини олиб, ўша давлат пулларини одамларга улашиб берганимда, мени ўзининг биринчи даражали ордени билан мукофотлаган бўларди, зеро ўшанда мен ҳеч бўлмаганда ғалабанинг ярмисига эришардим ва мамлакатим қандай бўлмасин, ишқилиб, бирор конституцияга эга бўларди. Дунёнинг ишлари ўзи шунақа: шахмат ўйини бу.

— Лекин ўшанда, — дея кўзлари ёниб эътироз билдирди Жюльен, — сиз ҳали бу ўйинда тажрибасиз эдингиз, энди бўлса...

— Мен ўша уч одамнинг бошини қилт этмай танидан жудо қилардим, — сиз шундай демоқчимисиз? Яқинда менга айтганингиздек, ўзимни жирондист қилиб кўрсатмасмидим?.. Бу ҳақда мен сиз билан ўзингиз дуэлда биронта одамни ўлдирганингиздан сўнг гаплешаман, — деди жавобан маъюслик билан Альтамира. — Ахир бу инсонни жаллод қўлига топширишга қараганда анча олижаноброқ-ку.

— Қўйинг-е! — деди Жюльен. — Агар мақсад сари интилсанг, бу йўлда восита таппаб ўтиришнинг ҳожати йўқ! Агар мен арзимас бир одам бўлмай, қандайдир ҳокимиятга эга бўлганимда, тўрт кишини қутқариб қолиш учун уч кишини дорга жўнатардим.

Унинг кўзлари қатъий ишонч ҳамда инсоннинг аянчли мулоҳазаларига нисбатан нафрат билан ёнди-ю, худди шу дақиқада шундоқ ёнгинасида турган м-ль де ля Молянинг кўзлари билан тўқнашди, бироқ бу нафрат мулоҳим бир ифода билан алмашиш ўрнига қайтаган янада кучайгандек туюлди.

Қиз қаттиқ ранжиди, аммо энди у Жюльенни унута олмасди: у зардаси қайнаб, акасининг қўлидан тортганича нари кетди.

«Мен нунш ичиб, йиқилиб қолгунимча танца тушмоғим керак, — деди у ўзига-ўзи. — Мана ҳозир энг чиройли кавалерни таппайман-да, барчанинг диққатини ўзимга тортишга ҳаракат қиламан. Мана машҳур сурбет, граф де Фервакнинг ўзи ҳам келиб қолди». Қиз графнинг тақлифини қабул қилди-да, улар танца туша бошлашди. «Кўрамиз андишасизликда қай биримиз устун келарканмиз, аммо обдан калака қилмоқ учун уни сўзлашга мажбур қилиш керак». Кўп ўтмай кадрилда иштирок этаётганларнинг бари фақат одоб юзасидангина танца туша бошлашди.

Ҳеч ким графнинг қочирлиқларига жавобан Матильда айтаётган аччиқ сўзларни эшитмай қолишни истамасди. Жаноб де Фервак эсанкираб қолганди, граф назокатли гаплардан истаганча айта оларди, бироқ миясида фикр деган нарсадан асар ҳам йўқ эди; у ижирганиб башарасини бужмайтирарди. Матильданинг зардаси қайнаб турган эди, у графини шафқатсизлик билан калака қилди ва уни ўзига душман қилиб қўйди. Қиз эрталабгача танца тушди ва ниҳоят, ўлғудай чарчаб уйига жўнади. Бироқ каретада ҳам у хуноб бўлиб, сиқилаверди. Жюльен ундан нафратланишини яширмади, у эса йигитдан нафратлана олмасди.

Жюльеннинг қалби завқ-шавққа тўла эди. У ўзи ҳам сезмаган ҳолда музика, гуллар, барпо аёллар, атрофидаги ҳашамат, энг муҳими эса — ўз ҳаёлотини, — ўзи учун шон-шуҳрат ва барча учун озодлик ҳақидаги орзуларидан маст эди.

— Қандай ажойиб бал! — деди у графга. — Одам томоша қилиб тўймайди. Бу ерда нима етишмайди ўзи!

— Фикр етишмайди, — дея жавоб қилди Альтамира.

Унинг юзига шундай бир нафрат соя ташлаб ўтдики, одатда одоб юзасидан уни қанчалик яширишга уринишса, у шунчалик аниқроқ, шунчалик кучлироқ сезилади.

— Лекин бу ерда сиз борсиз-ку, граф! Ахир бу фикр эмасми, яна денг, фитна уюштирган фикр-а.

— Мен бу ерга фақат шуҳратим туфайлигина таклиф қилинганман. Аммо сизнинг меҳмонхоналарингизда фикрдан нафратланишади, бу ерда у водевилдаги қўшиқларда ишлатиладиган сўз ўйинидан нарига ўтмаслиги керак, ана шундагина уни қадрлашади. Бироқ инсон ўйлаб сўзласа, унинг ҳазилларида қандайдир куч ва янгилик бўлса, сизлар уни ҳаёсиз деб атайсизлар. Чамамда, судьяларингиздан бири Курьени шундай деб атаган шекилли? Сизлар уни Берамже каби қамокқа тиқдинглар. Умуман, сизларда ақл бобида бирор нарсага арзийдиган одамни конгрегация дарҳол ахлоқ тузатиш полициясининг қўлига топширади, бамаъни деб аталган одамлар эса буни олқишлайдилар.

Зеро сизларнинг мункиллаб қолган жамиятингиз учун энг муҳими одоб сақлаш... Сизлар ҳеч қачон ҳарбий жасоратдан нарига ўтолмайсизлар: сизларда мюратлар тошилади, лекин вашигтонлар пайдо бўлмайди. Мен Францияда қуруқ шуҳратпарастликдан бўлак ҳеч нима кўрмаётирман. Суҳбат чоғи хиёл тошқирлик кўрсатган одам эҳтиётсизлик қилиб биронта номақбул сўз айтиб юбориши мумкин. Қарабсизки, мезбон ўзини ҳақоратланган деб ҳисоблай бошлайди.

Шу пайт Жюльенни уйи томон олиб бораётган коляска де ля Моль саройи ёнида тўхтади. Жюльен ўз фитначисига деярли ошиқ бўлиб қолганди. Альтамира, чамаси, самимият билан унга ажойиб мақтов гап айтди:

— Сизда ана шу французча енгилтаклик йўқ, сиз фойда принципини яхши тушунасиз.

Шу гапдан икки кун олдин Жюльен жаноб Казимир Делавиннинг «Марино Фальеро» трагедиясини томоша қилган эди.

«Ахир ўша оддий дурадгор Израэль Бертуччионинг продаси барча асилзода венецияликларникига қараганда кучлироқ эмасми? — дерди ўзига-ўзи бизнинг газаби қайнаган плебейимиз. — Бўлмасам уларнинг бари олий насабли одамлар эди, уларнинг насл-насабини Буюк Карлдан бир аср олдингача, етти юзинчи йилга қадар кузатиш мумкин. Бугун жаноб де Рецшикидаги балда савлат тўкиб юрган анави барча киборларнинг насл-насаби эса нари борса ўн учинчи асрга бориб тақалади. Ана ўша насл-насаби юксак, аммо аслида оддий ва арзимас кимсалар бўлиши барча асилзода венецияликлар орасида фақат Израэль Бертуччионинг номигина сақланиб қолди.

Фитна у ёки бу ижтимоий тузум томонидан яратилган барча унвоиларни йўқ қилиб юборади. Бунда инсон ўлимнинг юзига тик қарай олиш қобилияти билан ўз қадрини тонади. Бу ўринда ҳатто ақл ҳам ўз қудратини йўқотади...

Бу Валено ва Реналлар асида Дантон ким бўларди? Нарк борса бирор прокурорга ёрдамчилик қиларди холос.

Аҳ, нималар деярман ўзи! У иезуитларга сотилиб, министр бўлиб оларди, зеро, охир-оқибатда буюк Дантон ҳам ўғирлик қилган-ку ахир. Мирабо ҳам сотилган. Наполеон ҳам Италияда талончилик қилиб, миллион-миллион маблағ орттирган, акс ҳолда у қашшоқлиги туфайли Пинегрю каби ҳеч қандай иш қилолмаган бўларди. Фақат Лафайетгина ҳеч қачон ўғирлик қилган эмас. Хўш, демак, қандай ўғирлик қилиш лозим? Сотилиш керакми?» Шу саволга келганда Жюльен тутилиб қолди. Шундан сўнг у эрталабгача революция тарихини ўқиб ўтирди.

Эртаси кунни йигит кутубхонада ёзув-чизув билан шуғулланар экан, ўқтин-ўқтин граф Альтамира билан қилган суҳбатини эслаб қоларди.

«Чиндан ҳам шундай бўляпти, — деди у ўзича узоқ мулоҳаза қилгач, — агар ўша испан либераллари халқни жиноят сари бошлаганларида, уларни шундай осонгина улоқтириб ташламаган бўлишарди. Улар гирт ёш бола эдилар,

менга ўхшаб гердаишган ва қуруқ гап сотишган экан», дея қичқириб юборди Жюльен бирдан уйғониб кетган одамдек.

«Хўш, ҳаётларида бир марта қатъий ҳаракат қилишга журъат этган ўша бадбахтлар ҳақида ҳукм юритиш ҳуқуқига эга бўлмоқ учун мен қайси ишни қойиллатиб қўйдим? Мен стол ёнидан туриб: «Эртага тушлик овқатни емайман, лекин бу нарса менга бугунгидек кучли ва ғайратли бўлишга халал бермайди», — дея қичқирадиган одамга ўхшайман. Қим билсин, инсон зоти буюк иш қилаётганида нималарни ҳис этаркин... Ахир бу тўппонча отиш дегани эмас-ку...» Унинг бу юксак мулоҳазалари м-ль де ля Молнинг дафъатан кутубхонага кириб келиши билан бўлинди. У ўзларини мағлуб бўлишларига йўл қўймаган барча бу Дантонлар, Мирабо ва Карноларнинг буюк фазилатларидан руҳланиб, шу қадар хаёлга берилиб кетган эдики, бошини кўтариб, м-ль де ля Молни ўйламай, таъзим қилмай ва деярли уни кўрмай тикилди. Сўнгра, ниҳоят, бу катта очилган кўзлар қизни кўрди-ю, йигитнинг нигоҳи сўнди қолди. М-ль де ля Моль буни дилида алам билан қайд қилиб қўйди.

Қиз ундан энг юқоридаги токчада турган Велининг «Франция тарихи» китобини олиб беришни илтимос қилди. Жюльен бориб кутубхонада ишлатиладиган катта нарвонни келтирди-да, керакли китобни тошиб, уни Матильдага узатди, лекин у ҳамон қиз тўғрисида ўйлай олмасди. Нарвонни олиб кетар экан, Жюльен кескин бурилаётиб, тирсаги билан кутубхона шкафининг ойнасини уриб юборди, ойна парчалари шарақлаб паркетга тўкилди-ю, шундан кейингина йигит, ниҳоят, ҳушига келди. У м-ль де ля Молдан кечирим сўрашга шошилди. Йигит назокатли бўлишни истади ва чиндан ҳам назокатли бўлди, вассалом. Матильда унга халал берганини ва йигитга, у билан сўзлашишдан кўра, у келгунига қадар ўйлаб ўтирган хаёллари билан бўлиш кўпроқ ёқаётганини аниқ сезиб турарди. У Жюльенга узоқ тикилиб турди-да, сўнг, ниҳоят, секин юриб нари кетди. Жюльен унинг ортидан қараб қолди. Йигит унинг кечаги зеб-зийнатли кийимларидан фарқли ўлароқ бугун оддийгина кийинганини кўриб қойил қолган эди. Унинг юзидаги ифода ҳам кечагидан бутунлай фарқ қилиб турарди. Герцог де Рецникда бағоят такаббур кўринган бу қиз ҳозир унга деярли қаандайдир илтижо билан қараб турарди. «Чамаси, бу қора қўйлак, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен, — унинг чиройли қоматини янада гўзалроқ қилиб кўрсатяпти. Уши чиндан ҳам малика

дейсиз, лекин нега у мотам либосини кийиб олибди?»

«Агар биронта одамдан бу мотамнинг сабабини сўрасам, яна ноқулай аҳволга тушиб қолишим мумкин.— Жюльен энди бояги илҳомбахш хаёллардан бутунлай қутулган эди.— Бугун эрталаб ёзган барча хатларни қайтадан ўқиб чиқмогим керак. Худо билсин, паришонлик билан нималарни ёздим қандай хатолар қилдим экан». У фикрини бир жойга тўплашга ҳаракат қилиб, биринчи хатни қайтадан ўқир экан, бирдан ёнида шойи кўйлакнинг шитирлашини эшитиб қолди, у дарҳол ўгирилиб қаради. М-ль де ля Моль столдан икки қадам нарида кулиб турарди. Жюльеннинг жаҳли чиқаёзди: унга иккинчи марта халал беришмоқда эди.

Матильдага келсак, қиз бу йигитнинг назарида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини яққол сезиб турарди; унинг кулгиси сохта эди, қиз саросимага тушиб қолганини яширишга ҳаракат қиларди ва унинг урдасидан чиқди ҳам.

— Бу дейман, жуда қизиқ нарсалар ҳақида ўйлаб ўтирибсиз шекилли, жаноб Сорель? Эҳтимол... граф Альтамирани Парижга қочишга мажбур этган ўша фитнанинг бирор қизиқарли тафсилотини эслаган бўлсангиз керак-да? Шу хаёлларингизни менга ҳам айтиб беринг; шу денг, жуда қизиқиб қолдим. Бу гапларни ҳеч кимга айтмайман, ўлай агар!

Ўз гапига ўзи қулоқ солар экан, қиз қандай қилиб оғзидан ана шу сўзлар чиққанига ажабланарди. Бу қанақаси бўлди? У ўзига тобе одамга ялиниб ўтирибдими? Қиз янада кўпроқ довдираб қолди-да, қандайдир бенарво ҳазил оҳангида кўшимча қилди:

— Бу қанақа хаёллар бўлдики, одатда жуда совуққон бўлган сиздек бир одамни Микеланжело пайгамбари каби шу қадар илҳомлантириб юборибди?

Кутилмаганда шундай такаллуфсизлик билан сўроққа тутиш Жюльеннинг газабини қайнатиб юборди. У бирдан телба одамга айлангандек туюлди.

— Дантон ўғрилиқ қилиб тўғри йўл тутганми? — деди у бирдан лаҳза сайин ошиб бораётган қандайдир бир газаб билан.— Пьемонт ва испан революционерлари жиноят қилиб, ўз халқлари шаънига доғ тушириши керакмиди? Одамларга, улар бунга муносибми, муносиб эмасми, армиядаги лавозимлар ва турли орденларни бўлашиб бериш лозиммиди? Ахир шундай мансаб ва мукофотларга эга бўлган одамлар қиролнинг қайтишидан кўрқинармиди? Турин газнасини талон-тарож қилишга йўл қўймоқ керакмиди?

Қисқасини айтганда, мадемуазель, — деди у қовоғини солганича қизнинг устига бостириб борар экан, — ер юзида жаҳолат ва жиноятни йўқ қилишни истайдиган одам орқа-олдига қирғинбарот қилиб, довулдай ўкириб ўтиши лозимми?

Матильда кўрқиб кетди, у йигитнинг нигоҳига дош бера олмай, беихтиёр орқага чекинди. Қиз индамай Жюльенга тикилиб турди-да, сўнгра, ўз кўркувидан ўзи уялиб, енгил одимлаганича кутубхонадан чиқиб кетди.

X

Қиролича Маргарита

Муҳаббат! Қувончга эришмоқ учун не кўйларга солмайсан бизни.

«Португалиялик роҳибанинг мактублари»

Жюльен ёзган хатларини қайтадан ўқиб чиқди. Тушлик овқатга занг чалинди. «Бу парижлик кўгирчоққа роса кулгили кўринган бўлсам керак ўзиям, — дея хаёлидан ўтказди у. — Дилимдаги гапларни унга айтиб телбалик қилмадимми ахир! Эҳтимол, бу унча телбалик ҳам эмасдир. Бу ўринда бор ҳақиқатни тўкиб солиш мен учун муносиб иш бўлди.

Хўш, нега бўлмасам ўзи бу ерга келиб, менга азиз бўлган нарсаларни сўраб-суриштиради? Бу унинг томонидан беадаблик эмасми! Гирт ахлоқсизлик-ку. Дантон ҳақидаги фикрларим унинг отаси менга маош тўлайдиган вазифалар қаторига кирмайди-ку ахир»

Емакхонага киргач, Жюльен м-ль де ля Молни бошдан-оёқ мотам кийимида кўриб ранжиганлигини дарҳол унутди кўйди: оиладагиларнинг унда бўлак биронтаси ҳам қора кийинмагани сабабли бу ҳол йигитга жуда галати туюлди.

Куни билан қаттиқ ҳаяжонланиб юрган Жюльен тушликдан сўнг бутунлай ўзига келди. Унинг бахтига, дастурхон ёнида лотин тилини биладиган анави академик ҳам ўтирган эди. «Агар мадемуазель де ля Молнинг мотам ту-

тиши ҳақидаги саволим чиндан ҳам ноўрин бўлса, — дея ўйлади Жюльен, — манови одам ҳар қалай устимдан унча кулмаса керак».

Матильда унга қандайдир бошқача кўз билан қараб ўтирарди. «Мана у — бу ерлик аёлларнинг ишваси, худди де Реналь хоним ҳикоя қилгандек бўляпти, — дея ўйларди Жюльен. — Бугун эрталаб унга бир оз қўполроқ муомала қилдим, у мен билан гаплашмоқчи бўлганида инжиқлигини кўтармадим. Натижада эса унинг олдида ҳурматим ошди. Лекин у ҳақини қўймайди, албатта. У ҳали мендан ўчини олади, ўзининг нафратомуз кибр-ҳавосини намойиш қилади менга, ҳозирча мен чамаси фақат жигига тегдим холос. Мен жудо бўлган аёл нақадар ўхшамасди-я бунга! Қандай табиий латофат бор эди унда! Қандай софдиллик! Мен унинг фикрини ўзидан аввал билиб олардим, бу фикрнинг унинг хаёлига қандай келаётганини сезиб турардим. Унинг қалбидаги ягона рақибим, бу болаларидан жудо бўлиш ваҳимаси эди, лекин бу туйғу шу қадар оқилона ва табиий эдики, гарчи ундан ўзим азиат чексамда, у менга хуш ёқарди. Тентак эканман... Ўшанда Париж ҳақидаги орзулардан маст бўлиб юрганам туфайли бу фаришта аёлнинг қадрига етмадим.

Қандай тафовут, ё раббим! Хўш, бу ерда нимани кўряпман? Фақат шуҳратпарастлик, калондимоглик, ўзига бипо қўйишнинг турли хил аломатлари — бор гап шу холос».

Барча стол ёнидан туриб кета бошлади. «Анави академикнингми кўлдан чиқармаслик керак», дея қарор қилди Жюльен. Ҳамма боққа чиқаётганида у академикка етиб олди-да, мўмин-қобиллик билан «Эрнани»нинг муваффақиятидан газабланаётган олимнинг фикрига қўшилди.

— Ҳа, агар қамоққа олишлар ҳақидаги махфий буйруқлар даврида яшаганимизда борми... — деди у.

— У даврда бундай қилишга унинг журъати етмаган бўларди! — дея Тальма сингари қўлларини силкитиб хитоб қилди академик.

Қандайдир гул ҳақида гап очилган эди, Жюльен Вергилийнинг «Георгиклар»идан бир-икки сатр ёд айтди ва шу заҳоти аббат Делининг беқиёс шеърларини мақтаб қўйди. Хуллас, у қўлидан келганича академикка хушомад қилди. Ва шундан кейингина бепарво бир оҳангда сўради:

— Мадемуазель де ля Молнинг бугун мотам либосини кийиб олганидан биронта амакиси ўлиб, ундан мерос олганми, дейман?

— Нима? Сиз шу уйда яшаб туриб, бу қизнинг қандай савдоси борлигини билмайсизми ҳали? — деди бирдан тўх-

таб академик. — Ростини айтсам, онаси қизининг бундай телбалик қилишига йўл қўйиши жуда галати туюлади, албатта, лекин бу гап орамизда қолсини бу онладагиларнинг иродаси шунақа заифроқ ўзи. Мадемуазель Матильдага эса прода бобида худо берган, шу бонедан ҳам у уйдагиларининг барини ётқизиб турғизади. Бугун ўттиничи апрель-ку ахир. — Академик жимиб қолди-да, қувлик билан Жюльенга қараб қўйди. Жюльен кўлидан келганча маънодор қилиб илжайди.

«Бутун уйни ётқизиб турғизиш, мотам либоси ва бугун ўттиничи апрель эканлигининг бир-бирига нима алоқаси бор? — дея ўйларди у. — Бу дейман, ўзим ўйлаганимдан ҳам кўпроқ қовун туширганга ўхшайман-ку».

— Ростини айтсам, мен... — деди у академикка ва унга савол назари билан тикилди.

— Юринг, боғни бирпас айланайлик, — деди академик узундан-узоқ ва таъсирли ҳикоя бошлаш имконияти туғилиб қолганидан ҳузур қилиб. — Менга қаранг: наҳот сиз бир минг беш юз етмиш тўртинчи йилнинг ўттиничи апрель куни қандай воқеа содир бўлганини билмасангиз?

— Қасрда? — ажабланиб сўради Жюльен.

— Грев майдонида.

Жюльен шу қадар таажжубга тушган эдики, ҳатто бу майдоннинг номи ҳам унга ҳеч нарсаи эслатмади. Синчковлик ва ўз руҳига жуда монанд бўлган аллақандай фожиали қизиқ воқеалар тўғрисидаги ҳикояни олдиндан ҳис этиш туфайли унинг кўзлари алоҳида бир ифода билан ёндикки, одатда, ҳикоячилар ўз тингловчиларининг кўзида ана шундай оловни кўришни ёқтиришади. Академик ҳеч нарсадан хабари бўлмаган шундай эътиборли тингловчи топиб олганидан боши осмонга етиб, Жюльенга 1574 йилнинг 30 апрель куни ўша даврнинг энг чиройли йигитларидан бири Бонифаций де ля Моль ва унинг дўсти, пьмонтлик дворянин Аннибал де Коконассонинг қандай қилиб Грев майдонида боши танидан жудо этилгани ҳақида жуда батафсил ҳикоя қила бошлади.

— Ля Моль Наварра қироличаси Маргаританинг маҳбуби эди. Қиролича уни жуда севарди. Бир нарсага эътибор беринг-а, — дея қўшимча қилди академик. — Мадемуазель де ля Молнинг номи ҳам *Матильда-Маргарита*. Шу билан бир қаторда де ля Моль герцог Алансонскийнинг арзандаси ва ўз машуқасининг эри, кейинчалик Генрих Тўртинчи номи билан машҳур бўлган Наварра қиролининг яқин дўсти ҳам эди. Худди масленица байрамида, сешанба куни бутун сарой аҳли ўлим тўшағида ётган бадбахт қирол Карл

Тўққизинчи билан Сен-Жерменда эди. Ля Моль қиролича Катерина Медичи саройида асир қилиб сақлаб келаётган ўз дўстлари, шаҳзодаларни халос этмоқчи бўлади. У икки юз сувори билан Сен-Жермен девори ёнига келади. Герцог Алансонский қўрқоқлик қилади, патижада ля Моль жаллоднинг қўлига топширилади.

Лекин бу ўринда мадемуазель де ля Молга энг таъсир қиладиган алоҳида бир жойи бор, буни менга бундан етти йил муқаддам унинг ўзи айтганди, ўшанда унинг ёши ўн иккида эди, лекин ўшанда ҳам ақли, ё тавба! — шундай дея академик кўзларини осмонга тикди. — Шундай қилиб денг, бу сиёсий фожиада унинг қалбини ларзага солган нарса — қиролича Маргарита Наваррскаянинг ҳеч кимга билдирмай Грев майдонидаги қандайдир уйга яшириниб, жаллоднинг олдига одам юборгани ва ундан ўз ўйнашининг ўлик бошини талаб қилиб олгани бўлибди. Тун ярим бўлганда эса, у ля Молнинг бошини олиб, ўз каретасига ўтирибди-да, Монмартр тепасининг ёнбағрида жойлашган кичик бир ибодатхонага борибди ва уни ўз қўли билан дафн этибди.

— Наҳот шу гаплар рост бўлса? — дея хитоб қилди таъсирланиб кетган Жюльен.

— Мадемуазель де ля Моль ўз акасидан нафратланади, зеро у кўриб турибсиз, бу воқеа ҳақида ўйлашни ҳам истамайди ва ўттизинчи апрель куни мотам либосини киймайди. Ўша машҳур қатлдан сўнг де ля Моль билан Коконассонинг садоқатли дўстлигини ҳеч қачон унутмаслик учун, — ўша Коконассо италян бўлиб, исми Аннибал эди, — бу авлоднинг барча эркакларига Аннибал деб исм кўйишади. Лекин ўша Коконассо, — дея қўшимча қилди академик товушини насайтириб, — Карл Тўққизинчининг айтишича, 1572 йил 24 август воқеаларида энг шафқатсиз қотиллардан бири бўлган экан. Лекин қандай қилиб, азизим Сорель, сиз шу хонадоннинг ҳамдастурхони бўлсангизу бу воқеаларни билмай юрсангиз?

— Шунинг учун ҳам бугун тушқи овқат пайти мадемуазель де ля Моль акасини Аннибал деб атаган экан-да. Мен бўлсам нотўғри эшитдим, деб юрибман.

— Бу таъна эди. Маркиз қизининг бу қилиқларига чидаб юрганга ҳайронман... Бу гўзал қизга уйланган одам зерикмайди.

Шундан сўнг беш-олтита заҳарханда гап айтилди. Академикнинг кўзларида чақнаб турган бадхоҳлик ва такаллуфсизликдан Жюльеннинг газаби қайнади. «Мана, биз

худди малайларга ўхшаб, хўжайинларимизни гийбат қиляпмиз, — дея ўйлади у. — Лекин бу жаноб академикдан ҳар нарсани кутса бўлади».

Жюльен бир куни уни маркиза де ля Моль олдида тиз чўкиб турганини кўриб қолганди: у хонимдан провинциядаги ўз жияни учун тамаки бўйича солиқ инспектори лавозимини илтимос қилмоқда эди. Кечкурун м-ль де ля Молнинг бир вақтлар Элизага ўхшаб Жюльенга ғамза қилиб юрадиган ёшгина камеристкаси унга ўз хонимининг бундай кийинишида одамларни ўзига қаратиш нияти йўқлигини шама қилди. Чамаси, бу ғалати қилиқ қиз табиатининг туб моҳиятидан чиқиб келса керак, у чиндан ҳам дўстларини озод қилиш учун шаҳид кетган, ўз даврининг энг маърифатли қироличасининг сеvimли ўйнаши бўлган ўша де ля Молни яхши кўрарди. Бу одам озод қилмоқчи бўлган дўстларининг кимлигини айтмайсизми! Валиаҳд шаҳзода ва Генрих Тўртинчини-я.

Де Реналь хонимнинг барча хатти-ҳаракатида яққол сезилиб турадиган табиийликка ўрганиб қолган Жюльен парижлик аёлларда истигнодан бўлак ҳеч қандай хислатни кўрмас ва ўзини хиёл бўлса-да, ноқулай сезган пайтлари улар билан нима тўғрида гапиришни билмай қолар эди. Бу жиҳатдан м-ль де ля Моль истисно бўлиб чиқди.

Энди йигит ажиб сарвқомат билан уйғунлашган ўзига хос бу гўзалликни қалбнинг совуқлигига йўймай кўйганди. У мусаффо баҳор кунлари меҳмонхонанинг ланг очиқ деразалари остида, боғда бирга сайр қилиб юрар экан, м-ль де ля-Моль билан узоқ-узоқ суҳбатлашарди. Шундай суҳбатлардан бирида қиз унга д'Обинье ва Брантомнинг тарихини ўқиётганини айтди. «Ажиб мутолаа-ку! — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Маркиза бўлса унга Вальтер Скоттнинг романларини ўқишга рухсат бермай юрибди!..»

Бир куни Матильда унга Генрих III хукмронлик қилган пайтдаги бир ёш аёлнинг қилган иши ҳақида гапириб берди — қизнинг кўзлари шундай бир ҳаяжон билан порлаб турардики, унинг самимий гапираётганига сира ҳам шубҳа қилмасе бўлади. Бу воқеа ҳақида у ҳозиргина Летуалнинг мемуарларида ўқиган экан: ўша аёл эрининг хиёнат қилганини билиб қолгач, унинг кўксига ханжар санчибди.

Бу ғалли эшитиб Жюльеннинг кўнгли кўтарилди. Шундай иззат-ҳурматда бўлган ва академикнинг айтишича, бутун уйни ётқизиб турғизадиган бу қиз у билан деярли дўстона оҳангда сўзлашмоқда эди.

«Йўқ, янглишганга ўхшайман, — дея ўйлади бир оздан

сўнг Жюльен. — Бу сира ҳам дўстона муносабат эмас, мен шунчаки трагедиялардаги ишончли одамдек бир суҳбатдошман, унинг эса ким биландир сўзлашгиси келяпти. Ахир мени бу хонадонда олим деб билишади-ку. Ўша Брантом, д'Обилье ва Летуалларнинг китобларини ўқиб чиқмогим керак. Шунда ҳеч бўлмаганда мадемуазель де ля Моль менга ҳикоя қилаётган ана шу воқеалар ҳақида баҳслашишим мумкин бўлади. Йўқ, мен ўша гунгалак суҳбатдош бўлиб юришимни ташлашим лозим».

Секин-аста Жюльеннинг ўз қадрини билиб ва шу билан бирга ўзини жуда табиий тутадиган бу қиз билан суҳбати борган сайин қизиқарлироқ тус ола бошлади. У ўзини ғазабланган плебейдек тутиб юришини унутаетганди. Йигит м-ль де ля Молнинг кўп мутолаа қилгани ва дурустгина муҳокама юрита олишини сезиб қолди. Унинг боғда сайр қилиб юрган пайтда изҳор қилган фикрлари меҳмонхонада айтган гапларидан бутунлай фарқ қиларди. Баъзан у билан суҳбатлаша туриб, қиз шу қадар руҳланиб кетардики, бу ҳол унинг одатдаги ўзини кибр-ҳаво ва совуққонлик билан тутишига бутунлай тескари эди.

— Иттифоқ урушлари — Франциянинг қахрамонлик даврлари эди, — деди бир куни у Жюльенга кўзлари завқ ва илҳом билан чақнар экан. — Ахир ўшанда ҳар бир одам, сизнинг императорингиз давридагидек бирор крестча олиш учун эмас, ўз сафдошларига ғалаба келтириши лозим бўлган маълум бир мақсад билан жанг қилган-ку. Ўша пайтларда худбинлик ва турли пасткашликлар камроқ бўлганини тан олсангиз керак ахир. Ўша даврни жуда яхши кўраман.

— Бонифаций де ля Моль эса ўша даврнинг қахрамони бўлган, — деди Жюльен қизга.

— Ҳар қалай, уни жуда севишган, бундай севги ҳаммагаям насиб қилавермайди. Айтинг-чи, ҳозир дунёда ўз ўйнашининг танасидан жудо қилинган бошига қўл тегиза оладиган аёл топилармикин?

Де ля Моль хоним қизини чақириб қолди. Риёкорлик, агар унинг фойдали бўлишини истаҳса, пинҳон тутилмоги лозим, Жюльен эса кўриб турибмизки, Наполеонга сажда қилишини м-ль де ля Молга деярли айтиб қўйган эди.

«Бизга нисбатан уларнинг улкан устуялиги ҳам ана шунда, — дея ўйлади Жюльен боғда ёлғиз қолгач. — Аждодлари тарихи уларни оддий ҳис-туйгулардан юқорироқ қўяди, яна улар эрта-кеч тирикчиликни ўйлашмайди ҳам. Қандай нотавонлик ахир бу! — дея қўшимча қилди у алам билан. — Мен бу юксак предметларни ўйлашга муносиб

эмасман. Менинг ҳаётим — бу турган-битгани риёкорлик, зеро ҳаммаси фақат шунинг учунки, ҳалол нон топиб ейишим учун минг франк рентам йўқ».

— Хўш, нималарни орзу қиляпсиз, тақсир? — дея сўради Матильда, югурганича унинг олдига қайтиб келгач.

Жюльен ўзидан-ўзи нафратланиб чарчаган эди. У мағрурлиги туфайли бор гапни очиқдан-очиқ гапириб берди. Йигит шолғомдек қизариб кетди, зеро у ўзининг қашшоқлигини шундай бадавлат бир кимсага гапирмоқда эди. У оддан тушса ҳам узангидан тушмай, ундан ҳеч нарса тама қилмаётганини қизга ётиғи билан уқтиришга ҳаракат қилди. Матильдага у ҳеч қачон бу қадар чиройли кўринмаган эди: у йигитнинг юз ифодаларидан сезгирлик ва садоқатни пайқади, қизнинг назарида кўпинча унга худди ана шу нарса етишмас эди.

Орадан бир ойча вақт ўтди, бир куни Жюльен де ля Моль саройининг боғида сайр қилиб юрар эди, бироқ энди унинг юзида ўзининг камситилганлигини муттасил ўйлаш натижасида сезилиб турадиган ўша қаҳрли ва фалсафий муросасизлик ифодаси кўринмай қолганди. У ҳозиргина, акаси билан югураётиб, оёғи лат еганини айтган м-ль де ля Молни меҳмонхона эшигига қадар кузатиб қўйганди.

«У қўлимга қандайдир жуда ғалати суянди! — дея мулоҳаза юритарди Жюльен. — Ё мен ўзимга бино қўйган олифтаман, ёки чиндан ҳам унга бир оз ёқаман. Ҳатто гурурим қандай азият чекиши ҳақида ҳикоя қилган пайтимда ҳам у жуда мулойим бир қиёфада қулоқ соляпти. Унинг шундай ювош бўлиб қолганини кўришса, меҳмонхонадагиларнинг бари нақадар ҳайрон бўлишларини тасаввур қиламан. Имоним комилки, бошқа ҳеч ким билан у шундай мулойим ва меҳрибонлик билан суҳбатлашмайди».

Жюльен бу гаройиб дўстликка ортиқча баҳо бериб юбормасликка ҳаракат қиларди. Унинг ўзи буни вақтинча сулҳга ўхшаш бир нарса деб ҳисобларди. Улар ҳар куни бир-бирлари билан учрашар экан, кеча ораларида пайдо бўлган илиқ ва дўстона оҳангга ўтмоқдан аввал ўзларидан: «Хўш, бугун биз дўстмизми ёки душман?» — дея сўрашаётгандек туюларди. Улар бир-бирларига айтган биринчи жумлаларида суҳбатнинг мазмуни ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмасди. Муомаланинг шакли — икковининг ҳам бутун диққат-эътибори ана шунга қаратилган бўларди. Жюльен, агар бу димоғдор қизга бир марта бўлса ҳам ҳақорат қилишга йўл қўйиб берса, ҳаммаси барбод бўлишини яхши тушунарди. «Агар аразлашадиган бўлсак, яхшиси ўз гуруримни қонуний равишда ҳимоя қилиб аразлашиб қўя

қолганим маъқул. Мабодо бирор нарсада унга ён бериб, нафсониятимнинг азият чекишига йўл қўйсам, турган гап, кейинчалик у менга нафратини сочиб, қалбимга ниш ура бошлайди ва бундан ўзимни ҳимоя қилишим қийинроқ бўлади».

Бир неча марта Матильда, кайфияти бузилиб турган пайтда у билан оқсуяк хонимлардек гаплашмоқчи бўлди, — қиз бу уринишларида катта маҳорат кўрсатарди, — бироқ ҳар гап Жюльен дарҳол бунинг олдини оларди.

Бир куни у қизнинг гапини шартта бўлиб қўйди.

— Агар мадемуазель де ля Моль ўз отасининг секретарига бирор иш буюришни лозим кўрсалар, — деди у қизга, — секретарь у кишининг буйруқларини сўзсиз эшитмоғи ва эҳтиром билан итоат этмоғи лозим, лекин у шундан бўлак бир оғиз ҳам сўз айтишга мажбур эмас. Унга ўз фикрларини мадемуазельга изҳор қилиши учун ҳақ тўлашмайди.

Қиз билан ўзининг ўртасидаги бу муносабат ва Жюльеннинг қалбида туғилган баъзи бир ғалати шубҳалар бирор нарса устидан кулиш одобсизлик ҳисобланадиган ва барча ҳар бир нарсадан гумонсирайдиган бу ҳашамдор меҳмонхонада биринчи паллада юрағи сиқилиб юрган йигитнинг дилидаги хунобгарчиликни қувиб юборди.

«Агар у мени севиб қолса, хўп қизиқ иш бўларди-да. Лекин у мени севадими, йўқми, мен ақлли бир қиз билан дўстлашиб қолдим. Кўриб турибман, уйдагиларнинг бари ундан безиллаб туради, айниқса апави маркиз де Круазнуа кўрқади ундан. Шундай мулойим, дилбар, жасур йигит-а, барча устунлик у томонда ахир: насл-насаби ҳам юксак, давлати ҳам беҳисоб! Агар шулардан биронтаси менда бўлганида борми, нақадар бахтли бўлардим-а! У Матильдани жонидан севади, унга уйланиши керак. Маркиз де ля Моль бу никоҳ битимини тайёрлаётган иккала нотариусга озмунча хат ёздирмади менга. Шундай қилиб, мен эрталаб кўлига қалам олиб, буюрган нарсаларини ёзиб ўтирадиган оддий бир қотиб, орадан бирор икки соат ўтгач, бу ерда, боғда, ўша ёқимтой зодагон йигит устидан тантана қилипман, зеро, охир-оқибатда, қиз мени афзал кўраётганига сира ҳам шубҳа қолмаётир. Эҳтимол, Матильда уни худди бўлажак эр сифатида ёмон кўрар, бунинг учун унда кибр-хаво жуда етарли. У ҳолда, демак, менга кўрсатилаётган илтифотлар — суҳбатдош малайга кўрсатиладиган ишонч бўлиб чиқади-ку.

Йўқ, ё мен ақлдан озганман, ёки унинг чиндан ҳам менга майли бор. У билан қанча совуқроқ ва расмийроқ

гаплашсам, у ўзини менга шунча яқинроқ олишга ҳаракат қиляпти. Буларнинг ҳаммаси қандайдир ниятда қилиняпти, буларнинг бари мунофиқлик, дея тахмин қилиш ҳам мумкин, лекин мен пайдо бўлишим билан унинг кўзлари чақнаб кетаётганини аниқ кўряпман-ку. Наҳот бу парижлик аёллар шу қадар маккора бўлсалар? Дарвоқе, менга бари бир эмасми? Зоҳиран шунақа, ахир бу менинг фойдам-ку. Бўпти, ана шу зоҳирликдан лаззатланайлик бўлмасам. Ё раббим, бунча чиройли бўлмаса у! Бу мовий шаҳло кўзларнинг яқиндан туриб тикилиши нақадар ёқади менга. Ҳозир у менга ўқтин-ўқтин шундай қарайдиган бўлиб қолган. Бу баҳор уч юз нафар ёвуз ва жирканч талабалар орасида ўзимни ниҳоятда бахтсиз ҳис этган ва иродамнинг кучи туфайлигина ўша ҳаётга бардош бериб келган бултурги баҳорга нақадар ўхшамайди-я. Ундай десам ёвузлик бобида ўзим ҳам ўша талабалардан деярли қолишмайман-ку ахир».

Бироқ шубҳага тушган дақиқаларида Жюльен ўзига-ўзи шундай дерди: «Бу қиз менинг устимдан куляпти. У акиси билан келишиб олиб, иккови мени калака қилишяпти. Лекин иродаси сустлиги учун у акасидан нафратланади шекилли. Акамнинг бор-йўқ фазилати жасурлиги холос, деган эди у менга. Унинг бутун жасорати фақат испанлар шамширидан кўрқмаслик, Парижда эса у ҳамма нарсадан чўчийди, доим кулгили аҳволга тушиб қолмасам эди, деб кўрқиб юради. Унинг расм-одат бўлиб қолган ҳақиқатлардан хиёл четга чиқадиган биронта мустақил фикри йўқ. Мен ҳатто доим уни ҳимоя қилишимга тўғри келади, деганди. Матильда эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган қиз! Наҳотки бу ёшда шундай мунтазамлик билан, бир лаҳзага бўлса-да, дилидагини сездирмай мунофиқлик қилиш мумкин бўлса?»

Лекин, бошқа жиҳатдан олганда, мадемуазель де ля Моль шаҳло кўзларини бир ифода билан менга тиккан заҳоти граф Норбер дарҳол нари кетади. Бунинг қандайдир шубҳали томони бор: у, чамаси, синглисининг малайлар орасидаги аллақандай хизматкорни ортиқ кўраётганидан газабланса керак. Ахир герцог Шонский мени худди шундай деб атаганини ўз қулогим билан эшитгандим-ку». Шу гапни эслагач, нафрат Жюльеннинг қалбидаги барча бўлак туйғуларни сиқиб чиқарди. «Эҳтимол, ўша мияси айнаб қолган герцог кўҳна услубни яхши кўрар?»

«Нимаям дердим, у гўзал қиз,— дея ўйлашда давом этарди Жюльен кўзлари газаб билан чақнаб,— уни йўлдан

ураман-да, кейин қочиб кетамаң. Йўлимни тўсган одамнинг шўри қурийди!»

Ана шу орзуларга берилиш энди Жюльеннинг ягона машгулоти бўлиб қолди: у бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмасди. Кунлар унинг учун соат каби ўтиб бормоқда эди.

У бирор жиддий иш билан шуғулланмоқчи бўлганида хаёли бирдан уни узоқ-узоқларга олиб қочарди: орадан чорак соат ўтиб, у ҳушига келарди-ю, юраги орзиқиб қотиб қоларди-да, «У мени севармикин?» деган саволдан мияси говлаб кетарди.

XI

Ёш қизнинг қудрати

Мен унинг хуснига қойил қоламану, лекин ақлидан қўрқаман.

М е р и м е

Агар Жюльен ўзича Матильданинг хуснига таҳсин ўқиш ёки унинг аждождаридан мерос қолган такаббурлигидан газабланиш ўрнига (тўғри, қиз сўнгги пайтларда Жюльенга нисбатан такаббурлик қилмай қўйганди), бу вақтини меҳмонхонада содир бўлаётган воқеаларни кузатишга сарфлаганида эди, у қизнинг теварак-атрофидаги одамларга ўтказадиган ҳукмининг нимадан иборатлигини тушуниб олган бўларди. Агар м-ль де ля Молга биронта одам ёқмай қолса, у айбдорни позик ва ўтқир бир ҳазил билан жазолай биларди. Бу ҳазил одоб доирасидан ташқари чиқмас, лекин у дилни шу қадар вайрон қилардики, одам у урган ниш ҳақида қанча кўп ўйласа, шунча кўп азоб чекарди. Бора-бора у ҳақоратланган нафсоният учун чидаб бўлмас даражага етарди. Оиланинг бошқа аъзолари орзу қилиб юрадиган нарсалар унинг учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмагани боисидан қиз ҳаммага ниҳоятда совуққон бўлиб кўринарди. Аристократик салон шуниси билан ёқимлики, одам у ердан чиқиб кетгач, ўрни келиб қолганда уни, мен у ерда бўлганман, дея эслаши мумкин. Фикр-мулоҳазанинг бутунлай йўқлиги, сийқа гаплар, айниқса ҳар қандай мунофиқликни бир чўқишда қочирадиган бемаъни олди-қочдилар — буларнинг бари кўнгилни айнатадиган *чучмаллиги* билан кишини бутунлай бездириб

юбориши мумкин. Назокат ва фақат назокат, аслини олганда анча дуруст нарса, лекин у биринчи палладагина шундай туюлади. Жюльен аввалига мафтун бўлган ва ҳайратга тушиб юрган пайтларда худди ана шуни ҳис этган эди. Назокат, дерди у ўзига-ўзи, бу фақат яхши тарбия кўрмаган одамларда сезилиб қоладиган ғижинишнинг йўқлиги, холос. Матильда тез-тез зерикиб турарди, эҳтимол, у ҳар қандай бошқа жойда ҳам худди шундай зерикиши мумкин эди. Ана шунинг учун ҳам узиб оладиган бирор сўз ўйлаб топса, унинг баҳридили очиларди.

Ота-онаси, академик ва унга хушомад қилиб юрадиган беш-олтита сигиндига қараганда қизиқроқ одамларни масхара қилиб, бу соҳада маҳоратини оширмақ учун ҳам у, эҳтимол, маркиз де Круазнуа, граф де Кайлюс ва яна уч-тўртта бағоят муносиб йигитларни умидвор қилиб юрарди. Булар қиз учун шунчаки калака қилишга янги нишон эди.

Биз дилимиз ранжиса-да, шуни тан олмоғимиз керакки, зеро биз Матильдани яхши кўрамиз, қиз бу йигитларнинг баъзиларидан хат олиб турарди, гоҳида эса уларга ўзи ҳам жавоб ёзарди. Яна шуни ҳам қайд қилмоғимиз керакки, романимизнинг ушбу қаҳрамони ўша даврда расм бўлган хулқ-атвор бобида истисно ҳамдир. Ҳар қалай асилзода қизлар тарбияланувчи «Исо қалби» монастиридан чиққан хонимчаларни бемулоҳазалиқда сира ҳам айблаб бўлмасди.

Кунлардан бирида маркиз де Круазнуа Матильдага қиз бир кун илгари анча эҳтиётсизлик билан ёзган хатни қайтариб берди, бундай оқилона эҳтиёткорлик билан у қизнинг кўнглини ром этишга умид қилган эди. Бироқ бу ёзишмада Матильдани худди ана шу телбалик ўзига мафтун қилганди. Унга ўзини хавф остига қўйиб таваккал қилиш ёқарди. Қиз ўша воқеадан сўнг маркиз билан бир ярим ой гаплашмай юрди.

Бу йигитларнинг хатлари Матильда учун эрмак эди, лекин унинг ўзи айтишича, бу хатлар бир-бирига жуда ўхшаб кетарди. Уларнинг барида самимий муҳаббат дарди изҳор этиларди.

— Уларнинг ҳаммаси бир хил, ҳозирнинг ўзидаёқ Фаластинга жўнашга тайёр тант йигитлар, — деди у хола-ваччасига. — Бундан ҳам бадтари бўлиши мумкинми ахир? Мен энди келажакда бутун умр ана шундай хатлар олиб яшашим керак! Ахир бу мактубларнинг ёзилиш услуби қайси машгулот тури расм бўлишига қараб, нари борса йигирма йилда бир марта ўзгариши мумкин. Ҳар қалай Империя даврида улар бунчалик бемаъни эмасдилар. У

пайтдаги оқсуяк йигитлар ё бирор буюк жиҳати бўлган ишларни кузатганлар, ёки уларни амалга оширишда ўзлари иштирок этганлар. Менинг тоғам, герцог Н. Ваграм остонасидаги жангда қатнашган.

— Нима, қиличбозлик қилиш учун ҳам ақл талаб қилинадими? — дея эътироз билдирди Матильданинг холаваччаси мадемуазель Сент-Эредит. — Лекин бундай жангда қатнашган одам кейин доим фақат шуни ҳикоя қилиб юради.

— Хўш, ҳикоя қилса нима қилибди! Мен бундай ҳикояларни жон деб эшитаман, Наполеон даврида ўн минглаб солдатлар ўлимга тик қараб борган ҳақиқий жангда иштирок этмоқ, бу чинакам жасоратдан далолат беради. Хавфхатарнинг бетига тик қарамоқ — қалбга юксаклик бағишлайди ва менинг бечора мухлисларим тармашиб ётган маноми зерикарли ҳаётдан халос этади, зерикиш эса шу қадар юқумлики, асти қўйверасиз. Биронта қаҳрамонлик кўрсатиш улардан қайси бирининг ҳаёлига келарди дейсиз? Улар менга уйланишмоқчимиш, шу ҳам жасорат бўлди-ю! Мен бадавлат қизман, отам куёвининг нуфузини ошириб қўяди, албатта! Аҳ, қани энди у менга сал бўлса-да, ғалати-роқ бир куёв топиб берганида эди!

Матильданинг жонли, тиниқ, жозибали фикр юритиши унинг тилига бирмунча салбий таъсир қилгандики, буни ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак. Ўқтин-ўқтин қизнинг оғзидан чиқиб кетган биронта ибосизроқ сўз унинг боадаб дўстларига эриш туюларди. Агар Матильда ҳаммага шу қадар ёқмаганида, дўстлари баъзан унинг аёллик латофатига мутлақо мос тушмайдиган ўткир иборалар айтиб юборишини очиқдан-очиқ тан олишган бўларди.

Қиз эса, ўз навбатида, Булон ўрмонида гиж-гиж бўлиб ётган бу назокатли кавалер зотига шафқатсиз эди. У келажакка даҳшат билан қарайди, деб бўлмасди, зеро бу жуда кучли туйғу, лекин у бундай ҳаётдан жирканарди, бу эса унинг ёшидаги қизларда камдан-кам учрайдиган бир ҳол, албатта.

Хўш, у нимани орзу қилсин? Унинг ҳамма нарсаси бор эди: бойлик, насл-насаб, ақл, ҳусн, атрофдагиларнинг бари шундай дейишарди ва қиз бунга ишонарди, хуллас, фалак ундан ўз саховатини аямаганди.

Жюльен билан сайр қилиш дилига завқ бағишлаётганини дафъатан сезиб қолганида бутун Сен-Жермен қасабасидаги энг бадавлат бу қиз ана шундай ўй-хаёллар билан банд эди. Йигитнинг мағрурлиги уни таажжубга солмоқда эди: қиз бу оддий косибваччанинг позик ақлига қо-

ийл қоларди. «У аббат Мориға ўхшаб епископ даражасига кўтарилди», дея ўйларди у.

Тез орада унинг баъзи бир фикрларига қаҳрамонимизнинг сира ҳам сохта бўлмаган самимий бир сабот билан эътироз билдириши Матильдани жуда қизиқтириб қўйди; қиз бу тўғрида ўйлай бошлади, у ўз дугонасига йигит билан қилган суҳбатларининг барча тафеилотларини айтиб берар ва унга нуқул бу суҳбатларнинг асл маъносини, уларнинг нозик жиҳатларини баён қилиб беролмаётгандек туюларди.

Дафъатан унинг миясига лоп этиб бир фикр келиб қолди. «Мен севиш бахтига муяссар бўлибман, — деди у бир куни қалби чексиз завққа тўлиб. — Мен севаман, ҳа, севаман, бу аниқ. Менинг ёшимдаги чиройли, ақлли бир қиз чинакам ҳис-туйғуни севгидан бўлак яна нимада топиши мумкин ахир. Қанча ҳаракат қилмайин, мен ҳеч қачон на манови Круазнуани, на Кайлюсни на tutti quanti¹ни сева оламам. Чамаси, улар жуда тўқис, керагидан ортиқ даражада тўқис бўлишса керак. Хуллас, улар билан зерикиб қоламан».

Қиз ўзича «Манон Леско», «Янги Элоиза», «Португалиялик роҳибанинг мактублари» ва ҳоказо, ва ҳоказоларда ўқиган барча эхтирос тасвирларини эслай бошлади. Бу ўринда сўз ўз-ўзидан маълум, юксак туйғу тўғрисида кетмокда эди, енгил ишқий саргузашт унинг ёшидаги ва унинг насабидаги қиз учун сира ҳам тўғри келмасди. Муҳаббат деб у Францияда Генрих III ва Бассомпьер даврида учрайдиган юксак ва қаҳрамонона туйғунигина айтарди. Бундай муҳаббат тўсиққа учраганда кўрқоқлик билан орқага чекинмас, йўқ, аксинча, у буюк ишлар сари ундарди. «Ҳозир бизда Екатерина Медичи, Людовик Ҳн учинчи пайтидаги каби ҳақиқий сарой аҳллари йўқлиги мен учун нақадар бахтсизлик бўляпти, сезиб турибман, катта жасорат талаб қилинадиган буюк ишлар қилишим мумкин эди. Агар ҳозир Людовик Ҳн учинчи каби шавкатли бир қирол олдимда тиз чўкиб турганида эди, мен унинг учун нималар қилмасдим дейсиз! Мен уни, барон де Толлининг таъбири билан айтганда, Вандеяга бошлаб борардим ва у яна ўз қироллигини қайта забт этарди, ана унда ҳеч қандай Хартияга эҳтиёж бўлмасди... Жюльен эса, менга ёрдам берарди. Унга ҳозир нуфуз билан бойлик етишмайди, холос. Шунда у шуҳрат ҳам қозонган, бойлик ҳам орттирган бўларди».

Круазнуада эса ҳамма нарса бор, лекин у бутун умр

¹ Бошқа биронтасини ҳам (*италь.*).

фақат герцоглигича қолади, доим ярим-роялист, ярим-либерал бўлиб, сира ҳаддидан ошмай, мужмал ва ўртамиёна одам бўлиб юраверади, *бинобарин, доим иккинчи ўринда бўлади.*

Рўёбга чиқаётган пайтда *ҳаддидан ошиш* бўлиб туюлмайдиган биронта буюк ишнинг ўзи бормикин дунёда! У рўёбга чиққанидан кейин эса бу ишни оддий одамлар ҳам бажарса бўладиган деб ҳисоблай бошлайдилар. Ҳа, қалбимда барча мўъжизалари билан ҳукмронлик қилаётган бу туйғу севгининг ўзгинаси, сезиб турибман, унинг алангаси менга илҳом бағишляпти. Фалак аслида ҳам мендан бу саховатини аямаслиги керак эди. Бир инсонда шунча фазилатларни бекорга шундай мужассам қилмаган-ку ахир у. Менинг бахтим ўзимга муносиб бўлади. Ҳаётимнинг ҳар бир куни кечаги куннинг бемаъни такрори бўлмаслиги керак. Жамиятда тутган ўрни бўйича мендан шу қадар йироқ турган бир йигитни севишга журъат этишнинг ўзи даёқ қандайдир жасорат ва буюклик бор. Бундан кейин ҳам у менга муносиб бўладими, йўқми, буни кўрамиз ҳали. Агар Жюльеннинг бирор заиф томони борлигини сезиб қолгудек бўлсам, дарҳол у билан муносабатни йиғиштирмаман-қўяман. Шундай ажойиб авлоддан бўлган ва одамларнинг айтишича, шундай танти қиз (отаси бир куни уни шундай сифатлаган эди) аҳмоқона иш қилмаслиги керак.

Агар де Круазнуани севиб қолганимда худди ана шундай аҳмоқона иш қилган бўлардим. Бу меннинг холаваччаларим лаззатланиб юрган бахтнинг ўзгинаси бўларди. Мен эсам худди *шу* нарсадан нафратланиб юраман. Боёқиш маркиз менга айтадиган барча гаплар ва ўзимнинг унга жавобан айтадиган ҳамма сўзларим менга олдиндан маълум. Эсноғингни қистатадиган муҳаббат ҳам муҳаббат бўлдимми? Ундан кўра мунофиқлик қилган яхши. Буни қараи-а: холаваччаларимдан кичигини эрга беришгандек, тўй битимига имзо чекишади-ю, меҳрибон қариндошларим меҳрлари товланиб кўзларига ёш олишади. Яхшиямки, *қизларнинг кўнглини топиш қийин ва улар қарши томоннинг нотариуси тунови куни битимга киритган анови сўнги шарт туфайли товсалланиб туришибди».*

Дантон эмасмикин бу?

Хис-ҳаяжонга ўчлик — менинг холам, гўзал Маргарита де Валуанинг табияти ана шундай эди. Тез орада у hozирги кунда Францияда Генрих IV номи билан ҳукмронлик қилаётган На-варра киролига турмушга чиқди. Таваккал қилиш — бу гўзал малика табиятини бугун сври ана шунда эди, унинг ўн олти ёшдан бошлаб акалари билан тез-тез аразлашиб ва ярашиб туришининг бонси ҳам ана шунда. Ёшгина қиз нимаси билан таваккал қилиши мумкин ахир? Узидаги энг қимматбаҳо нарса: ўз ор-номуси билан. Унинг бутун ҳаёти ҳақида ҳам ана шу бўйича ҳукм юритилади.

Карл Тўққизинчининг ниқоҳсиз хотинидан туғилган ўгли герцог Ангулемский мемуарлари.

«Хўш, Жюльен билан икковимиз-чи? Ҳеч қандай битим, мешчанлик расм-русмларини олдиндан амалга оширувчи ҳеч қандай нотариус бўлмайти бизда. Ҳаммаси қаҳрамонона бўлиб, ҳаммаси тасодифга қўйиб берилади. Агар унинг паст табақадан чиқиб келганини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси Маргарита Валуанинг ўз замонасининг энг ажойиб кишиси бўлмиш навқирон ля Молга бўлган муҳаббатига ўхшаб кетади. Лекин сарой аъёнларидан бўлмиш йигитларимиз одоб қоидаларига кўр-кўрона содиқ бўлиб, хиёл бўлса-да, галатироқ ҳодисани ўйлашлари биланоқ ранглари ўчиб кетса, менда нима айб, Греция ёки Африкага кичкина бир саёҳат уларга энг зўр жасорат бўлиб кўринади. Ушанда ҳам улар фақат буйруққа биноан, отряд билан бирга боришади. Лекин уларни ўз ҳолига қўйиб берсангиз борми, дарҳол ваҳимага тушиб қолишади, улар бадавийларининг найзасидан эмас, йўқ, кулгили аҳволга тушиб қолишдан кўрқишади ва бу ваҳима уларнинг эс-ҳушини олиб қўяди.

Менинг азизим Жюльен эса бунинг худди акси: у ҳамма ишни бир ўзи бажаришни яхши кўради. Бирор кишига суяниб иш кўриш, биронта одамдан ёрдам сўраш бу гаройиб йигитнинг ҳатто хаёлига ҳам келмайди. У бўлак ҳаммадан нафратланади, мен эса, худди шунинг учун ҳам ундан нафратланмайман.

Агар Жюльен шу камбағаллиги билан дворянин бўлганида эди, менинг севгим бемаъни тентаклик, энг оддий мезальянс¹ бўлиб чиқарди, мен ҳеч қачон бу ишга юрмаган бўлардим, бунда чинакам буюк эҳтиросларга хос бўлган жиҳатлар, ҳеч қандай енгиб бўлмас тўсиқлар ҳам, келажакнинг мажхуллиги ҳам бўлмасди».

М-ль де ля Моль бу юксак мулоҳазаларга шу қадар берилиб кетган эдики, эртаси куни у маркиз де Круазнуа билан акасига ўзи ҳам сезмаган ҳолда Жюльенни кўкларга кўтариб мақтай бошлади. Қиз шунчалар қизгин гапирардики, бу ҳол охир-оқибатда уларнинг иззат-нафсига тегди.

— Бу сергайрат йигитдан қўрқилишигиз керак, — дея хитоб қилди акаси. — Яна революция бошлангудек бўлса, у ҳаммамизни гильотинага жўнатади.

Қиз бу гапга жавоб беришга журъат этмай, акаси ва маркиз де Круазнуанинг гайрат, шижоатдан чўчишларини калака қила бошлади. Ахир аслида бу қандайдир кутилмаган ҳодисага дуч келиб қолишдан қўрқиш, бундай воқеадан саросимага тушиш мумкинлигидан чўчиш эди-да.

— Сиз жаноблар, доим кулгили аҳволга тушиб қолишдан қўрқиб юрасиз — ахир, бахтга қарши бундай хавфга 1816 йилда барҳам берилган-ку.

«Иккита партия мавжуд бўлган мамлакатда, — дегувчи эди жаноб де ля Моль, — кулгили аҳволнинг ўзи бўлиши мумкин эмас».

Қизи отасининг бу билан нима демоқчи эканлигини жуда яхши англаган эди.

— Шундай қилиб, жаноблар, — деди у Жюльеннинг мухолифларига, — сизлар умрбод қўрқиб юрасизлар, кейин эса сизларга:

Ахир бу бўри эмас, унинг сояси, фақат, —

дея қўшиқ айтиб беришади.

Бир оздан сўнг Матильда уларнинг олдидан кетди. Акасининг гаплари уни даҳшатга солган эди: у анчагача ўзига

¹ Мезальянс — никоҳда тенгсизлик (тарж.).

келолмай юрди, бироқ эртаси куни қиз, бу гап — жуда катта мақтов, деган хулосага келди.

«Хар қандай қатъият барҳам топган бизнинг замона-мизда Жюльеннинг дадиллиги уларни кўрқитяпти. Мен акамнинг бу сўзларини унга айтаман. Унинг нима деб жавоб беришини бир кўрмоқчиман. Фақат унинг кўзлари ёниб турадиган бир пайтни тониб айтиш керак. Бундай пайтда у менга ёлгон гапира олмайди».

«Агар бу Дантон бўлса-чи! — деди у узоқ хаёл суриб, ўзига келгач. — Хўш, нима қилибди! Агар яна революция бошланиб қолгудек бўлса, Круазнуа билан менинг акам қандай роль ўйнашади? Уларнинг роли олдиндан белгилаб қўйилган: улугворлик билан тақдирга тан бериш. Улар қахрамонона бир итоатгўйлик билан сира қаршилик кўрсатмай, кўйдек бошларини пичоққа тутиб беришади. Улар ўла туриб чўчийдиган ягона нарса — бу яна ўша ахлоқ доирасидан чиқиб кетмаслик бўлади. Менинг кичкина Жюльеним эса, агар нажот топишга сал умид бўлса, ўзини қамоққа олгани келган хар қандай яacobинчининг пешонасидан отади. У одоб сақлаш ҳақида ўйлаб ўтирмайди, йўқ».

Бу сўзлар уни ўйлантириб қўйди. Улар қизнинг тасавурида қандайдир оғир хотираларни жонлантирдик, унинг дилидаги завқ-шавқ бир зумда ғойиб бўлди қолди. Бу сўзлар унга де Кайлюс, де Круазнуа, де Люз жаноблари ва акасининг баъзи ҳазил-мазах гапларини эслатди. Бу жаноблар бир овоздан Жюльени риекор, итоатгўй ва мунофиқ кўринади деб айблашарди.

«Аҳ, — дея хитоб қилди у бирдан кўзлари қувонч билан ёниб, — уларнинг худди ана шу истехзолари-ю, доимий ҳазил-ҳузул гаплари, гарчи буни ўзлари истамаган бўлсалар-да, Жюльен биз бу йил қишда кўрган одамлар ичида энг ажойиби экаплогидан далолат бериб турибди. Хўш, унинг камчиликлари ва турли галати хислатлари билан уларнинг нима иши бор? Ундаги ҳақиқий улугворлик эса, ўзларининг рюягарчилигу меҳрибонликларига қарамай, уларнинг нафеониятига тегади. Тўғри, Жюльен камбағал ва у руҳоний бўлмоқ учун таҳсил кўрган, улар эса эскадроналарга командирлик қилишади, улар ўқишга муҳтож эмаслар. Бу анча қулай, албатта».

Бироқ ана шу барча манфийларга, доим бир хилда қора костюм кийиб юриши ва боёқиш очликдан ўлмаслик учун ўзини руҳонийлардек сипо тутишига қарамай, бу асилзода йигитлар унинг устунлигидан чўчиб қолишган. Бунга шубҳа йўқ. Манови руҳонийларга хос сипогарчилик эса

биз у билан бир неча дақиқага ёлғиз қолганимиз заҳоти ғойиб бўлади қўяди. Бу жаноблар ўзларига ўткир ва ақлли бўлиб туюлган бирор гап айтганларида улар дарҳол, аввало Жюльенга қараб қўядилар. Мен буни жуда аниқ сездим. Бу асилзода йигитлар бирон савол билан мурожаат қилмагунларига қадар, унинг ўзи улар билан биринчи бўлиб сўзлашмаслигини жуда яхши биладилар-ку ахир. У фақат мен билан сўзлашади. У мени олижаноб қалб соҳибаси деб ҳисоблайди. Уларнинг эътирозларига эса фақат одоб қоидалари талаб қилганича жавоб қайтаради. Ва дарҳол ҳурмат сақлаб жимиб қолади. Мен билан эса у соатлаб баҳслашишга тайёр, фақат ҳеч қандай эътирозим қолмагандан кейингина ўзининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилади. Бутун қиш давомида биз у билан бирон марта ҳам чинақамига жанжаллашмадик, баъзи-баъзидагина бир-биримизнинг диққатимизни ўзимизга қаратмоқ учун пичинг қилдик, холос. Буям гапми, ҳатто хонадонимизнинг обрў-эътибори бўлмиш отамдек одам ҳам Жюльенни ҳурмат қилади. Барча бўлак одамлар уни ёмон кўришади, лекин онамнинг дугоналари, анови художўй мунофиқларни ҳисобга олмаганда ҳеч ким ундан нафратланмайди.

Граф де Кайлюс отга ўлгудек ишқибоз одам эди ёки ўзини шундай қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди, унинг бутун умри отхонада ўтарди. У ҳатто нонуштани ҳам кўпинча ўша ерда қиларди. Бу гаройиб ишқибозлик ва доим тишининг оқини кўрсатмай юриш одати туфайли у дўстлари орасида катта ҳурмат қозонган эди, хуллас, бу йигит ана шу кичкина тўғаракнинг ҳақиқий лочини бўлиб, бошқалардан ажралиб турарди.

Эртаси куни барча де ля Моль хонимнинг кенг-мўл креслоси ортида тўплангани заҳоти, — Жюльен ўша куни меҳмонхонага келмаган эди, — жаноб де Кайлюс м-ль де ля Молни кўриши биланоқ, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, бирдан қизишиб, Матильданинг Жюльен ҳақидаги яхши фикрига қарши эътироз билдира бошлади. Круазнуа билан Норбер эса унинг гапини қувватлаб туришди. Қиз бу соддагина ҳийлани дарҳол тушунди-ю, қалби завққа тўлди.

«Маана, — дея ҳаёлидан ўтказди у, — уларнинг бари ҳатто ўн луидор рентаси бўлмаган ва савол билан мурожаат қилгунларига қадар, уларга жавоб бера олмайдиган ёлғиз бир истездодли одамга қарши тил бириктиришибди. У ҳатто ана шу қора костюмда ҳам уларни ваҳимага солиб кўйибди. Мабодо у эполет тақиб-юрганида нима бўларди?»

Қиз шу чоққача бунчалик зийраклик билан жавоб қайтармаган эди. Улар ҳужум бошланган заҳоти у Кайлюс ва унинг иттифоқдошлари бошига захар олуд кесатиклар ёғдирди. Бу дабдабали офицерларнинг қочириқлари даф қилинганч, Матильда жаноб де Кайлюсга қараб шундай деди:

— Агар эртага Франш-Контэ тоғи томонидаги бирор дворянча, Жюльен менинг никоҳсиз хотинимдан туғилган ўғлим бўлади, деб тан олса-да, унга ўз номи билан бир печанинг франк пулли васият қилиб қолдирса, бир ярим ой ўтмасданок у ҳам худди сизларга ўхшаб мўйлов қўяди, жаноблар, ярим йилдан кейин эса у худди сизлар каби гусар офицери бўлиб олади. Ана ўшанда унинг табиатидаги улуғворлик сира ҳам кулгили бўлиб кўринмайди. Кўриб турибман, жаноб бўлажак герцог, энди сизнинг биргина далилингиз, дилил бўлгандаям эскиган ва яроқсиз далилингиз қолдики, у ҳам бўлса, сарой дворянларининг провинциялардан устунлигидир. Хўш, агар мен мақкорлик қилиб, Жюльеннинг отаси Наполеон урушлари пайтида Безансонда асир бўлиб турган испан герцоги бўлади, деб сизни мот қилсам-чи, унда ҳолингиз не кечади? Тасаввур қилинг-а, ўша чол ўлим олдидан қилмишига пушаймон бўлиб, Жюльен менинг ўғлим, дея тан олади.

Никоҳсиз хотин ҳақидаги барча гаплар жаноб де Кайлюс ва жаноб де Круазнуаларга бир қадар одобсизлик бўлиб кўринди. Улар Матильданинг мулоҳазаларидан уққан ягона гап ана шу бўлди.

Норбер унга итоат қилмоқликка қанчалар кўниккан бўлмасин, синглисининг гаплари шу қадар аниқ ва равшан эдики, йигит доим жилмайиб турадиган мулозим чехрасига сира ҳам ярашмайдиган жиддий бир тусга кириб, ҳатто бу хусусда бир печанинг оғиз сўз айтишга ҳам журъат этди.

— Мабодо тобингиз қочиб қолмадими, дўстгинам? — деди Матильда гўё ташвишга тушгандек авзойини ўзгартириб. — Ҳазилга жавобан насиҳатгўйлик қилиш хаёлингизга келибдими, демак, анча хаста бўлиб қолганга ўхшайсиз. Сиз насиҳатгўйлик ҳам қиласизми ҳали? Префект бўлмоқчи эмасми, ишқилиб?

Матильда гарф де Кайлюснинг ранжиганини ҳам, Норбернинг порозилигини ҳам, де Круазнуанинг унсиз маъюслигини ҳам тезда унутди қўйди. У қалбини ўртаё бошлаган машъум бир муаммони ҳал қилмоғи лозим эди.

«Ахир Жюльен мен билан жуда самимий гаплашади, — дея ўйларди у. — Унинг ёшида, кимгадир қарам бўлган,

боз устига дилини ўта шуҳратпарастлик туйғуси ўртаётган бир йигит ҳақиқий дўстга муҳтож бўлади, албатта. Мен унинг худди шундай дўстиман, лекин унинг кўзларида ҳеч қандай муҳаббат кўрмайман. Ахир у табиатан жуда жасур йигит, у мени севишини айтишдан қўрқмаган бўларди».

Тараддудга тушиб қолган, ҳаётининг ҳар лаҳзасини ўзи билан ўзи баҳслашиб ўтказаяётган Матильда Жюльен билан суҳбатлашган заҳоти бир талай янги далил ва эътирозлар ўйлаб топарди-да, шу пайтга қадар қалбини кемириб келган зерикшдан бутунлай халос бўларди.

Бир куни эмас, бир кун министр бўлиб, руҳонийларга уларнинг ер-мулкларини қайтариб бериши мумкин бўлган гоят ақлли бир одамнинг қизи бўлмиш м-ль де ля Молга «Исо Қалби» монастирида беҳад хушомад қилишарди. Унга ана шу барча устуликлар — насл-насаб, катта давлат ва ҳоказолар туфайли у бошқа қизларга қараганда бахтлироқ бўлиши лозимлигини уқтиришган эди. Дунёдаги барча қиролларнинг зерикши ва уларнинг тинимсиз ҳадидан ошишининг ҳам сабаби ана шундадир.

Матильда ҳам ана шу панд-насихатларнинг ёмон таъсиридан қутула олмаган эди. Қанча ақлли бўлмасин, ўн яшар қизалоқ бутун монастирнинг хушомадига, хушомад бўлганда ҳам анча асосли хушомадига дош бермоғи қийин эди.

У, Жюльенни севиб қолдим, дея қарор қилганидан буён мутлақо зерикмай қўйди. Қиз қалбида буюк эътиросни ҳис этишга журъат этаётганидан боши осмонда эди. «Лекин бу жуда хавfli эрмак,— дерди у ўзига-ўзи.— Янаям яхши! Минг чандон яхши!

Бу муҳаббатсиз мен ҳаётимнинг ўн олти ёшдан йигирма ёшгача бўлган энг ажойиб палласида зерикиб ўлардим. Бусиз ҳам энг яхши йилларимни беҳуда ўтказиб юбордим. Мен учун бутун кўнгил хуши онамнинг дугоналари айтадиган бемаъни гапларни эшитишдан иборат эди, лекин айтишларича, 1792 йили Кобленцда уларнинг ўзлари ҳам унча сипо бўлишмаган экан. Улар энди вазмин тортиб, насихатгўй бўлиб қолишган».

Матильда ана шундай ўй-хаёлларга бориб, иккиланиб юрган дақиқаларда Жюльен унинг ўзига узоқ тикилиб турганини сезиб қолар ва бунинг сабабини тушунмай ҳайрон бўлар эди. Йигит граф Норбернинг унга қандайдир жуда

совуқ муомала қила бошлаганини, де Кайлюс, де Люз, де Круазнуа жанобларининг унга нисбатан муносабатларида такаббурлик пайдо бўлганини яққол ҳис этарди. Лекин у бунга кўникиб қолган эди. Бундай кўнгилсизликлар одатда кечқурунги суҳбат чоғи у ўз билимлари ва ақл-идрокини тутган мавқеига нисбатан кўпроқ намоиш қилиб юборган кунларнинг эртасига содир бўлар эди. Агар Матильданинг унга беқиёс диққат-эътибори ва ўзининг бу гаплар тағида нима яширинганини билиш истағи бўлмаганида эди, у м-ль де ля Моль атрофида гирдикапалак бўладиган манови мўйловли асилзода йигитлар билан пешиндан сўнг боғни сайр қилишдан қатъий бош тортган бўларди.

«Ҳа, менинг шу қадар янглишишим мумкин эмас,— дея ўзи билан ўзи мулоҳаза юритарди Жюльен.— Чиндан ҳам мадемуазель де ля Моль менга жуда галати қараб юрибди. Бироқ ҳатто унинг кўм-кўк оху кўзлари менга бутунлай ҳаёлга чўмиб тикилган пайтда ҳам мен бу нигоҳ қаърида қандайдир синчковлик, аллақандай совуқ ва ёвуз бир ифода туяман. Наҳотки бу севги бўлса? Де Реналь хоним менга нақадар бошқача бир нигоҳ билан қарар эди-я!»

Бир куни тушдан сўнг Жюльен жаноб де ля Молни кабинетига кузатиб қўйгач, шошилиш боққа қайтмоқда эди. У Матильдани ўраб турган асилзода йигитлар томон яқинлашар экан, қаттиқ-қаттиқ айтилган бир неча сўз қулоғига чалинди. Матильда акасини масхара қилмоқда эди. Жюльен икки марта ўз исмини аниқ эшитди. Йигит уларнинг ёнига келган захоти ҳамма жимиб қолди. Уларнинг бу ноқулай жимликни бузишга уринишлари муваффақиятсиз чиқди. М-ль де ля Моль ва унинг акаси шу қадар ҳаяжонланиб кетишган эдики, бўлак ҳеч нарса ҳақида гапириша олмасди. Кайлюс, де Круазнуа, де Люз жаноблари ва уларнинг бир ошнаси Жюльенни жуда совуқ қарши олишди. Шундан сўнг у индамай нари кетди.

Ф и т н а

Агар юрагида ҳеч бўлмаган-да аланганинг учқуни бўлса, ҳаёл қилиш иқтидори бўлган одам учун чала-чулпа эшитилган гаплар, тасодифий учрашувлар ҳам рад қилиб бўлмайдиган далилга айланади.

Ш и л л е р

Эртаси куни у яна Норбер билан синглисининг ўзи ҳақида гаплашиб туришгани устидан чиқди. Улар Жюльенни кўришлари биланоқ худди кечагидек бутунлай жимиб қолишди. Энди унинг шубҳа-гумонларини ҳеч нима тўхтата олмасди: Шундай қилиб, демак, бу ажойиб йигитлар уни калака қилишмоқчи бўлишибди-да? «Тўғриси айтсам, мадемуазель де ля Молнинг мендек арзимас бир қотибни севиб қолишига қараганда бунга кўпроқ ишонса бўлади ва шундай бўлиши табиийроқдир. Эҳтирос билан севиш бу одамларнинг қўлидан келармиди, дейсиз? Маккорлик — мана бу одамларнинг касб-кори. Удар суҳбат чоғи ҳамманинг эътиборини ўзимга қаратиш қобилиятимни кўриша олмайди. Ҳасад қилиш — мана уларнинг заиф жойи. Шундай қилиб ҳаммаси аниқ кўриниб турибди. Мадемуазель де ля Моль ўз қаллиғи олдида мени кулги қилиш учунгина ўзини менга майли бордек кўрсатмоқчи бўлиб юрибди».

Бу даҳшатли гумон Жюльеннинг аҳволи руҳиясини кескин ўзгартириб юборди. У йигитнинг қалбида эндигина тугилиб келаётган муҳаббатни бўғиб қўйди. Ахир бу севги фақат Матильданинг беқиёс хусни ёки ҳатто тўғрироғи, унинг сарв қомати, унинг зебу зийнатли либослари туфайли тугилиб келаётган эди. Жюльен эса бу жиҳатдан ҳали жуда гўл эди. Ўз ақли билан жамиятнинг юқори табақасига кўтарилган оддий одам ҳаммасидан ҳам кўпроқ гўзал оқсуяк аёлни кўрганида лол қолди, деб бежиз айтишмаган-ку ахир. Ҳар қалай Жюльенни шу бир неча кун

ичида орзу-хаёлларга гарқ этган нарса Матильданинг рухий фазилатлари эмасди, албатта. Йигит ўзига яраша ақл-идрокка эга бўлиб, қизнинг рухий хислатлари ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслигини жуда яхши тушунарди. У кузатиш имконига эга бўлган барча нарсалар шунчаки зоҳирдагина шундай бўлиши мумкин эди.

Мана, масалан, Матильда якшанба кунлари пешинги ибодатни сира қилмасди, у ҳар гал онаси билан бирга черковга борарди. Агар де ля Моль хонадонининг меҳмонхонасида биронта меҳмон эҳтиётсизликка йўл қўйиб, қаерда ўтирганини унутса ва тахт ёки черковнинг чинакам ёки тахминий манфаатларига тегизиб хиёл қочириқ қилишга журъат этса борми, Матильданинг қаёфасида дарҳол совуқ бир ифода пайдо бўларди. Одатда жуда шўх қарайдиган кўзлари эса дафъатан қадимги портретдаги каби эҳтироссиз кибр-ҳаво билан боқарди.

Бироқ Жюльен қизнинг хонасида доим Вольтернинг энг фалсафий асарларидан бир-икки томи ётишини аниқ биларди. Унинг ўзи ҳам кўпинча ажойиб муқоваланган бу кўркем нашрнинг бир неча томини ҳеч кимга билдирмай ўз хонасига олиб кетар эди. У жавонда қолган томларнинг орасини сал очиб, ўзи олган китобларнинг ўрнини билинтирмай қўярди, лекин тез орада у Вольтер асарларини яна кимдир олиб туришини пайқаб қолди. Шундан сўнг у, семинарияда ўрганган ҳийласини ишлатди ва ўзининг тахмин қилишича м-ль де ля Молни қизиқтириши мумкин бўлган китобларга бир неча соч толасини ёпиштириб қўйди. Чиндан ҳам бу китоблар ҳафталар давомида кўринмай қолди.

Ўз саҳобининг ҳар хил *сохта мемуарлари* юборишидан тоқати тоқ бўлган жаноб де ля Моль Жюльенга сал қизиқроқ бўлган барча янги китобларни сотиб олишни топширганди. Бироқ бу оғу уйдагиларнинг онгини заҳарламаслиги учун секретарга бу китобларни маркизнинг ўз хонасидаги китоб жавонига қўйиш буюрилган эди. Тез орада Жюльен бу китоблар орасида подшоҳлик ёки черков манфаатларига хиёл бўлса-да, қарши ёзилган асарлар учраши биланоқ, уларнинг дарҳол ғойиб бўлишига ишонч ҳосил қилди. Уларни Норбер ўқимаслиги аниқ эди.

Жюльен Матильдани Маккиавелли каби иккиюзламачиликда шубҳа қилиб, бу кашфиётнинг аҳамиятини анча муболаға билан тасаввур этарди. У хаёл қилган бу маккорлик унинг назарида қизга қандайдир жозиба бахш этарди. Бу, чамаси, Матильданинг йигитни ўзига мафтун этган ягона рухий хислати эди. Мунофиқлик ва охират

ҳақидаги ўлгудай меъдасига урган гаплар — унинг муболага қилишига сабаб бўлган эди.

У, чамаси, севишдан ҳам кўра кўпроқ хаёл суршига мойил эди.

Йигит орзуларга берилиб, м-ль де ля Молнинг бежирим қадди-қомати, унинг кўркем либослари, охиқ кўллари, ажойиб елкаси, хатти-ҳаракатининг табиий латофатини кўз олдига келтирган пайтдагина ўзини охиқ ҳис этарди. Шундан сўнг у қизнинг жозибасини бўрттириш ниятида уни ўзича Екатерина Медичи деб фараз қиларди. Шунда у кўзи ўнгида қизни ҳар қандай макр-ҳийла ва ёвузликдан қайтмайдиган, ақл бовар қилмас бир кимса сифатида гавдалаштирарди. Бу ўзи ёшиқ қилиб, қойил қолиб юрган маслоҳлар, фрилерлар, кастанёлларнинг мукаммал намунаси эди. Хуллас, йигит учун бу Париж тимсоли эди.

Ақл бовар қилмайдиган терапик ва ёвузлик — парижликлар табиатини бундай тасаввур этишдаёқ ҳам қулгилироқ нарса бормикин ўзи?

«Булар учовлашиб мени калака қилаётганга ўхшайди», — дея ўйларди Жюльен. Унинг табиатини бир оз тушуниб қолган ҳар қандай одам Матильданинг нигоҳларига йигитнинг қандай хўмрайиб, совуқ назар билан жавоб қайтараётганини яхши тасаввур қилиши мумкин. Қаттиқ ҳайратга тушган м-ль де ля Моль икки-уч марта унга нисбатан дўстона туйғулари ҳақида сўз очган эди, Жюльен аччиқ киноя билан жавоб қилди.

Жюльеннинг бу қутилмаган ғалати қилиғи қизнинг нафсониятига тегди-ю, унинг одатда совуқ, зерикувчи ва фақат ақл-идроқкагина итбат этадиган эҳтироси бор кучи билан аланга олди. Бироқ Матильда ҳам ғурури ниҳоятда кучли қиз бўлиб, қалбида аланга олган севги туфайли энди бундан буён бахти бошқа бир одамга боғлиқ эканини англагач, қаттиқ умидсизликка тушди.

Парижга келганидан буён кўпгина нарсаларни тушуниб қолган Жюльен қизнинг умидсизликка тушиши сира ҳам зерикешдан эмаслигини яхши фаҳмларди. Матильда илгаригидек хузур-ҳаловат излаш, кечқурунлари театрларга бориш ва ўзига турли эрмак ўйлаб топиш ўрнига энди бу нарсаларнинг баридан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолганди.

М-ль де ля Моль французча қўшиқларни жинидан баттар ёмон кўрарди — бу қўшиқларни эшитганида у ўлгудай зерикарди, бироқ томошабинлар тарқалаётган пайтда Операга бориб туришни ўз бурчи деб ҳисоблайдиган Жюльен қизнинг у ерга иложи борица кўпроқ боришга

ҳаракат қилаётганини сезиб қолди. Унинг назарида, қиз илгари ҳар қандай ишида ҳам яққол кўзга ташланадиган вазминлигини хиёя йўқотгандек эди. Матильда баъзан дўстларининг гапига жавобан ҳазил билан узиб оларди. Йигитнинг назарида, у маркиз де Круазнуага нисбатан очикдан-очик илтифотсизлик қилаётгандек кўринарди.

«Қанчалик бадавлат бўлмасин, шу пайтга қадар бу қиздан юз ўгириб кетмадим, — дея ўйларди Жюльен, — демак, бу йигит пулни жуда яхши кўрса керак!» Эраклик нафсоиятига қаттиқ тегадиган бу ҳақоратлардан газоби қайпаган Жюльеннинг ўзи ҳам Матильдага баттар совуқроқ муомала қиларди. Баъзан у ҳатто қизга қўпол жавоб қилишгача бориб етарди.

Лекин гарчи Жюльен, Матильданинг илтифотларига сира ҳам учмайман, деб жазм этган бўлса-да, бироқ бу илтифотлар баъзида шу қадар кўзга яққол ташланардики, аста-секин кўзи очилаётган Жюльен қиз ҳуснига мафтун бўлиб, гоҳида беихтиёр саросимага тушиб қоларди.

«Бора-бора бу асилзода ёшларнинг эпчиллиги ва сабот билан иш тутиши менинг тажрибасизлигимдан устун келса керак, — дерди у ўзига-ўзи. — Мен бирор ёққа жўнаб кетишим ва бу ишларга чек қўйишим керак». Маркиз яқиндагина унга қўйи Лапгедокдаги бир талай ер-мулк ва амлоқларни бошқаришни топширган бўлиб, у ерга бориб келиш зарур эди. Жаноб де ля Моль унга истаристамас жавоб берди. Зеро юксак сиёсий оруз-истаклар билан боғлиқ бўлган ишлардан бўлак барча соҳаларда Жюльен унинг кўз-қулоғи бўлиб қолган эди.

«Ҳар қалай улар мени лақиллата олишмади, — дея ўйларди Жюльен сафарга отланар экан, — мадемуазель де ля Молнийг ўз кавалерларини калака қилиши масаласига келсак, — бунга ишонинг керакми ёки у менинг ишончимни қозониш учун атайлаб шундай қилиятими, — бари бир эмасми, ҳар қалай бу ишлар мен учун яхши эрмак бўлди.

Агар улар бечора бир дурадгорнинг ўғлига қарши фитна уюштирмаган бўлишса, у холда м-ль де ля Молнийг менга нисбатан ҳам, маркиз де Круазнуага нисбатан ҳам муносабатига кишининг ақли бовар қилмайди. Масалан, кеча у жуда даргазаб бўлган эди, шунда у кампани деб бир йигитнинг роса адабини берди, бўлмасам у асилзода, бадавлат йигит эди ўзи, мен ким бўлибман унинг олдида, оддий бир қашшоқ плебейман, холос! Мана буни муваффақият деса бўлади, Лапгедок водийлари бўйлаб почта қаретасида кетаётганимда буни маза қилиб эслайдиган бўлдим».

У ўзининг сафарга жўнаётгани ҳақида ҳеч кимга айтмаган эди, бироқ Матильда йигитнинг эртага Парижни узоқ муддатга тарк этажани унинг ўзидан ҳам яхшироқ биларди. Қиз гўё меҳмонхонанинг дим ҳавосидан янада кучайган қаттиқ бош оғриғини баҳона қилиб боғда узоқ сайр қилиб юрди; у ўзининг аччиқ заҳархандаси билан Норбер, маркиз де Круазнуа, де Кайлюс, де Люз ва шу кунги де ля Моль хонадонига тушлик қилган бир неча йигитни шу қадар безор қилдики, улар қочиб қолишди. У Жюльенга қандайдир галати бир нигоҳ билан қарамоқда эди.

«Албатта, бу нигоҳ шунчаки мугамбирлик ҳам бўлиши мумкин, — дея ўйларди Жюльен, — лекин манови энтикиб нафас олиш, манови ҳаяжонни қандай тушуниш керак? Дарвоқе, бундай нарсалар ҳақида ҳукм юритишни менга ким қўйибди! Бу назокат ва латофат тимсоли-ку ахир! Ундай десам, мени тўлқинлантириб юборишига оз қолган бундай энтикиб нафас олишни у ўзи жуда яхши кўради-ган Леонтина Фэдан ўрганган».

Улар ёлғиз ўзлари қолишди, гап қовушмай турарди. «Йўқ! Жюльен мени сира ҳам севмайди», дерди алам билан ўзига ўзи бечора Матильда.

Жюльен у билан хайрлашар экан, қиз унинг тирсагидан юқорирогини тутиб маҳкам қисди.

— Сиз бугун мендан хат оласиз, — деди у таниб бўлмас даражада ўзгарган товуш билан.

Жюльен буни сезгач, дарҳол таъсирланиб кетди.

— Отам сизнинг хизматларингизни ниҳоятда қадрлайди. Эртага, — дея давом этди у, — *кетмаслик керак*. Бирор баҳона ўйлаб топинг.

Шундан сўнг у қочиб кетди.

Унинг сарв қомати жуда хушбичим эди. Бундан ҳам чиройлироқ оёқларини тасаввур қилиш қийин эди ва у шу қадар назокат билан югуриб борардики, Жюльен мутлақо мафтун бўлиб қолди. Лекин қиз кўзидан ғойиб бўлган заҳоти у аввало нима ҳақида ўйлаганини муҳтарам китобхон фаҳмлай олармикин? Қиз ана шу *кетмаслик керак* деган иборани амирона оҳангда айтганидан унинг жаҳли чиқиб кетди. Людовик XV ҳам ўлим тўшагида ётганида унинг лейб медиғи эҳтиётсизлик қилиб айтган «керак эмас» сўзларидан қаттиқ ранжиган экан, лекин Людовик XV ҳар қалай қирол бўлган эди ахир.

Орадан бир соат ўтгач, малай Жюльенга хат келтириб берди. Бу оддийгина севги ихҳори эди.

«Хартугул, услуби дабдабали ва чучмал эмас экан!» — деди ўзига ўзи Жюльен, у ана шу адабий мулоҳазалар

билан беихтиёр оғзи қулогига етиб, бутун қалбини қоплаб олган зўр қувончдан ўзини тийишга ҳаракат қиларди.

«Шундай қилиб, демак, — деди у бирдан, зеро дилидаги кечнималар шу қадар кучли эдики, йигит уларни жилоблаб олишга ожизлик қилиб қолганди, — менга — ғариб бир дехқонга асилзода хоним севги изҳор қилди!

Ўзим ҳам бўш келмадим, — дея давом этди у бор кучи билан жўш урган қувончини тийишга ҳаракат қилиб. — Йўқ, ўз қадримни ерга урмадим. Мен унга севгим ҳақида оғиз ҳам очган эмасман». Шундан сўнг у ҳар бир сўз, ҳар бир ҳарфни диққат билан кўздан кечира бошлади. М-ль де ля Молнинг хати инглизча майда ҳарфлардан иборат бўлиб, жуда нафис эди. Йигит бошини айлантириб юборган бу қувончдан ҳушига келмоқ учун ўзини бирор нарса билан чалғитиши керак эди.

«Сизнинг жўнаб кетишингиз мени дилимдаги бор гапни айтишга мажбур қилди... Сизни узоқ муддат кўрмасликка менинг бардошим етмайди...»

Шу пайт дафъатан бир фикр, қандайдир кашфиётдек, Жюльеннинг қалбини ларзага солди, у юраги жўшқин қувончга тўлиб, Матильданинг мактубини бир четга суриб қўйди.

«Демак, маркиз де Круазнуадан устун келибман-да, — дея хитоб қилди йигит, — ахир мен қиз билан фақат жиддий нарсалар ҳақида гаплашаман-ку! У эса жуда келишган йигит, мўйловини айтмайсизми! Мундири ҳам гоят кўркем, ўзи жуда суҳандон, доим ақлли ва нозик гаплар айтади».

Жюльеннинг боши осмонда эди. У боққа чиқиб, қувончдан эс-хушини йўқотганича, йўлкаларда сайр қилиб юрди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, у идорага чиқиб, бахтига бугун уйда бўлган маркиз де ля Молга ўзи ҳақида маълум қилмоқни буюрди. Жюльен унга Нормандиядан келган бир нечта хатни кўрсатди-да, у ердаги процесслар билан боғлиқ бўлган баъзи ишлар унинг Лангедокка қилажак сафарини ҳозирча тўхтатиб туришни тақозо этаётганига маркизни осонгина ишонтирди.

— Жўнамаслигингиз яхши бўлди, — деди унга маркиз, улар ишга доир барча гаплар хусусида келишиб олишгач. — *Мен сизни кўрганымда жуда хурсанд бўламан.*

Жюльен шу заҳоти унинг олдидан чиқиб кетди. Маркизнинг бу гапи уни хижолатга солиб қўйган эди.

«Мен эсам унинг қизини йўлдап урмоқчиман! Ва шу йўсинда аҳтимол, қизининг маркиз де Круазнуа билан турмуш қуришига халал берарман, унинг эса бу никоҳ-

дан умиди катта: агар унинг ўзи герцог бўла олмаса, у ҳолда, ҳар қалай, қизи герцогинялик курсисига эга бўлади-ку ахир». Жюльеннинг хаёлидан Матильданинг хати ва маркиз билан ҳозирги суҳбатига қарамай бари бир Лангедокка жўшаб кетиш ҳақидаги фикр лип этиб ўтди. Бироқ бу эзгулик учқуни лип эди-ю, дарҳол гойиб бўлди.

«Бу дейман, жуда кўнгли бўш чиқиб қолдим-ку, — деди у ўзига-ўзи. — Мен, оддий бир плебей, шундай оқсуяк дворян оиласини аяб ўтиришим керакми ҳали! Герцог Шонекский *малай* деб атайдиган мендай одам-а! Хўш, маркиз ўзининг улкан бойлигини қандай қилиб кўнайтирапти? Жуда осон бу: саройда эртаси куни ҳукумат кризисига ўхшаш бирор найранг ишлатилажаги мўъжажланаётганидан хабар тонган заҳоти биржада рента сота бошлайди. Тақдир табиатан олижаноб қилиб яратгану, лекин минг франк рента ниҳом этишни унутган, бошқача қилиб айтганда бир бурда нонсиз, ҳа, тўппа-тўғри маънода бир бурда нонсиз қолдириб, жамият пиллапоясининг энг пастки погонасига жойлаб қўйган мендек бир одам бошимга ўзи келиб кўнаётган бахт қушидан воз кечишим керакми ҳали? Ўзим шу қадар қийинчилик билан ўтаётган бу нишонсизлик саҳросида ташналигимни қондириши мумкин бўлган ана шу жилोलаниб турган булоқдан-а! Э, йўқ, мен бу қадар аҳмоқ эмасман, ҳаёт деб аталмиш бу худбинлик саҳросида ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи курайди».

Жюльен маркиза де ля Моль ва айниқса унинг дугоналари бўлмиш анави хонимлар унга нақадар паст назар билан қараганларини эслади.

Маркиз де Круазнуа устидан тантана қилиш туйғуси унинг қалбидаги эзгуликни тамоман бўғиб қўйди.

«Қани энди, унинг жаҳли чиқса, нақадар хурсанд бўлардим-а, — дерди Жюльен, — энди сира ҳам аяб ўтирмай унинг кўксига шамшир суқардим, — шундай дея у қиличбозлик найтидагидек кескин ҳамла қилди. — Шу пайтга қадар мен унинг назарида шунчаки ҳаддидан ошган оддий бир малай эдим. Манови хатдан кейин эса биз энди тенгмиз».

«Ҳа, — дея секин давом этди у ҳар бир сўз ҳақида қандайдир ҳузур қилиб ўйлар экан, — бизнинг — маркизнинг ва менинг фазилатларимиз тарозига қўйиб тортилгач, юрлик ғариб бир дурадгор галаба қозонди».

«Жуда яхши! — дея хитоб қилди у. — Ўз хатимга худди шундай деб имзо чекаман. Ўз ижтимоий аҳволини упутибди, деб ўйламай қўя қолинг, мадемуазель де ля Моль. Мен сизни Авлиё Людовик билан салб юришларига борган

шавкатли Гильом де Круазнуанинг авлодидан оддий бир дурадгорнинг ўгли деб воз кечаётганингизни яхшилаб тушуниб олишга мажбур эман».

Жюльен дилидаги қувонччи ортиқ жиловлаб тура олмасди. Унинг боққа чиққиси келди. Йигитга хонаси торлик қилиб, у ерда унинг нафаси қайта бошлаган эди.

«Мен умрбод манови қора камзулй кийиб юришга мақжум этилган юрлик гариб бир дехқонман!..— дея тишимсиз такрорларди у ўзига ўзи.— Эҳ, йигирма йил муқаддам мен ҳам улар каби мундир кийиб юрган бўлардим. У пайтларда мендек одам ё жангда ҳалок бўларди ёки ўттиз олти ёшида генерал бўлиб оларди». У қўлида гижимлаб турган манови мактуб йигитнинг бўйига бўй қўшгандек туюларди ва у ўзини қаҳрамон деб ҳис этарди. Рост, энди манови қора камзул ҳам қирқ ёшга борганида унга епископ Бовейский каби юз миңлик маош ва зангори лентага эришиш имкониятини бериши мумкин.

«Хўш, нима қилибди,— деди у қандайдир иблисона илжайиб,— демак, мен улардан ақллироқ эканман ва замонамиз руҳига муносиб мундир танлабман». Шундан сўнг унинг баландпарвоз орзулари ва шу билан бир қаторда руҳонийлар киядиган ридога ихлоси янада ошиб кетди. «Мендан ҳам бепоми-нишонроқ бўлган қанчадан-қанча кардиналлар қудрат ва ҳокимиятга эришган ахир! Мисол учун, мана менинг ватандошим Гранвелли олайлик».

Аста-сакин Жюльеннинг ҳаяжони босилиб, унинг ўрнини аҳтиёткорлик эгаллади. Йигит ўзига-ўзи устози Тартюф каби,— бу ролни у ёддан биларди,— шундай деди:

Мен барчасини бир ҳазил деб ўйлашим мумкин...

Бироқ миңглаб ваъдаларда айтилган қарам,
Мен кўз тиккан илтифотлар бўлмас экан то
Ишонмайман ҳар хил ширин сўзларга асло.

(«Тартюф», IV парда, V сазна)

«Тартюфнинг бошига ҳам аёл киши етган, лекин унинг бошқалардан кам жойи йўқ эди-ку ахир... Менинг жавоб мактубимни кейинчалик биронта одамга кўрсатишлари мумкин, аммо биз бунга қарши чора кўриб қўямиз,— деди у чертиб-чертиб, дилида кўтарилиб келаётган газабини босар экан.— Биз хатни беқийёс Матильданинг мактубидаги энг жўшқин сўзларни такрорлашдан бошлайман.

Ҳа, лекин мана жаноб де Круазнуанинг тўрт нафар малайи менга ҳамла қилиб, қўлимдан ўша хатни тортиб олади ҳам дейлик.

«Э, йўқ, мен яхши қуролланганман, улар ҳам мадайларга қарата ўқ узиш одатим борлигидан хабардор бўлишса керак.

Шундайликка шундайку-я! Лекин улардан бири анча жасур йигит бўлиши, бунинг устига унга бир-икки юз наполеондор ваъда қилишлари ҳам мумкин. Мен уни турган жойида ўлдираман ёки ярадор қиламан,— янаям яхши, уларга худди шу нарса керак. Мени қонунга бипоан дарҳол қамоққа сургаб боришади ва ахлоқ тузатиш полициясининг қўлига топширишади, адолат қарор топади, жаноб судьялар эса виждонлари қилт этмай мени Пуассига, бечора жаноб Фонтан ва Магалоилар ёнига жўнатишади. Ана ўшанда мен тўрт юз жулдурвоқи билан похол устида чўзилиб ётаман... Бу одамларга шафқат қилишим керакми ҳали,— дея қичқириб юборди у сакраб ўрнидан турар экан.— Хўш, уларнинг ўзи-чи, учинчи табақа одамлари қўлларига тушиб қолганида, уларга бирон марта шафқат қилишганми?!» Бу хитоб йигитга ҳамон беихтиёр азоб бериб келаётган жаноб де ля Молга нисбатан миннатдорчилик туйғусининг сўнгги нафаси бўлди.

«Шошилмай қўя қолинг, жаноби дворянлар, мен сизларнинг бу иблисона найрангларингизни жуда яхши тушунаман. Аббат Маслон ёки семинариядаги жаноб Кастанэд ҳам бундай найрангни ўйлаб тополмасдилар. Сиз алдамчилик йўли билан менам бу хатни тортиб оласизлар ва мен Қольмарда чув тушган иккинчи полковник Карон бўлиб қоламан.

Бир минут сабр қиласиз, жаноблар. Мен бу машъум хатни пакетга солиб, муҳрайман-да, уни сақлаб қўйиш учун жаноб аббат Пирарга жўнатаман. Бу соф виждонли одам янсенист, шу боисдан ҳам у сизларнинг нуллариңизга учмайди — уни сотиб ололмайсизлар. Ха, лекин унинг фақат хатларини очиб ўқиш одати бор... Йўқ, мен хатни Фукега жўнатаман».

Шуни тан олиш керакки, Жюльеннинг нигоҳи дахшатли эди, унинг юзида жирканчли бир ифода пайдо бўлиб, ундан очикдан-очик жиноят иси келиб турарди. Шу туришда бу бадбахт йигит бутун жамиятга қарши курашга отланмоқда эди.

«Қўлингга қурол ол!» — дея қичқирди у. Йигит уйнинг остонасидан сакраб настга тушди. У кўча котибининг дўконига отилиб кириб, ўз қиёфаси билан унинг капалатини учуриб юборди.

— Кўчириб беринг! — деди Жюльен унга ~~жамиятга~~ Молнинг мактубини узатар экан.

Қотиб хатни кўчириб ёзар экан, унинг ўзи Фукега бир энлик мактуб ёзишга улгурди: хатида у мана шу қимматбаҳо пакетни сақлаб қўйишни илтимос қилган эди. «Ах, бу нима қилганим,— деди у бирдан хатога йўл қўяётганини тушуниб.— Почтадаги айғоқчилик бўлими пакетини очиб кўради-ю, сиз излаётган нарсани ўзингизга қўшқўллаб тонширади... Йўқ, жаноблар». У дўкондан чиқиб, аллақайси протестант саҳобининг олдига жўнади; у ерда йигит катта бир ишчилни сотиб олди-да, Матильданинг хатини усталик билан китоб муқовасининг тагига яширди ва сўнгра уни яхшилаб ўратиб олгач, пакетни почта орқали Фукенинг Парижда биронта ҳам одам билмайдиган бир хизматчиси помига жўпатиб юборди.

Бу ишларни бажариб бўлгач, у кўтаринки бир кайфиятда шоша-пиша де ля Моль саройига қайтиб келди. «Мана энди ишга киришамиз!» — деди у хитоб қилиб ва сюртугини ечиб ташлаб, хонасини ичидан қулфлади.

«Мадемуазель,— дея ёзарди у Матильдага,— де ля Моллар насабидан бўлмиш бир қиз отасининг малайи Арсен орқали юралик ғариб дурадгорга шундай йўлдан оздирувчи мактуб йўллаши ақлга тўғри келадиган ишми ахир? Шубҳасиз, у бечора йигитнинг соддалиги устидан кулиш учун қилипти бу ишни...» Шундан сўнгра у ўзи олган мактубнинг энг ошқора жумлаларини кўчириб ёзди.

Дипломатик эҳтиёткорликка жуда амал қиладиган кавалер де Бовуази ҳам бундай хатни ўзи учун шараф деб билган бўларди, соат эндигина ўн бўлганди. Жюльен бахт туйғусидан бутунлай маст бўлиб ва ўз қудратидан ғоятда лаззатланиб,— бундай кечинма бечора йигит учун жуда ғалати туюларди,— Италиян операсига жўнади. Бугун унинг дўсти Жеронимо қуйларди. Ҳеч қачон музыка уни бу қадар хаяжонга солмаган эди. У чиндан ўзини худо деб ҳис этарди¹.

¹ Esprit per pre gui II A. 30. Эҳтимол, Стендаль бу изоҳи билан қахрамонининг характеристикасини таъкидлаётган бўлса керак: esprit persecute, predestine guillotine — исёнок руҳ гильотинага маҳкумдир.

Ёш қизнинг мулоҳазалари

Қатъиятсизликдан нақадар азоб чекаман! Қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказдим! Ё раб-бим! Нахот ўзимни шунчалар хўрласам! Энди унинг ўзи мендан нафратланади. Лекин у жўнаб кетяпти, узоққа жўнаяпти, ахир.

Альфред де Мюссе

Матильда бу мактубни ёзишга жазм қилгунига қадар ўзи билан ўзи узоқ курашди. Унинг Жюльенга кўнгили қўйишининг сабаби нимада бўлмасин, тез орада бу туйғу унинг ғурурини шу қадар поймол этдики, қиз эсини таниганидан буён бу ғурур унинг дилида ягона ҳоким бўлиб келарди. Бу кибр-ҳавоси баланд, совуққон қизнинг қалбида севги алангаси биринчи марта ўт олмоқда эди. Бироқ бу туйғу унинг ғурурини тобе этган бўлса-да, у ғурурнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам қилиб олганди. Икки ой мобайнида дилида кечган тинимсиз кураш ва янги, ҳеч қачон туйилмаган кечинмалар, айтиш мумкинки, қизнинг бутун руҳий тарзини ўзгартириб юборди.

Матильдага олдида бахт эшиги очилаётгандек туюларди. Айниқса юксак ақл-идрок билан уйғунлашиб, матонатли қалб устидан чексиз ҳукмронлик қиладиган бу хаёлот унинг нафсонияти ва қаттиқ ўрнашиб қолган бурч туйғуси билан узоқ курашиб келди. Бир куни у эрталаб соат еттида онасининг олдига кирди-да, ундан Виллекьега кетиши учун рухсат беришини илтимос қила бошлади. Маркиза бу илтимосга ҳатто жавоб беришни ҳам лозим топмай, балким жойига ётиб, яхшилаб уйқуга тўйиб олишини маслаҳат берди. Бу оддий ҳаётий бурч тушунчаси ва ҳурматнинг ақидаларга сўнгги марта қаршилик кўрсатиши эди.

Хунук иш қилиб қўйиш ва Кайлюслар, де Люз ва Круазнуалар учун муқаддас ҳисобланадиган одоб қоидаларини

бузишдан Матильда унчалик чўчимасди; қиз пазарида, бу тоифа кишилар уни тушунишга қодир эмасдилар, агар гап карета ёки ер-мулк сотиб олиш ҳақида кетганида, Матильда улар билан маслаҳатлашиши мумкин эди. У аслида фақат бир нарсадан — Жюльен уни қоралашидан чўчирди.

Агар у йиғитни ажойиб инсон дея ҳисоблаб, шунчаки янглишаётган бўлса-чи?

Қиз иродаси сует одамлардан нафратланар эди; атрофида гирдиқапалак бўлиб юрган апови мулойим йиғитларни ҳам аслида ана шу туфайли икки суймасди. Улар Матильданинг кўнглини топишга ҳаракат қилиб, расм бўлмаган ва модадан четга чиқишга журъат этган барча нарсаларни қанчалик назорат аския қилишса, қизнинг кўз ўнгисида шунчалик беқадр бўлиб борардилар.

«Уларнинг фақат битта фазилатлари бор, у ҳам бўлса жасорат. Хўш, бу қандай жасорат бўлди ўзи? — дерди у ўзига ўзи. — Дуэлга чиқишми? Дуэлнинг ўзи нима ҳозирги кунда? Шунчаки маросим, холос. Ҳаммаси аввалдан маълум, хатто йиқилатуриб қандай сўз айтмоғинг кераклиги ҳам олдиндан белгилаб қўйилган. Майса устига йиқилгач, қўлингни юрагинг устига қўймоғинг ва ўз маҳбубангни эслашни унутмай, рақибингни тантилик билан кечирмоғинг лозим. Маҳбуба эса кўп ўринларда ё хаёлдагина мавжуд бўлади, ёки эҳтимол, сизни ўлдиришган кунни, мен ҳақимда бирон ёмон гап ўйлашмаса гўрга эди, дея чўчиганидан балга борадиган бир хоним бўлиб чиқади.

Улар қиличларини яланғочлаб, эскадрон бошида хавф-хатар сари елиб боришлари мумкин, аммо биронта гайритабиий, қутилмаган, чиндан ҳам машъум хавф-хатарга дуч келишса борми!..»

«Ҳайҳот! — дерди ўзига-ўзи Матильда. — Фақат Генрих III саройидагина матонатли ва насл-насаби жиҳатидан улуг кишилар бўлган. Ах, қани энди Жюльен Жарнак ёки Монконтур бўсағасида жанг қилганида эди, у ҳолда мен сира ҳам иккиланмаган бўлардим. У даврларда жасорат ва қудрат бошқача бўларди, ўшанда французлар қўғирчоқ эмасдилар. Жанг-жадал кунни улар ҳеч нима ҳақида бош қотириб ўтирмасдилар».

«Уларнинг ҳаёти Миер мўмиёси каби ҳамма учун бир хил бўлган қандайдир доимий пардага ўралмаган эди. Ҳа, — дея қўшимча қилди қиз, — у пайтларда Екатерина Медичи истиқомат қилган Суассондаги саройдан кечқурун соат ўн бирда чиқиш учун ҳозир Жазонрга бориб келишга қараганда кўпроқ ҳақиқий матонат талаб қилинарди. Ин-

сон ҳаёти тасодифларнинг типимсиз ўзгаришидан иборат эди. Энди бўлса цивилизация ва префектлар ҳеч қандай тасодифга, ҳеч қандай қутилмаган ишга йўл қўймайдилар. Агар биронта қутилмаган фикр сезилиб қолса борми, дарҳол ушга қарши эпиграммалар ёғилади, мабодо бирор воқеанинг бошқа томони кўзга ташланса, кўрққанимиздан дунёдаги барча қабоҳатдан қайтмаймиз. Кўрқув туфайли қандай бемаъни ишлар қилмайлик, у аввалдан оқланган бўлади. Айниган ва диққинафас аср! Бонифаций де ля Моль тапасидан жудо қилинган бошини дахмадан кўтариб, 1793 йили ўз авлоди бўлмиш ўн етти кишининг икки кундан сўнг қўйдек ювошлик билан бошларини гильотинага қўйиб бериш учун ҳеч қаршилик кўрсатмай қўлга тушганларини кўрганида нима деган бўларди. Улар ўлимга кетишгаётганини аниқ билишарди, лекин ўзини ҳимоя қилиш, ҳеч бўлмаса битта-иккита яacobинчини ўлдириш, буни қарангки, ахлоқсизлик ҳисобланарди. Аҳ, Франциянинг ўша қахрамонона даврида, Бонифаций де ля Молнинг асрида Жюльен эскадронга командирлик қиларди, менинг акагинам эса — кўзлари иболи, насихатгўй ва боадаб руҳоний бўларди».

Бундан бир неча ой муқаддам Матильда умумий андазадан сал бўлса-да, фарқ қиладиган биронта одамни учратишдан умидини узиб қўйган эди. У ўзига эрмак тониб, зодагонлар жамиятига мансуб бўлган баъзи йигитлар билан хат ёзишиб турадиган бўлганди. Бундай сарбастлик, бундай енгилтаклик жаноб де Круазнуа, унинг отаси герцог Шонский ва бу оиланинг барча аъзолари олдида қизнинг обрўсини тўкиши мумкин эдики, улар унашиб қўйилган инқоҳнинг бузилаётганидан хабар топишгач, бунинг сабабини суриштиришлари эҳтимолдан узоқ эмасди. Матильда биронта йигитга хат ёзишга журъат этган кунлари баъзан ҳатто туни билан ухламай чиқарди. Ҳолбуки ўша хатларининг бари жавоб мактублари эди, холос.

Бу ўринда эса унинг ўзи севиши ҳақида мактуб йўллаган эди. У жамият пиллапоясининг энг пастки поғонасида турган бир йигитга ўзи *биринчи* бўлиб (қандай даҳшатли сўз-а!) хат ёзди.

Бу ҳол, агар унинг қилмиши одамларга маълум бўлиб қолса, турган гап, қизни умрбод шармандаи шармисор қиларди. Онасининг олдига келиб турадиган аёллардан биронтаси ҳам унинг ёнини олишга журъат этмаган бўларди! Улар Матильдани оқлаш ниятида меҳмонхоналарнинг кўрқингчи нафратини сусайтирмоқ учун қандай баҳона топишлари ҳам мумкин дейсиз?

Ахир бундай изҳорни хатга тушириш у ёқда турсин, уни тилга олишининг ўзи бир даҳшат-ку! *Шундай нарсалар борки, у ҳақда ёзмайдилар!* — дея қичқирган экан Наполеон, Байленнинг душманга таслим бўлганини эшитгач. Ахир бу гапни қизга, гўё олдиндан сабоқ беришни нотагандек, Жюльеннинг ўзи айтиб берган эди-ку.

Бироқ буларнинг бари ҳали ҳеч гап эмасди: Матильданинг ҳадиксираб изтиробга тушишининг сабаби бошқа ёқда эди. Бу гапларнинг бари жамиятга қандай даҳшатли таъсир қилиши, ўзининг қанчалар шармандаи шармисор бўлиши мумкинлигига қарамасдан, — зеро у ўз табақасини ҳақорат қилмоқда эди, — Матильда манови барча Круазнуа, де Люз, Кайлюслар тоифасидан мутлақо бошқача одамга севги мактубини йўллашга журъат этганди.

Жюльен табиатининг тераплиги, *ақл бовар қилмас жиҳатлари* ҳатто у билан оддий муносабатда ҳам инсонни чўчитиб қўйиши мумкин эди. Қиз эса уни ўз маҳбуби, эҳтимол ўз ҳукмдори қилишга жазм этганди.

«Ким билсин, агар бирор кун келиб унга тобе бўлиб қолсам, Жюльенда менга нисбатан қандай даъволар пайдо бўларкин. Нимаям дердим, у ҳолда Медеядек ўзимга-ўзим: *«Ушбу даҳшатлар ичра ёлғиз «Мен»им қолибди менга»,* — дейишдан бўлак чорам қолмаса керак».

«Жюльен насл-насабини мутлақо ҳурмат қилмайди», — дея ўйларди у. Энг ёмони, эҳтимол, у Матильдани мутлақо севмасдир ҳам!

Даҳшатли шубҳалардан изтироб чеккан шу дақиқаларда қизни аёллик гурури ҳақидаги мулоҳазалар таъқиб эта бошларди. «Мендек бир қизнинг тақдирида ҳамма нарса бошқача бўлиши керак», — дея қичқириб юборди Матильда бир кун газаби жўш урган пайтда. Ана шунда гўдаклик чоғидан қулоғига қўйилган гурури эзгуликни ёқлаб, унга қарши исён кўтарди. Худди ана шу дақиқада Жюльеннинг сафарга отланиши дафъатан воқеалар оқимини тезлаштириб юборди.

(Яхшиямки, бундай табиатли инсонлар жуда камданкам учрайди.)

Кечқурун, алламаҳалда Жюльеннинг миясига қувлик қилиш фикри келиб қолди: м-ль де ля Молнинг оқсочни бўлмиш қизнинг кўпчилиги овлаб юрадиган малайга сафар сандиқчасини даҳлизга олиб чиқишни буюрди. «Эҳтимол бу ҳийлам ҳеч қандай натижа бермас, — деди у ўзига-ўзи, — лекин у муваффақиятли чиқса, Матильда мени жўнаб кетибди, деб ўйлайди». У ўз найрангидан жуда мамнун бўлиб ухлаб қолди. Матильда эса туни билан миёзга қоқмай чиқди.

Эртаси куни азонлаб Жюльен ҳеч кимга сездирмай кўчага чиқиб кетди, бироқ соат саккиз бўлмасданоқ уйга қайтиб келди.

У кутубхонага кириши биланоқ эшикда м-ль де ля Моль пайдо бўлди. Йигит унга ўз жавоб мактубини узатди. Жюльен қизга бирор гап айтсаммикин, зеро кейин бундай қулай пайтнинг топилиши қийин, дея ўйлаб турган эди, бироқ м-ль де ля Моль унинг гапига қулоқ солишни истамай бир зумда гойиб бўлди-қўйди. Жюльеннинг қувонганидан боши осмонга етди, чунки у қизга нима дейишни билмай гаранг бўлиб турган эди.

«Агар бу гапларнинг бари уларнинг граф Норбер билан тил бириктириб қилаётган ҳазиллари бўлмаса, асилзода қизнинг юрагида менга нисбатан тугилган гаройиб муҳаббатга менинг худди ўша бепарво, совуқ қарашларим сабаб бўлган. Мабодо бу дароз малласоч қизга бирон пайт жиддий кўнгил қўйганимда мен ғирт тентак бўлиб чиқардим». Бу хулоса оқибатида у ўзини шу қадар совуққон ва сермулоҳаза ҳис эта бошладики, умри бино бўлиб ўзини бундай хотиржам сезмаганди.

«Ҳозир тайёргарлик кўрилаётган бу жангда, — дея давом этди у, — унинг дворянлик гурури ўзига хос тепалик — мен билан унинг ўртасидаги ҳарбий позиция бўлади. Мен худди ана шу тепаликни ўққа тутишим керак. Парижда қолиб, ғирт аҳмоқлик қилдим. Сафарни бундай орқага суришим мени камситади, менга зарар келтиради, агар бу гапларнинг бари комедия бўлмаса, албатта. Хўш, агар жўнаб кетганимда нима йўқотардим? Мабодо улар мени калака қилишаётган бўлишса, қайтанга уларнинг устидан ўзим кулган бўлардим. Агар у чиндан ҳам менга хиёл қизиқаётган бўлса, у ҳолда бу қизиқиши минг чандон ортган бўларди».

М-ль де ля Молнинг мактуби Жюльеннинг гурурига шу қадар хуш ёқдики, у гарчи содир бўлган бу воқеага унча ишонқирамай, кулиб юрган бўлса-да, жўнаб кетиши қанчалик ўринли бўлиши мумкинлиги ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш унинг ҳатто хаёлига ҳам келмади.

У ўз хатоларида қаттиқ изтироб чекиб юрарди, бу йигит табиатининг машъум хусусияти эди. Бу гал у шу қадар таъби тирриқ бўлдики, ушбу кичкина муваффақиятсизликдан олдинги ажойиб галабасини бутунлай унутиб қўйишига сал қолди. Шунда бирдан, соат тўққизларда кутубхона остонасида м-ль де ля Моль пайдо бўлиб, стол устига хат ташлади-ю, қочиб кетди.

«Бу дейман, бизнинг ишқий романимиз фақат мактуб-

лардан иборат бўлади шекилли, — деди йигит хатни қўлига олар экан. — Душман маккорлик билан ҳамла қиляпти, мен эсам бунга жавобан совуққонлик ва эзгуликни ишга соламан!»

Ундан аниқ бир жавоб беришни илтимос қилишмоқда, илтимос қилганда ҳам шу қадар такаббурлик билан илтимос қилишмоқда эдики, йигит бундан гоётда хурсанд бўлиб кетди. У ўзини калака қилмоқчи бўлган одамлар устидан кулганича ҳузур қилиб икки саҳифа мактуб ёзди ва хатининг охирида эрмак учун, эртага азонлаб сафарга жўнайман, дея қўшимча қилиб қўйди.

Хатни ёзиб тугатган заҳоти Жюльен: «Уни қизга боғда бераман», — дея хаёлидан ўтказди. У боққа чиқиб, м-ль де ля Моль хонасининг деразасига қаради.

Қизнинг хонаси иккинчи қаватда, кенг-кенг антресоллар устида, онасининг апартаментлари ёнига жойлашган эди.

Биринчи қават шу қадар баланд эдики, м-ль де ля Молнинг деразасидан аргувонлар саф тортиб турган хиёбонда айланиб юрган Жюльенни кўриб бўлмасди. Уни жуда ҳафсала билан бутаб қўйилган аргувоннинг гумбази бутунлай пана қилиб турарди.

«Бу нима қилганим ўзи, — дея бирдан алам билан ўйлади Жюльен. — Қандай эҳтиётсизлик ахир бу! Агар бу гапларнинг бари мени калака қилиш учун атайлаб ўйланган бўлса, бу ерда, ҳамманинг кўз ўнгиде кўлимда хат билан айланиб юришим душманларимга ёрдам бериш демак-ку».

Граф Норбернинг хонаси Матильда хонасининг шундоқ тепасида жойланган бўлиб, Жюльен буталган аргувонларнинг яшил гумбази остидан чиққан заҳоти граф билан дўстлари ўнинг барча хатти-ҳаракатларини бемалол кузатишлари мумкин эди.

М-ль де ля Моль ўз деразаси ёнида пайдо бўлди. Йигит қизга хатнинг бир учини кўрсатган эди, у бош ирғади. Жюльен югурганича ўз хонасига кўтарилаётган эди, катта зинапояда бирдан офатижон Матильданинг ўзи билан юзма-юз тўқнашиб қолди. Қиз мутлақо хотиржамлик билан унинг қўлидан хатни юлқиб олди-да, йигитга кулиб турган кўзлари билан қараб қўйди.

«Боёқиш де Реналь хонимнинг кўзлари нақадар ҳисҳаяжонга тўла бўларди-я, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — Биз яқин бўлганимиздан сўнг орадан ярим йил ўтгандан кейин ҳам у менинг қўлимдан хатни ийманибгина оларди. Назаримда, у менга бирон марта ҳам кўзлари кулиб боқмаган эди».

У ўз фикрини охиригача етказиб, уни изоҳлаб ўтирмади; эҳтимол, ўз фикр-мулоҳазаларининг беҳудаалигидан хижолат чеккан бўлса керак. Лекин улар бир-биридан қанчалар фарқ қилади-я, — деб тиним бермасди унга хаёли, — эрталабки кўйлагининг нафислиги билан ҳам, хатти-ҳаракатидаги нафосат билан ҳам у нақадар ажралиб туради. Ҳар қандай диди юксак одам, Матильдани ўттиз қадам наридан кўрса, бу қиз жамиятнинг қайси синфига мансуб эканлигини дарҳол англаб олади. Ҳа, бу шубҳасиз унинг катта фазилати, албатта».

Ўзига-ўзи шу йўсинда ҳазил қилар экан, Жюльен бари бир хаёлидаги гапни охиригача тан олгиси келмасди: ахир де Реналь хонимнинг уни деб қурбон қиладиган маркиз де Круазнуаси йўқ эди-да. Унинг ягона рақиби анови манфур префект ёрдамчиси жаноб Шарко эди. У одам ўзини яна де Можирон деб атади, чунки Можиронларнинг ҳаммаси ўлиб кетганди.

Кундузи соат бешда Жюльен учинчи марта хат олди: м-ль де ля Моль уни йигитга кутубхонанинг шундоқ остонасидан туриб узатди-да, яна қочиб кетди. «Хат ёзишни бунча яхши кўрмаса! — дея кулиб, хаёлидан ўтказди Жюльен. — Оддийгина қилиб гаплашиб олишдан осони йўқ-ку ахир. Тушунарли, душман томон мендан иложи борича кўпроқ хат олмоқчи!» У шошмайгина мактубни очди. «Яна баландпарвоз сўзлар...» — дея ўйлади у, бироқ хатга кўз югуртириб чиққач, ранги оқариб кетди. Мактуб бор-йўғи саккиз сатрдан иборат эди:

«Менинг сизга айтадиган гапим бор, шу бугуноқ кеч-қурун сиз билан гаплашиб олишим керак: кечаси соат бирга занг уриши билан боққа чиқинг. Богбоннинг қудуқ ёнида турган нарвонини олинг-да, уни деразамга қўйиб, олдимга кўтарилинг. Ҳозир тўлин ой пайти, ҳаммаёқ ойдин бўлади, лекин бунинг аҳамияти йўқ».

Фитна эмасмикин бу?

Дадил режа билан уни амалга ошириш ўртасидаги вақт нақадар изтиробли бўлади! Қанчадан-қанча иккиланишлар! Сенинг ҳаётинг ҳаёт ҳам гапми, номусинг дов тикилган бўлади ахир!

Шиллер

«Иш жиддий тус оляпти,— дея ўйлади Жюльен.— Бу дейман жуда очиқчасига кетди-ку... — қўшимча қилди у бир оз хаёл суриб тургач.— Қанақаси бўлди? Бу офатижон қиз мен билан кутубхонада ҳам бемалол гаплашавериши мумкин, худога минг қатла шукурким, бу ерда бизга ҳеч ким халал бермасди, зеро ҳисоб-китоб дафтарларини кўрсатиб, бошини қотиришимдан кўрқадиган маркиз бу ерга сира кирмайди. Бу ерга кириши мумкин бўлган ягона одамлар — де ля Моль хоним билан граф Норбер ҳақидаю гапирмаса ҳам бўлади, улар уззукун уйда бўлишмайди ва уларнинг қайтиб келиш пайтларини билиб олишдан осони йўқ, биронта валиаҳд шаҳзода уйланишни ўзига шараф деб биладиган гўзал Матильда эса мени шундай даҳшатли эҳтиётсизликка ундаяпти!

Ҳаммаси тушунарли: мени ҳалок этишмоқчи ёки камида, масхара қилишмоқчи. Аввалига улар бу ишни менинг хатларим ёрдамида амалга оширишмоқчи бўлишганди, бироқ бу хатлар жуда эҳтиёткорлик билан ёзилган бўлиб чиқди. Энди бўлса улар мени ўзимни бутунлай ошкор қиладиган ишга ундашмоқчи. Чамамда, бу меҳрибон жаноблар мени ғирт аҳмоқ ёки ўтакетган олифта деб ҳисоблашаётганга ўхшайди. Бекорларни айтишибди. Тунлари ҳозир сутдек ойдин, мен эсам нарвон қўйиб, иккинчи қаватга, беш одам бўйи баландликка чиқишим керак эмиш! У ерга чиқиб олгунимча қўшни уйдагиларнинг ҳаммаси кўриб қолади-ку мени. Бу дейман, ўша нарвонда жуда чиройли кўринсам керак ўзи!» Жюльен ўз хонасига кириб, ҳуштак чалганича сафар сандиқчасини тартибга сола бош-

лади. У қизга ҳатто жавоб ҳам бермасликка аҳд қилди. Бироқ бу оқилона қарордан кейин ҳам унинг кўнгли тиңчимасди.

«Хўш, Матильда мени чиндан ҳам севиб қолган бўлсанчи! — деди бирдан сандигининг қонқоғини ёлиб бўлгач, — у ҳолда мен унинг назарида манфур кўрқоқ бўлиб чиқаман. Мен насл-насабим билан мақтана олмайман, шу бонедан ҳам мен ҳар хил ёқимли тахминларга эмас, балким амалдаги ишга асосланган, ўзи учун ўзи далолат берадиган чинакам, яққол кўзга ташланадиган фазилатларга эга бўлмогим керак».

У ўз хонасида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, тахминан чорак соатча вақт ўтди. «Нимаям дердим, — деди у ниҳоят, — турган гап, у мени кўрқоқ ҳисоблайди. Шунда мен ўзимни киборлар жамиятидаги энг соҳибжамол қиздангина эмас, — жаноб герцог де Реңникида балда улар уни шундай деб аташди-ку, ахир, — балким мени деб герцогнинг ўгани ва бўлажак герцог бўлмиш маркиз де Круазнуани қай йўсинда қурбон қилишларини кўришдек беқийс лаззатдан ҳам маҳрум этаман. У менда йўқ барча имтиёзларга эга, жуда ширинсухан, аспазода, бадавлат йигит ахир...

Кейин умримнинг охиригача пушаймон бўлиб юраман; уни деб эмас, албатта, зеро дунёда нозанилардан кўни борми! Кекса дон Диэгонинг таъбири билан айтганда:

...Бироқ номус ягона бизда!

Энди бўлса мен йўлимда учраган биринчи хавф-хатардан очикдан-очик ва шубҳасиз орқага чекинялмақ. Чунки жаноб де Бовуази билан бўлган дуэль — бу шунчаки эрмак бўлган эди. Бу ерда эса бутунлай бошқа гап. Мени биронта малай чумчуқдек отиб ташлаши мумкин, бу ҳали энг даҳшатлиси эмас, мени бадном қилишлари мумкин».

«Ҳа, йигитча, бу ҳазилакам иш эмас! — деди у мардона оҳангда, гасконликларга таассуб қилиб. — Гап сенинг шаънининг устида кетяпти. Машъум тақдир жамиятининг энг тубига жойлаштириб қўйган сен бечора болакай учун кейин ҳеч қачон бундай имконият тугилмайди. Эҳтимол, кейинчалик ҳам бахт сенга кулиб боқар, лекин бунақаси бўлмайди!..»

У хонасида уёқдан-буёққа тез-тез юрганча, ўқтин-ўқтин шартта тўхтаб, узоқ ўйлади. Унинг хонасига кардинал Ришельенинг ажойиб бюстини қўйинган эди. Йигит унга беихтиёр қараб-қараб кўярди. Ҳозир ламининг ёру-

ғида якқол кўриниб турган бу ҳайкал унга гўё ҳақиқий французларга хос бўлган жасоратнинг этишмаётгани учун таъна қилаётгандек қаҳр билан қараб турарди. «Сенинг замонагда, эй улуг инсон, наҳот мени иккиланган бўларди деб ўйласанг?»

«Хўй, энг ёмон оқибатни ҳам тасаввур қилиб кўрайлик, — деди ниҳоят Жюльен, — айтайлик, бу тузоқ ҳам бўлсин, лекин ёш қиз бунинг оқибатида бадном бўлиши мумкин-ку ахир. Улар менинг пидамай кетаверадиган одамлар сирасида эмаслигини билишади. Демак, мени гумдон қилиш керак. Бу ишларнинг бари 1574 йилда, Бонифаций де ля Моля замонасида жуда яхши бўлиши мумкин эди, бироқ ҳозирги де ля Моллар бундай ишга журъат этишмайди. Мадемуазель де ля Молга ҳамма ҳасад қилади! Унинг шармадан шармисор бўлгани эртагаёқ тўрт юз меҳмонхонанинг барида тилларда дoston бўлади! Қандай лаззатланиб гийбат қилишади уни. Хизматкорлар ҳозирнинг ўзидаёқ унинг менга алоҳида эътибор билан муомала қилиши тўғрисида ивир-шивир гаплашиб юришибди, мен буни аниқ биламан, зеро бу гапларни ўз қулогим билан эшитганман.

Бошқа жиҳатдан эса — манови хатлар масаласи!.. Улар, чамаси, бу хатларни доим ўзи билан олиб юради, деб ўйлашса керак. Шу билан ҳам улар мени қизнинг хонасига авраб чақиринишга қарор қилишган, у ерда эса менга ташланишади-да, хатларни тортиб олишади. Эҳтимол, у ерда мени икки, уч, ҳатто тўрт киши пойлаб турар. Ким билади дейсиз? Лекин бундай одамларни қаердан топишади улар? Ҳозир Парижда ишонса бўладиган хизматкорлар топилармиди? Уларнинг бари судга тушишдан кўрқади... Э, жин урсин... ахир у ерда Кайлюслар, Круазнуалар, де Люзларнинг ўзлари ҳам бўлиши мумкин-ку. Агар олдиларида аҳмоққа ўхшаб серрайиб турсам, улар учун бундан ҳам гаштлироқ томоша бўладими. Абеяларнинг қисматига учрашдан эҳтиёт бўлинг, жаноб секретарь!

А, ҳали шунақами, жаноблар! У ҳолда сизларга тамга кўйишга ҳаракат қиламан: Фарсалдаги жангда Цезарнинг солдатлари каби тўғри башарангизни нишонга оламан... Хатларни эса ишончли жойга яшириб қўяман».

Жюльен сўнгги икки мактубдан нусха кўчирди-да, уларни кутубхонадан яширинча олиб келган кўркем Вольтер томига яшириб қўйди, асл нусхаларни эса ўзи почтага олиб кетди.

Йигит уйга қайтгач, бирдан, гўё ҳозиргина ҳушига келган одамдек ҳайрат ва даҳшатга тушиб, ўзига ўзи савол

берди: «Мен нима қиялман ўзи, ахир бу гирт телбалик-ку!» Шунга қадар у чорак соат давомда бугун тунда қилини лозим бўлган иш тўғрисида бирон марта ҳам ўйламаган эди.

«Лекин унинг олдига чиқиндан бош тортсам, кейин ўзимдан нафратланаман. Бутун умр янглишмадимми дея шубҳаланиб юраман, менинг учун эса дунёда бундай шубҳа-гумондан даҳшатлироқ нарса йўқ. Ахир ўшанда анови позанин Амаданинг ўйнаши деб озмунча изтироб чекдимми! Назаримда, чинакамига жинойт қилган тақдиримда ҳам ўзимни кечирган бўлардим: бир марта ўзимга ўзим иқрор бўлиб, кейин уни ортиқ ўйламай қўярдим. Бу қанақаси бўлди! Тақдир менга шундай ажойиб имконият бераётган, донги бутун Францияга таралган оиладан бўлмиш бир йигитга рақиб қилмоқ учун тўдадан мени ажратиб олаётган бўлса-ю, мен ўз хоҳишим билан унга енгилиб ўтирсам! Ахир қизнинг олдига чиқмаслик гирт қўрқоқлик-ку. Бинобарин шундай экан, бўлди — борганим бўлсин, — дея хитоб қилди Жюльен сапчиб ўрнидан турар экан. — Бунинг устига жуда офатижон қиз ахир у!

Агар бу хоинлик бўлмаса, мени деб у қандай телбалик-ка жазм этаётганини айтмайсизми!.. Агар бу шунчаки комедия бўлса, жин урсин, бу ҳазил-мазахни фожиага айлантиришни менга қўйиб берасиз, жаноблар ва мен уни албатта фожиага айлантираман.

Хўш, мен хонада пайдо бўлган заҳотим қўлларимни боғлаб олишса-чи? Усталик билан қўйилган биронта қоп-қонга тушиб қолсам нима қиламан?

Лекин бу ҳам дуэлга ўхшаган гап, — деди у бирдан кулиб, — қиличбозлик муаллимининг таъбири билан айтганда ҳар қандай ҳамлани ҳам даф қилса бўлади, лекин яратган парвардигор олишувга чек қўймоқ учун доим рақиблардан бирини гафлатда қолдиради. Ҳар қалай уларнинг ҳамласини даф қилмоқ учун менинг *старли куролим бор*, — шундай дея у чўнтагидан ўз тўппончаларини чиқарди-да, гарчи улар яқинда ўқланган бўлса ҳам қайтадан ўқлаб олди.

Ҳали вақт кўп бўлиб, бирор иш билан шугулланиш мумкин эди. Жюльен ўтириб Фукега хат ёза бошлади. «Дўстим, бу конвертга солинган хатни сен менинг бошимга бирор фалокат тушгани, биронта гаройиб воқеа содир бўлгани ҳақида эшитиб қолган тақдирдагина очиб ўқийсан. Шундан сўнг мен юборган бу қўлёзмадаги исмларни ўчириб ташлагин-да, ундан саккизта лусха кўчир ва уларни Марсель, Бордо, Лион, Брюссель ва ҳоказо шаҳарлардаги газеталарга юбор, орадан ўн кун ўтгач, қўлёз-

мани чоп қилгин-да, биринчи нусхасини маркиз де ля Молга жўнат, икки ҳафтадан кейин эса тунда қолган нусхаларни Веррьер кўчаларига сочиб чиқ».

Жюльен ҳикоя шаклида ёзилган ва Фуке фақат бирор гаройиб воқеа содир бўлсагина очиб ўқиши лозим бўлган айбсизлигини исботловчи бу кичкина хужжатда м-ль де ля Молнинг шаънига иложи борича доғ туширмасликка ҳаракат қилди, лекин ҳар қалай у ўз аҳволини анча аниқ баён қилиб берган эди.

Тушлик овқатга занг чалинганида Жюльен мактубини эндиgina тугатган эди. Ҳозиргина ёзган ҳикояси таъсирида унинг ҳаяжонга тўла дили ниҳоятда ғаш эди. У ўзини қандай босиб олиб, қўл-оёғини боғлашлари, оғзига латта тикиб, ертўлага олиб тушишларини тасаввур қилмоқда эди. Ертўлада уни биронта пасткаш малайнинг қўлига топширишади, у эса бундан кўз-қулоқ бўлиб туради, мабодо бу зодагон оиланинг шаъни фожиали оқибатни талаб қилса, буни из қолдирмайдиган биронта оғу ёрдамида амалга оширишдан осони йўқ, шундан сўнг уни фалон касалдан ўлди, деб эълон қилишади-да, жасадини ўз хонасига олиб кириб қўйишади.

Драма иншо этган муаллифдек ўз асаридан ҳаяжонга тушган Жюльен емакхонага чиндан ҳам даҳшатдан эти жунжикиб кириб борди. У башанг ливрея кийган бу хизматкорларни диққат билан кузатар, уларнинг юзига тикилар эди. «Тунги экспедеция учун улардан қай бирини танлашди экан? — дея ўйларди у. — Бу оилада Генрих III саройи ҳақидаги ривоятлар оғиздан оғизга кўчиб юради ва уларни шу қадар кўп эслашадики, турган гап, улар, мабодо ўзларини ҳақоратланган деб ҳис этсалар, ўзлари мансуб бўлмиш табақанинг барча одамларига қараганда қатъийроқ ҳаракат қилишлари мумкин». Йигит бу оиланинг макр-ҳийлага тўла режаларини уқиб олмоқ ниятида м-ль де ля Молнинг юзига тикилди. Қиз ранги оқариб ўтирарди ва шу туришда чехраси ўрта асрларда чизилган портретни эслатарди. Йигит ҳали ҳеч қачон унинг қиёфасида бундай юксак олижанобликни ҳис этмаганди, қиз шу тобда чиндан ҳам ғоят гўзал ва улуғвор эди. Жюльен қалбида қизга нисбатан севгига ўхшаш бир ҳис туйгандек бўлди. „Pallida morte gutu-ra“¹ дея кўнглидан кечирди у ўзича. («Юзининг оқариб туриши режаларининг юксаклигидан далолат беради».)

¹ Улим олдидаги бўзарини. (италь.).

Тушки овқатдан сўнг у богда узоқ сайр қилиб беҳуда овора бўлди,— м-ль де ля Моль боққа чиқмади. Ҳозир Жюльен у билан гаплашиб олганида борми, елкасидан тоғ ағдарилгандек бўларди!

Бор гапни яшириб нима қиламиз — уни ваҳима босмоқда эди. У ҳаракат қилишга қатъий аҳд қилиб қўйгани учун ҳам энди сира уялмай, ана шу даҳшат ҳақида ўйларди. «Ишқилиб ҳал этувчи дақиқада кўрқоқлик қилмасам бўлгани,— дерди у ўзига ўзи.— Ҳозир эса кўрқаманми, йўқми, бари бир эмасми?» У нарвоннинг қасрдалигини олдиндан кўриб қўймоқ ниятида қудуқ ёнига борди ва оғирлигини чамалаб кўриш учун уни кўтариб ҳам кўрди.

«Бу дейман, нарвон кўтариш менинг пешонамга ёзилган шекилли,— деди у илжайиб ўзига-ўзи.— Бир вақтлар Веррьердаги каби мана бу ерда ҳам нарвон билан иш кўришга тўғри келяпти. Лекин орасидаги фарқни қараинг! У ерда мен,— дея қўшимча қилди у хўрсиниб,— у ерда мен висолига етмоқ учун ўзимни бундай хавф-хатарга қўйган хонимдан гумонсирамаган эдим. Кейин хавф-хатар ҳам бу қадар даҳшатли эмасди.

Агар ўшанда жаноб де Реналнинг боғида мени отиб қўйишганида, бунинг мен учун ҳеч қандай шармандали жойи бўлмасди. Менинг ўлимимни сира ўйлаб ўтирмай, тушуниб бўлмайдиган бир тасодифга йўйишган бўларди. Бу ерда эса мен тўғримда герцог Шонский, Кайлюслар, Рецлар ва бошқа киборлар меҳмонхонасида қандай даҳшатли гапларни айтишмайди дейсиз. Мени абадулабад разил махлуққа чиқариб қўйишади».

«Икки йил гапиришар, уч йил гапиришар, кейин эсдан чиқариб юборишади! — дея бурун жийирди у ўзини-ўзи калака қилиб. Бироқ бу ўзини камситиш эди.— Хўш, мени нима билан оқлаш мумкин? Хўп, айтайлик, Фуке менинг ўлимимдан кейин памфлетимни чоп этди ҳам дейлик,— бу менинг баътар лаънатланишим бўлмайдими ахир. Бунга қараинг-а! Менга бу хонадонда бошпана беришса-ю, мен уларнинг меҳмондўстлиги, ўзимга кўрсатишган барча хайр-саховатлари эвазига миннатдорчилик тариқасида бу ерда бўлаётган барча ишларни тасвирлаб, памфлет эълон қилиб ўтирсам! Аёл кишининг шаънига доғ туширсам!

Йўқ, ундан кўра аҳмоқ бўлиб қолган минг чандон яхши».

Жюльен учун бу даҳшатли кеча бўлди.

Кечаси соат бирда

Мазкур бог жуда катта бўлиб, бундан бир неча йил муқаддам гоят юксак дид билан тартибга солинганди. Бироқ бу ердаги дарахтлар Генрих III ҳукмронлиги даврида шаҳрат қозонган раҳматли Пре-о-Клер замонасидан буён ўсиб келарди. Уларнинг ёши юз йилдан ошиб кетганди. Бу дарахтлардан қандайдир ёввойи дархонлиқнинг испи келиб турарди.

Мэссинжер

У эндигина олдинги топширигини бекор қилиш ниятида Фукега хат ёзмоқчи бўлиб турган эди, соат ўн бирга заиғ чалиб қолди. Йиғит сурма зулфини қаттиқ шиқирлатиб, гўё ётиб ухлаш учун хонасини ичкаридан қулфлаб олаётган одамдек, эшик қулфидаги калитни бир неча марта бураб қўйди. Сўнгра уйда, айниқса, хизматкорлар яшайдиган тўртинчи қаватда нима гаплар бўлаётганини билмоқ учун ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетди. Ҳеч қаерда бирор шубҳали ҳаракат сезилмасди. Де ля Моль хонимнинг оқсочларидан бириликда зиёфат бўлмоқда эди, йиғилганлар шўх-шодон нуш ичиб ўтиришарди. «У ерда ҳиринглаб ўтирган анови хизматкорлар,— дея ҳаёлидан ўтказди Жюльен,— тунги иштирмада иштирок эта олмайдилар, аке ҳолда кайфиятлари жиддийроқ бўларди».

Ниҳоят у боғнинг энг қоронғи бурчагига борди. «Агар улар уйдаги хизматкорларни бу сирдан воқиф қилишни истамаган бўлсалар, мени қўлга тушириш топширилган одамлар, чамаси, бог панжарасидан ошиб ўтсалар керак».

Мабодо жаноб де Круазнуа буларнинг бариини совуқ қонлик билан пухга ўйлаб кўрган бўлса, у турган гап, уйланмоқчи бўлаётган ёш қизнинг шаъни учун мени унинг хонасига киришимдан аввал қўлга тушириш хавфсизроқ эканини тушунган бўлмоғи керак».

У ҳаммаёқни синчиклаб кўздан кечириб чиқди. «Ахир бу ўйинда менинг номусим дов қилиб тикилган, — дея ўйларди у, — агар бирор нарсани олдиндан ўйлаб кўрмай, чув тушсам, кейин: «Ах, буни ўйлаб кўрмабман», — деганим билан фойдаси бўлмайди. Сўнгра ҳеч қачон ўзимни кечира олмай юраман». Хаво жуда очиқ эди, бу ўринда умид қиладиган нарса йўқ эди. Ой соат ўн бирларга яқин чиққан бўлиб, ҳозир соат ўн икки яримда эса уйнинг боғ томон қараган бутун пештоғини сутдек ёритиб турарди.

«Йўқ, бу қиз ақлдан озганга ўшайди!» — дея ўйларди Жюльен. Соат бирга заиғ чалди, бироқ граф Норбернинг хонасида ҳамон чироқ ёниб турарди, Жюльен умри бино бўлиб, бунчалик кўрқмаган эди: бу ишларнинг барида унга ҳаммаёқдан хавф-хатар қутқу солаётгандек туюлардики, йигитнинг юраги лоақал жиз этмасди.

У бориб, улкан нарвонни олиб келди-да, эҳтимол, қиз ўз аҳдидан қайтар, деган умидда бир оз кутиб турди ва бирдан роппа-роса беш минут ўтганида нарвонни Матильданинг деразасига қўйди. Йигит қўлида тўпшонча билан шу пайтга қадар ҳамла қилишмаганидан ўзича ажабланиб, секингина юқори кўтарилди. Жюльен дераза олдига чиққач, у аста очилди.

— Мана чиқиб ҳам олдингиз, — деди унга Матильда хаяжонини яшира олмай. — Мен бир соатдан бери сизнинг ҳаракатларингизни кузатиб турибман.

Жюльен ниҳоятда саросимага тушиб қолган эди, у ўзини қандай тутишни билмасди ва қалбида ҳеч қандай муҳаббат ҳис этмасди. У, ўзимни тутиб олишим учун дадилроқ бўлишим керак, деб ўйлади ва Матильдани кучоқлашга уриниб кўрди.

— Вой! — деди қиз йигитнинг кўксидан итарар экан.

Қиз итариб юборганидан жуда мамнун бўлган Жюльен шоша-пиша атрофга аланглади. Ой шу қадар равшан ёритардики, Матильданинг хонасидаги соялар қоп-қора бўлиб кўринарди. «Эҳтимол, бу ерда одамлар яширинган, мен эса уларни кўрмаётган бўлишим мумкин», — дея хаёлидан ўтказди у.

— Ён чўнтагингизда дўшпайиб турган нарса нима? — дея сўради Матильда гаплашиш учун мавзу топилганидай боши осмонга етиб.

Қиз бениҳоя кучли изтироб чекмоқда эди: у снгиши лозим бўлган, андишали қиз учун гоят табиий туюладиган ҳаё ва боадаблик туйғулари энди яна шундай тугён кўтаргандики, бунинг турган-битгани азоб эди.

— Чўнтагимга турли қуроллар, жумладан, тўпшонча-

лар ҳам солиб олганман, — дея жавоб қилди Жюльен бирор гап айтиш имконияти тугилганидан ўзи ҳам хурсанд бўлиб.

— Нарвонни ерга тушириш керак, — деди Матильда.

— У жуда катта. Пастдаги меҳмонхона ёки пешайвондаги деразаларни синдириб қўяманми деб қўрқаман.

— Йўқ, деразаларни синдирмаслик керак, — дея эътироз билдирди Матильда, оддий суҳбатдагидек табиий оҳангда гапиришга уриниб. — Менимча, сиз нарвоннинг учига арқон боғлаб, уни аста ерга туширишингиз мумкин. Мен бу ерда доим ҳар хил арқонларни сақлаб юраман.

«Севиб қолган аёл ҳам шунақа бўладими ҳали! — дея ўйлади Жюльен. — У яна севиши ҳақида гапиришга журият этганини айтмайсизми! Бундай совуққонлик, эҳтиёт чораларини кўришдаги бундай пухталиқ менинг жаноб де Круазнуадан афзаллигимни эмас (мен тентак шундай ҳаёлларга бориб юрибман-а), шунчаки унга ўриб-босар бўлаётганимдан яққол далолат бериб турибди. Аслини олганда бари бир эмасми! Уни севмайман-ку ахир! Мен маркиздан шу маънода афзалманки, унинг ўрнини аллаким эгаллаб олгани, боз устига ўна аллаким худди мен бўлиб чиққаним, турган гап, жаноб де Круазнуага спра ҳам ёқмаса керак. Кеча у Тортани кафесида менга ўзини танимаётганга солиб, жуда кибр-ҳаво билан қаради ва ниҳоят, ортиқ мугамбирлик қилишининг иложи қолмагач, жаҳл билан бош иргаб қўя қолди!»

Жюльен нарвоннинг учига арқон боғлади-да, пастдаги деразаларга урилиб, ойнасини синдириб юбормаслиги учун бутун гавдаси билан ташқарига эгилганича нарвонни пастга тушира бошлади. «Агар Матильданинг хонасида бирор киши яширинган бўлса, — дея ҳаёлидан ўтказди у, — ҳозир мени гумдон қилишининг айни пайти». Бироқ атроф ҳамон жимжит эди.

Нарвон оҳиста ерга тегди, Жюльен уни девор ёнидан ҳошия бўлиб кетган галати гуллар пуштасига ётқизишга муваффақ бўлди.

— Ажойиб гулларнинг шундай расво бўлганини кўрса, онам нима дейди, — дея гап қотди Матильда.

— Арқонни ташлаб юбориш керак, — қўшимча қилди у ниҳоятда совуққонлик билан. — Агар унинг деразадан осилиб турганини кўриб қолшса, бунга баҳона топиш қийин бўлади.

— Мениёки қандай кетади бу ердан? — дея ҳазил аралаш сўради Жюльен, креолларнинг¹ сўзларни бузиб та-

¹ Лотин Америкасида тугилган европаликлар (тарж.).

лаффуз этишига тақлид қилиб. (Уйдаги оқсоч қизлардан бири сан-доминголик эди.)

— Сизнийки эшик орқали кетади, — дея жавоб қилди бундай ҳазилдан ниҳоятда хурсанд бўлган Матильда.

«Ах, йўқ, — дея ўйлади қиз, — бу йигит менинг муҳаббатимга арзийди, албатта!»

Жюльен арқонни боққа ташлаб юборди, Матильда унинг қўлидан тутди. Йигит, бу душман бўлса керак, дея ўйлаб, шартта ўгирилди-да, ханжарини қўлига олди. Қизга эса қаердадир дераза очилгандек туюлган эди. Бир неча дақиқа улар нафасларини ичларига ютиб, қимир этмай туришди. Тўлини ой уларни сутдек ёритиб турарди. Бояги шовқин бўлак такрорланмади, хавотир оладиган жойи қолмаган эди.

Шундан сўнг яна иккови ҳам бир хилда қаттиқ додираб қолди. Жюльен хона эшигининг барча зулфинлари солиб қўйилганига ишонч ҳосил қилди; у яна каравот тагига қарашни жуда ҳам истарди-ю, бироқ журъат этмасди. У ерда битта, ҳатто иккита малай бемалол яширинган бўлиши мумкин эди. Ниҳоят, кейин бу эҳтиётсизлигидан ўзи пушаймон бўлиб юришидан кўрқиб, каравот тагига қаради.

Матильда яна қаттиқ изза бўла бошлади. У қилиб қўйган ишдан даҳшатга тушган эди.

— Сиз ёзган хатларимни нима қилдингиз? — дея сўради у ниҳоят.

— Биринчи хатингизни протестантларнинг қалин тавротига яшириб, кечаги дилижон билан уни узоқ-узоқларга жўнатиб юбордим.

У жуда аниқ-таниқ қилиб сўзларди ва мабодо ўзи очиб қарашга журъат этмаган анови қимматбаҳо дарахтдан ишланган улкан икки шкафда одамлар яширинган бўлишса, улар ҳам эшитишсин деган ниятда атайлаб икки-чикиргача айтмоқда эди.

— Қолган иккитаси ҳам почтага топширилиб, биринчисининг ортидан жўнатиб юборилди.

— Ё раббим! Шунча эҳтиёт чораларининг нима кераги бор эди? — дея сўради қаттиқ ҳайратга тушиб Матильда.

«Хўш, ёлгон гапиришдан менга нима фойда?» — ўйлади Жюльен ва қизга барча шубҳа-гумонларини гапириб берди.

— Хатларинг мунча совуқ десам боиси буёқда эканда! — дея хитоб қилди Матильда, шу тобда қизнинг товушида назокатдан кўра кўнроқ қандайдир газаб оҳанги сезилиб турарди.

Жюльен бу оҳангни найқамасди, бироқ қиз уни «сенсираб» таширишидан қони миясига тешиб, барча гумонлари бир зумда ғойиб бўлди-қўйди, унинг кўз ўнгиде ўзининг анча қадри ошгандек туюлди; у дадиллашиб, ўзи жуда хурмат қиладиган бу ғўзал қизни бағрига тортиди. Қиз уни яна итариб юборди, аммо энди бояғидай кескин эмасди.

Йигит яна, бир вақтлар Безансонда, Аманда Бинэ билан суҳбатлаган пайтдагидек, ўз хотирасига мурожаат қилиб, «Янги Элоиза»дан бир печта чиройли жумлани ёддан айтди.

— Сен мард йигит экансан, — дея жавоб қилди қиз Жюльенга унинг сўзларига қулоқ солмай. — Сенга ростини айтаман: мен сенинг жасоратингни синамоқчи эдим. Сенинг шубҳа-гумонларинг, сенинг журъатинг мен ўйлагандан ҳам мардроқ эканлигингдан далолат бериб турибди.

Матильда ўзини йигитни «сенсираб» таширишга мажбур қилмоқда эди ва чамаси, ўзи одатланмаган бундай муомала қизининг диққат-эътиборини айтаётган сўзларидан ҳам кўпроқ ўзига жалб этарди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, ҳар қандай назокатдан маҳрум бўлган бундай «сенсираб» Жюльенни мутлақо хурсанд қилмай қўйди, ўзини сира ҳам бахтиёр ҳис этмаётганидан ажабланган Жюльен дилида ана шу туйғунини уйғотмоқ учун ақл-идрокига мурожаат қилди. У ҳеч кимни мақтамайдиган, мақтаган тақдирда ҳам, дарҳол бунинг шунчаки бир гап эканлигини айтиб ўтадиган шундай тақаббур қизининг ҳурматини қозонишга муваффақ бўлди, ахир, бу мулоҳазадан унинг иззатталаб қалби чексиз қувончга тўлди.

Тўғри, бу туйғу баъзан де Реналь хоним ёнида ҳис этадиган руҳий лаззатланишга мутлақо ўхшамасди. Ё парвардигор! Нақадар ўхшамайди-я бу туйғулар! Унинг ҳозирги кечинималарида назокатдан асар ҳам йўқ эди. Бу шунчаки шухратнарастликнинг жўнқини қувончи эди, холос, Жюльен эса аввало шухратнараст эди. У қизга яна дилини қандай шубҳа-гумонлар кемиргани, ўзининг қандай эҳтиёт чоралари кўргани ҳақида ҳикоя қила бошлади. Ҳикоя қила туриб, у шу аснода ўз галабамнинг маҳсулидан қандай фойдалансам экан, дея ўйларди.

Матильда ҳамон ўзини жуда ноқулай ҳис этарди ва чамаси, ўзининг бу қилигидан ниҳоятда руҳи тушгани бонесдан ҳам сўзлангани учун мавзу тошилганидан бениҳоя хурсанд эди. Улар бундан буён қай йўсинда учрашиб туринилари ҳақида сўзлаша бошлашди. Жюльен бу суҳбатда ҳам яна ўтқир ақли ва жасоратини намойиш этди. Улар-

нинг йўлида анча сезгир одамлар гов бўлиб турибди ахир. Анови ёш Тамбонинг жосус эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бироқ Матильда билан ўзи ҳам анойилардан эмас.

— Кутубхонада учрашишдан осони йўқ-ку, ҳамма гапни ўша ерда келишиб олардик.

— Мен, — дея давом этди Жюльен, — саройингизнинг барча хоналарига, қарийб де ля Моль хонимнинг бўлма-ларига қадар, сира ҳам шубҳа туғдирмай кириб чиқишим мумкин.

Матильданинг олдига фақат де ля Моль хонимнинг хоналари орқалигина кириш мумкин эди. Аммо Матильда унинг бундан кейин ҳам деразага нарвон қўйиб чиқишини хуш кўрса, марҳамат, йигит бу арзимас хавф-хатарни пинанд қилиб ўтирмай, бажонидил нарвондан чиқаверади.

Матильда унинг гапларига қулоқ солар экан, йигитнинг сўзларидаги бу голибона оҳангдан зардаси қайнади. «Демак, у менинг ҳукмдорим бўлиб олибди-да?» — дерди қиз ўзига ўзи. У қилмишидан пушаймон бўла бошлаганди. Унинг ақл-идроки ўзи йўл қўйган бу мислсиз тентакликка қарши туғён кўтармоқда эди. Агар қўлидан келганида, қиз шу тобда ўзини ҳам, Жюльенни ҳам ўлдирган бўларди. У бор иродаси билан бир амаллаб бу виждон азобини бир зум жиловлаганида эса дилини ибo ва ҳақоратланган маъсумалик туйғуси қаттиқ ўртай бошларди. Бу ишлар ўзи учун шундай даҳшатли бўлишини қиз илгари ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди.

«Лекин бари бир мен ўзимни у билан сўзлашишга мажбур қилмоғим керак, — деди у ўзига ўзи ниҳоят, — ахир одатда ошиқ билан сўзлашмоқ керак бўлади-ку». Ўзи бажармоғи лозим бўлган ана шу бурч туфайли қиз фақат сўзларидагина акс этган, аммо товушида сира ҳам сезилмаётган бир ҳис-ҳаяжон билан сўнги кунларда у ҳақида нималар ўйлагани ва қандай қарама-қарши қарорлар қабул қилиб, кейин улардан воз кечгани тўғрисида ҳикоя қила бошлади.

Мана, ниҳоят, у, ўз мактубида ёзганидек, агар Жюльен боғдаги нарвон орқали унинг олдига чиқишга журъат этса, унинг махубаси бўлишга аҳд қилибди. Лекин ҳеч қачон севги сўзлари шу қадар эҳтироссиз ва совуқ оҳангда айтилмаган бўлса керак.

Бу учрашув шу дақиқага қадар мутлақо совуқ бир руҳда ўтмоқда эди. Бу аҳволда инсон чиндан ҳам севгидан ҳазар қила бошлаши ҳеч гап эмасди. Ёш ва энгилтак қиз учун қандай ибратли сабоқ бўлди бу! Шундай бир лаҳзани деб бутун келажagini хавф остига қўйиш яхшимикин?

Четдан қараганда очиқ-ойдин нафрат оқибати бўлиб туюладиган узоқ иккиланишлардан сўнг, ҳатто Матильданинг кучли продаси ҳам аёлларга хос табиий туйғу бўлмиш ибо ва гурурни енгди, қиз, ниҳоят, ўзини Жюльеннинг назокатли маҳбубаси бўлишга мажбур этди.

Лекин, ростини айтганда, бу севги эҳтиросларида бир-мунча сохталик бор эди. Қиз учун жўшқин муҳаббат ўз-ўзидан пайдо бўладиган туйғу бўлмай, балким тақлид қилиниши лозим бўлган аллақандай андаза эди.

М-ль де ля Моль, ўзимга нисбатан ҳам, ошиғимга нисбатан ҳам бурчимни адо этипман, деб ҳисобламоқда эди. «Бечора болакай, чиндан ҳам мислсиз жасорат кўрсатди, — дерди у ўзига-ўзи, — уни бахтиёр қилмоғим лозим, акс ҳолда кўрқоқлик қилган бўламан». Бироқ у ўз зиммасига олган бу даҳшатли заруратни бажаришдан кўра ўзини умр-бод азоб чекишга жон деб маҳкум этган бўларди.

Аммо ўзини-ўзи шу қадар зўрласа ҳам Матильда сирдан қараганда жуда хотиржам эди.

Ҳеч қандай афсус-надомат, ҳеч қандай гина-кудурат Жюльенга бахтли бўлишдан ҳам кўра кўпроқ гаройиб туюлган бу тундаги кайфиятни бузмади. Ё тангрим, бу висол Веррьерда ўтган ўша сўнгги учрашувга нақадар ўхшамайди-я! «Париждаги бу ажойиб одоб қондалари ҳатто севгини ҳам расво қилишининг улдасидан чиқибди!» — дерди у ўзига ўзи, лекин Жюльеннинг бу гаши сира ҳам адолатдан эмасди.

Бу гапларни у қимматбаҳо дарахтдан ишланган улкан шкафларнинг бирида яшириниб турган пайти хаёлидан ўтказди, зеро де ля Моль хонимнинг хоналарида говур-гувур эшитилган заҳоти қиз уни ўша ерга яширинишга мажбур этганди. Матильда онаси билан эрталабки ибодатга жўнади, оқсочлар чиқиб кетишди ва улар хоналарни йиғиштириш учун қайтиб келишларидан аввал, Жюльен ҳеч кимга сездирмай қизнинг хонасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлди.

Йигит от миниб Медон ўрмониغا сайр қилгани жўнади, у отни ўз ҳолига қўйиб, секин борар экан, энг овлоқ йўлларни таилашга ҳаракат қиларди. У қалбида бахтиёрликдан кўра кўпроқ кучли ҳайрат ҳис этарди. Унинг аҳён-аҳёнда бутун вужудини қамраб олаётган қувончи биронта ажойиб қаҳрамонлиги учун бош кўмондон бирданга полковник даражасига кўтариб қўйган навқирон подпоручикнинг севинчига ўхшаб кетарди, у ўзини эришиб бўлмайидиган бир юксакликка кўтариб қўйишигандек ҳис этарди. Бир кун илгари ундан жуда баланд бўлган барча нарсалар энди

шундоқ ёнгинасида турарди ёки ҳатто анча пастда қолиб кетганди. Жюльеннинг бахтиёрлик туйғуси аста-секин, ўзидан узоқлашгани сайин ўсиб борарди.

Агар Матильданинг дилида ҳеч қандай меҳр-муҳаббат тугилмаган бўлса, бунинг сабаби, — у қанчалик ғалати туюлмасин, — қизнинг Жюльенга бўлган муносабатида ўзиммасига олган бурчга риоя қилганида эди. Тунги воқеаларда унинг учун романларда ҳикоя қилинадиган мастона лаззат ўрнига қалбини ўртай бошлаган афсус-надомат ва шармандалиқдан бўлак ҳеч қандай кутилмаган жиҳати бўлмади.

«Янглишмадиммикин? Аслида севармикинман уни!» — дерди у ўзига ўзи.

XVII

Кўзна шамшир

I now mean to be serious,— it is
time,

Since laughter now-a-days
is deem'd too serious

A jest at Vice by Virtue's
call'd a crime.

Don Juan, c. XIII, st. 71¹.

У тушки овқатга чиқмади. Кечкурун у меҳмонхонада бир дақиқа пайдо бўлди-ю, лекин Жюльенга ҳатто қиё ҳам боқмади. Унинг ўзини бундай тугиши йигитга жуда ғалати туюлди. «Дарвоқе, — дея ўйларди у, — очигини айтсам, киборлар жамиятининг барча бу одоб қондаларини мен ҳар куни кўзатадиган энг оддий шарсалар орқалигина биламан. Кейин унинг ўзи бу гапларнинг барини тушунтириб беради, албатта». Бироқ у қизнинг бу хатти-ҳаракатига жуда қизиқиб қолиб, Матильданинг юзидаги ифодага диққат билан тикилди. Жюльен шу тобда унинг терс ва бад

¹ Йигит олай эс-хушим, ҳозир кулгуни ҳар гоҳ
Қаттиқ қоралайдилар. Яхшилигу ҳазилни
Иллатлардан кўп баланд қўймоқ гуноҳдир, гуноҳ.

Б а й р о н. «Дон Жуан, XIII боб, 71-банд.

жаҳл эканлигини ўзича эътироф этмай иложи йўқ эди. Албатта, бу кеча у тунда севги эҳтиросларига берилган ёки ўзини шундай қилиб кўрсатган аёлга мутлақо ўхшамасди. Ушанда Матильда бу эҳтиросларга шу қадар жон-жаҳди билан берилган эдики, Жюльеннинг дилида унинг самимиёлигига шубҳа туғилганди.

Эртаси куни, индини ҳам қиз ўзини шундоқ совуқ тутди, у Жюльенга қарамасди, уни кўришни мутлақо истамасди! Дилидаги безовталиқдан азоб чека бошлаган Жюльен биринчи куни уни жуда руҳлантириб юборган ўша голибона ҳис-туйғулардан ўзини бениҳоя узоқ ҳис этарди. «Бокиралик йўлидан четга чиққанига пушаймон бўлмаяптимики ишқилиб?» — дея ўйларди Жюльен. Бироқ такаббур Матильдага нисбатан бундай тахмин қилиш унга калтабинликдек туюларди.

«Кундалик ҳаётда у динни мутлақо тан олмайди, — дея муҳокама юритарди йигит. — У шунчаки табақасига фойдали бўлгани учунгина динга ихлос қўйган.

Эҳтимол, у шунчаки аёлларга ҳис инжиқлик юзасидан гина шундай тузатиб бўлмас иш қилиб қўйганидан қаттиқ афеусланаётгандир». Жюльеннинг назарида, у қизнинг ҳаётидаги биринчи ошиқ эди.

«Бироқ, — дерди у ўзига бир неча минутдан сўнг, — мен, ростини айтсам, унинг хулқ-атворида ҳеч қандай соддалик, ҳеч қандай маъсумалик ёки назокатни сезмаяпман. Ҳали ҳеч қачон унинг ўзини шундай ҳозиргина тахтдан тушиб келган қироличадек тутганини кўрмаган эдим. Мендан нафратланмаётганмикин ишқилиб! Бу иш унинг қўлидан келади: ахир у менинг зоти паст эканлигимни эслаб, қилган ишдан пушаймон бўлиши мумкин-ку».

Турли китоблардан ўқиб олинган ва ўзининг Веррьер хотираларига асосланган сохта тасаввурлари оқибатида Жюльен ўз ҳаёлида севиклисини бахтиёр қилганидан сўнг бутун борлигини унутиб қўядиган ёр ҳақида ўйлаб юрар экан, Матильданинг жунбишига келган гурури унга қарши исён кўтармоқда эди.

Ўтган шу икки ой мобайнида қиз сира зерикмагани туфайли зерикшидан кўрқмай қўйганди ва шу йўсинда Жюльен ўзининг энг катта устунлигидан маҳрум бўлганди. Йигитнинг ўзи эса бундан мутлақ беҳабар эди.

«Шундай қилиб, мен ўзимга ҳукмдор орттириб олдим. — дерди ўзига-ўзи м-ль де ля Моль изтироб чекиб, хонасида уёқдан-буёққа юрар экан. — У ниҳоятда олижаноб йигит, буларнинг бари жуда яхши албатта, лекин бирор гап билан унинг иззат-нафсига қаттиқроқ тегсам

борми, орамиздаги муносабатни ошкор қилиб, мендан ўч олади». Асеримизнинг бошига битган бало ҳам ана шунда: ҳатто энг телба-тескари ишлар ҳам кишини зерикишдан халос эта олмайди. Жюльен Матильда кўнгил қўйган биринчи йигит эди. Ҳаётида шундай ҳол содир бўлганида ҳатто энг бағри тош одамлар ҳам ширин орзу-истакларга бериладиган бир пайтда қиз қайғули ўй-хаёлларга ботиб қолганди.

«Мен унга тобе бўлиб қолдим, зеро унинг ҳукмронлиги кўрқувга асосланган. Агар тоқатини тоқ қилгудек бўлсам, у мени қаттиқ жазолаши мумкин». Қизнинг Жюльенни ёмон кўриб қолиши учун шу фикрнинг ўзи ҳам кифоя қиларди, чунки унинг табиатидаги асосий хислат жасурлик эди. У ўз келажagini хавф остига қўйиш ҳақида ўйлаган заҳоти жонланиб кетарди ва муттасил қайталаб турадиган зерикиш дардидан фориг бўларди.

Учинчи куни м-ль де Моль қайсарлик билан унга қарашни истамаётганини кўрган Жюльен унинг кайфиятига хилоф иш қилаётган бўлса-да, тушки овқатдан сўнг қиз ортидан билъярдхонага кирди.

— Бу дейман, тақсир, — деди Матильда ғазабини аранг босиб, — агар сиз билан сўзлашишни истамаётганимни кўра-била туриб мен билан гаплашмоқчи бўлаётган экансиз, мени ўзингизга тобе қилиб олдим, деб ўйлаяпсиз шекилли? Дунёда ҳали ҳеч ким бундай беадаблик қилишга журъат этмаганидан хабарингиз борми ўзи?

Бу икки ўйнашнинг суҳбатидан ҳам кулгилироқ нарса ни тасаввур қилишнинг ўзи қийин бўлса керак, улар ўзлари ҳам сезмаган ҳолда бир-бирларидан қаттиқ нафратлана бошладилар. Уларнинг иккови ҳам бетоқат одам бўлгани, шу билан бирга қиз ҳам, йигит ҳам одоб сақлашга ўрганиб қолгани боисидан гапини чўзиб ўтирмай, бир-бирларига нисбатан кўнгиллари мутлақо совиганини эълош қилишди.

— Онт ичмап, бу гапларнинг бари умрбод сир бўлиб қолади, — деди Жюльен. — Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, агар бундай кўзга яққол ташланадиган кескин ўзгариш туфайли шаънингизга доғ тушиши мумкинлигини ўйламаганимда бундан буён сизга бир онгиз ҳам сўз айтмаган бўлардим. — У эҳтиром билан таъзим қилди-да, билъярдхонадан чиқиб кетди.

Шу пайтга қадар у ўз бурчи деб ҳисоблайдиган нарсага осонгина амал қилиб келарди, у м-ль де ля Молни чиндан ҳам севиши мумкинлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Сўзсиз, уч кун бурун уни қимматбаҳо ёғочдан

ишланган катта шкафага яшириб қўйганида Жюльен ҳали қизни севмасди. Бироқ улар бир умрга аразлашиб қолишганини тушунгач, йигитнинг дилидаги барча ҳис-туйғулар бир зумда айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

Унинг шафқатсиз хотираси дарҳол аслида Жюльеннинг қалбига сира ҳам таъсир этмаган ўша туннинг барча тафсилотларини жонлантира бошлади.

Улар орани очиқ қилишганидан сўнг бир кун ўтгач, тунда Жюльен м-ль де ля Молни севишини ўзича тан олишга мажбур бўлиб, ақлдан озай деди.

Бу кашфиётдан сўнг унинг дилида шундай даҳшатли бир ички кураш бошландики, гўё барча ҳис-туйғулари оёғи осмондан бўлиб кетгандек туюлди.

Орадан бир ҳафта ўтди: у энди мағрурлик билан жаноб де Круазнуага парво қилмай юриш ўрнига унинг қучоғига отилишга ва рақибининг кўксига бош қўйиб йиғлашга тайёр эди.

У бошига тушган бу қулфатга бир оз кўникиб қолгач, эс-хушини йиғиб олди-да, Лангедокка жўнашга аҳд қилди. У нарсаларини йўл сандигига жойлаб, почта ҳовлисига жўнади.

Почта станциясида унга, омадингиз бор экан, эртага Тулузага жўнайдиган почта каретасида битта бўш жой бор, деб айтишганида йигит ҳушидан кетиб йиқилишига сал қолди. У ўша жой учун пул тўлади-да, маркизга ўзининг жўнаб кетаётганини хабар қилиб қўймоқ учун де ля Моль саройига қайтди.

Жаноб де ля Моль уйда йўқ экан. Жюльен нафаси ичига тушиб, уни кутиб турмоқ учун кутубхонага йўл олди. Йигит у ерда м-ль де ля Молни кўриб қолганида ҳоли не кечганини билсангиз эди!

Уни кўргач, қизнинг юзида шундай бир адоват акс этдики, бу туйғунинг йигитга қаратилганига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмасди.

Кутилмаган бу учрашувдан эсанкираб қолган Жюльен, алам шиддатидан ўзини тутиб туролмай, қалб қаъридан чиққан мулойим бир товуш билан деди:

— Демак, мени ортиқ севмас экансиз-да?

— Биринчи дуч келган одамга ифғатимни қурбон қилганимни ўйлаб, ҳали ҳам даҳшатдан ўзимга келолмаяпман! — деди Матильда ва ўзидан ғазабланиб юм-юм йиғлай бошлади.

— *Биринчи дуч келган одам* дейсизми? — дея қичқирди Жюльен ва нодир буюм сифатида кутубхонада сақланадиган ўрта асрларда ишланган кўҳна шамшир томон ташланди.

М-ль де ля Моль билан гаплаша бошлаганда Жюльенга бутун вужудини сирқиратган изтиробга тоқат қилиб бўлмайдигандек туюлган эди, бироқ қизнинг орият қилиб йиглаётганини кўргач, бу изтироб юз чандон кучайди. Агар Жюльен ҳозир қизни ўлдиролганида эди, ўзини энг бахтиёр одам деб ҳисоблаган бўларди.

У хиёл кучаниб шамширни кўҳна қинидан суғуриб олган ўша дақиқада бундай кучли ҳиссиётдан қувонган Матильда у томон мағрур қадам ташлади: унинг кўзларидаги ёш бир зумда қуриди-қўйди.

Шу пайт Жюльен бирдан ўз ҳомийси маркиз де ля Молни эслади. «Мен унинг қизини ўлдиришимга сал қолди! — дея ўйлади у. — Қандай даҳшат!» Шундан сўнг у шамширни бир четга қараб итқитмоқчи бўлди. «Албатта, ҳозир у бундай мелодраматик ҳаракатни кўриб, роса хахолаб кулади», — дея хаёлидан ўтказди йигит. Шунини ўйлагач, у ўзини анча босиб олди. У, занг босган жойи йўқмикин, дегандек, шамширнинг тигини диққат билан кўздан кечирди-да, сўнгра уни қайта қинига солди ва хотиржам бир қиёфада уни ўз жойига, тилла суви югуртилган бирини михга осиб қўйди.

Йигитнинг охирига бориб жуда секинлашган бу ҳаракатлари бир минутча давом этди. М-ль де ля Моль унга ҳайратланиб қараб турарди: «Шундай қилиб, ўлишимга бир баҳя қолди, мени ўз ўйнашим ўлдирай деди!» — дея ўйларди қиз.

Бу ҳаёл уни Карл IX ва Генрих III ларнинг йироқ ва ажойиб замонасига олиб кетди.

Қиз ҳозиргина шамширни жойига осиб қўйган Жюльеннинг қаршисида қимир этмай, унга тикилиб турарди. Бироқ энди унинг кўзларида бояги нафрат сезилмасди. Шундан олмоғимиз керакки, у шу тобда жуда гўзал кўринарди, ҳар қалай ҳозир сира ҳам уни Париж қўғирчоғига ўхшатиб бўлмасди. Жюльеннинг тилида эса бу ибора парижлик аёллар табиатидаги ўзи ёқтирмайдиган худди ўша хислатлари ифода этарди.

«Яна унга мойил бўлиб қолмасам эди, — дея хаёлидан ўтказди Матильда. — Ҳозир у билан шундай жиддий сўзлашганимдан сўнг унинг майлига итоат этсам борми, у дарҳол ўзини менинг ҳукмдорим деб ўйлай бошлайди». Қиз шу гапларни хаёлидан ўтказди-ю, югурганича кутубхонадан чиқиб кетди.

«Ё раббий, бунча гўзал бўлмаса у! — дея ўйларди Жюльен қизнинг ортидан қараб қолар экан. — Шундай маҳлиқо бундан атиги икки ҳафта бурун эхтирос билан ме-

нинг қучоғимга отилган эди... Энди ўша онлар сира ҳам қайтиб келмайди, ҳеч қачон такрорланмайди! Бунга эса ўзим айбдорман! Ўзим учун шу қадар муҳим, шу қадар ғаройиб бўлган ўша воқеанинг энг ҳал қилувчи дақиқасида мен ўзимни мутлақо ишқи йўқ одамдек тутдим!.. Шунитан олмоғим керакки, тангри мени қандайдир, ниҳоятда нотавон, бахти қаро қилиб яратган экан».

Кутубхонага маркиз кириб келди, Жюльен шошилиб унга ўзининг сафарга жўнаётганини хабар қилди.

— Қаёққа? — деб сўради жаноб де ля Моль.

— Лангедокка.

— Йўқ, маъзур тутасиз, сизга муҳимроқ иш топширмақчиман. Агар бирор ёққа жўнаган тақдирингизда ҳам фақат шимол томон жўнайсиз... ҳатто бундан ҳам очиқроқ қилиб айтишим мумкин: ҳарбийчасига айтганда, мен сизни уй қамоғига ўтқазиб қўяман. Марҳамат қилиб, менга уйдан кунига икки-уч соатдан ортиқ чиқиб кетмасликка ваъда беринг, сиз менга ҳар дақиқа керак бўлиб қолишингиз мумкин.

Жюльен таъзим қилди-да, бир оғиз ҳам сўз айтмай чиқиб кетди, маркиз буни кўриб ғоятда ажабланди; ҳозир Жюльеннинг гапирадиган ҳоли йўқ эди, у хонасига кириб, эшикни ичидан қулфлаб олди. Бу ерда энди унга воқеаларни истаганча бўрттириб тасаввур қилишига ва ўзининг чексиз бахти қоралигидан нолишга ҳеч нима халал бермасди.

«Мана энди ҳатто жўнаб ҳам кета олмайман, — дерди у. — Маркиз мени Парижда яна қанча ушлаб туришини ёлғиз худонинг ўзи билади. Ё раббим, аҳволим не кечади энди? Маслаҳатлашай десам, биронта дўстим ҳам йўқ. Аббат Пирар биринчи жумладаёқ оғзимга уради, граф Альтамира эса, мени бу фикрлардан чалғитмоқ учун биронта фитнага қатнашмоқликни таклиф этади. Ахир мен ақлдан озяпман, ҳа, ақлдан озаётганимни яққол сезиб турибман. Қим менга далда бериши мумкин? Энди нима қилай? Аҳволим не кечади энди?»

Даҳшатли дақиқалар

Келиб-келиб шу гаиларни менга айтдим! Энг майда тафсилотларига қадар ҳамма гаини ҳикоя қилиб беришти. Унинг шаҳло кўзлари ўзга бир одамга бўлган муҳаббат билан ёниб, менинг кўзларимга тикилиб турибди!

Шиллер

М-ль де ля Моль завқи жўш уриб, фақат ўзини ўлдиришига сал қолган ўша ажойиб дақиқанингина ўйларди. У энди ўзига ўзи деярли шундай дерди: «У менинг ҳукмдорим бўлишига муносиб йиғит. Ахир у мени ўлдиришига тайёр эди. Қизик, эҳтироснинг бундай пўртанасига эришмоқ учун манови асилзода йиғитлардан нечасини омихта қилиш керак экан?»

Шунинг таи олиш керакки, у стулга чиқиб, шамширни обойчи-декоратор ўрнатгандек чиройли қилиб осиб қўйишига ҳаракат қилаётганида жуда чиройли кўринди. Сирасини айтсам, уни севиб қолиб, унча тентақлик қилмаган эканман».

Агар шу тобда муносабатни тиклаш учун биронта қулайроқ имконият тугилиб қолганида, қиз ундан жон деб фойдаланган бўларди. Жюльен эшикни ичидан қулфлаб олиб, хонасида гўсса чекиб ўтирарди. Баъзан унинг хаёлидан, бориб оёғига йиқилсаммикни, деган бемаъни фикр лии этиб ўтарди. Агар хонасида биқиниб ўтириш ўрнига йиғит уйни айлангани ёки боғда сайр қилгани чиққанида ва шу йўсинда тасодифдан ўзини олиб қочмаганида, эҳтимол, қандайдир биргина дақиқа уни чексиз гўссадан халос этиб, бениҳоя хурсанд қилиб юборган бўларди.

Бироқ Жюльен узоқни кўра билладиган тadbиркор йиғит бўлганида, — биз унда худди шу хелатнинг йўқлиги учун таъна қилаётирмиз-ку ахир, — у шундай олижаноб бир жўниқинлик билан шамширга ёнишмаган бўларди, м-ль де ля Мольга эса уни худди ана шу ҳаракати чиройли қилиб

кўрсатган эди. Қизининг Жюльен учун мақбул бўлган бир кайфияти куни бўйи уни тарк этмади. Матильда кўзларини юмиб, уни севган қисқа дақиқаларни эслар экан, ўша ширин оиларни такрорланмаслигидан афсусланарди.

«Ростини айтганда, — дея мулоҳаза юритарди у, — боёқши болани севишим, агар бунга унинг кўзи билан қаралса, чўнтагини ўша тўппончаларга тўлдириб нарвондан олдимга чиққан кечаси соат бирдан эрталаб соат тўққизгача давом этди, холос. Чорак соатдан сўнг эса, Сент-Валер черковида ибодат тинглар эканмиз, у дўқ-пўниса ёрдамида мени ўзига тобе қилишни хаёл қилмаса эди, дея ўйлай бошладим».

Тушки овқатдан сўнг м-ль де ля Моль Жюльендан ўзини олиб қочдигина эмас, аксинча, ўзи биринчи бўлиб у билан сўзлаша бошлади ва йигитга боққа чиқиб сайр қилишга қарши эмаслигини шама қилди. Йигит итоат этди. Унга ана шу синов етмай турувди. Матильда, ўзи сезмаган ҳолда, уни яна Жюльенга мойил қилаётган ўша туйғуга берилмоқда эди. У йигит билан ёнма-ён боришдан ниҳоятда ҳузур қилар ва бугун эрталаб уни ўлдириш учун шамширни қинидан суғурган манови қўлларга қизиқиб қараб-қараб кўярди.

Бироқ ораларида содир бўлган шунча воқеалардан кейин илгариги самимий суҳбат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Секун-аста Матильда дўстона бир ростгўйлик билан унга ўзининг ишқий кечинималари ҳақида ҳикоя қила бошлади; бу суҳбат унга қандайдир тушуниб бўлмас бир лаззат бағишларди. Қиз шу қадар берилиб кетдики, бир вақтлар қандай қилиб аввал жаноб де Круазнуа ва жаноб де Кайлюсга бир лаҳза кўнгил кўйганини ҳикоя қила бошлади.

— Пима дедингиз? Жаноб-Кайлюсга ҳамми?! — дея хитоб қилди Жюльен. Унинг бу сўзларида рад этилган ўйнашнинг ранки аке этди. Матильда ҳам унинг сўзларини шу маънода тушуниди ва сира хафа бўлмади.

Қиз ўзининг аввалги ошиқ-маъшуқликлари ҳақида батафсил ҳикоя қилиб, Жюльеннинг дилини ўрташда давом этар экан, бу ҳикоялар ниҳоятда самимий ва ҳаққоний эшитиларди. Йигит Матильданинг чиндан ҳам кўз ўнгида жонланаётган хотираларни ҳикоя қилаётганини яққол ҳис этиб турарди. У қизнинг ўз хотираларини ўртоқлаша туриб, ўз юрагида ҳам кутилмаган кашфиётлар қилаётганини кўриб турар ва изтироб чекар эди.

У ранк ўтида ёнмоқда эди.

Рақибингизининг севилиши ҳақида ўйлашнинг ўзи бир

азоб, бироқ севимли аёлнинг гилидан бу севгининг тафсилотларини эшитишга инсоннинг бардош бериши қийин бўлар экан.

О, ўшанда гурури жунбинга келиб, ўзини бу Кайлюс ва Круазнуалардан юқори деб ўйлагани учун у энди қандай жазосини тортяпти! У энди уларнинг энг арзимас устунликларини ҳам ниҳоятда дард-алам билан кўкларга кўтариб мақташга тайёр эди! Ўзидан эса астойдил нафратланарди!

Матильда унга дунёда тенги йўқ қиз бўлиб кўринар ва Жюльеннинг унга қойил қолишини ифодаламоқ учун муносиб сўз тополмайдигандек туюларди. У қизнинг ёнида борар экан, зимдан унинг қўллари, унинг елкалари, самбитдек қадди-қоматига қараб-қараб қўярди. Шу тобда у севги ва қайғудан қадди букилиб, унинг оёғига йиқилишга ва «Раҳм қил!» дея қичқиришга тайёр эди.

«Барчадан устун турадиган ана шу гўзал қиз мени бир марта севган эди, энда эса у шубҳасиз жаноб де Кайлюсга кўнгил қўймоқчи бўлиб юрибди».

Жюльен м-ль де ля Моль айтаётган сўзларнинг самимий эканлигига ишонмай иложи йўқ эди, зеро қизнинг барча гаплари жуда ишонарли ва ҳаққоний эшитилмоқда эди. Шу пайт Матильда бир вақтлар жаноб де Кайлюсга ишбатан ҳис этган туйғуларини тушуниб олишга ҳаракат қилар экан, гўё Жюльеннинг қайғу тўла сабр косасини янада тўлдирмоқчи бўлгандек шу туйғуларини худди ҳозир ҳис этаётган бўлиб ҳикоя қила бошлади. Унинг товушида, унинг сўз оҳанглирида муҳаббат акс этмоқда эди. Жюльен буни яққол ҳис этиб турарди.

Агар шу тобда Жюльеннинг кўксига эритилган қўрғошнинг қуйишган тақдирда ҳам у камроқ азоб чеккан бўларди. Қайғудан эс-ҳушини йўқотган боёқниш йигит м-ль де ля Моль ўз хотираларини у, яъни Жюльен билан ўртоқлашаётгани учунгина жаноб де Кайлюс ёки жаноб де Круазнуага бир лаҳза кўнгил қўйганини шундай мамнуният билан эслаётганини қаёқдан билсин.

Жюльеннинг нақадар ҳасрат чекаётганини тасвирлашга тил ожизлик қилади. Йигит Матильданинг батафсил дил розини, ўзгаларга ишбатан севги иқрорини буидан атиги бир печа кун илгари, мана ҳозир соат бирга занг уради-ю, мен қизнинг олдига, унинг хонасига чиқаман, дея кутиб турган худди ўша икки четида аргувон ўсган хиёбонда туриб тингламоқда эди. Инсон чекадиган азоб-уқубатнинг ҳам чеки бўлади — йигит ана шу маррага етиб қолган эди.

Бу шафқатсиз ростгўйлик бир hafta давом этди. Ма-

тильда гоҳ уни ўзи суҳбатга тортар, гоҳ у билан сўзлашмоқ учун биронта қулай баҳонадан фойдаланар ва икковига ҳам қандайдир аччиқ бир лаззат бағишлайдиган бу суҳбатларнинг мавзун доим битта бўлиб, қизнинг ўзгаларга бўлган муҳаббатининг тасвиридан иборат эди. Қиз Жюльенга ўзи бир вақтлар ёзган мактубларнинг мазмунини ҳикоя қилар, уларни сўзма-сўз эслар, бутун-бутун жумлаларни ёддан айтиб берарди. Сўнгги кунларда у Жюльенга қандайдир маккорона бир қувонч билан қараб қўяётгандек туюларди. Йигит чекаётган изтироблар шубҳасиз, унга ҳузур бағишламоқда эди. Қиз бу изтиробларда, ўз ҳукмдорининг заифлигини кўрардики, демак, унга бўлган севгига изи бериши мумкин эди.

Жюльеннинг ҳеч қандай ҳаётий тажрибаси йўқлигини китобхон яхши билади, у ҳатто романлар ҳам ўқимасди, агар у хиёл зийракроқ бўлиб, бир оз совуққонлик билан иш тутганида, у ўзи сажда қиладиган ва шу кунларда унга шундай гаройиб гапларни ҳикоя қилиб юрган бу қизга: «Тўғри, мен барча бу жаноблар билан тенглаша олмайман, лекин ҳар қалай сиз мени севасиз-ку...» деган бўларди.

Қиз кўнглидаги гапни шундай билиб олишганидан, эҳтимол, хурсанд ҳам бўларди, жиллақурса, унинг муваффақият қозониши фақат бу гапни ўрнини топиб туриб, қанчалик таъсирли қилиб айтишига боғлиқ эди. Ҳар қалай у бу аҳволдан қутулиб, анча наф кўрган бўларди, зеро унинг бу кайфияти ўзининг бир хиллиги билан аста-секин Матильданинг жонига тега бошлаганди.

— Сиз энди мени сираям севмайсизми, ахир мен сизга сажда қилишга ҳам тайёрман-ку? — деди бир кун Жюльен ана шундай узоқ сайр қилишганидан сўнг севги ва ҳасратдан эс-хушини йўқотиб. Буцдан ҳам бемаънироқ гапни ўйлаб топишнинг ўзи қийин бўлса керак.

Бу сўзлар м-ль де ля Молнинг йигитга ишқий можароларини ҳикоя қиладиган найтида ҳис этадиган лаззатини бир зумда йўқ қилиб юборди. Бўлмасам қиз ораларида ўтган шунча гап-сўзлардан сўнг Жюльеннинг бу ҳикояларни эшитиб ранжимаётганига ажаблана бошлаган ва у ўша аҳмоқона жумлани айтишидан сал олдин миясида, эҳтимол, у мени ортиқ севмай қўйгандир, деган шубҳа тугилган эди. «Чамаси, ғурури севгисидан устун келган бўлса керак, — дея ўйларди қиз. — Гарчи улар мендан анча устун, деб ишонтирмоқчи бўлса-да, у анови де Қайлюс, де Люз, де Круазнуа қаби арзимас одамларни ўзидан афзал кўришаётганига осонгина чидаб турадиган йигитлардан эмас. Йўқ, энди мен уни олдимда тиз чўккан ҳолда сира кўрмасам керак!»

Охирги кунларда Жюльен умидсизликка тушиб, бир неча бор қизга анови кавалерларнинг ажойиб фазилатларини чин кўнгилдан, самимият билан кўкларга кўтариб мақтаган, ҳатто бу хусусда бир оз муболага ҳам қилган эди. Бу муболага м-ль де ля Молнинг эътиборидан четда қолмади, қиз бу гаплардан ҳайратга тушди. Севги билан бахтиёр қилинган ўз рақибини таъриф-тавсиф қилар экан, Жюльеннинг изтиробга тушган қалби унинг бу бахтига шерик бўлишга интиларди.

Бироқ унинг шу қадар самимият билан ва шу қадар ўйламай айтган бу сўзлари ҳамма ишни бир зумда ўзгартириб юборди. Матильда ўзини ҳамон севишларига ишонч ҳосил қилгач, дарҳол ундан бутунлай нафратлана бошлади.

Улар боғда бирга сайр қилиб юришган эди, аммо Жюльен ўша бемаъни жумлани айтган заҳоти, қиз дарҳол уни тарк этди. У кета туриб йигитга еб юборгудек бўлиб нигоҳ ташлади. Кечқурун меҳмонхонада у Жюльенга бирон марта ҳам ўгирилиб қарамади. Эртаси кун қиз қалбида нафратдан бўлак ҳеч қандай туйғу ҳис этмади, ҳозирга қадар бутун бир ҳафта давомида уни Жюльен билан дўстона муносабатда бўлишга чорлаган ва унинг дилига қувонч бағишлаган мойилликдан асар ҳам қолмаган эди, у йигитга қараса ҳатто кўнгли беҳузур бўларди. Иш шу даражага бориб етдики, тез орада Матильда ундан жиркана бошлади ҳам, унинг Жюльенга кўзи тушиб қолганида қалбини қандай чексиз нафрат қоплашини ҳатто тасвирлаш ҳам қийин эди.

Жюльен Матильданинг дилида содир бўлаётган гапларни сира тушуна олмасди, бироқ унинг сезгир нафсонияти бу нафратни дарҳол ҳис этди. Унинг қизга иложи борица камроқ кўринишга ақли етди ва ўзи ҳам Матильдага мутлақо қарамай кўйди.

Бироқ ўзининг Матильда билан алоқани бутунлай узишга мажбур этиш унинг учун кони азоб эди. У дилидаги даҳшатли дард-аламга дош бериш янада қийинлашганини яққол ҳис этиб турарди. «Ахир инсон матонатининг ҳам чеки бўлади-ку, — дерди у ўзига ўзи, — бу азобга ортиқ чидаёлмайман». У баъзи кунлари эрталабдан кечгача мансарданинг панжара тутилган кичик деразаси олдида ўтирарди: ҳар қалай бу ердан аҳён-аҳёнда боққа сайр қилгани чиққан м-ль де ля Молни кўриш мумкин эди.

Баъзан тушки овқатдан сўнг қиз жаноб де Кайлюс, жаноб де Люз, ёки у ўзининг аввалги ошиқ-маъшуқликлари ҳақидаги ҳикояларида номини тилга олган бошқа биронта

йигит билан боққа чиққанини кўрганида йигитнинг ҳоли не кечганини билсангиз эди!

Жюльен илгари шу қадар чексиз изтироб чеккиш мумкинлигини тасаввур ҳам қилмаганди, шу топда у дод деб юборишга ҳам тайёр эди, бу собитқадам йигитнинг юраги ниҳоятда тилка-пора бўлиб кетганди, унинг соғ жойи қолмаганди.

Ҳар қандай фикр-мулоҳаза, агар у м-ль де ля Моль билан боғлиқ бўлмаса, унинг нафратини кўзгатадиган бўлиб қолганди, шу туришда у ҳатто энг оддий хатни ҳам ёза олмасди.

— Эс-ҳушингиз жойидами ўзи! — деди унга бир кунни маркиз.

Биронта одам унинг бу аҳволга тушиш сабабини сезиб қолишидан кўрқиб кетган Жюльен, тобим қочиб турибди, дея баҳона қилган эди, унинг ганига ишониб қўя қолишди. Йигитнинг бахтига, маркиз тушки овқат пайти унинг бўлажак саёҳати ҳақида ҳазил қила бошлади. Матильда бу саёҳатнинг узоққа чўзилиши мумкинлигини тушунди. Жюльен бир неча кундан бери ундан ўзини четга олиб юрар, доим ранги оқариб маъюс юрадиган ва бир вақтлар унинг севиклиси бўлган бу йигитга етишмайдиган барча фазилатлар соҳиби бўлмиш анови кўркам йигитлар эса қизни паришонликдан халос этиша олмасди.

«Оддий бир қиз, — дерди у ўзига-ўзи, — қаллиқни меҳмонхоналарда барчанинг эътиборини ўзига қаратадиган худди ана шу йигитлар орасидан танлаган бўларди, бироқ қалби юксак инсон бошқалардан фикрининг худди ана шу ўртамиёна одамлар солган сўқмоқдан юрмаслиги билан ҳам ажралиб туради.

Агар Жюльендек бир одамнинг рафиқаси бўлсам (унга давлат етишмайди холос, мен эса бадавлатман), мен муттасил ҳамманинг эътиборини ўзимга тортиб тураман, ҳаётим барчанинг диққат марказида бўлади. Мен хизматкорларидан кўрқадиган ва қаретани ёмон ҳайдаётган кўчирга ўшқирришга ҳам журъат этмайдиган холаваччаларим каби доим революция олдида қалтираб турмайман, аксинча, сўзсиз, қандайдир роль ўйнайман, роль бўлганда ҳам йирик роль ўйнайман, зеро мен танлаган одам продаси мустаҳкам ва гоят шуҳратнараст йигит. Унга нима етишмайди? Дўстларми, пулни? Мен унга унисини ҳам, бунисини ҳам топиб бераман».

Бироқ ўзининг Жюльен ҳақидаги бу фикр-мулоҳазаларида қиз уни истаган пайтда ва хоҳлаганича бахтиёр қилиш мумкин бўлган ва севгисига шубҳаланиш ҳатто ҳаё-

лига ҳам келмайдиган қандайдир паст табақа кишиси сифатида тасаввур қиларди.

XIX

Опера Буфф

O, how this spring of love resembleth
The uncertain glory of an April day;
Which now shows all the beauty of the sun
And by, and by a cloud takes all away!

*Shakespeare*¹

Матильда келажак ҳақидаги ва эҳтимол ўзи ўйнаши лозим бўлган фавқулудда роль тўғрисидаги орзуларга берилиб юрар экан, баъзан Жюльен билан ораларида бўлиб турадиган қуруқ метафизик баҳсларни эслаб, афсусланиб қўярди. Гоҳида эса, бу юксак фикр-мулоҳазалардан толиққач, у афсусланиб йигит оғушида кечган бахтли дақиқаларни эсларди, бироқ бу хотиралар унинг қалбида ўкинч туйғуларини уйғотар ва бу пушаймон туфайли қиз баъзан қаттиқ изтироб чекарди.

«Агар инсон ўзининг биронта заиф хислатига изн берса, — дерди у ўзига ўзи, — у ҳолда мендек бир қиз ўз севгисини чиндан ҳам муносиб бир йигитга инъом этмоғи даркор. Дунёда ҳеч ким мен ҳақимда, у чиройли мўйлов ёки отни чапдастлик билан минишига учди, деб айтолмайди ахир. Йўқ, унинг Франция истиқболи ҳақидаги чуқур мулоҳазалари, Англиядаги 1688 йил революциясига ўхшаш мўмкин бўлган бўлажак воқеалар тўғрисидаги фикрлари мафтун этди мени. Ҳа, мен унинг шу мулоҳазаларига учдим, — дерди у ўзининг виждон азобига жавобан, — ҳа, мен заифман, лекин ҳар қалай мен, биронта тентак қиз каби, шунчаки ташқи сифатларга учмадим! Унинг чехраси

¹ Ишқ баҳори бамисоли апрель айёми
Ҳар лаҳзаси ўзгарувчан, қараб турсангиз;
Гоҳи офтоб нури ичра балқийди чунон,
Гоҳ самони қоплаб олар қоп-қора булут.

Шекспир. «Икки вероналик».

қалбининг юксақлигидан далолат бериб туради, мени ана шу нарса мафтун этди.

Агар яна революция содир бўлса, у ҳолда нега энди Жюльен Сорель бу революцияда Ролан родини, мен эса — Ролан хоним вазифасини бажармаслигимиз керак экан? Бу роль менга де Сталь хоним ролига қараганда кўпроқ ёқади: ахлоқсизлик бизнинг замонамизда катта тўсиқ бўлур эди. Мен-ку энди яна заифликка эрк бермасам керак, бундай исподдан кўра ўлганим яхши».

Шуни ҳам тан олмоғимиз керакки, Матильданинг орзулари ҳар доим ҳам ҳозиргина биз баён қилиб берган фикр-мулоҳазалардек жиддий бўлавермасди.

У гоҳида Жюльенга зимдан назар ташлар ва йигитнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида қандайдир жозиба ҳис этарди.

«Энди шубҳа қилмаса ҳам бўлади, — дерди у ўзига-ўзи, — мен ниятимга етдим, менга исбатан қандайдир ҳақ-хуқуққа эга бўлиш ҳақидаги фикр унинг хаёлига ҳам келмайди, албатта.

Бундан бир ҳафта бурун, боғда менга шундай чуқур ҳис-ҳаяжон билан муҳаббат пазҳор қилганида боёқини бола қандай бахтсиз кўринди-я! Бундан ортиқ далил-исбот бўладими ахир! Очигини айтганда, унинг шундай бир меҳроқибати, шундай эҳтиром билан айтган сўзларидан жаҳлим чиқиши мен томондан жуда галати иш бўлди. Унинг хотини эмасманми ахир? Унинг ўша гапларини айтиши жуда табиий эди-ку, ростини айтсам, ўшанда жуда ёқимтой кўринди. Жюльен ҳатто унга анови асилзода йигитлар билан ўткинчи ошиқ-маъшуқлигим ҳақида ҳар куни шафқатсизларча ҳикоя қилганимдан кейин ҳам мени севишда давом этди. Бўлмасам, у мени бу йигитлардан жуда раҳм қилади. Мен эса ўша гапларини унга қаттиқ зерикканим туфайлигина ҳикоя қилардим. Аҳ, қани энди у ўша оқсуяк йигитларнинг ўзи учун қанчалик хавфсиз эканликларини билса эди! Ўша йигитлар менга Жюльеннинг олдида нақадар туссиз кўринади, ҳаммаси мутлақо бир хил, худди бир-биридан андаза олгандек туюлади».

Ана шу мулоҳазаларга берилиб ва бойдан бери унга тикилиб ўтирган онаси билан гаплашмаслик учун ўзини жуда банд қилиб кўрсатишга уринар экан, Матильда наришонлик билан альбомига аллақандай одамларнинг сурагини чизиб ўтирарди. Ўзи ҳозиргина чизган суратлардан бири қизни қаттиқ ҳайратга солиб, хурсанд қилиб юборди: у жуда ҳам Жюльенга ўхшаб кетарди. «Тақдирини илоҳнинг продаси бу! Мана севгининг ҳақиқий мўъжизаси! — завқ билан хитоб қилди у. — Мен мутлақо ўйламай туриб, унинг суратини чиздим».

Қиз югуриб ўз хонасига кирди-да, эшикни ичидан қулфлаб олиб, ниҳоятда қунт билан Жюльеннинг портретини чиза бошлади, бироқ бу ишни сира уддалай олмади: боя у тасодифан чизган сурат ҳар қалай Жюльенга кўпроқ ўхшарди. Матильданинг юраги завқ-шавққа тўлди, қиз буида буюк севгининг аниқ исботини кўрган эди.

У қоронғи тушиб, маркиза Италия операсига бориш учун унга одам юборганидан кейингина альбомини бир четга суриб қўйди. Шу тобда Матильда фақат бир нарсани ўйларди: Жюльенни учратса қандай яхши бўларди-я, шунда онасини операга уни ҳам таклиф қилишга кўндирарди.

Бироқ Жюльен кўринмади. Шу куни хонимларимизнинг ложасида фақат чакана одамларгина йиғилди. Биринчи акт давомида Матильда жўшқинлик билан ўз маҳбуби ҳақида тинмай орзу қилиб ўтирди. Бироқ иккинчи актда бир севги арияси — шунини тан олмоқ керакки, бу куй Чимарозага жуда муносиб эди, — унинг нақ юрагини ларзага солди. Опера қаҳрамони бўлмиш қиз: «Мен ёримга бўлган чексиз муҳаббатим учун ўзимга жазо бермоғим лозим, чунки уни ҳаддан ташқил севаман!» — дея куйларди.

Ана шу ажойиб арияни эшитган дақиқадан эътиборан Матильда учун дунёдаги барча нарсалар ғойиб бўлди-қўйди. Уни гапга солишар, у жавоб қилмас, онаси унга танбеҳ берар, бироқ қиз унга ўгирилиб қарашга ўзини аранг мажбур қилар эди. Қизнинг барча ҳис-туйғулари шу қадар жўш-хуружга келган бўлиб, унинг ҳозирги аҳволини сўнги кунларда Жюльеннинг бутун борлигини қамраб олган жазавали эҳтирос тугёнигагина таққослаш мумкин эди. Ҳозир дилидан кечаётган ҳис-туйғуларга ғоят ҳамоҳанг бўлмиш бу воқал жумлани такрорловчи куй шундай илоҳий бир жозобага эга бўлиб, уни шу қадар мафтун қилиб қўйган эдики, қиз Жюльенни ўйламаган дақиқаларида бутун вужуди билан куйни тинглаб ўтирди. Музикани севиши туфайли Матильда бу кеча де Реналь хоним Жюльен ҳақида ўйлаганда доим тушадиган бир руҳий аҳволни бошидан кечирди. Мулоҳазали муҳаббат ҳақиқий муҳаббатга қараганда оқилона туйғу, албатта, бироқ бундай муҳаббатда фидойилик кам бўлади: у ўзини жуда яхши тушунади, доим ўзини-ўзи таҳлил қилади, у фикр-мулоҳазаларни пароканда қилиш у ёқда турсин, ўзи ҳам фақат ана шу фикр-мулоҳазаларнинг маҳсули сифатида дунёга келади.

Уйга қайтгач, Матильда де ля Моль хонимнинг панднасихатларига қулоқ солмай, мазаси қочиб турганини баҳона қилиб, алламаҳалгача хонасидаги роялда ўша куйни

чалиб ўтирди. У тинмай ўзини шу қадар мафтун этган ўша машҳур кантиленани хиргойи қиларди.

Devo punirmi, devo punirmi
Se troppo amai, etc¹.

Бу тунда унинг вужудини қамраб олган телбалик охир-оқибатда ўз севгимни жиловлаб олдим, деган ишончга айланди.

Бу саҳифа бечора муаллифга бўлак саҳифалардан кўпроқ зиён келтириши мумкин. Уни ахлоқсизликда айблайдиган бағри тош одамларнинг топилиши турган гап. Бироқ муаллиф Париж меҳмонхоналарида ҳуснини кўз-кўз қилиб юрган ниҳолдек қизларни сира ҳам ранжитмоқчи эмас, зеро уларнинг орасида Матильданинг образини камситадиган ана шундай телбаликларга мойил бўлган биронта қизнинг топилиши мумкинлигини у ҳатто хаёлига ҳам келтирган эмас. Романинг ушбу қаҳрамони соф фантазия маҳсули, холос ва унинг бошқа асрлар орасида юксак маданияти билан алоҳида ўрин эгаллайдиган XIX асрнинг иқтимоий негизига мутлақо алоқаси йўқ.

Бу йил қишдаги балларнинг ҳуснига ҳусн қўшиб юрган ёш қизларга ҳар қандай айб қўйса бўларди-ю, бироқ уларни ақл-идрокнинг камлигида айбсентиб бўлмасди.

Шу билан бирга, менимча, уларни бойликка, ҳашамдор кареталарга, ажойиб амлоқларга ва жамятда нуфузли ўрин эгаллашга имкон берадиган бўлак барча нарсаларга писанд қилмай қарайдилар деб ҳам бўлмасди. Бу барча устунликлар уларни сира ҳам ҳуноб қилмасди, аксинча, улар шу ҳақда муттасил орзу қилишарди ва мабодо юраклари эҳтирос балаи ёна олган тақдирда ҳам фақат ана шу нарса орзусида ёниши мумкин эди.

Боз устига, Жюльен каби хиёл иқтидори бўлган йигитларни ўз паноҳига олиб, уларни муваффақият сари бошлайдиган нарса ҳам асло муҳаббат эмасди, бундай йигитлар биронта тўдага маҳкам ёпишиб олишар, ана шунда бу тўданинг омади юришган кезлари барча иқтимоий нозу нематлар уларнинг бошига ёғиларди. Ҳеч қандай тўдага мансуб бўлмаган олимнинг шўри қурийди деяверинг, унинг араиғ кўзига чалинадиган энг кичик муваффақияти ҳам боёқишини маломатга қолдиради, саховатпеша кимсалар эса унинг ҳақиқа хийнат қилиб, қувониб юрадилар. Эҳ, афан

¹ Жазо берай ўзимга, жазо берай ўзимга,
Сени беҳад севганим учун... ва ҳоказо.

дим! Роман — бу катта йўлдан кўтариб бораётган кўзгунинг ўзгинаси-ку ахир: У сизга гоҳ ложувард осмонни, гоҳ ифлос кўлмак ва дўнгликларни акс эттириб кўрсатади. Бир одам инқиллаб-синқиллаб катта кўзгу кўтариб боряпти, сиз эсангиз бу одамни ахлоқсизликда айблайсиз! Унинг кўзгуси ифлос нарсаларни акс эттиради, сизлар эса кўзгудан ўпкалайсизлар! Ундан кўра ҳамма ёғини ифлос кўлмаклар босиб ётган ўша катта йўлдан ўпкаланглар, янаям яхшироғи эса — йўлда ахлат йиғилишига ва унда кўлмаклар ҳосил бўлишига имкон берган йўл нозирига айб кўйинглар.

Матильданинг характери бизнинг шундай ақли расо ва шундай эзгу асримизга мутлақо тўғри келмаслигини аниқлаб олганимиздан сўнг, мен энди китобхоннинг жаҳлини чиқаришдан унчалик кўрқмай, бу моҳичеҳра қизнинг телбаликлари ҳақидаги ҳикоямни давом эттираман.

Эртаси куни у чиндан ҳам ўзининг телба эҳтироси устидан галаба қозонганига ишонч ҳосил қилмоқ учун турли баҳоналар излаб юрди. Энг муҳими эса барча ишда Жюльенга ўчакишишга ҳаракат қилди, лекин шу билан бирга у йигитнинг ҳар бир қадамини кузатиб юрарди.

Бундай мураккаб ишқий найрангнинг тагига етмоқ учун Жюльен ниҳоятда бахтсиз, энг муҳими эса қалби ниҳоятда ларзага тушган эди; боз устига йигит бу ишлардан ўзи учун бирор яхшилик кутмасди, назарида уни қурбон қилишгандек эди, у ҳали ҳеч қачон бу қадар умидсизликка тушмаганди. Унинг хатти-ҳаракати ақл-идрокка шу қадар мос келмас эдики, агар шу пайт қайгу чекавериб тобланган биронта файласуф унга: «Ўзингизга нафи тегиши мумкин бўлган вазиятдан фойдаланишга шошилинг, зеро биз Парижда учратиб турадиган бу ақлий муҳаббат таъсирида бир хил кайфиятнинг ўзи икки кундан ортиқ давом этмайди», — деса, Жюльен унинг гапига ишонмаган бўларди. Бироқ эс-ҳушини қанчалик йўқотган бўлмасин, у ўз виждонига хилоф иш қилолмасди. Виждони уни чурқ этиб оғиз очмасликка ундар ва йигит бунга яхши тушунарди. Шу тобда у бировдан маслаҳат сўраса, биринчи дуч келган одамга дилида чекаётган жафоларни сўзлаб берса, жазирама саҳронинг қоқ ўртасида осмондан тушган бир томчи ёмғирни ҳис этган бадбахт сайёҳдек гоҳятда енгил тортган бўларди. Йигит шу хавфни яхши тушунар ва ҳозир биронта одам эҳтиётсизлик қилиб, ундан ҳол-аҳвол сўраб қолгудек бўлса, шу заҳоти кўзларидан дув-дув ёш оқиши мумкинлигидан чўчиб турарди, у хонасига кириб, эшикни ичидан қулфлаб олди.

Йигит Матильданинг богда узоқ сайр қилиб юрганиши кузатиб турди-да, сўнг, ниҳоят, қиз уйга кириб кетгандан кейингина ўзи боққа чиқишга журъат этди, у тўғри қиз ҳозиргина ғунча узиб олган атиргул олдига борди.

Қоронғи тушган бўлиб, Жюльен ўзини кўриб қолишларидан чўчимаё хасрат чекиб юравериши мумкин эди. Унинг учун бир нарса аён эди: м-ль де ля Мошь ҳозиргина ўзи қувноқ суҳбат қурган анови ёш офицерлардан бирини севади. Жюльенни эса у бир вақтлар севган эди, бироқ энди, унинг ҳеч нарсага арзимаслигини тушуниб қолди.

«Ҳа, чиндан ҳам менинг нимаям фазилатим бор эди дейсиз! — дея уқтирарди комил ишонч билан ўзига ўзи Жюльен. — Мен ҳеч нарсага арзимайдиган, чакана, атрофдаги одамлар учун ғоят зерикарли, ўзимга ўзим ёқмай-диган бир кимсаман». Ўзининг ажойиб фазилатлари ҳам, бир вақтлар уни илҳомлантирган ва буюк ишларга чорлаган ўзга хислатлари ҳам ҳозир унинг кўзига ўлгудек хунук кўринарди. Тасавури остин-устун бўлиб кетган бу йигит ўша тасавури ёрдамида ҳаётни тушунишга урина бошлади. Одатда фақат кучли заковат эгасигина шундай янглишиши мумкин.

Ўзини ўзи ўлдириш ҳақидаги фикр уни бир неча бор васвасага солган эди, бу хаёл унга ниҳоятда жозибали туюларди, Жюльен учун бу фикр масъуд ҳордиқ, поёнсиз саҳрода ташналик ва жазирамадан ҳалок бўлаётган бадбахт одамга тутилган бир пиёла муздай сувдек бир нарса эди.

«Майли, ўламан, — лекин у мендан баттар нафратлана бошлайди-ку! — дея хитоб қилди йигит. — Ўзим ҳақимда қандай хотира қолдираман ахир!»

Ипсон зоти шундай чексиз қайғуга тушган пайтда унинг учун ўзининг матонатидан бўлак халос этувчи куч бўлмайди. Ўзига-ўзи: «Таваккал қилиш керак!» — дейишга Жюльеннинг фаросати етмади. Бироқ кечқурун у Матильданинг деразасига тикилиб турар экан, қиз чироқни ўчирганини кўриб қолган йигит, афсуски, ўзи ҳаётида бир мартагина кўрган ўша ажойиб хонани кўз олдига келтирди. Бундан у ёғини тасаввур қилишга эса унинг журъати етмасди.

Кечаси соат бирга занг урилди. Соатнинг ана шу занг чалишини эшитиши биланоқ у ўзича тўсатдан: «Нарвонни кўйиб, олдига чиқаман!» — дея қарор қилди.

Гўё фалак унинг дилига шу фикрни солди-ю, шу заҳоти миясига турли-туман оқилона далиллар ҳам кела қолди. «Энди бундан баттар бўлмайди-ку ахир!» — дея такрорлади у ўзига ўзи. У югуриб нарвоннинг олдига борди, богбон

уни энди занжирга боғлаб, қулфлаб қўйганди. Шу дақиқада қандайдир ғайратабий кучга тўлган Жюльен, кичкина тўплончани синдириб бўлса-да, учи билан нарвонни тутиб турган занжир ҳалқаларидан бирини ёзишга муваффақ бўлди. Орадан бир неча минут ўтгач, Жюльен нарвонни олиб бориб, Матильданинг деразасига тиради.

«Хўп, жаҳли ҳам чиқсин, мендан нафратлансин ҳам, майли! Мен уни ўшаман, ҳа, сўнгги марта ўшаман-да, кейин югуриб ҳоңамга кираман ва ўзимни ўзим отаман... Улимим олдидан лабларим унинг ёноғига тегати-ку ахир!»

У шитоб билан нарвондан юқори кўтарилди, мана у дераза қопқасини тақиллатяпти, бир неча дақиқадан сўнг Матильда унинг тақиллатишини эшитиб, қопқани очмоқчи бўлди, бироқ нарвон халал беряпти. Жюльен қопқа очик пайтида уни тутиб турадиган темир илгакни маҳкам ушлади-да, оёғи осмондан бўлиб пастга қулаши мумкинлигига қарамай, нарвонни бир силтаб, четроққа сурди. Матильда энди қопқани бемалол оча оларди.

Йигит ўзининг на ўлик, на тириклигини билмай унинг хонасига учиб кирди.

— Сенмисан! — деди қиз унинг қучоғига отилар экан.

Жюльеннинг чексиз қувончини ким ҳам тасвирлай оларди дейсиз? Матильданинг ҳам қувончи, чамаси уникидан қолишмасди.

У ўз феълига лаънат ўқирди, ўзидан зорланарди.

— Бу қабиҳ такаббурлигим учун менга жазо бер, — дерди у йигитга, худди уни бағрига босиб бўғмоқчи бўлгандек, маҳкам қучоқлар экан. — Сен менинг султонимсан, мен эса чўрингман, исён кўтарганим учун олдингда тиз чўкиб кечирим сўрамогим даркор. — Шундай дея қиз қучоғини очиб, Жюльеннинг олдида тиз чўкди. — Ҳа, сен менинг султонимсан! — деди у қалби севги ва бахт нашидасига тўлиб. — Доим менга ҳукмронлик қил, агар чўринг исён кўтаргудек бўлса, унга шафқатсиз жазо бер.

Бир неча дақиқадан сўнг Матильда унинг қучоғидан чиқиб, шам ёқди. Жюльен уни аранг тўхтатиб қолди: қиз нима қилиб бўлса-да, сочларининг деярли ярмини, унинг катта бир тутамини қирқиб ташламоқчи эди.

— Мен сенинг чўринг эканлигимни доимо эслаб юришни истайман, агар бирор кун келиб, манфур гурурим мени яна васвасага солса, сен менга ана шу бир тутам сочни кўрсатасан-да: ган ҳозир қалбингизда қандай туйғулар ҳукмронлик қилаётганида эмас, сиз менга итоат этмоқликка оит ичгансиз, марҳамат қилиб, сўзингизнинг устидан чиқсангиз, дейсан.

Аммо, менимча, бу қадар тийиқсиз телбалик ва бу қадар чексиз ҳузур-ҳаловатни тасвирлашдан ўзимизни тийганимиз маъқул бўлар деб ўйлайман.

Бироқ Жюльеннинг матонати унинг ҳозирги бахтиёрлик туйғусидан кам эмасди.

— Мен дераза оша кетишим керак, — деди у Матильдага тонгги шафақ йироқда, шарқ томондаги боғларнинг нариги четида жойлашган баланд мўрконларнинг учини қизартиргач. — Мен келтираётган қурбон сизга муносиб: мен ўзимни инсон қалби туюши мумкин бўлган энг ҳайратангез бахтдан маҳрум этияпман, мен сизнинг пок номингизга доғ туширмаслик учунгина шундай қиляпман. Агар сиз менинг қалбимда қандай туйғулар жўш ураётганини сезаётган бўлсангиз, у ҳолда мен ўзимга нақадар зулм қилаётганимни тушунмоғингиз керак. Сиз мени доим ҳам ҳозирги дақиқадагидек сева олармикинсиз? Лекин ҳозир мен виждоним амрига қулоқ солмоғим керак, вассалом. Бохабар бўлинг, сиз билан биринчи учрашувимиздан сўнг фақат ўғрилардан гумонсирашаётгани йўқ. Жаноб де ля Моль боққа қоровуллар қўйишни буюрди. Жаноб де Круазнуани жосуслар ўраб олган, унинг тунда босган ҳар бир қадами назорат остида.

— Бечора! — дея хитоб қилди Матильда ва хахолаб кулиб юборди. Онаси билан хизматкор қизлардан бири уйғониб кетди, қутилмаганда уни эшик ортидан чақириб қолишди. Жюльен ялт этиб қизга қаради, Матильда ранги оқариб, оқсоч қизни жеркиб берди, онасига эса ҳатто жавоб беришни ҳам лозим топмади.

— Лекин деразани очгудек бўлишса, улар нарвонни кўриб қолишади-ку! — деди Жюльен.

У қизни яна қаттиқ бағрига босди-да, нарвон томон ташлади ва ундан елиб эмас, тўппа-тўғри сирпаниб бир зумда ерга тушиб олди.

Орадан лаҳза ўтмай, у нарвонни аргувон хиёбонига элтиб қўйди-ю, Матильдани исноддан қутқариб қолди. Жюльен эс-ҳушини йиғиштириб олгач, ҳамма ёғи қонталаш бўлгани ва ўзининг деярли яланғоч эканини кўрди; йиғит нарвондан сирпаниб тушаётганида бутун терисини шилиб олган экан.

Қалбини тўлдирган бахт туйғуси унинг буткул қатъияти ва қувватини қайта тиклагандек эди: агар ҳозир унга йиғирма киши ҳужум қилганида, у сира ўйлаб ўтирмай, уларга қарши бир ўзи жангга отилар ва ҳатто бундан хурсанд ҳам бўлар эди. Бахтига, бу гал унинг жасорати ҳеч қандай синовга учрамади. у нарвонни жойига элтди-да, уни

тутиб турган зашжирши ҳафсала билан бириктириб қўйди, у хатто Матильданинг деразаси остидаги ғайритабиий гуллар пуштасидаги нарвон изини йўқотишнинг ҳам чорасини кўрди.

Йигит қоронгида, нарвондан чуқурча қолмадимикан, дея юмшоқ ерни кафти билан пайнаслаётганида, қўлига аллақандай майини бир нарса тушганини сизди — бу катта соч тутами эди, Матильда ўз айтганидан қолмай, уни қирқиб йигитга ташлаганди.

Қиз дераза олдида турарди.

— Буни сенга,— деди у баланд овоз билан,— умрбод миннатдорчилик рамзи сифатида чўринг инъом этипти. Мен ўз продамни сенга топшираман — менинг султоним бўл.

Жюльен эс-ҳушини йўқотиб, яна қизнинг олдига чиқмоқ учун нарвонга югурмоқчи бўлди. Лекин охир-оқибатда андиша устун келди.

Саройга бог томондан кириш унча осон эмасди. Йигит ертўла эшикларидан бирининг қулфини синдиришга муваффақ бўлди; у уйга кириб олгач, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ва иложи борича камроқ шовқин солишга ҳаракат қилиб, ўз хонасининг эшигидаги қулфни ҳам бузишга мажбур бўлди. Ҳаяжондан у ҳозиргина шошлинч тарк этишга мажбур бўлган ўша хонада чўнтагига калит солинган камзулидан тортиб, бор кийим-кечагини унутиб қолдирганди.

«Ишқилиб уларни яшириб қўйиш эсига келса бўлгани», дея хаёлидан ўтказди у.

Ниҳоят чарчоқ жўшқин бахтиёрлик туйғусидан зўр келиб, қуёш чиқниши билан йигит қаттиқ ухлаб қолди.

Эрталабки нонуштага чалинган қўнгироқ уни аранг уйготди; у кийиниб емакхонага тушди. Тезда Матильда ҳам пайдо бўлди. Барча қойил қоладиган бу гўзал қизнинг севги порлаб турган шахло кўзларини кўрганда Жюльеннинг қалбини қандай масъуд бир ҳаяжон, гурури учун қандай қувончли бир туйғу қамраб олганини билсангиз эди; бироқ тезда у бир нарсадан ташвишга тушиб қолди.

Матильда гўё дурустроқ тараниб улгурмагани баҳонасида сочларини тўғнағич билан шундай қадаб олган эдики, Жюльен унга бир қарашдаёқ қиз тунда унга бир тутам сочини қирқиб бериб, қандай катта қурбонлик келтирганини дарҳол англади. Агар бу гўзал чехрани бирор йўл билан хунук қилиш мумкин бўлса, Матильда деярли бунинг удасидан чиққан эди: унинг ажойиб оқинтоб — малла сочларининг бутун ўнг томони пешонасининг ярим энлик пас-тидан пала-партиш қирқилганди.

Нонушта пайти Матильданинг бутун хатти-ҳаракати унинг ана шу енгилтақ қилигига ниҳоятда мос бўлди. Шу тобда у Жюльенни нақадар телбаларча севишини бутун дунёга эълон қилмоқчидек туюларди. Уларнинг бахтига, бугун жаноб де ля Моль билан маркизанинг бутун хаёли бўлажак зангори лента билан мукофотлаш маросими ва герцог Шонскийнинг қатордан қолдирилгани билан банд эди. Нонушта охирида Матильда Жюльен билан сўзлаша туриб бирдан уни «султоним» дея атади. Йигит анордек қизариб кетди.

Тасодифан шундай бўлдими ёки де ля Моль хоним бунинг чорасини кўриб қўйдими, лекин бутун кун бўйи Матильда бир дақиқа ҳам ёлғиз қолмади. Кечқурун, меҳмонхонадан емакхонага ўтишар экан, Матильда ҳар қалай эвини топиб, Жюльеннинг қулоғига шивирлади:

— Барча режаларим барбод бўлди. Бу менинг ҳийлам эмаслигига ишонасизми? Ойим ҳозиргина менга; энди оқ-соч қизлардан бири менинг хонамда ухляяжагини айтдилар.

Кун яшин тезлигида ўтиб кетди. Жюльен бахтиёрлигидан эс-хушини йўқотиб қўйганди. Йигит эртаси куни эрталаб соат еттиданоқ кутубхонага бориб ўтирди: у м-ль де ля Моль ўша ерга келади, деб умид қилган ва унга узундан-узоқ мактуб ҳам ёзиб қўйган эди.

Бироқ Жюльен уни орадан бир неча соат ўтгач, нонушта пайтидагина кўрди. Бу гал қиз сочларини жуда ҳафсала билан тараб олганди, қандайдир ажойиб ҳийлалар ёрдамида ўша бир тутам сочи қирқиб олинган жойи усталик билан яшириб қўйилган эди. У Жюльенга бор-йўғи бирикки марта пинагини бузмай, одоб билан қараб қўйди, қизнинг бу нигоҳини кўрган одам унинг Жюльенни «султоним» дея аташи мумкинлигини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган бўларди.

Жюльен ажабланганидан ҳатто энтикиб кетди... Матильда энди уни деб қилган деярли барча телбаликларидан қаттиқ пушаймон бўлмоқда эди.

Яхшилаб ўйлаб кўргач, қиз, эҳтимол, Жюльен унчалик оддий одам эмасдир, лекин ҳар қалай у менинг шу қадар телбалик қилишимга арзийдиган даражада зўр йигит бўлмаса керак, деган хулосага келганди. Умуман олганда эса, у севги ҳақида мутлақо ўйламасди, зеро бугун севиш унинг жонига теккан эди.

Жюльенга келсак, у қизнинг кайфиятидаги бу ўзгаришдан ўн олти ёшли ўсмир каби изтироб чекмоқда эди. Ниҳояси йўқдек узоқ туюлган бу нонушта пайти унинг

қалбини дам даҳшатли гумонсираш, дам ажабланиш, дам умидсизлик галма-гал ўртади.

Одоб қондаларини бузмай стол ёнидан туриб кетини имконияти туғилган заҳоти у отхонага қараб югурди-да, ўзи отни эгарлаб, боши оққан томонга қараб олиб кетди; у бардоши етмай, ўз заифлигини сездириб қўйиб, шарманда бўлишидан чўчирди. «Майли, ўлгудай чарчоқдан юрагим сўниб қўя қолсин, — дея ўйларди у Медон ўрмонида уёқдан-буёққа олиб юрар экан. — Бундай илтифотсизликка дучор бўлиш учун қандай хунук иш қилдим, нима ёмон гап айтдим ахир?»

«Бугун ҳеч қандай иш қилмаслик, ҳеч қандай гап айтмаслигим керак, — дея ўйларди у уйга қайта туриб. — Мен ҳозир ўзимни руҳан ўлик ҳис этаётган бўлсам, жисман ҳам шундай мурда бўлмоғим лозим. Жюльен энди йўқ дунёда, бу унинг жон бераётган жасади холос».

XX

Япон гулдони

Аввалига унинг юраги бошига тушган кулфатнинг туб-тубига ҳис этолмайди: у ташвиц чекишдан кўра кўпроқ ҳаяжонга тушган бўлади. Бироқ эс-хушиц жойига қайтгани сайин қалб аста-секин ўз қайғусининг нақадар чуқур эканлигини тушуна бошлайди. Ҳаётдаги барча қувончлар унинг учун гойиб бўлади, у энди бутун борлигини қамраб олган ноумидликнинг оғулини уришидан бўлак ҳеч нимашиц ҳис этмай қўйди. Жисмининг дард чекиши ҳам гаими! Фақат аъзойи бадаида ҳис этиладиган оғриқ бу руҳий азоб олдидан нима ган бўлибди?

Жан Поль

Пешинги овқатга қўнғироқ чалинди, Жюльен кийимларини алмаштиришига аранг улгурди. У меҳмонхонада

Матильдани кўрди, қиз акаси билан жаноб де Круазнуадан бугун кечқурун Сюренинга маршал беваси де Фервак хонимникига бормасликни илтимос қилмоқда эди.

Матильда уларга гоятда назокат ва илтифот билан муомала қиларди. Пешиндан кейин де Люз, де Кайлюс жаноблар ва яна дўстларидан баъзи бировлари пайдо бўлишди. М-ль де ля Моль гўё акасига меҳри товланиб, киборлар жамиятининг одоб-ахлоқ қоидаларини ниҳоятда ҳурмат қила бошлагандек туюларди. Бу оқшом ҳаво жуда яхши эди, бироқ қиз боққа чиқмаймиз, деб туриб олди: у ҳамманинг меҳмонхонада қолишини истарди. Шундан сўнг улар де ля Моль хонимнинг кенг-мўл креслоси ортидаги ўз жойларига ўрнашиб олишди. Зангори диван яна қишдаги каби бу кичкина тўгаракнинг маркази бўлиб қолди.

Боғ Матильданинг дилида нохуш туйғулар уйғотар ёки ўзининг таъбири билан айтганда, ўлгудай зериктирарди: у ер қизга Жюльен ҳақидаги хотираларини эслатарди.

Қайғу ақл-хушни олиб кўяди. Қаҳрамонимиз бир вақтлар ўзи жуда катта муваффақиятларга эришган ўша тўқима стулчага ўтириб жуда номаъқул иш қилди. Бугун ҳеч ким унга мурожаат қилмади ва ҳеч ким у билан сўзлашмади, уни шунчаки пайқамай кўйишганди. Олдида, диваннинг бир четида ўтирган м-ль де ля Молнинг дўстлари атайлаб унга орқа ўгириб олишаётгандек эди, ҳар қалай унга шундай туюларди.

«Мен ғазабга йўлиқибман», — дея хаёлидан ўтказди у. Шундан сўнг йигит унга нисбатан ўз нафратларини шу қадар очиқ-ойдин намойиш қилаётган бу одамларга дурустроқ разм солмоқчи бўлди.

Жаноб де Люзнинг тоғаси қирол қошида қандайдир катта бир лавозимга тайинланган эди, шу боисдан ҳам кўркам офицер ким билан суҳбат қилмасин, ҳар гал гапни аввало тоғагинининг соат еттида Сен-Клу саройига жўнагани ва туни ўша ерда ўтказмоқчи экани ҳақидаги ажойиб янгиликни хабар қилишдан бошларди: одатда у бу янгиликни оддийгина қилиб, гўё хонаси келиб қолгани учунгина айтаётгандек хабар қиларди-ю, бироқ уни оғишмай ҳар бир суҳбатдошига айтарди.

Жюльен қайғу нималигини билиб олган одамнинг шафқатсиз нигоҳи билан жаноб де Круазнуани кузатар экан, бу мулоҳим ва раҳмдил йигитнинг ҳар хил сирли жиҳатларга жуда катта аҳамият беришини пайқаб қолди. Агар биронта одам унинг олдида сал муҳимроқ бирор воқеани оддий ва табиий қилиб изоҳлагудек бўлса жаноб де Круазнуа чиппакамига хафа бўлар ва ҳатто жаҳли чиқар эди. «Бу қандай-

дир ақлдан озиш, — дея ўйлади Жюльен. — Характерининг шу хислати билан у менга князь Коразов таърифлаб берган император Александрга жуда ҳам ўхшаб кетаркан». Парижга келганининг биринчи йили эндигина семинария истибдодидан қутулиб чиққан бечора Жюльен бу ажойиб йигитларнинг ўзи илгари сира кўрмаган бундай илтифотли муомаласига шу қадар мафтун бўлиб қолгани боисидан уларга фақат қойил қолиши мумкин эди. Уларнинг асл табиати унга эндигина у ёки бу даражада аён бўлмоқда эди.

«Қандай положинг одам бўлиб ўтирибман мен бу ерда», — дея ўйлади у бехосдан. Бирор йўлини толиб, манови тўқима стулчадан ҳеч кимга сездирмай туриб кетиш керак эди. У бирор баҳона ўйлаб топишга уриниб, ўз хаёлига мурожаат қиларди, бироқ хаёли шу тобда қандайдир мутлақо бошқа нарсалар билан банд эди. Йигит хотирасини ишга солиши ҳам мумкин эди-ю, аммо, очигини айтганда, бу ўринда унга хотираси ёрдам бера олмасди: боёқини Жюльенга ҳали киборлар орасида яшаш тажрибаси етишмасди, шунинг учун ҳам у ўридан туриб, меҳмонхонадан чиқиб кетаётганида жуда ўнгайсиз аҳволга тушиб, ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этди. Унинг нимадандир руҳи тушганлиги ҳаммага равшан эди. Ахир у бу ерда салкам бир соат давомида атрофдагилар менсимасликларини ҳатто яширишни ҳам лозим топмайдиган қандайдир сифинди аҳволида ўтирди.

Бироқ йигит ҳозиргина рақиблари ҳақида чиқарган танқидий хулосалар унга ўз бахтсизлигини фожиа деб тушунишга халал бермоқда эди: бундан икки кун бурун содир бўлган воқеа ҳақидаги хотира унинг ғурурига таскин бериб турарди. «Уларнинг менга нисбатан саноқсиз устунликлари қандай бўлмасин, — дея ўйларди у, боққа чиқар экан, — Матильда мен учун икки марта қилган ишни уларнинг биронтасига ҳам лозим кўрган эмас».

Бироқ унинг ақл-идроки шундан нарига ўта олмади. Йигит тақдирнинг тақозоси билан бахтининг соҳибаси бўлиб қолган бу қизнинг ўзига хос табиатига мутлақо тушуна олмасди.

Эртасига у куни билан ўзининг ҳам, минган отининг ҳам силласини қуритгунча ўрмонда елиб юрди. Кечқурун эса Матильда бу гал ҳам тарк этмаган зангори диван томон яқинлашишга ҳатто уриниб ҳам кўрмади. Йигит граф Норбер уйда тўқнаш келиб қолганида унга ҳатто қиё ҳам боқмай ўтаётганига эътибор берди. «Ўзини шуидай тутиб, роса қийналаётган бўлса керак бечора, — дея ўйлади Жюльен, — ахир ўзи жуда хушмуомала одам-ку».

Жюльен учун уйку энди ҳақиқий бахт бўлиб қолганди. Бироқ жисман чарчашига қарамай, мафтункор хотиралар унинг хаёлидан сира нари кетмасди. От миниб ўрмонларда ва Париж атрофида тинимсиз сайр қилиши фақат ўзигагина таъсир қилаётгани унинг хаёлига ҳам келмасди. Унинг ўзига бундай азоб бериши Матильданинг на юрагига, на ақл-идрокига таъсир қилардики, йигит шу йўсинда ўз тақдирини тасодиф ҳукмига топшириб қўйганди.

Унинг назарида, фақат Матильда билан гаплашиб олсагина енгил тортадигандек туюларди. Бироқ у қизга нима ҳам дея оларди?

Бир куни эрталаб соат еттида кутубхонадаги ўз жойида худди ана шуни ўйлаб ўтирар экан, дафъатан у ерга Матильда кириб келди.

— Биламан, тақсир, сиз мен билан гаплашмоқчи бўлиб юрибсиз.

— Ё раббим! Ким айтди сизга бу гапни?

— Биламан-да. Қаёқдан билишимнинг нима аҳамияти бор? Агар беномус одам бўлсангиз, сиз мени ҳалок этишингиз ёки, ҳар қалай, шундай қилишга уриниб кўришингиз мумкин. Аммо ўзим унча ишонмайдиган бу хавф бор гапни сизга очиқ айтишим учун менга тўсиқ бўла олмайди. Сизни ортиқ севмайман, тақсир, телба хаёлим мени яна алдабди.

Бундай қақшатқич зарбани кутмаган Жюльен қайгу ва муҳаббатдан эс-хушини йўқотиб, негадир ўзини оқлай бошлади. Бундан ҳам бемаънироқ гап бўлармикин дунёда? Маъшуқасининг кўнгли қолгани учун одам ўзини оқлай олармиди? Лекин йигитнинг гап-сўзлари ақл-идрокига бўйсунмай қўйганди. Кўр-кўрона ҳиссиёт уни манови даҳшатли ҳукми бир оз кечиктиришга ундарди. Унинг назарида ҳали ўзи сўзлар экан, ҳаммаси тамом бўлмагандек туюларди. Матильда унинг гапларига қулоқ солмас, йигитнинг товуши унинг зардасини қайнатар, қиз Жюльен унинг сўзини бўлишга қандай журъат этганини тушунолмай турар эди.

Виждон азоби ва гурурининг азият чекиши уни ҳам қийноққа солиб қўйган бўлиб, ўзини бахтсиз ҳис этишда қиз ҳозир Жюльендан қолишмасди. У қишлоқни бир мужикнинг ўғли бўлмиш манови муллаваччани ўзига қандайдир ҳукмдор қилиб қўйганидан ниҳоятда азоб чекарди. «Ахир бу ўзимга-ўзим, малайини севиб қолдим, дея иқрор бўлиш билан баробар-ку», — дерди у ўз бахсизлигини бўрттириб тасаввур қилар экан, фиғоши фалакка чиқиб.

Бундай шаддод ва мағрур табиатли одамлар ўзидан ўзи зардаси қайнаб турган пайтлари бир зумда кайфияти ўз-

гариб, атрофдагиларга захрини сочишлари мумкинки, бундай аламдан чиқиш уларга чексиз хузур бағишлайди.

Орадан бир минут ўтмасданок м-ль де ля Моль шу даражага бориб етдики, дилидаги бутун нафратини шафқатсизлик билан Жюльенга соча бошлади. У жуда ақлли эди ва бировнинг иззат-нафсини хўрлаш ва уни қаттиқ жароҳатлаш санъатини мукаммал эгаллаб олганди.

Жюльен умрида биринчи марта кучли нафрат шигаб турган бу ўткир ақлнинг ҳамласига учради. Бирор гап айтиб, ўзини ўзи ҳимоя қилишга уриниб кўриш унинг ҳатто хаёлига ҳам келмади, аксинча унинг тийиқсиз тасавури дарҳол ўзига қарши туриб, йигитни ўзидан-ўзини нафратланишга мажбур этди. Ўзи ҳақидаги яхши фикрни илдизи билан кўпориб ташлашга мўлжалланган бу аёвсиз таъна-маломатларга қулоқ солиб турар экан, у Матильда тамоман ҳақ, тагин ҳам у мени аяб гапиряпти, дея ўйларди.

Қиз эса бундан бир неча кун муқаддам Жюльенни шу қадар севгани учун ўзидан ҳам, йигитдан ҳам ўч олиб, гурурига таскин берар экан, дилида қандайдир тушуниб бўлмас бир лаззат хис этарди.

Унга ҳозир ўзи зўр мамнуният билан йигитга айтаётган бу пичинглар ва заҳаролуд сўзларни кашф этиш ёки ўйлаб топишнинг ҳождати йўқ эди. Қиз шунчаки бир ҳафтадан буён қалбида бу муҳаббатга қарши тугён кўтарган аллақандай товуш дилига солган гапларни такрорларди, холос.

Унинг ҳар бир сўзи Жюльеннинг ўртанган юрагини баттар тилка-пора қилмоқда эди. Йигит қочиб кетмоқчи ҳам бўлди, бироқ м-ль де ля Моль унинг қўлидан ушлаб, фармонбардорлик билан тўхтатиб қолди.

— Марҳамат қилиб эътибор берсангиз, жуда қаттиқ гапиряпсиз, — деди Жюльен унга. — Ахир гапларингизни кўшни хонадагилар эшитиб қолишлари мумкин.

— Хўш, эшитинса нима қилибди! — дея мағрурлик билан эътироз билдирди м-ль де ля Моль. — Менга, гапингизни эшитдим, дейингизга кимнинг журъати етади? Мен сизнинг чакана иззат-нафсингизни ўзимга нисбатан хаёл қилишингиз мумкин бўлган барча даъволардан буткул халос этиб кўймоқчиман.

Жюльен, пихоят, кутубхонадан чиқиб кетганида у шу қадар ҳайратга тушган эдики, ҳатто дилидаги қайғуни унчалик қаттиқ ҳис этмади ҳам. «Шундай қилиб, у мени ортиқ севмайди, — дея такрорлади у овозини чиқариб, гўё ўз аҳволини яхшилаб тушуниб олмоқчи бўлгандек. — Демак,

у мени бор-йўғи саккиз ёки ўн кун севибди, мен эса энди уни умрбод севаман!

Шундай бўлиши мумкинмикин? Ахир бундан бир неча кун муқаддам мен уни мутлақо севмасдим! Мутлақо!»

Матильданинг қалби фахрга тўлиб, бениҳоя қувонмоқда эди: мана у бу гапларга узил-кесил чек қўйди! Қиз сўнгги кунларда бутун вужудини қамраб олган бу муҳаббат устидан шундай ажойиб ғалаба қозона олганидан ниҳоятда бахтиёр эди. «Энди бу ёқимтой жаноб ниҳоят менга ҳеч қачон ҳокимлик қила олмаслигини тушуниб оладиган бўлди». Қиз шу қадар бахтиёр эдики, шу дақиқада чиндан ҳам дилида ҳеч қандай муҳаббат ҳис этмасди.

Ана шундай шафқатсизлик билан хўрланганидан сўнг қалби Жюльенникидек жўшқин бўлмаган ҳар қандай бошқа одам муҳаббатга мутлақо ишонмай қўярди. М-ль. де ля Моль ўзини сира йўқотмай, иззатини сақлаб туриб, бераҳмлиқ билан унинг дилини ўртайдиган шунча гапларни айтиб юбордики, йиғит кейин, бу ҳақда бирмунча совуққонлик билан эслаганида ҳам бу сўзлар унга анча адолатли бўлиб туюлиши мумкин эди.

Ўша гаройиб воқеадан кейинги дастлабки дақиқада, Жюльен, Матильда ўлгудай такаббур экан, дея хулоса қилди. У ораларидаги барча муносабатларнинг тамом бўлганига қаттиқ ишонарди, бироқ шунга қарамай, эртасига понушта маҳали уялиб, тортиниб ўтирди. Шу пайтга қадар у сира ҳам бундай бўшликка йўл қўймасди. Кичик ишда ҳам, катта ишда ҳам у доим ўзини қандай тутмоғи ва нима иш қилмоғини жуда яхши билар ва шунга яраша ҳаракат қилар эди.

Понуштадан сўнг де ля Моль хоним ундан исёнкор руҳда ёзилган, лекин топилиши қийин бўлган аллақандай китобчани олиб беришни илтимос қилди. Бу китобчани бугун эрталаб унинг руҳонийси хуфия қилиб олиб келганди. Жюльен ўша китобни тоқчадан ола туриб, жуда ҳам хунук ишлаган қадимги чинни гулдонни ерга тушириб юборди.

Де ля Моль хоним одамнинг юрагини ёргудек қичқириб салчиб ўрнидан турди-да, чил-чил синган сеvimли гулдонни тепасига келди.

— Ахир бу қадимги япон чинииси эди-я, — дерди у. — Бу гулдон менга бувимнинг оналари — аббатиса Шельскайдан мерос қолган эди. Голландияликлар уни регент, герцог Орлеанскийга совға қилишган экан, у эса гулдонни қизига инъом этибди...

Кўзига жуда хунук кўринадиган бу зангори гулдонни сиңдиришганидан жуда хурсанд бўлган Матильда онаси-

нинг ёнига келди. Жюльен индамай турар, унинг қиёфасидан хижолат чеккани сира ҳам сезилмасди, у бошини кўтарган эди, ёнида м-ль де ля Моль турганини кўриб қолди.

— Бу гулдон чил-чил синди, — деди у қизга қараб, — энди уни тиклаб бўлмайди. Бир вақтлар менинг қалбимда ҳукмрон бўлган бир туйғу ҳам худди ана шу гулдоннинг купига учради. Ўша туйғу туфайли қилган барча телбаликларим учун мени афв этгайсиз. — Шундай дея йнгит меҳмонхонадан чиқиб кетди.

— Буни қаранг-а, — деди де ля Моль хоним йнгит чиқиб кетгач, — жаноб Сорель ҳозир бу ерда қилган ишидан хурсанд бўлиб, фахрланаётганга ўхшайди-я.

Бу сўзлар Матильданинг нақ юрагига бориб санчилди. «Ҳа, рост, — дея хаёлидан ўтказди у, — ойим тўғри топдилар, чиндан ҳам у ҳозир ўзини худди шундай ҳис этяпти». Шундан сўнг кечаги тўқнашувдан буён уни руҳлантириб келган бутун қувончи бир зумда ғойиб бўлди-қўйди. «Шундай қилиб, ҳаммаси тамом бўлди, — деди у зоҳирий бир хотиржамлик билан. — Бу менга яхши сабоқ бўлади. Мен ўзимни камситадиган даҳшатли хатога йўл қўйдим, энди умримнинг охиригача ўйлаб иш қиладиган бўлдим».

«Аҳ, қани энди ҳозир айтган ганим рост бўлса! — дея ўйларди Жюльен. — Нега қалбимда бу тентак қиз уйғотган муҳаббат менга ҳамон азоб беради ахир?»

Бу севги эса, у умид қилганидек, сўнибгина қолмай, қайтанга борган сайин аланга олиб борарди. «Тўғри, у тентак қиз, — дерди у ўзига ўзи. — Лекин бу билан дилбарлиги камайиб қоляптими? Ундан чиройлироқ қиз борми ўзи дунёда? Дунёдаги бор нафосат ва назокат, кишини ўзига мафтун этувчи барча фазилатлар мадемуазель де ля Молда мужассам эмасми ахир!» Ўтиб кетган бахтиёр дамлар тўғрисидаги хотиралар унинг ақл-идроки зўр қийинчиликлар билан тиклаётган истехкомларни бир зумда емириб ташламоқда эди.

Ақл бундай хотираларга қарши курашиб бекор овора бўлади, — унинг бундай кучанишлари қайтанга бу хотираларнинг ширин жозибасини кучайтириб юборади.

Жюльен қадимги япон гулдонини синдириб қўйганидан буён орадан бир кун ўтди, энди сира муболага қилмай шунини айтиш мумкинки, дунёда ундан ҳам бахтсизроқ одамнинг ўзи йўқ эди.

Махфий нота

Зеро ўзим ҳикоя қилаётган бу воқеаларни мен ўз кўзим билан кўрганман, агар ўзим кўра туриб ҳам янглишган бўлсам, ҳар ҳолда бу гапларни ҳикоя қила туриб, сизни алдаётганим йўқ.

Муаллифга келган мактубдан

Маркиз Жюльенни ўз ҳузурига чақирди, жаноб де ля Моль ёшариб кетгандек туюларди, унинг кўзлари чақнаб турарди.

— Сиз билан хотирангиз ҳақида гаплашмоқчиман, — деди у Жюльенга. — Айтишларича, бу қандайдир мўъжиза эмиш! Тўрт саҳифа гани ёд олишга, сўнгра Лондонга бориб, у ерда бу гапларни оқизмай-томизмай такрорлашга қурбингиз стадими? Лекин бирор сўзда ҳам хато қилмаслигингиз лозим!

Маркиз қўлида «Кундалик» газетасини асабий гижимлаганича фавқуллода жиддий гапирётганини яширишга беҳуда ҳаракат қиларди. Жюльен уни гап ҳатто Фрилер билан судлашувга тааллуқли ишлар ҳақида кетганида ҳам бу қадар жиддий ҳолда кўрмаганди.

Жюльен энди анча тажриба орттирган бўлиб, маркиз ҳазил оҳангида сўзлашга ҳаракат қилаётганига қарамай, бу гапларни мутлақо жиддий қабул қилишни лозимлигини тушуниб турарди.

— Манови «Кундалик» газетасида қизиқ гаплар бўлмаса керак, лекин жаноб маркиз ижозат этсалар, мен эртага эрталаб уни бутунлай ёддан айтиб берини шарафига мурасар бўлгайман.

— Рости билан-а? Ҳатто эълоиларни ҳамми?

— Ҳа, бошидан охиригача бир онгиз ҳам сўз қолдирмай айтиб бераман.

— Гапнингизнинг устидан чиқасизми, шунинг менга ваъда қила оласизми? — дея сўради маркиз кутилмаганда гоят жиддийлик билан.

— Ҳа, афандим, фақат ваъдамни бажара олмаслик олдидаги кўрқув хотирамни заифлаштириб қўймаса, албатта.

— Биласизми, кеча бу ҳақда сиздан сўрашни унутиб қўйибман. Мен сизни эшитадиган гапларингизни ҳеч қачон ва ҳеч кимга айтмаслик ҳақида онт ичишга мажбур қилмоқчи эмасман. Зеро сизни жуда яхши биламан ва бундай шубҳа сиз учун ҳақорат бўлишини тушунаман. Мен сиз учун кафолат бердим. Сизни бир уйга олиб бораман. У ерда ўн икки киши йиғилади. Сиз улардан ҳар бири нима дейишини аниқ-таниқ қилиб ёзиб олмоғингиз керак.

Кўрқаманг, бу умумий, мавҳум суҳбат бўлмайди, ҳамма ўз навбати билан гапиради. Бу тартибга қатъий риоя қилинади дегани эмас, албатта, — дея қўшимча қилди маркиз яна ўзига хос енгил, ҳазил оҳансига ўтар экан. — Биз сўзлар эканмиз, сиз йигирма бетча гапни ёзиб оласиз, кейин сиз билан уйга қайтамиз-да, бу йигирма бетни тўрт саҳифа ҳолига келтирамиз. Эртага сиз менга бутун «Кундалик» газетаси ўрнига ана шу тўрт саҳифани ёддан айтиб берасиз. Сўнгра сиз дарҳол йўлга чиқасиз: сиз почта қаретасида жўнайсиз ва ўзингизни кўнгилхуши учун саёҳат қилиб юрган йигит қилиб кўрсатасиз. Вазифангиз ўзингизни ҳеч кимга сездирмасликдир. Сиз жуда баланд мартабали одамнинг олдига борасиз. У ерда энди бир оз энчиллик кўрсатмоғингиз лозим бўлади. Гап шундаки, сиз унинг атрофидаги барча одамларни алдамоғингиз керак, зеро унинг секретарлари ва хизматкорлари орасида душманларимизга сотилган одамлар бор, улар бизнинг вакилларимизни пойлаб юришади ва уларни қўлга туширишга ҳаракат қилишади. Сизга тавсиянома ёзиб берамиз, лекин аслида унинг ҳеч қандай аҳамияти бўлмайди.

Зоти олийлари сизга қараган заҳоти чўнтагингиздан менинг соатимни чиқарасиз — мана у, саёҳатга бориб келгунигизча уни сизга бериб тураман. Марҳамат, олиб қўйинг, ўзингизникини эса менга беринг.

Сиз ёдингизга жо қиладиган ўша тўрт саҳифа гапни герцогнинг шахсан ўзи ёзиб олади.

Шу иш бажарилганидан сўнг, ёдингизда бўлсин, сира ҳам олдин эмас, сиз зоти олийларига, агар ул киши сўрашни лозим топсалар, ҳозир ўзингиз иштирок этадиган мажлис ҳақида сўзлаб берасиз.

Ўйлашимча, йўлда зерикмасангиз керак, зеро Париж билан министрининг қароргоҳи орасидаги масофада жаноб аббат Сорелни гумдон қилиш орзусида юрган талайгина одам топилади. У ҳолда жаноб аббат топшириқни бажаролмай қоладилар ва менимча, бизнинг ишимиз анча чўзилиб

кетади, зеро, азизим, биз сизнинг ҳалокатингиз ҳақида қандай хабар тонамиз ахир? Сизнинг гайратингиз бу хусусда ўзингиз хабар қилиш даражасига олиб бормаса керак албатта.

— Ҳозир бориб, ўзингизга костюм харид қилинг, — деди маркиз яна жиддий тортиб. — Айтайлик, икки йил муқаддам расм бўлган кийимлардан олинг. Бугун кечқурун сиз ўзининг ташқи қиёфасига унча эътибор бермайдиган одам бўлиб кўринмоғингиз керак. Йўлда эса, аксинча, одатдагидек кийиниб кетаверишингиз керак. Ажабланиясиз, чоғи? Гумондорлигингиз ишга тушиб кетдимми дейман? Ҳа, дўстгинам, сиз путқини эшитадиган муҳтарам зотлардан бири керакли одамларга баъзи маълумотларни бериши мумкинки, оқибатда жаноб Сорелни шодиёна кутиб олишган биронта меҳмонхонада уни қойиллатиб наша билан сийлашлари мумкин.

— Ундан кўра, тўғри йўлдан юрмай юз чақирим наридан айланиб ўтган маъқул, — деди Жюльен. — Менимча, гап Рим ҳақида кетяпти шекилли...

Маркизнинг қиёфасида шу қадар такаббур ва порози бир ифода пайдо бўлдики, Жюльен уни Брей-ле-О монастырида учратганидан буён бу аҳволда кўрмаган эди.

— Бу ҳақда, тақсир, ўзим хабар қилишни лозим кўрган пайтдагина биласиз. Мен савол беришларини ёқтирмайман.

— Бу савол эмасди, — дея қизгин эътироз билдирди Жюльен. — Қасам ичишим мумкин, афандим, мен шунчаки овоз чиқариб ўйлаётган эдим. Ўзимча энг хавфсиз йўлни қидирмоқда эдим, холос.

— Ҳа, хаёлингиз бир жойда эмасди, чамамда. Ёдингизда бўлсин, элчи, бунинг устига сизнинг ёшилгиздаги элчи сира ҳам бировнинг ишончига даъво қиладиган одам бўлиб кўринмаслиги даркор.

Жюльенининг ниҳоятда руҳи тушиб кетди, чиндан ҳам у бемаъни гап айтган эди. Унинг нафсонияти ўзини оқламоқчи бўлар, бироқ бунга старли далил тона олмас эди.

— Яна бир нарсани тушуниб олинг, — дея қўшимча қилди жаноб де ля Моль, — одам бемаъни иш қилса борми, кейин дарҳол бўшангликка ҳам йўл кўйишни мумкин.

Орадан бир соат ўтгач, Жюльен маркизнинг даҳлизида пайдо бўлди, у эгнига расмдан қолган костюм кийган ва бўйинга оҳори тўкилган галстук тақиб олиб, бутун қиёфасида аллақандай малайларга хос залил ифода пайдо бўлганди.

Уни кўриб маркиз хахолаб кулиб юборди, шундан сўнг у батамом Жюльеннинг айбидан ўтди.

«Агар шу йигит ҳам менга хиёнат қилса, — дея ўйларди жаноб де ля Моль, — у ҳолда кимга инонмоғим керак? Ахир ҳаракат бошлаганингдан сўнг кимгадир ишонмоғинг керак-ку. Уғлим Норбер ва унинг ўзига ўхшаш ажойиб дўстларида жасорат ҳам, садоқат ҳам юз минг кишига етиб ортарди, агар жанг қилиш лозим бўлса, улар тожу тахт ҳимояси учун ўзларини қурбон қилган бўлардилар, уларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Фақат ҳозирги дақиқада бажариш лозим бўлган ишни эплай олмайдилар, холос. Йўқ, тўрт саҳифа гапни ёд олиш ва қўлга тушмай тўрт юз-беш юз чақирим йўлни босиб ўтишни улардан биронтаси ҳам эплолмайди. Норбер ўз аждодлари каби шаънига доғ туширмай ҳалок бўла олади, бироқ бу иш ҳар бир рекрутнинг ҳам қўлидан келади-ку...»

Шундан сўнг маркиз чуқур хаёлга ботди. «Ундай дасам, манови Сорель ҳам ўлимдан кўрқмасликда Норбердан қолишмаса керак», — дея дилидан ўтказди у ва хўрсиниб қўйди.

— Яхши, кетдик бўлмасам, — деди маркиз гўё нохуш бир хаёлни қувмоқчи бўлгандек.

— Афандим, — деди Жюльен, — манови қийимни менга мослаб қайта тикишаётганида камина бугунги «Қундалик» газетасининг биринчи саҳифасини ёдлаб олдим.

Маркиз газетани қўлига олган эди, Жюльен битта ҳам сўзда хато қилмай бутун саҳифани ёддан айтиб берди. «Жуда яхши, — деди ўзига-ўзи бугун ҳақиқий дипломат бўлиб қолган маркиз. — Ҳеч бўлмаганда йигитча биз кетаётган йўлларни эслаб қолмайди-ку».

Улар бир қисмига тахта панеллар қопланиб, баъзи жойлари яшил бахмал билан безатилган кўримсизгина меҳмонхонага кириб боришди. Хона ўртасида қовоғи солиқ малай катта овқат столини икки ёққа кенгайтирмоқда эди. Сўнгра у стол устига аллақайси министрликнинг сарқити бўлмиш улкан кўк мовутни ёпиб, уни ёзув столига айлантирди.

Уй эгаси жуда семиз одам эди, унинг исми бирон марта ҳам тилга олинмади, Жюльеннинг миясига унинг башараси ҳам, нутқи ҳам фақат ҳазми таомни ўйлайдиган одамни эслатади, деган фикр келди.

Маркизнинг ишораси билан у столнинг энг четига бориб ўтирди. Шундай вазиятга муносиб қиёфага кирмоқ учун у қаламларнинг учини оча бошлади. У зимдан назар ташлаб, суҳбатдошларнинг етти киши эканлигини билиб олди. Би-

роқ йигитга уларнинг елкаларигина кўриниб турарди. Улардан икки киши жаноб де ля Моль билан тенг одамлардек гаплашар, қолганлари эса унга маълум қадар иззатини ўрнига қўйиб муомала қилишар эди.

Ҳеч қандай докладсиз яна аллақандай бир жаноб кириб келди. «Жуда галати-ку, — дея ўйлади Жюльен. — Бу ерда кириб келган одамнинг исми шарифини ҳам айтишмас экан. Ёки бу каминага исбатан кўрилган аҳтиёт чорасимикин?» Барча кириб келган одамга салом бериб ўрнидан турди. У ҳам кўкрагига меҳмонхонада ҳозир бўлган яна уч киши каби анча эътиборли орденлар тақиб олган эди. Улар жуда секин гапиришмоқда эдилар. Жюльен янги келган одам ҳақида унинг юз тузилиши ва қоматига қарабгина ҳукм юрита оларди. Паст бўйли, миқтидан келган, икки юзи қип-қизил бу одамнинг чақнаб турган кўзларида ёввойи тўнғизнинг шиддаткорлигидан бўлак ҳеч қандай маъно уқиб бўлмасди.

Унинг ортидан деярли изма-из кириб келган бошқа бир одам дарҳол Жюльеннинг эътиборини ўзига тортди. Бу жуда новча ва ниҳоятда озғин бир одам эди, у эгнига камида уч ёки тўрт жилет кийиб олганди. Унинг кўзлари мулоғим, хатти-ҳаракатлари назокатли эди.

«Юз тузилиши Безансон епископининг худди ўзгинаси экан», — дея хаёлдан ўтказди Жюльен. Бу одам руҳонийлар тоифасидан бўлиб, ёши эллик-эллик бешларда эди, у чиндан ҳам авлиёларга ўхшаб кетарди.

Меҳмонхонага Агданинг ёш епископи кириб келди. У ҳозир бўлган одамларга кўз югуртира туриб, Жюльенни кўриб қолгач, юзида кучли ҳайрат акс этди. Брей-ле-Одаги санам юришидан буён у Жюльен билан бирон марта ҳам гаплашмаган эди. Унинг бундай ажабланиб қараши Жюльенни ҳам хижолатга солди, ҳам жаҳлини чиқарди. «Бу қанақаси ахир! — дерди у ўзига-ўзи. — Наҳот бирор одамни танишим менга доим қандайдир тўсиқ бўлиб келаверса? Илгари умрим бино бўлиб кўрмаган манови юксак мартабали одамлардан биронтаси ҳам мени хижолатга солаётгани йўқ, лекин манови ёш епископнинг нигоҳидан эса нақ юрагим орқага тортиб кетяпти. Шунини тан олмоғим керакки, мен чиндан ҳам қандайдир галати ва бадбахт бир одамман».

Сочлари қоп-қора, жиккакдан келган бир одам меҳмонхонага ола-тасир қилиб кириб келди-да, эшикда кўринган заҳоти лаби лабига тегмай саннаб кетди: унинг юзи сарғиш бўлиб, ўзи телбасифат бир кимса эди. Бу худобезор вайсақи пайдо бўлиши билан меҳмонлар, чамаси, унинг гапларига

қулоқ солишдан қутулмоқ учун бўлса керак, тўда-тўда бўлиб тарқаб кетишди.

Сухбатдошлар каминдан узоқлашар эканлар, аста-секин столнинг Жюльен ўтирган четига яқинлашиб келардилар. У борган сайин мушкулроқ аҳволга тушиб борарди. зеро, охир-оқибатда, у қанчалар ҳаракат қилмасин, уларнинг сўзларини эшитмай иложи йўқ эди ва тажрибаси жуда кам бўлишига қарамай, йигит бу ерда очиқдан-очиқ айгилаётган гапларнинг нақадар муҳимлигини жуда яхши тушунарди, Жюльен бу ерда кўриб турган юксак мартабали зотларнинг ҳаммаси бу гапларнинг бари қаттиқ сир сақланишидан сўзсиз манфаатдор эдилар!

Жюльен, гарчи қаламларнинг учини жуда секин очишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, улардан камида ўнчасини очиб бўлган эди, ўзининг довдираб қолганини бу иш ёрдамида яширишнинг ортиқ иложи қолмади. У жаноб де ля Молнинг кўзидан бирор буйруқ уқиб олишга уриниб бекор овора бўлди, маркиз уни унутиб қўйган эди.

«Ҳозир мен қилаётган иш уларга, турган гап, жуда бемаъни бўлиб кўринаётган бўлса керак,— дея мулоҳаза юритарди Жюльен қаламларнинг учини очишда давом этар экан,— бироқ афт-ангори шу қадар оддий бўлган бу одамлар, ўзлари ихтиёр қилибми ёки бошқа бировларнинг топшириғи биланми, шундай муҳим ишлар билан шуғулланишяптики, ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқлари лозим. Менинг бадбахт кўзларимда, чамаси, ҳайрат ва такаллуфсизлик акс этаётган бўлса керак, бу эса, шубҳасиз, уларнинг иззат-нафсига тегиши мумкин. Нуқул ерга қараб ўтираверган тақдиримда эса, гўё уларнинг биронта ҳам сўзини қолдирмай эшитаётган одамга ўхшаб кўрипаман».

Йигит ниҳоятда эсанкираб қолди, у жуда ғалати гапларни эшитмоқда эди.

Музокара

Республика! Ҳозирги кунда умумнинг бахт-саодати йўлида бутун борлигини қурбон қилишга тайёр бўлган битта одамга фақат ўз хурсандчилиги ва манманлигини ўйлайдиган минг-минглаб, миллионлаб нусхалар тўғри келади. Парижда инсонга унинг фазилатлари бўйича эмас, у ўтирган каретанинг ҳашамдорлигига қараб баҳо беришади.

Наполеон. «Муқаддас Елена мемориали».

Меҳмонхонага шитоб билан кириб келган малай: «Жаноб герцог», дея эълон қилди.

— Жим бўл, ошна, сен тентак экансан,— деди герцог ичкари кирар экан. Герцог бу сўзларни шу қадар ўрнига қўйиб, шундай бир улуғворлик билан айтдики, Жюльеннинг хаёлига беихтиёр, бу аркони давлатнинг ҳақиқий истеъдоди малайга танбеҳ бериш санъатидан иборат бўлса керак деган фикр келди. Жюльен бошини кўтариб, унга бир назар ташлади-ю, сўнг яна дарҳол ерга қараб олди. Ҳозиргина кириб келган бу одам ҳақидаги унинг тасвури шу қадар тўғри чиқдики, Жюльен, кўзимдан қандай бемаъни хаёлга борганим сезилиб қолмаса эди, дея кўрқиб кетди.

Герцогнинг ёши элликларда бўлиб, у жуда олифта кийинган эди ва сўзлаганда худди мурвати бураб қўйилган қўғирчоққа ўхшаб кетарди. Унинг боши узун, бурни катта бўлиб, руҳсиз юзи олдинга яққол туртиб чиққан эди, бундан ҳам киборроқ ва шу билан бирга бундан ҳам нурсизроқ башарани тасаввур қилишнинг ўзи қийин эди. У келиши биланоқ мажлис очиқ деб эълон қилинди.

Жаноб де ля Молнинг товуши дафъатан Жюльеннинг физиогномик кузатувларига чек қўйди.

— Сизларга жаноб аббат Сорелни таништиришга ижозат этгайсизлар,— деди маркиз.— Унинг хотираси жуда

ажойиб: мен бундан атиги бир соат муқаддам, эҳтимол, юк-сак бир вазифани бажаришга мушарраф бўлиши мумкинлигини айтган эдим, у ўз хотирасини намоён қилмоқ учун «Қундалиқ» газетасининг бутун бирипчи саҳифасини ёд олди.

— Ҳа-я! Анави боёқиш Н...нинг чет эл хроникаси-ми... — деди уй эгаси. У шоша-пиша газетани қўлига олиб, ўзини басавлат кўрсатишга ҳаракат қилди-да, башарасида қандайдир беаъни бир ифода пайдо этиб Жюльенга қаради. — Марҳамат қилинг, тақсир, — деди у.

Ўртага чуқур жимлик чўкди, ҳамма Жюльенга тикилди, у шу қадар яхши жавоб қилмоқда эдики, йиғирма сатр ўқилгач, герцог:

— Яхши, старли, — дея уни тўхтатди.

Кўзлари тўнғизникига ўхшайдиган кичкина одам стол ёнига ўтирди. У раис экан: зеро ўз жойига ўтириши биланок бу одам Жюльенга нарироқда турган қарта столни олдига суриб олишни ишора қилди.

Жюльен ёзув анжомларини олиб, ўша стол ёнига ўтирди. У яшил стол атрофида ўтирган одамларни ўзича санаб уларнинг ўн икки киши эканини билиб олди.

— Жаноб Сорель, — деди герцог, — ҳозирча қўшни хо-нага чиқиб тулинг, кейин сизни чақиривади.

Уй эгасининг башарасида бирдан қаттиқ ташвиш ифодаси пайдо бўлди.

— Дераза қопқаси очиқ қолибди, — деди у секингина ёнида ўтирган одамга. — Ташқарига қарашнинг ҳожати йўқ, — дея фаросатсизлик билан қичқирди у Жюльеннинг ортидан.

«Мана, мен ҳам энди фитначилар сафига қўшилиб қолдим, — дея ўйлади Жюльен. — Яхшиямки, бу тўппа-тўғри Грев майдонидаги дор остига олиб борадиган фитналардан эмас. Лекин ҳатто шундай хавф бўлган тақдирда ҳам мен маркиз учун ҳатто бундан ҳам ортиқроқ хатардан тап тортмаслигим керак. Менинг телбалигим келажакда уни жуда ҳам раижитмоғи мумкинки, унинг олдига шу йўл билан ўз айбимни ювсам бахтиёр бўлардим!»

У ўз телбаликлари ва ўз қайғуси ҳақида хаёл сураб ва шу билан бирга атрофни синчиклаб кўздан кечирардики, бу ерда кўзи тушган барча нарсалар хотирасига мустаҳкам ўрнашиб қолмоқда эди. Фақат ана шундан кейингина йи-гит маркизнинг малайга кўчанинг номини айтмай фиакр ёллашни буюрганини эслади. Маркиз илгари сира ҳам бундай қилмасди.

Жюльенни анчага довур безовта қилишмади. У чет-

ларига заррин ҳошияли бахмал сирилган меҳмонхонада ўтирарди. Баланд столда бутга тортилган Исонинг фил суягидан ишланган катта ҳайкали турарди, камин устида эса жаноб де Местринг ажойиб муқоваланган ва ҳошияси-га зарҳал югуртирилган «Папа ҳақида» китоби кўзга ташланарди. Жюльен гап ўғирлаётган одам бўлиб кўринмаслик учун ўша китобни варақлай бошлади. Қўшни хонадаги одамлар баъзан овозларини жуда барала қўйиб сўзлашмоқда эди. Ниҳоят, эшик очилиб, уни ўша ёққа чақиринди.

— Билиб қўйинг, жаноблар,— деди раис,— биз энди шу дақиқадан эътиборан герцог олдида сўзлаётимиз. Ёш руҳоний бўлмиш манови жаноб,— шундай дея у Жюльен томон ишора қилди,— бизнинг муқаддас ишимизга содиқ одам. У ўзининг ажойиб хотираси ёрдамида биз айтган ҳамма гапларни унга батафсил сўзлаб бергай.

— Сўз сизга, тақсир,— деди у сўнгра эғнига қўша-қўша жилет кийиб олган авлиёсифат одамни сўзлашга даъват этиб.

Жюльен жилет кийган бу жанобни ҳар қалай бирор ном билан аташганида табиийроқ бўлармиди, дея хаёлидан ўтказди. У қоғозни олдига суриб қунт билан ёзишга тутинди.

(Бу ўринда муаллифнинг бутун бир саҳифага нуқта қўйиб чиқиш нияти бор эди.

— Бу мутлақо ўринсиз бўлади,— деди шунда унга ношир,— бундай енгилтак асар учун эса ўринсиз уйдирмалар мутлақо ортиқча.

— Сиёсат,— дея эътироз билдирди муаллиф,— бу адабиёт бўйнига боғланган харсанг тошдир,— орадан ярим йил ўтмасданок у бадий асарни гарқ этади. Фантазия тўқимаси орасига сиёсатни суқиш — концерт пайтида тўппончадан ўқ узиш билан баробар. Бу юракни ёрадиган товуш, албатта, лекин унда ҳеч қандай таъсирчанлик бўлмайди. У ҳеч қандай музыка асбобига мос тушмайди. Сиёсат ўқувчиларимнинг ярмисини ранжитади, қолган ярмисига эса жуда зерикарли бўлиб кўринади, зеро улар эргалаб газетада ўқийдиган нарсалар анча қизиқроқ ва ўткирроқ бўлади...

— Агар сизнинг қахрамонларингиз сиёсат тўғрисида сўзлашмаса,— деди ношир,— демак, улар минг саккиз юз ўттизинчи йилнинг французлари эмас, китобингиз эса, бир ўринда ўзингиз эълон қилгандек, сира ҳам кўзгунинг ўзгинаси бўлмай қолади...)

Жюльен ёзган протокол йигирма олти саҳифани ташкил этди, гарчи заифроқ бўлса-да, мана унинг қисқача мазмуни, зеро, доим шундай пайтларда қилинганидек, турли

хангомаларни қисқартишга тўғри келди, чунки бундай сафсаталар кўнаиб кетса, китобхоннинг кўнгли беҳузур бўлиши ёки улар ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўлиб туюлиши мумкин («Трибунал хабарчиси»га назар ташланг).

Эгнига қўша-қўша жилет кийган авлиёсифат одам (эхтимол, у епископ бўлса керак) тез-тез жилмайиб турар, ана шунда унинг хиёл настьга қараган кинриклари остидаги кўзлари ҳаддан ташқари чақнаб кетарди. Бундай пайтларда эса, унинг кўзидаги ифода одатдагидек журъатсиз бўлиб кўринмасди. Герцог олдида биринчи бўлиб сўзлашга таклиф этилган мазкур зот («Бу қайси герцог бўлди экан?» — дея ўйларди Жюльен), чамаси, барчанинг фикрини баён этиб, ўзини умумнинг вакили қилиб кўрсатиш ниятида бўлса керак, Жюльеннинг назарида, қандайдир қатъиятсизлик ва аниқ хулосаларнинг йўқлигини намоён этдики, одатда судьялар тоифасига шу айбни қўйишади. Кейинчалик, муҳокама пайти, герцог шу бонедан унга таибех бериб қўйди.

Савоб ва меҳр-шафқат тўғрисидаги бир қанча доно гаплардан сўнг қўша-қўша жилетли одам шундай деди:

— Буюк инсон, умрбоқий Питт раҳбарлик қилган олижаноб Англия революцияга қарши турмоқ учун қирқ миллиард франк сарфлади. Агар жамоа ижозат этса, мен қайғули бир фикрни очик баён қилиб беришга уриниб кўраман, менимча, Англия Боцапарт каби бир одамга қарши фақат эзгу ниятларнинг маълум миқдори билангина курашмоқчи бўлганида катта хатога йўл қўйган. Ҳолбуки бундай одамга қарши фақат индивидуал воситалар ёрдами билан курашни мумкин эди.

— Аҳ, яна ўша қотилликка мадҳиями, — деди бир оз ташвишга туниб уй эгаси.

— Марҳамат қилиб, бизни ўша чучмал панд-насиҳатларингиздан халос этсангиз, — дея хитоб қилди ранс зардаси қайнаб, унинг тўнғизникидек кўзлари ғазаб билан ёнди. — Давом этаверинг! — деди у қўша-қўша жилет кийган одамга. Ранснинг ёноқлари билан пешонаси бўғриқиб кетди.

— Олижаноб Англия, — дея давом этди докладчи, — ҳозир яқсон этилган, ҳар бир инглиз кундалик ризқ-рўзига пул сарфлашдан аввал яқобинчиларга қарши курашга кетган ўша қирқ миллиард франкнинг процентини тўламоққа мажбур. Англияда Питт йўқ энди.

— Унда энди герцог Веллингтон бор! — деди ҳарбий мундир кийган одам маҳобат билан.

— Илтимос қиламан, жаноблар, оғирроқ бўлинглар! — дея қичқирди раис. — Агар яна баҳс бошланадиган бўлса, у ҳолда жаноб Сорелни чақириб нима қилардик?

— Сизнинг буюк гоълар васвасасида юрганингиз барчага аён, афандим, — деди ачитиб герцог собиқ Наполеон генерали бўлмиш ҳарбийга ўқрайиб қарар экан. Жюльен герцог бу гапни билан генерал учун жуда ҳақоратли бўлган қандайдир шахсий ишга шама қилаётганини тушунди. Ҳамма жилмайди, сотқин генерал газабдан дағ-дағ титрарди.

— Питт энди йўқ, жаноблар, — дея яна гап бошлади докладчи ўз тингловчиларига таъсир ўтказишдан умидини узган одамга хос маънос бир овоз билан. — Мабодо Англияда янги Питт пайдо бўлган тақдирда ҳам бутун бир халқни бир хил найранг билан икки марта алдаб бўлмайди.

— Худди шунинг учун ҳам Бонапарт каби жаҳонгир генерал Франция учун энди сира тўғри келмайди! — дея хитоб қилди бояги ҳарбий яна докладчининг гапини бўлиб.

Бу гал, гарчи Жюльен уларнинг кўзларидан ўзларини араб босиб туришганини яққол кўрган бўлса-да, раис ҳам, герцог ҳам газабланишга журъат этишмади. Улар пастга қараб олишди, герцог эса ҳаммага эшиттириб хўрсиниб кўйдди холос.

Бироқ докладчи бу гал ранжиди.

— Сўзлашимга халал беряптилар ахир, — деди у жаҳл билан дафъатан анави сертабассум назокатни бир четга йиғиштириб кўйиб; Жюльеннинг назарида, бу унинг феъл-атворининг ҳақиқий инъикоси эди. — Сўзлашимга халал беряптилар ахир, ҳеч кимнинг иззат-нафсига тегмасликка ҳаракат қилаётганимни биронта ҳам одам тушунишни ис-тамаяпти. Хўп, майли, жаноблар, гапни қисқа қиламан.

Сизга оддийгина қилиб айтаман: савоб ишга ёрдам бермоқ учун Англиянинг ҳозир сариқ чақаси ҳам йўқ. Ҳозир ўша Питтнинг ўзи қайтарилган тақдирда ҳам, ўзининг шу қадар буюк заковатига қарамай, у майда инглиз мулкдорларини лақиллата олмаган бўларди, зеро улар қисқагина Ватерлоо кампанияси, ёлғиз ўша урушнинг ўзигина уларга миллиард франкка тушганини жуда яхши тушуниб қолишган. Мендан аниқликни талаб қилишар экан, — дея давом этди докладчи борган сайин руҳланиб, — сизга тўғриси айтиб қўя қоламан: ўзингизга ўзингиз ёрдам беринг, чунки сизга мадад бермоқ учун Англиянинг бир гишея ҳам пули йўқ. Англия пул тўлашга қодир бўлмаган пайтда эса жасорат дегани қоп-қопу, лекин сариқ чақаси ҳам бўлмаган Австрия, Россия, Пруссиялар Францияга қарши бир ёки икки кампаниядан ортигига дош бера олмайдилар.

Якобинчилар сафарбар этадиган солдатлар биринчи кампанияда, боринги, эҳтимол, иккинчи кампанияда ҳам мағлуб бўларлар, лекин учинчиси масаласига келсак, майли, сизларнинг кўзингизга революционер бўлиб кўринсам кўрина қолай, учинчи кампанияда сиз 1794 йил солдатларига дуч келасизки, улар энди 1792 йилдаги қишлоқи рекрут бўлмай қоладилар.

Шу пайт уч ёки тўрт жойдан янграган хитоблар унинг гапини бўлиб қўйди.

— Тақсир, — деди раис Жюльенга қараб, — сиз қўшни хонага чиқинг-да, ҳозир ўзингиз ёзган протоколнинг бош қисмини оққа кўчиринг.

Жюльен хонадан чиқиб кетар экан, дилида афсусланиб қўйди. Докладчи Жюльен анчадан буён ўйлаб юрган ва келажакда содир бўлиши мумкин бўлган баъзи бир ишлар ҳақида сўз очган эди.

«Уларни кулги қилишимдан кўрқишяпти», дея хаёлидан ўтказди у. Уни қайта чақиришганида, жаноб де ля Моль тантанавор оҳангда сўзламоқда эди. Жюльенга бу ҳол кулгили туюлди, зеро у маркизни яхши биларди.

— ...Ҳа, жаноблар, худди ана шу бахтсиз халқ ҳақида:

Ким бўлади у? Худоми, дастурхон ёхуд жомашўй? —

дея савол бериш мумкин. «У худо бўлади!» — дейди жавобан масалчи. Бироқ бу самимий ва улуғ сўзларни, жаноблар, биз сизларнинг тилингиздан эшитмоғимиз даркор. Иш бошланг, ана шунда аждодларимиз яратган ва бизнинг ўзимиз ҳам Людовик Ҳи олтининг ўлими олдида ўз кўзимиз билан кўрган буюк Франция яна қаддини ростлайди.

Англия ёки ақалли унинг олижаноб лордлари худди биз каби манфур якобинчиликдан нафратланишади: инглиз олтини бўлмаса Россия, Австрия ва Пруссия икки-уч жангдан ортинга дош бериша олишмайди. бироқ бу 1817 йилда жаноб де Ришелье имкониятни бой берган ўшандай бахт келтирувчи оккупация учун етарли деб ўйлайсизми? Мен бунга ишонмайман.

Шу пайт кимдир маркизнинг гапини бўлишга уринган эди. чор атрофдан «жим!» дея унинг оғзига уришди. Гапини бўлишга уринган одам яна ўша император армиясининг генерали эди: у зангори лентани орзу қилар ва махфий мактуб муаллифлари орасида кўзга кўринарли ўрин эгаллаш ниятида эди.

— Йўқ, мен бунга ишонмайман, — дея давом этди жаноб де ля Моль гала-говур босилгач, у ана шу «мен» сўзини

шу қадар чертиб, шу қадар мардона бир оҳангда айтдики, Жюльен унга қойил қолди. «Мана бу тўғри йўл! — дея ўйларди у, қалами маркиз нутқи ортидан қолмай қоғоз устидан елар экан. — Қойиллатиб айтган биргина сўзи билан жаноб де ля Моль анави сотқиннинг йигирмата кампаниясини чишпақка чиқарди».

— Янги ҳарбий оккупацияга умид қилар эканмиз, — дея давом этди маркиз пинагини бузмай, — биз фақат хорижий кучгагина таянмаслигимиз лозим. — «Глобус» га отагин мақолалар ёзиб юривчи барча бу ёшлардан сизларга уч-тўрт командир етишиб чиқиши мумкин. Улар орасида, эҳтимол, Клебер ҳам, Гош ҳам, Журдан ҳам, Пишегрю ҳам топилар, бироқ энди бу гал нияти холис йигитлар бўлмайдилар.

— Биз унинг шухратини дунёга таратмай бепарволик қилдик, — деди раис. — Унинг номини абадийлаштирмоқ лозим эди.

— Ниҳоят, Францияда икки партия бўлишига эришмоқ керак, — дея давом этди жаноб де ля Моль, — лекин улар фақат номи билангина фарқ қилиб турмай, балки бири-биридан кескин ажраладиган, бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган партиялар бўлмоғи лозим. Кимларни яқсон этишни аниқ билиб олайлик. Бир томонда журналистлар, сайловчилар, қисқасини айтганда, жамоат фикри, ёшлар ва уларга қойил қоладиган барча бўлак одамлар бўлади. Улар ўзларининг сафсаталарига махлиё бўлиб юришар экан, биз, жаноблар, буюк бир устунликка эгамиз, биз бюджетни идора этамиз.

Шу пайт яна унинг сўзини бўлишди.

— Сиз, афандим, — дея мурожаат қилди жаноб де ля Моль сўзини бўлган одамга қандайдир хотиржамлик ва ўта такаббурлик билан, — агар ҳозирги сўзларим гашингизга тегаётган бўлса, у ҳолда сиз бюджетни идора этмаяпсиз, балким давлат бюджетидан қирқ минг франкка ҳукумат ажратиб берган саксон минг франкни қўшиб ямлаб ютыпсиз.

Яхши, афандим, модомики мени шунга мажбур қилган экансиз, мен сира истиҳола қилиб ўтирмай ўзингизни мисол келтираман. Авлиё Людовик билан салб юришига жўнаган шавкатли аждодларингиз каби, сиз мана шу бир юз йигирма франкка бизнинг ишимиз учун ҳеч бўлмаса битта полкни қуроллантириб беришингиз керак эди. Майли, полк ҳам демайлик, атиги бир рота, ярим рота ёки борингки, муқаддас ишимиз учун жонини аямай жанг қилишга тайёр бўлган эллик киши ҳам бўла қолсин. Хўш, сиз нима қилияпсиз, фақат малайларингиз бор холос.

Агар исён кўтарилгудек бўлса, ўзингизга қурол кўтаради улар.

Тожу тахт, черков, дворянлар — буларнинг бари, агар сиз, жаноблар, ҳар бир департаментда қуролланган отрядлар ташкил этмасангиз, эртагаёқ қулаши мумкин. Бу отрядлар бизга садоқатли беш юз кишидан иборат бўлмоғи лозим, мен бу ўринда «садоқатли» дер эканман, фақат французча жасоратни эмас, балки испанча сабот ва матонатни ҳам назарда тутяпман.

Бу одамларнинг ярмини бизнинг ўғилларимиз, жиянларимиз, хуллас, асилзода дворянлар ташкил этмоғи даркор. Улардан ҳар бирининг ёнида, агар 1815 йил такрорлангудек бўлса, дарҳол уч рангли нишон тақиб оладиган маҳмадона — мешчан эмас, балки Кателинога ўхшаш самимий ва софдил оддий деҳқон йигити бўлмоғи лозим. Бизнинг дворянимиз унга устозлик қилади, агар бу унинг эмиқдош укаси бўлса, айни муддао. Ҳар бир департаментда беш юз кишидан иборат ана шундай садоқатли кичик бир отряд тузмоқ учун ҳар қайсимиз ўз даромадимизнинг бешдан бирини бермоғимиз керак. Ана шунда хориждан қилинадиган оккупациянинг муваффақиятли чиқишига умид қилса бўлади. Агар чет эллик солдат ҳар бир департаментда қуролланган беш юз нафар дўстини учратишга имони комил бўлмаса, у ҳатто Дижонга ҳам етиб кела олмайд.

Сиз йигирма минг дворяннинг қўлига қурол олиб, Франциянинг дарвозасини очиб беришга тайёр турганини эълон қилмагунингизча чет эллик қироллар гапингизга қулоқ ҳам солишмайди. Бу жуда оғир мажбурият, дейишингиз мумкин. Жаноблар, биз фақат шу йўл билангина бошимизни қутқариб қолишимиз мумкин. Матбуот эркинлиги билан биз, дворянларнинг мавжудлиги ўртасида ҳаёт-мамот кураши кетяпти. Ё заводчи мужик бўлинг, ё кўлингизга қурол олинг. Истасангиз кўрқоқлик қилишингиз мумкин, лекин аҳмоқ бўлманг, кўзингизни очинг.

Батальонларга саф тортинг! — якобинчилар кўшигининг сўзлари билан сизга айтадиган гапим шу. Ана шундан кейингина монархик тузумнинг негизига болта урилаётганини кўрган биронта саховатли Густав-Адольф топилади-да, ўз салтанатидан минг чақирим нарига ҳужум қилиб, бизга бир вақтлар Густав протестант князларига қилган эзгуликни қилади. Ёки сизлар сафсата сотиб, қўл қовуштирганингизча ўтирмоқчимисиз? Орадан эллик йил ўтади, қарабсизки, Европада фақат республика президентлари бўлади ва биронта ҳам қирол қолмайди. Ана шу **Қ-И-Р-О-Л**

деган беш ҳарф билан дворянлар ҳам, руҳонийлар ҳам ер юзидан ғойиб бўлади. Ана ўшанда биз фақат ҳар хил яланг-оёқлар оммаси олдида *ялтоқлик* қиладиган *номзодларниги*на кўрамиз.

Ҳозир Францияда ҳамма яхши кўрадиган машхур генералнинг йўқлиги, армиямиз тоғу тахтни ҳимоя қилиш учунгина ташкил этилгани ҳақида истаганча гап сотини мумкин. Бироқ ҳар бир австрийе ёки прусс полкида жангларда тоблашган элликтача унтер топилади. Майда бурижуазиядан бўлган икки юз минг йингит уруш орзусида юрибди.

— Шунча аччиқ ҳақиқатларни айтганингиз стар, дейман, — дея димоғдорлик билан гап қотди муҳтарам бир зот. Бу одам, чамаси, руҳонийлар орасида жуда катта мансабга эга бўлса керак, зеро жаноб де ля Моль унинг гапидан ғазабланиш ўрнига, аксинча, жилмайиб кўйдикки, бу ҳол Жюльенга анча аҳамиятга молик бўлиб кўринди.

— Хўп, яхши, аччиқ ҳақиқат айтишга чек қўйиб, хулоса қилайлик, жаноблар: гангрена бошланган оёгини кесиб ташлашлари лозим бўлган одамнинг ўз жарроҳига, оёгим соппа-соғ, дейиши бемаъни гап, албатта. Таъбир ножоиз бўлса, мени маъзур этасизлар, жаноблар, лекин мен шундай дейман: шавкатли герцог — бизнинг жарроҳимиз бўлгай.

«Мана, ниҳоят, ўша сирли исм ҳам тилга олинди, — дея ўйлади Жюльен, — демак, бугун тунда мен тўғри... га олиб кетар эканман».

XXIII

Руҳонийлар, ўрмонлар, озодлик

Бутун ҳаётнинг асосий қонуни — бу ўзини сақлаш, омон қолиш. Сиз бўлсангиз замбуруғ сочиб, бугдой ундираман, деб умид қилансиз.

Макиавелли

Муҳтарам зот ўз нутқини давом эттирди: унинг кўп нарсалардан бохабар одам эканлиги яққол сезилиб турарди, унинг ўз буюк ҳақиқатларини қандай сиқолик ва ишонч билан баён этиши Жюльенга жуда маъқул бўлди:

1. Англия биз учун сариқ чақа ҳам сарфламайди, улар-

да ҳозир иқтисод ва Юм модага кирган. Ҳеч ким, ҳатто уларнинг *пайғамбарлари* ҳам бизга пул беришмайди, жаноб Бруггэм эса устимиздан кулади.

2. Европанинг соҳибқиронлари инглиз олтини бўлмаса, иккита кампаниядан ўртиққа журъат этишмайди, майда буржуазияни тор-мор келтирмоқ учун эса икки кампания камлик қилади.

3. Францияда қуролли партия ташкил этмоқ зарур, бусиз Европанинг монархик элементлари ҳатто ўша икки кампанияни ўтказишга ҳам ботинишмайди.

Мен сизларга мутлақо шубҳасиз бир нарса сифатида баён этиб бермоқчи бўлган тўртинчи пункт эса қуйидаги гапдан иборат:

Францияда қуролли партияни руҳонийлар ёрдамисиз ташкил этиб бўлмайди. Мен бу гапни рўй-рост айтипман, жаноблар, зеро буни ҳозир сизларга исботлаб бераман. Ҳамма ишни руҳонийларга қўйиб бериш керак.

1. Руҳонийлар кечаси-кундузи ўз бурчларини адо этадилар ва уларга раҳбарлик қиладиган муносиб инсонлар барча тўфонлардан четда турадилар, зеро улар чегарангиздан минг чақирим нарида истиқомат қилурлар...

— А-а! Рим, Римни назарда тутяпсиз! — дея хитоб қилди уй эгаси.

— Ҳа, ҳазратим, Римни назарда тутяпман! — дея гурур билан такрорлади кардинал. — Сизлар ёшлигингизда бу хусусда қанчалик ҳазил-мазах қилган бўлманг, чунки ўша кезлари бундай аския расм тусини олганди, 1830 йилда Рим раҳбарлигидаги руҳонийларгина оддий халқнинг кўнглини топа олади.

Ҳукмдорлари белгиланган кунда эллик минг руҳоний қавм аҳлига бир хил сўзларни айтадилар, пировардида сизларга солдат етказиб берадиган халқ эса дунёвий кишиларнинг сухандонлигига қараганда ўз руҳонийсининг хутбасига кўпроқ қулоқ солади... (Нафсониятга қаттиқроқ тегадиган бу гап йиғилганларнинг норозилигига сабаб бўлди.)

— Руҳонийлар сизникига қараганда каттароқ кучга эгадурлар, — дея яна гап бошлади кардинал товушини кўтариб, — асосий мақсад йўлида Францияда қуролли партия ташкил этмоқ учун сизлар кўрган барча чораларни биз амалга оширганмиз...

Бу ўринда фактлар келтирилди... Вандеяда саксон минг қуролли халққа ким тарқатган ва ҳоказо, ва ҳақозо.

— Руҳонийлар ўз ўрмонларига эга бўлмагунарича уларнинг қўлларидан ҳеч иш келмайди. Уруш бошланган

захоти модия министри ўз агентларига маблағнинг камлиги туфайли фақат қавм руҳонийларигагина маош тўлашни буюради. Ахир Франция аслида худосиз мамлакат, у уруш қилишни яхши кўради. Урушни ким бошлаб бермасин, у халқ орасида дарҳол шуҳрат қозонади, зеро уруш қилмоқ — авомнинг татбири билан айтганда, незунтларни очдан ўлдириш, уруш қилмоқ — мағрур французларни чет эл босқинчиларининг истилосидан халос этиш демакдир.

Кардиналнинг нутқини хайрихоҳлик билан тинглашмоқда эди...

— Яна жаноб де Перваль министрликдан кетса яхши бўларди, — дея қўшимча қилди у, — зеро унинг номи ортиқча қаҳр-ғазабга сабаб бўляпти.

Шундан сўнг ҳамма ўрнидан туриб, гала-говур бошланди. «Ҳозир мени яна чиқариб юборишади», дея ўйлади Жюльен, бироқ ҳатто эҳтиёткор раиснинг ўзи ҳам Жюльеннинг шу ерда эканини ва дунёда шундай одам борлигини унутиб қўйган эди.

Барча Жюльен дарҳол таниган бир одамга тикилди. Бу бош министр жаноб де Перваль бўлиб, йиғит уни герцог де Рецикидаги балда кўрган эди.

Парламент мажлислари ҳақида ахборот берган газеталарнинг тили билан айтганда, *саросима авжига чиқди*. Ниҳоят, исбатан тинчлик ўрнатилгунча орадан чорак соат вақт ўтди.

Ана шунда жаноб де Перваль ўрнидан турди-да, ҳаворий каби воизлик қила бошлади:

— Мен министрлик лавозимини мутлақо қадрламайман, демоқчи эмасман, — дея сўз бошлади у қандайдир галати овоз билан.

Бу ерда, менинг номим кўнлаб мўътадил одамларни ҳам бизга қарши қўйиб, яқобинчиларнинг кучига куч қўшаётганини исботламоқчи бўлишди, жаноблар. Мен бажонидил мансабимдан воз кечган бўлардим, бироқ тағрирнинг продасини ҳаммаям билавермайди. Мен эса, — дея қўшимча қилди у кардиналга қаттиқ тикилиб, — пешонамга ёзилганини бажармоғим даркор. Фалак менинг дилимга ёсен эшафотда бошингдан жудо бўласан, ё Францияда монархияни тиклаб, парламентни Людовик Ун беш давридаги ҳолига тушириб қўясан, деган фикрини солган ва мен бу ишни *бажарадурмен, жаноблар*.

У ганини тугатиб, жойига ўтирди, орага оғир жимлик тушди.

«Яхши актёр экан!» — дея дилидан ўтказди Жюльен. У, одатда, одамларнинг заковатини муболага билан тасав-

вур қилар ва бу гал ҳам, ҳар доимдагидек, янглишмоқда эди. Бу кечадаги жўшқин баҳслардан ва айниқса сўзга чиққан нотикларнинг самимиятидан рухланиб кетган жаноб де Нерваль шу дақиқада ўзининг юксак қисматига сидқидилдан ишонарди. Бироқ катта матонатга эга бўлган бу одам мулоҳаза бобида заифроқ эди.

Мен бу ишни бажарадурмен, деган ўша муҳим жумладан сўнг орага чўккан сукунатда ярим кечага занг урилди. Жюльенга соатнинг бу занг уришида қандайдир улугвор ва машъум бир маъно бордек туюлди. У ҳаяжонга тушган эди.

Тез орада музокаралар яна давом этиб, нотиклар энди ниҳоятда жўшқин, энг муҳими эса, жуда очиқчасига сўзлашмоқда эди. «Бу одамлар охир-оқибатда мени заҳарлаб ўлдиришади,— дея ўйларди баъзан Жюльен.— Бундай гапларни плебей олдида айтишга қандай журъат этишаётганийкин ахир?»

Соат иккига занг урди, улар эса ҳамон тинимсиз гапиришмоқда эди. Уй эгаси аллақачон хуррак ота бошлаганди, жаноб де ля Моль қўнгироқ чалиб, янги шам келтиришларини буюрди. Министр жаноб де Нерваль чорак кам иккида чиқиб кетди. Бироқ у кетишдан олдин ўзи ўтирган стулдан сал наридаги деворга ўрнатилган тошойнада акс этиб турган Жюльеннинг башарасига бир неча бор диққат билан тикилиб олди. Министр чиқиб кетган заҳоти ҳамма ўзини бирмунча енгилроқ ҳис этди.

Шамдонларга янги шамларни ўрнатишар экан, қўша-қўша жилет кийган одам қўшнисига қараб оҳиста деди:

— Худо билсин, бу одам бориб қиролга нималар деркин. У бизни аҳмоқона аҳволга солиб қўйиши ва ҳамма ишни барбод қилиши мумкин. Очиғини айтиш керак, унинг бу ерга келиши ортиқ даражада ўзига ишониш ва ҳатто сурбетликдир. У министрликка қўтарилишдан аввал ҳам бу ерга келиб турарди, лекин министрлик портфели ҳар қалай ҳамма ишни ўзгартириб юборади, одам ўзининг барча бўлак манфаатларини унга қурбон қилади. Жаноб де Нерваль буни тушунмоғи керак эди.

Министр чиқиб кетишга улгурмасданок бонапартчи генерал кўзларини юмиб олди. Сўнгра у ўзининг соғлиги, эски жароҳатлари ҳақида сўз очди-да, соатига қараб олиб, ғойиб бўлди.

— Бас бойлашим мумкинки,— деди қўша-қўша жилет кийган одам,— генерал ҳозир министрнинг ортидан югуриб кетди. У бу ерга келгани учун ўзини оқлашга ҳаракат қилади ва бизни ўз қўлида ушлаб тургани ҳақида министрни ишонтирмоқчи бўлади.

Мудроқ малайлар, алоҳа янги шамларни ёқиб қўйиш-
гач, раис сўз олди.

— Энди бир хулосага келмоғимиз керак, жаноблар. Бир-биримизни фикримиздан қайтармоқчи бўлиб, шунча баҳслашганимиз етар. Яхшиси, қўрқ саккиз соатдан сўнг чет эллик дўстларимизга топширилажак нотанинг мазмуни тўғрисида ўйлаб кўрайлик. Бу ерда министрлар ҳақида гапирингиз. Энди, жаноб де Нерваль бу ерни тарк этгач, очинини айтишимиз мумкин: министрлар билан нима ишимиз бор? Биз уларни ўзимиз нима истасак, шундай фикр юри-
тишга мажбур эгамиз.

Кардинал позик табассум билан унинг гапини маъқулла-
лади.

— Менимча, ўз нуқтаи назаримизни баён қилиб бериш-
дан осони йўқ,— деди Агданинг кўзларида ўтакетган мута-
ассибликнинг пинҳона олови ёниб турган ёш епископи. Шу пайтга қадар у чурқ этиб оғиз очмаганди. Уни кузатиб ўтирган Жюльен епископнинг ювош ва мулойим кўзлари музокараларнинг биринчи соатидан кейинроқ ёна бошлаганини кўрган эди. Энди унинг қалбида ловуллаб ёнаётган олов Везувий вулкони каби сиртига отилиб чиқди.

— 1806 йилдан то 1814 йилгача,— деди у,— Англияни фақат бир нарсада: бевосита Наполеоннинг ўзига қарши ҳеч қандай чора кўрмаганликда айблаш мумкин. Бу одам герцог ва камергерлик унвонларини орқа-олдига қарамай улаша бошлагач ва у тожу тахтни қайта тиклагач,— яратган парвардигор унинг зиммасига юклаган вазифа адо этилган бўлиб, фақат уни яксон этиш қолган эди. Муқаддас диний китобларда мустабидларни қай йўсинда яксон эт-
моқнинг кўплаб йўллари кўрсатилган (бу ўринда кўплаб лотинча цитаталар келтирилади).

Ҳозир, жаноблар, биргина одамни эмас, балки бутун Парижни тор-мор келтирмоқ талаб қилинади. Бутун Фран-
ция Париждан ўрнак оляпти. Ҳар бир департаментда ўша беш юз кишингизни қуроллантиришдан нима фойда? Бу жуда хатарли иш ва унинг охири бахайр бўлмайди. Фақат Парижгагина алоқадор бўлган бу ишга бутун Францияни аралаштириб нима қиламиз? Ўз газеталари, ўз салонлари билан ушбу қусурни дунёга келтирган фақат Парижнинг ўзи, бас, шундай экан, бу янги Вавилон ҳалок бўлса бўла-
версин.

Кураш черков билан Париж ўртасида кетяпти, унга чек қўядиган пайт келди. Бу ҳалокат тожу тахтга, ҳатто унинг дунёвий маишаатлари жиҳатидан ҳам фойда келтиради. Нега Париж Бонапарт пайтида чурқ эта олмасди? Бу ҳақ-

да Тақдири азал черкови ёнидаги тўпдан сўрашингиз мумкин...

Жюльен жаноб де ля Моль билан биргаликда ўша меҳмонхонани тарк этганида кечаси соат уч бўлган эди.

Маркиз жуда чарчаган ва хижолатга тушган эди. У Жюльенга мурожаат қилиб умрида биринчи марта унга илтимос оҳангида гапира бошлади. У Жюльендан йигит тасодифан шоҳид бўлган анави ҳаддан ташқари ғайрат ҳақида (у худди шундай деди) ҳеч кимга айтмасликка сўз беришни илтимос қилмоқда эди.

— Сиз бу ҳақда чет эллик дўстимизга фақат унинг ўзи қаттиқ туриб талаб қилган ва чиндан ҳам манови ёш тентақларимизнинг кимлигини билиб олишга истак билдирган тақдирдагина сўзлаб беришингиз мумкин. Бутун давлатнинг жаҳаннамга қулаши билан уларнинг нима иши бор? Улар кардинал бўлиб олиб, Римда паноҳ топишади, бизларни эса қасрларимизда мужиклар сўйиб кетишади.

Жюльен ёзган йигирма олти саҳифали протокол асосида маркиз тузган махфий мактуб эрталаб чоракам бешда тайёр бўлди.

— Ўлгудай чарчадим, — деди маркиз, — бу ҳол нотадан ҳам кўриниб турибди, унинг охири жуда мавҳум бўлиб чиқди. Умримда биронта ҳам ишимдан шу қадар норози бўлмаган эдим. Гап бундай, дўстига,— дея қўшимча қилди у, — бориб бир неча соат дам олинг, сизни мендан ўғирлаб кетмасликлари учун эса, устингиздан қулфлаб қўяман.

Эртаси куни маркиз Жюльенни Париждан анча узоқда, аллақандай чет жойда ўрнашган номаълум бир қасрга олиб борди. Мезбонлар Жюльенда ғалати таассурот қолдиришди: унга бу одамлар руҳонийлар тоифасига мансуб кўринди. Йигитга бошқа бир кишининг номига ёзилган сафар гувоҳномаси беришди, бироқ энди бу ҳужжатда, ниҳоят, у аслида қаерга бориши кўрсатилган эди; шу пайтга қадар эса йигит гўё бундан беҳабардек юрган эди. У коляскага ёлғиз ўзи ўтирди.

Маркиз унинг хотираси ҳақида сира ҳам шубҳаланмасди, Жюльен бир неча марта унга ўша махфий мактубни ёддан айтиб берганди. Бироқ у Жюльеннинг ўзини қўлга туширишларидан қўрқарди.

— Ёдингизда бўлсин: энг муҳими, сиз зерикканидан ўзини қаерга қўярини билмай, шунчаки саёҳат қилиб юрган олифта бир йигитга ўхшаб кўринмогингиз керак, — дея насиҳат қиларди у Жюльенга, йигитни меҳмонхона эшиги-

га қадар кузатиб қўяр экан. — Кечаги мажлисимизга бириккита сохта маслакдош суқилиб кирган бўлиши ҳеч гап эмас.

Йўлда вақт жуда тез ўтмоқда эди, бироқ Жюльеннинг дилини ҳасрат қоплаб олганди. Маркизнинг кўзидан узоқлашган заҳоти йигит махфий мактубни ҳам, қаерга ва нима мақсадда кетаётганини ҳам бир зумда унутди-қўйди. Ҳозир унинг бутун фикр-хаёли уни рад этган Матильда билан банд эди.

У Метцдан ўн чақиримча наридаги қандайдир бир қишлоқда тўхтаганида почта идорасининг нозири унга отлар йўқлигини маълум қилди. Кечқурун соат ўнлар эди, таъби ғоятда хира бўлган Жюльен кечки овқат тайёрлаб беришни илтимос қилди. У дарвоза олдида сайр қилиб юриб, гўё билмай қолган одамдек ҳеч кимга сездирмай отхонага назар ташлади. Чиндан ҳам у ерда отлар кўринмасди.

«Лекин, ҳар қалай, бу одам менга анча галати кўринди, — дея хаёлидан ўтказди Жюльен. — У менга жуда тақаллуфсизлик билан тикилди».

Чамаси, у отлар йўқ деган гапга ишонқирамай қолганди. Кечки овқатдан сўнг у бирор эвини қилиб жўнаб қолишга аҳд қилди-да, ҳар эҳтимолга қарши бу жойлар ҳақида сўраб-суриштириб олмоқ ва исинмоқ ниятида ошхонага кирди. У ерда йигит машҳур қўшиқчи синьор Жеронимони кўриб қолганида қандай хурсанд бўлганини билсангиз эди!

Ўзи шундоқ оловнинг ёнига қўйишни буюрган креслода ўрнашиб олган неаполитанияликнинг бир ўзи атрофда оғизларини очганларича анграйиб турган йигирма нафар немис мужикларидан кўпроқ гапирмоқда эди.

— Бу одамлар мени кафангадо қилишмоқчи, — дея қичқирди у Жюльенга қараб, — ахир мен эртага Майнцида куйлашга ваъда берган эдим. Мени тингламоқ учун еттита мулкдор князь у ерга атайлаб келган. Қани юринг, ташқарига чиқиб, тоза ҳавода нафас оламиз, — деди у қандайдир маънодор оҳангда.

Улар йўл бўйлаб юз қадамча юришди, бу ерда энди ҳеч ким уларнинг гапини эшита олмасди.

— Бу ердаги гаплардан хабарингиз борми? — деди у Жюльенга. — Манови почта нозири гирт муттахам экан. Сайр қилгани чиққанимда, дастёр болага йигирма су берган эдим, у менга бор гапни айтиб берди. Қишлоқнинг нариги четидаги отхонада ўн иккита от турганмиш. Улар аллақандай чопарни қўлга туширишмоқчи экан.

— Нималар деяпсиз?! — дея ўзини маъсум кўрсатиб хитоб қилди Жюльен.

Бироқ нозирнинг муттаҳам эканлигига ишонч ҳосил қилишнинг ўзи камлик қиларди, бу ердан жўнаб кета билиш керак эди, аммо Жеронимо ҳам, унинг дўсти ҳам бу ишнинг уддасидан чиқиша олмасди.

— Майли, эртагача сабр қиламиз,— дея қарор қилди ниҳоят Жеронимо.— Чамаси, улар биздан шубҳаланишяпти. Сизгами, менгами, билмайман, лекин икковимиздан биримизга ишонишмаяпти улар. Эртага эрталаб яхшигина нонушта тайёрлаб беришни буюрамиз—да, улар қозон-товоқ билан овора бўлиб туришганида сайр қилиш баҳонасида кўчага чиқиб, жуфтакни ростлаб қоламиз ва бирор жойда от-арава ёллаб, кейинги почта станциясига етиб оламиз.

— Нарсаларимиз нима бўлади? — дея сўради Жюльен. Шу пайт унинг миясига, мени қўлга тушириш Жеронимонинг ўзига топширилган бўлса-чи, деган хаёл келиб қолганди.

Кечки овқатни еб, ётиб ухлаш пайти ҳам келганди: Жюльеннинг эндигина қўзи илинган ҳам эдики, бирдан аллакимларнинг товуши уни уйғотиб юборди: икки одам унинг хонасида сира тортинмай сўзлашиб турарди.

Жюльен улардан бирини дарров таниди: қўлида фонарь тутиб турган бу одам почта нозир эди. Фонарнинг ёруғи Жюльен коляскадан хонасига олиб кириб қўйишни буюрган сафар сандиғига тушиб турарди. Почта нозир энида турган қандайдир одам сандиқнинг қопқоғини очиб, уни бамайлихотир титкиламоқда эди. Жюльенга фақат унинг қўлига ёпишиб турган торгина қора енги кўриниб турарди.

«Ахир бу жубба-ку!» — дея қарор қилди у ўзича ва секингина ёстиғининг тагида яшириб қўйилган тўппончани қўлига олди.

— Қўрқманг, тақсирим, улар уйғонишмайди,— деди почта нозир. — Биз уларни ўзингиз ҳозирлаб берган вино билан сийлаганмиз.

— Ҳеч қандай қоғоз кўрмаймман,— дея жавоб қилди поп. — Ҳаммаси кийим-кечаклар, атир-упа, сочмой ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсалар. Бу шунчаки кўнгилхуши учун саёҳат қилиб юрган ҳозирги енгилтак ёшлардан биронтасига ўхшайди. Уларнинг чопари жўрттага итальянча талаффуз билан сўзлаётган анави бошқаси бўлса керак.

Уларнинг иккови ҳам Жюльеннинг кийимлари чўнтагини титкилаш ниятида унинг ёнига келишди. Йигит бир кўнгли уларни ўғри сифатида отиб ташламоқчи ҳам бўлди. Ахир бунинг учун ҳеч қандай жазо берилмасди. У ўзини аранг тўхтатиб қолди. «Аҳмоқлик қилмаслигим керак,— дея ўйлади у.— Ҳамма ишни бузиб қўяман». Улар Жюль-

еннинг кийимини титкилаб чиқишди. «Йўқ, бу дипломат эмас», дея қарор қилди поп. У йигитдан узоқлашиб жуда яхши иш қилди.

«Агар менга қўлини тегизгудек бўлса, яхшилиқ кўрмайди,— дея ўйларди Жюльен.— У ҳали ҳам менга ханжар санчиши мумкин, фақат мен бунга йўл қўймайман».

Рухоний у томон ўгирилди. Жюльен хиёл кўзини очиб қаради: шу тобда унинг нақадар ҳайратга тушганини билсангиз эди! Бу рухоний аббат Кастанэднинг худди ўзгинаси эди! Чиндан ҳам бу икки нусха унча қаттиқ гапирмасликка ҳаракат қилишган бўлса-да, улардан бирининг товуши йигитга бошиданок таниш кўринганди. Жюльеннинг дилида заминни бу малъун газандадан халос этиш истаги туғилди.

«Хўш, у ҳолда вазифам нима бўлади?» — деди у ўзига ўзи.

Поп ва унинг ёрдамчиси чиқиб кетишди. Орадан чорак соат ўтгач, Жюльен ўзини уйғонгандек қилиб кўрсатди. У қичқириб, тўполон кўтарди ва бутун уйни уйғотиб юборди.

— Мени заҳарлашибди! Мазам қочяпти! — дея қичқирарди у.— Вой, жуда азоб чекапман!

Жеронимога ёрдам бериш учун унга баҳона керак эди. Йигит унинг хонасига кириб, афюн қўшилган винодан ичган Жеронимони деярли беҳуш ҳолда кўрди.

Шундай найранг ишлатилиши мумкинлигини олдиндан сезган Жюльен ўзи Париждан олиб келган шоколад билан қаноатланган эди. У қанча уринмасин, Жеронимони бутунлай уйғотишга ва уни ўзи билан жўнашга кўндира олмади.

— Менга бутун Неаполитания қироллигини ҳадя қилишган тақдирда ҳам ўрнимдан туролмайман,— дея мичғилларди уйқу аралаш қўшиқчи,— йўқ, уйғонмайман, уйқу жуда ширин нарса!

— Еттита мулкдор князь нима бўлади?

— Кутиб туришади.

Жюльен бир ўзи йўлга чиқиб, ҳеч қандай саргузаштсиз олий ҳазратнинг олдига етиб олди. У ўзини қабул қилишларини илтимос қилиб, ярим кун вақтини бекорга сарфлади. Унинг бахтига соат тўртларда герцог сайр қилгани чиқди. Жюльен унинг пиёда кетаётганини кўргач, сира ўйлаб ўтирмай герцогга яқинлашди-да, садақа сўради. У олий ҳазратдан икки қадам нарида тўхтаб, чўнтагидан маркиз де ля Молнинг соатини чиқарди ва қўлини узатиб, уни герцогга кўрсатди.

— Кейинроқ қолиб, ортимдан юринг, — дея жавоб қилди герцог унинг юзига қарамай.

Тахминан бир чақиримча йўл юришгач, герцог бирдан четга бурилиб, кичкина қаҳвахонага кирди. Худди ана шу ерда, жўнгина қаҳвахонанинг ифлос хужрасида Жюльен герцогга ўша тўрт саҳифадан иборат мактубни ёд айтиб бериш шарафига мулессар бўлди.

— Хаммасини қайтадан такрорланг, — деди герцог унга йнгит мактубни охиригача айтиб бергач, — фақат секинроқ гапиринг.

У баъзи гапларни ёзиб олди.

— *Кейинги почта станциясигача пиёда боринг. Нарсаларингиз билан коляскани шу ерда қолдирасиз. Бир амаллаб Страсбургга етиб олдинг-да, ойнинг йнгирма иккинчи куни (бугун эса ўнинчи эди) соат ўн икки яримда худди шу қаҳвахонада бўлинг. Бу ердан ярим соатдан сўнг чиқасиз. Бир оғиз ҳам сўз айтманг!*

Жюльен эшитган ҳамма гап шу бўлди. Бироқ герцогга чин дилидан қойил қолмоқ учун шу ҳам етарли эди. «Жиддий ишлар мана шундай қилинади, — дея ўйлади у. — Агар уч кун бурун анави вайсақиларнинг гапини эшитганида бу арқони давлат нима деган бўларди?»

Ўзининг назарида ҳеч қандай қиладиган иши бўлмаган Страсбургга етиб олмоқ учун Жюльеннинг икки кун вақти кетди. Йнгит у ерга узоқ айланма йўл билан борди. «Агар анави иблис, аббат Кастанэд мени таниб қолган бўлса, у ҳолда изимга тушмасдан қўймайди. Вазифамни барбод этиб, устимдан кулиш имконияти тугилиб қолса, унинг боши нақ осмонга етарди-да!»

Бутун шимолий чегарадаги конгрегация қидирув бўлимининг бошлиғи аббат Кастанэд, Жюльеннинг бахтига, уни танимаган эди. Қанчалик сергак бўлмасинлар, Жюльеннинг кетидан одам қўйиш страсбурглик иезуитларнинг хаёлига ҳам келмади, зеро эгнига ҳаворанг камзул кийиб, ёқасига орден тақиб олган Жюльен шу туришда фақат ўз хурсандчилигини ўйлайдиган ёш ҳарбийнинг худди ўзгичаси эди.

Страсбург

Мафтулик! Муҳаббатнинг бутун жўшқинлиги, унинг умидсизликка солувчи бутун кучи сенинг измингда. Фақат унинг дилрабо қувончлари-ю, унинг лаззатли завқ-шавқларигина сенинг ихтиёрингда эмас. Маҳбубам ухлаб ётган пайтда мен унга тикилиб туриб: мана у, беқиёс гўзаллиги, аёлларга хос барча ожизликлари билан буткул меники, деб айта олмасдим. Тангри уни эркак зотига шафқат юзасидан, унга бахт ва қувонч ато этмоқ ниятида қандай яратган бўлса, шу ҳолича у ҳозир менинг ихтиёримда эди.

Шиллер. «Ода».

Страсбургда саккиз кун вақтини ўтказишга мажбур бўлган Жюльен бирор йўл билан юрак чигилини ёзиш мақсадида ҳарбий шон-шухрат ҳамда ватанга садоқат тўғрисида ҳаёл суриб юрарди. У севармиди ёки йўқми? Буни унинг ўзи ҳам аниқ билмасди, фақат тилка-пора бўлган қалбида ўз бахти ва бутун орзу-истакларининг соҳибаси бўлмиш ёлғиз Матильдагина ҳукмрон эканлигини ҳис этарди. У ўзини босиб, умидсизликка берилмаслик учун бутун иродасини сафарбар этишга мажбур бўлмоқда эди. М-ль де ля Молга алоқадор бўлмаган бирор нарса тўғрисида ўйлашга унинг мажбали етмай қолганди. Шухратпарастлик ва мағрурлик бир вақтлар де Реналь ҳолимга бўлган ҳистуйғусидан унинг эътиборини чалғитиб турарди. Матильда эса уни буткул ром этиб олган бўлиб, йигитнинг келажак ҳақидаги барча орзулари муқаррар равишда қизга бориб тақаларди.

Келажак эса, уни қай томондан олиб қараманг, йигитга қайгули бўлиб кўрларди. Биз Веррьерда унинг мағрур ва

ўзига бино қўйиб юришига одатланиб қолган эдик. Энди бу галати йигит ўшанинг мутлақо акси бўлиб қолганди, унинг камтарлиги баъзан бемаънилик даражасига бориб етарди.

Уч кун бурун у аббат Кастанэдни жон деб отиб ташлаган бўларди. Бироқ энди Страсбургда биронта гўдак у билан баҳсланиб қолгудек бўлса, у ўзи эмас, ана шу гўдак ҳақ бўлса керак, дея ўйларди. Ўз ҳаётида тўқнашган барча рақиб ва душманларини эслар экан, Жюльен энди доим, айб уларда эмас, ўзимда бўлган, деган қарорга келарди.

Зеро, бир вақтлар унинг кўз ўнгига ажойиб муваффақиятларга тўла келажакки гавдалантирувчи кучли ҳаёлоти энди унинг шафқатсиз душманига айланганди.

Сайёҳимизнинг бехосдан бундай ёлғизликка маҳкум этилиши унинг аламли ҳаёлларини янада кучайтираётгандек туюларди. Ҳозир ёнида бирор дўсти бўлганида унинг нақадар боши осмонга етган бўларди. «Ҳа! — дерди ўзига ўзи Жюльен. — Бироқ бу ёруғ дунёда менга меҳр қўйган биронта одам бормикини ўзи? Агар дўстим бўлган тақдирда ҳам мен бу гапларни умримнинг охиригача сир сақлашга ундаётган виждонимга хилоф иш қилармидим?»

У от миниб, Кель атрофида сайр қилиб юрарди; бу Рейн соҳилидаги бир шаҳарча бўлиб, Дезе ва Гувнон Сен-Сир унинг номини шон-шуҳратга буркаган эдилар. Немис деҳқони унга шу улуг саркардаларнинг матонати туфайли шуҳрат қозонган кичик дарёлар, қишлоқ йўллари, Рейндаги оролчаларни кўрсатмоқда эди. Чап қўли билан жиловни тутган Жюльен ўнг қўлида маршал Сен-Сирнинг эдаликлариغا ялова қилинган ажойиб харитани ушлаб борарди. Шу пайт аллакимнинг қувноқ овози унинг бошини кўтариб қарашга мажбур этди.

Бу бир печа ой муқаддам унга ҳақиқий киборликнинг биринчи қондаларини ўргатган лондонлик дўсти князь Коразов эди. Бу улуг санъатга қатъий риоя қилувчи Коразов Страсбургга яқиндагина келиб, Кельга эндигина қадам қўйган эди ва умри бино бўлиб 1796 йил қамали тўғрисида бир сатр ҳам гап ўқимаган бўлса-да, уни Жюльенга батафсил ҳикоя қилиб бера бошлади. Немис деҳқон унга оғзини очиб қараб турарди, зеро у ҳар қалай французчани бир оз билар ва князнинг бемаъни гапларни қандай қалаштириб ташлаётганини яққол тушунарди. Бироқ шу тобда Жюльеннинг ҳаёли деҳқон ўйлаб турган гаплардан бениҳоя узоқ эди, қаҳрамонимиз бу йигитга ажабланиб тикиларди, унинг келишган қадди-қомати ва эгарда чиройли ўтиришига қойил қоларди.

«Мана буни бахтли деса бўлади! — дея ўйларди у. —

Шимнинг ажойиблигини қаранг! Сочлари ҳам жуда хафсала билан текисланган! Аҳ! Қани энди мен ҳам унга ўхшаган бўлсам, шунда Матильда уч куп севганидан сўнг менадан кўнгли қолмаган бўларди!»

Князь, ниҳоят, Кель қамали тўгрисида ҳикоя қилиб бўлгач, Жюльен томон ўгирилди:

— Бу дейман, индамас роҳибнинг ўзи бўлиб қолибсиз-ку, — деди у. — Чамамда, мен бир вақтлар Лондонда сизга ўргатган жиддийлик қондасига ҳаддан ташқари риоя қилиб юборибсизми, дейман. Маъюс кўриниш ўзини яхши тутиш сирасига кирмайди. Маъюс эмас, зерикаётгандек бўлиб кўринмоқ керак. Агар маъюс кўринсангиз, бу демак, сизга нимадир етишмаётган, бирор ишда муваффақиятсизликка учраганингиз бўлади. Бу билан сиз ўзингизни кўримсиз қилиб кўрсатасиз. Ва, аксинча, агар сиз зерикаётган бўлсангиз, сизнинг кўнглингизни овламоқчи бўлаётган одамнинг ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолади. Қандай жиддий хатога йўл қўйганингизни тушунинг ахир, азизим.

Жюльен оғзини очиб, уларнинг ганига қулоқ солиб турган деҳқонга бир эю ушатди.

— Жуда яхши, — дея гап қотди князь, — сизда назокат ва саховат бор экан! Жуда, жуда ҳам яхши! — Шундай дея у отини елдириб кетди. Қалби аҳмоқона бир завққа тўлган Жюльен унинг ортидан от қўйди.

«Аҳ, агар мен шундай бўлганимда эди, Матильда менадан анави Крузазнуани афзал кўрмасди!» У князнинг бу бемаъни тентаклигидан қаңчалик аччиғланса, ўзидан шунча қаттиқроқ нафратланар ва ўзи ҳам шундай бўла олмаслигидан ўқиниб, князнинг бу қилиқларига қойил қолар эди. Инсон зотининг ўзидан ўзи жирканиши бундан ортиқ бўлмаса керак.

Князь чиндан ҳам Жюльеннинг нимадандир руҳи тушганлигига ишонч ҳосил қилди.

— Гап бундай, азизим, — деди у улар Страсбургга кириб боришар экан. — Бу ишингиз ярамайди энди. Нима, бутун бойлигингиздан ажралиб, хонавайрон бўлдингизми? Ёки, эҳтимол, бирор актриса қизни севиб қолгандирсиз?

Руслар французларнинг урф-одатига жуда таассуб қилишади-ю, лекин бу соҳада улар тахминан эллик йил орқада юришади. Ҳозир улар Людовик XV асрига тақлид қилишарди.

Севги ҳақидаги бу ҳазил-хузул гаплардан Жюльеннинг кўзига тирқираб ёш чиқиб кетди. «Хўш, бу ажойиб йиғит билан маслаҳатлашсам нима қилади?..» — дея хаёлидан ўтказди у.

— Ха, дўстим, — деди у князга қараб, — сиз чиндан ҳам дилимдагини тондингиз. Афсуски, мен ошиқ бўлиб қолдим; ундан ҳам баттари, мендан юз ўгиришди. Дилбар бир аёл, у шу ерга яқин бир шаҳарчада яшайди, мени уч кун севди-ю, кейин эса бирдан қувиб юборди, шундан жуда руҳим тушиб юрибди.

Сўнгра у князга сохта исмлар билан Матильданинг феъл-атвори ва характерини тасвирлаб берди.

— У ёгини айтмасангиз ҳам бўлади, — деди Қоразов, — ҳақимлик қилувчига ихлос қўймогингиз учун сизнинг ҳиқоянгизнинг давомини ўзим айтиб бераман. Бу ёш хонимнинг эри жуда бадавлат одам ёки эҳтимол унинг ўзи жуда асилзода оиладан, менимча шуниси тўғрироқ бўлса керак. Хулласи калом, у мағрурланса арзийдиган аёл.

Жюльен индамай бош ирғади: яна бирор гап айтишга унинг матонати етишмади.

— Жуда яхши! — дея жавоб қилди князь. — Мана сизга уч дона ҳапдори, лекин анча аччиқ ўзиям. Марҳамат қилиб, уни дарҳол ютиб юборинг:

1. Ҳар куни ўша хоним билан... унинг исми нима эди?

— Де Дюбуа хоним.

— Исмдан ҳам берган экан ўзи! — дея хитоб қилди князь қотиб-қотиб кулар экан. — Йўқ, кечирасиз, тушунаман, бу сиз учун муқаддас ном. Шундай қилиб, сиз ҳар куни де Дюбуа хоним билан учрашиб турмогингиз керак. Лекин зинҳор ўзингизни ундан совигандек ёки ранжигандек қилиб кўрсатманг. Асримизнинг буюк қондаси ёдингизда бўлсин: доим сиздан кутишаётган ишнинг тескарисини қилинг. Сиз ўзингизни унинг илтифотига эришганингиздан бир ҳафта аввал қандай бўлсангиз, худди шундай қилиб кўрсатинг.

— Эҳ, у пайтда мен мутлақо хотиржам эдим, — дея алам билан хитоб қилди Жюльен. — Ўзимча, унга ачинаман холос, дея ўйлардим.

— Парвонанинг қаноти шам алаңгасида қуяди, — дея унинг гапини бўлди князь, — дунё каби кўҳна ўхшатиш бу.

1. Сиз ҳар куни у билан учрашиб турасиз.

2. Сиз асилзода хонимлардан бирининг кўнглини овлай бошлайсиз, лекин бу ўринда сира ҳам эҳтирос намоён-этмайсиз, тушунарлими? Сиздан яшириб ўтирмайман, жуда қийин ролни ижро этмогингизга тўғри келади, сиз устмонлик қилмогингиз лозим, лекин найрангии сезиб қолишса: тамом бўлдим деяверинг.

— У жуда ақлли, мен эса ғирт аҳмоқман. Демак ишим чатоқ, — деди сўниқ товуш билан Жюльен.

— Йўқ, фақат сиз, чамаси, мен ўйлаганимдан ҳам кўпроқ ошиқ бўлиб қолганга ўхшайсиз. Де Дюбуа хоним, тақдир жуда олий насаб ёки саноқсиз бойлик ато этган барча аёллар каби, фақат ўз шахсиятини ўйласа керак. У сизга эмас, ўзига кўпроқ эътибор беради, бинобарин, у сизни билмайди. Дилида севги жўш урган ўша икки-уч висол дамларида у ўз хаёлотига зўр бериб, сизнинг тимсолингизда асл ҳолингизни эмас, балки ўзи ўйлаб чиқарган қахрамонни кўрган.

Эҳ, жин урсин! Бунинг турган-битгани алифбо-ку, азизим Сорель, сиз мактаб боласи эмассиз-ку ахир!..

Гап бундай! Қани, манови магазинга қирайлик-чи, мана сизга ажойиб қора галстук, уни Берлингтон-стритдаги Жон Андерсоннинг ўзи тиккан, деб ўйлаш мумкин. Марҳамат қилиб, уни тақиб олинг-да, бўйнингизда осилиб турган анови бедаво қора арқонни ташлаб юборинг.

— Хўш, айтинг-чи, — дея давом этди князь Страсбургнинг олди зарбофчисининг магазинидан чиқишар экан, — қандай жамиятда аралашиб юради ўша де Дюбуа хоним? Ё худойим! Шунақаям исм бўладими! Жаҳлингиз чиқмасин, азизим Сорель, чин сўзим, шунчаки оғзимдан чиқиб кетди... Хўш, кимнинг кўнглини овлайсиз?

— Жуда одобли бир аёл бор. Унинг отаси пайпоқ фабрикасининг эгаси, ниҳоятда бадавлат одам бўлган. Бу хонимнинг кўзлари жуда ажойиб, бунақасини сира кўрган эмасман, менга жуда ёқади бу кўзлар. У шахарнинг олди аёли ҳисобланади. Лекин барча бу устунликларига қарамай, агар олдида тижорат ва дўконлар ҳақида сўз очишса, хоним хижолат тортиб, қизариб кетади. Бахтга қарши унинг отаси Страсбургнинг машҳур савдогарларидан бири бўлган экан.

— Демак, — кула-кула унинг гапини илиб кетди князь, — агар фириб бериш ҳақида сўз очишса, ўша жонопингиз сиз тўғрингизда эмас, ўзи ҳақида гапиришяпти, деб ўйлайди. Унинг бу тентаклиги жуда ажойиб ва сиз учун го-ят фойдали: у сизга хонимнинг оху кўзларини кўргангизда эс-ҳушингизни йўқотмаслигингизга имкон беради. Муваффақиятга эришувингиз муқаррар.

Жюльен де ля Моллар хонадонига тез-тез келиб турадиган маршалнинг беваси де Фервак хонимни назарда тутган эди. Бу чет эллик гўзал хоним маршалга унинг ўлиmidан бир йил олдин турмушга чиққан эди. Чамаси, унинг бутун умри бир мақсадга: ўзининг фабрика эгасининг қизи эканлигини барчанинг хотирасидан ўчиршига бағишлангандек эди, Парижда обрў ерттирмақ учун эса, у эзгулик тараф-

дери бўлган хотинларга бошчилик қилмоққа жазм этганди.

Жюльен князга сидқидилдан қойил қолганди: унинг барча бу тентақликларига эга бўлмоқ учун у ҳеч нимани аямаган бўларди! Икки дўстнинг суҳбати жуда чўзилиб кетди. Коразовнинг боши осмонда эди, ҳали биронта ҳам француз унинг сўзларини бу қадар узоқ тингламаган эди. «Мана, ниҳоят, мақсадимга ҳам эришдим, — дея тантана қиларди ўзича князь, — менинг устозларим гапимга қулоқ солишяпти ва мендан ақл ўрганишяпти».

— Демак, сиз билан келишиб олдик, — дея такрорларди у Жюльенга ўнинчи марта. — Де Дюбуа хонимнинг олдида ўша пайпоқ фабрикасининг қизи бўлмиш фаришта билан гаплашаётганингизда эҳтиросдан асар ҳам кўрсатмайсиз. Хатларда эса, аксинча, оташин эҳтирос намойиш этинг. Қотириб ёзилган ишқий мактубни ўқиш — тегма нозик хонимга беқиёс лаззат бағишлайди, бундай мактубни ўқиётганида у ҳузур қилиб дам олади. Бу ўринда устомонлик қилишингизга ҳожат қолмайди, энди у ўз қалбига қулоқ солиши мумкин. Шундай қилиб, унга ҳар куни иккитадан мактуб йўлланг.

— Йўғ-е, зинҳор ундай қилолмайман! — дея хитоб қилди капалаги учиб Жюльен. — Ундан кўра мени ўғирга солиб янчинлар, мен икки сатр жумлани ҳам иншо этолмайман, мутлақо мурдаман, азизим, қўлимдан ҳеч нима келмайди. Майли мени шу ерда ташлаб кета қолинг, шундоқ йўл четига ётаману жон узавераман.

— Қандайдир жумла иншо этасиз, деб сизга ким айтди? Менинг сафар сандигимда олти том ишқий мактублар ётибди. Ҳамма туридан, ҳар қандай аёл характерига мос келадиганидан бор. Эзгулик тарафдори учун ҳам топилади! Мана дўстим Калисский Лондондан ўн уч чақирим наридаги Ричмонд-Террасда бутун Англиядаги энг гўзал квакер хонимга хушомад қилиб юрган эди.

Жюльен дўсти билан тун соат иккида хайрлашар экан, ўзини энди у қадар бахтсиз ҳис этмасди.

Эртаси куни князь уйига котибни таклиф қилди, икки кундан кейин эса Жюльен ҳафсала билан номерланган ҳамда энг юксак ва энг зерикарли эзгулик устидан ғалаба қозонишга мўлжалланган эллик учта ишқий мактубга эга бўлди.

— Эллик тўртинчи мактуб йўқ, — деди князь, — зеро Калисскийни яхши гап билан қувиб юборишибди. Лекин сизга бари бир эмасми, охир-оқибатда пайпоқ фабрикантининг қизи сизни ҳам ҳайдаб юборса нима қилибди? Сиз

ахир фақат де Дюбуа хонимнинг юрагига таъсир ўтказмоқчисииз-ку.

Улар ҳар куни от миниб, бирга сайр қилишарди. Князь Жюльенни жуда яхши кўриб қолди. Унга дафъатан кўйиб қолган меҳрини қандай изҳор қилишни билмай юрган князь охири йигитга бадавлат меросхўр бўлмиш ўз холаваччаларидан бирига уйланишни таклиф қилди.

— Унга уйланганингиздан кейин эса, менинг таъсиригим ва манови орденингиз ёрдамида сиз икки йилдан сўнг полковник бўлиб оласиз.

— Лекин бу крест билан мени Наполеон мукофотлаган эмас-ку, бунинг йўриғи бошқа.

— Нима фарқи бор? — дея жавоб қилди князь. — Уни Наполеон таъсис этган-ку, у бари бир Европада энг олий орден ҳисобланади.

Жюльен унинг таклифига деярли рози бўлиб қўйган эди-ю, лекин бурчи олий ҳазратнинг олдига боришни тақозо этарди; Коразов билан хайрлашар экан, у дўстига хат ёзишни ваъда қилди. У ўзи келтирган махфий нотага жавоб олди-да, Париж томон елиб кетди, бироқ икки кўнгина ёлғиз ўзи қолиши биланоқ Франция ва Матильдани тарк этиш Жюльенга жуда катта мусибат бўладигандек туюлди. «Йўқ, мен Коразов таклиф қилаётган ўша миллионларга уйланмайман, — дея қарор қилди у. — Лекин берган маслаҳатидан фойдаланаман.

Ахир кўнгилни овлаш санъати — унинг касби-ку. Ма-на, ўн беш йилдирки, у бирор бошқа иш билан қизиқмайди, — ҳозир у ўттиз ёшда-ку ахир. Уни ақли наст деб бўлмайди: у қув ва эпчил одам. Жўшқинлик, поэзия бундай характерга тўғри келмайди, унинг руҳи прокурорникига ўхшайди. У ҳолда янаям яхши, у тўғри мулоҳаза юритяпти, дея ўйлашга асос кўпроқ бўлади.

Ҳа, худди шундай қилиш керак: де Фервак хонимга ҳушомад қиламан.

Тўғри, сал зерикарлироқ бўлса керак, лекин мен унинг ажойиб кўзларига тикилиб юраман, бу кўзлар мени дунёда ҳаммадан кўпроқ севган ўша кўзларга жуда ҳам ўхшаб кетади.

У чет эллик аёл, демак, ўрганмоқ учун янги характер бўлади.

Мен эс-ҳушимдан ажраляпман, ҳалок бўляпман, шу боисдан ҳам ўша дўстона маслаҳатга риоя қилишим ва ўз қалбимга қулоқ солмаслигим керак».

Тақводорлик хизматида

Агар мен бундан ақл-идрок билан ва орқа-олдимга қараб лаззатланидиган бўлсам, у ҳолда мен учун бу лаззат бўлмай қолади.

Лопе де Вега

Парижга қайтиб, маркиз де ля Молга, чамаси, унинг ҳафсаласини жуда пир қилган жавоб мактубини топширгач, қаҳрамонимиз унинг хонасидан чиққан заҳоти граф Альтамиранинг олдига қараб югурди. Улим жазосига ҳукм қилиниш каби устунликдан ташқари бу ажойиб инсон жуда донишманд ва художўй ҳам эди; ана шу фазилатлари ва ундан ҳам кўра ўзининг олий насаби туфайли граф де Фервак хонимнинг дидига жуда мос тушар ва улар тез-тез учрашиб туришар эди.

Жюльен графга жуда жиддий қилиб ўзининг ошиқи беқарор бўлиб қолганини айтди.

— Учиндан ҳам жуда олиҳиммат, софдил ва қалби юксак аёл, — деди жавобан граф Альтамира, — лекин бир оз такаббурлиги бор, иезуитликка ҳам мойилроқ. Гоҳида мен у айтган ҳар бир сўзни жуда яхши тушунаман, аммо бутун жумланинг маъносини сира англай олмайман. У билан суҳбатлашаётганимда гоҳо, француз тилини одамлар айтганчалик яхши билмасам керак, дея ўйланиб қоламан. Бу дўстлик жамиятда сизнинг обрў-эътиборингизни оширади. Лекин, биласизми, юринг, яхшиси Бустоснинг олдига борамиз, — деди ҳар бир ишда изчил ва оқилона йўл тутитиши яхши кўрадиган граф Альтамира. — У бир вақтлар маршал бевасининг кўнглини овламоқчи бўлган эди.

Дон Диего Бустос худди ўз мижозининг даъволарини эшитаётган адвокат каби бир оғиз ҳам сўз айтмай, уларни ишнинг моҳиятини узоқ ва батафсил ҳикоя қилишга мажбур этди. Унинг башараси семириб кетган роҳибниқига ўхшарди-ю, лекин қоп-қора шоп мўйлови бор эди. У ўзини жуда маҳобатли тутарди, бироқ аслида ўзи ҳалол карбонарий эди.

— Тушунарли, — деди у ниҳоят Жюльенга. — Сиз, маршал беваси де Фервак хонимнинг бирон пайт ўйнаши бўл-

ганими ёки айўқми, дея сўрамоқчи эмисиз? Бинобарини Муваффақият қозонишга умид қилсангиз бўладими? Шу нарса қизиқтирартими сизни? Сизга шу нарсани айтиши мумкин: шахсан мен мағлубиятга учрадим. Энди, бу ҳол мени ортиқ ранжитмай қўйган бир пайтда унинг характери тўғрисида сизга шуни айтишим мумкин: хонимнинг кайфияти тез-тез бузилиб туради, бунинг устига у анча кек сақлайдиган одам. Бу хислати ҳақида ҳозир сизга ҳикоя қилиб берман.

— Одатда истеъдодли одамлар жуда серзарда бўлишади ва шу боисдан уларнинг барча ишлари кишига хиёл галлати туюлади. Мен хонимда бу хислатни сезмадим. Аксинча, худди шу голландларга хос вазминлиги ва совуққонлиги учун ҳам у шу қадар гўзал ва типик кўринади. Испанияликнинг ўзини бундай оғир-вазмин тутиб, сусткашлик билан сўзлашадан Жюльеннинг зардаси қайнай бошлади, у тоқати тоқ бўлиб, бир неча бор қисқа-қисқа лўқма ташлаб, унинг гапини бўлди.

— Гапимни эшитишни истайсизми ўзи? — дея сўради ундан маҳобат билан дон Диего Бустос.

— *Fugia francese!*¹ учун мени кечиринг. Қулогим сизда, — деб жавоб қилди Жюльен.

— Де Фервак хоним бир ёмон кўриб қолса, нафратининг чеки бўлмайди. У умри бино бўлиб кўрмаган қандайдир адвокатлар, бечора шоирларни шафқатсизлик билан таъқиб этади. Анави қўшиқчи шоирлар бор-ку, Коллега ўхшаганлар, биласизми?

Севгидир касби корим...

Ишқ қуритди мадорим...

ва ҳоказо.

Шундан сўнг Жюльен ўша қўшиқни охиригача тинглашга мажбур бўлди. Испани тушмагур, чамаси, француз тилида қўшиқ айтишни жуда яхши кўрар экан.

Бу ажойиб қўшиқни шу пайтга қадар ҳали ҳеч ким бундай бетоқат бўлиб эшитмаган бўлса керак ўзи.

— Маршал беваеси, — деди дон Диего Бустос қўшиқни охиригача айтиб бўлгач, — шундай:

Қовоқхонада бўлибман ошиқ...

дея бошланадиган бир қўшиқ муаллифини хонавайрон қилди.

¹ Французча жўшқинлигим (исп.).

Жюльен, яна кўшиқ айтиб қолмаса гўрга эди, дея кўр-қиб кетди. Бирок дон Диего бу гал кўшиқнинг мазмунини батафсил таҳлил қилиш билан чекланиб қўя қолди. Чиндан ҳам бу кўшиқ жуда фосиқона ва одобсиз бир руҳда ёзилган эди.

— Маршал беваси менинг олдимда ўша кўшиққа нисбатан ўз газабини изҳор қила бошлаган эди, — деди дон Диего, — мен хонимга унинг тоифасидаги аёллар матбуотда босилиб чиқадиган ҳар хил бўлмагур гапларни ўқимасликлари керак, дея эътироз билдирдим. Тақво ва одоб қондаларини қанчалик қаттиққўллик билан ўрнатишмасин, Францияда қовоқхоналар учун шундай асарлар ёзилаверади. Де Фервак хоним ўша кўшиқ муаллифини — иш ҳақининг ярмини ўмариб қолишадиган бечора бир ялангоёқ шоирни бир минг саккиз юз франк маош оладиган ишидан қувдириб юборгач, мен хонимга шундай дедим: «Буёғига энди эҳтиёт бўлинг, сиз ўша бечора қофиябозга ўз қурбонигиз билан ҳужум қилдингиз, у эса сизга ўз қофиялари билан жавоб бериши мумкин — у тақводорлик тўғрисида биронта кўшиқ ёзади. Барча ҳашамдор меҳмонхоналар сизнинг тарафингизни олишади, бировнинг устидан кулишни яхши кўрадиган одамлар эса, ҳамма ёқда ана шу эпиграммани такрорлаб юришади». Ўшанда маршал бевасининг менга нима деб жавоб қилганини биласизми, тақсир? «Худо йўлида мени бутун Парижнинг кўз ўнгида қатъ этсалар ҳам майли — бу Францияда илгари сира кўрилмаган томоша бўларди. Шунда халқ юксак эзгуликни эъзозлашга ўрганарди. Бу менинг ҳаётимдаги энг ажойиб кун бўларди». Шу гапни айтаётганида унинг кўзларидаги ифодани ҳанузгача унута олмайман:

— Ҳа, унинг кўзлари жуда чиройли! — дея хитоб қилди Жюльен:

— Кўриб турибман, чиндан ҳам ошиқ бўлиб қолибсиз... Шундай қилиб, — дея яна маҳобат билан гап бошлади дон Диего Бустос, — у серзарда эмас, серзарда одамлар эса одатда кекчи бўлишади. Унинг одамларга ёмонлик қилишининг боиси ўзининг бахтсиз эканлигидан бўлса керак. Мен унинг қандайдир пинҳона қайғуси бор, деб гумон қиламан. Эҳтимол, ҳамма гап ўзини тақводор қилиб кўрсатиш ўлгудек жонига текканидадир.

Испаниялик жимиб қолди-да, бир минутча оғиз очмай, Жюльенга тикилиб турди.

— Бутун гап ана шунда, — виқор билан қўшимча қилди у. — Худди шу боисдан ҳам сиз хиёл умид қилсангиз бў-

лади. У кишининг кўнгилларини овламоққа уриниб юрган ана ўша икки йил давомида мен бу тўғрида жуда кўп уйлдим. Сизнинг бутун келажагингиз, жаноби ошиқ, тамоман ана шу буюк сирга боғлиқ: хўш, ўз зиммасига олган ролдан чарчаган ва бахтсизлиги туфайли доим дарғазаб бўлиб юрган мунофиқ эмасмикин бу хоним?

— Еки, эхтимол, — дея, ниҳоят, гапга аралашди келганидан буён бир оғиз ҳам сўз айтмай сукут сақлаб ўтирган граф Альтамира, — бу мен йигирма марта сенга айтган ўша эски гапдир: шунчаки у ҳам французча шухратпарастлик касалига мубтало бўлгандир, ўша бадном мовутфуруш отаси ҳақидаги хотиралар уни таъқиб этаётгандир. Худди ана шу нарса унга азоб беряпти. Унинг ўзи эса табиатан совуққон ва одамови. У фақат Толедога борса-ю, ҳар куни унга жаҳаннамнинг даҳшатли манзараларини тасвирлаб, азоб берадиган биронта руҳонийнинг қўлига тушиб қолсагина бахтиёр бўлиши мумкин.

Жюльен кетай деб турганида дон Диего янада маҳобатлироқ кўринишга ҳаракат қилиб деди:

— Альтамира менга айтди, сиз ўзимизнинг одамлардан экансиз. Бир кун келиб сиз озодликка эришувимизда бизга ёрдам берасиз, шу боисдан ҳам мен сизнинг ана шу ишингизга кўмаклашмоқчиман. Маршал бевасининг услуби билан танишиб қўйсангиз ёмон бўлмайди. Мана унинг ўз қўли билан ёзган тўртта мактуби.

— Мен уларни кўчириб оламан-да, — дея хитоб қилди Жюльен, — кейин ўзингизга келтириб бераман.

— Бу ерда гаплашган гапларимизни ҳеч қачон ва ҳеч кимга айтмайсиз-а?

— Ҳеч кимга айтмайман, виждоним ҳаққи! — дея қичқирди Жюльен.

Бу гаплардан қахрамонимизнинг хиёл кўнгли очилди ва унинг лабларида сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлди. «Мана сизга тақводор Альтамира, у менга фосиқлик қилишда ёрдамлашмоқчи бўлиб юрибди!» — деди у ўзига ўзи.

Дон Диего Бустос билан бўлган ана шу ниҳоятда муҳим суҳбат чоғи Жюльен муттасил д'Алигр саройи минорасидаги соатнинг занг уришига қудоқ солиб ўтирди.

Тушлик пайти яқинлашмоқда эди, у ҳозир Матильдани кўради. Уйга қайтгач, у ҳафсала билан қайта кийинди.

«Мана менинг биринчи тентаклигим, — деди у ўзига ўзи зинадан пастга тушаётган пайти, — князнинг курсатмаларига оғишмай амал қилмоқ керак».

Шупдан сўнг у ўз хонасига қайтиб, энг оддий сафар костюмини кийиб олди.

«Энди, — дея хаёлидан ўтказди у, — дилимдаги гапларни кўзимдан сездириб қўймасам бўлгани». Соат эндигина беш ярим бўлган эди, тушликни эса олтида қилишарди. У меҳмонхонага кирди, у ерда ҳеч ким йўқ экан. Зангори диванни кўриб, Жюльен унинг олдига тиз чўкди-да, одатда Матильда қўлини қўйиб ўтирадиган жойга лабини босди, йигитнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. «Бирор йўлини топиб, бу аҳмоқона ҳиссиётга чек қўйишим керак, — деди у ўзига-узи ғазаб билан. — У мени ошкор этади ахир». Йигит хўжақўрсин учун қўлига газета олди-да, бир неча бор боққа чиқиб, яна меҳмонхонага қайтиб кириб юрди.

Сўнгра, ҳеч кимга сездирмай, катта эман ортига яширинди ва бутун вужуди қалт-қалт титраганича, ниҳоят, м-ль де ля Моль деразасига қарашга журъат этди. Дераза қопқаси тақа-тақ берк эди, ҳушидан кетиб йиқилишига оз қолган Жюльен анчагача эманга суяниб турди-да, сўнгра мадори қочган оёқларини аранг босиб, боғбоннинг нарвоинини кўргани борди.

Бир вақтлар унинг ўзи кериб очган занжир ҳалқаси, — хайҳот, у пайтларда ҳаммаси нақадар бошқача эди-я! — ҳамон ўшандай очик турарди. Эс-ҳушини деярли йўқотган Жюльен ҳалқани лабига босди.

Меҳмонхона билан боғ ўртасида ана шундай узоқ танда қўйиб юрганидан сўнг Жюльен ўзини ниҳоятда ҳорғин ҳис этди, йигит шу ҳолатга эришганидан жуда хурсанд бўлиб кетди. «Ана энди нигоҳим сўник кўринади ва мен ўзимни ошкор қилиб қўйишдан чўчимасам ҳам бўлади!» Аста-секин ҳамма меҳмонхонага тўплана бошлади: ҳар гал эшик очилганида Жюльеннинг юраги орзиқиб, орқасига тортиб кетарди.

Стол ёнига ўтиришди. Ниҳоят м-ль де ля Моль ҳам пайдо бўлди, у ўзини куттириш оdatига биноан ҳаммадан кейин келди. Ёз Жюльенни кўрди-ю, қип-қизариб кетди, йигитнинг сафардан қайтгани ҳақида унга ҳеч ким бир оғиз ҳам сўз айтмаган эди. Жюльен Коразовнинг маслаҳатини эслаб, унинг қўлларига қаради: Матильданинг қўллари титрамоқда эди. Йигит қаттиқ хаяжонга тушди, ҳорғин кўринаётганидан ичида яна бир бор қувониб қўйди.

Жаноб де ля Моль Жюльенни мақтаб узоқ гапирди, шундан сўнг маркиза унга мурожаат қилиб, йигитнинг ҳорғин кўриниши ҳақида қандайдир жуда илтифотли сўзлар айтишни лозим топди. Жюльен секунд сайин ўзига-ўзи: «Мен мадемуазель де ля Молга кўп қарайвермаслигим,

лекин шу билан бирга ундан кўзимни олиб қочмаслигим ҳам керак. Мен бошимга кулфат тушган ўша кундан бир ҳафта олдин қандай бўлсам, худди шундай кўринмоғим даркор...» — дея такрорларди. Хуллас, у ўз хатти-ҳаракатидан мамнун бўлиб, меҳмонхонада қолди. У биринчи марта уй бекасига илтифот этиб, унинг меҳмонларини қўлидан келганича гапга солишга ҳаракат қилди.

Унинг бу назокати муносиб тақдирланди: соат саккизларга яқин маршал беваси де Фервак хонимнинг келгани ҳақида хабар қилишди. Жюльен шу заҳоти ўз хонасига чиқди-да, ҳафсала билан қайта кийиниб тушди. Бундай диққат-эътибори учун йигитдан жуда миннатдор бўлган де ля Моль хоним ундан хурсанд эканлигини кўрсатиб қўйиш мақсадида де Фервак хонимга Жюльеннинг саёҳати тўғрисида ҳикоя қила бошлади. Йигит маршал бевасининг ёнига ўтирди. Лекин у шундай жойлашдики, кўзлари Матильдага кўринмай қолди. Санъатнинг барча қоидаларига биноан шундай жойлашиб олгач, у ҳайрат ва завқ тўла кўзларини де Фервак хонимга маъноли тикди. Князь Коразов унга совға қилган эллик уч мактубнинг биринчиси худди ана шу туйғу тўғрисидаги сафсата билан бошланарди.

Де Фервак хоним Опера Буффга бормоқчи эканини айтди. Жюльен дарҳол ўша ёққа жўнади. У ерда йигит жаноб де Бовуазига дуч келиб қолган эди, кавалер уни сарой аҳли ложасига киритиб қўйди. Бу ложа де Фервак хоним ложасининг шундоқ ёнгинасида эди. Жюльен ундан кўзини узмай ўтирди. «Кундалик тутиб, бу қамал тафсилотларини ёзиб бормоғим керак,— дея қарор қилди у уйга қайтар экан,— акс ҳолда барча маневрларимни унутиб қўяман». У ўзини зўрлаб, бу зерикарли мавзуда уч-тўрт бет қоғоз қоралар экан, мўъжиза содир бўлиб, м-ль де ля Моль ҳақида бирон марта ҳам эсламади.

Жюльен сафарда юрар экан, Матильда уни деярли унутиб қўйган эди. «Ўйлаб кўрсам, у мутлақо оддий бир одам экан,— дея қарор қилди қиз.— Унинг исми менга умрбод ўзимни қандай иснодга қўйганимни эслатиб юради. Барча риоя қиладиган андиша ва номус қоидаларини ўзимга виждонан сингдириб олмоғим керак: бу қоидаларни унутган аёл ҳамма нарсадан мосуво бўлиши мумкин». У маркиз де Круазнуа билан анчадан буён тайёрланиб келаётган никоҳ битимини, ниҳоят, ҳал бўлди деб ҳисоблаш мумкинлигига шама қилди. Жаноб де Круазнуанинг боши осмонда эди. Агар маркизга Матильданинг унга нисбатан муносабатининг бундай ўзгаришига қизнинг лоқайдлик билан тақдирга тан бериши сабаб бўлганини айтишганида эди, у

ниҳоятда ажабланган бўларди. Холбуки у қизнинг бу янгича муносабатидан жуда фахрланиб юрган эди.

Бироқ м-ль де ля Моль Жюльенни кўрган заҳоти бутуниятлари бир зумда ўзгарди қолди. «Ахир у рости билан ҳам менинг эрим-ку, — деди у ўзига ўзи. — Агар мен чиндан ҳам ақл-идрок билан иш тутиб, эзгу йўл тутмоқчи бўлсам, у ҳолда, турган гап, фақат Жюльенгагина турмушга чиқишим керак».

У олдинданок, йигит ўзини бахтсиз кўрсатиб, турли дил сўзлари билан безор қилса керак, дея кутар ва унга нима деб жавоб бериши ҳақида ўйлар эди. Зеро, унинг назарида, улар стол ёнидан туришлари биланок Жюльен у билан сўзлашмоққа ҳаракат қилиши аниқ эди. Бироқ йигит у билан сўзлашишга ҳаракат қилиш у ёқда турсин, аксинча, меҳмонхонада хотиржам ўтираверди ва ҳатто боғ томон бирон марта ўгирилиб қарамади — бунга у қандай қийинчилик билан эришгани ёлғиз худога маълум! «У билан бошиданок очикчасига гаплашиб олганим маъкул», — дея қарор қилди м-ль де ля Моль ва ёлғиз ўзи боққа чикди. Аммо Жюльендан дарак бўлмади. Матильда меҳмонхонанинг катта ойнабанд эшиги ёнидан ўта туриб, унинг де Фервак хонимга Рейннинг тоғли соҳилларида тез-тез учраб турадиган ва у ерларга ўзига хос гўзаллик бахш этадиган кўҳна қасрларнинг харобалари тўғрисида шавқ балан ҳикоя қидаётганини кўриб қолди. Йигит энди баъзи салонларда ақллилик нишонаси ҳисобланадиган бу сентиментал ва жимжимадор нутқ санъатини маълум қадар эгаллаб олган эди.

Агар князь Коразов Парижда бўлганида эди, у сўзсиз фахрланса арзирди: бу кеча ҳамма воқеалар худди у башорат қилгандек содир бўлмоқда эди.

Эртаси куни ҳам, ундан кейинги кунларда ҳам у Жюльеннинг ҳатти-ҳаракатини албатта маъқуллаган бўларди.

Сирли гуруҳ аъзолари олиб бораётган сиёсий ўйин натижасида бу тўда бир неча зангори лентани тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлди: де Фервак хоним, орденлардан бири отамнинг амакисига берилиши керак, дея талаб қилмоқда эди. Маркиз де ля Моль эса худди шуни қайнатаси учун даъво қиларди, улар шу мақсадда биргалашиб ҳаракат қидаётганлари сабабли маршал беваси де ля Моль саройига деярли ҳар куни ташриф буюриб турарди. Маркиз ҳадемай миңистр этиб тайинланиши ҳақида Жюльен худди ана шу хонимдан билиб олди: жаноб де ля Моль гуруҳга Хартияни қандайдир қилин-уч йил ичида ва ҳеч қандай тўс-тўполонсиз бутунлай йўқ қидашнинг моҳирона режасини таклиф қилибди.

Жаноб де ля Моль министр бўлиб олган тақдирда эса, Жюльен вақти келиб епископлик даражасига кўтарилишини умид қилса бўларди, бироқ энди барча бу орзу-истаклар унинг учун қандайдир парда ортига яширингандек бўлиб қолганди. Мабодо у гоҳида бу орзуларни элаган тақдирда ҳам улар йигитнинг кўз ўнгида қандайдир мавҳум ва йироқ бир хаёл сифатида гавдаланарди. Уни савдойи қилиб қўйган бу машъум муҳаббат йигитнинг барча ҳаётий қизиқишларини ўзгартириб юборган эди: у энди нима ҳақида ўйламасин, ҳаммаси келажакда унинг м-ль де ля Моль бичан муносабати қандай бўлишига боғлиқ бўлиб қолганди. Йигит беш-олти йил ана шундай зўр бериб ҳаракат қилиш натижасида қизнинг муҳаббатини такрор қозонишга умид қиларди.

Ниҳоятда совуққон ва сергак бўлган бу йигит, кўриб турибмизки, гирт телбалик ҳолига тушибди. Бир вақтлар унинг кўзга яққол ташланадиган фазилатларидан энди фақат саботгина қолибди. Сиртдан қараганда, у ўз хатти-ҳаракатида князь Коразов тузиб берган режага оғишмай амал қиларди; ҳар куни кечқурун у де Фервак хонимнинг креслоси ёнига бориб ўтирарди, бироқ энди унинг бир оғиз сўз айтишга мажоли йўқ эди.

Йигитнинг Матильдага ўзини дилидаги муҳаббатидан фориғ бўлгандек қилиб кўрсатишга зўр бериб уриниши, унинг силласини қуритмоқда эди. У маршал беваси ёнида мутлақо жонсиз бўлиб ўтирар, ҳатто кўзларида ҳам, жисми қаттиқ азоб чекаётган одамники каби, барча ифодалар сўниб қолгандек туюларди.

Дунёқараш бобида уни герцогиня даражасига кўтариши мумкин бўлган эри айтган ҳар бир сўзни айнан такрорлайдиган де ля Моль хоним, мана, бир неча кундирки, Жюльеннинг беқиёс фазилатларини кўкларга кўтариб мақтаб юрарди.

Савобли муҳаббат

There also was of course in Adeline
 That calm patrician polish in the address,
 Which ne'er can pass the equinoctial line
 Of any thing, which Nature would express:
 Just as a Mandarin finds nothing fine,
 At least his manner suffers not to guess
 That any thing he views can greatly please.

Dop giap, c. Xiii, st. 34.¹

«Бу оиладагиларнинг ҳаммаси қандайдир ховлиқиб фикр юритишади,— дея ўйларди маршалнинг беваси.— Мана энди улар манови аббатчаларига шайдо бўлиб юришибди. Йигитча эса кўзларини сизга тикиб гапингизга қулоқ солишдан бошқасини билмайди. Лекин кўзлари анча чиройли қурмағурнинг».

Жюльен эса ўз навбатида де Фервак хонимнинг муомаласида бекам-қўст назокат ва ҳар қандай кучли ҳис-туйғудан бутунлай маҳрумлик сифатида намоён бўладиган *асилзодаларга хос вазминлик* намунасини кўрарди. Дафъатан қилинган биронта кескин ҳаракат, ўзини тута билмаслик худди ўзига тобе одамларга енгил муомала қилиш каби де Фервак хонимни доим хижолатга соларди. Ҳиссиётга бери-

¹ Аделинада бешак такаббурлик бор эди, Ҳар бир муомалада кибру ҳаво ҳукмрон. У гурур, кибру ҳаво ҳисларини жиловларди, Туйғуларни эркига қўймас эди ҳеч қачон, Ҳисларни бўш қўймоқ-чи — жиноятдай бўларди. Худди шундоқ, нафратли, парво ҳам қилмай, боён Ўзидан кетганича қотиб турар нурвиқор.

лиш унинг назарида *маънавий носоғлик* каби бир нарса эдики, бундай хислатдан инсон уялмоғи дозим бўларди, зеро бу нарса олий табақага мансуб бўлган кишининг шаънига сира ҳам ярашмас эди. У энг яхши кўрадиган нарса қиролнинг сўнгги шикори ҳақида суҳбат қуриш бўлиб, сеvimли китоби эса, «Сен-Симоннинг мемуарлари» эди. Хоним айниқса бу китобнинг шажара қисмини яхши кўрарди.

Меҳмонхонада де Фервак хонимнинг сеvimли жойи бор эди, зеро у ернинг ёруғи хонимнинг ҳуснини янада бўрттириб кўрсатарди. Жюльен буни билар ва шу боисдан ҳам олдинданок ўша ерга бориб, ўрнашиб оларди. Лекин у доим стулни Матильдага кўринмайдиган қилиб ўтиришга ҳаракат қиларди. Йигитнинг ўжарлик билан ундан ўзини олиб қочишидан хайратга тушган қиз шундай ажойиб кечалардан бирида зангори диванни тарк этди-да, кўлида тикаётган каштаси билан маршал беваси креслоси олдида турган муъжазгина стол ёнига келиб ўтирди. Жюльен энди уни яқиндан, де Фервак хоним шляпаси соябонининг шундоққина тагидан кўриб турарди. У ўз тақдирининг ҳукмдори бўлиб қолган бу кўзларни кутилмаганда шундай яқиндан кўриб, аввалига қўрқиб кетди, кейин эса бирдан бутун лоқайдлиги ғойиб бўлиб, сўзлай бошлади, сўзлаганда ҳам жуда яхши сўзлади.

У фақат де Фервак хонимга қараб сўзларди-ю, бироқ мақсади Матильданинг қалбига таъсир қилиш эди. Йигит шу қадар берилиб кетдики, де Фервак хоним унинг нималар ҳақида гапираётганини мутлақо тушунмай қолди.

Бу ажойиб муваффақият эди. Агар Жюльен нутқини немисларга хос мистик, юксак диний ва цезуитларча руҳдаги бир неча ибора билан яқунлашнинг фаҳмига борганида эди, де Фервак хоним, чамаси, уни дарҳол асрни тубдан ўзгартирувчи буюк кишилар сафига қўшиб қўйган бўларди.

«Майли, агар у де Фервак хоним билан шундай берилиб суҳбат қуриш даражасида бефарқ экан, — дея ўзига тасалли бермоқчи бўларди м-ль де ля Моль, — у ҳолда унинг гапларига ортиқ қулоқ солиб ўтирмайман». У чиндан ҳам кечанинг охиригача ўз сўзида турди, бироқ бунга у осонликча эришмади.

Ярим кечада қиз кўлида шамдон билан онасини ётоқ бўлмасига кузатиб қўяр экан, де ля Моль хоним зинапоёда тўхтаб, Жюльенни мақтай бошлади, Бу гапдан Матильданинг янада кўпроқ зардаси қайнади ва у туни билан ухлаёлмади чикди. У фақат бир нарсани ўйлаб таскин топарди:

«Мен нафратланадиган хислатлар маршал бевасига фазилат бўлиб кўринади, албатта. У Жюльенни жуда ажойиб йигит деб ҳисоблаётган бўлса керак».

Жюльеннинг ўзига келсак, у ҳаракатсизлик ҳолатидан кутулган бўлиб, энди ўзини унчалик бахтсиз ҳис этмасди, унинг кўзи тасодифан рус чармидан ишланган ва князь Коразов эллик уч дона ишқий мактубга қўшиб совға қилган кармонга тушиб қолди. Йигит биринчи мактубни очди-ю, унинг охирида: «Биринчи мактуб биринчи учрашувдан сўнг орадан бир ҳафта ўтгач юборилади», деган иловани ўқиди.

«Ана холос, кечикибман-ку! — дея хитоб қилди Жюльен, — де Фервак хоним билан учраша бошлаганимга анча бўлди-ку ахир». У дарҳол ўша ишқий мактубни кўчириб ёза бошлади, бу эзгулик тўғрисидаги ҳар хил баланд-парвоз сўзлар қалаштириб ташланган ваъзгўйликнинг худди ўзгинаси эди, уни ўқиган одам зерикиб ўлиши мумкин эди. Жюльеннинг омади бор экан, у иккинчи саҳифани кўчира туриб, ухлаб қолди.

Бир печа соатдан сўнг у кўзига тушган қуёш нуридан уйғониб кетди, маълум бўлишича, у туни билан шундай стол ёнида ўтириб чиқибди. Энди унинг учун ҳаётдаги энг машаққатли нарса уйғониш дақиқаси бўлиб қолган эди, зеро йигит кўзини очиши биланоқ ўз бахтсизлигини эсларди. Бу тоғда эса хатни кўчириб тугатар экан, у деярли жилмайиб ўтирди. «Наҳотки, — дерди у ўзига-ўзи, — дунёда чиндан ҳам шундай гапларни ёзишга қодир бўлган биронта йигит топилса!» Мактуб охирида у қалам билан ёзилган шундай иловани ўқиди:

«Бу мактубларни ҳаворанг камзул кийиб, қора галстук тақиб, шахсан отда элтиб бермоқ лозим. Мактуб швейцарга топширилади, бу пайтда ғамзада кўриниш керак, — кўзларида чексиз маъносизлик ифода этилмоғи лозим. Агар оқсоч қиз учраб қолгудек бўлса, гўё сездирмай кўздан бир томчи ёшни артиб олган киши бўлиб кўриниш керак. Оқсоч қизга бир-икки оғиз ширин сўз айтилади».

Жюльен бу талабларга қатъиян амал қилди.

«Мен анча сурбетлик қиляпман, — дея ҳаёлидан ўтказди у де Фервак саройидан чиқиб келар экан, — лекин Коразов ўзидан кўрсин. Ўз тақвоси билан шуҳрат қозонган шундай хонимга мактуб йўллашнинг ўзи бўладими! Энди у мени қандай нафрат билан қарши олишини тасаввур қилман! Роса томоша бўлади-да ўзиям! Чамаси, фақат шу комедиягина кўнглимни бир оз очса керак. Ҳа, «мен» дея аталмиш мана шу маифур пуххани яхшилаб сазойи қилиш

керак. Елгиз шу насагина менинг вақтимни хуш қилса керак. Агар ўзимни жиноят қилишга қодир деб хис этганимда бир оз кўнгил очиш учун ҳам ўша жиноятни қилган бўлардим».

Бутун шу ой давомида Жюльен фақат отини отхонага олиб кираётган дақиқалардагина ўзини бир оз бахтли хис этарди. Коразов унга ўзидан юз ўгирган махбубасига қарашни қатъиян тақиқлаб қўйган эди, бу ўринда ҳеч қандай баҳона инobatга олинмасди. Отнинг таниш дупур-дупури, Жюльеннинг отбоқарни чақириш учун отхона дарвозасини қамчи билан тақиллатиш одати туфайли Матильда баъзан парда ортидан ҳовлига қараш учун беихтиёр дераза ёнига келарди. Парда жуда юққа бўлиб, Жюльен унинг ортидаги қизни яққол кўриб турарди. У шляпаси соябони остидан сездирмай Матильдага қарар экан, қизнинг қоматини кўрарди-ю, бироқ кўзларини илғай олмасди. «Шундай экан, у ҳам менинг кўзларимни кўра олмайди, — дея мулоҳаза юритарди йигит. — Демак, бу қараганим ҳисобга кирмайди».

Кечқурун де Фервак хоним унга, худди эрталаб Жюльен жуда маънос бир киёфада унинг швейцарига топширган ўша фалсафий-мистик ва диний трактатини олиб ўқимагадек муомала қилди. Бир кун илгари Жюльен тасодифан сухандонлик қилиш йўлини топган эди: бу гал у атайлаб Матильданинг кўзлари кўриниб турадиган жойга ўтирди. Матильда ҳам маршал беваси пайдо бўлиши биланоқ зангори дивани тарк этди, бошқача қилиб айтганда, ўз тўғарагига хиёнат қилди. Жаноб де Круазнуа, чамаси, унинг бу янги инжиқлигидан гоё ташвишга тушиб қолган эди: унинг бундай очикдан-очик ранжиши Жюльеннинг дилидаги изтиробни бир оз юмшатгандек бўлди.

Бу кутилмаган қувончдан унинг сухандонлик санъати чиндан ҳам жуда юксак чўққиларга кўтарилаб кетди. Шухратпарастлик ҳар қандай юракка, ҳатто букилмас тақводорлик макони бўлмиш қалбларга ҳам осонгина кириб боради. Шу боисдан ҳам маршал беваси каретасига ўтирар экан, шундай қарорга келди: «Йўқ, де ля Мошь хоним рост гапни айтибди: бу навқирон аббати тушмагур чиндан ҳам ажойиб одам экан. Чамаси, у аввалига мендан уялиб юрган бўлса керак. Ахир бу уйда кимга қараманг, ҳаммасида қандайдир енгилтаклик нишонасини кўрасиз, бу ерга келиб турадиган тақводор зотларнинг ҳаммаси тақвосини ёши ўтганда орттирган, улар фақат кексаликлари туфайлигина ўзларини шундай вазмин туттишади. Йигитча сўзсиз бу фарқни тушуниб қолган. Унинг услуги дуруст-

гина экан, лекин мен унинг бу мактубидаги маслаҳат сўраб, тўғри йўлга солишни илтимос қилишида ўзи ҳам англаб етмаган қандайдир туйғу яширинмаганмикин, дея чўчияпман.

Ундай десам, одамни тўғри йўлга солиш худди шундай бошланишига мисоллар озмунчами. Мени айниқса умидвор қилаётган нарса — бу бошқа йигитлар менга ёзган хатлар билан у ёзган мактуб услуби ўртасидаги фарқ бўляпти. Бу руҳоний йигитнинг мактубидаги юксак меҳр-оқибат, сямимий жиддият ва чуқур ишончга эътибор бермаслик мумкин эмас. Унда Массильонга хос мулойим эзгуликнинг қандайдир нишоналари кўринади».

XXVII

Энг яхши черков мансаблари

Хизматлар? Иқтидор? Фази-
лат? Ҳаммаси бўлмаган гап! Би-
ронта тўдага мансуб бўлмоқ ке-
рак.

Телемак

Вақти келиб француз черковининг энг юксак мартаба-
ларини тақсимлаш ҳуқуқига эга бўладиган бу аёлнинг он-
гида илк бор Жюльен ва епископлик унвони ҳақидаги ту-
шунчалар худди ана шу йўсинда уйғунлашиб пайдо бўлди.
Бироқ бу муваффақият Жюльенга мутлақо таъсир қилма-
ган бўларди: ҳозир у ўз қайғусидан бўлак ҳеч нима тўғри-
сида фикр юрита олмасди, атрофдаги ҳамма нарса эса унга
шу қайғусини эслатаётгандек, уни бўрттириб кўрсатаёт-
гандек туюларди; масалан, энди унга ўз хонаси ниҳоятда
хунук кўрина бошлади. Кечқурун у қўлида шам билан хо-
насига кириб борганида, у ердаги ҳар бир предмет, ҳар бир
нарса гўё товушини кўтариб, шафқатсизлик билан қай-
ғусининг бирор янги тафсилоти ҳақида қичқираётгандек
туюларди.

«Хўш, бугун мен яна мажбурий хизматни ўтайман, —
деди у ўз хонасига димоғи чоғ бўлиб кирар экан. Анчадан
бери унинг қайфияти бундай яхши бўлмаган эди. — Ик-
кинчи мактуб ҳам худди биринчисига ўхшаб зерикарли
бўлса керак, деб умид қиламиз».

Мактуб янада зерикарлироқ бўлиб чиқди. Ҳзи кўчириб ёзаётган гаплар унга шу қадар бемаъни бўлиб туюлардики, охирида йигит унинг мазмуни устида бош қотириб ўтирмай, беихтиёр сатрма-сатр кўчираверди.

«Бу гаплар шу қадар тумтароқли эканки, — дерди у ўзига-ўзи, — ҳатто Лондондаги дипломатия профессори менга кўчиртирган Мюнстер трактатининг расмий моддаларидан ҳам ўтиб тушаркан».

Фақат шундан кейингина у дафъатан де Фервак хонининг маҳобатли испан дон Диего Бустосга қайтариб беришни унутган ўша мактубларни эслади. Йигит уларни қидириб топди: очигини айтганда, улар бемаъни ва дабдабали гапларни қалаштириш бобида рус амалдори ёзган мактубларнинг худди ўзгинаси эди. Ҳаммаси мавҳум гаплар. Гўё бу гапларда ҳаммасини айтиш ва шу билан бирга ҳеч нима айтмасликка жазм этилгандек туюларди. «Услуги — Эоя арфаси¹нинг ўзгинаси, — дея хулоса қилди Жюльен. — Ҳлим ва охират ҳақидаги бу ўлғудай тумтароқли мулоҳазаларда мен кулгили бўлиб кўринишдан кўрқишдек аянчли фикрдан бўлак биронта жонли фикр кўрмаяпман».

Биз ҳозир қисқагина баён қилиб берган монолог икки ҳафта давомида муттасил такрорланиб турди. Биронта диний китобнинг таҳлилига ўхшаш мактубни кўчира туриб ухлаб қолиш, эртасига маънос бир қиёфада хатни элтиб бериш, ҳеч бўлмаса Матильданинг кўйлагини кўриш умидида отни етаклаб отхонага олиб бориш, ишлаш, агар де Фервак хошим де ля Моль хонадонига ташриф буюрмаса, кечқурунлари Операга равона бўлиш — Жюльеннинг ҳаёти ана шундай бир маромда кечмоқда эди. Де Фервак хоним маркизанинг ҳузурига келган найтлари бу ҳаёт бирмунча қизиқарлироқ ўтарди, ана шунда маршал беваси шляпасининг соябони остидан йигитга Матильданинг кўзлари кўриниб турар ва бундан унинг суҳандолиги кўзирди. Унинг жонли, ҳиссиётга тўла нутқи борган сайин таъсирлироқ ва шу билан бирга самимийроқ бўлиб борарди.

Жюльен ўзининг барча нутқлари Матильдаги бутунлай бемаъни гаплар бўлиб туюлаётганини жуда яхши тушунарди-ю, лекин қизни бу суҳандолигидаги назокат билан ҳайратга солишни истарди. «Айтаётган гапларимда муно-

¹ Қадимги грек афсоналарида шамол худоси бўлмиш Эолнинг арфаси шамолда поэтик садолар чиқариб, кишининг уйкусини келтирар экан (тарж.).

фикрлик қанча кўп бўлса, унга шунча кўпроқ ёқишим керак», — дея ўйларди Жюльен ва ниҳоятда дадиллик билан табиат гўзалликларини куйиртириб мақташга тутинарди. Тез орада у маршал бевасига чакана одам бўлиб кўринмаслик учун айниқса оддий ва бамаъни фикрларни баён қилишдан қочиш лозимлигини тушуниб қолди. Йигит шу йўсинда давом этаверди. Баъзан у ўзи ёқишга ҳаракат қилаётган бу икки хонимнинг кўзларидан унинг гапларини манзур кўришаётгани ёки лоқайд тинглашаётганига қараб, сухандонлигини хиёл қисқартирар эди.

«Хуллас, энди унинг ҳаёти вақтини бутунлай ҳаракатсиз ўтказган ўша изтиробли кунларга қараганда анча жонлироқ кечмоқда эди.

«Хўш, — деди у ўзига-ўзи бир кун кечқурун, — мана ўша жирканч диссертациялардан ўн бешинчисини ҳам кўчириб ёзганман. Олдинги ўн тўрттасини маршал бевасининг швейцарига ўз қўлим билан топширдим. Чамаси, хонимнинг ёзув столи тортмаларини шу хатлар билан тўлдириб юборган бўлсам керак ўзиям. У бўлса менга муносабатини сира ҳам ўзгартиргани йўқ, гўё мен ҳеч қачон унга хат ёзмагандек! Охири нима бўларқин, билмадим. Бу саркашлигим ўзимнинг меъдамга ургандек, унинг ҳам жонига тегмасмикин? Шунга тан олиш керакки, Коразовнинг ричмондлик ўша офатижон қвакер аёлни севиб қолган рус дўсти, чамаси, бир вақтлар жуда даҳшатли одам ўтган бўлса керак. Одам дегани ҳам шунақа мижгов бўладими ахир!»

Буюк саркарда ўтказаётган маневрларнинг ногаҳон шоҳиди бўлиб қолган ҳар қандай оддий одам каби Жюльен рус йигити димоғдор инглиз хонимнинг юрагидан уриш учун қилган бу хужумида ҳеч балони тушунмай қолган эди. Дастлабки қирқ мактубнинг ҳаммаси фақат унга нома йўллашдек беадабгарчидик учун узр сўрашга мўлжалланган эди. Чамаси, ўлгудек зерикиб юрган ўша жононни ўз ҳаётига қараганда, эҳтимол, бир оз қизиқарлироқ бўлган ўша мактубларни олиб ўқишга кўниктирмоқ зарур эди.

Бир кун эрталаб Жюльенга хат келтириб беришди. У де Фервак хонимнинг муҳрини таниди-ю, хатни шоша-пиша очиб ўқиди. Бир-икки ҳафта илгари бутун қалбини ҳасрат қоплаган Жюльен сира ҳам бундай шошилмаган бўларди. Бу бор-йўғи тушки зиёфатга таклифнома экан.

Йигит князь Коразовдан йўл-йўриқ қидира бошлади. Афсуски, рус йигитнинг кўнгли оддий ва тушунарли қилиб ёвиш лозим бўлган жойда. Дор каби жимжимадор услубда ёзишни тусаб қолган экан, Жюльен маршал бевасининг даги зиёфат чоғи юзида қандай руҳий ҳолат ифода қилган эди.

зимлиги тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма топа олмади.

Маршал бевасининг муҳташам меҳмонхонаси Тюльридаги Диана галереясидек ҳаммаёғига зарҳал қопланган бўлиб, деворларга нақшийкор ромларга солинган картиналар осиб ташланган эди. Баъзи картиналарда мўйқаламнинг янгигина изи кўриниб турарди. Жюльен кейинчалик баъзи сюжетларнинг бекага ахлоқсизроқ бўлиб кўрингани ва хоним картиналарни тузатиб қўйишни буюрганини билиб олди. «Чиндан ҳам ахлоқ асри деб атаса бўлади буни!» — дея хаёлидан ўтказди у.

Бу салондаги меҳмонлар орасида йигит махфий нота ёзишда иштирок этган уч кишини таниди. Улардан бири, маршал бевасининг тоғаси бўлмиш монсиньор епископ *** диний назоратда мансабга тайинлаш ишларини идора этар ва одамларнинг айтишича, жиянининг биронта ҳам гапини икки қила олмас эди. «Роса ўсибман-ку, — деди ўзига-ўзи маънос жилмайиб Жюльен. — Яна бу гапларнинг ҳаммасига нақадар бепарқ эканлигимни айтмайсизми! Буни қарангки, машҳур епископ билан бир дастурхон тепасида ўтирибман-а».

Зиёфат ўртамиёна бўлди-ю, лекин бу ердаги суҳбатдан кишининг кўнгли беҳузур бўларди. «Бирор бўлмағур китобнинг мундарижасига ўхшайди, — дея ўйларди Жюльен. — Инсон фикрининг барча буюқ проблемалари ҳақида бу қадар гердайиб гапиришларига ўлайми! Агар гапираётган гапларига уч минут қулоқ солиб турсанг, қай бирига: бу суҳандоннинг манманлигигами ёки унинг ўтакетган жоҳиллигига кўпроқ ҳайратланишни билмай қоласан киши».

Китобхон, чамаси, академикнинг жияни ва бўлажак профессор бўлмиш Тамбо исмли бўлмағур бир ёзувчини унутиб ҳам юборган бўлса керак. У де ля Моль саройи меҳмонхонасидаги ҳавони ўзининг ифлос ғийбатлари билан заҳарлаб юргувчи эди.

Худди ана шу ярамас одам Жюльенда, гарчи де Фервак хоним унинг мактубларига жавоб бермаётган бўлса-да, бу хатларда изҳор этилган туйғуларга хайрихоҳлик билан қараса керак, деган фикрни туғдирди. Жаноб Тамбонинг ичи қора бўлиб, у Жюльеннинг муваффақиятлари тўғрисида ўйлаганида ҳасаддан ёрилиб ўлай дерди. Лекин бошқа жиҳатдан олганда, энг истеъдодли одам, шу билан бирга ҳар қандай аҳмоқ ҳам, бир вақтнинг ўзида икки жойда бўла олмагани каби, «агар бу Сорель офатижон де Фервак хонимга ўйнаш бўлиб олса, — дерди ўзига-ўзи бўлажак профессор, — у ҳолда хоним уни черков қошида бирор ёг-

лироқ ишга жойлаб қўяди, мен эса шу зайдда де ля Моль саройида ундан қутулиб оламан».

Жаноб аббат Пирар ҳам Жюльенга унинг де Фервак саройида эришган муваффақиятлари хусусида бир талай насихатлар қилди. Бу ўринда қаттиққўл янсенист ва тақводор маршал бевасининг эски урф-одатларни тиклаш, монархияни мустаҳкамлашга даъво қиладиган иезуитлар салони ўртасидаги рақобат ўз кучини кўрсатган эди.

XXVIII

Манон Леско

Ниҳоят, у монастырь нозирининг аҳмоқлиги ва эшакдек ўжарлигига бутунлай ишонч ҳосил қилгач, унга жуда оддийгина қилиб, оқни қора, қорани эса — оқ дея хушомад қила бошлади.

Ли хтенберг

Рус мактубларига берилган изоҳларда ўзинг нома йўллайдиган хонимга гап қайтариш қатъиян тақиқланган эди. Шу билан бирга доимо сажда қилиш даражасида иззат-эҳтиром намойиш этиш лозим, дея тайинлаганди; барча мактубларга ана шу негиз асос қилиб олинган эди.

Бир куни кечқурун, Операда, де Фервак хонимнинг ложасида ўтирар экан, Жюльен «Манон Леско» балетини кўкларга кўтариб мақтай бошлади. Бундай мақтовларига асос бўлган ягона сабаб ўзининг бу балетни мутлақо бўлмағур дея ҳисоблаши эди.

Маршал беваси балетнинг аббат Прево романига қараганда анча заифроқ чиққанини айтди.

«Шунақами ҳали! — дея ўйлади ажабланган ва қизиқиб қолган Жюльен. — Шундай тақводор хоним романи мақтаб ўтирса-я!» Де Фервак хоним, минг афсуски, ишқ васвасасига осонгина берилиб кетадиган ёшларни ўзларининг жирканч асарлари билан йўлдан оздирувчи барча бу қоғоз булғовчиларга нисбатан ҳафтада камида икки-уч марта нафрат изҳор қилишни ўз бурчи деб ҳисобларди.

— Бундай ахлоқсиз, хавfli асарлар орасида, — дея давом этди де Фервак хоним, — айтишларича, «Манон Леско» биринчи ўринда турар экан. Ахлоқсиз қизнинг

янглишувлари ва шунингдек, адолатли равишда изтироб чекишлари жуда таъсирли ва ҳаққоний қилиб таъбирланган, дейишади. Лекин, дарвоқе, бу ҳол сизнинг Бонапартийгизга Муқаддас Елена оролида, бу роман малайларга мўлжаллаб ёзилган, демоқ учун ҳалал бермабди.

Мулзам бўлиб ўтирган Жюльен бу сўзларни эшитиб дарҳол ҳушига келди. «Мени маршал бевасининг кўз ўнгида бадном этмоқчи бўлишибди, унга менинг Наполеонга ихлос қўйганимни айтиб беришибди. Бу ҳол унинг иззат-нафсига қаттиқ текканидан хоним буни менга шама қилишдан ўзини тиёлмади». Бу кашфиёт бутун кеча давомида йигитнинг фикр-хаёлини банд этиб, у анча жонланиб қолди. Улар маршал беваси билан Опера вестибюлида хайрлашар эканлар, хоним унга қараб шундай деди:

— Единогизда бўлсин, тақсир, мени севган одам Бонапартга ихлос қўймаслиги керак. Уни, нари борса, тақдирнинг тақозоси сифатида тан олиш мумкин. Боз устига ўша одамда руҳий назокат деган нарса бўлган эмас, у санъатнинг буюк асарлари қадрига ета билмаган.

«Мени севган одам! — дея такрорларди Жюльен. — Бу гап ё ҳеч қандай маънони англатмайди, ё унда жуда катта маъно бор. Биз бечора провинцияликлар дунёдан тилнинг бундай сирларини тушунмай ўтиб кетадиганга ўхшаймиз». Сўнгра маршал бевасига аталган узундан-узоқ хатни кўчириб ёзар экан, Жюльен тинимсиз де Реналь хонимни эслаб ўтирди.

— Буни қандай тушунмоқ керакки, — деди унга де Фервак хоним эртаси куни Жюльенга жуда ғайритабиий туюлган лоқайд бир оҳангда, — сиз, янглишмасам, кеча кечқурун Операдан қайтганингиздан сўнг менга ёзган хатингизда *Лондон* ва *Ричмонд* тўғрисида гапирибсиз?

Жюльен қаттиқ довдираб қолди: чамаси, у мактубнинг мазмуни ҳақида бош қотириб ўтирмай сатрма-сатр кўчира туриб, *Лондон* ва *Ричмонд* сўзлари ўрнига *Париж* ва *Сен-Клу* деб ўзини лозимлигига эътибор бермаган бўлса керак. Йигит бирор гап айтишга уринди-ю, лекин жумласини охиригича етказа олмади. Унинг қаттиқ кулгиси қистаганидан нафаси сиқилмоқда эди. Ниҳоят, у: «Инсон қалбининг ақл бовар қилмас идеаллари ҳақидаги юксак мулоҳазаларга берилиб кетганим боисдан сизга мактуб ёза туриб, шундай хатога йўл қўйган бўлишим мумкин», деган баҳонани айтиб қутулди.

«Мен яхши таассурот қолдирдим, — дея қарор қилди у, — бугунчалик энди бу диққинафас маконни тарк эт-

сам бўлар». Шундан сўнг у де Фервак хонимнинг саройидан деярли югурганича чиқиб кетди. Кечкурун у кеча кўчириб ёзган мактубнинг асл нусхасини олди-да, рус йигит Лондон ва Ричмондни тилга олган ўша машъум жойни осонгина топди. Жюльен бу мактубнинг деярли севги изхори эканини кўриб қаттиқ хайратга тушди.

Унинг гапларидаги худди ана шу зоҳирий табиийлик билан мактубларининг салкам диний китоблардагидек теранлиги орасидаги фарқ де Фервак хонимни унга эътибор беришга мажбур этганди. Маршал беваси айниқса унинг узундан-узоқ жумлаларига мафтун бўлиб қолган эди. Бу услуб анави ахлоқсиз Вольтер расм қилган узук-юлуқ жумлаларга сира ҳам ўхшамасди! Гарчи қаҳрамонимиз ўз нутқидан ҳар қандай соғлом фикр нишоналарини бутунлай сиқиб чиқаришга қаттиқ ҳаракат қилаётган бўлса-да, ҳар қалай, гапларида энгилгина антимонархизм ва шаккоклик руҳи сезилиб турардики, бу ҳол де Фервак хонимнинг эътиборидан четда қолмади. Ғоят хушахлоқ бўлган, лекин бутун кеча давомида биронта ҳам жонли фикр айтолмайдиган кишилар орасида яшовчи бу хоним гарчи бундан ғазабланишни ўз бурчи деб ҳисобласа-да, бир оз янгиликнинг иси келиб турган ҳар қандай нарсага жуда таъсирчан эди. Аёл бу иллатни *енгилтак асрнинг нишонаси* дея атарди.

Аmmo бундай меҳмонхоналарга бирор мақсад йўлидагина бориб туриш мумкин. Жюльеннинг мутлақо шавқсиз бу ҳаётининг бутун диққинафаслиги, турган гап, китобхонга тушунарли бўлса керак. Бу сиз билан бизнинг саёҳатимизда учраган тақир даштдай бир нарса холос.

Жюльен де Фервак хоним билан шундай овора бўлиб юрар экан, м-ль де ля Моль зўр бериб уни ўйламасликка ҳаракат қилаётган эди. Унинг дилида шиддатли кураш кетарди: баъзан у мағрурлик билан ўзини бу маънос йигитдан нафратланишига ишонтирмоқчи бўлар, бироқ Жюльеннинг гаплари уни беихтиёр ўзига мафтун қилиб қўяр эди. Уни айниқса бу ақл бовар қилмас риёкорлик хайратга солмоқда эди: йигитнинг маршал бевасига айтаётган бу гапларида бир оғиз ҳам ҳаққоний сўз бўлмай, ҳаммаси ёлгон ёки, камида ўз дунёкарашини ниҳоятда бузиб кўрсатиш эди. Матильда эса унинг деярли барча нарсалар тўғрисида қандай фикр юритишини жуда яхши

биларди. Вундай макиавелизм*дан у лол қолган эди. «Лекин бу гапларнинг бари нақадар чуқур ўйланган, — дерди у ўзига ўзи. — Димоғи одамни бузадиган, лекин ўзи ҳеч нимага арзимайдиган анави йигитлар ёки худди шу мавзуда гап сотадиган жаноб Тамбога ўхшаш чакана муттаҳамларга нақадар ўхшамайди у!»

Лекин шунга қарамай Жюльен даҳшатли кунларни бошидан кечирмоқда эди. У ҳар куни маршал бевасининг меҳмонхонасига борар экан, ўзини жуда оғир мажбурий хизматни ўтаётган одамдек ҳис этарди. У ўз ролини бажариш учун шу қадар кўп куч сарфлар эдики, баъзан бутунлай силласи қуриб қоларди. Кўпинча у де Фервак саройининг улкан ҳовлисига кириб борар экан, тамоман умидсизликка тушмаслик учун бутун ақл-идроки ва иродасини сафарбар этишга мажбур бўларди.

«Семинарияда умидсизликка тушмаган эдим-ку ахир, — дея уқтирарди у ўзига ўзи, — бўлмасам ўшанда мени олдинда даҳшатли кунлар кутмоқда эди. Муваффақиятга эришармидим ёки йўқми, ҳар ҳолда, бутун ҳаётимни бориб турган манфур ва разил одамлар орасида ўтказажимни билардим. Мана, кейинги баҳорда эса, ордан бор-йўғи ўн бир ой ўтгач, мен тенгдошларим орасида, эҳтимол, энг бахтли одам бўлиб ўтирибман».

Бироқ бу ажойиб мулоҳазаларнинг бари тоқат қилиб бўлмас даражадаги оғир воқелик олдида мутлақо ожиз бўлиб чиқарди. У ҳар куни нонушта ва тушки овқат пайти Матильдани кўрарди. Жаноб де ля Моль унга ёздирадиган беҳисоб хатлардан Жюльен Матильданинг ҳадемай жаноб де Круазнуага турмушга чиқажимни биларди. Бу ёқимтой асилзода йигит энди де ля Моль саройига кунига икки мартадан кела бошлаган бўлиб, рашк ўтида қовурилаётган ташландиқ ўйнашнинг кунчи нигоҳи унинг ҳар бир қадамини кузатиб борарди.

М-ль де ля Моль ўз қаллиғига хиёл илтифот кўрсатгандек туюлса, Жюльен ўз хонасига қайтар экан, тўппончаларига меҳр билан қараб кўярди.

«Эҳ, — дея хитоб қиларди у ўзича, — ички кийимларимдаги белгиларни қирқиб ташлаб, Париждан юз чақиримча наридаги бирор кимсасиз ўрмонга борсам-да, бу манфур ҳаётга чек қўйсам, қандай ақлли иш қилган бўлардим-а! У ерда мени ҳеч ким танимайди, шу боисдан ҳам икки ҳафтача менинг ўлимимдан ҳеч ким хабар

*Макиавелизм — буржуа-дворянлар жамиятида ўз мақсади-га эришмоқ учун ҳеч қандай маккорлик, риёкорлик ва ҳатто жиноятдан ҳам тортинмаслик сиёсати (тарж.).

топмайди. Икки ҳафтадан кейин эса, мени ким ҳам эсларди дейсиз!»

Нимаям дердик, анча оқилона фикр. Аммо эртаси кунни у тасодифан қизнинг енги билан узун қўлқоп ўртасида очилиб турган тирсагини кўриб қолса бас эди: навқирон файласуфимиз изтиробли хотиралар денгизига гарқ бўлар ва шу хотираларнинг ўзи уни яна ҳаётдан умидвор қилиб қўяр эди. «Хўп, яхши! — дерди у ўзига-ўзи. — Бардош бериб, бу рус сиёсатини ниҳоясига етказаман. Лекин охири нима бўларкин?»

Маршал беваси масаласига келсак — бу ёғи аён: ўша эллик уч хатнинг ҳаммасини кўчириб тугатганимдан сўнг, унга бошқа хат ёзмайман.

Матильдага келганда эса, ким билсин: ё дилимни ўртаган бу бир ярим ойлик комедиядан ҳеч қандай натижа чиқмайди, ёки лоақал у билан бир лаҳзага бўлса-да ярашиб оламан. Ё раббим! Бундай бахт насиб бўлармикин ўзи?!» Шундан сўнг у бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмасди.

Бироқ ширин хаёллар оғушидан қутулиб яна мулоҳаза юрита бошлагач, у ўзига-ўзи шундай дерди: «Хўш, бунинг оқибати нима бўлади — бир кунги бахтиёрлигу кейин эса яна ўша кесатиклар бошланади, зеро мен унинг кўнглини олишни билмайман ахир! Шундан сўнг менинг умид қиладиган жойим қолмайди, мен учун ҳаммаси буткул тамом бўлади. Унинг шу табиати билан бирор нарсага кафолат бериб бўлармиди? Аҳ, ҳамма бало ўзимнинг ҳеч қандай фазилатим йўқлигида. Назокат деган нарсани билмайман, суҳбатим ҳам оғир, зерикарли! Ё танграм! Қани энди мен бошқа одам бўлсам».

Зерикиш

Ўз эҳтиросларинг қурбони бўлиш! Бунга чидаса бўлади. Бироқ ўзинг ҳис этмайдиган эҳтиросларга қурбон бўлиш! О, бечора XIX аср!

Жиродде

Аввалига де Фервак хоним Жюльеннинг узундан-узоқ мактубларини лоқайдгина ўқиб юрди, бироқ бора-бора бу мактублар унинг фикр-хаёлиниг кўпроқ банд эта бошлади, лекин хоним бир нарсадан таъвишга тушиб қолган эди. Минг афсуски, жаноб Сорель руҳоний эмас! Ана ўшанда, эҳтимол, у билан бир оз яқинликка йўл қўйса бўларди. Бироқ у манови ордени тақиб манови граждандча кийимда юрар экан, мен одамларнинг ҳар хил пичингли савоълларидан ўзимни қандай сақлайман ва уларга нима деб жавоб бераман? У ўз фикрини охиригача айтмаётган эди. «Биронта ҳасадгуй дугонанинг миясига у миллий гвардияда хизмат қилиб, орден олишга эришган ва ота томондан қариндош бўлган биронта майда савдогарлардан бўлса керак, деган фикр келади-ю, кейин у бу гапни ҳаммага бажонидия айтиб юради».

Жюльен билан учрашгунига қадар де Фервак хоним ўз номи ёнига «маршал беваси» деб ёзар экан, ниҳоятда хузур қилиб юрарди. Энди бўлса бу иззатталаб хонимнинг сал нарсага азият чекадиган нафсонияти дилида уйғониб келаётган туйғуга қарши кураша бошлади.

«Мен учун уни Парижнинг ёнгинасидаги биронта қавмга катта викарий қилиб жойлаштириб қўйишдан осони йўқ эди! Лекин унинг оддийгина жаноб Сорель эканлигига чидаб бўлмайди, бунинг устига жаноб де ля Молнинг дастёр секретари-я! Йўқ, даҳшат бу!!!»

Ҳамма нарсадан хавфсирайдиган бу аёлнинг қалби умрида биринчи марта асилзодалик ва жамиятдаги нуфузли ўрин даъвоси билан боғлиқ бўлмаган қандайдир қизиқишдан ҳаяжонланмоқда эди. Некса швейцар доим маънос юрадиган анави барно йигитнинг мактубларини топшираётганида беканинг чехрасидан паришонхотир ва норози ифода бир зумда ғойиб бўлишини сезиб қолди, маршал беваси хизматкорлар олдида доим шундай қиёфага киришни лозим кўрарди.

Гарчи эришаётган муваффақиятларидан аслида ўзи сира ҳам қувонмаса-да, шухратпарастлик ва жамиятда яхши таассурот қолдириш истаги билан суғорилган бу зерикарли ҳаёт, хонимнинг қалбида Жюльенга нисбатан қизиқиш уйғонганидан буён, унинг шу қадар меъдасига урдик, кечқурун у ҳеч бўлмаса бир соатгина вақтини бу ажойиб йигит билан ўтказса кифоя эди, шунда эртаси куни оқсоч қизлар ўзларини хотиржам ҳис этишлари мумкин бўларди: хоним дакки беравериб уларни безор қилмасди. Ҳатто жуда усталик билан ёзилган имзосиз мактублар ҳам Жюльен қозонган бу ишончга пуртур етказа олмади. Жаноб Тамбо де Люз, де Круазнуа де Кайлюс жанобларига анча маҳорат билан тўқиб чиқарилган икки-учта тухмат гапларни шипшитган эди, бу жаноблар дарҳол, ўша гапларда хиёл бўлса-да, ҳақиқат борми ёки йўқлигини текшириб ўтирмай, уларни бажонидил ҳаммага тарқата бошлашди. Ўз ақл хусусиятига кўра бундай кўпол найрангларга қаршилик кўрсата олмайдиган де Фервак хоним ўз шубҳа-гумонларини Матильда билан ўртоқлашар, қиз эса ҳар гал уни тинчитишга ҳаракат қилар эди.

Бир куни хизматкорлардан икки-уч марта, хат келмадим, дея суриштиргач, де Фервак хоним дафъатан Жюльенга жавоб ёзиш керак, деган қарорга келди. Йигитнинг бу ғалабасини хонимнинг зерикишига нисбат бермоқ лозим бўларди. Бироқ иккинчи мактубдаёқ хоним тараддудга тушиб қолди — унинг назарида: *маркиз де ля Молнинг уйидаги жаноб Сорелга* деган жирканч адресни ўз қўли билан ёзса, бу шаънига мутлақо мос тушмайдигандек туюлди.

— Менда сизнинг адресингиз ёзиглиқ конвертлар бўлмоғи керак, — деди у кечқурун Жюльенга иложи борича қуруқ бир оҳангда.

«Мана, ўйнаш-малай аҳволига ҳам тушиб қолдик», дея хаёлидан ўтказиб таъзим қилди Жюльен бадхоҳлик билан ўзини маркизнинг кекса малайи Арсен ўрнида тасаввур этар экан.

Ўша кечанинг ўзидаёқ йигит хонимга конвертлар элтиб берди, эртаси куни эрталаб эса ундан учинчи хатни олди: у мактубнинг бошидан беш-олти сатр, охиридан икки-уч сатрга кўз югуртириб чиқди. Хат майда ёзув билан тўлдирилган роппа-роса тўрт саҳифадан иборат эди.

Аста-секин ҳар куни хат ёзиш ширин бир одат тусига кирди. Жюльен рус мактубларини жо-бажо кўчириб

жавоб қайтарарди, сохта услубнинг фазилати шунда эдики, де Фервак хоним унинг жавоблари ўзи йўллаган номаларга деярли мувофиқ келмаслигидан сира ажабланмасди.

Агар ўз хоҳиши билан жосуслик вазифасини зиммасига олган ва Жюльеннинг ҳар бир қадамини кузатиб юрган писмиқ Тамбо маршал бевасининг барча мактублари конверти очилмай йигитнинг ёзув столи тортмасида қалашиб ётганини сезиб қолиб, бунини унга айтиб берганида, хонимнинг гурурига қаттиқ ништар урилган бўларди.

Бир куни эрталаб швейцар кутубхонада ўтирган Жюльенга де Фервак хонимнинг мактубини келтириб берди; Матильда швейцарни мактуб олиб келаётганида учратиб адресда Жюльеннинг хатини таниб қолган эди. У швейцар чиқиб кетаётган пайтда кутубхонага кириб келди, мактуб столнинг бир четида турган эди: ўз иши билан банд бўлган Жюльен уни тортмага солиб қўйишга улгурмаганди.

— Бунисига энди ортиқ чидаёлмайман, — дея хитоб қилди Матильда хатни юлқиб олар экан. — Сиз менга мутлақо эътибор бермай қўйдигиз, ахир мен хотинингиз бўламан, тақсир. Сиз ўзингизни ваҳшийлардек тутаясиз.

Бироқ оғзидан шу сўзлар чиқиши биланоқ қизнинг бу одобсиз қилиқлардан лол қолган гурури галаён кўтарди. Матильда ҳўнграб йиглаб юборди, Жюльеннинг назарида у ҳозир ҳушидан кетиб йиқиладигандек эди.

Кутилмаган бу ҳолатдан довдираб қолган Жюльен мазкур воқеа унга қандай лаззат бахш этиши мумкинлигини ҳали аниқ тушунмас эди. У Матильданинг кўлидан тутиб, ўтқазиб қўйди, қиз деярли унинг қучоғига йиқилди.

Дастлабки дақиқада у қувончдан эс-ҳушини йўқотишига сал қолди. Аммо бир лаҳза ўтмаёқ у Коразовни эслади: «Агар чурқ этиб оғиз очсам, ҳаммасини барбод қилган бўламан». Йигит эҳтиёткор сиёсати туфайли зўр бериб ўзини босишга уринаркан, қўлининг мушаклари таранглашиб оғриб кетди. «Мен ҳатто бу сарвқоматни бағримга босишга ҳам ботинолмайман: у яна мендан нафратланади, яна мени қувиб солади. Эҳ, бунча бадфеъл бўлмаса бу қиз!»

Матильданинг феълини лаънатларкан, Жюльен уни юз чандон кўпроқ севарди. Шу тобда у ўзини қучоғида қиролчиани тутиб тургандек ҳис этарди.

Жюльеннинг бунчалик меҳрсизлиги м-ля де ля Моли қалбини ўртаётган гурур изтиробларини янада кучайтириб

юборди. У ҳозир совуққонлик билан фикр юритишга қодир эмасди. Жюльеннинг кўзларига қараб, йигитнинг дилидан ҳозир нелар кечаётганини сезишга уриниб кўриш унинг ҳатто хаёлига ҳам келмади. У йигитнинг юзига қарашга ботинмасди — қиз унда нафрат ифодасини кўришдан қўрқарди.

Қиз кутубхона диванида Жюльенга орқа ўгириб қимир этмай ўтирар экан, гурур ва муҳаббат азобларидан юраги тилка-пора бўлмоқда эди. Қандай қилиб, қай йўсинда у шундай даҳшатли қилиққа йўл қўйди ахир!

«Вой, мен бадбахт қиз бутун шарм-хаёни унутиб, ўзимни таклиф қилишга бориб етсаму кейин мендан қандай юз ўгиришларини кўриб турсам! Яна ким юз ўгирияпти денг? — дея шивирларди унга азоб чеккан ва ғазабга минган гурури. — Отамнинг хизматкори».

— Йўк, мен бунга чидаёлмайман, — деди баланд овоз билан у.

Сўнгра сапчиб ўрнидан турди-да, қаршисидаги ёзув столининг тортмасини ғазаб билан силтаб очди. Очди-ю, турган жойида даҳшатдан қотиб қолди: унинг кўз ўнгигадаги тортмада ҳозиргина швейцар келтирган худди шундай мактублардан бутун бир дастаси конверти очилмаган ҳолда ётарди. Уларнинг ҳар бирига Жюльеннинг қўли билан хати бир оз ўзгартирилган адрес ёзилган эди.

— Хали шунақами! — дея қичқириб юборди қиз эс-хушини йўқотиб. — Сиз у билан яқин муносабатда бўлибгина қолмай, балки ундан нафратланасиз ҳамми, сиз арзимас бир одам, маршал беваси де Фервак хонимдан нафратланасизми ҳали!

— А-а-а! Кечир мени, жонгинам, — деб юборди у бирдан Жюльеннинг оёғига йиқилар экан. — Майли, иста-санг мендан нафратлан, лекин севгингдан маҳрум қилма мени, сенинг муҳаббатингсиз яшай олмайман! — Шундай дея у ҳушидан кетиб полга йиқилди.

«Мана у, ўша мағрур қиз менинг оёғимга бош урди», — деди Жюльен.

Опера Буффдаги ложа

...As the blackest sky
Foretells the heaviest tempest.
Don Juan, c. I, st. 75¹.

Жюльен кизнинг бу жўшқин хатти-ҳаракатларидан қувонишдан ҳам кўра кўпроқ ҳайратга тушган эди. Матильданинг ҳақоратли қичқириқларидан у рус сиёсатининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. «*Иложи борича камроқ гапириб, иложи борича камроқ ҳаракат қилмоқ керак* — мен учун ягона нажот йўли ана шу».

У Матильдани кўтарди-да, бир оғиз ҳам сўз айтмай, уни яна диванга ўтқазиб қўйди. Қиз аста-секин ҳушига келмоқда эди, унинг кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

Бирор йўл билан ўзини босишга ҳаракат қилиб у де Фервак хонимнинг мактубларини қўлига олди-да, уларни бирин-кетин оча бошлади ва маршал бевасининг хатини таниб бир сесканиб тушди. Қиз ёзиб тўлдирилган бу почта қоғозларини ўқимай варақларди — ҳар бир мактуб тахминан олти саҳифадан иборат эди.

— Менга ҳеч бўлмаганда бир нарсани айтинг, — деди ниҳоят Матильда илтижоли овоз билан, лекин ҳамон Жюльеннинг юзига қарашга ботинмай. — Сиз менинг ғуруримни яхши биласиз: мени эркалатиб юборишган — бахтсизлигимнинг боиси ҳам мана шунда, майли, бу феълимнинг бадбахтлиги ҳам бўла қолсин, буни тан оламан. Демак, энди сиз де Фервак хонимни севар экансиз-да, у сизни мендан тортиб олдим... Лекин ахир у сизни деб бу машъум муҳаббат туфайли мен қилган қурбонликларни қилгани йўқ-ку!

Жюльен жавобан қовоғини солганича индамай тураверди. «Ор-номусли йигит шаънига муносиб бўлмаган бундай беадабликни мендан талаб қилишга нима ҳаққи бор унинг?» — дея ўйларди у.

Матильда қўлидаги мактубни ўқишга уриниб кўрди, бироқ кўзлари жикқа ёшга тўлгани боисидан ҳеч нимани ўқий олмади.

¹ Худди шундоқ осмон қора тун бошган чоғи
Бўрондан берур хабар, бир бўронки қаҳвор.

Бутун бир ой давомида у ўзини ниҳоятда бахтсиз ҳис этиб юрган эди, аммо мағрур қалб соҳибаси бўлмиш бу қиз дилидаги туйғуларни тан олгиси келмасди. Тасодиф уни шу кўйга солиб қўйди. Рашк ва муҳаббат қизнинг аъзойи баданини ўртаб, унинг ғурурини бир лаҳзада забун этди. У диванда, йигитнинг шундоқ ёнгинасида ўтирган эди. Жюльен унинг сочлари, сутга чайқаб олгандек оппоқ бўйинини кўриб турарди; шуида у бирдан ўзига-ўзи уқтириб келган барча гапларни унутди қўйди: у аста қизнинг белидан қучиб, уни кўксига тортди.

Матильда секин бошини ўгириб, унга қараган эди, йигит унинг кўзларида чексиз қайғу ифодасини кўриб, қаттиқ ҳайратга тушди, бу қизнинг одатдаги кўз қарашига мутлақо ўхшамасди!

Жюльен ҳозир сабр-тоқати тугашини ҳис этди: ўзига ўтказаетган дахшатли зулмга чидашга унинг ортиқ тоқати қолмаган эди.

«Бир лаҳза ўтмай бу кўзларда совуқ нафратдан бўлак ҳеч нима қолмайди, — деди у ўзига-ўзи. — Мен бу бахт туйғусига эрк бермаслигим, уни севишимни сездириб қўймаслигим керак». Қиз эса бу орада аранг овози чиқиб, равои гапиришга беҳуда уринаркан, энтिका-энтика ўзининг манфур ғурури туфайли қилган барча қилиқларидан нақадар пушаймон эканини сўзларди.

— Менинг ҳам ўзимга яраша ғурурим бор, — деди ўзини зўрлаб Жюльен, юзида чексиз ҳорғинлик ифодаси акс этар экан.

Матильда ялт этиб унга қаради. Жюльеннинг товушини эшитиш — унинг учун шундай бир бахт эдики, қиз бу бахтдан аллақачон умидини узиб қўйган эди. У энди ўз ғурурига қанчалар лаънат ўқиётганини, йигитни нақадар севиши ва ўзидан нақадар нафратланишини унга исботлаб бермоқ учун бирор фавқулодда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган иш қилишни қанчалар истаётганини билсангиз эди.

— Ва, ўйлайманки, фақат ана шу ғурурим туфайлигина сиз мени бир лаҳза ўз эътиборингизга муносиб кўрянсиз, — дея давом этди Жюльен. — Турган гап, фақат ана шу эркакларга хос сабот ва матонатимгина сизни хиёл бўлса-да мени ҳурмат қилишга мажбур этипти. Мен де Фервак хонимни севишим мумкин...

Матильда сесканиб тушди, унинг кўзларида ғалати бир ифода учқунланди. Мана ҳозир, у ўз ҳукмини эшитади. Жюльен бу ифодани пайқаб қолди, у бардоши тугаб бораётганини ҳис этмоқда эди.

«Е раббим! — дея ўйларди у ўз оғзидан чиқаётган маънисиз сўзларга, худди бир бегона шовқинчи эшиттаётгандек, қулоқ солар экан, — Қани энди бу ошпоқ оқарган ёноқларга лабларимни боссаму, лекин сен буни ўзинг сезмасанг!»

— Мен де Фервак хонимни севишим мумкин, — дея давом этди у товуши борган сайин заифлашиб борар экан, — лекин унинг ҳам менга қизиқишига ҳеч қандай аризиғулик далил-исботим йўқ...

Матильда унинг юзига тикилди, йигит бу нигоҳга дош берди, ҳар қалай у, қиз юзимдан ҳеч нимани пайқай олмади, дея умид қиларди. Шу тобда у ўзини бутун вужуди, қалбининг қаърига қадар муҳаббатга тўлиб-тошгандек ҳис этарди. У ҳали ҳеч қачон Матильдани бу қадар сажда қилиш даражасида севмаганди: ҳозир унинг ўзи ҳам деярли Матильда каби телба эди. Агар қиз фаросат билан иш тутмоқ учун хиёл совуққон ва матонатлироқ бўлганида эди, Жюльен бу бемаъни комедиядан воз кечиб, унинг оёғига йиқилган бўларди. Бироқ у сўнгги кучини йиғиб, гапиришда давом этди. «Ах, Қоразов, — дея хитоб қиларди у хаёлан, — қаёқларда юрибсиз ахир! Буёғига нима қилишни билиб олмоқ учун бир оғиз маслаҳатингизга нақадар муҳтож эканлигимни билсангиз эди!» Тили эса бу пайтда сўзлашда давом этарди:

— Дилимда ҳеч қандай муҳаббат бўлмаган тақдирда ҳам де Фервак хонимга меҳр қўймоқ учун миннатдорчилик туйғусининг ўзиёқ кифоя қилган бўларди: бошқалар мендан нафратланишган пайтда у менга илтифот кўрсатди, дилимга тасалли берди. Мен ўзим учун фахрли деб ҳисоблайдиган ва имоним комилки, умри жуда қисқа бўладиган баъзи туйғуларнинг намоийш этилишига унча ишонмаслик учун тўла асосим бор.

— Е худойим! — дея хитоб қилди Матильда.

— Йўқ, ростини айтинг-чи, сиз менга қандай қафолат беришингиз мумкин? — дея сўради Жюльен қатъий оҳангда бирдан дипломатларга хос бутун вазминлигини йиғиштириб қўйиб. — Ҳозир сиз менга қайтадан намоийш қилмоқчи бўлаётган мойиллигингиз, икки кундан ортиқ давом этишига ким, қайси пайғамбар кафил бўла олади ахир?

— Сизга бўлган чексиз муҳаббатим ва агар мени ортиқ севмасангиз, юрагимдаги чексиз қайғу-алам кафил бўлади, — дея жавоб қилди қиз шартта йигитнинг қўлидан ушлаб, у томон ўгирилар экан.

Бу кескин ҳаракатдан қизнинг пелеринаси бир оз очилиб, Жюльен унинг ажойиб елкасини кўрди. Матильданинг

хийёл тузиган сочлари эса уни ширин хотиралар оғушига тортди...

У бир кўнгли таслим бўлишга ҳам тайёр эди. «Эҳтиётсизлик билан бир оғиз сўз айтаману, — дея ўйлади у, — кейин мен учун яна ўша ҳасратли кунлар бошланади. Де Реналь хоним қалб амри билан бирор иш қилганида ўзини оқлаш учун оқилона сабаблар топарди. Манови асилзода қиз эса шундай қилиш лозимлигини ақл-идрок билан исботлаб олганидан кейингина юрагига эрк беради».

Бу ҳақиқат унинг миясига бир лип этиб келди-ю, шу заҳоти у ўзини яна тутиб олди.

У Матильда кафтлари орасида маҳкам қисиб турган кўлини аста тортиб олди-да, атайин бир ҳурмат билан ундан сал нарироқ сурилиб ўтирди. Бунинг учун у инсон зоти қодир бўлган барча кучи, барча сабот-матонатини сафарбар этишига тўғри келди. Сўнгра у де Фервак хонимнинг диван устида сочилиб ётган мактубларини бир даста қилиб йиғди-да, шу дақиқада жуда шафқатсиз туюлган ўта назокат билан қўшимча қилди:

— Умид қиламанки, мадемуазель де ля Моль бу гапларни ўйлаб кўришимга рухсат берсалар керак. — Шундай дея у тез-тез юриб кутубхонадан чиқиб кетди, қиз Жюльен узоклашган сайин ортидан бирин-кетин ёпилаётган эшикларнинг шарақлашини анчагача эшитиб турди.

«Хатто таъсирланмади ҳам, вой золим-эй, — дея хаёлидан ўтказди у. — Аҳ, нималар деяпман ўзи — золим эмиша! У доно, эҳтиёткор, у яхши, ҳаммасига ўзим айбдорман, бундан ҳам ортиқ айб бўладими ахир».

У куни бўйи шу кайфиятда юрди. Матильда ўзини деярли бахтиёр ҳис этарди, зеро унинг бутун вужудини муҳаббат қамраб олганди: шу аснода бу қалб ҳеч қачон ғурур изтиробларини ҳис этмагандек туюларди!

Кечқурун меҳмонхонада малай де Фервак хонимнинг келганини хабар қилганида қиз даҳшатдан сесканиб тушди: бу одамнинг овози унга жуда машъум эшитилди. Ҳозир у маршал беваси билан учрашишга қодир эмасди ва шу боисдан ҳам шоша-пиша қочиб кетди. Шундай қийинчилик билан эришган галабасидан фахрланмоқ учун Жюльенда етарли асос йўқ эди; у ҳозирги руҳий ҳолатини кўзларидан сездириб қўйишдан кўрқарди ва шунинг учун ҳам тушликни де ля Моль саройидан бошқа жойда қилишга жазм этганди.

Матильда билан ўша олишувдан сўнг орадан вақт ўтгани сайин унинг қалбидаги муҳаббат ва қувончи тинимсиз мавж урарди. У энди ўзини қойишга ҳам тайёр

эди. «Унинг носасига қандай чидадим ахир? — дерди у ўзига ўзи. — Агар у мендан бутунлай совиса-чи? Бу мағрур юракда ҳамма ҳис-туйғулар бир зумда айқаш-уйқаш бўлиб кетиши мумкин, мен эса, сирасини айтганда, унга ёвузларча муомала қилдим».

Кечқурун у де Фервак хонимнинг Опера Буффадаги ложасида албатта кўриниш бермоғи лозимлигини эслаб қолди. Хоним бу гал уни алоҳида таклиф қилган эди. Матильда, турган гап, унинг у ерга боргани ёки беадабгарчиликка йўл қўйиб, Операга боришдан бош тортгани ҳақида албатта хабар топади. Лекин бу далиллар қанчалик асосли бўлмасин, қош қорайгач, одамларга кўринишга йигитнинг юраги дов бермади. Улар билан сўзлашишга тўғри келади ахир, бу эса қувончининг ярмини йўқотиш демакдир.

Унинг бахтига театрга кириб борганида де Фервак хонимнинг ложаси хонимларга лиқ тўла эди, уни шундоқ эшик ёнига сиқиб қўйишди. Йигит ўша ерда бир талай шляпалар панасига ўтиб олди. Бу нарса унинг жонига ора кирди, акс ҳолда у ноқулай аҳволга тушиб қолган бўларди. «Яширин никоҳ»даги Каролинанинг нола чекиб куйлашидан унинг кўзларига ёш келди. Де Фервак хоним бу кўз ёшларини сезиб қолди. Бу ҳолат Жюльеннинг одатда қатъият ва матонат акс этадиган чеҳрасига шу қадар хос эмасдики, муқаррар равишда бошидан кечиражак бундай ўткир туйғулар аллақачон меъдасига урган шундай иззатталаб асилзода хонимнинг ҳам кўнгли ийиб кетди. Унинг қалбидаги аёлларга хос меҳрибонликнинг қолдиқлари хонимни йигит билан сўзлашишга ундади. У худди шу дақиқада йигитнинг товушини эшитиб, ундан баҳра олгиси келиб қолди.

— Де ля Моль хонимларни кўрдингизми? — деди у йигитга. — Улар учинчи ярусда ўтиришибди.

Жюльен шу заҳоти анча тақаллуфсизлик билан тирсагини ложа барьерига тираб, залга қаради-ю, Матильдага кўзи тушди: қизнинг кўзларида ёш ийлтираб турарди.

«Ахир бугун уларнинг Операга келадиган куни эмаску, — дея ўйлади у. — Кўнгли тусаб қолганини қаранг-а!»

Уларникига танда қўйиб турадиган хушомадгўй хонимлардан бири шошилич таклиф қилган учинчи ярусдаги ложа ўзларидек хонимларнинг мавқеига мутлақо тўғри келмаса-да, Матильда онасини Опера Буффага боришга кўндирган эди. У Жюльен бугунги кечани маршал беваси билан ўтказиш ёки ўтказмаслигини билиб олишни истарди.

Ғу л ғ у л а

Мана сизга ўша цивилизациянгиизнинг хақиқий мўъжизаси! Сизлар муҳаббатни оддий бир битимга айлаштириб қўйибсизлар.

Барнае

Жюльен де ля Моль хоним ложаси томон отилди. Унинг кўзлари дарҳол Матильданинг жиққа ёшга тўлган кўзлари билан тўқнашди, қиз хатто ўзини босишга уринмай очикдан-очик йиғламоқда эди, ложада онасининг уларга ўз жойини таклиф қилган дугонаси ва унинг бир неча танишидан иборат нотаниш ва эътиборсиз кишилар тўпланишганди. Матильда ўз қўлини Жюльеннинг қўли устига қўйди, у онасининг ҳам шу ерда ўтирганини мутлақо унутиб қўйгандек эди. У йиғидан энтикканича фақат биргина сўзни айтиб: «*Кафолат*», дея олди, холос.

«Фақат у билан сўзланмасам бўлгани, — дея тақрорларди Жюльен, ўзи эса бу пайтда қаттиқ ҳаяжонланиб, гўё учинчи ярус рўпарасида осилиб турган қандилнинг ёрқин шуъласидан кўзи қамашаётган одамдек, бўш қўли билан юзини пана қилишга ҳаракат қиларди. — Агар ҳозир гапирсам, у дарҳол қанчалар изтироб чекаётганимни сезиб қолади, товушим сиримни ошкор қилади, шундан сўнг ҳаммаси барбод бўлиши мумкин».

Дилидаги бу аёвсиз кураш ҳозир унга эрталабкига қараганда анча машаққатлироқ туюлди, зеро шу ўтган пайт ичида унинг қалби анча безовта бўлиб қолганди. Йигит Матильданинг гурури яна жунбишга келишидан қўрқарди. Муҳаббат ва эҳтиросдан эс-ҳушини йўқотаётганига қарамай, у ҳар қалай ўзини қизга гапирмасликка мажбур қилди.

Менимча, бу унинг характеридаги энг ажиб хислатларидан бўлса керак: ўзига-ўзи шундай зулм ўтказишга қодир йигит келажакда ажойиб инсон бўлиб етишиши мумкин, *si fata sinant*¹, албатта.

М-ль де ля Моль, Жюльен уйга биз билан бирга кетади, дея туриб олди. Йигитнинг бахтига қаттиқ ёмғир ёғмоқда эди. Бироқ маркиза уни ўз қаршисига ўтқазиб, бутун йўл давомида уни қизи билан бир оғиз ҳам сўзлаштирмай,

¹ Агар тақдир йўл қўйса (*италь.*).

у билан ўзи гаплашиб кетди. Шу кетишда маркиза гўё Жюльеннинг бахтини кўриқлаётгандек туюларди, йигит ҳам энди ўз туйгуларини ногаҳон сездириб қўйиб, ҳамма ишни барбод қилишдан чўчимай қўйгач, телбалик билан уларга эрк бермоқда эди.

Жюльен хонасига кирган заҳоти дарҳол тиз чўкиб, князь Коразов унга берган ишқий мактубларни ўна бошлагани ҳақида ҳикоя қилишимнинг ҳождати бормикин?

«О, буюк инсон! — дея хитоб қиларди бу телба йигит. — Ҳаммаси, ҳаммаси учун сендан миннатдор бўлмогим керак!»

Аста-секин у ўзини анча босиб олди. Йигит ҳозир ўзини катта жанда ярим галаба қозонган саркардага ўхшатарди. «Жуда улқан муваффақиятга эришдим, — дея муҳокама юритарди у ўзича, — бироқ эртага нима бўлади? Бир лаҳзада ҳаммаси барбод бўлиши мумкин».

У Наполеон Муқаддас Елена оролида айтиб туриб ёздирган «Мемуарлар»ни жон-жаҳди билан очди-да, икки соат давомида уни мажбуран ўқиб ўтирди; тўғри, китобни фақат унинг кўзларигина ўқирди, лекин бари бир у ўзини мутолаа қилишга мажбур этарди. Бу ғаройиб мутолаа пайтида эса унинг ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушган мияси билан юраги ўз ҳолича ишламоқда эди. «Ахир бу қизнинг юраги де Реналь хонимниқига мутлақо ўхшамайди», дея такрорларди у ўзига-ўзи, бироқ хаёли шу фикрдан нарига ўта олмасди.

«Юрагига доимо гулгула солиб турмоқ керак! — дея хитоб қилди у бирдан қўлидаги китобни бир четга қараб улоқтирар экан. — Душманам мендан кўрққан пайтдагина менга итоат этади, ана ўшанда у мендан нафратланишга ботина олмайди».

У бахтиёрликдан бутунлай эсанкираб, кичкина хонасида у ёқдан бу ёққа юрарди. Сирасини айтганда, бу бахтиёрликка муҳаббатдан ҳам кўра кўпроқ ғурур сабабчи эди.

«Юрагига доимо гулгула солиб турмоқ керак, — дея фахр билан такрорларди йигит ва у фахрланса арзирди ҳам. — Ҳатто энг бахтиёр дамларда ҳам де Реналь хоним ўзи мени қанчалик севса, мен ҳам уни шунчалик севишим ёки севмаслигимни ўйлаб муттасил изтироб чекарди. Бу қиз эса ғурур бобида иблиснинг ўзгинаси, биз уни забт этмоғимиз лозим, жуда яхши, шу йўсинда забт этаверамиз!»

У эртага эрталаб соат саккизданок Матильданинг кутубхонага кириб ўтиришини жуда яхши биларди, лекин йигит севги оташида ёнаётган бўлса ҳам қалбини ақл-идроқ-

ка бўйсундириб, у ерга фақат соат тўққизда кириб борди. У тинмай ўзига-ўзи: «Қизнинг кўнглига муттасил гулгула солиб турмоқ лозим: токи у мени севармикин? — дея доим шубҳада юрсин. У ўзининг ажойиб насл-насаби, атрофдагиларнинг доим унга хушомад қилиши оқибатида *жуда тез юнаниб қолади*», дея такрорларди.

Матильда диванда ранги оппоқ оқариб, хотиржам ўтирарди-ю, лекин чамаси қимир этишга мажоли йўқ эди. У Жюльенга қўлини узатди:

— Жонгинам, мен сени ранжитдим, чиндан ҳам мени аҳар қанча жаҳл қилсанг арзийди!..

Жюльен унинг шундай соддагина қилиб гапиришини сира кутмаган эди. У дарҳол кўнгли ийиб, дилидагини ошкор қилиб қўйишга сал қолди.

— Сиз менидан кафолат талаб қилган эдингиз, дўстгинам. — дея қўшимча қилди қиз. эҳтимол. йигит бу сукутга чек қўяр, деган умидда бир оз жим тургач. — сиз ҳақсиз. Майли, мени опқочиб кетинг, Лондонга жўнашлик... Бу ҳол мени умрбод бадном этади, шарманда қилади... — У кўзларини яширмоқ учун Жюльендан қўлини тортиб олишга журъат этди. Қизнинг қалбида аёлларга хос уятчанлик ва ибто туйғуси яна бирдан тугён кўтарган эди. — Майли, мени шарманда қилинг, сизга берадиган *кафолатим* мана шу бўлади.

«Кеча мен бахтиёр эдим, зеро туйғуларимни жиловлаб ола билгандим», дея ўйлади Жюльен. Бир оз сукут сақлаб тургач, у ўзини шу қадар тийиб олдики, қизга совуққина қилиб деди:

— Хўп, сиз билан икковимиз Лондонга кетяпмиз ҳам дейлик, фараз қилайликки, сиз, ўзингизнинг таъбирингиз билан айтганда, шарманда ҳам бўлдингиз. Лекин сиз мени ўшандан кейин ҳам севишингизга, почта каретасининг ўзидаёқ бирдан жонингизга тегиб қолмаслигимга ким кафил бўла олади? Мен золим эмасман, сизни жамият кўз ўнгиде бадном этиш мен учун яна бир бахтсизлик бўлади холос. Ахир бу ўринда сизнинг жамиятдаги пуфунгиз тўенқ бўлаётгани йўқ. Ҳамма бало сизнинг ўз характерингизда. Мени, ҳеч бўлмаса, бир ҳафта давомиде севишингиз ҳақида ўзингизга-ўзингиз кафолат бера оласизми?

«Аҳ, қани энди у мени бир ҳафтагина севса, бор-йўғи бир ҳафтагина, — дея шивирларди ўзича Жюльен, — мен шу қадар бахтиёр бўлардимки, кейин ўлсам ҳам майли эди. Келажак билан нима ишим бор, мен учун ҳаёт деган нарсанинг ўзи нима? Ахир бу лаззат шу дақиқанинг

Ўзидаёқ бошланиши мумкин, «Ўзим» шуни истасам бас, бу фақат ўзимга боғлиқ».

Матильда унинг хаёлга чўмганини кўриб турарди.

— Сизга сира ҳам муносиб эмасга ўхшайман, — деди аранг у йигитнинг қўлидан ушлар экан.

Жюльен қизни қучоқлаб, лабидан ўпди, лекин шу заҳоти бурчнинг метин панжаси унинг юрагини сиқиб олгандек туюлди. «Агар Матильда ўзини нақадар севишимни ёзиб қолса, ҳаммасидан мосуво бўламан». Шу боисдан ҳам қизнинг оғушидан четлашар экан, у ўзини эркакларга хос вазмин тутишга ҳаракат қилди.

Шу куни ҳам, эртаси куни ҳам йигит ўзининг чексиз қувончини усталик билан яшириб юрди. Йигит ҳатто қизни бағрига босишдек лаззатдан ўзини тийган дақиқалар ҳам бўлди.

Бироқ шундай дақиқалар ҳам бўлардики, у бахтиёрликдан эс-хушини йўқотиб, ақл-идрокнинг барча далилларини батамом унутиб қўярди.

Бир вақтлар Жюльен богдаги овлоқ бир жойни ёқтириб қолган эди, у дукчўп қалин ўсган жойга бориб, хушбўй буталар орасига яширинар ва Матильданинг панжарадор деразасини кузатганича ўз маҳбубасининг беқарорлигидан ҳасрат чекиб ўтирарди. Шундоқ ёнгинасида улкан эман дарахти қад кўтарган бўлиб, унинг йўғон танаси йигитни бегона кўзлардан пана қилиб турарди.

Кунлардан бирида улар Матильда билан сайр қилиб юриб, ўша жойга бориб қолишган эди, йигит ўша ғуссали дақиқаларни эслади ва бирдан яқингинада ўзининг нақадар умидсизликка тушиб юргани билан ҳозирги севги нашидаси орасидаги ғоят кескин фарқни яққол ҳис этди, йигитнинг кўзлари жикқа ёшга тўлди ва у севгилисининг қўлларини лабига босиб, шундай деди:

— Шу ерда мен сизнинг хаёлингизда яшаганман, шу ердан туриб деразагизга тикилардим ва ана шу қўлларингиз билан деразани қандай очишингизни кўриб, бир он лаззатланмоқ учун соатлаб кутардим...

Шундан сўнг йигит бутунлай эс-хушини йўқотди қўйди. У сира тақлид қилиб бўлмайдиган мафтункор бир самимият билан қизга бошидан кечирган ўша аламли дақиқалар ҳақида ҳикоя қила бошлади. Бахтиёр оғзидан чиқаётган қисқа-қисқа хитоблар ўша азоб-уқубат тугагач, энди унинг қанчалар бахтиёр экандигидан очиқ-ойдин далолат бериб турарди.

«Ё раббий, нима қилияман мен ўзи? — деди бирдан хушига келиб Жюльен. — Тамом бўлдим».

Унинг қалбини даҳшат қоплади, назарида м-ль де ля Молнинг кўзлари энди унга боягидай меҳр билан боқмаётгандек эди. Бу шунчаки васваса эди, бироқ Жюльеннинг ранги докадек оқариб, афт-башараси ўзгариб кетди. Унинг кўзларидаги олов сўнди, юзидаги чексиз ва оташин муҳаббат ифодаси ўрнини кибр-ҳаво ва ғазаб ифодаси эгаллади.

— Сизга нима бўлди, азизим? — дея меҳр билан сўради ундан ташвишга тушган Матильда.

— Мен ёлгон гапирдим, — деди жавобан жаҳл билан Жюльен. — Келиб-келиб сизни алдаб ўтирсам-а. Бу қилигим учун ўзимни кечиролмайман. Худо шоҳид, сизни ниҳоятда ҳурмат қиламан, шунинг учун сизга ёлгон гапирмаслигим керак. Сиз мени севасиз, менга содиқсиз, шу боисдан ҳам сизга ёқиш учун ҳар хил гаплар тўқиб чиқаришнинг сира ҳожати йўқ эди.

— Ё худойим! Мен шу қадар завқ билан эшитаётган шу гапларингизнинг бари тўқиб чиқарилганмиди ҳали?

— Ҳа, шундай ва мен бунинг учун ўзимдан жуда хафаман, азизим. Бу гапларнинг барини бир вақтлар мени севган ва жуда жонимга теккан бир аёл учун тўқиб чиқарган эдим. Феълимнинг жуда ёмон хусусияти бу, шу гапларни сизга айтганимдан ўзим ҳам пушаймон бўляпман, мени кечиринг.

Матильданинг кўзларидан дув-дув ёш оқмоқда эди.

— Арзимаган бир нарсадан нафсониятим азият чекса бас, — дея давом этди Жюльен, — ўзим ҳам сезмай фаромушхотир бўлиб қоламан, ана шунда лаънати хотирам мени аллақажларга олиб қочади ва ўзим ҳам ўша хаёлларга берилиб кетаман.

— Демак, мен бехос нафсониятингизга тегибман-да? — деди Матильда кишининг меҳрини қўзғатувчи бир соддадиллик билан.

— Бир куни сизнинг шу ерда, ана шу дукчўп бутаси ёнида сайр қилиб юриб, гул узиб олганингизни эсладим. Жаноб де Люз ўша гулни қўлингиздан олган эди, сиз уни қайтариб олмадингиз. Мен ўшанда сиздан икки қадам нарида турган эдим.

— Жаноб де Люз дейсизми? Бўлмаган гап, — дея эътироз билдирди Матильда ўзига хос такаббурлик билан. — Менинг бундай қилишим мумкин эмас.

— Рост айтяпман, — дея гапида туриб олди Жюльен.

— Сиз шундай деяпсизми, демак, рост экан, дўстгинам, — деди Матильда маъюслик билан ерга қарар экан. У кўп ойлардан буён жаноб де Люзга бундай илтифот кўрсатмаганини жуда яхши биларди.

Жюльен унга ниҳоятда меҳри товланиб қаради: «Йўқ, йўқ, — деди у ўзига-ўзи, — у мени илгаригидан кам севмайди».

Ўша куни кечқуруноқ Матильда ҳазил аралаш унга де Фервак хонимга кўнгил кўйгани учун таъна қилди.

— Оддий бир йигитнинг иззатталаб хонимга ошиқ бўлиши қизиқ кўринар экан! Ахир унинг қалби шу қадар совуқ бир тоифаданки, ҳатто менинг Жюльеним ҳам унга ўт ёқа олмайди. Лекин у сизни ҳақиқий дэнди¹ қилиб кўйибди, — дея кўшимча қилди у йигитнинг сочларини тутамлаб ўйнар экан.

Жюльен Матильданинг нафратланишига ишончи комил бўлиб юрган пайтида энгил-бошига эътибор беришни ўрганган ва энди, чамаси, чиройли кийинишда энг нозик дидли парижлик олифталардан қолишмайдиган бўлиб қолганди. Лекин унинг ўша олифталардан битта устун томони бор эди: у бир кийиниб олгач, ўз костюми ҳақида ўйламай кўярди.

Матильда эса бир нарсадан хафа эди: Жюльен ҳамон рус мактубларини кўчириб, уларни маршал бевасига элтиб беришда давом этарди.

XXXII

Йўлбарс

Эвоҳ! Нега бу ишлар бошқача эмас, худди шундай бўлиб чиқади.

Бомарше

Бир инглиз сайёҳи йўлбарс билан қай йўсинда дўстлашгани ҳақида ҳикоя қилади, сайёҳ уни болалигидан боқиб ўстирибди, эркалаб парвариш қилибди, лекин унинг столи устида доим ўқлоғлиқ тўппонча турар экан.

Жюльен чексиз бахтиёрлик туйғусига фақат Матильда бунининг кўзларидан сеза олмайдиган пайтлардагина берилар эди. У ўзи ўйлаб топган қоидага оғишмай риязат ва вақт-вақти билан қизга қуруқ ва совуқ муомала қиларди.

Баъзан у Матильданинг беозорлиги, унинг чексиз

¹ Англияда ўзига бини кўйиб, энг сўнгги мода билан кийинадиган эриак киши шундай аталади (тарж.).

садоқатидан қаттиқ хайратга тушиб, эс-хушини йўқотай дерди. Бундай найтларда йиғит бор иродаси билан ўзини босарди-да, қизнинг олдидан дарҳол нари қетарди.

Матильда умрида биринчи марта севмоқда эди.

Илгари унинг имиллаб ўтадиган зерикарли ҳаёти, энди гўё қанот боғлаб парвоз этарди.

Бироқ гурур бирор йўл билан ўзини намоёиш этиши лозим бўлгани туфайли у энди севгиси дучор қилаётган барча хавф-хатарни телбаларча писанд қилмай юрарди. Энди Жюльен ақл билан иш тутишга мажбур бўлиб қолди, Матильда хавф-хатар ҳақида сўз кетгандагина унга бўйсунмасди. Бироқ у билан беозор ва деярли қулоқ қоқмай муомала қиладиган қиз энди уйдагиларнинг барчасига, қариндошларми ёки хизматкорларми, бари бир, уларга нисбатан янада такаббурроқ бўлиб қолганди.

Кечқурун меҳмонхонада, олтмиш кишига яқин меҳмонлар орасида у Жюльенни ёнига чақириб олар ва ҳеч кимга эътибор бермай, йиғит билан узоқ гаплашиб турар эди.

Суллоҳ Тамбо бир куни уларнинг ёнгинасига келиб ўтириб олди, бироқ қиз унга кутубхонага бориб, Смоллетнинг 1688 йил революцияси ҳақида ҳикоя қилувчи китобини келтиришни буюрди-да, кейин унинг имирсилаётганини кўргач: «Марҳамат қилиб, қайтишга шошилманг!» — дея қўшимча қилди. Бу гапни у шу қадар ерга киргизиб юборгудек нафрат билан айтдики, Жюльеннинг кўнгли ийиб кетди.

— Бу тасқаранинг сизга қандай қараганига эътибор бердингизми? — деди у қизга.

— Унинг тоғаси ўн икки йилдан бери ана шу меҳмонхонада ялтоқланиб юради, бўлмасам мен уни бир зумдаёқ қувиб юборган бўлардим.

Сиртдан қараганда у де Круазнуа, де Люз ва бошқа жанобларга нисбатан одоб сақларди, лекин аслини олганда эса, уларни ҳам менсимай муомала қиларди. Матильда бир вақтлар ўзининг ишқий можаролари ҳақида ҳикоя қилиб, Жюльенга азоб бергани учун ўздан қаттиқ хафа эди, боз устига у ўшанда бу жанобларга шунчаки илтифот этганларини Жюльенга жуда ошириб айтганини тан олишга энди юраги дов бермасди.

Ўзининг барча эзгу ниятларига қарамай, «Ахир бир куни жаноб де Круазнуа мармар столча устида қўлини мейнинг қўлимга хиёл тегизганида мен қўлимни дарҳол тортиб олмаганимни фақат сизнинг жигингизга тегиш учунгина айтган эдим», — дейишга эса унинг аёяллик гурури йўл қўймасди.

Энди уша жаноблардан биронтаси қиз билан бир неча дақиқа гаплашиб қолгудек бўлса, унинг дарҳол Жюльенга бирор зарур иши чиқиб қолар, бу эса йигитни олдидан жўнатмаслик учун унга баҳона бўлар эди.

У ҳомиладор бўлиб қолди ва қиз бу ҳақда Жюльенга қувонч билан хабар қилди.

— Хўш, энди ҳам мендан шубҳаланасизми? Кафолат эмасми бу сизга? Энди мен бир умрга хотинингиз бўлиб қолдим.

Бу хабар Жюльеннинг қалбини ларзага солди; у энди ўзи учун ўйлаб чиқарган ўша қойдалардан воз кечишга ҳам тайёр эди. «Мени деб ўзини ҳалок этаётган бу бечора қизга қандай қилиб атайин кўпол ва совуқ муомала қилишим мумкин ахир?» Қиз унинг кўзига хиёл касалманд кўринган заҳоти, ҳатто ақл-идроки бирон қаттиқ гап айтишни тақозо этаётган пайтда ҳам, у энди Матильдага совуқ муомала қилишга ботинмасди, ҳолбуки, аччиқ тажрибаси кўрсатиб турганидек, бундай шафқатсизлик орасида севгининг умрини чўзиш учун зарур эди.

— Мен отамга мактуб ёзиб, бор гапни унга тушунтирмоқчиман, — деди йигитга бир куни Матильда, — у менга фақат отагина эмас — дўстим ҳамдир, шу боисдан уни ортиқ бир дақиқа ҳам алдаб юролмаймиз, бу сизнинг ҳам, менинг ҳам шаънимизга ярашмайдиган иш.

— Ё раббий! Нима қилмоқчисиз ўзи? — дея сўради даҳшатга тушиб Жюльен.

— Ўз бурчимни бажармоқчиман, — деди қиз жавобан кўзлари қувончдан порлаб. Ниҳоят, у севиклисига қараганда кўпроқ хотамтойлик қилмоқчи эди.

— У мени шарманда қилиб қувиб юборади-ку, ахир!

— Унинг шундай қилишига ҳақи бор. Ва бу ҳуқуқни ҳурмат қилмоқ керак. Мен сизнинг қўлтигингиздан тутаман-да, икковимиз куппа-кундуз куни уйдан чиқиб кетамиз.

Ҳайратдан ўзига келмаган Жюльен ундан бир ҳафта сабр қилишни сўради.

— Сабр қилолмайман, — дея жавоб қилди қиз, — номусим шуни талаб қияпти. Биламан, бу менинг бурчим ва уни дарҳол бажармоқ керак.

— Шунақами ҳали?! У ҳолда сизга сабр қилишни буюраман, — деди қатъий оҳангда Жюльен. — Сизнинг номусингиз ҳимоясиз эмас — мен сизнинг эрингизман. Бу дадил қадам сизнинг ҳам, менинг ҳам бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборади. Менинг ҳам ўз ҳуқуқларим

ор. Бугун сешанба, келаси сешанбада эса герцог Рецни-
да зиёфат бўлади. Жаноб де ля Моль ўша зиёфатдан
қайтганида швейцар унга сизнинг машъум хатингизни
топширади... У уззукун сизнинг герцогиня бўлишингизни
орзу қилади, мен буни жуда яхши биламан, унинг учун
сизнинг қандай даҳшатли зарба бўлишини бир ўйлаб
кўринг ахир!

— Сиз, эҳтимол, қандай даҳшатли қасос, демоқчи-
дирсиз?

— Мен ўзимга яхшилик қилган одамга ачинишим,
унинг бошига ташвиш солганим учун гусса чекишим
мумкин, лекин мен кўрқмайман ва ҳеч ким ҳеч қачон
мени кўрқита олмайди.

Матильда Жюльеннинг гапига кўнди. Қиз унга ҳомиласи
борлигини айтганидан буён Жюльен унга биринчи марта
шундай буйруқ оҳангида гапирмоқда эди; у ҳали ҳеч қачон
Матильдани бу қадар қаттиқ севмаган эди. Унинг дилидаги
бутун меҳр-муҳаббати қизнинг ҳозирги аҳволини баҳона
қилиб Жюльеннинг у билан кўпол гаплашишидан чалғи-
моқда эди. Қиз маркиз де ля Моль олдида гуноҳига иқро
бўлмоқчи эканлигидан у қаттиқ ҳаяжонга тушди. Наҳот,
у Матильдадан айрилишга мажбур бўлса? У жўнаб кета-
ётганида қиз қанчалик қайғу чекмасин, орадан бир ой
ўтгач, уни эслармикин?

Шу билан бирга маркиздан эшитадиган ҳаққоний таъ-
на-маломатлар ҳам уни ваҳимага солмоқда эди.

Кечқурун у Матильдага дилидаги дард-аламнинг ана
шу иккинчи сабабини сўзлаб берди-да, кейин севгидан
эриб кетиб, биринчисини ҳам айтиб қўя қолди.

Матильданинг чехраси ёришиб кетди.

— Рости билан-а? — дея сўради у — Мени ярим йил
кўрмаслик сиз учун бахтсизликми?

— Бу дунёда ақл бовар қилмайдиган, ўйласам юрагим
қинидан чиқиб кетадиган ягона нарса мана шу.

Матильда қувонганидан боши осмонда эди. Жюльен ўз
ролига шу қадар қатъий амал қилган эдики, ўзидан кўра
қиз уни кўпроқ севишига тамоман инонтириб қўйганди.

Машъум сешанба куни ҳам өтиб келди. Ярим кечада
зиёфатдан қайтган маркизга хат топширишди. Хатнинг
конвертида бу мактубни шахсан ўзи очиши ва ҳеч ким
йўқлигида ўқиб чиқиши лозим эканлиги ёзилган эди.

«Отажон,

Орамиздаги барча ижтимоий алоқалар узиб ташланди,
ўртада фақат ота-болалик муносабатимизгина қолди.

Эримдан сўнг Сиз ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам мен учун дунёдаги энг азиз инсон бўлиб қоласиз. Кўзларим ёшга тўлган, Сизнинг дилингизга қайғу солаётганимни ўйлаб, гусса чекапман, бироқ менинг қандай иснодга қолганим эл оғзида дoston бўлмаслиги учун ва Сиз мулоҳаза қилиб кўриб, ўзингиз қандай лозим топсангиз, шундай чора кўрмогингизга фурсат бўлсин, деган мақсадда Сизга айтмоғим лозим бўлган гапни ортиқ пайсалга сололмайман. Агар Сизнинг чексиз оталик меҳрингиз (менга ҳар қалай шундай туюлади) менга озгина нафақа белгилашга имкон берса, Сиз буюрган жойга, масалан, Швейцарияга эрим билан жўнаб кетавераман. Унинг исми шу қадар бенишонки, веррьерлик дурадгорнинг келини бўлмиш Сорель хоним номини қабул қилгач, Сизнинг қизингизни ҳеч ким танимай қолади. Мен ёзишга жуда қийналган исм мана шу. Ҳазабингизни кўзгатаётганимни ўйласам, даҳшатга тушаяпман. Сизнинг ҳазабингиз қанчалик адолатли бўлмасин, ҳамма айбни Жюльенга қўясизми деб қўрқаман. Мен герцогиня бўлмайман, отажон, буни мен уни севиб қолганим заҳоти тушунганман, зеро менинг ўзим биричи бўлиб севиб қолдим уни, ўзим уни йўлдан урдим. Қалби юксаклик бобида мен Сизнинг ўзингизга, аждодларимизга тортганман, шу боисдан ҳам ҳеч қандай ўртамиёна кимса ёки ўзимга шундай бўлиб туюлган одам менинг эътиборимни ўзига жалб эта олмайди. Сизнинг кўнглингизга қараш учун жаноб де Круазнуага эътибор берай деб беҳуда уриндим. Нега энди Сиз худди шу пайтнинг ўзида менинг кўз ўнгимда, шундоқ ёнгинамда чиндан ҳам муносиб йигитнинг юришига йўл қўйдингиз? Ахир мен Гиердан қайтиб келганимда ўзингиз: «Манови Сорель тушмагур билан вақт ўтказсанг, сира зерикмас экансан»,— деган эдингиз-ку. Бояқиш ҳозир, агар буни тасаввур қилиш мумкин бўлса, манови мактубим Сизнинг бошингизга солажак кулфатдан, худди мен каби, қаттиқ қайғу чекмоқда. Сизнинг оталик қаҳр-ҳазабингизнинг олдини олиш менинг ихтиёримда эмас, лекин илтимос, мендан ихлосингиз қайтмасин, мени меҳрингиздан маҳрум этманг.

Жюльен менга ҳурмат билан муомала қиларди. У мен билан сўзлашган тақдирда ҳам Сиздан бениҳоя миқнатдорлиги туфайли сўзлашарди, зеро у табиатан анча мағрур бўлиб, ўзидан юқори турган кишилар билан, уларнинг ким бўлишидан қатъий назар, фақат расман гаплаша оларди. У ижтимоий аҳволдаги бу тафовутни табиатан жуда яхши ҳис этарди. Менинг ўзим бир куни богда унинг қўлини қисиб қўйдим. Мен бутун шарм-ҳаёни

Йиғиштириб қўйиб, бу гапни фақат Сизга, ўзимнинг энг яхши дўстимга айтялман, бўлак ҳеч ким ва ҳеч қачон эшитмайди мендан бу иқрорни.

Вақт ўтади, наҳот Сиз эртага, орадан бир кун ўтгандан кейин ҳам ундан шундай ғазабланаверсангиз? Менинг гуноҳимни тузатиб бўлмайди энди. Агар истасангиз, у мен орқали Сизга бениҳоя ҳурматини изҳор қилиб, Сизнинг қаҳр-ғазабингизга дучор бўлганидан чексиз қайғу чекаётганини айтади. Сиз уни бошқа кўрмайсиз, лекин мен у истаган жойга ортидан кетавераман. Шундай қилишга унинг ҳаққи бор, бу менинг бурчим, зеро у менинг эрим ва боламнинг отасидир. Агар Сиз меҳрибонлигингиз туфайли тирикчилигимиз учун олти минг франк белгиласангиз, мен бу пулни гоят миннатдорчилик билан қабул этаман, мабодо буни лозим кўрмасангиз, у ҳолда Жюльен Безансонда лотин тили ва адабиётидан дарс беришга умид қиляпти. У ишни қайси поғонадан бошламасин, имоъим комилки, тезда ном чиқаради. У билан мен бенишонликдан кўрқмайман. Агар революция содир бўлса, унинг биринчи ролни ўйнашига шубҳаланмайман. Хўш, менга уйланмоқчи бўлган ўша йигитлардан биронтаси ҳақида Сиз шундай гапни айта олармидингиз? Нима, уларнинг бадавлат амлоки борми? Бироқ бу ягона устунлик мени ўзига мафтун эта олмайди. Менинг Жюльеним, агар отамнинг ҳомийлиги ва бир миллион пулга эга бўлса, мавжуд тузумда ҳам катта нуфузга эришган бўларди...»

Матильда отасининг тажанг одам эканлигини биларди ва унинг жаҳлдан тушишига имкон бермоқ учун саккиз саҳифани тўлдириб ёзган эди.

«Нима қилмоқ керак? — дея ўзи билан ўзи мулоҳаза юритарди Жюльен ярим кечада, жаноб де ля Моль шу мактубни ўқиётган пайтда боғни айланиб юрар экан. — Биринчидан, менинг бурчим нимадан иборат, иккинчидан эса, менинг манфаатларим нимани тақозо этади? Унинг менга қилган яхшиликларининг чеки йўқ, усиз мен арзимас мартабани эгаллаган аянчли бир фирибгар бўлардим, кейин, эҳтимол, атрофимдаги одамларнинг нафратига дучор бўлишдан кўрқиб, муттасил орқа-олдимга қараб юришга тўғри келарди. У мени оқсуяқлардек яшашга ўргатди. Шу боисдан ҳам мен муқаррар қилажак найранглар, биринчидан, камроқ бўлади ва иккинчидан, унча жирканч бўлмайди.

У менга бир миллион берган тақдирда ҳам шу қадар яхшилиқ қилмаган бўларди. Мен манови орден учун ҳам, гўё дипломатия соҳасида кўрсатган ва умумий даражада-

дан мени юқорироқ кўтариб қўядиган хизматларим учун ҳам фақат ундан миннатдор бўлмоғим керак.

Агар ҳозир у қўлида қалам билан менинг бундан бу ёғига қандай йўл тутишим ҳақида кўрсатма беришни ўйлаётган бўлса, — қизиқ, нималарни ёзаркин?..»

Шу пайт бирдан жаноб де ля Молнинг кекса камердинери пайдо бўлиб, Жюльеннинг мулоҳазаларини бўлиб қўйди.

— Маркиз сизни, кийинганми, кийинмаганми, бари бир, дарҳол олдимга кирсин, деяптилар.

Сўнгра Жюльенни ичкарига кузатиб борар экан, камердинер аста деди:

— Эҳтиёт бўлинг, жаноб маркиз бағоят ғазабга минганлар.

XXXIII

Тушкунлик

Бу олмосга ишлов бера туриб, нўноқ сангтарош унинг энг сержило қирраларини йўниб ташлабди. Асрнинг ўрталарида — мен нималар деяпман ўзи — ҳали Ришелье замонидаёқ француз ўз орзу-истаги учун қаттиқ қурашарди.

Мирабо

Жюльен хонага кириб борганида маркиз ниҳоятда дарғазаб эди чамаси, бу ақобир умри бино бўлиб, биринчи марта шундай одобсиз гапларни тилга олаётган бўлса керак. У Жюльенни чапанчасига сўка бошлади. Қаҳрамонимиз ҳайратга тушиб, кўнгли ранжиди-ю, бироқ унинг маркизга бўлган миннатдорлик туйғусига путур етмади. «Анчадан буён қанчадан-қанча орзу-умидлар, ажойиб режаларни кўнглига тугиб юрса-ю, кейин бу бадбахт одам буларнинг бари бир зумда кўкка совурилганини кўрса! Лекин мен унга бирор нарса деб жавоб қилишим керак, агар индамай тураверсам, у баттар ғазабга минади». Шу пайт Тартюфнинг бир гапи унинг эсига тушди.

— *Мен фаришта эмасман...* Сизга сидқидилдан хизмат қилдим ва сиз мени сахийлик билан тақдирлаб юрдингиз... Сизга бўлган миннатдорчилигимнинг чеки йўқ, лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, мен эндигина йигирма иккига кир-

дим... Бу хонадонда мени ёлғиз сизу ўша дилбар қиз тушунардингизлар...

— Газанда! — дея қичқирди маркиз. — Дилбар, дилбар! Унинг дилбарлиги миангизга келган кунийёқ бу ердан қочишингиз керак эди!

— Мен қочмоқчи ҳам бўлдим: ўшанда Лангедокка жўнамоқ учун сиздан ижозат сўраган эдим.

Маркиз газабига чидаёлмай хонада у ёқдан бу ёққа югурарди. Ниҳоят, у югураверганидан силласи қуриб, қайғудан қадди букилиб, креслога йиқилди. Жюльен унинг ўзича: «Аслида сира ҳам ёмон йигит эмас ўзи...» дея мингиллаганини эшитиб қолди.

— Йўқ, мен ҳеч қачон сизга нисбатан ёмонлик тиланган эмасман! — дея хитоб қилди Жюльен маркизнинг олдида тиз чўқар экан. Бироқ шу заҳоти ўзининг бу ҳаракатидан қаттиқ изза бўлиб, дарҳол ўршидан турди:

Маркиз эс-хушини йўқотиб қўйгандек эди. Жюльен тиз чўққанини кўриб, у яна йигитни извошчилардек болохонадор қилиб сўка бошлади. Эҳтимол, бу сўкишлар ўзининг қандайдир янгилиги билан унинг диққатини чалғитгандир.

«Не кўргилик ахир! Менинг қизим «Сорель хоним» деб аталадими энди? Бу қанақаси! Қизим герцогиня бўлмайдими ҳали?» Ҳар гал ана шу икки фикр унинг миёсига равшан келганида унинг ичи гўё ағдар-тўнтар бўларди-да, дарҳол эс-хушини йўқотиб қўярди. Жюльен, ҳали у мени дўшослаб қолмаса эди, дея чўчиб қолганди.

Ҳуши жойига келиб, маркиз бошига тушган бу кулфатга кўника бошлагандек туюлган пайтларда у Жюльенга анча асосли таъналар қиларди.

— Жўнаб кетиш керак эди, тақсир... — дерди у йигитга. — Бу ердан жўнаб кетиш сизнинг бурчингиз эди... Сиз бирт аблахлик қилибсиз...

Шу пайт Жюльен стол ёнига келди-да, қоғозга қуйидаги сўзларни ёзди: «*Ҳаёт аллақачон тоқат қилиб бўлмас даражада жонимга теккан эди, мен унга чек қўяялман. Жаноб маркиздан менинг чексиз миннатдорчилигимни қабул этишларини сўрайман ва шу билан бирга ўлимим у кишининг хонадонига келтирадиган безовталиқ учун мени афв этишларини илтимос қиламан.*»

— Жаноб маркиз мана шу қоғозни ўқиб чиқсалар. Мени ўлдиринг, — деди Жюльен, — ёки бу ишни камердинерингизга буяринг. Ҳозир кечаси соат бир бўлди, мен боғнинг нариги чеккасида девор олдида юраман.

— Йўқолинг кўзимдан! Жин урсин! — дея қичқирди унинг ортидан маркиз.

«Тушунаман, — дея ўйлади Жюльен, — агар мен унинг малайини жаллодлик вазифасидан халос этсам, у сира ҳам қаршилик қилмаган бўларди... Йўқ, ўлдирадиган бўлса ўлдира қолсин. марҳамат, буни унга ўзим таклиф қилман... Лекин ўзим чи, жин урсин, ўзим ҳаётин яхши кўраман-ку ахир... Мен ўғлим учун яшамоғим керак».

Богда ўзига қутқу солаётган хатарни қаттиқ ҳис этганча бир неча минут айланиб юрганидан сўнг хаёлида биринчи марта шундай аниқ пайдо бўлган бу фикр тезда унинг бутун вужудини қамраб олди.

Ўзи учун янги бўлган бу ташвиш уни жуда эҳтиёткор қилиб қўйди. «Бу тийиқсиз одам билан қандай муомала қилиш ҳақида биронта киши билан маслаҳатлашмоқ керак... У ҳозир ақлдан озиб юрибди, қўлидан ҳар бир иш келади. Фуке жуда йироқда, иннайкейин маркиздек бир одамнинг кўнглидан нелар кечаётганини у қаёқдан ҳам билсин.

Граф Альтамира... Лекин у умрининг охиригача буни сир сақлаб юради, деб ким кафолат бера олади? Шундай қилиш керакки, бирор одам билан маслаҳатлашиб кўришга уринишим биронта ёмон оқибатга олиб келмасин ва бусиз ҳам ёмон аҳволимни баттар чатоқлаштириб қўямасин. Афеус! Чамаси, бадқовоқ аббат Пирардан бўлак маслаҳатлашадиган одамим йўққа ўхшайди... Бироқ у ҳамма янсенистлар каби тор фикр юритади... Киборлар жамиятини биладиган биронта муттаҳам иезуитнинг менга кўпроқ фойдаси теккан бўларди... Аббат Пирарга келсак, ўз жинойтим ҳақида сўз очишим биланоқ мени дўппослашдан ҳам қайтмайди у».

Жюльенни яна Тартюфнинг арвоҳи қўллади. «Мана бу яхши фикр. Унинг олдига бориб, гуноҳларимга тавба қиламан». Богда икки соат сайр қилиб юргач, у аяа шундай қарор қилди. У энди ҳозир ўқ еб йиқилиши мумкинлиги ҳақида ўйламай қўйганди. Уни қаттиқ уйқу босмоқда эди.

Эртаси куни азоплаб Жюльен Париждан чиқиб, анча йўл юрди-да, қаттиққўл янсенистнинг уйига етиб борди. Йигит гуноҳларига иқрор бўлиб айтган барча гаплар аббат учун у қадар янгилик бўлмаганини кўриб қаттиқ ҳайратга тушди.

«Чамаси, бу ўринда мен ўзимни айбламоғим керак», дерди ўзига-ўзи аббат. Шу тобда унинг газабланишдан кўра кўпроқ ташвишга тушиб қолгани яққол сезилиб турарди.

— Ўзим ҳам деярли сезган эдим бу ишқий моҳарони.

Лекин сизга бўлган меҳрим туфайли, бадбахт йигит, бу гапни отасига шама қилишдан ўзимни тийган эдим...

— Аммо, сизнингча, нима қиларкин у? — деди бетоқат бўлиб Жюльен.

Шу дақиқада йигит дилида аббатга меҳри товланиб турар ва шу боисдан ҳам манови кўнгилсиз гаплар унинг учун жуда оғир ботмоқда эди.

— Назаримда, унинг учта имконияти бор, — дея давом этди у. — Биринчидан, жаноб де ля Моль мени ўлдириши мумкин, — шундан сўнг у аббатга гўё ўзини-ўзи ўлдирган одам сифатида изоҳнома ёзиб, маркизга ташлаб келганини айтиб берди. — Иккинчидан, маркиз бу ишни граф Норберга топшириши мумкин. Шунда граф мени дуэлга чақиради.

— Хўш, сиз унинг бу чақирувини қабул қиласизми? — газаб билан ўрнидан сапчиб турар экан, сўради аббат.

— Сиз гапимни охирига етказишимга қўймайсиз. Турган гап, мен ҳеч қачон ўз валинеъматимнинг ўглига қарата ўқ узмаган бўлардим.

Учинчидан, у мени бу ердан бирор ёққа жўнатиб юбориши мумкин. Агар у менга Эдинбург ёки Нью-Йоркка жўнанг деса, буйруғини бажараман. Шунда мадемуазель де ля Молнинг ҳомиладорлигини яширишлари мумкин, лекин мен ўғлимни ўлдириб юборишларига сира ҳам йўл қўймайман.

— Имонингиз комил бўлсин, бу ахлоқсиз одамнинг миясига келадиган биринчи фикр ана шу бўлади...

Бу орада Матильда, Парижда хавотир олавериб, ақлдан озай деганди. У отаси билан эрталаб еттиларда кўришган эди. Маркиз унга Жюльеннинг изоҳномасини кўрсатди. Шундан бери у ўзини қаерга қўярини билмас, Жюльен бу аҳволда ўзимни ўзим ўлдиришим энг олижаноб иш бўлади, дея аҳд қилмадимикин, деган даҳшатли фикрдан азоб чекар эди. «Ҳатто мендан бир оғиз маслаҳат ҳам сўрамади-я», дерди у ўзига қайгу-алам билан.

— Агар у ўлган бўлса, мен ҳам бу дунёда яшамайман, — дерди у отасига. — Унинг ўлимига сиз айбдор бўласиз... Эҳтимол, бундан бошингиз осмонга етар... Лекин унинг хотираси ҳаққи онт ичаманки, мен, биринчидан, мотам кийимини кияман ва ҳаммага ўзимни *Сорелнинг беваси*, деб эълон қиламан. Кейин шундай имзо чекиб, унинг дафн маросимига таклифнома тарқатаман, шуни билиб қўйинг... Мен кўрқоқлик ҳам қилмайман, яшириниб ҳам ўтирмайман.

Қизнинг севгиси телбалик даражасига етиб бормоқда эди. Энди маркизининг ўзи шошиб қолди.

У содир бўлган воқеага бирмунча оқилона қарай бошлаган эди. Матильда ионушта қилгани тушмади. Маркиз буни кўриб, анча енгил тортди, энг муҳими эса қизи, маънум бўлишича, бу гаплар ҳақида онасига «чурқ» этиб оғиз очмаганидан унинг кўнгли кўтарилган эди.

Жюльен отдан тушган заҳоти Матильда унга одам юборди ва йигит унинг олдига чиқishi биланоқ деярли оқсочининг кўз ўнгиди унинг бўйнидан кучиб олди. Жюльен бу жўнқилиги учун қиздан унча миннатдор бўлмади, аббат Пирар билан узоқ маслаҳатлашиб ўтирганидан сўнг у жуда эҳтиёткор бўлиб қолган ва ҳар хил имкониятларини бирма-бир санаб, чамалаб кўриш натижасида совуққонлик билан иш юритишга аҳд қилган эди. Матильда кўзларига ёш олиб, йигитга унинг ўзини ўзи ўлдирishi ҳақидаги ўша хатини кўрганини айтди.

— Отам ҳали фикридан қайтиб қолиши мумкин. Мендан марҳаматингизни аямай, дарҳол Виллекьеге жўнанг, бизникилар стол ёнидан турмасларидан аввал отга мининг-да, жўнаб кетинг. — Жюльенинги жойидан кўзгалмай унга ҳайратланиб, совуқ қараб турганини кўргач, қиз йиглаб юборди.

— Ишларимизни юритишни менга қўйиб бер! — дея хитоб қилди у йигитнинг кўксига ташланиб, уни маҳкам кучоқлар экан. — Фақат ноиложлик юзасидангина сендан вақтинча айрилаётганимни жуда яхши биласан-ку ахир. Менинг оқсочим номига хат ёз, фақат адреси бегона қўл билан ёзилган бўлсин, мен эса сенга том-том қилиб ёзиб тураман. Хайр, жонгинам! Қоча қол тезроқ!

Қизнинг охириги сўзи Жюльенга оғир ботган бўлса-да, лекин у ҳар қалай нтоат этишни лозим тонди. «Доим шундай бўладикки, — дея хаёлидан ўтказди у, — бу одамлар ҳатто энг яхши дақиқаларида ҳам бирор гаплари билан менинг нафсониятимга тегадилар».

Матильда отасининг барча оқилона режаларини қатъиян рад этди. У қўйидаги шартлар бажарилмаса, ҳеч қандай битимга келишни истамасди: у албатта Сорель хоним бўлади ва эри билан Швейцарияда камтарона ҳаёт кечиради ёки у билан отасиникида Парижда қолади. У болани яширинча туғиш ҳақида ҳатто эшитишни ҳам истамасди.

— У ҳолда ҳар хил фикр-фужур гаплар бошланади, кейин исноддан қутулиб бўлмайди. Тўйдан сўнг икки ой ўтгач, эрим билан саёхатга жўнаймиз, ана шунда барчага менинг ўғлимни ўз вақт-соатида турилгандек қилиб кўрсатишдан осони бўлмайди.

Қизиниң бу ўжарлиғидан маркиз аввалига қаттиқ га-
забланди, кейин эса, ниҳоят, иккиланиб қолди.

Бир кун у хиёл жаҳлидан тушди.

— Ма, мановини ол, — деди у қизига, — бу ўн минг
рента совға қилаётганим ҳақидаги ҳадянома, уни ўша
Жюльениннга жўнатиб юбор, унга айтиб қўй, агар фик-
римдан қайтгудек бўлсам, бу ҳадяномани қайтариб олол-
маслигим учун тезроқ бирор чора кўриб қўйсин.

Матильданиннг буйруқ беришни яхши кўришини билган
Жюльен нима мақсадда кетаётганини ўзи ҳам билмай,
фақат унга ён бериш учунгина юз чақиримча йўл босиб,
Виллекьеге борди-да, у ердаги фермерлариниң ҳисоб-китоб
дафтарларини текшириб кўрди; маркизиниң хайр-саховати
унга қайтиш учун баҳона бўлди. Йигит бу пайтга келиб
Матильданиннг энг содиқ иттифоқдоши бўлиб қолган аббат
Пирарниннг ҳузурига бошпана излаб борди. Маркиз ҳар
гал маслаҳат сўраб аббатга мурожаат қилганида, у қону-
ний никоҳдан бўлак ҳар қандай ўзга йўл яратган парвар-
дигор олдида гуноҳ эканлигини исботланга ҳаракат қи-
ларди.

— Бахтимизга, — дея қўшимча қиларди аббат, — хаё-
тий тажриба ҳам бу ўринда дин томонидадир. Мадемуазель
де ля Моль ана шу тийиқсиз табнати билан ўзи яширишни
истамайдиган нарсани сир сақлаб юришинга имонингиз
комилми? Агар сиз тўйиниң таомилга биноан очикдан-очик
ўтказилишига рози бўлмасангиз, жамиятда бу сирли
тенгсиз никоҳни анча кўпроқ гийбат қилиб юришади.
Ҳаммасини бирваракайига эълон қилиш керакки, токи
чиндан ҳам ҳеч қандай шубҳа туғилмасин ва ҳеч қандай
сирга ўрин қолмасин.

— Тўғри айтасиз, — дея хаёлга чўмиб унинг фикрига
кўшилди маркиз. — Бизиниң замонамизда бу тўй ҳақидаги
мишмишлар уч кундан кейинноқ аҳмоқ ва арзимас одамлар
шугулланадиган бемаъни бир гийбатдек туюла бошлади.
Биз ҳукуматиниң яқобинчиларга қарши қаратилган бирор
йирик тадбир қўлашидан фойдаланиб, унинг ортидан
сездирмай тўйини ҳам ўтказиб юбормоғимиз лозим бўлади.

Жаноб де ля Молинниң дўстларидан икки-учтаси ҳам аб-
бат Пирарниннг фикрига қўшилишмоқда эди. Улар ҳам,
Матильданиннг қатъий характери биронта бошқа чора қўл-
лашга йўл қўймайди, деб ҳисоблашарди. Ана шу ажойиб
мулоҳазалардан кейин ҳам маркиз дилида, қизини герцо-
виня қилиш ҳақидаги орзусидан бутунлай воз кечиш
лозим, деган фикрга сира кўника олмас эди.

Унинг хотираси, унинг хаёлотини ўзиниң ёшлиғида

амалга ошириши мумкин бўлган турли-туман саргузашт ва устомонликларни жонлантирарди. Заруратга бўйсуниб, қонундан чўчиш маркизга ўзидек нуфузли бир одам учун бемаъни ва шаънига тўғри келмайдиган нарсасидек туюларди. Сўнгги ўн йил ичида у қизининг келажаги тўғрисида ажойиб орзу-умидларга берилиб юргани учун энди қаттиқ жазосини тортмоқда эди.

«Ахир ким ўйлабди шундай бўлади деб?! — хаёлан хитоб қиларди у. — Шундай мағрур, шундай ақлли қиз-а! Ахир у ўз насл-насаби билан мендан ҳам кўпроқ фахрланар эди-ку! Ҳали у ёш қизалоқлик пайтидаёқ Франциянинг энг олди одамлари уни келинликка сўрашган эди.

Ҳа, шундай бемаъни иш қилмоқлик учун ҳар қандай ақл-идрокни унутиш керак! Замонанинг ўзи шунақа: ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Келажакда бизни бутунлай тартибсизлик кутмоқда».

XXXIV

Ақлли одам

Префект байталида кетиб борар экан, ўзича: «Ажаб эмас, мен министр, Совет раиси, герцог бўлиб кетсам... Урушни мен мана бундай олиб борардим... Ҳар хил янгилик тарафдорларини мана бундай қилиб тор-мор этардим-да, оёқларига кишан урардим», дея хаёл қилиб борарди.

«Глобус»

Ўн йилларча давом этган ширин хаёлларнинг қудратли ҳукмини ақл-идрок далиллари билан енгиб бўлмас экан. Маркиз жаҳл қилиш ақлдан эмас, деган фикрга қўшилди, бироқ қизи билан Жюльенни сира кечира олмасди. «Қани энди ўша Жюльён иттифоқо бирор фалокатга йўлиқиб ўлиб кетса...» — дея ўйларди у баъзан. Шу йўсинда ақлга тўғри келмайдиган орзулар билан ўзига тасалли бермоқчи бўларди. Бу эса аббат Пирарнинг барча доно маслаҳатлари таъсиричи йўққа чиқарарди. Орадан

бир ой ўтди, лекин улар ҳамон бир битимга келиша олмади.

Бу оилавий ишда, худди сиёсий ишлардаги каби, маркизнинг миясига ажойиб фикрлар келиб қоларди-да, у шу билан икки-уч кун илҳомланиб юарди. Ана шунда у ҳар қандай бўлак режани рад этарди, чунки бундай режалар соғлом мулоҳазаларга асосланган бўларди. Соғлом мулоҳазалар эса маркизга фақат улар унинг ўзи хуш кўрган режани кўллаб-қувватлаган пайтдагина ёқарди. Уч кун давомида у ҳақиқий шоирларга хос бир илҳом билан ишни ўзи истаган изга солиш устида меҳнат қиларди, бироқ орадан яна бир кун ўтарди-да, маркиз бу гапларни ортиқ ўйламай қўярди.

Аввалига Жюльен ҳайрон бўлиб юрди — у маркизнинг сусткашлик қилишидан гангиб қолган эди, бироқ орадан бир неча ҳафта ўтгач, у жаноб де ля Молнинг бу иш юзасидан қандай қарорга келишни билмай қолганини тушуна бошлади.

Де ля Моль хоним ва уйдаги барча бўлак одамлар, Жюльен уларнинг ер-мулкларини бошқариш ишлари бўйича провинцияга жўнаган, деб ўйлашарди. Йигит аббат Пирарнинг уйда яшириниб юрар ва деярли ҳар куни Матильда билан кўришиб турар эди. Ҳар куни эрта-лаб қиз отасининг олдига кирарди-да, у билан бир соатча гаплашиб ўтирарди. Лекин баъзан улар бутун хаёлларини қамраб олган бу иш ҳақида ҳафталаб сўзлашмай қўйишарди.

— Ўша йигитнинг қаерда эканлигини мен ҳатто билишни ҳам истамайман, — деди бир куни қизига маркиз. — Мана, бу хатни унга юборинг.

Матильда хатни ўқиб чиқди:

«Лаңгедокдаги ерлар йилига 20 600 франк даромад беради. Шундан 10 600 франкни қизимга ва 10 000 франкни жаноб Жюльен Сорелга совға қиламан. Ерлар ҳам, албатта, уларга ўтади. Нотариусга айтинг, иккита алоҳида васиқа тайёрлаб, эртага олдимга олиб кирсин, шундан сўнг орамиздаги барча алоқалар узилади. Аҳ, тақсир! Мен сиздан шунни кутганмидим?»

Маркиз де ля Моль»

— Чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман, — деди қувноқ оҳангда Матильда. — Биз Ажей ва Мармайд яқинидагид Эгийон қасрига кўчиб борамиз. Айтишларича, у ерлар януда кўшманзара жойлар бўлиб, Италиянинг ўғинчиси эмис.

Бу тухфа Жюльенни ниҳоятда ҳайратга солди. Энди бу илгари биз билган ўша букилмас ва совуққон одам эмасди. Ўғлининг тақдири аввал-бошданоқ унинг бутун фикр-хаёлини чулғаб олганди. Қутилмаганда қўлига кираётган ва ўзидек камбағал бир одам учун анча катта туюладиган бу бойлик уни шухратпараст қилиб қўйди. Энди хотини билан икковининг 36000 минг франк рентаси бор эди. Матильдага келсак, унинг бутун вужуди энди ўзи доим фахрланиб эрим деб атайдиган Жюльенни севишдек ягона бир туйғу билан банд эди. Унинг бутун иззат-нафси фақат ана шу никоҳни тан олмақларига муваффақ бўлишга қаратилган эди. У ўз тақдирини шундай ажойиб йигит билан боғлаб жуда ақлли иш қилгани учун ўзига тишимсиз таҳсин ўқирди. Шахсий фазилатлар — у таянадиган ва ўзи яхши кўрадиган далил ана шу эди.

Узоқ давом этган айрилиқ, турли-туман ишлар, баъзи-баъзида учрашиб, ўз севгилари ҳақида гаплашиб олиш, буларнинг бари бир вақтлар Жюльен кашф этган доно сиёсатнинг самарали таъсир қилишига ниҳоятда ёрдам бермоқда эди.

Ниҳоят, Матильда ўзи энди чинакамига севиб қолган одам билан аҳён-аҳёндагина учрашаётганидан тоқати тоқ бўлиб, қалби галаёнга келди.

Жаҳл устида у отасига Отелло руҳидаги сўзлар билан бошланган бир хат ёзди:

«Мен жамяят жаноб маркиз де ля Молнинг қизига бағишлаши мумкин бўлган оқсуякларга хос ҳузур-ҳаловатдан Жюльенни афзал кўрдим. Майда шухратпарастлик ва бемаъни манманликнинг бу қувончларини мен тан олмайман. Мана, бир ярим ойдирки, эрим билан жудозикда яшайман. Сизга бўлган ҳурматини изҳор қилмоқ учун шунинг ўзи ҳам старли бўлса керак. Келаси ҳафтанинг пайшанба кунигача мен тугилган уйимни тарк этаман. Сизнинг саховатингиз туфайли биз энди давлатманд одам бўлиб қолдик. Муҳтарам аббат Шрардан бўлак ҳеч ким сиримдан воқиф эмас. Мен тўғри унинг олдига бораман, у бизни никоҳлаб қўяди, бир соатдан кейин эса биз Лангедокка жўнаймиз ва Сизнинг ижозатингиз бўлмагунча қадар Парижга қайтиб келмаймиз. Фақат бир нарсадан борагим сиқилаяпти: бу гапларнинг бари Сиз ва менинг тўғримда пордон латифалар тўқилишига сабаб бўлади. Биронта аҳмоқнинг ҳазил-мутойибасидан сўйг бизнинг жасур Норберимиз Жюльенга дагдага қилишга мажбур бўлади. Ана шунда, — мен Жюльенни яхши биламан, — унга таъсир кўрсатолмай қоламан. Кўз ўнгимизда неси

кўтарган плебейнинг қалби намоён бўлади. Сиздан тиз чўкиб илтимос қиламан, отажон, келаси пайшанба куни жаноб Пирарнинг черковига менинг никоҳ маросимимга албатта боринг. Шунда сиз турли ғийбатларнинг олдини олган ва ягона ўглингиз билан менинг эрим ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолган бўласиз...» ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Бу мактуб маркизнинг юрагига гулгула солиб қўйди. Демак, энди биронта қарорга келиш зарур. Барча кўникмалари, барча дўстона алоқалари маркиз учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди.

Ана шу қалтис шароитда бирдан унинг ёшлигидаги буюк синовларда тобланган характерининг барча муҳим хусусиятлари намоён бўлди. Муҳожирлик уқубатлари уни хаёлпараст қилиб қўйган эди. Икки йил давомида улкан бойликка эга бўлиб, қирол саройида обрў орттириб юргач, 1790 йил бирдан уни муҳожирликнинг даҳшатли комига ташлади. Бу огир ҳаёт мактаби йигирма икки ёшли йигитнинг қалбини қайтадан бичиб тиккандек бўлди. У аслида ўзини ҳисобсиз бойлиги ўртасида ўтов тиккан жаҳонгирдек ҳис этарди, маркиз сира ҳам бу бойликнинг асири бўлиб қолмади. Бироқ унинг қалбини олтиннинг ҳалокатли оғусидан сақлаб қолган худди ана шу туйғулар маркизни бошқа бир иштиёқнинг қурбони қилиб қўйган эди; у нима қилиб бўлса-да, қизи учун герцогинялик унвонига эришишни орзу қиларди.

Ўтган ана шу бир ярим ой ичида маркиз гоҳида бирдан хаёлига келиб қолган фикрга бўйсуниб, Жюльенни давлатманд одам қилиб қўймоқчи ҳам бўларди, йўқсиллик унинг ўзи, яъни маркиз де ля Моль учун қандайдир инсон қадрини хўрлайдиган, шармандали бир нарса, унинг куёви учун эса ақл бовар қилмайдиган бир ҳол бўлиб туюлар ва у орқа-олдига қарамай пул сарфлай бошлар эди. Эртаси куни эса хаёли уни тамоман бошқа ёққа қараб олиб қочарди; унинг назарида, Жюльен исрофгарчилик даражасига бориб етаётган бундай саховатнинг маънисини тушунадиган, исмини ўзгартириб Америкага қочиб кетадиган ва у ердан Матильдага мактуб йўллаб, бундан буён ўзини йўқ деб ҳисоблашни илтимос қиладигандек туюларди. Жаноб де ля Моль бу хатни ёзилган, деб тасаввур қилар экан, унинг қизига қандай таъсир қилишини кўз ўнгига келтирмоқчи бўларди.

Барча бу орзуларни Матильданинг чинакам мактуби пароканда қилиб юборган куни маркиз Жюльенни қандай қилиб ўлдирсам ёки ғойиб бўлишга мажбур этсам, дея узоқ хаёл суриб юрганидан сўнг, бирдан унинг кўнгли йигитга

ажойиб мавқе яратиб беришни тусаб қолди. У Жюльенга ўз амлоқларидан бирининг номини беради, хўш, унга унвон ҳам олиб берса нима қилади? Унинг қайнотаси герцог Шонский ёлғиз ўғли Испанияда ҳалок бўлгач, ўз унвонини Норберга бермоқчи бўлиб юргани ҳақида унга бир неча марта гапирган эди...

«Жюльеннинг иш соҳасидаги ажойиб қобилияти, беқийёс жасорати ва эҳтимол, бир қадар шукуҳга эга эканлигини тан олмай иложим йўқ, — дея мулоҳаза юритарди ўзича маркиз. — Бироқ қалбининг тубида қандайдир кишини қўрқитадиган жиҳати бор унинг. У ҳаммада шундай таассурот туғдиради, демак, чиндан ҳам алланима бор». (Бу «алланима»ни илғаб олиш қанчалик қийин бўлса, у кекса маркизнинг жўшқин хаёлини шунчалик ваҳимага соларди.)

«Менинг қизим тунов кунни ёзган хатида (биз бу хатни келтириб ўтирмадик) «Жюльен биронта ҳам салон, биронта ҳам тўдага қўшилиб олмади», дея буни жуда нозик ифода қилиб берганди. У менга қарши биронта ҳам тўданинг ёрдамига орқа қилмаётир, демак, агар мен ундан юз ўгирсам, у ёлғиз ўзи шумшайиб қолаверади... Бу ҳол унинг жамиятнинг ҳозирги аҳволини билмаслигидан далolat бермасмикин? Мен унга: мавқеини ошириб, нуфузга эга бўлмоққа фақат салонларнинг ёрдамидагина эришиш мумкин, деб икки-уч марта айтган эдим...

Йўқ, унда қулай фурсатни сира ҳам қўлдан бой бермайдиган биронта суллоҳ одамга хос қувлик ва эпчиллик йўқ... Бу характер Людовик XI руҳига мутлақо тўғри келмайди. Бошқа томондан олганда эса мен унинг сира ҳам юксак қоидаларга амал қилмаётганини аниқ кўриб турибман. Мен уни тушунолмай қолдим... Эҳтимол у ўз туйгуларига эрк бермаслик учун ҳам барча бу қоидаларни ўйлаб топгандир?

Бир насага шубҳа қилмаса бўлади: у нафратга сира ҳам дош бера олмайди, мен худди ана шу наса билан уни жиловлаб турибман.

У насл-насаб олдида сажда қилмайди, очигини айтганда, бизни сидқидилдан ҳурмат қилишини сезмаётирман. Бу унинг камчилиги. Бироқ охир-оқибатда семинарияда таҳсил кўрган биронта пасткаш фақат пул ва ҳаётий ноз-неъматларнинг етишмаслиги туфайлигина армон қилиши мумкин. Жюльеннинг дарди эса бутунлай бошқача, у ўзидан нафратланишларига сира ҳам йўл қўймайди».

Қизининг мактубидан исканжага тушиб қолган жаноб дедди. Моль қандайдир қарорга келиш лозимлигини яхши

тушунарди. Шу боисдан ҳам аввало энг муҳим бир нарсани аниқлаб олмоқ лозим эди: «Жюльен қизимнинг кўнглини овлашга журъат этишига менинг қизимни дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ кўришим ва юз минг экую рентага эга эканлигимни билгани сабаб бўлмадимикин?»

Матильда мени бунинг аксига ишонтирмоқчи бўляпти... Йўқ, қадрли жаноб Жюльен, мен бу масалада сира ҳам шубҳа бўлмаслигини истайман.

Бу нима ўзи — чиндан ҳам ҳақиқий, тийиқсиз, юрагини тўсатдан забт этган муҳаббатми? Ёки бу жамиятнинг юқори поғонасига кўтарилиш, ўзига тезлик билан ажойиб мавқе яратиш йўлида пасткашлик билан қилинган найрангми? Матильда жуда зийрак қиз, у ана шу мулоҳаза Жюльенни менинг кўз ўнгимда бадном этиши мумкинлигини дарҳол сезган, шу боисдан ҳам у, йигитни ўзим биринчи бўлиб севиб қолдим, дея иқрор бўляпти.

Наҳот шундай мағрур қиз эс-ҳушини бутунлай йўқотиб, олдиндан шундай шама қилса! Кечқурун боғда унинг қўлини қисиб кўйганмиш — қандай даҳшат, уни ёқтириши ҳақида ишора қилмоқ учун гўё бошқа адаблироқ усул қуриб қолгандай!

Кимки ўзини оқламоқчи бўлса, у сирини ошкор қилади, мен Матильдага ишонмайман...» Бу кеча маркизнинг мулоҳазалари одатдагига қараганда қатъийроқ ва изчилроқ эди. Бироқ тарки одат — амри маҳол экан: у қизига хат ёзиб, вақтдан яна бир оз ютишга қарор қилди, зеро энди уларда саройнинг бир хонасидан иккинчи хонасига мактуб йўллаш одат тусига кириб қолган эди. Жаноб де ля Моль Матильдани фикридан қайтармоқ учун у билан баҳслашишга ботинмади. У ўзининг дафъатан ён бериб кўйишидан чўчирди.

МАКТУБ

«Яна тентаклик қилишдан ўзингизни тийинг, мана Сизга жаноб кавалер Жюльен Сорель де ля Верней номига ёзилган гусарлар поручигининг патенти. Унинг учун нима ишлар қилаётганимни бир кўриб кўйинг. Мен билан баҳслашманг ва ҳеч нимани сўраманг. Марҳамат қилиб, йигирма тўрт соат ичида ўз полки турган Страсбургга етиб борсин. Мана менинг банкирим номига ёзилган тилҳат, сўзсиз итоат этинг».

Матильданинг қалбини чексиз севги ва қувонч туйғуси қамраб олди, у ўз галабасидан фойдаланишга қарор қилдида, дарҳол жавоб ёзди.

«Агар Сиз унинг учун нима ишлар қилаётганингизни билганида, жаноб де ля Верней ўз миннатдорчилигини қандай изҳор қилишни билмай, оёғингизга йиқилган бўларди. Аммо ўзининг шундай тантилигига қарамай, отагинам мени унутиб қўяптилар — қизингизнинг номуси хавф остида қоляпти ахир. Кичик бир ножўя ҳаракат унга умрбод доғ тушириши мумкин, у ҳолда ҳатто йигирма минг экю рента ҳам бу ислоднинг ювиб кета олмайди. Мен бу патентни жаноб де ля Вернейга Сиз келаси ой ичи менинг тўйимни Виллекьеда ошкор ўтказиб беришни ваъда қилган тақдирингиздагина юбораман. Илтижо қиламан, шу муҳлатни ўтказиб юборманг, зеро шундан сўнг Сизнинг қизингиз де ля Верней хоним номини қабул қилмаза, одамларнинг кўзига кўрина олмай қолади. Мени ана шу Сорель исмидан халос этганингиз учун Сиздан, дадажон, нақадар миннатдор эканлигимни билсангиз эди...» ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Матильда ўз хатига сира кутилмаган жавоб олди.

«Марҳамат айлаб, айтганимни қилинг, бўлмасам ҳаммасидан воз кечаман. Қалтиранг, тентак қиз. Ўша Жюльеннингиз ҳақида мен ҳали ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман. Сизнинг ўзингиз-ку уни мутлақо билмайсиз. Дарҳол Страсбургга жўнасин-да, ўзини муносиб тутсин. Мен ўз қароримни икки ҳафтадан сўнг хабар қиламан».

Бу қатъий жавоб Матильдани қаттиқ ҳайратга солди. «Мен Жюльеннинг кимлигини билмайман», — бу сўзлар унинг хаёлини ўзига ром этиб, қиз шу заҳоти турли ажойиб имкониятларни тасаввур қилар ва уларни ҳақиқат, дея ўйлай бошларди. «Менинг Жюльеним шу қадар ақлики, унинг юксак идроки салонларнинг бемаза қолипига мутлақо мос тушмайди, табиатининг ажойиблигидан далолат берувчи худди мана шу нарса отамни чўчитяпти. Бироқ агар мен унинг кўнглига қарамасам, иш ошкора жанжалгача этиб боради, шов-шув кўтарилиши эса, жамиятда менинг обрўйимни туширади ва эҳтимол, ҳатто Жюльени ҳам мендан бирмунча совитиб қўяди. Бундай шов-шувдан кейин эса... камида ўн йил ночор ҳаёт кечирिशга тўғри келади. Фақат улкан бойликка эга бўлган тақдирдагина ўзингга эрни шахсий фазилатларига қараб танлашинг мумкин, акс ҳолда ҳаммага кулги бўласан. Агар мен отамдан йироқда яшайдиган бўлсам, шу ёшида у мени осонгина унутиб юбориши ҳам мумкин... Норбер биронта дилбар ва эпчил аёлга уйланади. Герцогиня Бургундская кекса Людовик XIV нинг кўнглини олиб, ўзига шайдо қилишнинг уддасидан чиққан-ку ахир».

У итотат этишга аҳд қилди; бироқ отасининг хатини Жюльенга кўрсатишга юраги дов бермади. Йигитнинг тийиксиз характери билгани учун ҳам қиз унинг бирор ножўя иш қилиб қўйишидан чўчирди.

У кечқурун Жюльенга унинг энди гусарлар поручиги эканлигини айтганида йигит бениҳоят хурсанд бўлиб кетди. Жюльеннинг хом хаёллари ва ўз ўғлига бўлган бундай янги меҳр-муҳаббатини билган одам унинг нақадар хурсанд бўлганини яхши тасаввур қилиши мумкин. Исми шарифининг ўзгаришини эшитиб, у мутлақо эсанкираб қолди.

«Шундай қилиб, менинг романим ниҳоясига етди, — деди у ўзига-ўзи, — ва мен бунинг учун фақат ўзимдан миннатдор бўлмоғим лозим. Мен манови иблисдек мағрур қизни ўзимни севишга мажбур этдим, — дея ўйларди у Матильдага қараб-қараб қўяр экан, — отаси усиз яшай элмайди, унга эса ёруғ дунё менсиз қоронғи кўринади».

XXXV

Хатар

Ато эт менга, ё танграм, ўрта-
миёналикни!

М и р а б о

Унинг қалби масрур бўлиб, йигит Матильданинг жўшқин эркаланишларига аранг жавоб берарди. У қовоғини солганича индамай ўтирарди. Матильдага у ҳали ҳеч қачон бу қадар ажойиб кўринмаган ва қиз ҳали ҳеч қачон уни бундай сажда қилиш даражасида севмаган эди. У Жюльеннинг ҳаддан ташқари таъсирчан ғурури ҳамма ишни бузиб қўймаса гўрга эди, дея қаттиқ хавотирда эди.

Қиз аббат Пирарнинг уларникига, деярли ҳар куни келиб кетаётганини кўрган эди. Эҳтимол Жюльен ўша одам орқали отасининг ниятлари ҳақида бирор нарса билиб олгандир? Ёки, балким аччиқ устида маркизнинг ўзи унга хат ёзиб юборгандир? Бўлмасам шундай қувончли хабардан кейин ҳам Жюльеннинг қовоғини солиб ўтиришини қандай тушунмоқ керак? Бу ҳақда унинг ўзидан сўрашга қизнинг юраги дов бермасди.

Кимсан Матильданинг юраги дов бермай ўтирса-я!

Шу дақиқадан бошлаб унинг Жюльенга бўлган муҳаббатига беҳосдан қандайдир даҳшатга ўхшаш бир туйғу суқилиб киргандек бўлди. Бу бағритош қиз ўз севгиси орқали бутун Париж қойил қоладиган зеб-зийнат ичида тарбияланган бир бойвучча ҳис этиши мумкин бўлган барча изтиробларни дилидан кечириб бўлганди.

Эртаси куни азонлаб Жюльен аббат Пирарнинг олдига етиб борди. Йигитнинг ортидан ҳовлига у қўшни почта бекатида ёллаган ва почта отлари қўшилган шалақ арава кириб келди.

— Бундай экипаж сизга ярашмайди энди, — дея тўнғиллади унга қараб қаттиққўл аббат. — Мана сизга йигирма минг франк пул, бу жаноб де ля Молнинг совғаси. Бу пулни бир йил ичида сарфлаб юбормоғингиз тавсия этилади, лекин иложи борича, қулги бўлмасликка ҳаракат қилишингиз лозим экан. (Шундай катта пулни кўкка совурмоқ учун ёш йигитнинг қўлига тутқазиш, руҳонийнинг назарида, уни гуноҳ йўлига бошлаш билан баробар эди.)

Маркиз яна шундай дебди: жаноб Жюльен де ля Верней бу пулни ўз отасидан олган деб ҳисобламоғи лозим экан. Унинг исмини айтмоқнинг эса ҳожати йўқ эмиш. Жаноб де ля Верней, аҳтимол, ёшлигида уни парвариш қилиб боққан веррьерлик дурадгор жаноб Сорелга бирор нарса совға қилишни жоиз деб ҳисоблар...

— Топшириқнинг бу қисмини мен ўз зиммамга олишим мумкин, — дея қўшимча қилди аббат, — мен, алоҳа, жаноб де ля Молни анави иезуит аббат Фрилер билан мурасага келишга кўндирдим. Унинг таъсири, турган гап, бизникидан анча кучлироқ. Шундай қилиб, аслида бутун Безансонни бошқарадиган бу одам сизнинг юксак насл-насабингизни тан олади, бу мураса битимининг махфий шартларидан бири бўлади.

Жюльен ўзини тутиб туролмай аббатнинг бўйнидан қучоқлаб олди. Йигитга унинг насабини тан олиб бўлишгандек туюларди.

— Бу нимаси, — деди аббат Пирар уни ўзидан четлаштирар экан. — Киши шунақаям ҳовлиқадими ахир!.. Хўш, Сорель ва унинг ўғиллари масаласига қайтайлик. Мен уларга ўз номидан йилига беш юз франклик пенсия таклиф қиламан ва бу пулни уларга хулқ-атворларидан хурсанд бўлсамгина тўлаб туришимни айтаман.

Жюльен яна совуққон ва такаббур бир қиёфага кирди. У аббатга миннатдорчилик билдирди, лекин энди бу шунчаки мавҳум гаплар эди. «Ахир мен чиндан ҳам Наполеон

«Бизнинг тоғларга сургун қилган биронта аркони давлатнинг ўгли бўлиб чиқишим мумкин-ку?» Вақт ўтиши билан бу гап йигитга борган сайин ишонарлироқ бўлиб кўринмоқда эди... «Менинг отамга бўлган нафратим у ҳолда тўғри шунинг исботи бўлиб чиқади-ку... Демак, мен у қадар золим эмас эканман-да!»

Мазкур монологдан сўнг орадан бир неча кун ўтгач, француз армиясининг энг ажойиб полкларидан бири — ўн бешинчи гусарлар полки Страсбург шахрининг парадлар ўтказиладиган майдонида жанговар тартибда саф тортиб турарди. Жаноб кавалер де ля Верней саф олдида ўзига олти минг франкка тушган ажойиб эльзас отини ўйнатиб турарди. У полкка поручик унвони билан қабул қилинган эди. Ҳолбуки, мабодо ўзи умри бино бўлиб эшитмаган биронта полкнинг рўйхатига тиркаб қўйилган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олмаганда, у ҳеч қачон ва ҳеч қаерда подпоручик бўлмаганди.

Унинг бепарво кўриниши, деярли зардали, совуқ нигоҳи, ранги оқариб, ўзини доим вазмин тутиши — буларнинг бари биринчи кунданоқ у ҳақида ивир-шивир гапларга сабаб бўлди. Тез орада унинг одамларга ниҳоятда одоб билан ва ўта вазмин муомаласи, сира мақтанчоқлик қилмай тўппончадан ўқ узиш ва қиличбозлик машқларидаги эпчиллиги аскиябозларнинг тилини тийиб қўйди. Полкнинг жамоат фикри, беш-олти кун иккиланиб юргач, унинг фойдасига хулоса чиқарди. «Бу йигитда ҳамма нарса бор, — дейишарди полкдаги кекса ҳазилкашлар, — унга фақат бир нарса — ёшлик етишмайди».

Страсбургдан Жюльен ҳозир анча мункиллаб қолган веррьерлик собиқ кюре — жаноб Шеланга хат ёзиб юборди.

«Қариндошларимни менга катта бойлик инъом этишга ундаган муҳим воқеалар ҳақида хабар топиб, хурсанд бўлганингизга имоним комил. Ушбу мактубга беш юз франк илова қиламан ва Сиздан бу пулни менинг номимни айтмай, худди бир вақтлар мендек ночорликда яшаётган йўқсилларга бўлашиб беришингизни сўрайман. Сиз, бир вақтлар менга ёрдам берганингиздек, ҳозир уларга ҳам ёрдам бераётган бўлсангиз керак, албатта».

Жюльеннинг шухратпарастлиги қўзиб қолганди, лекин бу асло манманлик эмасди: бироқ бу ҳол қаҳрамонимизнинг ўз ташқи қиёфасига алоҳида эътибор беришга ҳалал бермасди. Отлари, мундири, хизматкорларининг эғнидаги ливреяларнинг мунтазам башанг бўлиши ҳар қандай инглиз милордини ҳам ийдириб юборган бўларди. Кечагина маркизнинг ёрдами билан поручик унвонига эришган бу

йигит барча буюк генераллардан ўрнак олиб, ўттизга етар-етмай полк командири бўлиб олмоқ учун йигирма уч ёшда поручикликдан юқорироқ унвонга эришмоқни мўлжалдай бошлаган эди. У фақат шон-шуҳрат ва ўз ўглини ўйларди.

У ана шундай баландпарвоз хомхаёллар билан ёниб юрар экан, кутилмаганда де ля Моль саройидан от елдириб келган чопар-малай йигит уни бўғимига тушириб қўйди.

«Хаммаси барбод бўлди, — дея ёзган эди унга Матильда, — барча ишларингизни йигиштириб, иложи борича тезроқ етиб келинг. Агар бошқа имкони бўлмаса, дезертирлик қилинг. Етиб келган заҳотингиз мени фиақрда ... кўчасидаги ... уй ёнидан боққа кириладиган эшикча олдида кутинг. Сиз билан гаплашиб олгани ўша ерга чиқаман, эҳтимол, Сизни боққа олиб киришингиз имкони бўлар. Хаммаси тамом бўлди, энди уни қайта тиклаб бўлмайми, деб қўрқаман, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин, мен мусибатда ҳам Сизга содиқ қоламан. Сизни севаман».

Орадан бир неча минут ўтгач, полковникдан отпускаи олган Жюльен Страсбургдан Париж томон от қўйиб бормоқда эди, бироқ қалбини кемираётган қаттиқ хавотир оқибатида Метцга яқинлашганда ўз саёҳатини отда давом эттиришга унинг ортиқ қурби етмай қолди. У шартта почта каретасига ўтирди-да, шитоб билан елиб кетди ва тезда де ля Моль хонадонига қарашли боғнинг орқа эшиги олдига етиб борди. Эшик дарҳол очилиб, Матильда одамларнинг гап-сўз қилиши мумкинлигини писанд қилмай, унинг кўксига отилди. Уларнинг бахтига вақт ҳали жуда эрта бўлиб, эндигина соат беш бўлганди ва кўчада тирик жон кўринмасди.

— Хаммаси барбод бўлди. Отам менинг кўз ёши қилишимдан қўрқиб, пайшанбага ўтар кечаси қаёққадир жўнаб кетди. Унинг қаерга жўнаганини ҳеч ким билмайди. Мана унинг хати, ўқинг, — шундай дея қиз сакраб фиақрга, Жюльеннинг олдига чиқди:

«Мен бадавлат бўлганингиз учунгина Сизни атайин авраб йўлдан уриш ниятидан бўлак ҳамма ишни кечиришим мумкин эди. Мана сизга, бадбахт қиз, бор ҳақиқат. Сизга сўз бериб айтаманки, бу одам билан турмуш қуришингизга ҳеч қачон рози бўлмайман. Агар ўша одам Франция тупроғини тарк этса, янаям яхшироғи — Америкага жўнаб кетса, у ўн минг ливр билан таъмин этилади. У ҳақида баъзи бир маълумотларни ёзиб юборишни илтимос қилиб йўллаган мактубимга жавобан келган манови

хатни ўқиб кўринг. Бу сурбет де Реналь хонимга мурожаат этишни менга ўзи таклиф қилган эди. Мен энди бу одамни тилга олиб ёзган бир сатр ҳам мактубингизни ўқимайман. Париж ҳам, Сиз ҳам жуда жонимга тегдингиз. Содир бўлажак воқеани ниҳоятда шинхон тутмоқликни маслаҳат кўраман. Ўша ярамас одамнинг баҳридан ўтинг, шунда сиз яна отангизга эга бўласиз».

— Де Реналь хонимнинг мактуби қани? — дея совуқ оҳангда сўради Жюльен.

— Мана у. Бир оз этингни ўлдирмасдан туриб уни сенга кўрсатмоқчи эмасдим.

МАКТУБ

«Афандим! Диний ақидалар ва ахлоқ қондалари олдидаги бурчим мени Сизга нисбатан ушбу оғир мажбуриятни бажармоққа ундапти, виждоний бурчим мендан яқин одамимга ёмонлик қилишни тақозо этиптики, зеро мен фақат янада оғирроқ гуноҳнинг олдини олмоқ мақсадида шундай қилиман. Дилимдаги андух бурчим олдида чекинмоги лозим. Бир нарсага шубҳа йўқки, афандим, Сиз мендан суриштирганингиз ва у тўғрида бор ҳақиқатни билмоқчи бўлганингиз ўша кимсанинг ахлоқи, юзаки қараганда сирли ва ҳатто диёнатли бўлиб кўриноми мумкин. Сиздан ҳақиқатнинг маълум бир қисмини яширмоқни, ҳатто, эҳтимол, эҳтиёткорлик ва диний эътиқод юзасидан баъзи гапларни бошқачароқ қилиб тасвирламоқни жоиз кўряптилар. Бироқ Сиз суриштирган кимсанинг ахлоқи қаттиқ қораланмоққа лойиқдирки, мен Сизга буни сўз билан тасвирлаб бера олмасам керак. Йўқсиллик ва очкўзлик ниҳоятда мунофиқ бу йигитни бахтсиз ва заифа бир аёлни йўлдан уришга ва шу йўл билан бир оз обрў орттириб, одам қаторига кириб олишга ундади. Юрагим қапчалик эзилмасин, бурчим мени жаноб Ж... дин ақидаларини мутлақо тан олмаслигини ҳам айтмоққа мажбур қилапти. Виждонан айтганда, мен хонадондаги энг эътиборли аёлни йўлдан уриш унинг учун муваффақиятга эринмоқнинг бир усули, дея ўйламоққа мажбурман. Ўзини ниҳоятда бегараз кўрсатиб ва романлардан ўқиб олган турли иборалар билан асл табиатини ниқоблаб хонадонда ҳукмрон бўлиш, уй эгасини ўзига тобе қилиш, унинг бойлигига эга бўлиш — бу йигитнинг ягона мақсадидир. У хонадонга бахтсизлик келтиради ва дилларга умрбод афеус-надомат туйғусини солади» ва ҳоказо.

Кўз ёшлари томавериб дог-дог бўлиб кетган бу узундан-

узоқ мактуб, шубҳасиз. де Реналь хонимнинг қўли билан ёзилган, ёзилганда ҳам жуда пухта ёзилган эди.

— Жаноб де ля Молга сира ҳам айб қўя олмайман, — деди Жюльен хатни охиригача ўқиб бўлгач. — У тўғри ва оқилона иш қилган. Қандай ота ўз сеvimли қизини шундай одамга бериши мумкин ахир! Яхши қолинг!

Жюльен фиакрдан сакраб тушиб, кўчанинг охирида кутиб турган почта каретаси томон югуриб кетди. У гўё бутунлай унутиб қўйгандек туюлган Матильда йигитнинг ортидан югурди, бироқ уни яхши танийдиган ва энди дўконларидан бошларини чиқариб ҳайрат билан қараб турадиган гумашталарни кўриб, орқасига қайтишга, шоша-пиша боққа кириб яширинишга мажбур бўлди.

Жюльен Веррьер томон елиб кетди. Бу машаққатли йўлда у Матильдага дилида тугиб қўйган хатни ёза олмади, унинг қўли нуқул қандайдир ўқиб бўлмайдиган ажибужи ҳарфларни ёзарди.

У Веррьерга якшанба куни эрталаб етиб борди. Йигит қуролсознинг дўконига кирган эди, дўкондор уни кутилмаганда бойиб кетгани билан табриклай бошлади. Бу янгилик бутун шаҳарда катта шов-шувга сабаб бўлибди.

Жюльен дўкондорга ўзининг тўппонча сотиб олмоқчи эканини тушунтиргунича анча овора бўлди. Йигитнинг илтимосига кўра қуролсоз уни ўқлаб ҳам берди.

Қўнғироқ уч марта бонг урди, француз қишлоқларида эрталабки жангир-жунгирлардан кейин эшитиладиган бу таниш садо ҳозир ибодат бошланажасидан далолат беради.

Жюльен Веррьернинг янги черковига кириб борди. Ибодатхонанинг барча баланд-баланд деразаларига қирмизи дарпардалар тутиб қўйилганди. Жюльен де Реналь хонимнинг курсиси ортида, унга бир неча қадам ётмай тўхтади. Йигит хонимнинг сидқидилдан ибодат қилаётганини элас-элас кўриб тургандек эди. Уни ниҳоятда севган бу аёлни кўргач, Жюльеннинг қўли қалтирай бошлади, шу туришда у ўз ниятини амалга оширишга ожизлик қиларди. «Ўқ уза олмайман, — дерди у ўзига-ўзи, — бу иш қўлимдан келмайди».

Шу пайт ибодат маҳали хизмат қиладиган бола илоҳий тухфаларни олиб чиқишгаётганидан дарак бериб қўнғироқ чалди. Де Реналь хоним бошини қуйи сояган эди, боши ёлкасига ташланган рўмолининг гажимлари ортидан дейрди кўрнимай қолди. Энди Жюльен бу аёлнинг ўша ўзи севган хоним эканлигини аниқ ҳис этмай қўйганди. У теяқини босган эди, ўқи хато кетди, у яна ўқ узди — хоним ишқилиб тушди.

Нохуш тафсилотлар

Мени қўрқоқлик қилади, деб ўйламай қўя қолинглар: мен ўзим учун қасос олдим. Қилмишимга яраша мени ўлимга ҳукм қилсангиз арзийди, мана мен, ушланглар мени. Руҳимга дуо қилсангиз бас.

Шиллер

Жюльен қимир этмай турарди, унинг кўзи ҳеч нимани кўрмасди. У бир оз ҳушига келгач, қавм аҳлининг черковдан қочиб чиқаётганини сизди. Руҳоний меҳробни тарк этган эди. Жюльен қий-чув солиб черковдан чиқиб кетаётган қандайдир аёллар ортидан аста юрди. Аёллардан бири олдинга интилиб уни қаттиқ итариб юборган эди, йигит йиқилиб тушди. Унинг оёғини оломон қулатиб юборган курси босиб қолди, у ўрнидан тура бошлаган эди, кимдир ёқасидан ушлаганини сизди — бу форма кийган жандарм эди. Жюльен беихтиёр кичкина тўппончаларини олмоқчи бўлган эди, бироқ бошқа бир жандарм шу пайт унинг тирсагидан тутди.

Уни қамоқхонага олиб боришди. Сўнг қандайдир хонага олиб кириб, қўлига кишац уришди-да, ёлғиз ўзини қолдиришди. Эшик ёпилиб, калит қулф ичида икки марта шарақлаб буралди. Бу ишларнинг бари жуда тез содир бўлиб, йигит бу пайтда ҳеч нима сезмади.

— Мана энди, ҳаммаси тамом бўлди дейиш мумкин, — деди у ҳушига келар экан, баланд овоз билан. — Хўш, демак, икки ҳафтадан сўнг гильотина... ёки у пайтгача ўзимни ўзим ўлдиришим керак.

Унинг фикри шундан нарига ўтмасди, унга худди кимдир миясини маҳкам сиқиб тургандек туюларди. У, биронта одам ушлаб турмаганмикин, дея орқасига ўгирилиб қаради-ю, бир лаҳза ўтмай қаттиқ уйқуга кетди.

Де Реналь хоним унча қаттиқ яраданмаган экан. Биринчи ўқ унинг шляпасини тешиб ўтибди, у ўгирилиб

қараган заҳоти иккинчи марта ўқ узилбди. Ўқ хонимнинг елкасига тегибди-да, — мўъжизани қаранг! — елка суягини синдириб, қайтибди ва готик устунга бориб урилгач, унинг бир бўлагини учириб юборибди.

Жароҳатни яхшилаб кўздан кечириб, уни боғлаб қўяр экан, жуда бамаъни одам бўлмиш жарроҳ де Реналь хонимга: «Сизнинг соғайиб кетишингизга тўла қафолат бера оламан», деганида аёл жуда хафа бўлди.

Анчадан буён у сидқидилдан ўзига ўлим тилаб юарди. Унинг жаноб де ля Молга ёзган мактуби (бу мактубни унга ҳозирги пири мажбуран ёздирган эди) ҳаддан ташқари узоқ давом этган қайғу-аламдан силласи қуриган бу қалб учун сўнги зарба бўлган эди. Бу қайғу Жюльен билан айрилиқдан чекаётган ҳижрон алами бўлиб, хонимнинг ўзи буни виждон азоби, дея атарди. Унинг ҳозирги пири — яқиндагина Дижондан келган тақводор ва серҳафсала ёш руҳоний буни жуда яхши тушунарди.

«Мана шундай, бировнинг қўлидан ўлиб кетиш, ахир бу сира ҳам гуноҳ эмас-ку, — дерди ўзига-ўзи де Реналь хоним. — Эҳтимол, ўлимга хурсанд бўлаётганимни яратган парвардигор кечирар». У: «Жюльеннинг қўлидан ўлиш нақадар лаззатли бўларди ахир!» — дея қўшимча қилишга ботинмасди.

Жарроҳ ва уни кўргани ёпирилиб келган барча дугоналаридан қутулган заҳоти хоним оқсочи Элизани ҳузурига чақирди.

— Қамоқхона назоратчиси ниҳоятда бераҳм одам, — деди у Элизага анордек қизариб. — У, турган гап, менга ёқаман, деб боёқишга жуда ёмон муомала қилади... Мен шуни ўйлаб жуда азоб чекапман. Ўша назоратчининг олдига бориб, гўё ўзингизнинг номингиздан унга манови конвертчани бериб келолмайсизми? Бу ерда бир неча лундор бор. Сиз унга, дин ақидалари унга ёмон муомала қилишингизга йўл қўймайди, деб атайсиз... Энг муҳими, унга пул берганимизни оғзидан гуллаб юрмасин.

Веррьер қамоқхонаси назоратчисининг Жюльенга нисбатан мурувват билан муомала қилишига биз ҳозиргина ҳикоя қилиб берган ана шу воқеа сабаб бўлган эди: бу одам биз бир вақтлар жаноб Аппернинг келишидан ўтакаси ёрилаёзганида кўрганимиз ўша тиришқоқ миршаб — жаноб Нуарунинг худди ўзгинаси эди.

Қамоқхонага судья ташриф буюрди.

— Мен қасддан одам ўлдирдим, — деди унга Жюльен, — тўшпончани палон қуролсоздан харид қилиб, уни

ўшанинг ўзига ўқлатиб олдим. 1342-модда. Жазо қонунлари мажмуасида аниқ айтилган. Қилмишимга яраша ўлимга ҳукм этилмоғим лозим ва мен уни қутяпман.

Қалтабин судья бундай самимиликни тушуна олмасди: у айбланувчи жавоб бера туриб, *адашиб кетяпти*, дея хулоса чиқариш ниятида Жюльенга ҳар хил саволлар ёғдира бошлади.

— Кўрмайсизми ахир, — деди жилмайиб Жюльен, — айбимни очик-ойдин бўйнимга оляпман, сиз учун бундан ортиғи бўлмайди-ку. Кўйнинг, тақсир, ўлжангиз сиздан қочиб қутула олмайди. Сиз мени истаган жазога ҳукм қилаверасиз. Энди, марҳамат қилиб, бу ердан чиқиб кетсангиз.

«Мен анча зерикарли яна бир мажбуриятни адо этмоғим лозим, — дея ўйлади Жюльен. — Мадемуазель де ля Молга хат ёзишим керак».

«Мен ўзим учун қасос олдим, — деб ёзди у Матильдага. — Бахтга қарши, менинг исмим энди газеталарда тилга олинади ва мен бу дунёни ҳеч кимга билдирмай тарк этиш имкониятидан маҳрум бўлдим. Бунинг учун мени кечирिशингизни сўрайман. Мен икки ойдан кейин ўламан. Менинг қасосим Сиз билан жудалик каби даҳшатли бўлди. Шу дақиқадан эътиборан Сизга хат ёзиш ва Сизнинг помингизни тилга олишни ўзимга таққилаб кўйдим. Мен тўғримда ҳеч кимга, ҳатто ўғлимга ҳам гапирманг, сукут сақлаш — менинг руҳимни шод қилишнинг ягона йўли. Кўпчилик одамлар учун мен оддий бир қотил бўлиб қоламан... Ана шу сўнгги дақиқада Сизга ҳақиқатни айтмоққа ижозат этгайсиз. Сиз мени унутиб юборасиз. Мен бу тўғрида биронта ҳам тирик жонга ҳеч қачон «чурқ» этиб огиз очмаслиқни маслаҳат кўрадиган бу мудҳиш фожиа узоқ йилларга Сизнинг қалбингиздан романтизмга мойиллик ва таваккалчиликни сиқиб чиқарадики, мен Сизнинг табиатингизда ана шу хислатларни яққол кўрган эдим. Сиз ўрта аср қаҳрамонлари орасида яшашга муносиб қилиб яратилгансиз, шу боисдан ҳам бу ўринда ўша қаҳрамонлардек матонатли бўлмоғингиз даркор. Муқаррар юз беражак воқеа Сизнинг шаънингизга доғ туширмай, инхона содир бўлсин. Бошқа ном билан бирор ерга яширининг ва ҳеч кимга ишонманг. Агар дўстона ёрдамга муҳтож бўлсангиз, Сизга аббат Пирарни васият қиламан.

Бошқа биронтага, айниқса, ўзингизнинг табақангиздаги одамлар: де Люз, де Кайлюс жанобларига бир огиз ҳам сўз айтманг.

Менинг ўлимимдан сўнг орадан бир йил ўтган, жаноб де Крузнуага турмушга чиқинг, Сиздан илтимос қиламан, эрингиз сифатида буюраман. Менга хат ёзмаг, бари бир жавоб қайтармайман. Гарчи, назаримда, Яғо каби ёвуз бўлмасам-да, ўшанинг сўзлари билан шундай дейман:

From this time forth I never vill speak word.¹

Мени сўзлашга ҳам, хат ёзишга ҳам ҳеч нима мажбур эта олмайди. Менинг сўнгги сўзларим сўнгги жўшқич туйғуларим қатори фақат Сизга қаратилгандир.

Ж. С.»

Фақат ана шу хатни жўнатганидан кейингина Жюльен бир оз ҳушига келиб, илк бор ўзининг нақадар бахтсиз эканлигини ҳис этди. У «Мен ўламан, ёзмишим шудир меним» деган буюк сўзлар билан қалбидаги барча шухратпараст орзу-умидларини бирма-бир суғириб ташламоғи лозим эди. Ўлимнинг ўзи йигитга у қадар даҳшатли бўлиб кўринмасди. Унинг бутун умри аслида кулфатларга узоқ ҳозирлик кўришдан иборат бўлиб, кулфатлар орасида энг даҳшатлиси ҳисобланадиган мусибатни йигит доим ёдида сақлаб келарди.

«Хўш, бунинг нимаси кўрқинчли экан? — дерди у ўзига-ўзи. — Айтайлик, мен икки ойдан сўнг қиличбозлик бобида ниҳоятда моҳир бўлган бир одам билан дуэлга чиқишим керак. Нима, юрагимда даҳшат билан доим шу ҳақда ўйлаш даражасида кўрқоқлик қилармидим?»

У бир соатдан ортиқ шу тўғрида ўзини ўзи сўроқ қилди.

Ниҳоят, йигит дилида содир бўлаётган гапларни аниқ-таниқ тасаввур қилиб, ҳақиқат унинг кўз ўнгида қамоқхона гумбазини тутиб турган манови устун янглиғ яққол намоён бўлгач, у тавба қилиш ҳақида ўйлай бошлади.

«Хўш, аслини олганда, нега энди тавба қилишим керак экан? Мени даҳшатли тарзда ҳақорат қилишди, мен одам ўлдирдим, қилмишимга яраша ўлим жазосига лойиқман, бор гап шу. Мен инсоният билан ҳисоб-китоб қилиб бўлдим, энди ўляпман. Ўзимдан сўнг биронта ҳам бажарилмаган мажбурийат қолдираётганим йўқ, ҳеч кимдан ҳеч нарса қарз эмасман, ўлимимнинг эса ҳеч қандай уятли жойи йўқ, мени қандай усул билан ўлдиришларини ҳисобга

¹ Бундан буён, айтганм бир оғиз ҳам сўз. (Ингл.)

олмаганда, албатта. Тўғри, веррьерлик мешчанлар кўз олдида мени бадном қиямоқ учун шунинг ўзи ҳам кифоя, лекин билиш дея аталмиш олиё пуктай назардан қараганда бунинг нима аҳамияти бор? Дарвоқе, ўзимдан сўнг яхши хотира қолдиришим ҳам мумкин, бунинг учун қатлга кета туриб, оломонга қарата олтин тангалар сочишим керак. Ана шундан сўнг менинг хотирам олтин ҳақидаги хотира билан қўшилиб, чиндан ҳам нурафшон бўлади».

Бир неча дақиқадан сўнг унга мутлақо равшан бўлиб туюлган ана шу хулосада тўхтагач, Жюльен ўзига-ўзи: «Еруғ дунёда бошқа қиладиган ишим қолмади!» — деди-да, қаттиқ уйқуга кетди.

Йигитни кечқурун соат ўнларга яқин назоратчи уйғотди: у овқат олиб келган эди.

— Веррьерда нималар дейишяпти?

— Жаноб Жюльен, мени шу ишга олишяётган кунни қироллик судига бут олдида қасам ичганман — мен сукут сақламоғим керак.

У индамай турар, лекин кетай ҳам демасди. Бу беўхшов мунофиқликдан Жюльеннинг кулгиси қистади. «Виждони эвазига мендан олишга умид қилаётган ўша беш франкни олмоқ учун уни иложи борича кўпроқ куттириш керак», дея ўйлади у.

Маҳбус овқатни еб тугатаётган бўлса-да, унга пора беришни ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмаётганини кўрган назоратчи охири чидаб тура олмади:

— Сизни дўст деб билганим туфайлигина, жаноб Жюльен, — деди у сохта ҳамдардлик билан, — сизга ростини айтиб қўя қоламан. Тўғри, бу адолатга тўғри келмайди, дейишади, чунки сиз бундан ўзингизни ҳимоя қилишда фойдаланишингиз мумкин экан... Лекин сиз, жаноб Жюльен, сиз меҳрибон одамсиз, турган гап, де Реналь хонимнинг анча тузалиб қолганини эшитсангиз, хурсанд бўласиз.

— Нима? У тирикми? — дея ўзини йўқотиб хитоб қилди Жюльен стол ёнидан сапчиб турар экан.

— Ие, хабарингиз йўқми ҳали? — деди назоратчи бемаъни бир ҳайрат билан. Унинг башарасидаги бу ифода бир зумда ғойиб бўлиб, унинг ўрнида тамагирлик акс этди. — Ҳар қалай, жарроҳга бирон нарса берсангиз бўларди, тақсир, чунки қонун ва адолатга кўра у сир сақлаши керак эди. Мен эса, тақсир, сизнинг кўнглингизни олмоқчи бўлдим: жарроҳнинг олдига борган эдим, у менга бор гапни айтиб берди.

— Демак, у огир яраланмабди-да? — дея тоқатсиз

лик билан сўради Жюльен назоратчи томон бир қадам юриб. — Ростичи айт, бунинг учун менга бошинг билан жавоб берасан.

Девдай келадиган назоратчи капалаги учиб эшик томон чекинди. Жюльен бу аҳволда ундан ҳеч нима била олмаслигини англади. У курсига ўтирди-да, жаноб Нуару-га тилла танга ташлади.

Жюльен бу одамнинг ҳикоясидан де Реналь хонимнинг жароҳати оғир эмаслигига ишонч ҳосил қилган сайин ўзини йўқотиб, кўзларидан ҳозир тирқираб ёш чиқиб кетишини аниқ ҳис этиб турарди.

— Мени холи кўйинг, — деди у энтикиб.

Назоратчи итоат этиб, ташқарига чиқди. Унинг ортидан эшик ёпилган заҳоти Жюльен:

— Ё раббий! У тирик экан! — дея хитоб қилди-да, кўзларидан дув-дув ёш тўкканича хўнграб йнглаб юборди.

Ана шу такрорланмас дақиқада у имон келтирмоқда эди. Анави риекор ва мунофиқ поплар билан унинг нима иши бор, ахир улар шу дамда унинг учун ҳақиқат ва яратган парвардигор сиймосининг улугворлигига путур етказа олармиди дейсиз.

Фақат, эндигина Жюльен қилган жиноятдан пушаймон бўла бошлади. Қандайдир гаройиб тасодифга кўра йигит худди шу дақиқада Париждан Веррьер томон йўлга чиққанидан буён вужудини қамраб олган ва уни руҳий тушқунликдан қутқариб келадиган газаб ва телбалигидан қутулиб, ҳушига келган эди.

Ҳозир у чин кўнгилдан самимият билан кўз ёши тўкар экан, ўзининг ўлим жазосига ҳукм қилинажаги тўғрисида сира ҳам шубҳа қилмасди.

«Демак, у яшайди! — дея такрорлади йигит, — у яшайди, гуноҳимдан ўтади ва мени севади...»

Эрталаб, кун анча ёйилиб қолганида, уни назоратчи уйғотди.

— Чамамда, кўнглингиз хотиржам кўринади, жаноб Жюльен, — деди назоратчи. — Икки марта олдингизга кирдим, лекин уйғотишга кўзим қиймади. Мана, марҳамат, икки шиша ажойиб вино, буни сизга кюремиз жаноб Маслон бериб юбордилар.

— Шунақа денг! Ўша муттаҳам ҳалиям шу ердами? — деди Жюльен.

— Ҳа, тақсир, — дея жавоб қилди назоратчи овозини пасайтириб. — Фақат бундай қаттиқ гапирманг, унинг сизга зиёни тегиши мумкин ахир.

Жюльен хахолаб кулиб юборди.

— Мен тушиб қолган ҳозирги аҳволда, азизим, агар шундай раҳмдил ва меҳрибон бўлмай қўйсангиз, фақат сизнинг ўзингизгина менга зиён етказишингиз мумкин... Қўрқманг, ютқизмайсиз, сизга яхшигина ҳақ тўлашади,— дея қўшимча қилди у маҳобат билан хатога йўл қўйганини тушунгач. Кейин шу заҳоти гапини тасдиқлаш ниятида жаноб Нуаруга олтин танга узатди.

Жаноб Нуару де Реналь хоним ҳақида билиб келган барча гапларини қайтадан, бу гал энди анча батафсил ҳикоя қилиб берди, лекин оқсоч қиз Элизанинг келгани тўғрисида «миқ» этиб оғиз очмади.

Бу пасткаш ва чиндан ҳам мўлтони бир одам эди. Жюльеннинг хаёлига дафъатан бир фикр келиб қолди: «Бу тасқара барзанги бу ерда нари борса уч-тўрт юз франк маош олади, зеро қамоқхонасида одам унча кўп эмас. Шундай экан унга, агар мен билан Швейцарияга қочмоққа рози бўлса, ўн минг франк ваъда қилишим мумкин... Фақат уни чув тушириб кетмаслигига ишонтириш қийинроқ бўлади». Бироқ Жюльен бу жирканч махлукқа гап уқтириш учун қанча овора бўлишини тасаввур қилиб кўргач, кўнгли беҳузур бўлди-да, бошқа нарсани ўйлай бошлади.

Кечкурун унинг вақтни бой бергани маълум бўлди. Ярим кечада почта қаретаси келиб уни олиб кетди. Йигит ўзига ҳамроҳ бўлиб борган боадаб жандармлардан жуда хурсанд бўлди. Эрталаб уни Безансон қамоқхонасига олиб боришган эди, у ерда йигитни мулозамат билан готик миноранинг юқори қаватига кузатиб қўйишди. Атрофга разм солгач, Жюльен, бу меъморлик санъати XIV асрнинг бошларига мансуб бўлса керак, дея хулоса қилди-да, унинг енгил ва нозик безакларини қойил қолиб томоша қила бошлади. Икки девор оралигидаги илгичка туйнукдан гамгин ва бефайз ҳовлининг чуқурлиги оша йироқдан ажойиб бир табиат манзараси кўриниб турарди.

Эртаси куни Жюльенни сўроққа тутишди-да, сўнгра бир неча кун давомида уни ҳеч ким безовта қилмади. Унинг кўнгли хотиржам эди. Жинояти унинг ўзига жуда аниқ ва равшан бўлиб кўринарди. «Мен одам ўлдирмоқчи бўлдим, шунинг учун ҳам ўлим жазосига ҳукм этилмогим даркор».

У бу ҳақда ортиқ ўйламасди. Суд, халойиққа кўриниш каби кўнгилсизлик, ҳимоя — буларнинг бари йигитга шунчаки арзимас гаплар, ноҳуш расмиятчилик бўлиб туюларди, бу тўғрида ўша пайт келганда ҳам ўйлайверса бўларди. Ўлим дақиқасининг ўзи ҳам унинг хаёлини

узоқ банд этмасди: «Бу тўғрида суддан кейин ўйлайман», дерди у ўзига-ўзи. Ҳаёт унга сира зерикарли бўлиб кўринмасди, у энди ҳамма нарсага бошқача кўз билан қарарди: йигитнинг дилида илгари шухратпарастликдан асар ҳам қолмаган эди. У м-ль де ля Молни жуда кам эсларди. Унинг бутун вужудини афсус-надомат туйғуси қамраб олган бўлиб, де Реналь хоним сиймоси йигитнинг кўз ўнгида тез-тез намоён бўлиб турарди. Жюльен уни айниқса бу баланд минорада фақат денгиз бургутининг чағиллашигина бузиб турадиган туңги сукунатда кўп эсларди.

У ўзи етказган жароҳатнинг оғир бўлиб чиқмаганлиги учун фалакка таҳсин ўқирди. «Қизиқ! — дея мулоҳаза юритарди у ўзича. — Хоним жаноб де ля Молга ёзган ўша мактуби билан эндигина бошимга қўнаётган бахт қушини учуриб юборгандек туюлганди менга. Энди бўлса, орадан икки ҳафта вақт ўтмасданоқ ўшанда мени ниҳоятда ҳаяжонлантирган нарсаларни ҳатто эсламай ҳам қўйдим... Вержигга ўхшаш биронта тоғли жойда тинчгина яшамоқ учун икки-уч минг, ливр рентам бўлганида эди... Ўшанда жуда бахтиёр бўлур эдим. Мен ўзимнинг бахтим нимадан иборат эканлигини тушунмас эканман!»

Шундай дақиқалар ҳам бўлардики, у қаттиқ изтиробдан сапчиб туриб кетарди. «Агар ўшанда де Реналь хонимни ҳалок этганимда, мен ўзимни ўзим ўлдирган бўлардим. Ўзимдан ўзим ҳазар қилмаслигим учун унинг тирик эканлигига ишонч ҳосил қилмоғим зарур. Ҳаётга чек қўйиш! Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак, — дерди у ўзига-ўзи. — Анави ашаддий расмиятпарастлар, бадбахт судланувчини шафқатсизлик билан таъқиб этувчи ўша судьялар арзимас бир орден учун ҳар қандай ажойиб одамнинг ҳам бўйнига сиртмоқ солишдан қайтмайдилар... Мен уларнинг ҳукмидан бу ернинг суюқ газетаси сухандонлик дея атайдиган француз тилини бузувчи қўпол ҳақоратлардан ўзимни ҳалос этган бўлардим...

Ахир яна камида беш-олти ҳафта яшашим мумкин... Ҳаётга чек қўйиш! Йўқ, жин урсин, — дея қарор қилди у орадан бир неча кун ўтгач, — ахир Наполеон яшайверган-ку...

Кейин бунинг устига ҳаёт менга ёқяпти ахир. Бу ер тинч, осойишта, ҳеч ким жонимга тегаётгани йўқ», дея кулиб қўшимча қилди у ва Париждан ёздириб олмоқчи бўлган китобларнинг рўйхатини туза бошдади.

Минора

Дўстимнинг қабри.

Стери

Коридордан говур-гувур эшитилди, бу пайтда эса одатда унинг олдига ҳеч ким чиқмас эди, денгиз бургути чагиллаб учиб кетди, эшик очилди-да, қўлида асо тутган ва қалт-қалт титраётган мўйсафид кюре Шелан унинг кўксига йиқилди.

— Ё раббим! Бу қанақаси бўлди, бўтагинам... Золим! Мен ана шундай дейишим керак эди,— шундан сўнг меҳрибон қария бир оғиз ҳам сўз айта олмай қолди.

Жюльен, чол ҳозир йиқилиб тушадими, деб кўрқиб кетди. Йигит уни қўлтиғига кириб стул олдигача суяб борди. Вақт бир замонлар жуда серғайрат бўлган бу одамнинг қаддини анча букиб қўйибди. Жюльенга олдида аввалги кюренинг соясигина тургандек кўринди. Қария бир оз нафасини ростлаб олгач, яна тилга кирди:

— Сизнинг Страсбургдан ёзган мактубингизни фақат ўтган куни олдим. Унинг ичида веррьерлик йўқсилларга атаб юборган беш юз франк пулингиз ҳам бор экан. Уни менга тоғдаги қишлоққа — Ливерюга олиб бориб беришди. Энди мен ўша ерда, жияним Жанникида яшайман. Дафъатан кеча мана шу фалокат тўғрисида хабар топдим... Ё раббий! Наҳот шу гап рост бўлса! — Нигоҳи алланечук сўниб қолган қария энди ортиқ йиғламай қўйганди. У беихтиёр гапираётган одамдек қўшимча қилди: — Ўша беш юз франк пулингиз ўзингизга керак бўлади энди, уни олиб келдим.

— Мен фақат ўзингизни кўрсам бўлди, отахон! — дея хитоб қилди таъсирланиб кетган Жюльен. — Ҳали пулим бор яна.

Бироқ шундан сўнг у чолдан биронта ҳам маъноли гап эшита олмади. Жаноб Шеланнинг кўзларига ўқтин-ўқтин ёш чиқиб, юзларидан аста думаларди, чол йигит унинг қўлини, ўпаётганини кўриб, хайратдан эсанкираб қолгандек туюларди. Бир замонлар олижаноб туйгулардан руҳланиб юрувчи бу чехра энди ҳар қандай маънодан холи бўлиб, қотиб қолгандек кўринарди.

Тезда чолни олиб кетиш учун қандайдир дехқон кириб келди.

— Толиқиш ҳам, кўп гапириш ҳам тўғри келмайди бу кишига, — деди у Жюльенга қараб, шунда йигит бу одамнинг чол айтган ўша жияни эканлигини тушунди.

Жаноб Шелан келиб кетганидан сўнг Жюльен шу қадар умидсизликка тушдики, кўнглини бўшата олмай қолди. Ҳамма нарса энди унга қайғули, мунгли бўлиб кўринарди, юраги гуё музлаб қолгандек эди.

У жиноят қилганидан буён бошидан кечирган энг даҳшатли дақиқалар ана шу бўлди. Ҳалимнинг бадбуруш қиёфаси унинг кўз ўнгиде яққол намоен бўлди. Рухий улугворлик ва олижанобликнинг барча кўлашқалари худди бехосдан кўтарилган тўфонга учраган булутдек пароканда бўлиб кетди.

Бу даҳшатли руҳий ҳолат бир неча соат давом этди. Рухий жароҳатни одатда жисмоний ҳаракат ва май билан даволашади. Бироқ Жюльен бундай воситани қўллаганда ўзини манфур кўрқоқ дея ҳисоблаган бўларди. У ўзининг торгина минорасида тинимсиз уёқдан-буёққа юрган даҳшатли кун охирида бирдан шундай хитоб қилди: «Эҳ, шунақаям аҳмоқ бўламанми! Агар ҳамма қатори ўз ажалим билан ўлишим лозим бўлганида, бу бахтсиз чолни кўриб, шундай даҳшатли умидсизликка тушсам бўларди, албатта. Лекин айни кучга тўлган бир пайтимда бир зумда ҳаётимга чек қўйилиши мени худди ана шу аянчли емирилишдан халос этади-ку ахир».

Бироқ бу мулоҳазаларга қарамай, Жюльен кўнгли бўшаб, руҳи тушганлигини ҳис этардики, шу боисдан ҳам чолни кўрганидан сўнг унинг дард-дунёси қоронғи бўлиб кетганди.

Унинг қалбиде энди илгаригидек ўзига нисбатан ҳеч қандай қаттиққўллик, улугворлик, қадимги Рим аскарларига хос жасоратдан асар ҳам қолмаган эди. Ҳалим юксак-юксакларда парвоз этиб, унга ўз кўлашқасини ташлар экан, йигитга энди унчалик осон нарса бўлиб кўринмай қолганди.

«Мана шу ҳолат менинг термометрим бўлади, — деди у ўзига-ўзи. — Бугун кечқурун мен гильотина остига бораётган пайтимдаги матонатдан ўн даража пастдаман. Бугун эрталаб эса матонатим керакли даражада эди. Умуман олганда, бари бир эмасми! Керакли дақиқада кўрқоқлик қилмасам бўлди-да». Термометр ҳақидаги бу фикр унинг кўнглини бирмунча хуш этиб, алоҳа, дилидаги қайғуни тарқатиб юборди.

Йигит эртасига эрталаб уйгонганида кечаги кунни эслаб уялиб кетди. «Менинг бахтим ва осойишталигим хавф остида» У ҳатто жаноб бош прокурорга хат ёзиб, ундан олдига ҳеч кимни киритмасликни илтимос қилмоқчи ҳам бўлди. «Фуке нима бўлади? — дея хаёлидан ўтказди у. — Агар у бу ерга, Безансонга келгудек бўлса, қаттиқ хафа бўлади-ку ахир!»

Фукени у тахминан икки ойдан бери эсламай юрганди. «Страсбургда ўзим ҳам гирт аҳмоқ эканман, бурнимнинг остидан парини кўрмай қолган эканман ўшанда». Фуке ҳақидаги хотиралар анчага довурунинг хаёлини банд қилиб, йигитнинг кўнгил тори яна сусайиб кетди. У ҳаяжонланиб уёқдан-буёққа юрарди. «Мана, ўлим даражасидан яна йигирма градус пасайиб кетдим... Агар бундан кейин ҳам шунақа шалвирайдиган бўлсам, ундан кўра ўзимни-ўзим ўлдирганим маъқул. Мабодо ўлимим олтидан латтадек бўшашиб қолсам, анави барча аббат Маслонлар ва жаноб Валеноларнинг боши осмонга етмай-дими ахир».

Фуке келиб қолди, у меҳрибон соддадил одам қайғудаг эс-хушини йўқотаётган эди. У фақат бир нарса ҳақида — бутун мол-мулкни сотиб, қамоқхопа назоратчисига пора бериш ва Жюльенни қочириб юбориш тўғрисида гапирарди. У тинмай де Лавалетнинг қочилишини мисол келтирарди.

— Сен мени ранжитясан, — деди унга Жюльен. — Жаноб де Лавалет айбон эди, мен эсам айбдорман. Сен ўзинг естамасанг ҳам мени ана шу фарқ тўғрисида ўйланга мажбур қилисан...

— Лекин шундай қилишинг жоиз бўлармикин? Нега энди? Сен чиндан ҳам бутун мол-мулкнинг сотмоқчимисан? — дея ажабланиб сўради Жюльен бирдан яна кузатувчанлиги ва ҳар нарсдан шубҳаланиш одати кўзиб.

Дўстнинг ниҳоят бу ажойиб таклифга қизиқиб қолганидан хурсанд бўлиб кетган Фуке ўзининг ҳар бир ер-мулкни учун неча франк олиши мумкинлигини батафсил ҳисоблаб бера бошлади.

«Қишлоқи мулкдор учун қандай ажойиб фидойилик! — деб ўйларди Жюльен. — Бўлмасам, бир вақтлар мен унинг нақадар хасис, пулни тежаб-тергаб сарфлайдиган, баъзан қурумсоқлик даражасига етиб борадиган хислатларини кўриб-ор қилардим. Энди бўлса у шундай қилиб тошган барча мол-мулкни мен учун қурбон қилмоқчи! «Рене» газетасини ўқиб юрадиган ва мен де ля **Моль** саройида учратган анави олифта йигитларда Фукенинг ма-

нови кулгили нуқсонлари йўқ, албатта. Лекин кўтилмаганда катта мерос олган ва шу боисдан ҳам пулнинг қадрини билмайдиган бир-иккита ўспиринни истисно қилганда, ўша париждлик кўркем йигитлардан қайси бирининг қўлидан келарди бундай фидойилик?»

— Шу тобда Фукенинг француз тилини бузиб гапириши, бесўнақай қилиқларининг ҳаммасини унутган Жюльен дўстини кучоқлай кетди. Ҳали ҳеч қачон провинция Париж билан таққосланганида бундай устун келиш шарафига муяссар бўлмаганди. Дўстининг руҳланиб кетганини кўзларидан уқиб, боши осмонга етган Фуке буни, қочишга розилик, деб тушунди...

Бу хотамтойлик жаноб Шелан келиб кетганидан сўнг бўшашиб кетган Жюльенга сабот ва матонат бағишлади. У ҳали жуда ёш бўлса-да, лекин, менимча, унинг фазилатлари кўп эди. Беҳисоб тенгқурлари қатори таъсирчанликдан айёрликка ўтиш ўрнига у ёши улғайгани сайин аста-секин раҳмдил ва меҳрибон одам бўлиб қолар ҳамда ўзининг телбаларча шубҳачилигидан қутулиб оларди... Дарвоқе, бу беҳуда кароматларнинг нима кераги бор?

Жюльен ўзининг аниқ жавоблари билан ишни бундай чувалаштиришнинг олдини олмоққа ҳаракат қилишига қарамай, уни борган сари кўпроқ сўроқ қила бошлади.

— Мен одам ўлдирдим ёки, ҳар қалай, қасддан одам ўлдиришга уриндим, — дея такрорларди у ҳар гал сўроқ пайти.

Бироқ унинг ишини олиб бораётган судья, аввало, расмиятпараст чиновник эди. Жюльеннинг жавоблари сўроқларни сира ҳам камайтирмади, бу жавоблар судьянинг нафсониятига тегмоқда эди. Уни даҳшатли зиндонга ўтқазмоқчи бўлганлари ва фақат Фукенинг ҳаракати туфайлигина ўзи бир юз саксон поғона баландликда жойлашган ана шу шином хонада қолганидан Жюльен беҳабар эди.

Фуке ўтин етказиб берадиган обрў-эътиборли одамлар орасида жаноб аббат де Фрилер ҳам бор эди. Меҳрибон тахтафуруш дасти дароз катта викарийнинг олдида кирмоқ учун қўлидан келган ҳамма ҳаракатни қилди. Жаноб де Фрилер унга Жюльеннинг эзгу фазилатлари ва унинг бир вақтлар семинарияга кўрсатган хизматларини эслаб, судьяларни унга юмшоқроқ муносабатда бўлишга кўндирмоқ учун урчиб кўражагини айтганида боёқни тахтафуруш қувонганидан терисига сиғмай кетди. Фуке дўстини қутқариб қолишга умид қила бошлади, кетиши олдидан у

ерни ўпгудай бўлиб таъзим қилар экан, жаноб катта викарийдан айбланувчининг гуноҳидан ўтмоқни илтижо қилиб дуо ўқиш учун арзимаган олти луидор пулни қабул этишни ва уни руҳонийларга тарқатишни илтимос қилди.

Фуке янглишган эди. Жаноб де Фрилер Валенога мутлақо ўхшамасди. У Фукенинг луидорларини олишдан бош тортди ва ҳатто соддадил деҳқонга ақчасини асраб қўйиш лозимлигини шама қилди. Сўнгра у биронта қалтир гап айтмай туриб, буни Фукега уқтира олмаслигини аниқлашга, унга бу пулни чиндан ҳам барча нарсалардан маҳрум бўлган бечора маҳбусларга улашиб беришни маслаҳат кўрди.

«Бу Жюльен деганлари жуда галати йигит экан, — дея фикр юритарди жаноб де Фрилер. — Унинг бу қилмишини сира тушуниб бўлмайди, мен учун эса бундай нарса бўлмаслиги керак. Эҳтимол уни фидойи деб таърифлаш мумкин бўлар... Ҳар қалай, мен бу гапнинг тағига етаман. Дарвоқе, шундан сўнг бизни мутлақо ҳурмат қилмайдиган ва мени ўлгудай ёмон кўрадиган анави де Реналь хонимга пўписа қилиб қўйишнинг имкони бўлар. Йўл-йўлакай эса, эҳтимол, мана шу семинаристчани негадир яхши кўрадиган жаноб де ля Моль билан ярашиб ҳам оларман».

Даъволашув бўйича келишув битимига бундан бир неча ҳафта бурун имзо чекилган бўлиб, аббат Пирар Безансондан жўнаб кетар экан, Жюльеннинг сирли насл-насаби ҳақида бир-икки оғиз гап айтишни лозим кўрган эди. Бу воқеа бадбахт йигит Веррьер черковида де Реналь хонимнинг ҳаётига суиқасд қилган худди ўша куни содир бўлганди.

Жюльен энди ўлими олдидан бир кўнгилсизлик — отасининг қамоқхонага келишидан кўрқарди. У, прокурорга хат ёзиб, олдимга ҳеч кимни киритмаслик ҳақида илтимос қилсаммикин, дея Фукега маслаҳат солди. Унинг шундай оғир дақиқада падари бузруквори билан учрашувдан бундай даҳшатга тушаётганини кўриб, соддадил тахтафурушнинг мешчанларга хос ҳалол қалби қаттиқ галаёнга келди.

У ҳатто энди нима сабабдан кўп одамлар унинг дўстидан нафратланишларини тушунгандек ҳам бўлди. Аммо у Жюльеннинг бошига тушган кулфатга нисбатан ҳурмати туфайли дилидаги гапни очиқ айтмади.

— Ҳар қалай, — деди у совуққина оҳангда Жюльенга, — олдинга одам киритмаслик ҳақидаги бу фармон отанга тааллуқли бўлмайди.

Қудратли одам

Нақадар сирли хатти-ҳаракат!
Қадди-қоматининг пурвиқорли-
гини қаранг! Ким экан ўзи бу?

Шиллер

Эртаси куни миноранинг эшиги азонда очилди. Жюльен чўчиб уйғонди.

«Е тангрим! Бу отам-ку, — дея хаёлидан ўтказди у. — Қандай кўнгилсизлик!»

Худди шу дақиқада оддийгина кийинган бир аёл унинг бўйнига ташланди. Йигит уни аранг таниди. Бу м-ль де ля Моль эди.

— Вой золим-ей, қаердалигингни фақат хатингдан билиб олдим-а. Сен жиноят деб атаган нарса, бу фақат мард одамнинг қасос олиши холос. Бу ҳол сенинг қалбинг нақа-дар юксак эканлигидан далолат беради. Бу гапларнинг барини мен фақат Веррьерда билиб олдим...

М-ль де ля Молдан хиёл совиб қолганини ҳали ўзи ҳам тўла англаб етмаган Жюльенга қиз жуда чиройли кўринди. Унинг чакана одамнинг мутлақо қўлидан келмайдиган бу ишлар ва гап-сўзларда чинакамига олижаноб ва бегараз туйғуни кўрмай иложи бормиди ахир? Йигитга яна ўзи қироличани севадигандек туюлди, шу боисдан ҳам орадан хиёл вақт ўтгач, у ғоят кўтаринки руҳда назокат билан деди:

— Келажакни жуда аниқ тасаввур қила бошлаган эдим. Менинг ўлимимдан сўнг сиз бева сифатида жаноб де Круазнуа билан турмуш қурарсиз, деб ўйлагандим. Ўзи учун унутилмас ва фожиали воқеадан қалби ларзага келган ҳамда эс-хушини йиғиштириб олган гўзал беванинг, гарчи романтикага бир оз мойил бўлса-да, аслида олижаноб қалби ёш маркизнинг фазилатларини тан олмоғи лозим эди. Сиз барча бахт дея ҳисоблайдиган иззат-икром, давлат, нуфузга кўникиб, тақдирга тан бермоғингиз даркор. Лекин, жонгинам Матильда, сизнинг Безансонга келишингиз, агар у бирор йўл билан ошкор бўлиб қолса, жаноб де ля Моль учун оғир зарба бўладики, бунинг

учун мен ўзимни сира ҳам кечира олмайман. Мен бусиз ҳам жуда кўп қайғу келтирдим! Ўша академигингиз турган гап, жаноб маркиз кўксида илонни парвариш қилган экан дейди албатта.

— Ростини айтсам, сиздан бундай оқилона гаплар ва келажак ҳақида бундай ташвиш тортишни сира ҳам кутмаган эдим, — хиёл зарда билан деди м-ль де ля Моль. — Худди сизга ўхшаб жуда эҳтиёткор оқсочим ўз номига паспорт олди ва мен бу ерга Мишеле хоним номи билан почта каретасида келдим.

— Мишеле хоним менинг олдимга осонгина киришга муваффақ бўлибди-да!

— Ах! Мана энди ўзим ҳаммадан афзал кўрган ўша ажойиб йиғитни танидим. Биринчидан, мен суд амалдорига дарҳол юз франк узатдим. У аввалига мени бу минорага чиқишим учун сира ҳам рухсат бера олмаслигини айтган эди. Бироқ пулни олгач, ўша ҳалол одам мени анча куттириб қўйди, турли баҳоналарни рўкач қила бошлади, хатто, у мени шунчаки лақиллатмоқчи бўляпти, деган хаёлга ҳам бордим... — Шундай дея у жимиб қолди.

— Хўш, у ёғи нима бўлди? — деди Жюльен.

— Илтимос, жаҳлинг чиқмасин, жонгинам Жюльен, — деди қиз уни кучоқлар экан. — Мен ўша секретарга ўзимнинг кимлигимни айтишга мажбур бўлдим, бўлмасам у мени, барно йиғит Жюльенга ошиқ бўлиб қолган парижлик ёш ходима қиз, деб ўйлади... Йўқ, рост айтяман, у худди шундай деди. Мен унга сенинг хотининг эканим ҳақида олт ичдим, энди менга сени ҳар куни кўриш учун рухсат беришди.

«Қандай телбалик, — дея ўйлади Жюльен. — Лекин бунга қандай тўсқинлик қила олардим ахир? Сирасини айтганда, жаноб де ля Моль шундай нуфузли одамки, жамоат фикри бу гўзал бевага уйланган ёш полковникни унча қоралаб ўтирмаса керак. Менинг ўлимим тезда ҳаммасини хасиўшлаб кетади». Шундан сўнг у ийиб Матильданинг жўшқин муҳаббатига берилдики, бу ўринда телбалик ҳам, руҳнинг улуғлиги ҳам — хуллас, инсон тасаввур қилиши мумкин бўлган барча ғайритабiiй ҳиссиётлар бор эди. Матильда мутлақо жиддий равишда унга биргалашиб ўзларини ўлдиришни таклиф қилди.

Ана шу жўшқин завқлардан сўнг, у Жюльенни кўришдек бахтдан тўйиб лаззатланиб олгач, Матильданинг қалбини ўткир синчковлик қамраб олди. У ўз севиклисига тикилиб қарар ва унинг қалби ўзи илгари ўйлаганидан анча юксакроқ эканини кўрар эди. Унинг назарида Бонифаций

де ля Моль тирилик келгандек эди, бироқ бу ундан анча довуракроқ туюларди.

Матильда энг яхши маҳаллий адвокатларнинг олдига кириб чиқди ва бошданоқ гапни чўзиб ўтирмай, пул таклиф қилиб, уларни қаттиқ ранжитди, лекин охир-оқибатда адвокатлар пулни олишди.

Қиз тезда барча мушкул ва шу билан бирга муҳим масалаларнинг ҳал қилиниши бу ерда, Безансонда бутунлай жаноб аббат де Фрилерга боғлиқ эканлигини билиб олди.

Маълум бўлишича, ҳеч ким билмайдиган Мишеле жоним номи билан қудратли иезуит ҳузурига киришга енгиб бўлмас ғовлар халал берар экан. Лекин севгидан эс-ҳушини йўқотиб, ёш аббат Жюльенга тасалли бермоқ учун Париждан Безансонга етиб келган ниҳолдек модистканинг гўзаллиги ҳақида шов-шув гаплар тез орада бутун шаҳарга тарқалди.

Матильда Безансон кўчаларида кузатувчиларсиз пиёда елиб-югурарди, қиз бу ерда мени ҳеч ким танимади, дея ўйларди. Лекин, ҳар қалай, унга эл кўзида кучли таассурот қолдириш ишга анча фойдалидек туюларди. Матильданинг телбалиги шу даражага бориб етардики, халқ унинг даъвати билан қатлга кетаётган Жюльенни халос этмоқ учун қандай исён кўтаришини ҳам тасаввур қила бошларди. М-ль де ля Молга ўз бошига қулфат тушган ҳар қандай аёл каби жуда оддийгина кийингандек туюларди. Аслида эса у шундай кийинган эдики, биронта ҳам ўткинчи унга ўгирилиб қарамай кетмасди.

Қиз, ниҳоят, бир ҳафталик ҳаракатдан сўнг жаноб де Фрилернинг қабулига киришга муваффақ бўлганида бутун Безансон уни таниб қолган эди.

Матильда қанчалик жасур бўлмасин, унинг қудратли иезуит ҳақидаги тасаввури хаёлида тушуниб бўлмас, сирли ёвузлик билан шу қадар омихта бўлиб кетган эдики, қиз епископ саройининг эшигидаги қўнғироқни чалганида унинг аъзойи бадани титраб кетди. У зинапоядан кўтарилиб, катта викарыйнинг қабулхонасига чиқди. Унинг эти жимирлашиб кетмоқда эди. Епикоп саройининг бўм-бўшлигидан қизнинг юраги орқасига торта бошлади. «Ҳозир бориб, анави креслога ўтираман, у мени тирсагимдан қисиб, ўз комига тортади ва мен ғойиб бўламан кўяман. Шундан сўнг оқсочим кимдан сўраб-суриштиради мени? Жандармлар бошлиғи мени қидиришдан кўрқади, албатта. Бу шаҳри азимда мен якка-ёлғизман!»

Бироқ катта викарыйнинг қабулхонасини кўриши биланок м-ль де ля Молнинг кўнгли жойига тушди. Аввало,

эшикни унга жуда башанг кийинган малай очди. Қиздан кутиб туришни илтимос қилишган меҳмонхонада кўз-кўз қилинадиган ҳашамдорликдан асар ҳам бўлмай, у шу қадар нозик дид билан жиҳозланган эдики, чамаси, Парижнинг энг олди уйларидагина бундай нафосатни учратиш мумкин эди. Ичкаридан юзида оталарча меҳрибонлик ифодаси билан чиқиб келган жаноб де Фрилерни кўрган заҳоти унинг даҳшатли ёвузлик ҳақидаги фикрлари бир зумда ғойиб бўлди кўйди. Матильда руҳонийнинг келишган юзида Париж салонларида ўлгудай ёмон кўришадиган кўпол ва дағал қатъият ифодасини пайқамади. Безонсондаги барча ишларни бошқариб турадиган викарийнинг юзидаги энгилгина очиқ табассум унинг яхши тарбия кўрган, ўқи-мишли прелат, ишчан бошлиқ эканлигидан далолат бериб турарди. Матильда ўзини Париждагидек ҳис эта бошлади.

Матильдани ўзининг қудратли рақиби, маркиз де ля Молнинг қизи эканлигига иқрор қилмоқ учун жаноб де Фрилерга бор-йўғи бир неча дақиқа вақт керак бўлди холос.

— Ҳа, чиндан ҳам мен Мишеле хоним эмасман, — деди қиз яна ўзига ҳос такаббур қиёфага кириб, — бунинг сизга сира кўрқмай айтяпман, зеро ҳузурингизга жаноб де ля Вернейни қутқариш имконияти ҳақида маслаҳатлашмоқ учун келганман, тақсир. Биринчидан, агар унинг гуноҳи бўлса, бу гуноҳ фақат энгилтакликдан иборатдир: у ўқ узган аёл соғайиб кетибди. Иккинчидан, майда амалдорларга пора бериш масаласига келсак, мен ҳозирнинг ўзидаёқ эллик минг франк бераман ва яна шунча беришни ваъда қиламан. Ва ниҳоят мен ҳам, ота-онам ҳам, хуллас, ҳаммамиз жаноб де ля Вернейни қутқарган одамга миннатдорчилик билдириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Жаноб де Фрилер, чамаси, бу исмни эшитиб, ҳайрон бўлиб қолган эди. Матильда унга ҳарбий министрнинг жаноб Жюльен Сорель де ля Верней номига ёзган бир неча мактубини кўрсатди.

— Ўзингиз кўриб турибсизки, тақсир, отам уни батамом ўз ҳомийлигига олган эди. Бунинг сабаби жуда оддий: биз у билан яширинча никоҳдан ўтган эдик, шу боисдан ҳам отам маркиз де ля Молнинг қизи учун бир оз ғалатироқ туюлиши мумкин бўлган бу никоҳни элга овоза қилишдан олдин унинг олий офицерлар сафига кўшилиб олишини истаган эди.

Шу пайт Матильда жаноб де Фрилер ўзи учун ниҳоятда муҳим бўлган бу янгиликларни билган сайин унинг юзи-

даги меҳрибон ва мулойим ифода тезлик билан гойиб бўлиб бораётганини пайқаб қолди. Унинг қиёфасида айёрлик ва пинҳона маккорлик белгилари элас-элас акс эта бошлади.

Аббат ҳамон иккиланиб ўтирар экан, расмий ҳужжатларни қайта-қайта ўқиб чиқмоқда эди.

«Бу гаройиб иқрор сўзлардан мен қандай фойда кўришим мумкин? — дея мулоҳаза юритарди у. — Сира қутилмаганда менга бутун Франциядаги епископлик унвонини тақсим этувчи монсеньор епископ *** нинг дастидароз жияни машҳур де Фервак хоним дугонасининг иши тушиб қолди.

Мен узоқ келажақдагина умид қилишим мумкин бўлган нарсга тўсатдан шундоқ ёнгинамда бўлиб чиқди. Ахир бу менинг бутун орзуларимни рўёбга чиқариши мумкин-ку».

Аввалига Матильда овлоқ хонада ўзи билан ёлғиз ўтирган бу қудратли одамнинг юзидаги кескин ўзгаришдан қўрқиб кетди. «Хўш, нима қилибди! — деди у ўзига-ўзи орадан бир зум ўтгач. — Агар мен қудрат ва барча иззат-икром, ноз-неъматларга жуда тўйган бу поининг совуқ ва худбин табиатига мутлақо таъсир кўрсата олмаганимда эди, унда ёмон бўларди».

Қутилмаганда епископатга эга бўлиш имконияти туғилиб қолганидан саросимага тушган ва Матильданинг шижоатидан қаттиқ ажабланган жаноб де Фрилер бир зум бутун эҳтиёткорлигини унутиб қўйди. Матильда ўзининг олдида унинг деярли жилланглаб қолганини кўриб турарди: қалбини чулғаб олган шухратпараст орзулардан у ҳовлиқиб кетганди ва бутун вужудида асабий қалтироқ турганди.

«Ҳаммаси равшан, — дея қарор қилди қиз ўзича. — Бу ерда де Фервак хонимнинг дугонаси олдида бажарилмайдиган ишнинг ўзи бўлмайди». Матильда ҳанузгача дилини ўртаб келаётган рашк туйғусини енгишга қанчалик қийналмасин, у юрак ютиб Жюльен маршал бевасининг яқин дўсти бўлгани ва уникида монсеньор епископ*** билан деярли ҳар куни учрашиб турганини айтди.

— Агар ўттиз олти суд маслаҳатчиси рўйхатини департаментимизнинг эътиборли граждандаридан ҳатто тўрт ёки беш марта қаторасига қуръа ташлаб тузилган тақдирда ҳам, — деди маънодор оҳангда қатта викарний шухратпарастликка тўла тамагир кўзларини унга тикиб, — мен номи шу қуръага қўшилган одамлар орасида саккиз ёки ўн та дўстимни санаб бера оямасам ўзимни иши юришмаган инсон дея ҳисоблаган бўлардим. Боз устига ўша саккиз-ўн киши мас-

лаҳатчилар орасида энг фаросатлиси бўлиб чиқадилар. Кўпчилик доим мен тарафда бўлади, ҳукм чиқариш учун ҳатто керагидан кўпроқ ҳам одам топилиши мумкин. Шундай қилиб, кўриб турибсизки, мадемуазель, оқловчи ҳукм чиқармоқнинг мен учун ҳеч қандай қийин жойи йўқ...

Аббат бирдан ўз овозини эшитиб ҳайратга тушган одамдек жимиб қолди! У сирдан воқиф бўлмаган одамларга сира ҳам айтилмайдиган нарсаларни оғзидан гулламоқда эди.

Лекин у ҳам ўз навбатида, Безансон жамияти Жюльен бошлаган бу гаройиб машмашада де Реналь хонимнинг уни бир вақтлар жуда севгани ва йигитнинг ўзи ҳам узоқ вақт давомида хонимга кўнгили бериб келганидан ҳайратга тушиб, жуда қизиқиб қолгани ҳақидаги ҳикояси билан Матильдани лол қолдирди. Жаноб де Фрилер ўз ҳикояси билан Матильдани доводиратиб қўйганини пайқаб қолди. «Мана энди ҳужум қилиш гали менга келди! — дея хаёлидан ўтказди у. — Ҳар қалай, энди бу қайсар хонимчага пўписа қилишнинг йўли топилди. Бўлмасам, уни қўрқита олмасам керак, дея чўчиган эдим». Матильданинг улугвор кўриниши, табиатининг қийиқлигидан далолат берувчи кибр-ҳавоси жаноб де Фрилернинг кўзи ўнгида ҳозир унга деярли илтижо билан тикилиб турган бу соҳибжамол қизнинг латофатини янада кучайтириб кўрсатмоқда эди. У яна ўзини одатдагидек совуққон тута бошлади-да, сира ўйлаб ўтирмай ханжари тигини ўлжасининг кўксига йўналтирди.

— Ростини айтганда, — деди у гўё шунчаки гап келиб қолгани учун айтаётгандек қилиб, — агар жаноб Сорель ўзи бир вақтлар жуда севган аёлга рашк қилгани туфайли икки марта ўқ узганини маълум қилишса, мен сира ҳам ажабланмаган бўлардим. У хушрўйгина аёл, яқиндан бери эса у аббат Маркино деган дижонлик бир руҳоний билан тез-тез учрашиб турадиган бўлиб қолганди. Ўша аббат Маркино деярли янсенист бўлиб, барча янсенистлар қатори ахлоқсиз одам экан.

Жаноб де Фрилер бу гўзал қизнинг нозик томонини билиб олгач, ўзига эрк берди-да, ҳузур қилиб унинг юрагини азоблай бошлади.

— Хўш, нега энди жаноб Сорель бу жиноят учун худди ўша черковни танлади? — дерди у Матильдага ўтли нигоҳини қадаб. — Агар бу пайт ўша ерда рақиби ибодат ўтказётганини назарда тутсак, бунинг сабабини тушунса бўлади. Сиз ҳомийлик қилаётган бу бахтиёр йигитни барча, ўта зукко, бунинг устига гоят эҳтиёткор одам, дея тан оляпти. Бўлмасам унинг учун жаноб де Реналнинг ўзига

жуда яхши таниш бўлган боғига яширинишдан осони йўқ эди-ку ахир. У ерда уни ҳеч ким кўрмасди, ҳеч ким ундан шубҳаланмасди ҳам. Шунда у ўзи жуда рашк қиладиган ўша аёлни бемалол ўлдириб кетавериши мумкин эди.

Жуда тўғри бўлиб кўринган бу мулоҳаза, Матильданинг дард-дунёсини қоронғи қилиб юборди, у эс-ҳушини бутунлай йўқотиб қўйди. Киборлар жамиятида инсон юрагига тақлидан ўйлаб иш тутишни моҳирлик билан ўзига сингдириб олган бу димоғдор қиз оташқалб инсон учун ҳар қандай мулоҳазаларни бир четга йиғиштириб қўйиб, юрак амрига бўйсуниб нақадар лаззат бағишлаши мумкинлигини қаёқдан ҳам тушунарди дейсиз. Матильда ўсиб-улгайган Париждаги асилзодалар жамиятида ҳеч қандай туйғу, аҳён-аҳёндаги истисноларни ҳисобга олмасак, мулоҳазакорликдан воз кеча олмайди, одамлар ўзлари деразадан ташлагудек бўлсалар, фақат бешинчи қаватдан ташлайдилар-ку ахир.

Ниҳоят, аббат де Фрилер Матильдани жиловлаб олганига ишонч ҳосил қилди. У судда Жюльеннинг қораловчи бўлиб чиқадиган прокурорга таъсир кўрсатиш имкониятига эга эканлигини (бу гап гирт ёлғон эди, албатта) ишора қилди.

Суд сессиясининг ўттиз олтита маслаҳатчиси тайинланганидан кейин эса, у улардан камида ўттизтаси билан шахсан ўзи гаплашиб қўяр эмиш.

Агар Матильда жаноб де Фрилерга шу қадар дилбар бўлиб кўринмаганида, у шундай очиқчасига гаплашишни лозим топгунига қадар қиз унинг олдига беш-олти марта келишга мажбур бўларди.

XXXIX

Интрига

Кастр, 1676 й. Қўшни уйда ака ўз синглисини ўлдириб қўйди, бу дворянин илгари ҳам қотиллик қилган экан. Унинг отаси суд маслаҳатчиларига яширинча беш юз экю бўлашиб бериб, қотилнинг ҳаётини сақлаб қолди.

Локк. «Францияга саёҳат».

Епископ саройидан чиқиши биланоқ, Матильда дарҳол

де Фервак хонимга чопар юборди, у шаънига доғ туширишдан сира ҳам қўрқиб ўтирмади. У ўз рақибасидан шахсан монсиньор епископдан аббат де Фрилер номига хат ёздириб олишни ўтиниб илтимос қилган эди. Қиз ҳатто де Фервак хонимдан Безансонга келишини илтимос қилишгача етиб борди. Бу ҳол кунчи ва мағрур қалб учун чиндан ҳам қаҳрамонона иш эди.

Фукенинг маслаҳати билан у ўзининг ҳаракатлари ҳақида Жюльенга айтмай қўя қолди. Унинг бу ерда юриши йиғитни бусиз ҳам анча безовта қилмоқда эди. Яқинлашиб қолган ўлим шарнаси Жюльеннинг кўнглини ниҳоятда нозик қилиб қўйганди, йиғит энди фақат жаноб де ля Молгагина нисбатан эмас, балки Матильданинг ўзига нисбатан ҳам виждони азоб чекмоқда эди.

«Бу қанақаси бўлди ахир! — дерди у ўзига-ўзи. — Мен Матильдага эътибор бермаётганимни ва ҳатто у олдимга келганида зерикаётганимни сезиб қоляпман. У мени деб ўзини ҳалок этяпти, мен эса ундан совиб боряпман! Наҳот мен шунчаки ёвуз бир одам бўлсам?» У шухратпараст бўлган кезлари бу муаммо ҳақида бош қотириб ўтирмасди, муваффақиятсизликка учраш — унинг назарида энг катта айб ана шу эди.

Олдига Матильда келган кезлари у қизнинг унга нисбатан ҳозир қандайдир ғайритабиий, жўшқин муҳаббат алаңгасида ёнаётганини ҳис этгач, ундан баттар ноқулай аҳволда қоларди. Матильда эса фақат уни қутқармоқ учун тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳар қандай қурбонлардан ҳам қайтмаслигини сўзларди.

Табиатидаги бутун кибр-ҳавони босиб, қалбини ғурурга тўлдирган бу туйғудан руҳланиб кетган қиз ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини биронта қаҳрамонона иш билан ўтказишга ҳаракат қиларди. Унинг Жюльен билан қилган узоқ-узоқ суҳбатлари ақлга сигмайдиган ва ўзи учун ниҳоятда хатарли бўлган режаларни баёғ этишдан иборат бўларди. Матильданинг саховатли қўлидан пул олиб турадиган қамоқхона назоратчилари унга бу ерда тўла эрк бериб қўйишган эди. Матильданинг фантазияси ўз обрў-эътиборини қурбон қилиш билан чекланмасди; майли, унинг саргузашти тилларда дoston бўла қолсин, унга барибир. У гилдираклар остида қолиб кетса ҳам қиролнинг елиб бораётган каретаси олдига ўзини ташлаб, унинг эътиборини жалб этиш учун тиз чўкишга ҳам тайёр эди, бу Жюльеннинг афв этилишига эришиш учун жўшқин ва тийиқсиз хаёлига келган режаларнинг энг оддийси эди. У қирол мулозимларидан бўлган дўстлари ёрдамида Сен-Клу паркиннинг кириш ман этил-

ган қисмига осонгина ўтиб олишига шубҳа қилмасди.

Жюльен бундай фидойи севгига ўзини номуносиб ҳис этар ва сирасини айтганда, барча бу қахрамонликлардан тоқати тоқ бўлган эди. Агар бу шунчаки содда ва ибоди назокат бўлганида унинг қалби бундан таъсирланган бўларди, бу ерда эса ҳаммаси аксинча эди; Матильданинг кибр-ҳаволи қалби доим бегона одамлар, томошабинлар бўлишини тақозо этарди.

Жюльендан сўнг қандай яшашни тасаввур қила олмай, маҳбуби ҳаётидан қаттиқ изтироб чекиб, юраги така-пука бўлаётган қиз зимдан ўзининг ғаройиб муҳаббати, ўз ишларининг улуғворлиги билан дунёни лол қолдиришга интилаётганини Жюльен сезарди.

Барча бу қахрамонликларга мутлақо бефарқ қараётгани учун Жюльеннинг ўзидан жаҳли чиқарди. Яхши ҳам у ҳали Матильданинг садоқатли, лекин оқил ва пишиқпухта Фукени ўз телба-кезак режалари билан қандай тинқасини қуритаётганидан беҳабар эди. Агар у бундан хабар топганида нима қиларди?

Фуке эса Матильданинг бу садоқатида нимадир ғашига тегаётганини ўзи ҳам аниқ тушунмасди, зеро унинг ўзи ҳам Жюльенни қутқармоқ учун бор дунёсини қурбон қилишга ва ҳар қандай хатарли ишни бажонидил бажаришга тайёр эди. У Матильда кўкка совураётган олтиннинг кўплигидан бутунлай эсанкираб қолганди. Аввалига олтинга сажда қиладиган ҳар қандай провинциялик каби Фуке ҳам пулнинг бундай аямасдан сарфланишини кўриб дилида беихтиёр ҳурмат ҳис этди.

Кейин эса у м-ль де ля Молнинг режалари худонинг берган куни ўзгариб туришини сезиб қолди-да, ўзи учун жуда малол келаётган бу характери таърифловчи бир сўз топиб, жуда енгил тортди: Матильда *қўнимсиз* эди. Бу эпитетнинг провинцияда энг ёмон сифат ҳисобланадиган *бетайин* деган маънодан фарқи жуда оз эди.

«Қизик, — деди ўзига-ўзи бир куни Жюльен Матильда чиқиб кетгач, — у мени шу қадар эҳтирос билан севса-ю, мен эса бунга мутлақо бефарқ қарасам. Ўлим яқинлашган сари инсон ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган бўлиб қолади, деб ўқиган эдим, аммо ўзингни кўрпамак ҳис этиш ва муносибатингни ўзгартира олмаслик даҳшат бўлар экан. Демак, мен худбин эканман-да?» — шундан сўнг у ўзини-ўзи қаттиқ койини бошларди.

Ингитнинг қалбида шухратпарастлик ўлган бўлиб, унинг хокидан янги бир туйғу ўсиб чиққан эди: Жюльен

буни де Реналь хонимга суиқасд қилганидан пушаймонлик, дея атарди.

Аслида эса у де Реналь хонимга бўлган севгидан эс-хушини йўқотаёзган эди. У ёлғиз қолиб, биронга одамнинг халал беришидан кўркмаган пайтлари Веррьер ёки Вержида ўтказган ўша бахтиёр кунлар ҳақидаги хотираларга берилар экан, дилида қандайдир ажиб бир туйғу ҳис этарди. Уша кезлари бир лаҳзада ўтиб кетган энг кичик воқеалар ҳам унинг учун нафис ва латиф бир маъно касб этганди. У Парижда қозонган муваффақиятларини ҳеч қачон эсламасди, уларни ўйласа зеркиб кетарди.

Йигитнинг кундан-кун авж олиб бораётган бу руҳий ҳолатини рашкчи Матильда ҳам маълум даражада пайқаб қолган эди. У баъзан ўзи Жюльеннинг ёлғизликка бўлган муҳаббати билан курашишга мажбур бўлаётганини жуда аниқ сезарди. Баъзан қиз даҳшат билан де Реналь хонимнинг номини тилга оларди. Шунда у йигитнинг сесканиб тушганини кўрарди. Унинг Жюльенга нисбатан оташин севгиси кундан-кун аланга олиб борарди, бу туйғуга ҳеч нима тўсқинлик қила олмасди.

«Агар у ўлса, унинг ортидан мен ҳам ўламан, — дерди у ўзига тўла ишонч билан. — Мендек асилзода бир қизнинг ўлим жазосига ҳукм этилган ўз маҳбубини бундай сажда қилиш даражасида севишини эшитишса, Париж меҳмонхоналаридагилар нима дейишаркин? Фақат қаҳрамонлар давридагина бундай севгини учратиш мумкин эди. Ҳа, Карл Тўққизинчи ва Генрих Учинчи пайтида қалблар худди ана шундай севги билан ёнган».

Эҳтироси жўш урган дақиқаларда у Жюльеннинг бошини кўксига босиб турар экан, ўзига-ўзи даҳшат билан дерди: «Қанақасига энди? Наҳот шундай чиройли бош танидан жудо қилинса? Аҳ, ҳали шунақами, — дея кўшимча қиларди у ўзининг қандайдир жозибали томони бўлган бу қаҳрамонлигидан руҳланиб, — у ҳолда орадан бир кун ўтмасданоқ ҳозир мана шу жингала сочларга ёпишган лабларим абадий совийди кўяди».

Қаҳрамонлик ва севги эҳтиросларининг бундай жўш уриши ҳақидаги хотиралар уни ўзига қандайдир асир қилиб олганди. Аслида жозибали туюладиган, лекин шу пайтга қадар бу такаббур қалб учун нотаниш бўлган ўзини ўзи ўлдириш ҳақидаги фикр энди қизнинг дилига жойлашиб олгач, уни бутунлай ўзига забт этганди.

«Йўқ, аждодларимнинг қони томирида совиб қолмабди», дерди ўзига-ўзи фахрланиб Матильда.

— Сизга катта бир илтимосим бор, — деди қизга бир

куни Жюльен, — болангизни Веррьерда биронта энагага беринг, де Реналь хоним эса ўша энагани назорат қилиб туради.

— Қандай шафқатсиз гапларни айтяпсиз менга... — шундай дея Матильда оппоқ оқариб кетди.

— Ҳа, рост, мени кечир, олдингда бениҳоя айбдорман! — дея хитоб қилди хушига келган Жюльен Матильдани бағрига босар экан. Бироқ у қизни тинчитишга муваффақ бўлиб, Матильда йигидан тўхтагандан кейин у яна ўша фикрга қайтди. Аммо энди йигит анча эҳтиёткорлик, файласуфона ғамгинлик билан сўзлади. У яқин орада ўзи махрум бўладиган келажақ ҳақида гапирмоқда эди. — Шунга таъ олмоқ керакки, жонгинам, муҳаббат — бу ҳаётдаги тасодифдир, лекин бундай тасодифга фақат юксак қалб соҳибларигина мушарраф бўла олади. Ўғлимнинг ўлими аслида сизнинг насл-насабингиз учун бахт бўларди, ҳамма хизматкорларингиз буни жуда яхши ҳис этишади. Иснод ва бахтсизлик фарзанди бўлган бу болани ҳеч ким писанд қилмайди... Мен шундай бир вақтнинг келишига умид қиламанки, бу вақтнинг қачон келиши ҳақида гапирини мутлақо истамайман, лекин менинг матонатим шундай бўлишини олдиндан сезяпти, сиз менинг васиятимга амал қилиб, маркиз де Круазнуага турмушга чиқасиз.

— Бу нима деганингиз? Мендек бадном бўлган бир қиз-а?

— Бадномлик тамғаси сизникидек бир номга ёпишиши мумкин эмас. Сиз бева бўласиз, бева бўлганда ҳам телба йигитнинг беваси бўласиз, бор гап ана шу. Сизга бундан ҳам аниқроқ қилиб айтишим мумкин: менинг жиноятимга ҳеч қандай тамагирлик аралашган эмас, шу боисдан ҳам у унчалик номус бўлиб ҳисобланмайди. Эҳтимол, ўша пайтга бориб биронта қонун чиқарувчи файласуф, замондошларининг барча хурфотига, қарамай, ўлим ҳукмини бекор қилишга эришар. Ана шунда ўрни келиб қолса, бирор дўстона овоз: «Мадемуазель де ля Молнинг биринчи эри ёдингиздами, тўғри, у телба эди, лекин бечора сира ҳам ёвуз ёки золим эмасди. Унинг бошини олиб жуда бемаъни иш қилишган...» — дейиши мумкин. Шундан сўнг менинг хотирамдан сира номус қилмасангиз бўлади, айниқса орадан бир оз вақт ўтгач... Агар сизга уйланса, жамиятдаги сизнинг мавқеингиз, сизнинг давлатингиз ва очигини айтишга ижозат этасиз, сизнинг ўткир ақл-идрокингиз жаноб де Круазнуага шундай обрў-эътибор келтирадики, унинг ўзи ҳеч қачон бунга эриша олмаган бўлур эди. Ахир унинг олий насл-

насаб ва жасоратдан бўлак кўзга ташланадиган бошқа ҳеч нимаси йўқ. Бу фазилатлар билан эса 1729 йилда муваффақиятга эришиш мумкин эди, зеро ўшанда ҳамма нарсани шу фазилатлар ҳал қиларди. Энди, орадан бир аср ўтгач, бу хислатлар шунчаки анахронизм ҳисобланади ва фақат инсоннинг дилида умид уйғотади холос. Ҳозир француз ёшларига йўлбошчилик қилмоқ учун дилда баъзи бошқа фазилатлар ҳам бўлмоғи керак.

Сиз ана шу ғайрат ва шижоатингиз билан эрингизни аъзо бўлишга мажбур этган биронта сиёсий гуруҳни қўллаб-қувватлайсиз. Сиз Фронда замонида шуҳрат қозонган Шеврез ёки Лонгевиль хонимларнинг муносиб вориси бўлишингиз мумкин... Лекин у пайтга бориб, жонгинам, ҳозир сизга пилҳом бағишлаб турган илоҳий ўт бирмунча сўниб қолади.

— Сизга шу нарсани айтмоққа ижозат этгайсизки, — дея қўшимча қилди у Матильданинг этини бир оз ўлдирганидан сўнг, — орадан ўн беш йил ўтгач, ҳозир дилингиздаги менга бўлган муҳаббатингиз сизга тентаклик, эҳтимол узрли, лекин ҳар қалай тентаклик бўлиб туюла бошлайди.

У бирдан хаёлга толиб, жимиб қолди. Унинг миясини яна Матильданинг газабини кўзгатган ўша фикр чулғаб олган эди: «Орадан ўн беш йил ўтгач, де Реналь хоним менинг ўғлимни жонидан яхши кўради, сиз эса уни унутиб юборасиз».

XL

Хотиржаллик

Илгари телба бўлганим учун ҳам ҳозир ана шундай доғишманд бўлиб қолганман. Дақиқадан наридагисини кўра олмайдиган бечора файласуф, билим доиранг бунча қашшоқ бўлмаса! Сенинг нигоҳинг инсоннинг кўзга кўринмас эҳтиросларининг инҳона фаолиятини кўришга ожизлик қилар экан.

В. Гёте.

Сўроқ бошланиб, бу суҳбат бўлиниб қолди. Сўроқдан сўнг дарҳол уни ҳимоя қилиш топширилган адвокат билан сўзлашиб олишга тўғри келди. Булар Жюльеннинг бутун-

лай бегам ва латиф хотираларга тўла ҳаётидаги ягона но-
хуш дамлар эди.

— Қотиллик, қотиллик бўлганда ҳам олдиндан ўйлаб,
қасддан қилинган қотиллик. — дея тинимсиз такрорларди
у судьяга ҳам, адвокатга ҳам. — Мен жуда афсусланяп-
ман, жаноблар, — дея қўшимча қилди у жилмайиб, — ле-
кин ҳар қалай бу ҳол сизга ҳеч қандай ташвиш орттирмаса
керак.

«Охир-оқибатда, — деди ўзига-ўзи Жюльен анови нус-
халардан қутулгач, — мен жасур одам эканман ва турган
гап, манови икки нусхадан юраклироқман. Улар учун бу
бахтеиз оқибат билан яккама-якка олишув кулфатнинг
чеки, *даҳшатлар гултожидир*. Мен эса бу иш билан у содир
бўладиган кундагина жиддий шуғулланаман».

«Гап шундаки, мен бундан ҳам ортиқроқ кулфатларни
бошдан кечирганман, — дея файласуфлик қилишда давом
этарди Жюльен. — Страсбургга биринчи марта борганимда,
Матильда мендан бутунлай юз ўгирганига ишончим комил
бўлган пайтда мен бундан ҳам кўпроқ изтироб чеккан
эдим... Бўлмасам, унинг севгисига эришмоққа қандай эҳти-
рос билан интилган эдим-а, энди бўлса унга мутлақо бе-
фарқ қараяшман. Сирасини айтганда, бу соҳибжамол қиз
ёнимда бўлган пайтдагидан кўра ёлғиз ўзим қолганимда
ўзини бахтлироқ ҳис этяпман».

Қонунчи ва расмиятпараст одам бўлмиш адвокат уни
телба деб ҳисоблар ва умумнинг, Жюльен рашк устида
қўлига тўппонча олган, деган фикрига қўшиларди. Бир
кун у юрак ютиб, бу гап ҳақиқатга тўғри келадими ёки
йўқми, лекин ҳимоя учун ажойиб асос бўлиши мумкин эди,
дея шама қилди. Бироқ Жюльен дарҳол ўзининг жиззаки
ва бетоқат табиатини намоиш этди.

— Агар ажалингиздан беш кун бурун ўлмоқчи бўлсан-
гиз, афандим, — дея қичқирди у газабдан эс-ҳушини йўқо-
тиб, — бу гапни ҳаёлингиздан чиқариб ташланг ва бу даҳ-
шатли бўҳтонни иккинчи оғзингизга ола кўрманг.

Эҳтиёткор адвокат бирдан мени бўғиб қолса-я, деган
хаёлга бориб бир лаҳза кўрқиб кетди.

Адвокат ҳимоя нутқини тайёрлаётганди, зеро ҳал қи-
лувчи дақиқа яқинлашмоқда эди. Безансонда, умуман бу-
тун департаментда ҳамма фақат ана шу процесс ҳақида га-
пирарди. Жюльен бу гапларнинг баридан беҳабар эди, у
бундай гапларни ўзига айтмасликни қаттиқ илтимос қил-
ганди.

Уша куни Фуке билан Матильда унга, ўзларининг ўйлашларича анча умидвор қиладиган баъзи бир овозаларни айтмоқчи бўлишди. Жюльен биринчи сўзларни эшитибоқ уларни тўхтатиб қўйди.

— Мени ўз ҳолимга қўйинглар. Барча бу икир-чикир гапларингиз, ҳаёт ҳақидаги бу ҳикояларингиз озми-кўпми менинг нафсониятимга тегади ва мени осмондан ерга қулашга мажбур этади. Ҳар ким ўз билгича ўлади, шунинг учун мен ҳам ўлим ҳақида ўзимча ўйлашни истайман. *Бошқалар* билан нима ишим бор? Менинг *бошқалар* билан муносабатим яқинда буткул узилади. Сизлардан ўтинаман, бу одамлар ҳақида менга бошқа гапирманг, терговчи билан адвокатнинг жонимга тегаётгани ҳам етар.

«Чамаси, чиндан ҳам орзуларга берилиб ўлиш менинг пешонамга ёзилганга ўхшайди, — дерди у ўзига-ўзи. — Бирор икки ҳафтадан сўнг барчанинг унутиб юборишга имони комил бўлган мендек беному нишон бир одамнинг лўттибозлик қилиб, ўзини аҳмоқ қилиб кўрсатишининг нима кераги бор...

Ҳар қалай жуда қизиқ, мен фақат энди, умримнинг охирини кўраётган бир пайтда ҳаётдан лаззатланиш санъатини ўрганияпман».

У ана шу сўнгги кунларини ўз минорасининг энг тепа-сида жойлашган торгина майдончада, Матильда Голландиядан атайлаб олдириб келган ажойиб сигараларни чекканча уёқдан-буёққа юриб ўтказмоқда эди. Дурбини бўлган барча одамлар у ўша майдончада пайдо бўладиган дақиқани ҳар куни зориқиб кутишларини эса йигит ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Унинг бутун фикр-ёди Вержида эди. У Фуке билан де Реналь хоним ҳақида ҳеч қачон гаплашмасди, бироқ дўсти унга икки-уч марта хонимнинг тез тузалиб бораётганини айтганида Жюльеннинг юраги орзиқиб тушди.

Жюльеннинг қалби бутунлай ширин хаёллар уммонига гарқ бўлиб юрар экан, Матильда ҳар қандай асилзода қиз каби кундалик турфа ишлар билан шугулланарди. У де Фервак хоним билан жаноб де Фрилер ўртасидаги дўстона ёзишгани шу қадар йўлга қўя олдики, *епископлик* дея аталмиш буюк сўз аниқ тилга олиниб бўлди.

Бенефицийлар рўйхатини тузувчи муҳтарам прелат жияни ёзган мактубнинг охирига ўз қўли билан «*Уша бадбахт Сорель шунчаки енгилтак бола экан, умид қиламизки, уни бизга қайтариб берадилар*», — дея ёзиб қўйишни ҳам лозим топди.

Жаноб де Фрилер бу сатрларни ўқиганида қувониб кет-

ганидан ақлдан озай деди. У Жюльенни қутқариб қола билишига сира ҳам шубҳа қилмасди.

— Агар аслида киборларни ҳукм ўтказиш имкониятидан маҳрум қилиш мақсадидагина чиқарилган ва беҳисоб суд маслаҳатчилари рўйхати тузишни тақозо этадиган анови яқобинча қонун бўлмаганида, — деди у Матильдага суд сессияси учун қуръа ташлаб, ўттиз олти маслаҳатчи танланадиган кун арафасида, — мен яхши ҳукм чиқарилажаги ҳақида сизга кафолат бера олардим. Кюре Н... ни оқлаб юборишларига эришдим-ку ахир...

Эртаси кун жаноб де Фрилер қуръадан сўнгги тузилган рўйхатда Безансон конгрегациясининг беш аъзоси, бошқа шаҳарлардан сайланган маслаҳатчилар орасида эса Валено, де Муаро, де Шолен жанобларнинг номларини кўриб ғоят мамнун бўлди.

— Ана шу саккиз киши учун сизга ҳозирнинг ўзидаёқ кафолат бермогим мумкин, — деди у Матильдага. — Биринчи беш киши — шунчаки итоатгўй одамлар, Валено — менинг агентим, Муаро менга қарам одам, де Шолен эса — дунёда ҳамма нарсадан кўрқадиган гирт аҳмоқ.

Департамент газетаси маслаҳатчилар рўйхатини эълон қилди. Шундан сўнг де Реналь хоним Безансонга боришини айтиб, эрини ҳанг-манг қилиб қўйди. Жаноб де Реналь хотинини кўндирган ягона нарсаси, — унинг гувоҳ тариқасида судга чақирилишдек кўнгилсизликнинг олдини олиш учун кўрпа-тўшак қилиб ётиш ҳақидаги ваъдаси бўлди.

— Сиз менинг аҳволимни тасаввур қилолмаяпсиз, — дерди Веррьернинг собиқ мэри, — ахир мен, ҳамшаҳарларимизнинг таъбири билан айтганда, *ажралиб қолган* либерал ҳисобланаман. Анови муттаҳам Валено билан жаноб де Фрилер прокурор ва судьяларга ишни иложи борица менга зарар келтирадиган томонга буришни уқтиришлари ҳеч гап эмас ахир.

Де Реналь хоним эрининг талабларига бажонидил рози бўлди. «Агар мен судга борсам, — деди у ўзига-ўзи, — гўё жазо талаб қилаётган жабрдийда бўлиб кўринишим мумкин».

Руҳоний шири ҳамда эрига ўзини оқила тутишга ваъда берганига қарамай, Безансонга келган заҳоти хоним дарҳол ўттиз олти маслаҳатчининг ҳар бирига ўз қўли билан мактуб ёзиб жўнатди.

«Мен судга бормамай, афандим, зеро менинг у ерга боришим жаноб Сорелнинг ишига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Мен чин юракдан истайдиган ягона нарса бу

унинг оқланишидир. Гапимга ишонинг, бегуноҳ одамнинг мени деб ўлимга ҳукм қилиниши ҳақидаги даҳшатли фикр менинг қолган умримни заҳарлайди ва шубҳасиз, уни қисқартиради. Мен тирикман-ку, шундай экан, Сиз қандай қилиб уни ўлимга ҳукм қила оласиз ахир! Йўқ, сўзсиз жамият унинг ҳаётига чек қўйиши мумкин эмас, боз устига, Жюльен каби ажойиб инсонни ўлим билан жазолашга ҳаққи йўқ. Унинг баъзан қандайдир эси оғиб қолишини Веррьердаги барча одамлар илгари ҳам билишарди. Бу бечора йигитнинг қудратли душманлари бор, лекин ҳатто унинг душманлари орасида ҳам (улар жуда кўпчилик!) Жюльен Сорелнинг фавқулодда истеъдоди, ниҳоятда чуқур билимларига шубҳа қиладиган биронта ҳам одам топилмаса керак. Сиз суд қилишингиз лозим бўлган одам, афандим, ажойиб бир инсон. Деярли бир ярим йил давомида биз уни камсуқум, диёнатли ва ишчан йигит сифатида билиб келдик, лекин йилига икки-уч марта унинг хафақонлиги хуруж қилиб қоларди, бу дард баъзан эсдан оғиш даражасигача бориб етарди. Бутун Веррьер, биз ёз мавсумида истиқомат қиладиган Вержидаги барча кўшнилариимиз, менинг бутун оилам ва жаноб префект ёрдамчисининг шахсан ўзи ҳам унинг диёнатли йигит эканини тасдиқлаши мумкин: у бутун инжилни ёддан билади. Нопок одам бу муқаддас китобни ёдлаб олиш учун йиллар давомида меҳнат қилармиди ахир? Бу мактубни Сизга менинг ўғилларим олиб боришади, улар — норасида болалар. Марҳамат қилиб, афандим, улардан сўраб кўринг, шунда улар бу бахти қаро йигит ҳақида шундай тафсилотларни ҳикоя қилиб беришадики, оқибатда сиз уни ўлимга ҳукм қилиш ўтакетган ваҳшийлик бўлажагига ишонч ҳосил этгайсиз. Сиз мен учун ўч олибгина қолмай, балки мени ҳам ҳаётдан маҳрум этган бўласиз.

Унинг душманлари оддий бир далилга қарши нима дея олишади?

Унинг эси оғиб турган пайтда менга етказган жароҳати (ўз тарбиячиларининг баъзан бундай эси оғиб туришини эса ҳатто норасида болаларим ҳам сезишган) шу қадар енгил бўлиб чиқдики, орадан икки ой ўтмасданоқ мен Веррьердан Безансонга почта каретасида кела олдим. Агар Сиз, афандим, шундай арзимас гуноҳ қилган бир бечора йигитга шафқат қилиб, уни бераҳм қонун билан жазоламасликка иккиланаётган бўлсангиз, мен фақат эримнинг буйруғи билангина кўрпа-тўшак қилиб ётган жойимдан тураман-да, тўғри олдингизга бораман ва тиз чўкиб илтижо қиламан.

Жиноят исботланмаган, дея эълон қилинг, афандим, шунда, бегуноҳ қон тўқдим, дея виждонингиз азоб чекмай юради...» ва ҳоказо, ва ҳоказо.

XLI

С у д

Мамлакатда катта шов-шувга сабаб бўлган бу процессни ҳали узоқ эслаб юришади. Судланувчининг тақдирига бўлган қязиқиш борган сайин зўрайиб, охири ҳаммани ҳаяжонга сола бошлади, зеро унинг жинояти қанчалик ғаройиб кўринмасин, у одамларни даҳшатга солмасди. У ҳатто даҳшатли бўлган тақдирда ҳам бу йигит жуда чиройли эди. У жуда тез кўтарилиб бораётган эди-ю, бирдан қоқилиб тушиб, ҳаммани ўзига хайрихоҳ қилиб қўйди. «Наҳот уни ўлимга ҳукм қилинса?» — дея суриштирар эди аёллар таниш эркаклардан ва ранглари ўчиб, жавоб кутишарди.

Сент-Бев.

Ниҳоят де Реналь хоним билан Матильда ваҳимага тушиб кутишаётган кун ҳам келди.

Шаҳарда кўтарилган шов-шув уларни беихтиёр даҳшатга солмоқда эди, ҳатто Фукенинг ҳам матонатли қалби изтиробга тушди. Бу романтик процессни эшитмоқ учун бутун провинция Безансонга оқиб келмоқда эди.

Бир печа кун олдинданок меҳмонхоналарда биронта ҳам бўш жой қолмади. Кириш билети сўрайвериб жаноб суд раисининг тинкасини қуритишганди. Шаҳарнинг барча хонимлари суд залига киришни орзу қилишарди, кўчаларда Жюльеннинг портретини сотишмоқда эди ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Матильда ана шу хал қилувчи дақиқа учун монсеньор епископ*** нинг шахсан ўзи ёзган мактубини сақлаб қўйган эди. Француз черковини бошқариб, епископларни ишдан олиб, ишга қўядиган мазкур прелат Жюльенни оқлаб ҳукм чиқаришни илтимос қилганди. Суд арафасида Матильда бу мактубни қудратли катта викарийга олиб бериб берди.

Сухбат охирида, Матильда кўзларидан дув-дув ёш тўқанича чиқиб кетишга ҳозирланар экан, жаноб де Фрилер ниҳоят дипломатик вазминлигини йиғиштириб, ўзи ҳам деярли ийиб деди:

— Маслаҳатчиларнинг оқлаб ҳукм чиқариши ҳақида сизга кафолат бераман: сиз ҳомийлик қилаётган кимсанинг гуноҳкор ёки гуноҳкор эмаслиги, энг муҳими эса, қасддан жиноят қилгани ёки қилмаганини хал қилувчи ўн икки кишидан олтитаси менинг мартабам ўсишидан манфаатдор дўстларимдир. Мен ўзимнинг епископлиқ унвонига эришмогим уларга боғлиқ бўлиб қолганини бу одамларга ишора қилиб қўйдим. Барон Валенони мен Веррьер шахрига мэр қилиб қўйганман. Унинг қўл остидаги икки одам — де Муаро ва де Шолен жаноблар, турган гап, унинг чизган чизигидан чиқишмайди. Ростини айтганда, қуръа бизга бу ишда анча ишончсиз бўлган икки маслаҳатчини дучор қилиб қўйди, лекин улар ғирт либерал бўлишса-да, ҳар қалай жиддий масалаларда менга итоат этишади, мен эса улардан жаноб Валено билан биргалашиб овоз беришни илтимос қилдим. Олтинчи одам жуда бой фабрикант эканлиги менга маълум. У маҳмадана ва либерал, пинҳона ҳарбий маҳкамдан аллақандай буюртма олиш дардида юрибди ва турган гап, мени ўзига қарши қилиб қўйишни истамайди. Жаноб Валено менинг кўрсатмамга биноан иш юритишини унга шипшитиб қўйишни буюрдим.

— Ўша Валено деганингиз ким ўзи? — дея сўради безовта бўлиб Матильда.

— Агар сиз уни таниганингизда эди, муваффақият қозонажагимизга сира шубҳа қилмаган бўлардингиз. У шундай гапдон, сурбет, ҳаёсиз ва қўпол одамки, гўё атайлаб аҳмоқларга йўлбошчилик қилиш учун туғилган дейсиз, 1814 йилда у ялангобқ эди. Мен уни префект қилиб қўйдим. Агар у билан биргалашиб овоз беришмаса, у маслаҳатчи ҳамкасбларни дўнпослашдан ҳам тоймайди.

Матильданинг кўнгли бир оз жойига тушди.

Кечқурун у яна бир нарса ҳақида гаплашиб олмоғи лозим эди. Жюльен, наздида оқибати мутлақо равшан бўл-

ган бу кўнгилсиз можарони чўзиб ўтирмаслик учун судда бутунлай гапирмасликка қарор қилган эди.

— Адвокатимнинг сўзга чиқиши ҳам етади,— деди у Матильдага.— Мен бусиз ҳам барча душманларимга узоқ томоша бўлиб ўтираман. Бу провинцияликларнинг бари сиз туфайли жуда тез кўтарилиб кетганимдан газабланиб юришибди. Гапимга ишонаверинг, уларнинг орасида мени ўлимга ҳукм қилишларини истамайдиган биронта ҳам одам тонилмайди. Лекин бу нарса мени қатлга олиб кетишгаётганида аҳмоқона бир тарзда бўкириб йиғлашларига халал бермайди.

— Сизни хўрлаша, улар хурсанд бўлишади, бу тўғри,— деди Матильда,— лекин, менямча, бу бағритошликдан эмас. Менинг Безансонда пайдо бўлишим ва чекаётган азобларим барча аёлларни менга ҳамдарад қилиб қўйди, сизнинг тароватли хуснингиз эса қолган ишни тўғрилаб юборади. Судьяларингиз олдида бир оғизгина сўз айтсангиз бас, бутун зал сиз томонда бўлиб қолади...— ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Эртаси куни эрталаб соат ўнда, Жюльен суд биносининг катта залига равона бўлмоқ учун қамоқхонадан чиққанида, жандармлар ҳовлига тўпланган катта оломонни тарқатиб юборгунларича анча овора бўлишди. Жюльен мириқиб ухлаб олганди, у ўзини жуда хотиржам ҳис этар ва қалбида ўзлари бағритош бўлмасалар-да, уни ўлимга ҳукм этилишини қарсак чалиб кутиб оладиган манови ҳасадгўйлар тўдасига ачинишдан бўлак ҳеч қандай туйғу сезмасди. Йигит ўзини оломон орасидан олиб ўтишган ўша чорак соат давомида одамларнинг унга чин юракдан раҳмлари келаётганини кўриб, қаттиқ ҳаяжонга тушди. У биронта ҳам адоватли сўз эшитмади. «Бу провинцияликлар мен ўйлаганчалик ёвуз эмас эканлар»,— дея хаёлидан ўтказди у.

Суд биносининг мажлислар залига кирар экан, Жюльен унинг нақадар нозик қилиб қурилганига қойил қолди. Бу тошдан ниҳоятда ҳафсала билан йўнилган бир талай ажойиб устунлардан иборат соф готика эди. У ўзини Англияга тушиб қолгандек ҳис этди.

Лекин тезда судланувчилар курсисининг шундоқ қаршисида, судьялар ва маслаҳатчилар ўтирадиган жойнинг тепасидаги учта ложага жойлашиб олган ўн бештача аёлнинг кўхликкина чехралари унинг бутун диққат-этиборини ўзига тортди. Шундан сўнг у томашабинлар томон ўгирилиб қараган эди, амфитеатр узра доира ташкил этган

бутун галереяни¹ фақат аёллар тўлдириб ўтирганини кўрди. Уларнинг аксарияти ёшгина қиз-жувонлар бўлиб, кўпчилиги йигитга жуда чиройли кўринди, уларнинг кўзлари йилтираб турар, нигоҳларида ҳамдардлик акс этар эди. Пастдаги зал эса одамга лиқ тўла эди, халойиқ эшикдан ёпирилиб кирар, соқчилар сира тинчлик ўрната олмай қийналишарди.

Жюльенни кўришга ошиқаётган иштиёқманд кўзлар йигитнинг баланд супачадаги судланувчи учун ажратилган жойга ўтираётганини кўргач, унинг қулоғига ҳайратга тушган ва ачинаётган одамларнинг говур-гувур гаплари чалинди.

Жюльен бугун йигирмага ҳам кирмагандек кўринарди: у жуда оддийгина, лекин гоётда нозик дид билан кийинган бўлиб, жингала сочлар ва пешонасининг чиройи кишини ҳайратга соларди. Бугун уни Матильданинг ўзи кийинтириб қўйганди. Жюльеннинг оппоқ юзи ҳаммани лол қолдирди. У ўз курсисига ўтирган заҳоти чор атрофдан ивиршивир гаплар эшитила бошлади: «Ё худойим! Жуда ёш-ку... Ҳали бола-ку ахир... У портретдагига қараганда анча чиройлироқ экан».

— Анави томонга бир қаранг-а, судланувчи, — деди йигитга унинг ўнг томонида ўтирган жандарм, — ложада ўтирган анави олти хонимни кўряпсизми? — шундай дея жандарм унга маслаҳатчилар ўтирган жойнинг тепасида хиёл туртиб чиққан тахмонга ўхшаш ложани кўрсатди. — Анави хоним префектнинг рафикаси, — дея давом этди жандарм, — унинг ёнидагиси эса маркиза М***, у сизга жуда хайрихоҳ. Унинг терговчи билан гаплашаётганини ўз қулоғим билан эшитдим. Унинг ортида эса Дервиль хоним ўтирибди.

— Дервиль хоним дейсизми! — хитоб қилди Жюльен қулоғигача қизариб.

«У суд залидан чиққан заҳоти, — дея ўйлади йигит, — де Реналь хонимга хат ёзиб юборади». У де Реналь хонимнинг Безансонга келганидан беҳабар эди.

Гувоҳларни сўроқ қилиш бошланди. У бир неча соат давом этди. Бош прокурор ўзининг айбловчи нутқини бошлади. «Дервиль хоним унақа эмас, у кўнгли бўшлардан эмас», — дея ўйлади Жюльен, бироқ у хонимнинг икки юзи лов-лов ёниб турганини сезиб қолди.

¹ Галерея — театр ёки бошқа заллардаги ўриндиқларнинг устки қавати (тарж.).

Бош прокурор француз тилини расво қилиб бузганича баландпарвоз бир руҳда содир бўлган жиноятнинг нақадар ёвузлиги ҳақида гап сотмоқда эди. Жюльен Дервиль хоним ёнида ўтирган аёллар унинг нутқини очиқдан-очиқ норо-зилик билан тинглашаётганини сезиб қолди. Маслаҳатчилардан баъзилари, чамаси, бу хонимларнинг танишлари бўлса керак, улар билан бир-икки оғиз сўзлашиб олишар, афтидан, уларни тинчитишарди. «Мана буни, чамаси, яхшилик аломати деса бўлади», — дея хаёлидан ўтказди Жюльен.

Шу пайтга қадар у мана шу суд залига тўпланган барча бу одамларга нисбатан қалбида чексиз нафрат ҳис этмоқда эди. Прокурорнинг бемаъни сухандонлиги бу жирканч туйғусини янада кучайтириб юборди. Бироқ Жюльеннинг дилидаги бу совуқ туйғу йигит теварак-атрофида кўраётган очиқ-ойдин ҳамдардлик олдида энгилиб, аста-секин ғойиб бўлди.

У ҳимоячисининг юзидаги қатъиятни кўриб, дилида мамнун бўлиб қўйди. «Фақат, илтимос, ортиқча гаплар айтманг», — дея аста шивирлади йигит унга ҳимоячи сўз олишга ҳозирлик кўраётганида.

— Бу ерда Боссюэтнинг китобидан олиб сизга қарши айтилган барча гумтароқли гаплар фақат сизнинг фойдангизга бўлди, — деди адвокат. Чиндан ҳам у нутқ бошлаганидан сўнг орадан беш минут ўтмасданок деярли барча аёлларнинг қўлида дастрўмол пайдо бўлди. Бундан руҳланиб кетган адвокат суд маслаҳатчиларига мурожаат қилиб, ниҳоятда таъсирли сўзлар айтди. Жюльеннинг эти жимирлаб кетди, у ҳозир кўзларига тирқираб ёш чиқиб кетишини сезиб турарди. «Ё раббим! Душманларим нима дейди?»

У йиглаб юборай деб турганида, бахтига, кўзи барон де Валенонинг сурбет нигоҳи билан тўқнаш келиб қолди.

«Бу лаганбардорнинг кўзлари нақ ёниб турибди-я, — деди у ўзича, — аблаҳнинг тантана қилишини қаранг! Агар шу воқеа мен қилган жиноятнинг ягона оқибати бўлган тақдирда ҳам мен унга лаънат ўқимоғим лозим эди. Худо билсин, қиш кечалари уларникига меҳмонга борганида у мен тўғримда де Реналь хонимга нималар деб вайсайди».

Бу фикр бир зумда бошқа барча хаёлларни сиқиб чиқарди. Лекин бир оздан сўнг Жюльеннинг хаёлини залда кўтарилган гала-говур ва маъқулловчи хитоблар бўлиб юборди. Адвокат ҳозиргина ўз нутқини тугатган эди. Жюльен унинг қўлини қисиб қўйиш лозимлигини эслади. Вақт жуда тез ўтиб кетган эди.

Адвокат билан судланувчига овқат олиб келишди. Ана

шунда Жюльен бир нарсани кўриб қаттиқ ҳайратга тушди: аёллардан биронтаси ҳам тамодди қилиб олиш учун залдан чиқиб кетмаган эди.

— Ростимни айтсам, очимдан ўлай деяпман, — деди химоячи, — сиз-чи?

— Мен ҳам, — дея жавоб қилди Жюльен.

— Уни қаранг, мана жаноб префектнинг рафиқасига ҳам овқат келтиришди, — деди адвокат кичкина ложа томон ишора қилиб. — Бардам бўлинг: ҳаммаси яхши кетяпти.

Суд мажлиси қайтадан бошланди.

Раис яқунловчи нутқ сўзлаётганида соатларнинг занг уриши эшитилди, вақт ярим кеча бўлган эди. Раис сўзлашдан тўхтаб, кутиб туришга мажбур бўлди, барча тоқатсизланиб кутиб турган бу сукунат ичра соатларнинг бонг уриши залда акс-садо бермоқда эди.

«Мана, менинг сўнгги куним ҳам келди», — дея ўйлади Жюльен. Шундан сўнг у бутун вужудини бурч туйғуси қамраб олаётганини ҳис этди. Шу пайтга қадар у ҳаммасига бардош бериб, кўнгил бўшликка йўл қўймай келаётган ва сўнгги сўздан воз кечишга қарор қилган эди. Бироқ раис ундан бирор нарса кўшимча қилишни истамайсизми, дея сўраганида у ўрнидан турди. Йигит шундоқ рўпарасида Дервиль хонимнинг кўзларини кўриб турарди. Аёлнинг кўзлари унга қандилларнинг шуъласида ҳаддан ташқари ялтираб кўринаётгандек туюлди. «Йигляптими, дейман?» — дея хаёлидан ўтказди Жюльен.

— Жаноби маслаҳатчилар!

Ўлимим олдики одамларнинг нафратига эътибор бермаслигим мумкин, деб ўйлагандим. Бироқ ана шу нафрат олдидаги қўрқув мени сўз олишга мажбур қилипти. Мен сира ҳам сизнинг табақангизга мансуб эмасман, жаноблар, сиз олдингизда ўзининг аянчли қисматига қарши исён кўтарган оддий бир фуқарони кўриб турибсиз.

— Мен сизлардан раҳм-шафқат сўрамоқчи эмасман, — дея давом этди Жюльен товуши дадиллашиб. — Ҳеч нарсага умид қилаётганим йўқ, мени ўлим кутмоқда; шундай жазога муносибман. Мен ҳар қандай таҳсинга муносиб, гоёта ҳурматли бир аёлнинг ҳаётига суиқасд қилдим. Де Реналь хоним мен учун онадек мўътабар бир аёл эди. Жиноятим ниҳоятда даҳшатли ва мен уни қасддан қилдим. Шундай қилиб мен ўлим жазосига муносибман, жаноби маслаҳатчилар. Бироқ камроқ даражада айбдор бўлган тақдиримда ҳам мен бу ерда ёшлигим учун сира ҳам раҳм-шафқат қилиб ўтирмай, мени қаттиқ жазога ҳукм қилади-

ган одамларни кўриб турибман. Улар йўқсилликда эзилган, лекин яхши маълумот олишга муваффақ бўлган ва шу боисдан такаббур боёнлар, яхши жамяят, деб атайдиган муҳитга суқилиб киришга журъат этган паст табақа йигитларига ибрат бўлсин учун ҳам шундай қиладилар.

Менинг жиноятим мана шу, жаноблар, ва у ниҳоятда қаттиққўллик билан жазолападики, зеро мени ўзим тешиг одамлар суд қилаётгани йўқ. Мен бу ерда маслаҳатчилар курсисидан биронта ҳам бойиб кетган дехқонни кўрмадим, ҳаммаси ғазабга минган буржуалар, холос...

Йигирма минут давомида Жюльен ана шу руҳда сўзлаб, дилидаги ҳамма гапни айтиб олди. Киборлар олдида ялтоқлик қиладиган прокурор ўтирган курсисидан ғазабидан сакраб-сакраб тушарди. Жюльеннинг нутқи бирмунча мавхумлигига қарамай, барча аёллар хўнг-хўнг йиғлашмоқда эди. Ҳатто Дервиль хоним ҳам дастрўмолини кўзидан олмай қўйганди. Нутқини тугатишдан аввал Жюльен яна бир бор ўз жиноятдан пушаймон эканлиги ҳамда бир вақтлар, ўша бахтли кунларда де Реналь хонимни нақадар ҳурмат қилгани ва унга бўлган чексиз садоқати ҳақида эслатиб ўтди... Дервиль хоним бирдан қичқириб юборди-да, ҳушидан кетиб йиқилди.

Маслаҳатчилар ўз хонасига кириб кетишганида кечаси соат бирга занг урган эди. Аёллардан биронтаси ҳам ўз жойини тарк этмади, кўпгина эркаклар кўзларини артиб ўтиришарди. Аввалига одамлар қизгин суҳбатлашиб ўтиришди, бироқ маслаҳатчилар ҳукмини зорқиб кутишар экан, барча ҳолдан тойиб, зал аста-секин жимиб қолди. Бу тантанали дақиқалар эди. Қандилларнинг шуъласи хира торта бошлади. Ниҳоятда чарчаган Жюльен ёнгинасидаги одамларнинг, маслаҳатчилар бундай узоқ қолиб кетишгани яхшилик белгисими ёки ёмонлик нишонасими, дея суҳбатлашишларига қулоқ солиб ўтирарди. Барча ўзининг томонида эканлиги йигит кўнглига хуш ёқди, маслаҳатчилар ҳамон қайтишмасди, лекин шунга қарамай биронта ҳам аёл залдан чиқиб кетмади.

Мана соат иккига ҳам занг урди — шундан сўнг дарҳол ғала-ғовур эшитилди. Маслаҳатчилар хонасининг кичкина эшиги ланг очилди. Жаноб барон де Валено олдинда виқор билан дабдабали қадам ташларди, бўлак маслаҳатчилар унинг ортидан келишарди. У йўталиб олди-да, сўнгра маслаҳатчилар бир овоздан, ҳақиқат ва виждон амри билан Жюльен Сорель қотилликда, қотиллик бўлганда ҳам қасдан қилинган қотилликда айбдор, деган қарорга келишганини маълум қилди. Бу қарордан ўлим жазоси келиб

чиқарди, ҳукм шу заҳоти эълон қилинди. Жюльен соатига қаради, у жаноб де Лавалетни эслаган эди, соат иккидан чорак ўтганини кўрсатиб турарди. «Бугун жума», — дея ўйлади у.

Ҳа, аммо мени қатлга юбораётган Валено учун бу бахтли кун... Мени жуда қаттиқ қўриқлашади, шу боисдан ҳам Матильда де Лавалет хоним каби мени қутқара олмайди... Шундай қилиб, уч кундан кейин, худди мана шу соатда мен буюк «бўлиши мумкин» ҳақида, аниқ бир фикрга келиб оламан».

Шу пайт аллакимнинг қаттиқ қичқириб юборгани уни ҳушига келтирди. Атрофдаги аёллар хўнграб йиғлашмоқда эди, ҳамма бир чети деворга туташган готик устуннинг қоқ тепасидаги кичкина тахмонча томон ўтирилиб қаради. Кейинчалик у ўша ерда Матильданинг яширишиб ўтирганини билиб олди. Қичқириқ бошқа эшитилмаганидан сўнг барча яна жандармлар оломон орасидан олиб ўтишга ҳаракат қилаётган Жюльен томон ўтирилди.

«Анови муттаҳам Валенога ҳиринглаб кулиш учун имкон бермасликка ҳаракат қиламиз, — дея ўйлади Жюльен. — У ўлим жазоси келиб чиқадиган ўша қарорни нақадар чучмал бир ғамгинлик билан ўқиганини айтмайсизми! Ҳукмни ўқиётганида ҳатто анави боёқиш суд раисининг ҳам кўзидан ёш чиқиб кетди, бўлмасам у анчадан буён судья бўлиб ишлайди ахир. Бир вақтлар де Реналь хоним туфайли орамиздаги рақобат учун ниҳоят ўч олаётганидан Валенонинг боши осмонда бўлса керак!.. Демак, мен энди хонимни кўрмас эканман-да! Ҳаммаси тамом... У билан видолаша олмаймиз, буни сезиб турибман. Қилган жинойтимдан қандай даҳшатга тушаётганимни унга айта олганимда нақадар бахтиёр бўлардим-а.

Мана ўша сўзлар: *мени адолатли ҳукм қилишди*».

XLII

Жюльенни яна қамоқхонага олиб бориб, ўлим жазосига ҳукм қилинган маҳбуслар учун мўлжалланган казематга жойлаштиришди. Доим энг майда тафсилотларигача ҳамма нарсага эътибор бериб юрадиган йигит бу гал ўзини юқоридаги минорасига бошламай, бошқа хонага олиб киришганини ҳатто сезмади ҳам. Унинг бутун хаёли сўнгги дақиқада уни кўриш бахтига муяссар бўлса, де Реналь хонимга нималар дейиши ҳақидаги фикр билан банд эди. У, хоним

дарҳол гапимни бўлиб қўйса керак, дея ўйларди. Шу боисдан ҳам у гапни шундай қилиб айтмоқни истардики, хоним биринчи сўзлардан кейиноқ унинг қилмишидан пушаймон эканлигини тушунсин. «Шундай жиноятдан сўнг хонимни ёлғиз уни севишимга қандай ҳам ишонтира олардим. Чунки мен шуҳратпарастлик туфайлими, Матильдага бўлган севгим учунми, ҳар қалай унга суиқасд қилдим ахир».

Уйқуга ётар экан, унинг бадани дағал бўз чойшабни хис этди. Шундан сўнг унинг кўзи очилгандек бўлди. «Ҳа, айтмоқчи! Мен казематдаман-ку, — деди у ўзига-ўзи, — ўлимга ҳукм қилинганлар казематида. Адолатдан бу...»

«Граф Альтамиранинг ҳикоя қилишича, Дантон ўлими олдидан ўзининг дўрилдоқ овози билан шундай деган экан: «Жуда қизиқ, ахир қатл қилинмоқ феълини ҳамма замонга солиб туслаб бўлмас экан. *Мен қатл қилинаман, сен қатл қилинасан*, дейиш мумкин, лекин *мен қатл қилинган эдим* дейилмайди».

«Хўш, нега энди бундай дейиш мумкин эмас экан, — дея давом этди Жюльен, — агар охират мавжуд бўлса-чи?.. Ростини айтганда, агар у ерда христианлар худосига дуч келиб қолсам, ҳолимга вой — у мустабид ва ҳар қандай мустабид каби бутун вужуди қасоскорлик билан ёнади. Тавротда ҳар хил даҳшатли жазо усуллари тасвирланган. Мен ҳеч қачон уни севган эмасман ва уни сидқидилдан севиш мумкинлигини ҳатто хаёлимга ҳам келтирган эмасман. У шафқатсиз (шундан сўнг йигит тавротдаги баъзи цитаталарни эслади). У даҳшатли бир тарзда мени жазолайди...

Лекин у ерда мени Фенелон худоси қарши олса-чи! Эҳтимол, у менга: кўпгина гуноҳларингни кечираман, чунки сен кўп севгансан, деб айтар...

Хўш, мен кўп севдимми ўзи? Ҳа, мен де Реналь хонимни севган эдим, лекин мен қабоҳатга йўл қўйдим. Бу ўринда ҳам мен барча бошқа ишлардаги каби қандайдир шукуҳни деб оддий ва софдил хислатлардан юз ўгирдим...

Ҳа, лекин истиқболим нақадар порлоқ эди менинг... Уруш бошланса гусарлар полковниги бўлардим, типчилик пайтида эса элчихона секретари, кейин элчи... зеро бу ишларни тезда ўзлаштириб олардим, албатта... Ҳатто ғирт аҳмоқ бўлган тақдиримда ҳам маркиз де ля Молнинг куёви-бировнинг рақобатидан кўрқармиди дейсиз? Менинг барча театраликларимни кечириб юборишар ёки уларни фазилат дея эълон қилишган бўларди. Қарабсизки, мен хизмат кўрсатган одам сифатида Вена ёки Лондонга ўхшаш бирор жойда айшимни суриб яшайверардим»...

«Янглишаяптилар, тақсир, уч кундан сўнг бошингизни танингиздан жудо қилишади».

Жюльен дафъатан хаёлига шундай оқилона фикр келганидан хахолаб кулиб юборди. «Чиндан ҳам бир инсоннинг вужудида икки хил табиат биргалашиб яшайди, — дея хаёлидан ўтказди у. — Жин урсин, бу истехзоли кесатиқ қаёқдан ўрмалаб чиқди ўзи?»

«Ҳа, рост айтасан, ошна, уч кундан сўнг сенинг каллангни олишади, — дея жавоб қилди у ўзининг ўша сарқаш суҳбатдошига. — Жаноб де Шолен бу саҳнани томоша қилмоқ учун аббат Маслон билан шерик бўлиб, бирорта деразани ижарага олишади. Ана шу дераза учун ижара ҳақини тўлаш лозим бўлганида эса, қизиқ, бу икки муҳтарам зотнинг қайси бири қайси бирининг пулини ўмариб қоларкин?»

Шу пайт йигит бирдан Ротрунинг «Вячеслав» асаридаги ана шу мисраларни эслаб қолди:

В л а д и с л а в :

...Рухим тайёр.

Қ и р о л

(Владиславнинг отаси):

Кунда ҳам тайёр. Қани қўй унга бошингни.

«Ажойиб жавоб!» — дея хаёлидан ўтказди Жюльен ва ухлаб қолди. У эрталаб, елкасини қимдир қаттиқ ушлаганини сезиб уйғониб кетди.

— Қанақасига энди? Дарров-а! — дея шивирлади Жюльен, қўрқиб кўзини очар экан. У, жаллоднинг қўлига тушдим, деб ўйлаган эди.

Бу Матильда экан. «Ҳартугул у менинг нима деб ўйлаганимни тушунмайди». Бу фикрдан у ўзини бутунлай босиб олди. Матильда унга жуда ўзгариб кетгандек кўринди, у худди ярим йил касал ётиб, сўнг оёққа турганга ўхшарди. Уни таниб бўлмади қолганди.

— Анови аблаҳ Фрилер мени алдади, — дерди у қўлларини майиштириб. Қиз ғазабидан йиглай олмасди.

— Нима дейсиз, кеча дурустгина нутқ ирод қилдим-а? — дея унинг гапини бўлди Жюльен. — Ўзидан-ўзи шундай бўлиб чиқди, умримда биринчи марта! Лекин охиргиси ҳам шу бўлса керак, деб қўрқаман.

Жюльен шу дақиқада клавишлар узра ҳукмронлик қилаётган моҳир пианист каби совуққонлик билан Матильданинг характеридан фойдаланмоқда эди...

— Тўғри, менга олий насл-насаб етишмайди, — дея қў-

шимча қилди у, — лекин Матильданинг юксак қалби маҳбубини ҳам ўзи даражасигача юксалтириб олди. Сиз, Бонифаций де ля Моль судьялари олдида ўзини мендан яхшироқ тутган бўларди деб ўйлайсизми?

Матильда шу куни ҳар қандай манманликни йиғиштириб қўйиб, унга бирор уйнинг бешинчи қаватида яшайдиган камбағал қиз каби меҳрибонлик қиларди-ю, лекин Жюльендан биронта ҳам оддий сўз эшита олмасди. Йигит, ўзи ҳам билмай, унга бир вақтлар қизнинг ўзи ўқтин-ўқтин қийноққа солган усулда азоб бермоқда эди.

«Нилнинг қаердан бошланишини ҳеч ким билмайди, — дея мулоҳаза юритарди ўзича Жюльен, — бу дарёлар подшосини оддий жилга тарзида кўриш биронта ҳам инсонга насиб қилган эмас. Худди шундай инсон зоти Жюльенни заиф ҳолда кўра олмайди, чунки аввало унинг ўзи сира ҳам заиф эмас. Лекин менинг юрагим салга таъсирланиб кетади: агар унда самимият эшитилса, энг оддий сўз ҳам товушимни қалтирашга ва ҳатто кўзларимга ёш олишга мажбур этиши мумкин. Тошюрак одамлар ана шу камчилигим учун мендан кўп марта нафратланишган. Улар ўшанда мени шафқат сўраяпти, деб ўйлашарди, мен худди шу нарсага йўл қўймаслигим керак.

Айтишларича, Дантон дор тагида хотинини эслаб, сесканиб тушган экан. Лекин ахир Дантон бу халққа, бу тутуриқсиз одамларга куч бағишлади ва душманнинг Парижга киришига йўл қўймади... Қандай ишлар қилишим мумкин эди. Буни мен ёлғиз ўзим биламан... Ўзгалар учун эса мен бор-йўғи аллақандай бўлиши мумкин одамман, холос.

Хўш, мана шу гурбатхонада ёнимда Матильда эмас, де Реналь хоним бўлганида-чи, мен ўзимни шундай тутишимга кафил бўла олармидим? Менинг чексиз қайғу-ҳасратим, менинг афсус-надомат чекишим Валенога ҳам, бу ерлик барча боёнларга ҳам ўлим олдидаги манфур қўрқоқлик бўлиб туюларди. Бу аблаҳларнинг димоғидан эшак қурти ёғади ахир, ёғлиқ жойлар уларни ҳеч қандай васвасага учмайдиган қилиб қўйган. «Дурадгорнинг ўғли бўлиб туғилган одамнинг аҳволи не кечишини кўрдингизми, — дейишган бўларди мени ўлимга ҳукм қилган Муаро ва Шолен жаноблар, — одам олим бўлиши, бирор ишда юксак маҳоратга эришиши мумкин, лекин мард бўлишни, матонатли бўлишни сира ҳам ўрганиб бўлмайди. Ҳатто ҳозир йиглаб ўтирган ёки тўғрироғи, йиғлашга ортиқ мадори қолмаган манови боёқиш Матильда билан ҳам», — дея ўйлади Жюльен унинг қизариб кетган кўзларига тикилар экан. Кейин у қизни бағрига босди. Бу чексиз қайғуни ку

риб йигитнинг бутун хаёли бўлиниб қолди. «У, эҳтимол, бугун кечаси билан йиғлаб чиққан бўлса керак,— дея ўйлади йигит.— Лекин орадан вақт ўтади ва у мана шу кунлар ҳақида эслашдан помус қиладиган бўлиб қолади, унга ёшлигида ўзини йўлдан уришгандек, ўзи аянчли плебейларча фикр юритгандек туюлади. Круазнуа заиф одам, у, турган гап, Матильдага уйланади ва сирасини айтганда, жуда яхши иш қилади. Матильда унга:

Қашшоқ ва оддий фикрлар узра
Зукко ақлнинг қудрати билан

ажойиб мавқе яратиб беради.

Ҳа, чиндан ҳам қизиқ: мен ўлимга маҳкум этилганимдан буён бир вақтлар ёдлаган барча шеърлар ўз-ўзидан хотирамга келиб қоляпти. Рухий инқирознинг аломати бўлса керак...»

Матильда эшитилар-эшитилмас овоз билан нуқул унга:

— У қўшни хонада,— дея такорларди.

Ниҳоят қизнинг сўзлари унинг қулоғига кирди. «То-вуши заифлашиб қолибди,— дея ўйлади у,— лекин сўз оҳангидан фармойиш қилишга ўрганиб қолгани сезилиб турибди. У қизишиб кетмаслик учун шундай секин гапиряпти».

— Қимни айтяпсиз? — дея мулойимлик билан сўради у.

— Адвокатни, шикоят аризасига имзо чекмоғингиз керак.

— Мен ариза бермайман.

— Бу нима деганингиз? Нега энди ариза бермас экансиз? — деди қиз кўзлари ғазаб билан ёниб ўрнидан шартта турар экан.— Билсак бўладими, нега энди?

— Чунки мен ҳозир ўзимда масхара бўлмай ўлмоқ учун етарли матонат ҳис этиялман. Бу зах зиндонда узоқ ўтиргандан сўнг қай аҳволга тушиб қолишимни ким айтиб бера олади? Поплар жонимга тегишади, отам келади. Мен учун эса дунёда шундан ёмони йўқ. Ўлганим маъқул.

Бу кутилмаган қаршилиқ такаббур Матильданинг ғазабини кўзгатиб юборди. У казаметга киришга ижозат бергуналарига қадар аббат Фрилер билан учраша олмаган эди, шу боисдан ҳам у бутун ғазабини Жюльенга сочди. У йигитни сажда қилиш даражасида севарди, бироқ Матильда ўн беш минут давомида унинг ярамас характериға лаънат ўқиб, уни севиб қолгани учун ўзини койир экан, Жюльен яна бир вақтлар де ля Моль саройидаги кутубхонада уни

хўрлаб, ҳақорат қилган ўша димоғдор қизни кўргандек бўлди.

— Авлодингиз шуҳрати учун тангри сени эркак қилиб яратса бўлар экан,— деди у.

«Менга келганда эса,— дея ўйлади у,— агар бу жирканч гурбатхонада яна икки ой яшашга ва қиборлар тўдаси ўйлаб топадиган разил ҳақоратларга дучор бўлишга розилик берсам, ғирт аҳмоқлик қилган бўламан. У ҳолда юрагимга таскин берадиган нарса манови тентак қизнинг лаънатлари бўлади. Шундай қилиб, индинга эрталаб мен ўзининг совуққонлиги ва ниҳоятда эпчиллиги билан шуҳрат қозонган одам билан яккама-якка олишувга чиқаман... Ҳа, у жуда эпчил,— дея қўшимча қилди иблисона бир товуш,— унинг зарби доим бехато бўлади».

«Хай майли, оқ йўл (Матильда ҳамон лаънат ўқишда давом этарди). Йўқ, сира ҳам шикоят аризасини бермаганим бўлсин»,— дея қарор қилди у.

Шундай қарорга келгач, у хаёл сура бошлади... «Почтальон, одатдагидек, эрталаб соат олтида газета келтиради, соат саккизда эса, жаноб де Реналь уни ўқиб бўлгач, Элиза оёқ учидан юрганича хонимнинг хонасига киради-да, газетани унинг кўрпаси устига қўйиб чиқади. Кейин хоним ўйғонади ва газетани кўздан кечира туриб, бирдан қичқириб юборади, унинг ажойиб кўллари қалтирайди, зеро у қуйидаги сўзларни ўқиган бўлади: *Соат ўндан беш минут ўтганида унинг боши танидан жудо қилинди.*

У қон-қон йиғлайди, мен биламан уни. Тўғри, мен уни ўлдирмоқчи бўлдим, лекин ҳаммаси унутилади, мен ҳаётига суиқасд қилган ана шу аёл менинг ўлимимга сидқидилдан қайғу чекадиган ягона кимса бўлади».

«Мана буни таққослаш дейиш мумкин!» — дея хаёлидан ўтказди у ва Матильда уни зорланиб қойган ана шу ўн беш минут давомида де Реналь хоним тўғрисида хаёл суриб ўтираверди. Гарчи у ҳатто гоҳи-гоҳида Матильданинг гапларига жавоб бераётган бўлса-да, лекин бутун хаёли Веррьердаги ўша ётоқ бўлмасида эди. У ўша хонани яққол кўриб турарди: мана тўқ сариқ шойи кўрпанинг устида Безансон газетаси ётибди, оппоқ кўллари бу газетани гижимляпти, де Реналь хоним йиғляпти... Йигитнинг нигоҳи бу гўзал чехрадан оқиб тушаётган ҳар бир кўз ёшини кузатмоқда эди.

М-ль де ля Моль Жюльенни ариза беришга кўндира олмагач, адвокатни чақирди. Жюльеннинг бахтига, бу одам Италия армиясининг собиқ капитани, 1796 йил юришининг иштирокчиси, Манюэлнинг дўсти экан.

У номига бўлса-да, маҳбусни аҳдидан қайтармоқчи бўлди.

Жюльен, фақат унга бўлган ҳурмат юзасидангина барча далилларини батафсил баён қилиб берди.

— Виждонан айтганда, гапларингизни тўғри дейиш ҳам мумкин, — унинг сўзини эшитиб бўлгач деди жаноб Феликс Вано — адвокатнинг исми шарифи шундай эди. — Лекин шикоят аризасини бермогингизга сизнинг уч кун вақтингиз бор, менинг бурчим эса ана шу уч кун давомида олдингизга келиб, сизни ариза беришга кўндирмоқдир. Агар ана шу икки ой ичида қамоқхонанинг тагидан вулқон отилиб чиққанида эди, сиз халос этилган бўлардингиз. Кейин сиз бирор касалдан ҳам ўлишингиз мумкин-ку ахир, — дея қўшимча қилди у Жюльеннинг кўзларига тикилиб.

Ниҳоят, Матильда билан адвокат чиқиб кетишгач, Жюльен кўнглида қиздан кўра ана шу адвокатга кўпроқ хайрихоҳлик ҳис этди.

XLIII

Орадан бир соат ўтгач, қаттиқ ухлаб ётганда Жюльен кўлига кимнингдир кўз ёши томаётганидан уйғониб кетди. Ах, яна Матильда келибди, — дея ўйлади у уйқу аралаш. — У меҳр-муҳаббат ёрдамида мени ариза беришга кўндирмоқчи, албатта». У яна баландпарвоз гаплар эшитажagini ўйлаб сиқилар экан, кўзини очмай ётаверди. Шу ётишда у хотинидан қочиб юрадиган Бельфегор ҳақидаги шеърларни эслади.

Шу пайт у аллақандай бўғиқ хўрсиниқни эшитиб қолди-да, кўзини очди: бу де Реналь хоним эди.

— Ох, ўлимимдан олдин сени кўриш насиб қилдими! Ёки бу тушимми? — дея хитоб қилди йигит, унинг оёғига йиқилар экан. — Лекин, мени кечиринг, хоним, ахир сизнинг кўзингизда мен қотилман-ку, — деди у дарҳол қилмиши ёдига тушиб.

— Тақсир, мен бу ерга сиздан шикоят аризаси беришни илтижо қилгани келдим: биламан, сиз ариза беришдан бош тортяпсиз экан... — Аёл ўпкаси тўлиб, гапиролмай қолди.

— Илтижо қиламан: мени кечиринг.

— Агар сени кечиримми истасанг, — деди аёл ўрнидан туриб, унинг кўксига отилар экан: — дарҳол ариза бер, ўлим ҳукмини бекор қилишларини сўра.

Жюльен унинг юз-қўзларидан ўпа кетди.

— Шунда сен ана шу икки ой давомида ҳар куни олдимга келиб турасанми?

— Онт ичаман. Ҳар куни келаман, фақат эрим буни тақиқлаб қўймаса бас.

— Бўпти, ариза бераман! — дея қичқирди Жюльен. — Наҳот! Сен мени кечирдингми? Наҳот шу гап рост бўлса?

У қувонганидан эс-хушини йўқотиб, аёлни қаттиқ бағрига босди. Шунда хоним бирдан аста инграб юборди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у, — хиёл жонимни оғритдинг холос.

— Елканг оғридими! — дея хитоб қилди Жюльен кўзидан тирқираб ёш чиқар экан. У ўзини хиёл орқага ташлаб, хонимнинг қўлларини ўпа кетди. — Ушанда, Веррьердаги хонанда сўнгги марта олдингга кирганимда шундай бўлади деб ким ҳам айта оларди.

— Ушанда менинг жаноб де ля Молга шундай жирканч мактуб ёзишимни ким билибди дейсан.

— Билиб қўй: мен доим сени севганман, сендан бўлак ҳеч кимни севган эмасман.

— Наҳот шундай бўлса? — дея хитоб қилди де Реналь хоним. энди қувончдан у ҳам эс-хушини йўқотиб қўйган эди. У тиззасини қучоқлаб турган Жюльеннинг пинжигга кирди. Улар ун чиқармай узоқ йиғладилар.

Жюльен умри бино бўлиб ҳеч қачон ўзини шундай ҳис этмаган эди.

Улар яна тилга киргунларига қадар орадан анча вақт ўтди.

— Анови ёш жувон, Мишеле хоним-чи, — деди де Реналь хоним, — ёки тўғрироғи, мадемуазель де ля Моль, чунки мен чиндан ҳам бу гаройиб севгига ишониб қолман.

— Бу фақат сиртдан қараганда шундай, — деди жавобан Жюльен. — У менинг хотиним, лекин сира ҳам севгим эмас.

Шундан сўнг бири олиб бири қўйиб ўз ҳаётлари ҳақида бир-бирларига қайта-қайта ҳикоя қила бошладилар. Ниҳоят улар дилларини бўшатиб олишди. Жаноб де ля Молга ёзилган мактубни де Реналь хонимнинг руҳоний пири иншо этибди, хоним эса уни кўчириб ёзибди холос.

— Дин мени ана шундай разолатга ундади, — деди у, — тагин ҳам мен ўша мактубдаги энг даҳшатли жойларни юмшатиб ёздим.

Жюльеннинг дилидаги қувонч ва завқ-шавқ хонимнинг

ўша қилмишини кечирганидан яққол далолат бериб турарди. У ҳали ҳеч қачон де Реналь хонимни шу қадар қаттиқ севмаган эди.

— Ахир мен ўзимни имонли аёл деб ҳисоблайман, — дерди унга де Реналь хоним ўз ҳикоясини давом эттирар экан. — Мен худога сидқидилдан ишонаман, унга имон келтиришимни аниқ биламан, зеро қилган гуноҳим даҳшатли гуноҳ эканини менга аниқ исботлаб беришган, лекин сени кўрган захотим, ҳатто менга тўппончадан икки марта ўқ узганингдан кейин ҳам... — бироқ шу пайт у йигитни ўзидан четлаштиришга қанча уринмасин, Жюльен аёлнинг юз-кўзларидан ўна бошлади.

— Қўйвор, қўйвор, — дея давом этди у, — сен билан биргалашиб шу гапнинг тагига етмоқчиман, кейин унутиб қўяманми, деб қўрқаман... Сени кўрган захотим бутун бурчларимни унутамаман-қўяман, ҳамма нарса гойиб бўлиб. Бутун вужудим сенга нисбатан муҳаббатга айланади. Ҳатто, чамаси, «муҳаббат» сўзи дилимдаги туйғуни тўла англата олмаса ҳам керак. Сени шу қадар севаманки, менимча, фақат худога нисбатан шундай туйғу ҳис этиш мумкин: бунда ҳаммаси бор — сажда қилиш ҳам, севги ҳам, итоат ҳам. Очиғини айтсам, сенинг севгинг мени не қўйларга солишини ҳатто ўзим ҳам тушунмайман... мана, агар қамоқхона назоратчисига пичоқ санчгин десанг, мен дарҳол шу жиноятни қиламан, ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмайман. Илтимос, бу ердан чиқиб кетмасимдан аввал шуни менга аниқроқ қилиб тушунтириб бер, дилимда нелар кечаётганини тушуниб олмоқчиман, зеро икки ойдан сўнг биз видолашамиз... Дарвоқе, яна ким билсин, видолашармикинмиз ҳали? — деди хоним.

— Мен берган сўзимдан воз кечаман, — дея қичқирди Жюльен сапчиб ўрнидан турар экан, — агар сен бирор йўл билан, захар биланми, пичоқ, тўппонча ёки ёнаётган кўмир биланми ўзингни ўзинг ўлдирмоқчи ёки ўзингга бирор зиён келтирмоқчи бўлсанг, мен шикоят аризасини ёзмайман.

Де Реналь хонимнинг юзи бирдан алланечук ўзгариб кетди, жўшқин назокатнинг ўрнини чуқур хаёлчанлик эгаллади.

— Агар ҳозир биргалашиб ўлсак-чи? — деди у ниҳоят.

— Нариги дунёда нима бўлишини ким билади? — дея жавоб қилди Жюльен. — Эҳтимол, дўзах азоби бўлар, ёки, эҳтимол, умуман ҳеч нима бўлмас. Ана шу икки ой вақтни биргаликда бениҳоя лаззатланиб ўтказсак бўлади-ку. Икки ой — ахир бу жуда кўп-ку. Ўйлаб кўр, мен ҳеч қачон бундай бахтиёр бўлмаганман ахир!

— Сен чиндан ҳам ҳеч қачон шундай бахтли бўлмаган-мисан?

— Ҳеч қачон! — дея завқ билан такрорлади Жюльен. Бу гапни сенга ўз виждоним олдида гапираётгандек айтяпман. Лоф қилишдан худо сақласин.

— Модомики сен шундай дер экансан, сенинг сўзларинг мен учун қонун, — деди аёл маъюс бир табассум билан.

— Шундай бўлса, менга бўлган муҳаббатинг ҳурмати, ўз ҳаётингга ҳеч қандай йўл билан, на бевосита, на билвосита тажовуз қилмасликка онт ич... Ёдингда бўлсин, — дея қўшимча қилди у, — сен Матильда маркиза де Круазнуа бўлиб олган заҳоти малайларининг қўлига ташлаб қўядиган менинг ўғлим учун яшамоғинг керак.

— Онт ичаман, — дея совуққина жавоб қилди аёл, — лекин мен сенинг шикоят аризангни олиб кетишни истайман. У сенинг ўз қўлинг билан ёзилиб, имзо чекилган бўлиши керак. Жаноб бош прокурорнинг олдига ўзим бораман.

— Эҳтиёт бўл, шаънингга доғ туширишинг мумкин.

— Сени кўргани қамоқхонага келганимдан сўнг мен энди Безансонда, бутун Франш-Контэда тилларда дoston бўламан, — деди у чуқур қайғу билан. — Мен ахлоқ қоидаларининг чегарасидан чиқиб бўлдим... Мен энди бадном аёлман. Тўғри, сени деб шундай қилдим...

У шу қадар хомуш сўзламоқда эдики, Жюльен қандайдир, шу пайтгача ўзи сира ҳис этмаган ширин бир туйғу таъсирида уни қаттиқ бағрига босди. Бу энди эҳтирос телбалиги бўлмай, чексиз миннатдорлик ифодаси эди. Аёл уни деб қандай улкан қурбонлик келтирганини йи фақат энди биринчи бор чинакамига тушунган эди.

Аллақайси саховатпеша кимса жаноб де Реналга рафиқасининг қамоқхонага кириб, у ерда узоқ-узоқ қолиб кетаётганини хабар қилибди шекилли, зеро орадан уч кун ўтмасданоқ у дарҳол Веррьерга қайтишини талаб қилиб, хотинига карета юборди.

Ана шу шафқатсиз жудолик билан бошланган кун Жюльен учун жуда бахтсиз бўлиб чиқди. Орадан икки-уч соат ўтгач, унга безансонлик иезуитлар сафига қўшила олмаган қандайдир суллоҳ бир поп эрталаб келганича қўчада, қамоқхонанинг шундоқ рўпарасида турганини хабар қилишди. Тинмай ёмғир ёғмоқда эди, ўша одам эса, чама-си, ўзини жафокаш қилиб кўрсатмоқчи эди. Жюльеннинг кайфияти бузилиб турган эди, бу масхарабозликдан унинг

ғазаби қайнаб кетди. У эрталабнинг ўзидаёқ бу поinni қабул қилишдан бош тортган эди, лекин ўша суллох рухоний чамаси нима қилиб бўлса-да, кейинчалик гўё ундан эшитган сўзлари ёрдамида безансонлик ёш хонимларнинг илтифотига эришмоқ учун Жюльенни гуноҳларига тавба қилдиришга аҳд қилган кўринарди.

У тинмай балаид овоз билан кечасию кундузи қамоқхона дарвозаси олдида туражагини эълон қиларди.

— Тангри мени бу муртаднинг дилига имон солмоқ учун юборди.

Кўчадаги текин томошани доим яхши кўрадиган халқ попининг атрофига тўплана бошлади.

— Биродарлар! — дея бўкирарди у. — Мен бу ерда кечасию кундузи тургайман ва қанча туришга тўгри келмасин, жойимдан жилмагайман. Вахийдан келган бир овоз менга эгамнинг фармонини маълум айлади: ёш Сорелнинг имонини қутқариб қолиш менга топширилгай. Ибодатимга қўшилишлар, биродарлар... — ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Жюльен ҳар қандай машмаша, одамларнинг эътиборини ўзига тортадиган ҳар қандай гап-сўздан нафратланарди. У хозир ҳеч кимга сездирмай ёруғ дунёни тарк этишнинг вақти келмадимикин, деган хаёлга ҳам борди-ю, лекин унинг ҳали де Реналь хонимни яна бир бор кўришга қандайдир умиди бор эди, бунинг устига у эс-хушини йўқотар даражада севиб қолганди.

Қамоқхона дарвозаси жуда гавжум кўчалардан бирига қараган эди. Йигит кўчада атрофига одам тўплаб, машмаша кўтараётган ўша исқирт поinni тасаввур қилганида кўнгли беҳузур бўлиб кетарди. «Турган гап, менинг исмиим унинг оғзидан тушмаётган бўлса керак». Бунга тоқат қилиш унга шу қадар оғир туюлдики, дунё кўзига қоронғи кўриниб кетди.

Бир соат ичида у ўзига содиқ бўлган қамоқхона калитдорини ўша одамнинг ҳали ҳам дарвоза олдида турган ёки турмаганини билиб келиш учун икки-уч марта кўчага чиқарди.

— Тақсир, — дея хабар қиларди ҳал гал калитдор, — у шундоқ балчиқда тиз чўкканича балаид овоз билан ибодат қиляпти ва сизнинг имонингизни қутқариш ҳақида дуойи фотиҳа ўқияпти...

«Оббо малъун-ей», — дея ўйлади Жюльен. Чиндан ҳам шу пайт унинг қулоғига қандайдир бир маромда увиллаш эшитилди, оломон ибодат қиляётган топга жўр бўлмоқда эди. Йигит калитдорнинг ўзи ҳам лотинча таниш сўзларни

такрорлаб, лабларини қимирлатаётганини кўриб қолгач, жуда ғазаби қайнаб кетди.

— Кўчадаги одамлар, — дея гап қотди калитдор, — сиз тўррингизда, шундай авлиё одамнинг ёрдамини рад этар экан, демак жуда тошбағир экан, дейишяпти.

— О, ватаним; бунчалик жаҳолат ботқоғига ботган бўлмасанг! — ғазабдан эс-хушини йўқотиб хитоб қилди Жюльен. Сўнгра у калитдорнинг шу ерда турганини ҳам унутди-да, овозини чиқариб мулоҳаза юритишда давом этди. — Уша поп номи газеталарда зикр этилишини истаяпти, ва у, турган гап, бунга эришади ҳам. Эҳ, бадбахт провинцияликлар! Парижда мен бундай хўрликларга дуч келмаган бўлардим. У ерда қаллобликни ҳам дўндиришади. Уша ҳазратни буёққа чақириб келинг, — деди у, ниҳоят, қора терга тушиб калитдорга.

Калитдор чўқиниб олди-да, хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

Ҳазрат ўтакетган бадбуруш, бунинг устига ўтакетган искирт бир одам экан. Ташқарида шивирлаб ёмғир ёғаётганидан каземат жуда қоронғи кўринарди, рутубат ҳам кучлироқ сезиларди. Поп Жюльенни ўпмоқчи бўлиб талпинди ва унга панд-насихат сўзларини айта туриб, кўз ёши тўккан киши бўлди. Унинг бутун қиёфасидан жирканч, мунофиқлик сезилиб турарди, Жюльен умри бино бўлиб бундай ғазабланмаган эди.

Уша попининг кириб келганига чорак соат бўлмасданоқ Жюльен ўзини ўтакетган қўрқоқ одамдек ҳис эта бошлади. Биринчи марта ўлим шу қадар дахшатли кўриниб кетди. У қатл этилганидан сўнг орадан икки кун ўтгач, жасади қандай ирий бошлашини тасаввур қилиб кўрди... ва ҳоказо шунга ўхшаш гаплар.

У ўзини ҳозир ожизлигини сездириб қўйиб, сирини ошкор этадиган ёки манови попга ташланиб уни кишанлари билан бўғиб ўлдирадигандек ҳис этарди. Лекин шу пайт унинг хаёлига бу риёкорни шу бугуноқ қирқ франклик узоқ ибодатга жўнатиб юбориш фикри келиб қолди.

Вақт пешинга яқинлашиб қолгани сабабли поп ҳам чиқиб кета қолди.

XLIV

У чиқиб кетган заҳоти Жюльен юм-юм йиғлай бошлади. У узоқ йиғлади, йиғлаганда ҳам ўлиш шарт эканлигини ўйлаб йиғлади. Кейин у аста-секин, де Реналь хоним Безансонда бўлганида эди, ўзимнинг қўрқоқлик қилганимни унга айтиб берардим, дея ўйлай бошлади...

Севиқли махбубасининг ёнида йўқлигидан ҳасрат чекиб турган худди шу дақиқада у Матильданинг қадам товушини эшитиб қолди.

«Қамоқхонадаги энг азоб берадиган нарса — бу эшиқни ичидан қулфлаб олиш имкониятининг йўқлиғи экан», — дея ўйлади у. Матильда нима демасин, унинг зардаси қайнамоқда эди.

Матильда унга суд куни ўзини префект қилиб тайинланганидан хабардор бўлган жаноб Валено Жюльенни ўлимга ҳукм қилишдек лаззатга учиб, жаноб де Фрилер устидан кулишга журъат этгани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— «Дўстингизнинг эси жойидами ўзи, — деди менга ҳозиргина жаноб де Фрилер, — манови *мешчан киборларнинг* майда иззат-нафсига тегиб, уларни ўчакиштириб нима қиларди! *Табақалар* ҳақида гапиришнинг нима ҳожати бор эди? У ўша одамларга ўз сиёсий манфаатлари йўлида қандай ҳукм чиқармоқни ўзи айтиб берди: бўлмасам ўша галварслар буни хаёлларига ҳам келтирмай, энди кўзларига ёш олай деб турган эдилар. Бироқ ишнинг табақа томони улар учун ўлим ҳукмининг даҳшатини тўсиб қўйди. Очигини айтганда жаноб Сорель бундай ишларда жуда гўл экан. Агар биз унинг афв этилишига эриша олмасак: у шу гаплари билан ўзини-ўзи ўлдирган бўлиб чиқади».

Матильда Жюльенга ҳали ўзи ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган бир нарсани, яъни аббат де Фрилер Жюльеннинг тамом бўлган одамлигини кўриб, энди Матильданинг қалбида унга ўринбосар бўлишга уриниб кўришни ўзи учун шараф дея ҳисоблай бошлаганини гапириб бера олмасди, албатта.

Жюльен иложсиз ғазабдан ўзини аранг тийиб турарди.

— Бориб, мен учун ибодат қилинг, — деди Матильдага, — ҳеч бўлмаса бир дақиқа тинч қўйинг мени.

Бусиз ҳам де Реналь хонимнинг унинг олдида узоқ-узоқ ўтириб чиқишидан рашк қилиб, азоб чекаётган ва ҳозиргина хонимнинг жўнаб кетганидан хабар топган Матильда Жюльеннинг кайфияти нима сабабдан бузилганини фаҳмлаб, юм-юм йиғлай бошлади.

Унинг қайғуси самимий эди. Жюльен буни тушуниб, баттар зардаси қайнарди. У ниҳоятда ёлғиз қолишни истарди, лекин бунга қандай эришса экан?

Ниҳоят, унинг кўнглини юмшатишга уриниб, узоқ ялиниб-ёлворганидан сўнг Матильда чиқиб кетди-ю, у ёлғиз

қолди. Лекин деярли шу дақиқадаёқ унинг олдида Фуке пайдо бўлди.

— Мен бир оз ёлғиз қолишим керак... — деди Жюльен садоқатли дўстига. Фукенинг тараддудга тушиб турганини кўргач, у қўшимча қилди: — Афв этишлари ҳақида арзно-ма иншо этияпман... ҳа, дарвоқе, сенга бир гапим бор: илтимос, менга ҳеч қачон ўлим ҳақида гапирма. Агар шу куни биронта алоҳида хизматинг керак бўлиб қолса, буни сенга ўзим айтаман.

Жюльен алоҳа ёлғиз қолганида, у ўзини янада руҳи тушиб, иродаси сусайгандек ҳис эта бошлади. Силласи қуриган бу юракда сақланиб қолган кучнинг сўнгги қолдиқлари ўз аҳволини м-ль де ля Моль ва Фукедан яширишга уриниш билан тамом бўлган эди.

Кечга яқин унинг миясига бир фикр келди-ю, кўнгли бир оз тасалли топди.

«Бугун эрталаб, ўлим жуда жирканч бўлиб туюлаётган пайт мени қатл қилиш учун олиб борганларида, *халойиқнинг кўзи менинг гурурим учун тиг бўлиб кўринарди*, эх-тимол, шунда меҳмонхонага кириб келаётган биронта тортинчоқ олифта каби қадам ташлашимда хиёл эпсизлик сезиларди. Зехни ўтқир одамлардан биронтаси, агар бу провинцияликлар орасида шундай одам топилса, албатта, менинг кўрқоқлик қилаётганимни фаҳмлаши мумкин бўларди... Лекин ҳеч ким буни кўрмас эди».

Шундан сўнг у бир оз енгил тортди. «Ҳозир мен кўрқяпман, — дея такрорлади у ўзига-ўзи хиргойи қилиб, — лекин ҳеч ким буни кўрмас эди».

Бироқ энг катта кўнгилсизлик эртаси куни содир бўлди. У анчадан бери отаси уни кўргани келмоқчи эканлигидан хабардор эди. Шу куни эрталаб, Жюльен ҳали ухлаб ётганида унинг зиндонига соч-соқоли ошпоқ оқарган кекса дурадгор кириб келди.

Жюльеннинг руҳи тушиб кетди, йигит ҳозир бошига жирканч таъна-маломатлар ёғилишини кутиб турарди. Устига-уштак отасини ёмон кўриши ҳақидаги фикр унга қаттиқ азоб бермоқда эди.

«Фалак бизни ер юзида ана шундай ёнма-ён қилиб яратган, — дея хаёлидан ўтказарди йигит, назоратчи унинг камерасини бир оз тартибга солар экан. — Биз бир-биримизга шу қадар кўп ёмонлик қилдикки, бундан ортигини ўйлаб топишнинг ўзи мушкул бўлса керак. Мана энди у ўлимим олди-дан мени сўнгги тепки билан сийлаш учун етиб келди»

Улар ёлғиз қолишлари биланоқ чол унинг бошига аччи маломат сўзларини ёғдира бошлади.

Жюльен чидаб туролмай, йиғлаб юборди. «Лаънати қўрқоқлик, — дея такрорлади у ўзига-ўзи газаб билан. — Мана энди у менинг қандай қўрқоқлик қилаётганимни ҳаммаёққа жар солади. Валено ҳам, Веррьерда ҳукмронлик қилаётган анови барча манфур ёлгончилар ҳам роса тантана қиладилар энди. Улар Францияда қудратли одам ҳисобланадилар, барча устунликлар, барча ижтимоий нознеъматлар ўшаларнинг қўлида ахир. Шу пайтга қадар мен ўзимга-ўзим: «Улар нўмай-нўмай пул топишади, бу тўғри, улар иззат-хурматда, лекин менинг руҳим олижаноб», дея олардим.

Энди бўлса уларнинг ишончли гувоҳи бор, у менинг ўлим олдида қандай қўрққанам ҳақида лоф уриб, бутун Веррьерга жар солади. Шунда бундай синов олдида қўрқоқлик қилишим барчага ўз-ўзидан аён бўлиб қолади».

Жюльен деярли умидсизликка тушган эди. У отасидан қандай қилиб қутулишини билмасди. Бу зийрак чолни идаб, муғамбирлик қилишга эса мадори қолмаганди.

У отасидан қутулиш йўлларини бирма-бир хаёлидан ўтказа бошлади.

— *Менинг жамғарган пулим бор!* — дея бирдан хитоб қилди у.

Жуда вақтида айтилган бу хитоб чолнинг башарасидаги ифодани ҳам, Жюльеннинг бутун аҳволини ҳам бир лаҳзада ўзгартириб юборди.

— Уни қандай тасарруф этишни ўйлаб кўрмоқ керак, — дея давом этди Жюльен энди бирмунча хотиржам оҳангда. У сўзлари қандай таъсир қилганини кўргач, дилидаги хўрлик туйғуси бир зумда ғойиб бўлди қўйди.

Кекса дурадгор, бу пулларни қўлдан чиқариб юбормасам гўрга эди, дея очкўзликдан қалт-қалт титрамоқда эди, Жюльен бу пулнинг қандайдир қисмини акаларига қолдирмоқчи экан. Чол бу ҳақда илҳом билан узоқ гапирди. Жюльен дилида хузур қилиб кулиши мумкин эди.

— Гап бундай: васиятни қандай ёзишни худо дилимга солди. Акаларимга минг франкдан қолдираман, қолгани эса сизга.

— Буни яхши ўйлабсиз, — дея жавоб қилди чол, — чиндан ҳам ана шу қолган пул менга тегиши керак эди ўзи, лекин яратган эгам сизга шафқат қилиб, дилингизга инсоф солган бўлса ва сиз мўмин христиан сифатида бандаликни божо келтирмоқчи бўлсангиз, барча қиёмат қарзлардан қутулиб қўйганингиз маъқул. Сизни боқиш, ўқитиб вояга етказиш учун озмунча пул сарфладимми, бу ҳақда ўйлаб ўрмабсиз...

«Мана — оталик меҳри!» — дея алам билан такролади Жюльен, ниҳоят, ёлғиз ўзи қолгач. Орадан кўп ўтмай қамоқхона назоратчиси кириб келди.

— Тақсир, кекса оталари билан кўришгандан сўнг мен доим ўз маҳбусларимга бир шиша ажойиб шампан випосидан келтираман. Бир шишасининг олти франк туриши сал қимматроқ, албатта, лекин кўнгилни хуш этади курмагур.

— Уч стакан келтиринг-да, — деди унга худди ёш боладек қувониб кетган Жюльен, — кейин яна икки маҳбусни чақиринг, улар коридорда сайр қилиб юришибди шекилли, қадам товусини эшитяйман.

Назоратчи каторгадан қочган икки маҳбусни бошлаб кирди. Бу одамлар иккинчи марта қўлга тушишгач, яна каторгага қайтмоқлари лозим эди. Улар ўтакетган жиноятчи бўлиб, жуда қувноқ, айёр, совуққон ва жасурликда тенги йўқ кишилар эди.

— Менга йигирма франк беринг, — деди улардан бири Жюльенга, — шуида сизга бутун ҳаётимни борлигича ҳикоя қилиб бераман, эшитсангиз ҳузур қиласиз.

— Ёлгон-яшиқ бўлмайдими? — деди Жюльен.

— Ўлай агар, — дея жавоб қилди жиноятчи, — мана олдингизда ошнам ўтирибди, у йигирма франк олганимни кўриб, ҳасаддан ёрилай деяпти. Агар бир оғиз ёлгон сўз айтсам, дарров мени фoш қилади.

Унинг ҳикояси чиндан ҳам даҳшатли эди. Бу ҳикоя унинг ниҳоятда довиюраклигидан далолат берарди-ю, лекин у пул деган нарсага муккасидан кетганди.

Улар чиқиб кетишгач, Жюльен ўзини бутунлай бошқача одам бўлиб қолгандек ҳис этди. Унинг дилидаги ўзига нисбатан бўлган адоват туйғуси мутлақо ғойиб бўлди кўйди. Де Реналь хоним жўнаб кетганидан сўнг унинг дилини ўртаётган руҳий азоб аста-секин оғир ғуссага айланади.

«Агар бу зоҳиран ялтироқликдан кўзим шу қадар қаманиб кетмаганида, — дёрди у ўзига-ўзи, — мен Париж меҳмонхоналари отамга ўхшаш ҳалол одамлар ёки манови жиноятчилар каби эпчил муттаҳамларга лиқ тўла эканлигини кўрган бўлардим. Ҳа, бу жиноятчи ҳақ гапни айтди, ахир киборлардан биронтаси ҳам эрталаб уйғонганида: *буғун қорнимни қандай тўйгазсам экан*, деган ҳаёлдан боши қотмайди. Яна ҳалолликлари билан мақтанишларига ўласанми! Суд маслаҳатчиси бўлиб қолишганида эса, улар бир бечорани очликдан ўлаётгани сабабли кумуш қошиқ билан вилка ўғирлагани учун каторгага ҳукм

қилишади-да, кейин бу ишларидан фахрланиб юришади.

Мабодо саройда бирон лавозимга кўтарилиш имконияти туғилиб қолса ёки айтайлик министрликка тайинлаш ёки бу лавозимдан маҳрум бўлиш ҳақида гап кетгудек бўлса, асилзодалар меҳмонхонасида чарх урадиган ўша ҳалол жанобларим манови икки жиноятчи қорин тўйдириш дардида қилгани каби ҳар қандай ёвуз ишдан ҳам қайтишмайди.

Дунёда ҳеч қандай табиий ҳуқуқ йўқ. Бу сўз — яқинда менинг бошимни танимдан жудо этилишини талаб қилган бош прокурорга муносиб бўлмиш шунчаки бўлмағур сафсата. Унинг бобокалони эса Людовик XIV замонида одамларнинг мулкнинг мусодара қилиш пайти бойиб кетган экан. *Хуқуқ* у ёки бу ишни тақиқлаб, уни қилган одамларни жазога тортиш ҳақида қонун чиқарилганидан кейин пайдо бўлади. Қонун чиқарилгунича эса бор *табиий* нарса бу оч юрган ёки совқотаётган тирик жоннинг жисмоний кучи ёки эҳтиёжидир, холос — *эҳтиёж*... Йўқ, барчанинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган одамлар, бу шунчаки жиноят устида қўлга тушмаган фирибгарлардир. Жамият менга гижгижлаган айбловчи ўз бойлигини разиллик билан орттирган... Мен жиноят қилдим ва мени адолатли жазога ҳукм этишди, лекин менинг ана шу жиноятимни ҳисобга олмаганда, мени жазога ҳукм этган ўша Валено жамиятга менга қараганда юз чандон кўпроқ зарар келтиряпти».

«Шундай қилиб,— дея хулоса қилди Жюльен маъюслик билан, лекин дилида ҳеч қандай адоват сезмаган ҳолда,— ҳар қалай менинг отам, ўзининг шундай очкўзликка қарамай, манови барча одамлардан яхшироқ экан. У мени ҳеч қачон яхши кўрмаган эди. Энди бўлса сабр касаси тўлиб-тошди, зеро менинг шармандали ўлимим уни иснодга қолдиради. Мен унга қолдиришим мумкин бўлган уч юз ёки тўрт юз луидор пул этишмаслигидан кўрқиб, одамларнинг очкўзлик дея аталмиш ёвузлигини бўрттириб тасаввур қилишдан халос этади ва ҳаётга ишонч ҳосил қилади. Бирон-бир якшанбада тушдан кейин у бу тиллаларини барча веррьерлик ҳасадгўйларга кўрсатади. Шундай пул эвазига орангизда ўғлининг бошини кундага қўйишига бажонидил рози бўлмайдиган биронта одам топилармикин, дейди унинг маънодор нигоҳи.

Бу фалсафа, эҳтимол, ҳақиқатга яқин эди-ю, лекин бундай фалсафадан кишининг ўлгиси келарди. Беш кун шу зайлда ўтди. Йигит Матильдага майин ва мулоим муомала қиларди, у қизнинг рашк ўтида қовурилаётганини кўриб турарди. Бир куни кечқурун Жюльен жиддий бир

тарзда ўзини-ўзи ўлдириш ҳақида ўйлай бошлади. Унинг қалби де Реналь хонимнинг жўнаб кетишидан ҳасрат чека-вериб, тилка-пора бўлиб кетганди. Энди ҳақиқий ҳаётда ҳам, ҳаёлотда ҳам уни ҳеч нима қизиқтирмай қўйганди. Бутунлай ҳаракатсизлик унинг соғлигига ёмон таъсир қила бошлади, унинг характерида навқирон немис студентиникидаги каби қандайдир ўта ҳаяжонга мойиллик ва ноустуворлик пайдо бўлди. У аста-секин биронта ўтқир сўз ёрдамида инсоннинг ҳаёлига келиб қоладиган номуносиб фикрларни қувиб солувчи матонатли гурурини йўқотиб бормоқда эди.

«Мен ҳақиқатни севардим... Лекин қани у?.. Ҳаммаёқда фақат рибкорлик ёки, энг камда, фирибгарлик, ҳатто энг диёнатли, энг улуг одамлар ҳам бундан мустасно эмас, — шундай дея унинг лаблари нафрат билан қийшайди. — Йўқ, инсон инсонга ишона олмайди.

Бир хоним бечора етим-есирлар учун хайрия пули тўплай туриб, князь палончи ўн луидор иона берди, дея мени ишонтирмоқчи бўлган эди. Гирт ёлғон! Бу ҳам ганми! Наполеоннинг Муқаддас Елена оролида қилган ишлари-чи... Гирт кўзбўямачилик, Рим қироли фойдасига тарғибот.

Ё раббий! Ҳатто шундай инсон бошига тушган кулфат ундан ўз бурчини адо этмоқни қаттиқ талаб қилган бир пайтда у шундай қаллоблик қилишгача етиб борган бўлса, у ҳолда бошқалардан, оддий инсон зотидан нимани кутмоқ керак?»

«Ҳақиқат қани? Наҳот динда бўлса... Ҳа, — дея қўшимча қилди у чексиз нафрат билан аччиқ илжайиб, — маслонлар, фрилерлар, кастанэдлар тили билан айтганда, эҳтимол, у ҳақиқий христианликдадирки, унинг руҳонийларига худди ҳаворийлар каби ҳақ тўланмаслиги керак эмиш... Лекин авлиё Павел ўз ришватини олган: у фармон бериш, воизлик қилиш, ўзи ҳақида гапиришга мажбур этиш имкониятидан лаззатланган...

Ах, қани энди дунёда ҳақиқий дин мавжуд бўлса... Телба эканман! Менинг ҳаёлимда улуғвор готик ибодатхона, гулдор улкан ойналар намоён бўлади, заиф руҳим ана шу деразалар ёнида ибодат қилаётган руҳонийни кўрмоқда... руҳим уни таниган бўларди, руҳим унга муҳтож... Лекин бунинг ўрнига мен қандайдир сочлари силлиқ таралган олифтани кўряпман... У худди кавалер де Бовуазига ўхшайди, фақат чучмал гаплар айтмайди холос.

Лекин Массильон ёки Фенелонга ўхшаш чинакам руҳоний пир бўлганида эди. Массильон Дюбуага фатво берган. Сен-Симон ўз мемуарлари билан мен учун Фенелонни бад-

ном қилиб қўйди; хуллас, у чинакам руҳоний бўлганида эди... У ҳолда ҳис этиш қобилиятига молик қалблар аллақандай бирикиш имкониятига эга бўлур эдилар... У ҳолда биз бу қадар ёлғиз бўлиб қолмасдик... Ўша меҳрибон пири-миз бизга худо тўғрисида сўзлаган бўлур эди. Лекин қайси худо тўғрисида сўзлайди у, тавротдаги қасос ўтида ёнувчи шафқатсиз зolim, майдакаш худо тўғрисида эмас, балки Вольтернинг меҳрибон, адолатли ва поёнсиз худоси ҳақида гапиради у...»

Ўзи ёддан биладиган ўша таврот ҳақидаги хотиралар ёпирилиб келиб, унинг қалбини ўртамоқда эди... «лекин поиларимиз уни шу қадар даҳшатли тарзда сунистеъмом қилганларидан сўнг қандай қилиб ва қаерда уч киши тўп-ланиб, худонинг буюк номига имон келтира олади?»

«Ёлғизликда яшамоқ!.. Қандай азоб!..»

«Мен ақлдан озийман, лекин ноҳақман, — деди Жюльен пешонасига шапатилаб. — Мен шу ерда, мана шу қамоқхонада ёлғизман, лекин ёруғ дунёда ёлғиз яшаганим йўқ, қудратли бурч гоёси мени руҳлантириб келган. Ва мен ўзим белгилаб берган ана шу бурч, — адашганмидим ёки ҳақмидим, — мен учун момақалди роқ пайти тагида паноҳ топишим мумкин бўлган қудратли дарахт танасидек бир нарса эди. Тўғри, мен иккиланардим, қаён боргум билолмай уёқдан-буёққа талпинардим. Охир-оқибатда мен ҳам оддий бир инсонман... лекин бу йўлда хато қилмадим...»

Ёлғизлик ҳақида ўйлашимга қамоқхонадаги манови рутубат сабаб бўляпти...

Лекин риёкорликка лаънат ўқиб, нега ҳар қалай ўзим риёкорлик қилиман. Ахир мени қийнаётган нарса — ўлим ҳам, қамоқхона ҳам, рутубат ҳам эмас, балки де Реналь хонимнинг ёнимда йўқлиги. Агар Веррьерда хонимни кўрмоқ учун унинг уйидаги ертўлада ҳафталаб ўтирганимда-чи, ўшанда ҳам шундай зорланармидим?»

«Мана у, замондошларимнинг таъсири, — деди у овозини чиқариб; аччиқ илжаяр экан. — Ўлим бўсағасида ёлғиз ўтириб, ўзим билан ўзим гаплаша туриб ҳам бари бир риёкорлик қилиман... О, ўн тўққизинчи аср!»

...Ўрмондаги овчи милтиқдан ўқ узади, унинг ўлжаси қулаб тушади, овчи ўша ўлжаси томон югуриб борар экан, ўтти билан баланд чумоли инини босиб ўтади-да, уни бузиб юборади, натижада чумолилар ва уларнинг тухумлари ҳар томонга сочилиб кетади... Чумоли зотининг энг доно файласуфлари ҳам даҳшатли гумбур-гумбур эшитилиб, ўт қақнаганидан сўнг бир лаҳзада уларнинг бошланасини

яксон этган улкан қора нарса бу бор-йўғи овчининг этиги эканлигини ҳеч қачон фаҳмлаб етишмайди.

Бир кунлик капалак очиқ ёз кuni эрталаб соат тўққизда туғилади-да, кечга яқин, соат бешларда ўлади, шундай экан у бечора *тун* сўзининг маънисини қандай тушунсин?

Унга яна беш соат яшашга имкон беринг, шунда у туннинг нима эканлигини кўриб, билиб олади.

Мен ҳам худди шундай — йигирма уч ёшимда ўлиб кетаман. Де Реналь хонимнинг ёнида яшамоғим учун менга яна беш йил умр беринг-чи...

Шундай дея у Мефистофель каби хахолаб кулиб юборди. «Бу буюк муаммолар ҳақида мулоҳаза юритиш ғирт телбалик-ку!

1. Мен риёкорлик қилишдан тўхтамаяпман — гўё бу ерда кимдир бўлиб, гапларимга қулоқ солиб тургандай.

2. Мен яшаш ва севишни унутиб қўяяпман, ҳолбуки саноқли кунларим қолди... Ҳайҳот! Де Реналь хоним ёнимда йўқ, у ўзини номуста қўймаслиги учун эри энди уни Безансонга келишига бошқа рухсат бермаса керак.

Менинг ёлғизлигим ана шундан, дунёда ҳар қандай ёвузлик ва қасоскорликдан холи бўлган, меҳрибон, адолатли, марҳамати кенг худонинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги гапнинг бунга мутлақо дахли йўқ!..

О! Қани энди у мавжуд бўлганида эди. Мен унинг оёғига йиқилган бўлардим. «Мен ўлимга муносибман, — деган бўлардим унга, — лекин, эй қудратли парвардигор, эй марҳамати кенг, яратган эгам, ўзим севган ўша маҳбубамни ато эт менга!»

Вақт ярим кечадан ошиб қолган эди. Жюльен ухлаб қолди. Орадан икки-уч соат ўтгандан кейин эса унинг олдига Фуке кириб келди.

Жюльен дилида нелар кечаётганини аниқ билган одам каби ўзини қатъиятли ва дадил ҳис этмоқда эди.

XLV

— Мен боёқиш аббат Ша-Бернарни бу ерга чақириб, унинг таъбири хира қилмоқчи эмасман, — деди у Фукега. — У шундан сўнг уч кунгача овқат еёлмай юради. Лекин сен аббат Пирарнинг дўстларидан бўлмиш биронта янсенистни топишга ҳаракат қил, фақат у игвогар бўлмасин.

Фукенинг ўзи ҳам дўстининг бу ҳақда илтимос қилишини кутиб юрган эди. Шундай қилиб, Жюльен барча одоб қондаларига биноан провинциянинг жамоат фикри ундан

талаб қилиши мумкин бўлган барча ишларни бажарди. Аббат де Фрилернинг ҳаракати туфайли ва ҳатто руҳоний пирни номуносиб таълаганига қарамай қамоқхонада ўтирган Жюльен ҳар қалай конгрегациянинг ҳимоясида эди, агар у ўзини ақллироқ тутганида, унинг қочишига ҳам ёрдам берган бўлишарди. Бироқ казематнинг бузуқ ҳавоси ўз таъсирини кўрсатган бўлиб, унинг ақл-идроки заифлашиб бормоқда эди. Де Реналь хоним унинг ёнига қайтиб келганида унинг ўзини нақадар бахтиёр ҳис этганини билсангиз эди.

— Менинг бурчим аввало сенинг ёнингда бўлиш, — деди хоним уни ўнар экан. — Мен Веррьердан қочиб келдим...

Жюльен унинг олдида ўзини аяб ўтирмади, шу тобда у ҳар қандай майда иззат-нафсдан холи эди, йигит аёлга ўзининг барча ожизликлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Хоним уни ардоқлаб, силаб-сийпалади.

Кечқурун йигитнинг казематидан чиққан заҳоти у Жюльенга худди ўз ўлжасидек ёпишиб олган ўша исқирт руҳонийни дарҳол холасининг уйига чақиритишни буюрди, бу одам Безансондаги ёш асилзода хонимларнинг илтифотига эришмоқдан бўлак ҳеч нарсага даъво қилмаётгани туфайли де Реналь хоним уни Брей-де-О монастирига бориб, тўққиз кун давомида ибодат қилишга осонгина кўндира қолди.

Бу пайтда Жюльен севги нашидаси ва қувончдан нақадар эс-ҳушини йўқотиб қўйганини тасвирлашга эса қалам ожизлик қилади.

Де Реналь хоним ўнг-сўлга олтин сочиб, ўзининг художўйлиги билан машхур бўлган, бениҳоя бадавлат холасининг обрў-эътиборидан фойдаланиб, баъзан уни суистеъмол қилиб бўлса ҳам Жюльен билан кунига икки марта кўришишга ижозат олди.

Матильда бу тўғрида хабар топгач, рашкдан эс-ҳушини йўқотаёзди. Жаноб де Фрилер ўзининг бутун обрў-эътиборига қарамай, одоб қоидаларини буза олмаслигини, Матильдага ўз дўсти билан кўришишга кунига бир мартадан ортиқ имкон яратиб беролмаслигини айтишга мажбур бўлди. Матильда де Реналь хонимнинг ҳар бир қадамидан хабардор бўлмоқ учун унинг ортидан айғоқчи қўйди. Жаноб де Фрилер қизга Жюльеннинг унга муносиб эмаслигини исботламоқ учун ўзининг бутун ақл-заковатини ишга солмоқда эди.

Бироқ Матильда қанча кўп азоб чекса, Жюльенни шунча кўп севарди ва шу боисдан ҳам йигитнинг бошига таъна-маломатлар ёғдирмаган кун ийўқ эди.

Жюльен ўзи бемаънилик билан шарманда этган бу бахтсиз қизга нисбатан иложи борица соф кўнгил билан муомалада бўлишга ҳаракат қиларди, бироқ де Реналь хонимга бўлган севгиси ҳар гал зўр чиқарди. У барча баҳоналари ҳеч қандай натижа бермай, де Реналь хонимнинг тўғри-йўриқ келиб-кетишига Матильдани ишонтира олмагач, ўзига-ўзи дерди: «Яқинда бу можаро тугайди, иш пировардига етай деб қолди, агар дурустроқ мугамбирлик қилолмаётган бўлсам, шу ҳол айбимни ювиб кетади».

М-ль де ля Молга маркиз де Круазнуанинг ўлими ҳақида хабар келди. Ҳаддан ташқари катта бойлик эгаси бўлмиш жаноб де Тале Матильданинг ғойиб бўлиши ҳақида бир неча қалтис тахминлар айтибди. Жаноб де Круазнуа ундан ўз сўзларини қайтариб олишни талаб қилибди. Жаноб де Тале шунда унга ишонарли тафсилотларга тўла имзосиз мактубларни кўрсатган экан, бечора маркиз бу гапларда маълум қадар ҳақиқат борлигига ишонмай иложи қолмабди.

Жаноб де Тале хатларни кўрсата туриб, қўполроқ ҳазил қилибди. Ҳазаб ва қайғудан ўзини йўқотиб қўйган маркиз ундан кечирим сўрашни шу қадар қатъият билан талаб қилибдики, миллионер кечирим сўрашдан кўра дуэлга чиқишни афзал кўрибди. Аҳмоқлик тантана қилибди ва паришлик ёшлар орасида севгига энг муносиб бўлган бир йигит салкам йиғирма тўрт ёшида ҳалок бўлибди.

Бу ўлим Жюльеннинг ҳолдан тойган юрагига қандайдир жуда оғир таъсир қилди.

— Бечора Круазнуа, — деди у Матильдага, — бизга нисбатан ниҳоятда ҳалол ва виждонан муносабатда бўлганди, ахир онангизнинг меҳмонхонасидаги сизнинг барча эҳтиётсиз қилиқларингиздан сўнг у мендан жуда нафратланмоғи керак эди. Унинг учун мени дуэлга қақариш ҳеч гап эмасди, ахир писанд қилмай юрдан сўнг тугилган нафрат одатда жуда шиддатли бўлади.

Жаноб де Круазнуанинг ўлими Жюльеннинг Матильданинг келажаги ҳақидаги барча режаларини ўзгартириб юборди, у бир неча кун давомида турли йўллар билан қизга энди жаноб де Люзга турмушга чиқмоғи лозимлигини исботлашга ҳаракат қилиб юрди.

— У тортинчоқ одам, унчалик иезуит ҳам эмас, — дерди у. — у сўзсиз маълум бир мавқега эришади. Унинг шухратпарастлиги раҳматли Круазнуаникига қараганда бирмунча барқарорлиги билан ажралиб туради, унинг авлодида герцоглар йўқ; шу боисдан ҳам у Жюльен Сорелнинг

бевасига сира ўйлаб ўтирмай бажонидил уйланаверади.

— Боз устига бу бева ҳар қандай юксак туйғулардан нафратланадиган бўлиб қолган, — деди совуқ оҳангда Матильда, — зеро у дунёда кўп нарсаларни бошдан кечирди; орадан ярим йил ўтмасданоқ у ўзи севган одамнинг барча кулфатларнинг сабабчиси бўлмиш бошқа бир аёл билан дон олишаётганини кўриб турибди.

— Бу гапингиз адолатдан эмас. Де Реналь хонимнинг олдимга келиб туриши Парижда мени афв этилишимга ҳаракат қилиб юрган адвокатнинг сухандонлиги учун ажойиб мавзу бўлади; у ердаги амалдорларга қурбон бўлган аёл ўз қотилини қандай меҳр билан парвариш қилаётганини тасвирлаб беради. Бу ҳол уларга таъсир қилиши мумкин ва, эҳтимол, бир кун келиб сиз мени яна биронта мелодраманинг қаҳрамони сифатида кўрарсиз... — ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Қаттиқ рашк қилиш ва шу билан бирга қасос олишнинг иложи йўқлиги, келажакда ҳеч қандай умид бўлмаган чексиз қайғу (чунки, агар ҳатто Жюльенни қутқаришга муваффақ бўлган тақдирда ҳам, қандай қилиб унинг юрагини қайтадан забт этади ахир), ҳозир бу бевафо маҳбубини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ севишини тушунганидан номус қилиши ва азоб чекиши, буларнинг бари м-ль де ля Молни тунд ва индамас қилиб қўйдики, жаноб де Фрилернинг сертакалуф диққат-эътибори ҳам, Фукенинг дўлворроқ самимияти ҳам унга тасалли беролмай қолди.

Жюльенга келсак, у агар ёнида Матильда бўлган дақиқаларни ҳисобга олмаганда, фақат дилидаги сеvgи билан яшар ва келажак ҳақида деярли ўйламас эди. Йигит қалбида тўлиб-тошган, ниҳоятда покиза бўлган кезлари туғён урадиган туйғу шу қадар қудратли бўлар эдики, де Реналь хоним ҳам йигитнинг губорсиз қувончига деярли шерик бўлмоқда эди.

— Биз Вержи ўрмонларида сайр қилиб юрган пайтларда, — дерди унга Жюльен, — мен ниҳоятда бахтиёр бўлишим мумкин эди-ю, бироқ тийиқсиз шуҳратпарастлигим мени ўшанда қандайдир йироқ-йироқларга олиб кетарди. Ўшанда лабларимга шу қадар яқин турган манови ажойиб кўлларни юрагимга босиш ўрнига, мен сенинг ёнингдан хаёлан келажакка кетиб қолардим, бутун фикр-хаёлим қандайдир беқиёс мавқега эришмоқ учун голиб чиқишим лозим бўлган беҳисоб жангларда эди... Йўқ, агар сиз мени кўргани шу ерга, қамоқхонага келмаганингизда, мен эҳтимол, бахтнинг нима эканлигини билмай ўлиб кетган бўлардим.

Бирин-кетин содир бўлган икки воқеа унинг осуда ҳаётига раҳна солди. Жюльеннинг руҳоний пири янсенист бўлишига қарамай, иезуитларнинг кирдикорларидан қочиб қутула олмади ва ўзи ҳам сезмай уларнинг қуролига айланиб қолди.

Қуилардан бирида у Жюльеннинг олдига кириб келди-да, агар у ўзини-ўзи ўлдиришдек кечирилмас гуноҳга ботишни истамаса, афв этишларига эришмоқ учун қўлидан келган ҳамма чорани қўлламоғи лозимлигини айтди. Бинобарин руҳонийлар Париждаги адлия министрлигида катта эътиборга эга эканлар, ҳозир бунинг жуда осон йўли бор: у тантанали равишда черковга мурожаат қилмоғи керакки, токи бу иш ҳаммага ошқор бўлсин.

— Ҳаммага ошқор бўясин! — дея такрорлади Жюльен. — Шунақа денг! Демак, сиз ҳам, ҳазратим, миссионерга ўхшаб лўттивозлик қилмоқчи экансиз-да.

— Сизнинг ёшингиз, — дея қатъият билан унинг ганини бўлди янсенист, — тангри сизга ато этган тароватли ҳуснингиз, жиноятчишгизнинг ҳанузгача сир бўлиб келаётган сабабияти, мадемуазель де ля Молнинг сизни қутқариш учун қилаётган қаҳрамонона ҳаракатлари, ҳуллас, сиз жабр етказган хонимнинг ўзи сизга кўрсатаётган гаройиб дўстликка қадар — буларнинг бари Безансондаги ёш аёллар кўзида сизни қаҳрамон қилиб қўйди. Улар сизни деб бутунлай ҳамма нарсани, ҳатто сиёсатни ҳам унутиб юборишди...

Сизнинг мурожаатингиз уларнинг қалбига таъсир этади ва унда чуқур из қолдиради. Сиз дин учун жуда катта фойда келтирмоғингиз мумкин, шундай экан, наҳот мен, бу ўринда иезуитлар ҳам худди шундай йўл тутишган бўларди, деган майда бир мулоҳаза туфайли иккиланиб ўтирсам! Ана шунақа ўзи, ҳатто уларнинг ҳарис тамагирилигидан қочиб қутулган ана шу фавқулоддаги иш юзасидан ҳам улар бизга тўсқинлик қилишлари мумкин экан! Йўқ, бундай бўлишига йўл қўймаймиз! Сизнинг мурожаатингиз туфайли тўкилажак кўз ёшлари Вольтер асарларининг ўнта нашрининг ҳалокатли таъсир кучини йўққа чиқаради.

— Агар мен ўзимдан-ўзим нафратланадиган бўлсам, — дея совуққична эътироз билдирди Жюльен, — у ҳолда менга нима қолади? Мен шухратшараст эдим, бундан сира ҳам пушаймон бўлаётганим йўқ, ўшанда замонамиз қандай талаб қилган бўлса, шундай йўл тутдим. Энди эса сўнгги қуиларимни яшамоқдаман. Лекин олдиндан биламан, агар

биронта разил иш қилганимда, ўзимни дунёдаги энг бахтсиз одам деб ҳис этган бўлардим...

Жюльеннинг дилини янада қаттиқроқ огритган иккинчи воқеа де Реналь хоним билан боғлиқ эди. Кимлигини аниқ билмайману, лекин унинг қандайдир маккора дугонаси бу соддадил, тортинчоқ аёлга Сен-Клуга бориб, қирол Карл X оёғига йиқилишни маслаҳат берибди.

У бир марта Жюльен билан жудаликда яшашга аҳд қилиб, ўзини қурбон қилган эди, ана шундан сўнг у чеккан барча азоблар олдида ҳамманинг кўзида шаънига доғ туширишдек бир кўнгилсизлик — илгари бу ҳол унга ўлимдан ҳам баттар бўлиб туюлар эди, — энди унга арзимас бир гап бўлиб кўрина бошлади.

— Мен қиролнинг олдига бориб, сен менинг ўйнашим эканлигингни очиқдан-очиқ айтаман: инсоннинг ҳаёти, бунинг устига Жюльендек бир инсоннинг ҳаёти ҳар қандай эҳтиёткорликдан устун турмоғи керак. Мен, у фақат рашк туфайли ҳаётимга суиқасд қилди деб айтаман. Бундай вазиятда қирол ёки маслаҳатчиларнинг инсоний ҳимояси туфайли бечора йигитларнинг ҳаёти сақлаб қолинган ҳоллар жуда кўп бўлган-ку ахир.

— Сен билан ортиқ сира кўришмайман, сени қамоқхонага киритмасликларини илтимос қиламан, — дея қичқириб юборди Жюльен, — агар икковимизни ҳам бутун дунё олдида шарманда этадиган ана шу ишни қилмаслик ҳақида онт ичмасанг, қайғудан эртагаёқ ўзимни-ўзим ўлдираман. Парижга бораман, дейсан-а! Бу гапни ўзинг ўйлаб топган эмассан. Айт менга, қайси маккора аёл ўргатди сенга буни...

Бу қисқа ҳаётдан қолган ана шу саноқли кунларимизда бахтимиздан лаззатланайлик. Ҳаётимизни ҳаммадан пинҳон тутамиз. Менинг жиноятим барчага аён. Мадемуазель де ля Молнинг қудратли таниш-билишлари кўп, гапимга ишон, у инсоннинг қўлидан келадиган барча чораларни кўраётти. Бу ерда, провинцияда барча боёнлар, барча нуфўзли кишилар менга қарши. Сенинг бу ишинг бадавлат, айниқса, енгил ҳаёт кечираётган мўътадил кишиларнинг баттар газабини кўзгатади... Барча бу маслонлар, валенолар ва улардан яхшироқ бўлган минглаб бошқа одамларнинг устимиздан қулишига имкон бермаслик керак.

Жюльен казематнинг оғир ҳавосидан деярли бўғила бошлаган эди. Йигитнинг бахтига, унинг қатл этажакларини эълон қилган кунлари қуёшнинг роҳатбахш нуридан ҳаммаёқ нурафшон бўлиб, Жюльен ўзини дадил ва мардона ҳис этмоқда эди. Соф ҳавода юриб бориш унга шу қадар

ширин бир лаззат бағишладики, одатда узоқ сафардан қайтган денгизчи ниҳоят қуруқликка қадам қўйганида шундай роҳат қилади. «Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси яхши кетяпти, — деди у ўзига-ўзи, — мен қалтирамаяпман».

Ҳеч қачон бу бош ҳозир танидан жудо бўлмоғи лозим бўлган найтдагидек шу қадар кўтаринки кайфиятга берилмаган эди. Бир вақтлар Вержи ўрмонларида кечирилган тотли дақиқалар унинг хаёлига бирин-кетин қуйилиб келарди.

Ҳаммаси жуда оддийгина, одоб билан, у томондан ҳеч қандай дабдабасиз содир бўлди.

Бундан икки кун аввал у Фукега шундай деган эди:

— Рухий аҳволим қандай бўлишига қафолат бера олмаймаман, бу каземат шу қадар чиркин, ҳавоси шу қадар рутубатлики, баъзан безгак тутган одамдек, аъзои баданим қалтираб, эсим қандайдир оғиб қолади, лекин дилимда қўрқув йўқ. Умид қилмай қўя қолишсин, бўзариб кетмайман.

У ўша охириги кунни Фуке билан Матильда ва де Реналь хонимни олиб кетиши лозимлигини олдиндан келишиб қўйди.

— Сен уларни бир каретада жўнат, — деди у дўстига, — кейин кўчирга тайинла, отларни елдириб ҳайдасин. Улар ё бир-бирларининг қучоғига йиқилдилар, ёки чексиз нафрат билан ўзларини бир-бирларидан четга оладилар. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам бечоралар дилларидаги даҳшатли қайғудан хиёл енгил тортадилар.

Жюльен де Реналь хонимни ҳаётига суиқасд қилмаслик ва Матильданинг ўғлини ўз тарбиясига олиш ҳақида онт ичишга мажбур қилди.

— Ким билсин? Эҳтимол, биз ўлимимиздан кейин ҳам бирор нарсани ҳис этармиз? — деган эди у бир кунни Фукега. — Мен Веррьер узра қад кўтарган катта тоғдан кичкина горда тинчгина ётмоқчи истардим, «тинчгина ётмоқ» иборасининг тўғрилигини қара. Ёдингдами, мен сенга бир кунни ҳикоя қилган эдим: мен неча бор ўша горга чиқиб тунаганман. У ерда ўтирар эканман, пастда, шундоқ кўз ўнгимда Франциянинг энг кўркем водийлари ястаниб ётарди. Мен уларни юқоридан туриб томоша қилардим, қалбим хом хаёллар билан ёнарди. Ушанда бу мен учун эҳтирос манбаи эди. Хуллас, ўша горни ҳанузгача яхши кўраман, кейин — бу фикримга қўшилмай илоҳнинг йўқ, — у чиндан ҳам шундай жойлашганки, файласуфнинг руҳини беихтиёр ўзига жалб этади. Гап бундай, бизнинг безансон-

лик меҳрибон конгрегациячиларимиз дунёдаги ҳамма нарсадан фойда кўрсак дейишади, агар йўлини топиб гаплашсанг, улар сенга менинг омонат бошимни сотишлари мумкин...

Фуке бу мудҳиш битимда муваффақият қозонди. Тунда у ўз хонасида дўстининг жасади ёнида ёлғиз ўтирар экан, бирдан эшик очилиб, Матильда кириб келганини кўрди-ю, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Бундан атиги бир неча соат олдин у қизни Безапсондан эллик чақиримча нарида қолдириб келган эди. Матильданинг кўзлари олазарак эди, нигоҳида қандайдир телбалик акс этарди.

— Мен уни кўрмоқчиман, — деди қиз.

Фуке жавоб беришга ҳам, жойидан жилишга ҳам ботинмади. У ерда ётган катта зангори плашга ишора қилди: Жюльеннинг боши танидан жудо қилинган жасади ана шу плашга ўраб қўйилган эди.

Матильда жасад олдида тиз чўкди. Бонифаций де ля Моль ва Маргарита Наваррская ҳақидаги хотиралар унга шубҳасиз қандайдир мисли йўқ матонат бағишламоқда эди. У қалтироқ қўллари билан плашни очди. Фуке тескари қаради.

У Матильданинг хонада қандай шиддат билан уёқдан-буёққа юришини эшитиб турарди. Қиз бирин-кетин бир неча шамни ёқиб қўйди. Фуке юрак ютиб ўгирилиб қараганида, қиз олдида турган кичкина мармар столчага Жюльеннинг бошини қўйиб, унинг пешонасидан ўпаётганини кўрди...

Матильда севиклисини унинг ўзи танлаган қабрга кузатиб қўйди. Руҳонийларнинг катта процессияси тобутни кузатиб борарди, Матильда эса деразаларига парда тutilган каретада ўзи бениҳоя севган йититинг бошини тиззасига қўйганича ёлғиз ўзи ўтирарди.

Тун алламаҳалда процессия Юра тоғининг энг баланд тармоқларидан бирининг чўққисига етиб борди ва ўша ерда, беҳисоб шамлардан нурафшон бўлиб турган кичкина горда йигирма руҳоний Жюльенга жапоза ўқишди. Процессия ўтиб бораётган тоғдаги кичкина қишлоқларнинг аҳолиси бу гаройиб дафи маросимга қизиқиб, уларга қўшилиб олган эдилар.

Узун мотам кийими кийган Матильда пайдо бўлиб, жа-

нозадан сўнг унинг буйругига биноан халойиққа мингта беш франклик танга соча бошланди.

Фуке билан ёлғиз қолгач, у севиклиснинг бошини ўз қўллари билан дафн этмоқчи эканини айтди. Фуке қайғудан жинни бўлаёзган эди.

Матильданинг ҳаракати туфайли бу кимсасиз гор Италиядан катта пулга буюртма қилиб келтирилган ҳайкаллар билан безатилди. Де Реналь хоним ваъдасини бузмади. У ўзини-ўзи ўлдиришга ҳаракат қилмади-ю, лекин Жюльен қатл этилганидан сўнг орадан уч кун ўтгач, ўз болаларини бағрига босиб туриб, дунёдан кўз юмди.

Озодликни ҳимоя қиладиган жамоат фикрининг чексиз ҳукмронлиги билан боғлиқ бўлган ноқулайлик шундан иборатки, у ўзига мутлақо алоқаси бўлмаган соҳаларга ҳам аралашаверади, масалан, одамларнинг шахсий ҳаётига. Англия ва Америкада ҳукм сураётган умидсизлик ана шундан келиб чиқади. Шу боисдан ҳам одамларнинг шахсий ҳаётига бехосдан қаттиқ тегиб кетмаслик учун муаллиф Веррьер шахарчасини ўйлаб чиқарди, епископ, судья, маслаҳатчилар ва суд мажлиси керак бўлиб қолганида эса воқеаларни Безансон шахрига кўчириб ўтдики, камина у ерга умри бино бўлиб қадам босган эмас.

13-бетга: *Гельвеция* — Швейцариянинг қадимги номи.

19-бетга: Флери 1640—1723) — машҳур француз черков тарихчиси.

22-бетга: *Буонапарте* — ультрароялистлар даврасида Наполеон I ни фамилияси билан аташ одат бўлган. Улар итальянча талаффуз билан уни шундай Буонапарте дея талаффуз қилишарди.

24-бетга: *Де Монтессон хоним* (1737—1806) — герцог Орлеанскийнинг (қирол Людовик-Филиппнинг буvasи) хотини; гарчи кўнчилик хабардор бўлса-да, бу никоҳ махфий эди. Де Монтессон хоним бир талай драматик асарлар ёзган.

Де Жанлис хоним (1746—1830) — француз адibasи, романлар ва педагогик асарлар муаллифи, герцог Орлеанскийнинг (кейинчалик қирол Людовик-Филипп) тарбиячиси бўлган.

Дюкре (1747—1824) — де Жанлис хонимнинг укаси, иқтисод ва кemasозлик бўйича бир неча асарларнинг муаллифи, бир пайтлар қирол Людовик-Филиппнинг отаси бўлмиш герцог Орлеанскийнинг хизматида бўлган; Пале-Рояль герцог Орлеанскийларнинг оилавий қасри эди.

28-бетга: *«Илоҳий Елена мемориали»*.— Ушбу кундалик Ласказнинг (1800—1854) қаламига мансуб бўлиб, бу одам Наполеон I билан Муқаддас Елена оролига сургунга жўнаган ва у ерда 1816 йилнинг ноябрь ойига қадар яшаган. Мазкур асар 1823 йили чоп этилган бўлиб, унда Наполеоннинг ўша оролга қилган сафари ва у ердаги ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган барча воқеалар, унинг барча суҳбатлари кунма-кун ёзиб борилган. Наполеон ушбу асарда либерал монарх сифатида тасвирланган.

29-бетга: *Эний* — мелоддан илгари III—II асрларда қадимги Римда яшаган шоир. Эпиграф қилиб олинган ибора римлик саркарда Фабий Кунктаторнинг Иккинчи пунлар уруши даврида қўллаган стратегиясига дахлдор.

31-бетга: *«Папа ҳақида»*.— Машҳур реакцион файласуф Жозеф де Местер ўзининг ушбу китобида папаларнинг мутлақ ҳукми ва уларнинг бенуқсонлиги ҳақида фикр юритади. Мазкур асар 1819 йили чоп этилган бўлиб, ультрароялистлар орасида машҳур бўлган.

33-бетга : *Лоди кўприги ва Риволи яқинидаги Арколь — 1796 — 1797* йиллардаги итальян юриши пайтда Бонапарт Австрия кўшинлари устидан галаба қозонган жойларнинг номлари.

34-бетга : «*Конституционалист*» — либерал-буржуа йўналишидаги газета. Реставрация пайтида муҳим сиёсий роль ўйнаган.

165-бетга : *Лафонтен (1621—1695) масали*, — Жан Шуаре ҳақидаги масал «Кюре ва марҳум» деб аталади. Кюре тобут ортидан юрар экан, ўзича ушбу дафн маросимидан қанча даромад тушишини чамалаб боради. Шу пайт дафъатан арава қалқиб кетадию жасад кюренинг устига ағдарилади ва руҳоний тил тортмай ўлади.

188-бетга : *1674 йилдаги қамал* — Людовик XIV Европа коалицияси (Австрия, Испания ва Голландия) билан уруш олиб борган пайтлари Безансон шаҳри қамал қилинган.

199-бетга : *Боссюэ (1627—1707), Арно (1612—1694)* — илоҳийётчи француз католик олимлар.

202-бетга : «*nam ecelesiam*» — Папа Пий V томонидан чоп этилган мажмуада бундай ақоид йўқ. Чамаси, бу Стендалнинг уйдирмаси бўлса керак.

205-бетга : *Сьейес (1748—1836)* — француз революциясининг арбоби. У аслида руҳоний бўлгану, аммо революция бошланганидан сўнг унинг томонига ўтган.

Грегуар (1750—1831) — революцияга содиқлик ҳақида оит ичган епископ. Кейинчалик у революциянинг кўзга кўринган арбобларидан бирига айланган.

209-бетга : *Сикст Бешинчи (1521—1590)* — папалик тахтига 1585 йили ўтирган. Тарихчи Григорио Летининг ёзишича, у ўн уч йил давомида ўзини хаста кўрсатиб юрган ва кардиналлар, барибир тез кунда дуқёдан ўтади, деган умидда уни папаликка сайлаб юборганлар. Бироқ сайлов тугаган заҳоти янги папа қўлтиқтаёқни улоқтириб гавдасини ростлагану, шу қадар жаранглатиб ҳамду сано ўқиганки, буни кўриб барча кардиналлар анграйиб қолинган.

224-бетга : *Барем (1709 йилда ўлган)* — элементар арифметика дарслигининг муаллифи. Ушбу дарсликдан шу қадар кенг фойдалани-

шар эдики, оқибатда Баремнинг номи турдош отга айланиб кетган; «Барем санъати» — арифметика ёки «ҳисоб-китоб илми».

237-бетга: *Магдалина ҳақидаги поэма* — Стендаль, чамаси, француз шоираси Дельфина Ге (эрга теккач де Жирарден фамилиясини қабул қилган. (1804—1855) қаламига мансуб «Магдалина» поэмасини назарда тутган бўлса керак.

269-бетга: *Мальмезон* — Париж яқинида жойлашган сарой. У Бонапартнинг биринчи хотини Жозефина Бонапартнинг мулки бўлган. Наполеон республикасининг Биринчи консули бўлган кезлари 1799 йилдан 1807 йилга қадар ўша ерда яшаган, у тахтга ўтирганидан сўнгра Мальмезонни тарк этган ва ўзига қароргоҳ қилиб Сен-Клуни танлаган. Шундай қилиб, Мальмезон Наполеоннинг республика раҳбари пайтидаги фаолиятининг тимсолига айланган «Жюльен учун ҳам, кейинги авлод учун ҳам Арколь кўприги, Муқаддас Елена ва Мальмезон орасида ҳеч қандай фарқ йўқ эди» дер экан, Стендаль кейинги авлодлар кўзида Наполеон сиёсатининг кетилицизм монархик гоялар ҳамда деспотизмни қайта тиклаш билан боғлиқ салбий томонлари унутилиб, фақат Францияни тор-мор этилишдан сақлаб қолган революцион лашкарбоши, давлат арбоби ва Муқаддас Елена оролига банди қилинган маҳбус сифатида сақланиб қолажанини кўрсатмоқчи бўлади.

272-бетга: *Кардинал Дюбуа* (1656—1723) — франциялик сиёсий арбоб, регент, герцог Орлеанскийнинг ишончли одами. У аптекачининг ўгли бўлган, Парижга кўчиб келган, дастлабки пайтлари бадавлат хонадонларда тарбиячи бўлиб хизмат қилган. Сўнгра у герцог Шартрекий (кейинчалик герцог Орлеанский ва регент)нинг тарбиячисига котиблик қилган ва ниҳоят герцог Шартрекийнинг тарбиячиси бўлиб олган. У ниҳоятда устamon одам бўлиб, сарой фитналарида фаол қатнашган ва ўз мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай қабихликдан қайтмаган.

282-бетга: *Шанель* (1626—1686) — Людовик XIV даврида яшаган иккинчи даражали француз шоири.

Саути Роберт (1774—1843) — инглиз шоири. У ёшлигида либералларча дунёқарашга эга бўлган, кейинчалик эса реакция тарафига ўтиб кетган. Ўзининг «Суд шарпаси» поэмасида (1821) Саути Байронни ахлоқсизликда айблаган ва у ҳақида турли-туман бўҳтон гапларни тарқатган.

Георг IV — 1820 йилдан то 1830 йилга қадар инглиз қироли бўлган.

288-бетга: *Зангори лента* — Реставрация давридаги энг нуфузли орден.

290-бетга: *Қиролнинг каретасида юриш* — эски тузум ва Реставрация даврида қирол овга чиққан кезлари саройга тавсия этилган ва алоҳида хизмат ҳамда унвонларга эга бўлган кишиларгина қирол кареталарида юриш ҳуқуқига эга эдилар. Бу ҳуқуқ уларга фақат қиролнинг шахсий фармони билан бериларди. 1760 йилдан бошлаб бу ҳуқуқдан фақат дворянлик шажараси камида XIV асрга бориб тақаладиган кишиларгина фойдаланиши мумкин бўлиб қолганди.

292-бетга: *Аббат Прадр* (1759—1837) — Таъсис мажлисининг аъзоси ва ўнг партия тарафдори, Наполеон даврида катта амалдор бўлган, 1841 йили эса «Бурбонларни тахтга ўтказдим»,— дея мақтанган. Шундан сўнг у либерал бўлиб олган ва либерал опозицияни журъатсизликда айблаган.

Талейран (1754—1838) — машҳур француз дипломати, 1814 йили Бурбонларнинг қайта тахтга ўтиришига кўмаклашган.

Поццо ди Борго (1764—1842) — Наполеонни тахтдан ағдариб, Бурбонлар сулоласини қайта тахтга ўтказишни талаб қилган рус дипломати.

293-бетга: *Батон* (Le baton) — француз тилида «таёқ» маъносини англатади.

297-бетга: *Замонанинг буюк шоири* — Беранже (1780—1857) 1828 йили у кўшиқлар тўпламини чоп эттиргач, шоирни давлат хизматидан қувишган ҳамда тўққиз ой қамоқ жазоси ва ўн минг франк жарима тўлашга ҳукм қилишганди. Бу жаримани шоирнинг мухлислари тўлаб юборишган.

Лорд Голланд (1773—1840) — илғор инглиз сиёсий арбоби, 1815 йили парламент аъзолари орасида ёлғиз шу одамгина Наполеоннинг қувғин қилинишига қарши чиққан эди. Кейинчалик у парламентда Наполеон учун Муқаддас Елена оролидаги қамоқ режимини бир оз енгиллаштиришни талаб қилиб чиққан.

299-бетга: *Граф де Талер* — Стендаль барон Ротшильдни назарда тутган. Барон Ротшильд бир неча бор Реставрация ҳукуматига пул қарз бериб турган. Хусусан, у Испанияда абсолютизмни тиклаш мақсадида олиб боришган Испан уруши даврида ҳукуматга катта пул берган.

309-бетга: *«Граф Ори»* — Россия (1792—1868) қаламига мансуб опера (либретто муаллифлари Скриб ва Пуарсон). Бу асар Парижнинг Опера театрида 1828 йилнинг 20 август кунини кўрсатилган. У Россиянинг энг етук операларидан бири ҳисобланади.

312-бетга: *Ривароль* (1753—1801) — француз адиби ва сиёсий арбоби; революция пайтида Гамбургга кўчиб кетган. XVIII аср француз салонларидаги назик қочиринқ гапларга одатланмаган гамбургликлар бу ажойиб аскиячининг ҳазил-мутойибаларини яхши тушунишмас ва ривоятга қараганда, «фақат эртаси кунинггина кула бошлашар экан».

315-бетга: *Лорд Бетхерст* (1762—1834) — 1809 йили министрлик портфелига эга бўлган торилар партиясига мансуб инглиз давлат арбоби. У француз революцияси гоълари ва Наполеонга шибатаи чекеиз нафрати билан машхур бўлган. Наполеон учун Муқаддас Елена оролида «қамоқхона ноъири» ролига у генерал Хедсон Лоуни (1769—1844) танлаган. Уна генерал ўз вазифасини шу қадар «сўдқидилдан» бажарганки, оқибатда бутун Европадаги либерал жамоатчилигининг газаби кўзинган. 1817 йили лорд Бетхерст, лорд Голланднинг инглиз маъмурлари томонидан асир Наполеонга шибатаи зулм ўтказилиши масаласида тафтиш ўтказини ҳақидаги таклифига қарши чиққан.

325-бетга: *Феретрий* (feretrius) — лотинча сўз бўлиб, «яксон этувчи» маъносини англатади. Қадимги Римда мағлуб дунмандан тортиб олинган қуролни тортиқ этиладиган уруш худоси Юпитерни шундай аташарди. Реставрация даврида француз олимларидан бири Юпитернинг бу лақабини, Римнинг етти ҳукмдорларидан бирининг номи бўлса керак, деи адашган.

333-бетга: *Маршал Ней* (1769—1815) — Юз кун даврида Наполеон тарафига ўтган, 1815 йили суд ҳукми билан хиёнатчи сифатида қатл этилган.

337-бетга: *Пишегрю* (1761—1804) — француз революцион генерали. Биринчи консулга қарши фитна уюштиришда айбланиб қамоққа олинган ва қамоқхонада бўйинидаги галетукка ўзини осган ҳолда топилган.

Карно (1753—1823) — француз революциясининг арбоби, якобинчи, коалицияга қарши уруш давридаги хизматлари учун унга «ғалаба ташкилотчиси» деган ном берилган. Реставрация даврида қувғин қилинган ва дарбадарликда ўлиб кетган.

Вели (1709—1759) — француз иезуити, монархияга садоқат руҳида ёзилган «Франция тарихи» китобининг муаллифи.

341-бетга: «Эрнани» — Виктор Гюго (1802—1885) қаламига мансуб драма. 1830 йилнинг 25 февраль куни «Комеди Франсез» театрида сахнада қўйилган.

Тальма (1763—1826) — машҳур француз актёри, кўпроқ трагик ролларни ўйнаган.

Аббат Делиль (1738—1813) — «баёичилар мактаби» га мансуб бўлмиш шоир. У 20-йилларда йирик классик шоир ҳисобланарди-ю, бироқ романтиклар, жумладан, Стендаль ҳам уни калака қилиб юришарди. Делиль Вергилийнинг «Георгиклар» асарини эркин таржима қилган.

344-бетга: *Д'Обинье* (1550 — 1630) — ёзувчи, тарихчи ва лашкарбоши, Реформациянинг граждаишлар урушида фаол иштирок этган кальвинист, «1550 йилдан 1601 йилга қадар умумий тарих» китобининг муаллифи.

Брантом (1527—1614) — «Машҳур одамлар ва буюк француз саркардаларининг ҳаёти», «Машҳур хонимлар ҳаёти» каби китобларнинг муаллифи. Брантом бу асарларда сарой фитналари ва машҳур хонимларнинг ишқий саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилган.

345-бетга: *Легуаль* (1546—1611) — Генрих III ва Генрих IV даври ҳақида гаройиб «Қундаликлар» ёзиб қолдирган, француз мемуарчиси.

348-бетга: *...испанлар шамиридан қўрқмаслик.* — Граф Порбер, чамаси, 1823 йили Испанияга қарши урушида иштирок этган ва у ерда жасорат кўрсатган бўлса керак.

352-бетга: *Аббат Мори* (1746—1817) — сиёсий арбоб ва Талейс мажлисининг машҳур нотиғи, Франциядан муҳожириликка жўнаб 1794 йили епископликка кўтарилган.

Бассомьер (1579—1646) — француз маршали ва дипломати, XVII аср бошларидаги шиддатли воқеалар ва ўша давр муҳитини яхши тасвирлаб берган мемуарлар муаллифи.

Вандея — Франциянинг шимолдаги области, француз революцияси даврида у ерда Бурбонлар сулоласини қайтадан тахтга ўтқазини мақсадида контрреволюцион қўзғолошлар бўлиб турган.

359-бетга: ...руҳонийларга уларнинг ер-мулкларини қайтариб бериш...— Революция даврида руҳонийлардан мусодара қилинган ерсув ва ўрмонлар давлат мулки ҳисобланган ва 1814 йили давлат заёми учун кафолат мулк ҳисобини ўтаган. Реакцион партиянинг вазифаларидан бири ана шу ер-мулки олдинги эгаларига қайтариб беришга эришиш эди.

...1792 йили Кобленцда...— Франция билан чегарадош ана шу немис шаҳарчасида француз муҳожир зодагонлар тўпланишган. Бу ерда улар эски тузумни қайта тиклаш мақсадида Францияга бостириб кириш учун армия ташкил қилиш билан шугулланишган.

365-бетга: *Леонтина Фэ* — «Жимназ» театрининг комик актрисаси. У 1826—1834 йилларда кўпроқ Скрибнинг комедияларида роль ижро этган. Бу актрисанинг ўйини ўзининг нозик истигноси билан ажралиб турарди.

368-бетга: *Гранвель* — кардинал Перрено де Гранвель (1517—1586), иснан қироллари Карл V ва Филипп II ларнинг вазири, асли безансонлик бўлган.

369-бетга: *Фонтан* (1801—1839) — француз ёзувчиси ва журналисти, у «Қутурган кўчқор» памфлети учун (1829) қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Қутурган кўчқор тимсолида у қирол Карл X ни назарда тутган эди. Фонтан июль революциясидан сўнг 1830 йили қамоқдан озод қилинган.

Масалон (1794—1840) — француз ёзувчиси. Реставрация бошида у монархист бўлгану, аммо террорнинг авжига минишидан газабланиб, либерал оппозиция тарафига ўтган. У муҳаррирлик қилган «Альбом» журнали ёпилиб, унинг ўзини қамоқ жазосига ҳукм қилишган, (1823) уни қонунга хилоф равишда, худди Фонтанга ўхшатиб, оёғига кишан урилган ҳолда каллакасар жиноятчилар қамоқхонасида сақлашган.

Полковник Карон (1774—1822) — Реставрация даврида Кольмарда харбий тўнтариш ясашга уринган, аммо унга хиёнат қилишган. Полиция иттифоқчилиги билан уни очиқчасига майдонга чиқишга мажбур қилган. У қамоққа олинган ва 1822 йил 1 октябрь куни отиб ташланган.

372-бетга: ...*Жарнак ёки Монконтур бўсағасида жанг қилганида эди...*— 1669 йили аввалига Жарнак ёнида, сўнгра Монконтур бўсағасида француз гугенотларининг армияси католик Лига кўшинлари томонидан тор-мор этилганди.

379-бетга: «*Бироқ номус ягона бизда!*» — Корнелининг «Сид» трагедиясидан цитата. *Дон Диего* — шу трагедиянинг персонажи.

405-бетга: *Чимароза* (1749—1801) — итальян композитори, ўз вақтида жуда машхур бўлган «Махфий никоҳ» комик операсининг муаллифи. Стендаль бу асарни Европадаги энг яхши комик опера дея ҳисобларди.

419-бетга: XXI ва ундан кейинги боблар Реставрациянинг биринчи йилларида ультрароялистлар уюштириб турган махфий фитналарни эслатади. Уша кезлари ҳукумат олдида турган асосий вази-фани «территорияни озод қилиш», дея аташ мумкин эди. Наполеон иккинчи марта тахтдан қулаганидан сўнг Франция Европа коалицияси қўшнилари томонидан оккупация қилингандики, бу қўшнилари Бур-бонлар тоғу тахтини мамлакат ичидаги революцион галаёнлардан ҳимоя қилмоғи даркор эди. Тийиқсиз реакционер граф д'Артуа (кейин-чалик қирол Карл X) атрофида уюшган ультрароялистлар эса бунга қар-ши эдилар. Граф д. Артуа ҳукуматдан яширинча Лондонга ўз агентларини жўнатиб, инглиз министрлигидан оккупация муддатини чўзишни илтимос қилиб турарди. Шундай агентлардан бири Жюль де Полиньяк бўлган. У Лондонга граф д'Артуанинг «махфий мактубини» олиб борган. Стендаль ўз романида гарчи асаридаги воқеалар ўн икки йил кейин-роқ содир бўлса-да, ана шу эпизоддан фойдаланган. Зеро 1830 йилда сиёсий аҳвол шундай эдики, революция содир бўлишидан чўчиган ультрароялистлар ёрдам сўраб ўзга мамлакатларга мурожаат қилишля-ри мумкин эди.

430-бетга: «*Ким бўлади у? Худоми, дастурхон ёхуд жомашўй?*» — Лафонтеннинг «Хайкалтарош ва Юпитер хайкали» масалидан цитата.

431-бетга: «*Глобус*» — 1824 йилда ташкил этилган либерал йў-налишдаги журнал. «Глобус» ҳукуматнинг реакцион сиёсатига қарши курашда ва шу йўсинда Июль революциясини тайёрлашда катта роль ўйнаган.

Клебер (1753—1800), *Гом* (1768—1797), *Журдан* (1762—1833) — француз революцион армиясининг генераллари. Улар ўз ҳалолликлари ва революцияга садоқатлари билан ном чиқаринган.

432-бетга: *Кателино* (1759—1793) — Вандеядаги контрреволю-цион галаёнининг йўлбошчиларидан бири, қишлоқдаги оддий гшиг терувчининг ўгли бўлган.

Якобинчилар қўшиғи — «Марсельеза»; «*Батальонларга саф тортинг*» — кўн ўтмай революцион гимнга айланган шу қўшиқнинг нақоратидан олинган сўзлар.

444-бетга: *Дезе* (1768—1800) — революцион армиянинг генерали. 1796 йили Моро қўмондонлик қилган француз армияси Рейн областида чекинар экан, Дезе унча катта бўлмаган отряд билан Келе қалъасига қамалиб олган ва Бонапарт қўмондонлигидаги француз қўшинлари италийан кампаниясида галаба қозонмагунига қадар Австрия бош қўмондони эрцгерцог Карл қўшинларини ана шу қалъа деворлари олдида тўхтатиб турган.

Гувьон Сен-Сир (1764—1830) — француз генерали, революция ва Империянинг барча юришларида, хусусан, Моронинг чекинишида ҳам иштирок этган. «Қизил ва қора» романининг ёзилишидан бир неча йил олдин унинг ўша юришлар ҳақидаги эсдаликлари чоп этилган эди.

451-бетга: «*Манон Леско*» балети — Парижда 1830 йилнинг XIX асрнинг бошларида кенг тарқалган кўшиқлар муамлифи.

462-бетга: *Мюнстер трактати* — ушбу трактат кўпроқ Вестфаль сулҳи номи билан машҳур; 1648 йили тузилган маъмур сулҳ ўттиз йиллик урушга чек қўйган.

465-бетга: «*Манон Леско*» балети — Парижда 1830 йилнинг 3 май куни саҳналаштирилган. Унинг либреттоси Превонинг машҳур романи асосида Скриб томонидан ёзилган, музикани Алеви (1799—1862) басталаган.

519-бетга: *Де Лавалет* (1769—1830) — француз давлат арбоби. 1815 йили, у Эльба оролидан қайтган Наполеоннинг Парижга кириб келиши учун қўлидан келганича ёрдам берган. Иккинчи Реставрациядан сўнг у қамоққа олиниб, давлат жиноятчиси сифатида ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Қатл этиш тайинланганидан бир кун олдин қамоқхонага уни кўргани хотини келади: Лавалет хотинининг кийини кийиб, қамоқхонадан қочишга муваффақ бўлган.

533-бетга: *Де Шеврез хоним* (1600—1679) — бу аёл Франциядаги граждандар уруши тарихида муҳим роль ўйнаган. У кардинал Ришельега қарши уюштирилган барча фитналарда иштирок этган, мамлакатдан қувғин қилинган пайтларида эса Европа давлатларини Францияга қарши уруш бошлашга даъват этган.

Де Лонгвиль хоним (1619—1679) — де Шеврез хоним каби Фронданинг машхур арбобларидан бири.

536-бетга: *Ажралиб қолган либерал.*— 1827 йили депутатлар палатасига сайлов пайтида ўнг либералларнинг бир гуруҳи сўл оппозицияга қўшилиб кетган. Ана шу гуруҳни «ажралиб қолганлар» — дея атай бошлашган.

544-бетга: *Буюк «Бўлиши мумкин»* — бу сўзларни нариги дунё ҳақидаги христианларча тасаввур ҳақидаги ўлим тўшагида ётган Рабле айтган эмиш. «Мен буюк бўлиши мумкинни излагани жўнайман».

549-бетга: *Маниюэль (1775—1827)* — машхур сиёсий арбоб — либерал. 1793 йили у кўнгилли бўлиб армияга кирган, итальян юришида иштирок этиб, огир ярадор бўлган.

550-бетга: *Бельфегор ҳақидаги шеърлар.*— «Бельфегор Макьявеллидан ўзлаштирилган қисса» — Лафонтеннинг шеърый новелласи. Новеллада ҳикоя қилинишича, Иблис шайтон Бельфегорни эр-хотинлик қандай бўлишини ўз тажрибасида билиб келиш учун ёруғ дунёга юборди. Аммо Бельфегор орадан кўп ўтмай хотинининг дастидан жаҳаннамга қочишга мажбур бўлади. Стендаль назарда тутган шеър Бельфегорнинг унга вазифа топширган Иблисга ахбороти тарзида ёзилган.

661-бетга: *Рим қироли* — Наполеон Iнинг ўгли, тугилган заҳоти унга Рим қироли (1811—1832) унвони берилган. Бонапартчилар, гарчи у ҳеч қачон француз тахтига ўтирмаган бўлса-да, уни Наполеон II деб аташарди. Наполеон I 1814 йили ҳам, 1815 йили ҳам тахтдан воз кечганида уни ўзига ворис этиб тайинлаган. Бироқ иттифоқчи давлатларнинг қарорига биноан шаҳзода ўз буваси Австрия императорининг тарбиясига топширилган.

Массильон (1663—1742) — француз воизи ва епископи. Айтишларига қараганда, гарчи ўзи ниҳоятда хушахлоқ одам бўлса-да, Регентлик даврининг сиёсий арбоби, фитначи ва фосих Дюбуани епископ этиб тайинлашларига кўмаклашган экан.

<i>II. Шермухамедов. Мен ҳақиқатни севардим.....</i>	5
--	---

Биринчи қисм

I. Шаҳарча.....	12
II. Жаноб мэр.....	16
III. Йўқсиллар мулки.....	19
IV. Ота ва ўғил.....	25
V. Битим.....	29
VI. Кўнгилсизлик.....	37
VII. Сайланма ўхшашлик.....	45
VIII. Кичик ҳодисалар.....	57
IX. Чорбоғдаги оқшом.....	65
X. Нотанон кўнгилга қўтир жамашов.....	74
XI. Кечки пайт.....	77
XII. Саёҳат.....	83
XIII. Нафис пайпоқ.....	90
XIV. Инглиз қайчиси.....	95
XV. Хўроз қичқирди.....	99
XVI. Эртаси куни.....	103
XVII. Биринчи муовин.....	108
XVIII. Қирол Веррьерда.....	113
XIX. Ўйламоқ — демак азоб чекмоқ.....	128
XX. Иъзосиз мактублар.....	138
XXI. Жаноб билан суҳбат.....	143
XXII. 1830 йилда шундай йўл тутар эдилар.....	158
XXIII. Амалдорнинг қайғуси.....	172
XXIV. Катта шаҳар.....	188
XXV. Семинария.....	195
XXVI. Одамзод ёки бадавлат кинига етишмайдиган нарса ҳақида....	203
XXVII. Ҳаёт тажрибасининг бошланғичи.....	214
XXVIII. Санам юриши.....	218

XXIX. Биринчи ғалаба.....	226
XXX. Шухратпараст.....	242

Иккинчи қисм

I. Қишлоқдаги эрмаклар.....	262
II. Киборлар жамиятига биринчи қадам.....	274
III. Илк қадамлар.....	283
IV. Де ля Моль хонадониди.....	287
V. Таъсирчанлик ва акобир мунофиқ.....	300
VI. Талаффуз оҳанглари.....	303
VII. Бод касалининг хуружи.....	310
VIII. Ажратиб кўрсатувчи тафовут.....	319
IX. Бал.....	330
X. Қиролича Маргарита.....	340
XI. Еш қизнинг қудрати.....	349
XII. Даптон эмасмикин бу?.....	354
XIII. Фитна.....	361
XIV. Еш қизнинг мулоҳазалари.....	371
XV. Фитна эмасмикин бу?.....	378
XVI. Кечаси соат бирда.....	384
XVII. Қўхна шамшир.....	391
XVIII. Даҳшатли дақиқалар.....	397
XIX. Опера Буфф.....	403
XX. Япон гулдони.....	413
XXI. Махфий нота.....	419
XXII. Музокара.....	426
XXIII. Руҳонийлар, ўрмонлар, озодлик.....	434
XXIV. Страсбург.....	444
XXV. Такводорлик хизматида.....	451
XXVI. Савобли муҳаббат.....	459
XXVII. Энг яхши черков мансаблари.....	463
XXVIII. Манон Леско.....	467
XXIX. Зерикиш.....	472
XXXI. Гулгула.....	480
XXXII. Йўлбарс.....	486
XXXIII. Тушқунлик.....	492
XXXIV. Ақлли одам.....	498
XXXV. Хатар.....	505
XXXVI. Нохуш тафсилотлар.....	511
XXXVII. Минора.....	519
XXXVIII. Қудратли одам.....	524
XXXIX. Интрига.....	530

XL	Хотиржамлик.....	535
XLI	Суд.....	540
XLII	547
XLIII	555
XLIV	558
XLV	566
Изоҳлар.....		576

На узбекском языке
Шедевры мировой литературы

СТЕНДАЛЬ
КРАСНОЕ И ЧЕРНОЕ

Роман

Третье издание

Перевод с издания Гослитиздата, Москва, 1950

«ЖАД» нашри учун масъуллар:

Ш. Усмонхўжаев

В. Барсукова

С. Азимова

Редактор М. Ахмедова

Расом Б. Ишин

Ҳасмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор М. Мирражабов

Корректор Ш. Соатова

ИБ № 3284

Босмахонага берилди 10.01.86. Босишга рухсат этилди 29.09.86. Формати 84×108 1/32. Босмахона қоғози № 1. Янги-оддий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 31.08. Шартли кр. — оттик 31.08. Нашр л. 33.24. Тиражи 30000. Буюртма №1866. Баҳоси 3 с. 10 т. Шартнома 242—84.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарши бирлашмасининг Бош корхонаси, Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

Стендаль.

Қизил ва қора: 1930 йил хроникаси: Роман Русчадан Х. Тўрабеков тарж. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. — 592 б. — («Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясининг таҳрир ҳайъати: Зулфия, Уйғун, Комил Яшин ва бошқ.)

Манхур француз ёзувчиси Стендалнинг «Қизил ва қора» романи ҳақини равишда дунё адабиёти дурдоналари қаторидан ўрни олган.

Оддий бир дурадгорнинг ўғли Жюльен Сорель жамиятда ўз ақли ва фазилатларига яраша мавқега эришмоқчи бўлади. Бироқ буржуа жамияти қандайдир фуқаро йиғининг юкселишига йўл қўймиди дейсиз? Романда эгулик билан равишлик орасидати кураш бағоят зўр куч билан тасвираб берилган. Асарнинг «Қизил ва қора» деб номланишининг босиш хам ана шунда.

Стендаль. Красное и черное. Хроника 1930 года: Роман.

И (Франц)

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1987 йилда «Жаҳон адабиёти дурдоналари» сериясидан
қуйидаги асарларни нашр қилади:

К. Миксат. «Ғаройиб никоҳ». *Роман.*
М. Горький. «Она». *Роман, ҳикоялар.*
Мопассан. «Ҳаёт. Азизим. Новеллалар».